



343(575 1)/(072)

F 92

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ УНИВЕРСИТЕТИ**

Юридик фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист  
**М.Х. РУСТАМБАЕВ**

**ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИНИНГ  
ЖИНОЯТ  
КОДЕКСИГА ШАРҲЛАР**

**УМУМИЙ ҚИСМ  
(1–96-моддалар)**

**Тўлдирилган ва қайта ишланган  
тўртинчи нашр**

**Тошкент  
«Yuridik adabiyotlar publish»  
2023**

УЎК: 343(575.1)(0.072)

КБК: 67.411(5Ў)

P-92

P-92

**Рустамбаев М.Х.**

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. Умумий қисм/М. Рустамбаев. – Тошкент: «Yuridik adabiyotlar publish», 2023. – 784 б.

ISBN 978-9943-8523-7-2

УЎК: 343(575.1)(0.072)

КБК: 67.411(5Ў)

**Тақризчилар: Қ.Р. АБДУРАСУЛОВА,**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси  
Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва  
криминология кафедраси,  
ю.ф.д., профессор.

**Д.М. МИРАЗОВ,**

Ўзбекистон Республикаси Жамоат  
хавфсизлиги университети  
«Жинойи ҳуқуқий фанлар» кафедраси  
бошлиғи, ю.ф.д., профессор

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар амалдаги жиноят туғрисидаги қонунчилик асосида ёзилган. Унда Жиноят кодексига 2023 йил 1 мартга киририлган ўзгартриш ва қўшимчалар инобатга олиниб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорлари ва суд амалиёти манбаларидан фойдаланилган.

Шарҳларда Жиноят кодекси Умумий ва Махсус қисми ҳар бир моддасига алоҳида-алоҳида шарҳ тайёрланган бўлиб, Жиноят кодекси нормалари диспозициясининг маънаси, ҳуқуқ нормасида белгиланган жиноятларнинг субъекти, субъектив томони, объекти, объектив томони белгиларининг асосий жиҳатлари очиқ берилган, ҳуқуқ нормаларида урнатилган санкцияларнинг мазмуни, уларни қўллаш тартиби кўрсатилган.

Жиноят кодексига шарҳлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари, судьялар, адвокатлар, олий ўқув юрталарининг ўқитувчилари, тадқиқотчилари, талабалари, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети курсантлари ва талабалари, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси тингловчилари шунингдек, жиноят ҳуқуқи ва қонунчилиги билан қизиқувчи кенг китобхонлар оmmasига мўлжалланган.



Телефон камераси ёки махсус мобил иловадан фойдаланиб, китобдаги QR-кодлар орқали моддалар шарҳида берилган норматив ҳужжатлар матни билан

© М.Х. Рустамбаев, 2023 й.

© Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети, 2023 й.

© «Yuridik adabiyotlar publish», 2023 й.

Abdulla Quality nomidagi

viloyat AKM

INV № 2023/45-44

## МУНДАРИЖА

<b>УМУМИЙ ҚИСМ</b> .....	9
<b>Биринчи бўлим. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР</b> .....	9
<b>I боб. ЖИНОЯТ КОДЕКСИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ВА ПРИНЦИПЛАРИ</b> .....	9
1-модда. Ўзбекистон Республикасининг жиноят туғрисидаги қонунчилиги .....	9
2-модда. Кодекснинг вазифалари .....	13
3-модда. Кодекснинг принциплари .....	20
4-модда. Қонунийлик принципи .....	23
5-модда. Фуқароларнинг қонун олдида тенглиги принципи .....	31
6-модда. Демократизм принципи .....	34
7-модда. Инсонпарварлик принципи .....	35
8-модда. Одиллик принципи .....	39
9-модда. Айб учун жавобгарлик принципи .....	42
10-модда. Жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи .....	45
<b>II боб. КОДЕКСНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ ДОИРАСИ</b> .....	47
11-модда. Кодекснинг Ўзбекистон ҳудудида жиноят содир этган шахсларга нисбатан амал қилиши .....	47
12-модда. Кодекснинг Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида жиноят содир этган шахсларга нисбатан амал қилиши .....	62
13-модда. Қонуннинг вақт бўйича амал қилиши .....	70
<b>Иккинчи бўлим. ЖАВОБГАРЛИК АСОСЛАРИ</b> .....	87
<b>III боб. ЖИНОЯТ</b> .....	87
14-модда. Жиноят тушунчаси .....	87
15-модда. Жиноятларни таснифлаш .....	97
16-модда. Жиноят учун жавобгарлик ва унинг асослари .....	102

<b>IV боб.</b>	<b>ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИЛИШИ</b>	
	<b>ЛОЗИМ БЎЛГАН ШАХСЛАР</b> .....	146
17-модда.	Жисмоний шахсларнинг жавобгарлиги .....	146
18-модда.	Ақли расолик .....	154
18 <sup>1</sup> -модда.	Ақли расоликни истисно этмайдиган тарзда рухий ҳолати бузилган шахснинг жавобгарлиги .....	169
19-модда.	Мастлик ҳолатида содир этилган жиноят учун жавобгарлик .....	170
<b>V боб.</b>	<b>АЙБ</b> .....	179
20-модда.	Айбнинг шакллари .....	179
21-модда.	Қасддан содир этилган жиноят .....	198
22-модда.	Эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноят .....	208
23-модда.	Мураккаб айбли жиноят .....	220
24-модда.	Айбсиз ҳолда зарар етказиш .....	224
<b>VI боб.</b>	<b>ТАМОМ БЎЛМАГАН ЖИНОЯТ</b> .....	228
25-модда.	Жиноятга тайёргарлик кўриш ва жиноят содир этишга суиқасд қилиш .....	228
26-модда.	Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш .....	240
<b>VII боб.</b>	<b>ЖИНОЯТДА ИШТИРОКЧИЛИК</b> .....	250
27-модда.	Жиноятда иштирокчилик тушунчаси .....	250
28-модда.	Жиноят иштирокчиларининг турлари .....	256
29-модда.	Иштирокчиликнинг шакллари .....	274
30-модда.	Жиноятда иштирок этганлик учун жавобгарлик доираси .....	288
31-модда.	Жиноятга дахлдорлик .....	301
<b>VIII боб.</b>	<b>БИР ҚАНЧА ЖИНОЯТ СОДИР ЭТИШ</b> .....	305
32-модда.	Такроран жиноят содир этиш .....	305
33-модда.	Жиноятлар мажмуи .....	319
34-модда.	Рецидив жиноят .....	328

<b>Учинчи бўлим. ҚИЛМИШНИНГ</b>	
	<b>ЖИНОЙЛИГИНИ ИСТИСНО</b>
	<b>ҚИЛАДИГАН ҲОЛАТЛАР</b> ..... 340
<b>IX боб.</b>	<b>ҚИЛМИШНИНГ ЖИНОЙЛИГИНИ</b>
	<b>ИСТИСНО ҚИЛАДИГАН ҲОЛАТЛАР</b>
	<b>ТУШУНЧАСИ ВА ТУРЛАРИ</b> ..... 340
35-модда.	Қилмишнинг жинойлигини истисно қиладиган ҳолатлар тушунчаси ..... 340
36-модда.	Кам аҳамиятли қилмишлар ..... 343
37-модда.	Зарурий мудофаа ..... 346
38-модда.	Охирги зарурат ..... 368
39-модда.	Ижтимоий хавfli қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш ..... 379
40-модда.	Буйруқ ёки бошқа вазифани ижро этиш ..... 394
41-модда.	Касб ёки хужалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккалчилик ..... 399
41 <sup>1</sup> -модда.	Жисмоний ёки руҳий мажбурлаш ёхуд кўркитиш ..... 406
<b>Тўртинчи бўлим. ЖАЗО ВА УНИ ТАЙИНЛАШ</b> ..... 409	
<b>X боб.</b>	<b>ЖАЗО ТУШУНЧАСИ, МАҚСАДЛАРИ</b>
	<b>ВА ТУРЛАРИ</b> ..... 409
42-модда.	Жазо тушунчаси ва мақсадлари ..... 409
43-модда.	Жазо тизими ..... 418
44-модда.	Жарима ..... 423
45-модда.	Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ..... 428
45 <sup>1</sup> -модда.	Мажбурий жамоат ишлари ..... 433
46-модда.	Ахлоқ тузатиш ишлари ..... 437
47-модда.	Хизмат бўйича чеклаш ..... 446
48-модда.	Чиқарилган ..... 451
48 <sup>1</sup> -модда.	Озодликни чеклаш ..... 451
49-модда.	Интизомий қисмга жўнатиш ..... 455
50-модда.	Озодликдан маҳрум қилиш ..... 460
51-модда.	Умрбод озодликдан маҳрум қилиш ..... 477
52-модда.	Ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш ..... 481

53-модда.	Чиқарилган.....	483
<b>XI боб.</b>	<b>ЖАЗО ТАЙИНЛАШ</b> .....	<b>484</b>
54-модда.	Жазо тайинлашнинг умумий асослари.....	484
55-модда.	Жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар.....	494
56-модда.	Жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар.....	517
57-модда.	Енгилроқ жазо тайинлаш.....	536
57 <sup>1</sup> -модда.	Айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганида жазо тайинлаш.....	544
57 <sup>2</sup> -модда.	Айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузилган жиноятлар буйича жазо тайинлаш.....	546
58-модда.	Тамом бўлмаган ва иштирокчиликда содир этилган жиноятлар учун жазо тайинлаш.....	552
59-модда.	Бир неча жиноят содир этганлик учун жазо тайинлаш.....	556
60-модда.	Бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш.....	567
61-модда.	Жазоларни қўшишнинг ҳисоблаш қоидалари.....	575
62-модда.	Ушлаб туриш, қамоққа олиш ёки уй қамоғи вақтини ҳисобга олиш қоидалари.....	578
63-модда.	Жазо муддатларини ҳисоблаш.....	582
<b>Бешинчи бўлим.</b>	<b>ЖАВОБГАРЛИКДАН ВА ЖАЗОДАН ОЗОД ҚИЛИШ</b> .....	<b>584</b>
<b>XII боб.</b>	<b>ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ҚИЛИШНИНГ ТУРЛАРИ</b> .....	<b>584</b>
64-модда.	Жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги муносабати билан жиноят учун жавобгарликдан озод қилиш.....	584
65-модда.	Қилмиш ёки шахс ижтимоий ҳавфлигини йўқотганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш.....	602
66-модда.	Айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш.....	607

66'-модда.	Ярашилганлиги муносабати билан жиной жавобгарликдан озод қилиш.....	613
67-модда.	Касаллик туфайли жавобгарликдан озод қилиш.....	620
68-модда.	Амнистия акти асосида жавобгарликдан озод қилиш.....	625
<b>XIII боб.</b>	<b>ЖАЗОДАН ОЗОД ҚИЛИШНИНГ ТУРЛАРИ</b> .....	<b>631</b>
69-модда.	Жазони ижро этиш муддати ўтиб кетганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш.....	631
70-модда.	Шахснинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотиши муносабати билан уни жазодан озод қилиш.....	640
71-модда.	Айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш.....	643
72-модда.	Шартли ҳукм қилиш.....	648
73-модда.	Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш.....	664
74-модда.	Жазони енгилроғи билан алмаштириш.....	675
75-модда.	Касаллик ёки меҳнат қобилиятини йўқотиш оқибатида жазодан озод қилиш.....	683
76-модда.	Амнистия акти ёки афв этиш асосида жазодан озод қилиш.....	688
<b>XIV боб.</b>	<b>СУДЛАНГАНЛИК</b> .....	<b>695</b>
77-модда.	Судланганликнинг ҳуқуқий аҳамияти.....	695
78-модда.	Судланганлик ҳолатининг тугалланиши.....	699
79-модда.	Судланганликнинг олиб ташланиши.....	700
80-модда.	Судланганлик ҳолатининг тугалланиш ёки судланганликни олиб ташлаш муддатларини ҳисоблаш.....	704
<b>Олтинчи бўлим.</b>	<b>ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЖАВОБГАРЛИГИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ</b> .....	<b>707</b>



<b>XV боб.</b>	<b>ЖАЗО ВА УНИ ТАЙИНЛАШ</b> .....	707
81-модда.	Жазо тизими .....	707
82-модда.	Жарима .....	710
82 <sup>1</sup> -модда.	Мажбурий жамоат ишлари .....	713
83-модда.	Ахлоқ тузатиш ишлари .....	714
84-модда.	Чиқарилган .....	719
84 <sup>1</sup> -модда.	Озодликни чеклаш .....	719
85-модда.	Озодликдан маҳрум қилиш .....	720
86-модда.	Жазо тайинлаш .....	725
<b>XVI боб.</b>	<b>ЖАВОБГАРЛИКДАН ЁКИ ЖАЗОДАН ОЗОД ҚИЛИШ</b> .....	732
87-модда.	Мажбурлов чораларини қўллаган ҳолда жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш .....	732
88-модда.	Мажбурлов чоралари .....	739
89-модда.	Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш .....	745
90-модда.	Жазони енгилроғи билан алмаштириш .....	748
<b>Еттинчи бўлим.</b>	<b>ТИББИЙ ЙЎСИНДАГИ МАЖБУРЛОВ ЧОРАЛАРИ</b> .....	750
<b>XVII боб.</b>	<b>ТИББИЙ ЙЎСИНДАГИ МАЖБУРЛОВ ЧОРАЛАРИНИНГ АСОСЛАРИ ВА УЛАРНИ ТАЙИНЛАШ</b> .....	750
91-модда.	Мажбурлов чораларининг мақсадлари .....	750
92-модда.	Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўллашнинг умумий асослари .....	754
93-модда.	Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларининг турлари .....	760
94-модда.	Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини тайинлаш .....	765
95-модда.	Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашни узайтириш, ўзгартириш ва тугатиш .....	771
96-модда.	Жазо билан бирга тайинланадиган тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш .....	779

## УМУМИЙ ҚИСМ

### Биринчи бўлим. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

#### 1 бо6. ЖИНОЯТ КОДЕКСИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ВА ПРИНЦИПЛАРИ

##### 1-модда. Ўзбекистон Республикасининг жиноят тўғрисидаги қонунчилиги

Ўзбекистон Республикасининг жиноят тўғрисидаги қонунчилиги Конституция ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган нормаларига асосланган бўлиб, ушбу Кодексдан иборатдир.

---

### Ш А Р Ҳ

---

1. Жиноят кодексининг шарҳланаётган моддаси Ўзбекистон Республикасининг жиноят тўғрисидаги қонунчилигини ташкил этувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар доирасини, шунингдек, мазкур ҳужжатларнинг ҳуқуқий асосини қонун даражасида белгилаб беради. Изохланаётган моддада назарда тутилган қоидалар жиноят ҳуқуқи соҳасидаги мавжуд аъъаналарни, жумладан, жиноят-ҳуқуқий нормаларни қонунлаштириш ҳамда уларнинг алоҳида қонун – Жиноят кодекси кўринишида амал қилиши лозимлигини акс эттиришини қайд этиш лозим.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси мамлакатимизнинг жиноят тўғрисидаги қонунчилигини ташкил этувчи барча жиноят-ҳуқуқий нормаларнинг асосий ва ягона шакли ҳисобланади. Жиноят-ҳуқуқий нормалар билан боғлиқ янги қонунлар қабул қилинган тақдирда, улар мустақил равишда қўлланилмасдан, албатта, Жиноят кодексига киририлиши талаб этилади.

2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси узаро ички узвий бирлик ва боғлиқ бўлган жиноят-ҳуқуқий нормаларнинг мустаҳкам тизимга эга эканлиги билан ажралиб

турувчи жиноят ҳуқуқи принципларини, жиноий жавобгарлик асослари ва шартларини, жиноят, деб эътироф этиладиган ижтимоий хавфли қилмишларни, бундай қилмишларни содир этган шахсларга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чораларининг тури ва чегарасини белгилаб берувчи қонунчилик ҳужжатиدير.

Жиноят кодексига жиноят-ҳуқуқий нормаларни киритишнинг асосий ва ягона шаклининг белгиланганлиги жиноят тўғрисидаги қонунчилигини ягоналаштириш ҳамда мустаҳкамлашга, ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар ходимларининг улардан фойдаланишини оsonлаштириш ва аҳолининг ҳуқуқий онгини оширишга хизмат қилади. Ушбу жараёнда қонунчилик техникаси такомиллаштирилади ва қонун чиқарувчи орган томонидан жиноят тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига ўзгартириш киритилади.

3. Жиноят кодекси жиноят-ҳуқуқий нормаларни мустаҳкамлашнинг ягона ва мутлақ шакли сифатида эътироф этилиши баробарида изоҳланаётган моддада ушбу нормаларнинг ҳуқуқий асоси тўғрисидаги қоидалар ҳам ўз аксини топган. Булар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларидир. Бу билан барча ҳуқуқ соҳаларининг, жумладан, жиноят ҳуқуқининг ҳам асосий манбаи Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларининг Кодекс нормаларидан устуворлиги белгиланган.

Ўзбекистон Конституциясини жиноят қонунчилигининг асоси сифатида тан олинishi, Асосий қонун қоидаларини Жиноят кодекси нормаларини шарҳлашда қўллашни тақозо этади. «Судлар шуни назарда тутишлари лозимки, **Конституциянинг 16-моддасига мувофиқ бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат унинг нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас**»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Суди ва Ўзбекистон Республикаси Олий Ҳужалик суди Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги «Суд ҳокимияти тўғрисида»ги 1/60-сонли қарори.

4. **Халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормалари** ҳам Жиноят кодексининг ҳуқуқий негизи бўла олиши ушбу изоҳланаётган моддада мустаҳкамланган. Бундай нормалар сифатида халқаро ҳуқуқнинг императив-буйруқ кўринишидаги қондалар ҳамда барча халқаро ҳуқуқ субъектлари, жумладан, давлатлар томонидан эътироф этилган қондалар тан олиниши лозим.

Халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларидаги белгиланган тамойилларга, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг қондалари, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пакт, Иктисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактда мустаҳкамланган қондалар кирази.

5. Халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормалари Жиноят кодекси ҳуқуқий асоси ҳисобланганлиги сабабли улар Ўзбекистон Республикасининг жиноят тўғрисидаги қонунида қўшимча норма сифатида белгиланиши шарт ҳисобланмайди ва улар қўлланилаверади. Айни пайтда, Ўзбекистонда умумэътироф этилмаган халқаро шартномалар нормалари мамлакатимиз қонунчилигига, жумладан, Кодексга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар шаклида киритилиши лозим. Бу, биринчидан, кўпгина халқаро шартномалар (конвенциялар) фақат иштирокчи давлатларнинг у ёки бу турдаги жиноятларга қарши курашиш ниятини билдиради: иккинчидан, агар халқаро шартномада у ёки бу ижтимоий ҳавфли қилмишнинг белгилари кўрсатилган бўлса ҳам, одатда, тегишли жазо белгиланмайди: учинчидан, мабодо, жазо кўрсатилган ҳолда ҳам шартномада унинг қўлланиш чегаралари ва шартлари кўрсатилмаслигидан келиб чиқилади. Ўзбекистон Республикасида ратификация қилинган халқаро шартномаларнинг қондалари ҳам амалдаги жиноят тўғрисидаги қонунчиликка тегишли ўзгартириш киритмасдан туриб қўлланилмаслиги мумкин.

6. Изоҳланаётган моддада Жиноят кодексидagi жиноят-ҳуқуқий нормаларнинг ягона эканлиги ҳамда жиноят тўғрисидаги қонунчиликнинг асоси сифатида фақат Конституция ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормалари эътироф этилиши, унда бу нормаларнинг талқин этилмаслиги

назарда тутилган. Демак, жиноят-ҳуқуқий тусдаги қоидаларни мустаҳкамлашнинг бошқа шакллари (масалан, Олий суд Пленуми қарорлари, суд прецеденти, доктринал шарҳлаш ва ҳ.к.). Ўзбекистон Республикаси жиноят тўғрисидаги қонунчиликнинг манбаи сифатида тан олинishi ёки унинг асоси бўлиши мумкин эмас. Чунки, Олий суд Пленум Қарорларида бу ҳужжатларда янги ҳуқуқий нормалар яратилмайди ва мустаҳкамланмайди, балки Жиноят кодексига мавжуд бўлган нормаларнинг ҳақиқий мазмуни тергов, суд амалиётида уларга аниқ ва очиқ рўйи этилиши учун очиқ берилади.

Шунингдек, белгиланган тартибнинг бузилиши жиноят ҳисобланадиган ҳулқ-атвор ёки ҳаракатлар (масалан, махфий ҳужжатлар билан иш юритиш қоидалари, ветеринария ёки зоология қоидалари, ҳаракат хавфсизлиги, транспортдан фойдаланиш қоидалари ва бошқалар) жиноят тўғрисидаги қонунчилиги сифатида тан олинishi мумкин эмас. Мазкур ҳужжатларда бланкет кўринишдаги муайян жиноят-ҳуқуқий норманинг (масалан, ЖК 285-моддаси) тутган ўрни ва мазмуни батафсилроқ ақс эттирилади, бироқ бундай қилмиш учун жазо фақат Жиноят кодексига белгиланади.

7. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 70–72-моддаларида суверен Қорақалпоғистон Республикасининг Ўзбекистон таркибига кириши ва Ўзбекистон Республикаси қонунларининг Қорақалпоғистон ҳудудида ҳам бажарилиши мажбурий эканлиги кўрсатилган. Жиноят кодекси ҳам жиноят-ҳуқуқий нормалар мустаҳкамланган ягона қонун ҳисобланади ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида ҳам амал қилади.

Жиноят кодекси Ўзбекистон Республикаси учун ҳам, Қорақалпоғистон Республикаси учун ҳам ягона ҳисобланиб, бошқа қонунчилик (масалан, Қорақалпоғистон Республикасининг қонунлари, Жўқорғи Кенгеснинг қарорлари ва ҳ.к.). Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида жиноят тўғрисидаги қонунчиликнинг манбаи сифатида тан олинishi мумкин эмас.



## 2-модда. Кодекснинг вазифалари

Жиноят кодексининг вазифалари шахсни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини, мулкни, табиий муҳитни, тинчликни, инсоният хавфсизлигини жиноий тажовузлардан қуриқлаш, шунингдек жиноятларнинг олдини олиш, фуқароларни республика Конституцияси ва қонунларига риоя қилиш руҳида тарбиялашдан иборатдир.

Ана шу вазифаларни амалга ошириш учун Кодекс жавобгарликнинг асослари ва принципларини, қандай ижтимоий хавфли қилмишлар жиноят эканлигини аниқлайди, ижтимоий хавфли қилмишлар содир этган шахсларга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чораларини белгилайди.

---

## Ш А Р Ҳ

---

1. Шарҳланаётган моддада жамият ва давлатнинг жиноят-ҳуқуқий таққ ўрнатиш йўли билан эришадиган мақсадлари белгиланган. Шу йўл орқали Жиноят кодексининг ижтимоий ҳаётдаги аҳамияти қонунда мустаҳкамланади, бу ўз навбатида, айрим қилмишларнинг жиноят ёки жиноят эмаслигини аниқлаш жараёнига, Кодекс нормаларининг жиноят содир этган шахсларга нисбатан қўлланилишига, суд-ҳуқуқ ислохотларининг кейинги ривожига ва ҳ.к.га жиддий таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, қонуннинг вазифаси жиноий қилмишни акс эттириш, унга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш техникасини такомиллаштириш, бузилиши жиноят ҳисобланадиган қоидалар ва бланкет нормаларни аниқлаш ва ҳ.к. мақсадларда қонун чиқарувчига таъсир ўтказишга қаратилган.

2. Жиноят кодексига бажарилиши «инсон ҳуқуқлари бўйича демократик институтларни ривожлантиришнинг кафолати бўлиб хизмат қилувчи» уҳта вазифа қўйилган. Ушбу вазифалар қонунда ниҳоятда аниқ ва тизимли ифодаланган бўлиб, қуйидагилардан иборат:

– биринчидан, шахсни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини, мулкни, табиий муҳитни, тинчликни, инсоният хавфсизлигини жиноий тажовузлардан муҳофаза қилиш;

– иккинчидан, жиноятларнинг олдини олиш;

– учинчидан, фуқароларни Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига риоя қилиш руҳида тарбиялаш.

3. Шахсни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини, мулкни, табиий муҳитни, тинчликни, инсоният хавфсизлигини жиноий тажовузлардан муҳофаза қилиш вазифаси, умуман, жиноят-ҳуқуқий нормалар учун, хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси учун асосий мезон бўлиб, муайян ижтимоий муносабатларни (хавфсизлиги ва ижросини таъминлаш орқали) уларга жиддий зарар етказилиши ёки етказиш имкониятидан, яъни объектив равишда мавжуд бўлган ҳуқуқ ёки эркинликни химоя қилишдан иборатдир.

Қонуннинг жиноий тажовузлардан муҳофаза қилиш вазифаси ижтимоий хавфли қилмиш содир этилган ёки этилмаганлигидан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг терговига тегишлилигидан (суд, прокуратура, ички ишлар органлари, ДХХ ва шу қабилар), Жиноят кодекси амал қилаётган маъмурий-ҳудудий тегишлилигидан ва бошқалардан қатъи назар, доимий равишда амалга оширилади. Ижтимоий муносабатларни жиноий тажовузлардан химоя қилиш Жиноят кодексининг амал қилиши доирасида ҳамиша ва ҳамма ерда амалга оширилади.

4. Жиноят кодексининг вазифаси сифатида ижтимоий муносабатларнинг уларга жиддий зарар етказилишидан химоя этилиши икки йўл билан амалга оширилади, яъни:

а) жиноят содир этилишидан аввал маълум қилмишларни тақиқлаш ёки тегишли ҳулқ-атворга риоя этиш, яъни ҳуқуқий жиҳатдан йўл қўйиладиган фаолият чегараларини белгилаш орқали;

б) ижтимоий хавфли қилмиш содир этилганидан кейин бузилган ҳуқуқнинг айбдор шахсга нисбатан жиноий жазо чораларини қўллаш орқали тикланишини таъминлаш орқали.

**Бузилган ҳуқуқнинг тикланиши** деганда, етказилган зарарнинг маънавий ёки моддий шаклда копланиши тушунилиши лозим (масалан, солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш – ЖКнинг 184-моддаси тўртинчи ва бешинчи қисмлари, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш – ЖКнинг 167-моддаси тўртинчи қисми каби жиноят туфайли етказилган зарарни коплаш).

5. Ижтимоий муносабатларни муҳофаза қилиш вазифаси сифатида энг муҳим кадриятлар кўриқланади. Шахс, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатлари, мулк, табиий муҳит, тинчлик, инсоният хавфсизлиги энг олий кадрият деб тан олинган.

Бошқа, аҳамияти камроқ бўлган кадриятларга зарар етказилиши ёки кўрсатилган кадриятларга кам даражада зарар етказилиши, одатда, айбдорнинг маъмурий, фуқаролик-ҳуқуқий, интизомий жавобгарликка тортилишига олиб келади. Жинойий жавобгарлик жавобгарликнинг энг оғир тури ҳисобланганлиги сабабли бундай ҳолларда қўлланилиши мумкин эмас.

6. Жинойий тажовузлардан муҳофаза этиладиган ижтимоий муносабатларнинг Жиноят кодексининг 2-моддасида мустаҳкамланганлиги тасодифий эмас, балки жаҳон ҳамжамиятида умумэътироф этилган демократик ҳуқуқий давлатнинг замонавий кадриятлар тизимига бўйсундирилган кўринишидир. Бу тизим шахс – жамият – давлатни ўз ичига олади. Жиноят кодексининг тузилиши ҳам айнан ана шу тизим асосида ишлаб чиқилган бўлиб, унинг Махсус қисми шахсга қарши жиноятлар бўлиmidан бошланади.

7. Жиноят кодексида энг муҳим муҳофаза объекти сифатида шахс, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари кўзда тутилганлиги Конституциянинг 14-моддаси қондаларидан келиб чиқади. Конституцияга мувофиқ, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари энг олий кадрият ҳисобланади.

**Шахс** – жамият ва давлатдан алоҳида олиб қаралувчи ҳар бир инсон. Инсоннинг Жиноят кодекси томонидан





муҳофаза объекти сифатидаги шахс, деб тан олинishi учун унинг ёши, ижтимоий келиб чиқиши, саломатлиги ва бошқа ҳолатлар аҳамият касб этмайди. Жумладан, янги туғилган чақалоқ (ЖКнинг 99-моддаси), муомалага лаёқатсиз киши (ЖК 97-моддасининг иккинчи қисми «в» банди), вояга етмаган бола (ЖКнинг 128-моддаси), давлат ёки жамоат арбоби (ЖК 155-моддасининг иккинчи қисми), Ўзбекистон Республикаси Президенти (ЖКнинг 158-моддаси) ва х.к.лар ҳам шахс, деб тан олинади ва жиноят қонуни билан муҳофаза қилинади.

**Шахснинг ҳуқуқлари** – давлат ва жамият томонидан қондирилиши мажбурий бўлган инсоннинг давлат ва бошқа кишиларга нисбатан иқтисодий-ижтимоий ва маданий соҳалардаги имкониятлари ва даъволари. Масалан, шахснинг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш, меҳнат қилиш, мулкка бўлган ва х.к. ҳуқуқлари. Жиноят кодексида қайси ҳуқуқ ва эркинликлар унинг ҳуқуқлари томонидан муҳофаза қилинадиган объектда эканлиги кўрсатилмаган, лекин ЖКнинг Махсус қисми моддаларида муайян шахснинг барча ҳуқуқлари (масалан, номуси ва кадр-қиммати химоя этиш ҳуқуқи) ёки жамият, давлат томонидан тақдим этилган (масалан, Қуролли Кучларда буйруқ бериш) ҳуқуқи химоя этилиши белгиланган.

**Шахснинг эркинлиги** – Конституцияда ёки бошқа қонунлар ва қонун ости ҳужжатларида акс эттирилган инсоннинг муайян ҳуқ-атвори (жумладан, сўз эркинлиги, виждон эркинлиги, илмий ва техник ижодиёт эркинлиги ва б.). Жиноят кодекси билан муҳофаза қилинадиган объектлар шахснинг эркинликлари ҳисобланади.

8. Жамият ва давлат манфаатлари ҳам Кодекс билан муҳофаза қилинадиган объект ҳисобланади. Жамият ва давлат манфаатлари шахс, унинг ҳуқуқ ва эркинликларидан келиб чиқадиган ҳолат бўлиб, унга зид бўлиши мумкин эмас. Айни пайтда ушбу манфаатлар бир инсоннинг эмас, балки умуман аҳолининг ҳуқуқ ва эркинликларини акс эттиради. Шу боис улар бутун жамият ёки давлат учун ва алоҳида бир субъект учун ҳам муҳим бўлган ҳуқуқлардир. Шундан келиб чиқиб, Кодексида ушбу муносабатлар жиноят-ҳуқуқий муҳофаза объекти сифатида мустақамланган.

**Жамият манфаатларини** – жамият, унинг барча аъзолари, унинг энг муҳим элементлари ташкил қилади.

**Жамият** деганда, маълум бир умумий манфаатлари, ўзаро муносабат ва маданияти билан ўзгалардан фарқланувчи кишилар гуруҳи тушунилади. Шарҳланаётган модданинг мазмунига мувофиқ, жамият деганда, бирон давлатнинг фуқаролигига мансублиги ёки бошқа шартлар (жинси, ирқи, миллати, дини, ижтимоий аҳволи ва бошқ.) билан боғлиқлигидан қатъи назар, республиканинг барча аҳолиси тушунилади.

Ахлоқ, маънавият, иқтисодий-ижтимоий асослар, жамиятдаги ҳуққ-атвор қондалари ва бошқалар жамият манфаатлари сифатида қаралиши мумкин.

**Давлат манфаатлари** – бутун жамиятнинг эмас, балки унинг маълум тарзда сиёсий уюшган қисми эҳтиёжларини ифодаловчи манфаатлар.

**Давлат** – бутун жамиятга татбиқ этиладиган, унинг расмий вакили бўлган, мажбур қилиш воситалари ва тадбирларига таянадиган оммавий ҳокимият ташкилоти.

Шарҳланаётган модданинг мазмунига мувофиқ, давлат деганда, уни ташкил этувчи органлар эмас, балки Ўзбекистон Республикаси тушунлиши керак.

9. **Давлат манфаатлари** деганда, унга жамият томонидан юклатилган вазифа ва функцияларни ижро этиш учун зарур бўлган ҳаётий фаолиятнинг ўта муҳим элементлари, жумладан, ҳуқуқ-тартибот, бошқарув тартиби, сиёсий барқарорлик, ҳокимият органларининг фаолият юритиши, давлат суверенитети ва ҳ.к. тан олинади.

10. Мулк Жиноят кодекси билан муҳофаза қилинадиган объект сифатида алоҳида ажратиб кўрсатилган.

Шарҳланаётган моддада **мулк** моддий дунёнинг, шунингдек, муаллифлик ҳуқуқи объектлари сифатида моддий ашёларга эга бўлиш ва шунга боғлиқ равишда ижтимоий муносабатларнинг маълум бир гуруҳи сифатида намоён бўлади. Мулкнинг шакли аҳамиятга эга эмас, чунки конституциявий қондаларга мувофиқ, мулк қандай шаклда эканлигидан қатъи назар, бир хилда ҳимоя қилинади.

Abdulla Qodiriy nomidagi

viloyat AKM

INV № 2023/45-44

11. Атроф табиий муҳитни жиноят-ҳуқуқий муҳофазасининг мустақил объекти сифатида қараш, фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурлиги (Конституциянинг 50-моддаси) ҳақидаги қондага асосланади.

Бугунги кунда «Табиий муҳитни асраш, табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш умуммиллий вазифа ҳисобланади ва бу экология тизимини, табиат комплекслари ва айрим объектларнинг муҳофазасини таъминлашга, фуқароларнинг қулай атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини кафолатлашга қаратилган»<sup>1</sup>.

Жиноят-ҳуқуқий муҳофаза объекти сифатида **атроф табиий муҳит** ҳам алоҳида, ҳам бутунлигича экотизимни ташкил этувчи биологик (ўсимлик ва ҳайвонот олами) ва нобиологик (ер, ер ости, сув ва атмосфера) элементларни асраш уларга оқилона муносабатда бўлиш ва уларнинг сақлаб қолинишини таъминлаш юзасидан ва шунга боғлиқ ижтимоий муносабатлар гуруҳидан иборатдир.

12. Жиноят кодекси томонидан муҳофаза қилинадиган объектлар сирасига инсониятнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ҳам қиради, бу эса, Ўзбекистонда БМТ Устави, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт ва бошқа ҳужжатларда акс этган халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормалари эътироф этилганлиги билан боғлиқдир.

Жиноят кодексининг тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши содир этилган жиноятлар учун жавобгарликни кўзда тутувчи моддалари унинг Махсус қисмидаги алоҳида бобда жамланган.

**Тинчлик ва инсоният хавфсизлиги** деганда, давлатлар, миллатлар ва халқларнинг биргаликда тинч-тотув ҳаёт кечириши, халқаро келишмовчиликларнинг олдини олиш,

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги «Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги 36-сонли қарори.

низолари вазиётларни бартараф этишнинг ягона усули сифатида бахсларни тинчлик йўли билан ҳал қилиш, башариятнинг барқарор ва прогрессив ривожланишини таъминлаш ва жами ер юзи аҳолисининг манфаатларини ҳимоялашга қаратилган ижтимоий муносабатлар тушунилиши лозим.

13. **Жиноятларнинг олдини олиш**, яъни аҳолида қонунга риоя қилиш ҳулқ-атворини белгиловчи ҳуқуқий онг даражасини шакллантириш орқали ижтимоий ҳавфли ҳаракатлар содир этилмаслигини таъминлаш **Жиноят кодексининг муҳим вазифасидир**. **Жиноятларнинг олдини олиш умумий ва хусусий превенция** йўли билан амалга оширилади.

**Умумий превенция** – умуман, аҳоли томонидан жиноят содир этилишининг олдини олиш, яъни, у ёки бу хатти-ҳаракатни қонунда тақиқлаш ва жиноят содир этган шахсларни жазолаш. Шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, умумий превенцияда, жиний жазога лойиқ хатти-ҳаракатларни содир этганлик учун жиний жавобгарликнинг муқаррарлигини намойиш этиш орқали аҳолига таъсир кўрсатилади.

**Хусусий превенция** – жиний жавобгарликка тортилган муайян шахс томонидан келажакда ижтимоий ҳавфли хатти-ҳаракатлар содир этилишининг олдини олиш. Умумий превенциядан фарқли равишда хусусий превенция фақат айбдор шахсга қаратилиши билан бирга, мазкур шахснинг жиний жавобгарликка тортилиши бошқаларга нисбатан огоҳлантирувчи аҳамиятга эга бўлади.

14. **Фуқароларни Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига оғишмай риоя этиш руҳида тарбиялаш** Кодекснинг алоҳида вазифаси сифатида кўрсатилган.

**Конституция ва қонунларга риоя этиш руҳида тарбиялаш** ҳуқуқий жавобгарликнинг энг оғир тури ҳисобланган жиний жавобгарликка тортиш таҳдиди остида у ёки бу фаолиятни амалга оширишда ҳуқуқий механизмларга риоя этилишини назарда тутди. Аҳолининг ҳуқуқий онги, ҳуқуқий саводхонлиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш тарбиянинг моҳиятини ташкил этади.

**Фуқароларни Конституция ва қонунларга риоя этиш руҳида тарбиялаш умумий превенциядан фарқли равишда**

муайян хатти-ҳаракат учун жиноий жавобгарлик мавжудлигини фуқаролар билишини тахмин қилмайди, балки уларда қонунни бузишга тўсқинлик қилувчи фаол ҳаётий позицияни шакллантиради. Шундай қилиб, фуқароларни тарбиялаш ҳуқуқий бўйсунуш, яъни ҳуқуқий қоидаларга онгли равишда риоя этилишини таъминлашдан иборат.

**15. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисми** Кодекснинг вазифаларини, хусусан, қуйидагиларни аниқлаш орқали амалга оширишнинг усул ва услубларини белгилаб беради:

- жиноий жавобгарликнинг асослари ва принциплари;
- жиноят ҳисобланадиган ижтимоий хавфли хатти-ҳаракатлар;
- ижтимоий хавфли хатти-ҳаракатларни содир этган шахсларга нисбатан қўлланиши мумкин бўлган жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсирнинг чоралари.

Кодекс вазифаларини амалга оширишнинг белгиланган усуллари умумий бўлиб, улар унинг таркибий элементлари – Умумий ва Махсус қисмнинг бўлим, боб ва моддаларида аниқлаштирилади.

### 3-модда. Кодекснинг принциплари

Жиноят кодекси қонунийлик, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, демократизм, инсонпарварлик, одиллик, айб учун жавобгарлик, жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига асосланади.

## Ш А Р Ҳ

1. Шарҳланаётган моддада қонун чиқарувчи томонидан айрим жиноят-ҳуқуқий нормаларни ўзгартириш, уларга қўшимчалар киритиш, бекор қилиш ҳамда ваколатли давлат органлари томонидан уларни қўллашнинг раҳбарий асосларини аниқлаб бериш орқали давлат томонидан олиб

бориладиган жиноятчиликка қарши курашиш асосини белгилаган принциплар тизими мустаҳкамланган. Кодекснинг принциплари жиноят тўғрисидаги қонунчиликнинг демократик моҳиятини ақс эттиради ва шу билан бирга қонунни қўллаш амалиётининг барқарорлиги ва яхлитлигини таъминлашга хизмат қилиши Жиноят кодекси нормаларини қўллаш жараёнининг бир бутунлигини мустаҳкамлайди.

Ушбу модда қонуннинг ҳар бир нормасида назарда тутилган кадрятларни ақс эттирадиган ўзига хос андаза вазифасини ўтайди, яъни ҳар қандай жиноят-ҳуқуқий меъёр ЖКнинг 3-моддасида кўрсатилган етакчи қондаларга мос бўлиши лозим.

2. Жиноят-ҳуқуқий нормалар тизими ва жиноят тўғрисидаги қонунчилик ўзаро боғлиқ ҳамда бир-бирини белгиловчи ҳуқуқий принциплардан таркиб топади.

**Жиноят тўғрисидаги қонунчиликнинг принциплари** деганда, жиноят-ҳуқуқий нормаларда мустаҳкамланган ва Жиноят кодекси вазифаларидан келиб чиққан ҳолда жинойий жавобгарликнинг умумий асосларини, йўналишини ва ҳажмини белгиловчи таянч ғоялар тушунилади. Кодекс вазифаларидан фарқли ўлароқ, жиноят тўғрисидаги қонунчиликлари принциплари жиноят-ҳуқуқий сиёсатнинг йўналишини ақс эттирмасдан, уни амалга оширишнинг айрим асосий усулларини белгилаб беради. Айнан Кодекснинг вазифаларида жиноят тўғрисидаги қонунчиликнинг хусусиятлари ва принциплари тизими белгилаб берилади.

Принципларнинг Кодекс вазифаларида аввалдан белгилаб қўйилганлиги мазкур ғояларнинг раҳбарий асос сифатидаги хусусиятига таъсир этмаслигини қайд этиб ўтиш лозим. Принципларнинг йўқлиги Кодекс вазифаларини фақат декларатив хусусиятга эга қилиб қўяди. Амалиётда белгиланган принциплардан чекиниш улар бажарилмаслигини ва жиноят тўғрисидаги қонунчилик вазифаларининг амалга оширилмаслигини билдиради. Демак, вазифалар ва принциплар биргаликда жиноят-ҳуқуқий ва ижтимоий муносабатларни ҳимоя қилишнинг асосини ташкил этади ва айнан шунинг учун ҳам Кодекс «Жиноят кодекси вазифалари ва принциплари» боби билан бошланади.

3. Жиноят кодекси принциплари янги ҳуқуқий нормалар ишлаб чиқиш ва қонунни қўллаш амалиётида раҳбарий аҳамиятга эга умумий ғоялардан иборатдир. Мазкур ғояларнинг ҳуқуқий нормалар шаклига келтирилиши уларга ўзгача ижтимоий моҳият бахш этади, уларни тартибга солувчи таъсирчан омилларга айлантиради. Қонунга киритилганидан сўнг улар инсонларнинг ҳуқуқий онгига таъсир этувчи ва қонунни қўллаш жараёнида риоя этилиши лозим бўлган мажбурий нормаларга айланади. Принципларнинг ҳуқуқий моҳияти Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида уларни тушуниш ва қўллашда ягона ёндашувни таъминлайди.

4. Норматив-ҳуқуқий принципларнинг фуқароларга таъсири уларнинг фуқароларни тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқий онги шаклланишига қўмаклашуви ва шу орқали жиноятчиликнинг олдини олиш, ижтимоий муносабатларни сезиларли зарар етказилишидан ҳимоя қилишдан иборатдир. Кодексда жиноят тўғрисидаги қонунчилик ғояларини мустаҳкамловчи махсус моддаларнинг мавжудлиги олиб борилаётган жиноят-ҳуқуқий сиёсатнинг вазифаларини самаралироқ ҳал этиш ва унинг моҳиятини чуқурроқ англашга қўмаклашади.

Ҳуқуқий принципларнинг дастлабки тергов, прокуратура ва суд идораларининг мансабдор шахсларига таъсири. ўз навбатида, жиноят тўғрисидаги қонунчиликнинг тўғри қўлланилиши, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг ҳимоя қилиниши ва бу борадаги Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилиги сиёсатининг барқарорлиги ва бирлигидан иборатдир.

5. Қонун яратиш жараёнида ҳуқуқий принципларнинг таъсири алоҳида аҳамият касб этади. Бу жараён қонун чиқарувчи органнинг қонун чиқариш, унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда бекор қилиш билан боғлиқ бўлган фаолиятида яққол акс этади. Бундай ҳолларда, бошқа жиноят-ҳуқуқий нормаларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнида қонун чиқарувчи жиноят қонунчилигида мустаҳкамланган раҳбарий ғоялар структурасига амал қилади.

6. Ҳар бир ҳуқуқ соҳаси учун тааллуқли бўлган умумий ғоялар шарҳланаётган моддада келтирилган. Улар кенг қўлланилади ва уларга катъий риоя этилади.

Жиноят кодексида мавҳум умумижтимой кадрятлар назарда тутилмайди. Мисол учун, умумижтимой принцип сифатида тан олинган қонунийлик принципнинг мазмун-моҳияти Конституция ва қонуннинг устуворлигида намоён бўлади. Жиноят кодексининг «содир этилган қилмишнинг жиноийлиги, жазога сазоворлиги ва бошқа ҳуқуқий оқибатлари фақат Жиноят кодекси билан белгиланади», деб мустаҳкамланган 4-моддасида жиноят-ҳуқуқий принципларнинг аниқлигини кўриш мумкин.

7. Қонунийлик принципи Жиноят кодексида мустаҳкамланган принципларнинг биринчиси ҳисобланади. Бирок, буни бир принципнинг бошқа принципдан устунлиги деб тушунмаслик керак. Жиноят кодексининг 4-моддасида акс эттирилган қонунийлик принципи бошқа принципларни боғлаб туради. Қанчалик муҳим бўлмасин, Жиноят кодекси фақат битта принципга таяниб қолиши керак эмас, чунки бир принцип кодексдаги барча масалани ечиб бера олмайди. Тизимнинг таъсир доираси Жиноят кодексида келтирилган барча принципларнинг амал қилганлигида намоён бўлади.

---

#### 4-модда. Қонунийлик принципи

Содир этилган қилмишнинг жиноийлиги, жазога сазоворлиги ва бошқа ҳуқуқий оқибатлари фақат Жиноят кодекси билан белгиланади.

Ҳеч ким суднинг ҳукми бўлмай туриб жиноят содир қилишда айбли деб топилиши ва қонунга хилоф равишда жазога тортилиши мумкин эмас. Жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахс қонунда белгиланган ҳуқуқлардан фойдаланади ва мажбуриятларни бажаради.

---

### Ш А Р Ҳ

---

1. Қонунийлик деганда, барча давлат ва нодавлат органлари ҳамда ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг



Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлар ва уларга мувофиқ келадиган бошқанорматив ҳужжатлар талабларига оғишмай амал қилиши ва ижро этиши тушунилади. Қонунийликка риоя қилишнинг мажбурийлиги, Ўзбекистон Республикасининг асосий қонунда қайд этилганидек, «Конституция ва қонунларнинг устунлигини сўзсиз тан олинади» (Конституциянинг 15-моддаси биринчи қисми). Конституциянинг 14-моддасига асосан, қонунийлик принципи давлат фаолиятининг энг асосий принципи ҳисобланиб, ушбу конституциявий қондалар Жиноят кодексининг, бошланғич асоси сифатида қонунийлик принципида берилган у Конституциянинг 16-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари нормалари ва принципларига зид келмаслиги лозим.

2. Жиноят тўғрисидаги қонунчиликда **қонунийлик принципи** тор йўналишда ифодаланган бўлиб, асосан Жиноят кодексининг вазифаларига нисбатан қўллашга мос ҳолда талқин қилинган. Умумҳуқуқий соҳанинг асоси бўлган қонунийлик принциpidан фарқли равишда Кодексдаги ушбу принцип, авваламбор, жиноят, унга жазо ва бошқа ҳуқуқий чораларнинг қўлланиши фақат Жиноят кодекси асосидагина тартибга солинишини англатади. Қонунийлик принципига жиноят-ҳуқуқий ёндашувнинг кўриниши сифатида айбсизлик презумпцияси ва айбдор шахснинг ҳуқуқий мақомини кўрсатиш мумкин.

Жиноят ҳуқуқида қонунийлик принципи қуйидаги маъноларни англатади:

– фақат Жиноят кодекси қандай қилмиш жиноят сифатида тан олинишини, айбдорга қандай жазо қўлланилиши (унинг тури, чегараси ва тайинлаш тартиби) ва унга нисбатан жазодан ташқари қандай мажбурлов қўлланиши мумкинлигини белгилайди;

– фақат қонун ва суднинг ҳукмига асосан шахс жиноят содир этган, деб топиллиши ва жазоланиши мумкин;

– айбланувчининг ҳуқуқий ҳолати фақат қонун билан тартибга солинади.

3. «Nullum crimen sine lege» принципига кўра жиноят ҳуқуқи қонунийлик принципи асосий ва аъъанавий принцип

ҳисобланиб, унда қонун билан тақиқланган хатти-ҳаракатнинг жиноят эканлиги эътироф этилади. Бироқ, «*pullum crimen sine lege*» принципи моҳиятдан янада кенгрок бўлиб:

– шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун ҳуқуқий асос бўладиган ва унинг ҳуқуқий оқибатларини белгилаб берадиган қонунчилик манбалари;

– шахсни жиноий жавобгарликка тортиш шартлари ва бундан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар билан таърифланади.

4. Қонунийлик принципига биноан шахсни жиноий жавобгарликка тортиш ва унинг ҳуқуқий оқибатларини аниқлаш фақат қонунга асосан тартибга солиниши кўзда тутилади. Демак, шахсни жиноий жавобгарликка тортиш, унга жазо тайинлаш ва бошқа ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш фақат Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси билан белгиланади. Бу қонда, яъни жиноят тўғрисидаги қонунчилик фақат Жиноят кодексидан иборат эканлиги Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 1-моддаси талабларига тула мос келади.

Шундай қилиб, қонунийлик принципига кўра, шахсни жиноий жавобгарликка тортишда жиноят қонунининг аниқ ва ягона шакли белгиланиб, унинг юридик ҳамда бошқа ҳуқуқий оқибатлари тартибга солинади. Жиноят қонунида кўрсатилмаган ҳар қандай қилмиш жиноий жавобгарликка тортилишига йўл қўйилмайди. Жиноят ҳуқуқида аналогия институтининг йўқлиги сабабли амалиётда пайдо бўлган ҳар қандай янги ижтимоий хавфли қилмиш Жиноят кодексига қиритилмагунга қадар жиноят, деб топилмайди.

5. Амалдаги қонунга кўра, шахс содир этган муайян қилмиши (ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги) учун жиноий жавобгарликка тортилиб, унинг фикри ва қарашлари жиноий жавобгарликка тортиш учун асос бўла олмайди. Жиноят кодексининг 4-моддаси биринчи қисмида қонунийлик принципи ҳақида тўхталиб, жиноят ва жазо фақат ҳаракат ёки ҳаракатсизлик орқали содир этилиши кўзда тутилган. Қонунийлик принципининг ушбу қондаси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (29-модда), халқаро

хуқуқнинг умумэътироф этилган нормалари ва принциплари, хусусан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (19-модда), Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда (19-модда) кўрсатиб ўтилган қоидаларга тўла мос келади.

6. Шунингдек, қонунийлик принципига таяниб у ёки бу ҳатти-ҳаракатни жиноят деб топиш ва жиноий жавобгарликка тортиш жиноят қонунда мустаҳкамланади. Жиноий қилмиш шахснинг ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги билан тавсифланади. Жиноий қилмишнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси Жиноят кодекси билан ҳимояланадиган ижтимоий муносабатларга етган ёки етиши мумкин бўлган зарар даражасида ифодаланади.

Шундай қилиб, қилмишнинг жиноийлиги, унинг ижтимоий хавфлилигини, яъни мазкур қилмиш натижасида Жиноят кодекси билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга жиддий зарар етказиш ёки зарар етказишнинг реал хавфини англатади.

Қилмишда жиноят таркибининг мавжуд эмаслиги шахсни жиноий жавобгарликка тортмасликка асос бўлади. Масалан, шахснинг шартнома бўйича ўз мажбуриятини бажармаганлигини асос қилиб озодликдан маҳрум этилишига йўл қўйилмайди<sup>1</sup>. Ушбу аналогик қоида МДХ мамлакатларининг «Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тўғрисида»ги Конвенциясида ҳам ўз ифодасини топган<sup>2</sup>. Қилмишни жиноий деб топишнинг бошланғич нуқтаси, уни ижтимоий муносабатларнинг амал қилиши учун хавфлилигини аниқлаш ҳисобланади, яъни, жиноят қонунининг ижтимоий зарурати бўлиши лозим: агар ҳаракат ижтимоий хавфлилиқ хусусиятини йўқотса, у жиноят ҳисобланмасдан, Жиноят кодексидан чиқарилиши зарур.

7. Қилмишга яраша жазо тайинлаш ва бошқа ҳуқуқий оқибатлар ҳам жиноят қонунда белгиланиши қонунийлик принципининг махсус кўринишини ташкил этади.

<sup>1</sup> Қаранг: Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар бўйича Халқаро пакт. 1966 йил 16 декабрь, 11-модда.

<sup>2</sup> Қаранг: МДХнинг «Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари тўғрисида»ги Конвенцияси. 1995 йил 26 май, 8-модда.

Қилмишнинг жиноийлигини белгилаш каби, унинг жазога сазоворлиги ҳам қонунийлик принципи учун катта аҳамиятга эга. Аммо қилмишнинг жиноийлиги шахснинг ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги хуссияти бўлса, қилмишнинг жазога сазоворлиги ЖКга мувофиқ жиноят содир этган шахсни ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш ёки маҳрум қилишда ифодаланадиган оқибатдир.

Жазо чораси шахс содир этган жиноятнинг оғир-енгиллигига қараб белгиланади. Ушбу чоралар фақат инсон ҳуқуқларини маълум муддатга чеклашни назарда тутиб, Жиноят кодекси билан тартибга солинади ва ўзида бу принципнинг аҳамиятини яна бир бор ифода этади.

**8. Бошқа ҳуқуқий оқибатларга** эса, жиноят содир этилиши билан боғлиқ, аммо жиноий жазога тортилмайдиган ҳолатлар киради.

Уларга жиноий жавобгарлик ёки жазодан озод қилишнинг барча кўриниши, тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари, судланганлик ва бошқа ҳуқуқий оқибатлар киради.

Қонунийлик принципига кўра, содир этилган жиноятнинг барча ҳуқуқий оқибатлари фақат жиноят қонунига асосланмоғи лозим.

**9.** Қонунийлик принципи жиноят қонунини қўллаш жараёнида унинг мазмуни қонун матнига тўла мос келишини таъминлайди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар Жиноят кодекси нормаларини ўз хоҳишларига кўра талқин қилмасдан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг тушунтиришлари билан ҳамоҳанг олиб боришлари лозим. Бирок, шуни ҳам таъкидлаш лозимки, Пленум қарорларида амалдаги Жиноят кодексига қўшимча ва ўзгартириш киритилмайди. Қонунга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш масаласи Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига кўра, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган субъектлар томонидан тақлиф киритилгандан кейин қонун чиқарувчи орган томонидан тегишли тартибда ҳал қилинади.

Қонун тўлиқ қўлланилиши лозим, тегишли модданинг фақат диспозиция ёки санкциясининг қўлланилиши қонунийлик принципини қўпол равишда бузиш ҳисобланади. Бунинг

оқибатида айбдор шахс жазосиз қолиши ёки айбсиз шахс жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин. Шу билан бирга, қонунийлик принципи жиноятни квалификация қилиш жараёнида барча аломатларга эътибор қаратиш лозимлигини кўзда тутади.

10. Қонунийлик принципнинг мазмуни қонунга асосланган ҳолда суд ҳукми билан шахсни айбдор деб топиш ва унга жазо тайинлашда намоён бўлади. Ушбу қоида Конституциянинг 26-моддасида мустаҳкамланган айбсизлик презумпциясидан келиб чиққан бўлиб, айни пайтда у жиноят ҳуқуқидаги қонунийлик принципнинг таркибий элементи сифатида қуйидаги хусусиятларга эга:

- шахс фақат суд ҳукми билан жиноят содир этган, деб топилади;
- айби исботланган шахсга жазо фақат суд ҳукми билан тайинланади;
- шахсни жиноят содир этганликда айбдор, деб топиш тартиби ва суд ҳукми фақат қонунга асосланади.

11. ЖК нуқтаи назаридан айбсизлик презумпцияси *nullum crimen sine lege* принципи қўлланишининг алоҳида ҳолати сифатида, яъни мазкур принципни, шахс томонидан содир этилган муайян қилмишга қўллашда намоён бўлади. Айбсизлик презумпцияси судья, терговчи, прокурорнинг шахсий фикрини ифодаламайди, балки объектив ҳуқуқий қоида ҳисобланади. Айни пайтда, қонунийлик принципи барча шахсларга индивидуал ёндашувни талаб қилади. Индивидуал ёндашув – жиноят содир этган муайян шахсга нисбатан чиқарилган суд ҳукмида ўз ифодасини топади.

**Суд ҳукми** – жиноят иши юзасидан чиқарилган ҳамда судланувчини айбдор ёки айбсиз, деб топадиган, жазо чорасини белгилайдиган, шунингдек, бошқа ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқарадиган суд ҳокимиятининг ҳуқуқий акти.

Бир нечта судланувчига нисбатан чиқарилган суд ҳукми жиноят қонунининг индивидуаллаштирилган ҳолда қўлланилиши билан фарқланиб, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексининг 457-моддасининг мазмунига кўра судланувчиларнинг ҳар бирига нисбатан суд ҳукмини чиқаришда қуйидаги масалаларни ҳал этиши лозим:



- судланувчи айбли деб топилаётган қилмиш ҳақиқатан ҳам содир этилганми;
- бу қилмиш жиноят ҳисобланадими ва у Жиноят кодексининг қайси моддасида назарда тутилган;
- бу қилмишни судланувчи содир этганми;
- судланувчи жиноят содир этилишида айблими, башарти, айбли бўлса, унинг айби қандай шаклда;
- судланувчининг жавобгарлигини енгиллаштирадиган ва оғирлаштирадиган ҳолатлар мавжудми;
- судланувчи содир этган жинояти учун жазоланиши керакми;
- судланувчига нисбатан қандай жазо тайинланиши лозим ва у шу жазони ўташи керакми;
- судланувчини Жиноят кодексининг 34-моддасига мувофиқ ўта хавфли рецидивист деб топиш лозимми;
- озодликдан маҳрум қилинган маҳкум жазони қандай тартибли колонияда ўташи лозим ва у жазо муддатининг бир қисмини турмада ўташи керакми;
- фуқаровий даъво қаноатлантирилиши керакми, бу даъво кимнинг фойдасига ва қанча миқдорда қаноатлантирилиши лозим, шунингдек, фуқаровий даъво қўзғатилмаган бўлса, жиноят тўғрисида келтирилган мулкӣ зарар ундирилиши керакми, судланувчилар солидар ёки ҳиссали жавобгарликка тортилишлари керакми;
- фуқаровий даъвони таъминлаш учун хатланган мол-мулкни нима қилиш керак;
- ашёвий далилларни нима қилиш керак;
- процесс чикимларини кимнинг зиммасига ва қанча миқдорда юклаш керак;
- судланувчига нисбатан эҳтиёт чорасини танлаш, илгаригисини қолдириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш керакми;
- судланувчига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш ёхуд унинг устидан ҳомийлик белгилаш зарурми;
- судланувчига нисбатан лавозимидан четлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чорасини бекор қилиш керакми.

**Суд ҳукми** – бу суд ҳокимиятининг Ўзбекистон Республикаси номидан чиқарадиган ягона ҳужжати бўлиб, у шахс томонидан содир этилган қилмишга ҳуқуқий баҳо беришдир.

12. Шахсни жиноят содир этганликда айбдор деб топиш ва ҳукм чиқариш фақат қонунга асосланган бўлиб, у қонунийлик принципининг ажралмас қисмидир. Шахснинг айбдор ёки айбсиз эканлиги қонунда белгиланган бўлса, демак, умумий қоидаларнинг қўлланилиши ҳам қонунга асосланиши лозим. Шахсни жиноят содир этган, деб топиш ва унга нисбатан ҳукм чиқаришда Ўзбекистон Республикасининг ЖПКга асосланилади.

13. Қонунийлик принципининг бир қирраси бўлган айбсизлик презумпциясига кўра, айбдорлиги исботланган жиноятчига нисбатан қўлланилган ҳуқуқ ва эркинликларни чеклаш чоралари хали жиноят содир этганликда айбланаётган шахсга нисбатан қўлланилишига йўл қўйилмайди. Айбланувчининг ҳуқуқий мақоми унда сайловларда қатнашиши, иш жойидан бўшатилмалиги, шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш ва шу каби бошқа ҳуқуқларининг сақланиб қолиши билан маҳкумнинг ҳуқуқий мақомидан фарқ қилади. Айбланувчининг барча конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари фақат зарур ҳоллардагина қонун асосида чекланишига йўл қўйилади.

14. Жиноят содир этганликда айбдор деб топилган шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари фақат қонун билан тартибга солинади, у жиноят ҳуқуқидаги қонунийлик принципининг яқунловчи босқичидир.

Жиноят содир этишда айбдор деб топиш маҳкумнинг ҳуқуқий ҳолати ўзгаришида муайян оқибатларни келтириб чиқаради. Хусусан, айбдор баъзи бир ҳуқуқлардан маҳрум қилиниши билан бирга, унга айрим қўшимча мажбуриятлар ҳам юклатилади. Бу мажбуриятлар маҳкумга жазо тайинлашда ва айбланувчига мажбурлов чоралари (тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари)ни қўллашда намоён бўлади. Шундай қилиб, айбланувчининг ҳуқуқий мақомини чекловчи у ёки бу чоралар фақат қонунга (ЖК, ЖИК) асосланади. Бунда бошқа қонуности ҳужжатлар инобатга олинмайди.

Ушбу талаблар Жиноят кодексининг 4-моддасидаги «*nullum crimen sine lege*» қондасига мувофиқ равишда қонун доирасида бўлиши лозим. Унга кўра, айбдор деб топилган шахсга нисбатан тайинланадиган жазонинг моҳияти ва миқдори қонун билан белгиланган бўлади.

15. Қонунийлик принципи, нафақат, қонунни қўллаш жараёнида, балки қонун ижодкорлигида ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу принцип хатти-ҳаракатнинг жиноят ёки жиноят эмаслигини аниқлаш билан бирга, қонуннинг тўғри ва бир хилда қўлланилишини ҳам таъминлайди.

Қилмишнинг жиноийлиги ва унинг барча ҳуқуқий оқибатлари фақат жиноят қонуни билан белгиланиши сабабли қонунийлик принципи қонун чиқарувчи органга нафақат жиноятнинг аломатларини тўлиқ кўрсатиш, балки жиноят қонунида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган дуч келиши мумкин бўлган энг муҳим вазифаларни ҳал қилиш масъулиятини юклайди.

Қонунда ушбу принципнинг ўрни хатти-ҳаракатнинг жиноят ёки жиноят эмаслигини аниқ кўрсатиб, қонуннинг аниқ ва бир хилда амал қилишини таъминлашда кўринади. Ушбу қондалар жазо санкцияларининг қуйи ва юқори миқдори, бошқа ҳолатларни белгилаши билан ҳам узвий боғлиқдир.

---

### **5-модда. Фуқароларнинг қонун олдида тенглиги принципи**

Жиноят содир этган шахслар жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, бир хил ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиб, қонун олдида тенгдирлар.


---

## **Ш А Р Ҳ**

---

1. Жиноят кодексининг шарҳланаётган мазкур моддаси, яъни қонун олдида тенглик принципига барча демократик





давлатларнинг умумхуқуқий принципи сифатида қаралади. Конституциянинг 18-моддасида мустаҳкамланган ушбу принципнинг Жиноят кодексида акс эттирилганлиги унинг тўлиқ амалда бўлишини таъминлайди. Хусусан, ЖК умуман тенглик принципи эмас, балки жиноят содир этилиши муносабати билан фуқаролар тенглигини мустаҳкамлайди.

2. Жиноят кодексининг шархланаётган моддасида жиноят содир этган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари шахс, жамият ва давлат олдида бошқа шахсларники билан бир хил эканлиги таъкидланади. Жиноят содир этган шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари қонун олдида бир хил бўлиб, жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, этикоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, камситилишига йўл қўйилмайди.

3. Қонун олдида тенглик қондаси ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг бир хиллигида намоён бўлиб, Кодекснинг 1-моддасида акс эттирилган. Принципга кўра, жиноят содир этган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш ёки имтиёзлар бериш фақат Жиноят кодексига асосан амалга оширилади. Бунда ҳеч ким ҳеч қандай имтиёзлардан фойдаланмайди ва ҳеч қандай чекловлар қўйилмайди.

4. Жиноят кодексида мустаҳкамланган қонун олдида тенглик принципи фақат жиноят содир этган шахсларга нисбатан қўлланилади ва Кодекс билан тартибга солинади. Шунингдек, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларининг бир хиллигини таъминлайди.

5. Қонун олдида тенглик принципи умумий ва хусусий кўринишларга эга.

Ушбу **принципнинг умумий кўриниши** жиноят содир этган шахслар мақомининг фундаментал асослари Кодексда мустаҳкамланганлигида намоён бўлади. Бу кўриниш содир этилган жиноят учун жавобгарлик ва жазонинг муқаррарлиги, жавобгарликни оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларнинг мавжудлиги билан ифодаланади. Шундай қилиб, тенглик принципининг умумий кўриниши жиноят таркибига алоқадор бўлмаган асосий ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг қонун олдида тенглигини билдиради.

**Тенглик принципининг хусусий кўриниши** бир хил жиноят содир этган шахслар бир-биридан устун қўйилишига йўл қўймаслигини билдиради. Тенглик принципининг ушбу кўриниши содир этилган жиноят таркибида ва жиноят содир этган шахснинг ҳуқуқий мақоми тенглигида намоён бўлади.

6. Жиноят кодексининг шарҳланаётган моддасига кўра, мазкур принцип жиноятнинг махсус субъектлари (мансабдор шахслар, ҳарбийлар)га нисбатан ҳам татбиқ этилади. Ушбу субъектларнинг жавобгарлиги уларнинг зиммасига юклатилган мажбурият ва ваколатлар доирасида содир этилган жиноятлар учун қўлланилади.

7. Тенглик принцинга мос равишда айрим фуқаролар (депутатлар, судьялар), содир этган жинояти учун алоҳида тартибда жавобгарликка тортилади. Бундай алоҳида тартиб фуқароларнинг конун ва суд олдида тенг ҳуқуқлилиги принципига зид келмайди, чунки у кўрсатилган шахслар учун конунда белгиланган жавобгарликни бутунлай истисно қилмайди, балки фақат жавобгарликка тортиш бошқа қондага кўра тартибга солинади. Кўрсатилган тоифадаги мансабдор шахсларга нисбатан алоҳида қондаларнинг мавжудлиги, уларнинг алоҳида турдаги давлат хизматини бажариши билан боғлиқдир. Шунингдек, юқорида кўрсатиб ўтилган шахслар аҳолининг нормал ва мустақил ҳаёт кечиришини таъминлаш бўйича вазифаларни бажаради, лекин уларга нисбатан имтиёз ва устунликлар кўзда тутилмайди.

8. Содир этилган қилмишда жиноят таркибининг мавжудлиги (ЖКнинг 16-моддаси) – жиноят тўғрисидаги қонунчиликка кўра, жиний жавобгарликнинг асоси бўлиб, у барча жиноят содир этган шахслар учун бир хил амал қилиши, тенглик принципининг намоён бўлишидир.

Жиноят таркибининг мавжудлигига жиний жавобгарликка тортишнинг ягона асоси сифатида қаралиши фуқароларнинг конун олдида тенглигида намоён бўлади ва қонун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар олдида жиноятнинг барча белгиларини аниқ кўрсатиб, кейин уни исботлаш мажбуриятини қўяди. Фуқароларнинг конун олдида тенглиги

принципи халқаро-ҳуқуқий ва конституциявий принцип бўлганлиги сабабли барча қонунларда назарда тутилади.

---

◆

### 6-модда. Демократизм принципи

Жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки жамоалар жиноят содир этган шахслар ахлоқини тузатиш ишига қонунда назарда тутилган ҳолларда жалб қилинишлари мумкин.

---

## Ш А Р Х

---

1. Суверен демократик давлат бўлган Ўзбекистон Республикаси ўз истиқболини ижтимоий адолат ва қонунийлик асосида қуриб, ҳозирги ва келажак авлод манфаатларига хизмат қилади. Давлат ҳокимиятининг халқ иродасига асосланганлиги давлат ҳокимиятига халқ вакиллари сайлашда намоён бўлади ва унга демократиянинг бир элементи сифатида қаралади. Демократизм принцигига ижтимоий ҳаётнинг ҳар бир жабҳасида амал қилинаётганлиги каби Ўзбекистон Республикасининг жиноят тўғрисидаги қонунчилиги ҳам бундан мустасно эмас.

2. Демократизм принципининг жиноят тўғрисидаги қонунчиликда ифодаланиши жиноят ҳуқуқи нормаларида халқимиз иродасини ифода этиб, пировардида бу нормалар Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилишини билдиради.

Демократизм принципини бошқача тарзда «жамоатчилик ёрдами принципи», деб ҳам аташ мумкин. Жиноят қонуни жиноят содир этган шахсларни қайта тарбиялашда жамоатчилик ёрдамига таяниши ушбу нормада ифодаланганлигини кўришимиз мумкин.

3. Демократизм принципи жиноят тўғрисидаги қонунчилик нормаларини амалга ошириш, жиноят содир этган шахсларни тарбиялашда жамоатчилик вакилларининг жалб

килинишини билдиради. Озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб келган шахсларни, ижтимоий хавфли қилмиш содир этган вояга етмаганларни қайта тарбиялашда жамоатчиликнинг ўрни катта эканлигига қонунда алоҳида эътибор қаратилган.

---

### 7-модда. Инсонпарварлик принципи

Жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон қадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламайди.

Жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши керак.

Жазолашдан кўзланган мақсадга ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддаларида назарда тутилган енгилроқ чораларни қўллаш орқали эришиб бўлмайдиган тақдирдагина оғирроқ жазо чоралари тайинланиши мумкин.

---

## Ш А Р Ҳ

---

1. Кодекснинг ушбу моддаси инсонпарварлик принципи инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши мустаҳкамланган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддаси мазмунини акс эттиради. Айни пайтда, ушбу модда конституциявий норманинг Жиноят кодексидаги такрори ҳисобланмайди, балки жиноят-ҳуқуқий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари ва моҳиятини очиб беради.

Жиноят кодексида мазкур принципнинг моҳияти муайян (жиноят содир этган) шахсларга нисбатан жазо тайинлаш ёки бошқа таъсир чораларини қўллашда намоён бўлиб, Кодекснинг ушбу қондаси бошқа қондалар каби реал, ижтимоий ҳаётда асосланган ва амалий ижроси мавжуд бўлиши керак. Жиноят ҳуқуқидаги инсонпарварлик принципи жиноят содир этган



шахс билан давлат муносабатга киришганида ўз моҳиятини намоён этиши жаҳон амалиётида тан олинган.

2. Шархланаётган моддага кўра, инсонпарварлик принципнинг жиноят содир этган шахсга нисбатан қўлланилиши жамият ва давлатнинг ушбу шахсга нисбатан жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораларини кўришида намоён бўлади.

3. Жиноят кодексининг 7-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларида жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари шахсга нисбатан қўлланилишининг неготив ва позитив хусусиятлари акс эттирилган:

– жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон кадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламайди;

– жиноят содир этган шахсга нисбатан қўлланилган чора унинг қайта жиноят содир этишининг олдини олиши зарур.

4. Жиноят кодекси ушбу принципда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ, шахсга нисбатан жазо ва бошқа таъсир чораларини қўллаш билан унга жисмоний азоб бериш ёки руҳий таъсир ўтказиш мақсади кўзланмайди.

Шархланаётган моддага кўра, жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чораларини нотўғри қўллаш натижасида шахснинг кадр-қиммати, шаънига ва шахсиятига оғир ботиши билан унинг кейинги ҳаёти издан чиқиши мумкинлиги назарда тутилади. Ўзбекистон Республикасининг жиноят тўғрисидаги қонунчилигига кўра, жазо жиноят содир этган шахсга нисбатан акс таъсир қилиш мақсадида эмас, балки Кодекснинг инсонпарварлик ғояларига таяниб, уни тарбиялаш ва жамиятга қайтаришни кўзда тутлади.

5. Жиноят содир этган шахсга нисбатан жазо тайинлаш унга жисмоний азоб бериш ёки кадр-қимматини камситишни назарда тутмасдан, унинг қайта тарбияланиши ва қайтадан жиноят содир этмаслиги учун зарур ва етарли таъсир чораларининг қўлланилиши инсонпарварлик принципнинг моҳиятини белгилайди.

**Зарур ва етарлилик** – бу жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси тайинлашнинг муҳим икки белгиси ҳисобланиб, бири энг кам миқдорини, иккинчиси энг кўп миқдорини кўрсатади.

**Жазо тайинлашнинг зарурлиги** содир этилган жиноятга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган жазо тури ва миқдорини белгилашда намоён бўлади.

**Жазонинг етарлилиги** жиноят содир этган шахсни тарбиялашда муҳим бўлган жазо тури ва белгиланган жазонинг энг кам миқдорини танлашда намоён бўлади. Жазо тайинлашнинг етарлилиги аниқроқ хусусиятга эга бўлиб, бунда шахс ва у содир қилган муайян жиноятнинг хусусиятлари ҳисобга олинади.

Зарур ва етарлилик қондаси хар бир жиноят учун жазо тайинлашда эътиборга олинishi лозим. Хусусан, ҳукм чиқаришда суд инсонпарварлик принципига асосан қонунда белгиланган жазо тайинлашнинг умумий асосларига қатъий риоя қилиши шарт.

Жазо тайинлашнинг умумий асослари тўғрисидаги қонун нормасини қўллашда судлар у ёки бу жазо тайинланишининг сабабларини ҳукмнинг тавсиф қисмида баён қилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги қарорига риоя қилишлари лозим.

ЖК 56-моддасида назарда тутилган жазони оғирлаштирадиган ҳолатлар рўйхати қатъий бўлиб, унинг кенгайтириб шарҳланиши мумкин эмас. Жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар рўйхати эса, суд томонидан муайян ишнинг ҳолатларидан келиб чиқиб ҳукмнинг тавсиф қисмида асослантирган ҳолда кенгайтирилиши мумкин. Суд жазо тайинланаётганда қонунда тўғридан-тўғри назарда тутилмаган ҳолатларни ҳам енгиллаштирувчи ҳолат, деб топиши мумкин. Ҳукмда айбдорнинг шахси ҳисобга олинган ҳолда жазо тайинланганлигининг кўрсатилиши етарли эмас.

**6. Шарҳланаётган модданинг учинчи қисмида** содир этилган жиноятга нисбатан муайян жазо чорасини танлаш ҳукуқи мустаҳкамланган. Инсонпарварлик принципи моҳиятига кўра қонунни қўллаш жараёнида жазонинг муқаррарлиги ва етарлилиги кўзда тутилади.

Оғир жазо чоралари Жиноят кодекси 7-моддасининг учинчи қисмига кўра, енгил жазо чоралари билан кўзланган



мақсадга эришиб бўлмаган тақдирдагина қўлланилади. Судлар жазо тайинлаш пайтида ушбу қоидага мувофиқ Жиноят кодексининг Махсус қисмига мурожаат этишлари лозим. Шунингдек, жамиятдан ажратмаган ҳолда қайта тарбиялаш мумкин бўлган шахсларга нисбатан қонунда белгиланган барча имкониятдан фойдаланиб озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашлари лозим.

7. Жиноят кодексигадаги барча қоидалар ушбу принцип асосида шакллантирилган. Масалан, жазодан озод этиш, яъни муомалага лаёқатсиз ёки бошқача қилиб айтганда, жазонинг моҳиятини англаб етмайдиган шахсларга тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш ҳам назарда тутилган. Умумлаштириб айтадиган бўлсак, амнистия ва афв этиш институтлари ҳам инсонпарварлик принципининг бўғинларидир.

Мазкур принцип асосида сўнгги вақтларда амалдаги Жиноят кодексига қуйидаги ўзгартиришлар киритилди:

– жазони енгилроғи билан алмаштириш ва жазони ўташдан шартли равишда озод қилиш қоидалари соддалаштирилди;

– жиноят содир этган шахсни жамиятдан ажратмаган ҳолда қайта тарбиялаш имконияти сифатида иқтисодий жазо чораларини қўллаш кўлами кенгайтирилди;

– жиноий жазо тизимидан ўлим жазоси чиқариб ташланди ва умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси киритилди<sup>1</sup> (шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, ўлим жазоси бекор қилингунга қадар ушбу жазо фақат икки: жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ва терроризм учун тайинланиши мумкин эди, шунингдек, қонунда ўлим жазоси аёлларга, вояга етмаганларга ва 60 ёшдан ошган эркакларга нисбатан қўлланилиши тақиқланган эди).



<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 июлдаги «Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ўРҚ–99-сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборот-номаси, 2007 й., 6-сон, 248-модда.

### 8-модда. Одиллик принципи

Жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилиқ даражасига мувофиқ бўлиши керак.

Ҳеч ким айнан битта жиноят учун икки марта жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

## Ш А Р Ҳ

1. Одиллик принципи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қатор моддаларида мустаҳкамланган бўлиб<sup>1</sup>, халқаро ҳуқуқ тамойилларидан бири сифатида эътироф этилган<sup>2</sup>. Мазкур асосий қонданинг Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига мустаҳкамланиши жиноят ҳуқуқига доир қўлланиладиган конституциявий нормаларнинг мантиқий амалга оширилиши ҳисобланади.

2. **Одиллик умумий категория сифатида** ўзида ҳаётий воқеликнинг айрим қимматли неъматлари ва кадриятларини, хусусан, воқеликнинг тўғри ва ҳаққоний баҳоланишини акс эттиради. Одилликнинг бундай тушунилиши жиноят ҳуқуқига ҳам хос бўлиб, унинг хусусияти ўзида адолат мезонининг бироз бошқа жиҳатини назарда тутати.

Жиноят кодекси нуқтаи назарида жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораларининг содир қилинган жиноий қилмишнинг оғирлиги, айб даражаси ва айбдор шахснинг ижтимоий хавфлилигига яраша тайинланишини тақозо этади.

**Одиллик жиноят ҳуқуқининг принципи сифатида** ўзида жазонинг содир қилинган жиноятга мувофиқ бўлиши ёки ушбу ҳолатда муҳим йўналиш сифатида намоён бўлувчи содир қилинган қилмишнинг оғирлиги, айб даражаси, айбдор шахснинг ижтимоий хавфлилигини ифода этади.

<sup>1</sup> Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14, 18-моддалари.

<sup>2</sup> Қаранг: Большой юридический словарь. Под ред. А.Я. Сухарева, В.Е. Крутских. М., ИНФРА, 2000. – С. 558.



3. Айбдорга тайинланган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси айбдор томонидан содир этилган **муайян жиноятнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти ва даражасига** мос келишини англатади.

Муайян жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси унинг учун жазо назарда тутилган модда санкциясида ўз аксини топади. Шу нуқтаи назардан қонунни қўллашда ушбу модданинг санкциясидаги жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жиноятнинг оғирлигига мувофиқ равишда тайинланади. (*Жиноятнинг оғирлик даражаси Жиноят кодексининг 15-моддасига берилган шарҳда батафсил кўрсатилган*)

Муайян жиноий қилмишнинг объектив томонини ифодаловчи жиноятнинг оғирлик даражасидан фарқли равишда, айбнинг даражаси бу шахснинг рухий ҳолати, айбининг шакли, хулқ-атворининг мотиви, мақсади, айбдорнинг кайфияти ҳис-ҳаяжони ва турли кечинмаларининг умумий тавсифловчи мезонидир. Мазкур элементлар жиноят ҳуқуқи нуқтаи назаридан турлича хусусиятга эга бўлиб, уларнинг баъзилари жиноят таркибига киритилган, баъзилари киритилмаган. Бироқ, танланган жазо ёхуд бошқа ҳуқуқий таъсир чораларини баҳолаш учун айбнинг даражасини аниқлашда юқорида келтирилганларнинг барчаси шахснинг ўзи содир этган жиноий қилмишига рухий муносабатини ифодаловчи ҳолат сифатида инобатга олиниши зарур. (*Айбнинг субъектив томони ва даражаси ҳақида Жиноят кодексининг 20–24-моддаларига берилган шарҳда батафсил тўхталиб ўтилган*)

Тайинланаётган жазо ёки бошқа таъсир чораларининг ва содир этилган қилмиш, жиноятчи шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мутаносиблиги қўлланилаётган чораларнинг адолатлилигини аниқлашда эътиборга олинади.

**Жиноятчи шахснинг ижтимоий хавфлиги** унинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрни, ғайриқонуний хулқ-атворининг катъий эканлиги ёки унинг ғайриижтимоий хулқ-атвори (мисол учун, рещедивист, алкоғолли ичимликлар, гиёҳвандлик

воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни сурункали истеъмол қилиши ва ҳ.к.) дан далолат беради.

Шахснинг ижтимоий хавфлилигини аниқлашда унинг содир қилган жинояти, жиноят содир қилгунга қадар ва муайян ҳолатда ижтимоий хавfli қилмиш содир қилгандан кейинги хулқ-атвори ҳисобга олиниши керак.

4. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмида бир жиноят учун икки марта жавобгарликка тортиш мумкин эмаслиги белгиланган бўлиб, ушбу қонданинг қонунда мустаҳкамланганлиги одиллик принципининг иккинчи муҳим жиҳатини очиб беради. Хусусан, Жиноят кодексининг 8-моддасининг биринчи қисмида жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши белгиланган бўлса, шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмида, умуман, жиноий жавобгарликнинг одилона бўлиши таъкидланган. Бу ўринда бир жиноят учун бир марта жавобгарликка тортиш мезон бўлиб хизмат қилади. Бунда жиноят содир этган шахснинг ҳолати, илгари жиноий жавобгарликка тортилганлиги, унинг судланганлиги ёки оқланганлиги аҳамиятга эга эмас. Ушбу ва бошқа ҳолатларда у битта қилмиш учун қайта жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

5. Жиноят тўғрисидаги қонунчиликда одиллик принципи жиноят субъектларининг тенглигини белгиловчи фуқароларнинг қонун олдида тенглиги принципини амалга оширишда мавжуд бўлган бир қатор расмийликларни бартараф этишга хизмат қилади. Одиллик принципи жиноят ишлари бўйича одил судловни амалга оширишда фуқароларнинг қонун олдида ҳақиқий тенглигига эришишнинг объектив имкониятини ифода этади. Фуқароларнинг қонун олдида тенглиги ва одиллик принципининг биргаликда татбиқ қилиниши кенг маънода қонунни амалда тўғри қўллаш имконияти ҳамда ҳуқуқни қўллаш фаолиятида жиноят ҳуқуқи субъектлари тенглигининг реал асосларини белгилайди.



### 9-модда. Айб учун жавобгарлик принципи

Шахс қонунда белгиланган тартибда айби исботланган ижтимоий хавфли қилмишлари учунгина жавобгар бўлади.

## Ш А Р Х

1. **Жиноий жавобгарлик** – бу жиноят қонунида қатъий белгиланган айрим салбий оқибатларга сабаб бўлган жиноят содир қилган шахсни тавсифловчи ҳуқуқий жавобгарликнинг маълум шакли. Жавобгарлик бир бутун алоҳида институт сифатида бир қатор умумий ва хусусий, жумладан, жиноят содир қилган шахсни тузатишга қаратилган белгиларга эга.

**Жиноят содир этган шахснинг тузалиши** деб, аввало, жиноят тўғрисидаги қонунчиликда тақиқланган қилмишни содир этмасликка ундовчи, қонунга итоаткорлик руҳида тарбиялаш тушунилади. Тузалиш жараёни, жиноий жавобгарликка тортишдан қўзланган мақсадга эришишда асосий аҳамият касб этади.

2. Ушбу принципнинг аҳамияти шундаки, айб – жиноий қилмишнинг хусусияти сифатида, жиноят содир этган шахснинг жамиятдаги ҳуқуқ тартиботига салбий муносабатидан ифодаланган. Демак, шахсни тузатиш учун, аввало, ушбу салбий муносабатнинг ўзини аниқлаб олиш зарур бўлади. Шахсдаги бундай салбий муносабатнинг аниқланмаслиги жамият манфаатига зид бўлиб, жиноий жавобгарликнинг аҳамиятини йўқотади.

3. Айб учун жавобгарлик принципи шахснинг жиноий жавобгарликка тортилиши учун зарур бўлган қуйидаги ҳолатларни билдиради:

- шахснинг ўз қилмишига нисбатан руҳий муносабатини;
- мазкур қилмишнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти аниқланишини.

Кўрсатилган белгиларга мослиги жиноят ҳуқуқий нормаларини шакллантиришда қонун чиқарувчи орган томонидан ва мазкур нормаларни амалда қўллашда, яъни шахсни жиноий жавобгарликка жалб қилиш жараёнида

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган томонидан инobatга олинади.

Таъкидлаш жоизки, жиноий жавобгарлик тушунчаси ва унинг асоси Жиноят кодексининг 16-моддасидан фарқли равишда ушбу принципда мустақкамланиши субъектга нисбатан умумий жиноий жавобгарлик қондаси назарда тутилади. Жиноят кодексининг 16-моддасида таърифланган қоидалар эса, айб учун жавобгарлик принципининг айрим кўринишларини акс эттиради.

4. Содир этган ижтимоий хавfli қилмишига нисбатан шахснинг рухий муносабати қасд ёки эҳтиётсизлик кўринишида намоён бўлади. Ушбу принципга мувофиқ, ҳар бир муайян ҳолатда айнан жиноят қонунда назарда тутилган айбнинг шакли аниқланиши лозим. Масалан, қонунда фақат қасддан болани алмаштирганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган бўлса (Жиноят кодексининг 124-моддасига асосан), мазкур моддада айбни эҳтиётсизлик оқибатида содир этганлик сифатида баҳолаб, жиноий жавобгарликни қўллаш мумкин эмас.

5. Айб учун жавобгарлик принципи жавобгарликдан кўзланган мақсадга эришишни тезлаштиради. Шахс ўз қилмишининг хавfliлик даражасини кўрсатувчи объектив ҳолатларни англамаган, англаши шарт бўлмаган ёхуд англай олмайдиган ҳолларда, бу ҳолатлар унинг жавобгарлигини оғирлаштиришга хизмат қилиши мумкин эмас. Жиноий жавобгарликнинг объектив ва субъектив асослари мавжудлигига асосланиб бундай ҳулосага келиш мумкин.

6. Айб учун жавобгарлик принципи нафақат ижтимоий хавfli қилмишни содир этган субъектнинг айби аниқланишини, балки қонунга мувофиқ, айбининг исботланишини ҳам назарда тутати. Судланувчининг тергов ёки судда айбини бўйнига олиши у иш бўйича тўпланган ҳамда судда текширилган бошқа далиллар билан ҳолисона тасдиқлангандагина айблов ҳукми чиқарилишига асос бўлади. Бу талаб айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва судланувчининг айбдорлиги суд муҳокамаси жараёнида исботланган тақдирдагина чиқарилиши лозимлиги ҳақидаги ЖПКнинг 463-моддаси мазмунидан келиб чиқади.



Бу уринда исботлаш қонунга тулик буйсунган ҳолда амалга оширилиши лозим. Мазкур талабга риоя қилмаслик айбнинг исботланмаганлигини ва жиноят содир этмаган шахснинг жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин эмаслигини кўрсатади.

Айбни исботлаш ҳақидаги қонун талабларининг бузилиши ҳолларида, яъни қонунга зид равишда олинган барча далиллар юридик кучга эга бўлмасдан ҳукмга асос қилиб олиниши мумкин эмас. Қонунга зид равишда олинган далилларга тергов олиб боришнинг ноқонуний, рухий ва жисмоний куч ишлатиш усуллари қўллаб олинган далиллар, шунингдек, жиноят-процессуал қонуннинг бошқа нормаларининг бузилиши (масалан, ҳимоя ҳуқуқининг бузилиши) натижасида олинган далиллар киради.

Далил қонунга зид равишда олинган, деб топилган тақдирда, жиноят субъекти айбсиз, деб тан олинади.

7. Таъкидлаб ўтиш лозимки, ушбу принцип асосида аниқ жиноятлар таркибини шакллантириш ва жиноят таркибини жиноий жавобгарликнинг асоси, деб тан олиш билан мамлакатимиздаги қонунчилик ҳужжатларида ижтимоий хавfli ва қонунчиликка хилоф бўлмаган қилмиш учун жазоланиш инкор қилинади.

Ушбу принципга кўра яна объектив айблов, яъни айбсиз ҳолда зарар етказганлик учун жиноий жавобгарлик истисно этилади. Айбсиз ҳолда зарар етказиш, ижтимоий муносабатларга етказилган моддий зарар миқдоридан қатъи назар, жиноят, деб топилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида айб учун жавобгарлик принципининг мавжудлиги жиноят учун жавобгарликнинг қатъий белгиланганлигини кўрсатади. Жиноят содир этганлик учун айбдор шахсина жавобгарликка тортилади. Ушбу қоида жиноят тўғрисидаги қонунчиликда бажарувчининг эксцесс, яъни жиноий гуруҳ аъзоларининг умумий қасд билан қамраб олинмаган ҳаракати учун фақат бажарувчининг ўзи жавобгар бўлишида ҳам ўз аксини топган. *(Бу ҳақда ЖКнинг 30-моддасига берилган шарҳга қаранг)*



## 10-модда. Жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи

Қилмишида жиноят таркибининг мавжудлиги аниқланган ҳар бир шахс жавобгарликка тортилиши шарт.

---

### Ш А Р Ҳ

---

1. Жиноят кодексининг шарҳланаётган моддасида жиноят содир этган шахснинг жавобгарликдан қутулиб қолмаслиги ҳақидаги умумий талаблар мустаҳкамланган.

Жиноят кодексига мазкур қонуннинг мавжудлиги жиноят ҳуқуқи нормаларининг барқарорлиги ва бир хиллигини аниқлаб, жиноят тўғрисидаги қонунчилик мавқеининг ошишига ёрдам беради. Шу билан бирга, жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи барча фуқароларнинг ҳаракатига нисбатан оғоҳлантирувчи таъсир кучига эга бўлиб, шу орқали Жиноят вазифаларининг амалга оширилишига қўмаклашади.

2. Жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи биринчи навбатда жиноят содир қилган шахсларга қаратилган ва мазкур шахслар томонидан содир қилинган қилмиш учун жавобгарликка оид қондаларни ўрнатади. Шарҳланаётган модда қонунийлик принципи ва фуқароларнинг қонун олдида тенглиги принципларининг давоми ҳисобланиб, уларни аниқлаштиради ва бир пайтнинг ўзиде уларнинг доирасидан бир оз чиқади ҳам.

Ушбу моддада муайян шахслар доирасига кирувчи, яъни қилмишида жиноят таркиби мавжуд бўлган ҳар бир шахс назарда тутилган.

Шахснинг хатти-ҳаракатида жиноят таркиби мавжудлигини аниқлаш жавобгарликка тортишнинг зарурий белгиси ҳисобланади, яъни бу жиноят қонунда назарда тутилган жазоловчи ҳамда қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини кўрсатувчи объектив ва субъектив элементлар мажмуидир. Шахснинг қилмишида жиноят таркибининг мавжуд эмаслиги унинг жиний жавобгарликка тортилмаслигига сабаб бўлади.

3. Қонунга кўра, қилмишида жиноят таркиби мавжуд бўлган шахс жиний жавобгарликка тортилади. Бундай талаб ҳар бир ижтимоий хавфли қилмишда айбдор бўлган шахс

муайян конун нормасида назарда тутилган салбий оқибатларни бошдан кечириши кераклигини билдиради.

Таъкидлаш жоизки, салбий оқибатлар:

– ЖК амал қиладиган шахсларга нисбатан – ЖК нормаларига мувофиқ жавобгарликка тортишда;

– амалдаги қонунлар, халқаро шартномалар ёки битимларга мувофиқ чет эл фуқароларининг жавобгарлиги тўғрисидаги масала Ўзбекистон Республикаси судларига тегишли бўлмаса, халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ жавобгарликка тортилишда ифодаланadi.

4. Шунини айтиб ўтиш лозимки, Жиноят кодексига мувофиқ, шахснинг жиноий жавобгарликка тортилиши, албатта, жазо тайинланишини англамайди. Унга нисбатан жиноят қонунда назарда тутилган бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари ҳам қўлланилиши мумкин<sup>1</sup>. Амалдаги қонунда жазодан озод қилишнинг шартли ҳукм қилиш, жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилиш ва бошқа турлари ҳам назарда тутилган.



<sup>1</sup> Каранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сонли қарори, 2-банд.

## II боб. КОДЕКСНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ ДОИРАСИ

### II-модда. Кодекснинг Ўзбекистон ҳудудида жиноят содир этган шахсларга нисбатан амал қилиши

Ўзбекистон ҳудудида жиноят содир этган шахс ушбу Кодекс бўйича жавобгарликка тортилади.

Қилмиш:

а) Ўзбекистон ҳудудида бошланган, тамомланган ёки тўхтатилган бўлса;

б) Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида содир этилиб, жинойий оқибати эса, Ўзбекистон ҳудудида юз берган бўлса;

в) Ўзбекистон ҳудудида содир этилиб, жинойий оқибати эса, Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида юз берган бўлса;

г) бир неча қилмишлардан иборат ёки бошқа қилмишлар билан биргаликда содир этилган бўлиб, унинг бир қисми Ўзбекистон ҳудудида юз берган бўлса, Ўзбекистон ҳудудида содир этилган жиноят деб топилади.

Ўзбекистон байроғи остидаги ёки Ўзбекистон портида рўйхатга олинган ҳаво, денгиз ёки дарё кемасида Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида бўлиб, чет эл давлати ҳудуди ҳисобланмаган жойда жиноят содир этилса, бундай жиноят учун ушбу Кодекс бўйича жавобгарликка тортилади.

Амалдаги қонунлар, халқаро шартномалар ёки битимларга мувофиқ чет эл фуқароларининг жавобгарлиги тўғрисидаги масала Ўзбекистон Республикаси судларига тегишли бўлмаса, улар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноят содир этган ҳолда, халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ ҳал қилинади.

---

## Ш А Р Ҳ

---

1. Жиноят кодексининг шарҳланаётган моддаси Ўзбекистон Республикаси жиноят тўғрисидаги қонунчиликнинг қўлланилиши ҳудудини белгилайди. Унда баён этилган қоидалар ҳудудийлик тамойилини, яъни қайси давлат ҳудудида жиноят содир этилган бўлса, уша давлатнинг жиноят қонуни



қўлланилиши принципини ифодалайди. Унга мувофиқ, Ўзбекистон ҳудудида жиноят содир этган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ёки хорижий давлат фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси бўйича жавобгарликка тортиладилар.

Худудийлик принципи давлат ҳокимиятининг суверенитети принципига асосланган бўлиб, ўз навбатида, жиноят ҳуқуқида ҳам қисман аксини топган. Давлат суверенитети ва қонуннинг худудийлик тамойили ўзаро узвий боғлангандир: давлат ҳокимияти унинг худудий масофалари билан чегараланган ва унинг қонунлари шу чегаралар доирасида амал қилади. Давлат суверенитети ва худудийлик принципи давлат ҳокимияти муайян ҳудуд доирасида чегараланганлиги ва унинг қонунлари фақат ушбу ҳудудда амал қилишини аниқлатади.

**2. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида** худудийлик тамойилининг умумий қондасига кўра: «Ўзбекистон ҳудудида жиноят содир этган шахс мазкур Кодексга мувофиқ жавобгарликка тортилади».

**Худуд** дейилганда, масофанинг шундай қисми, яъни Ўзбекистон Республикаси суверенитетига қарашли:

- а) қуруқлик ҳудуди;
- б) сув ҳавзаси, шу жумладан, ички сув ҳудудлари;
- в) ҳаво ҳавзаси;
- г) ер ости ҳудуди (бойликлари) тушунилади<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 68, 70-моддаларига мувофиқ, мазкур кодекснинг амал қилиш ҳудудида республиканинг барча ҳудуди қаторида Қорақалпоғистон Республикаси ҳудуди ҳам қиради.

**3. Ўзбекистон Республикаси ҳудуди сифатида** республиканинг чет давлатлардаги элчихоналари ва дипломатик ваколатхоналари жойлашган ҳудуд ҳам кўзда тутилади.

Халқаро ҳуқуқнинг умумий қоидаларига мувофиқ, бундай муассасалар экстерриториал мақомга эга бўлади, яъни улар

<sup>1</sup> Қараг: Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида»ги 820–I-сонли Қонуни, 3-модда // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 9-сон, 217-модда.

махаллий қонунчилик таъсиридан ажратилган бўлиб, у қайси мамлакатга қарашли бўлса, бу ҳудудда ўша давлат қонуни амал қилади.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасининг чет эл давлатидаги элчихоналари ва дипломатик ваколатхоналари ҳудудида содир этилган жиноятлар Ўзбекистон ҳудудида содир этилган, деб ҳисобланади. Худди шундай тарзда Ўзбекистондаги чет давлатлар элчихоналарида содир этилган жиноятлар ҳам ўша давлатлар қонунчилигига мувофиқ кўрилади<sup>1</sup>.

Ваколатхона ҳудуди сифатида нафақат ваколатхона бинолари, шунингдек, бу бино жойлашган ер участкаси, ушбу давлат ҳудуди юрисдикциясида иммунитетга эга бўлган ваколатхона бошлиқлари, хизматчилари томонидан эгалланган яшаш жойлари, уларнинг транспорт воситалари ҳам тан олинади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ваколатхона ҳудудига нисбатан содир этилган, унга ва ходимларига қаратилган барча жиноятлар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида содир этилган ҳисобланади, жиноятчи шу ҳудуд ичида туриб жиноят содир этган бўлса, у ҳолда жиноят бошқа давлат ҳудудида содир этилган, деб ҳисобланади.

**4. Куруклик ҳудуди** – бу Ўзбекистон Республикасининг чегараси ичида сув билан қопланмаган қисмидир. Бу ҳудуд таркибига сув билан ўралмаган ва сув билан ўралган (орол) барча куруклик майдони киради.

Куруклик ҳудуди таркибига яна Ўзбекистон анклавлари (денгизга чиқадиған йўлга эга бўлган ҳамма томони ўзга давлатлар ҳудуди билан ўралган ер майдонлари) киради. Куруклик ҳудуди таркибига Ўзбекистон ҳудудидаги қаттиқ-кристалл шаклдаги сув ресурслари – тоғлардаги музликлар ҳам киради.

**5. Сув чегараси** давлат чегаралари ичидаги суюқ ҳолдаги сув ресурсларидир. Сув ҳудуди таркибига ички

<sup>1</sup> Қаранг: «Дипломатик алоқалар тўғрисида» 1961 йил 18 апрелдаги Вена конвенцияси; «Консуллик алоқалари тўғрисида» 1963 йил 24 апрелдаги Вена конвенцияси.



сувлар ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудий сувлари ҳамда чегаравий сувларнинг тегишли қисми киради. Сув ҳудудига ер ости сувлари, термал ва маъданли сувлар кирмайди. Сув ресурсларининг бундай турлари ер ости бойликлари, деб ҳисобланади.

**Ўзбекистон Республикасининг ички сувларига қуйидагилар:**

- Ўзбекистон ҳудудига қирғоқлари тўлиқ жойлашган сув ҳавзалари, (масалан, Чорвоқ сув омбори);

- Орол денгизининг Ўзбекистон ҳудудига қарашли сувлари, яъни сувнинг чегара ҳисобланган кенглигидан яқин қирғоққача қисми;

- Орол денгизи томонидан чегара чизиги билан ажратилган порт сувлари, денгизнинг чегара чизигигача бўлган гидротехник ва бошқа порт иншоотлари;

- Орол денгизининг Ўзбекистон ҳудудига тўлиқ қарашли бўғоз, бухта, губт ва лиман қирғоқлари, қирғоқдан қирғоққача бўлса, кенгликнинг денгиз томонидан биринчи марта ташкил бўлган бир нечта ўтиш жойлари, агар унинг эни 24 денгиз милидан ошмайдиган бўлса (44 км 448 м) киради.

Ўзбекистон ҳудудий сувлари – Орол денгизининг қирғоққа яқин 12 денгиз милига (22 км 224 м) тенг қисми. Бу масофа Ўзбекистон Республикасига тегишли сув чизиги (қирғоғи)дан (сув кўпайган ёки камайганлигидан қатъи назар) ҳисобланади.

**Чегаравий сувлар** – бу чегара ҳисобланган дарёлар, сойлар, кўллар ва ҳавзаларнинг давлат чегараси чизигидан яқин қирғоққача бўлган қисмидир.

Бу ерларда давлат чегараси қуйидаги тарзда: «кема қатнайдиغان дарёларда дарёнинг асосий фарватери ёки тальвеги ўртаси бўйлаб; кема қатнамайдиган дарёларда, жилғаларда – уларнинг ўртаси ёки дарё асосий ўзанининг ўртаси бўйлаб; кўллар ёки бошқа сув ҳавзаларида – давлат чегараси кўл ёки бошқа сув ҳавзаси қирғоқларига чиққан жойларни туташтирувчи тўғри ёки бошқача чизик бўйича белгиланади. Дарё, жилға, кўл ёки бошқа сув ҳавзаси орқали ўтадиган Давлат чегараси улар қирғоқларининг кўриниши

ёки сув сатҳи ўзгарганда ҳам, дарё, жилға оқими у ёки бу томонга бурилганда ҳам ўзгармай қолаверади»<sup>1</sup>.

**6. Ўзбекистон Республикасининг ҳаво ҳавзаси** ер атмосферасининг куруклик ва сув ҳудуди устидаги қисми. Ҳаво ҳавзасининг чегаралари Ўзбекистон Республикасининг куруклик ва сув ҳудудидан ўтувчи вертикал чизик бўйича белгиланади.

**7. Ер ости бойликлари** – ер қобиғининг тупроқ қатлампидан қуйида жойлашган, тупроқ қатлами бўлмаганда эса, ер юзасидан ёки сув объектлари тубидан қуйида жойлашган, геологик жиҳатдан ўрганиш ва ўзлаштириш мумкин бўлган чуқурликкача ястанган қисми<sup>2</sup> ҳамда фойдали қазилмаларнинг ер қаъридан юзага чиқиши.

Ер ости бойликлари ҳудудига табиий қаттиқ жисмлар, суюқ ва газ ҳолатидаги жинслар ва бу жинслар орасидаги бўшлиқлар киради.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси амал қилиш доирасига фақат республиканинг куруклик ва сув ҳудуди остида жойлашган ер ости чегаралари киради. Ер ости бойликларининг чуқурлиги чегараланмаган.

**8. Шарҳланаётган модданинг 2-қисмида** Ўзбекистон ҳудудида жиноят содир этилган, деб ҳисоблаш мезонлари белгинган бўлиб, мазкур қисмнинг киритилиш зарурати қилмиш Ўзбекистон Республикаси ҳудудида содир этилган жиноятнинг чегараларини аниқлаш ва шу асосда қонунни қўллаш бир хилда қўлланилишини таъминлашдан иборатдир.

Жиноят кодексининг 11-моддаси жиний ҳаракат содир этилишининг барча босқичлари ва жиноятчи хатти-ҳаракатларининг барча кўринишларини қамраб олади.

Хусусан, мазкур моддага мувофиқ:

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида»ги 820–I-сонли Қонуни, 5-модданинг 2-қисми // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 9-сон, 217-модда.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 13 декабрдаги «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги 444–II-сонли Қонуни, 2-модда // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 1-сон, 5-модда.

а) Ўзбекистон ҳудудида бошланган, тамомланган ёки бошланиб, тўхтатилган;

б) Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида содир этилиб, лекин жиноят оқибати (натижаси) Ўзбекистон ҳудудида юз берган;

в) Ўзбекистон ҳудудида содир этилган, лекин оқибати (натижаси) ҳудуддан ташқарида юз берган;

г) умумий жиноятнинг бир қисми Ўзбекистон ҳудудида содир этилган бўлса, жиний қилмишлар Ўзбекистон ҳудудида содир этилган, деб тан олинади.

Таъкидлаш лозимки, юқорида келтирилган жиний қилмиш белгилари мазмун-моҳиятига кўра, объектив ҳисобланади ва қонун чиқарувчи жиноят таркиби барча элементларининг объектив томонини кўрсатиб беради. Мазкур белгилар жиний ҳаракатнинг фақат объектив томоннинг хусусиятларига хос бўлиб, жиноят таркибининг бошқа қисмларига тегишли бўлмайди. Айни вақтда жиноятнинг муҳим белгилари (объект, субъект, субъектив томон) қонун чиқарувчи томонидан муҳим устувор, ҳисобланади, яъни қонун моддалари кўрсатилганидан қатъи назар, ҳар бир жиноят кўриб чиқилганда, бу белгилар аниқланади. Бу белгилар жиноят содир этилган ҳудудни аниқлашга таъсир этмайди, лекин суд ва тергов органлари томонидан ҳар бир ҳаракатнинг жиноятга алоқадорлигини аниқлаш мақсадида кўриб чиқилади (масалан, ақли норасо шахс томонидан содир қилинган жиноятда, жиноятнинг объектив белгилари мавжуд бўлса-да, бундай қилмиш учун жиний жавобгарликка тортилмайди.

9. Жиноят кодексининг 11-моддаси иккинчи қисми «а» бандида жиний ҳаракатнинг тугалланганлиги нуқтаи назаридан унинг намоён бўлиш шакллари белгиланган. Шунинг назарда тутиш лозимки, мазкур банд барча жиноятларга, уларнинг ижтимоий хавфлилик оқибатларидан қатъи назар, тегишли бўлади.

10. Шарҳланаётган модданинг мазмунига кўра, айбдор дастлабки ҳаракатларини содир этган бўлса, жиноятнинг бошланиши сифатида тан олинади, гарчи, қилмиш ижтимоий хавфли бўлмаса-да. **Шундай қилиб, жиноят содир этилишининг бошланиши жиноят содир этишга суиқасд**

**қилишни ҳам қамраб олади.** *(Бу ҳақда батафсил Жиноят кодексининг 25-моддасига берилган шарҳга қаранг)*

Жиноят содир этишнинг бошланиши сифатида яна шундай дастлабки жинойй ҳаракат тан олинадики, бундай ҳаракат давом этувчи қонунбузарлик ҳаракатлари билан боғлиқ бўлади, яъни бу давомли жиноятнинг бошланиши ҳисобланади.

Давомли жиноят, масалан, солиқ тулашдан бўйин товлаш, ҳарбий хизматни ёки хизмат жойини ўзбошимчилик билан ташлаб кетиш кабилардан иборат бўлиши мумкин. *(Давомли жиноят ҳақида мазкур шарҳларнинг Жиноят кодекси 32-моддасига тегишли қисмида маълумот берилган)*

11. Жинойй қилмиш Ўзбекистон ҳудудида тамомланган дейилганида, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида назарда тутилган жиноят таркибининг барча белгилари мавжуд бўлади. Муайян жинойй ҳаракатнинг тамом бўлганлиги ёки қилмишида жиноят аломатлари бор ёки йўқлиги ҳақидаги масала Жиноят кодекси Махсус қисми тегишли моддасида кўрсатилган жиноят тушунчасидан келиб чиқиб ҳал қилиниши лозим.

Амалдаги Кодексга мувофиқ тамом бўлган жиноят деганда:

– жиноят натижасида бирон-бир моддий оқибат келиб чиқиши ёки келиб чиқиши мумкинлигини назарда тутувчи жиноят, яъни **моддий таркибли жиноят** (масалан, қотиллик, ўғрилик ва ҳ.к.);

– содир этилиши туфайли муайян оқибатлар рўй бериши талаб этилмайдиган қилмиш – **формал таркибли жиноят** (масалан, тухмат, ҳақорат, давлатга хиёнат ва бошқалар);

– жамият учун тўғридан-тўғри хавfli зарар келтирувчи жинойй ҳаракат – **кесик таркибли жиноят** (босқинчилик, товламачилик ва бошқалар) тушунилади.

*(Бундай жиноят ҳақида батафсилроқ Жиноят кодексининг 16, 25 ва 26-моддаларида маълумот берилган)*

12. Жиноят Ўзбекистон Республикаси ҳудудида содир этилган, деб тўхтатилган жиноят ҳам ҳисобланади.

Мазкур моддага мувофиқ, жинойй ҳаракат ўзининг моддий ифодасига кўра ва субъектив қабул қилиниши жиҳатидан тугалланмаган бўлса, тўхтатилган жиноят, деб баҳоланади.

Амалдаги қонунчилик тўхтатилган жиноятнинг қуйдаги икки турини ажратиб кўрсатади:

– шахс бевосита тамом бўлмаган жиноят содир этишга қаратилган ҳаракатларини охирига етказиши мумкинлигини англаган ҳолда уни тўхтатиш орқали жиноят содир этишдан ихтиёрий равишда қайтиши;

– шахснинг хоҳиш-иродасига борлиқ бўлмаган вазиятлар таъсирида тўхтатилган ҳаракатлар, яъни тугалланмаган суиқасд.

Суиқасднинг тамом бўлмаган, тамом бўлган турлари бор.

**Тамом бўлмаган суиқасд** дейилганда, айбдор ўзининг олдиндан мўлжаллаган жинойи хатти-ҳаракатларини охирига етказа олмагани, кўзлаган мақсадига эриша олмагани тушунилади. Тамом бўлган ва тамом бўлмаган суиқасд орасидаги фарқ шундаки, биринчисида айбдор мўлжаллаган барча ҳаракатларини амалга оширади, аммо жинойи оқибат вужудга келмайди.

Узоққа чўзилган ва давомли жиноятларда ҳам қуйдаги ҳаракатлар, қилмиш айбдорнинг ташаббуси билан (масалан, ўз хоҳиши билан айбни бўйнига олиб келиш) ёки ҳаракат бирор-бир вазият туфайли, масалан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг аралашуви натижасида тўхтатилган бўлса ҳам жиноят сифатида баҳоланади. Бундай ҳолларда узоққа чўзилган ва давомли жиноятлар тамом бўлган деб эмас, балки узилган деб топилади.

13. Шарҳланаётган модданинг навбатдаги – «б» ва «в» бандларида қилмишнинг Ўзбекистон ҳудудида содир этилган жиноят сифатида баҳолашнинг шартлари белгиланган. Бу шартлар моддий таркибли жиноятларга ҳам тегишлидир. Бундай шартларнинг алоҳида кўрсатилишига сабаб – умумий қоидага кўра қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги унинг содир этилишигина эмас, балки унинг қонунда кўрсатилган оқибат келиб чиқишига қараб ҳам аниқланади ва бу оқибатлар келиб чиққандан сўнг жиноят содир этилган ҳисобланади. Лекин бу қоида жинойи ҳаракат бир давлат ҳудудида содир этилганда қўлланилади. Агар жиноят икки ёки бир неча давлат ҳудудида содир этилган бўлса, бундай қоидани қўллаш жиноятчининг жазодан қутулиб қолишига имконият туғдиради. Шунга

қўра, агар содир этилган жиноят моддий таркибга эга бўлса, формал оқибат мавжудлигига қарамай, бундай жиноятлар Ўзбекистон ҳудудида содир этилган, деб баҳоланади. Бундай норманинг қонунда мавжудлиги Кодексдаги жавобгарликнинг муқаррарлик принципига мос келади.

Таъкидлаш лозимки, қилмишнинг Ўзбекистон ҳудудида содир этилган жиноят сифатида баҳоланиши, зарурий белгилардан бирортасининг формал мавжудлигини талаб қилмаса ҳам, бу элементнинг фактик аниқланиши ҳақидаги талабга риоя қилиш зарурлигини инкор этмайди.

Бошқача айтганда, суд ва тергов органлари шахсни бундай жиноят учун жавобгарликка тортишда моддий таркибли жиноятнинг зарурий белгиларини аниқлайдилар. Бу жиноятнинг моддий таркибли эканлиги талабидан келиб чиқади. Ушбу элементлардан бирортасининг фактик жиҳатдан мавжуд эмаслиги айбланувчининг ҳаракатлари тугатилган жиноят сифатида баҳоланиши учун асос бўлади.

14. Мазкур модданинг иккинчи қисми «г» бандига қўра, қилмишда жиноят таркиби мавжуд бўлиб, унинг бир қисми Ўзбекистон ҳудудида содир этилган бўлса, бундай қилмиш Ўзбекистон Республикаси ҳудудида содир этилган, деб баҳоланади.

Кодексда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида содир этилган жиноят сифатида қаралиши лозим бўлган қилмишнинг икки тури кўрсатиб ўтилган.

1) Жиноят мажмуи деганда, айтиб бериш жиноятни содир этишга қаратилган жиний хулқ-атвор актлари мажмуи тушунилади. Хусусан, жиний қилмишлар мажмуи, деган тушунчани бу ерда жиноятга тайёргарлик қўриш билан бирга жиноятни бажарувчи, ташкилот, далолатчи ёки ёрдамчи сифатида иштирокчилик амалга оширилиши назарда тутилади.

Жиноят кодексининг 11-моддаси «а» бандида кўрсатиб ўтилган «белги»лар таъсир доирасига тушмаслиги сабабли жиноятга тайёргарлик қўриш ёки жиноятда иштирокчилик ягона жиний қилмишни ташкил этади.

2) Бир неча қилмишлар ёки бошқа қилмишлар билан биргаликда Ўзбекистон ҳудудида содир этилган бўлиб, улардан



бир қисми Ўзбекистон ҳудудида юз берган бўлса, жиноят деб ҳисобланади. **Бошқа қилмишлар билан ўхшаш деганда**, содир этилган жиноятнинг умумий ягона мақсадга қаратилган ёки бир хил характердаги ҳаракат ёки ҳаракатсизликлар тушунилади.

Шундай қилиб, шарҳланаётган модданинг мазмунига мувофиқ, қилмишлар мажмуи, деган тушунчада шахснинг хатти-ҳаракатлари мужассамлашган бўлса, бошқа ҳаракатлар билан биргаликда деган тушунча қилмишнинг хусусиятини ифода этиб, муайян жиноят таркибини ташкил этади. Бу ерда бир неча қилмишлардан иборат қилмишларнинг мавжудлиги талаб этилади. Агар ҳаракат ёки ҳаракатсизлик бир марта содир этилган бўлса, айбдор шахс мазкур бандга мувофиқ жавобгарликка тортилмайди, бироқ кўрсатилган белгилар мавжуд бўлганда шарҳланаётган модда иккинчи қисмининг «а», «б» ёки «в» бандлари бўйича жавобгарликка тортилиши мумкин.

Таъкидлаш лозимки, мазкур бандга мувофиқ қонунда баён этилган қондадан келиб чиқиб, шахсни жавобгарликка тортиш учун жиноят бошқа давлат ҳудудида бошланган, тамомланган ёки тўхтатилган, лекин жиний ҳаракатнинг бир қисми Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга оширилганини аниқлаш лозим (масалан, Ўзбекистон Республикасининг қўшни давлат билан чегарасида бошланиб, ўша ерда геноцид (қирғин) юз берган ва чегарадош Ўзбекистон Республикасининг аҳолисига зарар етказилганлиги. Акс ҳолда, жиноят содир этган шахс мазкур модданинг «а» бандига мувофиқ жавобгарликка тортилади).

**15. Жиноят кодексининг II-моддаси учинчи қисмида** замонавий халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормалари ифодаланган. Унга мувофиқ, денгиз, дарё ёки ҳаво кемаси сатҳидаги байроқ ёки порт белгиси қайси давлатга мансуб бўлса, ўша давлат ҳудудидан ташқарида, лекин бошқа бирор хорижий давлат ҳудудига кирмаган бўлса, у ўз давлати ҳудудида ҳисобланади. Халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ, давлатлар чегара чизигидан ташқарида бўлган ёки алоҳида яктисодий ҳудуд чизигидан ташқарида жойлашган

сув ёки ҳаво ҳудуди **очик денгиз** ёки **очик ҳаво** ҳудуди деб ҳисобланади.

Очик денгиз ва очик ҳаво ҳудудида жиноят содир этилганда, денгиз ёки ҳаво кемаси Ўзбекистон Республикаси байроғи остида бўлиб, Ўзбекистон портида рўйхатдан ўтган бўлса, жиноятчи Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ жавобгарликка тортилади. Агар денгиз ёки ҳаво кемаси ва бошқа ҳаракатланувчи объектлар чет давлатларнинг ҳудудий сувлари ёхуд портида турган пайтда жиноят содир этилса, жиноят ўша давлат ҳудудида содир этилган, деб топилади.

Айбдорнинг қайси давлат фуқароси эканлиги, кеманинг кимга тегишли эканлиги (давлат мулки, шахсий мулк) жиноий жавобгарликка тортиш ҳақидаги масалани кўришда аҳамият касб этмайди.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси жиноят хорижий давлатнинг сув ёки ҳаво ҳудудида содир этилганда ҳам қўлланилиши мумкин. Бундай ҳолларда, агар қўлланиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжат хорижий мамлакатнинг манфаатларига зид келадиган бўлса, ўша давлат қонунчилиги қўлланилади<sup>1</sup> (денгиз, дарё ва ҳаво кемалари ҳақида ЖК 260-моддасининг шарҳида маълумот берилган).

Ёрдамчи воситалар: шлюпка, трап ва унинг ичига кирувчи бошқалар ҳам кема ҳудуди предметлар: лангар ва бошқалар ҳисобланади.

16. Денгиз, дарё ва ҳаво кемаси Ўзбекистон байроғи остида ёки Ўзбекистон портида рўйхатга олинган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг жиноят қонуни қўлланилади.

Кеманинг **Ўзбекистон Республикаси байроғи остида бўлиши** қонун нуқтаи назаридан унинг Ўзбекистон Республикаси байроғини олиб юриш ҳуқуқи ва мажбуриятига эга ҳисобланади<sup>2</sup>. Байроғи остида сузиш тартибини ҳар қайси

<sup>1</sup> Қаранг: масалан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1982 йилдаги Денгиз ҳуқуқи ҳақидаги конвенциясининг 27-моддаси; 1963 йил 14 сентябрдаги Ҳаво кемасида содир этиладиган жиноятлар ва баъзи бошқа актлар тўғрисидаги Токио конвенцияси. 3–4-моддалари.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 9 июлда 769-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси ички кема йулларида сузиш қоидалари. 7.1-банди.

давлатнинг ўзи белгилайди. Шунингдек, бу ҳуқуқни берувчи тегишли ҳужжатни тақдим қилади<sup>1</sup>.

**Портда рўйхатга олиш** кеманинг махсус сув ҳавзаларида сузувчи кемаларни назорат қилувчи инспекция органлари томонидан реестрга киритилишини<sup>2</sup> англатади.

17. Жиноят кодексининг шарҳланаётган моддасида фақат фуқаролик кемаларининг жиноий юрисдикциясига тааллуқли умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормалари акс этган.

Нотижорат давлат кемалари (ҳарбий, божхона кемалари ва бошқалар) ҳар доим қаерда бўлишидан қатъи назар, фақат Ўзбекистон Республикаси конунларига мувофиқ ҳаракат қилади. Бу очиқ сув ёки ҳаво ҳудуди, бошқа давлат ҳудудидаги денгиз ёки ҳаво ҳудуди, денгиз порти ёки аэропорт бўлиши мумкин. Юқоридаги жойларда жиноят содир этган шахс Ўзбекистон Республикасининг жиноят тўғрисидаги конунчиликка мувофиқ, жавобгарликка тортилади.

18. **Шарҳланаётган модданинг тўртинчи қисмида** Ўзбекистон Республикасининг жиноят тўғрисидаги конунчиликдан ҳудудийлик принципини истисно қилиш ҳолатлари белгиланган. Бу давлат вазифаларини бажарувчи айрим шахсларга дахлсизлик иммунитети берилишини билдиради.

Иммунитетдан фойдаланиш ҳуқуқи берилган шахсни содир этган ижтимоий хавfli қилмишнинг тури ва ижтимоий хавfliлик даражасидан қатъи назар, қайси мамлакат манфаатларига хизмат қилган бўлса, уша давлатнинг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилмайди.

Амалдаги конунга мувофиқ, Ўзбекистон ҳудудида қуйидаги чет эл фуқаролари:

- чет эл давлатлари дипломатик ваколатхона ходимлари;
- чет давлатлари консуллик ваколатхона ходимлари;
- халқаро ҳуқуқлараро ташкилотлар ходимлари;
- чет давлатларининг бошқа вакиллари иммунитет ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин.

<sup>1</sup> См.: Большой юридический словарь / Под ред. А.Я. Сухарева, В.Е. Крутских. – М.: ИНФРА-М, 2000. С. 129.

<sup>2</sup> Қаранг: Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 25 февралдаги 106-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Ички сув транспорти устави, 21-банди.

19. **Дипломатик ваколатхона ходимлари** Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги шундай мақомга эга эканлигини тасдиқловчи ҳужжат берилган ваколатхона бошлиғи ва ваколатхона аъзоларидир. Ваколатхонанинг шахсий таркиби аъзолари – бу аввало, дипломатик ходимлар, ваколатхонанинг маъмурий-техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлари<sup>1</sup>.

**Дипломатик ходимлар** қаторига, шунингдек, дипломатик (мақом) рангга эга бўлган ваколатхона ходимлари ҳам киради.

**Маъмурий-техник ходимлар** таркибига ваколатхонанинг шахсий таркиби аъзолари киритилади. Уларнинг вазифаси ваколатхонага маъмурий-техник хизмат кўрсатишдан иборатдир. Бундан ташқари, ваколатхонага маиший **хизмат кўрсатувчи ходимлар** ҳам бор<sup>2</sup>. Маъмурий-техник ва маиший хизмат кўрсатиш ходимлари фақат хизмат вазифаларини бажараётган вақтдагина иммунитетга эга бўладилар<sup>3</sup>.

Дипломатик ваколатхона ходимлари билан бир қаторда жиноий юрисдикцияга нисбатан иммунитет ваколатхона ходимларининг оила аъзоларига ҳам берилади, башарти улар Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлмаса<sup>4</sup>.

Ҳуқуқий иммунитетдан дипломатик ваколатхона ходими, яъни дипломатик почтани ташувчи (курьер) ҳам фойдаланади.

<sup>1</sup> Қаранг: Хорижий давлатларнинг Ўзбекистон Республикасидаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари тўғрисидаги низом (Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 8 майдаги 207-сонли қарорига 1-илова), 6.4-банд. // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2001 й., 9-сон, 47-модда.

<sup>2</sup> Венская Конвенция о дипломатических сношениях от 18 апреля 1961 г., ст. 1.

<sup>3</sup> Қаранг: Венская Конвенция о дипломатических сношениях от 18 апреля 1961 г., ст. 37; Положение о дипломатических представительствах и консульских учреждениях иностранных государств в Республике Узбекистан (приложение № 1 к постановлению Кабинета Министров Республики Узбекистан от 8 мая 2001 г. № 207), п. 3.17 // Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2001 г., № 9, ст. 47.

<sup>4</sup> Қаранг: Хорижий давлатларнинг Ўзбекистон Республикасидаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари тўғрисидаги низом (Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 8 майдаги 207-сонли қарорига 1-илова), 6.4-банд. // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2001 й., 9-сон, 47-модда.

Худди шундай иммунитетга консуллик муассасаси куръери ҳам эгадир. Дипломатик курьер бир марталик ёки доимий бўлиши мумкин.

20. **Консуллик муассасаси ходими** — бу биринчи навбатда, консул вазифасини адо этувчи ва Ташқи ишлар вазирлиги томонидан берилган махсус ҳужжатларга эга бўлган ходим<sup>1</sup>. Бундан келиб чиқиб шуни айтиш лозимки, консуллик муассасаси ходими сифатида, фақат мазкур муассасасадаги мансабдор шахслар тушунилади. Мазкур шахслар ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этган тақдирдагина, бундай иммунитетдан фойдаланадилар<sup>2</sup>.

Консуллик курьерларига Ўзбекистон дипломатик курьерларга тенг бўлган мавқени беради<sup>3</sup>.

21. **Халқаро ҳукуматлараро ташкилотларнинг ходимлари** сифатида Ўзбекистонда тегишли тартибда аккредитация (руйхат)дан ўтган халқаро ташкилотнинг мансабдор шахслари ва вакиллари тушунилади. Бундай мансабдор шахслар ва уларга тақдим этиладиган иммунитетлар руйхати халқаро шартномалар ва битимларга мувофиқ белгиланади, масалан, БМТнинг ихтисослаштирилган муассасаларига бериладиган иммунитетлар ва имтиёзлар (1947 йил 21 февраль), Халқаро Жиноят Судининг Рим статuti (1998 йил 17 июль), Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва БМТнинг Таълим, фан, маданият соҳалари бўйича битими (1996 йил 23 апрель) ва ҳ.к.

22. **Ўзбекистонда жиний жавобгарликка тортишдан сақловчи иммунитет ҳуқуқи** Ўзбекистон Республикаси орқали транзит равишда ўтувчи учинчи чет эл элчихона бошлиқлари, дипломатик персонал аъзолари, уларнинг оила аъзоларига берилади. Шунингдек, бундай ҳуқуқдан Ўзбекистон Республикасига халқаро кенгаш, конференция ва расмий учрашувларга тақлиф этилиб

<sup>1</sup> Қараг: Хорижий давлатларнинг Ўзбекистон Республикасидаги дипломати ваколатхоналари ва консуллик муассасалари тўғрисидаги низом, 6.4-банд. // Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳужжатлари тўплами, 2001 й., 9-сон, 47-модда.

<sup>2</sup> Ўша манба, 5.1-банд.

<sup>3</sup> Ўша манба, 4.10-банд.

ташриф буюрган ёки топшириқлар билан келган ёхуд шундай миссия билан Ўзбекистон орқали ўтиб кетаётган хорижий давлат парламент ва ҳукумат делегациялари ходимлари, уларни кузатиб борувчи оила аъзоларига (улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса) ҳам берилади<sup>1</sup>.

23. Жиноят кодекси ҳудудийлик принципини истисно қилувчи иммунитетдан фойдаланиш ҳукуки бундай иммунитетга эга бўлган шахсларни жавобгарликка тортиш мумкин эмас, деган маънони англатмайди. Жиноят кодексининг 11-моддаси тўртинчи қисмида белгилаб қўйилган жавобгарликка тортиш ҳақидаги масала халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ ҳал қилинади ва шахс ҳар қандай ҳолатда ҳам жинорий жавобгарликдан озод этилмайди.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, дахлсизлик ҳукуки дипломатик ваколатхоналарнинг ҳудуди ва турар жойларига, транспорт воситаларига ҳам тааллуқли. Дипломатик муносабатлар тўғрисидаги Вена Конвенциясига мувофиқ, дипломатик дахлсизликдан дипломатик вакиллик функцияларига тўғри келмайдиган мақсадларда фойдаланишга йўл қўйилмайди. Дахлсизлик ҳукукини суистеъмом қилганлар, персонанон грата (номақбул шахс), деб эълон қилинадилар.

Бундай ҳолларда аккредитация қилган давлат бу шахсни чақириб олиши ёки ваколатхонадаги унинг фаолиятини тўхтатиш чорасини кўриши лозим. Агар аккредитация қилувчи давлат уни чақириб олишдан бош тортса ёки фаолиятини тўхтатмаса, ваколатхона жойлашган давлат бундай шахсни ваколатхона ходими сифатида тан олмаслик ҳукукига эга.

Акс ҳолда, жиноят содир этлган шахс жавобгарликка тортилмай қолиши ва ишнинг шу мамлакат судида кўриш имконияти чекланиши мумкин. Бу Жиноят кодексининг 10-моддасидаги «жавобгарликнинг муқаррарлиги, яъни жиноят жазосиз қолмайди» принципига мосдир.

---

<sup>1</sup> Хорижий давлатларнинг Ўзбекистон Республикасидаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари тўғрисидаги низоми, 6.1, 6.2-бандлар. // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2001 й., 9-сон, 47-модда.

## 12-модда. Кодекснинг Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида жиноят содир этган шахсларга нисбатан амал қилиши

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек Ўзбекистонда доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахслар, башарти бошқа давлат ҳудудида содир этган жиноят учун уша давлат судининг ҳукми билан жазоланган бўлмасалар, ушбу Кодекс бўйича жавобгарликка тортиладилар.

Ўзбекистон фуқароси чет эл давлати ҳудудида содир этган жинояти учун, агар халқаро шартномалар ёки битимларда бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса, ушлаб берилиши мумкин эмас.

Чет эл фуқаролари, шунингдек Ўзбекистон ҳудудида доимий яшамайдиган фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида содир этган жиноятлари учун фақат халқаро шартномалар ёки битимларда назарда тутилган ҳоллардагина ушбу Кодекс бўйича жавобгарликка тортиладилар.

---

## ШАРХ

---

1. Шархланаётган моддада Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси амал қилишининг ҳудудий чегараси белгиланган бўлиб, ЖК 11-моддасидан фарқли равишда, ҳудудийлик принципини тулдириб, унга фуқаролик принципи асос қилиб олинган. **Фуқаролик принцигига** мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда Ўзбекистонда доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахслар, улар қаерда бўлишларидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси қонунларига амал қилишлари шарт. Шунинг учун, бу шахслар, гарчи, жиний ҳаракатни бошқа давлат ҳудудида содир этган бўлсалар ҳам, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар. Фуқаролик принципи Кодекснинг вазибаларини бажаришга ёрдам беради, хусусан, фуқароларни Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялайди.

Жиноят кодексининг 12-моддаси биринчи қисмида фуқаролик принципи орқали давлатимиз қонунчилигининг ҳудуд бўйича амал қилиш мезонлари умумий шартлар асосида белгиланган. Бу шартлар фуқаролик принципнинг қуйидаги таркибий элементларини ифодалайди:

- алоҳида белгиланган субъектив таркиб;
- принципнинг амал қилиш ҳудуди;
- жиний жавобгарликка тортиш асослари;
- Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига мувофиқ, жавобгарликка тортишни истисно қилувчи ҳолатлар.

**3. Фуқаролик принципнинг аниқ белгиланган субъектив таркиби** белгиси қонунда кўрсатилган шахслар тоифасига, яъни Республика фуқаролари ва Республика ҳудудида доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан жиноят қонунининг амал қилишини аниқлатади. **Ўзбекистон Республикаси фуқароси** қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқароси, деган ҳуқуқий мақомга эга бўлган шахсдир<sup>1</sup>.

Амалдаги қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси билан ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар асносида бевосита сиёсий-ҳуқуқий алоқададор бўлган шахс фуқаро ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини тасдиқловчи ҳужжат шахснинг паспорти, идентификацияловчи картаси ёки Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги мавжуд эканлигини кўрсатувчи бошқа ҳужжат ҳисобланади, туғилганлик туғрисидаги гувоҳнома ёки маълумотнома эса, ўн олти ёшга тулмаган боланинг шахсини тасдиқловчи асосий ҳужжатлардир<sup>2</sup>. Шахснинг фуқаролигини тасдиқловчи ҳужжатлар фақат расмий меъёр ҳисобланиб, суд-тергов ходимлари ҳар бир муайян ҳолатда шахснинг республикага сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан алоқадорлиги, яъни Ўзбекистон

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси Махсус қисми VIII бўлими.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 13 мартдаги «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги туғрисида»ги УРҚ–610-сонли Қонуни, 7-модда // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.03.2020 й., 03/20/610/0299-сон.





Республикаси қонунига мувофиқ, шахснинг фуқароликни қабул қилганлиги, унга мансублиги фактини аниқлаши лозим.

**4. Фуқаролиги бўлмаган шахс** — Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаб турган, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлмаган ва ўзининг чет давлат фуқаролигига мансублигига доир далилга эга бўлмаган шахс<sup>1</sup>. Жиноят кодексининг 12-моддасига мувофиқ, бошқа давлат ҳудудида жиноят содир этган ҳар қандай шахс эмас, балки Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий истиқомат қилувчи фуқаролиги бўлмаган шахслар жинойий жавобгарликка тортиладилар.

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий истиқомат қилувчи фуқаролиги бўлмаган шахслар** деганда, доимий яшаш учун расмий равишда рухсат берилган ҳужжатга эга бўлган шахслар тоифаси тушунилади. Мазкур турдаги ҳужжат махсус қоидага биноан, Ўзбекистон Республикасида истиқомат қилаётган фуқаролиги бўлмаган чет эллик шахсларга берилади<sup>2</sup>. Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш учун бу тоифадаги шахсларга қонунда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан рухсат берилади.

**5. Фуқаролик принципининг навбатдаги элементи** унинг ҳудудий қўлланилиш доирасидир. Бу ўринда Жиноят кодекси ҳудудийлик принципи фуқаролик принципига ўз навбати топширади. Қонун талабига биноан фуқаролик принципи жиноят хорижий давлат ҳудудида содир этилган ҳолда ҳам қўлланилади. (*Ҳудуд ҳақидаги тушунча мазкур шарҳларнинг 11-моддасида берилган*). Фуқаролик принципи Ўзбекистон Республикасидан ташқарида содир этилган жиноятни истисно қилинувчи ҳолат сифатида қўлланилади.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 13 мартдаги «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги ўРК–610-сонли Қонун, 3-модда // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.03.2020 й., 03/20/610/0299-сон.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 ноябрдаги 408-қарори билан тасдиқланган Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлиши қондалари.

6. Жиноий жавобгарликка тортиш учун асос фуқаролик принципнинг таркибий элементи сифатида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ белгиланган. Жиноят кодексига кўра, жавобгарликка тортиш учун жиноятнинг бошқа давлат ҳудудида содир этилган бўлишини белгилайди. Бу ҳолатда муайян қилмишни жиноят деб ҳисоблаш учун куйидаги икки шарт:

– биринчидан, қилмиш қайси давлатда содир этилган бўлса, шахснинг ана шу давлат қонуни билан жиноий жавобгарликка тортилиши белгиланганлиги;

– иккинчидан, бу қилмиш Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига кўра, жиноят, деб квалификацияланиши талаб қилинади.

Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар чет давлат ҳудудида жиноят содир этганда, агар ўзга мамлакатнинг қонунида бундай қилмишлар жиноят ҳисобланмаса, у ҳолда уларни бизнинг қонунчилигимиз бўйича жавобгарликка тортиб бўлмайди.

Шунингдек, чет элда содир этилган қилмиш Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунига кўра жиноят ҳисобланмайдиган бўлса, шахс жиноий жавобгарликка тортилмайди.

7. Таъкидлаш лозимки, хорижий давлат қонунида содир этилган қилмиш жиноят сифатида бўлса ҳам, ишни кўришда муайян қилмиш учун айбдорни жазолаш имконияти бор ёки йўқлигидан келиб чиқмай, балки «жиноят мамлакатимиз қонунида жазога сазовор деб баҳоланадими ёки йўқми?», деган саволдан келиб чиқиш керак. Акс ҳолда, бу Ўзбекистон Республикасининг амалдаги бошқарув тартибига, хавфсизликка, давлат ҳокимияти тизимига қарши йўналтирилган жиноятни содир этган шахснинг жиноий жавобгарликка тортилмай қолишига сабаб бўлиши ҳам мумкин.

8. Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва Ўзбекистонда доимий истиқомат қилувчи фуқаролиги бўлмаган шахслар бошқа давлат ҳудудида содир этган жинояти учун ўша давлат қонуни билан жазоланмаган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг жиноят тўғрисидаги қонунчилигига кўра,

жиной жавобгарликка тортилади. Шах содир этган жинояти учун фақат бир марта жавобгарликка тортилади, бу одиллик принципнинг яққол намоён бўлишидир.

9. Фуқаролик принципнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқилмаган бўлса, агар, шахс чет элда содир қилган жинояти учун жавобгарликка тортилмаган бўлса, у Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси бўйича жавобгарликка тортилади. Шарҳланаётган моддада жазо бериш замирида маълум бир давлат қонунларидаги чора-тадбиргина эмас, балки хорижий давлатлар қонунчилигида кўзда тутилган, содир этилган жинойат хатти-ҳаракатнинг барча ҳуқуқий оқибатлари акс эттирилган. Шунингдек, агар шахс суд ҳукмига мувофиқ, жавобгарликдан озод қилинган бўлса ёки жиноят-ҳуқуқий оқибатлар (масалан, тиббий характердаги мажбурлов чоралари, жамоат танбеҳи, рухий таъсир чоралари ва бошқалар)га сабр-тоқат билан муносабатда бўлган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси бўйича жавобгарликка тортиб бўлмайди.

Давлатимиз қонунчилигида бу масалага оид жазо тури ва миқдори, муайян таъсир чоралари кўзда тутилган ёки тутилмаганлиги аҳамиятга эга бўлмайди. Бу шарт-шароитга ва умуман фуқаролик принципини қўллашга таъсир этувчи омиллар қуйидагилардан иборат:

– жиноят содир этган шахсга нисбатан суд ҳукмининг чиқарилганлиги;

– айбдорга нисбатан ҳукмнинг ижро этилганлиги.

Мазкур шартлардан бири бажарилмаган бўлса, тергов ва суд органлари томонидан, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига қўра, жиноят содир этган шахс жавобгарликка тортилиши лозим (масалан, агар айбдор ҳукм қилинмаган, қочиб кетмаган ёки ҳукм ижро этилишидан қочмаган ҳолатларда).

10. Шунини алоҳида айтиш керакки, хорижий давлатда суд ҳокимиятини амалга оширувчи органларнинг юқоридаги чора-тадбирларни амалга ошириши фуқаролик принципнинг қўлланилишига таъсир этмайди.

11. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмида фуқаролик принципнинг махсус қондалари, яъни содир этган жинояти учун Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижий мамлакат қонуни билан жавобгарлик масаласи баён қилинган. Бу қоида айбдор Ўзбекистон фуқаросининг бошқа давлат ҳудудида содир этган жинояти учун турли сабабларга кўра ушбу давлат томонидан ўз вақтида жавобгарликка тортилмаган ҳолларда қўлланилади.

Жиноят ҳукуқи назариясига кўра, шарҳланаётган модданинг иккинчи қисми жиноят содир этган ёки жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахсни жиноий жавобгарликка тортиш ёки айблов ҳукмини ижро этиш мақсадида бир давлатдан бошқа давлатга юбориш (**экстрадиция**) институтини ўзига қамраб олади. Шу билан бирга, мазкур институт кўп жиҳатдан жиноий процессуал фаолиятга ҳам тааллуқли бўлиб, ўз навбатида, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (65-боб)да ҳам ўз аксини топган. Ушбу моддада мазкур институтнинг Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларига тааллуқли эканлиги назарда тутилган.

12. Жиноят кодексининг 12-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси фуқароси республикадан ташқарида жиноят содир этган бўлса, фақат халқаро келишув ёки шартномаларда назарда тутилган ҳолларда бошқа давлатга ушлаб берилиши мумкин. Шунини айтиб ўтиш лозимки, ушбу нормалар фақат Ўзбекистон фуқароси бўлган шахсларга нисбатан қўлланилади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 22-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларининг ҳуқуқий ҳимоясини кафолатлаш мажбуриятини олишини таъкидлайди<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси фуқаросини жиноят содир этган давлат ихтиёрига бериш ёки беришни ман этиш, бу давлатнинг мазкур масалада бошқа давлатга талаблар қўйиш, шунингдек, чет мамлакатнинг бошқа талаблари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларига асосан ҳал

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 22-модда.

этилади. Бундай ҳолларда, Ўзбекистон Республикасининг (ваколатли) нуфузли органлари учинчи давлатга нисбатан ўз талабларини қўйиши – шахснинг ушланган жойи Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси фуқаролик тамойилларига мувофиқ жавобгарликка тортиш илтимосига кўра иш қўриши керак (*Жиноят кодексининг 12-моддаси биринчи қисми*).

Ушлаб беришни рад этиш фақат Ўзбекистон Республикаси фуқароларига тааллуқли бўлган масаладир. Мазкур ҳолатда ман этиш қонун талабларига мувофиқ тушунилиши керак. Мазкур қонда Ўзбекистон Республикасида доимий яшашига расмий рухсат берилган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан татбиқ этилмайди.

13. Ўзбекистон Республикаси фуқароси халқаро шартнома ва келишувларда назарда тутилган ҳолларда ўзга давлатга ушлаб берилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси – битта ҳужжатдан, иккита ёки бир-бири билан боғлиқ бўлган бир нечта ҳужжатдан иборат бўлишидан, шунингдек ўзининг муайян номидан ва тузилиш усулидан (шартнома, битим, конвенция, акт, пакт, баённома, хатлар ёки ноталар алмашинуви ҳамда халқаро шартноманинг бошқача номлари ва тузилиш усулларидан) катъи назар, Ўзбекистон Республикаси томонидан чет давлат, халқаро ташкилот ёхуд халқаро шартномалар тузиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа субъект билан ёзма шаклда тузилган, халқаро ҳуқуқ билан тартибга солинадиган халқаро келишув<sup>1</sup>.

Халқаро шартноманинг қандай номланиши аҳамиятга эга эмас, декларация, конвенция, пакт, коммюнике кўринишида бўлса ҳам, уларнинг барчаси тенг юридик кучга эгадир. Шу ўринда юқорида номлари келтирилиб ўтилган актларнинг вақт бўйича амал қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши кураш бўйича Шанхай конвенцияси

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги УРҚ–518-сонли Қонуни, 4-модданинг 15-хатбошиси // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.02.2019 й., 03/19/518/2589-сон.

(2001 йил 15 июнда); Покистон Ислоҳ Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги Экстрадиция тўғрисидаги шартнома (2001 йил 25 январда); Фуқаролик, оилавий ва жиний ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар конвенциясига баённома (1997 йил 28 мартда); БМТ Бош Ассамблеяси резолюцияси билан тасдиқланган ҳибсга олиш, ҳарбий соҳада ва инсониятга қарши жиноят содир этишда айбланувчи шахсни аниқлаш ва жазолаш муносабатлари бўйича халқаро ҳамкорлик (1973 йил 3 декабрда) каби бир қатор нуфузли шартномаларга қўшилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, халқаро шартнома ёки келишувнинг мавжуд эмаслиги Ўзбекистон фуқаросини, масалан, дипломатик музокаралар чоғида бошқа давлатга берилишига монелик қилади. Мазкур ҳолатда бу шахс муқаррар равишда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

**14. Шарҳланаётган модданинг учинчи қисмида** жиноят қонунининг маконда универсал қўлланилиши принципи кўрсатилган. Бу принцип халқаро хусусиятдаги жиноятларга қарши кураш бўйича республикада олиб борилаётган жиноят-ҳуқуқий сиёсатнинг йўналишини акс эттиради. Бошқача қилиб айтганда, чет эл фуқаролари, шунингдек, Ўзбекистон ҳудудида доимий яшамайдиган фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида содир этган жиноятлари учун фақат халқаро шартномалар ва битимларда назарда тутилган ҳолларда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси бўйича жавобгарликка тортиладилар.

**Халқаро хусусиятдаги жиноят** — халқаро жиноятлар доирасига кирмайдиган, лекин халқаро шартномаларда кўзда тутилган ижтимоий хавфли хатти-ҳаракатлардир. Халқаро жиноятлардан фарқли ўлароқ, халқаро хусусиятдаги жиноят учун жавобгарлик давлатнинг эмас, балки шахснинг зиммасига юкланади<sup>1</sup>.

Амалдаги Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида халқаро характердаги бир қатор жиноят турлари

<sup>1</sup> Қаранг: Большой юридический словарь. Под ред. А.Я. Сухарева, В.Е. Крутских. М., ИНФРА, 2000, стр. 479.

кўрсатилган: терроризм, қалбаки пуллар, акциз маркалари, қимматли қоғозлар ёки маркалар (қалбаки тангафурушлик) тайёрлаш ва тарқатиш; мародёрлик ва бошқалар.

15. Жиноят кодекси универсал (кенг доирада қўлланилиши) принципining амал қилиш доираси жиноят содир этилган жойга боғлиқ эмас, у Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида, яъни чет давлатлар ҳудудида ёки ҳеч қайси давлатга тегишли бўлмаган жойлар (масалан, очик денгиз, ҳавода, Антарктида) да содир бўлиши мумкин. Маъқур принцип амал қилишининг ягона шарти муайян хатти-харакатнинг халқаро характердаги жиноят сифатида халқаро шартномаларда ёки Ўзбекистон Республикаси битимларида кўриб чиқилганлиги ҳисобланади. Хусусан, бундай шартномаларга 1999 йил 9 декабрдаги Терроризмни молиялаштирилишига қарши кураш тўғрисидаги Халқаро Конвенция; 1989 йил 4 декабрдаги Ёлланма шахсларни ёллаш, улардан фойдаланиш, молиялаштириш ва ўқитишга қарши кураш ҳақидаги Халқаро Конвенция; 1979 йил 17 декабрдаги Гаровга олинганларни ушлаб туришга қарши кураш ҳақидаги Халқаро Конвенциялар мисол бўла олади.

Бу принцип амал қилишининг ягона шарти Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартнома ва келишувларида халқаро характердаги муайян қилмиш тўғрисида аниқ чора-тадбирларнинг маъқуд бўлганлигидадир. Шуларни инобатта олиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий равишда яшамайдиган чет эл фуқароси (муҳожир) ёки фуқаролиги бўлмаган шахс илгарин доимий давлатнинг жиноят тўғрисидаги қонунчилигига мувофиқ тегишли жавобгарликка тортилган бўлса, уни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида айнан ўша қилмишлари учун қайта жавобгарликка тортиб бўлмайди. Бунда одиллик принципining амал этилганлигини кўришимиз мумкин.

### 13-модда. Қонуннинг вақт бўйича амал қилиши

Ўзбекистоннинг жиноятлиги ва жазога сазоворлиги ана шу қилмиш содир этилган вақтда амалда бўлган қонун

билан белгиланади. Агар ушбу Кодекс моддасида ҳаракат ёки ҳаракатсизлик содир қилиш пайти жиноят тамомланган пайт деб ҳисобланган бўлса, ижтимоий хавfli қилмиш бажарилган пайт жиноят содир қилинган вақт деб топилади. Агарда ушбу Кодекс моддасида жинoий оқибат юз бериши билан жиноят тамом бўлган деб ҳисобланган бўлса, жинoий оқибат юз берган пайт жиноят содир этиш вақти деб топилади.

Қилмишнинг жинoийлигини бекор қиладиган, жазони енгиллаштирадиган ёки шахснинг ахволини бошқача тарзда яхшилайдиган қонун орқага қайтиш кучига эга, яъни ушбу қонун кучга киргунга қадар тегишли жинoий қилмиш содир этган шахсларга, шу жумладан жазони ўтаётган ёки ўтаб бўлган шахсларга нисбатан, агар улар хали судланган ҳисоблансалар, татбиқ этилади.

Қилмишни жиноят деб ҳисоблайдиган, жазони кучайтирадиган ёки шахснинг ҳолатини бошқача тарзда ёмонлаштирадиган қонун орқага қайтиш кучига эга эмас.

---

## Ш А Р Ҳ

---

1. Шарҳланаётган модда Жиноят кодексини қўллашда вақт бўйича амал қилиш тартибини ўрнатишга бағишланган бўлиб, жиноят тоифасини аниқлашда қайси қонун асосида иш олиб бориш ёки қайси қонунни етакчи қилиб олиш кераклигини назарда тутаяди. Бунда юртимизнинг жиноят тўғрисидаги қонунчилик қондаларига ҳос бўлган изчиллик, тартиб билан иш кўриш ва ниҳоят, Жиноят кодексининг вақт бўйича таъсир чегаралари ўз ифодасини топади.

Кўрсатиб ўтилган қондалар шундан келиб чиқадики, жиноят қонунининг вақт бўйича амал қилишини тўғри белгилаш қуйидаги шартларга асосланиши лозим:

- қонуннинг амал қилиш вақтини аниқлаш зарурлиги;
- жиноят содир этилган вақтни аниқлаш.

Янги қонун кучга кирмасдан туриб, жиноят тамомланган ҳолларда олдинги қонунни қўллаш керак. Агар жиноят янги қонун кучга кириш вақтида содир этилган бўлса, у давомли



ёки такоран содир этилганлигидан қатъи назар, янги қонунни қўллаш лозим бўлади.

2. **Шарҳланаётган модданинг 1-қисмида** «қилмишнинг жиноийлиги ва жазога сазоворлиги жиноятчилик ва жазолаш ишлари жиноят содир этилган вақтда амалда бўлган қонун билан белгиланади» ва бу билан жиноят қонунининг вақтинчалик таъсир чегарасининг умумий қоидасига киритилади.

Қонунни қўллашнинг ягона шарти шундан иборатки, жиноят содир этилган вақтда ушбу қонун амалда бўлса, яъни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қоидалари ва Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни ҳамда жиноят содир этилган вақтда Ўзбекистон ҳудудида бу қонунларнинг, албатта, ижро этилиши шарт бўлган ҳолатлар кўзда тутилади.

3. Шарҳланаётган модда мазмуни бўйича **қонун тушунчаси** – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган ва бир қанча муҳим ҳамда қатъий ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнигина эмас, балки жиноятчилик ва жавобгарликка тортиш билан боғлиқ ҳуқуқий нормаларни ҳам тўлалигича қамраб олади. Хусусан, қонун сифатида баъзи бирлари жиноий-процессуал бузилиш ҳисобланадиган ахлоқ ва юриш-туриш қоидаларини белгилаб берадиган бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар (масалан, Йўл ҳаракати қоидалари, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг, Интизом низоми ва бошқалар) бунга мисол бўла олади.

Бошқача айтганда, қонун шундай бир норматив-ҳуқуқий ҳужжатки, у албатта, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида ёки референдумда қабул қилинган, қонун сифатида тан олинган, шунингдек, моҳияти адолат ва инсонпарварлик принципларига мувофиқ келувчи ҳужжатдир.

Ҳақиқатан ҳам, кўпчилик ҳолларда содир этилиши жиҳатидан қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва шу билан бирга, жиноий жазонинг қаттиқлиги, оқибатлар кўрсатиб ўтилган қоидаларнинг бузилиши натижасидан келиб чиққан-чиқмаганлигини аниқлаш лозим (масалан, Жиноят

кодекси 266-моддасининг иккинчи қисми). Қонун тушунчаси Кодекснинг вақт бўйича амал қилиши нуқтаи назаридан қуйидаги актлар гуруҳини ўз ичига олади:

- Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси;
- Ўзбекистон Республикасининг қонунлари;
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари;
- вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари;

– маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари.

Чунончи, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексидagi жазони тайинлаш ишлари ва жиноятчиликни аниқлашда уларнинг борлиқлик жойи бўлиши тақозо этилади.

Шуни назарда тутиш керакки, санаб ўтилган актлар гуруҳи жиноятни ва бу қилмишнинг жазоланиши кераклигини аниқламайди, балки бу актлар у ёки бу ҳаракатни тан олиш ёки жиноятдаги ҳаракатсизлик ва ижтимоий хавфлилик даражасини аниқлашга таъсир этади.

4. Қонунни татбиқ этишнинг зарур элементи унинг Ўзбекистон ҳудудида қўлланилиши шартлигида ифодаланadi. Шуни назарда тутиш керакки, ҳудуд тушунчаси бутун Ўзбекистон ҳудудинигина эмас, балки маълум бир чегараланган жойни ҳам англатиб, **локал (маълум бир ҳудудга тегишли)** характер касб этадиган ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг бажарилиши шарт бўлган ҳудудни билдиради (масалан, локал характердаги актлар сифатида таъсири маълум бир ҳудудга тегишли бўлган маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Ўрмон ҳужалиги давлат қўмитаси тўғрисидаги низом<sup>1</sup>, «Ўзбекистон Республикаси

<sup>1</sup> Қаранг: Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 июлдаги 530-сонли қарори билан тасдиқланган// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 30-сон, 734-модда.



худудида чегара зонаси белгиланган туманлар, шаҳарлар, қишлоқлар ва овулларнинг қўшимча рўйхатини эълон қилиш тўғрисида»ги буйруқ)<sup>1</sup>.

5. **Қонунни эълон қилиш** — нашр қилиш орқали уни омманинг онгига етказишдан иборат бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни 38-моддаси биринчи қисмида кўрсатилганидек, «расмий эълон қилинмаган қонун асосида ҳеч ким ҳукм қилиниши, жазога тортилиши, мол-мулкдан ёки бирон-бир ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин эмас». Қонунни расмий равишда эълон қилиш қонунчилик жараёнининг муҳим босқичи бўлиб, норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг расмий матни асосида унинг дубликатини яратиш ҳамда унинг кучга киришини ёки вақт бўйича амал қилишини аниқлаш имкониятини беради. Расмий публикация ҳуқуқ-тартибот органлари номидан қонунчиликда назарда тутилган манбада мазкур масалага оид тўлиқ ва аниқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тўғри йўлга қўйишни тартибга солишдан иборат.

**Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг расмий манбалари қуйидагилардир:**

– Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси», «Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами», «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари, Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари эълон қилинадиган расмий манбалардир.

– «Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларининг тўплами», «Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами», «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари, Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинадиган расмий манбалардир.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2001 йил 2 октябрда 1072-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

– «Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами», Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси, шунингдек вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг расмий нашрлари вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинадиган расмий манбалардир.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг расмий нашрлари мазкур органларнинг қарорлари эълон қилинадиган расмий манбалардир<sup>1</sup>.

6. Қонун ижросининг мажбурийлиги норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг кучга кириши ёки амал қилиш фаолияти тугатилишининг йўналиши ҳисобланади.

**Қонуннинг кучга кириши** шу пайтдан бошлаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қондалари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшовчи барча фуқаролар, мансабдор шахслар, мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхона, муассаса, ташкилотлар, шунингдек, давлат ҳокимияти органларининг ижро этиши ва уларга оғишмай роя этишида ифодаланади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг кучга киришини аниқлаш қонунчилик ва норматив ҳужжатлар қўлланилишида муҳим элемент ҳисобланади, чунки айни ўша пайтга қадар у мажбурий ҳисобланмайди, яъни қонун кучга киргунга қадар эскиси амалда бўлади, кучга кирмаган қонуннинг ҳаракат қилиши амалдаги нормаларни бузиш ҳисобланади.

7. Амалдаги қонунларга мувофиқ, Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, агар ҳужжатларнинг ўзида кечроқ муддат кўрсатилмаган бўлмаса, улар расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга қиради<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 20 апрелдаги «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги ЎРҚ–682-сонли Қонуни (янги таҳрири), 39-модда // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 20.04.2021 й., 03/21/682/0354-сон.

<sup>2</sup> Қонуннинг кучга кириш муддати ва кучга кириш тартиби фақат қонуннинг ўзидагина эмас, балки махсус актларда ҳам кўрсатилган. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси ва бошқа бир неча актлар маъна шу тарзда кучга кирган.



Агар норматив-ҳуқуқий ҳужжат бир нечта нашрларда эълон қилинган бўлса, унинг кучга кириш муддатини ҳисоблашда биринчи эълон қилинган муддат ҳисобга олинади.

**8. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг амал қилиш қилишининг тўхтатиб турилиши ва тугатилиши** шу пайтдан бошлаб унинг қўлланилмаслигини англатади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ёки унинг қисмининг амал қилиши уни қабул қилган орган ёхуд унинг юқори турувчи органи томонидан муайян муддатга ёки муайян ҳодиса юз бергунига қадар тўхтатиб турилиши мумкин.

**Норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёки унинг қисми қуйидаги ҳолларда ўзининг амал қилишини тугатади:**

– норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёки унинг бир қисми қайси муддат ёки ҳодиса юз бериши учун мўлжалланган бўлса, ўша муддат тугаганида ёки ҳодиса юз берганида;

– норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёки унинг қисми қонунда белгиланган тартибда Конституцияга хилоф ёхуд ҳақиқий эмас деб топилганда;

– норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёки унинг қисми ўз кучини йўқотган деб топилганда;

– норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёки унинг қисми бекор қилинганда<sup>1</sup>.

9. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат (унинг қисми) белгиланган муддат тугаганда ёки бирор ҳодиса сабабли тугатилиши – муддати ўтганлиги ёки бирор воқелик муносабати билан шу вақтдан бошлаб унинг ҳақиқий эмаслигини билдиради. Муддатни аниқлаш ҳеч қандай қийинчилик туғдирмайди (масалан, тақвим бўйича ҳаммага маълум бўлган даврий воқеалар). Масалан, ҳарбий ҳаракатнинг тугаши, табиий офатлар содир бўлиши билан боғлиқ ҳолатларда суд ва тергов органлари нуфузли давлат органларининг шунга ўхшаш норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни кўрсатилган муддатдан бошлаб тўхтатиш ҳақида махсус кўрсатма талаб қилади.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 20 апрелдаги «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги ЎРҚ–682-сонли Қонуни (янги тахрири). 45-модда // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. 20.04.2021 й., 03/21/682/0354-сон.

10. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни Конституцияга хилоф, деб топиш унинг амалда бўлишини тугатишнинг алоҳида асоси бўлиб, махсус тартиб билан тавсифланади ва моҳиятан қоидадан истисно ҳисобланади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг конституциявий эмаслигини ҳал этиш фақатгина Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди томонидан Қонунда кўрсатилган шахслар аризасига асосан қўлланилади<sup>1</sup>. Бундай ҳолларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг конституциявийлик масаласи қарор чиқариш шаклида ҳал қилинади.

Қонун ёки қонуности ҳужжатини кўриб чиқиш вақтида у, Конституцияга мувофиқ эмас, деган ҳулосага келинса, Конституциявий суд қароридан эълон қилинган муддат кўрсатилган бўлиши лозим. Чунки, айнан шу вақтдан бошлаб, суд қарори қонуний кучга киради ва шунга мувофиқ равишда, унинг конституциявийлик масаласи ҳал этилади.

Шу билан бирга, норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг конституциявий эмаслигини белгилаш бошқа усуллар билан унинг таъсирини тўхтатишдан шу билан фарқ қиладики, норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституциявий суд қарори чиқарилган вақтдан эмас, балки, қабул қилинган ёки давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан ҳақиқий эмас деб тан олинади. Бундан келиб чиқиб шуни айтиш лозимки, тергов ва суд органларининг конституциявий эмас, деб топилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатга асосланиб чиқарган барча қарорлари қайта кўриб чиқилиши лозим.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг яроқсизлиги (амалда қўллаб бўлмаслиги) шуни билдирадики, изоҳланаётган модданинг иккинчи ва учинчи қисмларида келтирилиб ўтилганидек, гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг аҳволини яхшилашга қаратилган тақдирда ҳам, норматив-ҳуқуқий ҳужжат орқага қайтиш кучига эга эмас.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 27 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди туғрисида»ги ўРҚ–687-сонли Қонун, 73-модда // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 28.04.2021 й., 03/21/687/0380-сон.

11. **Қонун кучининг йўқотилиши** амалдаги қонунни бекор қилиш ва бир вақтнинг ўзида шунга ўхшаш ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилишда ифодаланади.

Янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинганлиги муносабати билан илгари қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга зарур ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар киритилади ва илгари қабул қилинган барча ҳужжатлар ёки уларнинг қисмлари, агар улар янги ҳуқуқий нормаларга эид бўлса ёхуд янги ҳужжат билан тулалигича қамраб олинган ёки амалда ўз аҳамиятини йўқотган, лекин расман ўз кучини йўқотган деб топилмаган бўлса, ўз кучини йўқотган, деб топилиши керак<sup>1</sup>.

Тенг юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга киритилаётган ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар, ўз кучини йўқотган деб топилаётган тенг юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ёки улар қисмлари рўйхати норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ўзида курсатилиши лозим.

Қилмишнинг жиноийлигини бекор қилиш деганда, жиноят қонунда қилмишни жиноятлар каторидан чиқарадиган қонун тушунилади. Қонуний норматив-ҳуқуқий ҳужжатни бекор қилиш унинг кучини йўқотишдан кейинги шунга ўхшаш муносабатларни бошқарадиган иккинчи актни қабул қилиши билан фарқ қилади. Бундай ҳолларда норматив-ҳуқуқий ҳужжат сўзсиз махсус фармойиш билан нуфузли давлат органлари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжат шаклида бекор қилинади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг бекор қилиниши ваколатли орган томонидан норматив характердаги ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш орқали амалга оширилади.

12. **Жиноятнинг содир этилган вақтини аниқлаш** Жиноят кодекси вақт бўйича амал қилишининг муҳим элементи ҳисобланади.

<sup>1</sup> Қараиғ: Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 20 апрелдаги «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги ЎРҚ-682-сонли Қонуни (янги гаҳрири), 46-модда // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 20.04.2021 й., 03/21/682/0354-сон.

Жиноят кодексининг 13-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, **жиноят содир этилиш вақти** содир этилган жиноят таркибига қараб аниқланади.

Моддий таркибли жиноятларда жиной қилмишнинг ижтимоий хавfli оқибатлари келиб чиққан вақт жиноят содир қилинган вақт, деб топилади (масалан, одам ўлдириш натижасида ўлимнинг юз бериши).

Формал таркибли жиноятларда жиноят содир қилиш вақти ижтимоий оқибат келиб чиқишидан қатъи назар, келиб чиқади (масалан, товламачилик йўли билан мол-мулк талаб қилиш).

Юқоридагиларни инобатга олиб, шуни айтиш лозимки, жиноят содир қилиш вақти ижтимоий хавfli қилмишнинг объектив мезонларига қараб аниқланади. Ўз навбатида, бу қоида Жиноят кодексининг 16-моддасида ҳам мустаҳкамланган. Қонуннинг вақт бўйича амал қилишини аниқлашда жиноят тамомланган вақтни ҳисобга олиш муҳим аҳамият касб этади.

13. Жиноят содир этилган вақтни аниқлашда асосий диққат-эътиборни узоққа чўзилган ва давомли жиноятларни, иккита ҳаракатдан иборат бўлган жиноятларни, такроран содир этилган жиноятларни, шунингдек, иштирокчиликдаги жиноятларни тергов қилишга қаратиш керак. Бир қанча жиноятлар содир этилиш вақти Жиноят кодексининг 13-моддаси биринчи қисми асосида аниқланади. Бир қанча жиноятлар деганда, фақат турли вақтларда содир қилинган жиноятлар эмас, балки бир вақтнинг ўзида битта ҳаракат билан Жиноят кодекси Махсус қисмининг турли моддаларида кўрсатилган жиноятларни содир этиш жиноятлар жами тушунилади. Ушбу қоидадан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, жиноятни содир этиш вақтини белгилаб олиш Жиноят кодексининг тузилиш таркибига боғлиқ, жумладан:

— **давомли жиноят** — бу ягона қасд билан камраб олинган бир-бирига ўхшаш ҳаракатлардан иборат бўлган ҳуқуққа хилоф ижтимоий хавfli қилмишлардир. Давомли жиноятларни квалификация қилиш уни ташкил қилувчи охириги қилмиш содир этилганда амалда бўлган қонунга асосланиши керак. Бундай қарорнинг тўғрилиги юқори



турувчи суд инстанциясининг «... жиноят қонунига ... жазони кучайтирадиган ёки шахснинг ҳолатини бошқача тарзда ёмонлаштирадиган ўзгартиришлар киритилганда, агар жиноят эпизодларидан ҳеч бўлмаганда биттаси қонун янги таҳрирда амал қила бошлаган даврда содир этилган бўлса, давомли жиноятнинг барча эпизодлари янги қонун бўйича квалификация қилиниши керак»<sup>1</sup> деган фикрида ҳам ўз исботини топади.

— **икки ҳаракатли жиноят** — ўхшаш жиноятлар таркиби қонунда шундай кўрсатилади, яъни бунда жиноятчи фақат икки ҳаракатни амалга оширган бўлади. Ўхшаш хатти-ҳаракатларни содир этиш вақти деб, охириги ҳаракат яқунлангандан кейин жиноий таркиб аниқланган вақт тан олинади;

— **узоққа чўзилган жиноятлар** — бу жиноятлар кўпинча айбдорга қонунга мувофиқ юклатилган мажбуриятни бажаришдан бош тортиш, ҳаракатсизликда ифодаланиши мумкин. Узоққа чўзилган жиноятлар (масалан, дезертирлик) унинг тўхтатилиши, яъни жиноятчининг ушланиши билан тамом бўлган ҳисобланади. Бу туркумдаги жиноятлар қанча муддатга чўзилганлигидан қатъи назар, битта жиноий қилмиш, деб қаралади. Узоққа чўзилган жиноятларда битта жиноий ҳаракат узоқ муддатга чўзилиб кетади. Бунга мисол қилиб, Жиноят кодексининг 287-моддасини келтириш мумкин. Ҳарбий қисм ёки хизмат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш ёки солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлашда етказилган зарарнинг умумий миқдорига боғлиқ.

— **такроран содир этилган жиноятлар** — бу биронбир жиноятни иккинчи, учинчи ва ҳ.к. марта содир этиш тушунилади. Жиноий қилмиш содир этилган вақтдан бошлаб жиноят такроран содир этилган ҳисобланади.

14. Агар ижтимоий хавfli қилмиш иштирокчиликда содир этилган бўлса, у ҳолда ҳар бир иштирокчининг ушбу

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2008 йил 5 майдаги «Бир неча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида»ги 13-сонли қарори, 4-бандининг 2-қисми.

қилмишни содир этган вақти аниқланиши зарур. Бундай ҳолларда жиноят содир этиш вақти бажарувчи томонидан жиноят таркибини амалда бажарган пайти билангина эмас, балки ҳар бир иштирокчи томонидан қилмишни содир этиш пайти билан ҳам аниқланиши лозим. Шу муносабат билан иштирокчиликдаги жиноятнинг содир этиш вақти деб бажарувчи билан бир қаторда бошқа иштирокчилар томонидан содир этилган қилмишнинг вақти тан олинishi лозим.

Агар иштирокчиликда содир қилинган жиноят янги қонун кучга киргунга қадар содир этилган бўлса, айбдорлар илгари қабул қилинган жиноят тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортиладилар. Масалан, жиний гуруҳ янги қабул қилинган қонун кучга киргунга қадар ташкил этилиб, жиноят қонун кучга киргандан сўнг содир этилган ҳолларда ташкилотчи илгарироқ кучга эга бўлган қонун асосида гуруҳнинг қолган иштирокчилари эса, янги кучга кирган қонун билан жиний жавобгарликка тортиладилар.

Иштирокчиликда содир этилган жиноятнинг тамом бўлиш вақти барча иштирокчилар учун бажарувчи томонидан жиноятни содир этиш вақтига асосланган ечим одиллик принципига зид келади.

15. Жиноятга тайёргарлик кўриш ёки суиқасд қилиш тамом бўлмаган жиноят ҳисобланиб, жиноят айбдорга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра охирига етказилмайди. Бундай ҳолларда жиноят тўхтатилиб қолинган пайтда амалда бўлган қонун қўлланилади.

16. Жиноят кодекси вақт бўйича амал қилишида кетма-кетлик ва узлуксизликнинг чегараланиши қонуннинг орқага қайтиш кучи таъсири жараёнини аниқлашда ўз ифодасини топади. Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни 41-моддасига кўра, «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар орқага қайтиш кучига эга эмас ва улар амалга киритилганидан кейин юзага келган ижтимоий муносабатларга нисбатан татбиқ этилади. Ўзбекистон Республикасининг қонуни у амалга киритилишига қадар юзага келган ижтимоий муносабатларга нисбатан қонунда тўғридан-тўғри назарда тутилган ҳоллардагина



татбиқ этилади»<sup>1</sup>. Қонуннинг орқага қайтиш кучининг умумий шартлари халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган меъёр сифатида тан олинган 1966 йил 16 декабрда қабул қилинган Фукаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда ўз ифодасини топган.

17. Агар қонун хатти-ҳаракатлар содир этилган пайтда жавобгарликка сабаб бўлмаган ёки енгилроқ жавобгарликка сабаб бўлган хатти-ҳаракатлар учун юридик ва жисмоний шахсларнинг жавобгарлигини белгилаш ёки кучайтиришни назарда тутса ёхуд юридик ва жисмоний шахсларга моддий зарар келтирса, шунингдек, жазони юмшатишга ёки бошқача қилиб айтганда, шахснинг аҳволини яхшилашга қаратилган бўлса, у орқага қайтиш кучига эга. Қонун жиноий хатти-ҳаракатларни аниқлашда жазони кучайтириш ёки шахснинг аҳволини ёмонлаштириш каби акс таъсир кучига эга эмас. Қилмишни жиноят деб ҳисоблайдиган, жазони кучайтирадиган ёки шахснинг ҳолатини бошқача тарзда ёмонлаштирадиган қонун орқага қайтиш кучига эга эмас.

18. Шуни назарда тутиш керакки, қонунга акс таъсир тушунчасини бериш нуқтаи назаридан қараганда, қонун тушунчаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан фарқ қилади, яъни қонун тушунчаси шарҳланаётган модданинг 1-қисмида берилган. Қонуннинг акс таъсир кучи вазиятида қонун ҳуқуқий нормалар мустаҳкамланадиган шакл эмас, балки меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмунидан иборат. Бошқача қилиб айтганда, бундай ҳолатларда қонун жиноят-ҳуқуқий нормаларининг ўзи деб эътироф этилади, бу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда кўрсатилган ва мустаҳкамланган. Масалан, 2001 йил 29 августда қабул қилинган «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 20 апрелдаги «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги ЎРҚ-682-сонли Қонуни (янги таҳрири), 41-модда. // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 20.04.2021 й., 03/21/682/0354-сон.

255–II-сонли Қонунининг 1, 2-бандлари ва бошқа қоидалари қонун деб эътироф этилиши лозим, бироқ ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжат ўзи ҳуқуқий нормалар тизими сифатида қонун томонидан орқага қайтиш кучи нуқтаи назаридан эътироф этилмаслиги керак. «Қонун» тушунчасига бундай ёндашиш норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳуқуқий нормалар йиғиндисидан иборат эканлигидан, айримлари эса, илгариги амал қилган нормаларга қараганда талабчанлигидан келиб чиқади. Шунга мувофиқ, қонуннинг акс таъсир кучи ўз ичига жиддийроқ ҳолатларни олиб, инсонларварлик ва адолат принципларига қарама-қарши бориб айбдор аҳволининг бутунлай ёмонлашувига сабаб бўлиши мумкин.

Янги қонун судланувчининг аҳволини бошқача тарзда яхшилаган ҳолдагина қўлланиши мумкин. Қонуннинг орқага қайтиш кучининг мазмун – моҳиятини айнан шунда кўриш мумкин.

Шуни назарда тутиш лозимки, қонунга орқага қайтиш кучи тусини бериш Жиноят кодексининг қайси қисмига тааллуқлилиги аҳамиятга эга эмас. Шу сабабли, ҳар бир ҳолатда жиноят содир этган шахснинг аҳволини умумий тарзда яхшилайдиган ҳолатдан келиб чиқиш лозим. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги 254–II-сонли Қонуни билан Жиноят кодексига киритилган ўзгартишларга мувофиқ, жиноятлар классификацияси ўзгартирилган, жумладан, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар доираси кенгайтирилган. Шунга кўра, бу норма орқага қайтиш кучига эга, чунки у илгари мавжуд бўлган нормаларга қараганда анча енгил.

19. Қилмишнинг жиноийлигини бекор қиладиган, жазони енгиллаштирадиган ёки шахснинг аҳволини бошқача тарзда яхшилайдиган қонунгина **орқага қайтиш кучига** эга.

Қилмишнинг жиноийлигини бекор қилиш деганда, уни декриминализациялаш, яъни жиноий жазоланувчи қилмишларни маъмурий, интизомий ёки бошқа ҳуқуқбузарлик турларига ўтказиш тушунилади. Масалан, декриминализация, Жиноят кодексининг 187-моддасини Жиноят кодексидан чиқариб ташлаш, яъни харидор ёки буюртмачиларни алдаш учун жавобгарликдаги каби.



Илгари амалда бўлган жиноят-хуқуқий нормада жиноят таркиби белгиси сифатида назарда тутилмаган янги белгининг назарда тутилиши қилмишнинг жиноийлигини бекор қиладиган ҳолат сифатида кўрилади. Бундай янги белгиларнинг қўшилиши жиноий жавобгарликнинг торайишини англатади, чунки мазкур белгининг бўлмаслиги эски қонун амалда бўлган вақтда содир этилган қилмишнинг жиноийлиги ва жазога сазоворлигини бекор қилади. Бундай декриминализация, кўпинча, айбдор маъмурий жавобгарликка тортилгандан кейин қайтадан жиноий қилмиш содир этиш ҳолларида мавжуд бўлиши мумкин.

**20. Жазони енгиллаштирувчи норматив-хуқуқий ҳужжатлар** деганда, аналогик қилмиш учун айбдорга нисбатан енгилроқ жазони назарда тутувчи нормалар йиғиндиси назарда тутилади. Уларга қуйидаги нормаларни киритиш мумкин:

- илгари тайинланган жазо турини енгилроқ жазога алмаштириш;
- санкциядан бир ёки бир нечта асосий ёки қўшимча жазони чиқариб ташлашни назарда тутиш;
- асосий ёки қўшимча жазонинг энг кўп ёхуд энг кам қисмини пасайтириш;
- асосий жазони ўзгартирмасдан факультатив характерда жазо бериш;
- санкцияга енгилроқ бўлган муқобил жазо турини киритиш;
- етказилган моддий зарар қопланган тақдирда, судланувчига жамиятдан ажратиш (озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш) билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни назарда тутиш.

**21.** Содир этилган жиноий қилмиш учун қонун ҳар доим ҳам жиноий жавобгарликни эмас, балки бошқа жиноий оқибатларни ҳам назарда тутати. Жиноят кодексига мувофиқ, шахснинг аҳволини бошқача тарзда яхшилашга қаратилган норматив-хуқуқий нормалар ҳам «орқага қайтиш кучи»га эга. Хусусан, бунга шахснинг аҳволини бошқача тарзда яхшилайдиган ҳолатлар сифатида жиноят таснифининг

ўзгариши, шартли равишда озод қилиш шартларининг ўзгариши, судланганлик муддатининг тугаши ёки олиб ташланиши шартларининг ўзгариши, шартли ҳукм қилишда синов муддатининг қисқариши, жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш муддатининг ўзгариши ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Айбдорнинг ҳуқуқий аҳволини яхшилашга қаратилган меъёр сифатида жабрланувчи ва бошқа томонларнинг келишуви билан жавобгарликдан озод қилишни кўзда тутувчи Жиноят кодексининг 66<sup>1</sup>-моддасини мисол келтириш мумкин<sup>1</sup>.

Шахснинг ҳуқуқий аҳволини яхшилашга қаратилган нормаларнинг барча вариантларини мустаҳкамлашнинг имкони йўқ, чунки Жиноят кодексига барча умумий қоидаларгина баён этилган. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳар қандай ҳолатда қонун нормалари жиноят содир этган шахснинг ҳуқуқий аҳволини яхшилайдими ёки йўқми, деган масалани аниқлашлари шарт.

22. Жазони кучайтирадиган, шахснинг ҳолатини бошқача тарзда ёмонлаштирадиган қонун орқага қайтиш кучига эга эмас. Агар ҳуқуқий меъёр ўз харақатига кўра, шу модда шарҳининг 21–23-бандлари қоидаларига зид келса, уни қонун кучга киргунга қадар мавжуд бўлган ижтимоий муносабатларга нисбатан қўллаб бўлмайди.

23. Қонун жазонинг энг кўп қисмини камайтириб, унинг энг кам қисмини оширган ҳолатларда ҳуқуқни қўллаш амалиётида муайян қийинчиликлар юзага келади.

Агар қабул қилинган қонун жиноятнинг янги, махсус таркибини шакллантирса, дастлабки аналогик жиноий хатти-ҳаракатлар кўпроқ умумий нормалар таъсири остида қолиб, жиноий жавобгарликни кучайтирса, бу ҳолда санкция билан умумий ва махсус нормаларни ўзаро қиёслаш керак. Агар

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда «Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш тартиби тўғрисида»ги 254–II-сонли Қонуни, 7-банди // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 9–10-сон, 165-модда.

хатти-ҳаракатларнинг умумий меъёрдан ажратиб олинган жиноий хатти-ҳаракат учун берилган санкция қонун санкциясидан енгилроқ бўлса, бундай қонун орқага қайтиш кучига эга бўлмайди.

24. Изоҳланаётган модданинг иккинчи қисми қонуннинг мувофиқ, қонуннинг орқага қайтиш кучи жиноят содир этган барча шахсларга нисбатан татбиқ этилади. Мазкур ҳолатда уларнинг судланган-судланмаганлиги, уларга нисбатан тайинланган жазонинг ижро этилган-этилмаганлиги аҳамиятга эга эмас. Шунингдек, агар янги қонун бўйича содир қилинган қилмишга нисбатан қаттиқроқ жазо тайинлаш назарда тутилган бўлса, аммо жазо тайинлаш доирасидан четга чиқилган бўлса, у ҳолда тайинланган жазонинг энг кўп қисми максимум даражагача камайтирилиши мумкин.

Шуни ҳам назарда тутиш лозимки, қонуннинг орқага қайтиш кучи фақат жиноий жавобгарлика тортилган шахслар доирасига тааллуқли, яъни суриштирув, дастлабки тергов органи ёки судда бундай шахсларга нисбатан иш юритилаётган бўлсагина татбиқ қилинади. Шунга кўра, жиноят содир этган шахсларга нисбатан енгилроқ қонунни, айтайлик, «оралик қонун» (жиноят содир этилгандан кейин қабул қилиниб, жиноий жавобгарликка тортишгача бўлган муддатда амалда бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжат)ни қўллаб бўлмайди.



**Иккинчи бўлим. ЖАВОБГАРЛИК АСОСЛАРИ****III боб. ЖИНОЯТ****14-модда. Жиноят тушунчаси**

Ушбу Кодекс билан тақиқланган, айбли ижтимоий хавfli қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жазо қўллаш таҳдиди билан жиноят деб топилади.

Ушбу Кодекс билан қўриқланидиган объектларга зарар етказадиган ёки шундай зарар етказиш реал хавфини келтириб чиқарадиган қилмиш ижтимоий хавfli қилмиш деб топилади.

---

**ШАРҲ**

---

1. **Жиноят** тушунчаси жиноят ҳуқуқи фанининг предметини ташкил қилувчи категориялардан бири бўлиб, қонун чиқарувчи томонидан унга ижтимоий хавfli, ҳуқуққа хилоф, айбли ва жиний жазога сазовор қилмиш сифатида баҳо берилган.

Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг жиноят тўғрисидаги қонунчилигига мувофиқ, жиноят тушунчасининг умумий тавсифларини ўз ичига олади. Энг аввало, шарҳланаётган моддада жиноят тушунчасининг асосий белги ва аломатлари белгиланганки, уларга қараб у ёки бу қилмишнинг ижтимоий хавfliлиги ёки ижтимоий фойдалилигини аниқлаб олиш мумкин.

2. **Жиноят** — ҳуқуқий ҳодиса сифатида ўзига хос жиҳатларни ифодаловчи маълум бир белгиларга эга. Жиноят кодексининг 14-моддасида келтирилган жиноят тушунчасида моддий ва формал белгилар мавжуд. Моддий ва формал белгилар, у ёки бу қилмишнинг жиноят деб топилиши учун мавжуд шартлар тавсифи бўлиб, улар қуйидаги ҳолатларда ўз ифодасини топади.

**Формал белги** маълум бир хатти-ҳаракатларни содир қилиш ёки баъзи бир ҳаракатларни бажариш шарт



бўлган ҳолларда уларни содир қилмасликни ман қилишда ифодаланади.

**Моддий белги** ҳар қандай жиноятнинг туб моҳиятини, ижтимоий хавфлилигини ифодалаб беради.

**Моддий белгини**, шунингдек, қонун билан қўриқланадиган жинойи тажовуз объектани аниқлаш учун Жиноят кодексининг 2-моддасида мустақамланган қоидадан келиб чиқиш зарур. Жиноят белгилари қилмишнинг жинойишлигини белгиловчи асосий мезон ҳисобланади.

3. Ҳар қандай ижтимоий хавfli қилмишни жиноят деб ҳисоблаш учун барча жиноятлар учун зарур бўлган жиноят белгилари ишлаб чиқилган, шунингдек, жиноятда айбли эканлик ва ана шу белгилар ҳамда айбнинг бирор шакли мавжуд бўлсагина, қилмиш жиноят ҳисобланади. Жинойи қилмиш ҳар доим ҳам ижтимоий хавfli бўлибгина қолмасдан, балки ғайриқонуний, яъни жинойи ҳуқуқий нормалар билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга тажовуз қилиш ҳамдир. Қилмиш ижтимоий хавfli бўлиши учун янги жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга зарар етказа оладиган даражада хавfli бўлиши керак. Қилмишнинг ижтимоий хавfliлиги, ғайриқонунийлиги, жинойи жазога сазоворлиги жиноятнинг зарурий белгиларидир. Ушбу тавсифдан келиб чиқиб, жиноятнинг қуйидаги белгиларини кўрсатиш мумкин:

- ижтимоий хавfliлиги;
- айбнинг мавжудлиги;
- ҳуқуққа хилоfliлиги;
- жазога сазоворлиги.

4. Инсоннинг ҳар қандай хатти-ҳаракати, хулқ-атвори жамиятнинг бошқа аъзолари манфаатлари нуктаи назаридан ё ижобий ё салбий баҳоланади.

**Ижтимоий хавfliлик** — жиноятнинг объектив хусусиятини белгилаб, жинойи ҳуқуқий муҳофаза объектларига зарар келтирувчи ёки ҳақиқий зарар етказиш хавфини тўғдирувчи қилмишларнигина жиноят тоифасига киритишни ифодалайди.

Ижтимоий хавfliлик шундай мезонки, унинг ёрдамида жиноятларни жинойи бўлмаган ҳуқуқбузарликлардан ва

кам аҳамиятли қилмишлардан фарқлай олишнинг имконини берувчи жиноятнинг муҳим таркиби ҳисобланади. Қонун чиқарувчи ҳуқуқбузарликларни жиной, маъмурий, интизомий ёки фуқаровий-ҳуқуқий даъволи ишларга ажратади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ижтимоий хавфлилик мезони, бу – нафақат жиноят қонунин билан кўрикланадиган ижтимоий муносабатларга зарар етказиш қобилияти, балки қилмишнинг хусусияти ва унинг ижтимоий хавфлилик даражаси ҳамдир.

Ижтимоий хавфлилик характери жиноят қонунин тизимида ўз ифодасини топган бўлиб, у асосий қадрият ҳисобланувчи шахснинг ҳаёти ва соғлиғи, ҳуқуқ ва эркинликларини белгилаб берувчи қоидалардан келиб чиқади.

Масалан, қилмишнинг кам аҳамиятлилиги (*Жиноят кодексининг 36-моддаси*) Жиноят кодексига назарда тутилган қилмишнинг белгилари расман мавжуд бўлса-да, аслида ҳеч қандай ижтимоий хавфли хусусиятни акс эттирмайди.

Қилмишнинг кам аҳамиятлилиги жиноят ҳуқуқида қуйидаги икки белги орқали намоён бўлади:

- жиноят белгиларининг формал жиҳатдан мавжудлиги;
- шахс, жамият ва давлат манфаатларига зарар етказилмаслиги ёки зарар етказиш хавфини келтириб чиқармаслиги.

Суд-тергов амалиётида қилмишнинг кам аҳамиятлилиги масаласи кўрилаётганда зарарли оқибат ҳақиқатан келиб чиққанлиги, қилмишни содир этиш усули, айб шакли, мотив ва мақсадига эътибор қаратилади. Агар содир этилган қилмиш кам аҳамиятлилик белгисига эга бўлса, жиноят иши кўзғатилиши мумкин эмас, кўзғатилган жиноят иши эса, жиноят таркиби мавжуд эмаслиги туфайли тугатилиши керак. Бир қатор ҳолатлар, жумладан, чин кўнгилдан пушаймон бўлиш, етказилган зарарни ихтиёрий равишда қоплаш, айбдорнинг ҳаётини фаолияти каби ҳолатлар қилмишни кам аҳамиятли, деб топиш учун асос бўла олмайди.

5. Жиноятнинг яна бир зарурий белгиси унинг **ҳуқуққа хилофлиги**дир. Бу белги ҳар доим жиноятнинг ижтимоий хавфлилик белгиси билан боғлиқ бўлади. Ижтимоий хавфли қилмиш содир этилишининг ўзи жиной ҳуқуқий оқибат

келтириб чиқаришига сабаб бўла олмайди. Жиноят ва жазо масалалари юзага келиши учун қилмиш ижтимоий хавфли бўлганда у тегишли жиноят-ҳуқуқий нормани бузган бўлиши лозим. Ҳуқуққа хилофлик жиноятнинг формал белгиси ҳисобланади.

Қонун шахснинг содир этган турли хатти-ҳаракатларини (ҳулқ-атворини) баҳолар экан, буларнинг ичидан ижтимоий хавфлилик даражаси юқори бўлган хатти-ҳаракатларнигина жиноят сифатида баҳолашни кўзда тутган.

Жиноят қонуни жиноят туфайли зарар етказилган шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилиб, ижтимоий хавфли қилмишга ҳуқуққа хилофлик мақомини беради. Юқоридагиларни инобатга олиб шуни айтиш лозимки, содир этилган ижтимоий хавфли қилмиш ҳуқуққа хилоф деб топилган пайтдан бошлаб жиноят мақомини олади.

6. Жиноий ҳуқуққа хилофликни белгилашда Жиноят кодексининг фақат Махсус қисми нормаларига таянмасдан, Умумий қисм институтларини ҳам эътиборда тутиш зарур. Фақат шундагина бош ва асосий масала – ўз ичига ижтимоий хавфлилик даражаси ва табиатини олган ҳамда жиноят-ҳуқуқий тақик ўрнатувчи жиноят ҳуқуқи нормаларида ифодаланувчи жиноятнинг моддий моҳиятини тўғри аниқлаш мумкин.

Жиноий ҳуқуққа хилофлик ва жиноят-ҳуқуқий тақик тушунчалари айнан бир хил бўлиб, Махсус қисмнинг аксарият нормалари тузилиши жиҳатидан тақикловчи нормалардир. Маълум ҳолатларда қилмишларга ёки усул, йўсин ва х.к.га тақик қўйилган (масалан, Жиноят кодексининг 148 ва 149-моддалари). Жиноят кодексининг Махсус қисмидаги нормалар мажбурият юқловчи хусусиятга эга. Шу билан бирга, юқорида тилга олинган тақик бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда кўзда тутилган бўлиши ҳам мумкин. Махсус қисмда ўша норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаби бузилганлиги учун жазо чораси – санкция белгиланган. Бу эса, Жиноят кодексининг бланкет нормалари, дейилади. Жиноят кодексининг Махсус қисми бланкет диспозициялари тўғрисида гап кетганда, ҳуқуққа хилофлик белгиси кўпроқ

тўғри келишини кўриш мумкин. Ҳуқуққа хилофлик шахс томонидан Жиноят кодексининг Махсус қисмида кўрсатилган нормаларнинг бузилиши демакдир.

Ҳуқуққа хилофлик жинойий қилмиш орқали ҳуқуқий нормаларнинг бузилишини ифодалайди. Ҳуқуққа хилофлик умумий маънода ҳуқуқ нормаларига қарши боришдир. Ҳуқуққа хилофлик мавҳум тушунча, зеро, унинг таркиби ҳуқуқнинг турли соҳаларидаги, жумладан, жинойий, маъмурий ва бошқа ҳуқуқ соҳаларидаги нормаларнинг аниқ хусусиятларига боғлиқ эмас.

Жиноят ҳуқуқида ҳуқуққа хилофлик тушунчаси жиноятни бошқа ҳуқуқбузарликлардан фарқлаш учун жиноят ҳуқуқининг бошқа ҳуқуқ соҳалари билан боғлиқликда бўлишини ифодалайди. Шундан, ҳуқуққа хилофлик жиноятнинг жазога сазоворлиги билан, жиноятнинг ўзи эса, жиноятни содир қилган шахснинг айби билан узвий боғлиқ. Бу белгилар жинойий ҳуқуққа хилофлик ва жиноят тушунчаларини умумий тарзда ифодалайди.

Ҳуқуққа хилофлик объектив ва нисбатан мустақил табиатга эга. Жиноятнинг ҳуқуққа хилофлик белгисининг моҳияти шундаки, ҳуқуққа хилоф қилмишга у ёки бу ваколатли мансабдор шахслар томонидан қандай баҳо берилишидан қатъи назар, бундай қилмиш учун қонунда жавобгарлик белгиланмагунча формал жиҳатдан ижтимоий ҳафли, деб ҳисобланмайди.

**7. Ҳуқуққа хилофлик** ижтимоий ҳавфли қилмишнинг жиноят қонуни билан тақиқланганлигини ифодалайди. Бу белги қонунийлик принципининг «қонунда назарда тутилмаган бўлса, демак, жиноятнинг ўзи йўқ», деган қонидасидан келиб чиқади. Бундан ташқари, бу белги «Жиноят қонунининг аналогия бўйича қўлланилишига йўл қўйилмайди», деган қонидани ҳам ўз ичига олади. Демак, жинойий ҳуқуққа хилофлик деганда, жиноятларнинг жиноят-ҳуқуқий нормаларда кўрсатилган жазо қўллаш таҳдиди билан тақиқланиши тушунилади. Қилмиш жиноят қонуни билан ҳуқуққа хилоф, деб эълон қилинганидан бошлаб жиноятга айланади, давлат эса, ўз навбатида, бундай қилмишларга қарши жиноят-

хуқуқий воситалар билан курашиш имкониятига эга бўлади. Хуқуққа хилофлик Жиноят кодексининг Умумий қисмидаги ҳолатларни инобатга олган ҳолда жиноят хуқуқи нормаларида кўрсатилган қилмишларни содир этишни тақиқлашдан иборат. Ҳар бир қилмишнинг жиноят эканлиги Жиноят кодекси Махсус қисмининг моддалари диспозициясида кўзда тутилган. Ижтимоий хавфлилик ва хуқуққа хилофлик белгилари биргаликда қилмишнинг жиноийлиги ва у учун жавобгарлик асосини белгиловчи омил ҳисобланади. Жиноий хуқуққа хилофлик қилмишга ижтимоий хавфлилик даражасини бериб, айнан шу даража орқали қилмиш жиноят таснифини олади. Жиноятнинг моддий белгиси – «ижтимоий хавфлилик бўлса, жиноятнинг формал белгиси хуқуққа хилофлик ҳисобланади».

8. Жиноят тушунчасини изоҳлашда ижтимоий хавфлилик ва хуқуққа хилофлик жиноятнинг асосий ва бир-бирига алоқадор белгилари эканлигини кўриш мумкин. Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик белгиси мавжуд эмаслиги, ўз навбатида, хуқуққа хилофликнинг мавжуд эмаслигини ҳам билдиради, яъни фақат жиноят қонуни билан ижтимоий хавфли, деб топилган қилмишларгина хуқуққа хилоф ҳисобланади. Бундай қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги (жиноий хуқуққа хилофликнинг асосий мезони), у ёки бу қилмишга айнан жиноят хуқуқий воситалар билан таъсир этишнинг умумийлиги қилмишни жиноят хуқуқига хилоф, деб топишнинг асослари ҳисобланади. Жиноятнинг бу белгиси ижтимоий хавфлилик ва айбнинг мавжудлиги белгиларини келтириб чиқаради.

Демак, хуқуққа хилофлик – ижтимоий хавфлиликнинг юридик ифодасидир. Янада аниқроқ қилиб айтсак, ижтимоий хавфли қилмиш хуқуққа хилофдир.

9. Ҳар қанақа хуқуққа хилоф ижтимоий хавфли қилмиш жиноий жазога сазовор бўлиши лозим. Жиноят кодексининг 14-моддаси биринчи қисми диспозицияси жиноий жазони ҳам назарда тутган. Бу эса, ўз навбатида, жиноятнинг **жазога сазоворлик** белгисини келтириб чиқаради. Жиноятнинг жазога сазоворлиги жавобгарликнинг муқаррарлиги принциpidан келиб чиқади. Жазо тушунчаси жиноят тушунчасисиз бирон-бир мазмун касб этмайди, яъни жазо аниқ реал содир этилган

жиноятнинг оқибати ҳисобланади. Содир этилган жиноятнинг оқибати реал жазо эмас, балки айнан жазо қўллаш таҳдиди ҳисобланади.

Юқоридагиларни инобатга олиб айтганда, қилмишнинг жинойий ҳуқуққа хилофлиги унинг жазога сазоворлиги билан бевосита боғлиқ.

Ҳуқуқий тақиқни белгиловчи жинойий ҳуқуқий нормага мувофиқ, қонунда ўрнатилган қондага риоя қилишни таъминловчи, ушбу қондани бузган айбдорни жазога тортувчи жинойий санкция мавжуд. Жиноятнинг жазога сазоворлик белгиси ҳар қандай жиноят учун жазо тайинланишининг муқаррарлигини билдиради. Жазо эса, суд ҳукми билан тайинланадиган давлатнинг мажбурлов чорасидир. Жиноят кодексига кўзда тутилган жазолар мажбурий ва барча ҳолларда содир этилган жиноятлар учун жазо қўлланилиши керак, дегани эмас. Жинойий жазо жиноят содир этишнинг оқибати сифатида жавобгарликнинг муқаррарлигини келтириб чиқаради ва асосий огоҳлантирувчи восита ҳисобланади. Жазо қўллаш таҳдидини ифодаловчи санкцияси бўлмаган ҳуқуқий норма жинойий ҳуқуқий тақиқни англатмайди.

Жазога сазоворлик Жиноят кодекси моддалари диспозициясида кўрсатилган белгилар мавжуд бўлган у ёки бу ижтимоий хавfli қилмишни содир этган шахсга нисбатан жинойий жазо қўллаш лозимлигини кўрсатади. Жиноятнинг жазога сазоворлик белгилари ҳуқуққа хилофлик белгисидан келиб чиқади. Жавобгарликнинг муқаррарлиги тушунчаси жинойий жазо тушунчаси билан ҳар доим ҳам бирга келавермайди. Жазога сазоворлик жиноятнинг белгиси сифатида жиноят қонунига хилоф қилмиш учун жазо мавжудлигини ҳамда жиноят ва жазо тушунчалари бир-бири билан доимо ўзаро алоқадорликда эканлигини билдиради. Жинойий жазо ижтимоий хавfli қилмишнинг ҳуқуқий оқибатидир. Аммо, бу ҳуқуқий оқибат турли хил ҳолатлар туфайли қўлланилмаслиги мумкин. Қонун чиқарувчи шундай огоҳлантириш орқали жазо қўлланилиши мумкинлигини кўрсатиб, жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи мустаҳкамлигини таъминлайди.

10. **Айб** жиноятнинг мустақил бир белгиси сифатида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 14-моддасида кўрсатилган бўлса-да, ушбу Кодекснинг 16-моддасида жиноий жавобгарликнинг асоси сифатида ҳам қайд этилади. Айблилик жиноят белгиси бўлиши билан бирга, жиноий жавобгарликнинг асоси ҳам ҳисобланади. Шахс фақат айбли ижтимоий хавфли қилмишлари учунгина жавобгар бўлади. Шахс жиноят содир қилар экан, ўзининг ҳаракати ёки ҳаракатсизлигига ва ундан келиб чиқадиган оқибатга муайян руҳий муносабатда бўлади. Жиноят содир этган шахснинг хатти-ҳаракати ва ундан келиб чиқадиган оқибатда қасд ёки эҳтиётсизлик шаклидаги айб бўлмаса, бундай қилмиш жиноят ҳисобланмайди. Шахс ўзи содир қилаётган қилмишининг ижтимоий хавфлилиги даражаси ва характерини тушуниши, шунингдек, ўз ҳаракатларини бошқара олиши керак. Мазкур ҳолатлардан шахснинг айбдорлик ёки айбсизлигини аниқлаш мумкин. Жиноят кодексининг 14-моддаси мазмунидан келиб чиқилса, ижтимоий хавфли қилмишни содир этишда субъектнинг айби бўлсагина, у жиноят деб топилади. Айблилик белгисининг мавжуд эмаслиги ижтимоий хавфлилиликнинг формал белгиларини ўз ичига олувчи жиноят таркибини ташкил этмайдиган ҳолат сифатида баҳоланиши лозим. Юқоридагиларга кўра, хулоса қилиш мумкинки, жиноятнинг белгилари қилмишнинг жиноийлигини белгиловчи асосий мезон бўлиб, ижтимоий хавфлилилик жиноятнинг ташки белгиси ҳисобланса, жиноятнинг формал белгиси ҳуқуққа хилофлик, деб ҳисобланади. Жиноятнинг кейинги белгилари, яъни айбнинг мавжудлиги ва жазога сазоворлик белгилари ҳуқуққа хилофлик белгисидан келиб чиқади. Демак, жиноят белгиларининг барчаси бирданига мавжуд бўлсагина, бу қилмиш жиноят деб ҳисобланади, аксинча, ана шу белгилардан биронтаси бўлмаса, қилмиш жиноят ҳисобланмайди.

11. **Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисми** ижтимоий хавфли қилмишнинг юридик тузилиши қонуний тавсифини ўз ичига олган.

**Ижтимоий хавфлилилик** — қонун билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга зарар етказишнинг реал хавфини

ўзида акс эттирувчи ҳамда салбий белгилар ва унсурлар мажмуини ифодаловчи жиноятнинг маълум бир объектив ҳолатидир. Бу ҳолатда ижтимоий хавфлиликка у ёки бу ижтимоий муносабатларга зарар етказиш унсур сифатида қаралмоғи даркор.

Жиноят қонуни инсоннинг аниқ бир жиний ҳулқ-атвори учун жиний жавобгарликни кўзда тутади.

Жиноят кодексининг 14-моддаси иккинчи қисми жиноятни ижтимоий хавfli қилмиш сифатида баҳолайди. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси Махсус қисмида назарда тутилган жиноятларнинг аксарияти жиний ҳаракат йўли билан содир қилинади, қолганлари эса, ҳаракатсизликда содир этилади.

12. **Ҳаракат** механика қонунларига бўйсунувчи, атроф-муҳитда маълум ўзгаришларни юзага келтирувчи, шахснинг тана ҳаракатидан иборат бўлган фаол ҳулқ-атворидир. Шунингдек, рухий характердаги ҳаракатлар таҳдидлар, қўрқитишлар орқали ҳам намоён бўлиши мумкин.

Бу айбдор шахс, ҳодисаларнинг табиий кетма-кетлигини кутмасдан, ўзи уларга бевосита аралашиб, исталган жиний оқибат келиб чиқишига ҳаракат қилишини англатади. Шахснинг ҳар бир тана ҳаракатида ўзининг ички кечинмаларининг аксини кўриш мумкин. Бу ҳаракатлар бирлиги ҳаракат кўринишидаги ижтимоий хавfli қилмишни ташкил этади, аммо бу ерда айрим бир ҳаракатнинг жиноят-ҳуқуқий аҳамияти йўқолмайди.

Жиний-ҳуқуқий маънодаги **ҳаракат ёки ҳаракатсизлик** шахс тана аъзоларининг (жисмоний) ҳаракатини ифодалабгина қолмай, балки вояга етмаганларни, рухий ҳолати бузилган шахсларни алдов йўли билан онгли равишда жиноят содир этишда фойдаланишни ҳам ўз ичига олади.

Жиноят содир қилиш мақсадида табиат кучлари ва ҳайвонлардан онгли равишда фойдаланиш ҳам жиний ҳаракат ёки ҳаракатсизлик, деб топилади (шунингдек, масъул шахснинг онгли тўсқинлик қилмаслиги).

Қасддан содир этилган жиноятларда ижтимоий хавfli ҳаракатнинг бошланғич қисми шахснинг жиноят содир этиш



учун зарур шарт-шароит яратишга қаратилган жисмоний хатти-ҳаракатларида намоён бўлади.

Эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноятларда ижтимоий хавфли қилмишнинг бошланғич қисми сифатида жиноят объектига зарар етказиш хавфи пайдо бўлганда ёки зарар етказила бошланган вақт назарда тутилади.

Эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноятларнинг ўзига хослиги шундаки, жиноят объектига зарар етказилганлиги сабабли ҳуқуққа хилоф, деб топилади.

Жиноий ҳаракат асосан такроран содир этилган жиноятлар, узоққа чўзилган ва давомли жиноятларни аниқлашга ёрдам беради. Шу билан бирга, ҳаракат тушунчаси орқали жиноят содир этиш босқичлари, тамом бўлмаган жиноятларни ҳам аниқлаш мумкин.

**Ҳаракатсизлик** – пассив хулқ-атвор бўлиб, бажарилиши шарт ёки мумкин бўлган мажбуриятни уни бажаришнинг реал имкони бўла туриб бажармасликда ифодаланади.

**Жиноий ҳаракатсизлик** – хулқнинг шундай кўринишики, у айбдор томонидан бажарилиши шарт ва мумкин бўлган ҳаракатнинг онгли равишда бажармаслиги тушунилади. Жиноий ҳаракатсизлик биргина ҳаракатнинг бажарилмаслигида ёки бир-бирига боғлиқ объектив жиҳатдан бажарилиши шарт ҳаракатлар тизимини бажармасликда намоён бўлиши мумкин.

Ижтимоий хавфли ҳаракатсизлик худди ижтимоий ҳаракатдек, ташқи дунёга таъсир ўтказади ва маълум ўзгаришларни келтириб чиқаради. Ҳаракатсизлик биргина ҳолатда муайян ҳаракатни амалга оширишдан ўзини тийиш билан бирга жиноий хулқ-атвор тизимини ҳам акс эттириши мумкин. Мисол учун, мансабга совуққонлик билан қараш жиноятида мансабдор шахс ўзига юклатилган вазифани доимий равишда бажармай келади. Ҳаракатсизлик фақатгина ижтимоий хавфли ва ғайриҳуқуқий бўлган тақдирдагина, жиноий жавобгарликни келтириб чиқаради. Маълум бир ҳаракатларни содир қилиш мажбурияти қонунлардан, иш ва хизмат ваколатларидан, шартномавий муносабатлардан ёхуд ўзининг ғайриқонуний хулқи билан ўзганинг манфаатларига зарар етказилиши мумкин шароит яратиб қўйган ҳолатлардан

келиб чиқади. Бошқача қилиб айтганда, ҳаракатсизликни ижтимоий хавfli, онгли ва пассив хулқ-атвор сифатида баҳолаш мумкин.

Шахс объектив жиҳатдан ҳаракатни содир қилиш имконияти мавжуд бўлмаган ҳолатларда унинг ҳаракатсизлиги жиноят деб топилиши мумкин эмас, шу сабабли, бу ҳолатни енгиб бўлмас куч сифатида баҳоламоқ лозим. Шахснинг имкониятларини ҳисобга олишда унинг жинoий ва рухий сифатларини қилмиш содир қилинаётганда шахснинг ҳолати, унинг билим ва малака даражаси ҳамда бошқа белгиларидан келиб чиқмоқ зарур.

Жинoий ҳаракатсизлик учун шахсни жавобгарликка тортишда жинoий хулқ-атворнинг хусусияти ва таркиби билан бирга қуйидаги уч ҳолатдан келиб чиқиб, ҳаракатсизлик чегарасини белгилаш лозим:

– шахснинг маълум бир ҳаракатни бажаришга мажбурийлиги;

– маълум бир шарoитда бундай мажбуриятларни бажариш имкониятининг мавжудлиги ва бундай имкониятларнинг объектив реаллиги;

– шахс томонидан бажарилиши лозим бўлган ҳаракатларнинг бажарилмаслиги.

---

### **15-модда. Жиноятларни таснифлаш**

Жиноятлар уз хусусияти ва ижтимоий хавfliлик даражасига кўра: ижтимоий хавfli катта бўлмаган; унча оғир бўлмаган; оғир; ўта оғир жиноятларга бўлинади.

Ижтимоий хавfli катта бўлмаган жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар қиради.

Унча оғир бўлмаган жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан ортиқ, лекин беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар қиради.

Оғир жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда беш йилдан ортиқ, лекин ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар қиради.

Ўта оғир жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёхуд умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар қиради.

---

## Ш А Р Х

---

1. Жиноятларни у ёки бу белгиларига қараб гуруҳларга ажратиш жиноятларни таснифлашдир. Шарҳланаётган модда жиноятларни моддий белгиси, яъни жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик табиати ва даражасига қараб таснифлайди. *(Ижтимоий хавфлилик характери ва даражаси тўғрисида ЖКнинг 14-моддасига берилган шарҳларга қаранг)*

Жиноятларни таснифлашда уларнинг у ёки бу белгилари мезон сифатида олинади. Шу билан бирга, жиноятларни таснифлаш Жиноят кодексининг Махсус қисми нормаларида белгиланган жиноятларни фактик ва юридик белгиларига қараб, ижтимоий хавфлилигини баҳолашга ёрдам беради.

Ушбу модда Жиноят кодексининг Махсус қисмида кўзда тутилган жиноятларни тоифалаштириш, яъни жиноят қонунига мувофиқ, ижтимоий хавфлилик хусусияти ва даражасига қараб турт гуруҳга ажратишнинг имконини беради.

**Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти** жиноятнинг сифат жиҳатини акс эттиради. Уни аниқлашнинг асоси сифатида суиқасд объектининг қиймати, шунингдек,

жиноят содир қилинишининг натижаси ижтимоий хавфли оқибат оркали баҳоланади.

Масалан, бир турдаги жиноят объектига суиқасд қилувчи жиной қилмишнинг хусусияти ҳам бир хилдир (масалан, шахснинг озодлиги, шаъни ва қадр-қимматига ёки давлат хавфсизлиги ва конституциявий тузумга қарши жиноятлар).

**Ижтимоий хавфлилик даражаси** бир хил характерли жиноятларнинг етказилган зарар миқдорини ифодалаб беради. Унда зарар миқдори (анча, кўп, жуда кўп миқдорда) жиноят содир қилинишининг ўзига хослиги, айбнинг шакли, жиноятнинг мотиви ва мақсади ҳамда аниқ фактик ҳолатдан келиб чиқувчи бошқа ҳолатлар кўрсатилади. Ижтимоий хавфлиликнинг икки белгиси умумий жиноят-ҳуқуқий мезонга бирлашуви Жиноят кодекси Махсус қисмидаги жиноятларни таснифлашга имкон беради. Ижтимоий хавфли қилмишнинг даражаси, энг аввало, етказилган зарарнинг ҳажми ва тажовуз қилинган объектнинг қиймати билан белгиланади.

Қилмишнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти ва даражаси жиноятларни туркумлашда асосий мезон бўлиши билан бирга, судлар томонидан жазо тайинлаш вақтида қилмишни жиноят, деб топишда алоҳида аҳамият касб этади. (*ЖКнинг 14 ва 54-моддалари шарҳига қаранг*). Жиноятларни таснифлашга содир қилган жиноятнинг тури ва жазо миқдори, унинг ҳуқуққа хилофлиги асос қилиб олинган.

Жиноят кодексининг Умумий ва Махсус қисми нормалари тизимини эътиборга олган ҳолда жиноятлар ўзининг хавфлилик даражасига кўра тўртта тоифага ажратилади. Бошқача қилиб айтганда, жиноятларни тоифаларга бўлиш мезони сифатида жазо тури ва миқдори ҳамда ҳуқуққа хилофлик хизмат қилади.

2. Дастлабки икки категорияга қасддан ва эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноятларни киритиш мумкин. Оғир ва ўта оғир жиноятлар эса, фақат қасддан содир этилади.

**Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларга** қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек, эҳтиётсизлик оқибаотида

содир этилиб, қонунда беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар қиради. Жиноят кодексининг тегишли моддаси диспозициясида маъмурий преюдиция кўзда тутилган нормалар ҳам ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар туркумига қиради. Маъмурий преюдиция – бу маъмурий жавобгарликка тортилган шахс бир йил давомида яна содир этган ҳуқуқбузарлигини такрорлашдан иборат ҳаракатдир. Ижтимоий хавфи катта бўлмаган айрим жиноятлар назарда тутилган моддалар санкция қисмида озодликдан маҳрум қилиш жазоси бўлмаслиги мумкин (масалан, 140 ёки 192-моддалар). Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар акс этган моддаларнинг аксаридида озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилмаган (фақатгина айрим ихтисослашган ёки ўта ихтисослашган жиноятларда бу жазо қўлланилади). Бу турдаги жиноятларга қуйидаги қасддан содир қилинган 139, 145-модда ва бошқалар, шунингдек, 280-модданинг биринчи қисмида назарда тутилган эҳтиётсизликдан содир қилинган жиноятлар қиради. Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонуни билан Жиноят кодексига киритилган ўзгартишлардан олдин эса, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларга қонунда озодликдан маҳрум қилишга нисбатан енгилроқ жазолар назарда тутилган жиноятлар киритилган эди.

**3. Унча оғир бўлмаган жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан ортиқ, лекин беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек, эҳтиётсизлик орақсида содир этилиб, қонунда беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар қиради.**

Унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумига санкция қисмида беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар тааллуқлидир. Шунинг ҳам

айтиб ўтиш лозимки, тайинланган жазо, ўз навбатида, бошқа енгил турдаги жазо билан муқобил равишда мос келиши керак.

**4. Оғир жиноятларга** қасддан содир этилиб, қонунда беш йилдан ортиқ, лекин ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар қиради. Агар қонуннинг санкция қисмида озодликдан маҳрум қилишнинг энг оз қисми унча оғир бўлмаган жиноятлар гуруҳида, энг кўп қисми эса, оғир жиноятлар гуруҳида бўлса, жазонинг энг кўп қисми ҳисобга олинади. Масалан, Жиноят кодексининг 118-моддаси, яъни номусга тегиш жинояти учун мазкур модданинг санкция қисмида озодликдан маҳрум қилишнинг муддати уч йилдан етти йилгача берилган. Демак, жазонинг энг юқори қисми етти йил бўлганлиги сабабли бу жиноят оғир жиноятлар туркумига қиради.

5. Ижтимоий хавфлилик хусусияти ва даражаси энг юқори жиноятлар – ўта оғир жиноятлардир.

**Ўта оғир жиноятларга** қасддан содир этилиб, қонунда ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёхуд умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар қиради.

Бу туркумдаги жиноятларга қонун чиқарувчи, энг аввало, шахс ҳаёти ва соғлиғига қарши қаратилган қасддан содир этилган жиноятлар, шунингдек, тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши қаратилган жиноятлар қиради.

6. Жиноятни тегишли туркумга киритиш Жиноят кодексига белгиланган ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради. Рецидив жиноятни хавфли ёки ўта хавфли, деб топиш масаласи шахснинг илгари содир қилган унча оғир бўлмаган, оғир ва ўта оғир жинояти учун неча мартаба судланганлигига қараб ҳал қилинади (ЖКнинг 34-моддаси): умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси фақат ўта оғир жиноятлар учун тайинланиши мумкин (ЖКнинг 51-моддаси); шахс жазони ўтайдиган колониянинг тури содир этилган жиноят қайси туркумга кириши билан боғлиқ ҳолатда белгиланади.

Жиноятларни ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусиятига кўра таснифлаш амалий аҳамиятга ҳам эгадир.

Масалан, жиноятлар мажмуи бўйича жазо тайинлаш (ЖК 33-модда), жиний жавобгарликдан озод қилиш (ЖК 5-бўлим), шу қаторда, муддатлар ўтиб кетганлиги муносабати билан (ЖК 64-модда) судланганлик ҳолатининг тугатилиши (ЖК 78-модда), шунингдек, тарбиявий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш (ЖК 88-модда).

---

### 16-модда. Жиноят учун жавобгарлик ва унинг асослари

Жиноят учун жавобгарлик – жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан суд томонидан ҳукм қилиш, жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилишида ифодаланадиган жиноят содир этишнинг ҳуқуқий оқибатидир.

Ушбу Кодексда назарда тутилган жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлган қилмишни содир этиш жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

---

## Ш А Р Х

---

1. Шархланаётган модда жиний жавобгарликни юридик жавобгарликнинг бир кўриниши сифатида атрофлича ёритиб беради.

Маълумки, жамият ўз аъзоларига муайян ҳуқуқ ва эркинликлар берар экан, уларнинг олдига ҳуқуқ ва бошқа мажбуриятларни бажариш талабини ҳам қўяди. Фуқаро қонун билан кўрикланадиган ижтимоий муносабатларга тажовуз қилса, тегишли равишда жавобгарлик ҳам вужудга келади. Бундай жавобгарликнинг энг оғири жиний жавобгарликдир. Жиний жавобгарлик жиноят содир этишнинг ҳуқуқий оқибатидир.

Жиноят-ҳуқуқий жавобгарликнинг жамиятдаги энг муҳим ва юқори қиймати муносабатларни нормал фаолият олиб боришини жиноят-ҳуқуқий нормалар билан таъминлайди.

**Кенг маънода, жиной жавобгарлик** — жиноят-хуқуқий нормаларни ижро этиш жараёни бўлиб, жиноят-хуқуқий муносабат юзага келганда шу муносабат субъектларининг хуқуқ ва мажбуриятлари амалга оширилишини, яъни шахс жиноят содир қилганида бу муаммони адолатли ҳал қилиш ва жиноят содир қилган шахс салбий хулқини баҳолаш учун давлат махсус органи — суд жалб қилиниши ва давлатнинг мажбурлов чорасини — жазо қўлланилишида ифодаланади.

Ушбу модда конуний тузилишида жиной жавобгарликни аниқлашнинг муҳим элементи бўлиб, хуқуқий оқибат ҳисобланади. Яъни, айнан хуқуқий оқибат жиной жавобгарликнинг хусусияти ва моҳиятини очиб беради.

**2. Жиной жавобгарлик** — бу субъектнинг жиноят хуқуқи билан тақиқланган қилмишни содир этишда ифодаланган хулқи учун қўлланадиган давлатнинг мажбурлов чорасидир. Жиной жавобгарлик масаласи шахсни дастлабки терговга жалб қилиш, ишни судда қўриш, айблов ҳукмини чиқариш, шартли ҳукм қилиш ва судланганлик шаклларида амалга оширилади. Жиной жавобгарлик натижасида келиб чиқадиган хуқуқий оқибатларнинг элементлари куйидагилардан иборат:

— ижтимоий хавfli қилмишни содир этганликда судланганлик вужудга келади;

— айбдор шахсга нисбатан жазо ёки бошқа таъсир чораси қўлланилади;

— содир этилган ижтимоий хавfli қилмишни суд ҳукми билан баҳолаш натижасида маълум бир хуқуқий оқибатлар келиб чиқиши.

Бу элементлардан келиб чиқиб шуни айтиш лозимки, биронта шахс содир қилган жинояти учун жавобгарликсиз қолмаслиги керак. Жиной жавобгарлик фақат давлат номидан суд томонидан қўлланадиган жавобгарликдир. Бу дегани, шахсни жиноят содир этишда айблаб давлат номидан фақат суд жавобгарликка тартади. Жавобгарликнинг бошқа турларига эса, маъмурий орган ходимлари, корхона, муассаса раҳбарлари ва шундай хуқуқ берилган шахслар тортишлари



мумкин. Демак, суддан бошқа бирор мансабдор шахс шахсни жиноят содир этишда айблаб жавобгарликка тортишга ҳақли эмас.

3. Жиноий жавобгарлик айбдор шахсга маълум суд томонидан белгиланган жазо чоралари билан чегараланмайди. Жиноий жавобгарлик шахс судланишида (жазога тортилиши жараёнида), яъни шахсни ижтимоий хавfli қилмиш содир қилишда айбдор деб топиш унга жазо чораси белгилаш ва шу жазо чорасини ижро этиш жараёнларининг бирлигида ифодаланади.

Судлаш жиноий жавобгарликни амалга оширишнинг шакли бўлиб, ижтимоий хавfli қилмиш содир этган шахсни суд томонидан тегишли ҳукм чиқариш орқали тегишли миқдорда жазо тайинлашда ифодаланади. Суд томонидан тайинланган жазо тури ва миқдорига қараб, шахснинг айблилик даражаси тўғрисида хулоса қилиш мумкин.

**Судлаш** — шахсни суд томонидан жиноят содир қилишда айбдор деб топиб, ҳукмда тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларига (Жиноят кодексининг 91-моддаси) боғлиқ бўлмаган бошқача тартибдаги жазо чораларини қўллашни назарда тутди.

Суд ҳукми кучга кириши билан жиноий жавобгарлик бошланади ёки тамом бўлади. Жиноий жавобгарлик — судланиш — ҳукмда назарда тутилган жазо чораларини ўташда ифодаланади.

4. Ижтимоий хавfli қилмиш содир қилганлик учун жиноий жавобгарликка тортишда судланишнинг охириги босқичи жазо ёки бошқача таъсир чорасини (тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларига боғлиқ бўлмаган) қўллашдир. Жазо жавобгарликнинг муҳим ва ажралмас қисмидир. Шарҳланаётган моддага мувофиқ, жазо жиноий жавобгарликнинг ифодаси ва жиноят содир қилишнинг ҳуқуқий оқибатидир. Жиноий жавобгарликнинг реал ифодаси асосан жазода ўз аксини топади. Бироқ, жиноий жавобгарлик ва жазони айнан бир тушунча дея олмаймиз. Жиноий жавобгарлик ва жазо бир-бири билан чамбарчас боғлиқ тушунчалардир. Бу фикрлар айрим хулосалар чиқаришимизга имкон беради:

– биринчидан, жинойй жавобгарлик давлат мажбурлов чорасининг бир тури ва моҳиятан жиноят-ҳуқуқий муносабат билан бир бўлганлиги учун жинойй жазо тушунчасига нисбатан кенг;

– иккинчидан, жинойй жазо, жиноят-ҳуқуқий мажбурлов чораси сифатида жинойй жавобгарликнинг барча босқичларида намоён бўлади.

Биринчи босқичда (жиноят содир этилган пайтдан то айбланувчи сифатида ишга жалб қилингунга қадар бўлган оралик давр) жиноятчига ижтимоий хавfli қилмиш содир қилингани учун жазо хавфи юзага келади. Иккинчи босқичда (шахсни айбланувчи сифатида ишга жалб қилинганидан то ишни судга топширилгунга қадар) жиноятчини жазога тортишга ҳозирланади. Учинчи босқичда (суд процессидан, то ҳукм ижрога топширилгунга қадар) маҳкум суд томонидан белгиланган муайян тур ва миқдордаги жазо билан жазоланади. Тўртинчи босқичда (суд айблов ҳукми қонуний кучга кирганидан то жазо муддати тугагунга ёки муддатдан аввал жазодан озод қилингунга қадар) жиноятчи томонидан жазо ўташ жараёни бўлади. Ниҳоят, жинойй жавобгарликнинг бешинчи босқичида (жазони ўтаб бўлган ёки жазодан муддатдан аввал озод қилинганидан то судланганлик ҳолатининг тугалланиши ёки олиб ташлангунга қадар) жазони ижро этиш ва судланишнинг оқибатлари намоён бўлади.

**Жазо** – суд томонидан қўлланиладиган давлатнинг мажбурлов чорасидир. Бу чора – шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш билан бирга уни қайта тарбиялайди ҳам. Шундай қилиб, жинойй жавобгарликнинг жазо бериш томони судланишдан келиб чиққан, аммо унга нисбатан иккинчи даражали, яъни жазо жинойй жавобгарликни ҳуқуқий оқибати бўлиши билан бирга судланиш жазо қўллашсиз ҳам содир бўлиши мумкин.

Жинойй жавобгарликнинг барча босқичларида у ёки бу турдаги жазо тўғрисида сўз борар экан, у аксарият ҳолларда давлат мажбурлов чорасининг асосий кўриниши, жинойй жавобгарликни амалга оширишнинг асосий шакли ҳисобланади.

5. Жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа турларига тиббий йўсиндаги ва вояга етмаганларга нисбатан тарбия йўсинидаги мажбурлов чоралари киради.

Жиноят кодексининг белгиланган бўлимларида ўз ифодасини топган ушбу мажбурлов чораларининг асослари, мақсад ва вазифалари тўғрисида тўхталмасдан, улар қайси ҳолларда жинойий жавобгарликни юзага келтириши ва бунинг ҳуқуқий оқибати ҳақида тўхталинса, уларнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- биринчидан, бу чораларни қўллаш ёки жинойий жазони истисно қилади (муомалага лаёқатсизлар ва вояга етмаганлар учун) ёки жазони вақтинча тўхтатади (айблов ҳукми кучга кирганидан сўнг сурункали руҳий ҳолати бузилган шахслар учун) ёхуд жинойий жазони ижро этиш билан бир вақтда амалга оширилади (алкоголизм ёки гиёҳвандликка чалинганлик таъхиси бор шахслар учун);

- иккинчидан, қайси шахслар давлат мажбурловининг ушбу чораларига тортилиши лозим бўлса, уларнинг хоҳишидан қатъи назар, тортилади, бош тортилган тақдирда, давлат томонидан ҳуқуқий таъсир чораси кўрилади;

- учинчидан, бу чораларни қўллаш суд органлари томонидан амалга оширилади;

- тўртинчидан, мазкур чораларни қўллаш судланганликни келтириб чиқармайди, лекин жинойий жавобгарликни истисно қилмайди.

Ушбу ҳуқуқий таъсир чораларининг бир қатор жинойий жазога ўхшаш томонлари мавжуд, аммо улар умумий жиҳатдан бир-биридан фарқ қилади. Ҳуқуқий таъсир чораларининг жинойий жазо билан ўхшашликлари қуйидагиларда кўринади:

- мазкур ҳуқуқий таъсир чоралари жазо сингари жинойий жавобгарликни амалга ошириш шаклларида ҳисобланади;

- жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашнинг асоси – ижтимоий ҳавфли қилмиш содир этилиши саналади;

- бу чораларни ҳуқуқий тартибга солиш ва қўллаш жиноят қонуни билан амалга оширилади;

- бу таъсир чораларини қўллашнинг бевосита ҳуқуқий асоси – суд органларининг қонуний ҳужжатидир;

– ҳуқуқий таъсир чоранинг қўлланилишининг асоси ижтимоий хавфли қилмишнинг содир этилишидир.

Мазкур ҳуқуқий таъсир чораларининг, хусусан, тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасининг жиноий жазодан асосий фарқи, бу чоралар судланганликни келтириб чиқармайди. Шунингдек, суд томонидан унинг муддатлари белгиланмайди. Қонунда тиббий йўсиндаги мажбурий даволаш муддати қанча бўлиши кераклиги кўзда тутилмаган. Негаки, тиббий йўсиндаги мажбурий чора қўлланилган шахснинг қанча муддатда тузалиши мумкинлигини олдиндан айтиб бўлмайди.

Ҳуқуқий таъсир чоралари ижтимоий хавфли қилмиш содир этишнинг ҳуқуқий оқибатидир. Ушбу чоралар аксарият ҳолларда умумий ва хусусий огоҳлантирув мазмунида бўлади. Айбдор шахс суд томонидан ақли норасо деб топилган ҳолларда тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари кўринишида ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши тўғрисида савол қўйилади. Ҳолбуки, мазкур чораларнинг асосий мақсади келажакда жиноят содир қилинишининг олдини олишдан иборат бўлади. Шу сабабли, ҳуқуқий таъсир чорасини жазо деб баҳолаш нотўғридир. Шу билан бирга, бу ҳуқуқий таъсир чоралари шахснинг ҳуқуқларини чегаралаб қўяди ва ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахс келажакда жиноят содир қилишининг олдини олади. Жиноий жавобгарлик ижтимоий хавфли қилмиш содир этилишининг ҳуқуқий оқибати экан, ҳуқуқий таъсир чоралари ҳам содир этилган жиноят оқибатидир.

6. Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда ошқора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунича, у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади<sup>1</sup>. Бундан ташқари, ЖПКнинг 12-моддасига мувофиқ, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига асосан, одил судлов фақат судлар томонидан амалга оширилиши мустаҳкамлаб қўйилган. Шу сабабли, бу норма жиноий ҳуқуқий аҳамиятга

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 26-модда.



эга булмай фақат жиноят-процессуал аҳамиятга эга, дейиш нотўғри бўлади.

Конституция ҳам, ЖПК сингари жиноий жавобгарликнинг муҳим белгиси – жиноий жазонинг суд томонидан белгиланишини кайд этган. Шу жумладан, жиноят тўғрисидаги қонунчиликда ушбу норма жиноий жавобгарликнинг энг муҳим белгиси қилиб белгиланган.

Суд томонидан айблов ҳукмининг чиқарилиши (унинг қонуний кучга кириши) жиноий жавобгарликни юзага келтирувчи формал таркибнинг охириги белгиси ҳисобланади. Бу ҳолат формал ва моддий аҳамиятга эга.

**Формал** аҳамиятга эгаллиги – жиноят қонуни жиноий жавобгарликни жиноят содир этган айбдор, деб топилиши билан боғлиқ.

**Моддий** аҳамиятга эгаллиги шундаки, айнан шу ҳолатда, шу дақиқада жиноят-ҳуқуқий муносабат юқори даражада аниқланиб, жиноий жавобгарлик таркибига айланади. Суд айблов ҳукмининг чиқариш орқали давлат билан судланган шахснинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларида бевосита давлатнинг жазо чораларини қўллаш функциясини амалга оширади.

Жиноий жавобгарликнинг мазмун-моҳияти жиноят содир этганликда айбдор деб топилган шахснинг тайинланган жазо муддатини ўташ мажбуриятида ифодаланади. Бу мажбурият шахсга нисбатан суд ҳукми қонуний кучга кирганидан бошланиб, то судланганлик муддати тугаганда ёки тегишли равишда олиб ташланганда намоён бўлади. Шундай қилиб, жиноий жавобгарлик жиноят-ҳуқуқий муносабатлар доирасида амалга ошириладиган ва суд айблов ҳукмидан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларини юзага келтиради.

7. Жиноий жавобгарлик суд ҳукми билан шахсни айбдор, деб топилган вақтдан бошлаб вужудга келади.

**Жиноий жавобгарликнинг шакли** – жиноят содир этганликда айбдор, деб топилган шахсни давлат номидан суд қилиш, оммавий танбех беришда кўриш мумкин. Жиноий жавобгарлик қуйидаги шаклларда амалга оширилиши мумкин:

– айбдорни жазо қўллагандан суд қилиш;

– айбдорга жазо белгилаб, жазони ўташдан озод қилиш, аммо судланган деб топиш;

– айбдорга жазо белгилаб, уни ижро этган ҳолда суд қилиш;

– айбдорга жазо ва тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш, шунингдек, уларни ижро этишни белгилаш билан суд қилиш.

Жиноий жавобгарликнинг моҳияти жавобгарликка тортилган шахс билан давлат ўртасида вужудга келадиган ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар йиғиндисидан ифодаланади.

8. Жиноят тўғрисидаги қонунчиликда жиноий жавобгарликнинг асослари тўғрисидаги норманинг назарда тутилганлиги жиноятчиликка қарши кураш ишини қонун йўли билан таъминлаш, фуқаролар томонидан қонун талабларига риоя қилиш ҳамда давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 16-моддаси иккинчи қисмининг мазмунига кўра, жиноий жавобгарликнинг ягона асоси қилмишда жиноят таркибининг барча аломатлари бўлишидир. Агар қилмишда жиноят таркибининг ақалли битта элементи бўлмаса, бундай қилмиш жиноят ҳисобланмайди.

**Жиноятнинг таркиби** деб, жиноят ҳуқуқида жиноят қонуни билан белгиланган аниқ ижтимоий хавфли қилмишни жиноят, деб баҳолаш учун зарур объектив ва субъектив белгилар йиғиндиси тушунилади. Бу белгилар жиноят қонунда мустаҳкамланганлиги боис, у ёки бу ижтимоий хавфли қилмишнинг жиноят, деб баҳоланиши учун зарур ҳисобланади.

Албатта, қонун чиқарувчи жиноят таркибини шакллантиришда жиноятнинг мазмуни ва моҳиятидан келиб чиқади. Жиноят таркиби – жиноий жавобгарликнинг асоси бўла туриб, исталган жиноятни квалификация қилишнинг муҳим шarti – юридик асоси бўлиб хизмат қилади. Жиноят таркибининг «таркиб», деб номланишининг асосий сабаби шундаки, унда жиноятнинг объекти, объектив томони, субъекти ва субъектив томони деган тушунчалар (элементлар) бир бутун ҳолда мужассамлашган.

Жинойятнинг аниқ таркибида шу жинойятнинг ўзигагина хос бўлган умумий белгилар мавжуд бўлиб, бу белгилар ҳақиқатда содир этилаётган ҳар бир қилмишда ўз аксини топади. Жинойят қонунида жинойят таркибини ташкил этадиган бу белгилар, биринчидан, ушбу турдаги ҳар бир ижтимоий хавфли қилмишда такрорланади, иккинчидан, аҳамиятли ҳисобланади, учинчидан, ижтимоий хавфлиликини ифодалайди.

Ҳар бир аниқ жинойятнинг таркиби ва белгилари жинойят қонуни – Ўзбекистон Республикаси Жинойят кодексининг Умумий ва Махсус қисми моддаларида назарда тутилган. Махсус қисм моддаларида ҳар бир жинойятнинг таркиби индивидуал равишда ифодаланиб, бу таркибнинг бошқа жинойят таркибларидан фарқини намоён қилса, Умумий қисм моддалари барча ёки бир гуруҳ жинойят таркибларининг белгисини ифодалайди.

**9. Жинойят таркибининг умумий ижтимоий аҳамияти** жинойят таркибини ташкил этувчи белгилар бирлигида ифодаланувчи хулқ-атворга нисбатан жамият, давлат ва тегишли ҳуқуқ нормасининг салбий муносабатида намоён бўлади, яъни жинойят таркиби – бу тақикловчи норма ёки жамият аъзосининг хулқ-атвор меъёридир.

**Жинойят таркибининг жинойят-ҳуқуқий аҳамияти** бир қатор ҳолатларда ифодаланади:

– биринчидан, у содир қилинган қилмишни баҳолаш, аниқроғи, жинойятни квалификация қилишнинг қонуний асосидир. Жинойят таркиби – содир бўлган ҳодиса (ҳолат)ни солиштириш учун эталон (ўлчов бирлиги) ҳисобланади;

– иккинчидан, жинойятни квалификация қилишда жинойят таркиби муҳим роль ўйнайди. Бу жараёни рўёбга чиқарувчи суд-тергов ходимлари содир бўлган ҳодиса (ҳолат) белгиларини Жинойят кодекси тегишли моддаларида белгиланган жинойят таркиби билан солиштирган ҳолда квалификация қиладилар;

– учинчидан, жинойят таркибининг тўғри аниқланиши жинойятни тўғри квалификация қилиш учун асос бўлади. Бу эса, ўз навбатида, одил судловни амалга ошириш ва қонунчиликини мустаҳкамлаш ҳамда пировард натижада айбланувчининг тақдирини тўғри ҳал этишда аҳамиятга эгадир;

– тўртинчидан, бир томондан муайян жиноят таркиби белгиларини, иккинчи томондан содир бўлган жиноят таркиби белгиларининг бир-бирига мослигини қайд этиш жиноят содир қилган шахс ҳуқуқлари кафолатларидан биридир, яъни унинг ўз қилмишини қонунга мувофиқ квалификация қилишни талаб қилиш ҳуқуқини ифодалаб беради;

– бешинчидан, жиноят таркиби ва унинг белгиларининг аниқланиши суд-тергов амалиётида жиноят-ҳуқуқий нормани қўллашда қонунийлик принципининг кафолатидир.

Жиноят таркиби маълум бир ижтимоий хавfli қилмишни жиноят, деб тавсифловчи объектив ва субъектив белгилар мажмуидир. Жиноят таркиби жиноятнинг ўзига хос хусусияти бўлиб, ўзида жиноятнинг барча аломатларини мужассамлаштирган ҳолда шу аломатларнинг шахс томонидан содир этилган ижтимоий хавfli қилмишда мавжуд эканлиги қилмишни жиноят, деб топилса асос бўлади.

10. Қилмиш ўз-ўзидан жиноят деб топилмай, қонун чиқарувчи томонидан чиқарилган жиноят-ҳуқуқий нормаларда, аниқроғи, Жиноят кодексининг Махсус қисми аниқ моддаларида белгиланган жиноят белгилари билан солиштирилгандан кейингина шундай тўхтамга келиш мумкин.

Жиноят таркибининг барча элементларини ташкил этувчи ижтимоий хавfli қилмиш содир этиш жинoий жавобгарликка тортиш учун етарли асосдир, яъни жиноят-ҳуқуқий таъқибни рўёбга чиқарувчи орган гумонланувчи (айбланувчи)ни жинoий жавобгарликка тортиш учун унинг қилмишида жиноят таркиби мавжудлигини аниқлаши лозим.

Бошқа барча ҳолатлар (айбдорнинг шахсини ифодаловчи ва бошқа ҳолатлар) жинoий жавобгарликка тортишда аҳамиятга эга эмас. Аммо бу ҳолатлар суд томонидан жазо тайинлашда эътиборга олинishi мумкин. Қилмишда жиноят таркибининг мавжуд эмаслиги жиноят қидирув ишлари олиб бoришни тақозо этмайди. Агар жиноят иши қўзғатилган бўлса, жиноят таркиби йўқлиги сабабли тугатилади.

**Жиноят таркибини** объектив ва субъектив томонларнинг зарурий ва факультатив белгилари ташкил этади.



**Объектив** белгилар деганда, жиноят таркибининг объекти ва объектив томонларини таърифловчи белгилар назарда тутилади.

**Субъектив** аломатлар деганда, жиноятнинг субъектив томони ва жиноят субъектини ифодаловчи белгиларга айтилади.

Жиноятнинг объекти – жиноий тажовуз қаратилган ва ана шу тажовуз орқали унга зарар етказилиши мумкин бўлган ижтимоий муносабатлар.

Объектив ва субъектив элементларга зарурий ва факультатив белгилар хосдир. Жиноят таркиби белгилари узаро бир-бири билан боғлиқ. Агар қилмишда битта белги бўлмаса ҳам, жиноий жавобгарлик учун асос бўлмайди.

**Жиноят таркибининг белгилари қуйидагилар:**

- жиноят объекти;
- жиноятнинг объектив томони;
- жиноят субъекти;
- жиноятнинг субъектив томони.

Ҳар бир жиноят таркибида элементларни ташкил этувчи белгилар мавжуд бўлиб, улар муайян жиноят таркибига хосдир.

11. **Жиноят объекти** – жиноий тажовуз қаратилган ва ана шу тажовуз орқали унга зарар етказилиши мумкин бўлган ижтимоий муносабатдир. Жиноят объекти ҳар бир жиноят таркибининг зарурий элементи ҳисобланади. Жиноят ҳар бир жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга, масалан, шахснинг ҳаёти, соғлиғи, кадр-қиммати, давлат манфаатлари соҳасига, мулкчилик ҳуқуқини амалга оширишга, одил судловни амалга оширишга, хўжалик ёки иқтисодий фаолият ва бошқаларга зиён етказди. Ушбу ижтимоий муносабатлар Жиноят кодексининг 2-моддасида маълум қимматликлар тарикасида ҳамда Жиноят кодексининг Махсус қисми бўлим (8-бўлимдан ташқари) ва боблари номланишида ифодаланган.

Ижтимоий муносабатлар инсонлар ўртасида уларнинг ҳаёти фаолияти жараёнида вужудга келадиган маълум алоқалардир. Ижтимоий муносабатлар жамиятнинг мавжудлиги жараёнида

шаклланиб боради. Улар қонун туфайли, жумладан, жиноят қонуни туфайли юзага келмайди, аммо қонун уларнинг ривожланиши, шаклланиши ва шахс, жамият ҳамда давлат манфаатлари билан мослигининг мустаҳкамланишига замин яратиши мумкин.

Ижтимоий муносабатлар жиноят қонуни ҳимоясига олинганда, улар жиноят-ҳуқуқий муҳофаза объекти, деб эълон қилинади ва (маълум шартларда) потенциал жиноят объекти бўлиши мумкинлиги, шунингдек, бир ижтимоий муносабат бир ёки бир неча жиноят объекти бўлиши мумкин.

Жиноят содир этилаётганда жиноят-ҳуқуқий норма бузилади. Аммо у иккиламчи, чунки доимо ижтимоий муносабат бирламчидир. Зеро, жиноят-ҳуқуқий норма ижтимоий муносабатни муҳофаза қилиш учунгина мавжуд. Жиноят жиноят-ҳуқуқий нормани бузишга эмас, балки ижтимоий муносабатларга зарар етказишга қаратилади. Жиноят объекти эса, жиноят зарар етказадиган ёки зарар етказиши мумкин бўлган нарсадир. Бу ҳолатда объектни моддий, деб ўйламаслик лозим. Жиноят объекти – ижтимоий категория ва у ҳеч қандай моддий аломатларга эга эмас, ижтимоий муносабатлар эса, худди шундай категориядир.

Бир қатор ҳолларда, масалан, хусусий мулк ҳуқуқи, фуқаролик ҳуқуқи ёки бошқа ҳуқуқ соҳаларида ижтимоий муносабатлар ҳуқуқнинг бошқа тармоқлари нормаларида белгилаб қўйилади.

**Ижтимоий муносабат жиноят объекти** сифатида, бир неча таркибий элементларга эга бўлиб, улар:

- предмет, чунки у туфайли ижтимоий муносабат мавжуд;
- ижтимоий муносабат субъекти;
- ижтимоий муносабат таркиби сифатида ижтимоий алоқа.

Жиноят объекти сифатида ижтимоий муносабатларга бир қатор белгилар хос бўлиб, улар ёрдамида жиноят объекти, деб эълон қилинган ижтимоий муносабатларни гуруҳлаш, уларнинг моҳиятини очиш, уларнинг бошқа жиноят-ҳуқуқий категориялар билан чегарасини белгилаш ва ниҳоят, жиноят объектига етказиладиган зарар хусусиятини аниқлаш мумкин:

– биринчидан, жиноят объекти деб эълон қилинган ижтимоий муносабатлар ўзида жамиятда юзага келган қимматли мезон, асосларни тасвирлайди. Жиноят қонунида белгиланган муҳофаза объектларининг қанчалик каттик қўриқланишига қараб, жамиятдаги энг муҳим, биринчи даражали ижтимоий муносабатларни билиб олиш мумкин. Бу кўп жиҳатдан ижтимоий муносабатларни муҳофаза қилувчи нормалар кетма-кетлигига ҳам боғлиқ. Хусусан, қонунчилик бу кетма-кетликни Жиноят кодекси 2-моддасидаги принципга асосан амалга оширади;

– иккинчидан, қонун чиқарувчи томонидан жиноят объекти сифатида фақат энг муҳим, қиймати юқори ва давлат муҳофазасига муҳтож ижтимоий муносабатлар тан олинади. Шунга эътибор бериш лозимки, жиноят объекти деб эълон қилинадиган ижтимоий муносабатларнинг аксарияти умуминсоний қимматликлардир, масалан, шахснинг жисмоний ва маънавий дахлсизлигига онд муносабат ва бошқалар;

– учинчидан, жиноят объекти – ижтимоий категория бўлиб, ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас, яъни жиноят объектини жиноят предметидан фарқлаш мезонидир;

– тўртинчидан, жиноятнинг объектига нисбатан таъсир этиш механизми шундан иборатки, жиноят содир этилаётганда жиноят объекти сифатида ижтимоий муносабат парчаланиб, йўқолиб кетмай, фақатгина бузилади. Масалан, одам ўлдириш жиноятида шахс ўлдирилади, аммо у жиноят объекти сифатида йўқ қилиб юборилмайди (инсон ҳаётини таъминловчи ижтимоий муносабатлар). Бундан келиб чиқадики, жиноят объектининг субъекти (ижтимоий муносабатнинг таркибий қисми сифатида) – жамиятнинг ҳар бир аъзоси ҳисобланади.

**Жиноят объекти** – жиноят қонунчилиги билан қўриқланадиган, жамиятда юзага келадиган қимматликлар мезони моҳиятини очиқ берувчи нисбатан юқори ва муҳим аҳамиятга эга бўлган, умумий ҳисобда соф ижтимоий категория бўлган ижтимоий муносабат бўлиб, унга нисбатан қилинган қасд, уни бузади (ёки унга нисбатан қилинган суиқасд, уни бузишга ҳаракат қилади).

12. Жиноий-назарий қарашларда жиноят объектини гуруҳларга ажратишга оид турли фикрлар мавжуд. Жиноят таркибининг ушбу белгиси – умумий, махсус, турдош ва бевосита объектларга бўлинади.

**Умумий объект** деганда, Ўзбекистон Республикаси жиноят қонуни билан қўриқланадиган барча ижтимоий муносабатлар мажмуи тушунилади. Бу Жиноят кодексининг 2-моддасида назарда тутилган. Улар қонун чиқарувчи томонидан энг муҳим, қимматли объект белгиланиб, давлат ва қонун томонидан муҳофаза қилиниши лозимлиги уларни бирлаштириб туради. Жиноят-ҳуқуқий муҳофаза объектлари энг қимматли ижтимоий муносабатлар бўлганлиги боис, уларни бузганлик учун энг оғир жавобгарлик, яъни жиноий жавобгарлик назарда тутилган. Жиноятнинг умумий объекти тушунчаси жиноятнинг ижтимоий-сиёсий моҳиятини очиб беради. Умумий объект туфайли ҳуқуқни татбиқ этувчи жиноятни бошқа ҳуқуқбузарликлардан (масалан, маъмурий, фуқаролик ҳуқуқий ва бошқа) ажратиш имконини беради.

**Махсус объект** эса, жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий моҳиятлари жиҳатидан бири-бирига ўхшаш ёки яқин ижтимоий муносабатларни ўз ичига оладиган объектлар гуруҳидир. Махсус объект – Жиноят кодексининг Махсус қисмидаги жиноят-ҳуқуқий нормаларни таснифлаш имконини беради. Махсус объект – Жиноят кодексининг Махсус қисми тузилишини шакллантириш ва бўлимларга ажратишнинг асосий мезони ҳисобланади. Жиноят кодекси Махсус қисмининг тузилишига қараб, ушбу жамиятда ижтимоий қимматлиги энг қадрли муносабатларнинг кетма-кетлигини кўриш мумкин. Жиноят кодексининг Махсус қисми тизимидаги бобларнинг жойлашуви тартиби, аввало, жиноят объектининг аҳамияти ва жамият учун қимматига боғлиқ. Махсус қисмда бобларни маълум тартибда жойлаштириш, қонун билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларнинг аҳамияти жиҳатидан жойлаштирилиши қонун чиқарувчи орган томонидан бу муносабатларни қўриқлашнинг муҳимлигини таъкидлайди. Бунинг исботи сифатида «Шахсга қарши жиноятлар» бўлимининг Жиноят кодекси Махсус қисмининг

биринчи бўлимида жойлаштирилганлигини кўрсатиш мумкин, зеро, Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинлиги, ҳаёти, соғлиги, шаъни ва кадр-қимматини муҳофаза қилиш асосий масалалардан биридир.

**Турдош объект** – ижтимоий муносабатларнинг ижтимоий қимматликнинг махсус белгиларига қараб гуруҳланиши бўлиб, айти пайтда махсус объектнинг бир элементи ҳисобланади. У қилмишнинг хавфлилик даражаси ва хусусиятини назарий ва амалий жиҳатдан очиб беради. Масалан, шахсга қарши жиноятлар (махсус объект) ўз ичига шахс ҳаёти ва соғлиғига қарши қаратилган жиноятлар каби тартибда жойлашиб, булар жиноятнинг турдош объектини ташкил этади.

Жиноятнинг бевосита объекти дейилганда, ижтимоий хавфли тажовуз содир этилаётганда бевосита тажовуз қаратилган ижтимоий муносабат тушунилади. Жиноий қилмиш содир этилганда, ижтимоий муносабат бевосита зарар кўради. Айнан бевосита объект жиноят таркибининг аниқланиши лозим бўлган қисмидир. Бевосита объект Жиноят кодекси Махсус қисмининг моддаларида акс этади.

Жиноятнинг бевосита объектини турғри аниқлаш жиноятни квалификация қилишда катта аҳамият касб этиб, жиноятга яраша жазо тайинлашда муҳим ўрин тутди. Бир неча жиноят содир этилганда бир неча объект мавжуд бўлса, объектлар ичидан етказилган зарарнинг муҳимлиги Жиноят кодексининг Махсус қисмидан аниқланади ва у бевосита объект ҳисобланади. Жиноятнинг бевосита объекти жиноят ҳуқуқи назариясида уч турга бўлинади:

- асосий объект;
- қўшимча объект;
- факультатив объект.

Бевосита объектнинг бундай бўлиниши жиноий тажовуз бир вақтнинг ўзида бир ёки бир неча объектга қаратилган бўлиши мумкин. Бундай таснифланиш ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эгадир. Икки объектли жиноятларда зарар асосий объектдан ташқари бошқа объектга ҳам етказилиб, у қўшимча объект ҳисобланади.

**Асосий (зарурий) объект** – бу жиноят қонуни билан қуриқланадиган ижтимоий муносабатлар. Бу объектга қаратилган жиноий тажовузнинг йўқлиги – жиноят таркиби мавжуд эмаслигини англатади. Масалан, қасддан баданга шикаст етказиш жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлса (104-модданинг 3-қисми «д» банди), бу ерда жиноий тажовуз икки объектга қаратилган бўлади, яъни шахс соғлиги ва ҳаётига оид ижтимоий муносабатларга. Бу объектларнинг ҳар бирига нисбатан жиноий тажовузнинг бўлмаслиги, ушбу қисмида назарда тутилган жиноят таркибининг йўқлигидан далолат беради. Жабрланувчи ўлимининг келиб чиқиши бир томондан қўшимча объект бўлса, иккинчи томондан ижтимоий хавфли қилмиш оқибатидир. Бу таркибни бошқа таркиблардан фарқлаш бошқа шарт ва белгиларга, шунингдек, жиноят таркиби элементларига ҳам боғлиқ.

**Қўшимча объект** – бу зарурий объект билан бир вақтда бузиладиган жиноят объекти бўлиб, у жиноятларни бир-биридан фарқлаш ва тўғри квалификация қилишга имкон беради. Қўшимча объект мураккаб таркибли жиноятларда бўлиб, бошқа жиноят таркибидан ажратишда муҳим аҳамиятга эга. Масалан, босқинчилик – мол-мулкни талон-торож қилиш билан боғлиқ жиноят бўлиб, унинг қўшимча объекти (шахс соғлиги, жисмоний ёки руҳий дахлсизлиги ва хавфсизлигини ўз ичига олган ижтимоий муносабат) ҳисобланади. Бу жиноятни бошқа мол-мулкни талон-торож қилиш билан боғлиқ бўлган жиноят, яъни талончиликдан фарқлайди.

**Факультатив объект** – асосий объект билан бир вақтда бузиладиган объект бўлиб, у объект сифатида муҳим ва қимматли аҳамият қасб этади. Факультатив объект бу шундай ижтимоий муносабатдирки, жиноят содир этилганда маълум зарар етказилиши ҳам, етказилмаслиги ҳам мумкин, шу жиҳатдан олиб қаралса, жиноятни квалификация қилишда унинг аҳамияти бўлмайди. Масалан, безорилик жиноятининг асосий (зарурий) объекти жамоат тартиби ҳисобланади, қўшимча объект эса шахснинг соғлиги, жисмоний ва руҳий дахлсизлиги ва хавфсизлигидир. Агар безорилик натижасида қўшимча объектга қаратилган жиноий тажовуз шахснинг

енгил тан жарохати олишига сабаб бўлса, у факат Жиноят кодексининг 277-моддаси билан квалификация қилиниб, 109-моддаси билан қўшимча квалификация қилиш талаб этилмайди.

13. Жиноят объекти, ижтимоий муносабат ҳисобланиб, у жиноят-ҳуқуқий муносабатларни шакллантирувчи предметни назарда тутлади.

**Жиноят предмети** – моддий дунё неъматидир, жиноят қонуни билан қўриқланадиган объектнинг ижтимоий ҳаффи ҳаракат тўғридан-тўғри таъсир қиладиган элементиدير. Агар шахс жиноят предмети сифатида қараладиган бўлса, жиноят-ҳуқуқий маънода у жабрланувчи, дейилади. Жабрланувчи инсон сифатида жиноят предметидан фарқланади, бунинг сабаби у жиноят объекти бўлиши учун унинг фаолияти сабаб бўлган бўлиши мумкин, мисол қилиб айтсак, ҳокимият вакилига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга қаршилиқ кўрсатиш (Жиноят кодексининг 219-моддаси).

Жиноят предмети жиноят объектнинг факультатив белгисидир, чунки у ижтимоий муносабатларнинг моддий ифодаси бўлганлиги сабабли айрим жиноят таркибларида, масалан, Жиноят кодексининг 139, 140-моддаларида мавжуд эмас.

Жиноят объекти ва предмети айнан бир хил тушунчалар эмас. Бироқ, жиноят предмети содир этилган жиноятнинг белгиси ҳисобланади. Жиноят кодексига шундай жиноят таркиблари учун жавобгарлик кўзда тутилганки, уларнинг предметини кўрсатиш кийин, чунки предмет дейилганда, моддий (кўз билан қўриладиган, ўлчови, сифати ва ўзига хос белгиларга эга бўлган) нарса тушунилади.

Умуман олганда, жиноятнинг предметини тўғри аниқлаш жиноятни таснифлашда унинг бошқа оралиқ таркибларидан ажратиш, оғирлаштирувчи ҳолларда содир этилган ҳаракатларни тасниф этиш кабиларда муҳим аҳамиятга эга.

14. Жиноят кодексининг 14-моддаси шарҳида ҳар қандай жиноят – шахс ҳулкининг айрим қўрилиши, яъни шахснинг онги ва иродаси назорати остидаги ҳаракат ёки ҳаракатсизлик қўрилишида содир этиладиган қилмиш сифатида изоҳланган.

Жиноят кодекси Махсус қисмининг норма ва шартлари урганлганда, жиноят таркиби белгисига хос томонларни кўриш мумкин:

– биринчидан, объектив томон – содир этилган жиноятнинг ташқи томонини ифодаловчи элемент бўлиб, жиноятни қандай содир этилишини кўрсатади;

– иккинчидан, объектив томонни ифодалайдиган белгилар у ёки бу жиноятнинг ижтимоий хавфлилигини ва унинг даражасини билдириб туради;

– учинчидан, бу белгилар умумий ифодага эга, яъни реал воқеликда содир қилинадиган жиноятлардан келиб чиқади;

– тўртинчидан, жиноят таркибининг объектив томони юридик аҳамиятга эга, чунки у жиноят қонунида ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда бланкет диспозиция сифатида назарда тутилади. Таъкидлаш жоизки, Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддаси диспозицияларида жиноят таркиби бошқа элементларига нисбатан объектив томонининг белгилари кўпроқ ифодаланган бўлади. Бу белгилар жиноятларни бир-биридан фарқлаш, бунинг натижаси сифатида жиноятларни квалификация қилиш мезони ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, Жиноят кодексининг Махсус қисми ҳар бир диспозицияси объектив томонини ташкил этувчи белгилар йиғиндисидир. Шундай қилиб, жиноят таркибининг объектив томони – ижтимоий хавфлилик ва унинг даражасини ифодаловчи ташқи, объектив, ижтимоий ва юридик аҳамиятли белгилари мажмуидир.

15. Жиноят объектив томонининг белгилари икки асосий гуруҳга ажратилади. Биринчи гуруҳ белгилари ўзгармас ва ҳар бир жиноят таркиби учун хос бўлиб, мазкур элементсиз жиноят таркиби бўлиши мумкин эмас. Иккинчи гуруҳ белгилари эса, факультатив характерга эга бўлиб, жиноятнинг бевосита объектнинг таркибида бўлмаслиги ҳам мумкин. Тузилиши жиҳатидан объектив томоннинг зарурий ва факультатив белгилари мавжуд.

Ҳар қандай жиноят таркиби объектив томонининг **зарурий белгиси** ҳаракат ёки ҳаракатсизликда ифодаланувчи қилмишдир. Объектив томоннинг бошқа белгилари **факультатив**



**татив белгилардир.** Аммо уларни ҳам ўрганиш муҳим. Биринчи гуруҳга, шунингдек, барча моддий таркибли жиноятлар учун хос белгиларга ижтимоий хавфли қилмишдан ташқари, ижтимоий хавфли оқибат ҳамда ижтимоий хавфли қилмиш ва оқибат ўртасидаги сабабий боғланиш киради. Иккинчи гуруҳга эса, жиноятни квалификация қилиш учун зарур белгилар, яъни жиноят содир қилиш вақти, жойи, ҳолати, усули, қуроли, воситаси кабилар киради.

16. Объектив томоннинг зарурий белгиси – қилмиш Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси Махсус қисми барча моддаларида назарда тутилган. Жиноий жавобгарликка фақат жиноий ҳаракат (ҳаракатсизлик) содир қилган шахслар тортилиши мумкин. Қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) мазмуни Жиноят кодексининг 14-моддасига берилган шарҳда ёритилган. Объектив томоннинг бу зарурий белгиси бўлмаганда жиноят ҳам, жиноий жавобгарлик учун асос ҳам йўқ. Шунинг учун, қонун чиқарувчи кўп ҳолларда қилмиш ҳақида гапирганда, жиноятни назарда тутлади.

Бошқача назар билан, қилмишни жиноят-ҳуқуқий маънода ҳаракатлар тизими, шахснинг хулқи, унинг фаолияти, деб баҳолаб бўлмайди. Кўп ҳолларда, қилмиш жиноят таркиби сифатида «хулқ»ни, «фаолият»ни ўз ичига олмай, биргина аниқ акт (хуруж) билан чекланади (қотиллик, номусга тегиш ва ш.к.). Бундан шундай хулоса қилишимиз мумкинки, ҳар қандай ҳаракат ёки хулқ ҳам жиноят-ҳуқуқий маънода жиноят таркибидаги қилмиш бўла олмайди. Демак, ҳар қандай акт (хуруж) ҳам жиноят таркиби элементини – қилмишни ташкил этмайди. Бунда, жиноят таркиби элементи сифатида қилмишнинг маълум белгилари борлигини унутмаслик лозим.

Фақатгина жиноят таркиби объектив томонининг белгиларини кўрсатувчи ва қуйидаги тўрт қисмдан иборат қилмиш жиноят-ҳуқуқий аҳамиятга эга:

- ҳуқуққа хилофлик;
- ижтимоий хавфлилик;
- онглилик;
- ихтиёрийлик.

**Ижтимоий хавфлилик** ва ундан келиб чиқадиган **хуқуққа хилофлик** жиноятнинг асосий белгиларидир. Аммо улардан қилмишнинг жиноят-хуқуқий тушунчаси келиб чиқмайди, балки улар фақат жиноят-хуқуқий аҳамиятга (ёки тақикқа) эга бўлган ҳаракат ёки ҳаракатсизликлар рўйхатини белгилаш билан чегараланилади.

**Онглилик** – қилмишни объектив томондан тавсифловчи белгиси сифатида шахснинг қилмишни содир қилишни онгли назорат қилишини, яъни шахсда физиологик ва жисмоний жиҳатдан бундай назоратни амалга ошириш имкониятининг мавжудлигини англатади.

Қилмишни онгсиз равишда содир қилиш, масалан, уйкуда ёки рефлекс тана ҳаракатлари орқали содир қилиш қилмишнинг жиноят-хуқуқий аҳамиятини, жиноийлигини истисно қилади.

Шу билан бирга, қилмишни – мастлик ҳолатида содир этиш – онгли равишда қилмиш содир этиш, деб ҳисобланади. Чунки маст ҳолдаги шахснинг онги йўқолмайди, содир этаётган ҳаракатларини англайди. Бу ҳолат Жиноят кодексининг 56-моддасига мувофиқ, оғирлаштирувчи ҳолат, деб баҳоланади ва шахс умумий асосларда жиноий жавобгарликка тортилади.

**Ихтиёрийлик** – (қилмишни объектив томондан тавсифловчи белги) қилмишни онг назорати остида содир қилинишида шахснинг қилмишни содир қилмасдан бошқа хулқни танлай олиш реал имкониятининг мавжудлиги. Ихтиёрийлик – объектив белги бўлиб, у шахснинг у ёки бу хулқни танлашида ташқи таъсирлар остида юзага келган енгилмас кучларнинг тўсиқ бўлмаслигида ифодаланади. Бу ҳолатда ихтиёрийлик субъектив белгилардан фарқ қилади, зеро, улар ижтимоий хавфли қилмиш содир қилишга қаратилган онгнинг айб шаклини ифодалайди. Ноихтиёрийлик ҳам жиноят содир қилинишининг салбий белгиси, яъни қилмишнинг ўзини ва унинг жиноят-хуқуқий аҳамиятини инкор қилади.

Эҳтиётсизлик орқасида содир қилинган жиноятларга ҳам онглилик хос. Эҳтиётсизлик орқасида содир қилинадиган жиноий ҳаракатсизликда керакли онгли ҳаракатнинг содир

килинмаслиги туғрисида сўз боради. Бу ҳолатда бирон объектга нисбатан шахснинг рухий хусусиятлари (этибори ёки онги) қаратилиши имконияти ва зарурати бор эди. Шу сабабли, бу белги ҳаракатсизликка ҳам хос.

Қонун чиқарувчи жисмоний ёки рухий зарурат (ёки мажбурият) ортида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларга зарар етказишни охириги зарурат туғрисидаги қоидаларни ҳисобга олган ҳолда ҳал қилади. *(ЖКнинг 38-моддасига берилган шарҳда батафсил баён этилган)*. Буйруқ ёки бошқа вазифани ижро этишда ихтиёрийлик белгиси ҳақидаги масала ҳам худди шундай ҳал этилади. *(ЖКнинг 40-моддасига берилган шарҳда батафсил баён этилган)*.

Бу тўрт белгининг бирлиги объектив томоннинг элементи – қилмишнинг ҳар икки шаклига – ҳаракат ва ҳаракатсизликка ҳам хосдир.

17. Қилмиш ҳаракат ёки ҳаракатсизликда намоён бўлади. Аксарият жиноятлар фаол ҳаракат орқали содир қилинади.

**Ҳаракат** – ҳулқнинг айрим кўринишларидан бири бўлиб, маълум мотивлардан келиб чиқади ва муайян мақсадларга қаратилган бўлади. Жинорий ҳаракатни урганиш учун унинг ташқи фаоллик шакли ва кўринишларига эътибор қаратиш лозим. Ҳар қандай ҳаракат – ҳаракатланиш кўринишида намоён бўлади. Аммо, айрим тана ҳаракатлари тасвирланганда жинорий ҳаракат улар билан солиштирилмайди. Ижтимоий хавfli қилмишни жиноят деб топиш учун уни содир этиш бир ёки бир неча ҳаракатдан иборат бўлганлигининг аҳамияти йўқ. Кўп ҳолда жинорий ҳаракат мускул кучлари таъсири билан пичоқ уриш, совуқ қуро́л ишлатиш ва бошқа йўллар билан содир этилади. Бирок, жинорий ҳаракат сўз билан, имо-ишоралар орқали (безорилик, ҳақорат, ўлдириш билан қўрқитиш ва бошқалар) содир этилиши мумкин. Жинорий ҳаракат – ҳаракатлар бирлигини ўз ичига олади, шу билан бирга, аҳамиятига кўра, бир хил ҳаракат ҳар хил ҳаракатланишлар содир қилиши мумкин. Масалан, ҳужжатларни қалбакилаштириш учун айбдор уни туғирлаши, бошқа матн ёзиши ёки бошқа усулларда содир қилиниши

мумкин, бунда жиноят содир қилиш айбдорнинг индивидуал имкониятлари, ишлатилиши мумкин бўлган восита ва усуллар ва ш.к.ларга боғлиқ.

Жиноий ҳаракат ташқи жиҳатдан имо-ишора шаклида (масалан, ҳақорат қилишда), бирон сўз айтиш орқали (масалан, қўрқитиш) ёки кўп ҳолларда бошқа шахс ёки атрофдаги турли предметларга жисмоний таъсир қилишда (масалан, давлат мулкани узлаштириш ёки одам ўлдиришда милтиқ тепкисини босиш) ифодаланади.

Имо-ишора ва сўз шаклидаги ҳаракат – жабрланувчи онгига таъсир қилса, ташқи муҳит предметларига таъсир қилиш шаклидаги ҳаракат уларнинг сифат ва хусусиятларига, уларнинг жойлашувига ҳамда бошқа предмет ва ташқи борлиқ билан ўзаро алоқасига таъсир қилади ва шундай йўсинда бошқа одамларга ҳам ва уларнинг ҳулқига таъсир қилади (ижтимоий белгилари Жиноят кодексининг 14-моддасига берилган шарҳда кўриб чиқилган).

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, жиноий ҳаракат тана ҳаракатлари, шу билан бирга тана ҳаракатлари орқали ташқи дунё предметларидан, табиат кучлари ва неъматлари, шунингдек, бошқа шахслар воситасида жиноят содир қилиниши, жиноят объектига фаол таъсирнинг йўналтирилганлиги, яъни жиноят қонуни муҳофазасидаги ижтимоий муносабатларга зарар етказишнинг фаол кўринишидир.

18. Ҳаракатсизлик – ҳаракатдан жисмоний жиҳатдан, яъни тана ҳаракатлари ва у билан боғлиқ ташқи дунё предметларини ишлатиш, табиат кучлари ва неъматларидан фойдаланилмаслиги билан фарқ қилади.

**Ҳаракатсизлик** – шахснинг, биринчидан, бажариши шарт ва иккинчидан, шу ҳаракатни содир қилиш учун реал имкониятлар мавжуд бўлган ҳолда шу ҳаракатни содир қилмаслиги. Аниқ ҳаракат ижтимоий жараён нормал фаолият юритиши учун зарур ҳаракат ёки ҳаракатлар гуруҳидир. Бу ҳаракат ёки ҳаракатлар гуруҳининг содир қилинмаслиги ижтимоий жараённинг бузилишига олиб келади. Шунингдек, бу ҳаракат ёки ҳаракатлар гуруҳи индивидуал характерга эга, яъни бир шахс томонидан содир қилиниши лозим.

Бошқача айтганда, **ҳаракатсизлик** ижтимоий муносабатларни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун зарур ҳаракат ёки ҳаракатлар гуруҳини уни бажариши лозим бўлган шахс томонидан бажарилмаслигидир. Бундан келиб чиқиб, ҳаракатсизликка хос икки мезонни белгилаб оламиз:

- а) объектив;
- б) субъектив.

**Объектив мезон** – аниқ ижтимоий зарур ҳаракатнинг уни бажариши шарт бўлган шахс томонидан бажарилмаслиги, **субъектив мезон** эса, шахсда бундай ҳаракатни бажаришининг реал имконияти мавжудлиги. Жиноий ҳаракатсизлик учун ҳар икки мезоннинг мавжудлиги ва бирлиги зарур.

Ижтимоий зарур ҳаракатларни содир қилиш мажбурияти, нафақат, жиноят-ҳуқуқий нормаларда, балки бошқа нормаларда ҳам, шу жумладан, ижтимоий нормаларда ҳам белгиланган бўлиши мумкин. Улар қуйидагиларда ўз ифодасини топади:

– Жиноят кодексининг 117-моддасида ҳаёти ва соғлиги хавф остида қолган ва ўзини-ўзи химоя қилиш имкониятидан маҳрум бўлган шахсга ёрдам кўрсатмаслик, башарти, айбдор бундай аҳволдаги шахсга ёрдам бериши шарт ва бундай имкониятга эга бўлса ёхуд айбдорнинг ўзи жабрланувчини хавфли аҳволга солиб қўйган ва ушбу модданинг 1 ва 2-бандларидаги оқибатлар келиб чиқса, жиноий ҳаракатсизлик қилинган ҳисобланади. Бу ҳолда шахснинг маълум тарзда ҳаракат қилиш мажбурияти жиноят қонуни мазмунидан келиб чиқади;

– бошқа қонун ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган бўлиб, Жиноят кодекси Махсус қисми ҳаволаки диспозицияли моддаларида назарда тутилган, масалан, Жиноят кодексининг 262-моддасида транспортни таъмирлаш ёки уни фойдаланишга чиқариш қоидаларини бузиш;

– шахснинг ўз зиммасига олган иш ёки хизмат фаолиятига оид мажбурият, хусусан, унинг касб мажбуриятлари, масалан, шифокор касалга тиббий ёрдам кўрсатиши шарт, агар у биринчи ёрдам кўрсатмаса, Жиноят кодексининг 116-моддасига мувофиқ жиноий жавобгарликка тортилади;

– шахснинг ўзи шахсни бiron ноҳуя ҳолатга солувчи, унинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига зарар етказмаслиги учун ҳаракат қилиши мажбурияти, бунда шахс бу ҳолатда ўз ишини охирига етказиши шарт, масалан, жарроҳ операцияни бошладими, охирига етказиши шарт, агар операцияни охирига етказмаса, у шахсга қарши қаратилган жинояти учун жавобгарликка тортилади;

– ижтимоий муносабатлар тизимида шахс хулқини мувофиқлаштириб турувчи умумижтимоий нормалар, масалан, она ўз эмизикли боласини парваришлаши ва боқиши шарт ва агар бу ҳаракатсизлиги бола ўлимига сабаб бўлса ёки соғлиғига зарар етказса, она жинойий жавобгарликка тортилади. Бу ҳолатда муайян ҳаракат содир этиш мажбуриятининг йўқлиги жинойий ҳаракатсизлик учун жинойий жавобгарликка тортишга асоснинг йўқлигидир.

**Ҳаракатсизликнинг субъектив мезони** – шахснинг маълум ҳолатларда муайян ҳаракат содир қилиш учун реал имконият мавжудлиги. Агар бундай ҳаракатни бажариш мажбурияти бошқа бир ҳаракатни бажариш мажбурияти билан чегараланса, бундай қарама-қаршилик охириги заруратга оид (Жиноят кодексининг 38-моддаси) қондалар билан тартибга солинади. Бiron шахснинг муайян ҳаракат содир қилиш учун реал имконияти йўқлиги ҳаракатсизликнинг субъектив мезонини ҳамда ҳаракатсизликнинг ўзини истисно қилади. Бу имкониятнинг йўқлиги шахснинг шахсий хусусиятлари билан, хусусан, унинг тажрибаси, маълумоти ва шу қабиларнинг йўқлиги билан ёки объектив шартлар туфайли (масалан, табиий офат туфайли) изоҳланиши мумкин.

19. Жиноят объектив томонининг зарурий белгиси жинойий оқибатдир. Инсоннинг ҳар бир ҳаракати атрофдаги реалликда маълум ўзгаришларни юзага келтиради. Жинойий ҳаракат (ҳаракатсизлик)нинг ижтимоий хавфли оқибати шундаки, у ўзи туфайли ижтимоий хавфли оқибатни юзага келтиради.

Жинойий оқибат жиноятнинг ижтимоий муносабатларга етказадиган реал зарари бўлиб, у жинойий хулқ билан сабабий боғланган тўғри, эгри, бевосита ва билвосита салбий

ўзгаришлар (зарар, зиён, йўқотиш ва ш.к.)да ифодаланади, охирги ҳисобда эса, ижтимоий (иқтисодий, ахлоқий, ҳуқуқий ва бошқа) қимматликлар салбий ўзгаришларга дучор бўлади. Жиноий оқибат деганда, қилмишнинг содир этилиши натижасида жиноят ҳуқуқи билан қўриқланаётган ижтимоий муносабатларда юз берган ўзгаришни тушуниш керак. Оқибат тўғридан-тўғри зарар етказди ёки бевосита зарар етказиш хавфини туғдиради. Моддий таркибли жиноятларда жиноий оқибат келиб чиқиши зарурий элемент, формал таркибли жиноятларда оқибат келиб чиқиши талаб қилинмайди.

Жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга моддий ёки номоддий қўринишда ифодаланадиган зарар, зиён ёхуд бошқача салбий ўзгаришда ифодаланади.

20. Жиноят-ҳуқуқий оқибатларни қўйидаги мезонларга қараб гуруҳларга ажратиш мумкин:

- зарарнинг хусусиятига қараб;
- етказилган зарарнинг хавфлилик даражасига қараб;
- қонунда белгиланишига қараб;
- жиноятни квалификация қилиш аҳамиятига қараб.

Ижтимоий хавfli қилмиш натижасида келиб чиқадиган оқибатларни моддий ва номоддий турларга бўлиш мумкин.

**Моддий оқибат** – аниқ исботлашга мойил мулкий ва жисмоний зарар қўринишидаги оқибатлардир. Жисмоний зарар шахс ўлимида ёки турли даражадаги соғлиққа зарар етказишда ифодаланса, мулкий зарар, масалан, ўзгалар мулкани талон-торож қилишга қаратилган жиноятлар жабрланувчи мулкани камайтиришга қаратилади. Моддий ва жисмоний зарарни аниқ ўлчаш имконияти мавжуд. Шунинг учун бундай зарарни жиноят таркибларида миқдорига қўра фарқлайдилар. Бунда оддий, оғирлаштирувчи ва махсус таркибларга бўлиш одат қилинган. Мисол учун мулкни талон-торож қилишда: талон-торож оддий, катта ва жуда катта миқдорда бўлади. Бироқ, моддий зарарларнинг сиёсий, мафкуравий, ташкилий, руҳий, ижтимоий ва бошқа томонларини ўлчаш анча мураккабдир.

**Номоддий оқибат** эса, икки турда ифодаланади:

- реал зиён қўринишидаги номоддий зарар, масалан, Жиноят кодексининг 144-моддаси биринчи қисмида назарда

тутилган зарар – «давлат, жамият ва шахс манфаатларига»га зарар етказиш;

– зарар етказиш хавфи кўринишидаги оқибат. Масалан, Жиноят кодексининг 113-моддасида назарда тутилган таносил касаллигини юктириш хавфи остида қолдириш жиноятида шахс соғлиғига нисбатан хавф вужудга келади.

Етказилган зарарнинг **хавфлилик даражасига** кўра, оқибат икки гуруҳга бўлинади:

– асосий жиноят таркиби белгиси сифатида назарда тутилган, масалан, 104-модданинг биринчи қисми қасдан баданга оғир шикаст етказиш;

– оғирлаштирувчи жиноят таркиби белгиси сифатида назарда тутилган, масалан, 104-модда учинчи қисми жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлган қасдан баданга оғир шикаст етказиш.

**Қонунда белгиланишига** қараб:

– Жиноят кодексининг Махсус қисми моддаси диспозициясида аниқ белгиланган оқибат;

– баҳоланувчи оқибат, яъни қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда бундай зарарнинг аниқ кўрсатилмаган бўлиб, улар ҳуқуқни татбиқ қилувчи органлар томонидан қилмиш содир бўлганда фактик ҳолатлардан келиб чиқиб белгиланиши, бунга мисол қилиб, жиноят-ҳуқуқий нормаларда белгиланган «анча миқдордаги зарар» ёки «бошқача оғир оқибатлар» ибораларини кўрсатишимиз мумкин.

**Квалификация учун аҳамиятлилигига** қараб:

– мажбурий, яъни бундай оқибатларнинг бўлиши, масалан, 104-модда билан квалификация қилиш учун оғир тан жароҳат бўлиши шарт;

– қўшимча оқибатлар, масалан, Жиноят кодексининг 164-моддаси учинчи қисми «г» бандида босқинчиликнинг 104-моддадаги оқибатларни назарда тутати. Аммо бу ҳолатда 104-модда билан қўшимча квалификация талаб қилинмайди.

Буларни эътиборга олиб шуни айтишимиз мумкинки, оқибат барча моддий таркибли жиноятлар учун зарурий белгидир.

Моддий таркибли жиноятларда содир этилган қилмишнинг оқибатлари бу қилмишларни охирига етказилган



жиноят сифатида квалификация қилиш имкониятини беради. Қонунда кўрсатилган оқибатларнинг келиб чиқмаганлиги қилмишларни жиноятга суиқасд қилиш сифатида баҳолаш имкониятини беради. Айрим ҳолларда айнан қилмишнинг оқибатлари жиноятнинг маъмурий ҳуқуқбузарликлардан фарқловчи белгиси ҳисобланади. Моддий таркибли жиноятлардан фарқли равишда, формал таркибли жиноятлар қилмиш содир қилинган дақиқадан тугаган ҳисобланади, чунки Жиноят кодекси Махсус қисми формал таркибли жиноят диспозицияларида оқибат кўрсатилмаган, шу сабаб бу жиноятлар учун оқибат келиб чиқиши талаб этилмайди. *(Батафсил ЖКнинг 25-моддаси шарҳига қаранг)*. Ижтимоий хавфли оқибатнинг аҳамиятни қуйидагиларда кўриш мумкин:

- зарар ва унинг миқдори қилмишни криминализация ва декриминализация қилиш учун асосий мезон ҳисобланади;
- жиноятлар ва уларнинг таркибларида мажбурий белги ҳисобланадиган жиний оқибатлар барча ҳолатда жиноятни таснифлашда иштирок этади;
- кам аҳамиятли қилмишларни ҳам аниқлашда зарар (оқибат)нинг ўрни муҳимдир.

21. Моддий таркибли жиноятнинг яна бир зарурий шarti қилмиш ва оқибат ўртасидаги сабабий боғланишдир.

**Моддий таркибли жиноят объектив томонининг зарурий белгиларидан яна бири сифатида сабабий боғланиш** – содир этилган ижтимоий хавфли қилмиш ва унинг натижасида келиб чиққан ижтимоий хавфли оқибат ўртасидаги боғлиқликдир. Шунини таъкидлаш жоизки, жиноят қонунида сабабий боғланиш тушунчаси аниқ кўрсатиб ўтилмаган. Жиноят кодексида сабабий боғланишни ифодаловчи оддий атама «етказиш» ҳисобланади. Лекин, моддий таркибли жиноятлар диспозициясининг барчасида ҳам мазкур атама кўрсатиб ўтилмаган.

Моддий таркибли жиноятларда қилмиш ва оқибат ўртасидаги сабабий боғланиш мавжудлигини аниқлашда қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

– содир этилган қилмиш ва унинг натижасида келиб чиққан оқибатнинг ижтимоий хавfli ва ҳуқуққа хилоф бўлганлиги;

– содир қилинган қилмиш туфайли уша оқибат келиб чиққанлиги;

– келиб чиққан оқибат содир этилган ижтимоий хавfli қилмишнинг ёхуд бу қилмиш содир этилишидан ижтимоий хавfli оқибат келиб чиқишининг реал хавfli бўлиши керак;

– бир неча оқибат юзага келганида ушбу қилмиш ҳар бир оқибатнинг сабаби бўлганлиги ёки бошқа оқибатларни келтириб чиқарган бир оқибатнинг сабаби бўлганлиги ва бошқалар.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, **сабабий боғланиш** – икки ҳолат ўртасидаги алоқа бўлиб, бу ҳолатлардан бири (сабаб) иккинчи ҳолатни юзага келтиради.

Сабабий боғланиш жиноят таркиби объектив томонининг зарурий белгиси бўлиши учун қуйидаги ҳолларда шаклланган бўлиши лозим: зарар келиб чиқиши реал имконияти юзага келганидан, то уни ҳақиқатга айлантирилгунга қадар бўлган давр, ижтимоий зарарни оқибат келтириб чиқарувчи реал имкониятни юзага келтирмайдиган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик натижани келтириб чиқармайди ва жиноий жавобгарликни ҳам келтириб чиқармайди. Аммо объектив тасодиф (ҳам ички, ҳам ташқи) туфайли бундай реал имкониятлар ҳақиқатга айланиши мумкин. Шунинг учун, айбдорнинг қилмиши ва шу қилмиш натижаси – оқибатнинг боғлиқлиги – сабабий боғланиш исботлаш жараёнининг зарурий босқичидир. Келиб чиққан ижтимоий хавfli оқибат учун жиноий жавобгарлик масаласи, фақат бу оқибат айнан шу қилмиш содир этилиши натижасида келиб чиққанлигини ижобий ҳал қилгандан сўнг кўрсатилиши мумкин. Ҳаракатсизлик йўли билан содир этилган жиноятларда сабабий боғланиш муаммолари худди фаол ҳаракат йўли билан жиноий қилмиш содир этишдаги каби ҳал этилади.

22. Жиноят таркиби **объектив томонининг факультатив белгилари** қуйидагилар: жиноят содир қилиш жойи, вақти, ҳолати, усули, қуроли ва воситаси кабилардир. Улар

назарий жихатдан факультативдир. Аммо амалиётда улар жиноятни квалификация қилиш учун муҳим аҳамиятга эга. Жиноят объектив томони факультатив белгилари муайян жиноят таркибининг зарурий ва зарурий бўлмаган белгилари бўлиши мумкин. Зарурий ёки факультатив белгилар, айрим ҳолларда жиноятнинг зарурий белгилари ҳисобланса, бошқа ҳолларда содир этилган жиноят жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат бўлиб, жиноятни тасниф этишга таъсир этмайди. Муайян қилмишнинг содир этилишида бу белгининг йўқлиги шахснинг қилмишида жиноят таркибининг йўқлигини англатади. Факультатив белги жиноятнинг зарурий белгиси ҳисобланмаганда жиноятни таснифлашга таъсир этмаса-да, жазо тайинланишида жавобгарликни оғирлаштирувчи ёки енгиллаштирувчи ҳолат сифатида ҳисобга олиниши мумкин.

**23. Жиноят содир этилган жой** – бу жиноят содир қилинган чегараланган ҳудуд, жой, географик нукта бўлиб, уларга, масалан, уй-жой, ўрмон, омбор ва шу кабилар кириши мумкин. Жиноят содир қилиш жойи жиноят қонуни амал қиладиган бутун Жиноят кодексининг 11–12-моддаларидаги принципга қўра, белгиланган ҳудудда жиной жавобгарликни юзага келтиради. Бу ҳолатда жиноят содир қилиш жойи ҳудудийлик ва фуқаролик принципларига асосан белгиланади. Жиноят содир этилган жойнинг аниқланиши жиноят қонунининг ҳудуд бўйича амал қилиш масаласини ҳал қилишда, жиноят бир жойда содир этилиб, унинг жиной оқибатлари бошқа жойда рўй берган ҳолларда, Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида ёки бошқа чет давлат ҳудудидан ташқаридаги ҳаво, денгиз ёки дарё кемаларида содир этилганлигини ҳал этишда катта аҳамиятга эга. Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси диспозициясида назарда тутилган ҳолларда жиноятнинг содир қилиш жойи жиноятнинг зарурий белгиси бўлади (масалан, Жиноят кодексининг 202, 220, 222-моддалари).

Агар модданинг диспозициясида жиноят содир қилиш жойи зарурий белги сифатида кўзда тутилган бўлса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари жиноятнинг айнан уша жойда содир бўлганлигини аниқлашлари лозим. Жиноят

содир этилган жой жиноятни квалификация қилишнинг зарурий белгиси сифатида назарда тутилган бўлса, жиноят квалификацияси ҳам шу тахлитда ҳал қилинади.

**24. Жиноят содир қилиш вақти** – сония, дақиқа, соат, сутка, ой каби вақт бирликлари билан ўлчанадиган маълум давр бўлиб, айнан шу даврда жиноят содир қилиш пайти тушунилади. Жиноят содир қилиш вақти жиноят содир қилиш жойи каби жинойий жавобгарликнинг умумий шартлари ва факультатив белгиси сифатида намоён бўлади. Умумий шарт сифатида жиноят содир қилиш вақти Жиноят кодексининг 13-моддасида белгиланган ва умуман Жиноят кодексини қўллашда муҳим аҳамиятга эга. Жиноят содир қилиш вақти Жиноят кодексининг Махсус қисми диспозициясида махсус тарзда белгиланган ҳолларда у аҳамиятга эга. Жиноят содир қилиш вақти Жиноят кодексининг моддаларида камдан-кам ҳолларда назарда тутилади. Аммо назарда тутилган ҳолларда уни аниқ белгилаб олиш зарур. Вақт аниқ кўрсатилмаган бўлиши мумкин, лекин у айнан назарда тутилади. Масалан, сайлов натижаларида овозларни нотўғри ҳисоблаш жинояти учун жавобгарлик фақат сайлов вақтида юзага келади (Жиноят кодексининг 146-моддаси). Жиноят содир этилган вақт дейилганда, нафақат йилнинг, куннинг маълум бир вақти тушунилмасдан, жиноят содир этган шахснинг жинойий жавобгарлигига маълум даражада таъсир кўрсатадиган ходисалар юз берган муайян давр тушунилади. Масалан, жиноятни ҳарбий хизматни ўташ вақтида, фавқулодда ҳолат вақтида содир этганлик шубҳасиз жавобгарликни кучайтиради.

**25. Жиноят содир қилиш усули** – бу жиноят содир қилинаётганда айбдор томонидан жиноятни содир қилишда ишлатиладиган аниқ услуб ва усуллар бирлигидир. Бошқача қилиб айтганда, ижтимоий хавфли қилмиш объектив томонининг факультатив белгилардан биридир. Жиноят кодексидида жиноят содир қилиш усули тўғрисида кўп гап боради, чунки айнан жиноят содир қилиш усули бир-бирига яқин жиноятларни бир-биридан фарқлаш мезонидир. Шу билан бирга, жиноят содир қилиш усули яқка ҳолда ҳам, бир гуруҳ ҳолатида ҳам ифодаланиши мумкин.

Жиноят таркибининг умумий таърифи нуктаи назаридан жиноят содир қилиш усули икки маънода келади:

– жиноят таркиби объектив томонининг зарурий ва альтернатив (муқобил) белгиси сифатида;

– объектив томонининг факультатив белгиси сифатида.

Биринчи усул Жиноят кодексининг Махсус қисми моддаларида аниқ жиноят турини тушунарли ва аниқ ҳолда таърифлайди ҳамда уни бошқа жиноятлардан ажратиб, индивидуаллаштиради.

Иккинчи усул – факультатив маънода эса, жиноят содир қилиш усули қўшимча равишда Жиноят кодексининг Махсус қисми моддалари диспозициясида квалификация қилувчи белги сифатида назарда тутилади, хусусан, Жиноят кодексининг 97-моддаси иккинчи қисми «д» бандида бошқалар ҳаётига хавфли усулда одам ўлдириш жинояти. Жиноят содир этиш усули қонунда муайян жиноятнинг зарурий ёки таснифий белгиси сифатида кўрсатилиши мумкин. Жиноят содир этилишининг усули кўп ҳолларда унинг зарурий белгиси сифатида муайян жинойий ҳуқуқий нормада тўғридан-тўғри кўрсатилиши мумкин, масалан, ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш (Жиноят кодексининг 103-моддаси) учун жавобгарлик фақат моддий томондан ёки бошқа жиҳатлардан айбдорга қарам бўлмаган шахсга раҳмсиз муомала қилиш ёки унинг шаъни ва қадр-қиммати муттасил равишда камситиш йўли билан амалга оширилганда; айрим ҳолларда жиноятни содир этиш усули жазони оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланади.

Жиноят содир этиш усулини нотўғри аниқлаш, муайян жиноятнинг зарурий ёки таснифий белгиси бўлса, ҳукми ўзгартириш учун асос бўлади.

**26. Жиноят содир қилиш қуроли ва воситаси** – моддий дунё неъматлари бўлиб, улар ёрдамида шахс жиноят содир қилади. Жиноят таркиби объектив томонининг белгилари, хусусан, жиноят содир этиш қуроли ва воситаларидан кўпчилик ҳолларда жиноят изини яшириш ва жиноятнинг содир этилишини осонлаштириш учун фойдаланадилар. Шу билан биргаллик содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини оширишга олиб келади. Уларнинг

биргаликда ўрганилишига сабаб эса, уларнинг бир бутунни ташкил этишидадир. Жиноят содир қилиш қуроли жиноят содир қилиш воситаларининг бир қисми, дейилади. Жиноят тўғрисидаги қонунчиликда бу тушунчалар бир категориядек баҳоланган, масалан, жиноят содир қилиш қуроли ва воситаси (Жиноят кодексининг 31-моддаси иккинчи қисми).

Аммо улар ўртасида фарқ ҳам бор. Жиноят содир қилишда жиноят қуроли ва воситасини аниқлаш ва бир-биридан фарқлашда қилмишнинг жиноят-ҳуқуқий маъносидан келиб чиқиш, жиноят содир қилиш учун айнан қандай предметнинг ишлатилиши, яъни бу қилмиш жиноят-ҳуқуқий норма билан тақиқланган ёки йўқлигини аниқлаш лозим.

Бошқача қилиб айтганда, **жиноят содир қилиш қуроли** – жиноят-ҳуқуқий норма билан тақиқланган жиноят содир қилишда ишлатиладиган ташқи дунё ашёси ҳисобланади.

Шундай қилиб, жиноят қуролига, масалан, босқинчилик ёки безорилик жиноятида ишлатиладиган ўқотар қурол ёки қурол сифатида ишлатиладиган предметлар (164-модданинг иккинчи қисми «а» банди), усимлик ва ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш қоидаларини бузиш жиноятида портловчи моддалар ёки захарли-кимёвий моддаларни (Жиноят кодексининг 202-моддаси учинчи қисми «г» банди) тушунилади. Жиноят содир этиш қуроллари дейилганда, айбдор жиноятни содир этишда олдиндан тайёрланган ва фойдаланган ҳар қандай предмет, масалан, совуқ қуроллар, транспорт воситалари, асбоб-ускуналар ва ҳ.к. бўлиши мумкин.

**Жиноят содир қилиш воситаси** – жиноят содир қилинишини осонлаштириш учун ишлатиладиган ташқи дунё неъмاتي бўлиб ҳисобланади. Масалан, ерда, сувда ва ҳавода ҳаракатлана оладиган механизациялаштирилган транспорт воситалари ҳайвонот олами вакилларининг ов қилиш имкониятини енгиллаштиргани боис, қонун чиқарувчи буни ҳам назарда тутган ҳолда бунинг учун ҳам жинойий жавобгарликни назарда тутган (Жиноят кодексининг 202-моддаси учинчи қисми «в» банди), бу ҳолатда механизациялаштирилган транспорт воситалари жиноят содир қилиш воситаси сифатида ишлатилган. Юқоридагиларга асосланиб, жиноят содир этиш

воситалари – айбдор ижтимоий хавфли қилмиш содир этиш пайтида жиноят объектига таъсир этиш учун фойдаланган предмет ёки қуроллар, электр токи, радиация, ультратовуш воситалари кабилардир.

Шундай қилиб, **жиноят содир қилиш қуроли** – моддий дунёдаги неъмат бўлиб, бевосита жиноят содир қилиш учун мослаштирилади ва бевосита у билан жиноят содир қилинади. Улар қаторига ўқотар ва совуқ қуроллар, инсоннинг турли эҳтиёжлари учун ишлатиладиган турли хил предметлар бўлиши мумкин (лом, белкурак, кетмон ва ш.к.). Улар жамиятдаги ижтимоий муносабатларга зарар етказишга қаратилган бўлади.

Жиноят содир этиш воситаси эса, зарар етказиш учун мослаштирилмаган ва улар бундай хусусиятга эга эмас. Бироқ, улар жиноят содир қилинишини осонлаштиради.

Жиноят содир этиш қуроли ва воситаси бир шароитда жиноятни содир этишни осонлаштиради, бошқа бир шароитда уларни қўлламасдан жиноятни содир этиш мумкин эмас. Жиноят содир этиш воситаси ва қуролнинг жиноят-ҳуқуқий аҳамияти қуйидагилардан иборат:

- улар бевосита жиноятни квалификация қилишга таъсир қилади;

- улардан фойдаланиш жазо тайинлаш вақтида жавобгарликни оғирлаштириши ёки енгиллаштириши мумкин.

Жиноят содир этиш қуроллари ва воситаларини тўғри аниқлаш нафақат қилмишни тўғри квалификация қилишда, балки уларни махсус мусодара қилиш масаласини ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга.

**27. Жиноят содир қилиш ҳолати** – жиноят умумий таърифига кўра, жиноят таркибининг факультатив белгиси, Жиноят кодексининг Махсус қисми диспозициясида махсус белгиланган ҳолларда зарурий белги сифатида келади.

**Жиноят содир қилиш ҳолати** – бу бир қатор объектив шарт-шароитлар (вақт, жой ва бошқ.) ёки уларнинг бирлиги бўлиб, муайян жиноят содир этилаётганда мавжуд бўлган ва жавобгарлиги учун маълум даражада таъсир этадиган ҳолатлар мажмуидир. Хусусан, агар жиноят ҳарбий жанговор ҳолатда

содир қилинса, жиноий жавобгарлик ва тайинланадиган жазо бир қадар оғирроқ бўлади. Масалан, жанговар ҳолатда ҳарбий қурол-аслаҳаларни, ҳарбий техникани ёки ҳарбий мулкни қасддан бузиш ёки шикаст етказиш оғирроқ жиноий жавобгарликка тортилади (296-модданинг учинчи қисми). Шу билан бирга, масалан, ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашда зарур чора-тадбирлар чегарасидан четга чиқиб улдириб қўйиш жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини камайтиради (101-модда).

28. Жиноят таркиби объектив томони белгиларини ўрганишнинг асосий мақсади жиноятнинг ижтимоий хавфлилигини ҳар томонлама ва объектив ҳал қилиш, жиноятнинг шартлари ҳамда бошқа ҳолатларини ўрганиш, жиноий жавобгарликка тортилиши лозимми ёки ижтимоий таъсир чораларининг ўзи етарли ё етарли эмаслиги каби масалалар ҳал қилинади. Жиноят қонуни ва бошқа қонун талабларига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини ўрганишда алоҳида ёндашувни, шунингдек, айбланувчининг шахсига, жиноят содир этилишига олиб келган ҳолатларни, унинг оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиб жазо масалалари ҳал қилиниши керак.

Жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ хусусияти тажовуз объекти (инсон ҳаёти ва соғлиғи, мулк, жамоат хавфсизлиги ва ҳ.к.), айб шакли, жиноий қилмишнинг қонунда қайси тоифага (ЖКнинг 15-моддаси) киритилганлиги билан белгиланади.

Жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси қилмиш содир этилиши ҳолатлари (жиноий ниятнинг амалга оширилганлиги даражаси ва босқичлари, жиноятни содир этиш усули, зарар миқдори ёки келиб чиққан оқибатлар оғирлиги, иштирокчиликда содир этилган жиноятда судланувчининг роли) билан белгиланади<sup>1</sup>.

29. **Жиноят таркибининг субъектив томони** – жиноят қонунида жиноят, деб белгиланган ижтимоий хавфли



<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сонли қарори, 3-банди 2 ва 3-хатбошилари



қилмишни содир этган шахснинг ўз қилмишига бўлган рухий муносабати. Жиноят таркибида субъектив томоннинг бўлмаслиги жиной жавобгарликни истисно қилади. Жиноятнинг субъектив томонини тўғри аниқлаш жиноятчи шахснинг ижтимоий хавфлилиги даражасини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, муайян қилмишнинг тўғри квалификациясини ва бунинг натижаси сифатида эса, айбдорнинг қонуний, асосланган ва адолатли жавобгарлигини таъминлаб беради.

Жиноят таркибининг субъектив томонини ва бошқа белгиларини аниқлашга оид хатолар жиноятни нотўғри квалификация қилишга олиб келади.

Жиноят таркиби элементи сифатида субъектив томон қилмиш ва унга боғлиқ ҳолда унинг натижаси сифатида келиб чиққан ёки келажакда келиб чиқадиغان оқибатига нисбатан турли интеллектуал, онгли ва ҳиссий ифодаларда, ранг-баранг кўринишларида ва ўзаро бирлигида намоён бўлади.

Шу билан бирга, жиноят қонуни субъектив томоннинг энг муҳим ва зарур, жиноятни квалификация қилиш ҳамда жазо тайинлаш томонларини олган. Шунинг учун, жиноят таркибининг субъектив томони тўғрисида сўз борганда, жиноят қонунида белгиланган айбдор шахснинг ўз қилмиши ва оқибатларига рухий муносабатини билдирувчи белгилар йириндиси тушунилади. У фақатгина жиноят қонунида белгиланган ижтимоий муносабатларнинг энг умумий ва махсус белгиларини кўрсатадики, бу таркибнинг белгилари – асосий, квалификация қилинган (яъни, оғирлаштирувчи ҳолатлари билан), енгиллаштирилган (яъни, енгиллаштирувчи ҳолатлари билан)га ажратилади.

Бошқа жиноят элементлари сингари субъектив томон ҳам квалификация учун муҳим аҳамиятга эга: қилмиш агар тегишли жиноят таркиби субъектив томонининг барча элементларини ташкил этса, у Жиноят кодексининг Махсус қисми моддаси билан квалификация қилиниши мумкин.

Жиноят қонунида белгиланишича, айбдорнинг ўз қилмишига рухий муносабати бўлган жиноят таркиби субъектив томони қуйидаги белгилар: айб, мотив ва мақсаддан иборат.

**Айб** — ҳар қандай жиноятнинг субъектив томонининг зарурий белгисидир.

**Мотив ва мақсад** — субъектив томоннинг факультатив белгиси, яъни улар доим ҳам бирга келавермайди. Жиноят кодексининг Махсус қисми моддаси диспозициясида белгиланган бўлса ёки муайян жиноятнинг табиатидан келиб чиқиб, бунинг мавжудлиги учун зарур шарт-шароит бўлса, улар зарурий белги ҳисобланади. Жиноятнинг мотиви ва мақсади жиноят субъектив томонининг мустақил факультатив белгилари ҳисобланади. Жиноятнинг мотиви ва мақсади жиноятни тўғри квалификация қилишда, жиноятни бошқа жиноят таркибидан фарқлаш ва адолатли жазо тайинлашда муҳим аҳамиятга эга. Ушбу белгиларга эътибор қаратишнинг зарурлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумида ҳам таъкидлаб ўтилган.

30. Жиноятнинг квалификацияси учун **субъектив томоннинг аҳамияти** қуйида кўрсатилган:

— биринчидан, субъектив томон — ҳар қандай жиноятнинг зарурий шартидир. Унинг йўқлиги қилмиш жиноийлигини истисно қилади;

— иккинчидан, тегишли жиноят таркибининг субъектив томони ва унинг барча белгиларининг тўғри ўрганилганлиги жиноятни тўғри ва асосли квалификация қилишнинг зарурий шартидир;

— учинчидан, субъектив томоннинг тўғри белгиланганлиги айбдор шахсга нисбатан жиноий жавобгарлик, жазо ёки озодликдан маҳрум қилиш муддатини тўғри белгилашда муҳим аҳамият касб этади;

— тўртинчидан, субъектив томоннинг тўғри белгиланиши қонунийликни таъминлаш ва мустаҳкамлашнинг зарурий шартидир.

31. Айб учун жавобгарлик принципи, яъни шахснинг фақатгина ўзи содир қилган жинояти учун жавобгарлик принципи Жиноят кодексининг 9-моддасида назарда тутилган. Айб жиноий жавобгарлик ва жазонинг зарур субъектив талабидир.

**Айб** — жиноят содир қилган шахснинг жиноят қонунида белгиланган ижтимоий хавfli қилмиши ва унинг оқибатига

булган қасд ёки эҳтиётсизлик қўринишидаги руҳий муносабати. Айбнинг руҳий муносабат сифатида элементлари онглилик ва иродалилик бўлиб, улар биргаликда айбни шакллантиради. Шундай қилиб, айб икки таркибий элементдан тафаккурий ва иродавий ҳолатлардан иборат.

Айб ўз таркибий элементлари муносабатига қараб, икки гуруҳга: қасд ёки эҳтиётсизликка ажратилади. (*Айб ва унинг қўринишлари тўғрисида ЖКнинг Умумий қисми V бобида батафсил танишиш мумкин*).

Бундан ташқари, жиноят тўғрисидаги қонунчилигида ва суд амалиётида айбнинг оғирлигини англаувчи, унинг микдорий хусусиятини ақс эттирувчи «айбнинг даражаси» тушунчаси ишлатилади. Айбнинг даражаси шахснинг жиноят ҳолатларига булган муносабатининг шакллари ва таркиби мажмуи билан аниқланади ҳамда ижтимоий қилмишни даражаси билан белгиланади. Булар қуйидагилардан иборат: руҳий муносабатнинг хусусиятлари, жиноятнинг мотив ва мақсади, шахсни характерлайдиган ҳолатларига оид жиноий қасд ёки эҳтиётсизликнинг келиб чиқишига туртки булган сабаб ва шарт-шароитлар.

**32. Жиноят мотиви** дейилганда, инсон фаоллиги манбаи, ички йўналтирувчи восита тушунилади. Мотив субъектни ўз мақсадлари сари йўналтирувчи куч ҳисобланади. У маълум инсон эҳтиёжлари ва кизиқишларидан юзага келади ва шахсни жиноят содир қилишга йўналтиради.

**Жиноят мақсади**, бу – фаолияти, ўз ишининг хаёлий, идеал тасавури. Бу мақсадга эришиш учун охир-оқибат шахс жиноят содир қилади.

Жиноятнинг мотив ва мақсади доимо аниқ бўлиб, Жиноят кодексининг Махсус қисми моддалари диспозицияларида ёки Жиноят кодексининг Умумий қисми моддаларида кўрсатилади. Шу билан бирга, Жиноят кодексининг Махсус қисми айрим моддаларида мотив тубанлик ва ғаразлик каби тавсифга эга (Жиноят кодексининг 124, 125, 131, 133-моддалари ва бошқалар) ёки бошқа манфаатлар (Жиноят кодексининг 209, 228<sup>1</sup>-моддалари ва бошқалар (жиноятнинг мотив ва мақсади тавсифи тўғрисида Жиноят кодексининг Умумий қисми 5-бобида тулиқроқ танишиш мумкин).

33. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқининг муҳим хусусиятларидан бири субъектнинг ақли расолиги, яъни айбдорнинг ўз ҳаракатини бошқара олганлиги ва ҳаракати туфайли келиб чиққан оқибатнинг ижтимоий хавфлилигини англашдир.

**Жиноят субъекти** деганда ижтимоий хавфли қилмиш содир қилган, қонун билан белгиланган ёшга етган ақли расо жисмоний шахс тушунилади. Жиноят субъекти жиноят таркибининг ажралмас қисмидир. Бошқача қилиб айтганда, жиноят содир қилган шахс бўлмаса, ўз-ўзидан жиноят ҳам бўлмайди. Жиноят субъекти ва унинг белгилари Жиноят кодексининг Умумий қисми 4-боби – «Жавобгарликка тортилиши лозим бўлган шахслар»да тўлиқ мустаҳкамлаб кўрсатилган. Бу белгиларни жиноят умумий субъектига тегишли белгилар деб номлаш қабул қилинган.

Жиноят қонуни бўйича жиноят субъекти фақат жисмоний шахс бўла олади. Ўзбекистон Республикасининг жиноят тўғрисидаги қонунчилигига кўра, юридик шахс жиноят субъекти бўла олмайди. Шунга айтиш лозимки, жиноят қонунда жиноят субъекти умумий белгиларидан ташқари қўшимча ва махсус белгилари ҳам бўлади. Бу жиноятнинг махсус субъекти, дейилади. Масалан, мансабдорлик жиноятининг субъекти жиноят субъектининг умумий белгилари (ёш, ақли расолик) дан ташқари белгиланган тартиб бўйича шахс мансабдор ҳам бўлиши керак. Ҳарбий жиноятларда жиноят субъекти фақат ҳарбий хизматчилар ва ҳ.к.

Учта асосий белгининг бирлиги жиноят субъектини тавсифлайди:

- жисмоний шахслик;
- ақли расолик;
- қонун бўйича белгиланган ёшга етганлик.

**Жиноятнинг махсус субъекти** – жиноят субъекти зарурий белгиларидан ташқари яна Жиноят кодексининг Махсус қисми моддаларида белгиланган ва шу жиноятлар учун зарурий белги бўлган қўшимча белгилари ҳам мавжуд бўлган субъектдир.

**Махсус субъектларни қуйидаги мезонларга қараб таснифлаш мумкин:**

– фуқаролик ҳолатига қараб: Ўзбекистон Республикаси фуқароси, фуқаролиги бўлмаган шахс ва хорижий давлат фуқароси (ЖКнинг 160-моддаси);

– демографик белгиларига қараб: жинсига қараб – эркак (ЖКнинг 120-моддаси);

– қариндошлик муносабатларидан келиб чиқиб – ота-она, уларнинг ўрнини босувчилар ёки фарзандлар (ЖКнинг 122 ва 123-моддалари);

– ҳарбий хизматга алоқадорлигига қараб: ҳарбий хизматчи ёки ҳарбий хизматга мажбур (ЖКнинг 285-моддаси);

– мансабига қараб: мансабдор шахс (ЖКнинг 146-моддаси);

– касбий мажбуриятига қараб: шифокор ёки бошқа тиббиёт ёки фармацевтика соҳаси ходимлари (ЖКнинг 114-моддаси ва бошқалар), тергов ва суд органлари ходимлари (одил судловга қарши жиноятлар, Жиноят кодекси 16-боби),

– бажараётган иш тавсифига қараб: давлат, ҳарбий ёки хизмат сирини (ЖКнинг 162 ва 163-моддалари), фарзандликка олиш сирини (ЖКнинг 125-моддаси), иш, хизмат доирасида, сайлов комиссияси сирларидан хабардорлар (ЖКнинг 146-моддаси), темир йўл, сув ёки ҳаво транспорти ходими (ЖКнинг 18-бобидаги моддалар), савдо ва хизмат кўрсатиш ходими (ЖКнинг 189-моддаси);

– ҳарбий унвонига қараб: ҳаво транспорти офицери (Жиноят кодекси 287–289-моддалари);

– шахснинг мажбуриятларига қараб: гувоҳ, жабрланувчи, эксперт, таржимон (Жиноят кодексининг 238 ва 240-моддалари);

– жабрланувчига нисбатан юқорироқ ҳолатда бўлган шахс: жабрланувчининг бошлиғи (ЖКнинг 121-моддаси);

– жиноят содир қилаётган шахснинг жиноят билан махсус ҳолатдалиги: жазони ўташ жойларидаги маҳкум, олдин судланган шахс (Жиноят кодексининг 220–222-моддалари);

– жиноятни туғри квалификация қилиш учун бошқа зарур мезонларга қараб, маълумотига қараб – олий тиббий

маълумотга эга бўлмаган ёки маълум фаолият билан шуғулланиш рухсатномаси бўлмаган шахс (ЖКнинг 114 ва 190-моддалари) ёхуд соғлигига қараб – шахсда ОИВ касаллиги/ОИТСнинг мавжудлиги (ЖКнинг 113-моддаси).

Албатта, бу тасниф тахминийдир. Ҳар бир ижтимоий хавfli ҳаракат содир этилганида суд-тергов ходимлари жиноятнинг махсус субъекти алоҳида белгиларини аниқлаши лозимки, буларсиз ҳаракат содир этган шахс ушбу жиноятнинг субъекти, деб топилмаслиги керак. Махсус субъект белгиларини тўғри белгилаш жиноятни тўғри квалификация қилишда муҳим аҳамиятга эга.

34. Жиноятнинг умумий ва махсус субъектининг ажралмас қисми ҳисобланган умумий ва махсус белгиларидан ташқари яна суд-тергов амалиётида белгиланиши шарт бўлган белгилар ҳам мавжуд. Уларга айбланувчи шахси унинг ҳуқуқий мақоми (судланганлик ва унинг ҳуқуқий оқибати сифатида рецидивликнинг маълум тури), содир қилинган жиноятда ҳар бир айбланувчининг ҳулқи объектив хусусияти (ташқилотчи, далолатчи, бажарувчи ва ш.к.) кабилар киреди.

Жиноят субъекти тушунчасини айбдорнинг шахси тушунчаларидан ажрата билиш лозим. Уларнинг ҳар иккиси ҳам бир одамни ифодалайди. Аммо уларнинг жиноят-ҳуқуқий аҳамияти ҳар хил.

Жиноят таркиби субъекти тушунчаси жиноят содир этган шахснинг жинойий жавобгарликка тортилиши учун зарур белгилар йиғиндисидан таркиб топса ҳам, у айбдор шахс тушунчасига нисбатан торроқ, зеро, айбдорга оид кўплаб белгилар жиноятдан ташқарида қолади. Шахснинг барча индивидуал хусусиятлари жиноят таркибига кирмаслиги мумкин, аммо бу дегани улар юридик аҳамиятини йўқотади, дегани эмас.

Жиноятчининг шахсига оид белгилари жиноят таркибига киритилмайди. Масалан, конкрет жиноят иши юзасидан айбдорнинг ҳаётда актив фаолияти, иш жойи ва яшаш жойидан тавсифнома, жинси, соғломлиги, оилавий аҳволи кабилар жинойий жавобгарлик учун аҳамиятсиздир, аммо суд томонидан жазо тайинланаётганда эътиборга олинади. Бундай

белгиларнинг бири енгиллаштирувчи булса, бошқа бири оғирлаштирувчи ҳолат бўлиши мумкин. Жиноятчи шахсининг суд томонидан айблов ҳукмини қонуний эълон қилаётганидан, то судланганлик ҳолати тугаши ёки тегишли равишда олиб ташлангунга қадар эътиборга олинади.

**Жиноятчининг шахси** – ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахснинг барча ижтимоий аҳамиятли хусусиятлари.

35. **Жиноят қонуни** – Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси Махсус қисми моддаларида ифодаланган жиноят таркиби уч асос бўйича гуруҳларга ажратилади:

- 1) ижтимоий хавфлилик даражасига кўра;
- 2) тавсифланиш усулига кўра;
- 3) тузилишининг ўзига хосликларига қараб.

Жиноят тўғрисидаги қонунчиликда қонун чиқарувчи томонидан бир хил турдаги жиноятларга нисбатан бир-биридан ижтимоий хавфлилик даражаси билан ажралиб турадиган алоҳида жиноят таркиби шакллантирилади.

Ижтимоий хавфлилик даражасига кўра, уч турга бўлинади:

- асосий;
- енгиллаштирувчи;
- оғирлаштирувчи (алоҳида оғирлаштирувчи).

**Асосий жиноят таркиби** – бу шундай жиноят таркибики, унинг белгилари шундай жиноят ёки жиноятлар гуруҳидаги барча жиноятлар учун хосдир. (Масалан, Жиноят кодексининг 97-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган жиноят таркиби). Оддий таркибли жиноятларда содир этилаётган жиноятнинг ҳар бири учун характерли белгилар курсатилмай, жиноятнинг номи айтилади, ҳолос.

**Енгиллаштирувчи жиноят таркиби** – енгиллаштирувчи белгиларга эга бўлади. (Масалан, Жиноят кодексининг 98, 99, 100-моддаларида назарда тутилган жиноят таркиблари).

**Оғирлаштирувчи жиноят таркиби**да эса, оғирлаштирувчи ҳолатларга белгилар мавжуд. (Масалан, Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисмидаги жиноят таркиблари).

Енгиллаштирувчи жиноят таркибининг жиний жавобгарликка ва жазони енгиллаштирувчи белгилари бор булса, оғирлаштирувчи жиноят таркибларининг оғирлаштирувчи

белгилари мавжуд бўлади. Бу гуруҳларга ажратиш асосий жиноят таркибидан келиб чиқади, яъни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар асосий жиноят таркибига қараб шаклланади.

Жиноий ҳуқуқий нормаларнинг биринчи қисмларида содир этилган жиноятнинг асосий таркиблари учун жавобгарлик, кейинги қисмларида эса, жиноятни оғирлаштирувчи ҳолатларда содир этганлик учун жавобгарлик кўзда тутилади.

Тавсифланиш усулига қараб, икки турга бўлинади:

- оддий;
- мураккаб.

**Оддий таркибли жиноят** – бир объект, бир қилмиш, бир оқибат ва бир айб шаклига эга жиноят таркибидир. (Масалан, Жиноят кодексининг 97-моддаси 1-қисми).

**Мураккаб таркибли жиноят** эса, жиноят таркиби элементларининг ҳар бири ёки улардан бири икки ёки ундан ортиқ миқдорда бўлади. Масалан, икки объектли ёки кўп объектли жиноятлар, бир неча оқибат келтириб чиқарувчи жиноятлар ва ҳоказо. Кўп объектли жиноят ҳисобланган Жиноят кодексининг 164-моддасида назарда тутилган босқинчиликни мураккаб таркибли жиноят сифатида мисол келтириш мумкин. Шунингдек, икки ёки ундан ортиқ қилмиш, шу қаторда муқобил (масалан, қонунга хилоф равишда ахборот туплаш, уни ошкор қилиш ёки ундан фойдаланиш, ЖКнинг 191-моддаси), икки ёки ундан ортиқ оқибатлар, шу қаторда муқобил (жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлган қасддан баданга оғир шикаст етказиш, 104-модда 3-қисм «д» банди).

Шундан келиб чиқиб, қачон жиноят икки ёки ундан ортиқ объектга тажовуз қилган ҳолларда жиноят-ҳуқуқий муҳофаза бир нормада назарда тутилади. **Улар кўп объектли жиноят** деб аталади. Мисол сифатида 247-моддани кўрсатиш мумкин (ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларини қонунга хилоф равишда эгаллаш), бу ерда ижтимоий хавфсизликка ҳам, хусусий мулкка ҳам зарар етмоқда. **Икки ёки ундан ортиқ қилмишни назарда тутувчи мураккаб таркибли жиноятлар** икки ёки ундан ортиқ ҳаракат билан содир қилинишини назарда тутлади.



Масалан, номусга тегиш жинояти зўрлик ишлатилиб ёки шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб содир қилиниши мумкин.

**Альтернатив (муқобил) таркибли жиноятлар** мураккаб таркибли жиноятлардан бири, зеро, унда бир катор қилмишлар назарда тутиладики, улардан бирини содир қилиш жиноятни тугалланган деб топиш учун етарлидир. Масалан, Жиноят кодексининг 256-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган жиноят (тадқиқот фаолиятини амалга оширишда хавфсизлик қоидаларни бузиш) тугаган деб топиш учун шахсга ўртача оғир ёки оғир тан жароҳати етган бўлиши лозим. Шунингдек, 183-моддада рақобат тўғрисидаги қонунчиликни ва табиий монополиялар тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик назарда тутилган бўлиб, унга кўра, шахс бундай фаолият тўғрисида тегишли органларга тегишли маълумот бермаган бўлса ёки нотўғри маълумотлар берган бўлса ва бу ҳаракатлари учун аввал маъмурий жавобгарликка тортилган бўлса жавобгарликка тортилади.

**Таркибли жиноятлар** икки ёки ундан ортиқ оддий мустақил жиноятдан иборат бўлган жиноятлардир. Бундай белгиларга ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлмаган зўрлик ишлатиш билан содир қилинадиган талончилик жинояти (166-модданинг иккинчи қисми) қиради.

Жиноят таркибида иккита айб шаклига эгалик объектив томонининг мураккаблигидан далолат беради. Яъни, жиноят қонуни мураккаб таркибли айб мавжуд бўлиши имконини белгилайди. Бу айбнинг қасд ёки эҳтиётсизлик шаклида бўлиши мумкинлигини таъкидлайди. (*ЖКнинг 23-моддаси шарҳига қаранг*)

Жиноят таркибини тузилиши бўйича **моддий, формал ва кесик** таркибларга ажратиш мумкин.

**Моддий таркибли жиноятлар** дейилганда, жиноятнинг шундай таркиби тушуниладики, унда жиноят натижасида бирон-бир моддий оқибат келиб чиқиши ёки келиб чиқиши мумкинлиги назарда тутилади. Моддий таркибли жиноятларда Жиноят кодексининг Махсус қисми моддасида назарда

тутилган оқибат юзага келади. (Масалан, Жиноят кодексининг 105, 193-моддаларида ва бошқа моддаларда назарда тутилган жиноят таркиблари). Бундай жиноятлар жиноят қонунида белгиланган оқибат келиб чиқиши билан тугаган ҳисобланади.

**Формал таркибли жиноят** дейилганда, бирон-бир зарарли оқибатнинг келиб чиқиши шарт бўлмай, оқибат келиб чиққан тақдирда ҳам жиноятнинг квалификациясига таъсир қилмайдиган жиноятлар тушунилади. Бундай таркибли жиноятлар фақат Жиноят кодексининг Махсус қисми моддасида назарда тутилган қилмишни ўз ичига олиб, оқибат юзага келиши талаб этилмайди. (Масалан, ЖКнинг 150, 151 ва бошқа моддаларида назарда тутилган жиноят таркиблари).

**Кесик таркибли жиноятлар**да жиноятнинг охирига етган вақтини қонун олдинги босқичга кўчиради, яъни жиноятга тайёргарлик кўриш ёки суиқасд қилиш босқичига кўчиради. Масалан, Жиноят кодексининг 242-моддасида назарда тутилган ва шу каби жиноятлар. У Жиноят кодексининг Махсус қисми моддасида тавсифланган таърифдаги қилмиш содир этилган пайтда (шаклда, кўрнишда) тугаган ҳисобланади.

Жиноят таркибини бундай таснифлаш ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга, зеро, шу йўл билан жиноят қонунининг одиллик (*ЖКнинг 8-моддаси шарҳига қаранг*), инсонпарварлик (*ЖКнинг 7-моддаси шарҳига қаранг*) каби муҳим принциплари рўёбга чиқади ва жиноятларни тўғри квалификация қилишнинг муҳим шarti ҳисобланади.



#### IV бoб. ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИЛИШИ ЛОЗИМ БУЛГАН ШАХСЛАР

##### 17-модда. Жисмоний шахсларнинг жавобгарлиги

Жиноят содир этгунга қадар ўн олти ёшга тўлган, ақли расо жисмоний шахслар жавобгарликка тортиладилар.

*(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 7 декабрдаги ЎРҚ-735-сонли Қонуни билан чиқарилган – Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 07.12.2021 й., 03/21/735/1141-сон)*

Жиноят содир этгунга қадар ўн тўрт ёшга тўлган шахслар ушбу Кодекс 97, 98, 104–106, 118, 119, 137, 164–166, 169-моддалари, 173-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмлари, 220, 222, 247, 252, 263, 267, 271-моддалари, 277-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган жиноятлар учун жавобгарликка тортиладилар.

Ушбу Кодекснинг 122, 123, 125<sup>1</sup>, 127, 127<sup>1</sup>, 128<sup>1</sup>, 144, 146, 193–195, 205–210, 225, 226, 230–232, 234, 235, 279–302-моддаларида назарда тутилган жиноятлар учун жиноят содир этилгунга қадар ўн саккиз ёшга тўлган шахслар жавобгарликка тортиладилар.

Ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар жиноят содир этган шахслар умумий қондаларга мувофик ва ушбу Кодекснинг Умумий қисми олтинчи бўлимида назарда тутилган хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда жавобгарликка тортиладилар.

---

#### ШАРҲ

---

1. Шархланаётган моддада жиноят субъектининг умумий юридик аломатлари жамланган. Жиноят кодексининг 17-моддасида кўрсатилган уч аломатдан бирининг йўқлиги, шахснинг қилмишида жиноят таркиби мавжуд эмаслигини (*Жиноят кодексининг 16-моддаси шарҳига қаранг*) билдиради.

Жиноят кодекси фақат жисмоний шахснинг, яъни инсоннинг жиной жавобгарликка тортилишини белгилайди. Бу Ўзбекистон Республикасининг жиноят тўғрисидаги қонунчилигига кўра, юридик шахсларнинг жиной жавобгарлиги инкор этилишини англатади.

Мулкий ёки бошқа зарар етказганда, улар фуқаролик қонунчилигига мувофиқ, мулкий жавобгарликка тортиладилар, бунда, юридик шахс раҳбари жиной жавобгарликка тортилиши мумкин, масалан, атроф-муҳитни ифлослантирганлик учун Жиноят кодексининг 196-моддасига биноан жавобгарлик кўрсатилган. Демак, агар бирон-бир ташкилот, масалан, шахтада меҳнат муҳофазаси қоидалари бузилиши натижасида одамларга шикаст етса, бунинг учун юридик шахс сифатида шахта эмас, балки мазкур қоидаларнинг бузилишида айбдор бўлган муайян шахс жавобгарликка тортилади.

Суд-тергов амалиётида, ҳайвонлар томонидан жамоат манфаатларига зарар етказилиши мумкин бўлган, хусусан, ҳайвонлар томонидан инсонларга жиной максадларда ҳужум бўлган ҳодисалар ҳам учраб туради. Мазкур вазиятда икки ҳолат кўзда тутилади: биринчидан, инсон томонидан махсус, ўргатилган буйруқ берилиши натижасида инсон соғлиғига зарар етказилса, бунда ҳайвон томонидан етказилган зарар учун унинг эгаси жавобгар бўлади. Иккинчи ҳолатда, бирон-бир ҳайвон томонидан ўзгаларнинг таъсирсиз инсон соғлиғига зарар етказилган бўлса, унинг эгаси жиной жавобгарликдан озод қилинади ва бундай ҳолларда ҳайвон эгасининг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлиги тўғрисидаги масала қўзғатилиши мумкин. Жиной жавобгарлик ижтимоий хавfli қилмишни қасдан ёки эҳтиётсизликдан содир этгани учун жавобгар бўлиши шарт бўлган шахс билан узвий боғлиқ. Айни пайтда, ушбу ҳолат жиноят ҳуқуқининг асослантирилган тамойиллари асосида шахснинг айбини белгилашда онгли ва мақсадли жиной қилмиши учун шахсий жавобгарлик ўрнатишга руҳсат беради.

Жиноят тўғрисидаги қонунчиликда жисмоний шахс тушунчаси тўғридан-тўғри баён қилинмаган. Аммо, Жиноят кодекси ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмунидан келиб чиқилса, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 16-моддасида кўрсатилган тушунчага ўхшаш эканлиги англашилади. ЖКнинг 11, 12-моддаларига берилган шарҳдаги Ўзбекистон Республикаси фуқароси, чет эл фуқароси, фуқаролиги бўлмаган шахслар тушунчасига эътибор бериш керак.

Жиноят кодексининг 17-моддасига кўра, ҳар қандай инсон ҳам жиноятнинг субъекти бўла олмайди. Шахс жиноят субъекти ёшига етганлиги билан биргаликда у ўз ҳаракатларини бошқара олиши ва ҳаракати туфайли келиб чиқадиган ижтимоий хавфли оқибатни англаши ҳам талаб этилади.

Шундай қилиб, жиноят учун фақат жисмоний шахсларнинг жавобгарликка тортилиши, улар қилмишининг ижтимоий хавфли характери ва даражасини англай олиш қобилияти, ўз ҳаракатларини бошқара олиши ва улар юзасидан ҳисоб бера олиши билан изоҳланади.

Агар ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахс бундай қобилиятга эга бўлмаса (ақли норасо ҳисобланади), у жиноят субъекти бўла олмайди. Бундан ташқари, шахс содир этган қилмишига яраша жавобгарликка тортилиши учун у маълум ёшга етган бўлиши, алоҳида ҳолларда эса, қилмишни қўшимча аломатлар билан содир этган бўлиши лозим.

2. Шахс ўз қилмишларига жавоб бера олиши ва жиноий жавобгарликка тортилиши учун у етарли ёшга етганлик билан борлиқ ҳолда қилмишини аниқ англай олиш даражасига ҳам эга бўлиши лозим. Аниқ англай олиш ва ижтимоий ривожланиш даражаси маълум ёшга етиши билан пайдо бўлади, қачонки шахс оила, мактаб, ижтимоий муҳит таъсирида нима яхши-ю нима ёмон, қандай ҳолларда унинг ҳаракатлари жамият ёки бошқа инсонларга зарар етказишини тушунади. Инсон маълум ёшга етгандан кейингина уни ўраб турган атрофдаги воқеаларни қабул қилиши, ўз ҳаракатларига тўғри баҳо бериши ва ўз хоҳишини керакли

йўналишга йўналтира олиш қобилияти шаклланади. Инсон маълум бир ёшга етгандан кейин муайян бир жиноят қонуни билан ман қилинган ҳаракатлар учун жавобгарлик юзага келишини туғри англай олади.

Ёш – нафақат жиноят субъектининг инсонга хос бўлган умумий аломати, шунингдек, жиний жавобгарликнинг пайдо бўлиши ёш билан боғлиқ. Ёш чегарасини ўрнатишда қонун чиқарувчи томонидан ижтимоий хавфли қилмиш содир этганда жиний жавобгарликка тортилиш масаласини ҳал этишга имкон яратувчи, шахснинг керакли ривожланиш даражаси, ҳаётий тажрибаси баркамоллигини аниқлаш мумкин бўлган талаблар эътиборга олинади. Бундан ташқари, жиноят ёшини ўрнатиш жараёнида қонун чиқарувчи тиббиёт, психология, педагогика ва бошқа фанлар хулосаларини ҳисобга олади, шунингдек, қўпчилик ўсмирлар учун одатий бўлган ҳаёт йўлининг турли босқичларидаги шаклланиш ва ривожланиш шароитларидан келиб чиқади.

Жиноят қонуни ёш тушунчасини акс эттирувчи махсус нормага эга эмас, шахс қандайдир жиноят содир этганда жиний жавобгарликни вужудга келтирувчи ёш чегараларини кўрсатади.

Жиноят қонуни бўйича жавобгарликка тортиш ёшга етган шахсина жиноятнинг субъекти, деб ҳисобланади. Қонун чиқарувчи маълум ёшни белгилаш вақтида шахснинг ҳаётий тажрибаси, психофизиологик ва ижтимоий-руҳий ҳолатининг даражасини ҳисобга олган. Жиноят кодексининг 17-моддаси биринчи қисмидан шу келиб чиқадики, жиноят содир этгунга қадар қонун ўрнатган ёшга тулмаган шахс жиний жавобгарликка тортилиши мумкин эмас ва жиноят субъекти ҳам ҳисобланмайди.

Шундай қилиб, ёш деганда, у ёки бу шахснинг алоҳида психофизиологик ҳолатини тавсифловчи, тиббий-биологик, ижтимоий психологик ва ҳуқуқий ўзгаришлар билан алоқадор бўлган, турилишдан то инсон ҳаётининг қандайдир хронологик мuddатигача ўтган вақтнинг календарь даври тушунилади.

3. Умумий қоидага кўра, содир этилган жиноят учун жавобгарлик шахс ўн олти ёшга тўлганда вужудга келади. Шарҳланаётган модданинг иккинчи ва учинчи қисмларида махсус кўрсатилган жиноят таркиблари учунгина жиноий жавобгарлик ўн тўрт ёки ўн саккиз ёшдан вужудга келади.

Ёш чегарасини белгилашга бундай хусусий ёндашув шу билан изоҳланадики, умумий жиноят ёшидан фарқли равишда баъзи оғир ва ўта оғир жиноятлар учун жиноий жавобгарлик вақтлироқ вужудга келади. Вояга етмаган шахс ижтимоий онгининг етарли даражаси ўз хулқини жамиятда ўрнатилган қоидаларга мослаштиришни талаб қилишнинг имконини беради. Шунинг учун вояга етмаганлар содир этган жиноятлари учун жавобгарликка тортилишлари мумкин ва ёки аксинча, баъзи ҳолларда жиноий жавобгарликка фақатгина вояга етган субъект тортилади.

Бу ҳолатда **вояга етганлик ёши** ўн саккиз ёш ҳисобланади. У фуқаролик қонунчилиги мазмунидан келиб чиқади<sup>1</sup>. Бу шу билан изоҳланадики, қатор жиноятлар маълум бир соҳада буладиган ижтимоий муносабатларга тажовуз қилади ва бу тажовузнинг субъекти фақатгина вояга етган фуқаролар ҳисобланади. Бу ҳолатда сўз бошқарув тартибига қарши жиноятлар, қарбий жиноятлар ва вояга етган фуқароларнинг маълум бир фаолияти билан боғлиқ бўлган жиноятлар тўғрисида боради.

**Кичик ёшдагилар** ўз ҳаракатларининг ижтимоий аҳамиятини англамайди, баъзан эса, уларнинг ҳақиқий характерини тушуниб етмайди ва бу ҳаракатларнинг оқибатини олдиндан кўра билмайди. Буларга умумий жиноят ёшига (16 ёш) тўлмаган шахслар, шунингдек, жиноят субъекти ўн олти ёшдан кичик бўлиши мумкин бўлган, аммо ўн тўрт ёшгача бўлган жиноятларни содир этишда айбланмаган шахслар тегишлидир. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг жиноят тўғрисидаги қонунчилиги вояга етмаганларга нисбатан

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, 22-модда // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 2-сонга илова.

инсонпарварлик тамойилини ўзида акс эттирган жиноий жавобгарликнинг қатор хусусиятларини белгилаб берган (Жиноят кодекси Умумий қисми 6-бўлими, «Вояга етмаганлар жавобгарлигининг хусусиятлари»).

Маъқур қоидалар жиноий жавобгарлик келиб чиқишининг қуйи чегараларини белгилашда қўлланилади. Шунга кўра, қонунда кўрсатилган ёшга тўлган акли расо жисмоний шахс сифатидаги жиноят субъекти, ҳатто катта ёшда (60–70 ва х.к.) бўлса ҳам, жиноий жавобгарликдан озод қилинмайди. Бирок, суд ҳар бир алоҳида ҳолатда Жиноят кодексининг 54-моддаси (шарҳга қаранг) талаблари асосида жиноий жазони индивидуаллаштириш ва уни тайинлашда жиноят содир этган шахснинг юқори ёшини эътиборга олади. Шундай қилиб, жиноий жавобгарлик вужудга келишининг юқори чегаралари ҳам қонунда аксини топади.

4. Ҳар бир иш бўйича мажбурий тартибда ижтимоий хавfli қилмиш содир этган шахснинг аниқ ёши ўрнатилиши лозим. Жиноят кодексида кўрсатилган ижтимоий хавfli ҳаракат ёки ҳаракатсизлик содир этган вояга етмаган шахснинг ёши жиноят-процессуал қонунчилиги асосида ўрнатилади (ЖПКнинг 548-моддаси)<sup>1</sup>. Жиноий жавобгарликка тортилаётган вояга етмаган шахснинг туғилган йилини, ойини ва кунини аниқлаш керак. Айни вақтда, шу нарсани эътиборда тутиш керакки, шахс туғилган кунидан бошлаб эмас, балки туғилган куни ўтганидан сўнг, яъни эртаси куннинг ноль соатидан бошлаб жиноят учун жавобгарлик бошланадиган ёшга тўлган деб ҳисобланади. Бу вояга етган, лекин ёшини тасдиқловчи ҳужжатларга эга бўлмаган шахсларга ҳам тегишли ҳисобланади.

«Судлар ишда, албатта, вояга етмаганларнинг туғилиш гувоҳномаси ёки паспортдан фотонусха мавжудлигига аҳамият беришлари керак. Ишда бундай ҳужжатлар йўқлиги аниқланган тақдирда, суднинг ўзи бундай камчиликни

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори 21-сонли қарори, 5-банди 1-қисми.



бартараф қилиши зарур». Иш материалларида вояга етмаган ва вояга етган шахсларнинг ёши туғрисидаги хужжатлари бўлмаган тақдирда, уларнинг ёши суд-тиббиёт экспертизаси томонидан аниқланади. «Судланувчининг ёши суд-тиббиёт экспертизаси томонидан аниқланаётганда, унинг туғилган куни экспертлар аниқлаган йилнинг охириги куни ҳисобланади. Ёш энг кам ва энг кўп йиллар миқдори билан аниқланганда, суд экспертлар томонидан белгиланган энг кам ёшдан келиб чиқиши лозим»<sup>1</sup>.

**5. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисми** ижтимоий хавfli қилмиш содир этгунга қадар ўн тўрт ёшга тулган шахснинг жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган жиноятларнинг аниқ чегарасини ўрнатган. Берилган барча жиноятларнинг таркиби айбнинг қасд шаклини назарда тутати ва бу тажовузларнинг кўпчилиги шахсга, унинг яшаш ҳуқуқига, соғлиғига, шахсий дахлсизлигига, мулкий манфаатига, жамоат хавфсизлиги ва тартибига қарши қаратилган жиноятлар ташкил этади. Берилган таркибларнинг кўпчилиги оғирлаштирувчи ёки алоҳида оғирлаштирувчи ҳолатлар билан кўрсатилади.

7. Шахс жиноий жавобгарликка тортиладиган ёш ҳақидаги умумий қоидалардан истисно, яъни, ўн тўрт ёшдан ўн олти ёшгача шахслар жиноят субъекти бўлиши мумкин бўлган жиноят таркиби шундай заруратдан келиб чиққанки, берилган жиноят таркиблари ижтимоий хавфи юқори бўлган жиноятларни тавсифлайди. Улар оғирлаштирувчи ҳолатларни назарда тутадиган оғирлаштирувчи ёки алоҳида оғирлаштирувчи жиноят таркибларини ўз ичига олади. Бундан ташқари, шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмида санаб ўтилган жиноятлар икки объектга тажовуз қилувчи мураккаб таркибли жиноятлар ҳисобланади ёки тажовузни амалга ошириш, айбнинг мураккаб шаклини ташкил этувчи қандайдир ижтимоий хавfli оқибатлар келтириб

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти туғрисида»ги қарори 21-сонли қарори, 5-банди 1-қисми.

чиқаради ёки бу объектларга тажовуз бошқа мустақил жиноятни содир этиш орқали амалга оширилади. Масалан, ўсмир ўн беш ёшида оммавий тартибсизликларда (Жиноят кодексининг 244-моддаси) иштирок этса, уни бу норма орқали жавобгарликка тортиш мумкин эмас, чунки бу жиноят учун жавобгарлик ўн олти ёшдан вужудга келади. Шу билан биргаликда, оммавий тартибсизликлар Жиноят кодексининг бошқа моддаларида кўрсатилган шахсга қарши зўравонлик ҳаракатлари, босқинчилик, ўт қўйиш, мулкка зарар етказиш ёки йўқ қилиш ҳамда бошқа ҳаракатлар билан кузатилади ва улар учун жавобгарлик ёши ўн тўрт ёш қилиб белгиланган. Бундан келиб чиқадики, ўсмир қандай фактик ҳаракатлар содир этганидан қатъи назар, унинг ҳаракатлари шу нормалар орқали квалификация қилиниши керак.

**8. Шарҳланаётган модданинг учинчи қисми** жиний жавобгарлик ўн саккиз ёшдан белгиланган Жиноят кодекси муайян моддалари таркибларининг аниқ миқдорини ўрнатади.

Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида кўрсатилган кўпгина жиноят таркиблари айбдор шахснинг касбий ёки хизмат фаолияти билан ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан тўғридан-тўғри келиб чиқадиган мажбуриятлар билан у ёки бу тарзда боғлиқ. Хусусан, вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш (Жиноят кодексининг 122-моддаси) ёки аксинча, ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш (Жиноят кодексининг 123-моддаси) жиноят турлари учун жиний жавобгарлик айбдор шахсларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси кўрсатмаларидан келиб чиқадиган мажбуриятлари<sup>1</sup> ёки ҳарбий хизмат фуқароларнинг вояга етиши билан ўташи керак бўлган мажбурияти ҳисобланади<sup>2</sup>. Табиийки, вояга етганлик шarti бўлгандагина, бу кўрсатмалар бузилиши мумкин.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 64, 66-моддалари.

<sup>2</sup> Уша манба, 52-модда.

**9. Шарҳланаётган модданинг тўртинчи қисми** кўриладиётган модданинг иккинчи ва учинчи қисмларида келтирилган жиноят таркиблари аниқ бўлган қондани ўрнатади, берилган қисмларда санаб ўтилмаган бошқа жиноят таркибларининг субъектлари жиноий жавобгарлик вужудга келишининг умумий ёшига ўн олти ёшга тўлган шахслар ҳисобланган жиноятлар тааллуқли. Бироқ, кўпгина жиноят таркиблари вояга етмаган шахсларнинг жиноий жавобгарлиги вужудга келишини ақс эттиришига қарамай, жиноят қонунчилиги вояга етмаганларга нисбатан бу жавобгарликнинг ўзига хосликларини ақс эттиради. Хусусан, бундай ҳолатларда вояга етмаганлар жавобгарлиги ўзига хосликларини тартибга солувчи нормалар ўрнатилган Жиноят кодекси Умумий қисмининг 6-бўлими талаблари ҳисобга олинади.

Вояга етмаган шахсларга нисбатан жиноий жазо тайинлашнинг ўзига хосликларига эга махсус нормалар ўн саккиз ёшга тўлган, яъни вояга етган шахсларга нисбатан жиноий жавобгарликни назарда тутувчи умумий нормалардан фарқли равишда жиноий жавобгарликнинг енгиллиги билан ажралиб туради.

### 18-модда. Ақли расолик

Жиноят содир этиш вақтида ўз ҳаракатларининг (ҳаракатсизлигининг) ижтимоий хавfli хусусиятини англаган ва уларни бошқара олган шахс ақли расо шахсдир.

Ижтимоий хавfli қилмишни содир этиш вақтида ақли норасо ҳолатда бўлган, яъни рухий ҳолати сурункали ёки вақтинча бузилганлиги, ақли заифлиги ёхуд рухий ҳолати бошқача тарзда бузилганлиги сабабли ўз ҳаракатларининг (ҳаракатсизлигининг) аҳамиятини англай олмаган ёки уларни бошқара олмаган шахс жавобгарликка тортилмайди.

Ақли норасолик ҳолатида ижтимоий хавfli қилмиш содир этган шахсга нисбатан суд томонидан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари тайинланиши мумкин.

---

## ШАРҲ

---

1. Жиноят субъектининг белгилари сифатида қонун томонидан ўрнатилган жиноят содир этган шахснинг ёши ва ақли расолиги ўзаро узвий боғлиқ бўлиб, улар бир-бирини тулдириб туради. Ақли расолик ва ёш жиноят ҳуқуқий тушунча сифатида нафақат жиноят субъектини, балки жиноят таркибини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга. Қонунга кўра, ақли норасо деб топилган шахс жиноятнинг субъекти бўла олмайди ва у ҳаракатларида жиноят таркиби бўлмаганлиги сабабли жиноий жавобгарликка тортилмайди. Шунга кўра, ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахснинг айбдорлиги ва жиноий жавобгарлиги тўғрисидаги масала қолдирилади.

Ўз қилмишининг фактик томони ва бунда ўз иродаси, ҳаракатларини онгли бошқара олиш ақли расо шахсни ақли норасодан ажратиб туради.

Жиноят субъекти фақатгина онг ва иродаси бор, яъни ақли расо шахс бўлиши мумкин. Жиноят субъектининг белгиси сифатида ақли расолик шахснинг муайян ривожланиш босқичидаги қобилияти, ижтимоийлашувидан келиб чиқувчи, ёшидаги ва жиноят содир этиш вақтидаги руҳий жиҳатдан соғлиги ҳамда ҳаракатлари учун ўз-ўзига ҳисоб бериши ва уларни бошқариши, кейинчалик жиноий жавобгарлик ва жазони ўташдаги руҳий ҳолати сифатида белгиланади.

2. Шарҳланаётган модданинг биринчи ва иккинчи қисмларини таққословчи таҳлилдан келиб чиқиб, хулоса қилиш мумкинки, ақли расолик инсоннинг муҳим ва ажралмас хусусиятларидан бири бўлиб, ақли норасоликка нисбатан бир қадар кенг ва айни пайтда ихчам тушунча ҳисобланади. Ақли расо деб, нафақат руҳий жиҳатдан соғлом шахс, қандайдир руҳий бузилиши бўлган, аммо жиноят содир этиш вақтида ўз ҳаракатларини у ёки бу шароит ёки ҳолатда онгли ва тўғри баҳолай олиш имкониятига эга шахс ҳам топилиши мумкин. Бу ҳолатда сўз суд-психиатрия ва суд тергов амалиётида бўлган шахснинг ўз жиноий ҳаракатларини англаш ва уларни бошқариш қобилиятини йўқотмайдиган руҳий ҳолатнинг

бузилиши туғрисида боради. Қонунбузарлик содир этган ва ўз руҳий ҳолатига нисбатан шубҳа туғдирган шахснинг ақл норасолигини аниқлаш зарурати чет эллик психиатрлар учун ҳам амалий аҳамиятга эга. Ақли норасолик муаммосига ва жинойий ҳаракатлар сабабларига қарашларнинг ҳар хиллиги, кишининг жинойий ҳаракат сабаблари детерминизациясига ижтимоий ва биологик нисбатда, ҳар хил услубий ёндашишни акс эттиради. Ҳатто тиббий мазмунда «руҳий носорлом»лиги тасдиқланган жиноят субъекти ақли расо бўлиши мумкин. Бунда сўз, нафақат, руҳиятнинг «чегара» ҳолатлари ҳақида, балки сурункали касалликлар ҳақида боради, айнан: шизофрения (ремиссия ҳолатларида), эпилепсия (тутқанокдан олдин) ва бошқа ҳолатларда.

Шу билан биргаликда, амалиётда ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахснинг ақли расолигига нисбатан ҳар қандай шубҳалар, қачонки, унинг ўзини тутиши ўз-ўзини бошқаришига туғри келмаса, ташқи омилларга нотуғри реакция ва бошқалар, айбсизлик презумпцияси мазмунидан келиб чиқиб, шу шахснинг фойдасига ҳал қилинади.

Бу ҳолатларда ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсга нисбатан дастлабки терговда унинг руҳий ҳолатини аниқлаш учун жиноят-процессуал қонунчилигига кўра, мужбурий тартибда суд-психиатрия экспертизаси утказилади<sup>1</sup>. Кейинчалик, жиноят содир этган шахснинг ақли расолиги туғрисидаги масалани ҳал қилиш суд-психиатрия хулосаси асосида суд томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 446-моддасига кўра амалга оширилади.

3. Суд таянадиган ва улар асосида суд-психиатрия экспертиза хулосаларига асосланадиган ақли норасолик шартлари Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 18-моддасида берилган. Ақли норасолик формуласи юридик ва тиббий мезонларга эгадир.

Ақли норасоликнинг юридик мезони қонунда ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)нинг жамиятга хавфини ва

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси, 173-модда 1-қисми 4-банди // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 2-сон.

далилий тавсифини ҳис эта олмаслик ёки уларни бошқара олмаслик сифатида шакллантирилган. Шахсни ақли норасо деб топиш учун ҳар икки мезон бир вақтда мавжуд бўлиши шарт. Ҳар қандай ишдаги юридик кўрсаткич, яъни жиноятни содир этган шахс ҳақиқатан ўз ҳаракати ва унинг оқибати учун жавоб бера оладими ёки йўқми, деган масала суд томонидан тўлиқ аниқланиши керак.

**Юридик мезон** икки белгини характерлайди: интеллектуал (ўз ҳаракатлари тавсифини ҳис эта олмаслик) ва иродавий (ўз ҳаракатларини бошқара олмаслик).

Юридик мезоннинг интеллектуал белгиси шуни билдирадики, бунда шахс ўз ҳаракатини, унинг ғайриқонуний ва жамоат учун хавфли эканлигини тушунмайди. **Интеллектуал белги**га жиноят содир этиш вақтида шахснинг содир этаётган қилмиши фактик хусусиятини ва ижтимоий хавфини англаш қобилияти сифатида қаралади.

Юридик мезоннинг **иродавий белгиси** шахснинг жиноий қилмиш содир этиш вақтидаги ўз ҳаракатларини бошқара олиш қобилиятини, яъни ўзининг ички хоҳиши ва ишончи орқали ўз иродасини бошқариш қобилиятини англатади.

Шахснинг у томонидан содир этган жиноий қилмишини тушуниш қобилияти ва буни содир этиш жараёнида онгли қарор қабул қилиши жиноят субъектини қасддан ёки эҳтиётсизликдан ижтимоий хавфли қилмиш содир этганликда айбланиш учун етарли асос бўлиб хизмат қилади. Бу, ўз навбатида, айб учун жавобгарлик принципида (Жиноят кодексининг 9-моддаси) бевосита ўз аксини топган.

Интеллектуал ва иродавий белгилар, албатта, биргаликда олиб қаралиши зарур.

4. Ақли расоликнинг **тиббий мезони** суд-психиатрия экспертизасидан келиб чиқиб аниқланади, зеро, бу жиноят содир этишда айбланаётган шахснинг тиббиёт нуқтаи назаридан биологик ва психологик бутунлиги, фикрлаш жараёнининг меъёрда эканлиги ва бошқа фикрлаш фаолиятининг ўзига хосликларини англатади.

Ақли расоликнинг тиббий мезони сорлом инсоннинг психик ва тиббий нуқтаи назардан рухий ҳолатини акс эттиради. Бу

мезон инсонлар ҳолатини турли хил жихатлардан кузатиш орқали аниқлаш билан боғлиқ, яъни:

- ақли расоликни истисно қилмайдиган муайян руҳий бузилишга эга бўлган шахслар;
- руҳий бузилишлар билан боғлиқ бўлмаган интеллектуал ривожланишдан ортда қолиш ҳолатлари аниқланганлар;
- бошқа психофизиологик ўзига хосликлар билан характерланадиганлар.

Лекин, суд-психиатрия экспертизаси ҳамма вақт ҳам ақли расолик ва ақли норасоликнинг тиббий ва юридик мезонларини ва уларнинг бир-бирига тўғри келишини аниқ ақс эттирувчи маълумотларга эга бўлмайди. Тиббий мезонлар психик ҳолати ўз қилмишларининг ижтимоий хавфли хусусиятини тулиқ англашга ва уларни бошқаришга имкон берган норма ҳамда ҳолатнинг патологияси чегарасидаги инсонларни характерлайди.

**5. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисми** ақли норасолик масаласини ҳамда унинг ўзига хос белгилари ва томонларини куриб чиқади.

Ижтимоий хавфли қилмишни содир этиш вақтида ақли норасо ҳолатда бўлган, яъни руҳий ҳолати сурункали ёки вақтинча бузилганлиги, ақли заифлиги ёхуд руҳий ҳолати бошқача тарзда бузилганлиги сабабли ўз ҳаракатларининг (ҳаракатсизлигининг) аҳамиятини англай олмаган ёки уларни бошқара олмаган шахс жавобгарликка тортилмайди (Жиноят кодексининг 18-моддаси иккинчи қисми). Лекин бу ақли норасо шахсга қилмиши учун ҳеч қандай чора кўрилмайди, дегани эмас. У жинойи жавобгарликка тортилмаслиги ва унга нисбатан жинойи жазо тайинлаш мумкин бўлмагани туфайли, унга фақатгина тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланиши мумкин. Онгли ва мақсадли ҳаракатларнинг бўлмаслиги ақли норасо шахснинг қилмишини квалификация қилишнинг ўзига хос хусусиятини шартлайди.

**Ақли норасолик** деб бунда шахснинг жиноят содир этиш вақтида содир этаётган ҳаракатлар (ҳаракатсизлиги)нинг ижтимоий хавфли хусусиятини англамайдиган ва бошқара олмайдиган, ўз навбатида, жинойи жавобгарликни истисно қиладиган ҳолатларга айтилади.

Ақли норасоликда руҳиятнинг касаллик жараёнлари туфайли, қоидага кўра, мианинг қабул қилиш функцияси бузилади, бунинг натижасида, одатда, онгнинг муҳим сифати – англаш йўқолади.

6. Ақли норасолик ҳам ақли расолик каби икки мезон мажмуини ўз ичига олади:

- тиббий (биологик ва психиатрик);
- юридик (психологик).

Шу ўринда, таъкидлаш лозимки, жиноят содир этган шахс нафақат руҳий ҳолати бузилган бўлиши, балки бундан олдин ҳам руҳий бузилиш ҳолатида бўлган бўлиши керак, яъни эътибор шахснинг жиноят содир этиш пайтидаги оддий касаллик ҳолатига эмас, балки руҳиятнинг касаллик ҳолатига қаралади.

**7. Тиббий (биологик ва психиатрик) кўрсаткичларга** эга бўлган руҳий ҳолатнинг бузилишлари қуйидагилардан иборат:

- руҳий ҳолати сурункали бузилганлиги;
- руҳий ҳолати вақтинчалик бузилганлик;
- ақлнинг пастлиги;
- руҳий ҳолат бузилишининг бошқа ҳолатлари.

Тиббий мезонни ўрнатиш учун қонунда кўрсатилган бирон-бир руҳий ҳолати бузилишининг хоҳлаган гуруҳидан ақалли биттаси мавжуд бўлиши лозим. Шу билан бир вақтда, тиббий мезоннинг мавжуд бўлиши ўз-ўзидан ақли норасолик ҳақида гувоҳлик бермайди, шунингдек, унда юридик мезон ҳам бўлиши лозим.

8. Суд психиатрияси ва жиноят ҳуқуқида **руҳий ҳолатининг сурункали бузилишларини** амалда даволаб бўлмайдиган ёки қийин даволанадиган руҳий ҳолатнинг бузилишлари тааллуқлидир. Мазкур касалликлар ривожланиш ёки ўтиб кетиш хусусиятига эга. Улар касал руҳиятини чуқур ва турғун ўзгаришларга олиб келади.

Суд психиатриясида бундай **руҳий ҳолатининг сурункали бузилишлари** деб, қуйидагилар қабул қилинган: шизофрения, эпилепсия, маниакал-депрессив психоз, мия сифилиси, прогрессив фалажлик, қариллик ақли заифлиги, эпидемик энцефалит ва бошқа қийин даволанадиган ёки умуман даволаб бўлмайдиган руҳий бузилишлар.



**Шизофрения** – энг кўп тарқалган рухий ҳолатнинг бузилиши ҳисобланади. Бирок бу касаллик жиноят содир этиш вақтида шахснинг ақли расолигини истисно қилмайди. Бемор томонидан жиноят содир этилганда унинг ақли расолиги тўғрисидаги масала юридик мезонини ва тегишли вазиятни, шунингдек айни пайтда унинг рухий ҳолатига таъсир қилган бошқа ҳолатларни инобатга олган ҳолда ҳал қилинади<sup>1</sup>.

**Эпилепсия** («йиқилиб тушадиган касаллик») бу мушакларнинг тортишуви ва тортишувисиз борадиган пароксизмлардан, психозлар, чуқур даражадаги ақли заифликка олиб келадиган, ўзига хос шахс ўзгаришидан ва клиник кўринишидан иборат бўлган касаллик. Берилган гуруҳдаги рухий ҳолатнинг бузилишлари орасида суд психиатрия амалиётида кенг тарқалганлик бўйича эпилепсия шизофрениядан кейинги иккинчи касаллик ҳисобланади. Касалдаги тутқаноклар сони ҳар хил, тўсатдан турли пайтда ва турли жойда бўлиши мумкин, яъни ҳаёти давомида бир мартадан то суткасига бир неча мартагача. Қондага кўра, касаллар тутқаноқ пайтида ҳушидан кетади, ўзига келгач эса, ҳеч нарсани эслай олмайди. Эпилепсияга гумон қилинганда бемор махсус шифохонада узок вақт кузатувда ва текширувда бўлиши зарур. Айбланувчи эпилепсия билан ҳасталанганда, ақли норасо деб топилса, уни мажбурий даволашга юборилади. Агар беморнинг руҳиятида яққол ўзгаришлар бўлмаса ва қонунбузарлик пароксизм вақтида содир этилмаган бўлса, унда жиноят содир этган вақтда ақли расо, деб топилади. Бундай беморлар жазони ўташ жойларида такрор қонунбузарлик қилмаслиги учун жазо муддатини ўташ чоғида эпилепсияга қарши даволаш муолажалари олиб борилади. Шу билан бирга, эпилепсияда шизофрениядоги каби, жиноят содир этиш вақтида шахснинг ақли расолиги истисно этилмайди<sup>2</sup>.

**Маниакал-депрессив психоз** – депрессив ва маниакал шаклдаги фазаларда ўтадиган касаллик. Биринчи ҳолатда, маниакал фаза юқори кайфият ва ҳаддан ташқари

<sup>1</sup> Қаранг: Судебная психиатрия. М., 1986. Б. 139.

<sup>2</sup> Ушл манба, Б. 154–155

ҳаяжонланиш билан, иккинчи депрессив фазада – кайфиятнинг тушиши, меҳнат қобилиятининг пасайиши, ўз-ўзига ишончсизлик, соматик ва вегетатив ўзгаришлар билан характерланади<sup>1</sup>.

**Прогрессив фалажлик**ка келсак, бу одатда, сифилис билан касалланганларнинг 1–5 фазсида 10–12 йил ўтгандан сўнг кузатилади ва қондага кўра, тез ўсувчи акли заифлик ва неврологик бузилишлар билан характерланади. Прогрессив фалажликда миянинг оғир хасталаниши кузатилади, қайсики, мия сифилиси руҳий ҳолатнинг бузилишидек бирмунча енгил шаклга эга<sup>2</sup>.

9. Тиббий мезоннинг иккинчи гуруҳини биринчи гуруҳдаги руҳий ҳолатнинг бузилишларига таққослаганда, қисқа муддатда ўтадиган ва даволаб бўладиган **руҳий ҳолатнинг вақтинчалик бузилишлари** ташкил қилади. Кўпгина ҳолларда бу касалликлар тўсатдан пайдо бўлиши ва касалнинг тўлиқ соғайиши билан тугайди.

Бундай бузилишларга психиатрияда **истисно ҳолатлар**, деб номланадиган, ташки муҳит билан боғлиқ тўсатдан пайдо бўладиган онгнинг қисқа муддатли бузилишлари тааллуқли. Касалликнинг бошқа ҳолатлари инсон руҳиятининг руҳий ҳолати бузилишларидан ташқари ҳолатлардир (масалан, гиёҳвандлик воситасини, унинг аналогини вақтинча истеъмол қилмаслик туфайли рўй берадиган руҳий ҳолат, юқумли касаллик вақтидаги руҳий етишмаслик).

Касалликнинг истисно ҳолатларига қуйидагилар киради:

- оддий алкогольли маст бўлишдан фарқлаш лозим бўлган патологик алкогольли мастлик;
- патологик аффект;
- онгнинг ғира-шира ҳолати;
- «қисқа уланиш реакцияси»;
- патологик уйқу ҳолати, шунингдек, алкогольли психоз ва бошқ<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Қаранг: Судебная психиатрия. М., Б. 167–168

<sup>2</sup> Ўша манба, Б. 218–221.

<sup>3</sup> Ўша манба, Б. 298.

Рухий бузилишларнинг берилган ушбу гуруҳи касал рухий фаолиятининг айнан қисқа муддат бузилиши билан характерланади, қайсики, ҳар бир жиноят содир этган муайян шахснинг ақли расолиги ёки юридик мезон мавжуд бўлганда, ақли норасолиги истисно этилмайди.

**Патологик мастлик** — ўткир қисқа муддатли ўтадиган рухий бузилишлар гуруҳига тааллуқли бўлиб, онгнинг ғира-шира бузилишлари, алаҳсираш ва ўраб турган атрофни бузиб қабул қилиш билан тавсифланади. Бу ҳолат бир неча минутдан бир неча соатгача давом этиши мумкин ва оддий алкоғолли мастликдан фарқ қилади. Одатда, бу алкоғоли интоксикация (хумор) пайтида келиб чиқади. Патологик мастликка ташхис қўйишда текширилувчининг қонунбузарликдан сўнг ўзини тутиши, хатти-харакати муҳим аҳамиятга эга. Оддий мастлик ҳолатидаги шахслар қўлга олинганида қаршилик кўрсатишади, милиция ходимлари билан жанжал қилишади. Мастликнинг патологик турини бошидан кечирган одамда бундай бўлмайди.

Ўз навбатида, **патологик аффе́кт** руҳан жароҳатлантирувчи омиллар (яқин қариндошининг ўлими, оғир ҳақоратланиш, мулкий шикаст етказилиши ва бошқалар), яъни оғир рухий таъсирланиш ёки ҳаяжонланиш билан боғлиқ руҳиятнинг қисқа муддат бузилиши билан характерланади.

**Онгнинг ғира-шира ҳолати** истисно ҳолатлар тури сифатида бир шахсда такроран келиб чиқиши мумкин. Бу рухий ҳолат касалнинг ўзини ижтимоий хавфли тутишини белгилови алаҳсираш, галлюцинация, жаҳл, ғазаб билан давом этади.

«**Қисқа уланиш**» **реакцияси**, шунингдек, рухий жароҳатлантирувчи зўриқиш ҳолати билан боғлиқ. Бу рухий ҳолатнинг бузилиши онгнинг бузилишида ёки тўсатдан бўладиган импульсив ҳаракатларда намоён бўлади, бу эса, атрофдагилар учун хавф туғдириши мумкин. «Қисқа уланиш» реакцияси рухий жароҳатловчи ҳолат узок давом этиши ва аффе́ктив танглик разрядининг интенсив ва узок таъсири натижасида, ваҳимали хавотир, нохушликни кутишга, субъектнинг бутун диққат-эътибори қаратилган ҳолатда келиб чиқади.

**Алкоғолли психозлар** орасида оқ сўзак касаллиги тез-тез учрайди, одатда, у алкоғолизм билан касалланган шахсда

спиртли ичимликларнинг узок интоксикацияси тўхтагач, икки-уч кундан сўнг пайдо бўлади. Алкогол психозлар модда алмашинуви бузилиши билан сурункали захарланишлар натижасида ички аъзоларининг шикастланишига олиб келганда ривожланади.

Оқ сўзак кўпинча кўриш ва эшитишдаги галлюцинация, агрессив ҳаракат ва қаттиқ ҳаяжонланишлар билан кузатилади. Оқ сўзак (белая горячка) умумий юқумли касалликлар давридаги руҳий ҳолатнинг бузилишидир. Бу пайтда касал хужум қилиши ёки «ғаразли» душманлардан ва «кузатувчилардан», ҳар хил зараркунандалардан, ҳашаротлардан, ҳайвонлардан ҳимояланиши мумкин, шунингдек, ижтимоий хавфли қилмиш содир қилиши мумкин.

Алкоголли галлюциноз, қоидага кўра, касал онгининг сақланиши орқали уни доим кузатиб юрувчи кўриш ва эшитиш галлюцинацияси мавжудлиги билан фарқланади. Ўз навбатида, алкоголли параноид алкоголли психознинг тури сифатида нафақат галлюцинациялар билан, балки касалнинг онги сақланса-да, кузатиш, захарлаш, рашк, уч олиш, алахсирашлар кузатилиши билан характерланади.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, бу гуруҳдаги вақтинчалик руҳий бузилишлар мавжуд бўлганда ақли норасолик туғрисидаги масала тиббий мезон биринчи гуруҳидаги руҳий ҳолатнинг бузилишларидаги каби касаллик ўтишининг ҳамма кўрсаткичлари ва касалнинг ўраб турган шароитда туғри ҳаракатланиши ҳамда ўзини бошқара олиш қобилияти ҳисобга олинган ҳолда ҳал қилинади.

10. Тиббий мезоннинг учинчи гуруҳини **ақли заифлик** (олигофрения) ташкил этади. Олигофрения – туғма ақл заифлиги. Олигофрениaning клиник белгилари, нафақат руҳий етишмовчилик, балки, умуман, тана аъзоларининг болаликда яхши ривожланмаганлиги қайд этилади.

Психиатрияда олигофрения ёки туғма ақли заифлик деганда, туғилиш вақтида миyaning жароҳатланиши билан шартланадиган ёки бола руҳиятининг касаллик ҳолатлари натижасида гўдакликда орттирилган патологик ҳолат тушунилади. Бошқача қилиб айтганда, бу – туғма ёки туғилиш

вақтида инсон рухий ҳолатининг ишдан чиқишидир. Ақли заифлик кўпинча, нафакат, миянинг органик ўзгариши натижасида, балки ҳар хил жароҳат, инфекция ва касалликлар оқибатида фикрлаш, ақлий қобилият, эслаш, диққатни тўплаш инсон рухий функцияларининг ривожланмай қолиши билан тавсифланади.

«Ақли заифлик» – рухий фаолиятнинг ҳар томонлама чуқур заифлашувиغا олиб келадиган ҳолатларни бирлаштиради. Ҳар икки ҳолда ҳам ижтимоий кўникмаларнинг яққол бузилиши ёки имконсизлиги юз беради. Ақли заифликнинг энг асосий белгиси умумий рухий номукамаллик ҳисобланади<sup>1</sup>.

Туғма ёки орттирилган ақли заифлик оғирлик даражасига кўра, уч турга бўлинади:

- дебиллик (енгил шакли);
- имбециллик (ўрта шакли);
- идиотия (оғир шакли).

**Дебиллик** – ақли заифликнинг энг енгил ва кенг тарқалган шакли. У кўпгина ҳолларда шахснинг ҳар хил жинойий қилмишлар содир этишда ақли расолигини истисно этмайди, чунки улар муайян шароитда ўз қилмишларининг хусусиятини англай оладилар ва бошқара оладилар. Ақли заифликнинг бу шаклида шахсда тафаккурнинг етишмаслиги ва фикрлай олиш қобилиятининг бўлмаслиги ёки фикрлашнинг соддалиги кузатилади.

**Имбециллик** – туғма ёки орттирилган ақли заифликнинг енгилроқ даражасини акс эттиради. Бу касалликка чалинганлар атрофдагилар учун муайян хавф туғдиради ва касаллик ўткирлашган даврда ҳар хил жиноятларни содир этишга мойил бўладилар. Кўпинча бу ижтимоий хавфли ҳаракатлар уларнинг англамаслиги билан тавсифланади.

**Идиотия (телбалик)** – ақли заифликнинг энг оғир шакли. Бу касалликда шахснинг нутки ва бошқа рухий функциялари деярли умуман бўлмайди. Одатда, бундай касаллар стационар даволанишда, доимий қараб туришга муҳтож бўлишади. Ташқи омилларнинг қўзғалиши ва таъсир этиши натижасида касаллар атрофдагилар ва ўзига нисбатан

<sup>1</sup> Қаранг: Судебная психиатрия. М., 1986, Б. 249–250; Б. 351–352.

ёввойилашиб кетиши мумкин, шунингдек, жиноят содир этишга мойил бўлишади. Кўпинча, бу гуруҳ касаллар жиноят содир этишда, суд-психиатрия экспертизаси ҳулосаси асосида ақли норасо, деб топилади.

11. Тиббий мезон руҳий ҳолатнинг бузилишларининг тўртинчи гуруҳини **руҳий ҳолати бошқача тарзда бузилганлиги** билан ифодалайди.

Қонун чиқарувчи **руҳий ҳолати бошқача тарзда бузилиши** деганда, исталган касаллик турларини эмас, фақатгина шахснинг руҳияти бузилиши касалликлари билан боғлиқ бўлган ва руҳий ҳолати бузилган шахсни ақли норасо, деб топиш учун асос ёки сабаб бўлиши мумкин руҳий бузилишларни назарда тутаяди. Бу касалликлар, қондага кўра, руҳиятнинг вақтинчалик турли бузилишлари билан кузатилади, аммо сурункали ёки вақтинчалик руҳий ҳолатнинг бузилиши ҳисобланмайди, фақат ўзининг психопатологик белгилари ва хусусиятларига, касаллик ўтишига боғлиқ ҳолда уларга тенглаштирилиши мумкин.

Бундай руҳий ҳолат бузилишларига туғма ёки орттирилган кўринишдаги ҳиссий-иродавий томонининг бузилиши билан тавсифланадиган психопатиянинг шакли тааллуқли; оғир инфекцион руҳий ҳолат бузилишларидан кейин бўладиган турли руҳий бузилишлар; гиёҳвандлик ҳумор қилган даврда гиёҳвандларда бўладиган асаб-руҳий бузилишлар, тулик кўзи ожизлик ва карлик билан боғлиқ шахснинг руҳий ўзгариши. Санаб ўтилган руҳий бузилишлар ёки руҳий ҳолатнинг бузилишлардан исталгани алоҳида олинганда ҳам ақли норасоликнинг тиббий мезонини тан олиш учун етарли ҳисобланади.

12. Руҳий бузилиш (тиббий мезонга) ҳар доим ҳам ақли норасолик ҳолати сифатида қаралмайди. Руҳий ҳолатнинг бузилиши шу даражага етиши лозимки, шахс жиноят содир этиш вақтида ўз ҳаракатларини англамаслиги ёки бошқара олмаслиги керак. Бу ҳолатда сўз ақли норасоликнинг юридик (психологик) мезони ҳақида боради. Негаки, тиббий мезон руҳий ҳолат бузилишининг моҳияти ва мазмунини аниқлайди.

**Юридик мезон** рухий бузилишлар оғирлигини психологик тушунчалар орқали аниқлайди ва бу билан судга эксперт баҳоси натижасини тушунтириб, шахснинг ақли расолигини истисно қилади.

Шундай қилиб, юридик мезон жиноят содир этиш вақтида шахсда ўз ҳаракатларининг фактик хусусиятини ва қилмишининг ижтимоий хавфини англаш (интеллектуал) ва бошқариш (иродавий) имкони йўқлигида акс этади. Юридик мезонни ўрнатиш учун унинг элементларидан бирининг бўлиши етарли: ё интеллектуал ё иродавий. Ушбу шарҳланаётган модда ҳам интеллектуал ва иродавий пайт орасида «ё» боғловчисидан фойдаланиш орқали тасдиқланган.

**13. Интеллектуал пайт** (тафаккурий ҳолат) жиноят содир этиш вақтида ҳаракатларни англай олмаслигини билдиради, яъни бу қандайдир рухий бузилиши бўлган шахснинг у ёки бу муайян шароит ёки ҳолатда ўз жиноий қилмишининг ижтимоий хавфлилиги ва фактик хусусиятини тўла англай олмаслигидир. Рухий ҳолатнинг бузилиши шахснинг нормал фикрлаш фаолиятининг бузилганлиги унга объектив борлиқда ўзини тўғри тутиш ва атроф-ташқи олам ҳодисаларини қабул қилиш имкониятини бермайди. Рухияти бузилган шахс ҳар бир муайян ҳолатда нафақат ўз ҳаракатларини англамайди, балки, улар оқир-оқибат нималарга олиб келишини ҳам тушунмайди. Юридик мезоннинг интеллектуал белгиси жиноят қонунда (ЖКнинг 18-моддаси 2-қисми) қандайдир рухий ҳолатнинг бузилиши сабабли «ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олмаган», деб бежиз кўрсатилмаган.

**14. Таъкидлаш жонзки, амалиётда шундай ҳолатлар борки,** шахс ўз қилмишини англайди, аммо уларни бошқаришнинг имкони бўлмайди, яъни, унинг иродавий ҳолати шикастланган. Бу ҳолатда суз юридик мезоннинг иродавий белгиси тўғрисида боради. Шахснинг ўз ҳаракатларини англай олмаслиги, қондага кўра, иродавий белгининг бўлиши билан – бу ҳаракатларни бошқара олмаслиги билан боғлиқ.

**Ақли порасолиқнинг иродавий белгиси, ўз-ўзини, рухий бузилишлар таъсири остида, яъни рухий ҳолатнинг бузилиши шахснинг ўз ҳаракатларини бошқариш имкониятига**

эга бўлмаслигида кўринади. Рухий ҳолатнинг бузилиши инсон онгини бузиб, унинг бошқа психик функциялари бузилишига ҳам олиб келади. Бунинг натижасида шахснинг нафақат ўз ҳаракатларини англаши ва тушуниши, балки бошқариш қобилияти ҳам йўқолади, масалан, рухий ҳолатнинг бузилишида ўғриликка мойиллиги кучли (клептомания), ўт қўйишга хирс (пиромания), мақсадсиз саёҳатларга интилиш, дайдилик (драдомания), одам ўлдириш ёки ўзини ўзи ўлдиришга интилиш (гомицидомания, суицидомания) каби ҳолатлар пайдо бўлади. Бу рухий ҳолати бузилганлар ўз ҳаракатларини тушуниши ва рухий бузилишлардан бири бўлганда бундай интилиш ва кизиқишларга қаршилиқ қила олмайди, уларни доим кузатиб юради ва тинчлик бермайди.

Шундай қилиб, ақли норасолик ҳолати, тиббий ва юридик мезонлар мажмуини ташкил этиб, жиноят содир этиш вақтида шахсда ё ўз ҳаракатларининг фактик хусусиятини ва ижтимоий хавфини англай олмаслик қобилияти бўлмаслигига (интеллектуал белги) ёки уларни бошқара олиш қобилиятининг бўлмаслигига (иродавий белги) йўл қўяди. Амалиётда шундай ҳолатлар учрайдики, ижтимоий хавфли қилмиш содир этишда юридик мезоннинг интеллектуал ва тиббий белгиси биргаликда шахснинг ақли норасолигини ифодалайди. Бу ҳолатда сўз «идеал» ақли норасолик ҳолати ҳақида боради, қачонки, рухий бузилиш бўлганда шахс ҳуқуқбузарлик содир этган вақтда нафақат ўз ҳаракатларининг фактик хусусиятини ва ижтимоий хавфини англай олмайди, балки, уларни бошқара олмайди ҳам.

Одатда, бу патологик мастлик ёки сурункали рухий бузилишлар ва бошқа касаллик ҳолатларида бўлади. **Ақли норасолик** юридик ва тиббий мезонларнинг бирлиги асосида аниқланадики, ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни жиноят субъекти, деб топмасдан, рухий ҳолатига ҳар томонлама баҳо беришга имкон беради. Бироқ, суд-психиатрия экспертизасининг жиноят содир этиш вақтидаги ақли норасолиги ҳақидаги хулосаси суднинг бу масала бўйича ҳал этувчи қарор чиқариш ҳуқуқига қаршилиқ қилмайди, чунки ақли норасолик мезонларининг бирлиги нафақат шахсга



хуқуқий баҳо бериш учун, балки, қилмиш ва унинг оқибатиға ҳам хуқуқий баҳо бериш учун асос бўлади. Биргина юридик мезоннинг бўлиши шахсни ақли норасо деб топиш учун асос бўлмайди. Юридик мезон тиббий мезоннинг **натижаси** эканлигини ҳам эътиборда тутиш лозим.

Шундай қилиб, жиноят содир этган ва суд тартибида ақли норасо, деб топилган шахслар қонун билан жинойий жазо ва жавобгарликка тортилмайди, ўз-ўзидан, жиноят субъекти ҳисобланмайди.

15. Ақли норасолик жиноят содир этгунга қадар урнатилди. Агар инсон сурункали руҳий бузилиш ҳолатида бўлса, масалан, шизофрения, аммо ижтимоий хавфли қилмиш содир этган пайтда ремиссия ҳолатида, яъни касаллик сезиларли равишда яхшиланган бўлиб, шахс ўз ҳаракатларига ҳисоб бера олса, у ақли расо, деб топилади ва юридик мезон бўлмаганлиги сабабли жинойий жавобгарликка тортилади. Шахс жиноят содир этгандан сўнг унда руҳий бузилиш ҳолатлари аниқланадиган бўлса, шунингдек, унинг ҳаракатлари атрофдагиларга хавф турдириши мумкин, деган хулосага келинадиган бўлса, унга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилиши мумкин. *(ЖКнинг 91-моддаси шарҳига қаранг)*

Агар ақли норасолик вақтинчалик руҳий бузилишлардан келиб чиққан бўлса, жиноят-процессуал қонунчилигига қўра, иш юритиш айбланувчи тўлиқ соғайишигача тўхтатиб турилади. Бунда шахс соғайганда жинойий жавобгарликка тортилиши мумкин ва унга нисбатан жазо қўллаш мумкин, жинойий жавобгарликка тортиш муддатлари чегараси ҳисобга олинади, албатта. *(ЖКнинг 64-моддасига қаранг)*. Агар руҳий ҳолатнинг бузилиши жиноят содир этгандан кейин дастлабки терговда пайдо бўлса ва оғирлашса, бундай шахсга нисбатан суд Жиноят кодексининг 67-моддаси асосида тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллайди, соғайгандан кейин ишни кўриш давом эттирилиши мумкин.

16. Ақли норасолик ҳолатида ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсларга нисбатан суд тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллайди. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш учун суд жиноят қонунида назарда

тутилган ижтимоий хавфли қилмиш содир этганлик фактини, шунингдек, бу қилмиш айнан ақли норасо, деб топилган шахс томонидан содир этилганлиги ва унинг руҳий бузилганлик ҳолати жамият учун хавфлилигини урнатиши лозим. Бу тадбирлар ҳам давлат чораларига киради. Лекин жиноий жазодан фарқи бор. Жазо жиноятчиларга қўлланилади, мажбурий тиббий тадбирлар эса, руҳий ҳолати бузилган шахсларга. Тиббий тадбирлар судланганликни билдирмайди. Психиатрик даволанишдаги шахслар амнистияга тушмайди.

Амалдаги қонунчиликда (ЖКнинг 93-моддаси) кўрсатилган тиббий йўсиндаги мажбурулов чоралари қуйидагилардир:

– яшаш жойи бўйича руҳий-асаб касалликлари диспансерида (туман (шаҳар) психиатрининг хонасида) мажбурий амбулатория кузатувида бўлиш ва даволаниш;

– яшаш жойи бўйича умумий тартибли психиатрия муассасасининг умумий кузатиладиган бўлимида мажбурий даволаниш;

– умумий тартибли психиатрия муассасасининг махсус реабилитация бўлимида мажбурий даволаниш;

– кузатув кучайтирилган руҳий касалликлар шифохонасида мажбурий даволаниш;

– жазони ижро этиш муассасаларининг даволаш-профилактика ёрдами кўрсатиш бўлимларида ҳамда маҳкумларга мўлжалланган ихтисослашган шифохонада мажбурий амбулатория кузатувида бўлиш ва даволаниш.

---

**18<sup>1</sup>-модда. Ақли расоликни истисно этмайдиган тарзда руҳий ҳолати бузилган шахснинг жавобгарлиги**

Жиноят содир этиш вақтида руҳий ҳолати бузилганлиги туфайли ўз ҳаракатларининг (ҳаракатсизлигининг) аҳамиятини тўлиқ даражада англай олмаган ёки уларни бошқара олмаган ақли расо шахс жавобгарликка тортилади.

Ақли расоликни истисно этмайдиган тарзда рухий ҳолати бузилган шахсга нисбатан суд томонидан жазо билан бирга тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари тайинланиши мумкин.

## Ш А Р Х

**1.** Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, жиноят содир этиш вақтида ақли расо деб тан олинган жиноятчиларнинг кўпчилигида рухий ҳолатнинг оғиши (аномалия) (неврозлар, эсипастлик) кузатилган, бу эса бундай шахсларга ўз ҳаракатларининг (ҳаракатсизлигининг) аҳамиятини тўлиқ даражада англай олмаслигига ёки уларни бошқара олмаслигига олиб келади.

**2. ЖК 18<sup>1</sup>-моддаси 1-қисмида** «чекланган ақли расолик» тушунчасига таъриф берилган ҳамда жиноят содир этиш вақтида рухий ҳолати бузилганлиги туфайли ўз ҳаракатларининг (ҳаракатсизлигининг) аҳамиятини тўлиқ даражада англай олмаган ёки уларни бошқара олмаган ақли расо шахс жавобгарликка тортилиши мустаҳкамланган.

Шундай қилиб, **ЖК 18<sup>1</sup>-моддасида** рухий ҳолати бузилганлиги туфайли ўз ҳаракатларининг (ҳаракатсизлигининг) аҳамиятини тўлиқ даражада англай олмаган ёки уларни бошқара олмаган ақли расо шахс содир этган жинояти учун жавобгарликдан озод этилмаслиги қонун билан мустаҳкамланган.

**3. ЖК 18<sup>1</sup>-моддаси 2-қисмига** биноан, ақли расоликни истисно этмайдиган тарзда рухий ҳолати бузилган шахсга нисбатан суд томонидан жазо билан бирга тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари тайинланиши мумкин.

### ◆◆◆◆◆

**19-модда. Мастлик ҳолатида содир этилган жиноят учун жавобгарлик**

Мастлик ҳолатида ёки гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп ёки одамнинг ақл-иродасига таъсир

этувчи бошқа моддалар таъсири остида жиноят содир этган шахс жавобгарликдан озод қилинмайди. Бундай ҳолат шахсни ақли норасо деб топиш учун асос бўлмайди.

## Ш А Р Ҳ

1. Шарҳланаётган моддада интеллектуал-иродавий фаолиятга таъсир қилувчи алкоғолли мастлик ёки наркотик воситалар, уларнинг аналоглари, психотроп ва бошқа моддалар қабул қилганлик таъсири остида ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахс жиноий жавобгарликдан озод этилмаслиги мустаҳкамланган.

Келтирилган моддани шундай тушуниш керакки, бундай одам ўзининг мастлик ҳолатига ўз хоҳиши билан олдиндан мақсад қилиб ва шу ҳолат билан боғлиқ барча оқибатларига рози ҳолда келади. Бундан ташқари, улар ўз ҳаракатларига жавоб бериши ва уларни бошқариши мумкин.

Шу билан бирга, биринчи навбатда, қонун чиқарувчи томонидан киритилган «алкоғолли мастлик» тушунчасининг маъносини очиш мақсадга мувофиқ, чунки айнан шундай ҳолатларда шахслар турли ижтимоий хавфли қилмишлар содир этишади. Мазкур ҳолатда, аввало, оддий мастликни патологик мастликдан фарқлай олиш лозим.

**Физиологик (оддий) мастлик** жиноят субъектининг ҳуқуққа хилоф ҳаракатлари пировардида зарарли оқибатлар келиб чиқишини англамаганлигини тасдиқлаш учун асос бўлиши мумкин эмас. Одатда, физиологик мастлик аста-секинлик билан бошланади. Алкоғол ичимлик ичаётган шахс ўзини шундай ҳолатга ҳеч бир зўрликсиз ихтиёрий равишда солаётганлигини англайди ва тушунади. Шунинг учун, шахс мастлик ҳолатида жиноят содир этса, унинг ақли расолиги жиноий жавобгарликнинг объектив ва субъектив томони асосида истисно этилмайди.

Шу билан бирга, шахснинг интеллектуал-иродавий фаолиятига таъсир қилувчи алкоғолли мастлик, шунингдек, наркотик воситалар, уларнинг аналоглари, психотроп ва бошқа моддалар жисмоний мажбурлаш натижасида келиб

чиққанлиги аниқланса, бу ҳолат жинной жавобгарликка тортиш масаласини ҳал этишда эътиборга олиниши лозим.

Физиологик мастлик ҳолатида объектив борлиқ ва атрофни бузиб қабул қилиш ҳолати бўлмайди, фақат патологик мастликка туғридан-туғри зид бўлган рухий фаолиятнинг вақтинча бузилиши содир бўлади. Бинобарин, физиологик мастликда организмда кечадиган бошқариш фаолияти сусайсада, субъектда атроф-муҳит билан алоқа сақланибгина қолмасдан, унинг ҳаракати, ҳушёр одамдаги каби мақсадли бўлади.

**2. Оддий алкогольли мастлик** шартли равишда уч даражага бўлинади: энгил, ўрта ва оғир.

**Физиологик мастлик**да мастлик даражасидан қатъи назар, руҳиятида баъзи бузилишлар пайдо бўлса ҳам, бироқ улар жиноят содир этиш вақтида, юқорида айтилганидек, содир қилинаётган ҳаракатларини тушуниш ва бошқариш қобилиятининг йўқолишига олиб келмайди. Бу ҳам шахсни жинной жавобгарликдан озод қилмайди.

**Мастликнинг энгил даражасига** атроф-муҳитни қабул қилишнинг пасайиши, интеллектуал фаолият соҳасининг бузилиши, диққатнинг бузилиши, реакция ва фикрлаш жараёнининг секинлашуви, шунингдек, кайфиятдаги мувоzanатнинг йўқолиши ва бузилишлар хос. Мастликнинг энгил даражасидаги шахслар кайфияти тез ўзгарувчан бўлади, бунда кишининг ўз ҳолатига танқидий ёндашиши пасайишини, жинсий мойилликнинг ошишини кузатиш мумкин.

**Мастликнинг ўрта даражасидаги** қоидага кўра, диққат тез бузилади, қабул қилишнинг аниқлиги йўқолади ва фикрлаш жараёни сустлашади. Бу даражадаги маст ҳолатда бўлган шахслар кўпинча жаҳлдор ва агрессив бўладиларки, баъзан бу ҳолат жиноят содир этилишига ҳам олиб келиши мумкин. Оддий алкоголь мастликнинг ўрта даражасида тасаввур қашшоқлашиб, унинг мазмуни кўп жихатдан бир хил бўлади, вазиятга қисман туғри баҳо бериши натижасида кўп ҳолларда агрессив ҳаракатлар қилади.

**Мастликнинг оғир даражасида** бош мия функциясининг жиддий бузилиши кузатилади. Бундай ҳолатда шахсининг

онгли ҳаракат қилиши ва фикрлаш қобилияти йуқолади, агрессив бузғунчилик қилмишларига мойиллик пайдо бўлади. Мастликнинг оғир даражасида мастнинг ҳар хил жойларда чуқур уйқуга кетиши кузатилади. Мастлик ҳолатида кишининг хотирасида бутунлай сақланмайди.

Бундан физиологик мастликнинг исталган даражасида бўлган шахс жиноят субъекти бўлади ва жинойий жавобгарликдан озод этилмайди, чунки, зеро, унинг ҳаракатларида ақли норасоликнинг ҳам тиббий, ҳам юридик мезонлари бўлмайди. Оғир даражага етмаган мастлик ҳолати оддий мастликдан фарқли ўларок, баъзи рухий бузилишлар билан ўтиши мумкин. Бу ҳолатда рухий бузилишлар кучайиб ёки аксинча, пасайиб кетиши, улар пайдо бўлиши кетма-кетлигининг бузилиши ёки оддий мастликка хос бўлмаган белгиларнинг пайдо бўлиши кўзда тутилади.

3. Била туриб, кўп миқдорда алкоғолли ичимлик ичиш натижасида юзага келадиган қисқа муддатли рухий бузилишларни ифодалайдиган физиологик мастлик ҳолатини патологик мастлик ҳолатидан ажрата билиш, шу билан бирга, қисқа муддатли рухий бузилишдан бутунлай фарқ қиладиган оғир даражали физиологик мастликни патологик мастликдан ажрата билиш лозим.

Бу ҳолат мастлик ҳолатида турли хил жиноят содир этган шахсларни жинойий жавобгарликка тортиш ёки патологик мастликдаги ақли норасолик тўғрисида сўз борганда эса, ундан озод қилиш масаласини ҳал қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Психиатрияда патологик мастлик ҳолати – ўткир, қисқа муддатда ўтадиган рухий бузилишлар гуруҳига киради. У алкоғолни нафақат кўп, балки, кам истеъмол қилганда ҳам келиб чиқади. Бу ҳолат учун онгнинг тўсатдан ўзгариши хос ҳисобланади. Патологик мастликнинг клиник суратида, қоидага кўра, онгнинг ғира-ширалик белгилари ва галлюцинация ҳолатида алахсираш хаяжонлари бирлашади, натижада, атрофни бузиб қабул қилиш келиб чиқади.

Патологик мастлик ҳолатида содир этиладиган жинойий ҳаракатлар эътиборга молик қандайдир ҳодисага нисбатан

реакция ҳисобланмайди. Патологик мастлик тўсатдан қандай бошланса, шундай тугайди. Баъзида, у кўпинча уйқуга кўчади, ундан сўнг тулик амнезия бошланади. аммо бўлиб ўтган воқеалар ҳақида баъзи нарсалар эсда қолади.

Патологик мастликда оддий мастликда кузатиладиган қарахатликдан сифат жиҳатдан фарқли равишда онгнинг кескин ўзгариши сезилади. Патологик мастлик қандай тез бошланган бўлса, шунда тез тугайди.

Патологик мастлик ҳолатида бўлган шахснинг ўзини бундай тутиши, аввало, унинг мавжуд атроф-борлиқни бузиб қабул қилиши, мақсадсиз ва агрессив ҳаракатлари билан тушунтирилади. Суд психиатрия амалиётига кўра, патологик мастлик қисқа муддатли психоздир. Агарда, тиббий ва юридик мезонлар мажмуи мавжуд бўлса, бу ҳолатда ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахс ақли норасо, деб топилади. Ўз-ўзидан физиологик (оддий) мастлик ҳолатида ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахс ақли расо деб топилгани туфайли, жиноят субъекти бўлса ва жиноий жавобгарликка тортилса, патологик мастлик ҳолатида эса, суд ақли норасоликни ўрнатса, ушбу шахсга нисбатан жиноий жавобгарлик истисно этилади.

Эксперт-руҳшунос мастликнинг бутун клиник кўри-нишларига таянган ҳолда мастлик ҳолатини аниқлаши мумкин. Клиник шакллари ва психик кўринишлар билан боғлиқ бўлмаган ҳолатлар мастликнинг ташхисини ёки унинг келиб чиқиш сабабларини қисман тасдиқлайди. Патологик мастлик ҳолати ўткир, тез ўткинчи психоз бўлиб, унга хос суд-психиатрик баҳо берилади. Агар патологик мастликни ўтказган шахсда марказий асаб тизимининг органик ўзгаришлари ёки сурункали ичкиликбозлик аниқланган бўлса, унда рухий касалликлар шифохонасида махсус даволаш мақсадга мувофиқ.

4. Шарҳланаётган модда мазмунида мастлик деганда, нафақат, алкохол истеъмол қилиш натижасидан келиб чиқадиган, балки интеллектуал иродавий фаолиятга таъсир қилувчи, гиёҳванд воситалар, уларнинг аналоглари, психотроп ва бошқа моддалар қабул қилишдан келиб чиққан

ҳолат ҳам тушунилади. Мастликнинг кейинги турлари жиноят қонунчилиги учун янгилик ҳисобланади ва тиббий нуқтаи назардан, алкогольли мастликдан сезиларли фарққа эга. Жиноят кодексининг 19-моддасига биноан гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп ёки одамнинг ақл-иродасига таъсир этувчи бошқа моддалар таъсири остида жиноят содир этган шахс, агар у жиноят субъекти ҳисобланса, жинойи жавобгарликдан озод этилмайди.

Гиёҳванд мастлик ҳолати дори шаклидаги ёки дори шаклида бўлмаган гиёҳванд моддалар, уларнинг аналогларини қабул қилиш ёки истеъмол қилиш натижасида келиб чиқади. Бундай мастлик таблетка, кукун, инъекция қабул қилиш, кукунни бурун орқали тортиш, гиёҳванд моддалар, уларнинг аналогларини чекиш билан боғлиқ. Ўзбекистон Республикасининг «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги Қонунига кўра, **гиёҳвандлик воситалари** деб гиёҳвандлик воситалари рўйхатига киритилган ва Ўзбекистон Республикасида назоратга олинган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалар, таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган препарат ва усимликлар тушунилади<sup>1</sup>. Берилган рўйхатлар Вазирлар Маҳкамаси томонидан ўрнатилган тартибда тасдиқланади ва нашр этилади. (*Рўйхат ҳақида батафсил ЖКнинг 271-моддаси шарҳига қаранг*)

Гиёҳванд дори воситаларидан даволаш мақсадларида ҳам фойдаланилади ва касал фуқароларга шифокор кўрсатмаси асосида индивидуал тартибда чиқарилади. Даволаш мақсадларида фойдаланиладиган бу гиёҳванд моддалар Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 12 ноябрдаги 330-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши чекланган гиёҳвандлик воситаларининг рўйхатига (II рўйхат) киритилган.

**Гиёҳванд мастлик** алкоголь мастликдан фаркли равишда ўзига хосликларга эга ва ташқи кўринишига кўра, эйфорик

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августдаги «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги 813-1-сонли Қонуни, 3-модда // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 9-сон, 210-модда.



сифатида аниқланиши мумкин. У, шунингдек, ҳолсизлик ва уйқусизлик, кўпинча юз ифодасининг маъносизлиги, пала-партиш ва ноаниқ нутқ билан тавсифланади. Ўзини тутиш сурати алкоголь мастлик ҳолатида булган шахснинг ўзини тутишини эслатади ва ўхшайди, фақат ундан алкоголь хиди келмайди. Субъектнинг ўзи ҳолсиз, камҳаракат ва қатъиятсиз бўлиб қолади. Кўпинча гиёҳванд мастлик галлюцинациявий ҳаяжонлар билан кузатилади.

Алкоголли мастликда ўз айбли ҳаракатларини англаши ва бошқариши сақлаб қолинади. Шунга қарамай, бундай ҳолатда шахс атрофдагилар учун хавfli бўлади ва бирон-бир жиноят содир этиши мумкин.

Шуни таъкидлаш керакки, гиёҳванд моддалар, уларнинг аналогларини нотиббий усулда ва кўп қабул қилиш гиёҳвандлик, деб номланган касаллик хусусиятини олади. Касаллик сифатида гиёҳвандликнинг ўзига хослиги, гиёҳванд моддалар, уларнинг аналогларини қабул қилишга доимий мойиллик, шунингдек, алкоголизм каби уларга руҳий ва физик боғлиқлик, шахсда чуқур ўзгаришлар ва организм функцияларининг ишдан чиқишига олиб келади. Бунда гиёҳвандликнинг ўзига хослиги уни нафақат касаллик сифатида, балки шахс ва жамиятга катта зарар етказадиган муаммо сифатида кўриб чиқишга имкон беради.

Гиёҳвандлик тиббий аралашувни талаб этадиган касалликни акс эттиради, гиёҳванд моддалар, уларнинг аналогларини кўп истеъмол қиладиган ва жиноят содир этган шахсга нисбатан эса, жинойий жазо билан биргаликда суд Жиноят кодексининг 96-моддаси иккинчи қисми асосида гиёҳвандликдан мажбурий даволаш кўринишидаги тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаши мумкин.

5. Шу билан бирга, Жиноят кодексининг 19-моддаси нафақат алкоголь ва гиёҳванд мастлик ҳолатида жиноят содир этганлик учун, балки, психотроп ва бошқа моддаларнинг инсон организмга, тўғрироғи ақл-идрокига таъсири ва келиб чиққан ҳолатга нисбатан ҳам жинойий жавобгарликни назарда тутди.

**Психотроп моддалар** – психотроп моддалар рўйхатига киритилган ва Ўзбекистон Республикасида назоратга олинadиган, келиб чиқиши синтетик ва табиий моддалардир. «Психотроп моддалар» атамаси икки йўналишда қўлланилади: бир томондан янги конвенцияларнинг халқаро ҳуқуқ, иккинчи томондан тиббиёт нуктаи назаридан.

**Бошқа воситаларга** ақл-идрокига таъсир қилувчи гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг аналоглари тааллуқли.

**Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг аналоглари (муқобиллари)** дейилганда, кимёвий тузилиши ва хоссаларига кўра, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларга ўхшаш, улар сингари руҳиятга фаол таъсир этувчи, келиб чиқиши синтетик ва табиий моддалар<sup>1</sup> тушунилади.

Тиббий (дорилар) воситаларга кирмайдиган ақл-идроқка таъсир қилувчи моддаларнинг катта гуруҳини, хусусан, ақл-идроқка таъсир қилувчи ҳужалик, уй-рўзғор учун мўлжалланган воситалар, захарли модда ва турли хил лаклар, бўёқлар, елимлар ва шунга ўхшаш моддалар ташкил этади.

Санаб ўтилган моддалар нафас олинганда ақл-идроқка таъсир этади ва ҳушдан кетиш ҳолатини келтириб чиқаради. Бу ҳолатни нафақат турли бирикмалар, ацетон, бензин, двигатели ишлаётган автомобиль гази, елим, саноатда ишлатиладиган турли суюқликлар ва бошқа кимёвий бирикмаларни нафас олиш, балки, дори воситаларини спиртли ичимликлар билан қабул қилиш ҳам келтириб чиқаради. Охириги ҳолатда, сўз мастлик ҳолатини кучайтириш учун қабул қилинадиган аралашмалар, масалан, димедролнинг алкоголь билан, барбитурат – алкогольли аралашма, клофелин ва бошқалар.

Таъкидлаш жоизки, спиртли ичимликларни кўп ичиш алкоголизмга олиб келиши сингари гиёҳванд моддалар

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августдаги «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги 813-1-сонли Қонуни, 3-модда // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1999 й., 9-сон, 210-модда.



гиёҳвандликка, маст қиладиган моддаларни тез-тез ишлатиш токсикоманияга олиб келади.

**Токсикомания** наркотик модда бўлмаган воситаларни кўп истеъмол қилиш орқасидан келиб чиқадиган касалликни ифодалайди. Токсикомания – гиёҳванд воситалар рўйхатига киритилмаган, рухий фаолиятга таъсир қилувчи моддаларни истеъмол қилиш натижасида келиб чиқадиган сурункали касаллик бўлиб, банги қилувчи воситаларга рухий ва жисмоний қарамлик юзага келиши ва уларга чидамлилиكنинг ошиши билан тавсифланади. Токсик моддаларга чидамлилик организмнинг унга тез ўрганиб қолиши билан ифодаланади. Бу эса, қабул қилинаётган миқдорни доимий равишда ошириб боришни талаб этади. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, агар «гиёҳвандлик» атамаси қонун бўйича наркотиклар гуруҳига киритилган воситалар ва дори моддаларни сууистеъмол қилувчи беморларга нисбатан қўлланилса, «токсикомания» атамаси наркотик деб тан олинмаган моддалар ва дори воситалар чақирадиган бузилишларга тааллуқли.

6. Айбдор шахс томонидан ўзида бўлмаслик ҳолатида содир этилган жиноят физиологик ва гиёҳвандлик таъсирида бўлган шахсдек жавобгарликдан озод этилмайди. Бундан ташқари, Жиноят кодексининг 56-моддаси биринчи бандига асосан, ақл-идрокка таъсир қилувчи алкоголь мастлик ёки гиёҳванд моддалар, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар таъсирида жиноят содир этиш жазони оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланади. Шу билан бирга, суднинг жиноят хусусиятидан келиб чиқиб, оғирлаштирувчи ҳолатларни тан олмаслик ҳукуқи эътиборга олиниши керак.

---

## V боб. АЙБ

### 20-модда. Айбнинг шакллари

Ушбу Кодексад назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмишни касддан ёки эҳтиётсизлик орқасида содир этган шахс жиноят содир этилишида айбдор деб топилиши мумкин.

## ШАРҲ

1. Ўзбекистон Республикаси жиноят тўғрисидаги қонунчилигининг асосий принципларидан бири, ижтимоий хавфли қилмиш содир этганлик учун жавобгарлик бўлиб, яъни шахс унинг айби ижтимоий хавфли қилмишни содир этишда белгиланган қонунчиликка мувофиқ исботлаб берилган тақдирдагина жавобгар бўлиши мумкин.

«Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди»<sup>1</sup>. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми айбни содир этилган жиноятнинг асосий элементларидан бири сифатида кўрсатиб, унинг тушунтиришига кўра, «суд ҳукми, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ёки бошқа таъсир чораси қўлланилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги ҳақидаги жиноят суд иш юритувининг асосий вазифаларини ҳал этадиган, суд муҳокамасига яқун ясайдиган Ўзбекистон Республикаси номидан чиқариладиган одил судловнинг муҳим ҳужжати»<sup>2</sup>.

2. Жиноятнинг субъектив томони, бу – жиноят таркибининг зарурий белгиларидан бири ҳисобланиб, у шахснинг содир этган қилмишига нисбатан ички туйғулари

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 26-модда.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги «Суд ҳукми тўғрисида»ги 07-сонли қарори, 1-банд, 1-хатбоши.

ва рухий муносабатини ифодалайди (ЖК 16-моддаси шарҳига қаралсин). Ҳар қандай жиноятнинг субъектив томонини айб, қилмишнинг мотив ва мақсадини ташкил қилади. Айб деганда, шахснинг содир этган ижтимоий хавфли қилмиши ва унинг оқибатларига бўлган рухий муносабати тушунилади.

**Айб** шахснинг содир этган ижтимоий хавфли қилмишга нисбатан рухий муносабатини ифодалаш билан бирга, жиноят таркиби субъектив томонининг ядросини ташкил қилади, бироқ тўлалигича уни қамраб олмайди. Айбсиз ҳолда зарар етказганлик учун жиной жавобгарликка тортиш ва жазо тайинланиши мумкин эмас. Шу билан бирга, айнан айб, субъектив томоннинг зарурий белгисини ифодалаб беради ва агар айб мавжуд бўлмаган тақдирда, жиноят таркиби тўлиқ мавжуд бўлмайди ва бу жиной жавобгарликни келтириб чиқаришга асос бўлмайди.

Лекин, жиноят таркиби субъектив томоннинг зарурий белгиси айбдан ташқари бошқа элементлар орқали ҳам ифодаланиши мумкин бўлиб, бу айрим турдаги жиноят таркибининг хусусиятига боғлиқ бўлади. Бундай белгиларни жиноят содир қилишнинг мотив ва мақсади ташкил этади. Улар айб билан биргаликда шахснинг ижтимоий хавфли қилмиш содир этишга ва келиб чиқадиган оқибатга нисбатан бўлган рухий муносабати даражаси, моҳияти, шаклини билдиради.

3. Айбли хатти-ҳаракат субъекти фақат ўз қилмишлари хусусиятини англай оладиган ва ҳаракатларини бошқара оладиган шахс бўла олиши мумкин.

Ўз навбатида, рухий муносабат бошқа муносабатлар сингари боғлиқликда бўлади. Бу боғлиқлик субъект (шахс) ва объект, субъектни ўраб турган муҳит ва алоҳида томонлар: табиат, атрофдаги кишилар, ижтимоий аҳвол ва бошқалар билан юзага келади. Инсон ўз муносабатларини англаш, яъни ўз олдига онгли мақсадлар қўйишга ва уларга эришишга интилишида ифодаланади. Бу турдаги рухий активлик шахснинг танлаш характеридан келиб чиқиб, у муносабатларнинг аҳамиятига боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам ҳар қандай ҳолат ўзида рухий жараёнларни ифода этиш чоғида бир неча

жихатга эга бўлади. Айбнинг (руҳий муносабатнинг) бундай жихатига унинг асосини ташкил этувчи англаш ва ирода кирази.

Ўз навбатида, айб икки элемент асосида юзага келади: интеллектуал ва иродавий. Уларнинг аҳамияти айнан шахснинг руҳий соғлиқ ҳолатида ўзи амалга ошираётган объектив ҳаракатларини, хусусан, ўз ҳаракат ёки ҳаракатсизлигининг ижтимоий аҳамиятини, уларнинг оқибатларини (қилмиш натижасида юзага келган оқибат билан ҳаракат ёки ҳаракатсизлик ўртасидаги сабабий боғланишни), эҳтиёткорликка эга бўлиш, яъни оқибат юзага келишидан олдин улар ҳақида маълум бир даражада тахмин қила олиш, шунингдек, айрим ҳолатларда ўта юқори диққат-эътибор ва руҳий куч талаб қилинаётган тажриба, билим даражасига эга бўлиш (интеллектуал ҳолат), мақсадга эришиш, оқибат келиб чиқиши учун ҳаракат қилиш ёки унга нисбатан бефарқ муносабатда бўлиш, у ёки бу оқибат келиб чиқишини истамаслик (иродавий ҳолат), ўз хиссиётларини ифода этиш, эмоционал ҳолатларни баҳолай олиш ва уни англашда ифодаланади.

**Айбнинг интеллектуал элементи** ўзида содир этилаётган қилмишнинг барча юридик аҳамиятларини тажовуз қилинаётган объект ва предметнинг хусусиятларини, ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг характерини, зарарли оқибат даражаси ва хусусиятини англайди ёки бундай имкониятга эга бўлади.

**Айбнинг иродавий элементи** дейилганда, бу жиноят субъектининг иродасига боғлиқ бўлган ҳолда ижтимоий хавfli қилмиш содир этилиши билан реал фаолиятни ўзгартириш мумкинлиги назарда тутилади. Тафаккурий ҳолатнинг зарурий белгиларидан яна бири, бу – ҳаракат ёки ҳаракатсизликни содир этаётган субъект ўз қилмиши оқибатида зарарли оқибатлар келиб чиқишини олдин кўра билган бўлиши керак. Ижтимоий хавfli оқибатларни олдиндан кўра билиш деганда, субъектнинг жиноят қонуни билан кўриқланадиган муносабатларга ўз қилмиши туфайли етказиладиган зарарни олдиндан хаёлан кўз олдига келтириши тушунилади. Иродавий элементнинг айбнинг қасддан жиноят содир этилиш шаклидаги ўрни олдиндан кўзлаб кўйилган

мақсадга ёки натижага эришиш учун йўналтиришда ифодаланади, эҳтиётсизлик шаклида эса, шахснинг ижтимоий хавфли оқибат юзага келтиришига унинг лоқайдлиги, эътиборсизлиги сабаб бўлади. Эҳтиётсизликдаги иродавий элементнинг асосий хусусияти шундан иборатки, бунда шахс юзага келаётган ижтимоий хавфли оқибатни бартараф этиш учун руҳий куч сарфлаб унинг олдини олиш имкониятига эга бўлса-да, бундай қилмайди. Қасднинг моҳияти ва йўналишини тафаккурий, иродавий ҳолатини тўғри белгилаш, шубҳасиз, жинойтни тўғри квалификация қилишга ёрдам беради.

Қандайдир даражада айбда эмоционал ҳолат руҳий жиҳатдан ўзини намоён қилиш саналади. Бироқ, судлар томонидан шахсга нисбатан жазо тайинланаётганда унинг шахс сифатидаги хусусиятлари, хулқ-атвори ҳамда қилмишига нисбатан муносабати ҳисобга олинади.

Жинойт қонунчилиги айб шакли ва турларини мазкур элемент кўринишлари ҳамда уларнинг уйғунлигидан келиб чиқиб белгилайди.

Тўғри ёки эгри қасдда тафаккурий элемент қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини англашда ва ижтимоий хавфли оқибат келиб чиқишининг мумкинлиги ёки муқаррарлигини (тўғри қасд) ёки фақат келиб чиқиши мумкинлигига (эгри қасд) кўзи етади. Идоравий элемент эса, уларни исташи (тўғри қасд) ёки онгли равишда йўл қўйиши ёхуд бефарқ бўлишида ифодаланади.

**Жинойт бепарволик**да интеллектуал ва иродавий элементлар инкор қилувчи хусусиятга эга, яъни ижтимоий хавфли оқибат келиб чиқишининг олдини олиш учун шахс эътиборли ва эҳтиёткор бўлиши, оқибат келиб чиқишини олдиндан билган ёки билиши лозим бўлган бўлиши кузатилади, аниқ бир оқибатга нисбатан унда интеллектуал муносабат мавжуд бўлмайди.

4. Қонун чиқарувчи шарҳланаётган моддада айбнинг намоён бўлишига қараб, уни шаклларга бўлиш орқали моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилади.

Жинойт субъекти руҳиятида кечадиган тафаккурий ва иродавий жараёнларнинг фарқи ва жадаллиги айбни

шаклларга ажратиш асосини, битта шакл доирасида эса, турларга ажратиш асосини ташкил этади.

**Айб шакли** деганда бу жиноят тўғрисидаги қонунчиликка асосан жиноят содир этган шахснинг содир этган қилмишига нисбатан идрок этиши ва мазкур ҳаракатларни англай олиши мажмуи тушунилади. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 20-моддасига кўра, ижтимоий хавфли қилмиш қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида содир этган шахс жиноят содир этилишида айбдор, деб топилиши мумкинлиги кўрсатилиб ўтилган.

Айбнинг **қасд шакли**да жиноят тўғри ёки эгри қасд билан содир этилиши мумкин (ЖК 21-моддаси). Айбнинг **эҳтиётсизлик шакли** эса, ўз навбатида – ўз-ўзига ишониш ва бепарволик каби турларга бўлиниши мумкин (ЖК 22-моддаси). Айб юридик маънода фақат қонун чиқарувчи томонидан ўрнатилган шакл ва турларда мавжуд бўлиши мумкин. Жиноят кодексида шундай нормалар ҳам мавжудки, жиноят айбнинг қасд шаклида содир этилган бўлиши мумкин, келиб чиққан оқибатлар эса, эҳтиётсизлик орқасида юз бериши мумкин (ЖК 23-моддаси). Бирок, шуни назарда тутиш лозимки, Жиноят кодекси айбнинг фақат икки шаклини, яъни қасд ва эҳтиётсизликни назарда тутди. Шу муносабат билан мураккаб айбли жиноятлар айбнинг «учинчи» шакли эмас, балки шахснинг жинойи қилмишида қасд ва эҳтиётсизликнинг уйғунлашувидир, холос.

Қонун қасддан содир этилган ижтимоий хавфли қилмиш учун фақат жинойи жавобгарлик белгиласа, айб шакли бу жинойи қилмишни жинойи бўлмаган ҳаракатлардан ажратиб туради.

**Айб шакли** айрим ҳолларда жинойи жавобгарликни дифференциялашга, яъни жазо миқдорини белгилашга хизмат қилади. Чунончи, қасддан одам ўлдириш, қасддан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш, мол-мулкни қасддан йўқ қилиш ёки унга зарар етказиш каби жинойи хатти-ҳаракатлар эҳтиётсизлик орқасида содир этилган қилмишларга нисбатан оғирроқ жазоланади.



Қасд ёки эҳтиётсизликнинг турлари жиноятни квалификация қилишда аҳамиятсиз бўлса-да, аммо улар жиноий жавобгарлик ва жазони индивидуаллаштиришда асосий мезондир. Бошқача қилиб айтганда, тўғри қасд билан содир этилаётган жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси эгри қасдга нисбатан юқорирок бўлса, ўз-ўзига ишониш натижасида содир этилаётган жиноятларнинг бепарволикка нисбатан ижтимоий хавфлилик даражаси юқори туради. Шунингдек, айб шакллари жазони ўташ тартибини белгилашда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Масалан, хавfli рецидивист мақоми фақат қасддан жиноят содир этиб, судланган шахсларга берилиши мумкин (ЖК 34-моддаси).

Жиноий фаолият юритишга тил бириктириш ва жиноий иштирокчилик, фақат айбнинг қасд шаклида бўлиши мумкин ҳамда жиноятлар таснифида ижтимоий хавфлилик даражаси бўйича юқори туриши билан тавсифланади.

5. Қонунчилик томонидан жиноят тўғрисидаги қонунчиликнинг Махсус қисми моддаларини тузиш ва уларни таърифлашда айб шакллари Махсус қисм диспозициясида тўғридан-тўғри кўрсатилиши (масалан, «Қасддан одам ўлдириш» – 97-модда) ёки мазмунан ифода этилиши мумкин. Қўпчилик ҳолларда айбнинг қасд шакли ёки жиноят тўғрисидаги қонунчиликда таърифланган ҳаракатлар моҳиятидан (ўғрилиқ, талончилик, номусга тегиш, тухмат қилиш, пора олиш ёки бериш ва бошқ.). Шунингдек, жиноят тўғрисидаги қонунчиликда қилмишнинг аниқ мақсади баён этилган бўлади ёки ҳаракатнинг ўзбошимчалиқ ёхуд қонунга зидлиги ёки қилмиш мотивининг жиноят таркибига киритилиши билан ифодаланиши мумкин. Эҳтиётсизлик билан содир этилган жиноятлар учун жавобгарлик фақатгина жиноят қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилган ҳолдагина келиб чиқади. Айбнинг эҳтиётсизлик шакли, асосан, жиноят тўғрисидаги қонунчиликнинг диспозициясида зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик, ҳаракатсизлик (агар мазкур ҳолат маълум бир мақсад ва мотивга эришиш мақсадида амалга оширилмаса) ва бошқа ишораларда ифодаланади.

Шундай қилиб, айб шакли ва унинг элементлари унинг ички унсурлари (бу ҳолатда интеллектуал ва иродавий элементлар) билан узвий боғлиқ бўлиб, объектив томондан инсоннинг ураб турган борлиққа нисбатан бўлган рухий ҳолатидан келиб чиқувчи тузилмадан иборат. Бошқача қилиб айтганда, айбнинг ижтимоий-ҳуқуқий моҳияти жиноят қонуни билан тақиқланган содир этилган ижтимоий хавфли қилмишни айбли содир этишда ифодаланади. Буни шахснинг содир этган ҳар қандай ҳаракати ёки унга нисбатан содир этиладиган ҳаракатни эмас (шахснинг жазоланиши), унинг айнан Жиноят кодексига назарда тутилган давлат томонидан қўриқланадиган ва жазоланадиган, ижтимоий хавфли жиноий жазо қўллаш таҳдиди билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга муносабатини тушуниш лозим. Жиноятни қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида содир этган шахс давлат томонидан қўриқланадиган жамиятнинг ижтимоий кадриятларига нисбатан ўзининг қарши муносабатини ифода этади.

6. Айб ҳозирги вақтда суд ва тергов амалиётда эътибор берилиши қийин ва кам бўлган категория бўлиб, шахснинг рухий муносабати конкрет ва аниқ бўлмаган жараён ҳисобланади. Ўз навбатида, айб тажовуз билан ўзаро муносабатга киришганда ижтимоий хавфли, зарарли ва ҳуқуққа хилофлиги билан маълум бир даражадаги ўлчовга эга. Демак, айбнинг асосий кўрсаткичларидан бири – бу унинг даражаси ҳисобланади. Жиноят тўғрисидаги қонунчиликда айб даражаси, деган тушунчанинг мавжуд бўлмаганлиги туфайли у назарий хусусиятга эга. Шунга қарамай, айб даражасини аниқлаш суд ва дастлабки тергов амалиёти учун муҳим аҳамиятга эга.

**Айб даражаси** – бу жиноят субъектининг ўрнатилган ижтимоий нормаларни деформациялашганлигини (қай даражада рухий муносабат билдирилганини) белгилувчи миқдорий кўрсаткичи саналади. Буни аниқлашда, нафақат, айб шакли, балки, шахс рухий фаолиятининг хусусиятлари, унинг жиноят содир этишдаги ҳулқ-атворининг мотив ва мақсади, шахсий хусусиятлари ҳам инобатга олинади. Масалан, қасддан содир этилган жиноятларда айбдор қўриқланаётган

объектга нисбатан тажовуз қилганда, ўзининг салбий муносабатини акс эттиради, лекин эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноятларда бундай ҳолат кўринмайди. Қасд ва эҳтиётсизлик орқасида содир этиладиган жиноятларнинг айб даражасини белгилаш кийин масала ҳисобланади. Агар бир хил шароитларда тўғри ва эгри қасд билан содир этилган жиноятлар олиб қаралса, тўғри қасд билан содир этилган жиноят эгри қасдга нисбатан хавфлилиги жиҳатидан юқорироқ туради. Демак, бир неча кишиларнинг ўлимини истовчи шахс бир шахснинг ўлимини хоҳловчи шахсдан хавфлироқдир. Ёнғин бўлган уйдаги беморнинг ўлимига йўл қўйган шахснинг хавфлилиги даражаси олов ёкиб, шу тахлит шахсга зарар етказмоқчи бўлган шахсдан кўра пастроқ ҳисобланади. Қасддан жиноят содир этган шахсларга нисбатан жазо тайинлашда айбдорнинг ижобий ва салбий томонларини акс эттирувчи маълумотларни аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Айни пайтда жабрланувчининг шахсига оид маълумотлар, унинг судланувчи билан ўзаро муносабатлари, шунингдек, қотиллик содир этилмасдан олдинги хулқ-атвори ўрганилиши лозим<sup>1</sup>. Жиноят содир этилганда юзага келган оғир оқибатларни, айбдорнинг шахсини, иш ҳолатлари бўйича жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи барча ҳолатлар йиғиндисини инобатга олиш зарур.

Бир гуруҳ шахслар ёки уюшган гуруҳ аъзоси томонидан ёхуд ўша гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган қасддан одам ўлдириш жиноятини ЖКнинг 97-моддаси иккинчи қисмининг «п» банди билан квалификация қилишда, ҳар қайси иштирокчининг жиноятда иштирок этганлик даражаси ва хусусиятини аниқлаш, олдиндан тил бириктирув бўлган-бўлмаганлигини ва улар ўртасида вазифалар ўзаро тақсимланган-тақсимланмаганлигини синчиклаб текшириш лозим<sup>2</sup>. Бу ерда ҳар бир шахснинг иштирокчилик даражаси унинг айб даражаси билан узвий боғлиқ. Қасддан содир

<sup>1</sup> Каранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 13-сонли қарори, 27-банд. 1-хатбоши.

<sup>2</sup> Ўша манба, 20-банд. 1-хатбоши.

этиладиган жиноятларнинг субъектив белгилари орасида қасд тури жиноятнинг хавфлилик даражасига таъсир қилувчи омил сифатида киритиб қўйилганлиги тасодиф эмас. Ўз-ўзига ишониш вақтида айбдор ғайриқонуний ҳаракатлардан тийиб турувчи таққиқни енгиб ўтади ва нафақат оқибат келиб чиқиши мумкин бўлган қилмиш ҳақида, балки, мазкур қилмиш натижасида юз бериши мумкин бўлган оқибат ҳақида тулиқ ўйлаб кўрмайди. Бу тахлитдаги муносабат айбдор томонидан келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатни олдиндан кўра билмаган бепарволикдан кўра хавфлироқ ҳисобланади.

Айбнинг шакли ва туридан ташқари таъсир қиладиган хусусиятлар сифатида айбдорнинг рухий ҳолатида юз берадиган интеллектуал ва иродавий жараёнлардан ўзини тия олишни айтиш мумкин. Қасднинг даражасига таъсир қилувчи омиллар айбдорнинг англаш қобилиятининг аниқлиги ва ҳажми, олдиндан кўра билиш қобилияти, ўйлаб қўйилганлиги, мақсадга эришиш йўлидаги қатъиятлилиги каби омиллар таъсир қилиши мумкин. Эҳтиётсизлик шаклида эса, айб даражасига ўз-ўзига ишониш даражаси, вазиятни баҳолай олиш мажбурияти ва олдиндан унинг келиб чиқиш сабабларини англамаганлик сабаблари каби омиллар таъсир қилади.

**Мақсад ва мотив** жиноят содир этишнинг усул ва услублари, аниқ вазибалар орқали бажарилиши керак бўлган ҳаракатларни белгилашда қарор қабул қилишни аниқлаштиради. Мана шу идеал англаш натижасида шахсда ижтимоий хавфли қилмишга нисбатан реал рухий муносабатни, яъни айбнинг пайдо бўлишига олиб келадиган пойдевор вазифасини бажаради. Жиноятнинг мотиви ва мақсади фақат қасддан содир этилган жиноятларга хосдир. Агар жиноят эҳтиётсизлик орқасида содир этилса, унинг натижаси мотив ва мақсадга боғланмайди.

7. Суд-тергов амалиётида айб ва жинойий жавобгарлик масаласининг ҳал этилишида шахснинг ҳолати ва рухий хусусияти, унинг ўзига хослиги ва жиҳатлари, унда кечаётган психологик жараёнлар шахснинг онгида қилмиш моҳиятининг тўғри кўринишига таъсир этиши мумкин. Хусусан, зарурий

мудофаанинг чегарасидан четга чиқиш масаласини ҳал этишда жавобгарлик фақат тажовузнинг хавфлилиги ва мудофаанинг хусусиятига мутлақо мос келмаслигидан бошланади. Бу ҳолат шуни кўрсатадики, зарурий мудофаада, қоида бўйича, шахс тўсатдан жиноий тажовуз билан тўқнашади, унинг нерв системасида бирдан кескин кўзғалиш, эмоционал чайқалиш пайдо бўлади. Бундай ҳолатда шахс ҳар доим ҳам зарурий мудофаа қилишда тажовузнинг хусусияти ва хавфлилик даражасини ўзининг зарурий мудофаа қилиш учун ҳаракатлари (уларнинг кучлари, интенсивлиги, фойдаланилган воситалар) билан таққослай олмайди ҳамда унга тўғри баҳо бера олмайди.

Қонун мазмунига кўра, тажовузнинг характери ва хавфлилик даражасига бутунлай мувофиқ бўлмаган мудофаани ва бунинг оқибатида тажовузчига ҳеч қандай заруриятсиз Жиноят кодексининг 100, 107-моддаларида назарда тутилган қасдан зарар етказилсагина, бу ҳолат зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш деб топилади. Тажовузчига унинг ҳужумини қайтариш вақтида эҳтиётсизлик билан етказилган зарар жиноий жавобгарликни келтириб чиқармайди.

Судлар зарурий мудофаа аломатлари бор ёки йўқлиги масаласини ҳал этишда ҳимояланиш ва ҳужум воситаларини ҳисобга олишдан ташқари, тажовузчи томонидан ҳимояланувчига туғдирилган хавфнинг характери, ҳимоянинг кучи ва тажовузчи қайтариш имкониятлари, шунингдек, ҳужум ва ҳимояланувчининг кучи нисбатларига таъсир кўрсатувчи ишдаги барча ҳолатларини (ҳужум қилувчи ва ҳимояланувчиларнинг сони, уларнинг ёши, жисмоний куввати, қуроли, жой, вақт ва бошқалар) ҳисобга олишлари зарур. Агар тажовуз бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган бўлса, мудофааланувчи ҳужум қилувчиларнинг ҳар бирига нисбатан гуруҳдаги барча тажовузчилар ҳаракатининг характери ва хавфлилик даражасига қараб тегишли ҳимоя чораларини кўришга ҳақли<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги «Ижтимоий хавfli тажовузлардан зарурий мудофаа ҳуқуқини таъминловчи қонунларнинг судлар томонидан қўлланилиши ҳақида»ги 39-сонли қарори, 4–5-банд.

8. **Хато** – бу шахс томонидан ижтимоий хавfli қилмишни жиноят сифатида кўрсатувчи объектив хусусиятларга нисбатан янглишиш ёки нотўғри тасаввур қилиш, нотўғри баҳолаш ҳисобланади. Бошқача қилиб тушунтирганда, хато бу шахснинг содир қилган жинояти ҳолатларига бўлган нотўғри муносабатидир. Шунинг учун ҳам ҳуқуқни қўллаш амалиётида аниқланиши лозим бўлган муҳим масалалардан бири, бу – субъектив хато бўлиб, содир этилаётган ижтимоий хавfli қилмишнинг характер ва даражасини аниқлаштиради ёхуд янглишишнинг юридик тавсифини ўзида намоён қилади. Шахснинг хатоли тасаввурларидан келиб чиққан ҳолда хатоларни юридик ва фактик хатоларга бўлиш мумкин.

9. **Юридик хато** деганда содир этилаётган қилмишнинг юридик моҳияти ёки унинг юридик оқибатларини нотўғри баҳолаш тасаввури тушунилади. Юридик хатонинг қуйидаги турлари мавжуддир:

– жиноят тўғрисидаги қонунчилик ҳолатларига кўра хато қилиш, яъни шахс ўзи содир этган қилмишини жиноят тўғрисидаги қонунчиликда кўзда тутилмаган деб ўйлайди, аслида эса, унинг ҳаракатлари қонун бўйича жиноят сифатида тан олинади. «Қонунни билмаслик жинойий жавобгарликдан озод қилмайди», деган қоидадан келиб чиқилиб, мазкур тарздаги хато айбнинг қасд шаклини ҳам, жинойий жавобгарлик масаласини ҳам рад этмайди;

– шахснинг содир этган қилмиши қонун бўйича жиноят ҳисобланмаса-да, у ўзи содир этган қилмишини жиноят сифатида хато баҳолайди. Бундай қилмиш ижтимоий хавfliлик хусусияти ва ҳуқуққа хилофлик белгилари мавжуд бўлмаганлиги учун жинойий жавобгарликка тортилмайди, шунинг учун ҳуқуқий аҳамиятига кўра, айб инкор этилади;

– субъектнинг содир этган жинояти оқибатига нисбатан хато унинг квалификациясига, мазкур қилмиш учун белгиланадиган жазо миқдорига ва турига нисбатан бўлади. Ҳолатларнинг номланиши айбнинг моҳиятига таъсир қилмайди ва у айбдор онгини тўлиқ камраб олмаган бўлади, шунинг учун хато баҳо бериш қасдни ҳам жинойий жавобгарликни ҳам инкор этмайди.

Юридик хатонинг ахамияти шундаки, у на айбга, на жиноятнинг квалификациясига ва на жазо тайинлашга таъсир қилади.

**10. Фактик хато** – бу жиноят таркибининг объектив белгилари ҳуқуққа хилоф ижтимоий хавфли қилмиш даражаси ва характерини ифодаловчи фактик ҳолатлар ҳақида шахснинг нотўғри тасавури ёки янглишиши тушунилади. Ўз навбатида қилмишнинг хавфлилиги кўплаб ҳолатлар билан аниқланар экан, ўз навбатида, шахснинг фактик хатоси ҳам ижтимоий хавфлилиги ва содир этилганлик даражаси ҳамда оқибатларига нисбатан ҳам турли хил бўлиши мумкин.

Предметдан нотўғри тушуниш ва баҳолаш орқали пайдо бўлган тасавурлардан келиб чиқиб, фактик хатоларни қуйидаги турларга бўлиш мумкин:

– содир этилаётган ижтимоий хавфли қилмишга нисбатан:

- тажовуз объектига нисбатан;
- етказиладиган оқибатга нисбатан;
- сабабий боғланишга нисбатан;
- жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларга нисбатан.

Содир этилаётган қилмишнинг ижтимоий хавфлилигига нисбатан хатода, биринчидан, шахс қилмишининг нотўғри ижтимоий хавфлилигини йўқотувчи фактик ҳолатлар кучда бўлади. Масалан, шахс омбор ҳудудига кириб, ҳисобдан чиқарилган ва йўқ қилишга мўлжалланган, қимматга эга бўлмаган мулкни «ўғирлайди». Мазкур хато айбнинг шаклига таъсир қилмайди ва ўз-ўзидан қасддан содир этилган, деб топилади, аммо бу ҳолат бўйича жиноий жавобгарлик масаласи тугалланган жиноятга нисбатан вужудга келмайди, чунки жиноий мақсад амалга ошмаган ва фактик жиҳатдан танланган (ўғирланмокчи бўлган) тажовуз объектига ҳеч қандай зарар етказилмаганлиги учун жиноятга суиқасд сифатида баҳоланади, яъни жиноят содир қилган шахснинг ҳаракати айбдор фикрининг йўналиши бўйича квалификация қилиниши керак. Иккинчидан, шахс ўз хатти-ҳаракатларини ҳуқуқий ҳисоблаб, уларнинг ижтимоий хавфлилиги хусусиятини англамайди. Одатда, бундай ҳолатлар жиноятнинг объектив

томони ва қилмишга ижтимоий хавfli характер касб этувчи қандайдир муҳим фактик ҳолатни билмаслик билан изоҳланади. Бундай хато айбнинг қасд шаклини инкор этади, шунинг учун фақат қасддан содир этилган қилмиш учун жиноий жавобгарлик мавжуд нормаларда улар жиноий жавобгарликни истисно этади. Масалан, шахс қалбаки пулларни ҳақиқий деб ўйлаган ҳолда ўтказиши қасд бўлмаганлиги учун жиноят деб ҳисобланмайди. Агар қонунчилик жиноий қилмишни айбнинг ҳар қандай формасида жазога сазовор деб ҳисобласа, шахс ижтимоий хавfli оқибатни англаши мумкин ёки англаши керак бўлган ҳолларда унинг ҳаракатлари эҳтиётсизлик орқасида содир этилган қилмиш учун жиноий жавобгарликни юзага келтиради. Бундай турдаги хатога жуда кўп ҳолларда йўл қўйиладиган ҳолат сифатида зарурий мудофаа мисол бўлади. «Агар ҳодиса ҳолатларига кўра, мудофаа чораларини қўллаган шахс ўзининг янглишганини билмаган ва билиши ҳам мумкин бўлмаган бўлса»<sup>1</sup>, яъни қилмишнинг ижтимоий хавfli хусусиятига нисбатан узрли хато бўлганида зарурий мудофаа ҳолатида зарар етказиш учун жавобгарлик келиб чиқмайди. Бироқ, эҳтиётсизлик орқасида ўлим ёки соғлиққа жиддий зарар етказилганда жиноий жавобгарлик келиб чиқса, айбли хато қилмишнинг ижтимоий хавfliлигига нисбатан жиноий жавобгарлик келиб чиқиши мумкин, аммо қасддан содир этилган қилмиш учун эмас, балки зарурий мудофаа ҳолатида бўлган, иш ҳолатига кўра тажовузнинг ҳаёлийлигини ва ўзининг «мудофааланувчи» ҳаракатларининг ижтимоий хавфини англаши мумкин ва лозим бўлган шахснинг эҳтиётсизлик орқасида зарар етказиши учун жавобгарлик келиб чиқиши мумкин.

**11. Шахснинг жиноят объектига нисбатан хато қилиши** суд-тергов амалиётида кўп қузатиладиган ҳолат ҳисобланади. Қоида тариқасида бундай хатога йўл қўйиш айб шаклини ўзгартирмайди фақат мазмун-моҳиятини, унинг томонларини аниқлаштиради.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги «Ижтимоий хавfli тажовузлардан зарурий мудофаа ҳуқуқини таъминловчи қонунларнинг судлар томонидан қўлланилиши ҳақида»ги 39-сонли қарори, 10-банд, 2-хатбоши.



**Тажовуз объектга нисбатан хато** – бу шахснинг жиноят объектнинг ижтимоий ва юридик моҳияти ҳақида нотўғри тасаввурга эга бўлишидир. Унинг моҳияти жиноят субъектининг бир вақтда маълум бир объектга тажовуз қиляпман, деб ҳисоблайди, аслида эса, у бошқа кўзда тугилмаган объектга нисбатан тажовузни амалга ошираётган бўлади. Мазкур хато гуруҳига жиноят предметига ва жабрланувчига нисбатан йўл қўйилмаган хатоларни ҳам киритиш мумкин, ўз навбатида, улар бир хил турга кирмайди. Бу кўринишда хатоларни бир гуруҳга бирлаштириш зарурати шундаки, бу туркум хатоларнинг барчаси асосан объект белгиларига нисбатан йўл қўйилади. Бундай хатоларнинг барчаси айбдор ўйлаган ва ҳисоблаган объектга (ўз навбатида, хато қилинган «яроқсиз» предмет ва жабрланувчи ҳам киритилади) нисбатан суиқасд сифатида баҳоланади. Масалан, дорихонадан шахс таркибида наркотик модда сакловчи дорини ўғирлашга ҳаракат қилади, лекин у бошқа бир дорини ўғирлайди. Бундай хато жиноятни квалификация қилишда қасднинг йўналтирилганлигидан келиб чиқади.

Бу ҳолатда шунга ҳам эътибор қаратиш керакки, фактик жиҳатдан олиб қараганда, айбдорнинг қасди қаратилган объект зарар кўрмайди, шунинг учун қилмиш тугалланмаган жиноят сифатида кўрилиб, унга жиноятга суиқасд сифатида қаралади (юқоридаги мисол ЖК 25-моддасининг 2-қисми ва 271-моддаси 1-қисми). Мазкур ҳолатда ғайриқонуний қилмиш айбнинг шаклига таъсир қилмайди, лекин жавобгарлик охирига етказилган жиноят учун эмас, балки жиноят қилишга суиқасд қилиш билан квалификация қилинади, яъни бу вазиятда айбдор ўз ниятини охирига етказа олмайди, ўз иродасидан ташқари ҳолатда мақсадига эриша олмайди.

Ўз навбатида, **объектга нисбатан бўлган хатодан** предмет ва жабрланувчи шахсига нисбатан бўлган хатоларни ҳам фарқлаш лозим. Бундай хато (бир уйдаги мол-мулк ўрнига иккинчи уйдаги мол-мулкни ўғирлаш, бир одамнинг ўрнига бошқасини ўлдириш) айб шаклига ҳам, жиноятни квалификация қилишга ҳам, жиноий жавобгарлик белгилашга ҳам таъсир этмайди.

Айбдорнинг қилмиш ва оқибатга нисбатан рухий муносабати қонунчилик бўйича у ёки бу айб шаклини белгилайди. Бу оқибатлар борлиқда юзага келишидан олдин, аввало, шахснинг тасаввури орқали унинг руҳиятида акс этади. Мазкур ҳолатлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бунда интеллектнинг олдиндан кўра билиш шаклида намоён бўлиши кузатилмоқда. Ижтимоий хавfli қилмишни содир этишда шахс онгидаги олдиндан тасаввур қилган натижалар юз берган натижа билан мос келмаслиги мумкин.

**Оқибатга нисбатан хато**лар турли хил бўлиши мумкин. Масалан, шахс қандайдир оқибат пайдо бўлиши ёки юзага келмаслигига нисбатан янглишишга йўл қўйиши мумкин. Ўз навбатида, ҳар қайси хатолардаги бундай янглишишлар оқибатнинг сифат ёхуд ҳажм тавсифига нисбатан бўлиши мумкин. Оқибатга нисбатан хато қилиш икки хил бўлади. Биринчидан, шахс содир этган қилмишнинг оқибатини билмайди. Бундай ҳолда шахснинг ҳаракати туфайли келиб чиққан оқибат эҳтиётсизлик натижасида келиб чиққан, деб ҳисобланади. Иккинчидан, айбдор бир оқибатнинг келиб чиқишини хоҳлаган, ammo бошқача оқибат келиб чиққан бўлса, айбдор қандай оқибатнинг келиб чиқишини хоҳлаган бўлса, ўша жиноятга суиқасд қилиш, деб ҳисобланади. Шу сабабга кўра, етказилган зарарга нисбатан хато унинг ҳажми ёхуд сифат тавсифига нисбатан бўлиши мумкин.

**Сифатга нисбатан бўлган хато**, асосан, айбдор олдиндан келиб чиқишини кўра билган ижтимоий хавфи катта оқибат фактик жиҳатдан юзага келмаслиги ёки олдиндан кўра билмаган оқибат юзага келишида ифодаланади. Бундай хато олдиндан кўра билмаган фактик оқибат учун қасддан зарар етказганлик учун жиний жавобгарликни истисно этсада, эҳтиётсизлик орқасида зарар етказганлик учун жиний жавобгарликни юзага келтириши мумкин. Қасд қаратилган қилмиш кутилган оқибатни юзага келтирмаса, у оқибатга нисбатан суиқасд сифатида баҳоланиши керак, бундан ташқари, фактик юзага келган зарар эҳтиётсизлик орқасида етказилган зарар, деб баҳоланади. Масалан, ўзганинг уй-жойини ўт қўйиш орқали йўқ қилишга қаратилган жиноят

субъектининг уриниши амалга ошмаса ва бунинг натижасида ходиса жойида тасодифан мавжуд бўлган шахс соғлиғига ўртача оғирликдаги тан жарохати етказилса, айбдорнинг қилмиши оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан мол-мулкка зарар етказишга суиқасд қилиш (ЖКнинг 25-моддаси, 173-модданинг 2-қисми «б» банди) ва эҳтиётсизлик оқибатида баданга ўртача оғирликдаги шикаст етказиш сифатида (ЖК 111-моддасининг 1-қисми) квалификация қилинади. Агар айбдорнинг қасди билан қамраб олинмаган оқибат юзага келса ва бу оқибат қонунчиликка кўра, квалификация қилинувчи белги сифатида белгиланган бўлса, бу ҳолатда жиноятлар жами юзага келмайди ва қилмиш асосий жиноят билан бирга келиб чиққан оқибатга квалификация қилинади.

Масалан, шахс жабрланувчининг баданига оғир шикаст етказса ва бу жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлса, қандай квалификация қилиниши керак, деган табиий савол турилади. Бундай ҳолда шахс қасддан одам ўлдиришда эмас, балки, унинг ҳаракатини қасддан баданга оғир шикаст етказиш жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлган, деб квалификация қилинади. Бунда баданга шикаст етказиш қасддан, ўлим эса, эҳтиётсизликдан юз беради.

**Айбдорнинг ижтимоий хавфли қилмиши миқдорига нисбатан хатога йўл қўйиши** – бу унинг жиноят оғирлик даражасида янглишишини англатади. Бу ҳолатда ижтимоий хавфли қилмиш натижасида етказилган зарар даражаси олдиндан кутилган зарар даражасидан ортиқ ёки кам бўлиши мумкин. Бу турдаги хатолар жиноий йўл билан етказилган зарар миқдорига кўра жавобгарликни вужудга келтирувчи жиноятлардан бошқа (масалан, ЖКнинг 161-моддаси – кўпуровчилик натижасида етказилган мулккий зарарнинг миқдори) барча жиноятларда айбнинг шаклига ҳам, жиноятни квалификация қилишга ҳам умуман таъсир қилмайди. Бу тартибда айб шаклига, жиноятни квалификация қилишга ҳам таъсир қилмаслигининг қонунчилик томонидан ўрнатилган чегарадан четга чиқмаган ҳолда бўлиши мумкин. Демак, агар қасддан баданга оғир шикаст етказиш натижасида меҳнат қобилиятининг

33 фоизда ҳам, 70 ва 80 фоизда ҳам айнан квалификация қилинади.

Қонун билан иш қўрувчи томонидан келиб чиққан оқибатнинг оғирлик даражасига қараб жиноятни квалификация қилиш лозим бўлса, бу ҳолатда айбдор қасдининг йўналтирилганлиги асосида квалификация қилинади. Агар юзага келган оқибат субъект ўйлаган оқибатдан юқори бўлиб кетса (масалан, шахс тан жароҳати етказмоқчи бўлиб, ҳаракат қилиши натижасида ўлимнинг юзага келиши) бу ҳолда мазкур оқибат учун қасддан етказганлик хусусияти йўқолади, бунда келиб чиққан оғирроқ зарар эҳтиётсизлик орқасида айб билан етказилган бўлса, қасддан зарар етказиш билан бирга (етказилмоқчи бўлган зарар) оғирроқ зарар учун эҳтиётсизлик орқасида зарар етказилганликда жиноий жавобгарлик белгиланади.

**Сабабий боғланишга нисбатан хато** – содир этилган ижтимоий хавfli қилмиш билан келиб чиққан оқибат ўртасидаги сабабий боғланишни воқеаларнинг ривожланиши туфайли нотўғри тасаввур қилиш. Агар айбдорнинг қасди билан қамраб олинган оқибат келиб чиққан бўлса, бундай ҳолдаги хато субъектнинг айб шаклига таъсир қилмайди. Бу турдаги хатонинг жиноий жавобгарлик масаласига таъсир қилиши оқибат айбдор қасди билан қамраб олиниб, келиб чиққан оқибат унинг содир этмоқчи бўлган ҳаракатлари натижасида эмас, балки бошқа бир ҳаракат натижасида юзага келади. Бошқача сўз билан айтганда, қасд ҳамма деталларни эмас, балки умумий ривожланиш қондалари асосидаги деталларни англай олади.

Сабабий боғланишнинг умумий ривожланишига нисбатан хато назарда тутилган жиноий оқибат келиб чиқса, айб шакли ва жиноятнинг квалификациясига таъсир қилмайди. Айрим ҳолларда, сабабий боғлиқлик ривожланишининг қондаларига нисбатан хато қасдни инкор қилади, аммо субъект келиб чиққан оқибатни олдиндан кўра билиши шарт ёки мумкин бўлган ҳолларда эҳтиётсизлик орқасида жиноий жавобгарликка сабаб бўлишига асос бўлади. Масалан, автомобилни бошқараётган ҳайдовчи бурилишда тўсатдан қаттиқ тормоз бериб, йўл четидаги шағалга сирпанган

машина бирдан бурилиши натижасида автомашина ичидаги йўловчилар турли даражада тан жароҳатлари олишди. Мазкур ҳолатда ҳайдовчининг зарур малакага эга эмаслиги, сабабий боғланиш ривожланиши билан тўлиқ қамраб олинмаганлик учун шахс юз бериши мумкин бўлган ижтимоий хавfli оқибатни олдиндан кўра билмаган, ўз навбатида, ҳайдовчи мазкур ҳолатни олдиндан кўра билиши мумкин ёки лозим эди.

Бошқа ҳолларда сабабий боғланишнинг ривожланиши жиноятни квалификация қилишга таъсир этиши мумкин. Бу ижтимоий хавfli оқибат қасд билан қамраб олинади, лекин у содир этмоқчи бўлган ҳаракат билан эмас, балки бошқа бир ҳаракат натижасида юзага келиши мумкин.

**Жиноятни оғирлаштирувчи ҳолатларга нисбатан хато** – бор ҳолатларни йўқ деб, йўқ ҳолатни бор деб, тасаввур қилиши натижасида юзага келади. Шунинг учун, мазкур хато тасаввур икки турда бўлиши мумкин. Биринчидан, жиноят субъекти жиноятни оғирлаштирувчи ҳолат мавжуд бўлмаганда, шундай ҳолат мавжудлиги ҳақида хато тасаввурга эга бўлади; иккинчидан, шахс содир этаётган қилмишининг квалификация қилинувчи белгиларини содир этаётган деб ҳисоблайди. фактик жиҳатдан эса, шахс онги билан англамаган ҳолда жиноятни оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлади.

Биринчи ҳолатда хатони белгиловчи хусусият, бу – шахснинг онгида оғирлаштирувчи ҳолат содир этаётганини тасаввур қилиши аҳамиятга эга. Шунинг учун, қилмиш қасд йўналтирилган ва қамраб олган доирасида квалификация қилиниши лозим. Бироқ, бу тугалланган жиноят сифатида квалификация қилиниши мумкин эмас, чунки қилмишнинг ижтимоий хавfliлигини оширувчи квалификацияга таъсир қилувчи жиноят белгилари фактик жиҳатдан содир этилмаган. Жиноятни квалификация қилишда квалификацияга таъсир қилувчи белгиларга нисбатан шахс хато тасаввур қилса, фактик жиҳатдан тамом бўлган жиноят суиқасд сифатида квалификация қилиниши керак, чунки ижтимоий хавfli оқибат келиб чиқди, лекин айбдорнинг онги ва қасди билан қамраб олинган жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар амалда тўлиқ юз бермади.

Келтирилган иккинчи ҳолатга кўра, жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларга нисбатан хатонинг турида шахс содир этаётган қилмишининг ижтимоий хавфлилигини оширувчи квалификацияга таъсир қилувчи белгиларсиз амалга ошираётгандай тасаввур этиб, унинг онги билан юридик жиҳатдан мавжуд оғирлаштирувчи ҳолат тулиқ камраб олинмайди. Ўз навбатида содир этаётган қилмиш субъектив белгилари мавжуд бўлмаганлиги учун жиноят оғирлаштирувчи ҳолатларсиз квалификация қилиниши лозим.

Кўриб чиқиладиган фактик хато тури, нафақат, қилмишнинг квалификацияга таъсир қилувчи оғирлаштирувчи ҳолатларини кўзда тутуди, балки, бунга жиноят таркибининг мустақил белгилари сифатида ҳам қаралиши мумкин. Масалан, босқинчилик билан ўғрилик содир қилиниши усули билан фарқланади. Ўғирлик жиноятнинг квалификация қилувчи асосий мезони, бу – айбдорнинг содир этаётган қилмиш ҳақидаги субъектив тасаввур булса, бу айбдор қасдининг йўналтирилганлигига асосан квалификация қилиниши лозим<sup>1</sup>.

12. Жиноят таркибининг объектив томони белгиларига, юз берган оқибатга, сабабий боғланишнинг ривожланишига, жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларга нисбатан хатодан ташқари жиноятни содир этиш воситасига нисбатан хато турини ҳам киритиш мумкин. Буни тўрт турга бўлиш мумкин.

**Биринчи турдаги хатога** айбдор томонидан ўзи мўлжаллаган воситадан бошқа, лекин унинг ўрнини босадиган воситадан фойдаланиш тушунилади. Мазкур турдаги воситага нисбатан хато қилмишни квалификация қилишга таъсир қилмайди. Содир этилган қилмишнинг объектив томони охирига етган бўлса, тугалланган жиноят, деб топилди. Шахс қасди қаратилган жиноят таркибининг объектив томони тугалланиши билан жиноят тугалланган, деб квалификация қилинади.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 30 апрелдаги «Ўзгалар мулкни ўғирлик, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 6-сонли қарори, 1-банд, 3-банднинг 1-хатбошиси.

**Иккинчи турдаги воситага нисбатан хато**, бу – ишлатиладиган воситани айбдор паст даражали, деб ҳисоблайди ёки ўйлайди. Агар жиноят содир этилиши натижасида келиб чиққан оқибат айбдор кутгандан кўра оғирроқ бўлиб чиқса, бунда мазкур ҳаракатлар эҳтиётсизлик орқасида содир этилган, деб квалификация қилиниши лозим, зеро, шахс келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатни олдиндан кўра билмаган бўлса-да, мазкур ҳолатни олдиндан кўра билиши мумкин ва лозим эди.

**Воситаларда хатонинг учинчи турининг** моҳияти шундан иборатки, айбдор ўзи яроқли, деб ишлатаётган восита аслида яроқсиз бўлиб чиқишига нисбатан бўлган хато. Бундай ҳолларда қилмиш қасднинг йўналтирилганлигига қараб квалификация қилинади.

**Тўртинчи турдаги воситага нисбатан хато** ишлатиладиган восита ҳар қандай ҳолатда ҳам яроқсиз бўлиб, бунда субъект ўзига далда беришда, ўзининг устунлигини қўполликда ва ўз-ўзига ишонишда ишлатишда ифодаланади (фитнада, бузишда). Бунда жиний жавобгарлик истисно этилади.

Суд-тергов амалиётида ҳозирги қадар ҳақиқатан ҳам шахс ўзи содир этган қилмишининг ҳуқуққа хилофлигини тушунганми, уни жиний жавобгарликка тортмаслик асосли бўладими, деган масала баҳсли бўлиб қолмоқда. Агар мазкур турдаги хатоларнинг мавжуд бўлганлиги аниқланса, суд ишни ўрганиб чиқиш учун қўшимча терговга қайтариши лозим.

## 21-модда. Қасддан содир этилган жиноят

Ушбу Кодекс моддасида жиноят тамом бўлган пайт ижтимоий хавfli қилмиш бажарилган вақт деб ҳисобланган бўлиб, уни содир этган шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавfliлик хусусиятини англаган ва шундай қилмишни содир этишни истаган бўлса, бундай жиноят қасддан содир этилган деб топилади.

Ушбу Кодекс моддасида жиноят тамом бўлган пайт ижтимоий хавfli оқибат юз берган вақт деб топилган қилмишлар тўғри ёки эгри қасддан содир этилган бўлиши мумкин.

Агар шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англаган, унинг ижтимоий хавфли оқибатларига кўзи етган ва уларнинг юз беришини истаган бўлса, бундай жиноят тўғри қасддан содир этилган деб топилади.

Агар шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англаган, унинг ижтимоий хавфли оқибатларига кўзи етган ва уларнинг юз беришига онгли равишда йўл қўйган бўлса, бундай жиноят эгри қасддан содир этилган деб топилади.

---

## Ш А Р Ҳ

---

1. Жиноят кодексида кўзда тутилган жиноятларнинг кўпчилиги қасддан содир этилади. Шубҳасиз, қасддан содир этилган жиноятлар эҳтиётсизлик ораксида содир этилган жиноятларга нисбатан юқори ижтимоий хавфга эга. Фақат қасддан содир этилган жиноятлар оғир ва ўта оғир жиноятлар сирасига киритилади (ЖКнинг 15-моддаси тўртинчи ва бешинчи қисмлари).

Шархланаётган моддага қонун чиқарувчи жиноятнинг моддий ва формал таркиби жиҳатидан ёндашади. Хусусан, формал таркибли жиноятларни квалификация қилиш учун қасд билан қамраб олинган ижтимоий хавфли қилмиш содир этилишининг ўзи етарли ҳисобланади. Моддий таркибли жиноят, деб квалификация қилиш учун эса, содир этилган қилмиш билан бирга айбдор англаган ва келиб чиқишини хоҳлаган маълум бир жиноий оқибат вужудга келиши лозим.

Қасдни тўғри белгилаш жиноятни квалификация қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, айбнинг шаклини тўғри белгилаш, адолатли жазо тайинланиши, жавобгарликни поғоналаштиришнинг имконини беради.

Қасднинг белгилари тафаккурий (интеллектуал) ва иродавий ҳолатлар ҳисобланади. Интеллектуал ҳолат қасднинг мазмунини, иродавий ҳолат эса, унинг йўналишини белгилайди. Шу нуқтан назардан айтиш мумкинки, мазкур ҳолатларни тўғри белгилаш, шубҳасиз, жиноятни тўғри квалификация қилишга ёрдам беради. Агар жиноят моҳиятида шахс ўзининг ҳаракат (ҳаракатсизлиги)ни



ижтимоий хавфлилик хусусиятини англаган моддий таркибли жиноятларда ижтимоий хавfli оқибатни олдиндан кура билганликда ифодаланса, йуналтирилганлик аниқ бир оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлиб (икки турдаги таркиб учун ҳам характерли), қилмишни содир этишга иродавий кучга (формал таркибли) ва тажовуз қилинаётган муайян объектга нисбатан зарар етказишга таянади. Масалан, узаро жанжаллашиш пайтида пичоқ орқали тан жароҳати етказилган ҳолатларда купинча қилмиш қасддан содир этилган ҳисобланади. Аммо, фақат жиноят қасдининг умумий маъносидан келиб чиқиб, қилмишни квалификация қилиб бўлмайди: бу қилмиш моҳият ва йуналтирилганлигига кура безорилик, баданга тан жароҳати етказиш, қасддан одам улдиришга суиқасд, зарурий мудофаа ҳолатида содир этганлик, деб ҳам баҳоланиши мумкин.

**2. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида** қасднинг моҳияти ижтимоий хавfli қилмиш бажарилиб, жиноят тугалланганлик белгилари мавжуд бўлган вақтга нисбатан олинади. Бунда шахс оқибат келиб чиққан-чиқмаганлигидан қатъи назар, жипой жавобгарликка тортилади. Формал таркибдаги жиноятларни квалификация қилишда шахс узининг содир этаётган қилмишининг ижтимоий хавfliлик хусусиятини (интеллектуал ҳолат) ва шу қилмишни содир этишга бўлган хоши мавжудлиги муҳим фактлардан бири саналади. Формал таркибли жиноятларда айбдорнинг юз бериши мумкин бўлган оқибатларга бўлган муносабати ижтимоий хавfli қилмишни квалификация қилишда аҳамиятга эга эмас, чунки формал таркибли жиноятларда оқибатлар жиноят таркибидан ташқарига чиқарилган.

Формал таркибли жиноятларда эгри қасд истисно этилади, чунки эгри қасдда айбдор содир этаётган қилмишини истамаса-да, онгли равишда бунга йул қўяди. Формал таркибли жиноятлар фақат туғри қасд билан содир этилиши характерли бўлган жиҳатлардандир.

Ўз навбатида, формал таркибли жиноятлардаги айбнинг қасд шакли қилмишнинг ижтимоий хавfliгини тавсифловчи

интеллектуал ва иродавий ҳолатларга эгадир. Фақат қилмишгина формал таркибли жиноятларни квалификация қилишда муҳим аҳамиятга эга. Қасднинг интеллектуал ҳолати шахснинг ижтимоий хавфли характердаги қилмишини англаши ва унинг ижтимоий хавфли оқибатларини кўра билишидир.

**Шахс томонидан содир этаётган қилмишининг ижтимоий хавфлилик хусусиятини англаши**, биринчидан, қилмишнинг фактик моҳиятини, иккинчидан, унинг ижтимоий аҳамиятини тушуниши муҳим ҳисобланади. Жиноятнинг фактик томонининг англаниши жиноят содир этиш вақти, жойи, усули, шароитларини (тафаккурий) ҳолат таркибига киритишнинг имконини беради.

**Ижтимоий хавфлилик** – қилмишнинг фактик белгилари сифатида қаралувчи мустақил элемент эмас, балки қилмишни бутунлигича объектив белгилари билан ташкил этувчи хусусият саналади. Ўзининг ижтимоий хавфли характердаги ҳаракати ёки ҳаракатсизлигини англаш – шахс жиноят содир этаётганида барча ҳолатларни англаган бўлиши.

Дастлабки вазифалардан бири, бу – айбдор руҳиятида қилмишнинг ижтимоий хавфлилик хусусиятининг ифодасини аниқлашдан иборатдир. Бу позициядан ижтимоий хавфли қилмишни англаш ҳолати қасдни аниқлаш учун етарли ҳисобланади ва бунда содир этилган қилмишнинг жиной оқибатлари ҳақидаги айбдор қасди формал таркибли жиноятлар квалификациясига таъсир қилмайди.

**Формал таркибли жиноятларнинг интеллектуал томони** бу қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги ва аҳамиятини англаш ҳисобланади. Ўз навбатида, қасд субъектнинг махсус хусусиятларини (мансабдорлик жиноятларида) ўзида акс эттириши жиноятни квалификация қилишдаги мажбурий белгилардан саналади. Бундай ҳолатда субъектнинг махсус белгиларини англаш – содир этилаётган қилмишнинг жиной ҳуқуқий хилофлигини, яъни айбдорга юклатилган махсус мажбуриятларни бузилаётганлигини англашни билдирувчи зарурий белги сифатида қаралади. Формал таркибли жиноятларда айбдорнинг юз бериши мумкин бўлган оқибатларга бўлган муносабати (иродавий белгиси)нинг ижтимоий хавфли

қилмишни квалификация қилишда аҳамияти йуқ. Бундай боғлиқликни шу билан изоҳлаш мумкинки, айбдор шахс ижтимоий хавфли қилмишни (ҳаракат ёки ҳаракатсизликни) содир этишни хоҳлайди.

Моддий таркибли хоҳиш-истак предмети қасдга нисбатан иродавий муносабат сифатида оқибат ҳисобланади, формал таркибли жиноятларда эса, қилмишнинг ўзи тушунилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, моддий таркибли жиноятларда қасднинг иродавий ва интеллектуал ҳолати қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик), оқибат билан қамраб олинган бўлади, формал таркибли жиноятларда эса, қилмиш – ҳаракат ёки ҳаракатсизлик бўлиши мумкин. Чунки, формал таркибли жиноятларда кўрсатилган оқибат мавжуд бўлмайди ёки бундай таркиб учун оқибатларни олдиндан кўра билиш талаб этилмайди.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини англаш билан унинг ҳуқуққа хилофлигини, яъни жиноят қонуни билан тақиқланганлигини англаш ўртасида фарк мавжуд. Кўп ҳолларда жиноят содир этаётган шахслар унинг ҳуқуққа хилофлигини англашади. Бироқ, қонунчилик қилмишнинг ҳуқуққа хилофлигини англашни қасд шаклининг моҳиятига киритмайди, шунинг учун содир этилган жиноят айбдор томонидан унинг ҳуқуққа хилофлигини англамасида, қасддан, деб топилиши мумкин, қонунчилик «*ignorantia legis pēnitet excusat*» (қонунни билмаслик жавобгарликдан озод қилишга асос бўлмайди) принципига таянади.

Шундай қилиб, формал таркибли жиноятларнинг объектив томони белгиларига объектив томонни тўлалигича ифода этувчи ижтимоий хавфли қилмиш, ҳаракат ёки ҳаракатсизлик киради. Шунинг учун, формал таркибли жиноятларда қасднинг иродавий моҳияти қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизликка) нисбатан бўлган иродавий муносабат билан қўшилиб кетади.

**3. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмида** моддий таркибли жиноятларда қасднинг моҳиятини кўриб чиқамиз.

Ижтимоий хавфли оқибат келиб чиқиши биланок тугалланган, деб топиладиган жиноятлар тўғри ёки эгри қасд билан содир этилган бўлиши мумкин. Бунда қасддан содир

этилган жиноятлар иродавий ҳолатга асосан фарқланиши мумкин. Тўғри қасднинг иродавий ҳолатида жиноят содир этган шахс муайян ижтимоий хавфли қилмиш туфайли оқибат келиб чиқишини истайди, баданга шикаст етказишда эса, айбдор айнан баданга оғир шикаст етказилишини истайди. Айнан иродавий ҳолат бўйича тўғри қасд эгри қасддан фарқ қилади, чунки тўғри қасдда айбдорнинг ҳаракатларида муайян оқибатлар юз бериши истаги мавжудлиги бўлса, эгри қасдда муайян оқибат юз бериши истаги эмас, балки онгли равишда йўл қўйилиши, яъни ижтимоий хавфли оқибат юз беришига айбдорнинг бефарқ қараши мавжуд бўлади. Бундай ҳолларда, айбдорнинг ҳаракатлари унинг қилмиши туфайли юз берган оқибатдан келиб чиққан ҳолда квалификация қилинади. Айнан мана шу белги асосида (иродавий ҳолатга кўра) қасд турларга бўлиниши мумкин.

Айбдорнинг жиноятни содир этиш вақтида қандайдир ижтимоий хавфли оқибат келиб чиқишини хохлаши ёки унга йўл қўйиши асносида қасдни шартли равишда тўғри ва эгри турларга бўлиш мумкин. Шунинг учун, хоҳиш ва онгли равишда йўл қўйиш масалалари жиноят таркибининг элементи ҳисобланган оқибатга нисбатан айбни шаклларга бўлишда аҳамиятга эга. Жиной қасдни тўғри ва эгри шаклларга бўлиш фақат моддий таркибли жиноятлар учун қўлланилади, чунки уларнинг ижтимоий хавфлилиги ва ҳуқуққа хилофлиги жиноят тўғрисидаги қонунчиликка биноан ижтимоий муносабатларни деструктив ўзгартиришга олиб келувчи келтирилган зарар билан боғланади.

**4. Шарҳланаётган модданинг учинчи қисмида** моддий таркибли жиноятларда тўғри қасднинг моҳияти ва характери баён қилинган. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми судларга жазо тайинлаш вақтида жиноят қасди, унинг йўналтирилган мақсад ва мотивини инобатга олиш кераклиги ҳақида тушунтиришлар берган. Ушбу моддада тўғри қасднинг моҳиятини очиб берувчи ва уларни характерловчи **интеллектуал ва иродавий** ҳолатлар берилган.

Тўғри қасднинг икки жиҳати мавжуд: тўғри қасднинг тафаккурий ҳолати содир этилган қилмишнинг ижтимоий

хавфлилигини англаш ва ижтимоий хавфли оқибатнинг келиб чиқишини олдиндан кўра билишда ифодаланади. Мазкур ҳолатда айбдорнинг қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини англаши у содир этаётган қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг) хусусиятини ва уни содир этиш натижасида маълум бир оқибат келиб чиқиши мумкинлиги тасаввур қилишида ифодасини топади. Айтиб ўтилган барча фикрлар шахснинг онгига бориб тақалади ва бу тўғри қасднинг интеллектуал томонини ташкил қилади.

Шундай қилиб, интеллектуал ҳолат, биринчидан, шахснинг содир этаётган жиноятининг ижтимоий хавфлилик хусусиятини айни вақтда (жиноят содир этиш вақтида) англаганлиги, иккинчидан, мазкур ҳаракатлар таъсирида келажакда юз бериши мумкин бўлган ижтимоий хавфли оқибатни олдиндан кўра билганлигида ифодаланади.

Шахснинг ижтимоий хавфли оқибатларни олдиндан кўра билиши деганда унинг ижтимоий хавфли қилмишни содир этиши натижасида юз берадиган оқибат ҳақида олдиндан билиши тушунилади, яъни айбдор ҳаракатлари натижасида тажовуз этилаётган объектга қанчалик зарар етишини олдиндан тасаввур этади. Бу, шунингдек, ана шу келтирилган ўзгаришларнинг ижтимоий хавфлилигини тушуниш билан боғлиқ. Шунингдек, олдиндан кўра билиш ижтимоий хавфли қилмиш ва келиб чиққан оқибат ўртасидаги сабабий боғланиш мавжудлигини англашга ҳам боғлиқдир.

Ижтимоий хавфли оқибатларни олдиндан кўра билиш икки хил бўлиши мумкин: тўғри қасдда ва эгри қасдда. Аммо жиноят қонуни тўғри ва эгри қасдларда келиб чиқиши мумкин бўлган ижтимоий хавфли оқибатни олдиндан кўра билишни ўзгаришсиз баён этган. Бундай икки томонлама хусусият тўғри ва эгри қасддаги иродавий ҳолатни олдиндан кўра билишга таъсир этади.

Тўғри қасдларда ижтимоий хавфли оқибатларнинг келиб чиқишини олдиндан кўра билиш оқибат келиб чиқишининг аниқлиги билан изоҳланади. Кўп ҳолларда шахс ўз қилмиши самараси ўлароқ, келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатни кўради, уларни етказишга ҳаракат қилади.

ўз мақсадларининг реал амалга ошишига ишонади ва келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатни идеал шаклда тасаввур қилади.

Айбдор шахс оқибат келиб чиқишини ўзининг қилмиши ва келиб чиқиши мумкин бўлган оқибат ўртасидаги сабабий боғланиш мавжудлигини ҳамда унинг ривожланишини англаган ҳолда оқибатни олдиндан кўра билиши мумкин. Агар шахс келиб чиқиши керак бўлган оқибат учун ўзи зарур деб топган ва барча ҳаракатларни амалга оширган бўлса, кўзда тутилмаган ҳолатлар таъсирида оқибат юзага келмаган бўлсада, шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфли оқибатларини олдиндан кўра билган, деб айтиш мумкин. Шунинг учун олдиндан кўзланган оқибат фактик юзага келиш билан бирга тўлиқ амалга ошмаслиги мумкин.

**Тўғри қасднинг иродавий ҳолати** жиноят содир этган шахснинг ўзи содир этган қилмишидан келиб чиқадиган ижтимоий хавфли оқибатни истаганлигидир.

**Хоҳиш** – бу мақсадга эришиш йўлида йўналтирилган, маълум бир натижага эришишга қаратилган ирода. Хоҳиш – бу маълум бир предметга қаратилган истақлар йиғиндиси. Хоҳишнинг пайдо бўлишида маълум бир мақсад кўйилади. Хоҳиш – мақсадга қаратилган интилишдир<sup>1</sup>.

Хоҳиш турли хил бўлиши мумкин. У тўғри қасднинг белгиси сифатида айбдор учун аҳамиятли муайян бир оқибатнинг юзага келишига интилишда ифодаланади:

- охирги тугал мақсад (рашк ёки ўч олиш мақсадида қасддан одам ўлдириш);
- мақсадга эришишдаги оралиқ босқич (бошқа бир жиноятни яшириш мақсадида қасддан одам ўлдириш);
- тугал мақсадга восита (жабрланувчининг мулкани эгаллаш мақсадида қасддан одам ўлдириш);
- қилмишнинг ўзаро боғлиқ элементлари (жабрланувчининг нафақат ўзини, балки, у билан бирга овқатланаётган оила аъзоларини ҳам заҳарлаш йўли билан қасддан одам ўлдириш).

<sup>1</sup> Қаранг: С.Л. Рубинштейн. Основы психологии. М., 1946. стр. 513.

Хошишнинг предметини жиноят таркибининг элементларини ўзида акс эттирган ижтимоий хавфли оқибат ташкил қилади. Айбдорнинг мақсадли қилмиши билан ижтимоий хавфли оқибат юзага келади. Масалан, қасддан одам ўлдиришда – жабрланувчининг ўлими, уғирликда – ўзганинг мол-мулкни эгаллаш, безориликда – жамоат тартибини бузиш. Инсон ўз олдига қўйган фаолиятининг мақсадлари мотивлар билан аниқланади. Шунинг учун, тўғри қасд натижасидаги жиноий оқибат, айбдор ҳаракатининг асосий мақсади ҳисобланиб, шахс фаолиятининг мотивидан келиб чиқади ва шу мотив билан аниқлаштирилади.

Тўғри қасднинг мақсадга қаратилганлиги (иродавий элементи) жиноят таркибининг фақат келтирилган зарар билан чегараланиб қолганлигини билдирмайди. Алоҳида мақсадга қаратилган жиноятларда жиноят таркиби чегарасида бўлган, шунингдек, бошқа бир ҳолатларда ҳам йўналиш махсус натижага қаратилган бўлади. Аммо бу натижалар жиноят таркибида кўзда тутиб ўтилган умумий қасднинг йўналтирилган бир босқичи сифатида қаралади.

**5 Шарҳланаётган модданинг тўртинчи қисмида** эгри қасд тушунчаси ёритилган. Эгри қасдга ҳам **интеллектуал ва иродавий** ҳолатлар киритилган.

**Эгри қасд** жиноят содир этган шахснинг ўз қилмишини (ҳаракат ёки ҳаракатсизлигини) ижтимоий хавфлилик хусусиятини англаган, ижтимоий хавфли оқибат келиб чиқишини олдиндан кўра билган ва онгли равишда мана шу оқибатлар келиб чиқишига йўл қўйишда ифодаланади.

Эгри қасдда тафаккурий ҳолат қўйидагилар билан изоҳланади:

– содир этилаётган қилмишнинг ижтимоий хавфлиликни англаш;

– ижтимоий хавфли оқибатларнинг келиб чиқишини олдиндан кўра билиш имкониятига эга бўлиш.

Эгри қасдда қилмишнинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини англаш тўғри қасднинг белгиларига мувофиқ равишда бу белгилардан фарқ қилмайди. Лекин, эгри қасддаги ижтимоий хавфли оқибатни олдиндан кўра билишда

фарқлар мавжуд бўлиб, бу қасдни турларга ажратиб туради. Мазкур ажратиш тўғри қасдда субъект оқибат келиб чиқиши зарурлигини олдиндан кўра билади, эгри қасдда эса, жиноий оқибатнинг келиб чиқиши реал имкониятларга эга бўлади. Бундан ташқари, тўғри ва эгри қасд ўртасидаги фарқ уларнинг ижтимоий хавфли оқибатни олдиндан кўра билишдаги иродавий ҳолатига кўра аниқланади. Тўғри қасддан фарқли равишда эгри қасдда шахс ижтимоий хавфли оқибат келиб чиқишини хоҳламайди, лекин уларнинг келиб чиқишига онгли равишда йўл қўяди.

Эгри қасдда фақат ижтимоий хавфли оқибат келиб чиқишини олдиндан кўра билиш имкониятига эга бўлиш унинг моҳиятини чегаралайди. Шахс ўзи содир қилаётган ҳаракатлари объектив борлиққа қандай таъсир ўтказиб, ижтимоий хавфли оқибат олиб келишини англайди, лекин баъзан оқибат юзага келмаслиги ҳам мумкин, чунки оқибат юзага келиши учун субъект томонидан назорат қилинмайдиган бошқа шартлар ҳам зарур бўлади. Бу ерда оқибат биргина оқибат билан боғлиқ бўлмай, айбдорга боғлиқ бўлмаган бошқа ҳолатлар натижаси ҳисобланади. Гап аниқ шароитда шартлардаги реал имкониятлар ҳақида бормокда, индивидуал ҳолатдаги мавҳумлик ҳақида эмас. «Реал имконият» атамасига жиноят қонунчилигининг шарҳланаётган моддасида мазкур ибора ишлатилмаган бўлса-да, бу эгри қасддаги олдиндан кўра билиш тушунчасини аниқ ифодалайди.

Онгли йўл қўйиш олдиндан кўра билиш юзага келиши мумкин бўлган жиноий оқибатга нисбатан мавҳум бўлмай, реал бўлиши мувофиқдир. Онгли равишда йўл қўйиш, энг аввало, ижтимоий хавфли қилмиш келиб чиқишини истамаслик билан характерланади. Эгри қасддан ҳаракат қилаётган шахс бу оқибатларнинг келиб чиқишидан манфаатдор эмас, шундай бўлса-да, бошқа мақсадларга ва ҳатто, жиноий бўлмаган мақсадларга эришиш учун уларнинг келиб чиқишига тайёр туради. Эгри қасднинг моҳияти шунда намоён бўладигани, шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфлилик хусусиятини тушуниб, унинг натижасида вужудга келиши мумкин бўлган оқибатни олдиндан кўра билиш реал



имкониятларига эга бўлади ва бундай оқибатлар юзага келишига онгли равишда йўл қўяди.

Онгли равишда йўл қўйиш **эгри қасднинг иродавий томони** сифатида, шунингдек, айбдор шахснинг ўз ҳаракатлари ижтимоий хавфли оқибатлар келтириб чиқаришига бефарқ муносабатда бўлиш шаклида ҳам намоён бўлади. Шу сабабдан айрим вақтларда эгри қасд «жиноий бефарқлик», деб ҳам номланади. Ўз навбатида эгри ва тўғри қасд ўртасида нафақат иродавий ҳолатлардаги руҳий моҳиятга, балки, англашда ҳам фарқлар мавжуд.

Лекин, эгри ва тўғри қасдни бир-биридан ажратиб турувчи асосий фарқ иродавий ҳолатга асосланади: ижтимоий хавфли оқибат тўғри қасдда хоҳиш, эгри қасдда онгли равишда йўл қўйиш билан амалга оширилади.

Эгри қасддан содир этилган жиноятларда айбдор ижтимоий хавфли оқибатлар келиб чиқишини хоҳламайди. Ўз-ўзидан эгри қасдда шахс иродаси оқибатга нисбатан фаол эмас, балки пассив муносабатда бўлади. Зеро, бу оқибатлар ушбу жиноят таркибининг ташқарисида жойлашган бошқа мақсадларга эришишга қаратилган айбдор жиноий қилмишининг салбий натижасидир. Шунинг учун эгри қасд билан содир этилган жиноятларнинг тўғри қасд билан содир этилган қилмишларга нисбатан хавфлилик даражаси пастдир.

---

## ◆◆◆◆◆

### **22-модда. Эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноят**

Ўз-ўзига ишониш ёки бепарволик орқасида содир этилган ижтимоий хавфли қилмиш эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноят деб топилади.

Агар жиноятни содир этган шахс ўз хулқ-атвори қонунда назарда тутилган ижтимоий хавфли оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигига кўзи ета туриб, эҳтиёткорлик чоратадбирларига онгли равишда рияз этмаган ҳолда бундай оқибатлар келиб чиқмаслигига асоссиз равишда умид қилган

бўлса, бундай жиноят ўз-ўзига ишониш оқибаотида содир этилган деб топилади.

Агар жиноят содир этган шахс ўз хулқ-атвори қонунда назарда тутилган ижтимоий хавфли оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигига кўзи етмаса-да, лекин кўзи етиши лозим ва мумкин бўлса, бундай жиноят бепарволик орқасида содир этилган деб топилади.

## Ш А Р Ҳ

**1. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида** эҳтиётсизлик орқасида содир этиладиган жиноятлар икки турга бўлинган:

- ўз-ўзига ишониш оқибаотида содир этиладиган жиноятлар;
- бепарволик орқасида содир этиладиган жиноятлар.

Эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноятлар етказилган оқибатга қараб, айрим ҳолларда эса, бу оқибатларни вужудга келтирган усул ва воситасига қараб таснифланади. Оқибатнинг бўлмаслиги ўз-ўзидан жавобгарликни истисно этади. Эҳтиётсизлик билан содир этилган жиноятлар учун жавобгарлик фақатгина жиноят қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилган ҳолдагина келиб чиқади. Шубҳасиз, эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноятлар ўзининг ижтимоий хавфлилиқ даражаси жиҳатидан қасддан содир этилган жиноятларга нисбатан паст (*ЖКнинг 20-моддаси шарҳига қаранг*). Бу хусусият жиноят қонунда жиноятларни нафақат таркибига кўра, балки бошқа хусусиятларига кўра ҳам таснифлашга имкон яратади.

Жиноят тўғрисидаги қонунчиликка кўра белгиланганидек, эҳтиёт-сизлик орқасида содир қилинган жиноятлар учун жавобгарлик масаласи ижтимоий хавфли оқибат етказилиши билан юзага келади. Қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) нинг мавжуд бўлмаслиги, ўз навбатида, жавобгарликни юзага келтирмайди.

Қонунчилик эҳтиётсизликнинг ўз-ўзига ишониш ва бепарволик шакллари белгиласа-да, ҳар икки ҳолатда ҳам уларни келиб чиқадиган оқибат билан боғлайди. Улар

инсоннинг салбий жиҳатлари – эътиборсизлик, бепарқлик ва эҳтиётсизлик каби хислатлари билан боғлиқ. Бошқача қилиб айтганда, у ёки бу ҳолатда шахс зарур даражада эҳтиёткорлик қилмайди, шунинг учун ўз-ўзига ишониш ва бепарволикни «эҳтиётсизлик» тушунчаси бирлаштириб туради.

Эҳтиётсизлик орқасида содир қилинган жиноятларни бирлаштириб турувчи хусусиятлардан бири айбдорнинг қилмишга нисбатан руҳий муносабати бўлиб, шахс ўзининг қилмишида (ҳаракат ёки ҳаракатсизликда) ижтимоий хавфли хусусиятларни англамайди. Бепарволикда бундай хусусият ижтимоий хавфли оқибатни олдиндан кўра билмаганлик билан, ўз-ўзига ишонишда оқибат келиб чиқмаслигига асоссиз умид қилиш, жамиятга зарар етмаслигига ишончда ифодаланади. Айни вақтда ўз-ўзига ишониш ва бепарволикда ҳам шахс содир этаётган қилмишининг ижтимоий хавфлилиги хусусиятини англаши лозим ва англаши мумкин бўлиш мажбурияти мавжуд бўлади.

Одатда, эҳтиётсизлик билан содир этилган жиноятлар етказилган оқибатга қараб, айрим ҳолларда эса, бу оқибатларни вужудга келтирган усул ва воситасига қараб таснифланади.

Қонун эҳтиётсизлик орқасида содир қилинган жиноятни қилмишни содир этган шахснинг ўз қилмиши оқибатига бўлган муносабати сифатида баҳолайди. Шунга мувофиқ, эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноятлар ва эҳтиётсизлик айб шаклини акс эттирувчи жиноятлар кўп ҳолларда моддий таркибга асосланган бўлади. Бу ҳолатни рад этиш асоссиз жавобгарликнинг вужудга келишига, айб учун жавобгарлик принципининг бузилишига олиб келади.

Эҳтиётсизлик орқасида содир қилинган жиноятларда жиноятнинг тайёргарлик, суиқасд босқичлари ва иштирокчилик белгилари бўлмайди.

**2. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмига** кўра, агар жиноятни содир этган шахс ўз хулқ-атвори қонунда назарда тутилган ижтимоий хавфли оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигига кўзи ета туриб, эҳтиёткорлик чора-тадбирларига оғли равишда риоя этмаган ҳолда бундай

оқибатлар келиб чиқмаслигига асоссиз равишда умид қилган бўлса, бундай жиноятлар ўз-ўзига ишониш оқибатида содир этилган, деб топилади.

Ўз-ўзига ишониш қасд сингари айбдор онгида акс этувчи объектив фаолият факлари (қилмишнинг фактик белгилари, унинг келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатлари, субъект ҳисобга олган ҳолатлар) ташкил этувчи ўзининг предметли моҳиятига эга.

Ўз-ўзига ишониш натижасида жиноят содир этган шахс ўз қилмишининг фактик белгиларини, ижтимоий хавфли оқибатларни кўра билиш имкониятига эга бўлади. Бироқ, ўз-ўзига ишониш шаклида ижтимоий хавфли оқибатни олдиндан кўра билиш қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини англаш билан бир хил эмас, чунки оқибат келиб чиқмаслигига ишончнинг мавжудлиги уни нейтраллаштиради. Келажакда хавфли оқибатларнинг олдини олишга ишонса-да (асоссиз бўлса-да), субъектнинг содир этган қилмиш жамиятга зарар етказмаслигига ишонади, яъни унинг ижтимоий хавфли хусусиятга эга эканлигини англамайди. Шахс, ҳатто, ўз ҳаракатларини ижтимоий фойдали, деб ўйлаши ҳам мумкин. Мисол учун ижтимоий хавфли оқибатни олдиндан кўра билиш ҳуқуқий фаолиятларда ҳам бўлиши мумкин (жарроҳлик операциялари ва бошқа таваккалчиликка асосланган соҳалар). Мазкур ҳолларда шу тарзда оқибатни олдиндан кўра билиш, салбий оқибатлар келиб чиқишининг олдини олишнинг зарур шarti ҳисобланади. Шунинг учун, ўз-ўзига ишонишда айб ҳолати ижтимоий хавфли оқибатларни кўра билишда эмас, балки уларнинг олдини олишга қаратилган асоссиз умидга нисбатан олинади.

Ўз навбатида, ўз-ўзига ишонишда жиноят тўғрисида қонунчилик билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга тўлақонли зарар етказиши мумкин бўлган, содир этилаётган қилмишнинг (ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг) ижтимоий хавфлилик хусусиятини англайди. Шахснинг бундай ҳолатни англаши ўз-ўзига ишонишнинг қонун томонидан белгиланган зарурий белгиси ва бу ҳар бир ишда судлар томонидан аниқланади. Ўз-ўзига ишонишда айбдор ўзига, ўзининг

кучига, тажрибасига, билимига таяниш билан бирга, бошқа шахсларнинг ҳаракати, табиат кучлари ва ҳ.к.га ҳам таянади. Ўз қилмишининг ижтимоий хавфлилик хусусиятини англаш бундай турдаги жиноятлар учун интеллектуал ҳолатнинг дастлабки белгиларидан биридир. Ўз-ўзига ишониш оқибатида содир этилаётган жиноятнинг интеллектуал (тафаккурий) ҳолати шундан иборатки, айбдор ўзининг хулқ-атвори натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган ижтимоий хавфли оқибатни олдиндан кўра билади. Шунинг учун белгиларига кўра, ўз-ўзига ишониш эгри қасддагидек ижтимоий хавфли оқибатларни олдиндан англаш билан бир-бирига ўхшаб кетади.

Бирок, эгри қасдда айбдор аниқ ҳолат бўйича юзага келиши мумкин бўлган оқибатни аниқ англаса, ўз-ўзига ишонишда бундай оқибатни олдиндан англаш мавҳум характерга эга бўлади. Бунда шахс юзага келиши мумкин бўлган аниқ шаклда бўлмаган қилмиш натижасидаги ижтимоий хавфли оқибатни англайди. Бошқача айтганда, эҳтиётсизликнинг ўз-ўзига ишониш ва эгри қасд ўртасидаги асосий фарқи айбдорнинг қилмишига нисбатан бўлган иродавий ҳолатида намоён бўлади. Агар эгри қасдда айбдор ижтимоий хавфли оқибатлар келиб чиқишига онгли равишда йўл қўйса, ўз-ўзига ишонишда оқибатлар келиб чиқмаслигига асоссиз равишда умид қилади.

Шу билан бирга, мавҳум олдиндан англаш имкониятини унификация (бир хиллаштириш) қилиш мумкин эмас. Бундай имконият фақат аниқ ҳолат ва вақтларда кўриб чиқилиши мумкин. Ҳар доим ҳам автомашинанинг тормоз шланги ёрилиб, аварияга учраши, ўрмонда дарахт кесаётганда ёки хайвонга қаратиб овчи ўқ узганда одам ўлдириши; беморнинг организмида номаълум аномалияларнинг мавжудлигидан шифокорнинг аралашуви натижасида унинг соғлиғига зарар етказилишидаги ҳолатларда мавҳумлик мавжуд. Маълум бир ижтимоий хавфли оқибатнинг келиб чиқишини олдиндан англаш ўз-ўзига ишониш шаклида эгри қасддан фарқ қилади.

Қасддан содир этилган жиноятларда айбдор маълум бир жиний натижа келиб чиқишини хоҳлайди ёки унга йўл қўяди. Ўз-ўзига ишонишда эса, унинг олдини олишга умид қилиб, нисбий хусусиятга эга бўлади. Бунда олдини

олишга қаратилган ҳисоби асоссиз ва шахс ўзининг жиноий оқибатнинг олдини олишга қаратилган ҳеч қандай эҳтиёт чораларини кўрмаганлигини англаши, яъни айбдорнинг ижтимоий хавфли оқибат келиб чиқишига йўл қўймаслик учун жиноятнинг олдини олишга қаратилган ўзи танлаган чораларини қўлламаганликдаги фаол бўлмаган фаолияти тушунилади. Мазкур ҳолларда айбсиз ҳолда зарар етказиш – **тасодиф** саналади.

Ўз-ўзига ишонишда олдиндан англаш (кўра билиш) шу билан изоҳланадики, шахс иродавий жиҳатлар, руҳий босим ва таъсир билан мазкур ҳолатларни ҳақиқий сабабий боғланиш ривожланишини англаши мумкин бўлган бўлса-да, уларни англамайди. Айбдор ҳолатга жиддий ёндашмай, жиноий оқибат келиб чиқишининг олдини олишга умид қилади, лекин амалда оқибат келиб чиқишига монелик қила олмайди.

Ва, нихоят, ўз-ўзига ишонишдаги интеллектуал ҳолат **шахснинг онгли равишда эҳтиёткорлик чораларига риоя қилмаганлиги**да ифодаланadi.

Эҳтиёткорлик чораларига амал қилмаслик, шахснинг келиб чиқиши мумкин бўлган ижтимоий хавфли оқибатни олдиндан англаш имкониятига эга бўлиб, у келиб чиқишининг олдини олишда етарли ва зарур чораларни кўрмайди. Мазкур ҳолатларда шахс бундай оқибат маълум бир ҳолат ва шароитлар ўтиши билан келиб чиқмайди, деб ҳисоблайди, бироқ, оқибатнинг олдини олишга қаратилган ҳеч қандай мустақил ҳаракатни амалга оширмайди. Шунинг учун мазкур ҳолатда шахснинг пассив хулқ-атворини кўришимиз мумкин. Шу билан бирга, шахс тасодифга умид боғлаб ҳеч қандай ҳаракатни ҳам амалга оширмайди. Тасодифга умид боғлаган ҳолда хато тахмин қилиш эгри қасднинг белгиларидан бири ҳисобланади. Шахснинг ўз-ўзига ишонишида оқибатга нисбатан рад муносабатда бўлади, қасддан фарқли ўларок, уларнинг келиб чиқишини хоҳламайди ва йўл қўймайди. Чунки, шахс жиноий оқибатнинг келиб чиқишида ҳолатларга нотўғри баҳо бериши натижасида оқибатнинг сабабий боғланишини англаш ҳолатида бўлмайди ёки уларнинг ривожланиши ҳақида хато тахмин қилади. Ўз-ўзига ишониш

билан қасднинг сабабий боғланишдаги хато ўртасидаги асосий фарқ, бу келиб чиққан оқибатга нисбатан қасддан айбни рад этади.

Эҳтиёткорлик чоралари зарурий ва мажбурий хусусиятга эга бўлган иш, касб ва мансабдаги шахс мажбуриятларига тўлалигича киради. Бундан ташқари, эҳтиёткорлик чоралари муайян ҳолатдан келиб чиққан ҳолда ҳам белгиланиши мумкин. Шунинг учун, аниқ амал қилиниши лозим бўлган чора-тадбирларни кўрсатиб бўлмайди. Бундан ташқари, эҳтиёт чораларининг мавжудлиги ўз-ўзига ишониш ижтимоий хавфли оқибатнинг олдини олишга қаратилган асосиз таваккалчиликни ифодаловчи иродавий ҳолатнинг хусусияти билан ҳам боғлиқ. Бунда айбдор эҳтиёт чораларига риоя қилмаётганини англаганлиги муҳим аҳамиятга эга. Мазкур ҳолат шундан далолат берадики, айбдор қандайдир объектив ва субъектив ҳолатларни англайди ва уларга мувофик равишда ўз хулқ-атворини шакллантиради.

Шундай қилиб, ўз-ўзига ишонишнинг интеллектуал ҳолати қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ўз-ўзидан жиноят ҳисобланмаган хулқ-атворининг ижтимоий хавфли хусусиятларини англаш;
- бу хулқ-атворнинг натижаси сифатида юзага келиши мумкин бўлган ижтимоий хавфли оқибатларни олдиндан англаш;
- шахснинг эҳтиёткорлик чора-тадбирларига етарли даражада амал қилмаётганлигини англаши.

3. Жиноий ўз-ўзига ишонишнинг тахминдаги асосизлигининг конунда икки хусусияти белгиланган. Тахминнинг асосизлиги биринчи навбатда иродавий ҳолат ва ўз навбатида интеллектуал ҳолатда ҳам хусусият сифатида аҳамиятга эга. Айнан мана шу хусусият ўз-ўзига ишонишни қасддан ажратиб турувчи белги саналади. Субъект қандайдир саробга эмас, маълум бир юзага келиб қолиши мумкин бўлган аниқ шартларга асосланади. Ўз-ўзига ишонишда иродавий ҳолатни ифодаловчи хусусияти етарли бўлмаган асосларга таянган ҳолда содир этилаётган қилмишнинг ижтимоий хавфли оқибатларининг олдини олишга қаратилган ўз-ўзига ишонишда ифодаланади.

Айнан мана шу хусусиятнинг мавжудлиги ўз-ўзига ишонишни қасддан ажратиб туради. Масалан, ҳайдовчи маст ҳолатда автомашинани кўп кишилиқ жойда юқори тезликда бошқаради, у онгли равишда йўл ҳаракати хавфсизлиги қондаларини бузади. Бу ҳолатда айбдор кишилар соғлиғига зарар етказиши мумкин бўлган ижтимоий хавфли оқибатни олдиндан кўра билади, бу оқибатлар келиб чиқмаслиги тўғрисидаги ишонч хомхаёл бўлиб чиқади. Мазкур мисолда ўз-ўзига ишонишнинг иродавий ҳолатини кўриш мумкин.

Агар шахс эгри қасдда ижтимоий хавфли оқибат келиб чиқишига онгли равишда йўл қўйса ёки уларнинг келиб чиқишига бефарқ муносабатда бўлса, яъни келиб чиққан оқибатни ёқласа ёки уларга ижобий ёндашса, ўз-ўзига ишонишда эса, шахс нафақат хоҳишининг мавжуд эмаслиги, оқибатларга онгли равишда йўл қўйишни истамаслиги, уларни келтириб чиқармасликка ҳаракат қилиши ва уларга нисбатан нисбий муносабатда бўлиши билан фарқланади.

**Ўз-ўзига ишонишнинг иродавий ҳолати** ижтимоий хавфли оқибатни келтириб чиқармасликка қаратилган бўлади. Қонун ўз-ўзига ишонишнинг иродавий ҳолатининг (мазмун-моҳиятини) умид сифатида эмас, балки ижтимоий хавфли оқибатнинг олдини олишга қаратилган тула воқелиқ сифатида қарайди. Бундай мўлжал замирида айбдорнинг фикрига кўра, зарарли оқибатлар келиб чиқишига халақит берадиган муайян ҳолатлар мужассам бўлган бўлиши лозим. Бу тахминнинг ўз-ўзига ишониш даражасига айланиши эҳтиёткорлик чоралари қўлланилмаган ҳолатларга жиддий баҳо бермаганликдан келиб чиқади. Айбдор ўзининг фикрига кўра, жиноий оқибат келиб чиқишига аниқ таъсир қиладиган ҳолатларга ишонади. Бу шахсий сифатлар (маҳорат, тажриба, уddaбуронлик) ва бошқа хусусиятлар билан изоҳланади. Шахс ўзи содир этаётган хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) вақтидаги ҳолатларга умид қилади. Шахснинг оқибат ҳақидаги тахминлари бошқа шахслар, масалан, жабрланувчининг хулқ-атворига нисбатан ҳам бўлиши мумкин. Масалан, автомашинани бошқараётган ҳайдовчи пиёданнинг йўлдан югуриб ўтишига улгуришига ишонади ва бошқалар. Бундай ҳолларда айбдорнинг ўз-ўзига



ишониши, асоссиз равишда ижтимоий хавфли оқибатларнинг олдини олишга қаратилган ҳолатларга нотўғри баҳо беришига сабаб бўлади.

Ўз навбатида, субъектнинг оқибат келиб чиқмаслигига тахмин қилиш белгиларини интеллектуал ҳолатга ҳам киритиш мумкин. Шахс ўзи тахмин қилаётган ҳолатларни (тўғрими-нотўғрими) англайди ва унинг қилмиши билан келиб чиқиши мумкин бўлган оқибат ўртасида сабабий боғлиқликдаги ривожланишнинг тўхташи ёки издан чиқишига тахмин қилади. Шахс келиб чиқиши мумкин бўлган ижтимоий хавфли оқибатни олдиндан англаши билан бирга уни ўзининг ишонган ҳаракатлари таъсирида олдиндан англамаслиги ҳам мумкин.

Ўз навбатида, ўз-ўзига ишонган ҳолда ҳаракат қилиб, шахс натижанинг олдини олиш имкониятларини олдиндан англамайди (акс ҳолда, бу зарарларнинг олдини олишга бўлган ҳаракатларга умид қилмасди), бироқ, шахс бу оқибатларни олдиндан кўра билиши лозим ва мумкин эди. Шахс агар ижтимоий хавфли оқибат келиб чиқишини олдиндан кўра билганда ва унинг олдини олиш учун зарур чора-тадбирларни кўрганда ҳам барибир оқибат келиб чиқса, жиний жавобгарлик вужудга келмайди. Бу, биринчидан, айнан ҳисобга олинган қондаларнинг юзага келган вазияти ва эҳтиёт чораларининг ўзи тулиқсизлиги (илмий ва техник илмларининг етарли эмаслиги) билан изоҳланади.

Иккинчидан, бу субъектнинг оқибати келиб чиқишининг олдини олишига енгиб бўлмас ва олдиндан кўра билмаган куч таъсирида ҳам оқибат келиб чиқиши мумкин.

Учинчидан, маълум бир ҳаракатларни амалга ошириш лозим бўлган шахснинг ҳаракатларига умид қилиб, келтириб чиқариши эҳтимоли булган хавфли оқибат ҳақида уни огоҳлантириши мумкин. Мана шу ҳаракатларни содир этмаслик ва фактик оқибатларнинг юзага келиши таваккалчиликни онгсиз равишдаги таваккалчиликка, шу билан бирга, ўз-ўзига ишониш даражасидз ўсиб чиқишига олиб келмайди. Юқорида санаб ўтилган барча ҳоллардаги шахснинг оқибатга нисбатан асоссиз таваккалчилигига субъектнинг айби сифатида қаралиши мумкин эмас. Шундай қилиб, ўз-ўзига

ишонишда шахс жиноят содир этилиш вақтида асоссиз, ўзига ишонувчанлик хусусиятга эга бўлганлиги учун айнан мана шу оқибат вужудга келди.

4. **Шарҳланаётган модданинг учинчи қисмида** жиний бепарволик хусусида сўз юритилади. Бепарволик кўринишидаги жиноятни содир этишда шахс қонунда кўзда тутилган ўз хулқ-атвори туфайли келиб чиқадиغان ижтимоий хавfli оқибатларни олдиндан билмайди.

Эҳтиётсизлик шаклидаги айб турларининг характерли жиҳатлари, биринчидан, айбдор шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавfli оқибатларини олдиндан кўра олмайди, иккинчидан, шахс мазкур жиноятда ижтимоий хавfli оқибатларни олдиндан кўра билиш мажбурияти ва имкониятига эга бўлади.

**Бепарволикда** ижтимоий хавfli оқибатни олдиндан кўра билмаслик, оқибатга нисбатан ҳар қандай муносабатнинг мавжуд бўлмайди, деган тасаввурга олиб келмайди. Балки, бундай муносабатнинг махсус шахснинг қонун талабларига, ижтимоий хулқ-атвор қоидаларига, бошқа шахс манфаатларига бепарво муносабатда бўлишида ифодаланади. Шунинг учун бепарволикда **интеллектуал ҳолат** ижтимоий хавfli оқибатнинг келиб чиқишини англамаслик билан ифодаланади. **Иродавий ҳолат** шахснинг зарур иродавий таъсир, яъни содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларнинг оқибатига бепарво муносабатда бўлишида ифодаланади.

Бепарволик кўринишидаги жиноятларни содир этишда оқибатларни кўра билмаслик, шахснинг қонун талабларига ва турли қоидаларга бепарволигидан дарак беради. Қонунчилик жиний бепарволикни шахснинг қилмиши натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган ижтимоий хавfli оқибатни олдиндан англашга реал имкониятга эга бўлади, лекин бу оқибатни келиб чиқишини англаш учун қилиниши керак бўлган зарур иродавий ҳаракатларни амалга оширмайди, диққат-эътиборни ва эҳтиёткорликни намоён қилмайди, деб ҳисоблайди.

5. **Айбнинг эҳтиётсизлик шаклининг бепарволик** турида интеллектуал ҳолат мазкур айб турини тавсифловчи ижобий ва нисбий мезонларга эга.

Жиноий бепарволикнинг **салбий мезони** шахснинг келиб чиқиши мумкин бўлган ижтимоий хавфли оқибатни олдиндан англамасликда намоён бўлади. Бепарволик шаклидаги айб формасида шахс оқибат келиб чиқиши мумкинлигини ҳам, реаллигини ҳам ёки мавхумлигини ҳам олдиндан англаб етмайди. Оқибатни олдиндан кўра билиш мумкинлиги, қилмиш содир этилаётган вазиятнинг ўзига хослиги ва айбдорнинг индивидуал хусусиятлари билан изоҳланади. Айбдорнинг индивидуал хусусиятларига унинг (жисмоний ҳолати, ривожланганлик даражаси, маълумоти, касбий маҳорати, сорлиғи ҳолати, қабул қилиш даражаси) қилмиш содир этилаётган вазиятдан келиб чиқиб, асосли хулосалар қилиши ва атроф-муҳитни тўғри қабул қилиши ҳамда уларга баҳо беришга имкон яратиши киради. Бу икки таянчнинг мавжудлиги айбдор содир этаётган қилмишининг ижтимоий хавфли оқибатларини олдиндан кўра билишга реал имконият яратади.

**Бепарволикнинг ижобий хусусияти** норматив аҳамият касб этиб, у айбдорнинг келиб чиқиши мумкин бўлган ижтимоий хавфли оқибатни олдиндан билиши лозим ва мумкин бўлганлигини англайди. Айнан мана шу белги бепарволикнинг мустақил айб тури сифатида жиноий ҳуқуқий аҳамиятини оширади. Бу инсоннинг англаши ва иродавий хусусиятлари билан белгиланади: билиши лозимлиги норматив аҳамиятга эга бўлган объектив белги ҳисобланса, олдиндан кўра олиши мумкин бўлган катта даражада ижтимоий аҳамият касб этадиган субъектив белги. Объектив белгининг ўзи билангина шахсда ижтимоий хавфли оқибатлар келиб чиқишининг олдини олиш учун имкониятлари мавжуд, деган хулосага келиб бўлмайди. Ижтимоий хавфли оқибат келиб чиқиши мумкинлигини олдиндан кўра билиш лозимлиги ва мумкинлиги шахснинг мажбуриятдан келиб чиқиб белгиланади. Бу қоида айбдорнинг мансаб мақомини белгиловчи, унинг касбий вазифалари ва умуммажбурий ижтимоий ҳулқ-атвор қоидаларида, қонун, шартнома ва бошқаларда акс эттирилган бўлиши мумкин. Бирок, бу тарздаги норматив ва ижтимоий мажбуриятларнинг

мавжудлиги шахснинг у етказиши мумкин бўлган ижтимоий зарарли ва хавфли оқибатни тўла англаши учун етарли ҳисобланмайди. Бунинг учун нисбий мезонлар мавжудлигини аниқлаш лозим. Субъектив белги шаснинг аниқ бир вазиятда ва ўзининг индивидуал хусусиятлари билан ижтимоий хавфли оқибатларнинг келиб чиқиш имкониятини олдиндан кўра билиш қобилиятини англатади.

Шуни таъкидлаш зарурки, эътиборлилик ва эҳтиёткорлик жиноят ҳуқуқида хулқ-атворнинг лозимлиги ва мумкинлигини ёритувчи атамалар ҳисобланади. Улар ижтимоий нормалар, тўғридан-тўғри қонундан келиб чикувчи нормалар, бошқа ҳужжатлардаги қоидалардан келиб чиққан ҳолда моҳиятни очиб беради.

Ўз қилмишининг ижтимоий хавфли оқибатларини олдиндан кўра билиш ёки кўра билмаслик тасодиф ҳисобланмай, бу шахснинг мазкур ҳаракатлари билан бузилиши мумкин бўлган бошқа шахс, жамият ва давлат манфаатларига бўлган муносабатидан келиб чиқади.

**6. Бепарволикнинг иродавий ҳолати** айбдорнинг руҳий имкониятлари ва қувватини ижтимоий хавфли оқибатнинг олдини олишга қаратилган зарур фаолиятни амалга оширишда фаоллашмайди.

Ўз-ўзига ишониш ва бепарволикда иродавий ҳолатлар бир-бирига ўхшаш. У ва бу ҳолатда ҳам келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатга нисбатан ижобий оқибат мавжуд бўлмайди, яъни айбдор зарарли оқибатлар келиб чиқишига онгли равишда йўл қўймайди ва хохламайди. Улар ўртасидаги фарқ шунда қуринадики, ўз-ўзига ишонишда шахс келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатнинг келиб чиқишини мавҳум тарзда олдиндан англаб, онгли равишда хавфли иродавий ҳаракатларни содир қилади, бироқ, бунда шахс ўз ҳисобидаги айрим омилларни хавфли оқибат келиб чиқишининг олдини олиш мақсадида ишлатади. Бепарволикда иродавий хоҳиш айбдорга ижтимоий фойдали ёки ижтимоий нейтрал тасаввур қилиниб, унинг ҳеч қандай чора кўрмаслигига сабаб бўлади.

**Кўрсатиб ўтилган эҳтиётсизликнинг шаклларида интеллектуал ҳолат** шахснинг аниқ ҳолатда ижтимоий хавфли оқибат келиб чиқишини олдиндан англаши мумкин

бўлган бўлса-да, англамаслиги билан изоҳланади. Улар ўртасидаги фарқ шундаки, ўз-ўзига ишонишда, айбдор аниқ мавҳум ижтимоий хавфли оқибатнинг келиб чиқишини кўра билади, бепарволикда эса, бундай оқибатнинг келиб чиқишини ҳеч қандай шаклда англамайди.

Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, шуни айтиш лозимки, жинорий бепарволик ўз-ўзига ишонишдан, аввало, шахс ўз хулқ-атворининг ижтимоий хавфли характерини англамайди. Ўз-ўзига ишониш ва бепарволикнинг умумий жиҳатлари куплигидан, улар айбнинг бир шакли таркибига киритилган. Уларнинг умумийлиги, энг аввало, ягона руҳий ва ижтимоий негизга эга эканлигида ишониш ва тасодифий, айбсиз ҳолда зарар етказиш билан намоён бўлади. Буларга етарли хушёрликнинг йўқлиги, эътиборсизлик, эҳтиёткорлик қондаларини менсимаслик ва бошқалар кирради.

---

### 23-модда. Мураккаб айбли жиноят

Агар шахснинг қасддан жиноят содир этиши натижасида эҳтиётсизлик орқасида бошқа ижтимоий хавфли оқибатлар юз берган ва шундай қилмишни қонун каттиқроқ жавобгарлик билан боғлаган бўлса, бундай жиноят қасддан содир этилган деб топилади.

---

## Ш А Р Х

---

1. Шарҳланаётган модда мураккаб айбли жиноятларни содир қилишда қасд ва эҳтиётсизликнинг уйғунлашувини очиб берган жиноят қонунига кўра, агар шахснинг қасддан жиноят содир этиши натижасида эҳтиётсизлик орқасида бошқа ижтимоий хавфли оқибатлар юз берган ва шундай қилмишни қонун каттиқроқ жавобгарлик билан боғлаган бўлса, бундай жиноят қасддан содир этилган деб топилади.

Жиноят кодекси Махсус қисмидаги ҳолатлар шу ҳақда далолат берадики, қонун чиқарувчи айбнинг икки шаклдаги

бир хил бўлмаган икки тури – эҳтиётсизлик ва қасдга нисбатан айбдорнинг руҳий муносабати: а) икки турли хил оқибатга нисбатан; б) бир тарафда қилмиш, бошқа тарафдан оқибатга нисбатан жиноят қонунига биноан Жиноят кодекси Махсус қисми моддалари билан квалификация қилинувчи белгилари курсатиб ўтилган. Жиноят қонуни қасддан жиноят содир этиб, эҳтиётсизлик натижасида квалификация қилинаётган белги сифатида оқибат келиб чиқса, бу қилмиш учун оғирроқ жавобгарликни назарда тутлади. Бундай вазиятларда икки хил айб шаклини параллел равишда бир вақтда кўриши мумкин. Бир жиноят таркибида икки айб шаклининг реал мавжудлиги айрим жиноят таркибларига киритилган: жиноят қонуни бир таркибга юридик жиҳатдан мустақил бўлган икки жиноятни: биринчиси, қасддан содир этилган жиноятлар; иккинчиси, эҳтиётсизлик орқасида содир этилган икки мустақил жиноятни бирлаштиради. Уларнинг ҳар бири мустақил таркиб ҳосил қилиши мумкин, лекин улар субъектив хусусияти билан бир-бирига мослиги жиҳатидан янги жиноят таркибини ҳосил қилади.

Икки айб шаклининг бир жиноят таркибида мавжуд бўлиши фақат квалификация қилиш белгиси сифатида намоён бўлади: қасдга қасддан содир этилган жиноят таркибининг асосий ташкил этувчи элементи сифатида қаралса, эҳтиётсизлик квалификация қилинаётган белгига нисбатан олинади.

Бундай ҳолларда қасд (тўғри ёки эгри) асосий жиноят таркибининг субъектив белгиларига киритилиб, эҳтиётсизлик (ўз-ўзига ишониш) эса, квалификация қилишдаги белги сифатида олиб қараладиган асосий жиноят таркибига кирмайдиган оқибатга нисбатан руҳий муносабатни ифодалайди.

2. Бир вақтнинг ўзида айбнинг икки шаклини ўзида мужассам этган жиноятларнинг сони Жиноят кодексида унчалик кўп эмас. Икки шаклдаги айб мавжуд жиноятлар Жиноят кодексида мураккаб айбли жиноятларни ташкил қилувчи икки принцип асосида тузилган.

**Биринчи турдаги мураккаб айбли жиноятлар** мураккаб айб шахснинг Махсус қисм моддаларидаги назарда тутилган содир этаётган жиноятининг келиб чиқиши мумкин бўлган яқин ва оғирроқ оқибатига нисбатан бўлган руҳий

муносабати – қасд шаклида, деб қаралса, келиб чиқиши назарда тутилмаган оғир оқибатлар – эҳтиётсизлик шаклида, дейилиши мумкин. Бу ерда икки бир-бирига ўхшамаган оқибатнинг мавжудлигини кўришимиз мумкин. Ўз навбатида, бундай икки мустақил айб шакли келиб чиқиши вақти ва ижтимоий хавфлилик даражаси ҳар хил бўлган жиноят таркибининг асосий белгиси сифатида моддий таркибли жиноятга нисбатан қаралади. Бошқача айтганда, буни асосий жиноят таркиби белгиларидан ҳисобланган келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатдан кўра оғирроқ оқибатнинг юзага келиши билан изоҳлаш мумкин. Масалан, баданга оғир тан жароҳати етказиш жиноятида шахснинг соғлиғи унинг мустақил объекти сифатида намоён бўлса (ЖКнинг 104-моддаси), бироқ у эҳтиётсизлик орқасида шахснинг ўлимига сабаб бўлганда, шахснинг ҳаёти тажовуз (ЖКнинг 102-моддаси) объекти ҳисобланади. Мазкур ҳолатда қасд айнан шахсга тан жароҳати етказишга қаратилган эди. Иш ҳолатлари (етказиладиган тан жароҳатининг хусусияти, зарар етказишда ишлатиладиган жиноятни содир этиш қуроллари ва воситалар, бошқа ҳолатлар) ўлим келиб чиқиш хавфини кўрсатса-да (эҳтиётсизликнинг интеллектуал ҳолати), бунда иродавий ҳолат оғир тан жароҳати етказишни хоҳлашида ва бунга онгли равишда йўл қўйишида ифодаланади. Айбдор, ўз навбатида, ўлимнинг келиб чиқишини олдиндан кўра билиши мумкин ва лозим бўлган ҳолда эҳтиётсизликка (иродавий ҳолатга) йўл қўяди, лекин бундай оқибат келиб чиқмаслигини англамаган ҳолда тахмин қилади ёки олдиндан кўра билмайди. Бу ҳолатларни аниқлаш жиноятни квалификация қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Қасддан одам ўлдириш жиноятини жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлган қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятдан фарқлаш учун айбдорнинг қасди нимага қаратилганлигини, унинг ўз ҳаракати оқибати, яъни жабрланувчининг ўлимига нисбатан субъектив муносабатини инобатга олиши керак. Қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этаётганда айбдор шахсни ҳаётдан маҳрум қилиш ниятида ҳаракат қилади, баданга оғир шикаст етказиш шахснинг

ўлимга сабаб бўлган ҳолларда эса, ўлимга нисбатан унинг айби эҳтиётсизлик шаклида ифодаланади<sup>1</sup>.

**3. Мураккаб айбли жиноятнинг иккинчи турига** оқибат ва оғирлаштирувчи ҳолатлардан қатъи назар жиноят деб топиладиган қилмишга (ҳаракат ёки ҳаракатсизликка) нисбатан бир хил бўлмаган рухий муносабат билан тавсифланади. Бу ҳолат формал таркибли жиноятларда кўзга ташланади. Бунда квалификацияга таъсир қиладиган оқибат жиноят-ҳукукий норма билан қўриқланадиган асосий жиноят таркибдаги объектдан ташқари қўшимча объектга зарар етказишда ифодаланади. Бу туркумдаги жиноятларга асосий таркиби формал, квалификацияга таъсир қилувчи белгилари маълум бир оғир оқибатни юзага келтирувчи жиноятларни мисол келтириш мумкин. Масалан, жабрланувчининг ўлими аборт ўтказишда келиб чиқиши (ЖК 114-моддасининг 3-қисми «а» банди).

Бундай шаклдаги қасддан содир этилган жиноят (ҳаракат ёки ҳаракатсизликлар) оғирлаштирувчи оқибатга нисбатан эҳтиётсизлик орқасида содир этилган, деб тавсифланади.

**4. Мураккаб айбли жиноятларни тўғри квалификация** қилишнинг муҳимлиги объектив белгиларига кўра, ўхшаш бўлган қасддан содир этилган жиноятларни эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноятлардан ажратишда кўринади. Агар қасддан баданга оғир шикаст етказиш натижасида шахснинг ўлими юзага келса, шунингдек, ҳаракат умумий қасд билан қамраб олинган бўлса, содир этилган жиноят қасддан одам ўлдириш, деб квалификация қилиниши лозим.

Мураккаб айбли жиноятларни турли хил шаклдаги икки мустақил таркибга эга бўлган юзаки жиҳатдан бир жиноятга ўхшайдиган бир хил қилмишли жиноятларни ажрата билиш керак. Масалан, ўзганинг мулкини эгаллаш мақсадида айбдор жабрланувчининг бошидаги қалпоғини юлиб олиб, кейин туртиб юбориши натижасида жабрланувчи йўлакнинг бетон қиррасига боши билан урилади ва бош суяги синиши оқибатида

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 13-сонли қарори, 4-банд, 2-хатбоши.



унга оғир тан жароҳати етказилади. Даставвал қараганда, бу ерда соғлиғига эҳтиётсизлик натижасида зарар етказиб, босқинчилик содир этганлик, яъни мураккаб айбли қилмишни кўришимиз мумкин (мол-мулкни эгаллашга нисбатан қасд ва оқибат келиб чиқишига нисбатан эҳтиётсизлик). Бирок, бундай квалификация тўғри бўлмай, қилмиш босқинчилик ҳисобланмайди, ишлатиладиган зўрлик ҳаёт ва соғлиқ учун хавфли бўлмай, икки жиноят таркибини ташкил қилади: яъни, ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлмаган зўрлик ишлатиб, талончилик қилиш ва эҳтиётсизлик орқасида баданга оғир шикаст етказиш. Мазкур ҳолатда шахс икки мустақил таркиб ва айб шаклига эга бўлган жиноят содир этганлигини кўриш мумкин.

Шуни назарда тутиш лозимки, Жиноят кодекси айбнинг фақат икки шаклини, қасд ва эҳтиётсизликни назарда тутди. Шу муносабат билан олиб қараладиган бўлса, мураккаб айбли жиноятлар айбнинг учинчи шакли эмас, балки шахснинг жиной қилмишида қасд ва эҳтиётсизликнинг уйғунлашувидир, холос.

Мураккаб айбли жиноятлар, умуман, қасддан қилинган жиноят ҳисобланади ва бу категория жазони ўташ тартибига ва бошқа жиной ҳуқуқий оқибатларга таъсир қилади.

---

#### 24-модда. Айбсиз ҳолда зарар етказиш

Агар шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфлилик хусусиятини англамаган, англаши мумкин ва лозим ҳам бўлмаган ёки унинг ижтимоий хавфли оқибатларига кўзи етмаган ва ишнинг ҳолатларига кўра кўзи етиши мумкин ва лозим ҳам бўлмаган бўлса, бундай қилмиш айбсиз ҳолда содир этилган деб топилади.

---

### Ш А Р Х

---

1. Айб учун жавобгарлик принципи Жиноят кодексининг 9-моддасида кўрсатиб ўтилган бўлиб, Жиноят кодекси

Умумий ва Махсус қисмидаги жиноят таркибининг субъектив томонидаги масалаларни кўриб чиқиш ва квалификация қилишда аҳамиятли бўлган асосий принциплардан саналади. Шахс қонунда белгиланган тартибда айби исботланган ижтимоий хавфли қилмишлари учунгина жавобгар бўлади.

Субъектив казус билан боғлиқ бўлган айбсиз ҳолда зарар етказиш ҳақидаги шарҳланаётган модда мавжуд ҳолатнинг икки турини кўрсатиб ўтади: қилмишнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти англамаганлиги ва ижтимоий хавфли оқибат келиб чиқишининг олдини олиш имконияти йўқлиги.

**Биринчи кўринишдаги субъектив ҳолат**, ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфлилик хусусиятини англамаган, англаши мумкин ва лозим ҳам бўлмаганликда ифодаланади. Бу хусусият формал таркибли жиноятларга хосдир.

Мисол тариқасида казус: гумондор шахснинг соғлиғига зарар етказиш мақсадида ҳаракат содир қилган ва хато оқибатидаги объектив ҳолатлар уни қасддан одам ўлдириш жиноятини содир қилганликда гумон қилиниб ушланишига сабаб бўлган.

2. Жиноий қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги субъектининг айбдорлиги билан чамбарчас боғлиқ. Шунга мувофиқ, жиноий жавобгарлик юзага келишида бу асосларнинг мавжуд бўлмаслиги, айнан формал таркибли жиноятлар учун шахс қилмишни онгли равишда содир этмаган ва бу қилмишнинг жиноят эмас, деб тан олинishiга олиб келади.

Қоида тариқасида, айбнинг эҳтиётсизлик шаклида интеллектуал ҳолат, қилмишнинг ижтимоий хавфли хусусиятини англамаслик жиноят-ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлмайди, чунки бундай таркибли жиноятларда жиноий жавобгарлик, шунингдек айбдорлик масаласи оқибат билан боғлиқ. Бироқ, Жиноят кодексида, истисно тариқасида, бир қоида мавжуд. Давлат ва ҳарбий сирга тааллуқли бўлган ҳужжатлар, предметлар ва ашёларни йўқотиб қўйиш бевосита тугалланган жиноят таркибини ташкил қилади (ЖК 163-моддаси). Бу жиноят учун жиноий жавобгарлик

фақат мана шу ҳужжатлар, предметлар ва ашёларни сақлаш хизмат ёки касбий фаолияти билан боғлиқ ҳолда ишониб топширилган субъектларга нисбатан кўзда тутилиб, юқорида кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар, предметлар ва ашёларнинг йўқотилиши мансаб ва хизмат вазифаларини лозим даражада бажармаслик ва мазкур ҳужжатлар, предметлар ва ашёлар билан муомала қилиш қоидаларини бузганлик учун келиб чиқади. Агар бошқа бир шахс томонидан мазкур қилмишнинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини англаган ҳолда юқорида кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар, предметлар ва ашёлар йўқотилса, айбнинг объектив мезонлари йўқлиги сабабли айб мавжуд бўлмайди.

3. Субъектив казуснинг **иккинчи кўриниши**, бу – моддий таркибли жиноятларга нисбатан бўлиб, шахс ижтимоий хавfli оқибатларни олдиндан кўра билмаган ва иш ҳолатларига кўра, олдиндан англаши лозим ва мумкин бўлмаган ҳолатларда ифодаланadi. Субъектив ҳолатнинг мазкур кўриниши эҳтиётсизлик орқасида содир этилган моддий таркибли жиноятларга хосдир.

Шахс томонидан юзага келиши мумкин бўлган ижтимоий хавfli оқибатни олдиндан англаш имконияти ва мажбуриятининг йўқлиги айбни инкор этади, шунинг учун келиб чиққан оқибатдан қатъи назар, шахс жинoий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

4. Казус қасддан интеллектуал (тафаккурий) ва иродавий ҳолатларига кўра фарқ қилади. Қасдда (туғри ёки эгри) шахс ўз қилмишининг (ҳаракат ёки ҳаракатсизлигининг) ижтимоий хавfli хусусиятини англайди. Казусда эса, ўз ҳаракатларининг ижтимоий хавfliлик хусусиятини англамаган, англаши лозим ва мумкин бўлмаган бўлади. Бунда (қасд учун хос бўлган) келиб чиқиши лозим ва мумкин бўлган ижтимоий хавfli оқибатни олдиндан кўра билиш мавжуд эмас. Казусдаги қасдда бўлганидек, ижтимоий хавfli оқибатнинг келиб чиқишини изоҳлаш ва унинг келиб чиқишига йўл қўйиш каби иродавий ҳолатларнинг йўқлиги билан фарқланади.

Эҳтиётсизликдан казус иродавий элементиға кура фарк-ланади. Казусда шахс юзаға келиши мумкин булган ижтимоий хавфли оқибатни олдиндан кура билмайди, олдиндан англаши мумкин ва лозим ҳам булмайди. Субъектив ҳолатни айбдан фаркли равишда руҳий муносабат эмас (у мавжуд булмайди), балки алоҳида у ёки бу ижтимоий хавфлилик. шу билан бирға, жиноят ва жазони инкор этадиган вазиятда ҳаракат қиладиган (ёки қилмайдиган) шахс руҳий ҳолатини тушуниш керак. Бу шахснинг ижтимоий хавфли оқибат етказган қилмиши таркибида айб мавжуд булмаганлиги учун жиноий жавобгарлик юзаға келмайди.



## VI боб. ТАМОМ БУЛМАГАН ЖИНОЯТ

### 25-модда. Жиноятга тайёргарлик кўриш ва жиноят содир этишга суиқасд қилиш

Шахснинг қасддан қилинадиган жиноятни содир этиш ёки яшириш учун шарт-шароит яратувчи қилмиши ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра содир этилиши бошлангунга қадар тўхтатилган бўлса, бундай қилмиш жиноятга тайёргарлик кўриш деб топилади.

Қасддан содир этиладиган жиноят бошланиб, шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра охирига етказилмаган бўлса, жиноят содир этишга суиқасд деб топилади.

Жиноятга тайёргарлик кўрганлик ва жиноят содир этишга суиқасд қилганлик учун жавобгарлик ҳам ушбу Кодекс Махсус қисмининг тамом бўлган жиноят учун жавобгарликни белгилловчи моддасига мувофиқ ҳал қилинади.

---

## Ш А Р Х

---

1. Жиноят ижтимоий ҳавфли қилмиш сифатида жиноятчининг у ёки бу қасди (жиноий мақсаднинг пайдо бўлишидан бошлаб, токи, уни тулиқ амалга ошириш ва жиноий мақсадга эришгунга қадар бўлган давр) муайян вақт оралиғида амалга ошириладиган ҳаракат (ҳаракатсизлик) сифатида тушунилади. Жиноятнинг тамом бўлганлигини аниқлаш содир этилган жиноят таркибига боғлиқ бўлади. Шу сабабли, қонун чиқарувчи жиноят содир этиш жараёнини шартли равишда муайян босқичларга бўлиб, уларни тамом бўлган ва тамом бўлмаган жиноятларга бирлаштиради.

Жиноят содир этиш босқичлари тушунчасига жиноят ҳуқуқида жиноятга тайёргарлик кўриш ва уни бевосита содир этиш босқичлари (жиноий фаолиятнинг ривожланиш босқичлари), деб қаралади. Улар бир-биридан айбли ҳаракатларнинг хусусияти ва мазмунига кўра, шунингдек, жиноий қилмишнинг тамомланганлик даражасига кўра фарқ қилади. Мазкур институтга қуйидагича таъриф бериш мумкин: жиноят

босқичлари деганда, объектив томонини амалга оширишнинг жинойи мақсадини амалга оширишда унинг объектив томонининг ривожланиш босқичлари тушунилади.

2. Шарҳланаётган моддада қонун тамом бўлмаган жиноятнинг қуйидаги босқичларини белгилайди:

- жиноятга тайёргарлик кўриш;
- жиноятга суиқасд қилиш.

Жиноят қонуни жиноят содир этиш босқичи сифатида қасднинг шаклланиши ва аниқланишини босқич сифатида тан олмайди. Қасднинг аён бўлиши жиноят қонуни мақсадларига ижтимоий хавф солмайди, чунки бунда шахс бирон-бир муайян ҳаракат содир этмайди. Шахс ўз фикрлари учун, ҳатто улар жинойи бўлса ҳам, жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Айни вақтда, ижтимоий хавфли қилмиш содир этиш билан кўрkitиш, яъни жабрланувчининг хулқ-атворини ўз манфаатлари йўлида ўзгартириш мақсадида унга руҳий зуравонлик қилиш ёки ўлдириш билан кўрkitиш жиноят содир этишга қасднинг аён бўлиши, деб топилиши мумкин. Кўрkitиш жиноят қонунида жиноят деб таснифланган ҳолларда тамом бўлган мустақил жиноят ҳисобланади.

Тамом бўлмаган жиноятлар тоифасига бирлаштирилладиган жинойи хулқ-атворнинг юқорида қайд этилган босқичлари (жиноятга тайёргарлик кўриш ва жиноят содир этишга суиқасд қилиш) жиноятларнинг барча таркибларида ҳам бўлавермайди. Жиноят эҳтиётсизлик орқасида, жумладан, ҳаракатсизлик билан содир этилган жиноятлар содир этилганида, жиноятга тайёргарлик кўриш ва суиқасд қилиш босқичлари мавжуд бўлмайди.

Босқинчилик жиноятида жиноят содир этишга суиқасд қилиш босқичи мавжуд эмас, бу кесик таркибли жиноят бўлиб, содир этилган хатти-ҳаракатнинг ўзи тамом бўлган жиноят таркибини ифода этади. Жиноятга тайёргарлик кўриш ва суиқасд қилиш учун жавобгарликка тортишга жинойи қасднинг тури таъсир қилади. Эгри қасдда жиноят содир этишнинг ушбу икки босқичи бўлмайди, чунки жиноятга тайёргарлик кўриш ва суиқасд қилишда шахснинг жиноят содир этиш истаги натижага эришишга қаратилган онгли ва

мақсадли ҳаракатларидан иборат. Масалан, одам ўлдиришга суиқасд қилиш фақат тўғри қасд билан содир этилади, қачонки, шахс ўлим юз беришини англаган ва истаган бўлади.

Жиноятга тайёргарлик кўриш ва суиқасд қилиш фақатгина тўғри қасддан содир этилган жиноятлардагина бўлади. Эгри қасд билан содир этиладиган жинойи қилмишларда жиноятга тайёргарлик кўриш ва жиноят содир этишга қасд қилиш босқичлари бўлиши мумкин эмас. Жиноят содир этишга қасд – жиноятга тайёргарлик кўриш учун ҳам, жиноят содир этишга қасд қилиш учун ҳам бир хилда зарур.

Ниҳоят, жиноятга тайёргарлик кўриш ҳам, жиноят содир этишга суиқасд қилиш ҳам жиноятчи эришишни кўзлаган жинойи натижанинг мавжуд эмаслигини назарда тутати. Жиноятчи жинойи оқибат юз беришини хоҳламаган ҳолда жиноятга тайёргарлик кўриши ёки суиқасд қилиши мумкин эмас. Бундай ҳолларда жинойи оқибат унинг ҳаракат мақсадини ташкил қилмайди. Субъектга борлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра, жинойи натижанинг мавжуд эмаслиги тамом бўлган ва тамом бўлмаган жиноят ўртасидаги чегара ҳисобланади. Жиноятга тайёргарлик кўриш ва суиқасд қилиш ҳар қандай жинойи оқибатнинг юз беришини истисно этади. Айнан жинойи оқибатнинг юз бермаганлиги тамом бўлган ва тамом бўлмаган жиноятлар ўртасидаги фарқни белгилаб беради.

**3. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида** жиноятга тайёргарлик кўриш унинг содир этиш босқичи тарзида ёритилади.

Жиноятга тайёргарлик кўриш фақат тўғри қасд билан содир этилади. Жиноятга тайёргарлик кўриш жиноят содир этиш учун шарт-шароитларни яратишда ифодаланади. Жиноятга тайёргарлик кўриш жинойи фаолиятнинг дастлабки босқичи ҳисобланади ва у бошқа босқичларга қараганда, ижтимоий хавфлилик даражасининг юқори эмаслиги билан тавсифланади.

**Жиноятга тайёргарлик кўриш** орқали шахс ўз ҳаракатининг ижтимоий хавфлилигини, бу ҳаракатлари орқали ўзига жиноят содир этиш учун шароит яратаётганлигини

англайди. Жиноятга тайёргарлик кўришда жиноят содир этиш учун шарт-шароит яратишга, шунингдек, бундан кейин жиноятни яширишга ёки айни бир вақтнинг ўзиде унисига ҳам бунисига ҳам қаратилган бўлиши мумкин. Агар жиноятга тайёргарлик кўриш фақат ният қилинган жиноят содир этишга шароит яратса, жиноятга суиқасд қилиш эса, тажовуз қилиш объектига аниқ зарар етказиш хавфини келтириб чиқаради.

4. Шарҳланаётган модда биринчи қисмининг маъносига кўра, тайёргарлик кўриш – бу муайян ҳаракатлар демакдир (бу ерда қилмишга фаол ҳаракатлар, деб қаралиши керак).

Ҳаракат, жиноят таркибининг унсури сифатида, қонунда кўрсатилган муайян аломатлар (талон-торож қилиш, ёлғон маълумот тарқатиш, тарғиб қилиш ва ҳ.к.)га эга. Шу сабабли, ҳар қандай ҳаракат, ҳатто у жиний суиқасд билан содир этилган бўлса ҳам, тегишли жиноят таркибининг объектив томони сифатида ҳаракатни ҳосил қилавермайди. Мисол учун, ўт қўйиш мақсадида бензин сотиб олиш, шубҳасиз, ҳаракат бўлгани ҳолда, ўт қўйиш орқали мулкни қасдан нобуд қилиш (Жиноят кодексининг 173-моддаси) таркибининг унсури ҳисобланмайди, худди шунингдек, бировни уриш учун таёқнинг эгалланиши ҳам баданга шикаст етказиш таркибининг унсурини ҳосил қилмайди ва ҳ.к.

Шундай қилиб, жиноят содир этиш учун амалга оширилган ҳаракатлар икки хил бўлади: биринчиси, жиноят таркиби элементи бўлса, иккинчиси, жиноят содир этилишини таъминловчи акт. Бу икки ҳаракатнинг мавжудлиги шахсни жиний жавобгарликка тортиш учун асос бўлади. Бу ҳаракатлар жиноят содир этишга ёки жиноятни яширишга ёрдам берувчи ҳаракатлардан иборат бўлиши мумкин.

Тайёргарликни жиноят содир этиш босқичи сифатида фақат аниқ бир жиноят содир этиш учун тайёргарлик кўрилгандагина баҳолаш мумкин. Шахс кейинчалик муайян жиний қилмиш воситалари ёки қуроллари тарзида қўлланилиши мумкин бўлган турли предметларни «ҳар эҳтимолга қарши» эгаллаган, ясаган ёки мослаштирган ҳолларга жиноятга тайёргарлик кўриш, деб қаралиши мумкин эмас, чунки бундай ҳаракатлар ягона жиноят содир этиш босқичини ҳосил қилмайди. Турри, айрим ҳолларда улар мустақил жиноятлар бўлиши мумкин.



Мисол учун, айбдорда қонунга хилоф равишда тайёрланган, олинган, сақланаётган гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсади борлиги тўғрисидаги масалани ҳал этишда (Жиноят кодексининг 273-моддаси), судлар, бу восита ёки моддалар ҳақиқатан ҳам ўтказиш учун тайёрланганлигини намоён этувчи далиллар мажмуига асосланиши лозим. Масалан, гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларнинг фақат истеъмол қилинишини истисно этадиган миқдорда топилганлиги, наркотиклар ёки психотроп моддаларнинг маълум ўлчамда қадоқланганлиги, ташиш ёки жўнатишда улар махсус махфий жойга яширилганлиги, гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни тайёрлаш учун асбоб-ускуналарнинг мавжудлиги, айбдорнинг ўзи банги эмаслиги тўғрисида экспертиза хулоса берганлиги ва ҳ.к. киради. Ишнинг аниқланган ҳақиқий ҳолатларига қараб айбдорнинг ҳаракатлари Жиноят кодекси 25, 273-моддаларининг 5-қисми билан квалификация қилиниши керак<sup>1</sup>.

Бундан ташқари, тергов органлари ва судлар гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда эгаллашдан мақсад нима эканлигини аниқлашлари зарур. Эгаллаш келгусида ўтказиш ёки сотиш учун амалга оширилганлиги аниқланган тақдирда, айбдорнинг ҳаракатлари қайд этилган жиноятларга тайёргарлик кўриш деб ҳам квалификация қилиниши керак<sup>2</sup>. Акс ҳолда, ўтказиш, сотиш мақсади аниқланмаган бўлса, айбдор шахснинг ҳаракатлари ЖК 276-моддасининг тегишли қисмига биноан квалификация қилиниши мумкин (гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай, қонунга хилоф равишда тайёрлаш, эгаллаш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар).

Юқоридагиларни инобатга олиб шуни айтиш лозимки,

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги «Гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 12-сонли қарори, 25-банд.

<sup>2</sup> Ўша манба, 20-банд.

жиноятга тайёргарлик кўриш фақат аниқ бир жиноятни содир этишда ифодаланади.

**5. Жиноят содир этиш учун шарт-шароит яратиш** деганда, жиноят қуроли ёки воситаларини излаш, тайёрлаш, жиноят содир этиш ваки ва шароитини аниқлаш, жиноят содир этишга халақит бериши мумкин бўлган тўсиқларни бартараф этиш, жиноий шерикларни топиш, жиноий гуруҳ тузиш ва жиноят содир этишга қаратилган бошқа ҳаракатлар тушунилади.

**Жиноят содир этиш қуроллари ёки воситаларини қидириш** қонуний йўл билан (масалан, бензин сотиб олиш) ёки қонунга хилоф равишда (масалан, келгусида жиноят содир этиш учун қурол, ўқ-дориларни ўғрилиқ йўли билан қўлга киритиш) эгаллашдан иборат.

**Жиноий шерикларни топиш** ўзга шахсларни жиноятда иштирок этиш учун қидириб топишда ҳамда ёллаш ёхуд бошқа тарзда жалб қилишда ифодаланади.

**Жиноят содир этиш қуроллари ёки воситаларини тайёрлаш** уларни яратишдан, масалан, лом, очқич, қалбаки ҳужжатлар ясашдан иборат.

**Жиноят содир этиш қуроллари ёки воситаларини мослаштириш** шахс ўз жиноий ниятини амалга оширишда фойдаланишни мўлжаллаган маълум предметларга муайян шакл бериш, қайта ишлаш каби ҳаракатлардан иборатдир.

**Тил бириктириш ёки келишув** – бу камида икки шахснинг муайян жиноят содир этиши ва (ёки) улардан бирининг жиноят содир этиши, иккинчиси эса ўғирлик молдан, мурдадан ва ҳ.к.дан қутулишга ёрдам бериши ҳақида зарур келишувга эришиши. Масалан, бир киши жиноят содир этса, иккинчиси жиноят изларини йўкотади. Тил бириктириш иккиёқлама хусусиятга, яъни жиноят содир этишга ёки уни яширишга қаратилган бўлиши мумкин. У жиноят содир этиш учун шарт-шароит яратишга ҳам, содир этилган жиноят изларини яширишга ҳам қаратилиши мумкин. Тил бириктириш усуллари ҳар хил бўлади – шахслар ихтиёрий тарзда келишишлари мумкин, келишувга товламачилик, мажбурлаш, алдаш, ваъда бериш натижасида эришилиши ҳам мумкин.

**Жиноят содир этишга шароит яратувчи бошқа ҳаракатлар** деганда, бошқа, юқорида тилга олингандан ташқари жиноят содир этишга қулайлик, енгиллик туғдирувчи барча ҳаракатларни тушуниш мумкин. Масалан, жиноят содир этиш вақти ва шароитини аниқлаш, жиноят содир этишга ҳалақит бериши мумкин бўлган тўсиқларни бартараф этиш каби ҳаракатлар бўлиши мумкин. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, қуролларни топиш, мослаштириш, ўзаро тил бириктириш ва ҳ.к.дан фарқли, жиноят содир этишга шароит яратувчи бошқа ҳаракатлар ҳаракатсизлик орқали ҳам бажарилиши мумкин. Масалан, пост қўриқчиси атайлаб бино эшигини очик қолдириши оқибатида, унинг жинойий шериклари мол-мулкни ўғирлаб кетишади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, турли воситалар ва қуролларнинг эгалланиши, ўғирланиши, ўзлаштирилиши, рўзгор буюмларининг тайёрланиши жиноятга таёргарлик кўриш, деб баҳоланиши мумкин эмас, башарти улардан муайян жинойий мақсадларда фойдаланиш нияти улар жиноят содир этишга тайёргарлик кўришидан олдин пайдо бўлганлиги исботланган бўлмаса.

6. Жиноятга тайёргарлик кўриш фақат тайёргарлик ҳаракатлари шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра тўхтатилган ҳолдагина мавжуд бўлади. Жиноятга тайёргарлик кўриш объектив томонининг хусусияти шундаки, жиноят айбдорга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра охирига етказилмайди. Агар жинойий қилмиш охирига етказилган бўлса, жиноятни квалификация қилишда унинг амалий аҳамияти йўқ. Амалий аҳамияти жиноят тайёргарлик кўриш босқичидаёқ тўхтатилганда яққол намоён бўлади.

Жиноят таркибининг объектив томони амалда бажарилишидан олдин жинойий фаолиятнинг тўхтатилгани жиноятга тайёргарлик кўришни уни содир этиш босқичи, деб таърифлашнинг имконини беради.

7. **Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмида** жиноят содир этишга суиқасд қилиш учун жавобгарлик назарда тутилади.

Жиноят содир этишга суиқасд қилиш жиноят содир этишнинг иккинчи босқичи бўлиб, тайёргарлик босқичидан

фарқли равишда жиноят содир этиш учун шароит яратилмасдан, балки, уни содир этишнинг бевосита бошланиши бўлиб, жиноят қонуни билан қўриқланадиган объектга тажовуз қилинади ва зарар етказиш хавфи вужудга келади.

**Жиноят содир этишга суиқасд қилиш** – бу қасддан содир этилган жиноятнинг тугалланмай қолиши ёки айбдор истаган оқибатнинг рўй бермаслигидир. Суиқасдда шахс қонун билан қўриқланадиган объектни реал хавф остида қолдиради, лекин объектив ва субъектив сабаблар натижасида жиной оқибат юз бермайди.

8. Жиноят содир этишга суиқасд қилишга қонунда берилган таърифнинг мазмунига қараб, жиной фаолиятнинг мазкур босқичини тавсифловчи аломатларни аниқлаш мумкин.

Уларга қуйидагилар киради:

– жиноятни бажаришнинг бошланиши, яъни конкрет жиноят таркиби объектив белгиларида кўзда тутилган ҳаракат (ҳаракатсизлик)ни содир этиш;

– жиноят тамом бўлмаганлиги;

– жиноятнинг шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолатга кўра тугалланиши.

Жиноят содир этишга суиқасд қилиш – жиноят содир этишга бевосита йўналтирилган ҳаракат (ҳаракатсизлик). Ушбу ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг ўзи қонун билан қўриқланадиган объект (мулк муносабатлари, ҳаёт ёки соғлиқ хавфсизлиги, жинсий эркинлик ва бошқ.)га бевосита қарши қаратилади, уни жиддий зарар етиши хавфи остига қўяди. Аксарият ҳолларда, жиноят содир этишга суиқасд қилиш муайян жиноятнинг объектив томони билан боғлиқ бўлган ҳар хил ҳаракатлар орқали содир этилади. Мисол учун, уй-жойга ғайриқонуний равишда кириб, ўғрилиқ содир этишга қасд қилишни аниқлаш учун шахс уй-жойга ғайриқонуний равишда кирган ёки ҳеч бўлмаса бунга ҳаракат қилган, масалан, уй эшигининг қулфини бузган бўлиши керак. Онанинг ўз чақалогини ўлдиришга суиқасд қилганлигини билиш учун чақалоқнинг овқатлантирилганлиги ёки аксини аниқлаш керак бўлади.

9. **Жиноий тажовуз тугалланмагани** (жиноят охирига етказилмагани) – жиноят содир этишга суиқасд қилишнинг яна бир муҳим объектив аломати. Жиноят содир этишга қасд қилиш, жиноий фаолият (тамом бўлмаган жиноят доирасида) ривожланишининг мустақил босқичи сифатида, тамом бўлган жиноятдан айнан ўзининг тугалланмагани билан фарқ қилади.

Тамом бўлган жиноятдан фарқли ўларок, бу ерда жиноят объектив томонининг баъзи бир аломатлари етишмайди. Жиноят содир этишга суиқасд қилишда жиноятнинг объектив томони тўлиқ эмас, балки, қисман мавжуд бўлади, чунки айни ҳолда тажовуз қилган шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра, кўзланган жиноий натижага эришилмаганлигини кўриш мумкин. Ушбу аломат, асосан, жиноят объектив томонининг муҳим таркибий қисми – оқибатнинг йўқлигини тавсифлайди. Масалан, шахс пичоқ уриб одам ўлдирмоқчи бўлди, аммо пичоқ синиб қолди; ўлдириш мақсадида у жабрланувчига ўқ узди, лекин ўқ нишонга тегмади ва ҳ.к. Айни ҳолда айбдор ҳаракатлари субъектив тугалланганини жиноий қилмиш амалда тугалланмаганидан фарқ қилиш керак (жиноят қонунда назарда тутилган жиноий натижа мавжуд эмас).

Аммо қилмиш, жиноятнинг тамом бўлмагани объектив томоннинг бошқа унсури – барча ҳаракатлар тугалланмагани билан боғлиқ бўлиши ҳам мумкин. Айбдор мўлжаллаган бажарилмаган жиноий ҳаракатларга, масалан, субъект пичоқ санчиш учун қўлини кўтарган, аммо жабрланувчининг қўлини ушлаб қолган ҳолат киради. Мазкур ҳолатда ҳаётга тажовуз қилиш билан боғлиқ барча ҳаракатлар охирига етказилмаганлигини ва ўз-ўзидан оқибатнинг келиб чиқмаганлигини пайқаш мумкин.

Жиноят содир этишга суиқасд қилишда кўпинча айбдор мўлжалламаган, кўзда тутмаган ижтимоий хавфли оқибатлар келиб чиқади (масалан, одам ўлдиришга қасд қилишда жабрланувчининг соғлиғига оғир шикаст етказилади). Бу қилмишни тамом бўлган жиноятга айлантормади, чунки жиноий қилмиш тамом бўлган, деб топилиши учун ҳар қандай ижтимоий хавфли оқибат эмас, балки қонунда бевосита кўрсатилган ижтимоий хавфли оқибат келиб чиқиши талаб

этилади. Шундай қилиб, жиноятга суиқасд қилувчининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) маълум зарарли оқибатларга олиб келиши мумкин, аммо улар ҳеч қачон айбдор мулжаллаган оқибатлар бўлмайди.

Қонунда назарда тутилган жинойий оқибатлар ижтимоий ҳавфли қилмиш содир этилган пайтда эмас, балки орадан маълум вақт ўтганидан кейин келиб чиққан (масалан, жабрланувчи унга ҳаётдан маҳрум этиш мақсадида шикаст етказилганидан кейин орадан бир неча кун ўтгач вафот этган) ҳолларда жиноят тамом бўлган, деб топилади. Қонун нуқтаи назаридан, агар айбдорнинг қасддан содир этилган ҳаракати (ҳаракатсизлиги) оқибаотида, орадан қанча вақт ўтганидан қатъи назар, жинойий оқибат келиб чиққан бўлса, жинойий қилмиш тугалланган, деб топилади.

10. Объектив томонни характерловчи учинчи белги – **жиноятнинг шахсига боғлиқ бўлмаган ҳолатга кўра, тугалланмай қолиши**дир. Жиноятнинг тамом бўлишига тўсқинлик қилган турли хил ҳолатларни бир нарса бирлаштиради, уларнинг ҳар бири жиноятчининг хоҳишига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра юзага келади. Айнан шу белги суиқасднинг юқорида кўрсатилган объектив белгиларини бирлаштириб, уни жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтишдан фарқлашнинг имконини беради.

Қонун чиқарувчи айни ҳолда жинойий қилмиш айбдор жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтгани (*ЖКнинг 26-моддасига берилган шарҳга қаранг*) туфайли эмас, балки айбдорга боғлиқ бўлмаган объектив сабабларга кўра, охирига етмай қолишини махсус таъкидлаб ўтади. Шу сабабли, жиноят содир этишга суиқасд қилиш жинойий жавобгарликка сабаб бўлмайди.

Бундай ҳолатлар қаторига, мисол учун, бегона шахсларнинг аралашини, табиат кучлари, турли механизмларнинг таъсирини, ишнинг ҳақиқий ҳолатларида (жиноят объекти, воситалари, ҳаракат усулларида) хатога йўл қўйилиши ва бошқаларни киритиш мумкин.

Жиноят содир этишга қасд қилиш фақат жиноят таркиби бўлиши учун зарур барча унсурлардан фақат биттаси –

жинойй ҳаракат оқибати бўлмаган ҳолдагина мавжуд бўлади. Шу билан бирга, жиноят содир этишга суиқасд қилишни тавсифловчи яна бир мезонни ҳам қайд этиб ўтиш керак. Жиноий оқибатлар субъектга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра келиб чиқмаган ҳолда жиноят содир этишга қасд қилиш мавжуд бўлади. Субъект жиноий натижага эришиш учун лозим, деб топган барча ишларни қилган, аммо кўзланган оқибат келиб чиқмаган – ўқ жабрланувчига тегмаган, захар яхши таъсир қилмаган, милтиқ отилмай қолган ва ҳ.к. ҳолатларда. Жиноятга суиқасд жиноят таркибининг зарурий белгиси жиноий оқибат рўй бермаганида аҳамиятга эга бўлади.

11. **Жиноят содир этишга суиқасд қилишнинг субъектив томони** фақат тўғри қасдда ифодаланади. Айбдор жиноят содир этишга суиқасд қилишда муайян ижтимоий хавфли қилмиш содир этаётганини англайди ва жиноятни мантиқий якунига етказиш, зарур жиноий натижага эришишни хоҳлайди. Жиноятнинг объектив томонини яқунламаганини, у ҳали мўлжаллаган ҳаракатларининг барчасини бажармаганини, кўзлаган мақсадига ҳали эришмаганини шахс англайди.

Субъектнинг ўз ҳаракати (ҳаракатсизлиги)нинг тугалланганлик даражаси ҳақидаги тасаввури субъектив мезонга асосланади.

Ана шу субъектив мезонларга кўра, жиноят содир этишга қасд қилиш:

- тамом бўлган суиқасд;
- тамом бўлмаган суиқасд;
- «яроксиз» объектга нисбатан.

12. **Тамом бўлган суиқасдда** жиноий мақсадга эришиш учун айбдор ўзига боғлиқ бўлган барча ҳаракатларни қилади, аммо унинг ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра, жиноят охирига етказилмайди. Тамом бўлган суиқасднинг муҳим хусусияти шундан иборатки, шахс амалга оширишни мўлжаллаган барча ҳаракатларни содир этади, аммо жиноий натижанинг инъикоси изчил ҳаракатлар доирасидан четда қолади. Айбдор эришишга интилган ҳақиқий оқибат мавжуд бўлмайди. Мисол учун, субъект ўлдириш мақсадида жабрланувчига захар берди, лекин шифокорларнинг саъй-ҳаракати билан жабрдийданинг ҳаёти сақлаб қолинади.

13. **Тамом бўлмаган жиноят** содир этишга қасд қилишда субъект жиноятнинг тамом бўлиши учун зарур бўлган ҳаракатларни ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра, охирига етказа олмайди. Тамом бўлмаган суиқасдда айбдор ўзига боғлиқ бўлган барча ҳаракатларни қилишга улгурмаган. Тамом бўлмаган жиноят содир этишга қасд қилишда жиноят содир этишга қасд мавжуд бўлади, аммо жиноят натижасига эришиш учун зарур ҳаракатлар тўла ҳажмда бажарилмайди. Мисол учун, ўғри омбухонага ғайриқонуний равишда кириб, зарур бойликларни олиб чиқиб кетишга тайёрлайди, лекин шу ерда ушланади ва уларни ўғирлай олмайди.

Тамом бўлган ва тамом бўлмаган жиноят содир этишга суиқасд қилиш жиноятни квалификация қилишда ҳеч қандай аҳамияти бўлмаса ҳам, қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасини аниқлаш, жазо тайинлаш ва жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш масаласини ҳал қилишда муҳим роль ўйнайди.

14. **Яроқсиз объектга суиқасд қилиш жиноят субъектининг фактик хатога йўл қўйишида ифодаланади.** (*Хатолар тўғрисидаги умумий қоидалар ҳақида ЖКнинг 20-моддасига берилган шарҳга қаранг*)

Жиноят содир этишда «яроқсиз» суиқасд қилишнинг икки тури фаркланади: 1) «яроқсиз» объектга (предметга) суиқасд қилиш; 2) «яроқсиз» воситалар билан суиқасд қилиш.

15. **«Яроқсиз» объектда қасд қилиш** – шахснинг хатоси туфайли жиноят қонуни билан қўриқладиган объектга зарар етказмаслигида ифодаланади. Бунда шахс жиноят объектига нисбатан эмас, балки, предметга нисбатан хато қилади. Суиқасд қилишнинг бундай турида айбдор томонидан тажовуз қилинган объектга зарар етказилмайди. Мисол учун, айбдор пул ўғирлаш мақсадида сейфни очади, аммо у ердан пулни тополмайди ёхуд ўлиб бўлган одамга ўк узади.

Мазкур турдаги суиқасдни квалификация қилишда қасднинг йўналтирилганлигига алоҳида эътибор бериш муҳим.

16. **«Яроқсиз» воситалар билан суиқасд қилиш** деганда, жиноятни охирига етказиш учун яроқсиз бўлган



воситаларни қўллаб тажовуз қилиш тушунилади. Мисол учун, айбдор ўлдириш мақсадида жабрланувчига захар беради, аммо у захар эмас, зарарсиз кукун бўлиб чиқади ва бунинг натижасида жабрланувчи ўлмай қолади, ҳеч қачон ўлмасди ҳам. Яроқсиз деб, нафақат фойдаланилаётган восита, балки жиноий ниятни амалга ошириш усуллари ҳам тан олинishi мумкин. Масалан, одам ўлдиришга суиқасд қилишда айбдор захарли моддадан фойдаланади, аммо уни жабрланувчи танасига кичик, зарар етказмайдиган дозалар билан киритади.

Яроқсиз воситалар билан суиқасд қилиш ҳам қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини инкор этмайди, шунинг учун унинг квалификацияси айбдорнинг қасди инobatга олинган ҳолда амалга оширилади. Бунда шахснинг жиноят воситалари зарарлилик даражаси, улардан самаралироқ фойдаланиш усулларига нисбатан хатоси суд томонидан жазони тайинлашда ҳисобга олинishi лозим.

17. Жиноят содир этишга суиқасд қилиш жиноятга тайёргарлик кўришдан шу билан фарқланадики, бунда айбдорнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) жиноятни содир этиш учун шарт-шароит яратиш билан чекланмайди, балки жиноий қилмишни содир этишга бевосита қаратилган бўлади. Жиноят содир этишга қасд қилиш жиноятга тайёргарлик кўришдан ўзининг тугалланмаганлиги ёки айбдор хоҳлаган натижага эришилмаганлиги билан фарқ қилади.

18. Жиноят содир этишга суиқасд қилиш учун жавобгарлик (Жиноят кодексининг 25-моддасига таянган ҳолда) шахс содир этган жиноят қайси тоифага мансублигидан қатъи назар, яъни оғир ёки ўта оғир жиноий қилмиш содир этилганида ҳам, унча оғир бўлмаган ёки ижтимоий хавфи катта бўлмаган қилмишлар содир этилганида ҳам келиб чиқади.

---

## 26-модда. Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш

Шахс жиноятга тайёргарлик кўриш ҳаракатларини ёки жиноят содир этишга бевосита қаратилган ҳаракатларни

охирига етказиш мумкинлигини англаган ҳолда тўхтатса, шунингдек жиноий оқибат келиб чиқиши мумкинлигини англаган ҳолда, шундай оқибат келиб чиқишининг олдини олса, жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш деб топилади.

Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш жавобгарликни истисно қилади.

Жиноятни охирига етказишдан ихтиёрий қайтган шахс, агар амалда содир этган қилмишида бошқа жиноят таркибининг барча аломатлари бўлса, ушбу Кодекс бўйича жавобгарликка тортилади.

---

### Ш А Р Ҳ

---

1. Муайян ҳолларда жиноят содир этишни бошлаган ва уни тамомлаш учун барча зарур имкониятларга эга бўлган шахс уни содир этишдан қайтадиган бўлса, бу жиноят ҳуқуқида жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш, деб топилади.

**Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш** – ижтимоий хавфли, қонунга хилоф ва айбли қилмишни содир этишдан ўзини тийган ва (ёки) муайян жиноий оқибатлар келиб чиқишининг олдини олган шахс хулқ-атворининг қонуний ҳаракатидир. Шахс бошлаган жиноий фаолиятни (жиноятга тайёргарлик кўриш ва жиноят содир этишга қасд қилишни) охирига етказиш мумкинлигини англаган ҳолда ихтиёрий ва узил-кесил тўхтатиши жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш, деб топилади. Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтишнинг асосий ҳуқуқий оқибати – унинг жиноий жавобгарликни истисно қилиши. Мисол учун, шахс одам ўлдириш мақсадида ўқотар қурол тайёрлайди, аммо одам ўлдиришни охирига етказишдан ихтиёрий қайтади. Бундай ҳолатларда мазкур шахс одам ўлдиришга тайёргарлик кўрганлик учун жиноий жавобгарликка тортилмайди, лекин ўқотар қуролни қонунга хилоф равишда эгаллаганлик учун жавобгарликка тортилиши мумкин.

Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш фақат тамом бўлмаган жиноятда, яъни жиноятга тайёргарлик кўриш ва уни содир этишга қасд қилиш босқичида бўлиши мумкин.

Ихтиёрий қайтишнинг асосий ҳуқуқий ўзига хос томони жиной оқибат ва жавобгарликнинг вужудга келмаслигидир. Амалда жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш шахснинг тайёргарлик ҳаракатларини ёки муайян жиноятни содир этишга бевосита қаратилган ҳаракатларни тўхтатишида ифодаланади. Шу сабабли 26-модданинг иккинчи қисмида жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтганлик учун жавобгарлик белгиланмаслиги кўрсатилган. Бинобарин, жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш охирига етказилмаган (бошланган, лекин тугалланмаган) жиноят учун жавобгарликни шубҳасиз истисно қилувчи ҳолат ҳисобланади ва жавобгарликни енгиллаштирадиган ҳолат, деб қаралиши мумкин эмас.

**2. Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтишнинг асосий вазифаси** – жиноятнинг олдини олиш ва уни тўхтатишдан иборатдир. Бошланган жиной фаолиятни тўхтатиб, жиной жавобгарликдан қутулиш имкониятининг қонунда мустаҳкамланиши шахсни ўз жиной ниятини яқунлашдан бош тортишга рағбатлантиради.

**Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида** жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш, жиноятга тайёргарлик кўриш ҳаракатларини тўхтатиш (бу жиноятга тайёргарлик кўриш босқичида жиноятдан қайтишни келтириб чиқаради) ва жиноят содир этишга бевосита қаратилган ҳаракатларни (жиной фаолиятнинг бошланиш жараёнида жиноят тугалланган ёки тугалланмаган суиқасд масаласига қуйида қаранг) тўхтатиш (бу жиноят содир этишга қасд қилиш босқичида жиноят содир этишдан қайтишни тавсифлайди) тарзида ифодаланиши мумкин.

Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтишда қуйидаги шартлар мавжуд бўлиши керак:

а) шахсда жиноятни охирига етказиш имкони борлигини англаши;

б) жиной оқибат келиб чиқишини англаган ҳолда унинг олди олинганлиги.

**3. Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш** икки асосий аломат: ихтиёрийлик ва узил-кесиллик (қатъийлик) билан тавсифланади.

**Ихтиёрийлик** деганда, шахснинг бошлаган жиноий хатти-ҳаракатини ўз хоҳиши билан ҳеч қандай ташқи таъсирларсиз охирига етказишнинг имкони борлигини англаган ҳолда тўхтатиши тушунилади. Бундай қайтишнинг мотиви турлича (уялиш, фарзандлари тақдири ҳақида ўйлаш, жабрланувчига раҳми келиши), шунингдек, қариндош ва дўстларининг маслаҳатлари натижасида бўлиши мумкин. Мотив қандай бўлмасин, шахс ўз хоҳиши билан жиноятдан қайтган бўлса, жиноий жавобгарликка тортилмайди. Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш ҳар доим субъектнинг эркин хоҳиш-иродаси натижасида келиб чиққан бўлиши керак.

Ихтиёрий қайтишнинг муҳим шартларидан бири – бу шахснинг жиноятни давом эттириш ва яқунига етказишга имкони борлигини англашдир. Шу шартларсиз шахс агар ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра, жиноятни яқунига етказа олмаса ёки уни содир этишга қодир бўлмаса, уни жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш сифатида баҳолашга асос бўлмайди. Масалан, агар шахс қасддан одам ўлдириш жиноятида ҳаракат қилса, лекин атрофда одамларнинг борлиги, қуролнинг яроқсизлиги туфайли қилмишни содир этмаса, бу ихтиёрий қайтиш ҳисобланмайди. Демак, мазкур ҳолатда жиноят содир этиш учун имкониятнинг йўқлиги ихтиёрий қайтиш ҳисобланмайди, балки жиноий ҳаракатни тўхтатишга жиноятчи мажбур бўлади.

Шахс ўзи бошлаган жиноятни охирига етказиш имкониятини истисно қилувчи ўтиб бўлмас тўсиқлар мавжуд деб (ҳаттоки янглиш), қараши жиноят содир этишдан қайтишнинг ихтиёрий эмас, балки мажбурий бўлганлигидан далолат беради. Мисол учун, шахс ўзганинг мулкани талон-торож қилиш мақсадида қонунга хилоф равишда кирган уйда ўрнатилган ўзига нотаниш мосламани сигнализация воситаси, деб ўйлаб, уйни тарк этади.

**4. Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш қатъий бўлиши керак.** Қатъийлик деганда, шахснинг жиноий фаолиятни вақтинча тўхтатганлиги эмас, балки охирига етказиш учун тўла имкониятлар борлигини англаган ҳолда жиноий фаолиятни давом эттиришдан бутунлай воз кечганлиги тушунилади.

Ўз-ўзидан равшанки, ихтиёрий қайтишда вақт жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтган холларда аҳамиятга эга бўлмайди. Мазкур ҳолатда жиноят содир этаётган шахс ўзининг жиний фаолиятини орадан маълум вақт ўтгандан сўнг давом эттиришини кўзлаб, жиноят қуролини алмаштириш ниятида ёки шунга ўхшаган бошқа ниятларда тўхтатади. Мисол учун, агар шахс бир ўзи удалай олмаслигини тушуниб, омборга ўғриликка тушишдан қайтган ва омборга тушиш, ўғирлик молни у ердан олиб чиқиш ва ташиб кетиш учун жиноятга бошқа шахсларни ҳам жалб этишга қарор қилган бўлса, бу жиноят содир этишдан узил-кесил қайтиш бўлмайди.

Шахс жиний фаолиятни тўхтатишга мажбур бўлган тақдирда ҳам ихтиёрий қайтиш ҳисобланмайди (мисол учун, айбдор ўлдириш мақсадида жабрланувчига ўк ўзди, аммо ўк тегмай қолди – айбдор қайта ўк ўзишдан ихтиёрий қайтганига ишора қилиши жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтишга далил бўла олмайди). Айни ҳолда, шахс жиноят содир этишга биринчи уриниши учун жавобгарликка тортилиши керак, унинг жиноят содир этишдан қайтиши ихтиёрий, деб топилиши мумкин эмас.

5. Айбдор жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтган, деб топилиши учун унинг хулқ-атвори мазмунида жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтишнинг икки аломати мавжуд бўлиши керак. Шу билан бирга, жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтишни ҳосил қилувчи ушбу аломатларни қайд этиш учун жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтишнинг баъзи бир шартларини аниқлаш лозим.

Булар:

- жиноятни охирига етказиш мумкинлигини англаш;
- жиний оқибат келиб чиқиши мумкинлигини англаган ҳолда шундай оқибат келиб чиқишининг олдини олиш.

6. **Шахснинг жиноятни охирига етказишнинг имкони борлигини англаши** шуни ифодалайдики, у жиноятни охирига етказиш учун барча имкониятларга, жиноятни амалга ошириш учун барча қурол ва воситаларга эга бўлади ва буни биледи. Аммо жиний тажовузни ҳеч қандай ташқи таъсирлар тўхтата олмаслигига қарамай, у ўз жиний ниятини амалга оширишдан қайтади.

Ушбу шарт тамом бўлмаган жиноят таркибининг объектив томони, яъни ижтимоий хавfli қилмиш билан бевосита боғлиқ. Бу ерда нафақат жиноят содир этишга суиқасд қилиш доирасида жиноят таркибини ташкил этадиган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик), балки жиноят содир этишга шарт-шароит ва имконият яратадиган ҳаракатлар (тегишли модда диспозициясига бевосита киритилмаган ҳаракатлар) тўғрисида ҳам сўз юритилмоқда. Шу сабабли жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтишни таснифлашда жинoий тажовузни охирига етказиш мумкинлигини англаш фақат жиноят содир этишга суиқасд қилишда мавжуд бўлиши мумкин, деган фикрдан келиб чиқмаслик керак. Жинoий ниятни охирига етказиш мумкинлигини англаш жиноятга тайёргарлик кўриш босқичида ҳам бўлиши мумкин.

7. Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш ихтиёрийлиги ва узил-кесиллигининг иккинчи зарур шarti шахс жинoий оқибат келиб чиқишини англаган ҳолда шундай оқибат келиб чиқилишининг олдини олишидир. Мазкур шарт жинoий оқибатларнинг келиб чиқиши жиноят-ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган моддий таркибли жиноятларда бўлиши мумкин. Бу ерда тафаккурлик белгиси – шахс ижтимоий хавfli оқибат келиб чиқиши мумкинлигини англаши ҳам мавжуд.

Мазкур шарт фақат жиноят содир этишга суиқасд қилиш босқичида, шахс жиноятни бошлаб, уни охирига етказишдан қайтишга қарор қилган ҳолда бўлиши мумкин. Айни ҳолда, айбдор жиноят содир этишдан қайтибгина қолмасдан, унинг жинoий оқибатининг олдини олишга фаол имконият яратиши ҳам керак. Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш фақат ижтимоий хавfli оқибат келиб чиқиши мумкинлигини англаш ва у келиб чиқилишининг олдини фаол олиш билан жамулжам ҳолда унинг ихтиёрий ва узил-кесил бўлганидан далолат бериши мумкин. Умумлаштириб айтадиган бўлсак, жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш фақат тамом бўлмаган суиқасдда бўлади. Чунки, бунда шахснинг ҳали жинoий фаолиятини тўхтатиш учун вақт бор ва шахс жиноятни охирига етказиш учун барча ҳаракатларни қилишга улгурмаган бўлади.

8. Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш, жиноий оқибат юз бергунга қадар, яъни тайёргарлик ва суиқасд босқичида бўлиши лозим. Жиноят содир этишга тайёргарлик кўриш босқичида ихтиёрий қайтиш, одатда, пассив ҳаракат орқали амалга оширилади, чунки хулқ-атворнинг қонунийлигига фақат жиноятни давом эттиришдан қайтишни ишора қилиши мумкин. Аммо ушбу босқичда шахс фаол ҳаракатлар қилиши ҳам мумкин (тайёрланган жиноят қуроллари ва воситаларини йўқ қилиш, ҳокимият органларига жиноий тил бириктириш туғрисида ўз вақтида хабар бериш ва бошқ.).

Жиноят содир этишга суиқасд қилишда жиноят субъекти томонидан жиноятнинг объектив томони амалда бажарилиши ҳисобга олинса, ушбу босқичда маълум жиноий оқибатлар келиб чиқиши мумкинлиги масаласи юзага келади. Шу сабабли, жиноят содир этишга суиқасд қилишда жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш доим ҳам бўлавермайди. Айни ҳолда нафақат жиноий ҳаракатларни тўхтатиш (чунки бундай ҳаракатлар қисман амалга оширилган бўлиши ҳам мумкин), балки, жиноий оқибатлар келиб чиқишининг олдини фаол олиш ҳам жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтишдан далолат беради. Бунда жиноят содир этишга суиқасд қилиш турлари муҳим аҳамият касб этади.

Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш кўпинча субъект жиноий қилмишни охирига етказиш ва ижтимоий хавfli оқибат келиб чиқиши учун барча зарур ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) амалга оширилмаган тарзда, яъни тамом бўлмаган жиноятларда бўлиши мумкин. Бунда қилмишнинг тугалланмаганлиги ички мотивлар билан белгиланиши керак. Мисол учун, субъект аввал жабрланувчини ўлдириш ниятида унинг оёқ-қўлини боғлайди, калтаклайди, лекин кейин ўлдириш ниятидан қайтади. Бу ҳолат шахсни жабрланувчини қийнаш ва баданига шикаст етказиш учун жавобгарликдан озод қилмайди. Бундай ҳолларда шахс бевосита одам ўлдиришга қаратилган ҳаракатларни тўхтатади, яъни уларни содир этишдан қайтади (ҳаракатсизлик). Бу ҳолда шахс муайян жиноят таркиби билан қамраб олинмаган, унинг объектив томонини ташкил этадиган ёки зарарли оқибатлар

келиб чиқишини таъминлайдиган ҳаракатларни содир этишдан қайтиши кифоя. Мисол учун, шахс жабрланувчига ўқ узиш учун уни ўқотар қуролдан нишонга олди, лекин ўқ узмайди.

**Тамом бўлган сунқасда ихтиёрий қайтиш бўлиши мумкин эмас**, чунки ушбу босқичда субъект жинойат ҳаракатларни тўхтатиш йўли билан жиноят содир этилишини тўхтата олмайди (у жабрланувчига ўқ узган, уни ўлдириш мақсадида пичок урган бўлади ва ш.к.). Шу сабабли, жиноятдан қўзланган мақсадга эришишнинг имконини берадиган кейинги ҳаракатлардан қайтишга бундай ҳолларда жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш деб эмас, балки жиноят содир этишга қайта уринишдан қайтиш, деб қаралиши керак.

Тамом бўлган жиноят содир этишга сунқасд қилишда жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш имконияти фақат содир этилган ҳаракатлар билан жинойат оқибатнинг келиб чиқиши ўртасидаги вақтда узилиш мавжуд бўлган ва мазкур шахс ўзининг фаол ҳаракатлари билан зарар етказилишининг олдини олиши мумкин бўлган камдан-кам ҳолларда сақланади. Бошқача қилиб айтганда, шахс мазкур вақт давомида ўз ҳаракатларини назорат қилиш ва бошқариш имкониятига эга бўлади (масалан, мулкни нобуд қилиш мақсадида унга ўт қўйган шахсда оловни дарҳол ўчириш имконияти бор). Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, мулкка ўт қўйган шахс, ўз ихтиёри билан мулк нобуд бўлмасдан ўтни ўчирса, ихтиёрий қайтиш, деб ҳисобланиши мумкин.

**9. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмида** жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтишнинг ҳуқуқий оқибати – унинг жавобгарликни истисно қилиши назарда тутилган. Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш шахс содир этишга ҳаракат қилган ёки унга тайёргарлик қўрган жиноят учун жавобгарликни тўла истисно қилади.

**10. Шарҳланаётган модданинг учинчи қисми** мазмунига қўра, жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш жавобгарликни бутун жинойат хулқ-атворга нисбатан истисно қилмайди. Агар жиноятни охирига етказишдан ихтиёрий қайтган шахснинг ҳаракатларида Жиноят кодексининг



Махсус қисмида назарда тутилган бошқа жиноят таркибининг аломатлари мавжуд бўлса, мазкур жиноят учун у жавобгарликка тортилиши керак. Бу ҳолат шу билан изоҳланадики, айтилган ҳолда жиноятлар: тамом бўлмаган (жиноятга тайёргарлик кўриш ёки жиноят содир этишга қасд қилиш босқичида содир этилган) жиноят ва бошқа – тамом бўлган (жиноятга тайёргарлик кўриш ёки жиноят содир этишга қасд қилиш босқичида содир этилган) жиноят мажмуи мавжуд. Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш фақат тамом бўлмаган жиноят учун жавобгарликни истисно қилади, лекин шахс айтилган пайтда содир этган тамом бўлган жиноят учун жавобгарликдан озод қилинишини таъминламайди. Тамом бўлмаган жиноятларда тегишли таркиб аломатлари мавжуд бўлмайди.

Аммо тамом бўлмаган жиноят босқичида шахс бошқа қилмиш содир этиши ҳам мумкин. Бундай ҳолларда жиний жавобгарлик субъект амалда (жиноят содир этишдан кайтган пайтгача) содир этган қилмиши учун келиб чиқади. Шу сабабли, одам ўлдириш учун заҳарли моддани ўғирлаган шахс уни содир этишдан ихтиёрий қайтган бўлса, қасддан одам ўлдириш учун жавобгарликдан озод қилинади, чунки у ҳеч қандай ҳаракат содир этмаган ва уларни содир этишдан қайтган, бироқ у заҳарли моддани қонунга хилоф равишда эгаллагани учун Жиноят кодексининг 251-моддасига биноан жавобгарликка тортилиши лозим.

11. Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтишни ўз қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлиш, яъни шахсни ўз айбига иқроқ бўлиб, жиноят содир этишга ёрдамлашган фаол хатти-ҳаракатидан фарқлай олиши лозим.

Айбдор ўз қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлиши деганда, жиноят содир этган шахснинг келтирилган зарарни бартараф қилиш, тугатиш, қоплаш, жиноятнинг очилишига, унинг бошқа иштирокчилари фош қилинишига, жиноят натижасида эгалланган мол-мулкни излаб топишга ёрдам бериш билан боғлиқ фаол ихтиёрий ҳаракатлари тушунилади. Ўз қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлишга айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилиш киради. Ўз қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлиш

жавобгарликни енгиллаштирадиган ҳолат ҳисобланади (*ЖКнинг 55-моддасига берилган шарҳга қаранг*), баъзи бир ҳолларда эса, у жиноий жавобгарликдан озод қилиш учун асос бўлиши ҳам мумкин (*ЖКнинг 66-моддасига берилган шарҳга қаранг*). Шунингдек, жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш ҳам пассив, ҳам актив шаклда содир этилиши мумкин. Чин кунгилдан пушаймон бўлиш эса, фақат актив ҳаракат орқали содир этилади.



## VII боб. ЖИНОЯТДА ИШТИРОКЧИЛИК

### 27-модда. Жиноятда иштирокчилик тушунчаси

Икки ёки ундан ортиқ шахснинг қасддан жиноят содир этишда биргалашиб қатнашиши иштирокчилик деб топилади.

### Ш А Р Х

1. Шарҳланаётган моддага кўра, икки ёки ундан ортиқ шахснинг қасддан жиноят содир этишда биргалашиб қатнашиши иштирокчилик, деб топилади.

Иштирокчиликда содир этиладиган жиноятлар ўз ҳуқуқий хусусиятларига эга бўлиб, у ёки бу жиноятни квалификация қилишда нафақат қилмишнинг иштирокчиликда содир этилиши, балки, қонунийлик ва адолатлилик принципларига асосланган ҳолда иштирокчиликнинг аниқ белгилари ва шаклларига эътибор бериш лозим.

Агар иштирокчиларнинг ҳаракатларида Жиноят кодексининг Махсус қисми моддасида тавсифланган муайян жиноят турининг аломатлари мавжуд бўлса (мисол учун, бир гуруҳ шахснинг уюшган гуруҳнинг жиноят содир этиши), қилмиш Махсус қисмнинг тегишли моддаси бўйича иштирокчиликнинг у ёки бу турини тавсифловчи муайян аломатлардан келиб чиқиб квалификация қилиниши керак.

2. Иштирокчилик тушунчаси, Жиноят кодексининг Махсус қисми институти сифатида, анча кенг талқин қилинади.

**Иштирокчиликнинг** қуйидаги **аломатларини** қайд этиш мумкин:

– айти бир жиноятда икки ёки ундан ортиқ шахснинг иштироки;

– гуруҳ аъзоларининг биргаликда ҳаракат қилиши;

– жиноятнинг қасддан содир этилиши.

3. Биринчи аломат объектив, сунгги аломат эса, субъектив хусусиятга эга. Жиноят содир этишда биргалашиб қатнашиш ҳам субъектив, ҳам объектив аломатлар билан тавсифланади. Айти бир жиноятда икки ёки ундан ортиқ шахснинг

қатнашиши жиноятда иштирокчиликнинг объектив аломатини ташкил этади.

Шарҳланаётган моддада берилган жиноятда иштирокчиликнинг таърифидан жиноятда икки ёки ундан ортиқ шахснинг қатнашиши унинг зарур шarti экани англашилади. Шунингдек, жиноят иштирокчиликда содир этилганида иштирокчиларнинг барчаси ақли расо ва шу жиноят учун қонунда белгиланган ёшга етган бўлиши талаб қилинади.

4. Жиноят содир этишда **биргалашиб қатнашиш аломати** ҳам объектив, ҳам субъективдир. Биргаликдаги ҳаракат шундан иборатки, бунда иштирокчиларнинг жинoий ҳаракати биргаликда бўлади. Жиноятни биргаликда содир қилиш шундан иборатки, бунда бир иштирокчининг ҳаракати икинчисиники билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Иштирокчиларнинг биргаликдаги ҳаракати жиноятнинг натижаси учун муҳим шарт ҳисобланади.

**Иштирокчиларнинг биргаликдаги ҳаракати** мақсаднинг ва ҳар бир иштирокчи ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан умумий жинoий оқибат ўртасидаги сабабий алоқанинг бирлигида ифодаланади. Бир иштирокчининг фаолиятини бошқа иштирокчининг фаолияти тўлдирган, бу улар учун умумий ижтимоий хавfli оқибатга эришишнинг имконини берган ҳолда жиноят содир этишда икки ёки ундан ортиқ шахснинг биргалашиб қатнашиши мавжуд бўлади. Агар бундай биргаликдаги фаолият фақат ташқи хусусиятга эга ва ички, онгли алоқадан маҳрум бўлса, ягона жиноятда иштирокчилик тўғрисида сўз юритилиши мумкин эмас. Бундай ҳолларда айбдорлар, уларнинг фаолияти умумий, ягона оқибатга олиб келганига қарамай, мустақил жинoий жавобгарликка тортилиши керак.

Жиноят содир этишга ҳар бир иштирокчи ўз ҳиссасини қўшади. Уларнинг бири барча иштирокчиларни уюштиради, уларнинг ҳаракатларини мувофиқлаштиради, икинчиси жиноят содир этиш учун шарт-шароит яратади, учинчиси уни содир этади, тўртинчиси жиноят изларини яширади, унинг фош бўлишига монелик қилади. Ҳар бир иштирокчи ва келиб чиққан жинoий оқибат ўртасида сабабий алоқа мавжуд бўлади.

Иштирокчилар жиноятни биргалашиб содир этиши улар учун ягона оқибат келиб чиқишида, ҳар бир иштирокчининг ҳаракатлари ва келиб чиққан оқибат ўртасида сабабий боғланиш мавжудлигида, шунингдек, бошқа иштирокчиларнинг жиной ҳаракатлари учун шарт-шароит яратилишида намоён бўлади.

Олдиндан ваъда берилмаган хабар бермаслик, яшириш ёки йўл қўйиб беришни (жиноятга дахлдорликнинг бир қўринишини ташкил қилади) иштирокчилик деб бўлмайди.

Жиной ҳаракатнинг биргаликдалиги барча иштирокчилар учун жиной оқибатнинг бир хиллиги, умумий жиной оқибат ва ҳар бир иштирокчи ўртасидаги ҳаракатнинг ўзаро боғлиқлигида ифодаланади. Ҳаракат, жиной оқибат ва ҳар бир иштирокчининг ўзаро алоқадорлиги мажмуи иштирокчиликини ифода қилади. Шундай қилиб, **биргалашиб жиноят содир этишнинг объектив мезонлари** биргаликда жиной ҳаракатларни содир этиш, умумий, ягона жиной натижа ҳамда қилмиш билан унинг оқибатлари ўртасидаги сабабий алоқадан иборат.

5. Бир неча шахсларнинг кучларини бирлаштириш натижасида жиноят содир этилганида, уларнинг ҳар бири мустақил тарздаги жиной оқибатга эришишга ҳаракат қилган бўлса ёки улар ҳаракати жиной оқибат билан бевосита боғлиқ бўлмаса, бундай жиноятни иштирокчиликда содир этиш, деб баҳолаб бўлмайди.

Иштирокчилик мавжуд эмаслиги бир неча шахсларнинг ҳаракатлари уюштирилмагани, уларнинг ҳар бири алоҳида ҳаракат қилиши билан изоҳланади. Аммо, жиной оқибат иштирокчи кучларини бирлаштиришдан келиб чиқади, бинобарин, бу ҳаракатлар улар учун умумий оқибатга сабаб бўлади. Мисол учун, ўқотар қуролдан ўқ узиб, фуқаро С.ни яралаган фуқаро В.нинг ҳамда ярани боғлаш пайтида инфекция киритган ва фуқаро С.нинг ўлимига сабабчи бўлган фуқаро Д.нинг ҳаракатларини биргалашиб содир этилган ҳаракат, деб бўлмайди.

Ҳаракатлар биргалашиб содир этилгани тўғрисидаги масала нафақат объектив ҳолатларни, балки субъектив ҳолатларни ҳам аниқлаш асосида ҳал қилинади.

Агар иштирокчилар жиноят содир этишга олдиндан тил бириктирган бўлса, жиноятда иштирокчиликни аниқлаш қийинчилик туғдирмайди. Иштирокчилар олдиндан тил бириктирган бўлмаса, иштирокчиликнинг субъектив ҳолатларини аниқлаш қийинлашади.

Шахс хулқ-атворида икки ҳолатнинг мавжудлиги жиноят содир этишда биргалашиб қатнашишнинг мезони ҳисобланади:

– биринчиси, умумий куч асосида ягона мақсадга эришиш учун ҳаракат қилиш;

– иккинчиси, бошқа иштирокчиларнинг ягона умумий натижага эришишга қаратилган ҳаракатини билиш ва ҳисобга олишга хизмат қилади.

Жиноят содир этишда бир неча шахсларнинг иштироки объективвазиятларни биргаликда кучишлатиш асосида натижага эришиш, шунингдек, субъектив вазият – иштирокчиларнинг ҳаракати бирлашганлиги ва кучларни бирлаштириш асосида ягона мақсадга эришишга қаратилганлигини билишни ўз ичига олади.

**6. Жиноятнинг барча иштирокчилари учун умумий бўлган муайян натижага ҳаракат қилиш иштирокчиликнинг зарур таркибий қисмидир.** Зеро, айнан шу ҳолат иштирокчиларнинг ҳаракатлари бирлаштирилганлигини тавсифлайди. Шахсларнинг бирлашуви жиной оқибатга эришишни енгиллаштириш зарурияти билан белгиланади.

Шахс жиноят содир этишда иштирокчилик қилаётган бошқа шахслар фаолиятини англаши жиноят содир этишда биргалашиб қатнашишнинг иккинчи субъектив мезонидир.

**Иштирокчиликнинг субъектив мезони** иштирокчиларнинг ўзаро хабардорлиги ва келишган ҳолда ҳаракат қилиши билан тавсифланади. **Ўзаро хабардорлик** шу билан тавсифланадики, жиноят содир этишдаги барча иштирокчиларни, биринчидан, жиноят биргалашиб содир этганлиги, иккинчидан, ҳар қандай жиноят эмас, балки аниқ бир жиноят содир этилгани, учинчидан, нафақат бир шахс қилмишининг ижтимоий хавфлилиги, балки бошқа шахслар ҳаракатининг ижтимоий хавфлилиги ҳисобга олинади. Мисол учун, рақобатчини обрўсизлантириш (Жиноят кодексининг

192-моддаси)да ёлғон, ноаниқ ёки бузиб кўрсатилган маълумотларни бир шахс тайёрлаб, аслида бошқа шахс ошкор қилган (масалан, телевидение бўйича ёки газетада чоп этиш орқали) такдирда, агар ижрочи ўзи томонидан тарқатилаётган маълумотларнинг ёлғонлигини кўра билган бўлса, қилмиш мазкур жиноятда иштирокчилик сифатида тавсифланиши мумкин.

Жиноят биргалашиб содир этилаётганини англаши у ўзининг жиноят содир этишга қаратилган ҳаракатларига ҳеч бўлмаса битта бошқа иштирокчининг ҳаракатлари қўшилаётганини билишидан далолат беради. Бажарувчи жиноятни бошқа шахслар билан биргалашиб содир этаётганини англамаган ҳолда ва ҳаракатлари жиноят содир этиш билан сабабий алоқада бўлган ана шу бошқа шахслар бажарувчининг жиний ниятидан беҳабар бўлган ҳолда иштирокчилик мавжуд бўлмайди.

Бошқа иштирокчиларнинг (ҳеч бўлмаса, бир иштирокчининг) ҳаракатлари ва ниятларидан хабардорлик шахс уларнинг ҳаракатлари олиб келадиган жиний оқибатларни англашини назарда тутди.

Жиноят иштирокчилари ҳаракатларининг мувофиқлаштирилганлиги шахсларнинг жиноят содир этишда биргалашиб қатнашиш нияти ва хошиш-иродасини ўзаро ифодалашида намоён бўлади.

Жиноят иштирокчилари ҳаракатларининг мувофиқлаштирилганлиги жиноят биргалашиб содир этилганини, иштирокчилар фаолиятини субъектив томондан тавсифлайдиган улар ўртасидаги зарур психологик алоқани акс эттиради.

7. Шарҳланаётган моддада берилган иштирокчилик тушунчасининг мазмунига кўра, иштирокчилик фақат қасддан содир қилинадиган жиноятлардагина бўлади. Иштирокчилар жиноят содир этишга қилган қасд билан ўз қилмишларининг ижтимоий хавфлилиги ва бажарувчи ҳаракатларининг ижтимоий хавфлилиги англаниши керак. Шу билан бирга, иштирокчилар бажарувчи мазкур ижтимоий хавфли қилмишларни содир этишини хоҳлайдилар ёки онгли равишда бунга йўл қўйдилар.

Жиноят иштирокчилари онги билан бажарувчининг қилмишлари келтириб чиқариши мумкин бўлган ижтимоий

хавfli оқибатлар ҳам, бажарувчининг қилмишлари билан уларнинг оқибатлари ўртасидаги сабабий алоқанинг ривожланиши ҳам умумий жиҳатдан камраб олинади.

**Жиноят содир этишга қаратилган қасднинг интеллектуал жиҳати** қилинган қасднинг тафаккур жиҳати нафақат бажарувчи қилмиши объектив томонининг тегишли ҳолатларини, балки жиноят объектига ва субъекти – бажарувчига тегишли бўлган ҳолатларнинг ҳам англаниши билан тавсифланади.

Бир жиноятни содир этишда икки ёки ундан ортиқ шахс биргалашиб қатнашиши барча иштирокчилар жиноятнинг улар учун умумий бўлган бир объектига тажовуз қилишини белгилайдики, буни ҳар бир иштирокчи англаши керак.

Жиноят иштирокчилари Жиноят кодексининг Махсус қисмида баён этилган жиноят субъектини (бажарувчини) тавсифловчи мажбурий аломатларни англаши керак (мисол учун, мансабдор шахс, ҳарбий хизматчи ва ҳ.к.). Агар иштирокчи, бажарувчининг ҳақиқий ёшига нисбатан адашиб, уни жиноят субъекти, деб топилши мумкин бўлмаган ёшда деб ҳисоблаган бўлса, айна ҳолда жиноятда иштирокчилик мавжуд бўлмайди, чунки жиноят содир этишда бир шахс қатнашади. *(Бу ҳақда батафсил ЖКнинг 28-моддасига берилган шарҳга қаранг)*

**Иштирокчиликда содир этиладиган жиноят иродавий белгисининг** мазмун-моҳияти хоҳиш-ирода жиҳатининг мазмуни умумий, ягона мақсадга қаратилганлиги, жинoий оқибатнинг келиб чиқиши хоҳланиши ёки онгли равишда йўл қўйилишида ифодаланadi.

Иштирокчиларнинг мотиви ва мақсадлари мос келиши мумкин, ammo булар жиноятни квалификация қилишга таъсир этмайди. Эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноятларда иштирокчилик бўлиши мумкин эмас.

Айрим ҳолларда шахснинг ўзи жиноятни бевосита содир қилмасдан, жиноятнинг субъекти бўла олмайдиган шахсдан фойдаланади (масалан, жинoий жавобгарлик ёшига тўлмаган шахслардан жиноят бажарувчилари сифатида фойдаланиш). Мазкур ҳолатда жиноятчи ҳам субъект ёшига етмаганинг



қилмиши учун ҳамда вояга етмаганни жиноятга жалб қилганлиги учун жавобгарликка тортилади.

### 28-модда. Жиноят иштирокчиларининг турлари

Жиноятни бажарувчи билан бир қаторда ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчилар ҳам жиноят иштирокчилари деб топилади.

Жиноятни бевосита тўла ёки қисман содир этган ёхуд ушбу Кодексга мувофиқ жавобгарликка тортилиши мумкин бўлмаган шахслардан ёки бошқа воситалардан фойдаланиб, жиноят содир этган шахс бажарувчи деб топилади.

Жиноятга тайёргарлик қўрилишига ёки жиноят содир этилишига раҳбарлик қилган шахс ташкилотчи деб топилади.

Жиноят содир этилишига қизиқтирувчи шахс далолатчи деб топилади.

Жиноят содир этилишига ўз маслаҳатлари, кўрсатмалари билан, воситалар бериш ёки тўсиқларни йўқотиш билан кўмаклашган, шунингдек жиноятчини, жиноят содир этиш қуроли, излари ва воситаларини ёхуд жиний йўл билан қўлга киритилган нарсаларни яширишга, шунингдек бундай нарсаларни олиш ва ўтказиш тўғрисида олдиндан ваъда берган шахс ёрдамчи деб топилади.

## Ш А Р Х

1. Жиноят иштирокчиларини турларга бўлишда улардан ҳар бирининг биргаликда содир этадиган қилмишидаги функционал роли асос қилиб олинган. Шарҳланаётган модда иштирокчилар жумласига жиноят бажарувчиси билан бир қаторда, ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчини ҳам киритади ҳамда уларни ҳар бир иштирокчи жинояти таркибининг объектив томонини ташкил этувчи ҳаракатларни амалга ошириш характери бўйича фарқлайди.

Иштирокчиликни белгилаб берадиган асосий мезонлардан бири, жиноят содир этишда ҳар бир иштирокчининг характери ва даражаси ҳисобланади. Жиноят содир этишда шахс иштирокининг характери ҳар бир иштирокчининг функционал вазифасини белгилайди.

**Жиноятда унинг иштироки даражаси** эса, ўз вазифаларини бажариш юзасидан ҳаракатларининг такрорийлиги, ҳамжиҳатликда содир этиладиган жиноятга унинг ҳиссаси ҳақида тасаввур беради. Масалан, қасддан одам ўлдиришда ёрдамчилик кўзда тутилаётган жиноят қурбонини қачон ва қаерда кутиш кераклигини ёки бажарувчининг илтимосига кўра, ёрдамчининг унга жиноят қуролини, жиноят содир этиш жойидан тез яшириниш учун транспорт воситаларини топиб берганлиги ва шу қабиларда ифодаланиши мумкин. Ҳар икки ҳолатда ҳам ёрдамчининг функционал роли (яъни, иштирокчилик характери) бир хил, иштирок даражаси эса, турличадир. Бундан ташқари, айнан ҳаракатларнинг табиати иштирокчиларни турларга бўлиш имкониятини берувчи белгилардан биридир. Иштирокчилар ҳаракатларининг характери қонун чиқарувчи томонидан «ташқил этган», раҳбарлик қилган», «қизиқтирган», «кўмаклашган» каби ибораларда ифодаланади. Иштирокчиларнинг жиноят содир этишдаги иштироки даражаси ҳамда жинойий ҳаракатларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси жазо тайинлашда ҳисобга олинади. Шундай қилиб, жиноятда ҳар бир иштирокчининг ягона мақсадга қаратилган фаолияти, мазкур фаолиятда бажарувчи, ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчилар ўртасидаги фарқни ҳамда шундан келиб чиқиб, улар айбланаётган жиноятнинг таркибини аниқлаб олиш мумкин.

**2. Жиноят кодексининг 28-моддаси биринчи қисми**га мувофиқ, қуйидагилар жиноят иштирокчилари, деб топиладилар: 1) бажарувчи; 2) ташкилотчи; 3) далолатчи; 4) ёрдамчи.

Иштирокчиликда содир этиладиган жиноятларда бажарувчи асосий «фигура»лардан бири сифатида чиқади. Бажарувчи фақатгина у билан бирга ўз функционал ролини амалга оширадиган бошқа шахслар – ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчилар билан ҳаракат қилгандагина мавжуд бўлади.

**Бажарувчи** деб, жиноятни бевосита тўла ёки қисман содир этган ёхуд қонунга мувофиқ жавобгарликка тортилиши мумкин бўлмаган шахслардан ёки бошқа воситалардан фойдаланиб жиноят содир этган шахсга айтилади.

Жиноятнинг бажарувчиси муайян жиноят субъектини тавсифловчи белгиларга эга бўлган шахсгина бўлиши мумкин, акс ҳолда унинг қилмишида жиноят, деб тан олинishi ва жинoий жавобгарликка тортилиши учун зарурий шарт сифатидаги жиноят таркиби мавжуд бўлмайди.

Бу барча субъектларга хос умумий белгилар бўлибгина қолмай (муайян ёшга тўлганлик, ақли расолик), балки, махсус субъектни тавсифловчи белгиларга ҳам тааллуқлидир. Суд-тергов амалиётида жиноятни фақат махсус субъект амалга ошириб, бошқа шахслар жиноят иштирокчиси сифатида содир этилганлиги ҳам учраб туради. Бунда жиноят иштирокчиларининг жиноятда иштироки даражаси аниқланиши керак. Жиноятнинг субъекти фақат махсус субъект, жиноятларда иштирокчилар эса, махсус субъект содир этган жиноятда фақат иштирокчи сифатида квалификация қилинади. Агар махсус субъектни талаб этувчи жиноят таркибларидан бири бўйича жавобгарликка тортилаётган шахс уни шундай субъект сифатида тавсифловчи белгиларга эга бўлмаса (масалан, мансабдор шахс, ҳарбий хизматчи, терговчи, судья ва х.к.), у Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида қайд этилган жиноят таркиби объектив томонига тааллуқли муайян ҳаракатларни содир этган тақдирда ҳам мазкур жиноятнинг бажарувчиси бўла олмайди.

3. Шарҳланаётган таърифда бажарувчининг қонунда белгиланган бир қатор ўзига хос белгиларини қўришимиз мумкин.

Биринчиси, жинoий қилмишнинг тўлиқ ёки қисман амалга оширилиши.

**Жиноятни тўла содир этиш** – бу Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддаси диспозициясида қўрсатилган қилмиш объектив томонининг тўлиқ содир этилиши тушунилади.

**Жиноятни қисман содир этиш** – жиноятнинг объектив томонини ташкил этувчи қилмишни содир этиш бўлиб, бажарувчига боғлиқ бўлмаган ҳолда тамом бўлмайди ёки модда диспозициясида кўрсатилган оқибатнинг юз бермаслигида ифодаланади.

Иккинчиси, жиноятнинг бевосита бажарувчи томонидан содир этилиши. **Бевоситалик** – бажарувчи шахс томонидан Жиноят кодексининг Махсус қисмида кўрсатилган жиноятнинг содир этилганлиги ёки содир этилишини англатади.

Жиноят объектив томонининг жинойй жавобгарлик ёшига етмаганлик ёки ақли норасолик аломатлари бўйича жавобгарликка тортилиши мумкин бўлмаган шахслар томонидан бажарилиши ҳолларига эътибор қаратиш лозим. Масалан, агар жиноят муайян қилмиш учун жинойй жавобгарлик ёшига етмаган вояга етмаган шахс томонидан содир этилса, уни жиноят содир этишга ундаган шахс бажарувчи бўлиб ҳисобланади, унинг вояга етмаган шахсга нисбатан ҳаракатлари эса, вояга етмаган шахсни жиноят содир этишга жалб қилиш сифатида Жиноят кодексининг 127-моддаси 3-қисми бўйича квалификация қилинади.

Вояга етмаганларнинг катта ёшдагилар иштирокида содир этган жиноятлари ҳақидаги иш куриб чиқиладиганда катта ёшдаги шахс ва ўсмир ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг хусусиятини синчиклаб аниқлаш лозим, чунки ана шу маълумотлар катта кишининг вояга етмаган шахсни жиноят ёки ғайриижтимоий ҳаракат содир этишга жалб қилишдаги ролини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Судларга 18 ёшга тўлган ва жиноятни қасддан содир этган шахсларгина вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилгани учун жинойй жавобгарликка тортилиши мумкин эканлиги тушунтирилсин. Шунингдек, катта ёшдаги киши ўз ҳаракатлари билан вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилаётганини билгани ёки шундай фикрга йўл қўйганини ҳам аниқлаш лозим. Агарда катта ёшдаги киши шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилса-ю, унинг вояга етмаганлигини билмаса ёки билиши мумкин бўлмаса,

бу ҳолда ЖКнинг 127-моддаси билан жиноий жавобгарликка тортиш мумкин эмас<sup>1</sup>.

Мазкур ҳолатда, ақли норасо шахс томонидан бошқа шахснинг кўр-сатмалари асосида жиноят содир этилгани каби, кўрсатма берган шахснинг ҳаракатлари бажарувчилик сифатида, амалда жиноятни содир этган шахс-нинг ҳаракатлари эса, жиноят куроли сифатида тавсифланиши шарт.

Шахс томонидан мустақил жиноят-ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлмаган хатти-ҳаракатлар содир этилиши ҳолларини ҳам жиноятни бажариш, деб топиш зарур. Масалан, фуқаро А. фуқаро Б.ни (жабрланувчини) фуқаро С. томонидан дўппосланаётган пайтда ушлаб турган. Бу мисолда фуқаро Б. жабрланувчи, фуқаро С. жиноий тажовуз бажарувчиси, фуқаро А. эса, содир этилган жиноятнинг иштирокчиси бўлади. Жабрланувчини ушлаб турган А.нинг хатти-ҳаракатлари ўз-ўзидан жиноят ҳисобланмайди ва жиноят-ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас. Бирок, унинг ҳаракатлари, шубҳасиз, бажарувчи фуқаро С. томонидан жиноят содир этилишига қаратилган ва бу айнан мана шу мисолда иштирокчилик аломатларининг тан олинishi учун етарлидир.

Юқорида қайд этилган барча ҳолатлар жиноий ниятнинг билвосита амалга оширилиши мумкинлигидан далолат беради. Шу сабабли, бевоситалик белгиси жуда муҳим бўлса-да, ҳал этувчи аҳамиятга эга бўла олмайди. Жиноят бошқа шахслар ёки воситалардан фойдаланиш орқали содир этилиши мумкин.

Бу ерда гап жиноят куроли ёки воситаси сифатида ишлатилиши мумкин бўлган ортиқча хавф манбаи бўлиб келувчи воситалар ҳақида бормоқда. Фуқаролик ҳуқуқида ошиқча хавф манбаи томонидан етказилган зарар учун жавобгарлик мулкдор зиммасига юклатилади. Жиноят қонуни мазкур принципни қўллаши мумкин эмас, чунки жавобгарлик жиноят содир этган шахсга юклатилади. Масалан, жавобгарликка автомобиль эгаси эмас, балки автомобилни

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 21-сонли қарори, 7-банди.

бевосита бошқариб, ўзгаларга муайян зарар етказган шахс тортилади. Жиноят содир этиш воситаси (ёки куроли) сифатида ишлатилган ортиқча хавф манбаларини қўллаш ҳоллари ҳам худди шу тарзда квалификация қилинади.

4. Ўз жинойий мақсадининг охириги зарурат ҳолатидаги бошқа шахсларни мажбурлаб жиноят содир этган шахсларни ҳам жиноят бажарувчиси, деб топиш керак.

Бирок, иштирокчиликда вазифаларни бўлиб олиш билан содир этиладиган жиноятларда Жиноят кодекси Махсус қисмининг муайян моддасида назарда тутилган жиноятнинг объектив томонини кўп ҳолларда бир шахс эмас, балки бир неча шахс амалга оширади. Бу ҳолда сўз жиноятнинг биргаликдаги бажарувчилари ҳақида боради.

Жиноят қонунда биргаликдаги бажарувчилик тушунчаси аниқланмаган.

Биргаликдаги бажарувчиликнинг объектив томони жиноят содир этаётган шахсларнинг умумий кучи асосида амалга оширилади ва уларнинг ҳар бирига жинойий фаолиятнинг фақат бир қисмигина тўғри келади.

5. Бажарувчи томонидан содир этилган қилмиш субъектив томондан тўғри ёки эгри қасд билан содир этилиши мумкин.

Бажарувчи ўзининг бошқа иштирокчилар билан биргаликда содир этаётган қилмишининг ижтимоий хавфлилигини англайди, бу қилмишлар учун умумий, ягона оқибатларнинг келиб чиқиши мумкинлиги ва муқаррарлигига кўзи етади ҳамда бу оқибатларнинг юз беришини истайди ёки онгли равишда йўл кўяди. Қонунга кўра, иштирокчиликда содир этилган қилмиш қасддан амалга оширилиб, эҳтиётсизликни истисно қилади.

6. **Жиноятнинг ташкилотчиси** – жиноят иштирокчилари ичида энг хавфли шахсдир. У жиноят раҳбари бўлиб, иштирокчиларни бирлаштиришга, жинойий ниятни амалга ошириш мақсадида уларнинг тартибли хатти-ҳаракатларини таъминлашга интилади. Ташкилотчи жиноят режасини ишлаб чиқади, бошқа иштирокчиларни танлайди, уларнинг орасида вазифаларни тақсимлайди, йўл-йўриқлар курсатади. Ташкилотчи фақатгина уюшган гуруҳ ёки жинойий

уюшма таркибида эмас, балки вазифалар тақсимланишидаги иштирокчиликда ҳам бўлади.

Биринчи ҳолда ташкилотчининг жавобгарлиги бевосита Жиноят кодекси Махсус қисмининг нормалари билан кўзда тутилиб, алоҳида жиноятни ташкил этса, иккинчи ҳолда, ташкилотчи вазифаларнинг тақсимланишидаги иштирокчилик доирасида фаолият олиб боради ва унинг жавобгарлиги Жиноят кодексининг Махсус қисмида назарда тутилган асослар бўйича вужудга келади.

Шарҳланаётган модданинг учинчи қисмига мувофиқ, ташкилотчи деганда, жиноятга тайёргарлик кўрилиши ёки содир этилишига раҳбарлик қилган шахс тушунилади. Жиноят ташкилотчисининг мазкур таърифидан келиб чиқиб, ташкилотчилик фаолиятининг икки турини ажратиш кўрсатиш мумкин:

- жиноятга тайёргарлик кўрилишига ташкилотчилик;
- жиноят содир этилишига ташкилотчилик.

Ҳар икки ҳолатда ҳам «ташкилотчи» сузи маъносидан келиб чиққан ҳолда жиноятга тайёргарлик кўриш амалга оширилади.

**Жиноятни ташкил этиш** – жуда ҳам кенг қамровли тушунча бўлиб, жиноят ташкилотчиси фаолиятини жиноят содир этилишига тайёрлаш ва раҳбарлик қилиш кабиларни ўз ичига олувчи қатор хусусиятларни қамраб олади.

Ташкилотчи ҳар доим жиноят содир этиш ташаббускори бўлади. Жиноят содир этиш «ғояси» ва ундан сўнги ҳаракатларни режалаштириш, ташкил қилиш унга тегишлидир (масалан, иштирокчиларни излаб топади ва уларни бирлаштиради, жиноят содир этиш режасини ишлаб чиқади ва иштирокчиларнинг ҳаракатларини шу режани амалга оширишга қаратади, заруратдан келиб чиқиб, уларнинг ҳаракатларини мувофиқлаштиради).

Шу ўринда жиноят содир этиш ҳақидаги фикрнинг юзага келиши фақатгина ташкилотчининг ўзигагина тегишли эмаслигини таъкидлаб ўтиш лозим. Муайян шароитларда, биргаликдаги бажарувчилардан бирида ҳам бундай фикр пайдо бўлиши мумкин. Суд амалиётида биргаликда бажарувчилардан бирида бундай фикрнинг пайдо бўлиши учраб туради. Масалан,

гуруҳ бўлиб безорилик қилиш, номусга тегиш жиноятларини содир этишда.

Жиноятнинг ташаббускори далолатчи ҳам бўлиши мумкин. Унинг роли бажарувчи ва жиноят бошқа иштирокчиларида жиноят содир этиш истагини уйғотишга, бу истакни сундирмасликка ҳаракат қилишда ифодаланади. Далолатчи фаолияти шу билан чекланади. Агар у иштирокчиларни бирлаштира, жиноят содир этиш режасини тайёрласа ва иштирокчилар фаолиятига раҳбарлик қилса, ташкилотчига айланади.

**Жиноят содир этишга раҳбарлик қилиш** – жиний фаолиятни амалга оширишга тайёргарлик кўришдан иборат, яъни жиноят содир этиш ташаббуси билан чиқиш, иштирокчиларни жалб этиш, уларни жиноят содир этиш қуроллари ва воситалари билан таъминлаш, жиний режаларни ишлаб чиқиш, иштирокчилар ўртасида вазифаларни тақсимлаш ва ҳоказо.

Мазкур босқич жиноят содир этишга олдиндан тил бириктириш билан камраб олинади, чунки бусиз жиноят содир этишнинг тайёрлов қисмига раҳбарлик қилиб бўлмайди. Бирок, бу иштирокчиликда жиноят ташкилотчиси амалда уюшган гуруҳнинг ташкилотчиси ва раҳбарига айланади, дегани эмас. Уюшган гуруҳга жиний фаолиятни амалга ошириш учун барқарор ва аниқ ифодаланган йўналтирилганлик ҳосдир (*ЖКнинг 29-моддасига берилган шарҳга қаранг*). Бу ҳолда иштирокчиликнинг бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, жиноят содир этиш шакли мавжуд бўлади (*ЖКнинг 135-моддаси иккинчи қисми «е» банди; 137-модданинг биринчи қисми «в» банди; 164-модданинг иккинчи қисми «б» банди ва бошқалар*).

7. Жиноятни ташкил этишнинг иккинчи шакли шундан иборатки, бунда ташкилотчи, жиний қилмиш содир этиш ташаббуси билан чиқмасдан, жиний ниятнинг амалга оширилишини таъминлаб, иштирокчиларнинг бутун жиний фаолиятига раҳбарлик қилади.

**Жиноят содир этишга раҳбарлик қилиш** – бу иштирокчилар томонидан жиноятни амалга ошириш



жараёнини бевосита бошқаришдир. Жиноятга раҳбарлик қилиш жиноят содир этиш жойида амалга оширилганда, бажарувчининг ҳаракатлари бошқарилади. Шунингдек, раҳбарлик қилиш жиноят содир этиш жойида бўлмаганда ҳам амалга оширилиши мумкин. Масалан, телефон, рация орқали бажарувчининг ҳаракати бошқариб турилиши мумкин.

Иштирокчиликда муайян бир жиноят содир этилишида ташкилотчи кўп ҳолларда жиноят содир этишга мойил бўлган шахслар билан бир қаторда бевосита бажарувчи сифатида қатнашади ҳамда шу пайтнинг ўзида, жиноят таркибининг жисмонан амалга оширилишида қатнашадими ёки жиноятни амалда бажарувчилар ўз фаолиятининг самарали бўлишига олиб келувчи ҳаракатларнигина амалга оширадими – бундан қатъи назар, жиний фаолиятда ташкилотчи, бошлик, кўрсатма берувчи шахс сифатида бевосита раҳбарлик қилади.

8. Жиноят ташкилотчиси ҳар доим тўғри қасд билан ҳаракат қилади. У иштирокчилар томонидан содир этилиши лозим бўлган ҳаракатлар характери билан, ўз фаолияти натижасида жиноят содир этилиши мумкинлигини кўра билади ва хоҳлайди. Ташкилотчи ўз ҳаракатларининг ва бошқа иштирокчилар ҳаракатларининг ижтимоий хавфлилиги хусусиятини билмайди, баъзи ҳолларда гуруҳ таркиби ҳақида тасаввурга эга бўлади (жиноят содир этишга тайёргарликка раҳбарлик қилаётган пайтда), бутун гуруҳ фаолияти натижаси сифатидаги ижтимоий хавфли оқибатларнинг келиб чиқиши мумкинлиги ва муқаррарлигига кўзи етади.

Агар ташкилотчи жиноятга тайёргарлик кўриш ва содир этишга раҳбарлик қилган бўлса-да, ўзи жиноятнинг объектив томонини бажаришда бевосита иштирок этмаса, унинг ҳаракати Жиноят кодексининг 28-моддаси учинчи қисми билан квалификация қилинади.

9. Жиноят содир этишга қизиқтирган, яъни қасддан бошқа шахсда қонун билан тақиқланган муайян ижтимоий хавфли қилмиш содир этишга қатъият уйғотган шахс **далолатчи**, деб топилади.

**Далолатчилик** — бу муайян шахс ёки бир гуруҳ шахсларни муайян аниқ бир жиноят содир этишга

қизиқтиришдир. Умуман олганда, жиноят содир этишга умумий ёки ноаниқ шахслар гуруҳини далолат қилиш далолатчилик ҳисобланмайди. Бундай ҳаракатлар муайян ҳолларда алоҳида жиноят таркибини ташкил қилиши мумкин. Масалан, давлат тузумини конституцияга хилоф равишда ўзгартиришга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига тажовуз қилиш жинояти (Жиноят кодексининг 159-моддаси), кирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этиш (Жиноят кодексининг 244<sup>1</sup>-моддаси).

Далолат аниқ бир объект ёки шахсларга нисбатан қаратилган бўлиши керак. Жиноят содир этишга даъват этса-да, жиноят айнан қайси объектга қарши қаратилишини кўрсатмайдиган шахс далолатчи, деб топилиши мумкин эмас.

Шунингдек, далолатчилик субъект бўйича, яъни унинг қайси шахсга нисбатан амалга оширилиши ҳам аниқланиши лозим. Муайян шахсга қаратилмаган жиноятга умумий даъват, агар у қонун бўйича Жиноят кодекси Махсус қисми аниқ моддаси бўйича жавобгарликка тортиладиган мустақил таркибни ташкил этмаса, далолатчилик, деб топилиши мумкин эмас ва жавобгарликка сабаб бўлмайди.

10. Далолатчи таърифидаги модданинг шарҳланаётган қисмида далолатчиликда амалга ошириладиган восита ва шакллар акс этмаган. Далолатчилик восита ва шаклларининг тула рўйхатини мустаҳкамлаб қўйиш мумкин эмас, шунинг учун у турли хил ҳаракатларда ифодаланиши мумкин. Бу ерда далолатчи қандай восита ва шаклларни ишга солгани эмас, балки бу воситалар қанчалик самара бергани муҳимдир. Шунинг учун алоҳида ҳоллардагина далолатчи томонидан ишлатилган у ёки бу восита ва шаклларнинг самарадорлиги ҳақида сўз юритиш мумкин.

11. Далолатчилик оғдириб олиш, илтимос қилиш, ишонтириш, ундириш, буйруқ бериш, зўрлик ишлатиш, алдаш ва бошқа йўллар билан амалга оширилиши мумкин. Далолатчиликнинг бу ташқи ифодаланиш шакллари ёзма ёки оғзаки фаолиятда, конклюдент ёки бошқа ҳаракатларда (имшиора ва бошқ.) юзага чиқиши мумкин.

Мажбурлаш жисмоний ёки рухий бўлиши мумкин. Рухий мажбурлаш кўпинча далолатчи томонидан кўркитиш орқали содир этилади. Буйруқ бериш далолатчилик воситаси сифатида фақатгина далолатчига хизмат бўйича бўйсунадиган шахсларга қаратилгандагина ишлатилиши мумкин.

Жиноятни буйруқни қонуний ижро этиш натижасида бевосита содир этган хизмат бўйича бўйсинувдаги шахс ўзининг содир этган қилмиши учун жавобгарликка тортилмайди. Бу ҳолларда ноқонуний буйруқ берган ёки мажбурлаган шахс, агар (ҳарбий хизматчилар, мансабдор шахслар учун) мажбурий бўлса, бевосита зарар етказувчи сифатида жиноий жавобгарликка тортилади. *(ЖКнинг 27-моддасига берилган шарҳга қаранг)*

**Ишонтириш** далолатчи томонидан жиноят содир этиш мотиви бўлиб келадиган ҳолатларни бажарувчи ёки ёрдамчига хабар қилишдан иборат. Далолатчилик воситаси сифатида ишонтиришнинг ўзига хос хусусияти шундаки, ташқи томондан далолатчининг жиноятда ўз манфаатлари бўлмайди. Бажарувчининг иродасига таъсир этиб, далолатчи у ёки бу қилмишни содир этиш мақсадга мувофиқлиги ва зарурлигига, жиноят содир этилиши бажарувчи манфаатларида эканлигига ишонтиришга ҳаракат қилади.

Ишонтириш объектив томондан далолатчи ва у қизиқтираётган шахс орасида алоқаларни талаб этувчи давомли жараёндир. Алоқа вақтида далолатчи бажарувчи томонидан қарор қилинишига туртки берувчи мотивларни туғдиришгагина эмас, балки далолатчи истаган қарорнинг қабул қилинишига тўсқинлик қилувчи мотивларни кучсизлантиришга, йўқ қилишга ҳаракат қилади.

Ишонтиришга яқин бўлган бошқа бир восита, шахсда жиноят содир этишга бўлган қатъиятни уйғотувчи бир вақтнинг ўзидаги акт сифатидаги маслаҳатдир. Бу борада далолатчиликнинг маслаҳатини жиноятдаги ақлий ёрдамчиликни ташкил этувчи ёрдамчилик маслаҳатидан ажрата билиш лозим. Далолатчининг ақлий ёрдамчидан фаркига қўлланилган воситалар эмас, балки бажарувчида уйғотиладиган мотивлар билан боғлиқ ҳолда қараш керак.

Ишонтиришда далолатчи ташки томондан жиноятга ҳеч қандай алоқаси бўлмагандек кўринса-да, унинг манфаатлари жиноятни содир этган бажарувчининг манфаатларига маълум даражада мос келади. Далолатчи қизиқтирилади шахсда жиноят содир этиш истагини уйғотади, ақлий ёрдамчи эса, фақатгина мавжуд истакни мустаҳкамлайди, янгиларини келтиради, жиноят содир этишга қўшимча мотивлар уйғотади. Шу сабабли муайян ҳолда далолатчилик ёки ақлий ёрдамчилик мавжуд бўлганлигини аниқлаш мақсадида маслаҳатнинг шахсда жиний истакни мустаҳкамлаш ва йўналтиришга ёки бу истакни уйғотишга олиб келганлигини билиш лозим.

Далолатчи жиноят содир этишнинг воситаси сифатида илтимос қилишдан ҳам фойдаланиши мумкин ва бу далолатчи манфаатининг асосини ташкил қилади. Илтимос ишонтириш ва маслаҳатдан фарқли равишда далолатчининг манфаатларига асосланади. Илтимос ёрдамида далолатчи бажарувчини бевосита ўзининг ёки учинчи шахсларнинг манфаатлари учун хизмат қилувчи ҳаракатларни содир этишга ундайди. Шубҳасиз, илтимос далолатчи томондан фақат ўзининг танишлари, дўстлари ва хизматдошларига қилиниши мумкин. Далолатчилик воситасининг руҳий таъсири асосан далолатчилик ва қизиқтирилади шахс ўртасидаги муносабатларнинг табиатига боғлиқ.

**Илтимос қилиш** кўндириш орқали амалга оширилади. Кўндириш илтимосдан шуниси билан фарқ қиладики, далолатчи шахсни жиноят содир этишга рози қилиш учун ўзининг бор имкониятини ишга солади. Кўндириш бир неча марта илтимос қилиш шаклида бўлиши мумкин. Суд-тергов амалиётида далолат қилишнинг бошқа турлари ҳам учрайди. Жиноят қилиш учун мукофот ваъда қилиш, туғридан-туғри шахсни сотиб олиш ёки алдаш бунга мисол бўлади. Бу қабилар амалиётда «буюртма» жиноятлар, деб номланади. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, агар шахс рағбатлантириш орқали жиний ниятни юзага келтирса, далолатчилик сифатида, агар унга алоҳида шартлар қўйса, жиноятни режалаштириб, унинг тартибини ўрнатса, бу фаолият ташкилотчилик сифатида баҳоланиши, шахснинг ўзи эса, ташкилотчи, деб топилади.

Юкорида санаб ўтилган далолатчиликнинг барча воситалари амалиётда қўп учрайди. Бироқ, улар далолатчилик воситаси сифатида муайян шароитда, аниқ ҳолатларда тан олиниши керак. Ўз навбатида, субъектнинг ҳар қандай бошқа ҳаракатлари, агар унинг ёрдамида жиноят бажарувчисига кўзда тутилган жинойи ниятнинг амалга оширилишига қатъийлик ва ишонч юзага келган ҳамда шаклланган бўлса, далолатчилик, деб тан олинади. Кўзда тутилаётган бажарувчининг субъектив хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда далолатчи дўқ-пўписа, хушомад, баъзан эса, ишора, йўл-йўлакай ташланган сўз кабиларга мурожаат қилиши мумкин.

12. Ҳаракатсизлик натижасида шахсни жиноят содир этишга жалб этиш мумкин эмас, ҳаракатсизлик фақатгина жиноят содир этишга ёрдам бериши мумкин, бу эса, далолатчилик чегарасидан чиқади ва муайян ҳолатларда ёрдамчилик бўлади. Конклюдент розилик ёки муайян жиноятга тайёргарлик кўриш билан боғлиқ бажарувчининг ҳаракатларини сўзсиз қабул қилиш далолатчилик сифатида кўрилиши мумкин эмас.

**Объектив томондан** далолатчилик фақатгина муайян бажарувчини жиноят содир этишга қизиқтиришга йўналтирилган фаол ҳаракатлар билан ифодаланади.

13. Далолатчиликнинг **субъектив томони** далолатчи қандай ҳаракат содир этишидан қатъи назар, бажарувчида жиноят содир этиш истагини уйғотишга ва бу истакни сўндирмасликка ҳаракат қилишда ифодаланади. Шунинг учун у бошқа шахсни кейинчалик уни фош этиш мақсадида жиноят содир этишга қизиқтирган, яъни «жиноят провокацияси» ҳолида ҳам жавобгарликка тортилади.

Далолатчи иштирокчи-бажарувчи томонидан содир этилган муайян жиноятнинг объектив томонини ташкил этувчи ҳаракатларни амалга оширишда бевосита иштирок этмайди, далолатчининг ҳаракатлари **Жиноят кодекси Махсус қисмининг** бажарувчи томонидан содир этилган жиноят учун жавобгарликни назарда тутувчи моддаси бўйича, **Жиноят кодексининг 28-моддаси** туртинчи қисмига таянган ҳолда квалификация қилинади.

Ёрдамчи далолатчидан шуниси билан фарқ қиладики, у ўзининг ҳаракати билан жиноятнинг бошқа бир иштирокчисида жиноят содир этиш истагини вужудга келтирмайди, бу ҳолат ёрдамчиликни амалга оширгунга қадар вужудга келади. Далолатчи бажарувчилардан бири сифатида жиноят содир этишда бевосита иштирок этган ва бир вақтнинг ўзида тажовуз ташаббускори бўлганида биргаликдаги бажарувчилик ҳолати инobatга олинади.

14. Жиноятнинг содир этилишидаги ўзининг объектив роли бўйича ёрдамчи (баъзи истиснолар билан) бошқа иштирокчиларга қараганда камроқ хавф туғдирувчи шахсдир: жиноятни содир этиш ташаббуси унга тегишли бўлмайди, у бошқа шахсларнинг жиноий фаолиятига раҳбарлик қилмайди. Жиноят таркибининг объектив томонини бажармайди. У бажарувчига фақатгина унинг жиноий нияти амалга оширилишида жиноят таркибининг объектив томонини ташкил этувчи ҳаракатларни бажармасдан кўмаклашади. Бирок, мазкур чегараларда ҳам ёрдамчиларнинг ҳаракат доираси жуда кенг, яъни қасддан одам ўлдириш, ўғрилиқ ва бошқа шу қабиларнинг кўзда тутилаётган жарбланувчилар оила аъзолари таркиби ҳақидаги маълумотларни бажарувчига етказишидан тортиб, унга жиноят содир этиш қуролларини тақдим этишгача бўлиши мумкин.

**Шарҳланаётган модданинг 5-қисмидаги таърифга** мувофиқ, ёрдамчи, деб маслаҳат бериш, жиноят қуролларини, жиноят изларини ва воситаларини ёки жиноий йўл билан топилган буюмларни олнш ёки сотиб беришга олдиндан ваъда берадиган шахсга айтилади. Мазкур таърифда нафақат ёрдамчи фаолиятининг йўналиши (жиноят содир этишга кўмаклашиш) белгилаб берилган, балки ёрдамчиларнинг услуб ва воситалари рўйхати ҳам берилган. Қонунда санаб ўтилганидан бошқа ҳеч бир ҳаракат ёрдамчилик сифатида тан олинмиши мумкин эмас.

15. Қўлланиладиган восита ва усуллардан келиб чиқиб, ёрдамчиликнинг икки турини ажратиб кўрсатиш мумкин: жисмоний ва руҳий ёрдамчилик.

### Рухий (ақлий) ёрдамчилик қуйидагича:

– жиноят содир этилишига маслаҳатлар ва кўрсатмалар бериш билан кўмаклашиш;

– жиноятчини, жиноят содир этиш қуроли, излари ва воситаларини ёхуд жиноий йўл билан кўлга киритилган нарсаларни яширишга олдиндан ваъда бериш;

– жиноий йўл билан топилган буюмларни олиш ёки сотиб беришга олдиндан ваъда бериш шаклида бўлиши мумкин.

Рухий ёрдамчилик бажарувчи онги ва иродасига рухий таъсир этишдир. Бу маънода ақлий таъсир белгиларига эга ва улар билан тавсифланадиган ҳаракатлар бажарувчининг онгли ва иродавий фаолиятига таъсир этади. Бу ҳаракатлар бажарувчи жиноий ниятининг қатъийлашувини мустаҳкамлаш ва ёрдамчининг муайян ишонтиришлари ёрдамида қасднинг янада аниқлашувига кўмаклашади. Шунингдек, рухий ёрдамчилик жиноят содир қилинишида бажарувчининг қарори ва хохишини мустаҳкамлайди.

Маслаҳат ва кўрсатмалар далолатчиликнинг воситаларидир. Суд амалиётида ҳам улар кам учрайди. Жиноятни қандай қилиб содир этиш бўйича маслаҳат ёхуд кўрсатмалар берувчи шахс, одатда, жиноят ташаббусқори бўлади ва шунинг учун унга суд-тергов амалиёти томонидан адолатли равишда далолатчи ёки ташкилотчи сифатида қаралади. Маслаҳат ва кўрсатмалар жиноят содир этиш ниятида бўлган шахсга қаратилган ҳолатлардагина ва мазкур маслаҳат ҳамда кўрсатмалар бу ниятни мустаҳкамлаш мақсадини кўзласагина, бу шахс ёрдамчи сифатида тан олиниши керак. Умуман олганда, маслаҳат ва кўрсатмаларни кўпроқ жиноятни уюштирадиган шахс бериши мумкин.

Маслаҳат ёки кўрсатма, мавжуд жиноят содир этиш ниятини мустаҳкамлашга қаратилган бўлса, ёрдамчилик воситаси бўлади.

16. Рухий (ақлий) ёрдамчиликка жиноят содир этган шахсни ёки жиноят ходисаси билан фактик яхлитликни ташкил этувчи бошқа элемент ва белгиларни яширишга ваъда бериш ҳоллари киради. Уларга, хусусан, жиноят қурол ва воситалари, жиноят излари ва нарсалари киради.

**Жиноят излари** – жиноят ходисаси ҳақида гувоҳлик берувчи мавжуд воқеликда ақс этган фактик, кўпинча, салбий характердаги маълумотлардир. Уларга, жумладан, пойабзал излари, олишув излари, бармоқ ва қўл излари ва шу кабилар, биологик чикинди ва қолдиқлар (қон, суюқлик, соч ва хоказо), мурда кабилар кирази.

Бажарувчига юқорида санаб ўтилган жиноят элементларини жиноятчи билан бир қаторда яшириш ваъдасини бераётиб, ёрдамчи шу орқали бажарувчида қилмишга нисбатан қатъиятни мустаҳкамлайди, унинг қасди шаклланишига кўмаклашади. Ёрдамчининг ишонтиришлари бажарувчида уни яшириш, у ҳақда хабар бермасликлари, унга тўсқинлик қилмасликлари умидига асосланган жиноят содир этиш ниятини кучайтиради. Бунда ёрдамчининг ўз ваъдаси устидан чиқиши ёки чикмаслигининг ахамияти йўқ, чунки у содир этилаётган жиноятда ўзининг вазифасини адо этди – қилмишга нисбатан бажарувчининг қатъиятини мустаҳкамлади.

Агар мазкур шахсни ва жиноятга оид бошқа элементларни яшириш ҳақида бажарувчига олдиндан ваъда берилмаган бўлса, улар жиноятда иштирокчилик сифатида эмас, балки жиноятга дахлдорлик каби баҳоланиши шарт (*ЖКнинг 31-моддасига берилган шарҳга қаранг*)

17. Жиноий йўл билан қўлга киритилган нарсаларни олиш ёки ўтказиш олдиндан ваъда берилган бўлса, ёрдамчининг хатти-ҳаракати жиноятнинг объектив томонини ташкил қилади. Жиноят содир этган шахсни, жиноят қуроли, воситалари ва излари, шунингдек жиноий йўл билан қўлга киритилган нарсаларни яшириш вазиятидаги каби жиноий йўл билан қўлга киритилган нарсаларни олиш ёки ўтказиш тўғрисида ваъда бериш жиноят содир этишдан олдин ёки жиноят содир этиш вақтида амалга оширилиши лозим. Зеро, бу ерда сўз нарсаларни олиш ёки ўтказиш ҳақида эмас, балки айнан ваъда бериш ҳақида бормоқда. Ёрдамчи нарсаларни фақатгина бажарувчи томонидан жиноятнинг бевосита содир этилишидан кейин эга бўлишидан сўнггина олиши ёки ўтказиши мумкин. Бирок, агар шахснинг жиноий йўл



билан қўлга киритилган нарсаларни олиш ёки ўтказиш факти бажарувчи билан келишиб олинмаган бўлса, нарсаларни олувчи ёки ўтказувчининг ҳаракатлари ёрдамчилик туридаги иштирокчилик белгиларини ташкил этмайди. Бундай ҳолатлар субъект мол-мулкнинг ноқонуний топилганлиги факти ҳақида олдиндан билганлиги шarti билан Жиноят кодексининг 171-моддаси бўйича квалификация қилинади. (*ЖКнинг 171-моддаси шарҳига қаранг*)

18. **Жисмоний ёрдамчилик** дейилганда, жиноят содир қилинаётганда тўсиқларни олиб ташлаш учун воситалар ва қурооллар билан ёрдам бериш, яъни жиноятнинг объектив томонини амалга оширишда бажарувчига кўмаклашиш тушунилади. Агар рухий ёрдамчилик муайян турдаги ишонтиришлар орқали мавжуд жинoий ниятни мустаҳкамлашга қаратилган бўлса, жисмоний ёрдамчилик жиноят воситаларини етказиб бериш ёки шарт-шарoит яратиб беришдан иборатдир.

Жисмоний ёрдамчилик куйидагиларда ифодаланади:

– жиноят содир этиш учун бажарувчига зарур воситаларни етказиб бериш (масалан, катта миқдордаги мол-мулкни ўғирлаш жиноятини амалга ошириш учун машина такдим этиш);

– бажарувчи содир этадиган жиноятга қўйилган тўсиқларни олиб ташлаш (масалан, моддий қимматликлар омборини талон-торож қилиш учун очик қолдириш).

19. Жиноят содир этиш воситаларини етказиб бериш ёрдамчи томонидан бажарувчига жинoий қилмишни амалга ошириш учун ишлатиладиган зарур бўлган турли буюмларни топширишда ифодаланади. Булар: ўғрилар лoми, қуроли, транспорт воситалари, ёқилғи материаллари ва бошқа шу каби нарсалар бўлиши мумкин. Воситалар сифатида уз хоссалари бўйича бажарувчига муайян жиноят объектив томонини амалга оширишга кўмаклашиш имкониятига эга бўлган моддий дунёнинг турли хил нарсалари хизмат қилиши мумкин.

20. Тўсиқларни олиб ташлаш деганда, ёрдамчининг бажарувчи томонидан жиноятни амалга оширишда тўсиқларни батараф қилишга ёрдамлашиш ҳаракати тушунилади. Масалан, қуриқчини хизмат вазифасидан чалғитиб туриши,

сигнализацияни ўчириб қўйиш, қўриқчи итларни чалғитиш ва х.к.

Тўсиқларни йўқ қилиш иккиёқлама характерга эга. Биринчи ҳолатда у теварак атрофни бажарувчи жинойи ниятининг амалга оширилишига тўскинлик қилувчи у ёки бу элементларни олиб қўйишдан иборат ўзгаришларда акс этади. Иккинчи ҳолатда эса, аксинча, теварак атрофни бажарувчига жиноят объектив томонини амалга оширишга ёрдам беришга мўлжалланган бирор-бир нарсалар билан тўлдириш кўзда тутилади.

21. Ёрдамчининг ҳаракатлари, жиноят бошқа иштирокчиларининг ҳаракатлари сингари, иштирокчилик ҳақида биргаликдаги жинойи фаолият сифатида гувоҳлик бериши учун бажарувчининг ҳаракатлари билан сабабий боғлиқликда бўлиши лозим. Бу ҳолат ёрдамчининг хатти-ҳаракатлари бажарувчиникидан олдин ёки унинг қилмиши билан бир вақтда амалга оширилгандагина юзага чиқиши мумкин. Агар ёрдамчининг фаолияти бажарувчи тажовузи ниҳоясига етган лаҳзадан кейин амалга оширилган бўлса, бу фаолият бажарувчи қилмиши билан сабабий боғлиқликда бўлмаганлиги учун ёрдамчилик сифатида квалификация қилиниши мумкин эмас.

**Объектив томондан** ёрдамчилик фаол ҳаракат, шунингдек, ҳаракатсизлик орқали амалга оширилиши мумкин. Бирок, ёрдамчи ҳаракатсизликда, фақатгина қонун билан унга ҳаракат қилиш мажбурияти юкланган бўлгандагина айбланиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, ёрдамчининг хатти-ҳаракатлари улар қандай шаклда амалга оширилишидан қатъи назар, ҳеч бир тарзда ёрдам беришдан ташқари жиноятни амалга оширишга қаратилган бирон-бир ҳаракатларни қилмаган бўлиши керак, акс ҳолда, ёрдамчининг ҳаракатлари жиноятнинг объектив томони белгилари билан мос келса, у жиноятнинг бажарувчисига айланиб қолади.

22. Ёрдамчилик жиноят содир этаётган аниқ бир шахс ёки гуруҳга қўмаклашишдан иборат бўлган ҳаракатдир.

**Субъектив томондан** ёрдамчи биргаликда содир этилаётган жиноятнинг фактик ҳолатларини, ўз ҳаракатлари

билан муайян шахс ёки гуруҳга қилмишни содир этишда кўмаклашаётганини, ўзининг ҳаракатлари бажарувчи томонидан содир этилган жиноят билан сабабий боғланишда эканлигини ва бунинг натижасида у жиноятни амалга оширишда бажарувчи билан бирга иштирок этаётганини англайди. Ёрдамчи келиб чиқадиган жиноий оқибатни олдиндан кўра билиб, унинг юз беришини истайди ва бунга онгли равишда йўл кўяди. Ёрдамчиликнинг субъектив томони, иштирокчиликнинг бошқа турлари сингари, жиноят таркибининг барча объектив белгилари ва бошқа баҳоловчи ҳолатларнинг айбдор томонидан англанишини ҳам ўз ичига олади.

### 29-модда. Иштирокчиликнинг шакллари

Жиноятда иштирокчилик: оддий иштирокчилик, мураккаб иштирокчилик, уюшган гуруҳ, жиноий уюшма шаклида бўлади.

Икки ёки ундан ортиқ шахснинг олдиндан тил бириктирмай жиноят содир этишда қатнашиши оддий иштирокчилик деб топилади.

Икки ёки ундан ортиқ шахснинг олдиндан тил бириктириб жиноят содир этилишида иштирок қилиши мураккаб иштирокчилик деб топилади.

Икки ёки ундан ортиқ шахснинг биргаликда жиноий фаолият олиб бориш учун олдиндан бир гуруҳга бирлашиши уюшган гуруҳ деб топилади.

Икки ёки ундан ортиқ уюшган гуруҳнинг жиноий фаолият билан шурулланиш учун олдиндан бирлашиши жиноий уюшма деб топилади.

## Ш А Р Х

1. Шархланаётган модда иштирокчиликнинг у ёки бу шакллари тавсифловчи муайян белгилар асосида турларга бўлинган иштирокчилик шакллари ажратади.

**Иштирокчилик шакли** деганда, бир неча шахсларнинг жиноят содир этилиши жараёнидаги биргаликдаги фаолияти характери тушунилади. Иштирокчилик шакллари жиноят содир этишдаги ўзаро алоқадорлик, иштирокчилар харакатининг олдиндан тил бириктирган ҳолда амалга оширилиш даражаси, субъектив алоқадорлиги ва хусусиятига кўра фарқ қилади. Қайд этилган белгиларнинг ҳар бири биргаликдаги жинойий фаолият тавсифи учун катта аҳамиятга эга, чунки улар иштирокчилар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик, тил бириктирганлик ва умумий мақсадга эришиш учун мувофиқлаштирилганлиги даражасини очиб беради. Шубҳасиз, иштирокчилар хатти-харакатларининг ҳамжихатлиги ва уюшганлиги даражаси қанчалик юқори бўлса, исталган натижага эришиш шунчалик осон бўлади. Биргаликдаги жинойий фаолиятни таҳлил этиш жараёнида шу нарса аён бўладики, тергов ва суд органлари ходимлари томонидан мазкур белгиларнинг тўғри аниқланиши иштирокчиликда содир этиладиган жиноятлар тўғри квалификация қилинишининг муҳим шартидир.

**Иштирокчилик шакллари** объектив (иштирокчилар ўртасидаги объектив алоқалар) ва субъектив (улар ўртасидаги субъектив боғлиқлик) мезонларига кўра таснифланади.

2. Иштирокчиликнинг объектив мезони мазкур иштрокчиларнинг объектив алоқадорлигида ифодаланади. Иштирокчиларнинг объектив ўзаро таъсири (боғланиши)нинг ўзига хос хусусиятларида ифодаланувчи объектив мезон иштирокчиликнинг оддий ва мураккаб шаклларга бўлинишининг асоси қилиб олинган.

**Оддий иштирокчиликда** жиноят икки ёки ундан ортиқ шахслар томонидан олдиндан тил бириктирмай содир этилади ва ижтимоий хавfli қилмишнинг объектив томони биргаликдаги иштирокчиликдан гувоҳлик берувчи барча иштирокчилар томонидан қисман ёки тўлиқ амалга оширилади.

**Мураккаб иштирокчилик** биргаликда ҳаракат қилувчи шахслар ўртасида вазифаларнинг тақсимланиши, бу фаолиятнинг йўналтирилганлиги ва бевосита бажарувчи билан бир қаторда ташкилотчи, далолатчи, ёрдамчи ёки ҳеч бўлмаганда, улардан бирининг мавжудлиги билан

тавсифланади. Бошқача қилиб айтганда, мураккаб иштирокчилик икки ёки ундан ортиқ шахснинг олдиндан тил бириктириб жиноят содир этилишида ифодаланади. Масалан, бир иштирокчи (ташкilotчи) ўғрилиқни ташкил этади, режа тузиб, иштирокчиларни танлайди ва ҳоказо, бошқа бир иштирокчи (бажарувчи) бевосита ўғрилиқни содир этади, учинчи шахс (ёрдамчи) бу иккаласига ўғирланган нарсаларни олиб чиқиб кетиш учун автомобил таклиф қилади, ўғирланган мол-мулкни олиб, уни ўтказади, шундан кейин учаласи пулни бўлиб олади.

**Иштирокчиликнинг объектив мезони** содир этилаётган жиноят юзасидан иштирокчилар ўртасидаги жиноят содир этишдаги алоқадорликни ифодалайди, яъни ролларнинг тақсимланиши, ким қайси вазифани бажаришининг белгилаб қўйилиши ва бошқалар.

Оддий иштирокчиликда иштирокчилардан бири жиноят содир этишга қизиқтириши, ташкilotчи ёки далолатчига айланиши, шу билан бирга, ижтимоий хавфли қилмиш содир этилишида бевосита қатнашиши мумкин бўлган вазиятлар ҳам мавжуд. Бундай вазиятларда унга бошқа иштирокчилар (бошқаларнинг сўзсиз, конклюдент розилигидан далолат берувчи) қўшилиши мумкин. Бошқаларнинг жинойий тажовузга қўшилишида ифодаланадиган ва амалиётда, айниқса, вояга етмаганлар, бир гуруҳ шахслар томонидан содир этиладиган номусга тегиш, безорилик ва бошқа шу каби жиноятларда кўп учрайдиган биргаликдаги бажарувчиликнинг аниқ намоён бўлишини кўришимиз мумкин.

**3. Иштирокчиликнинг субъектив мезони** иштирокчилар ҳаракатларининг ҳамжиҳатлиги, улар ўртасидаги алоқаларнинг табиати даражаси билан тавсифланади. Иштирокчиликнинг субъектив мезони иштирокчиларнинг жинойий ҳаракатни амалга оширишда ўзаро келишишганлиги билан ифодаланади. Шу мезонга мувофиқ, иштирокчиликнинг барча ҳолатлари олдиндан тил бириктириш иштирокчилиги ва олдиндан тил бириктиришсиз иштирокчиликларга бўлинади.

**Олдиндан тил бириктирилмаган иштирокчилик** бевосита жиноят содир этиш жараёнида ёки муайян вақт

оралиғида иштирокчилик жиноятни амалга ошириш жараёнида бир вақтнинг ўзида (масалан, икки шахс жабрланувчига тажовуз қилиб, уни ўлгунича дўппослайдилар), шунингдек, муайян вақт давридан сўнг (масалан, бир шахс дўппослашга тушади, иккинчиси бироздан сўнг унга қўшилади ва улар биргаликда жабрланувчини ўлдиришади) вужудга келиши мумкин бўлган олдиндан (жиноят содир этилишидан олдин) тил бириктиришнинг бўлмаслиги билан тавсифланади. Бундай иштирокчиликда тил бириктирилганлик даражаси минимал бўлиб, жиноятнинг объектив томонини ташкил қилувчи ҳаракатлар тўлиқ ёки қисман амалга оширилади, иштирокчилар ўз ҳаракати орқали бошқасининг ҳаракатини тўлдиради.

4. Олдиндан келишилган иштирокчиликда биргаликда жиноят содир этиш ҳақида олдиндан тил бириктириб, шунингдек, жиноят содир этилишидан олдинроқ тил бириктирган ҳолда жиноят содир этилади. Иштирокчиликни квалификация қилиш учун бу келишувга эришилганидан сўнг қанча вақт ўтганлиги аҳамиятга эга эмас. Вақт катта ҳамда кичик оралиқларда ҳисобланиши мумкин: дақиқалар, соатлар, суткалар, ойлар, йиллар ва ҳоказо. Иштирокчилар ўртасида у ёки бу жиноятни содир этиш юзасидан келишув орзаки ёки ёзма, тил бириктирув, шартли белги, бошни чайқатиш, имо-ишора ва бошқа шу каби шаклларда ифодаланиши мумкин. Олдиндан тил бириктириш томонларнинг кўзда тутилаётган жиноятнинг биргаликда содир этишидан хабардорлигидан, уни содир этишда ҳар бир иштирокчининг ўз вазифаларини билиши, ҳамжиҳатликнинг нисбатан юқори даражаси билан тавсифланади. Олдиндан тил бириктириш иштирокчилиги бир гуруҳ шахслар, уюшган гуруҳ, жиний уюшма томонидан олдиндан тил бириктириб содир этиладиган жиноятларда бўлади.

5. Шарҳланаётган модда иштирокчиликнинг шаклларга бўлиниши объектив ва субъектив мезонларнинг бир-бирини тақозо этиб (тўлдириб) келиши ва ўзаро боғлиқлигига асосланади.

Иштирокчилик шакллари тўғри аниқлаш учун ва шундан келиб чиқиб, ҳар бир иштирокчи роли ва мақомини аниқлашда

иштирокчиликда содир этилган жиноят учун жавобгарлик масаласини ҳал этишда иштирокчилар ўртасидаги субъектив боғланиш характери, ҳамжихатлик, уюшганлик даражаси ва бошқа белгиларни аниқлаш лозим.

Шу билан бирга, уюшган гуруҳ ва жиноий уюшма каби иштирокчилик шаклларига нисбатан уларни тавсифловчи бошқа белгиларни аниқлаш керак. Уюшган гуруҳ ва жиноий уюшма олдиндан тил бириктириш билан бирга яна жиноят иштирокчиларининг уюшганлиги ва улар ўртасидаги субъектив боғланишнинг барқарорлиги даражаси каби белгилар билан ажралиб туради. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ўз қарорларида «айблаш фикрида ва суд ҳукмида айнан қандай асосларга кўра жиноий гуруҳ уюшган деб топилганлиги кўрсатилган бўлиши шарт»лигини белгилаган<sup>1</sup>. Мазкур талаб жиноий уюшманинг ҳуқуқий баҳоланишига ҳам тўлиқ тарзда тегишлидир.

6. Иштирокчиликнинг шакл ва турларини бир-бирдан алоҳида тарзда кўриб чиқиш мумкин эмас; у кўпинча, ташкилотчи ва далолатчи бошқа иштирокчилар билан бир қаторда жиноят объектив томонини ёки унинг қисмини амалга оширган пайтларда бир-бири билан боғланиб келиши мумкин. Бундай ҳолларда, олдиндан тил бириктириб содир этиладиган иштирокчилик (иштирокчилик шакли), шунингдек биргаликдаги бажарувчилик ва тор маънодаги иштирокчилик, яъни вазифаларни тақсимлаб олиш билан иштирокчилик бўлади. Иштирокчиликнинг муайян шакли ва турининг аниқланиши содир этилган қилмишни квалификация қилишга таъсир этади ва жавобгарликни индивидуаллаштиришда ҳисобга олиниши шарт. Иштирокчилик шакллари ва турлари иштирокчилар биргаликдаги жиноий фаолиятининг ижтимоий хавфлилик даражаси ва характерини ўрнатишга имкон беради. Иштирокчиликда содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва характери иштирокчилар ҳаракатларининг ҳамжихатлигини ҳисобга олишни англатади.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги «Транспорт воситаларини олиб кочиш ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида»ги 37-сонли қарори, 5-банд, 3-хатбоши.

Иштирокчилар ўртасидаги алоқалар қанчалик яқин бўлса, уларнинг ҳаракатлари шунчалик уюшган бўлади ва тегишинча, қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражаси шунчалик юқорирок бўлади.

Мураккаб иштирокчиликнинг барча шакллари (бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириш иштирокчилиги, уюшган гуруҳ ёки жиной уюшма) суд томонидан жазо тайинлашда ҳисобга олиниши кўзда тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар қаторида санаб ўтилган (Жиноят кодексининг 56-моддаси биринчи қисмининг «м» банди).

Жиноят кодексининг Махсус қисми моддаларида иштирокчиликнинг баъзи шакллари квалификация қилишнинг зарурий белгиси сифатида кўзда тутилади. Баҳоловчи белгилар сифатида иштирокчилик шаклларининг бир неча конструкциялари ажратиб кўрсатилади: бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб ёки бир гуруҳ шахслар томонидан.

Шуни назарда тутиш лозимки, қонунда «бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб» жумласи мавжуд бўлса (масалан, Жиноят кодексининг 244<sup>1</sup>-моддаси учинчи қисмининг «а» банди), бу жумла бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб жиноят содир этилиши ҳолларини ҳам, олдиндан тил бириктирмай содир этилиши ҳолларини ҳам қамраб олади.

Қонунда жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида бир гуруҳ шахслар томонидан жиноят содир этилиши назарда тутилган бўлса (масалан, Жиноят кодексининг 97-моддаси иккинчи қисми «п» банди; 104-модданинг иккинчи қисми «к» банди; 118-моддаси иккинчи қисмининг «в» банди ва х.к.) жиной жавобгарлик учун олдиндан тил бириктирилганлик аҳамиятга эга бўлмайди. Бу ҳолатда жиноят содир этган шахсларнинг ҳаракати ушбу жиноятни содир этишга қаратилганлигини аниқлаш лозим. Агар бу жиноят уларнинг умумий мақсадидан четга чиқиб содир этилган бўлса, ушбу банд билан квалификация қилинмасдан, модданинг бошқа тегишли қисмлари билан жавобгарликка тортилади.



Агар қонун Махсус қисм нормаси «олдиндан тил бириктириб», деган таъриф билан чекланган бўлса, квалификация қилинадиган ҳолатларни белгилашда у жиной гуруҳ ёки жиной уюшма сифатида талқин қилинмайди.

**7. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмида** биргаликдаги жиной тажовузнинг нисбатан ижтимоий хавфи кам бўлган шакли – жиноят содир этишда оддий иштирокчилик тушунчасига таъриф берилган.

Жиноят содир этишда икки ёки ундан ортиқ шахснинг олдиндан тил бириктирмай қатнашиши **оддий иштирокчилик**, деб топилади. Бу шаклни бошқалардан ажратиб турувчи муҳим белгилардан бири – олдиндан тил бириктиришнинг йўқлигидир.

Жиноятни олдиндан тил бириктирмай содир этилган, деб топиш оддий иштирокчилик – иштирокчилар ўртасида вазифаларнинг тақсимланган бўлишига қарамай, ҳар доим биргаликдаги бажарувчилик (оддий иштирокчилик) эканлигига асосланиши лозим. Вазифаларнинг тақсимланиши кўпроқ мураккаб иштирокчилик, айниқса, уюшган гуруҳ ва жиной уюшмага хосдир. Бироқ, шу билан бирга, суд амалиётининг таҳлили шуни кўрсатадики, жиноят содир этиш ташаббуси ўз ҳаракатлари билан бошқа иштирокчилар (биргаликдаги бажарувчилар) ҳаракатлари учун намуна бўладиган бажарувчилардан бири томонидан чиқиши мумкин. Мазкур ҳолат жиноят ташаббускори аҳамиятига ҳеч бир тарзда таъсир этмайди ва унинг хатти-ҳаракатлари бажарувчи қилмиши белгилари бўйича квалификация қилинади. Шу сабабдан вазифаларнинг тақсимланиши ташаббускор-бажарувчи қилмиши билан қамраб олинади.

Иштирокчиликнинг мазкур шакли учун жиноят содир этишдан олдин тил бириктиришнинг имкони йўқлиги билан боғлиқ сабабларга кўра, ҳамжиҳатликнинг минимал даражаси хосдир. Иштирокчиликнинг бу шакли муайян шахслар томонидан амалга оширилаётган тажовузга бошқа шахсларнинг қўшилиши мумкинлигини назарда тутати.

**8. Жиноятда иштирокчиликнинг нисбатан кенг тарқалган ва хавфлироқ кўриниши олдиндан тил бириктириш** ҳисобланади.

**Шарҳланаётган модданинг учинчи қисми** икки ёки ундан ортиқ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб жиноят содир этишини мураккаб иштирокчилик, деб топади.

**Олдиндан тил бириктириш** деганда, жиноят содир этиш ёки жинойий фаолият билан шуғулланиш учун жиноятнинг объектив томони амалга оширилгунга қадар бўлган келишув тушунилади (*ЖКнинг Махсус қисми саккизинчи бўлимига қаранг*)

Иштирокчиликнинг бу шакли учун асосий элемент бўлиб, икки ёки ундан ортиқ шахснинг жиноят содир этиш бошлангунга қадар, шунингдек, Жиноят кодексининг Махсус қисмида кўрсатилган қилмишнинг ҳеч бўлмаганда, бир киши томонидан содир этиш бошлангунча тил бириктирилганлиги ҳисобланади.

Бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб жиноят содир этганлик учун Жиноят кодексига аниқ бир жиноятнинг зарурий квалификация белгиси, шунингдек, оғирлаштирувчи ҳолат сифатида жавобгарлик назарда тутилган.

**Мураккаб иштирокчилик**нинг асосий хусусиятларидан бири жиноятнинг объектив томонини белгиловчи белгилар барча иштирокчилар томонидан эмас, балки бир киши ёки уларнинг баъзи бирлари томонидан содир этилишидир. Қолган иштирокчилар жиноятнинг объектив томонини амалга оширишда бевосита иштирок этмайдилар. Мураккаб иштирокчилик оддий иштирокчиликдан вазифаларнинг иштирокчилар уртасида тақсимланганлиги билан фарқланади: бири жиноятни ташкил қилади, бошқаси объектив томонини бажаради ёки жиноят содир қилишга далолат қилади ёхуд жиноят содир этилишига ёрдам беради.

**Мураккаб иштирокчиликнинг муҳим белгиларидан бири** – олдиндан тил бириктиришдир.

Тил бириктириш икки ёки ундан ортиқ шахснинг муайян ижтимоий хавfli қилмишни содир этишга келишиб олишидир. Бунда агар жиноят иштирокчиларнинг минимал сони, яъни икки киши томонидан содир этилган бўлса, улардан бири жиноят бажарувчиси сифатида, бошқаси ташкилотчи, далолатчи ёки

ёрдамчи сифатида ҳаракат қилади. Ташкилотчи ўз фаолияти билан ташкилотчилик, далолатчилик ёки ёрдамчиликни камраб олиши мумкин. Бу ҳолда жиноятни квалификация қилишда аниқ жиноятни кўрсатиш билан бирга ташкилотчиларнинг квалификацияси назарда тутилган модда қисми, яъни Жиноят кодекси 28-моддасининг учинчи қисмига ҳавола қилиниши шарт, чунки ташкилотчилик учун жавобгарлик далолатчилик ёки ёрдамчиликка нисбатан оғирроқдир.

Мазкур ҳолатга айблов ҳукмининг тавсиф қисми мазмуни тартибга солинган ЖПКнинг 467-моддаси талабига кўра, агар жиноят бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб ёки уюшган гуруҳ томонидан содир этилган бўлса, ҳукмда жиноятнинг ҳар бир иштирокчиси томонидан айнан қандай жиний ҳаракатлар содир этилганлиги аниқ кўрсатилиши лозим.

Тил бириктириш натижасида иштирокчиларга тайёрланаётган жиноят ҳақида умумий маълумотлар маълум қилинади. Тил бириктириш оғзаки ёки ёзма шаклда бўлиши мумкин. Жуда кам ҳолларда иштирокчилар келишувга конклюдент ҳаракатлар орқали (сўзсиз розилик) эришадилар.

Иштирокчилик мазкур шаклининг ўзига хос белгиси – тил бириктиришнинг аниқ жиноят содир этишга қаратилганлиги ҳолатидир. Иштирокчилик шакллариининг бу каби турларига бир неча бор жиноят содир этишга қаратилган биргаликдаги жиний фаолият ҳосдир.

9. Иштирокчиликда содир этиладиган жиноятларни квалификация қилиш ўзига хос хусусиятларга эга.

Масалан, мулкка қарши қаратилган жиноятлар учун Жиноят кодексининг 164-моддаси иккинчи қисми, 169-моддаларида назарда тутилган «бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб» белгиси баҳоловчи ҳисобланади.

Бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган талон-торож деганда, бу жиноятни содир этишга олдиндан келишиб олган икки ёки ундан ортиқ шахс қатнашган талон-торож тушунилади. Бу ерда гап бажарувчига жиноят қуролларини тақдим этиш, объект режасини тузиш, қимматликларга эга шахсларни кўрсатиш ва ҳ.к. ҳақида эмас,

балки қонун билан қуриқланадиган объектга иккитадан кам бўлмаган шахсларнинг бевосита тажовузи ҳақида кетмоқда.

Таъкидлаш жоизки, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб ўзгалар мулкини талон-торож қилишда ифодаланадиган мулкка қарши жиноятларни, хусусан, босқинчиликни содир этишда иштирокчиларнинг барчаси жабрланувчига нисбатан унинг ҳаёти ёки соғлиғи учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиши мажбуран шарт эмас. Тажовузнинг уларнинг бири томонидан амалга оширилиши ва жиноят объектив томонини қисман содир этган бошқа иштирокчиларнинг қасди билан биринчининг ҳаракатлари қамраб олиниши муҳимдир. Акс ҳолда, гап фақатгина бажарувчи эксцесси ҳақида бориши мумкин. *(Бу ҳақда батафсил ЖК Махсус қисмининг X боби шарҳига қаранг)*

Алоҳида ҳолатни мансабдор шахсларнинг олдиндан тил бириктириши ташкил этади (Жиноят кодексининг 210-моддаси иккинчи қисми «г» банди). Бунда иштирокчилар таркиби махсус субъектлар – мансабдор шахслардан иборат бўлиши лозим, акс ҳолда, мазкур асос бўйича жавобгарликка тортиш қонуний бўлиши мумкин эмас.

**10. Уюшган гуруҳ** – оддий ва мураккаб иштирокчиликка нисбатан хавфлироқ иштирокчилик шаклидир.

**Шарҳланаётган модданинг тўртинчи қисмига** мувофиқ, икки ёки ундан ортик шахсларнинг биргаликда жиноий фаолият олиб бориши учун олдиндан бир гуруҳга бирлашиши уюшган гуруҳ, деб топилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларида уюшган гуруҳни тавсифловчи белгиларни аниқлаш юзасидан тушунтиришлар берилган. Хусусан, қайд этиладики, уюшган гуруҳ деганда транспорт воситаларини олиб қочиш ёки бошқа жиноятларни содир этиш мақсадида икки ёки куп шахсларнинг барқарор бирлашмаси тушунилиши керак<sup>1</sup>. Мазкур қоида уюшган гуруҳ белгилари бўйича содир этилган бошқа жиноятларни квалификация қилишга ҳам бирдай тегишлидир.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги «Транспорт воситаларини олиб қочиш ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида»ги 37-сонли қарори. 5-банд, 1-хатбош.

Уюшган гурухни хусусиятловчи белгилардан бири – бу унинг барқарор эканлигидир. Бунда ташкилотчи жинойи режани тузади, иштирокчилар ўртасида вазифаларни тақсимлайди, улар фаолиятини йўналтиради ва гуруҳдаги тартибни мустаҳкамлайди, шунингдек, гуруҳ интизомини назорат қилади ва х.к. (*ЖКнинг 28-моддаси учинчи қисми шарҳига қаранг*)

Уюшган жинойи гуруҳ иштирокчилари ҳаракатини квалификация қилиш олдиндан тил бириктириб жиноят содир этишдан фарқ қилади. Агар жиноят олдиндан тил бириктирган ҳолда бир неча бажарувчилар томонидан содир этилган бўлса, у фақат Махсус қисмдаги тегишли модданинг ўзи билан 28-моддани қўлламаган ҳолда квалификация қилинади. Уюшган гуруҳ томонидан жиноят содир этилганда иштирокчиларнинг жиноят содир этишдаги вазифаси қандай бўлганлигидан қатъи назар (ташкилотчи, бажарувчи, далолатчи, ёрдамчи), Жиноят кодексининг 28-моддасини қўллаган ҳолда жавобгарлик белгиланади. «Уюшган гуруҳ таркибида транспорт воситасини олиб қочишда катнашган шахсларнинг ҳаракатларини, уларнинг ҳар бирининг ролидан қатъи назар, иштирокчилик деб топишлик лозим»<sup>1</sup>.

Масаланинг бу каби ҳал этилиши Жиноят кодексининг 30-моддаси учинчи қисмида мустаҳкамланган қоида билан боғлиқ бўлиб, унга мувофиқ «уюшган гуруҳ ёки жинойи уюшма ташкил этган ёки уларга раҳбарлик қилган шахслар шу гуруҳ ёки уюшма содир этган барча жиноятлар учун, башарти, бу жиноятлар уларнинг жинойи нияти билан қамраб олинган бўлса, жавобгарликка тортиладилар». (*ЖКнинг 30-моддаси шарҳига қаранг*)

Нижоят, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этиладиган жиноятлар бир марталик тажовузга қаратилган бўлади, уюшган гуруҳ, қоида тариқасида, мазкур гуруҳнинг жинойи фаолиятидан дарак берувчи бир неча марта жиноят содир этишга йўналтирилади (қаратилади).

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги «Транспорт воситаларини олиб қочиш ишлари бўйича суд амалиёти хақида»ги 37-сонли қарори, 5-банд, 4-хатбоши.

11. Уюшган гуруҳ олдиндан тил бириктириш, барқарорлик, вазифаларнинг тақсимланиши, бир қанча жиноят содир этиш мақсадида тузилганлиги каби қатор ўзига хос белгилар билан тавсифланади.

**Уюшган гуруҳ барқарорлиги** деганда, гуруҳ иштирокчилари ўртасидаги доимий алоқадорлик ва жиноят содир этишга тайёргарлик кўриш ёхуд бир ёки бир неча маротаба жиноят содир этишнинг махсус усулларидан фойдаланиш тушунилади.

Объектив томондан барқарорлик иккиёқлама тавсифланади:

– биринчидан, ташкилотчи (раҳбар) шахсининг жинойи фаолиятни амалга ошириш мақсади асосида ташкил этилган гуруҳ ўртасидаги ўзаро алоқадорлик, умумий жинойи мақсад ва манфаат, жинойи гуруҳ аъзолари ўртасида вазифаларнинг тақсимланганлиги;

– иккинчидан, жиноятга тайёргарлик кўриш жараёнида махсус усуллардан фойдаланиш, гуруҳдаги қатъий тартиб, доимий назорат ва гуруҳ аъзолари харакатини бошқариш, юқори даражада келишганлик ва уюшганлик.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг тушунтиришларига кўра, «жинойи фаолиятнинг олдиндан режалаштирилганлиги, жинойи қасдни амалга ошириш учун зарур бўлган воситаларнинг тайёрланиши, иштирокчиларни танлаш, ёллаш ва улар ўртасида вазифаларнинг тақсимланиши, жиноятни яшириш чораларини таъминлаш, гуруҳда ўрнатилган интизомга ва ташкилотчининг кўрсатмаларига бўйсунушлик жинойи гуруҳнинг уюшганлигидан далолат беради»<sup>1</sup>.

**Жинойи фаолият** – уюшган гуруҳнинг (жинойи уюшманинг ҳам) асосий тавсифларидан биридир. Уюшган гуруҳ фаолияти маълум даражада бир неча маротаба жиноят содир этишга, ўз фаолиятини муайян вақт оралиғидаги давомийликка қаратади.

Уюшган гуруҳнинг жинойи фаолияти тизимли характерга эга. У жиноят содир этиш ҳисобига мавжуд бўлади ва бу

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги «Транспорт воситаларини олиб қочиш ишлари буйича суд амалиёти хақида»ги 37-сонли қарори. 5-банд, 2-хатбоши.

уюшган гуруҳ алоҳида аъзоларининг ва бутун гуруҳнинг малакасидан гувоҳлик беради. Қонуннинг уюшган гуруҳ ва унинг аъзоларига нисбатан қаттиқлиги ҳам шу билан изоҳланади, чунки ижтимоий ҳавфли, ҳуқуққа хилоф қилмишлар гуруҳ аъзолари томонидан жиноий фаолиятга айлантирилади. Қонунга мувофиқ, уюшган гуруҳнинг доимий аъзолари бажарган вазифасидан қатъи назар, уни тайёрлашда қатнашган бўлишса, барча жиноятлар учун жавобгарликка тортилишлари шарт.

12. Шуни назарда тутиш лозимки, алоҳида жиноят таркиби конструкциясида уюшган гуруҳ белгиси мавжуд бўлмаганда (масалан, Жиноят кодексининг 114-моддаси), бироқ жиноят амалда уюшган гуруҳ томонидан амалга оширилса, мазкур белги Жиноят кодексининг 56-моддаси биринчи қисми «м» бандига мувофиқ, жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида ҳисобга олиниши лозим.

Уюшган гуруҳ томонидан жиноят содир этилиши Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддаларида (масалан, Жиноят кодексининг 202-моддаси учинчи қисмининг «д» банди) баҳоловчи белги сифатида назарда тутилган ҳолларда, содир этилган қилмишни модданинг мазкур белги кўрсатиб ўтилган қисми банди бўйича Жиноят кодексининг 28-моддасига ҳавола қилинмай квалификация қилинади ва гуруҳнинг барча аъзолари муайян жиноят таркиби учун мажбурий фактор бўлиб келувчи мазкур белги бўйича жавобгарликка тортилади.

Жиноят кодекси Махсус қисми моддаларида «уюшган гуруҳ ёки унинг манфаатларини кўзлаб жиноят содир этиш» тушунчаси ишлатилади, бунда умумий қоида бўйича жиноий гуруҳнинг жиноий фаолиятдан гувоҳлик берувчи бир неча жиноий тажовузларнинг амалга оширилиши назарда тутилган. Бироқ, амалиётда уюшган гуруҳ аъзоларидан бири бир жиноятни содир этишда иштирок этиб, кейин ўзининг жиноий фаолиятини тўхтатган ҳоллари ҳам учраб туради. Бундай ҳолларда уларнинг жиноий қилмишлари сонидан қатъи назар, у уюшган гуруҳ таркибида жиноят содир этганлиги учун (ўзи буни англаган ҳолларда) жиноий жавобгарликка тортилади.

13. **Жиноий уюшма** иштирокчиликнинг барча шакллари ичида энг хавфлисидир. Жиноий уюшманинг хавфлилиги у томонидан содир этиладиган жиноятнинг хусусияти ва оғирлик даражаси билан белгиланади. Жиноий уюшманинг асосий белгиларидан бири унинг икки ёки ундан ортиқ уюшган гуруҳлардан иборат бўлишидир.

Жиноий уюшма ёки уюшган гуруҳ бирлашмаси икки шахсдан иборат бўлиши мумкин эмас, у иштирокчиларнинг кўпроқ сонини талаб этади.

Жиноий уюшма аъзолари ўртасида, қоида тариқасида, жиноий мақсадга эришиш учун вазифалар тақсимланади.

Жиноий уюшма жиноий гуруҳларни ўзининг таркибий бўғини сифатида бирлаштиради.

**Жиноий уюшманинг таркибий бўғини** деганда, раҳбар билан биргаликда икки ёки ундан ортиқ шахсдан иборат, жиноий уюшманинг мақсадларидан келиб чиқиб, муайян йўналишда фаолият юритадиган гуруҳ тушунилади. Бу каби фаолият, масалан, жиноятга тайёргарлик кўриш, жиноий йўл билан топилган мол-мулк ёки гиёҳхандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддаларнинг ўтказиш жойларини излаб топиш; жиноий уюшмани транспорт воситалари ёки бошқа техник воситалар билан таъминлаш; давлат органлари мансабдор шахслари, тижорат ва шу каби бошқа ташкилотларнинг вакиллари билан жиноий уюшмани ва содир этиладиган жиноятларни жазодан озод қилиш мақсадида алоқалар ўрнатиш; жиноий йўл билан топилган пуллар ва бошқа мол-мулкни яшириш; жиноий уюшма аъзолари, жиноят содир этиш восита ва қуроллари, жиноят излари ва жиноий йўл билан топилган нарсаларни яширишга шароит яратиш кабилар бўлиши мумкин.

Бошқа гуруҳлардан алоҳида ҳолда мустақил жиноят содир этувчи бу каби гуруҳларни жиноий уюшма, деб топиш учун бунда ҳар бир гуруҳ ўз фаолиятини жиноий уюшма мақсадини амалга ошириш учун алоҳида-алоҳида ҳаракат қилади. Бунини аниқлаш учун барча гуруҳлар фаолияти ягона ташкилий бошқарув асосида бошқарилганлигига эътибор бериш лозим. Ягона ташкилий бошқарув, битта ташкилотчидан, шунингдек, бир гуруҳ ташкилотчилардан иборат бўлиши мумкин.



Квалификация қилишда шунга эътибор қаратиш лозимки, жиноий уюшманинг алоҳида аъзолари мазкур жиноий ташкилотнинг ичида ҳаракат қилаётганлигини англамасликлари мумкин. Бу ҳолатлар жиноий уюшманинг мазмун ва моҳиятига ҳеч бир тарзда таъсир этмайди ва мазкур шахс жиноий уюшма таркибида содир этган жиноятлари учун жавобгарликка тортилади.

**Жиноий уюшманинг барқарорлиги ва уюшганлиги** нисбатан давомли жиноий фаолиятни ва уюшма қатнашчилари содир этишга интиладиган жиноятларнинг оғирлигини келтириб чиқаради. Жиноий уюшма иштирокчиликнинг бошқа шаклларидан юқори даражада уюшганлиги, барқарорлиги, техник воситалари билан таъминланганлик даражасига қўра, аъзоларнинг биргаликдаги кескин ҳаракати кабилар билан фарқ қилади.

Ташкил этиладиган жиноий уюшма содир этмоқчи бўлган жиноятларнинг хавфлилигини инобатга олиб, қонун чиқарувчи жиноий уюшманинг ўзини ва ундаги иштирокчиларни Жиноят кодексининг 242-моддаси белгилари бўйича мустақил жиноятларга киритади ва шу билан жиноий уюшманинг амалда жиноят содир этганлиги ёки этмаганлигидан қатъи назар, ташкил этилишининг дастлабки босқичиданок, жиноий жазога тортилишини мустаҳкамлайди. Жиноий уюшмани ташкил этиш уюшма ёки уюшган қуролли гуруҳ тузилган пайдан бошлаб тугалланган ҳисобланади (ЖКнинг 242-моддаси бўйича).

### **30-модда. Жиноятда иштирок этганлик учун жавобгарлик доираси**

Ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчилар ҳам ушбу Кодекс Махсус қисмининг бажарувчини жавобгарликка тортиш белгиланган моддаси бўйича жавобгарликка тортиладилар.

Олдиндан тил бириктирган гуруҳ, жиноий гуруҳ ва жиноий уюшманинг ташкилотчилари ҳамда аъзолари тайёргарлик

қурилиши ёки содир этилишида ўзлари қатнашган барча жиноятлар учун жавобгарликка тортиладилар.

Уюшган гуруҳ ёки жиний уюшма ташкил этган ёки уларга раҳбарлик қилган шахслар шу гуруҳ ёки уюшма содир этган барча жиноятлар учун, башарти, бу жиноятлар уларнинг жиний нияти билан қамраб олинган бўлса, жавобгарликка тортиладилар.

Бошқа иштирокчиларнинг жиний нияти билан қамраб олинмаган қилмиш учун уни содир этган шахс жавобгар бўлади.

Ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчи жиноятдан ихтиёрий равишда қайтиб, жиноятнинг олдини олиш учун ўзига боғлиқ бўлган барча чораларни ўз вақтида кўрганлиги, жиноятда иштирокчилик учун жавобгарликни истисно қилади.

---

## Ш А Р Ҳ

---

1. Жиноят кодексининг 16-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, жавобгарликка тортиш учун асос бўлиб Жиноят кодексида назарда тутилган жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлган қилмишни содир этиш ҳисобланади (*ЖКнинг 16-моддаси шарҳига қаранг*). Мазкур қоида бир шахс томонидан содир этиладиган жиноятга ҳам, иштирокчиликда содир этиладиган жиноятларга ҳам бирдек тааллуқлидир. Шу сабабли, иштирокчилик жиний жавобгарликнинг қўшимча асосларини вужудга келтирмайди. Иштирокчилар яққа ўзи ҳаракат қилиб, жиноят содир этган шахслар сингари тегишли ҳажмдаги жиний жавобгарликка тортиладилар. Бунда ҳар бир иштирокчи ўзи содир этган қилмиши учун мустақил жавоб беради ва индивидуал равишда жавобгарликка тортилади.

2. Жиноят иштирокчиларининг содир этилган жиноят учун жавобгарлиги жиноятнинг объектив ва субъектив белгиларига асосан белгиланади. Бунда объектив томон иштирокчилардан ҳар бирининг жавобгарлиги Умумий қисм қондалари ва Жиноят кодекси Махсус қисмининг нормасига асосан белгиланади.

Иштирокчиликда содир этилган жиноятлар таркибининг субъектив томони ақлий (интеллектуал) элементи жиноят иштирокчилари ўз қилмишларининг, биргаликдаги ҳаракатларининг ижтимоий хавфлилигини англаши, иродавий элементи эса, жиний натижага эришиш нияти ёки биргаликдаги хатти-ҳаракатларини бирлаштириш орқали бу натижага эришилишига онгли йўл қўйишда ифодаланадиган қасд билан белгиланади.

Иштирокчиларнинг жавобгарлик доирасини белгилаш учун жиноят таркиби элементларидан ташқари, умумий ва махсус шартлар ҳам бўлиши керак.

**Умумий шартлар** ўз ичига иштирокчилик турини, шаклини тўғри белгилашни, иштирокчилик шакли жиноят таркибининг зарурий белгиси эканлигини ёки унинг жазони оғирлаштирувчи ҳолат эканлиги кабиларни олади. Масалан, Жиноят кодексининг 242-моддаси иккинчи қисмида иштирокчилик асосий белги сифатида кўрилади ва уюшган қуролли жиний гуруҳ ташкил этганлик ёки унга раҳбарлик қилганлик ва унда иштирок этганлик учун жавобгарлик белгиланган.

**Махсус шартлар** иштирокчиларнинг жавобгарлигига таъсир қилувчи объектив ва субъектив белгилар (ёки бирор-бир белги), шунингдек, эксцесс бажарувчилик, бажарувчининг ва бошқа иштирокчиларнинг жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтишини ўзида ифодалайди.

**3. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми** жиноят иштирокчилари жавобгарлигининг умумий шартларини мустақкамлайди.

Жиноят кодексининг 30-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчилар ҳам ушбу Кодекс Махсус қисмининг бажарувчини жавобгарликка тортиш белгиланган моддаси бўйича жавобгарликка тортилади. Бироқ, қоида қандайдир коллектив жавобгарликка тортишни англамайди. Жиноят ҳар бир иштирокчисининг жавобгарлик доирасини аниқлаш тергов ва суднинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

4. Жиноятнинг ҳар бир иштирокчиси содир этилган жиноят учун жавобгарликка тортилади. Унга нисбатан

жазо тайинлашда жиноий жавобгарликни жиноятнинг оғирлиги, айб даражаси ва жиноят содир этган шахснинг ижтимоий хавфлилигига мос келишини ҳисобга олинади. Суд жазо тайинлашда содир этилган қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини, иш ҳолатлари ва айбдорнинг шахсини, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиши керак.

Агар содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси барча иштирокчилар учун бир хил хусусиятга эга бўлиши (уларнинг ҳаракати Махсус қисмнинг айни бир моддаси билан квалификация қилинганда), лекин иштирокчиларнинг ҳар бирининг ижтимоий хавфлилиги турлича бўлиши мумкин. Улар бир қатор объектив ва субъектив ҳолатларга боғлиқ бўлиб, шахснинг жиноят содир этишдаги иштироқи даражаси ва хусусиятида намоён бўлади.

**Иштирок хусусияти** — иштирокчиликда содир этилган жиноятда айбдорлик вазифасини белгилайди. Масалан, ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчиларнинг роли улар қилмишининг ижтимоий хавфлилик даражасини ҳам белгилайди. Шу билан бирга, функционал вазифанинг бир хиллигида ҳар бир иштирокчи ҳаракатларининг такрорийлиги даражаси, ироданинг жиноятни ташкиллаштиришга йўналтирилганлиги (қаратилганлиги), бажарувчини ижтимоий хавфли қилмиш содир этишга қизиқтириш ёки унга бунда ёрдам бериш турлича бўлиши мумкин.

Ҳар бир иштирокчининг ижтимоий хавфлилик даражаси, нафақат, ташқи белгилар — уларнинг жиноятда иштирок этиши характери ва даражаси, балки иштирокчиларнинг шахсий хусусиятлари, масалан, илгариги жиноий фаолияти, судланганликнинг мавжудлиги ва ҳ.к. билан ҳам ифодаланади. Содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилигини белгилашда аниқ бир жиноят содир этилган ҳолатлардан келиб чиқиш лозим (айб шакли, жиноят содир этиш усули, мотиви, шароитлари ва бошқилари, келиб чиққан оқибатларнинг оғирлиги, жиноят иштирокчилари ҳар бирининг иштироқи даражаси ва характери ва ҳ.к.). Бунда судланувчи шахси ҳақидаги маълумотлар уларнинг жазо тури ва миқдорини

тайинлашда муҳим аҳамиятга эгалигини назарда тутиб, ҳар томонлама ва тўлиқ урганиб чиқиш лозим.

Агар жиноят бир неча иштирокчиларнинг биргаликдаги фаолияти натижасида содир этилса, жиноят иштирокчилари турлари ҳақидаги Умумий қисм нормалари кучга кирази (ЖКнинг 28-моддаси). Бу ҳолда иштирокчилар (ташкilotчилар, далолатчилар, ёрдамчилар) жинояти белгилари нафақат ЖКнинг Махсус қисми моддаларида баён этилган, балки ЖКнинг 28-моддаси коидалари билан тўлдирилган бўлади ва шунинг учун бу шахслар томонидан содир этилган қилмишларни баҳолашда ҳар доим ЖКнинг 28-моддасига ва ЖКнинг Махсус қисми моддасига ҳавола қилиниши зарур.

5. Бажарувчининг қилмиши жиноятнинг барча иштирокчилари ҳаракатларининг натижаси бўлганлиги сабабли, бу иштирокчилар муайян тарзда бажарувчининг қилмишлари билан боғлангандир. Бу боғланиш ташкilotчи ёки далолатчи томонидан кўзда тутилган жиноят таркибининг объектив томони уларни жинoий қасдга ундаган шахс томонидан амалга оширилиши билан тўлдирилади. Шу билан бирга, ташкilotчиси, далолатчиси билан улар томонидан ташкilot этилган бажарувчи фаолияти сабабий боғланиш жиноят-хуқуқий маънодаги оқибат бўлиб келувчи бу фаолиятнинг натижаси юзага келишигача давом этади. Шу сабабли, иштирокчи ҳаракатларидаги тугалланган жиноят таркиби бажарувчи томонидан муайян жиноят таркибининг объектив томони барча мажбурий белгиларининг амалга оширилишида бўлади.

Моддий таркибли жиноятларда бажарувчининг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида қонунда назарда тутилган оқибатларнинг юзага келиши етарли ҳисобланади. Формал таркибли жиноятларда бажарувчи қонун билан тақиқланган қилмишни содир этиши лозим. Фақат шу ҳолдагина, ташкilotчи, далолатчи ёки ёрдамчиларнинг ҳаракатлари тугалланган, деб баҳоланиши керак. Агар бажарувчи у ёки бу сабабларга кўра, ўз қилмишини охирига етказмаган бўлса, жавобгарлик жиноятга сунқасд қилиш ёки жиноят содир этишга тайёргарлик учунгина юзага келади.

Худди шундай тарзда бошқа иштирокчиларнинг ҳаракатларини ҳам квалификация қилиш лозим: улар суиқасдни ташкиллаштирганликлари ёки жиноятга тайёргарлик кўрганликлари учун, суиқасдга ёки жиноятга тайёргарликка қизиқтирганликлари учун ва ниҳоят, жиноятга суиқасд ёки тайёргарликка ёрдам берганликлари учун жавобгарликка тортилади.

Иштирокчилар бошлаб берган сабабий қаторни давом эттирувчи бажарувчи фаолияти уларнинг қасди билан қамраб олинган натижада айблаш ҳажмини белгилаб беради. Бажарувчи жиноят ривожланишининг муайян босқичида жиноятга суиқасд қилиш ёки тайёргарлик кўриш босқичида тўхтаган ҳолларда иштирокчиларни айблаш мумкин эмас. Улар бажарувчи содир этган қилмиш учунгина жавобгарликка тортилишлари мумкин.

6. Ҳар бир иштирокчининг шахсини унинг айби, роли ёки иштирокчилик турлари ва шакллари, шунингдек, жавобгарлигини ажратиш имконини берувчи бошқа ҳолатларни ифодаловчи белгилар жиноят иштирокчилари жавобгарлигининг махсус шартлари ҳисобланади.

Объектив белгилар қилмишнинг ижтимоий хавфли оқибатлари хусусиятини белгилаб беради. Иштирокчиларнинг бирида мавжуд бўлган бу белгилар бошқа иштирокчиларнинг қасди билан қамраб олинган бўлса, жиний жавобгарликка асос бўлади. Масалан, агар қасддан одам ўлдириш жинояти содир этилганда ёрдамчи бажарувчининг жабрланувчи билан ёмон муносабатда бўлганлиги сабабли «оддий» қасддан одам ўлдириш (Жиноят кодексининг 97-моддаси биринчи қисми) содир этилган бўлса-ю, кейинчалик жабрланувчига нисбатан ҳеч қандай нафрат бўлмаганлиги ва бажарувчи таъмағирлик ниятида қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлиги аниқланса, ёрдамчи бажарувчи томонидан содир этилган жиноят квалификация белгили эмас, балки, оддий қасддан одам ўлдириш жинояти учун жавобгарликка тортилади. Объектив белгилар жиноят қонуни билан кўриқланадиган объектнинг маълум бир индивидуал белгиларига тааллуқли бўлиши мумкин. Масалан, агар кичик ёшдаги вояга етмаган

шахснинг номусига тегишда жиноят бажарувчисининг жабрланувчи ўн тўрт ёшга етмаганлигини билмаганида, бироқ бу ҳақда жабрланувчи ўн олти ёшда, деб бажарувчига хабар қилган жиноят ташкилотчисига маълум бўлганида, бажарувчи ўн тўрт ёшга тўлмаган шахснинг номусига тегиш жинояти учун жавобгарликка тортилиши мумкин эмас. Ёки, масалан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳаётига тажовуз қилиш жинояти (ЖКнинг 158-моддаси 1-қисми) факат, жабрланувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти эканлиги маълум бўлган шароитда содир қилиниши мумкин. Агар иштирокчилардан бири, бошқа шахслар билан биргаликда ҳаракат қилган ҳолда, кўрсатилган вазиятни англамаса, унинг ҳаракатлари бошқа иштирокчилардан фаркли. ЖКнинг 158-моддаси 1-қисми бўйича эмас, ЖКнинг 97-моддаси бўйича қасддан одам ўлдириш, деб квалификация қилиниши шарт.

Иштирокчиликда содир этилган жиноятлар таркиби субъектив томонининг ақлий (интеллектуал) элементи жиноят иштирокчилари ўз қилмишларининг, биргаликдаги ҳаракатларининг ижтимоий хавфлилигини англаши, иродавий элементи эса, жинойий натижага эришиш нияти ёки биргаликдаги хатти-ҳаракатларини бирлаштириш орқали бу натижага эришилишига онгли йўл қўйишда ифодаланадиган қасд билан белгиланади. Бироқ, шун яна бир бор таъкидлаб ўтамизки, суд-тергов амалиётида моддий мукофот эвазига (ёлланма тарзда) одам ўлдириш ҳолатидаги иштирокчиларнинг ҳаракатларини юридик баҳолашда алоҳида ёндашув ишлаб чиқилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми тушунтиришларига мувофиқ, қотиллик учун ҳақ ваъда қилган ташкилотчи (буюртмачи)нинг ҳаракатлари у қайси сабабларга кўра шундай қилганлигидан келиб чиқиб, Жиноят кодексининг 28, 97-моддасининг тегишли қисми билан квалификация қилинмоғи керак<sup>1</sup>.

Агар объектив ёхуд субъектив белгилар қайсидир иштирокчи шахси билан боғлиқ бўлса, бу белги ҳақида

<sup>1</sup> Каранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти туғрисида»ги 13-сонли қарори, 14-банд, 2-хатбоши.

бошқа иштирокчилар билиш-билмаслигидан қатъи назар, шу шахсни айблашга асос бўлади. Масалан, уғирликни такроран содир этишда такрорийлик белгиси жиноятни такроран содир этган шахсга тегишли бўлади, иштирокчиларнинг бири рецидив бўлиши эса, айнан мана шу иштирокчига нисбатан рецидивнинг тан олиншини англатади.

Иштирокчиларнинг жазосини индивидуаллаштиришда ҳам худди шу қоида амал қилади. Иштирокчилардан бирининг шахсига мансуб енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар фақат шу иштирокчига жазо тайинлашда ҳисобга олинади.

Бажарувчининг қилмиши жиноятнинг барча иштирокчилари ҳаракатлари натижаси бўлганлиги сабабли бу иштирокчилар муайян тарзда бажарувчининг қилмишлари билан боғлангандир. Бу боғланиш ташкилотчи ёки далолатчи томонидан кўзда тутилган жиноят таркиби объектив томони улар жиной қасдга ундаган шахс томонидан амалга оширилиши билан тўлдирилади. Шу билан бирга, ташкилотчиси, далолатчиси билан улар томонидан ташкил этилган бажарувчи фаолияти сабабий боғланиш жиноят-хуқуқий маънодаги оқибат бўлиб келувчи бу фаолиятнинг натижаси юзага келишигача давом этади. Шу сабабли, иштирокчи ҳаракатларидаги тугалланган жиноят таркиби бажарувчи томонидан муайян жиноят таркибининг объектив томони барча мажбурий белгиларининг амалга оширилишида бўлади.

7. Жиноят иштирокчилари ҳаракатларининг квалификацияси иштирокчилик шаклига боғлиқ бўлади ва махсус белгилар билан ифодаланади. Жиноят кодексининг 30-моддаси иккинчи қисмида қайд этиладик, олдиндан тил бириктирган гуруҳ, жиной гуруҳ ва жиной уюшманинг ташкилотчилари ҳамда аъзолари тайёргарлик қўрилиши ёки содир этилишида ўзлари катнашган барча жиноятлар учун жавобгарликка тортиладилар.

Квалификация қилишда таяниш лозим бўлган асосий қоида иштирокчилар биргаликда ва ўзаро келишув доирасида содир этган жинояти учун ҳар бирининг иштироки даражаси



ва характери ҳисобга олинган ҳолда жавобгарликка тортилиши ҳисобланади.

Шарҳланаётган қисм уюшган гуруҳ ва жиноий уюшма ташкилотчилари, шунингдек, олдиндан тил бириктирган гуруҳ аъзолари жавобгарлигини белгилайди. Бунда уюшган гуруҳ ва жиноий уюшма ташкилотчилари, олдиндан тил бириктирган гуруҳ таркибида жиноят содир этган иштирокчилар ҳаракатлари Жиноят кодексининг 28-моддасини қўлламадан квалификация қилинади, чунки уларнинг барчаси биргаликдаги бажарувчилар, деб тан олинадилар. Мазкур шахсларнинг жавобгарлиги Жиноят кодекси Махсус қисмининг биргаликдаги жиноий фаолиятнинг тегишли турини баҳоловчи тур сифатида назарда тутувчи моддаси бўйича вужудга келади. Бу ерда қонун чиқарувчи бу шахсларнинг жиноятни тайёрлаш ва содир этишда бевосита иштирок этгани ҳақида сўз юритади, чунки бу ҳолат Махсус қисм тегишли моддасининг мазкур банди бўйича жиноий жавобгарлик юзага келишининг зарурий шарти ҳисобланади.

Олдиндан тил бириктирган гуруҳ, уюшган гуруҳ ёки жиноий уюшма (жиноий ташкилот) иштирокчилари, Жиноят кодексининг Махсус қисми моддалари билан жиноятнинг мустақил тури сифатида кўзда тутилган бўлса, улар иштирок этгани учун, шунингдек, ўзлари иштирок этган жиноятларга тайёргарлик куриш ёки содир этиш учун (Жиноят кодексининг 30-моддаси 2-қисми) жавобгарликка тортилишлари мумкин. Уюшма ҳар бир аъзосининг ҳаракатлари уюшма томонидан жиноят содир этилиши натижасида келиб чиқадиган оқибатларга сабабчи ҳисобланадилар.

**8. Шарҳланаётган модданинг учинчи қисми** иштирокчиликнинг нисбатан мураккаб шакллари, яъни уюшган гуруҳ ёки жиноий уюшманинг ташкилотчилари (раҳбарлари) жавобгарлигини белгилайди. Бу ерда қонун чиқарувчи шу каби уюшмаларнинг ташкилотчиларига уюшган гуруҳ ёки жиноий уюшма барча аъзолари ёки бундай уюшмалар манфаатларига ҳаракат қилган бошқа шахслар томонидан содир этиладиган барча жиноятлар учун жавобгарликни белгилайди.

Бундай ҳолларда уюшган гуруҳ ёки жиноий уюшма ташкилотчиси субъектив томонини, яъни бажарувчи, бошқа иштирокчилар уюшган гуруҳ ёки жиноий уюшма манфаатларида ҳаракат қилганликларини англаши, ташкил этилаётган уюшган гуруҳ ёки жиноий уюшма эришиши кўзланган мақсадларнинг умумийлигини англашини аниқлаш лозим. Гуруҳ ёки уюшма аъзоларининг онги ва иродаси фақатгина ўз қилмишинигина эмас, балки бошқа аъзоларнинг қилмишига тегишли ҳолатларни қамраб олган бўлиши керак. Фақат шундагина жиноятда иштирокчилик ҳақида сўз юритиш мумкин. Жиноий уюшманинг ҳар бир аъзоси ўз онги ва иродаси билан жиноятнинг объектив ва субъектив белгиларини англаши коллектив жавобгарликни истисно этади, қонунийликнинг мустақкамланишига кўмаклашади. Бу уюшган гуруҳ ёки жиноий уюшма ташкилотчисига ҳам тула тегишлидир.

Шунинг учун, агар уюшган гуруҳ ёки жиноий уюшма бирон-бир аъзосининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) сабабий боғланмаган ва ташкилотчи (раҳбар)нинг қасди билан қамраб олинмаган бўлса, эксцесс бажарувчи ҳолати вужудга келади.

**9. Шарҳланаётган модданинг тўртинчи қисми** бошқа иштирокчиларнинг жиноий нияти билан қамраб олинмаган қилмиш учун фақат жиноят содир этган шахс жавобгар бўлишини белгилайди. Жиноят иштирокчиларининг жавобгарлиги мустақил характерга эга бўлса-да, бажарувчининг қандай ижтимоий хавfli қилмиш содир этганлигига боғлиқдир. Эксцесс деганда, бажарувчи томонидан бошқа иштирокчиларнинг жиноятдан ташқари яна бир жиноятнинг содир қилиниши тушунилади. Эксцесс бажарувчи сифат ва миқдор белгиларига кўра, бажарувчи ҳаракатлари умумий жиноий ниятдан қанчалик четга чиқиши характерига боғлиқдир.

**Сифат кўрсаткичли** эксцессда бажарувчининг ҳаракатлари бошқа иштирокчилар билан келишиб олинган жиноятлар билан бир қаторда, яна бир ёки бир неча жиноят содир этишни зиммасига олади. Масалан, агар талончилик содир этиш учун тил бириктиришда иштирокчилардан бири

узганинг мулкени талон-торож қилгандан сўнг, қасддан одам ўлдирса, яъни жабрланувчини ўлдирса, талончилик (ЖКнинг 166-моддаси иккинчи қисмининг «в» банди) ва қасддан одам ўлдириш (ЖКнинг 97-моддаси иккинчи қисмининг тегишли банди бўйича) жиноятлари бажарувчиси сифатида фақат шу иштирокчи, бошқалари эса, фақат талончилик учун жавобгарликка тортиладилар, чунки улар фақат талончилик жиноятини содир этишга келишиб олган.

**Миқдор кўрсаткичи** эксцессда бажарувчи бошқа иштирокчиларнинг жиноий нияти билан қамраб олинган жиноятни содир қилади. лекин унинг оқибати бошқа иштирокчилар ўйлаганидан кўра оғирроқ бўлади (масалан, ўртача оғир тан жароҳатлари ўрнига – оғир тан жароҳатлари, талончилик ўрнига – босқинчилик) ёки олдиндан тил бириктирилган жиноятнинг квалификацияли турини содир этади (оддий одам ўлдириш ўрнига – ўта шафқатсизлик билан). Бажарувчи эксцессининг мазкур турида бошқа иштирокчилар ўзларининг нияти билан қамраб олинган тугалланган жиноят учун ёки тугалланмаган жиноят (тайёргарлик кўриш ёхуд суиқасд) учун жавобгарликка тортилишади.

10. Бажарувчининг ихтиёрий қайтиши жиноят содир этишга тайёргарлик ёки суиқасд белгилари бўйича, бажарувчининг ўз жиноий ниятидан қайтган босқичига борлик ҳолда жиноий жавобгарликка тортиладиган жиноятнинг бошқа иштирокчиларини жавобгарликдан озод қилмайди. *(Шахснинг жиноий жавобгарликни истисно қилиш асоси сифатидаги жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиши жиноят-ҳуқуқий институт сифатида ЖКнинг 26-моддасига берилган шарҳда кўриб чиқилган).*

Иштирокчиликда ихтиёрий қайтишнинг мавжуд бўлиш имконияти шубҳасиздир. Агар ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчиларнинг барча ҳаракатларига қарамасдан жиноятнинг олдини олиш мумкин бўлмаган бўлса, уларнинг бу фаолияти ихтиёрий қайтиш сифатида кўрилиши мумкин эмас ва улар умумий асосларда жавобгарликка тортиладилар.

11. **Шарҳланаётган модданинг бешинчи қисми** қоидаларидан ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчининг

ихтиёрий қайтишлари тайёрланаётган жиноятнинг олдини олишни таъминловчи ҳаракатларда ифодаланиши лозимлигидан келиб чиқади. Ҳокимият органларига вақтида хабар беришдан ташқари яна ташкилотчи ёки далолатчи бажарувчига жиноят содир этмасликка, ёрдамчини бажарувчига қўмақлашмасликка қўндиришда, тажовуз қаратилган шахсни ўз вақтида огоҳлантиришда ифодаланадиган бошқа чоралар ҳам қўрилиши лозим. Бунда жиноят ташкилотчиси ёки далолатчининг бажарувчини қўндириш туридаги ихтиёрий қайтиш моддий таркибли жиноятда жиноий натижанинг олдини олиш, формал таркибли жиноятларда эса, бутун объектив томоннинг амалга оширилишининг олдини олиши лозимлиги шарти билангина бўлиши мумкин. Акс ҳолда, ташкилотчи ва далолатчи содир этилган қилмиш учун жавобгарликка тортилади, уларнинг жиноятнинг олдини олишга қаратилган ҳаракатлари эса, суд томонидан жазо тайинлаш вақтида енгиллаштирувчи ҳолат сифатида ҳисобга олинishi мумкин.

Ёрдамчи ўзининг ҳаракатсизлиги билан жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтишни ифодалаши мумкин. Бироқ, ёрдамчининг бундай хулқ-атворини баҳолашда муайян вазиятдан келиб чиқиш лозим, яъни ёрдамчининг ҳаракатсизлиги жиноятда иштирокчиликдан ихтиёрий қайтиш сифатида, агар бу ҳаракатсизлик у бажариши лозим бўлган ҳаракатларни амалга оширмаслигида ифодаланган бўлса, масалан, бажарувчига сейф калитини такдим этишга ваъда бериб, сўзининг устидан чикмаган бўлса, тан олинishi мумкин. Бу вазиятда, агар бажарувчи жиноят содир этишга қарор қилса, унинг ҳаракатлари ёрдамчининг ҳаракатлари билан сабабий боғлиқликда бўлмайди.

Шу билан бирга, ёрдамчининг ихтиёрий қайтишини ёрдамчиликнинг туридан келиб чиқиб, алоҳида ажратилган ҳолда қўриб чиқиш лозим (*ЖКнинг 28-моддаси бешинчи қисми шарҳига қаранг*). Ақлий (руҳий) ёрдамчининг ихтиёрий қайтиши бажарувчига ёрдам беришга, қўмақлашишга қаратилган ўзининг барча ҳаракатларини тўлиқ нейтраллаштиришида ифодаланиши лозим. Гап шундаки, ёрдамчининг маслаҳат ва қўрсатмалари уларнинг бажарувчига

маълум қилинганидан сўнг охиргиси томонидан ёрдамчининг иродасидан қатъи назар, ишлатилиши мумкин, бу эса, ёрдамчи ҳаракатлари ва бажарувчи содир этган жиноят ўртасидаги сабабий боғланишни келтириб чиқаради. Ихтиёрий қайтиш мажбурий элемент сифатида жиноий натижанинг юз бермаслигини тақозо этганлиги сабабли, ёрдамчининг ихтиёрий қайтиши ҳақида, фақат у ўз ҳаракатлари оқибатларини тўлиқ бартараф этганидан сўнггина намоён бўлиши мумкин. Агар ёрдамчининг мазкур интилишлари натижасиз яқунланса, жиноят содир этилса, унинг ҳаракатлари ихтиёрий қайтиш сифатида квалификация қилиниши мумкин эмас.

Мазкур масала жисмоний ёрдамчиликда бироз бошқача ҳал қилинади. Бундай ҳолларда, кўпинча жиноят содир этилишини енгиллаштириши лозим бўлган жиноят қуроли ва воситаларини тақдим этмасликда, шунингдек, жиноят содир этилишига тўсиқларни бартараф этмасликда, агар бу тўсиқларни бартараф этиш ташаббуси ёрдамчининг ўзидан чиққан бўлса, ифодаланадиган ёрдамчининг пассив ҳулқ-атвори етарли бўлади.

12. Агар биргаликдаги бажарувчи бошқа бажарувчилар томонидан жиноят содир этилишига кўмаклашувчи ёки уни осонлаштирувчи ҳаракатларни содир этишни бошламаган бўлса, ихтиёрий қайтиш унинг пассив ҳулқида, яъни биргаликдаги бажарувчиликни ташкил этувчи ҳаракатлардан ўзини сақлашда ифодаланиши зарур. Бундай ҳолларда шахснинг жиноий жавобгарлиги истисно этилади, бироқ у Жиноят кодексининг 241-моддаси иккинчи қисмида кўрсатилган шартларнинг мавжудлигида жиноят ҳақида хабар бермаганлик учун жавобгарликка тортилиши мумкин. Агар бажарувчи жиноятни охиригача етказишдан бош тортса ёки ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолда бажара олмаса ва ҳаракатни содир этса, иштирокчиларнинг ҳаракатини квалификация қилиш қийинлашади. Бундай ҳолда ташкилотчи, далолатчи, ёрдамчи ташкилотчилик, далолатчилик, ёрдамчиликка суиқасд қилганлик учун жавобгар бўладилар.

### 31-модда. Жиноятга дахлдорлик

Жиноятга тайёргарлик кўрилатганлиги, жиноят содир этилатганлиги ёки жиноят содир этилганлиги ҳақида аниқ била туриб, олдиндан ваъда бермаган ҳолда, ҳокимият органларига хабар қилмаслик, ушбу Кодекснинг 155<sup>1</sup> ва 241-моддаларида назарда тутилган ҳоллардагина жавобгарликка сабаб бўлади.

Жиноятчини, жиноят содир этиш қуроли ва воситаларини, жиноят изларини ёки жиний йўл билан қўлга киритилган нарсаларни олдиндан ваъда бермаган ҳолда яширганлик ушбу Кодекснинг 241-моддасида назарда тутилган ҳоллардагина жавобгарликка сабаб бўлади.

Олдиндан ваъда бермаган ҳолда жиноят ҳақида хабар бермаганлик ёки жиноятни яширганлик учун гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг яқин қариндошлари жавобгарликка тортилмайди.

---

## Ш А Р Ҳ

---

1. **Жиноятга дахлдорлик** – бу жиний дахлдорликнинг жиноят ҳақида олдиндан ваъда бермаган ҳолда хабар қилмаслик, олдиндан ваъда бермаган ҳолда жиноятчини яширганлик ва олдиндан ваъда бермаган ҳолда жиноятга йўл қўйганликда ифодаланувчи бажарувчининг қилмиши билан сабабий боғланишда бўлмаган шаклидир. Дахлдорлик иштирокчиликдан шу билан фаркланадики, бунда жиноятга дахлдор шахслар содир этилган жиноятга муайян муносабатда дахлдор бўлсалар-да, у билан сабабий боғланишда бўлмайдилар, жиний натижанинг келиб чиқишига кўмаклашмайдилар.

Жиноятга дахлдорлик, агар мазкур ҳолатлар ўта оғир ва оғир жиноятлар билан боғлиқ бўлса, жиний жавобгарликни келтириб чиқаради.

**Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида** тайёрланаётган, содир этилатган ёки содир этилган жиноят ҳақида олдиндан ваъда бермаган ҳолда хабар қилмаслик шаклини кўриб чиқади.

Жиноятга дахлдорликнинг ижтимоий хавфлилиги шундан иборатки, у ҳуқуқни муҳофаза этиш органларига ўз фаолиятини, хусусан, жиноят содир этишнинг олдини олиш фаолиятини самарали амалга оширишга тўсқинлик қилади. Жиноят ҳақида хабар қилмаслик, жиноятни яшириш сингари, жиноятчиларда ёки жиноят содир этиш ниятида бўлган шахсларда жазосиз қолиш хиссини вужудга келтиради, онгда салбий тасаввурни шакллантиради, муайян ҳолларда оғир ва ўта оғир жиноят содир этган айбдор шахсларнинг жавобгарликдан ва жазодан қутулиб қолишига ёрдам беради.

**2. Олдиндан ваъда қилинмаган хабар бермасликнинг объектив томони** ҳаракатсизликдан, яъни оғир ёки ўта оғир жиноятга тайёргарлик қўрилаётганлиги, жиноят содир этилаётганлиги ёки жиноят содир этилганлиги ҳақида аниқ била туриб хабар бермасликдан иборат пассив ҳуқуқатворда ифодаланади. *(Оғир ва ўта оғир жиноятларга таъриф ЖКнинг 15-моддасида берилган).*

Кўп ҳолларда жиноят ҳақида хабар бериш, авваломбор, фуқаровий бурч бўлганлиги сабабли хабар қилмаслик ахлоқий нуктаи назардан қўриб чиқилиши лозим. Бирок, баъзи ҳолларда, айниқса, қонун чиқарувчи томонидан энг хавфли, деб белгиланган ҳолларда (улар тажовузнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасида ифодаланади) Жиноят кодексининг 241-моддаси мазмунида жинойи жазога сазовор қилмиш сифатида қўриб чиқилиши лозим.

**3. Тайёрланаётган жиноят** — жиноятга тайёргарлик қўришда ифодаланадиган тугалланмаган жиноят босқичи. У жиноят содир этиш шароитларини яратиш, жиноят содир этиш режаларининг ишлаб чиқилиши, иштирокчиларнинг қидириб топилишига қаратилган ҳаракатларда ва ижтимоий хавфли қилмиш содир этишга бўлган бошқа шу каби тайёргарлик ҳаракатларида ифодаланади. Бундан ташқари, жиноятга тайёргарлик зарур қуролга эга бўлиш, атрофни ўрганиш, иштирокчиларни қидириш ва ҳ.к.да ифодаланиши мумкин. *(Жиноят содир этишга тайёргарлик қўриш ҳақида ЖКнинг 25-моддаси шарҳига қаранг)*

**Содир этилаётган жиноят** — суиқасдда ифодаланадиган тугалланмаган жиноят босқичи *(суиқасд ҳақида ЖКнинг*

25-моддаси шарҳида батафсилроқ берилган). Амалиётда ҳар хил алоҳида акт жиноий жазога сазовор қилмишни ташкил этадиган, аммо умуман олганда тугалланган жиноят таркибини ташкил этмайдиган давомли жиноятлар ҳам учрайди. Бу кабилар ҳам содир этилаётган жиноят, деб топилиши лозим.

**Содир этилган жиноят** – бу жиноятнинг формал ва моддий таркибларидан келиб чиқиб, тугалланган жиноят. У Жиноят кодекси Махсус қисмининг муайян моддаси конструкцияси бўйича тугалланган жиноят таркибини ташкил этувчи ҳаракатларда ифодаланади.

4. Хабар бермасликни тайёргарлик кўрилаётган, содир этилаётган ёки содир этилган жиноят ҳақида аниқ била туриб айбдор ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари: суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура ва судларни маълум қилмаганлигида қайд этиш мумкин. Мазкур органларни хабардор қилиш оғзаки ёки ёзма; шахсан ёки бошқа шахслар ёрдамида; маълумот ким томонидан берилаётганлигини кўрсатиб ёки аноним тарзда ва ҳ.к. кўринишида амалга оширилиши мумкин, бунда маълумот бериш шакли ва тури аҳамиятга эга эмас.

5. Тугалланмаган ёки тугалланган жиноят ҳақида хабар бермаслик фактининг мавжудлиги учун асосий шартлардан бири айбдор шахснинг хабардорлигининг ҳақиқийлигидир.

**6. Субъектив томондан** айбдор тайёргарлик кўрилаётган, содир этилаётган ёки содир этилган жиноятни аниқ била туриб хабар бермаётганлигини билади, ўз ҳаракатлари характерини англайди, бу ҳаракатлар оқибатини олдиндан кўра билади ҳамда истайди ёхуд шунга онгли равишда йўл қўяди. Бунда мотив ва мақсад жиноят-ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас.

7. Шарҳланаётган жиноятнинг **субъекти** 16 ёшга тулган ҳар қандай ақли расо шахс бўлиши мумкин. Ўз хизмат вазифаларини бажариш юзасидан содир этишга тайёргарлик кўрилаётган, содир этилаётган ёки содир этилган жиноят ҳақида хабар беришга мажбур бўлган, бироқ хабар бермаган мансабдор шахслар мансабга совуққонлик билан қараш ёки ҳокимият ҳаракатсизлиги учун жавобгарликка тортилишлари лозим.



8. **Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисми** дахлдорликнинг олдиндан ваъда бермаган ҳолда яширганлик шаклини белгилайди. Унинг ижтимоий хавфлилиги жиноятни фош этишда қийинчиликлар туғдиришидадир.

**Олдиндан ваъда бермаган ҳолда жиноятни яширганлик** – жиноят тугалланишигача бажарувчига ваъда берилмаган яширишдир. У жиноят билан сабабий боғланишда бўлмайди, шу ҳолат билан олдиндан ваъда берган ҳолда яшириш шаклидаги ёрдамчиликдан фарқ қилади.

9. Олдиндан ваъда бермасдан жиноятни яширишга **объектив томондан** айнан ҳаракатларда, яъни жиноятчига жисмоний кўмак бериш, у яшириниши мумкин бўлган турар жойни тақдим этиш орқали уни одил судлов органларидан яшириши, уни қалбаки ёки ўзга шахсларга тегишли ҳужжатлар билан таъминлашда ифодаланади. (*Жиноятчини, жиноят воситалари ва қуроллари, жиноят изларини, жиноий йўл билан топилган нарсаларни яшириш тушунчаси ҳақида 28-модданинг бешинчи қисми шарҳига қаранг*)

Яшириш **субъектив томондан** фақат тўғри қасд билан амалга оширилади. Яширувчи, биринчидан, ўта оғир ёки оғир жиноятни ошираётганлигини, иккинчидан, ўз ҳаракатларининг ижтимоий хавфлилигини англайди. Шахс жиноятни яширганлик учун фақат ўзи билган жиноят учунгина жавобгарликка тортилиши мумкин. Жиноятни яшириш жиноятининг таркиби формал бўлганлиги сабабли айбдор ўзи амалга ошираётган ҳаракатларнинг содир этилишини хоҳлайди.

10. **Шарҳланаётган модданинг учинчи қисмига** мувофиқ, олдиндан ваъда бермаган ҳолда жиноят ҳақида хабар бермаганлик ёки жиноятни яширганлик учун гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг яқин қариндошлари жавобгарликка тортилмайдилар. (*Яқин қариндош тушунчаси ҳақида ЖК Махсус қисмининг саккизинчи бўлимига қаранг*). (*Жиноятга дахлдорлик учун жавобгарлик ҳақида ЖКнинг 241-моддасига берилган шарҳда батафсил маълумот берилган*)

## VIII боб. БИР ҚАНЧА ЖИНОЯТ СОДИР ЭТИШ

### 32-модда. Такроран жиноят содир этиш

Ушбу Кодекс Махсус қисмининг айнан бир моддасида, қисмида, Кодексида алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса, турли моддаларида назарда тутилган икки ёки бир неча жиноятни шахс турли вақтларда содир этган, аммо уларнинг бирортаси учун ҳам судланган бўлмаса, такроран жиноят содир этиш деб топилади. Тамом бўлган жиноят ҳам, жазога сазовор бўлган жиноятга тайёргарлик кўриш ёки жиноят содир этишга суиқасд қилиш ҳам, шунингдек иштирокчиликда жиноят содир этиш ҳам такроран жиноят содир этиш деб топилади.

Агар шахс илгари содир этган қилмиши учун жавобгарликдан ёки жазодан озод қилинган бўлса, жиноят такроран содир этилган деб топилмайди.

Умумий қасд билан қамраб олинган ва ягона мақсадга йўналтирилган бир жиноят таркибини ташкил қилувчи бири-бирига ўхшаш бир неча жиноий қилмишлардан иборат бўлган (давомли) жиноят такроран содир этилган деб топилмайди.

Вазифаларини узоқ вақт мобайнида бажармасликдан иборат бўлиб, бир жиноятнинг узлуксиз таркибини ташкил қилган (узоққа чўзилган) жиноят такроран содир этилган деб топилмайди.

---

## Ш А Р Ҳ

---

1. Бир шахс томонидан бир вақтнинг ўзида ёки турли вақтда бир қанча жиноятларни содир этиши – тергов-суд амалиётида кўп учрайдиган ҳодисалардир. Жиноят ҳуқуқида бу ҳодиса бир қанча жиноят содир этиш, деб номланади.

**Бир қанча жиноят содир этиш** ҳуқуқий нуқтаи назардан тегишли ҳуқуқий оқибатларга олиб келувчи жиноятнинг муайян шакллари акс эттирувчи жиноят-ҳуқуқий атама сифатида тавсифланиши лозим. Шахс томонидан унинг жиноий жавобгарликка тортилишигача бир вақтнинг ўзида ёки турли вақтда тизимли равишда жиноят содир этиш ҳоллари

ёки илгари содир этган жинояти учун судланганидан кейин, содир этилган икки жинойй қилмишнинг ҳеч бўлмаганда бири учун жиноят-ҳуқуқий оқибатлари тугамаган ёки олиб ташланмаган (муддати ўтмаган) бўлса, шунингдек, жиноят ишини қўзғатишга процессуал тўсиқлар бўлмаса, бир қанча жиноят содир этиш ҳолатлари юзага келади.

2. ЖКнинг 32-моддаси **биринчи қисмига** мувофиқ, ЖК Махсус қисмининг айнан бир моддасида, қисмида, ЖКда алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса, турли моддаларда назарда тутилган икки ёки бир неча жиноятни шахс турли вақтларда содир этган, аммо уларнинг бирортаси учун ҳам судланган бўлмаса, **такроран жиноят содир** этиш деб топилади.

Мазкур қонунчилик таърифидан келиб чиқиб, такроран жиноят содир этишнинг бир қанча белгиларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- шахс томонидан икки ёки ундан ортиқ жиноятнинг содир этилиши;
- жиноятнинг турли вақтларда содир этилиши;
- айнан бир моддада, қисмда, баъзи ҳолларда эса, турли моддаларда назарда тутилган янги жиноятнинг содир этилиши;
- шахснинг содир этилган жинойй қилмишларидан бирортаси учун ҳам шахс судланган бўлмаслиги.

**Такроран жиноят содир этиш** деганда, илгари муайян жиноят содир этган шахс томонидан, илгариги қилмишининг ҳуқуқий оқибатлари олиб ташланмасдан, янги жиноят содир этиш ҳоллари тушунилади. Жиноят қонуни маъносида такроран жиноят содир этиш (умуман, бир қанча жиноят содир этиш сингари) бир шахс томонидан ҳар бири жинойй жазога сазовор, жиноят бўлмиш ижтимоий хавфли ҳаракатларни камида икки марта содир этишини назарда тутати. Шу сабабдан, айбдорнинг бири Жиноят кодексининг 14-моддасига мувофиқ, жиноят, деб ҳисобланмайдиган ва маъмурий ёки интизомий ҳуқуқбузарлик сифатида ёхуд ахлоққа хилоф ҳаракат сифатида квалификация қилинадиган, иккинчиси эса, жиноят бўлиб ҳисобланадиган қилмишлари такроран жиноят содир этишни ташкил этмайди. Масалан, майда безорилик (Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг

183-моддасида кўзда тутилган) ва безорилик (Жиноят кодексининг 277-моддаси) такроран жиноят содир этиш (шу жумладан, бир қанча жиноят содир этиш)ни ташкил этмайди.

Жиноят кодексининг қатор диспозицияларида маъмурий преюдиция назарда тутилган ҳолларга қарамай, ҳаракатларидан бири ўзида маъмурий ҳуқуқбузарлик, бошқаси – жинойий қилмиш белгиларини ақс эттирувчи шахс қилмиши такроран жиноят содир этиш белгилари бўйича квалификация қилиниши йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолатдир.

3. Шахснинг икки ёки ундан ортиқ жиноятларни кетма-кет содир этиши жиноятни такроран содир этишнинг зарурий белгиси ҳисобланади. Жиноятларнинг турли вақтларда содир этилиши (кетма-кет содир этилиши) уларнинг бир-биридан вақт бўйича ажратилиши, яъни уларнинг ҳар бири кейингисидан кичик бўлса-да, муайян вақт оралиғи билан ажратилишини тақозо этади. Вақтдаги узилиш давомли бўлмаслиги мумкин, бироқ у ҳар доим бир жиноятни бошқасидан ажратиш имконини бериши лозим. Бироқ, бундай вақт оралиғи содир этилган жиноятлар ўртасида айбдорнинг ҳуқуққа хилоф ҳулки жиноятга қарши йўналтирилганлигининг барқарорлик даражаси ва ҳавфлигини ақс эттирувчи ўзаро ички алоқаси ва боғлиқлиги йўқотилишига олиб келган ҳолатда давомли бўлиши мумкин эмас.

Шахс томонидан содир этилган биринчи (илгариги) ва янги (кейинги) жиноят ўртасида ўзаро алоқа ва боғлиқлик мазкур шахс жамиятга қарши (жинойий) ҳулкининг давом этиши сифатида қараш имконини берувчи такроран жиноят содир этишда мавжуд бўлади. Мазкур алоқа қайд этилишининг жиноят-ҳуқуқий усули бўлиб, илгари содир этилган жиноят учун жинойий жавобгарликка тортиш муддатлари ҳисобланади. Оқибатда, илгариги ва кейинги содир этилган жиноят ўртасида олдинги жиноятнинг жиноят-ҳуқуқий оқибатларини бекор қилмайдиган муддатларгина ўтиши мумкин. Илгариги ва кейинги жиноят ўртасида биринчи қилмишнинг жиноят-ҳуқуқий аҳамиятини йўқотувчи катта вақт даври ўтган бўлса, жиноятларнинг бундай бирикуви, такроран жиноят содир этиш ҳақида сўз юритишнинг имконини бермайди.

Жиноятларнинг турли вақтда (кетма-кет) содир этилиши бир канча жиноят содир этиш белгиси сифатида мазкур тушунчани жиноятларнинг идеал мажмуи тушунчасидан фарқлаш имконини беради.

**Жиноятларнинг идеал жами деганда,** Жиноят кодекси Махсус қисмининг турли моддаларида назарда тутилган икки ёки бир неча жиноий қилмишни бир вақтнинг ўзида битта жиноий ҳаракат билан содир қилишга айтилади. Жиноятни такроран содир этишда айбдор томонидан содир этилган ҳар бир ҳаракат жиноят қонуни нуқтаи назаридан мустақил жиноят, деб топилади. Бунда бир жиноят ҳар доим бошқасидан ажратилган бўлади, ўзаро боғлиқ бўлса-да, турли вақтларда содир этилади. Такроран жиноят содир этиш, деб топилган барча жиноятлар бир-бирига боғлиқ бўлади. Такроран жиноят содир этишнинг субъектив томони унинг барча белгилари билан ўзига хос ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлиб, жиноятни туғри квалификация қилиш ва адолатли жазо тайинлашда муҳимдир. Такроран жиноят содир этиш, ўз навбатида, юқоридаги белгиларга кўра, давомли узоққа чўзилган рецидив жиноятлардан фарқ қилади.

Моҳиятан, жиноятларни турли вақтларда содир этиш субъектда жамиятга қарши қарашлар ва мотивлар барқарорлигининг гувоҳлиги, айбдор шахсининг юқори ижтимоий хавфлилиги кўрсаткичи ҳисобланади. Жиноятларни турли вақтда содир этиш субъектнинг турли хил ҳаётий вазиятларда бўлиши ва ижтимоий нормалар ҳамда жиноят қонунига мувофиқ, хулқ-атвор вариантини танлашнинг реал имкониятига эга бўла туриб, қонун билан тақиқланган хулқ-атворни танлашини кўрсатади. Ҳар бир муайян вазиятда тегишли хулқ-атворни танлашда шахс ҳуқуққа хилоф вариантларни танлар экан, бу жамиятга қарши ҳаракатлари қарашларининг барқарорлиги, муайян ҳаётий позицияси, унинг юқори ижтимоий хавфлилигидан далолат беради.

**4 Жиноятни такроран содир этиш** – бир хил, баъзан эса, турдош жиноятлардан иборат ўзига хос тузилишга эга барқарор алоқалар тизимидир. Шу билан бирга, қонун баъзи ҳолларда такроран жиноят содир этишнинг махсус шартларда

ҳам бўлиши мумкинлигини мустаҳкамлайди. Бундай шартлар қаторига қонун чиқарувчи такроран жиноят содир этиш белгиларига жиноят қонуни бошқа моддаларида жавобгарлик назарда тутилган бошқа жиноятларни содир этиш ҳолларини киритишини ҳисоблаш мумкин. Масалан, қонун чиқарувчи «илгари ушбу Кодекснинг 118-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс томонидан» жумласини келтиради. Мазкур жумла турдош ва ҳар хил жиноятларга тегишлидир. Бу каби таркиблар Кодексда қўп, уларга қуйидагилар киради: 104-модда учинчи қисмининг «б» банди, 105-модда иккинчи қисмининг «к» банди – қасддан одам ўлдириш билан; 118-модда иккинчи қисмининг «б» банди, 119-модда иккинчи қисмининг «б» банди – 128-модда иккинчи қисмининг «б» банди билан биргаликда; 131-модда иккинчи қисмининг «б» банди – Жиноят кодекси 135-моддаси ва 137-моддалари билан биргаликда ва бошқалар.

**Бир хил (бир-бирига ўхшаш) жиноятлар** бўлиб Жиноят кодексининг битта моддаси ёки қисмида жавобгарлик назарда тутилган жиноятлар ҳисобланади. Бу жиноятлар ўзининг объектив ва субъектив белгилари билан мос келади. Такроран жиноят содир этишни ташкил этувчи иккинчи ва кейинги жиноятлар катта хавф туғдиради, чунки каттарок зарар, қўпроқ жабрланувчиларга зарар етказиши мумкин. Мазкур ҳолатни эътиборга олиб, қонун чиқарувчи такроран жиноят содир этишни қўпгина жиноятларнинг квалификация белгиларига киритади (масалан, 97-модда иккинчи қисмининг «р» банди, 118-модда иккинчи қисм «б» банди, 135-модда иккинчи қисмининг «д» банди ва бошқаларга қаранг).

**Турдош жиноятлар** – жавобгарлиги Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли бобларида назарда тутилган бир хил объектларга тажовуз қиладиган ва бир хил айб шаклларида мотиви тўғри қасд билан содир этиладиган жиноятлар. Масалан, ўғирлик, талончилик, босқинчилик, ўзганинг мулкига эгалик қилишга қаратилган фирибгарлик, Жиноят кодексининг 97-моддаси биринчи қисми бўйича оддий қасддан одам ўлдириш ва Жиноят кодексининг 97-моддаси

иккинчи қисми бўйича оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш.

Муҳим юридик белгилари бўйича тўла фарқ қиладиган жиноятлар **ҳар хил жиноятлар** ҳисобланади. Масалан, номусга тегиш (ЖКнинг 118-моддаси) ва давлатга хонинлик қилиш (ЖКнинг 157-моддаси), фирибгарлик (ЖКнинг 168-моддаси) ва безорилик (ЖКнинг 277-моддаси) ҳар хил жиноятлардандир.

Қоида тарикасида, такроран жиноят содир этиш бир хил жиноятларни содир этишни ташкил этади; масалан, валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш (ЖКнинг 177-моддаси) мазкур жиноятни яна бир бор содир этилган ҳолдагина такроран содир этилган, деб топилади ёки Жиноят кодексининг Махсус қисми моддасининг бир қисми бўйича, агарда мазкур моддада мазкур жиноятларга жиний жавобгарлик белгилаган бўлса (масалан, ЖКнинг 228, 248, 273-моддалари)<sup>1</sup>.

Жиноят кодексига назарда тутилган алоҳида ҳолларда жиноятни такроран содир этиш нафақат бир хил, балки турдош ёки ҳар хил турдаги жиноятларнинг бирикувидан ташкил топади. Масалан, номусга тегишдан (118-модда) сўнг содир этилган жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб райритабий усулда қондириш (119-модда) каби турдош жиноятларни айбдорнинг бу жиноятларнинг бирортаси учун ҳам судланмаган тақдирда такроран жиноят содир этиш, деб квалификация қилиш лозим. Акс ҳолда, сўз жиноятлар рецидиви ҳақида боради. Бунга мисол сифатида бир турдаги жиноят таркибларидан дарак берувчи таркиблар махсус кўзда тутилган мансабдорлик жиноятларини содир этишни келтириш мумкин. Масалан, Жиноят кодексининг 210-моддаси иккинчи қисми «а» банди; 211-моддаси иккинчи қисми «а» банди; 212-моддаси иккинчи қисми «а» банди; 213-моддаси учинчи қисми «а» банди.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2008 йил 5 майдаги «Бир неча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида»ги 13-сонли қарори, 2-банд.

**Ҳар хил турдаги жиноятларни такроран содир этиш**, деб жавобгарлик Жиноят кодекси Махсус қисми моддаларида алоҳида назарда тутилган ва мазкур тажовуз Махсус қисм турли бобларига тегишли жиноятларни содир этиши топилади. Бошқача қилиб айтганда, кейинги ижтимоий хавфли қилмиш турли хил турдош объектларга тажовуз қилади.

5. Шахснинг содир этган жиноятлардан бирортаси учун ҳам судланганлик фактининг йўқлиги – такроран жиноят содир этишни жиноятлар рецидивидан фарқлашга имкон берувчи асосий белгилардан биридир. Мазкур белгининг мазмуни шундан иборатки, такроран жиноят содир этишни ташкил қилувчи ҳар бир жиноят жиноят-ҳуқуқий оқибатга эга бўлади. Бу шуни англатадики, жиноятни такроран содир этиш фақатгина айбдор шахс жинойий жавобгарликка тортилмаган ёки Жиноят кодексининг Умумий қисми XII боби қондалари асосида жинойий жавобгарликдан озод этилган ёхуд Жиноят кодексининг Умумий қисми XIII бобида назарда тутилган ҳолатлар асосида жазодан озод этилган ҳоллардагина мавжуд бўлади.

Таъкидлаш жоизки, олдинги жиноятларнинг бўлишида аҳамиятга эга жиноят-ҳуқуқий оқибатлар қаторига жинойий жавобгарликка тортиш муддатларининг (ошиб кетмаган бўлиши) сақланиши киради. (*ЖКнинг 64-моддаси шарҳига қаранг*). Судланганлик каби жиноят-ҳуқуқий оқибат (унинг айбдор шахсдан олиб ташланмаган ёки тугатилмаганлиги ҳолларида) фақат рецидивга, табиийки, бир қанча жиноят содир этишнинг мазкур шаклига тегишли шартлар мавжуд бўлса, тегишли бўлади.

6. Агар шахс илгари содир этган жинояти учун қонунда назарда тутилган тартибда жинойий жавобгарлик ёки жазодан озод қилинган бўлса, жиноят такроран содир этилган, деб топилмайди.

Жиноятни такроран содир этиш белгиси кўпгина моддаларда ижтимоий хавфли қилмишнинг квалификация белгиси бўлганлиги сабабли шахс томонидан содир этилган жиноятлар мазкур ҳолда Жиноят кодекси моддасининг



такроран жиноятни содир этиш учун жазони назарда тутувчи тегишли қисми бўйича квалификация қилинади. (Масалан, Жиноят кодексининг 118-моддаси иккинчи қисмининг «б» банди; 164-моддаси учинчи қисмининг «а» банди; 170-моддаси иккинчи қисмининг «а» бандлари ва бошқалар).

Муайян жиноят таркиби конструкциясида мазкур баҳоловчи белги назарда тutilмаган бўлса, қилмиш Жиноят кодексининг 56-моддаси биринчи қисмининг «н» банди асосида жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида ҳисобга олинади.

7. Такроран жиноятни содир этиш белгилари тугалланган ва тугалланмаган жиноятларга ҳам, шунингдек, иштирокчиликда содир этилган жиноятларга ҳам тегишлидир. Қонуннинг мазкур қоидаларидан, тугалланмаган ва иштирокчиликда содир этилган жиноятлар жинойӣ жазога лойиқ ҳулқ-атвор, деб топилар экан, тегишли равишда такроран жиноятни содир этиш белгилари мавжудлигида шахс Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддалари бўйича Умумий қисмининг 25-моддаси (тайёргарлик ёки суиқасд) тегишли қисмига ва такроран жиноят содир этиш квалификациясини назарда тутувчи Махсус қисм моддасининг муайян банди ва қисмига ҳавола қилиниб жавобгарликка тортилади. Иштирокчиликда содир этилган жиноятларга ҳам квалификация қоидалари айбдорнинг роли ва иштирокчилик шакли кўрсатилган ҳолда қўлланилади.

**8. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисми** шахс жинойӣ жавобгарликдан ёки жазодан озод этилган ҳолларда такроран жиноят содир этиш белгисини истисно қилади.

Жавобгарликдан ва жазодан озод қилишнинг барча асослари ҳам такроран жиноят содир этиш ва бир қанча жиноят содир этиш қоидаларига бирдай қўлланилавермайди. ♦Қасддан такроран ёки илгари содир этилган жиноят учун судлангандан сўнг қасддан янги жиноят содир этилиши, агар биринчи жиноят учун жинойӣ жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетган, судланганлик белгиланган тартибда тугалланган ёки олиб ташланган ёхуд шахс муқаддам содир этган жинойӣ хатти-ҳаракат учун қонунда жавобгарлик бекор қилинган бўлса, шунингдек, ЖК 65, 66, 66<sup>1</sup> 68, 69, 70, 71,

76-моддаларига биноан шахс илгари содир этган жинояти учун жиной жавобгарликдан ва жазодан озод этилган бўлса, жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида эътироф этилиши мумкин эмас»<sup>1</sup>.

9. Бир неча жиноят содир этиш учун бир неча алоҳида жиноятларни содир этиш хосдир. Алоҳида жиноятлар ўзининг объектив белгилари бўйича турли тарзда тавсифланади. Улардан баъзилари ташқи шакли бўйича шунчалик оддий ва аниқки, уларни бир марталик жиноят сифатида квалификация қилишда шубҳа ва қийинчиликлар туғдирмайди. Масалан, айбдор шахс калитларни танлаш йўли билан омборни очади ва у ердан мол-мулкни ўмаради. Бу каби қилмишларнинг бир марталиги айбдор томонидан битта ҳаракатнинг содир этилиши ва унинг натижасида битта оқибатнинг келиб чиқиши билан тавсифланади. Бу **бир марталик жиноят**га мисол бўлади.

**Мураккаб жиной қилмишлар** – бу шундай қилмишларки, бир ҳаракатдан иборат бўлиб, бир неча ижтимоий хавфли оқибатларни келтириб чиқарадиган ёки битта оқибатга олиб келган бир неча ҳаракатлар ёхуд бир қанча оқибатларга олиб келган бир неча хатти-ҳаракатлар.

Адабиётда, одатда, мураккаб жиноятларнинг уч тури ажратиб кўрсатилади: таркибли, давомли ва узоққа чўзилган жиноятлар. Мураккаб жиноятларнинг (**мураккаб таркибли жиноятларнинг**) биринчи тури бир қилмиш билан квалификация қилинувчи таркиб сифатида назарда тутилмаган ва муайян жиноятнинг конструктив таркиби бўлиб ҳисобланмайдиган бир неча жиноятларни содир этишда ифодаланади. Бошқача қилиб айтганда, муракаб таркибли жиноят деганда, ҳар бир мустақил жиноят ҳисобланган икки ёки ундан ортиқ оддий таркибли жиноятлардан иборат бўлган жиной қилмиш тушунилади.

Жиноятнинг бу тури жиноят мажмуи бўйича квалификация қилиниши лозим. Агар жиноятлар конструктив равишда таркибга киритилса, бу ҳолда улар квалификация билан

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сонли қарори, 10-банд.



қамраб олинади ва Махсус қисмнинг бошқа моддалари буйича қўшимча квалификацияни талаб этмайди. Бу жиной қилмишлар Махсус қисм моддаларининг ҳуқуқий конструкциясида назарда тутилади ва уларнинг таркибий қисми бўлиб ҳисобланади. Мураккаб айбли жиноятлардан Жиноят кодекси икки ёки ундан ортиқ моддалари билан квалификация қилинадиган бир неча жиноятлар содир қилишнинг фарқини аниқлаш қилмишни тўғри квалификация қилиш ва жазо тайинлашнинг муҳим шартидир.

Мураккаб жиноятларнинг кейинги турлари – бу узоққа чўзилувчи ва давом этувчи жиноятлар – объектив мезонлари буйича бир қанча жиноят содир этишнинг такроран жиноят содир этиш шаклига ўхшаса-да, мустақил бир марталик (ягона) жиноятлар бўлиб ҳисобланади.

10. **Мураккаб жиноят** – таркибли, узоққа чўзиладиган ва давомли жиноятларнинг белгиларини тўғри аниқлаш, жиноят содир этиш жойи ва вақти, унинг тугалланиш вақтини аниқлаш, жавобгарликка тортиш муддатлари ва амнистиянинг қўлланилиши, такрорийлик масалаларининг ҳал этилиши, шунингдек, бир неча жиноятлар содир этишнинг ажратилиши ва умуман тўғри квалификация қилиш ҳамда жиноятлар мажмуида жазо тайинлаш учун амалий аҳамиятга эга.

Кўпгина жиной қилмишлар ўз ичига таркибий элемент сифатида шундай ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатларни оладики, бу ҳаракатларни уларнинг алоҳида ажратилган тарздаги ҳуқуқий баҳоланишида ва субъектив йўналтирилганликни ҳисобга олмаганда, Жиноят кодексининг турли моддалари билан кўзда тутилган мустақил жиной қилмишлар сифатида кўриб чиқиш мумкин бўлади. Бироқ, тегишли жиной қилмиш таркибида бу ҳаракатлар мустақил ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас, алоҳида квалификация қилинмайди ва мазкур жиноят таркиби доирасида қамраб олинади. Бошқача қилиб айтганда, улар бир неча эмас, балки битта яхлит жиноятни ташкил этади. Масалан, безорилик кўпинча жабрланувчини ҳақорат қилиш, уриш-дўппослаш, баданга енгил шикаст етказиш, ўзганинг мулкига қасддан шикаст етказиш ёхуд нобуд қилиш, ҳокимият вакилига қаршилиқ кўрсатиш ва ш.к.лар билан бирга рўй беради,

бирок кўрсатиб ўтилган ҳаракатлар мустақил жиноят-хуқуқий баҳоланмайди. Шахсга, фуқароларнинг мулкига нисбатан кўрсатилган тажовузлар билан боғлиқ безорилик ҳаракатлари безориликнинг таркиби билан тўла камраб олинади ва ЖКнинг бошқа моддалари билан қўшимча квалификация қилинмайди<sup>1</sup>.

Юқорида қайд этилган ҳолатларда алоҳида ажратилиб баҳоланганда мустақил жиноят сифатида квалификация қилиниши мумкин бўлган ҳуқуққа хилоф ҳаракатлар янада оғирроқ турдаги жиноий қилмишнинг таркибий элементи сифатида қаралади. Бу каби камраб олиш мазкур тажовузлар (икки ёки ундан ортиқ) ўзининг ички яхлитлиги сабабли битта жиноят таркибига бирлаштирилиши мумкин.

**11. Шарҳланаётган модданинг учинчи қисми** мураккаб жиноятларнинг бу каби турларидан бирини давомли жиноят сифатида назарда тутади.

**Давомли жиноят** деганда, ягона мақсад йўлида амалга ошириладиган умумий қасд доирасида бирлашган икки ва ундан ортиқ ижтимоий хавфли ҳаракатлар тушунилади. Давомли жиноятларнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, барча жиноятларнинг ўзаро боғлиқлиги, бир бутунни ташкил қилишда намоён бўладиган барча эпизодларнинг ягоналигидадир. Давомли жиноятнинг алоҳида актлари, улар мустақил жиноят характериға эга бўлмаса, мустақил квалификация қилинмайди; ўзининг йиғиндисида бир марталик жиноят сифатида қаралади.

Шундай қилиб, давомли жиноят бир қатор айнан ўхшаш хатти-ҳаракатлар билан турли вақтларда содир этилган бўлса-да, бирок ягона қасд билан камраб олинган, объекти ва содир этиш усули, оқибатлари бир хиллиги жиҳатидан ўзаро ўхшаш<sup>2</sup> бўлади. Масалан, кадр-қимматини муттасил равишда камситиш натижасида ўзини ўзи ўлдириш даражасига

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги «Безориликка оид ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги 9-сонли қарори, 13-банд.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2008 йил 5 майдаги «Бир неча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар туғрисида»ги 13-сонли қарори, 4-банд, 1-хатбоши..

етказиш (ЖКнинг 103-моддаси), ўзини ўзи ўлдиришга ундаш, яъни кўндириш, алдаш ёки бошқа йўл билан ўзга шахсда ўзини ўзи ўлдириш хиссини уйғотиш (103<sup>1</sup>-модда), муттасил равишда дўппослаш билан қийнаш (ЖКнинг 110-моддаси), бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш (ЖКнинг 285-моддаси) ва ҳ.к.

Мазкур мисоллардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, Жиноят кодексининг Махсус қисми моддасида назарда тутилган жиноятни содир қилишда айблаш учун шахс ўша модда диспозициясида назарда тутилган ҳаракатни кўп марта, яъни муттасил равишда содир қилиб келган бўлиши керак. Бундай ҳолларда ҳам қилмиш бир қанча жиноят содир қилиш, деб топилмай битта норма билан жавобгар қилинади. Давомли жиноят юридик нуқтан назардан ягона жиноятдир.

Давомли жиноят биринчи жиний актнинг амалга оширилиши пайтидан бошланади ва охиригиси билан тугалланади. Мазкур ҳолатга, яъни бир хил бўлса-да, бир қанча алоҳида ҳаракатларнинг амалга оширилишига қарамай, у ягона жиноят, деб топилади. Масалан, айбдор заводдан телевизорни ўмариш мақсадида ўтиш пунктдан ҳар доим битта қисмдан олиб чиқади. У детални навбатдаги олиб чиқиши пайтида қўлга олинса, қилмиш такроран талон-торож қилишни ташкил этмайди, чунки битта деталдан 50 марта олиб чиқилган тақдирда ҳам, ягона қасд – телевизорни ўғирлаш билан қамраб олинган. Давомли жиноятда муайян жиний натижага қаратилганлиги сабабли, бу натижага эришилмаган тақдирда, суиқасд сифатида квалификация қилиниши лозим.

Давомли жиноятлар такроран содир этилган жиноятлардан фарқ қилади. Бу жиноятлар ўртасидаги асосий фарқ содир этилган жиноятнинг субъектив томонига тўғри келади, лекин объектив белгилари мос тушади. Давомли жиноятлар – бир қатор ўхшаш ёки бир хил ҳаракатлардан ташкил топадиган, ягона қасд билан қамраб олинган ва битта умумий мақсадга эришишга йўналтирилган бир марталик жиноятлардир. Такроран содир этилган жиноятлар эса, турли хил (икки ёки ундан ортиқ) мустақил жиноятлардан

иборат бўлади ва айбдорнинг нисбатан юқори ижтимоий хавфлилиги ва жиний ниятларининг барқарорлигини ифодалайди.

Алоҳида эътиборга талон-торож ва мансабдорлик жиноятларидаги давомли жиноятларни такроран содир этиладиган жиноятлардан фарқлаш ҳоллари моликдир. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми судларга, содир этилган қилмишлар давомли жиноятлар сифатида топилиши ҳолларидан ташқари, бир неча бор талон-торож қилишни такроран содир этилган, деб топишни тавсия этади. Давомли талон-торож содир этилган ҳолларда айбдорнинг ҳаракатлари талон-торож қилинган суммани ҳисобга олган ҳолда тавсифланиши зарур. Давомли талон-торож – бир қатор ўхшаш ҳаракатлардан иборат, айбдорнинг ягона қасди билан қамраб олинган ва йиғиндиси битта жиноятни ташкил этадиган ўзганинг мулкани ноқонуний ўзлаштириш умуий мақсадига эга.

Давомли талон-торож содир этилган ҳолларда айбдорнинг ҳаракатлари талон-торож қилинган умуий суммани ҳисобга олган ҳолда тавсифланиши зарур.

Агар шахснинг ҳаракатлари давомли жиноят хусусиятига эга бўлмасдан, бир неча мустақил эпизодлардан, мисол учун, ўғрилик, талончилик, фирибгарлик ва бошқалардан иборат бўлса, бу ҳаракатлар талон-торож қилинган умуий суммадан келиб чиққан ҳолда тавсифланиши мумкин эмас. Бундай ҳолларда, жиноятни ўзганинг мулкани талон-торож қилганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи Жиноят кодекси моддасининг диспозициясига мувофиқ, жумладан, такрорийлик белгиси билан тавсифлаш лозим<sup>1</sup>.

Пора олиш, пора бериш ёки пора олиш-беришда воситачилик қилишни такрорийлик белгисига кўра тавсифлаш ушбу жиноятнинг ўзини икки маротабадан кам бўлмаган миқдорда содир этилишини ва улардан ҳеч бири учун шахснинг



<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги «Иқтисодийёт соҳасидаги жиний ишлар бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар тўғрисида»ги 11-сонли қарори, 5-банд, 2 ва 3-хат-бошилари.

судланмаганлигини ҳамда жиноий жавобгарликка тортишнинг муддати утиб кетмаганлигини тақозо этади.

Мансабдор шахснинг бир вақтнинг ўзида бир неча шахсдан пораларни олиши, башарти пора берувчиларнинг ҳар бири учун алоҳида қилмиш содир этилса, такрорий пора олиш деб тавсифланиши лозим<sup>1</sup>.

**12. Шарҳланаётган модданинг тўртинчи қисми** вазифаларининг узоқ вақт мобайнида бажарилмасликдан иборат битта узоққа чўзилган жиноят таркибини узлуксиз амалга оширилишини тавсифловчи жиноятларнинг такроран содир этилган, деб топилмаслиги қондасини мустаҳкамлайди.

**Узоққа чўзилган жиноят** деганда, қонун билан жиноий жазо қўллаш таҳдиди билан айбдорга юклатилган вазифаларнинг узоқ вақт мобайнида бажарилмаслигидан иборат ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади. Ҳаракатсизлик билан бу жиноят шахснинг ҳуқуқий мажбуриятларини бажармаслиги орқали, ҳаракат билан эса, қонун билан тақиқланган воситаларни сақлаш орқали содир этилади. Узоққа чўзилган жиноятнинг ўзига хос белгиси унинг вақтдаги танаффуслар билан содир этиладиган давомли жиноятлардан фарқли равишда мунтазам давом этишидир. Узоққа чўзилган жиноят таркибини бошқа барча жиноят таркиблари турларидан ажратувчи иккинчи хусусият – бу муайян ҳаракатни амалга ошириш мажбуриятининг мавжудлигидир. Давомли жиноятдан фарқли ўлароқ узоққа чўзилган жиноят вазифаларни бажармасликнинг ниҳоясига етиши пайтидан тугалланган, деб ҳисобланади, чунки узоққа чўзилган таркибли жиноятларнинг объектив томони қасднинг ягоналиги ва жиноий қилмишнинг бошланғич босқичи ва айбдорнинг кейинги ҳаракатлари ўртасидаги ички боғлиқлик билан қамраб олинadиган бутун давр мобайнида амалга оширилади.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги «Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 19-сонли қарори. 8-банд, 1 ва 2-хатбошилари.

Муайян вақтда давом этувчи ягона жиноятини ташкил қиладиган вазифаларни узоқ вақт бажармаслик ҳам битта умумий қасдга йўналтирилган бўлади. Узоққа чўзилган жиноятнинг ўзига хос хусусияти айбдор қилмишни содир этишни тўхтатмагунча ва жавобгарликка тортилмагунча ўзига юклатилган вазифаларни мунтазам равишда бажармасликдан иборат. Узоққа чўзилган жиноят, қанча вақт мобайнида амалга оширилишидан қатъи назар, битта жиноят сифатида, такроран содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик актлари эса, узоққа чўзилган жиноятни содир этиш бўйича битта қилмишнинг қатори сифатида қўрилиши керак. Муайян ҳаракатни бажариш ва иш орқали жиноий хулқни тугатиш мажбурияти турли хил норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан келиб чиқиши мумкин. Масалан, Жиноят кодексининг 122-моддаси – вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш; Жиноят кодексининг 123-моддаси – ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қондаларидан тўғридан-тўғри келиб чиқади<sup>1</sup>.

Бундан ташқари, қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларига қонунга ҳилоф равишда эгаллик қилиш (248-модда), ҳарбий хизматдан бўйин товлаш (290-модда), зўрлик ишлатиб ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш (138-модда) қабилар ҳам узоққа чўзилган жиноятга хос ҳисобланади. Жиноятчи қўлга олингандан ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга ўз ихтиёри билан келган вақтдан бошлаб жиноят тўхтатилган деб топилади. Умуман олганда, узоққа чўзилган жиноятлар бир неча жиноят содир қилиш тушунчаси доирасига кирмайди.

---

### 33-модда. Жиноятлар мажмуи

Ушбу Кодекс Махсус қисмининг турли моддаларида ёки битта моддасининг турли қисмларида назарда тутилган.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 64, 66-моддалар.



жавобгарликка тортиладиган икки ёки бир неча жиной қилмишни содир этиш, агарда улардан бирортаси учун ҳам шахс судланган бўлмаса, жиноятлар мажмуи деб топилади.

Агар шахс содир этган қилмишда ушбу Кодекс Махсус қисми айти бир моддасининг турли қисмларида назарда тутилган жиноятларнинг аломатлари мавжуд бўлса, у модданинг оғирроқ жазо белгиланган қисми бўйича жавобгарликка тортилади.

## Ш А Р Х

1. Жиноят мажмуи бир қанча жиноят содир этишнинг шакли сифатида ЖКнинг 33-моддаси биринчи қисмида, шахс томонидан ушбу Кодекс Махсус қисмининг турли моддаларида ёки битта моддасининг турли қисмларида назарда тутилган, жавобгарликка тортиладиган икки ёки бир неча жиной қилмишни содир этиш, агарда улардан бирортаси учун ҳам шахс судланган бўлмаса, жиноятлар мажмуи деб топилади.

**Жиноят мажмуини қуйидаги уч белги билан тавсифлаш мумкин:**

– шахс томонидан икки ёки ундан ортиқ жиноятнинг содир этилганлиги;

– содир этилган қилмишлар жиноят қонунининг турли моддалари бўйича баҳоланиши, яъни юридик табиати бўйича турли хил жиноятлар бўлиши;

– бу жиноятлар шахс томонидан судлангунга қадар содир этилиши, яъни уларнинг хали суд жараёни предмети бўлмаганлиги ва айбдорнинг бу жиноятларнинг бирортаси учун ҳам жазоланмаганлиги.

2. **Бир шахс томонидан икки ёки бир неча жиной қилмишнинг содир этилиши** жиноятлар мажмуининг асосий ҳуқуқий белгиларидан бўлиб, у шахс томонидан содир этилган ҳар бир жиной қилмиш амалдаги ЖКнинг 14-моддасига мувофиқ, ягона мустақил жиноят сифатида баҳоланиб, мустақил равишда алоҳида квалификация қилинади, алоҳида-алоҳида жазо тайинланади.

Жиноят мажмуи учун, шунингдек, жиноятлар кетма-кетлиги турли вақтларда содир этилиши хосдир. Кейинги жиноий қилмиш маъмурий ёки бошқа ҳуқуқбузарликни эмас, балки айнан жиноятни ташкил этади. Фақат шунини таъкидлаш лозимки, жиноят мажмуи бир қилмиш билан иккита жиноятни содир этиш ҳолларида ҳам вужудга келиши мумкин. Бу ҳодиса жиноят ҳуқуқи назариясида жиноятларнинг идеал мажмуи (жами), деб номланади.

Жиноят кодексига жиноятларнинг **идеал жами** тушунчаси алоҳида кўрсатиб ўтилмаган. Бу ўз-ўзидан амалдаги жиноят қонунига норматив асосга эга эмас, деган хулосани беради. Жиноятларнинг идеал мажмуи – бу шундай ҳолатки, бунда шахс битта қилмиш содир этиб, икки ёки ундан ортиқ натижага эришади, икки ёки ундан ортиқ объектларга ижтимоий хавfli оқибатларни вужудга келтиради. Бу жазо тайинлашнинг алоҳида тартибига сабаб бўлади. (*ЖКнинг 59-моддаси шарҳига қаранг*)

3. Жиноят қонунининг турли моддаларига тушадиган қилмишларни содир этиш қонунда Махсус қисмининг турли моддаларида ёки битта моддасининг турли қисмларида назарда тутилган қилмишларни содир этиш каби ифодаланадиган турли хилдаги ва бир турдаги жиноятларни содир этиш мажмуи, деб тан олишдан бошқа нарса эмас.

**Жиноят мажмуининг такроран жиноят содир этишдан фарқи** шундан иборатки, жиноят мажмуида қилмиш ҳар доим шахс томонидан мустақил квалификация қилинадиган иккита турли мустақил жиноятларни содир этилиши кўзда тутилади, такроран жиноят содир этишда эса, ижтимоий хавfli қилмишлар ўхшаш, истисно ҳолларда бир турдаги ёки ҳар хил турдаги жиноятлар бўлиб ҳисобланади.

Жиноят мажмуи Жиноят кодексининг Махсус қисми турли хил бобларида жавобгарлик назарда тутилган жиноят қонуни билан қўриқланадиган объектларга тажовуз қилувчи ижтимоий хавfli қилмишларнинг содир этилиши билан юзага келади. Масалан, ўғрилик ва қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этиш – турли хил объектларга ва турли хил жиноий натижага йўналтирилган ҳуқуққа хилоф қилмишлардир: биринчиси, мол-мулкни яширин тарзда талон-торож қилиш,

иккинчиси, зўрлик билан ҳаётдан маҳрум этишга қаратилган. Мазкур ҳолда ҳар хил турдаги жиноий тажовузларнинг содир этилганлиги аниқ қўринади. Жиноят қонуни жиноят мажмуи ҳолатларини бир турдаги жиноятларнинг содир этилишида ҳам тан олинади. Тажовузларнинг бир турдалигини жавобгарлиги Жиноят кодексининг битта моддаси турли қисмлари билан назарда тутилган жиноятлар содир этиш ҳолларини жиноят мажмуи сифатида квалификация қилинишига имкон берувчи қонун таърифидан қўриш мумкин.

Такроран жиноят содир этишдан фарқли уларок, жиноят мажмуи фақатгина бир хил эмас, балки турли хилдаги ёки бир турдаги жиноятлар муштараклигидан ташкил этилади, шунинг учун жиноят мажмуида унинг таркибига кирувчи қилмишлар мустақил квалификация қилинади.

Бир хил жиноятларни содир этиш жиноят мажмуини ташкил этиши мумкин эмас. У фақатгина такроран жиноят содир этишга хосдир. *(ЖКнинг 32-моддаси шарҳига қаранг)*

**4. Жиноятлар мажмуининг муҳим белгисига** кўра, жиноятлар мажмуини ташкил қилувчи ёки бир неча жиноятларнинг биронтаси учун ҳам шахс судланган бўлмайди, яъни жиноятлар жамига кирувчи қилмишларнинг ҳар бири судлангунга қадар содир этилади, ҳали суд томонидан муҳокама қилинмаган ва унинг юзасидан айблов ҳукми чиқарилмаган бўлади. Мазкур белги жиноят қонунда «уларнинг бирортаси учун ҳам шахс судланган бўлмаса» ибораси билан ифодаланган. Бу шуни англатадики, жиноятлар мажмуини фақатгина ўз юридик кучини йўқотмаган ва суд жараёни предмети бўлиш каби юридик имконга эга жиноятлар ташкил этади. Жиноятлар мажмуи унинг таркибига кирувчи барча қилмишлар шахс томонидан судлангунгача содир этишини англатади.

**5.** Айбдор шахс илгари содир этган жиноят учун Жиноят кодекси Умумий қисмининг XII боби моддалари асосида жиноий жавобгарликдан озод этилмаган бўлса, жиноятлар мажмуи бўйича жиноий жавобгарликка тортилади. Шахс жазодан озод этилса-да, бироқ жавобгарликдан озод этилмаса ва судланганлик каби жиноят-ҳуқуқий оқибат олиб

ташланмаган ёки учмаган бўлса, бу ҳолат жиноятлар мажмуи эмас, балки рецидив жиноят, деб топилиши керак.

6. Жиноятлар мажмуи жиноят ҳуқуқи назариясида турларга бўлинади: жиноятларнинг идеал мажмуи ва жиноятларнинг реал мажмуи.

**Жиноятларнинг реал мажмуи** турли вақтларда содир этиладиган икки ёки ундан ортиқ ҳар хил жиноятларни содир этиш учун жавобгарликни кўзда тутувчи бир қанча жиноят содир этиш шаклидир.

Жиноятларнинг реал мажмуида мустақил квалификация қилинадиган бир қанча жиноятлар турли вақтда турли қилмишлар билан содир этилади. Масалан, шахс олдин ўғирлик жиноятини (Жиноят кодексининг 169-моддаси) содир қилган бўлиб, жиний жавобгарликка тортиш муҳлати ўтмасдан безорилик жиноятини (Жиноят кодексининг 277-моддаси) содир қилса, жиноятларнинг реал жамини ташкил қилади. Жиноятларнинг идеал мажмуидан фарқли ўлароқ жиноятлар реал мажмуининг ўзига хос хусусияти қилмишларнинг вақт оралиғида мос келмаслиғидир. Жиноятларнинг реал мажмуида жиний қилмишларни содир этишнинг бир вақтдалиги кўриниши ҳам мумкин. Бундай комбинацияга фақат бир субъект содир этган қилмишлар умумий белгиларга эга бўлган вазиятлардагина йўл қўйилиши мумкин. Масалан, қисман, безорилик оқибатида одам ўлдириш (ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми «л» банди) ЖКнинг 277-моддаси бўйича қўшимча квалификация қилишни талаб этмайди. Айни пайтда агар жамоат тартибини кўпол равишда бузиш ва жамиятга нисбатан очикдан-очик ҳурматсизлик билдириш, шунингдек, ўзганинг мол-мулкини йўқ қилиш ёки унга шикаст етказиш билан боғлиқ ҳаракатлар айбдор томонидан безорилик оқибатида одам ўлдириш жиноятдан сўнг қасддан содир этилган бўлса, қилмиш ЖКнинг 97-моддаси иккинчи қисмининг «л» банди ҳамда Жиноят кодекси 277-моддасининг тегишли қисмлари билан квалификация қилиниши керак<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасдан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 13-сонли қарори, 16-банд, 2-хатбоши.

7. **Жиноятларнинг идеал мажмуи** – бир неча жиноятларнинг конструктив таркибий қисми бўлиб, бунда бир қилмиш билан бир вақтнинг ўзида икки ёки ундан ортиқ жиноятлар содир этилади, аниқроқ қилиб айтганда, икки ёки ундан ортиқ жиноий оқибатлар юзага келади. Бунда шахс бир ҳаракат билан иккита жиноят содир этаётганлиги ҳақида гапириш ўринлидир. Масалан, шахс ўч олиш мақсадида қўшнисининг уйига унинг мулкни нобуд қилиш ва қариндошларини ҳаётдан маҳрум этиш ёки уларга оғир тан жароҳати етказиш ниятида ўт қўяди. Шахс бу билан икки қилмишни амалга оширади: шахсий мулкни нобуд қилади ва ҳаётдан маҳрум қилиш ёки оғир тан жароҳати етказиши.

Келтирилган мисол шахснинг ҳар иккала натижага бир хил руҳий муносабатини ифодалайди, яъни шахс бу натижаларнинг юзага келишини хоҳлайди ҳамда бу унинг ҳаракатлари мақсади бўлади. Агар шахс ўз ҳаракатларининг битта натижасига қасд билан қамраб олинган руҳий муносабатни ифодалаб, бошқасига эҳтиётсизлик шаклидаги руҳий муносабатда бўлса, бундай жиноят жиноятларнинг идеал мажмуи бўлмасдан, баҳоланган оғир оқибат билан бир марталик (ягона) жиноят ҳисобланади. Масалан, жабрланувчининг ўлимига олиб келадиган қасддан баданга оғир тан жароҳати етказиш мазкур жиноят таркиби билан қамраб олинади ва ўлимга олиб келганлигига қарамай, ЖКнинг 104-моддаси учинчи қисми «д» банди бўйича квалификация қилинади; бунда ЖКнинг 102-моддаси бўйича эҳтиётсизлик оқибатида одам ўлдириш белгилари бўйича қўшимча квалификация қилиш талаб этилмайди. Жабрланувчига таносил касаллигини юктириш билан бирга рўй берган ва ЖКнинг 118-моддаси 3-қисми «д» банди билан қамраб олинган ҳолда номусга тегишни (оғир оқибатларга олиб келган номусга тегиш) ҳам шунга ўхшаш мисол сифатида келтириб ўтиш мумкин.

Худди шундай, «агар жиноятлардан бири бошқасини содир этиш воситаси ёки усули бўлиб, ҳар иккала жиноят белгилари Жиноят кодексининг тегишли моддаси диспозициясида кўрсатилган бўлса, қилмиш Жиноят кодексининг фақат оғирроқ жиноят учун жавобгарлик белгиловчи битта моддаси билан

квалификация қилиниши керак. Бунда қилмишни енгилроқ жиноят учун жавобгарликни назарда тутувчи модда билан кўшимча квалификация қилиш талаб этилмайди (масалан, хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш фақат ЖКнинг 182-моддаси иккинчи қисми «г» банди бўйича квалификация қилиниши лозим)<sup>1</sup>.

Агар қонуннинг битта нормасида жиноят натижасида келиб чиқадиган турли ижтимоий-хавfli оқибатлар назарда тутилмаган бўлса, қилмиш жиноятлар мажмуи сифатида Жиноят кодексининг бевосита ҳар бир объектга зиён етказилиши учун жавобгарликни назарда тутувчи тегишли моддалари билан квалификация қилиниши керак<sup>2</sup>.

Амалдаги қонунларга мувофиқ савдо фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланиш учун махсус рухсатнома (лицензия) талаб қилинади. Бундай рухсатноманинг йўқлиги, башарти айбдор муқаддам шундай ҳаракатлар учун бир йил мобайнида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 165, 176<sup>3</sup>-моддалари билан маъмурий жавобгарликка тортилган бўлса, Жиноят кодексининг 190-моддаси бўйича жавобгарликни юзага келтиради. Агар бунда айбдорнинг савдо фаолиятини фақат рухсатнома (лицензия)сиз амалга оширибгина қолмай, балки рўйхатдан ўтишдан ҳам бўйин товлаганлиги аниқланса, унинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг 188 ва 190-моддалари мажмуи билан квалификация қилинмоғи лозим<sup>3</sup>.

Бу ерда шахс бир вақтнинг ўзида савдо ва воситачилик фаолиятини лицензиясиз амалга оширганганда жиноятларнинг идеал мажмуи кўзга ташланади.

8. Жиноятларнинг идеал мажмуини **жиноят-ҳуқуқий нормалар рақобатидан ажратиш лозим**. Жиноят-ҳуқуқий

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2008 йил 5 майдаги «Бир неча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида»ги 13-сонли қарори, 10-банд.

<sup>2</sup> Ўшв манба, 8-банд, 2-хатбоши.

<sup>3</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 15 мартдаги «Савдо соҳасидаги жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги 9-сонли қарори, 5-банди.

нормалар рақобати айбдор шахснинг қилмиши Жиноят кодекси Махсус қисмининг икки ёки ундан ортиқ моддалари бўйича квалификация қилиш мумкинлиги аниқланган жиноятларнинг идеал мажмуи билан ташқи ўхшашликка эга бўлади. Битта қилмиш билан содир этиладиган икки ёки ундан ортиқ жиноятлар бўлганда ва уларнинг ҳар бири Махсус қисм турли моддалари билан кўзда тутилган жавобгарлик бўлгандаги жиноятлар идеал мажмуидан фарқли ўлароқ, жиноят-ҳуқуқий нормалар рақобатида икки ёки ундан ортиқ жиноят-ҳуқуқий нормалар белгилари, яъни Махсус қисм моддалари билан қамраб олинadиган битта қилмиш бўлади.

Амалдаги жиноят қонуни мазкур вазиятда қайси норма қўлланиши лозимлигини кўрсатмайди. Бошқа томондан, рақобатдаги нормалар йиғиндиси бўйича қилмишни квалификация қилиш нотўғридир, чунки, биринчидан, бу битта жиноий қилмиш содир этилган бўла туриб, сунъий равишда бир қанча жиноят содир этишни юзага келтиради; иккинчидан, қатор ҳолларда рақобатдаги нормаларни жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиш асоссиз тарзда жиноий жавобгарликни оширади. Мазкур ҳолатда рақобатлашувчи икки жиноят-ҳуқуқий нормалардан бири умумий, иккинчиси эса, махсус, яъни умумий нормада баён этилган турли хил қилмишларни назарда тутувчи норма бўлади. Бу ерда нормалар мажмуи бўйича квалификация қилиш мумкин эмас, шахсни махсус нормани қўллаб айбдор, деб топиш тўғрироқ бўлади. Масалан, ўзбошимчалик, яъни ҳақиқий ва фараз қилинган ҳуқуқларни амалга ошириш (ЖКнинг 229-моддаси) ва ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш (ЖКнинг 229<sup>1</sup>-моддаси). Қуйидагилар умумий нормага нисбатан махсус нормани қўллашга асос ҳисобланади.

Ҳар икки модда содир этилган қилмишни у ёки бу даражада қамраб олади. Бироқ, махсус норма нисбатан аниқроқ диспозицияни ва шундан келиб чиқиб, содир этилган ҳуқуққа хилоф ижтимоий хавfli қилмишнинг ўзига хос хусусиятлари ва специфик томонларининг аниқланишини назарда тутгани учун махсус норманинг қўлланилиши қилмиш квалификацияси нуқтан назаридан ҳам, айбдорни

жиноий жавобгарликка тортиш нуқтаи назаридан ҳам асосли бўлади. Шундай қилиб, махсус норма умумий нормада мустақамланган белгилар билан бир қаторда қилмишнинг ижтимоий хавфлилик характери ва даражасини ифодаловчи махсус белгиларга ҳам эга.

**9. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисми** ижтимоий хавфи қилмиш мазмунида Жиноят кодекси Махсус қисми айнан бир моддасининг турли қисмларида назарда тутилган баҳоланадиган белгилар акс этиши ҳолларини кўзда тутади. Қонун чиқарувчи бундай ҳолларда жавобгарлик модданинг оғирроқ жавобгарликни назарда тутувчи қисми бўйича баҳоланишини назарда тутади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг белгилашича, «Қилмиш жавобгарликни оғирлаштирувчи квалификация белгилари мавжуд ҳолатларда (масалан, ўта шафқатсизлик билан одам ўлдириш) ва шу билан бирга, айнан шу қилмишни жавобгарликни енгиллаштирадиган ҳолатларда содир этилган деб квалификация қилиш учун асос бўлувчи бошқа белгилар (масалан, кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолати) мавжуд ҳолда содир этилса, жиноятлар мажмуи мавжуд бўлмайди. Қилмиш бундай ҳолда Жиноят кодексининг мазкур жиноят учун енгилроқ жавобгарликни назарда тутувчи моддаси билан квалификация қилиниши лозим. (Масалан, кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида ўта шафқатсизлик билан одам ўлдириш фақат ЖКнинг 98-моддаси билан квалификация қилинади).

Агар айнан бир жиноятни содир этганлик учун жиноий жавобгарликни енгиллаштирувчи квалификация белгилари Жиноят кодекси бир неча моддасида назарда тутилган бўлса, қилмиш Жиноят кодексининг жавобгарликни кўпроқ енгиллаштирувчи моддаси билан квалификация қилиниши керак. (Масалан, зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб ва кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида одам ўлдириш фақат ЖКнинг 100-моддаси билан квалификация қилиниши лозим)»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2008 йил 5 майдаги «Бир неча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида»ги 13-сонли қарори, 9-банд.





Рақобатдаги нормаларни **нормалар коллизияси**дан фарқлаш талаб этилади. Зеро, охириги ҳолат нормалар ўртасида муайян зиддият, қарама-қаршилик мавжуд бўлишини такозо этади, рақобатдаги нормаларда эса, бу ҳолат йўқ. Нормалар коллизияси, мазкур нормаларга алоқадор конкрет жиноятлар мавжудми ёки йўқми, бундан қатъи назар, вужудга келиши мумкин.

### 34-модда. Рецидив жиноят

Шахснинг илгари қасддан содир этган жинояти учун судланганидан кейин қасддан янги жиноят содир этиши рецидив жиноят деб топилади.

Илгари ҳукм қилинган жиноятига ўхшаш жиноят содир этган, ушбу Кодексда алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса, Махсус қисмининг бошқа моддалари билан ҳам ҳукм қилинган шахснинг қасддан янги жиноят содир этиши хавфли рецидив жиноят деб топилади.

Беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин бўлган қасддан янги жиноят содир этиш, яъни:

а) илгари ўта оғир жинояти учун ёки икки марта оғир жинояти учун ҳукм қилиниб, уларнинг ҳар бири учун беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган шахс томонидан ўта оғир жиноят содир этилиши;

б) илгари оғир жинояти учун икки марта ҳукм қилинган ёки олдин-кейинлигидан қатъи назар, оғир ёки ўта оғир жиноятлар учун уларнинг ҳар бирига беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган шахснинг оғир жиноят содир этиши ўта хавфли рецидив жиноят деб топилади.

Суднинг ҳукми билан шахс ўта хавфли рецидивист деб топилиши мумкин.

Шахсни ўта хавфли рецидивист деб топиш тўғрисидаги масала ҳал қилинаётган вақтда унинг бошқа давлатлар

судларининг ҳукмлари бўйича судланганлиги ҳам ҳисобга олиниши мумкин.

Шахсни ўта хавфли рецидивист деб топиш тўғрисидаги масала ҳал қилинаётган вақтда унинг ўн саккиз ёшга тулгунга қадар содир этган жинояти учун судланганлиги, шунингдек қонунда белгиланган тартибда судланганлик муҳлатларининг ўтиб кетганлиги ёки олиб ташланган судланганлиги инобатга олинмайди.

Ушбу Кодекс Махсус қисмининг ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган жиноятлар учун жавобгарликни белгиловчи моддалари шахс ушбу жиноятни содир этгунга қадар қонунда белгиланган тартибда ўта хавфли рецидивист деб топилган бўлсагина қўлланилади.

---

## Ш А Р Ҳ

---

1. Рецидив жиноят бир қанча жиноятлар тизимининг энг хавфли шакли бўлиб, илгариги қасддан қилган жинояти учун шахс муайян турдаги жазога ҳукм қилинганидан кейин қасддан янги жиноят содир қилганлигини англатади.

ЖКнинг 34-моддаси **биринчи қисмига** мувофиқ, шахснинг илгари қасддан содир этган жинояти учун судланганидан кейин қасддан янги жиноят содир этиши рецидив жиноят, деб топилади. Рецидив жиноятлар бир қанча жиноят содир этиш шакли сифатида шу билан тавсифланадики, айбдор шахс илгари қасддан содир этган жинояти учун судланганидан кейин сўнг янги жиноят содир этади. Бу қуйидаги икки белгига асосланган умумий ёки оддий рецидив жиноятдир:

- қасддан янги жиноят содир этилиши;
- илгари қасддан содир этилган жиноят учун шахснинг ҳукм қилинганлиги.

Таъкидлаш жоизки, мазкур белгилар барча турдаги рецидив жиноятлар учун умумий бўлиб ҳисобланади. Умумий рецидив жиноят шахс илгари содир қилган жинояти учун судланганидан кейин Махсус қисмининг бошқа бир моддасида назарда тутилган жиноятни қасддан содир этишдир. Шарҳланаётган моддада рецидив жиноятларнинг уч тури баён этилган: оддий

рецидив жиноят, хавfli рецидив жиноят ва ўта хавfli рецидив жиноят. Юқорида кўрсатилган белгилар рецидив жиноятларнинг барча турларига тўла равишда тааллуқлидир. Бирок, хавfli ва ўта хавfli рецидив жиноятлар учун уларни бир-бирдан ажратишга имкон берувчи махсус белгилар ҳам назарда тутилган. Бу ерда шуни қайд этиш керакки, рецидив тушунчаси рецидивистнинг субъекти сифатидаги мақоми эмас, балки рецидив жиноятнинг ходиса сифатида қаралишига асосланади, бу эса, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги принципи (ЖКнинг 5-моддаси)га мувофиқдир.

Шунингдек, рецидив жиноятга қасддан жиноят содир этиш хослигига эътибор бериш лозим. Шу сабабли, айбнинг эҳтиётсизлик шаклидаги икки ёки ундан ортиқ жиноятни содир этиш ҳоллари, гарчи, шахс эҳтиётсизлик орқасида содир этган жинояти учун илгари жавобгарликка тортилган бўлса-да, рецидив жиноят, деб топилиши мумкин эмас. Мазкур қоида тўла равишда эҳтиётсизлик орқасида ва қасддан жиноят содир этиш ҳолларига ҳам тегишлидир.

2. Бир неча жиноят содир этишга икки ёки ундан ортиқ жиноятларнинг содир этилиши хос бўлгани учун рецидив жиноятда ҳам айбдор шахс бир неча жиноятлар содир этади. Рецидив жиноят такроран жиноят содир этиш билан бир қаторда янги жиноят содир этилишини назарда тутати. Бирок, рецидив жиноят ҳоллари илгариги жиноят қасддан содир этилганлиги шарти билан, яна қасддан жиноят содир этишдир. *(ЖКнинг 21-моддаси шарҳида қасддан жиноят содир этиш тушунчаси ҳақида атрофлича фикр юритилган).*

Рецидив жиноятларга турли вақтда, кетма-кет содир этилиш хосдир. Бундан ташқари, қасддан содир этиладиган янги жиноятлар бир хил, турдош ва ҳар хил турдаги жиноятлар бўлиши мумкин. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида назарда тутилган оддий рецидив жиноят учун содир этиладиган жиноятларнинг бир турдалиги ва ҳар хил турдалиги хосдир. Бундан ташқари, Жиноят кодексининг 34-моддаси мазмунига кўра, рецидив жиноят мавжудлиги ҳақидаги масалани ҳал этишда шахс судланаётган ёки муқаддам судланган қасддан содир этилган жиноят тамом

булган ёки тамом булмаган жиноят эканлиги, шунингдек, ушбу жиноятлардан қай бирида булсин шахс бажарувчи ёки иштирокчи булганлиги аҳамиятга эга эмас<sup>1</sup>.

Судлангандан сунг такроран қасддан жиноят содир этилиши шахснинг унга огоҳлантирув-тарбиявий таъсир этилганлигига қарамай, туғри йулга кирмаганлигидан гувоҳлик беради. Шунинг учун, бундай жиноят жамият ва давлат томонидан янада қаттиқроқ қайта жавобни (реакцияни) рецидивистга нисбатан қўшимча жиний жавобгарлик ва жазо чораларини қўллаш заруратини тақозо этади.

3. Рецидив жиноятнинг аниқловчи белгиси шахснинг илгари қасддан содир этган жинояти учун ҳукм қилинганлигидир. Ҳукм қилинганлик рецидив жиноятни такроран жиноят содир этишдан фарқлашнинг имконини берувчи асосий белги бўлиб ҳисобланадиган жиноят-ҳуқуқий оқибатдир. Рецидив жиноят, албатта, илгариги жиноят учун судланганлик билан боғлиқ бўлиб, жиноятни квалификация қилиш ва жазо тайинлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Рецидив жиноят содир қилган шахс олдинги жинояти учун жазо тайинланиб, у жазо шахсга етарли даражада таъсир қилмай, яна жиноят йулига утиб олади. Демак, унинг хулқининг ижтимоий хавфлилик даражаси ошиб кетган ва жамиятнинг бундай шахсларга нисбатан алоҳида муносабатда бўлишини тақозо қилади. Янги қасддан содир қилган жинояти учун оғирроқ жазо чорасини қўллаш зарурати келиб чиқади ва бу ҳолда суд жазо тайинлашнинг индивидуаллаштириш тамойилига асосланишлари шарт.

4. Жиноят қонунида рецидив жиноят ҳақида ЖКнинг Умумий қисми нормаларида ҳам, Махсус қисми нормаларида ҳам сўз боради.

Умумий қисм нормаларида рецидив жиноят:

– жазо тайинлашда Жиноят кодексининг 56-моддаси биринчи қисми «н» бандига мувофиқ, оғирлаштирувчи ҳолат сифатида ҳисобга олинishi мумкин;

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томондан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти туррида»ги 1-сонли қарори, 9-банд, 2-хатбоши.

– Жиноят кодексининг 60-моддасида назарда тутилган қоида бўйича жазо тайинлашнинг алоҳида тартиби қўлланишини келтириб чиқаради;

– жазони ижро этиш муддатлари ўтишининг узилишига асос бўлиб ҳисобланади (Жиноят кодексининг 69-моддаси учинчи қисми);

– Жиноят кодексининг 72-моддаси еттинчи қисмида мустаҳкамланган шартлар мавжуд бўлганда шартли ҳукм қилиш қондаларининг қўлланилишига тўсқинлик қилади;

– айбдорнинг амалда кўнгилдан пушаймон бўлганлиги муносабати билан жазодан озод қилинишига (Жиноят кодексининг 71-моддаси биринчи қисми) тўсқинлик қилади;

– жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилишда жазонинг амалда ўталган муддатини қўпайтириш учун ҳисобга олинади;

– жазони ижро этиш колонияси турини белгилашга асос бўлади;

– амнистия актини қўллаш масаласини ҳал қилишда ҳисобга олинadиган шартлардан бири бўлиши мумкин.

Жиноят кодексининг Махсус қисми нормаларида рецидив жиноят хавфли ва ўта хавфли рецидив жиноят билан боғлиқ ва жиноят таркибининг баҳоланадиган белгиси сифатида тан олинади.

5. Судланганликнинг мавжудлиги у ёки бу даражада жазонинг тури ва ҳажмига таъсир этади ҳамда турли хил жиноят-ҳуқуқий оқибатларга олиб келади; масалан, рецидив жиноят деб топишга асос бўлади, шунингдек, жавобгарлик ва жазодан озод қилишнинг баъзи турларини қўллашга тўсқинлик қилади; жавобгарлик ва жазога тортиш муддатларининг ўтишини тўхтатилишига сабаб бўлади. Бунда илгари содир этилган жинояти учун судланганликнинг олиб ташланиши ёки ўчганлиги каби ҳолатларни аниқлаш муҳимдир.

\*Такроран ва рецидив жиноят содир этилиши қонунда белгиланган асослар ва доирада оғирроқ жазо тайинланишига олиб келишини инобатга олиб, ҳар бир иш бўйича ЖКнинг 77–80-моддаларига мувофиқ тугалланган ёки олиб ташланган судланганлик ҳолати мавжудлиги ҳақидаги материаллар



текшириб чиқилиши ва шунга асосланиб, рецидив жиноят бор-йўқлиги тўғрисидаги масала ҳал этилиши керак»<sup>1</sup>. Шу билан бирга, маҳкумнинг ҳолатини оғирлаштиришнинг олдини олиш мақсадида, шуни эсда тутиш лозимки, ЖК 65, 66, 66<sup>1</sup>, 68, 69, 70, 71, 76-моддаларига биноан, шахс илгари содир этган жинояти учун жинойий жавобгарликдан ва жазодан озод этилган бўлса, судланганлиги белгиланган тартибда олиб ташланган ёки ўчган бўлса, шунингдек, қонунда шахс илгари содир қилган қилмишнинг жинойийлиги бекор қилинган тақдирда, судланмаган ҳисобланади.

*(Судланганликнинг тугалланиши ёки олиб ташланиши тўғрисида ЖКнинг 78, 79-моддаларига шарҳда қаранг.)*

**6. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисми** рецидив жиноятнинг хавfli даражасини ажратиб кўрсатади. Унинг белгилари шундан иборатки, шахс илгари қасддан содир этган жинояти учун ҳукм қилинганидан сўнг қасддан шунга ўхшаш янги жиноят содир этади. *(Ўхшаш (бир хил) жиноятлар тушунчаси ЖКнинг 32-моддасига шарҳда кўриб чиқилган)*. Бундан ташқари, Жиноят кодексида алоҳида кўрсатилган ҳолларда қасддан жиноят содир этиш ҳолатлари ҳам хавfli рецидив, деб топилади. Илгари ҳукм қилинган жиноятга ўхшаш жиноятни содир қилиш, деган тушунча шундан иборатки, бунда шахснинг илгари қасддан содир қилинган жиноят учун судланганидан кейин айнан ўша моддада ёки модданинг муайян қисмида назарда тутилган жиноятни қасддан содир этиши тушунилади.

**7.** Оддий рецидивдан фарқли равишда хавfli рецидив қонун чиқарувчи томонидан баъзи жиноят таркиблари учун баҳоланадиган белги каби таърифланади. Хавfli рецидив жиноят Жиноят кодекси Махсус қисмининг кўпгина моддаларида жиноятларнинг баҳоланадиган белгилари сифатида назарда тутилади. Масалан, 97-модда иккинчи қисмининг «р» банди; 104-модда учинчи қисмининг «б» банди:

<sup>1</sup> Каранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сонли қарори, 9-банд, 1-хатбоши.

164-модда учинчи қисмининг «а» банди ва бошқалар. Хавфли рецидив жиноят модда конструкциясида баҳоланадиган белги сифатида назарда тутилмаган бўлса ва шахс томонидан мазкур жиноят такроран содир этилган бўлса, шахс бу жинояти учун судланган бўлиб, мол-мулкни қасддан нобуд қилиш (Жиноят кодексининг 173-моддаси) жиноятини содир этган ҳолларда унинг қилмиши Жиноят кодексининг 56-моддаси биринчи қисмининг «н» бандига ҳавола қилиниб, жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида квалификация қилиниши лозим.

8. Хавфли рецидивист томонидан жиноят содир этилиши бир қатор жиноятларнинг тавсифлаш белгиси ҳисобланади ва бу ҳолат шахс дастлабки тергов органи томонидан айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилинаётганида курсатиб ўтилган бўлиши лозим ва кейинчалик бу суд ҳукмининг тавсиф қисмида ҳам асослантирилган бўлиши керак<sup>1</sup>. Хавфли рецидив жиноятга нисбатан ҳам судланганлик олиб ташланиши ва ўчганлиги ҳамда шахс илгари қасддан содир этган жинояти учун жавобгарлик ёки жазодан озод қилиниши каби бошқа ҳолларда ҳам хавфли рецидив жиноят, деб топиш асосларининг олиб ташланиши қоидалари қўлланилади. Қасддан такроран ёки илгари содир этилган жиноят учун судлангандан сўнг қасддан янги жиноят содир этилиши, агар биринчи жиноят учун жиноий жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетган, судланганлик белгиланган тартибда тугалланган ёки олиб ташланган ёхуд шахс муқаддам содир этган жиноий хатти-ҳаракат учун қонунда жавобгарлик бекор қилинган бўлса, шунингдек, ЖК 65, 66, 66<sup>1</sup>, 68, 69, 70, 71, 76-моддаларига биноан шахс илгари содир этган жинояти учун жиноий жавобгарликдан ва жазодан озод этилган бўлса, жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида эътироф этилиши мумкин эмас.

Мазкур ҳолат нафақат оддий рецидив жиноятга, балки хавфли ва ўта хавфли рецидив жиноят қаторида рецидив жиноятнинг қолган барча турларига ҳам тааллуқлидир.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги «Суд ҳукми тўғрисида»ги 07-сонли қарори, 28-банд, 5-хатбоши.

чунки оддий рецидив жиноятга тегишли умумий белгилар уларга ҳам хосдир. Мисол учун, агар муқаддам содир этилган қасддан одам ўлдириш жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланган ёки қонунда белгиланган тартибда олиб ташланган бўлса, шунингдек, агар қотиллик жинояти содир этилган пайтга келиб илгариги жиноят учун жинойий жавобгарликка тортиш муддатлари ўтган бўлса, қилмиш ЖКнинг 97-моддаси иккинчи қисмининг «р» банди билан квалификация қилиниши мумкин эмас<sup>1</sup>.

9. Ўта хавfli рецидив жиноят бир қанча жиноят содир этишнинг нисбатан энг оғир шаклларида бири бўлиб ҳисобланади.

**Шарҳланаётган модданинг 3-қисми** шахсни ўта хавfli рецидивист деб топишнинг қуйидаги асосларини келтиради: беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин бўлган қасддан янги жиноят содир этиш, яъни:

а) илгари ўта оғир жинояти учун ёки икки марта оғир жинояти учун ҳукм қилиниб, уларнинг ҳар бири учун беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган шахс томонидан ўта оғир жиноят содир этилиши;

б) илгари оғир жинояти учун икки марта ҳукм қилинган ёки олдин-кейинлигидан қатъи назар, оғир ёки ўта оғир жиноятлар учун уларнинг ҳар бирига беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган шахснинг оғир жиноят содир этиши ўта хавfli рецидив жиноят деб топилади. *(Оғир ва ўта оғир жиноятлар тушунчалари ҳақида ЖКнинг 15-моддаси шарҳига қаранг)*

Ўта хавfli рецидив жиноятларнинг мазкур вариантларини баён этишда қонун чиқарувчи мазкур жиноятларни содир этишда айб шаклларини кўрсатмаган. Бироқ, Жиноят кодексининг 15-моддаси мазмунидан оғир ва ўта оғир жиноятлар фақатгина қасддан содир этилиши келиб чиқади

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 13-сонли қарори, 21-банд, 3-хатбоши.



(ЖКнинг 15-моддаси шарҳига қаранг). Бундан ташқари, жиноятларнинг ижтимоий хавфлилиги даражасининг энг паст чегараси озодликдан маҳрум этишнинг беш йилдан кам бўлмаган муддати ҳисобланади. Бу ҳолат жиноятларнинг қонун томонидан берилган таснифига тўғри келади.

Жиноят кодексининг 34-моддаси учинчи қисмини қўллашда озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган шахс деганда, муқаддам суднинг қонуний кучга кирган ҳукмига қўра, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланган шахс тушунилиб, бунда ҳукм ижрога қаратилганлигининг, шу жумладан, шахс мазкур жазони ўтамаганлиги (масалан, шахснинг жазони ўташдан бўйин товлаганлиги, жазо ижроси ЖКнинг 533-моддасига мувофиқ кечиктирилганлиги)нинг ёки қисман ўтаганлигининг (масалан, кейинчалик жазодан муддатидан илгари шартли, амнистия актига асосан, касаллиги оқибатида озод қилинганлигининг, жазо енгилроғи билан алмаштирилганлигининг) аҳамияти йўқ, ҳукм жазони ижро этиш муддатлари ўтиб кетганлиги учун ижрога қаратилмаган ҳоллар (ЖКнинг 69-моддаси) бундан мустасно.

Шу муносабат билан ЖК 34-моддасининг учинчи қисмида кўрсатилган белгилар мавжуд бўлганда, суд илгари шартли ҳукм қилинган ёхуд ҳукм ижроси кечиктирилган шахсни ҳам, агар бу шахс тегишлича синов муддати ёки ҳукм ижроси кечиктирилган давр ичида янги жиноят содир этса, ўта хавfli рецидивист деб топишга ҳақли<sup>1</sup>.

10. Ўта хавfli рецидив жиноятнинг асосий ўзига хос белгиси фақат суд томонидангина унинг ўта хавfli рецидив деб топилишининг мустаҳкамланганлигидир. Бу қоида шундан далолат берадики, судлар ижтимоий хавfliликнинг ҳақиқий табиати ва даражасини аниқлашда устунликка эга бўлади ва судьялар ҳар бир муайян вазиятда иш ҳолатлари ва ўта хавfli рецидивист мақомини аниқлаш учун муҳим аҳамиятга эга бўладиган айбдор шахси ҳақидаги аниқ маълумотлардан келиб чиқишлари лозим. Илгариги судланганлик, агар у олиб

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2008 йил 5 майдаги «Бир неча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида»ги 13-сонли қарори. 27-банд.

ташланмаган ёки ўчмаган бўлса, ҳукмнинг кириш қисмида келтирилиши лозим. Судлар шуни эътиборга олиши лозимки, ЖКнинг 77-моддасига мувофиқ, судланганлик муддатининг ўтиб кетганлиги ёки судланганликнинг олиб ташланиши муносабати билан унинг барча ҳуқуқий оқибатлари бекор бўлади.

ЖК 77-моддасининг 5-қисмига асосан қонуннинг ўзгариши муносабати билан жиноийлиги бекор қилинган қилмиш учун судланган шахс судланмаган деб ҳисобланади. Бундай ҳолда, суд ҳукмнинг тавсиф қисмида шахсни судланмаган деб ҳисоблаш ҳақидаги ўзининг хулосаларини асослаши шарт<sup>1</sup>. Бу нафақат ўта хавфли рецидив жиноят, балки рецидив жиноятларнинг бошқа турларига ҳам тегишлидир.

Шу билан бирга, олиб ташланган ёки ўчган судланганлик ҳукмнинг тавсиф қисмида фақатгина у озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган шахсга колония турини тайинлаш учун аҳамиятга эга бўлгандагина кўрсатилиши мумкин. Ҳукмнинг тавсиф қисмида айбдорни ўта хавфли рецидивист деб топиш тўғрисида ҳам асослантирилган хулосалар бўлиши керак.

Айблов ҳукмининг қарор қисмида бошқа масалалардан ташқари яна судланувчининг ўта хавфли рецидивист, деб топилганлиги (башарти, суд шундай қарор қабул қилган бўлса) тўғрисидаги қарор ёритилиши лозим<sup>2</sup>.

**11. Шарҳланаётган модданинг бешинчи қисми** суд томонидан ўта хавфли рецидивист, деб топиш ҳуқуқини мустаҳкамлаб туриб, шахсни ўта хавфли рецидивист, деб топиш тўғрисидаги масала ҳал қилинаётган вақтда унинг бошқа давлатлар судларининг ҳукмлари бўйича судланганлиги ҳам ҳисобга олиниши мумкинлигини ҳам қайд этади. Бу шундан далолат берадики, шахсни ўта хавфли рецидивист, деб топишда айбдор шахсининг табиати ҳақидаги маълумотлар катта аҳамиятга эгадир, чунки бошқа давлат судининг айблов

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги «Суд ҳукми тўғрисида»ги 07-сонли қарори, 15-банд, 4–5-хатбошилар.

<sup>2</sup> Ўша манба, 16-банд, 1-хатбоши.



ҳукми ҳам айбдор ҳулқининг муайян ижтимоий қораланиши, ҳукм қилинишини ифодалайди. Лекин, бошқа давлатда содир этилган жиноят оғир ёки ўта оғир бўлиши билан бирга, айбдор беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган бўлиши керак. Бундан ташқари, судлар шахснинг бошқа давлат ҳудудида содир этган жинойи жазога сазовор қилмиши ва шу билан боғлиқ уни айбдор, деб топиш миллий жиноят қонунчилигига мувофиқ келиши лозимлигини ҳам назарда тутишлари керак.

12. Қонун илгари қасддан жиноят содир этган муайян шахсларга нисбатан чеклашларни мустаҳкамлайди. Масалан, шахсни ўта хавфли рецидивист деб топиш ҳақидаги масалани ҳал этишда шуни назарда тутиш лозимки, ЖК 34-моддасининг олтинчи қисмига кўра, ун саккиз ёшгача содир қилинган жиноят учун судланганлик шахсни ўта хавфли рецидивист деб топишда ҳисобга олинмайди. Шундан келиб чиқиб, агар шахс муқаддам бир неча жиноят учун судланган бўлиб, улардан айримларини вояга етмаган ёшда содир этган бўлса, фақат вояга етган даврда содир этилган жиноятлар учун судланганлик эътиборга олинмиши лозим<sup>1</sup>.

Бунда шуни инобатга олиш зарурки, янгидан бир неча жиноят содир этган шахсни ўта хавфли рецидивист деб топиш ҳақидаги масалани ҳал қилишда суд, жиноятлар ёки ҳукмлар мажмуи бўйича тайинланган узил-кесил жазо муддатидан эмас, балки содир этилиши шахсни ўта хавфли рецидивист деб топиш учун асос бўлиши мумкин бўлган жиноят учун тайинланган озодликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазо муддатидан келиб чиқиши лозим<sup>2</sup>.

13. Шарҳланаётган модданинг тўртинчи қисмида жиноят қонунини суднинг шахсни ўта хавфли рецидивист, деб топиш ваколатини кўзда тутаяди, **еттинчи қисмида** эса, тушунти-

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сонли қарори, 9-банд, 3-хатбоши.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2008 йил 5 майдаги «Бир неча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида»ги 13-сонли қарори, 25-банд.

риладики, ўта хавфли рецидивист билан боғлиқ жиноят-хуқуқий оқибатлар фақатгина кейинчалик жиноят содир этиш билан тан олинади.

Суд томонидан шахсни ўта хавфли рецидивист, деб топиш бир қатор хуқуқий оқибатларга олиб келади:

– ўта хавфли рецидивист томонидан жиноят содир этганлик Махсус қисмнинг кўп моддаларида қонун чиқарувчи томонидан таснифловчи ёки алоҳида квалификация белгиси сифатида баҳоланади;

– ўта хавфли рецидивист эркаклар озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони махсус тартибли колонияларда, аёллар эса, қаттиқ тартибли колонияларда ўташади;

– ўта хавфли рецидивистларга озодликдан маҳрум этиш жазоси муддатининг бир қисмини турма каморғида сақлаш тарзида ўташ тайинланиши мумкин;

– уларга нисбатан жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод этишни қўллашнинг бир қанча чеклашлари белгиланиши мумкин;

– уларга нисбатан шартли равишда жазо тайинлаш, жазо муддатидан илгари шартли озод этиш ва жазони енгилроғи билан алмаштириш мумкин эмас;

– ўта хавфли рецидивистларга нисбатан судланганликни олиб ташлашнинг алоҳида тартиби белгиланади.

Суд томонидан тан олинган ўта хавфли рецидив Жиноят кодексининг 79-моддаси иккинчи қисми асосида судланганликнинг олиб ташланиши йўли билан бекор қилиниши мумкин.



## Учинчи бўлим. ҚИЛМИШНИНГ ЖИНОЙИЛИГИНИ ИСТИСНО ҚИЛАДИГАН ХОЛАТЛАР

### IX боб. ҚИЛМИШНИНГ ЖИНОЙИЛИГИНИ ИСТИСНО ҚИЛАДИГАН ХОЛАТЛАР ТУШУНЧАСИ ВА ТУРЛАРИ

#### 35-модда. Қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар тушунчаси

Қилмишда ушбу Кодексда назарда тутилган аломатлар расмий жихатдан мавжуд бўлса-да, лекин у ижтимоий хавфли, ғайриқонуний ёки айбли бўлмаса, қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар деб топилади.

Қуйидаги ҳолатлар, яъни кам аҳамиятли қилмишлар; зарурий муҳофаа; охириги зарурат; ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш чоғида зарар етказиш; буйруқни ёки бошқача тарздаги вазифани бажариш; касб ёки хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган асосли таваккалчилик; жисмоний ёки руҳий мажбурлаш ёхуд кўрқитиш натижасида қилмиш содир этиш жиноятни истисно қилувчи ҳолатлар деб топилади.

### Ш А Р Ҳ

1. Шарҳланаётган модда қонун билан қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар ҳақидаги жиноят-ҳуқуқий институтнинг фундаментал қоидаларини мустаҳкамлайди. Шу йўл билан риоя қилиниши нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар учун, балки мазкур бўлим қоидаларининг бирини ўзгартириш, унга қўшимча киритиш ёки уни бекор қилишда қонун чиқарувчи учун ҳам мажбурий бўлган қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи сифатида у ёки бу ҳолатлар тан олиншининг асосий қоидаларни акс эттиради. Бундай ҳолатларнинг Жиноят кодексида белгиланиши эса, ўз навбатида, унда инсонпарварлик ва адолат тамойилларига амал қилинганлигидан дарак беради.

2. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмига мувофиқ, қилмишда ушбу Кодексида назарда тутилган аломатлар расмий жиҳатдан мавжуд бўлса-да, лекин у ижтимоий хавфли, ғайриқонуний ёки айбли бўлмаса, қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар деб топилади. Қонунда қайд этилган белгиларнинг бўлмаслигига кўрсатма ўз-ўзидан келиб чиқмаган, балки Жиноят кодекси билан тақиқланган, айбли ижтимоий хавфли қилмишигина (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жазо қўллаш таҳдиди билан (ЖКнинг 14-моддаси шарҳига қаранг) жиноят, деб тан олувчи 14-модда қондаларидан келиб чиққан. Шундан келиб чиқиб, бу белги ҳеч бўлмаганда бирортасининг йўқлиги содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизликни жиноят, деб топишга имкон бермайди ва тегишлича, мазкур қилмишнинг жиноийлигини истисно қилади. Қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатлар дейилганида, жиноят белгилари мавжуд бўлса ҳам, жиноят, деб ҳисобланмайдиган ҳаракатлар тушунилади.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси у ёки бу қилмишни жиноят деб топиш масаласини ҳал этишда шахс қилмишида жиноят таркибининг барча элементлари амалда мавжуд бўлиши заруратидан келиб чиқади. Бошқача қилиб айтганда, қилмиш ташқи (расмий) жиҳатдан содир этилиши учун Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида жавобгарлик назарда тутилган ҳаракат ёки ҳаракатсизликка ўхшаса-да, бироқ жиноят таркибининг барча элементларини ўз ичига олмаса, жиноят, деб топилиши мумкин эмас. Бунда жавобгарлик истисно қилинади. (*Ижтимоий хавфлилик, ғайриқонунийлик, айблилик тушунчалари ҳақида ЖКнинг 14-моддаси шарҳига қаранг*)

3. Жиноят кодексининг шарҳланаётган моддасида кўрсатилмаган бошқа элементлар қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи сифатидаги бирон-бир ҳолат, деб тан олинishiга асос бўла олмайди.

Айни вақтда у ёки бу ҳолатни қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи сифатида тан олиш жиноятнинг ҳеч бўлмаганда битта элементи истисно қилинишини талаб

қилади: ижтимоий хавфлилик, ғайриқонунийлик, айб, яъни ҳамма уч белгининг мужассам бўлиши талаб қилинмайди, улардан бири мавжуд эмаслигининг ўзи етарлидир.

4. Қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар ҳақидаги масала умуман бирон-бир қилмиш учун жиноий жавобгарликни аниқлашда эмас, балки фақатгина амалга оширилишининг муайян вазиятидан келиб чиқиб, бошқа мазмунга эга аниқ жиноятнинг содир этилиши ҳолларида юзага келади.

Шундай қилиб, қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар муайян қилмишнинг шундай хусусиятини акс эттирадики, бу хусусият унинг ижтимоий фойдалилиги ёки рухсат этилиши (йўл қўйилиши) мумкинлигидан далолат беради. Бунда қилмиш юридик табиати бўйича Жиноят кодексига назарда тутилган жиноят таркиби белгиларига фақат ташки жиҳатдан ўхшаш бўлади. Бу дегани, қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар бевосита жиноят таркиби билан боғлиқдир. Ана шуларга кўра, қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар жиноят таркибининг бирор томони ёки белгисининг бўлмаслиги туфайли истисно қиладиган ҳолат ҳисобланади.

5. **Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмида** қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатларнинг турлари кўрсатилган: кам аҳамиятли қилмишлар; зарурий мудофаа; охири зарурат; ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш чоғида зарар етказиш; буйруқ ёки бошқача тарздаги вазифани бажариш; касб ёки хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган асосли таваккалчилик ва жисмоний ёки рухий мажбурлаш ёхуд кўрқитиш натижасида қилмиш содир этиш. Мазкур рўйхат тўлиқ бўлиб, унда кўрсатилмаган бошқа ҳолатлар қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи сифатида топилиши мумкин эмас.

6. Қайд этиш лозимки, қонун нафақат қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатларни мустаҳкамлайди, балки Жиноят кодексининг шарҳланаётган бобидаги 36, 37, 38, 39, 40, 41, 41<sup>1</sup>-моддаларнинг ҳуқуқийлиги шартларини ҳам тартибга солади. Бу шартларга риоя этмаслик, муайян

хулқнинг қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатлардан бирига тегишлилигини мустасно этади.

7. Жиноят кодексда қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатларнинг белгиланиши: бир томондан жиноий репрессия чораларининг камайишига олиб келса, иккинчи томондан фуқароларнинг ҳуқуқий фаоллигини кучайтиради. Шундай қилиб, мазкур институт нормалари охир-оқибат Жиноят кодексининг вазифаларини амалга оширишга қаратилгандир.

---

### 36-модда. Кам аҳамиятли қилмишлар

Гарчи ушбу Кодексда жиноят сифатида назарда тутилган қилмишнинг аломатлари мавжуд бўлса-да, ўзининг кам аҳамиятлилиги туфайли ижтимоий хавfli бўлмаган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик жиноят деб топилмайди.

---

## Ш А Р Ҳ

---

1. Жиноят кодексининг шарҳланаётган моддасида шахснинг кам аҳамиятли қилмиш содир этиши ҳоллари жиноий жавобгарликка тортилишини истисно қилувчи, мамлакатимизнинг жиноят тўғрисидаги қонунчилиги учун аъъанавий қоидалар акс этган.

**Қилмишнинг кам аҳамиятлилиги** шуни англатадики, бунда жиноят фақатгина битта – ташқи, расмий белгига, яъни ҳуқуққа хилофликка эга бўлади. Ўз моҳиятига кўра эса, бундай қилмиш, унинг жиноят, деб топилиши учун қўйиладиган талабларига жавоб бермайди, яъни бундай ҳолда у бузилиши ижтимоий хавfli қилмиш сифатида тан олинадиган чегаралардан четда бўлади. Бошқача сўз билан айтганда, жиноят таркибининг моддий белгиси жиҳатидан кам аҳамиятли қилмиш уни жиноят деб тан олиш учун зарур бўлган ижтимоий хавф даражасига етмайди (масалан, рўчкани, дафтарни ёки бировнинг боғидан олмани яширин



ўғирлаш). Бундай қилмиш юзасидан жиноят иши қўзғатилиши мумкин эмас, қўзғатилган жиноят иши эса, Ўзбекистон Республикасининг ЖПК 83-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ<sup>1</sup>, Жиноят кодексининг 36-моддасига ҳавола қилиниб тугатилиши лозим. *(Ижтимоий хавфлилик тушунчаси ҳақида ЖКнинг 14-моддаси шарҳига қаранг)*

2. Қилмишнинг кам аҳамиятлилиги масаласи – айбдор томонидан содир этилган ҳар бир муайян қилмишга нисбатан тергов ва суд органлари томонидан ҳал этилиши лозим бўлган масаладир.

Қилмишни кам аҳамиятли, деб топиш учун бундай қилмиш билан боғлиқ барча ҳолатлар (айб шакли, жиноят содир этиш усули, мотиви, вазияти ва бошқичлари, келиб чиққан оқибатларнинг оғирлиги, жиноят иштирокчиларидан ҳар бирининг иштироки даражаси, характери ва бошқалар)ни таҳлил қилиб чиқиш лозим.

3. Қилмишни кам аҳамиятли, деб топиш ҳар бир ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг ижтимоий хавфлилиги ҳақидаги масалани ҳал этишда тенг аҳамиятга юқорида қайд этилган элементлар йиғиндиси таҳлиliga асосланиши зарур. Хусусан, агар айбдор шахс жабрланувчини ҳаётдан маҳрум қилишга қаратилган ҳаракатларни амалга оширса, бироқ, унга амалда ҳеч қандай зарар етказма олмаса, қилмиш қасддан одам ўлдиришга суиқасд, деб квалификация қилинади ва кам аҳамиятли, деб топилиши мумкин эмас. Қилмишнинг кам аҳамиятли эканлиги аниқланса, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 83-моддаси биринчи қисмининг 2-бандига биноан иш тугатилади. Худди шу вазиятда, агар айбдор жабрланувчини кўрkitиш ниятида ҳаракат қилиб, натижада унга нисбатан оғир тан жароҳати (руҳий хасталик) етказилса, қилмиш кам аҳамиятли, деб топилиши мумкин эмас, чунки

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 27 февралдаги «Қонунга ҳилоф равишда қуролга эгалик қилиш тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги 3-сонли қарорининг 13-банди 2-хатбошисига мувофиқ, «қурол ва ўқ-дориларни сақлаётган шахснинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг 248-моддасида назарда тутилган қилмишга тўғри келса-да, аммо кам аҳамиятлилиги сабабли ижтимоий хавфли бўлмаса, бундай ҳаракат Жиноят кодексининг 36-моддасига мувофиқ жиноят ҳисобланмайди».

кам аҳамиятлиликнинг субъектив элементи мавжуд бўлса-да, тегишли объектив элементи мавжуд эмас.

4. Назарда тутиш керакки, қилмишнинг кам аҳамиятлилиги масаласини ҳал этишга айбдорни тавсифловчи хусусиятлар таъсир этмайди. Мазкур қарорни қабул қилишда фақат қилмишнинг бевосита ўз хусусиятларигина ҳисобга олиниши лозим, судланувчининг шахси тўғрисидаги маълумотлар, улар жазонинг тури ва миқдорини белгилашда муҳим аҳамиятга эгаллиги туфайли, ҳар томонлама ва тўла текширилмоғи лозим<sup>1</sup>, яъни шахс қилмишида жиноят таркибининг моддий ва формал белгилари аниқлангандан сўнг муҳим аҳамият касб этади.

5. Таъкидлаш лозимки, қатор ҳолларда жиноят қонуни жиноятнинг мажбурий белгиси сифатида муайян зарарнинг (анча миқдорда, кўп миқдорда ва жуда кўп миқдорда) юзага келишини тан олади. Мазкур ҳолларда жуда кам (кўп бўлмаган) миқдордаги зарар қилмишнинг формал жиҳатдан ҳам жиноят белгиларига тўғри келмаслигини англатади. Бу ҳолларда жиноят иши қилмишнинг кам аҳамиятлилиги учун 36-модда билан эмас, балки Жиноят кодексининг 83-моддаси 2-банди бўйича жиноят таркибининг йўқлиги муносабати билан Жиноят кодексининг 36-моддасига ҳаволасиз тугатилади. Масалан, Жиноят кодексининг 173-моддаси анча миқдорни ташкил этган ўзганинг мулкани қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш учун жавобгарликни назарда тутаяди. Шу сабабдан, агар мазкур жиноятни содир этиш натижасида анча миқдордан кам бўлган зарар етказиладиган тақдирда, жиноят формал жиҳатдан Жиноят кодексининг 173-моддасида назарда тутилган жиноят таркибига тўғри келмайди. Бу ҳолда, жиноят иши кам аҳамиятли қилмиш учун эмас, балки, унинг учун мажбурий шарт – анча миқдорнинг бўлмаслиги сабабли қўзғатилмайди, қўзғатилган жиноят иши эса, тугатилади.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сонли қарори, 4-банд, 1-хатбоши.

### 37-модда. Зарурий мудофаа

Зарурий мудофаа ҳолатида содир этилган, яъни мудофааланувчи ёхуд бошқа кишининг шахси ёки ҳуқуқларини, жамият ёки давлат манфаатларини қонунга хилоф тажовузлардан тажовузчига зарар етказган ҳолда ҳимоя қилиш чоғида қилинган ҳаракат, агар зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқилмаган бўлса, жиноят деб топилмайди.

Тажовузнинг хусусияти ва хавфлилиги даражасига бутунлай мувофиқ келмайдиган мудофаа, зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш деб топиллади.

Бошқа шахсларга ёки ҳокимият органларига ёрдам сўраб мурожаат қилиш ёхуд тажовуздан ўзга йўсинда қутулиш имконияти бор-йўқлигидан қатъи назар, зарурий мудофаа ҳуқуқи шахсга тегишлидир.

Зарар етказиш мақсадида қасддан хужум қилиш истагини қўзғатиш зарурий мудофаа деб топилмайди.

## Ш А Р Х

1. **Зарурий мудофаа** қонун билан муҳофаза қилинадиган объектларни жинорий тажовузлардан муҳофаза қилиш жараёнида тажовузкорга шундай зарар етказиш йўли билан амалга ошириладиган ҳуқуқий мудофаани ўз ичига оладикки, бундай мудофаа зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб амалга оширилганда мудофааланувчи шахснинг жинорий жавобгарлигини келтириб чиқаради. Зарурий мудофаа ўз вақтида жиноятдан характери ва таркиби билан фарқланади – у жинорий ҳаракатнинг олдини олиш ва йўл қўймасликка қаратилганлиги сабабли, фуқароларнинг ижтимоий фойдали ҳаракати ҳисобланади. Юқорида келтирилган сабабларни инобатга олиб, қонун зарурий мудофаа ҳолатидаги ҳаракатни, у ташқи белгилари жиҳатидан жинорий тажовуздан фарқ қилмаса-да, жиноятни истисно қилувчи ҳолат сифатида қарайди.

2. Ҳар бир фуқаронинг ўзи, бошқа шахслар, давлат манфаатларини ва қонун билан қўриқилмайдиган ҳар қандай

бошқа ижтимоий муносабатларни ҳимоя қилиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг 27-моддасида республика фуқаролари шаъни ва обрўсига, ҳаёти ва соғлиғи, шахсий ҳаёти, эркинлиги ва кадр-қимматига қарши тажовузлардан судда ҳимояланиш, шахснинг шаъни ва обрўсига қарши тажовузлардан зарурий мудофааланиш ҳуқуқига эга эканлигининг белгиланганлиги ушбу масалани ҳал этиш учун раҳбарий аҳамият касб этади. Ўз навбатида шуни айтиб ўтиш жоизки, Жиноят кодекси ҳимоя объекти сифатида шахс, унинг ҳуқуқлари, жамият ва давлатнинг манфаатларини кўрсатади. Юқорида саналган объектлар умумий маънога эга бўлиб, Кодексда жазо қўллаш орқали ҳимоя қилинаётган барча ижтимоий муносабатларни ўз ичига олади. Бундан ташқари, атроф-муҳитни, мулкни, инсон ва дунё хавфсизлигини муҳофаза қилиши борасидаги муносабатларни бу қаторга қўшиш мумкин. Жиноят қонунига зарурий мудофаа институтининг киритилиши, қонун ҳимоясидаги манфаатларни ғайриқонуний тажовузлардан мудофаа қилишда ҳар бир фуқаронинг фаол қатнашишини таъминлаш мақсадига хизмат қилади. Зарурий мудофаани қўллашнинг зарурати ва асослари жиноят қонуни билан кўриқланадиган объектларга (шахсга, давлат ва жамоат манфаатларига) ижтимоий тажовуз қилинганлигидир.

Зарурий мудофаа тўғрисидаги қонунни қўллаш давлат мулки, жамоат тартиби, бошқа фуқароларнинг ҳаёти, шаъни, кадр-қиммати, манфаатларини тажовуздан кўриқлашга ҳам оиддир.

3. Зарурий мудофаа тажовузчига фаол ҳаракатлар орқали зарар етказилиши сабабли, қонун мудофаа чегарасини белгилайдиган аниқ шартларни кўрсатади. Мудофаанинг бу шартларга мос келмаслиги зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш, деб ҳисобланади ва бу ҳаракат – жиноят, деб тан олинади.

Зарурий мудофаанинг асосий шартлари жиноят ҳуқуқи фани назарияси ҳамда суд амалиёти ёрдамида ишлаб чиқилган бўлиб, Жиноят кодексининг шарҳланаётган моддасида

умумлашган шаклда уз ифодасини топган. Мазкур шартлар зарурий мудофаа ҳолатини акс эттирувчи икки элементга тегишлидир: тажовуз ҳамда ундан ҳимоя.

Шу ўринда таъкидламоқ жоизки, фақат мана шу шартларнинг мавжудлиги шахснинг ҳаракатларини зарурий мудофаа сифатида квалификация қилиш учун асос бўлади.

4. Зарурий мудофаа тажовуз ва ҳимоядан иборат эканлиги сабабли унинг ҳуқуқийлиги шартлари ҳам тажовуздан зарурий мудофааланишнинг ҳуқуқий шартлари ва ҳимояга хос зарурий мудофаанинг ҳуқуқий шартларига бўлинади. Мазкур шартлар тажовузни зарурий мудофаанинг мустақил элементи сифатида талқин қилишга имкон беради. Улар тажовузнинг кўриниши, унинг характери, мавжудлиги ва реаллиги. Тажовуз қилинганда кўрсатилган ҳимоя ҳамма шартларга жавоб бергандагина зарурий мудофаанинг асоси сифатида тан олинади. Акс ҳолда, миллий жинойт тўррисидаги қонунчиликнинг мазкур институти қўлланилмайди.

5. **Зарурий мудофаа тажовузчининг маълум қилмишида намоён бўлади.** Тажовузчининг ҳаракати пассив ёки актив бўлиши мумкин. Қилмишнинг баҳоланишига ҳеч ҳам таъсири бўлмайди. Тажовуз (ҳужум) хоҳ қасддан амалга оширилган бўлсин, хоҳ эҳтиётсиз ҳаракат ёки ҳаракатсизликдан келиб чиқсин, зарурий мудофаани амалга оширишга тўсқинлик қила олмайди, чунки қонун шахс, жамият ва давлатни қасд ҳамда эҳтиётсиз ҳаракатлардан бир хил муҳофаза қилади.

6. Тажовузчига зарар етказиш орқали ҳимояланишга ундаги қилмишдан муҳофаза қилинаётган муносабатларга зудлик билан ҳамда муқаррар зиён етказиш хавфи мавжуд бўлиши лозим. Шундагина тажовузчига жисмоний таъсир кўрсатиш орқали ижтимоий хавфли қилмишнинг олди олинади. Муқаррарлик деганда, тажовуз бошланган, лекин тугалланмаган ижтимоий хавфли ҳаракат тушунилади. Суд амалиётининг гувоҳлик беришича, зарурий мудофааланишга олиб келган қилмишларга агрессия ҳамда бузғунчилик хусусиятига эга бўлган зўравон ҳаракатлар: ҳаётга, соғлиққа, жинсий эркинликка қарши жинойтлар, безорилик, ҳокимият вакилига қаршилик кўрсатиш каби жинойтлар қиради.

Шу билан бирга, бир қанча ҳуқуққа хилоф тажовузлар мавжудки, уларга тезкор ҳамда муқаррар зиён етказиш хавфи мавжуд эмас. Бундай қилмишлардан эса, зарар етказиш оққали ҳимояланиш мумкин бўлмайди. Меҳнатга онд ҳуқуқларнинг бузилиши, тухмат, пора бериш ва шунга ўхшаш жиноятлар шулар жумласидандир. Шу сабабли, юқорида кўрсатилган шартлар мавжуд ҳолда етказилган зарар зарурий мудофаа сифатида талқин қилинмайди, зарар етказган шахс умумий асосларда жавобгарликка тортилади. Шу ўринда таъкидламоқ жоизки, тергов органлари ҳамда суд ҳар бир ҳолатга эътибор билан ёндашмоғи лозим. Содир этилган қилмишда зарурий мудофаанинг белгилари мавжуд эмаслиги ишни ҳолисона кўриб чиқишга имкон яратади.

**7. Жиноят кодексининг шарҳланаётган моддасида кўрсатилган ҳуқуққа хилоф характер зарурий мудофаадаги тажовузнинг иккинчи шарти ҳисобланади.**

Жиноят кодексининг махсус қисмида назарда тутилган ҳаракатлар уни содир этган шахснинг жавобгарликка тортилганлиги ёки рухий ҳолатнинг бузилиши туфайли, жиний жавобгарлик ёшига тўлмаганлиги сабабли ва бошқа асосларга кўра, жавобгарликдан озод қилинганлигидан қатъи назар, Жиноят кодексининг 37-моддаси доирасида ҳимояланишига асос берувчи ижтимоий хавфли тажовуз деб ҳисобланади<sup>1</sup>. Бунда ҳуқуққа хилофликнинг белгиси фақат тажовузнинг объектив томонига тааллуқлидир. Бу дегани, Жиноят кодексидagi керакли норманинг диспозициясида кўрсатилган қилмиш ҳуқуққа хилоф ҳисобланади. Ижтимоий хавфли тажовуз жиний ҳаракат бўлиши ёки жиний ҳисобланмаган ижтимоий хавфли қилмиш бўлиши мумкин. Шарҳланаётган моддадаги субъект характеристикаси қилмишнинг ҳуқуққа хилоф эканлигига таъсир кўрсатмайди. Шундай қилиб, тажовуз ақли норасо, жиноят субъекти ёшига етмаган шахс томонидан содир этилса, жиноят сифатида

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги «Ижтимоий хавфли тажовузлардан зарурий мудофаа ҳуқуқини таъминловчи қонунларнинг судлар томонидан қўлланилиши ҳақида»ги 39-сонли қарори, 1-банд.

қаралмайди. Бундай шахслар жиноят субъекти бўлиб ҳисобланмасаларда, уларнинг ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги ҳуқуққа ҳилофлик хусусиятини йўқотмайди.

8. Субъектнинг ҳуқуққа ҳилоф қилмишига унинг ижтимоий ҳолати, яъни мансабдор шахс эканлиги ёки эмаслиги таъсир кўрсатмайди. Ҳар қандай ҳолатда, агар унинг ҳаракатида жиноят белгилари мавжуд бўлса, унга нисбатан зарурий мудофаа қўлланилиши мумкин.

Лекин айрим ҳолларда мансабдор шахслар ташқи кўринишдан ҳуқуққа ҳилоф қилмишдек кўринган, аслида эса, бунақа бўлмаган ҳаракатни содир этишлари мумкин. Бундай ҳаракатга махсус воситалар, қуроллардан фойдаланиш мисол бўлиши мумкин. Шундай ҳолатларда мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари қонун доирасидами ёки ҳуқуққа ҳилофлигини **формал мезон** белгилаб беради. Мансабдор шахс ҳаракати фуқароларнинг ҳуқуқларига зиён етказмаган ҳолда қонун доирасида амалга оширилади.

Агар мансабдор шахснинг ҳаракати қонунга мос тушмаса ва ҳуқуққа ҳилофлиги яққол намоён бўлса, зарурий мудофаани қўллашга йўл қўйилади.

9. Шунга эътибор бериш лозимки, қонун фақат Жиноят кодексида таъкидланган тажовузлардан мудофааланишга йўл қўяди. Шу сабабдан, кодексда тақиқланмаган бўлса-да, қонунга зид ҳаракатни амалга ошираётган шахсга нисбатан, ижтимоий хавfli бўлишидан қатъи назар, зарар етказилиши мумкин эмас.

Зарурий мудофаанинг асосий шартларини шундай талқин қилиш жиноят қонунчилигини адолатли ҳамда инсонпарварлик қоидаларига мос равишда қўллашга имкон яратади, негаки, ҳар қандай ижтимоий хавfli ҳаракат эмас, балки жиноят деб ҳисобланган қилмишларгагина зарурий мудофаа қўлланилади.

10. Формал жиҳатдан ҳамда ўзида жиноят таркибининг белгилари мавжудлиги жиҳатидан Жиноят кодексида жавобгарлик белгиланган айрим жиноятлар мақсадга кўра, ҳуқуққа ҳилоф қилмиш, деб қаралмайди. Кам аҳамиятли, охири зарурат бўлиши жиноятни инкор қилувчи ҳолатларда

амалга оширилган қилмиш ҳуқуққа хилоф эмас. Бунга қарши ҳимояланган шахсларнинг ҳаракатини ижтимоий хавфли жиноят, демак жиноий жазоланадиган қилмиш, деб белгилаш лозим. Негаки, уларнинг бу ҳаракатлар характери олдиндан белгиланади.

**11. Зарурий мудофаанинг асосий шarti** тажовузнинг мавжудлиги ҳисобланади.

**Тажовузнинг мавжудлиги** деганда, ҳаракат ёки ҳаракатсизлик орқали инкор қилиб бўлмас ҳамда муқаррар етказиладиган ижтимоий хавфли зарар белгиларининг уйғунлиги тушунилади. Яъни, тажовузнинг бошланғич ва якуний ҳолатини аниқлашдан иборат.

Қуйидаги ҳолатларда ҳуқуққа хилоф қилмишнинг мавжудлиги намоён бўлади:

– реал таҳдид шароитида ҳуқуққа хилоф тажовузни амалга ошириш;

– тажовуз жараёнида, яъни унинг бошланишидан, то охиригача бўлган давр.

**12. Ҳуқуққа қарши тажовузнинг мавжудлиги** ва уни амалга оширишнинг ҳақиқий хавфи бўлганда шахснинг мудофаа қилинадиган манфаатга шу ондаги ва бошқача олдини олиб бўлмайдиган зарар етказилишининг ҳақиқий хавфи юзага келган ҳолдаёқ тажовузчи шахсга зарар етказиш ҳуқуқини кўзда тутди. Бу ҳолда шахс тажовузнинг ўзи юзага келишининг олдини олишга қаратилган зарурий мудофаанинг превентив (олдини олувчи) чораларини амалга оширади. Шундай қилиб, мудофааланувчи ҳуқуққа қарши ҳаракатнинг ёки ҳаракатсизликнинг амалда оширила бошланишини, албатта, кутиб ўтириши шарт эмас, чунки бу баъзи ҳолатларда конун билан ҳимоя қилинадиган объектга зарар етказилиши хавфи остига қўйиши мумкин, фуқаролар томонидан ушбу талабнинг бажарилиши эса, оғир ва қайтариб бўлмайдиган оқибатларга олиб келиши мумкин бўлар эди.

Ҳуқуққа хилоф тажовузни амалга ошириш хавфининг мавжудлиги масаласини ҳал қилишда фактларга асосланган ҳолда мудофааланувчининг субъектив тасаввуридан келиб чиқиб амалга оширилади. Бошқача қилиб айтганда, зарурий



мудофаани амалга ошираётган шахс ҳолатида тажовузчининг ҳаракатларига асосланган ҳолда ҳуқуққа хилоф тажовузнинг содир бўлиши хавфи мавжудлигини биледи. Сўзлар, ҳаракатлар, қурол кўрсатиш билан кўрқитиш ва бошқа ҳаракатлар бунга мисол бўлади.

Агар зарар етказиш хавфи келиб чиқмаган ҳолатларда, яъни тажовуз мавжуд бўлмаганда зарурий мудофаа ҳам бўлмайди. Шунингдек, зарар фақат тажовузчининг ўзига етказилади. Зарурий мудофаа актини қўллаш вақтида учинчи шахсга нисбатан зарар етказилмайди. Агар зарурий мудофаа актини қўллаш вақтида учинчи шахсларга зарар етказилса, жавобгарлик умумий асосларга биноан айбнинг хусусиятига қараб ҳал қилинади. Бундай ҳолатда, зарар етказилган бўлса, шахс умумий асосларга кўра жиноий жавобгарликка тортилади.

13. Тажовузнинг бошланиши ҳамда унинг якуни тўғрисидаги масала алоҳида эътиборга лойиқ. Негаки, тажовузнинг давомийлиги унинг амалга ошириш жараёнини белгилаб беради. Ижтимоий хавфли тажовузга мувофиқ келувчи зарурий мудофаа ҳуқуқийлигининг муҳим шарти унинг мавжудлиги, яъни тажовузнинг бошланғич ва якуний ҳолатини аниқлашдан иборат.

**Жиноий тажовузнинг бошланиши** деганда, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига кўрсатилган жиноят белгиларини ифодаловчи ҳаракат ёки ҳаракатсизликларни хронологик жиҳатдан содир этиш тушунилади. Маъқул таркибнинг тулик бўлиши, қилмишда тажовузнинг барча белгилари мавжуд бўлиши аҳамиятга эга эмас. Масалан, ўғирлик шахс томонидан бировнинг мулкини қўлга кириштиридан бошланган ҳисобланади, воқеанинг бошқа ривожини аҳамиятсиз.

**Тажовузнинг фактик тугаллиниши** деганда, зарар етказиш вужудга келган ёки жиноий оқибат келиб чиққан вақт билан белгиланади.

Куйидаги ҳолатлар билан тажовузнинг якунини талқин қилиш мумкин:

– тажовузчининг иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолда (суиқасд) ёки унинг ўз хоҳиши билан жинойий ҳаракатдан тўхташи;

– тажовузчининг ўз мақсадига эришиши орқали тугалланишида ифодаланади.

14. Шунга эътибор бериш керакки, тажовузнинг якуни аниқ қилмиш элементларининг умумийлигидан келиб чиққан ҳолда аниқланиши керак, шунда устунлик тажовузчининг ижтимоий ҳавfli мақсадга эришиш масаласига қаратилади. Агар жинойий мақсадга тажовузчи эриша олмаган бўлса ва у бу мақсадга эришишдан тажовузнинг маълум жараёнида воз кечмаган бўлса, тажовуз тугалланган, деб тан олинмайди.

Зарурий мудофаа ҳолати тажовуз тугагандан сўнг ҳам бўлиши мумкин, агар ҳимояланувчи иш ҳолатларига кўра тажовуз тугаган вақтни аниқ англай олмаган бўлса. Хужум вақтида ишлатилган қурол ва бошқа ашёларнинг тажовузчидан ҳимояланувчининг қўлига ўтиб қолишининг ўзи тажовуз тугаганлигидан далолат бермайди<sup>1</sup>.

15. Тажовузчига мудофааланувчи тажовуз амалда тугаганидан кейин етказилган ва ҳимоя қилиш воситаларини қўллашнинг зарурати очикдан-очик қолмаган ҳолда етказилган бўлса, мудофааланувчи умумий асосларда жинойий жавобгарликка тортилади. Бошқача айтганда, бундай вазиятда зарурий мудофаа мавжуд бўлмайди, чунки тугаган тажовузга қарши мудофаа умуман ортикча бўлиб, мантиқан мумкин бўлмайди. Судланувчининг бундай ҳаракатларига тўғри ҳуқуқий баҳо бериш мақсадида юз берган воқеанинг барча ҳолатларини ҳисобга олиб, бу ҳаракатлар улар томонидан ижтимоий ҳавfli тажовуз сабабли кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида содир этилган-этилмаганлиги аниқланади.

16. Тажовузни тавсифловчи зарурий мудофаанинг сўнгги шarti **тажовузнинг реаллиги** ҳисобланади. Тажовузнинг реаллиги деганда, тажовузнинг ҳимояланувчи ҳаёлида

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги «Ижтимоий ҳавfli тажовузлардан зарурий мудофаа ҳуқуқини таъминловчи қонуларнинг судлар томонидан қўлланилиши ҳақида»ги 39-сонли қарори, 2-банд, 1-хатбоши.



бўлмай, балки ҳақиқатдан ҳам (объектив) рўй берганлигидир. Реал тажовуз белгиси зарурий мудофаани хаёлий мудофаадан чегаралашга ёрдам беради.

17. Хаёлий мудофаа, деб тахмин этилган тажовузчига хақиқий ижтимоий хавfli тажовуз бўлмаган ҳолда, шахс уни мавжуд деб хато тахмин этган ҳолда зарар етказилиши ҳолатлари тан олинishi лозим. Хаёлий мудофаада зарар етказиш объектив ҳолда ижтимоий хавfli бўлади, шунинг учун бундай ҳаракатлар учун жавобгарлик масаласи амалдаги хато тўғрисидаги умумий қоидалардан келиб чиққан ҳолда ҳал этилиши лозим.

18. Судлар зарурий мудофаа ҳолатини аниқ ижтимоий хавfli тажовуз юз бермаса-да, шахснинг янглишиб, шундай тажовуз қилиши мумкин деган тахминий ҳолатларидан фарқлашлари керак. Агар ҳодиса ҳолатларига кўра, мудофаа чораларини қўллаган шахс ўзининг янглишганини билмаган ва билиши ҳам мумкин бўлмаган бўлса, унинг ҳаракатлари зарурий мудофаа ҳолатида содир этилган деб ҳисобланиши керак.

Агар шахс тажовузнинг аслида йўқ ва хаёлийлигини била туриб, иш ҳолатларига кўра ҳам уни, албатта, билиши мумкин бўлгани ҳолда зарар етказса, унинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг эҳтиётсизлик орқасида зарар етказганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи моддаси билан тавсифланиши лозим<sup>1</sup>.

19. Хаёлий мудофаа ҳолатида шахсга зарар етказилса, ҳимояланувчи ҳаракатларини:

– **зарурий мудофаа** сифатида квалификация қилиш даркор. «Агар ҳодиса ҳолатларига кўра, мудофаа чораларини қўллаган шахс ўзининг янглишганини билмаган ва билиши ҳам мумкин бўлмаган бўлса»<sup>2</sup> бундай квалификация амалга оширилиши мумкин. Мазкур хаёлий мудофаанинг хусусий

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги «Ижтимоий хавfli тажовузлардан зарурий мудофаа ҳуқуқини тавминловчи қонунларнинг судлар томонидан қўлланилиши ҳақида»ги 39-сонли қарори, 10-банд.

<sup>2</sup> Ўша манба, 10-банд, 1-хятбоши.

шакли сифатида шундай ҳолатлар тушуниладики, бундай жиноий қилмиш яқунланганидан сўнг ҳуқуққа хилоф тажовузга нисбатан ҳимоя қўлланилади, лекин шуни эсдан чиқармаслик керакки, ҳимояланувчи ишнинг ҳолатига кўра, тажовузнинг яқунланганлигини англай олмаган бўлиши лозим<sup>1</sup>.

Бундай ҳолатда ҳимоя қўллаган шахснинг ҳаракатлари зарурий мудофаа сифатида қаралганлиги сабабли мазкур институтнинг тўғрилигини белгиловчи шартлар қўлланилиши керак. Агар ҳаёлий мудофаа натижасида реал тажовуз шартлари чегарасидан ошган ҳолда шахсга зарар етказилса, бу ҳаракат зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш сифатида квалификация қилинади. Шахс эса, қонун доирасида белгиланган жавобгарликка тортилади. Бошқача қилиб таърифлайдиган бўлсак, ҳаёлий мудофааланувчи жабрланувчига нисбатан ўз ҳаракатларининг ижтимоий аҳамиятини билмаса, ўзининг тасавури хато эканлигини англамаса ва англаши мумкин ҳам бўлмаса, ҳаёлий мудофааланувчининг айби бўлмайди. Бундай ҳолда ҳаёлий мудофаа зарурий мудофаа деб топилади;

— **эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноят** сифатида квалификация қилиш лозим, агар шахс тажовузнинг аслида йўқ ва ҳаёлийлигини била туриб, иш ҳолатларига кўра ҳам уни, албатта, билиши мумкин бўлган ҳолда зарар етказса<sup>2</sup>.

20. Шуни айтиш жоизки, ҳаёлий мудофаа ҳолати фақат иш ҳолатларига кўра, ҳаёлий тажовуз намоён бўлгандагина мавжуд бўлади.

**Ҳаёлий тажовуз** деганда, шундай ҳолатлар тушуниладики, бунда ҳуқуққа хилоф қилмишнинг юқори ёки паст даражаси мавжудлиги тахмин қилинади.

Агарда тажовуз ҳаёлий мавжуд бўлмаса-да, шахс ҳаёлий мудофаа ҳолатида зарар етказадиган бўлса, унинг

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги «Ижтимоий ҳавфли тажовузлардан зарурий мудофаа ҳуқуқини таъминловчи қонунларнинг судлар томонидан қўлланилиши ҳақида»ги 39-сонли қарори, 2-банд, 1-хатбоши.

<sup>2</sup> Ўша манба, 10-банд, 2-хатбоши.



ҳаракатларини зарурий мудофаа эмас, балки қасд мавжуд бўлган жиноят сифатида квалификация қилиш зарур. Бундай ҳолат шахснинг ҳаракатлари ҳаёлий мудофаа асосида эмас, балки айбдорнинг асослаб бўлмас шубҳаси натижасида келиб чиқади, негаки, бу ҳаракатларда ҳаёлий тажовуз мавжуд бўлмайди.

21. Ҳимояга хос бўлган зарурий мудофаа ҳуқуқийлигининг муҳим шarti – ҳимоянинг аниқ шароитда тажовузнинг хусусияти ва хавфлиликка мос бўлишидир. Тажовуз ҳамда ҳимоянинг аниқ мавжудлиги шахснинг қилмиши зарурий мудофаа ҳолатида эканлигидан далолат беради. Мазкур элементларнинг шунчаки уйғунлиги шахснинг қилмишини зарурий мудофаа сифатида квалификация қилиш учун етарли бўлмайди. Элементлар талаб доирасида бир-бири билан уйғунликда боғланган бўлиши керак.

22. Зарурий мудофаадаги ҳимоя қонунда белгиланганидек, ижтимоий хавфли тажовуз натижасида маълум ҳаракатларда акс этади. Шу ўринда таъкидламоқ жоизки, мазкур ҳаракатлар актив характерга эга, яъни ҳаракатлар ҳимояланувчи шахс ташаббуси билан амалга оширилади. Ҳимоя жараёни, ҳужум ҳамда ҳимоя воситалари тажовузчи ва ҳимояланувчида бир хил бўлиши талаб қилинмайди. Бундан ташқари, ҳимояланувчининг актив ҳаракатлари бевосита тажовузчига қарши йўналтирилганлигида намоён бўлади. Зарурий мудофаа жараёнида ҳимоя қилишда ҳаракатларнинг фаол эканлиги, у нафақат тажовузга жавоб бериш, балки акс ҳужумга ўтиши мумкинлиги, тажовуз қилувчи шахсни унга зўрлик ишлатиш орқали мажбурлашга ўтиши мумкинлигида ифодаланadi.

23. **Зарурий мудофаада ҳимояланишга қаратилган ҳаракатлар** ижтимоий хавфли бўлса-да, у қонунда белгиланган мудофааланувчининг ташаббуси билан амалга ошириладиган фаол хатти-ҳаракатлардан иборатдир. Лекин шундай ҳолатлар ҳам мавжудки, улар зарурий мудофаа, деб ҳисобланмаслиги керак. Масалан, тажовуз қилинаётган вақтда мудофааланувчининг ҳаракатлари тажовуздан чекиниш, қочиш каби «пассив» характерга эга бўлса ва бунда

тажовузчига зарар етказилган бўлса ҳам (масалан, тажовузчи мудофааланувчини ушлаш мақсадида унинг орқасидан қувган вақтида йиқилиб жароҳат олган бўлса, бундай ҳаракатлар нафақат зарурий мудофаа, балки жиноят деб ҳам тан олинмайди.) Негаки, мазкур ҳаракатларда ҳатто жиноятнинг формал белгилари ҳам мавжуд эмас.

24. Зарурий мудофаадаги химоя тўғрилигининг мажбурий шартлари унинг мақсадга йўналтирилганлиги, яъни химояланувчи шахс ҳаракатларининг ижтимоий фойдали мақсадга эришишга қаратилган объектив ва субъектив белгилар тизими тушунилади. Субъектив белгилар тизими тажовуз йўналтирилган белгиланган ижтимоий муносабатларни химоя қилиш талаблари намоён бўлади. Шуни инobatга олиш керакки, химоя ҳаракатлари нафақат химояланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларига тажовуз қилинганда, балки бошқа шахс, ташкилот, муассаса, жамият ва давлат манфаатларига нисбатан қаратилиши мумкин. Бунда тажовузнинг йўналтирилганлиги аҳамиятга эга эмас. Мудофаа қилиш ҳаракатларини ижтимоий фойдали манфаатга эришувга қаратилган, деб тан олишда жабрланувчининг расман ёрдам сўраб мурожаат қилганлиги, унинг ёрдам кўрсатишга розилик берганлиги ёки ёрдам кўрсатмаслик талаби ҳам аҳамиятга эга бўлмайди.

Зарурий мудофаани қўллаш ҳар бир шахснинг субъектив ҳуқуқи ҳисобланади. Шунинг учун, бошқа шахсларга қаратилган тажовузнинг олдини олишга қарор қилиш химояланувчининг истагига борлиқ.

Шахснинг қилмиши ижтимоий фойдали бўлмаса ёки жиноят қонуни билан қўриқланадиган муносабатларга тажовуз қилишга қаратилган бўлса, бундай қилмиш жиноят, деб баҳоланади.

Ижтимоий фойдали мақсадга эришишга қаратилган зарурий мудофаа мавжуд бўлмаса, шахснинг химоя ҳаракатларини аҳамиятсиз қилиб қўяди, айрим ҳолатларда эса, жинoий, масалан, зарурий мудофаани махсус уюштириш жиноят ҳисобланади. Бу шундай ҳолатки, шахс зарурий мудофаа кўринишида зарар етказиш мақсадида англаган ҳолда

бошқа шахсда агрессив ҳаракатлар уйғотадиган шароитлар яратади. Бундай ҳолларда ҳимояланувчи ижтимоий фойдали мақсадга эришиш учун эмас, балки ўзида мавжуд айрим сабабларга кўра ҳаракатланади. Ҳимояланувчининг бундай ҳаракатлари қасд мавжуд жиноят сифатида баҳоланиши лозим. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг тушунтиришларига кўра, агар шахс зиён етказиш (уришиш, азоб бериш, ўч олиш ва бошқалар) ниятида ҳужумнинг келиб чиқишига сабабчи бўлса, бундай ҳаракатларни зарурий мудофаа йўсинида қилинган деб топиш мумкин эмас. Бу ҳолатларда содир этилган хатти-ҳаракатлар умумий асосларда тавсифланиши лозим<sup>1</sup>.

**25. Зарурий мудофаанинг мақсадга йўналтирилган зарурий шарт** субъектив томондан ҳимояланувчининг ҳаракатлари ижтимоий фойдали мақсадга қаратилганлигида ифодаланади. Ҳимояланувчи амалга оширилаётган ҳаракатларининг ижтимоий фойдали характерга эга эканлигини англаши лозим. Кимда ким ҳужумни амалга ошираётган шахснинг ҳуқуққа хилоф тажовузларини билмаган ҳолда бартараф этса, яъни унинг ҳуқуқ билан белгиланган манфаатларга зарар етказса, шахснинг ҳаракатларида зарурий мудофаа ҳолатидаги ҳимоя мавжуд эмас, деб қаралади. Бунда шахснинг иродавий ҳолати катта аҳамиятга эга, яъни ҳимояланувчи тажовузнинг олдини олиб, ижтимоий фойдали мақсадга эришишни кузлаган бўлиши керак. Шундай қилиб, зарурий мудофаанинг мақсади нафақат шахснинг ҳимоя ҳаракатлари орқали ижтимоий фойдали натижага эришиш, балки ўша шахснинг ўз ҳаракатларини англашини ва бу мақсадга эришишни хошлашини талаб қилади.

**26. Зарурий мудофаанинг кейинги асосий шарт**, бу – зарурий мудофаа вақтида зарар уни ҳаётдан маҳрум қилиш, соғлиғига зарар етказиш, мулкни нобуд қилиш ва бошқалар

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги «Ижтимоий ҳафли тажовузлардан зарурий мудофаа ҳуқуқини таъминловчи қонуларнинг судлар томонидан қўлланилиши ҳақида»ги 39-сонли қарори, 3-банд.

фақат тажовузчига етказилиши мумкин. Учинчи шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари жамият ёки давлат манфаатларига зарар етказилишига йўл қўйилмайди.

Конуннинг бундай талаби зарурий мудофаани амалга ошириш ҳуқуқи тажовузчининг ҳуқуққа хилоф ҳаракатлари натижасида келиб чиқишига асосланади.

Шуни инobatга олиш зарурки, зарурий мудофаа шароитида тажовузчига зарар етказиш чоғида ким тажовузни амалга ошираётгани, бундан ташқари, тажовузчи ҳамда мудофааланувчи ўртасида қандай муносабат борлиги инobatга олинмайди. Шу сабабли, мудофаа мудофааланувчининг яқинларига (турмуш ўртоғи, қариндоши, дўсти), фуқаро ёки ҳокимият вакилига нисбатан амалга оширилиши мумкин.

27. Ҳимоя қаратилган қилмишни содир этмаётган учинчи шахсларга нисбатан ҳуқуққа хилоф тажовузнинг олдини олиш мақсадида зарар етказиш зарурий мудофаа ҳисобланмайди.

Агар тажовуз натижасида мудофааланувчи томонидан бошқа шахсларга зарар етказилган тақдирда, унинг қилмиши:

– Жиноят кодексида белгиланган талабларга жавоб берса, охири зарурат сифатида;

– содир этилган жиноятда барча зарурий шартлар мавжуд бўлган ҳолларда ҳаёлий мудофаа қоидалари бўйича зарурий мудофаа ёки эҳтиётсизлик орқасидан содир этилган жиноят сифатида;

– умумий шартлар асосида қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноят сифатида;

– айбсиз ҳолда зарар етказиш сифатида, бундай ҳолларда қилмиш Жиноят кодексига биноан жавобгарликка тортиш учун асос бўлмайди, деб квалификация қилиниши мумкин.

28. **Ҳимояга хос бўлган зарурий мудофаа ҳуқуқийлигининг муҳим шarti** – ҳимоянинг аниқ шароитда тажовузнинг хусусияти ва хавфлигига мос бўлишидир. Зарурий мудофаанинг бу белгиси «тажовуз ва ҳимоянинг мутаносиблиги», деб номланади. Судлар зарурий мудофаа аломатлари бор ёки йўқлиги масаласини ҳал этишда ҳимояланиш ва ҳужум воситаларини ҳисобга олишдан



ташқари тажовузчи томонидан химояланувчига турдирилган хавфнинг характери, химоянинг кучи ва тажовузни қайтариш имкониятлари, шунингдек, ҳужум ва химояланувчининг кучи нисбатларига таъсир кўрсатувчи ишдаги барча ҳолатларини (ҳужум қилувчи ва химояланувчиларнинг сони, уларнинг ёши, жисмоний қуввати, куроли, жой, вақт ва бошқалар) ҳисобга олишлари зарур. Агар тажовуз бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган бўлса, мудофааланувчи ҳужум қилувчиларнинг ҳар бирига нисбатан гуруҳдаги барча тажовузчилар ҳаракатининг характери ва хавфлилик даражасига қараб тегишли химоя чораларини кўришга ҳақли<sup>1</sup>.

29. Бундай ҳолатда **тажовуз характери** сифатида жиной мақсаднинг ташқи кўриниши, яъни қилмиш объектив томонининг сифатли характеристикаси (тавсифи) намоён бўлади.

Тажовузнинг характерини баҳолашда қўлланиладиган тузилмавий элементлар унинг жадаллиги, тўсатданлиги, қатъийлиги ва унинг жиной мақсадга эришишида намоён бўлади. Бундан ташқари, тажовуз характерини аниқлашда жиной мақсадга эришиш йўлини ҳам (зўравонлик биланми ёки аксинча) инobatга олмоқ зарур.

Мудофаанинг тажовуз хусусияти ва хавфлилиги даражасига мувофиқ келишининг асосий талаби — мудофаанинг жиной тажовузнинг ички томонига мос келиши. Қилмишнинг ички томони унинг ижтимоий муносабатларга жиной зарар етказишга йўналтирилганлиги орқали изоҳланади. Зарурий мудофаадаги тажовузнинг хатарлиликка қараб, химоя қўллаш жиной қилмишнинг ички томонидан белгиланади.

**Ички томон** деб, аниқ ижтимоий муносабатлар (жиноят объектига) зарар етказиш амалга оширилаётган жиноят тушунилади. Объектнинг қиймати қанчалик юқори бўлса, қилмиш шунчалик хатарлидир. Шундай қилиб, тажовузнинг хатарлиликни белгиловчи хусусият шуки, бунда жиноят

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги «Ижтимоий хавфли тажовузлардан зарурий мудофаа ҳуқуқини таъминловчи қонунларнинг судлар томонидан қўлланилиши ҳақида»ги 39-сонли қарори, 5-банд.

унинг зарарлилигидан тавсифланади. Жиноят учун зарар қанча катта бўлса, қилмиш шунча хатарли ҳисобланади.

**Химоянинг тўғрилигини белгиловчи яна қуйидаги элементлар инobatга олинади:** ҳужум қилувчи ва химояланувчилар сони, уларнинг ёши, жисмоний қуввати, қуроли, жойи, вақти ва бошқалар<sup>1</sup>. Бундан ташқари, химояланувчи маълум бўлган тажовузчи шахси; тажовуз содир бўлишигача бўлган вақт давомида тажовузнинг химояланувчига нисбатан агрессив муносабати; химояланувчи жинси; химоя воситаларининг мавжудлиги ва улардан фойдаланиш характери; химояланувчининг руҳий ҳолати.

30. Зарурий мудофаа ҳолатида кўрсатилаётган тажовузга нисбатан шахсга ёки бир гуруҳ шахсларга қаратилганлиги мос келиши керак. Агар тажовуз бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган бўлса, мудофааланувчи ҳужум қилувчиларнинг ҳар бирига гуруҳдаги ҳамма тажовузчилар ҳаракатининг характери ва хавфлилик даражасига қараб, тегишли химоя чораларини кўришга ҳақли. Шу билан бирга, бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилаётган тажовуз характер ҳамда хавфлилиги гуруҳдаги алоҳида шахснинг ҳолатидан эмас, балки гуруҳнинг барча аъзолари ҳаракатидан келиб чиқиб белгиланади. Шу сабабдан, бир гуруҳ шахслар томонидан тажовуз амалга оширилса, мудофааланувчи ҳужум қилувчиларнинг ҳар бирига нисбатан гуруҳдаги барча тажовузчилар ҳаракатининг характери ва хавфлилик даражасига қараб тегишли химоя чораларини кўришга ҳақли<sup>2</sup>.

31. Мудофаанинг мувофиқ бўлиши химояланишнинг яхлит бир бутунлик деб қараладиган тажовузнинг алоҳида элементларига эмас, балки унинг барча элементларига мувофиқлигини кўзда тутишни қайд этиш керак. Шунинг учун мудофааланувчининг ҳаракатларини баҳолашда, масалан, фақат етказилган зарарнинг оғирлигидан ёки химояланиш

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги «Ижтимоий хавfli тажовузлардан зарурий мудофаа ҳуқуқини таъминловчи қонунларнинг судлар томонидан қўлланилиши ҳақида»ги 39-сонли қарори, 5-банд.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

ва тажовуз қилишнинг воситалари мувофиқлигидан келиб чиқиш мумкин эмас, чунки тажовуз туфайли вужудга келган кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида ҳимояланувчи ҳамма вақт ҳам юз берган хавфнинг характерини аниқ англаб олмайди ва ҳимоянинг тажовузга нисбатан мувофиқ усулини танлай олмайди<sup>1</sup>. Шунингдек, мудофаа ва тажовузнинг интенсивлигида мутаносиблик ҳам талаб этилмайди.

32. Ҳимояланишнинг тажовуз характери ва хавфига мувофиқ бўлишининг шартини мудофаанинг етарли бўлиши талаби, деб тушунмаслик лозим, чунки тажовузга жавоб берувчи шахс, одатда, ҳар доим ҳам тажовузнинг характери ва хавфини аниқ баҳолай олиши ва жиноятнинг олдини олиш учун керакли ва етарли зарарни етказа олиши мумкин бўлавермайди. Зарурий мудофаа ҳолатидаги шахс томонидан етказиладиган зарар жавоб бериладиган тажовуз етказиши мумкин бўлган ва таҳдид солган зарардан камроқ, унга тенг ёки ундан кўпроқ бўлиши мумкин. Лекин бу ҳолат содир этилган қилмишни зарурий мудофаа деб баҳоланишига таъсир этмайди, чунки зарурий мудофаанинг мақсади тажовуздан етказиладиган эҳтимолий зарарни камайтириш эмас (охирги заруратдаги каби), балки унинг олдини олиш, ҳимоя қилинадиган манфаатларни ҳимоялаш бўлади.

33. Қонунда агар **зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқилмаган** бўлса, ҳимоя ҳуқуқийдир, деб белгилаб қўйилган. Тажовузнинг хусусияти ва хавфлилик даражасига бутунлай мувофиқ келмайдиган мудофаа зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш, деб топилади. Бироқ, бундан олдин ўрганиб чиқилган шартлардан фарқли ўлароқ, шахс ҳаракатларининг мавжуд белгига мос келмаслиги (яъни, зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиши) бундай ҳимоя ҳолати мавжуд эмаслиги ҳамда қилмишнинг умумий асосларда баҳоланиши талаби қўйилишини эмас, балки қонун орқали жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолат сифатида

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги «Ижтимоий хавфли тажовузлардан зарурий мудофаа ҳуқуқини таъминловчи қонунларнинг судлар томонидан қўлланилиши ҳақида»ги 39-сонли қарори, 6-банд.

баҳолашни талаб қилувчи зарурий мудофаа чегарасидан четга чиққан ҳолдаги қилмиш, деб квалификация этишни тақозо этади. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш фақат Жиноят кодекси билан ҳимоя қилинган тажовузчининг ҳуқуқ, эркинлик ва манфаатларига зарар етказгандагина ўзининг жиноят-ҳуқуқий аҳамиятига эга бўлади. Жиноят қонунин билан ҳимоя қилинмайдиган объектларга зарар етказишга зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш сифатида қаралмайди ва Жиноят кодекси асосида жавобгарликка тортилмайди. Бироқ, зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш натижасида бошқа объектларга зарар етказилган бўлса, бу ҳолат маъмурий, фуқаролик ҳуқуқий жавобгарликни келтириб чиқариши мумкин.

34. Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш **объектив ва субъектив** белгиларга эга. **Объектив** томонидан зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш мудофаанинг тажовуз характери (хусусияти) ва хавфлилик даражаси очиқ-ойдин бутунлай мувофиқ бўлмаслигида намоён бўлади. Бунда тажовузчига жинойат қилмиш содир бўлганда келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатга қараганда оғирроқ зарар етказилади.

Бундай ҳолатдаги ҳимоя заруратдан эмас, балки баҳо бера олмасликдан келиб чиқади. Мазкур ҳимоя тажовуз характери ва хавфлилик даражасига реал ҳолатга мос келмаган ҳолда ҳамда ҳимоя воситалари ва усулларини қўллаш орқали келиб чиқиши мумкин.

35. Шунинг илоҳотида олиш керакки, зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш фақат қатъий белгиланган ҳолатда – зарурий мудофаа ҳолатида бўлиши мумкин, бу эса, муайян қилмишда зарурий мудофаа қонунийлигининг барча шартлари мавжуд бўлишини талаб этади.

Айни пайтда, зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш шахс ҳаёлий тажовуздан ҳимоя қилишни амалга оширган ҳолларда – ҳаёлий мудофаа ҳолатларида ҳам юзага келиши мумкин. Жумладан, ҳаёлий мудофаада шахснинг ҳаракатлари билан тегишли ҳақиқий тажовуз шароитида йўл қўйилмайдиган зарарнинг чегарасидан очиқ-ойдин четга чиқадиган зарар

етказилган бўлса, улар зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш, деб малакаланиши лозим.

36. Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқишнинг **субъектив томондан** айбнинг қасд шакли, хусусан, зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқишга нисбатан қасд ва жиноий оқибатга нисбатан эҳтиётсизлик билан тавсифланади. Хусусан, амалдаги жиноят тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ, **зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш** деб ҳимоянинг тажовуз характери ва хавфлилиқ даражасига мос келмаслигига шубҳа туғдирмайдиган аниқ ҳолат тушунилади. Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқилган ёки чиқилмаганлигини аниқлашда субъектив томоннинг мақсади, яъни айнан тажовуздан мудофааланишнинг мақсадига эътибор бериш лозим. Агар бундай мақсад бўлмаса, қилмиш зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш, деб квалификация қилинмаслиги керак. Шундай қилиб, Жиноят кодекси зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқишга нисбатан қасдни (тўғри ёки эгри) белгилайди. Тажовузчига унинг ҳужумини қайтариш вақтида эҳтиётсизлик билан етказилган зарар жиноий жавобгарликни келтириб чиқармайди.

Айни пайтда юзага келган жиноий оқибатлар юзасидан мудофааланувчида фақат ўзига ишониш ёки эҳтиётсизлик тарикасидаги айбнинг эҳтиётсиз тури бўлиши мумкин, қасд эса, зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқишдан иборат бўлган қилмишнинг ўзида мавжуд бўлади. Масалан, зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан баданга оғир тан жароҳати етказилганлик тажовузчининг ўлимига олиб келса, ҳимояланувчининг айби тажовузчининг ўлимига нисбатан эҳтиётсизлик оқибатида юз берган бўлса, Жиноят кодексининг 107-моддаси билан тавсифланиши керак<sup>1</sup>. Юзага келган оқибатларга нисбатан фақат айбнинг қасддан бўлган шакли мавжуд бўлишига асосланган ушбу масалани бошқача ҳал этиш жиноий жавобгарлик чегарасини асоссиз торайтириб, Жиноят

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги «Ижтимоий хавфли тажовузлардан зарурий мудофаа ҳуқуқини таъминловчи қонунларнинг судлар томонидан қўлланилиши ҳақида»ги 39-сонли қарори, 7-банд.

кодексининг вазибалари хал этилишига ёрдам бермайди. Агар зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқишда мудофааланувчи жинойи оқибатлар юзага келиши мумкинлигини англаб етган ва уларнинг юзага келишини истаган ёки онгли равишда йўл қўйган бўлса, унинг харакатлари тегишлича қасддан содир этилган мустақил жиноят, деб малакаланади. Бунда зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш аломатига кўра малакаланиш талаб этилмайди, лекин бу ҳолат енгиллаштирувчи ҳолат сифатида ҳисобга олинади.

37. Ҳимояланувчи инобатга олган **мақсад** зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқишнинг субъектив томони зарурий элементи ҳисобланади: бунда тажовуздан мудофааланишнинг мақсадига эътибор бериш лозим. Бундай мақсаднинг бўлмаслиги қилмиш зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш, деб квалификация қилинмаслигига асос бўлади.

38. Агар зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқишнинг оқибатида тажовузчининг ўлими юз берса ёки унга оғир тан жароҳати етказилса, у ҳолда мудофааланувчи мос ҳолда Жиноят кодексининг 100 ва 107-моддалари бўйича жинойи жавобгарликка тортилиши лозим. Жиноят кодексининг ушбу моддалари бўйича зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқишда малакаланиш, шунингдек, у ёки бу жиноятнинг малакаловчи аломатлари мавжуд бўлганда ҳам ўтказилиши лозимлигини унутмаслик лозим. Жумладан, зарурий мудофаа чегарасидан чиқиб одам ўлдириш Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисмининг «а, б, д, ж, р, с» бандларида кўрсатилган ҳолатларда содир этилган ҳолларда ҳам Жиноят кодексининг 100-моддаси билан тавсифланиши лозим<sup>1</sup> ва Жиноят кодексининг 107-моддаси бўйича ҳам шундай малакаланиш ўтказилиши мумкин.

39. Зарурий мудофаа чегарасидан чиқиб, содир этилган қасддан одам ўлдириш, қасддан оғир ёки ўртача оғир тан жароҳати етказиш жиноятларини кучли ҳаяжонланиш

<sup>1</sup> Қараи: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги «Ижтимоий ҳавфли тажовузулардан зарурий мудофаа ҳуқуқини таъминловчи қонунларнинг судлар томонидан қўлланилиши ҳақида»ги 39-сонли қарори, 9-банд.

ҳолатида юз берган одам ўлдириш, оғир ёки ўртача оғир тан жароҳатлари етказиш жиноятларидан фарқ қилиш керак. Бу ерда шуни назарда тутиш керакки, кучли руҳий ҳаяжонланиш оқибатида содир этилган жиноятларда жабрланувчига зарар етказиш ҳимояланиш мақсадида бўлмайди, демак, зарурий мудофаа ҳолатида ҳам юз бермайди. Бундан ташқари, жабрланувчининг хатти-ҳаракатлари туфайли тўсатдан юз берган руҳий ҳаяжонланиш жиноятлари (Жиноят кодексининг 98, 106-моддалари) худди шундай ҳаяжонланиш таъсири остида вужудга келади, зарурий мудофаа чегарасидан чиқиб содир этилган жиноятлар учун эса, бундай белги бўлиши шарт эмас.

Агар ҳимояланувчи тўсатдан юз берган кучли руҳий ҳаяжонланиш оқибатида зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқса, айбланувчининг ҳаракати Жиноят кодексининг 100 ёки 107-моддалари билан тавсифланиши керак<sup>1</sup>.

40. Шахснинг ҳаракатларида зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш малакаланганда фақат умумий ифодалаш билан чекланмаслиги лозим. Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш мавжудлиги тўғрисидаги ҳулоса ишнинг муайян ҳолатларига асосланиши лозим, бунда ҳимоянинг ҳужум характери ва хавфлилик даражасига бутунлай номувофиқ эканлигини англатувчи<sup>2</sup> ҳулоса, албатта, кўрсатилиши лозим.

41. **Зарурий мудофаа актини қўллаш** ҳар бир шахснинг шахсий ҳуқуқидир ва бундай ҳуқуқни амалга ошириш фақат унинг ўзигагина боғлиқ бўлиб, бу ҳуқуқ зарурий мудофаани қўллаш вақтида амалга оширилади. Зарурий мудофаага бўлган ҳуқуқнинг субъекти бевосита ўзига ёки бошқа шахслар, жамият ва давлат манфаатларига қарши қаратилган тажовузга нисбатан мудофааланувчи шахс ҳисобланади. Бунда мазкур субъектнинг муомалага

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги «Ижтимоий хавфли тажовузулардан зарурий мудофаа ҳуқуқини таъминловчи қонулларнинг судлар томонидан қўлланилиши ҳақида»ги 39-сонли қарори, 8-банд.

<sup>2</sup> Ўша манба, 11-банд.

лаёқатлилиги аҳамиятга эга эмас. Бундан ташқари, шахснинг лавозим ҳамда ижтимоий аҳволи ҳам аҳамият касб этмайди. Зарурий мудофааланиш ҳуқуқи ҳар бир шахсда туғилгандан келиб чиқади ва у хоҳ оддий фуқаро бўлсин, хоҳ чет эллик ёки мансабдор шахс, бу ҳуқуқдан фойдалана олади.

Фақатгина мувофиқ жиноят субъектлари **зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш субъекти** ҳисобланади. Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, одам ўлдириш, оғир ёки ўртача оғир тан жароҳати етказиш учун 16 ёшга тўлган акли расо шахс жавобгарликка тортилади.

42. Шунинг таъкидлаш жонзки, зарурий мудофаа ҳуқуқи – шахснинг жамият ёки давлат манфаатларига қарши қаратилган ижтимоий хавфли тажовуз келиб чиққанда бундай тажовуздан ҳимояланиш борасидаги ҳар бир шахснинг ўзига тегишли ахлоқий ҳуқуқидир. Шунинг учун, ҳар бир шахс зарурий мудофаа ҳуқуқидан фойдаланиш кераклиги ёки керак эмаслигини ўзи ҳал қилади. Бунда бу ҳуқуқдан фойдаланиш қанақадир ташқи ҳолатларга боғлиқ бўлмайди. Масалан, бошқа шахсларга ёки ҳокимият органларига ёрдам сўраб мурожаат қилиш. Тажовузга учраган шахс, ундан қочиб қутулиш, бошқа фуқароларга ва ҳокимият вакилларига ёрдам сўраб мурожаат қилиш ёки бошқа усуллар билан тажовуздан сақланиш имкониятига эга бўлса, бундай ҳолда тажовузга қарши актив равишда мудофааланиш ҳуқуқига эга бўлмайдилар<sup>1</sup> деган фикр мутлақо нотўғри.

Бироқ, белгиланган доирадаги шахслар учун зарурий мудофааланиш ҳуқуқи ахлоқий категория доирасидан ҳуқуқий белгиланган соҳага ўтади. Бундай шахслар қаторига қонунда тўғридан-тўғри кўрсатиб қўйилган ёки хизмат юзасидан жиноятчиликка қарши кураш олиб бориш, одамларни қутқариш, жамоат тартибини сақлаш вазифаси юклатилган шахслар киради (масалан, милиция, ички ишлар органларининг бошқа қисмлари, давлат хавфсизлик хизмати

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги «Ижтимоий хавфли тажовузлардан зарурий мудофаа ҳуқуқини таъминловчи қонунларнинг судлар томонидан қўлланилиши ҳақида»ги 39-сонли қарори, муқаддима, 3-хатбоши.





ходимлари, инкассатор ва бошқалар). Зарурий мудофаанинг мазкур шахслар томонидан амалга оширилиши уларнинг юридик мажбурияти ҳисобланади.

---

### 38-модда. Охирги зарурат

Охирги зарурат ҳолатида, яъни шахснинг ёки бошқа фуқароларнинг шахсига ёхуд ҳуқуқларига, жамият ёки давлат манфаатларига таҳдид солувчи хавфни қайтариш учун қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларга зарар етказган ҳолда содир этилган қилмиш, башарти, шу хавфни ўша ҳолатда бошқа чоралар билан қайтаришнинг иложи бўлмаса ҳамда келтирилган зарар олди олинган зарарга қараганда камроқ бўлса, жиноят деб топилмайди.

Шахснинг охирги зарурат ҳолатида содир этган қилмиши, башарти охирги зарурат чегарасидан четга чиқилмаган бўлса, қонуний деб топилади.

Агар бошқа воситалар орқали хавфнинг олдини олиш мумкин бўлса ёки келтирилган зарар олди олинган зарардан ошиб кетса, қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларга бундай зарар етказиш охирги зарурат чегарасидан четга чиқиш деб топилади.

Охирги зарурат ҳолатида содир этилган қилмишнинг қонунийлигини баҳолашда олди олинishi лозим бўлган хавфнинг хусусияти ва хавфлилик даражаси, шундай хавфнинг ҳақиқатан мавжуд ёки мавжуд эмаслиги ва юз бериш вақтининг яқинлиги, хавфни қайтарувчи шахснинг мавжуд имкониятлари, вужудга келган вазиятдаги рухий ҳолати ва ишнинг бошқа ҳолатлари ҳисобга олинади.

---

## Ш А Р Х

---

1. Қилмишнинг жиноийлигини истисно этувчи ҳолатлардан бири охирги заруратдир. Бироқ, зарурий мудофаадан фаркли равишда, охирги зарурат ҳуқуққа хилоф тажовузнинг

олдини олишга эмас, балки ҳуқуқий ҳимояланган манфаатлар тўқнашувида юзага келадиган келишмовчиликларни ҳал қилишга қаратилган ҳуқуқий механизмни шакллантиришга хизмат қилади. Шахс охириги зарурат ҳолатида турганида қуйидагилардан бирини танлаши лозим: хавф солаётган хатарнинг содир бўлишига йўл қўйиш ёки қонуний манфаатларга зарар етказиш орқали хатарнинг олдини олиш. Сўнги ҳолатда шахснинг ҳаракатлари расмий жиҳатдан жиноятдан фарқ қилмаслиги мумкин, бироқ маълум шартлар асосида мазкур ҳолат ижтимоий фойдали ҳамда ҳуқуққа мос, деб тан олинади.

Охириги заруратнинг ҳуқуқийлигини белгиловчи шартлар икки гуруҳга бўлинади:

- таҳдид солаётган хавфга нисбатан ҳуқуқий шартлар;
- мудофаага нисбатан ҳуқуқий шартлар.

**2. Охириги заруратнинг таҳдид солаётган хавфга нисбатан ҳуқуқий шартлари** шундай ҳолатларга тавсиф берадики, бунда таҳдид солаётган хавф қонун билан қўриқланаётган ижтимоий муносабатларга (манфаатлар)га қаратилган бўлади. Охириги заруратнинг таҳдид солаётган хавфга нисбатан ҳуқуқий шартлари ҳақида гапирганда, унинг ижтимоий хавфлилиги, мавжудлиги ва ҳақиқийлиги позициясидан туриб тавсифланади.

**3. Ижтимоий хавфлилик** шундай ҳолатки, бунда бу ҳолат ўзининг хусусиятига кўра, жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий аҳамиятли объектларга зарар етказиш имкониятига эга бўлади. Бундай объектлар сирасига Жиноят кодексига белгиланган охириги зарурат ҳолатида турган шахснинг ҳуқуқи бошқа фуқаролар, жамият ҳамда давлатнинг манфаатлари киради.

Ижтимоий хавfli охириги заруратни келтириб чиқарувчи ҳолатлар сифатида атроф-муҳитга, мулкка, бошқарув тартибига таҳдид солаётган хавф тан олинади.

**4. Шунинг илоҳотида олиш керакки,** охириги заруратда ҳолатлар фақат ижтимоий хавfli бўлмоғи даркор, зарурий мудофаадан фарқли равишда ҳуқуққа хилоф белгилар мавжуд бўлиши шарт эмас, яъни, нафақат бошқа шахсларга тажовуз

қилиш, балки табиат кучлари таъсири (табиий офатлар, об-хаво шароитлари, зилзила, сув тошқини) хавф манбаидир; одам организмнинг физиологик ва патологик ўзгаришлари (оғрик, зўриқиш); юқори хавф манбаи; ҳайвонлар ҳаракати; машина ҳамда механизмларнинг носозлиги ва бошқалар тушунилади. Бундан ташқари, хавф манбаи сифатида айбсиз ҳаракат ҳам тан олинади. Таҳдид солиши мумкин бўлган хавф манбаларининг тўлиқ рўйхатини мантиқан тасаввур қилиб бўлмайди.

5. Хавф манбаи шахснинг хулқ-атвори бўлган тақдирда тергов ва суд органлари содир этилган қилмишнинг субъектив томонига эътибор қаратишлари керак. Агар шахс қасддан ўзига ёки бошқа шахсларга ёхуд жамият манфаатларига нисбатан хавфли ҳолатни келтириб чиқариб, сўнг буни охири зарурат ҳолатига йўйиб, қандайдир жиноий қилмиш содир этса, унинг ҳаракатлари, умумий асосларга кўра, жиноят деб квалификация қилиниши керак. Бундай ҳаракатлар охири заруратни қасддан келтириб чиқариш ҳисобланади. Агар шахснинг дастлабки хатти-ҳаракати қасддан содир этилиб, кейинчалик вужудга келган ижтимоий хавфли оқибатни бартараф этиш мақсадида яна бир ижтимоий хавфли қилмиш содир этса, унинг иккинчи (сўнгги) қилмиши охири зарурат сифатида квалификация қилиниши мумкин. Масалан, шахс бошқа бир шахсга оғир тан жароҳати етказиб, кейинчалик унинг ҳаётини қутқариб қолиш учун автомашинани олиб кочса, шахснинг кейинги қилмиши охири зарурат, деб топилади ва жиноий жавобгарликка тортилмайди.

Агарда, шахс томонидан содир этилган биринчи қилмиш эҳтиётсизлик орқасида ёки айбсиз ҳолда (қасдни камраб олмаган бўлса) содир этилса, бунинг оқибатида келиб чиққан юқори зарар кам зарар (иккинчи қилмиш) орқали олди олинса, бундай ҳолат охири зарурат, деб квалификация қилиниши мумкин. Биринчи қилмишга эса, мустақил ҳуқуқий баҳо берилиши лозим.

6. Шуни таъкидлаш жоизки, фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг белгиланган ҳуқуқий ҳаракатлари (ҳаракат-сизлиги) ҳам охири заруратнинг хавф манбаи сифатида

тан олинади. Булар қаторига жиноятни истисно қилувчи ҳолатлар (зарурий мудофаа, ижтимоий хавfli қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш мисолида кўриш мумкин), содир этилган ҳаракат (ҳаракатсизлик) киради. Хавф манбаи бўлиб, шунингдек, зарурий мудофаа, буйруқни бажариш ҳуқуқийлигининг чегарасидан чиқиб содир этилган қилмишлар ҳисобланади. Бундай ҳолатларга қарши охириги зарурагни қўллаш мумкин.

7. **Хавфнинг мавжудлиги** қонун билан кўриқланаётган объектларга муқаррар зарар етказилиши мумкин бўлган хавфнинг вужудга келиши, зарар етказилаётганлигини ёхуд реал хавф мавжудлигини билдиради, шунингдек, хавфнинг мавжудлиги ёхуд зарар етказилаётганлиги тушунилади. Олди олинган ёки ўтиб кетган хавф мавжуд, деб қабул қилинмайди ва охириги зарурат, деб ҳисобланмайди. Бундай ҳолларда зарар етказиш охириги зарурат ҳолатидаги қилмиш деб топилмай, умумий асосларда ҳуқуқий баҳо берилади.

8. Охириги заруратнинг хавфини белгиловчи зарурий шарт унинг **ҳақиқийлиги**да намоён бўлади, яъни у объектив ва реал мавжуд бўлиши керак. Агар хавф ҳақиқий бўлмасдан, шахс унинг мавжудлиги ҳақида нотўғри тахмин қилган бўлса, шахснинг бундай қилмиши тахминий охириги зарурат деб баҳоланиб, жавобгарлик масаласи фактик хатога оид умумий қоидаларга кўра ҳал қилиниши мумкин. Жавобгарлик масаласи эса, фактик хатога қараб белгиланади.

Бунда шахснинг ҳаракатига қуйидагича қаралади:

– **охириги зарурат сифатида**, шахс ўз тасаввурининг ҳатолигини билмаса ва билиши ҳам мумкин бўлмаса;

– шахс ўзининг тахминлари ҳатолигини билмаган ва билиши мумкин бўлмаган ҳолларда, унинг ҳаракати шахс ўзининг тахмини ҳатолигини билмаган бўлса, лекин ишнинг ҳолати бўйича билиши лозим ва мумкин бўлса, **эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноят** сифатида баҳоланади.

9. Таҳдид солаётган хавфнинг олдини олишга қаратилган қилмишнинг ҳуқуқийлиги шарҳланаётган моддада мустаҳкамланган назарий ва амалий жиҳатдан ишлаб чиқилган мезонлар билан мос бўлиши керак. Мазкур мезонлар

қуйидагиларда акс этади, масалан, қилмишнинг ижтимоий фойдалилиги, мажбур бўлганлик туфайли содир этилиши, бошқа шахсларга етказилиши мумкин бўлган зарарни бартараф этишга қаратилганлиги, охири заруратнинг қонунда белгиланган доирадан четга чиқмаслиги ва хоказо. Қўрсатиб ўтилган шартларга қилмиш мос келган ҳоллардагина у охири зарурат сифатида квалификация қилиниши мумкин.

10. Охири заруратдаги қилмиш қонун билан қўриқланадиган объектларга зарар етказиш хавфининг олдини олишга қаратилган бўлади, яъни у ижтимоий фойдали манфаатларга хизмат қилади. Шу ўринда таъкидлаш керакки, жиноят қонуни ҳар қандай қилмишни ҳуқуқий манфаатларни ҳимоя қилишга қаратилган ижтимоий фойдали ҳаракат, деб топмайди. Қонун билан қўриқланадиган бошқа манфаатларга зарар етказмасдан хавфни бартараф этиш имкони мавжудлиги охири заруратнинг ҳақиқийлигини истисно этади. Агар шахс бундай имконият мавжудлигини билмаган ва билиши мумкин ҳам бўлмаса, унинг қилмиши охири зарурат, деб баҳоланиши мумкин.

11. **Қилмишнинг мажбурийлиги** деганда, вужудга келган вазиятда қонун билан қўриқланадиган манфаатларга зарар етказиш хавфни бартараф этишнинг охири ягона усули эканлиги тушунилади. Бошқача қилиб айтганда, жиноят қонуни билан қўриқланаётган ҳуқуқ ва манфаатларга зарар етказилиши хавфи мавжуд бўлган ҳолатда шахс ҳуқуқий чоралар билан зарарнинг олдини олишга ҳаракат қилиши керак. Фақатгина таҳдид солаётган хавфни бошқа усуллар билан тўхтатиб бўлмаса, бир манфаат йўлида бошқаси қурбон қилинади, негаки, хавфнинг олдини олишнинг бошқа усуллари мавжуд эмас ёки етарлича бўлмайди. Шундай қилиб, шахс, энг аввало, ҳуқуқ билан ҳимояланган манфаатлар тўқнашувининг олдини олишга ҳаракат қилиши керак, бунинг иложи бўлмасагина, унинг камчиликни ташкил қилувчи қисмига зарар етказиши мумкин. Масаланинг бундай ечим топиши охири заруратда тенг асосларда жиноят қонуни билан қўриқланаётган объектлар тўқнашиши билан изоҳланиши мумкин.

12. Хавфнинг бошқа қўриқланаётган манфаатга зарар етказмасдан олдини олиш имкони борлиги – қилмишнинг ҳуқуқийлигини инкор этади, бунда мазкур институтнинг зарурий мудофаадан фарқловчи аниқ тафовути кўринади: зарурий мудофаада бошқа имконият мавжуд бўлса ҳам зарар етказилиши мумкин. Бундай ҳолатда содир этилган қилмиш умумий асосларда квалификация қилинади. Бу вазиятда қилмишнинг субъектив томон ҳаракатларига эътибор беришлари керак, яъни, агарда, шахс иш ҳолатларига кўра зарар етказмасдан хавфнинг олдини олиш мумкинлигини англаса ёки англаши мумкин бўлса-ю, лекин бундай қилмаса, унинг ҳаракатлари қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасидан жиноят содир этилган, деб топилиши мумкин. Бу ҳолатда шахс зарар етказмасдан туриб, хавфни бартараф этиш мумкинлигини иш ҳолатига кўра англамаса ва англаши ҳам мумкин бўлмаса, охириги зарурат қоидаларига кўра квалификация қилиниши мумкин.

13. Шунини инобатга олиш керакки, охириги заруратда қилмишни мажбурий амалга ошириш бундай ҳолатларда унинг ягоналигини кўрсатмайди, яъни айнан махсус қилмишнинг охириги бўлиб кўриниши талаб қилинмайди. Қилмишнинг мажбурийлиги зарар етказиш усулида эмас, балки, унинг фақат зарар етказишда мажбурийлигидир.

14. Охириги зарурат ҳолати белгиларига тўғри келадиган қилмиш содир этилганда, фақат учинчи шахслар ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказиши керак.

**Учинчи шахс** деганда, охириги зарурат бўйича бартараф этилган хавф билан алоқадор бўлмаган шахслар, жамият ва давлат манфаатлари тушунилади.

Шарҳланаётган моддадаги у ёки бу шахс, жамият ёки давлатни учинчи шахс сифатида талқин қилиш учун келиб чиққан хавфга нисбатан объектив ҳамда субъектив элемент боғлиқлигини аниқлаш талаб қилинади. Жумладан, объектив элемент шахснинг жамият ёки давлатнинг муайян фаолияти охириги зарурат билан олди олинadиган хатарни келтириб чиқаришига таъсир кўрсатмаслиги кераклиги талабини кўяди. «Учинчи шахслар»нинг ҳуқуқ ва эркинликларига зарар етказишнинг субъектив томони деб, охириги зарурат ҳолатида

ҳаракатланаётган шахснинг олди олинаётган хавфга учинчи шахсларнинг дахли йўқлигини ва уларга зарар етказиш хоҳиши борлигини англаши тушунилади.

15. **Охирги заруратни қўллашда зарар етказишнинг мувофиқлиги** деганда, шу тушуниладик, бунда мазкур зарар олди олинаётган хавфга мос бўлиши керак. Бироқ, охирги заруратда етказилаётган ва олди олинаётган зарарнинг мувофиқлиги белгиси зарурий мудофаанинг шунга ўхшаш элементидан фарқ қилади. Охирги зарурат ҳолати қонунийлигининг мажбурий шarti етказилган зарар олди олинган зарардан камроқ бўлиши талабидир (ЖК 38-моддасининг биринчи қисми). Бундай талаб қўйилишига сабаб, охирги заруратда зарар тажовузчининг ўзига эмас, қонун билан қўриқланаётган бошқа ҳуқуқ ва манфаатларга етказилади.

16. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, қонун, етказилган зарар миқдори кам аҳамиятли бўлиши талабини қўяди.

Қонун етказилган зарарнинг аҳамияти қанчалик кам бўлишини чегараламайди. Шунинг учун, ҳуқуқий, деб нафақат кам зарар етказиш тушунилади, балки ўз аҳамияти жиҳатидан олди олинаётган зарарга яқин бўлиши керак.

17. Етказилган ва олди олинган зарарнинг мослиги зарар етказилган ва химоя қилинган ҳуқуқ ва манфаатлар мувофиқлигини билдиради. Зарарнинг турли кўринишларида намоён бўладиган сифат ва миқдор кўрсаткичларини белгилайдиган асос мавжуд эмас. Қайси манфаат қимматлироқ, қайси зарар камроқлиги масаласи ишнинг аниқ ҳолатларига қараб, ҳар бир воқеанинг хусусиятларини инобатга олган ҳолда ҳал қилинади. Бунда қуйидагилар инобатга олинади:

- бузилган манфаатнинг муҳимлиги;
- олди олинган зарар миқдори;
- таҳдид солаётган хавфнинг характери;
- хавфнинг олди олинмаганда қандай оқибатлар юзага келиши мумкинлиги ва бошқалар.

Етказилган ҳамда олди олинган зарарнинг сифат-миқдор мувофиқлиги принциpidан келиб чиққан ҳолда, қуйидаги ҳолларда иш юритиш лозим:

– олди олинган хавфга қараганда етказилган зарар бошқача характерга эга бўлса. Бундай вазиятда етказилган зарар бартараф этилган хавфдан кўра кўп бўлса, бундай ҳолларда етказилган зарарнинг бартараф этилган хавфдан кўра камроқ бўлишига эътибор бериш шарт (масалан, шахснинг ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилиш мақсадида мулкий зарар етказилиши);

– сифат жиҳатидан ўхшаш, яъни айнан бир хил ижтимоий муносабатларга қарши қаратилган зарар етказилса (масалан, оғир тан жароҳати етказилишини бартараф этиш мақсадида шахсга енгил тан жароҳати етказилиши): сифат жиҳатидан бир хил зарар етказилиши деганда, етказилган ва бартараф этилган зарар бир хил манфаатларга йўналтирилганлиги тушунилади;

– бартараф этилган хавфдан сифати ва даражаси фарқланадиган зарар етказилса, айниқса, бошқа объектларнинг кўпроқ сонини қутқариш мақсадида Жиноят кодекси ҳимоя қиладиган имтиёзли объектларнинг камроқ сонига зарар етказилиши (масалан, бир нечта кишиларга оғир тан жароҳатлари етказилишининг олдини олиш учун бир кишини ўлдириш) бундай ҳолда охири зарурат зарар етказиладиган ва бартараф этиладиган Жиноят кодекси ҳимоя қиладиган объектларнинг характери ўртасида кескин номувофиқлик бўлмаган ҳолда қонуний деб тан олиниши мумкин. Бу ҳолда етказилган зарарнинг ва олди олинган зарарга нисбатан аҳамияти масаласини ҳал этиш кўпроқ ишнинг муайян ҳолатларига боғлиқ бўлади: хавф бўлган ва зарар етказилган объектларнинг индивидуал хусусиятлари, таҳдид солган ва етказилган зарарнинг ҳақиқий миқдори ва бошқалар. Худди шундай тарзда бир ёки бир неча катта аҳамиятли неъматларни кам аҳамиятли кўпроқ неъматларга зарар етказилиши ҳолатида ҳимоя қилиш масаласи ҳал этилиши мумкин (масалан, ўз мулкни ўзганинг мулкига, жамоат тартибига, бошқарув тартибига зарар етказиш орқали ҳимоя қилиш ва ҳоказо).

18. Белгилаб ўтиш жоизки, охири заруратда зарар етказишнинг тўғрилигини белгилайдиган қонуний талаб



нисбатан кам зарар етказиш ҳисобланади. Шундай қилиб, бир хил зарар етказиш ёки ундан юкори турувчи зарар етказиш мувофиқлик шартини бузади. Мазкур шарт шахсга зарар етказишнинг аҳамияти кам усулидан фойдаланиш мажбуриятини юкламайди. Шунинг учун, агар шахсда хавфни бартараф эта оладиган аҳамияти камрок усуллар мавжуд бўлса, у мазкур усуллардан бирини танлаб ҳаракатланиши мумкин ва унинг ҳаракатлари охириги зарурат сифатида баҳоланиши мумкин. Бунда содир этилган қилмишни малакалашга ушбу усуллардан бирортаси бошқаларига караганда камрок зарарга олиб келиши таъсир этмайди. Бу ҳолда фақат етказилган зарарнинг олди олинган зарардан камроклиги аҳамиятли бўлади.

**19. Охириги зарурат қонунийлигининг мустақил шarti сифатида** қонун шахснинг охириги зарурат чегарасидан четга чиқмаслиги шартини кўрсатади. Агар бошқа воситалар орқали хавфнинг олдини олиш мумкин бўлса ёки келтирилган зарар олди олинган зарардан ошиб кетса, қонун билан кўриқланидиган ҳуқуқ ва манфаатларга бундай зарар етказиш охириги зарурат чегарасидан четга чиқиш деб топилади. Шунини кайд этиш лозимки, бу шартлардан ҳеч бўлмаса биттаси бўлмаганда охириги зарурат чегарасидан четга чиқиш деб ҳисобланади: қилмишнинг мажбурийлиги ёки етказилган зарар мувофиқлиги ва уларнинг жамулжамлиги бу ҳолда талаб этилмайди.

Шу билан бирга, охириги зарурат чегарасидан четга чиқиш фақат шундай зарурат бўлганда мумкин бўлади, шунинг учун қилмишни охириги зарурат чегарасидан четга чиқишда содир этилган, деб тан олиш учун охириги зарурат ҳолати мавжудлигини, яъни мажбурийлиги ёки мувофиқлигидан ташқари барча аввал шарҳланган шартлар мавжудлигини аниқлаш лозим.

**20. Қилмишни зарурат чегарасидан чиқиш, деб квалификация қилиш учун шахс қилмишининг субъектив томонини ҳам инobatга олиши лозим.** Бунда шунини инobatга олиш керакки, кучли рухий ҳаяжонланишда шахс ўзининг қилмишини хар доим ҳам тўғри баҳолай олмаслиги мумкин.

Шу сабабдан, охирги зарурат чегарасидан чиқиш ҳолатини белгилашда ҳар бир хатти-ҳаракатни алоҳида эътиборга олиш зарур.

21. Охирги зарурат чегарасидан четга чиқиш ҳолатида қилмишнинг мажбурийлиги шартининг мавжуд бўлмаслиги, айбнинг қасд ёки эҳтиётсизлик шакли билан характерланади, яъни шахс ҳаракатга қараб, хавфнинг зарар етказмасдан олдини олиш имконияти мавжуд эканлигини англаши лозим. Бундай ҳолда, содир этилган қилмиш охирги зарурат чегарасидан четга чиқиб, жиноят қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида содир этилган, деб квалификация қилиниши лозим.

22. Агар охирги зарурат чегарасидан четга чиқиш олди олинган зарардан каттароқ зарар етказилишида ифодаланса, охирги зарурат чегарасидан четга чиқиш учун жавобгарлик фақат қилмиш жинойий эҳтиётсизлик шаклида содир этилган ҳолда юзага келади. Бошқача айтганда, айбдор шахс олди олинаётган зарарга қараганда каттароқ ёки тенг зарар етказилаётганлигини иш ҳолатларига кўра англаши лозим бўлса-да, англаб етмайди. Шу ҳолда каттароқ зарарни етказиш қасди аниқланса (масалан, жабрланувчига оғир тан жароҳатини етказишга йўл қўймаслик учун уни ўлдириш), содир этилган қилмиш тегишли қасддан жиноят, деб малакаланиши лозим, бунда охирги зарурат чегарасидан четга чиқиш бўлмайди.

23. Охирги зарурат чегарасидан четга чиқишда шахс қилмиши субъектив томонининг мақсади ижтимоий фойдали аҳамиятга эга бўлиб, камроқ зарар етказиш воситасида кўп миқдордаги зарарни бартараф этишни билдиради. Охирги заруратнинг ҳуқуқийлигини белгилайдиган мазкур умумий шарт, қилмишни охирги зарурат чегарасидан четга чиқиш, деб баҳолашда алоҳида аҳамият касб этади.

24. Жиноят кодексида охирги зарурат чегарасидан четга чиқишда содир этилган махсус жиноят таркиблари йўқ. Шунинг учун бундай қилмишларни тегишли қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасидан жиноят учун жавобгарликни кўзда тутган моддалар бўйича малакалаб, у охирги зарурат чегарасидан четга чиқишда содир этилганлигини кўрсатиш

керак, бу эса, қонун томонидан енгиллаштирувчи ҳолат сифатида ҳисобга олинади (Жиноят кодекси 55-моддасининг 1-қисми «е» банди).

25. Охирги заруратни амалга ошириш барча шахсларнинг субъектив ҳуқуқидир. Бу борада қонунда ҳеч қандай чеклов мавжуд эмас. Ҳар бир шахс ўз кучи билан манфаатларни ҳимоя қилишдек субъектив ҳуқуқидан фойдаланиши, шунингдек, ундан воз кечиши ҳам мумкин.

Шу билан бирга, хавфни бартараф этиш маълум бир шахсларнинг хизмат мажбурияти ҳисобланади, масалан, ички ишлар органлари, давлат хавфсизлик хизмати, фавқулотда вазиятлар органлари ходимлари. Бундай шахсларга улар ўзларининг хизмат ёки профессионал вазифаларни бажараётганларида охирги зарурат қоидалари қўлланилмайди, яъни улар охирги зарурат сабаби билан хавфнинг олдини олишдан четлана олмайдилар. Бирок, хавфнинг олдини олишда ички ишлар органлари, давлат хавфсизлик хизмати, фавқулотда вазиятлар органлари ходимлари, учинчи шахслар ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказилиши мумкин бўлган вазиятларга тушишлари мумкин (масалан, сув пуркагични ўтказиш мақсадида автомашина ойнасини синдириш). Бундай ҳолда, уларнинг ҳаракатлари шарҳланаётган моддага мувофиқ баҳоланади.

26. Шунини инобатга олиш керакки, содир этилган жиноят учун белгиланган жиноят учун жавобгарлик ёшига тўлган ақли расо жисмоний шахслар охирги зарурат чегарасидан четга чиқиш субъекти ҳисобланади.

27. Суд-тергов амалиётида у ёки бу қилмишни ўхшаш институтлар ҳисобланган охирги зарурат ёки зарурий мудофаа, деб квалификация қилиш масаласида айрим бир қийинчиликлар мавжуд. Бу борада қилмишни тўғри квалификация қилиш жиноят тўғрисидаги қонунчилик олдида турган вазифаларни бажариш, зарар етказган қилмишнинг ҳуқуқийлиги чегарасини белгилаш ҳамда шахсни жинойий жавобгарликка тортиш учун муҳимдир. Шунингдек, қилмишни тўғри квалификация қила олиш, биринчидан, жинойий жавобгарликка тортилувчи шахснинг ҳуқуқий мақомини белгилаш; иккинчидан, Жиноят кодекси

олдида турган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш; учинчидан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар обрӯ-эътибори ва нуфузини кўтариш учун муҳимдир.

Шу сабабли охириги зарурат ҳамда зарурий мудофаанинг фарқларига алоҳида аҳамият қаратиш лозим. Бу фарқлар қуйидагиларда намоён бўлади:

– зарурий мудофаа шахсни қонун муҳофазасидаги манфаатларга қарши қаратилган ҳуқуққа хилоф тажовуздан химоя қилишда ифодаланади. Охириги заруратда эса, хавф манбаи нафақат шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши, балки енгиб бўлмас куч натижасида юзага келган ҳолатлар ҳам бўлиши мумкин;

– зарар етказилиши мумкин бўлган шахслар доираси турлича. Жумладан, зарурий мудофаада зарар фақат тажовузчига етказилади, охириги заруратда эса, зарар учинчи шахсга етказилади, яъни охириги зарурат бўйича бартараф этилган хавф билан алоқадор бўлмаган шахслар, жамият ва давлат манфаатлари ҳисобланади;

– етказилган ва бартараф этиладиган зарарнинг ўзаро муносабатига кўра, яъни зарурий мудофаада етказилган зарар бартараф этилган зарар билан тенг ёки ундан кўпроқ бўлиши мумкин, охириги заруратда эса, кўпроқ зарарни бартараф этиш мақсадида камроқ зарар етказиш ҳисобланади. Охириги заруратда етказилган зарар олди олинган зарарга қараганда камроқ бўлиши назарда тутилади;

– зарурий мудофаада химоя фақат фаол ҳаракат орқали ифодаланса, охириги заруратда хавфни бартараф этиш ҳаракатсизлик билан ҳам, яъни ҳаракат ёки ҳаракатсизлик билан амалга оширилади.

---

### **39-модда. Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш**

Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ҳокимият органларига топшириш мақсадида ушлаш вақтида унга зарар

етказиш, агар уни ушлаш учун зарур булган чораларнинг чегарасидан четга чиқилмаган бўлса, жиноят деб топилмайди.

Ушлаш воситалари ва усулларига, қилмишнинг ҳамда уни содир этган шахснинг хавфлилик даражасига, шунингдек ушлаш шароитига бутунлай мос келмайдиган, ушлаш зарурати тақозо этмаган ҳолда ушланаётган шахсга касддан зарар етказиш ушлаш чоралари чегарасидан четга чиқиш деб топилади.

Ижтимоий хавfli қилмишни содир этган шахсни ушлаш вақтида унга етказилган зарарнинг қонунийлигини баҳолашда, қилмишни содир этган шахснинг ушланишдан қочиш мақсадида қилган ҳаракатлари, ушловчининг кучи ва имкониятлари, рухий ҳолати ва ушлаш билан боғлиқ булган бошқа ҳолатлар ҳисобга олинади.

Махсус ваколатли шахслар билан бир қаторда жабрланувчи ва бошқа фуқаролар ҳам ижтимоий хавfli қилмишни содир этган шахсни ушлаш ҳуқуқига эгадирлар.

## Ш А Р Х

1. Ижтимоий хавfli қилмиш содир этган шахсни ушлаш одил судлов манфаатларини таъминлашнинг энг муҳим элементларидан биридир. чунки у кейинги жиноий фаолиятга чек қўйиш, қочиш ёхуд далил-исботларни яшириш ёки йўқ қилишнинг олдини олишга қаратилади<sup>1</sup>. Бундан ташқари, шахсни ушлаш Жиноят кодексининг вазифаларини, унинг тамойилларини амалга ошириш учун катта аҳамиятга эга бўлади. Айнан шу сабабли, жиноят тўғрисидаги қонунчилик мазкур институтни, гарчи, у ижтимоий хавfli қилмиш содир этган шахснинг ҳуқуқ ва манфаатларига маълум бир даражада зарар етказилган тақдирда ҳам, ижтимоий фойдали, деб ҳисоблайди. Бундай ҳолларда, ушлаш четдан қараганда, жиноятдан ҳеч қандай фарқи йўқдек туюлади, бироқ, аслида у жиноят эмас. Шу сабабли, ушловчи шахснинг ҳаракатларига

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси 220-моддасининг 1-қисми // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 2-сон.

туғри баҳо бериш, уларни жиноий ҳаракатларидан чеклаш учун Жиноят кодексининг шарҳ қилинаётган моддасида бириктирилган зарар етказишнинг қонунийлиги шарт ва талаблари ҳамда ушловчининг ҳаракатлари ўртасида мувофиқлик бўлиши талаб этилади.

2. Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш пайтида зарар етказиш қонунийлиги шартлари, бир томондан, ушлаш ҳуқуқини амалга ошириш, иккинчи томондан, ноқонуний ҳаракатлар ва судсиз жазолаш имконини истисно қилишга имкон беради. Ушбу шартлар шарҳланаётган институтнинг иккита элементи: ушлашга ва ушлашда етказиладиган зарарга тааллуқли бўлади, уларнинг ҳар бирининг алоҳида ва биргаликда қонунийлигини аниқлайди ва ушлаш жараёнида зарар етказишнинг қонунийлигини кўрсатади.

3. Ушлашнинг қонунийлик шартлари бу қисқа муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳақ-ҳуқуқ берадиган етарли ва керакли асослар сифатида қонун томонидан тан олинган ҳолатларнинг тулиқ тавсифини беради. Ушбу ҳолатлар ушлашнинг деярли барча асосий масалаларини жиноят-ҳуқуқий тарафдан ёритиб беради. Айнан, ушлаш учун асосларнинг мавжудлиги ва субъектлари; уни амалга оширишнинг усули ва воситалари; ушлашнинг мақсади ва вақти; унинг бажарилган, деб ҳисобланиши каби элементларнинг мавжудлигига боғлиқдир.

4. Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш ҳуқуқи бундай қилмиш содир этилиши билан вужудга келади ва амалга оширилади. Ушлаш ҳақ-ҳуқуқини амалга оширишга асос сифатида шахснинг ижтимоий хавфли қилмишни содир этганигина тан олинади. Бу ҳақда (Жиноят кодексининг 39-моддаси биринчи қисми) қонунда аниқ маълумот берилган. Ушлаш ҳуқуқи ҳар қандай ижтимоий хавфли қилмишни содир этиш пайтида кучга киради. *(Ижтимоий хавфли қилмиш ҳақида ЖКнинг 14-моддаси шарҳига қаранг)*

5. Ушлаш ҳуқуқи фақат ижтимоий хавфли қилмиш қасддан ёки эҳтиётсизлик оқибатида содир этилганлигига эътибор қаратмайди. Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказишнинг ҳуқуқийлиги

элементларини изохлаш билан бирга, қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражаси, айбнинг шакли, жиноятнинг тугалланган ёки тугалланмаганлиги, шунингдек, иштирокчилик шакли ҳам инobatга олинishi лозим (жиноят содир этишга суикасд ва тайёргарлик кўриш). Бундан ташқари, жиноят содир этишга ёрдам бериш, амалга ошириш, унга тарғиб қилиш, айникса, жиноятни уюштириш каби биргаликда содир этиладиган ҳаракатлар ҳам ижтимоий хавфли қилмиш сирасига киради.

Ушлаш ҳуқуқини амалга ошириш учун асос сифатида тан олишга содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси аҳамиятга эга эмас. Айни пайтда, содир этилган ҳаракатнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ушбу шахсни ҳокимият органларига келтириш заруратига, унга зарар етказишга тегишли ушлаш усули ва имкониятларини ишга солишга таъсир қилади.

6. Шахснинг жиноят бўлмаган маъмурий ҳуқуқбузарлик, интизомий қилмишни содир этгани учун ушлаш мумкин эмас. Худди шундай, жиноий қасдини аниқлаган ҳолда ҳам ушлаш мумкин эмас, чунки шахс хали ҳеч қандай ижтимоий хавфли қилмишларни содир этмаган. «Соф қасдини» аниқлаш жиноий жавобгарликни, демакки, ушлаш ҳуқуқини истисно этади.

**Ушлаш** жиноят-процессуал хусусиятга ҳам эга бўлиб, шахсни ижтимоий хавфли қилмиш содир этган, деб топишнинг асослари қуйидагиларда намоён бўлади:

- шахснинг жиноят устида ёки бевосита уни содир этишидан кейин қўлга тушганлиги;
- жиноят шохидлари, шу жумладан, жабранувчилар томонидан жиноят содир этган шахс тариқасида тўғридан-тўғри кўрсатилганлиги;
- унинг ўзида ёки кийимида, ёнида ёки уйида содир этилган жиноятнинг яққол излари топилганлиги;
- шахсни жиноят содир этишда гумон қилиш учун асос бўладиган маълумотларнинг мавжудлиги унинг қочмоқчи бўлганлиги ёки доимий яшаш жойининг йўқлиги ёхуд шахсининг аниқланмаганлиги ҳисобланади<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. 221-модда // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1995 й., 2-сон.

7. Шунингдек, шуни кўрсатиб ўтиш лозимки, **ушлашнинг субъектлари**, яъни ушланиши мумкин бўлган шахслар деганда, ижтимоий қилмишни содир этган, лекин алоҳида иммунитетга эга бўлмаган шахслар тушунилади. Хусусан, депутатлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), судьялар, прокурорлар ҳамда дипломатик ёки бошқа турдаги дахлсизликка эга бўлган шахслар ушлаб турилиши ҳамда милицияга ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга олиб келиниши мумкин эмас (улар жиноят устида ёки бевосита уни содир этгандан кейин қўлга тушган ҳолатлар бундан мустасно)<sup>1</sup>. Мазкур ҳолатда юқорида келтириб ўтилган мақомдаги шахсларни ушлаб туриш уларнинг шахси аниқлангунга қадар (масалан, у ёки бу турдаги дахлсизликка эга эканлигини тасдиқловчи дипломатик ёки консуллик ҳужжати, хизмат гувоҳномаси, шунга ўхшаш бошқа ҳужжатларни тақдим қилиш орқали амалга оширилади) давом этади.

Шахсни ушлаш субъекти сифатида у томондан содир этилган жинойат ҳаракат фактигина тан олинади. Шунингдек, қилмишга ҳеч қандай борлиқлик жойи бўлмаган шахснинг ёши, ақли расолиги, ижтимоий аҳволи каби ҳолатлар эътиборга олинмайди.

8. Ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсни ушлаш ҳуқуқийлигининг мустақил шартларидан бири белгиланган услуб ва воситаларни қўллашдир.

**Ушлаш услуби** деганда, ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш мақсадида унга таъсир этишнинг турли хил тактик усуллари (масалан, жисмоний ёки рухий зўрлик ишлатиб, алдаш ёки ишонтириш йўли билан) тушунилса, **ушлаш воситалари** эса, ушлаш жараёнида ишлатиладиган турли хил қуроллар, предметлар ва техник анжомлар йиғиндисидан (қўл кишани, ўқ отар қурол, арқон ва ҳ.к.) иборатдир.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси, 4-модда 2-қисми; 223-модда // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 2-сон.



У ёки бу усул ёки воситалардан фойдаланиш шакли ва даражаси – аниқ ҳолларда ижтимоий хавфлилик даражаси, шахснинг ижтимоий хавфлилиги ҳамда ушлашдаги вазият ва шарт-шароитлар билан боғлиқ бўлади. Хусусан, оғир ва ута оғир жиноят содир этган шахсни (масалан, қотиллик, қароқчилик ва бошқалар) қисқа муддатга озодликдан маҳрум қилиш учун қўл кишанларини ишлатиш қонуний саналади. Лекин, унча оғир бўлмаган жиноят содир этган шахсни (масалан, ҳақорат қилиш, тухмат қилиш) ушлашда худди шундай усулни қўллаш қонунга хилоф, деб топилади. Юқоридаги мезонларга тўғри келмайдиган усул ва воситалардан фойдаланган ҳолда ушлаш ғайриқонуний деб қаршилиқ кўрсатувчи шахснинг қилмиши эса, жиноий эмас, деб баҳоланиши мумкин. Бу ҳолат эса, унга зарар етказишга асос, деб ҳисобланиши керак эмас. Шу сабаб, агар шахс жабрланувчини ҳақорат қилса ва бунда у шахсни ушлаш учун махсус воситалар (тўқмоқ, кўзни вақтинча кўр қиладиган газ ва бошқалар)ни ишга солса, бу албатта, ушланган шахснинг шахси, у содир этган қилмишнинг оғирлигига, айниқса, қўлга олиш ҳолатига номутаносибдир. Шу сабабли, ушланган шахс бу ҳолатда қаршилиқ кўрсатишга қонун бўйича ҳақлидир.

9. Ижтимоий хавfli қилмишни содир этган шахсни қисқа муддатли озодликдан маҳрум этиш ҳаракатлари фақат улар қонунда ушбу шахсни ҳокимият вакилларига топшириш деб кўрсатилган қонуний мақсадга қаратилганлигида ушлаш деб тан олинаши мумкин. Худди шу ҳолатда, агар ушлашдан бошқача мақсад кўзланган бўлса, у қонуний, деб қаралиши мумкин эмас. Масалан, судсиз ўзбошимча жазолаш мақсадида амалга оширилган қисқа муддатли озодликдан маҳрум қилиш ҳам ноқонуний, деб тан олинади.

10. Жиноят содир этган шахсни ушлашда субъект ҳаракатларининг мақсадларини аниқлашга алоҳида эътибор бериш лозим бўлиб, бунда улар ушлаш жараёнининг қисқа муддатлилиги, ушланган шахсни ҳокимият органларига тезлик билан етказилиши лозимлиги англанишини аниқлаб беради. Бунда, ушлаш жараёнининг қисқа давомийлиги ва унинг лозимлиги ҳар қайси ҳолда иш бўйича барча

ҳолатларни жамлаган ҳолда аниқланади (ушлаш ҳолати ҳукумат органининг яқинлиги, ушловчи ушланган шахсни ушбу органларга етказилишидаги имкониятлари, у аниқланган вақтда жиноятчи ўзини қандай тутган, содир этилган қилмишнинг оғирлиги ва ҳоказо). Ушловчи шахс томонидан юқорида эслатилган мезонлар бузилганини кўрсатувчи иш ҳолатлари юзага келганда (масалан, оқланмаган тарзда узоқ муддат ушлаб туриш ёки шахсга ундан аввал қўлга олинганлар ҳақли равишда очикда юргани маълум бўлса, тегишли тўхтатиш чораси белгиланган вақтда жавобгарликка тортиш муддати ўтган бўлса ёки озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланса) ушбу шахснинг ниятлари ҳақидаги масалани муҳокама қилиш ва зарур асослар мавжуд бўлганда, уни тегишли жиноят учун жавобгарликка тортиш лозим.

11. Ижтимоий хавfli қилмиш содир этган шахсни ушлашда, ушловчи уни фақат ҳокимият органлари қўлига топширишни мақсад қилиши керак. Шунинг ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, айнан қайси ҳокимият органларига эканлиги қонунда кўрсатиб ўтилмаган. Шу сабабли, жиноятчини ҳуқуқ-тартибот органлари, ижро этувчи, қонун чиқарувчи ва суд органлари қўлига ҳамда тегишли ташкилот, корхона (ташкилот директори, корхона раҳбари) маъмурияти қўлига топширган ҳар икки ҳолда ҳам ушбу ҳаракатнинг мақсадлари қонуний, деб тан олинishi лозим. Ушланган шахсни кўрсатилган органлар ёки мансабдор шахсларга топширишни мақсад қилган ҳолда ушловчи шунинг англайдиги, ушбу шахс тегишли ҳокимият органлари қўлига етказилади.

Шунинг таъкидлаш лозимки, ушланган шахснинг ҳокимият органларига топшириш сифатида, тегишли ҳокимият вакилларига етказишни ҳам назарда тутиш керак (масалан, ички ишлар органлари ходимлари, ДХХ ходимлари ва бошқалар). Ушланган шахснинг ноқонституциявий органларга топширишни мақсад қилиш аynи пайтда ноқонуний саналади.

12. Шунинг назарда тутиш керакки, ушлаш мақсадларининг қонуний деб тан олинishi учун, тергов ва суд ходимлари ушловчи шахснинг ҳаракатларидаги тегишли йўналишни

аниқлашлари кифоя. Бу борада ушланган шахсни ҳокимият органларига топшириш каби амалий натижа талаб этилмайди (масалан, қўлланилган чораларга карамасдан, ушланган шахс қочиб кетган, бекиниб олган ҳолларда ва бошқалар). Кўрсатилган ҳолларда фуқарода тегишли қонуний мақсад мавжуд бўлгани эътиборга олинади, эришилган натижа эмас.

13. Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш элементларидан яна бири ушлашнинг амалга оширилиш вақти ҳисобланади.

Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашга бўлган ҳуқуқ жиноят ишини юритишга тўсқинлик қиладиган қуйидаги ҳолатлар мавжуд бўлганда ҳисобга олинмайди:

- иш қўзғатилган ва тергов ҳаракатлари ёки суд муҳокамаси ўтказилган иш бўйича жиноий ҳодиса юз бермаган бўлса;
- шахснинг қилмишида жиноят таркиби бўлмаса;
- шахснинг содир этилган жиноятга дахли бўлмаса;
- эълон қилинган амнистия актининг содир этилган жиноятга ёки шахсга дахли бўлса;
- шахсга нисбатан айнан шу айблов бўйича ишни тугатиш ҳақида суднинг қонуний кучга кирган ажрими (қарори) ёки ваколатли мансабдор шахснинг жиноят ишини қўзғатишни рад этиш ёхуд ишни тугатиш ҳақида бекор қилинмаган қарори бўлса;

– иш фақат жабрланувчининг шикоят билан қўзғатилган ҳолларда унинг шикояти бўлмаса, ЖПКнинг 325-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

– шахс ижтимоий хавфли қилмиш содир этган вақтда жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин бўлган ёшга тулмаган бўлса<sup>1</sup>.

14. Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида унга етказилган зарар ЖКнинг шарҳланаётган моддасида қайд этилган ва жиноят ҳуқуқи назарияси томонидан ишлаб чиқилган қонунийликнинг тегишли шартларига жавоб берган ҳолатлардагина ҳуқуқий (қонуний), деб тан олинади.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. 83-модда; 84-модда 1-қисми // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 2-сон.

Ушбу шартлар етказилган зарарнинг қонунийлигини қуйидаги шароитлардан келиб чиққан ҳолда аниқлайди: унинг ижтимоий фойдалилиги, зарарни фақат қонунда кўрсатилган шахсларга нисбатан етказишга ҳаракат қилинганлиги, етказилган зарарнинг мутаносиблиги ва мажбурийлиги. Бундан ташқари, етказилган зарар қонунийлигининг алоҳида шартли сифатида ушлаш чорасини ошириб юбормаслик кўрсатилади. Қилмиш юқорида белгиланган шартларнинг барчасига жавоб берганда, зарар етказиш жиноий ҳаракатни тўхтатувчи ҳолат сифатида тан олинishi лозим.

15. Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказишнинг қонунийлик даражасини белгилувчи бирламчи шартлардан бири ижтимоий фойдалилигидир. Ижтимоий фойдалилик тушунчаси ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш зарурати билан бирга шахсни ҳокимият органларига топшириш мақсадида зарар етказиш ҳолатини ҳам ўз ичига олади.

Жиноят содир этган шахсни ушлаш вақтида ўч олиш мақсадида унга зарар етказган бўлса, бундай ҳолларда ушлаб берган шахс етказган зарари учун умумий асосларда жавобгарликка тортилади.

16. Ушлашнинг барча ҳолатларини пухта баҳолаш ушланаётган шахсга қонуний тарзда зарар етказишдан уни ўзбошимча жазолашни тўғри ажратиш учун хизмат қилади. Ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсга зарар етказишнинг ҳақиқий мақсадларини муайян ишнинг барча ҳолатларини, жумладан, ушловчи шахснинг фаолияти мотивлари, ушлашнинг танланган усуллари ва воситалари, вазияти, етказилган зарарнинг характери ва оғирлиги, шунингдек, қасдининг қаратилганлигидан далолат берувчи бошқа барча ҳолатларни таҳлил қилиш асосида аниқлаш лозим.

17. Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсга зарар етказиш шартларидан яна бири ушланиши мумкин бўлган шахслар доирасининг белгиланганлигидир. Бошқача қилиб айтганда, қонунда ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсларнигина ушлаш мумкинлиги белгилаб берилган. Айбдор

шахсни қисқа муддатга озодликдан маҳрум этиш мақсадида содир этилган жиноятга алоқаси бўлмаганлиги ушловчига маълум бўлган шахсларга нисбатан зарар етказилиши ўта мажбурий ҳолатлар қондаси асосида баҳоланади. Ушловчи шахс ушбу ҳолатни англамасдан ҳаракат қилганда, унинг ҳаракатлари фактик хатолар қондаси бўйича баҳоланиши лозим.

Шуни назарда тутиш лозимки, ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашда унинг ҳуқуқ ва манфаатларига ҳам зарар етказилиши мумкин. Хусусан, ушланаётган шахснинг соғлиғи ва мулкига муайян зарар етказилишига йўл қўйилади. Албатта, шахсни ушлаётганда уни ҳаётдан маҳрум этиш мумкин эмас, лекин агар инсониятга қарши ёки террористик хатти-ҳаракатларни бир неча марта содир этган, жазони оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдирган шахсни ушлаш вақтида вазиятга қараб, унинг ҳаётига зарар етказилиши мумкин. Бироқ, ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида унинг ўлими юз берган ҳолатларда, етказилган зарарнинг мутаносиблигини, етказилган зарар содир этган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасига ва характериға ушлаш ҳолатига нисбатан тўғри келиш-келмаслигини аниқлаш лозим.

18. Зарар етказиш ушловчи учун, ушбу чорасиз ушловчи ҳамда бошқа учинчи шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари хавф остида қоладиган ҳолатларда мажбурий чора бўлиши лозим. Бу эса, ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашда зарар етказишнинг қонунийлигини белгиловчи яна бир шартдир. Зарар етказиш ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг энг сўнгги имкони, мажбурий чора бўлиши керак. Бунда шуни эътиборга олиш лозимки, зарар етказишга мажбур бўлиш доимо фактларга асосланади, яъни у маълум ишнинг ҳолатларига боғлиқдир.

Зарар етказишнинг мажбурийлик ҳолатини аниқлаш мақсадида қуйидагиларни таҳлил қилиш лозим:

– ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахснинг жинсий жавобгарликдан қочиш имкониятига эга ёки эга эмаслиги. Бунда, эътиборини ушлашга қаршилиқ кўрсатувчи

шахснинг фаоллиги, қаршилиқ кўрсатиш чоралари, қилмиш содир этилган жойдан қочиши, шунингдек, огоҳлантирилгандан кейин ҳам ўз фаолиятини тўхтатмаслиги каби ҳолатларни инобатга олиш лозим;

– ушлашни амалга оширувчи шахснинг имконияти, ушлашни зарар етказмасдан амалга ошириши эътиборга олиниши лозим. Бундай имкониятни аниқлаш учун ушлашни амалга оширувчи ва ушланувчи шахсларнинг сони, ёши, жинси, қуролланганлиги, жисмоний кучи ва шу кабилар инобатга олиниши керак.

**19. Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсга зарар етказишнинг қонунийлиги** етказилган зарар мутаносиб бўлган ҳоллардагина тан олинади. Бошқача айтганда, ушлаш вақтида етказилган зарар содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасига ва характериға ушлаш ҳолатига нисбатан тўғри келмаслиги мумкин эмас.

Ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсни ушлаш вақтида унга етказилган зарарнинг қонунийлигини баҳолашда ушлаш вақтидаги шарт-шароитлар ва вазият, қилмишни содир этган шахснинг ушланишдан қочиш мақсадида қилган ҳаракатлари, ушловчининг кучи ва имкониятлари, хавфлилиқ даражаси, руҳий ҳолати билан боғлиқ бўлган бошқа ҳолатлар ҳисобга олинади.

**20. Шунинг эътиборда тутиш жоизки, етказилган зарарнинг мутаносиблиги** қонунда белгиланган барча шартларга, айнан, шахс ва жиноятнинг хавфлилиги ва ушлаш ҳолатига мувофиқ келиши шарт. Лекин, бу шартларнинг зарарнинг мутаносиблигига таъсири ҳар хил бўлиб, хусусан, шахс ва жиноятнинг хавфлилиги энг юқори чегарани ёки бошқача айтганда, руҳсат берилган зарарнинг энг юқори чегарасини белгилаб беради. Бунга биноан, жинсий ҳаракат қанчалиқ хавфли бўлса, уни содир этган шахсга шунчалиқ катта зарар етказилиши мумкин ва аксинча. Етказилган зарарни ушлаш ҳолатига мувофиқлиги бошқача маънога эга мезон бўлиб, у ушлаш учун фақат зарур ва кифоя бўлган зарарни етказиш лозимлигини белгилаб беради. Бунда шунинг эътиборга олиш лозимки, шарт-шароитлар ушловчи учун қанчалиқ ноқулай

бўлса, етказилиши кифоя бўлган зарарнинг даражаси шунчалик юқори бўлади, ҳатто баъзи ҳолларда, рухсат этилган даражага ҳам тенг бўлиши мумкин ёки аксинча.

Шуни кўрсатиш лозимки, шарт-шароитнинг қулай ёки ноқулайлиги ҳар қайси ишда алоҳида баҳоланадиган фактларга боғлиқдир. Ушбу баҳолаш жараёнида ноқулай шарт-шароитлар сифатида ушловчи ва ушланган шахснинг куч, имконият ва воситалари ўзаро кам ёки кўп даражада тенг бўлган ҳолат ёки ушбу таққослаш ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахснинг фойдасига ҳал бўлган ҳолатлар қабул қилиниши лозим.

21. Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашга қаратилган чора-тадбирлар қилмиш ва шахснинг ижтимоий хавфлилиқ даражасига мос келиши керак. Айбдор ва ушлаган шахснинг ҳаракатларида тенглик бўлмаган бўлса, ушлаш чоралари чегарасидан четга чиқиш ҳолати мавжуд бўлади. Зарурий чоралар чегарасидан четга чиқиш, деб топиш учун жиноятчини ушлаган шахс етказган зарар ва жиноятчи томонидан етказилган зарарларнинг тенг эмаслиги шарт, лекин бу тенгсизлик жиноятчини ушлаган шахс учун етарлича аниқ ва равшан бўлган бўлиши лозим. Ушлаш чоралари чегарасидан четга чиқиш оқибатида етказилган зарар нафақат очиқ ва равшан, балки ушлаш заруриятининг оқибатида вужудга келган бўлиши зарур. Айти пайтда, худди шундай ҳолатда шахс қаттиқ қаршилиқ кўрсатса ва қонун томонидан ҳимояланадиган ҳуқуқ ва эркинликларга зарар етказиш хавфини тўғдирса, бу ҳолда етказиладиган зарар рухсат этилган чегарадан четга чиқмаслиги лозим. Бирок, ушланишдан қочиш мақсадида ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахс ушловчига ҳужум қилса, бу ҳолда у рухсат берилган чегарадан четга чиқувчи зарарни етказишга ҳақлидир. Лекин бу ҳолат шарҳланаётган модда қоидалари эмас, балки зарурий мудофаа қоидалари асосида квалификация қилиниши лозим.

Шуни эътиборга олиш лозимки, ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашда етказиладиган зарарнинг мутаносиблиги ушбу зарар жиноятчи етказган зарардан ошиб кетмаслигини талаб этмайди. Ушлаш вақтида етказиладиган

зарар шахс ижтимоий хавфли қилмиш содир этиш натижасида етказган зарардан кам, унга тенг ёки ундан ошган бўлиши мумкин. Фақат шуни белгилаш лозимки, етказиладиган зарар ижтимоий хавфли қилмиш етказиши мумкин бўлган ва конкрет етказган зарарларга номутаносиб бўлмаслиги лозим, яъни шахсни ушлаш учун зарур бўлган чоралар белгиланган чегаралардан четга чиқмаган бўлиши зарур.

22. Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида етказилган зарарнинг қонунийлигини белгиловчи алоҳида шарт сифатида ушлаш чораларини қўллашда чегарадан чиқиб кетмаслик хизмат қилади.

23. **Ушлаш воситалари ва усуллари**га, қилмишнинг ҳамда уни содир этган шахснинг хавфлилиқ даражасига, шунингдек ушлаш шароитига бутунлай мос келмайдиган, ушлаш зарурати тақозо этмаган ҳолда ушланаётган шахсга қасдан зарар етказиш ушлаш чоралари чегарасидан четга чиқиш деб топилади (ЖКнинг 39-моддаси 2-қисми). Ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсни ушлаш чораларидан четга чиқиш мажбуран ҳолда зарар етказилиши ва нисбатан тенглик белгиларидан ташқари юқорида санаб ўтилган бошқа шартлар мавжуд бўлгандагина ҳуқуқий ҳисобланади.

24. Жиноят кодексига биноан, ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш учун зарур бўлган чораларни ошириб юбориш деб, қўлланган чораларни ушлаш ҳолатига ҳамда шахс ва у содир этган жиноятнинг хавфлилигига очик номутаносиблигига айтилади. Бунда, «очик номутаносиблик» тушунчаси тавсифий маънога эга бўлиб, ҳар қайси ҳолатда у алоҳида аниқланади. Айни ушлаш чоралари баъзи ҳолларда қонуний бўлса, бошқа ҳолларда чораларни ошириб юбориш сифатида баҳоланади.

Ушлаш чораларидан четга чиқиш билан боғлиқ бўлган қилмишни квалификация қилишда унинг субъектив томонига эътибор қаратиш лозим. Қонундаги кўрсатмага мувофиқ, ушлаш воситалари ва усулларининг номутаносиблиги, мазкур номутаносиблик, шунингдек, шахсга етказилаётган зарар характери ва даражаси, айбдорнинг жинойий қасди билан камраб олинган бўлса, жинойий қилмиш сифатида тан олинади.



Ушлаш чораларидан четга чиқишда эҳтиётсизлик билан хар қандай даражадаги шикаст етказилганда, шунингдек, шахснинг онги билан қамраб олинмаган шикаст етказиш учун шахс жинойи жавобгарликка тортилмайди.

25. Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш ҳуқуқига ёши, ижтимоий келиб чиқиши, жинси ва мансабидан қатъи назар, хар қандай жисмоний шахс эгадир. Шарҳланаётган модданинг 4-қисмига мувофиқ, махсус ваколатли шахслар билан бир қаторда жабрланувчи ва бошқа фуқаролар ҳам ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсни ушлаш ҳуқуқига эгадирлар. Шунини алоҳида қайд этиш зарурки, ижтимоий хавфли қилмишни содир қилган шахсни ушлаш ҳуқуқи, хар бир инсоннинг зарурий муҳофаа, охири зарурат ҳуқуқи сингари, субъектив ҳуқуқи бўлиб, жинойи қилмиш содир этган шахсни ушлаш ёки бундан ўзини тийиш тўғрисидаги масалани хал қилиш фақат унинг ваколатига тегишлидир. Аини пайтда, алоҳида бир гуруҳ шахсларга, яъни конун томонидан махсус вакил этиб тайинланган шахсларга ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш уларнинг касб ёки хизмат бурчлари ҳисобланиб, улар ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашдан чекинишлари мумкин эмас. Бу гуруҳдаги шахсларга ички ишлар органи, ДХХ, прокуратура ва бошқа орган хизматчилари, яъни хавфсизлик ва жамоат тартибини сақлашга масъул шахслар киради.

26. Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг қонунийлигини кўрсатувчи у ёки бу белгиларни ушловчи харакатларида объектив томоннинг йўқлиги алоҳида эътиборга лойиқ масаладир. Хусусан, ушбу белгининг мавжуд эмаслиги ушлашнинг қонунийлигини (ушлаш субъекти, вақт чегаралари ва бошқ.), демакки, зарар етказишнинг қонунийлигини (зарар етказишга мажбур бўлиш ва уни ушлаш ҳолатига мувофиқлиги ва бошқ.) белгилашга тааллуқлидир. Бундай ҳолларда ушловчи шахснинг мавжуд фактик хатони аниқлаш ва шунга боғлиқ тарзда, уни қуйидагича баҳолаш лозимдир:

– шарҳланаётган модда қоидалари бўйича, вужудга келган шарт-шароитларда айбдор ўз тахминларининг хато эканлигини англамаган ва англаши мумкин бўлмаган ҳолатларда;

– эҳтиётсизлик орқасида содир этилган тегишли жиноят сифатида, башарти, ушбу ҳолатда шахс ўз тахминининг нотўғри эканлигини англаши лозим бўлган, лекин, англамаганлиги аниқланса;

– тегишли қасддан содир этилган жиноят сифатида, айбдор ўз ҳаракатининг ижтимоий хавфини англаган тарзда уларни амалга оширишни истаган бўлса.

27. Тергов ва суд амалиётида у ёки бу қилмишни зарурий мудофаа, охирги зарурат ёки ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш, деб топишда уларни содир этилиш белгиларига кўра фарқлаш масаласида айрим қийинчиликлар мавжуд. Шу билан бирга, қилмишни тўғри квалификация қила олиш, биринчидан, жиний жавобгарликка тортилувчи шахснинг ҳуқуқий мақомини белгилаш; иккинчидан, Жиноят кодексининг олдидан турган вазифалар бажарилишини таъминлаш; учинчидан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг обрў-эътибори ва нуфузини кўтариш учун муҳимдир. Шу сабабли, ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш институтини зарурий мудофаа ва охирги заруратдан фарқлашда қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

– ушлашга бўлган ҳуқуқ ижтимоий хавфли қилмиш содир этилиши билан вужудга келса, зарурий мудофаа мудофааланувчи шахсга қарши йўналтирилган тажовуз содир этилиши билан, охирги заруратга бўлган ҳуқуқ эса, нафақат шахсдан, балки хоҳлаган манбадан келиб чиқувчи хавфнинг пайдо бўлиши натижасида юзага келади;

– ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш бўйича ташаббус барча ҳолларда бундай ҳуқуққа эга бўлган шахслар томонидан амалга оширилади, зарурий мудофаа ва охирги заруратда эса, шахс бундай шароитга кириб қолиши тўғрисида мажбур бўлади;

– ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш ҳуқуқи бундай қилмиш содир этилиши билан вужудга келади ва амалга оширилади, зарурий мудофаа ва охирги зарурат эса, тажовуз ёки хавфнинг амалга оширилиши факти билан шартланган бўлади;

– ижтимоий хавfli қилмишни содир этган шахсни ушлашдан асосий мақсад – бундай шахсни ҳокимият органларига топшириш бўлса, зарурий мудофаа ва охириги заруратда эса, тажовузчини енгиш ва хавfliни бартараф этиш ҳисобланади.

#### 40-модда. Буйруқ ёки бошқа вазифани ижро этиш

Шахснинг буйруқ ёки бошқа фармойишни, шунингдек мансаб вазифаларини қонунан бажариши туфайли зарар етказилган бўлса, жиноят деб топилмайди.

Жиноийлиги олдиндан аён бўлган буйруқ ёки бошқа фармойишни бажариб, жиноят содир этган шахс, умумий асосларда жавобгарликка тортилади.

Ғайриқонуний равишда берилган буйруқ ёки фармойишни ёхуд мансаб вазифасини бажармаган ёки бузган шахс жавобгарликка тортилмайди. Шахснинг амалда содир этган қилмишида бошқа бир жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлсагина, у жавобгарликка тортилади.

### Ш А Р Х

1. Кодекснинг шарҳланаётган моддасида Ўзбекистон жиноят-ҳуқуқий амалиётида биринчи маротаба, буйруқ ёки бошқа фармойишни, шунингдек, мансаб вазифаларини қонуний бажариш туфайли зарар етказилиши жиноийликни истисно этадиган ҳолат сифатида қонуний шаклда қайд этилди. Бугунги кунда мазкур шартлар асосида амалга ошириладиган хатти-ҳаракатларни (ҳаракатсизликни) баҳолаш қонунчилик даражасида ҳал этилган.

2. Мазкур шартларга асосланиб амалга ошириладиган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тегишли ҳуқуқий шартлар мавжуд бўлгандагина қонуний деб тавсифланиши мумкин. Ушбу шартлар тегишли хатти-ҳаракатларни (ҳаракатсизликни) амалга ошириш қонунийлигига, яъни буйруқ, фармойиш ва мансаб вазифаси қонунийлигига ҳамда мазкур буйруқ

(фармойиш, мансаб вазифаси) ижросининг қонунийлигига доир ҳисобланади. Айнан, қилмиш кўрсатиб ўтилган барча белгиларга мос бўлса, жинойий жавобгарлик истисно қилинади.

3. **Буйруқ, фармойиш ёки хизмат мажбуриятларининг қонунийлигини акс эттирувчи биринчи белгилардан бири** унинг расман мувофиқ келишидир.

**Буйруқ** ваколатли шахснинг ижро этиш мажбурияти юкланган шахсга берган маълум бир ҳаракат (ҳаракатсизлик) ни бажариш ҳақидаги қонун, қонун ости ҳужжатларга ёки бошқа ички идоравий ҳужжатларга асосланган талабидир. Айнан шу таъриф буйруқни бошқа таъсир чоралари – илтимос, ишонтириш, мажбурловдан ажратиб туради. Буйруқлар билан бирга «тавсиялар», «фармойишлар» ва «фармонлар» ҳам берилиши мумкин. Булар масалаларни ҳал қилиш, уларни қабул қилиш ваколатига эга бўлган шахснинг ҳуқуқий мақоми бўйича ўзаро фаркланади. Бу ҳужжатларнинг асосий умумий жиҳати – уларнинг ижро этиш мажбурияти юкланган шахс томонидан бажарилишидир.

4. Қонун томонидан буйруқ ёки бошқа фармойишларнинг шакли аниқ белгиланмаган бўлиб, улар ёзма, оғзаки ёки намоёйишкорона (конклюдент) шаклда бўлиши, шунингдек, техник алоқа воситалари орқали юборилиши мумкин. Лекин айрим ҳолларда буйруқнинг фақат ёзма шаклда бўлиши талаб қилинади. Бундай талабларга риоя этилмаслиги унинг ҳақиқий эмас, деб топилишига сабаб бўлади.

5. Буйруқ ёки бошқа фармойишлардан фарқли равишда **хизмат мажбуриятлари** мансаб ваколатига қараб, ходимлардан бажарилиши талаб қилинадиган функционал мажбуриятлар доирасини ўзида акс эттиради. Демак, мансаб мажбуриятлари субъект қандай лавозимга эгаллигига боғлиқдир. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўра, хизмат мажбуриятлари иш берувчи ва ходим ўртасидаги меҳнат шартномасида белгиланган ёзма шартномада бўлиши керак<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, 74-модда // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 1-сонга илова.



6. Буйруқ, фармойиш ва бошқа бошқарув ҳужжатлари қонунийлигининг муҳим шарт, бу – унинг қонун талабларига мос келишидир. Буйруқ, фармойиш ёки бошқа хизмат мажбуриятлари Жиноят кодекси талабларига зид бўлмаган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик орқали бажарилиши керак. Акс ҳолда, бундай ҳаракат ёки ҳаракатсизлик мустақил жиноят сифатида квалификация қилинади.

7. Қабул қилинган бошқарув ҳужжати, шунингдек, мансаб вазифаларини белгилаш, тегишли хатти-ҳаракатни ижро этаётган мансабдор шахснинг ўз функционал ваколатлари доирасида қабул қилинган бўлиши керак. Буйруқ ёки бошқа фармойишлар, агар улар бошлиқнинг ваколати доирасидан четга чиқилган бўлса, ўз моҳиятига кўра ноқонуний ҳисобланади. зеро уларни белгилашда тегишли ҳуқуққа эга шахснинг иродаси кузатилмайди, мазкур вазиятда эса, бу зарурий талабдир.

8. Субъектив томондан, буйруқ ва бошқа фармойишларни ижро этишда Жиноят кодекси билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга маълум даражада зарар етказилиши субъектнинг истаги билан камраб олинмаган бўлиши керак. Агар бажарувчи етказилган зарарнинг ғайриҳуқуқий эканлигини англаса, бундай ҳолларда содир этилган ғайриҳуқуқий қилмиш хизмат юзасидан қарам бўлган вазиятда содир этилган деб топилади. Бошқача айтсак, буйруқ ёки фармойишни бажариш оқибатида маълум зарар етказган шахс буйруқ ёки фармойишни объектив белгиларига кўра қонунчиликка мувофиқ, деб англаган бўлишида ифодаланади. Акс ҳолда, агар бажарувчи етказилган зарарнинг ғайриҳуқуқий эканлигини англаса, бундай ҳолларда содир этилган жинойий қилмиш хизмат юзасидан қарам бўлган вазиятда содир этилган, деб топилади.

Шарҳланаётган моддага мувофиқ, шахснинг у ёки бу қилмишини амалга оширишини баҳолашда унинг қилмишни субъектив баҳолаши алоҳида аҳамиятга эга. Зеро, шахс ғайриҳуқуқий ёки жинойийлиги маълум бўлган буйруқ, фармойиш ёки бошқа хизмат мажбуриятларини бажармаслик ёки бузиш, агар бундай қилмиш қонунда жиноят деб

белгиланган бўлса ҳам, жинойий жавобгарликни истисно қилади.

9. Бўйруқ, фармойиш ёки бошқа бошқарув ҳужжатларини ижро этиш ҳуқуқийлик шартларига мос келган тақдирда, қилмишни жинойийлигини истисно қилувчи ҳолат, деб топилиши мумкин. Бўйруқ, фармойиш ва бошқа хизмат мажбуриятлари жиноят тўғрисидаги қонунчиликда келтирилиб ўтилган талабларга зид бўлмаган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик орқали бажарилиши керак<sup>1</sup>. Ақс ҳолда бундай ҳаракат ёки ҳаракатсизлик мустақил жиноят сифатида квалификация қилиниши лозим. Масалан, ташкилот ходимларининг унга қўйиладиган солиқларни энг кўп суръатда қисқартиришга бўлган интилишлари ҳақидаги фармойиш ваколатли шахс томонидан берилса, бу солиқларни тулашдан қочаётган қайси бир ходим ушбу шарҳланаётган модда қондаларига мувофиқ берилган фармойишнинг таъсир кучи билан ўзи содир этган қилмиши учун жинойий жавобгарликни истисно қилади, деган маънони бермайди.

10. Бажарувчи томонидан Жиноят кодекси билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга етказилган зарар учун ўша бўйруқ ёки бошқа фармойишни берган шахс жавобгарликка тортилади, бундай ҳолларда бажарувчи жиноятни содир этишнинг қуроли сифатида хизмат қилиб ёки бошқа фармойишларни ижро этган қилмиши учун жавобгарликка тортилмайди, лекин ушбу бўйруқ ёки фармойишнинг қонунга зид бўлганлиги олдиндан маълум бўлиши бундан мустасно.

11. **Бўйруқ ёки фармойишнинг жинойийлигини олдиндан билиши**, бажарувчи фармойишларининг ғайриқонуний эканлигини объектив томондан англаган ёки англамаган бўлиши мумкин бўлмаган ҳолатларда намоён бўлишида ифодаланади. Ижрочи бўйруқнинг жинойийлигини олдиндан била туриб уни бажарса, бундай ҳолат иштирокчилик сифатида баҳоланиб, бўйруқ берувчи ташкилотчи, уни ижро этувчи эса, бажарувчи шахс деб топилади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 40-моддаси 2-қисмига мувофиқ, қилмишнинг жинойийлиги бўйруқ ёки бошқа фармойиш, шуниингдек мансб вазифалари қонунан бажарилгандагина истисно қилинади.

Шархланаётган модданинг иккинчи қисмида жиноийлиги олдиндан аён бўлган буйруқ ёки бошқа фармойишни бажариб, жиноят содир этган шахс умумий асосларда жавобгарликка тортилиши ҳақида баён қилинган. Бундай ҳолларда жиноий буйруқ ёки бошқа фармойишни бажаришдан олдин уни бажараётган шахс унинг жиноийлигини билиши ва била туриб жиноий буйруқ ёки бошқа фармойишни бажариши лозим.

12. Шуни назарда тутиш лозимки, олдиндан жиноийлиги аён бўлган маълум буйруқ ёки фармойишни ижро этиш умумий асосда баҳоланиши лозимлиги ҳақидаги қонун олдиндан жиноийлиги маълум мансаб вазифаларини ижро этишда жиноят содир этган шахсларни жавобгарликдан озод қилмайди. Қонуннинг бундай талқин этилиши юридик тил хусусиятларига боғлиқ бўлиб, содир этилган қилмишнинг баҳоланишига таъсир қилмайди, шу сабабдан олдиндан жиноийлиги маълум мансаб вазифаларини ижро этишда жиноят содир этган шахслар умумий асосларда жавобгарликка тортилиши лозим бўлади. Бу масаланинг ўзгача ечими алоҳида категориядаги шахсларга асоссиз равишда жавобгарликдан қутулиб қолишнинг имконини беради, бу эса, ўз навбатида, Жиноят кодексининг одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилларига зид келади.

13. **ЖКнинг 40-моддаси 3-қисмига мувофиқ**, ғайриқонуний равишда берилган буйруқ ёки фармойишни ёхуд мансаб вазифасини бажармаган ёки бузган шахс жавобгарликка тортилмайди. Шахснинг амалда содир этган қилмишида бошқа бир жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлсагина, у жавобгарликка тортилади. Мазкур қоидалар ушбу модда ва Жиноят кодекси, ноқонуний буйруқ, фармойиш ва мансаб вазифаларини бузиш ҳолатларини кўзда тутган бошқа моддалари ўртасидаги коллизияларни ҳал этади. Мазкур қоидалар ноқонуний буйруқ, фармойиш ва мансаб вазифасини бажармаганлик ёки бузиш ҳолатларида, буйруқни бажармаганлик ёки бузиш жиноий жавобгарликни келтириб чиқариши лозим пайтда, жиноийликни истисно қилади (масалан, Жиноят кодексининг 279, 280-моддалари).

Шуни кўзда тутиш лозимки, ҳар қандай ғайриҳуқуқий ёки жиноийлиги маълум бўлган буйруқ, фармойиш ёки бошқа хизмат мажбуриятларини бажармаслик ёки бузиш жиноий жавобгарликни истисно қилади. Айни пайтда, содир этилган ҳаракатда бошқа жиноят таркиби мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлаш лозим, чунки агар у аниқланса, шахс жиноят учун жавобгарликка тортилади.

14. Шархланаётган модда қоидалари, фақат Ички ишлар, Қуроли Кучлар, Давлат хавфсизлик хизмати, прокуратура органлари ёки бошқа давлат муассасаларида хизмат қилувчи шахсларга тегишли эмас. Ҳуқуқий-ташкилий шаклидан қатъи назар, исталган корхона, ташкилотнинг ишчи-хизматчиси буйруқ ёки фармойиш, шунингдек, мансаб вазифасини ижро этиш йўлида жиноят содир этган шахс ҳам жиноий жавобгарликка тортилмайди.

---

#### **41-модда. Касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккалчилик**

Ижтимоий фойдали мақсадга эришиш учун касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккалчилик қилиб, ҳуқуқлар ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларга зарар етказиш жиноят деб топилмайди.

Агар содир этилган ҳаракат замонавий илмий-техника билимлари ва тажрибаларига мувофиқ келган, қўйилган мақсадга эса, таваккал қилмай эришишнинг иложи бўлмаган ҳамда шахс ҳуқуқлар ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларга зарар етказилишининг олдини олиш учун тегишли чораларни кўрган бўлса, бундай таваккалчилик асосли деб топилади.

Касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккалчилик қилишда кўзланган ижтимоий фойдали натижага эришилмаган ва келтирилган зарар ижтимоий фойдали мақсадга эришиш натижасида олиниши мумкин бўлган фойдали натижадан кўпроқ бўлган тақдирда ҳам етказилган зарар жавобгарликка сабаб бўлмайди.



Таваккалчилик одамларнинг ҳалок бўлиш хавфи, экология ҳалокати ёхуд бошқача оғир оқибатларнинг келиб чиқиши мумкинлигини била туриб қилинган бўлса, асосли деб топилмайди.

Тадбиркорлик субъектларининг ўзларига кўрсатилган хизматлар, шу жумладан берилган кредитлар юзасидан банклар ва бошқа молия ташкилотлари олдидаги шартнома мажбуриятларини тадбиркорлик таваккалчиликлари ҳамда бошқа тижорат таваккалчиликлари билан боғлиқ ҳолда бажармаганлиги банклар ва бошқа молия ташкилотлари ходимларини жиноий жавобгарликка тортиш учун асос бўлмайди.

---

### Ш А Р Х

---

1. Маълумки, бирон-бир тажриба ёки эксперимент ўтказганда, таваккал қилмасдан ижобий натижага эришиш мушкул. Шу муносабат билан қонун чиқарувчи томонидан Жиноят кодексига янги институт – касб ёки ҳўжалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккалчилик киритилди. Янги жиноят қонунига бундай ҳаракат қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолат сифатида алоҳида модда сифатида киритилишининг аҳамияти катта. Айни пайтда, қонун асоссиз, масъулиятсиз ҳаракатларни содир этишнинг олдини олади ва хавфли ҳаракатларни содир этиш ёки этмасликнинг қонунийлигини белгилаб берувчи шартларни кўрсатади. Ушбу шартлар бузилган ҳолатда шахсни жиноий жавобгарликка тортишга асос пайдо бўлади.

2. Жиноят кодексининг шарҳланаётган моддасида ижтимоий фойдали мақсадга эришиш учун касб ёки ҳўжалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккалчилик қилиб, ҳуқуқлар ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларга зарар етказиш жиноят деб топилмаслиги кўрсатилиб ўтилган. Қўйидаги бир қатор шартлар бўлгандагина, касб ёки ҳўжалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккалчилик қонуний ҳисобланади.

3. Касб ёки ҳўжалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккалчиликнинг биринчи шартларидан бири, бу –

**ижтимоий фойдали мақсадга йўналтирилганлигидир.** Бу шуни англатадики, таваккалчилик жамият ва давлат учун манфаат келтирувчи натижаларга эришишга қаратилган бўлади. Бунда шуни эътиборга олиш лозимки, таваккал қилиб содир этилган ҳаракатлардан ҳосил бўлган ижобий натижа сезиларли суръатда ушбу ҳаракатлар туфайли юзага келган салбий оқибатлардан устун бўлиши керак. Хусусан, таваккал қилиб содир этилган ҳаракатнинг ижтимоий фойдали мақсади, инсонлар ҳаёти ва соғлиғини асраб қолиши, иш маҳсулдорлигини сезиларли суръатда оширувчи янги техника ёки технологияни кашф этиш, ривожланиш суръатларини кескин тарзда оширувчи янги физик қонунларни ва кимёвий элементларни топиш ва ҳ.к.ни қамраб олади.

Шахсий мақсадларга йўналтирилган таваккалчилик асосли, деб ҳисобланмайди. Айти пайтда, шахсий мақсадларни шахсий мотив (сабаб)лардан фарқлаш даркор. Ушбу талаб қўйилишига сабаб, бу шахсий мотивлар шахсий мақсадларга мос келмаслигидир. Чунки, мотив у ёки бу қилмиш содир этиш истагини тўғдирувчи сабабдир. Шу сабабли шахсий мотив ижтимоий фойдали мақсадга қаратилган бўлиши ҳам мумкин. Масалан, олқишларга сазовор бўлиш учун шахсни ўлимдан қутқариш.

Шуни назарда тутиш лозимки, ижтимоий фойдали мақсад қилмишни касб ёки ҳўжалик фаолияти билан боғлиқ таваккалчилик сифатида квалификация қилиш, унга тўғри ҳуқуқий баҳо бериш ҳамда жиноий жавобгарлик масаласини ҳал қилиш учун муҳимдир.

**4. Касб ёки ҳўжалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккалчилик қонунийлигининг иккинчи шарты таваккалчилик қилмай туриб, ижтимоий фойдали мақсадларга эришиб бўлмаслигидир.** Ушбу мақсадни оддий усуллар билан амалга оширишнинг имкони борлиги аён бўлган ҳолатларда хавфли ҳаракатларнинг қонунийлиги ўз кучини йўқотади ва етказилган зарар учун жавобгарлик умумий асосда кучга киради. Айти пайтда, ушбу масалани ҳал этишга алоҳида ёндашиш лозимдир, чунки жамиятга манфаатли мақсадларни оддий усуллар билан амалга ошириш имкони ҳар қайси ишнинг алоҳида ҳолатлари ва фактларга боғлиқдир. Шу сабаб, у

мавхум шаклда эмас, балки аниқ шаклда, яъни ишнинг мавхум ҳолатларга нисбатан бўлиши лозимдир.

5. Шуни назарда тутиш лозимки, ижтимоий фойдали мақсадни ҳеч қандай зарарсиз амалга ошириш имкони йўқлиги, ўша зарарни етказмаслик иложи йўқлигини англамайди, яъни бунда ҳуқуқ ва эркинликларга зарар етиши эҳтимоли бор, деб айтилади, лекин ушбу зарарни етказмасликнинг иложи йўқ, деб кўрсатилмайди. Акс ҳолда яъни, субъект олдиндан қайтариб бўлмайдиган зарарли оқибатларни юзага келишини билган ҳолда хавфли ҳаракатларни содир этса, улар шарҳланаётган модда қондалари асосида баҳоланиши мумкин бўлмайди. Чунки, ушбу ҳолатда лозим бўлган таваккал этиб, ҳаракат қилиш элементи мавжуд бўлмайди.

6. Таваккалчилик замонавий илмий-техника билимлари ва тажрибаларига мос келиши лозим. Шахс ўз таваккалчилик тарзидаги ҳаракатларини амалга оширишда тиббиёт, техника соҳаларида қўлга киритилган ютуқлардан келиб чиқиши лозим. Хавфли ҳаракатлар – улар зарарли оқибатларнинг юзага келиши олдини олиш имкониятларини объектив тарзда кўрсатувчи замонавий илмий-техника билимлари ва тажрибаларига мувофиқ келган ҳолатда оқланади.

Таваккалчилик билан боғлиқ қилмишларнинг замонавий билим ва тажрибаларга мослиги ҳақидаги қонун талаблари, аввало, бундай қилмишларнинг субъектив билимлар ва субъектив тажрибаларига мувофиқ бўлишини билдиради.

7. Таваккалчилик ҳаракатларини амалга оширишнинг муҳим шартларидан бири – шахс бошқаларнинг ҳуқуқ ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларга зарар етказилишининг олдини олиш учун тегишли чораларни кўрган бўлишлигидир. Қўрилган чора-тадбирларнинг зарурлиги объектив ва субъектив мезонлар асосида белгиланади.

Объектив томондан хавфсизлик чораларини кўриш зарурлиги шундан иборатки, таваккалчилик билан боғлиқ ҳаракатларни амалга ошириш шароити айнан шу чораларнинг қўрилишини талаб қилади (масалан, ёнғин билан боғлиқ тажрибаларни ўтказишда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўриш).

Субъектив томондан хавфсизлик чораларини куриш зарурлиги шуни билдирадики, шахс келиб чиқиши мумкин бўлган салбий оқибат ва унинг ҳажмини англай олади, шу сабабли зарар келиб чиқмаслиги ёки аҳамиятсиз бўлиши учун ҳам у шундай чораларни куриши лозим бўлади. Бу борада етказилган зарарнинг ҳажми аҳамиятга эга бўлиб, агар у эришилган ижтимоий фойдали мақсаддан камроқ бўлса, жиноий жавобгарликни келтириб чиқармайди.

Шуни эътиборга олиш лозимки, зарур чораларни куриш ҳар қайси ҳолатда ишнинг барча ҳолатларини урганиб чиқиш асосида ҳал этилиши лозим бўлган фактларга ҳам боғлиқдир.

8. Юқорида кўрсатиб ўтилган барча шартлар мавжуд бўлган тақдирдагина таваккалчилик асосли ва ҳуқуқий ҳисобланади, етказилган зарар эса, жиноий эмас, деб топилади. Касб ёки ҳужалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккал қилишдан кўзланган ижтимоий фойдали натижага эришилмаган ва етказилган зарар ижтимоий фойдали мақсадга эришиш натижасида олиниши мумкин бўлган натижадан кўпроқ бўлган тақдирда ҳам таваккалчи шахсни жавобгарликка тортишга сабаб бўлмайди.

Айни пайтда, агар шахснинг ҳаракати қонунийлик шартларидан бирига мувофиқ келмаса, у умумий асосда баҳоланади ва хавф мавжуд бўлган ҳолат жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида Жиноят кодексининг 55-моддаси биринчи қисми «е» бандига мувофиқ, яъни шахснинг ижтимоий фойдали мақсади бўлганлиги туфайли жазони енгиллаштирувчи ҳолат қаторига киритилади.

Аммо, шахс ишнинг ҳақиқий ҳолатлари бўйича хатога йўл қўйган бўлса (масалан, ижтимоий фойдали мақсадни амалга ошириш учун хато ҳаракат қилса, маълум хавфсизлик чораларини куриш борасида хатоликка йўл қўйган бўлса), ушбу ҳолатда айбдор шахснинг ҳаракатларини фактик ҳато билан боғлиқ қонун қондалар асосида квалификация қилиниши лозимдир, яъни таваккалчилик қонуний шартлар асосида амалга оширилганлиги сифатида, эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноят сифатида квалификация қилинади. Субъект таваккалчилик ҳаракатларини амалга оширишда қонуний шартларга риоя қилмаган ҳолатларда

унинг ҳаракатлари қасддан ёки эҳтиётсизлик сифатида умумий асосларда жавобгарликка тортилади.

9. Таваккалчилик, агар муайян мақсадга эришиш учун қилинмасдан, унга экспериментлар ўтказмасдан туриб ҳам эришиш мумкин бўлса-ю, таваккалга йўл қўйган шахс қонун билан қўриқланадиган манфаатларга зарар етказишнинг олдини олмаган бўлса, у асоссиз деб топилади. Одамларнинг ҳалок бўлиши, экологик ҳалокат ва бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлиши олдиндан маълум бўлган хавfli ҳаракатларни оқланган, деб тан олмаслик хавfli ҳаракатларнинг қонунийлигини белгилловчи алоҳида бир шартдир. Бунда шуни назарда тутиш лозимки, ушбу ҳолатда қонун хавfli ҳаракат таҳдидли бўлгани учун, яъни оғир оқибатларга сабаб бўлиши эҳтимоли борлиги учун уни оқланган, деб тан олмайди, айнан шу оқибатлар рўй бериши бунда муҳим эмас.

**Одамларнинг ҳалок бўлиш хавфи** деганда, таваккалчиликни амалга ошириш оқибатида икки ёки ундан ортиқ одамларнинг ҳаёти хавф остида қолиши тушунилади.

**Экологик ҳалокат** – инсонлар фаолияти натижасида табиатга зарар етказилиши ва бу зарар инсониятнинг кейинги ҳаёти учун жиддий хавфни келтириб чиқаришини билдиради (газ, нефть авариялари, кенг қамровли ўрмон ёнғинлари).

**Бошқа оғир оқибатлар** сифатида бир неча шахслар соғлиғига оғир шикаст етказилиши, транспорт тизимининг узок муддатга издан чиқиши, портлаш ёки ёнғин натижасида уйлар ва бошқа иншоотларнинг вайрон бўлиши ва шу каби ҳолатлар тушунилади.

Агар таваккал қилиб содир этилган ҳаракатларнинг натижасида тенг бўлмаган манфаат кўзланган бўлса, ушбу ҳаракатлар оқланмаган деб тан олинади (масалан, ҳосилдорликни ошириш). Айни пайтда, агар шу каби таҳдидлар муҳим манфаатларни амалга оширишда юзага келса (масалан, одамларни кўмилиб қолган жойдан қутқариш, янги технологияларни, яъни аввалгисидан анча самарали технологияларни кашф этиш) хавfli ҳаракатлар асосли, деб тан олинади. Айни дамда бу ҳолатларда етадиган манфаат ва тегишли ҳаракатлар таҳдид солаётган манфаат киёсий баҳолалиши лозим. Улар очиқ мувофиқ бўлмаган ёки тенг

булган ҳолатда бундай мақсадларга эришиш асоссиз хавфли ҳаракат, деб тан олинishi лозим.

10. Суд ва тергов органлари касб ёки хўжалик фаолияти билан боғлиқ асосли таваккалчилик ҳолатида зарар етказишнинг охириги зарурат ҳолатида зарар етказишга жуда ўхшаганлиги учун айбдорнинг ҳаракатларини квалификация қилишида маълум қийинчиликлар вужудга келиши мумкин.

Шунинг учун касб ёки хўжалик фаолияти билан боғлиқ асосли таваккалчилик ҳолатида зарар етказишни охириги зарурат ҳолатидан фарқлаш имконини берадиган қўйидаги белгиларга эътибор қаратилиши лозим:

– охириги заруратда хавф манбаи мавжуд бўлиб, қилмишнинг ўзи зарарни бартараф этишга қаратилган бўлади, асосли таваккалчиликда эса, қилмиш таҳдид солувчи хавф билан шартланмайди, у ижтимоий фойдали мақсадга эришишга йўналтирилган бўлади;

– охириги заруратда етказилган зарар бартараф этилган зарардан камроқ бўлиши керак, асосли таваккалчиликда эса, зарарнинг ҳажми таваккал қилувчи шахснинг қилмишини баҳолашда унчалик аҳамиятга эга эмас;

– таваккалчилик билан боғлиқ қилмишлар асосида зарар етказиш эҳтимолий бўлиб, оқибатнинг келиб чиқиши зарур ҳисобланмайди, охириги заруратда эса, зарар етказиш кўпроқ зарар етказилишидан қутулишнинг ягона воситасидир.

11. **Шарҳланаётган модданинг бешинчи қисми** билан касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккалчиликда жавобгарликдан озод этишнинг махсус ҳолати ўрнатилган. Ушбу қисмга кўра, тадбиркорлик субъектларининг ўзларига кўрсатилган хизматлар, шу жумладан, берилган кредитлар юзасидан банклар ва бошқа молия ташкилотлари олдидаги шартнома мажбуриятларини тадбиркорлик таваккалчиликлари ҳамда бошқа тижорат таваккалчиликлари билан боғлиқ ҳолда бажармаганлиги банклар ва бошқа молия ташкилотлари ходимларини жиноий жавобгарликка тортиш учун асос бўлмайди.

### 41'-модда. Жисмоний ёки рухий мажбурлаш ёхуд кўрқитиш

Жисмоний ёки рухий мажбурлаш ёхуд шундай мажбурлашни қўллаш билан кўрқитиш натижасида ушбу Кодекс билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларга зарар етказилиши, агар бундай мажбурлаш ёхуд кўрқитиш оқибатида шахс ўз ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) бошқара олмаган бўлса, жиноят ҳисобланмайди.

Ушбу Кодекс билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларга жисмоний ёки рухий мажбурлаш ёхуд шундай мажбурлашни қўллаш билан кўрқитиш натижасида зарар етказганлик учун жинойий жавобгарлик туғрисидаги масала, агар бундай мажбурлаш ёки кўрқитиш оқибатида шахс ўз ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) бошқариш имкониятини сақлаб қолган бўлса, ушбу Кодекс 38-моддасининг қоидалари инobatга олинган ҳолда ҳал этилади.

---

## Ш А Р Х

---

1. **Жисмоний ёки рухий мажбурлаш** – қилмишнинг жинойийлигини инкор этувчи яна бир ҳолат ҳисобланади. Жисмоний ёки рухий мажбурлаш – бу шахсга нисбатан ғайриқонуний куч (жисмоний ёки рухий) ишлатишнинг қўлланилиши бўлиб, мазкур шахс томонидан, унинг хоҳиш-истагига қарши, жамият учун хавfli қилмишнинг содир этилишига эришиш мақсадида амалга оширилади. Бундай вазиятда ҳаракатлар шахснинг хоҳиш-истагисиз содир этилиши натижасида унинг жавобгарлиги инкор этилади, шундай экан шахс айбсиз ҳисобланади. Ҳақиқатда, мажбурловчи бундай вазиятда жиноятнинг «тирик қуроли» сифатида чиқади, мажбурловчи эса жиноят субъекти ҳисобланади ва жавобгар бўлади.

2. Бевосита жинойий қилмиш содир қилинган лаҳзада ёки унга қадар (чунки талаб қилинаётган ҳаракатлар содир этилиши рад этилган тақдирда такроран зўрлик орқали таъсир кўрсатиш хавфи сақланиб қолади) шахсга нисбатан

қўлланиладиган жисмоний ва руҳий мажбурлаш жиноятнинг вазияти сифатида кўриб чиқилиши мумкин. Реал ҳолларда, жисмоний ва руҳий мажбурлаш камдан-кам ҳолларда бири-бирдан алоҳида амалга оширилади: кўпгина ҳолларда, ҳар қандай жисмоний мажбурлаш руҳий таъсир, руҳий мажбурлаш эса жисмоний куч ишлатиш элементларидан иборат бўлади.

3. **Жисмоний мажбурлаш** бошқа шахсга нисбатан мажбурий характерга эга, яъни унинг иродасига қарши, иродасини сўндириш ёки уни бўйсундириш ёхуд шахснинг ҳаракат эркинлигини чеклаш мақсадида содир этиладиган жисмоний чораларнинг қўлланилишидан иборат. Жисмоний мажбурлашда зўрлик ишлатиш характерига эга чоралар соғлиқка турли даражада оғир тан жароҳатларини етказиш, турли кучли таъсир этувчи ва гиёҳвандлик моддаларининг қўлланилиши, изоляция қилиш ва бошқаларда ифодаланиши мумкин – малакалаш учун бу чораларнинг конкрет белгилаш характери мавжуд эмас.

4. **Руҳий мажбурлаш** бошқа шахсга ҳаётга, соғлиқка, мулкка ёки мажбурланувчи шахс ёки унинг яқинларининг ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказиш хавфида, шунингдек шахснинг руҳиятига тўғри таъсир (турли психотроп моддаларнинг қўлланилиши, гипноз ва хоказолар) ўтказишда намоён бўладиган руҳий зўрлик чораларини амалга ошириш орқали таъсир ўтказишдан иборат. Жиноятни малакалаш учун шахснинг иродасини сўндириш ёки бўйсундириш, унинг ҳаракатлари эркинлигини чеклашни белгилашда қўлланиладиган аниқ усуллар мавжуд эмас.

5. Мажбурлаш мажбурланувчи шахснинг хоҳиш-иродасига қарши содир этиладиган ҳам мажбурий жисмоний ва ҳамда руҳий аломати сифатида намоён этилишини таъкидлаш зарур. Акс ҳолда мажбурлаш содир бўлмайди (масалан, дўкон қоровули босқинчиларнинг шериги бўлган ҳолда, ўзига шерикчиликда шубҳа уйғотмаслик учун ўзини боғлаб қўйишни сўрайди).

Шу билан бир вақтда фақат шахснинг иродасига қарши ғайриқонуний чораларнинг қўлланилиши мажбурлаш сифатида эътироф этилиши лозим. Қонун билан руҳсат берилган,



бир қатор ҳолларда эса ҳатто талаб қилинган чораларнинг қўлланилишини эса мажбурлаш сифатида кўриб чикилмайди (масалан, қамоққа олиш, ноконуний ҳаракатлар устидан шикоят қилиш таҳдиди ва бошқалар). Бундай ҳолатларда мажбурланган дейилаётган шахснинг учинчи шахслар ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказишда ифодаланган қилмишини, зарурий шароитлар мавжудлигида, тегишли қасддан ёҳуд эҳтиётсизлик оқибатидаги жиноят сифатида малакалаш лозим.

6. Жисмоний ёҳуд рухий мажбурлаш учинчи шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига зарар етказган мажбурланувчи шахснинг хоши-истагининг хулқ-атворига турли таъсир кўрсатиши мумкинлигини ҳисобга олиш зарур. Хусусан, шахс ўз ҳаракатларини танлаш эркинлигидан ёҳуд мутлақо чекланган, ёҳуд бундай чеклов хусусий характерга эга бўлиши мумкин.

Шахс фаолияти эркинлигининг турли характерга эга эканлиги турли ҳуқуқий баҳолашга олиб келади, хусусан, агар:

– **шахс ўз ҳаракатларини бошқара олмаса** (масалан, тўлиқ изоляцияланиш ёки гипноз уйқуси ҳолатида бўлиш ва бошқалар). Бундай ҳолатда мажбурланувчи мажбурловчининг қўлида фақат қурол ва хатти-ҳаракатларни танлаш имкониятидан тўлиқ маҳрум ҳисобланади, амалга оширилаётган жинойи-ҳуқуқий ҳаракатлар ёки ҳаракатсизлиги давомида иродасини намоиш қилиш имконияти йўқлиги сабабли бундай шахснинг жавобгарлиги инкор этилади;

– **шахс ўз ҳаракатларини бошқариш имкониятини сақлаб қолади** (масалан, зарар етказиш хавфида, қийноқ таҳдиди ва бошқаларда). Бундай вазиятда мажбурланувчининг қилмиши ЖКнинг 38-моддасига мувофиқ охири зарурият қондаларига қўра баҳоланади. Аммо, агар қилмиш охири заруриятнинг қонунийлиги шартларига жавоб бермаса ёҳуд унинг чегараларидан ўтиши мавжуд бўлса, унда мажбурланган шахснинг ҳаракатлари мустақил жиноят сифатида тавсифланиши лозим. Бунда унинг мажбурийлик остида содир этилиши Жиноят кодексининг 55-моддаси 1-қисми «г» банди бўйича енгиллаштирувчи ҳолат сифатида кўриб чикилади.

## Тўртинчи бўлим. ЖАЗО ВА УНИ ТАЙИНЛАШ

### Х 606. ЖАЗО ТУШУНЧАСИ, МАҚСАДЛАРИ ВА ТУРЛАРИ

#### 42-модда. Жазо тушунчаси ва мақсадлари

Жазо жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсга нисбатан давлат номидан суд ҳукми билан қўлланадиган ва маҳкумни қонунда назарда тутилган муайян ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум қилиш ёки уларни чеклашдан иборат мажбурлов чорасидир.

Жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиний фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

---

## Ш А Р Ҳ

---

1. **Жазо** – бу жиноят ҳуқуқининг муҳим институтлардан бири ҳисобланиб, у жиний жавобгарликни амалга оширишнинг етакчи шакли. Айнан жиноятларнинг жазоланиши жиноят қонунини ижтимоий алоқаларга таъсир кўрсатувчи восита қилади ва ҳуқуқий нормаларни шахс, жамият ва давлатни ноқонуний тажовузлардан ҳимоя этувчи ҳақиқий механизмга айлантиради. Жиний жавобгарлик масаласи сезиларли тарзда жиний жазо масаласига тақалади. Жазонинг самаралилиги, ўз навбатида, унинг белгиланишига бевосита боғлиқдир, чунки жазонинг роли ва моҳияти қанчалик тўғри тушунилса, шунчалик жиноят содир этган шахсларга таъсир ўтказиш усул ва методларини танлаш самарали бўлади. Бу билан эса, жиний жавобгарликнинг ижтимоий алоқаларни бошқаришдаги таъсири ортади.

2. Шарҳланаётган модда жиний жазо институти учун асосий аҳамиятга эга бўлиб, ўзида жазо деб тан олинishi учун давлат томонидан ижтимоий алоқаларга таъсир ўтказиш сифатида танланган усулларнинг белги ва хусусиятларини

қонуний шаклда қайд қилади. Жазонинг мақсадлари ва тушунчаси норматив суръатда белгиланиши нафақат жиноят қонунининг бир хил шаклда қўлланилишига, балки юридик техниканинг такомиллашувига ҳам кўмак беради ва жиноят қонунчилигининг босқичма-босқич, бир асосда ривожланишини таъминлайди.

3. Тузилиши жиҳатидан, шарҳланаётган модда икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисми жазо тушунчасини, иккинчи қисми эса, унинг мақсадларини аниқлаб беради. Шарҳланаётган модданинг бундай таҳрири кўрсатилган жиноятларни янада аниқроқ белгилаб беришга ва жазонинг моҳияти ва ролини англашдаги қийинчиликларни бартараф этишга кўмак беради.

4. **Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми** жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсга нисбатан давлат томонидан суд ҳукми асосида қўлланиладиган ва маҳкумни қонунда назарда тутилган муайян ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум қилиш ёки уларни чеклашдан иборат мажбурлов чорасидир. Шундай қилиб, жазо қонунда унинг муҳим белгиларини кўрсатиш орқали аниқланади ва ушбу белгиларнинг мавжуд бўлиши у ёки бу таъсир усулини жинойий жазо сифатида баҳолашга имкон беради. Бунда, шуни эътиборга олиш лозимки, у ёки бу таъсир чорасининг жазо сифатида тан олинishi учун барча белгилар мавжуд бўлиши талаб этилади, чунки улардан лоақал бири мавжуд бўлмаганда унинг жазо сифатида тан олинishiга тўсқинлик қилади.

**Жинойий жазо қуйидаги шартларга жавоб бериши лозим:**

- жинойий жазо давлатнинг мажбурлов чораси ҳисобланади;
- давлат томонидан ва давлат номидан унинг органлари томонидан амалга оширилади;
- жинойий жазо чораси фақат суд томонидан тайинланади. Бунда жазони тайинлаш суд томонидан, албатта, ҳукм чиқариш йўли билан амалга оширилиши керак;
- жазо тайинлаш учун жинойий қилмишнинг содир этилганлиги асос бўлади;

- жазо фақат жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахсга нисбатан тайинланади;
- жазо муайян ҳуқуқ ва эркинликни чеклашда ифодаланади;
- махсус ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум қилиш фақат жиноят қонунда кўрсатилади.

**5. Жиний жазо муайян сифат ва миқдор хусусиятига эга** бўлган таъсир кўрсатиш усулидир.

**Сифат белгиси сифатида** жиний жазо чораси орқали таъсир этишнинг мазмуний жиҳати тушунилади (масалан, жарима жазоси тайинлаш орқали жиноятчи шахсига таъсир кўрсатиш).

**Миқдор хусусияти сифатида** у ёки бу даражада таъсир этишнинг чегараси тушунилади (масалан, жарима жазосини белгилашда унинг суммаси, озодликдан маҳрум этишда эса, унинг муддати ва ҳ.к.).

Ҳеч кимга жиноят қонунда белгиланган сифат ва миқдор белгисидан четга чиқиб жазо тайинланиши мумкин эмас. Фақат суд белгиланган жазо доирасида жиноят қонунига мувофиқ жазо муддати ва режимини белгилаш орқали қандай миқдорда ва сифатда жазо қўлланилишини белгилаши мумкин.

**6. Жазо сифатида** фақат мажбурлов хусусиятига эга бўлган таъсир чораси тан олинади, яъни жазо қўлланилаётган ёки бошқа шахсларнинг ихтиёридан қатъи назар, ижро этилади. Бу ўринда жазо қўлланилаётган шахсга нисбатан субъектив муносабатда бўлиш унинг мажбурий хусусиятига таъсир этмайди. Жазо айбдор томонидан ихтиёрний тарзда ёки унинг ихтиёрига қарши мажбурий равишда ижро этилади, яъни бу ўринда унинг мажбурий эканлиги намоён бўлади.

**Жазонинг мажбурий хусусияти**, жазонинг айбдор томонидан, шунингдек, жазони ижро этувчи орган ходимлари, муассасалар маъмурияти томонидан ижро этилишини билдиради. Айни пайтда, ушбу характердаги қандайдир субъектив омилларга боғлиқ бўлган ва амалга оширилиши лозим бўлмаган бошқача таъсир ўтказиш чоралари жазо чораси сифатида тан олинмайди, хусусан, кўндириш, тарбиявий характерга эга бўлган чоралар ва ҳ.к. жазо сифатида ҳисобга олинмайди.

7. Ижтимоий муносабатларга таъсир кўрсатиш усулининг жазо сифатида тан олинishi учун мажбурлов чораси **давлат номидан** қўлланилади.

Жазони қўллаш фақат давлатнинг ваколати бўлиб, бундай ҳуқуқ хусусий ёки турли ижтимоий корхона ва ташкилотларга берилмайди. Фақат Ўзбекистон Республикасининг ваколатли жазони ижро этиш органлари жазонинг ижросини амалга оширадилар, улар ўз номидан эмас, балки Жиноят кодексининг 42-моддасига кўра, давлат номидан ҳаракат қиладилар. Мажбурлаш чоралари ҳам давлат органлари (башарти, уларга жазони қўллаш ҳуқуқи берилмаган бўлса) ҳамда бошқа тузилмалар сифатида намоён бўлувчи тузилмалар томонидан амалга оширилса, ушбу чоралар жиноий жазо сифатида тан олинмайди. Айти пайтда, шундай тузилмаларнинг раҳбарлари қонун томонидан белгиланган тартибда жавобгарликка, жумладан, жиноий жавобгарликка ҳам тортилишлари лозим бўлади.

8. Жазони тайинлаш, яъни Жиноят кодексининг Махсус қисмидаги тегишли модда доирасида жазонинг аниқ тури ва ҳажмини танлаш фақат судга берилган ҳуқуқдир. Фақат суд – давлат ҳокимиятининг алоҳида бир бўлаги сифатида содир этилган жиноят учун жазо тайинлаш ҳуқуқига эга. Давлатнинг бошқа органлари, хусусан, ижро этувчи ва қонун чиқарувчи органлар бундай ваколатларга эга эмас.

Айти пайтда, шунга таъкидлаб ўтиш лозимки, жазони тайинлаш ҳуқуқи исталган суд органига эмас, балки шундай ваколат берилган жиноят ишлари бўйича судларга берилган<sup>1</sup>.

9. Жазони тайинлаш суд томонидан махсус ҳужжатни – **ҳукмни**, яъни жиноят ишини фақат суд томонидан кўриб чиқиш оқибатида қабул қилинадиган алоҳида қарор турини чиқариш йўли билан амалга оширилади. Ҳукм жиноят ишини асл мазмуни бўйича ҳал қилади, чунки унда судланувчи шахснинг айбдорлиги ёки айбдор эмаслиги масаласи ҳал этилади, жазонинг аниқ тури ва миқдори тайинланади.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси, 28-модда // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 2-сон.

шахснинг айбдор ёки айбдор эмас, деб тан олинишидан келиб чиқадиган бошқа хил ҳуқуқий оқибатлар белгиланади. Шундай қилиб, ҳукм жиноят ишлари бўйича адолатли амалга оширишнинг махсус шакли сифатида намоён бўлиб, қонунда кўрсатилган маълум талабларга мувофиқ бўлиши лозим<sup>1</sup>. Унга риоя этмаслик, умуман, жиноят ишларини хал этишда ва хусусан, жазони тайинлашда ноқонуний ҳолатни юзага келтиради. Бундай тақдирда, таҳлил қилинаётган модда ҳолатларидан келиб чиқиш асосида, тайинланган жазо, умуман, жазо сифатида эътироф этилиши мумкин эмас.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳукм давлат номидан чиқарилади<sup>2</sup>.

Жазо давлат номидан тайинланади, яъни суд жиноятни ва унинг қилмишига нисбатан давлатнинг салбий муносабатини ифода этади. Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, **жазо ошкора характерга эга** ҳуқуқий таъсир чорасидир.

10. **Жиноят** содир этиш **жиноий жазо қўллашга асос бўлиб хизмат қилади**. Содир этилган қилмишда жиноят белгилари мавжуд бўлмаса, жиноий жазо тайинланишига асос бўлмайди. Шу сабабдан, маъмурий жазо чоралари, шунингдек, интизомий жавобгарлик чоралари (масалан, жарима, мажбурий жамоат ишлари, махсус ҳуқуқлардан маҳрум этиш ва ҳ.к.) ҳам жиноий жазо сифатида тан олинмайди. Шундай қилиб, жиноий жазо жиноят содир қилишнинг ҳуқуқий оқибати ҳисобланади.

11. **Жиноий жазо** алоҳида шахсийлик хусусиятига эгадир ва фақат жиноятни содир этганликда айбдор деб топилган шахсга нисбатан қўлланади. Шахс жиноятни содир этганлиги фақат фош қилинган ва унинг айби исботланган тақдирдагина, уни жиноят қонунда тегишли жиноят учун назарда тутилган муайян жазога маҳкум этиш мумкин. Мана шунда Жиноят кодексининг 9-моддасида белгиланган айб учун жавобгарлик тамойили ўз ифодасини топади. Айбсиз шахсга

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси, 54-боб // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 2-сон.

<sup>2</sup> Уша манба, 454-модда.

жазони тайинлаш мумкин эмас ва агарда суд муайян бир шахснинг айбини аниқлай олмаса, бундай шахсни жазолаш мумкин бўлмайди.

Қонуннинг фақат суд ҳукмида жиноят содир этишда айбдор эканлиги аниқланган шахсга нисбатан жазо қўлланиши мумкинлиги тўғрисидаги қоида жазонинг шахсийлиги хусусиятидан дарак беради. Бошқача қилиб айтганда, содир этилган жиноят учун мажбурлов чоралари давлат томонидан фақат жиноятчининг ўзига нисбатан қўлланади. Жазога хос бўлган маҳрум этишларни ва чеклашларни, ҳаттоки айбдор қандайдир йўл билан муносиб жазони олишдан қочиб кетган тақдирда ҳам, унинг жамоаси, оиласи ёки унга яқин кишилари зиммасига юклатиш мумкин эмас. Хусусан, жазонинг етарлича шахсийлик хусусияти йўқлиги жазо турлари тизимидан мол-мулкни мусодара этиш каби жазони чиқариб ташлашни тақозо этди<sup>1</sup>.

12. **Жиной** жазонинг мазмуни жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахснинг муайян ҳуқуқ ва эркинлигини чеклаш ёки улардан маҳрум этишда ифодаланади. Бунда, ушбу кўрсатилган мажбурлов чоралари орасидаги фарқ уларнинг даражасига, миқдорига боғлиқдир. Хусусан, ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум этиш ҳолатида давлат судланувчи томонидан қандайдир ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлишни тўла (масалан, маълум турдаги мансабни эгаллаш ҳуқуқи, ҳаракат қилиш ҳуқуқи ва ҳ.к.) ёки қисман чеклаб қўяди.

13. Жиноят қонуни доирасида таъсир этиш усули жиноят ҳуқуқига кўра жиной жазо чоралари фақат Жиноят кодексида тўғридан-тўғри кўрсатилган ҳолларда қўлланилади. Жиноят қонунда кўрсатилмаган жазо чоралари қўлланилиши мумкин эмас. Шу сабабдан, тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари, тарбиявий таъсир чоралари ва бошқа ҳуқуқий таъсир кўрсатиш чоралари жазо сифатида бу тарзда намоён бўлмайди.

<sup>1</sup> Таъкидлаб утилганидек, мусодара этиш натижасида нафақат жиноятчи, балки унинг ҳаракатларида айбдор бўлмаган оила аъзолари ҳам жазоланардилар. Қараи: Каримов И.А. Адолат – қонун устуворлигида. Иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 29 августдаги VI сессиясидаги маъруза // Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. – 10-том. – Т.: «Ўзбекистон», 2002. – 26–50-б.

Аниқ таъсир кўрсатиш чорасининг жазо сифатида назарда тутилганлигининг белгиси, биринчидан, мазкур жазо чораси Жиноят кодексига умуман назарда тутилган бўлишини талаб қилади. Иккинчидан, шу жазо чораси содир этилган жиноий ҳаракат учун жавобгарликни белгилайдиган Кодекс моддасининг санкциясида назарда тутилган бўлишини талаб қилади. Бунда аниқ жиноят тури учун жазо тайинлашда суд қонунда назарда тутилганидан оғирроқ жазо турини тайинлай олмаслигини ва шу билан бир вақтда Жиноят кодексининг тегишли моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо турини тайинлаши мумкин эканлигини назарда тутиш лозим.

Шуни назарда тутиш керакки, жазони қўллаш пайтида ҳуқуқ ва эркинликларни чеклаш ёки улардан маҳрум этишнинг характери ва миқдори нафақат Жиноят кодекси, балки Жиноят-ижроия кодексининг нормалари билан ҳам кўрсатилади. Бироқ, жазо миқдорининг чегаралари ва асосининг кўрсаткичлари ҳамда унинг турларини белгиловчи Жиноят кодексидан фаркли, Жиноят-ижроия кодекси жазонинг мазмунини тўлдиради ва унинг амалга ошириш тартиб-қондаларини белгилайди.

14. Жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш ёки улардан маҳрум қилиш жиноий жазо чорасининг жазоловчи белгисини ифодалайди. Жиноят кодексининг 7-моддасида белгиланишича, жиноий жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон кадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламайди. Бошқача қилиб айтганда, қўлланилаётган ҳуқуқ ва эркинликларни чеклаш ёки улардан маҳрум этиш чоралари уларнинг мақсадидан қатъи назар, ўзида қасдни мужассам этган бўлиб, содир этилган ноқонуний тажовуз оқибатидир.

15. Жиноят-ҳуқуқий назария ва қонунни қўллаш амалиёти томонидан ишлаб чиқилган жазо мақсадлари жамланган шаклда шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмида қайд этилган. Жазони танлаш ва қўллашда эришишига ҳаракат қилинадиган натижаларнинг норматив-ҳуқуқий намоён бўлиши жиноят



тўғрисидаги қонунчиликнинг бир хил қўлланилишига ҳамда унинг босқичма-босқич, мунтазам равишда ривож топишига кўмак беради. Жиноий жазо давлат мажбурловининг алоҳида шакли сифатида юридик адабиётларда ҳуқуқий категория сифатида баҳоланади. Жазо маҳкумнинг ахлоқини тузатиш, унинг жиноий фаолиятни давом эттиришга тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек, бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

**Жазонинг қўлланиши** қуйидагиларга қаратилган бўлиши лозим:

- маҳкумни ахлоқан тузатиш;
- шахснинг жиноий фаолиятига тўсқинлик қилиш;
- судланувчи ва бошқа шахслар томонидан янги жиноятлар содир этилишининг олдини олиш каби мақсадлар.

**16. Тарбиялаш жазонинг алоҳида бир мақсади** сифатида жиноят содир этган шахсга жазо қўллаш орқали унда қонунга итоаткор хулқ-атворни, инсонга, жамиятга, меҳнатга, жамият турмуши қоидалари ва анъаналарига ҳурмат муносабатини шакллантиришдан иборат<sup>1</sup>. Шундай қилиб, давлат томонидан мажбурлов чораларини қўллаш орқали тарбиялаш, жиноятчига жазонинг тарбиявий таъсиридир ва жазонинг айнан ана шу хусусияти маҳкумни кўрқитиб туради ва тўғри йўлга ўтиб олишига ёрдам беради. Шунингдек, ноқонуний тажовузни амалга оширишга имкон берган ёки унга сабаб бўлган шахснинг хусусиятларини ўзгартиради (масалан, жазоланмаслик ҳисси, лозим даражадаги эътиборнинг йўқлиги ва ҳ.к.).

**17. Жиноий фаолиятни давом эттиришга тўсқинлик қилиш жазонинг махсус мақсади** сифатида шахсни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини, мол-мулкни, табиатни, тинчликни, инсониятнинг ҳавфсизлигини жиноий тажовузлардан ҳимоя этувчи Кодекс вазифаларининг қисман кўриниши ҳисобланади (бу ҳақда батафсил маълумот 2-модданинг шарҳида берилган).

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси. 7-модда // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997 й., 6-сон, 175-модда.

Жазони қўллаш орқали жиноий фаолиятни давом эттиришга тўсқинлик қилиш ушбу фаолиятнинг нафақат судланувчи, балки у билан бирга жиноий фаолиятни амалга оширган бошқа шахслар томонидан ҳам давом этишига чек қўяди (масалан, уюшган гуруҳ аъзосига нисбатан мажбурлов чораларини қўллаш ва шу билан ноқонуний тажовузларни амалга оширишга чек қўйиш).

18. Янги жазони белгилаш ва мавжуд бўлганини қўллаш орқали ваколат берилган давлат органлари унинг янги жиноятлар содир этишининг олдини олишга кўмак берувчи талабларга бўйсунганини таъминлайди, яъни жазони қўллаш превентив аҳамиятга эга бўлиши лозим. Бунда қонун даражасида жазони қўллаш махсус ва умумий превенция мақсадларини кўзлайди.

**Махсус превенция** деганда жазони қўллаш натижасида маҳкум томонидан янги жиноят содир этилишининг олди олиниши тушунилади. Жазо унинг мақсадлари амалга ошишини таъминлашда суд қатъий равишда судланувчига нисбатан қонун асосида ва тегишли модданинг чегараларида қўлланиладиган жазонинг тури ва даражасини фарқлайди. Бу мақсадга эришиш учун давлат шахс томонидан содир этилган жиноятга тез суръатда жавоб бериши муҳимдир.

19. **Жазо қўллашда умумий превенциянинг мақсади** жиноят содир этган маълум бир шахсга нисбатан жазонинг аниқ бир тури ва миқдорини белгилаш орқали давлат бошқа фуқаролар томонидан янги жиноят содир этилишининг олдини олади. Агар маҳкум янги жиноят содир қилса, бошига янада оғирроқ мусибат тушишидан қўрқиши унинг тўғри йўлга ўтиб олишига асосий омил бўлади. Албатта, жиноят содир қилган шахсга муайян турдаги жазо қўлланилганидан кейин унинг хулқини қонуний назорат қилиш, хулқий ҳаракатларини муайян доирада йўналишга солиб туриш имконияти вужудга келади.



### 43-модда. Жазо тизими

Жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсларга нисбатан қўйидаги асосий жазолар қўлланилиши мумкин:

- а) жарима;
- б) муайян ҳуқукдан маҳрум қилиш;
- б<sup>1</sup>) мажбурий жамоат ишлари;
- в) ахлоқ тузатиш ишлари;
- г) хизмат бўйича чеклаш;

д) («д» банд *Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 29 мартдаги ЎРҚ-421-сонли Қонуни билан чиқарилган – ЎР ҚХТ, 2017 йил, 13-сон, 194-модда*)

- д<sup>1</sup>) озодликни чеклаш;
- е) интизомий қисмга жўнатиш;
- ж) озодликдан маҳрум қилиш;
- з) умрбод озодликдан маҳрум қилиш.

Маҳкумларга асосий жазолардан ташқари ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш тарзидаги қўшимча жазо ҳам қўлланилиши мумкин.

Хизмат бўйича чеклаш ёки интизомий қисмга жўнатиш тариқасидаги жазолар фақат ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланилади.

Муайян ҳуқукдан маҳрум қилиш фақат асосий жазо сифатидагина эмас, балки қўшимча жазо тариқасида ҳам қўлланилиши мумкин.

---

## Ш А Р Х

---

1. Шарҳланаётган моддада назарда тутилган жазо тизимининг норматив-ҳуқуқий мустахкамланиши жинойи жазонинг барча институти учун стратегик аҳамиятга эга. Тизимнинг бундай роли шарҳланаётган модда қоидалари мажбурий тартибда ҳисобга олиндиған жазони тайинлаш, қўллаш ва ижро этиш масалалари қандайдир даражада тегишли бўладиган жиноят қонунига мурожаат қилишда унинг қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш фаолиятига таъсир этиши билан ўзаро боғланган. Шундай қилиб, Жиноят кодексининг

алоҳида нормасида жазо тизимининг мустаҳкамланиши қонун чиқарувчининг жиноят қонунчилигининг изчил ва тизимли ривожланишига, қонун қабул қилувчи органнинг қонунни амалга оширишда бир хилда ёндашишига эътиборни қаратиши лозим.

Шуни назарда тутиш керакки, жазо жиноят ҳуқуқининг муҳим институтларидан бири бўлиши билан бир қаторда, жинойӣ жавобгарликни амалга оширишнинг асосий шаклларида хисобланади.

2. Шарҳланаётган моддада келтирилган **жазо тизими** ўзининг оғирлиги нуқтаи назаридан юқоридан пастга қараб эмас, балки пастдан юқорига қараб белгиланган. Жазо тизимининг бундай тартибда белгиланиши ўзида инсонпарварлик принципини тўлиқ акс эттиради. Жазо тизими умумий принциплар асосида тизимлаштирилган. Унда қонунийлик, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, одиллик ва инсонпарварлик принциплари мустаҳкамланган.

Жиноят кодексига кўрсатилган жазо тизимининг қуйидаги элементларини кўрсатиб ўтиш мумкин:

– давлат номидан қўлланилиши орқали судланувчини тарбиялашга, жинойӣ фаолиятининг олдини олишга, шунингдек, умумий ва махсус превенцияга эришиш мумкин бўлган жазо тизимини ташкил қилувчи элементлар сифатида фақат алоҳида давлат мажбурлов чоралари кўрсатилади;

– жазо тизими элементлари ўзаро алоқадор ва бир-бирини тўлдиради. Тизимнинг мазкур белгиси жазо самарадорлигига эришиш учун ҳар томонлама ёндашишни билдиради, яъни белгиланган мақсадга эришиш бирон-бир жазо чорасини қўллашга эмас, балки судланувчига ялпи таъсир чоралари қўлланилиши билан боғлиқдир. Бу белги Жиноят кодексининг Махсус қисми тегишли моддасининг нормаларида муқобил жазо чораси белгиланиши ёки қўшимча жазо чорасининг қўлланишида намоён бўлади;

– жиноят қонунига белгиланган давлат мажбурлов чораларининг рўйхати қатъий бўлиб, унинг кенгайтирилишига йўл қўйилмайди. Айбдорга нисбатан Жиноят кодексига кўрсатилмаган жазо чоралари қўлланиши мумкин эмас.

Жиноят кодексидаги жазо тизимига киритилмаган жазо чораси Жиноят кодексининг Махсус қисми санкциясига ҳам киритилиши мумкин эмас;

– жазо тизимига киритилган жазо турлари жиноятнинг оғирлик даражаси бўйича, энгилдан оғирига қараб жойлаштирилган. Шунинг билан жазолардан қайси бири нисбатан энгил ва қайси бири оғирроқ, деб ҳисобланишини қонуннинг ўзи белгилайди, бу эса, моддалардаги санкцияларни тузишнинг юридик моҳиятига ўз таъсирини кўрсатади ва бундан ташқари, жиний жазонинг мақсадларига эришиш учун муайян даражада судларни давлат томонидан мажбур этишнинг энгилроқ чораларини қўллашга йўналтиради. Хусусан, судлар ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган, шунингдек, унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган ва жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатилиши мумкин бўлган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинлаш учун қонунда мавжуд барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланишлари керак.

Қонун нормаси санкциясида альтернатив жазолар мавжуд бўлганда ҳукмда озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазони қўллаш зарурлиги тўғрисидаги масала муҳокама этилиши шарт<sup>1</sup>.

3. Юридик моҳияти нуқтаи назаридан қонунда асосий ва қўшимча жазолар назарда тутилган бўлиб, бундай ажратиш у ёки бу ҳуқуққа зид тажовузни амалга оширган айбдор шахсга нисбатан қўлланилганда жазо мақсадига эришишнинг самарадорлигига давлат мажбурловининг аниқ чоралари турлича таъсир этишидан келиб чиқилган. Жумладан, қонун чиқарувчи ва судлар кўпинча асосий жазоларни қўллаш билан айнан жазонинг мақсадига эришиш мумкин, деб ҳисоблайдилар. Қўшимча жазолар эса, ёрдамчи характерга эга ва қўлланилган давлат мажбурлови чоралари ўзига хос тарзда ёрдам беради. Қўшимча жазолар алоҳида қўлланиши мумкин эмас, у фақат асосий жазога қўшимча равишда қўлланилади.

<sup>1</sup> Каранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиётини тўғрисида»ги 1-сонли қарори, 5-банд.

Айни дамда аралаш турдаги жазо муайян ҳолатга қараб, ҳам асосий, ҳам ёрдамчи аҳамиятга эга бўлиши мумкин ва улар вазиятга кўра, асосий ёки қўшимча, деб қабул қилиниши мумкин.

4. Жазоларнинг бундай маълум турларга ажратилиши катта амалий аҳамиятга эга. Масалан, **асосий жазолар** – жарима, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш, озодликни чеклаш; интизомий қисмга жунатиш, озодликдан маҳрум қилиш, умрбод озодликдан маҳрум қилиш – фақат мустақил кўринишлар сифатида белгиланиши мумкин ва уларни давлат мажбурловининг бошқа асосий чораларига қўшимча тарзида бирлаштириш мумкин эмас. Асосий жазоларнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагиларда намоён бўлади: Жиноят кодекси Махсус қисми моддаларининг санкция қисмида кўрсатилган бўлади; тегишли модданинг санкция қисмида кўрсатилмаган бошқа асосий жазони белгилаш фақат ЖКнинг 57-моддаси қондаларига мувофиқ энгилроқ жазони қўллаш ва ЖКнинг 74-моддаси тартибида жазонинг ўталмаган қисмини энгилроқ жазо билан алмаштириш ҳолларидагина йўл қўйилади. Бундан ташқари, айрим ҳолларда суд уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш, ахлоқ тузатиш ишларини ЖКнинг 47-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ мазкур муддатга хизмат бўйича чеклаш жазосини қўллаши мумкин;

– **қўшимча жазолар** – харбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш киради. Қўшимча жазо алоҳида қўлланиши мумкин эмас, у фақат асосий жазога қўшимча равишда қўлланилади. Бунда, уларни тайинлаш Жиноят кодекси Махсус қисмининг муайян моддасидаги санкцияда шундай жазо турининг мустаҳкамланиши билан боғлиқ эмас, яъни олий суд инстанциясининг тавсиясидан келиб чиққан ҳолда, уни ҳар қандай ҳолатда тайинлаш мумкин<sup>1</sup>.

5. **Аралаш турдаги жазо** – муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш – Жиноят кодекси Махсус қисмининг аниқ моддалари

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сонли қарори, 40-банд.



санкциялари тузилишига қараб ҳам асосий, ҳам қўшимча бўлиши мумкин ва улар, қоидага қўра, давлатнинг мажбурлов чораларининг тегишли турини тайинлашда қўлланилади. Шу билан бирга, жазонинг аралаш хусусиятга эга бўлиши, уни қўллаш қоидаларининг аралаш хусусиятига эга бўлишини англатмаслигини назарда тутиш лозим. Хусусан, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилишни, агарда у қонунда асосий турдаги жазо деб кўрсатилган бўлса, уни қўшимча жазо сифатида қўллашга йўл қўйилмайди<sup>1</sup>. Масалан, хат-ёзишмалар, телефонда сўзлашиш, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг сир сақланиши тартибини бузиш (ЖКнинг 143-моддаси) айбдор саналган шахсга, агар унга ушбу модда санкциясида назарда тўтилган жазонинг бошқа тури асосий жазо сифатида белгиланган ҳолларда ҳам, унга жазо муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш асосий жазо сифатида кўрсатилган ҳолларда ҳам қўлланиши мумкин эмас. Мазкур масаланинг бошқача талқин этилиши Жиноят кодексининг одиллик ва қонунийлик принципларига зид келади.

6. Қўшимча жазолардан бирининг қўлланилиши бошқасини қўллашга тўсқинлик қилмаслигини назарда тутиш керак. Масалан, агар айбдорга ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш қўшимча жазо сифатида қўлланилган бўлса, шунингдек, унга муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ҳам қўлланилиши мумкин. Лекин, юкорида қайд этилган муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосини қўллашга тўсқинлик қилувчи шарт-шароитнинг йўқлигини ҳам аниқлаш лозим.

7. **Шарҳланаётган модданинг учинчи қисмида** жазонинг махсус тури – хизмат бўйича чеклаш ёки интизомий қисмга жўнатиш ажратиб кўрсатилган. Хизмат бўйича чеклаш ва интизомий қисмга жўнатиш жиноятнинг

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сонли қарорининг 41-банди 2-хатбошисига мувофиқ, «агар муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тартиқасидаги жазо Жиноят кодексининг Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тўтилмаган бўлса, у ЖКнинг 45-моддасида белгиланган асослар ва доирада, қабул қилинган қарор ҳукмида асослантирилган ҳолда қўлланилиши мумкин».

махсус субъектига нисбатан қўлланилади. У бошқа шахсларга нисбатан қўлланилиши мумкин эмас.

Жиноят қонунда белгиланган жазо чоралари тизими қатъий бўлиб, суд судланувчига нисбатан қонунда белгиланган жазо чорасидан бошқа бирон-бир жазо чорасини қўллай олмайди.

#### 44-модда. Жарима

Жарима айбдордан давлат даромадига ушбу Кодексда белгиланган миқдорда пул ундиришдир.

Жарима базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан олти юз бараваригача миқдорда белгиланади.

Агар ҳукм қилинган шахс жазо тариқасида тайинланган жаримани мажбурий ижро этиш учун белгиланган муддатларда тўлашдан бўйин товласа ёхуд қарздорда ундирув қаратилиши мумкин бўлган мол-мулк мавжуд эмаслиги туфайли мажбурий ижро этиш учун белгиланган муддатлар мобайнида жаримани ундиришнинг имкони бўлмаса, худди шунингдек кечиктириш муддати тугаганидан кейин жарима тўланмаган ёки жаримани бўлиб-бўлиб тўлаш шартлари бузилган тақдирда, суд жариманинг тўланмаган миқдорини мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш, озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштиради. Бундай ҳолда мажбурий жамоат ишларининг икки ярим соати базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдоридagi жаримага тенглаштирилиб, тўрт юз саксон соатдан кўп бўлмаган муддатга, ахлоқ тузатиш ишларининг, хизмат бўйича чеклашнинг, озодликни чеклашнинг ёки озодликдан маҳрум қилишнинг ҳар бир ойи базавий ҳисоблаш миқдорининг ун олти баравари миқдоридagi жаримага тенглаштирилиб, уч йилдан кўп бўлмаган муддатга тайинланади.



## Ш А Р Х

1. **Жарима давлатнинг мажбурлов чораси** сифатида айбдорга иқтисодий таъсир кўрсатиш орқали жиноят содир этган шахснинг мулкий ҳуқуқларини чеклашдан иборатдир. Шунинг учун ҳам жарима жазо тизимида кўрсатилган жазо чораларининг энг енгили ҳисобланади. Унинг қўлланиши қонун чиқарувчи ва суд амалиёти томонидан жазо мақсадига эришишнинг энг самарали усулларидан биридир. Шу муносабат билан олий суд инстанцияси судларга жарима тариқасидаги жазо турини нафақат ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар, балки оғир жиноятлар содир этишда айбдор деб топилган шахсларга нисбатан ҳам, агар бу жазо қонун санкциясида назарда тутилган бўлса, кенгрок қўллашни<sup>1</sup> тавсия этади.

2. Амалдаги Жиноят кодексига мувофиқ, жарима фақат пул ундириш ҳисобланади. Шундай қилиб, давлат томонидан ушбу мажбурлов чорасини қўллашда суд ўз ҳукмида маҳкум шахсга нисбатан тайинланган нафақат базавий ҳисоблаш миқдори умумий сонини, балки ундирилаётган пул тўловининг мутлақ ифодаси меъёрини ҳам аниқ кўрсатиши шарт. Бунда жариманинг миқдори ҳукм чиқарилаётган вақтдагисига қараб эмас, балки жиноят содир этилган вақтдаги базавий ҳисоблаш миқдорига қараб белгиланади<sup>2</sup>.

3. Қонун жариманинг энг кам ва энг кўп чегаралари базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан олти юз бараваригача бўлган миқдорлари белгиланган. Мазкур чегаралар, Жиноят кодексининг Махсус қисми тегишли моддасининг санкцияси доирасида суд томонидан айбдор учун тайинланиши мумкин бўлган жазо чегараларини ташкил этади. Хусусан, модда санкцияларида жариманинг энг кам миқдори кўрсатилмаган ҳолларда (масалан,

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сонли қарори, 15-банд.

<sup>2</sup> Ушв манба, 16-банд. 1-хатбоши.

сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш тўғрисидаги қонунчиликни бузиш базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваригача бўлган миқдордаги жарима билан жазоланади – ЖКнинг 146-моддаси), унинг қуйи чегарасига амал қилишга алоҳида эътиборни қаратиш зарур. Бундай ҳолларда жариманинг энг кам миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баравари миқдоридан кам бўлмаслиги керак, чунки Жиноят кодексининг 44-моддаси 2-қисмида кўрсатилган жариманинг чегаралари умуммажбурий хусусиятларга эга ва гарчи суд, Жиноят кодексининг 57-моддасига мувофиқ тарзда енгилроқ жазони тайинлайдиган бўлса ҳам, қонунда белгиланган чегаралардан чиқадиган жазони маҳкумга тайинлашга ҳаққи йўқ.

4. Жиноят кодекси Махсус қисми муайян моддасининг санкциясига мувофиқ, жиноятни содир этган айбдор шахс учун суд томонидан жариманинг тайинланишида, содир этилган жиноят оғирлигининг даражасидан ва маҳкумнинг моддий аҳволидан келиб чиққан ҳолда жарима миқдори белгиланиши керак. Олий суд инстанциясининг кўрсатмасига биноан, жарима тарикасидаги жазони тайинлаш ва миқдорини белгилашда суд, одатда, унинг амалда тулана олиниши имкониятидан келиб чиқиши лозим. Бунда, чунончи, судланувчининг моддий аҳволи, шунингдек, қарамоғида вояга етмаган фарзандлари, кекса ота-онаси борлиги ва х.к.лар инobatга олиниши лозим<sup>1</sup>.

Судланувчининг моддий аҳволини баҳолашда қуйидаги мезонлар ҳисобга олиниши лозим:

– қонун билан тақиқланмаган ҳар қандай манбадан оладиган даромадлари. Бундай даромадларга иш ҳақи, мулкӣ даромадлар, тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган даромадлар кирази;

– судланувчига мулк ҳуқуқи асосида, ҳўжалик юритув асосида, оператив бошқарув асосида, шунингдек, ижарага олиш асосида тегишли мол-мулк;

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сонли қарори, 16-банд, 2-хатбоши.



– унинг қармоғидаги шахслар, масалан, вояга етмаган фарзандларининг мавжудлиги;

– судланувчининг уз мулкни учинчи шахслар ихтиёрига топшириш мажбуриятлари мавжудлиги; масалан, судланувчи зиммасидаги алиментларни тулаш, ҳаётга ва соғлиққа келтирилган зарарни қоплаш; солиқлар, бюджет ҳамда бошқа хил мажбурий туловларни амалга ошириш мажбуриятларининг мавжудлиги каби омиллар инobatга олиниши лозим. Шу билан бир вақтда, юқорида келтирилган рўйхат тулиқ эмас ва суд жариманинг аниқ миқдорини тайинлашда жарима миқдорига таъсир этувчи бошқа жиҳатларни инobatга олишга ҳақлидир.

5. Жиноят кодексининг тегишли моддалари санкциялари доирасида жариманинг аниқ миқдорини тайинлаш ҳақидаги масалани ҳал этиш вақтида жарима миқдори жазони индивидуаллаштиришга имкон берувчи мезон ҳисобланадиган ҳолатга алоҳида эътибор бериш керак. Шу муносабат билан жариманинг аниқ миқдорини танлаш, бир вақтнинг ўзида, судланувчини қашшоқ қилмай, мазкур жазонинг ижро этилишини ва шу билан бир вақтда жаримани пул тулаш орқали жамоатчиликнинг норозилигидан қутулиш воситасига айлантирмасликни таъминлаши керак.

6. Жарима тариқасидаги жазога ҳукм қилинган шахс жаримани ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб бир ойлик муддат ичида ихтиёрий равишда тулаши шарт<sup>1</sup>. Маҳкум белгиланган муддатда жаримани ихтиёрий равишда туламаган тақдирда, жарима суд ижрочиси томонидан мажбурий тартибда ундириб олинади. Агар ҳукм қилинган шахс жазо тариқасида тайинланган жаримани мажбурий ижро этиш учун белгиланган муддатларда туламаса, мазкур жазо турини ижро этишдан маҳкумнинг бош тортиши туғрисидаги масала суд томонидан ҳал қилиниши лозим. Жаримани ижро этишдан бош тортилиши далили суд томонидан қуйидаги шартларга биноан, яъни:

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси, 19-модда 1-қисми // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 6-сон, 175-модда.

– жаримани тўлаш мумкин бўлмаган ҳолатлар суд томонидан узрли, деб топилмаган бўлса:

– Ўзбекистон Республикасининг «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуни<sup>1</sup> талабларига кўра, қўлланилган мажбурий ижро этиш жиноят содир этган шахснинг даромадлари ва бошқа мулкларини яшириши сабабли мумкин бўлмаса.

Узрли сабабларга кўра, жаримани тўламаганлик, шунингдек, агар уни тўлаш Жиноят-процессуал кодексининг 533-моддаси тартибида суд томонидан кечиктирилган ёки муддати узайтирилган бўлса, жазони ижро этишдан бўйин товлаган, деб ҳисобланмайди<sup>2</sup>. Жаримани тўлаш учун маблағнинг бўлмаслиги, соғлиғининг ёмонлашганлиги, узок муддатли хизмат сафари ва бошқалар узрли сабаблар, деб топилади.

Даромадларнинг бир қисми ёки айримларини бошқа шахсларга қайта расмийлаштириш, иш ҳақи миқдори тўғрисидаги ҳужжатларни сохталаштириш ёки йўқ қилиш каби ҳаракатлар даромадларни яшириш деб ҳисобланиши мумкин. Мажбурий ундиришга қаратилиши мумкин бўлган мол-мулкни яширишга уни ижро органига номаълум бўлган ерга жойлаштириш, камомад, мол-мулкни ёки унга эгаллик ҳуқуқини бегоналаштириш ва бошқаларни киритиш мумкин.

<sup>1</sup> Ушбу Қонуннинг 5-моддаси 2-бандига кўра, жиноят ишлари бўйича судларнинг ҳукмлари, ажримлари ва қарорларининг мулкий ундиришга оид қисми, шунингдек жарима тариқасидаги жазони назарда тутувчи ҳукмлари, ажримлари ва қарорлари ижро этилиши лозим. Қонуннинг 45-моддасига мувофиқ эса, ихтиёрий равишда ижро этиш учун суд ижрочиси томонидан белгиланган муддатнинг ўтганлиги мажбурий ижро этиш чораларини қўллаш учун асос бўлади (Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги 258–II-сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 9–10-сон, 169-модда).

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги I-сонли қарорининг 17-банди 2-хатбошисига мувофиқ, бундай ҳолатда ЖКнинг 44-моддаси 3-хатбошисига белгиланган жазо ижросидан бош тортиш муддатларининг ҳисобланиши жазо ижросини чўзиш (хатбошиларга бўлиб ижро этиш) муддатининг тугашидан кейин бошланади.

7. Агар маҳкум жазо тариқасида тайинланган жаримани мажбурий ижро этиш учун белгиланган муддатларда тўлашдан бўйин товласа ёхуд қарздорда ундирув қаратилиши мумкин бўлган мол-мулк мавжуд эмаслиги туфайли мажбурий ижро этиш учун белгиланган муддат мобайнида жаримани ундиришнинг имкони бўлмаса, худди шунингдек кечиктириш муддати тугаганидан кейин жарима тўланмаган ёки жаримани бўлиб-бўлиб тўлаш шартлари бузилган тақдирда, мазкур маҳкумга нисбатан ҳукми чиқарган суд Жиноят кодексининг 44-моддаси 3-қисмида баён этилган қондаларга мувофиқ тарзда, жариманинг тўланмаган миқдорини мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш, озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштиради. Бунда тўланмаган жарима миқдорини юқорида кўрсатилган жазоларнинг фақат битта турига алмаштириш учун йўл қўйилади, яъни уни юқорида санаб ўтилган жазоларнинг бир нечтаси билан алмаштириш мумкин эмас. Шу билан бир вақтда, тўланмаган жариманинг муайян қисмини алмаштиришга йўл қўйилмайди, яъни, мазкур жазони ижро этиш бўйича бош тортишда ижро этилган қисми бошқа жазога тўлалигича алмаштирилиши керак (масалан, жарима тўланмаган ҳолда у ахлоқ тузатиш билан алмаштирилиши мумкин; тўланмаган қисмига нисбатан жариманинг фақат қолган қисмини ахлоқ тузатиш ишларига алмаштиришда маҳкумнинг уни қайта ижро этишига йўл қўйилмайди).

---

#### **45-модда. Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш**

Шахсни муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш суд тайинлаган муддат давомида айбдорнинг корхоналар, муассасалар ёки ташкилотларда у ёки бу мансабни эгаллашини ёхуд у ёки бу фаолият билан шуғулланишини тақиқлашдан иборатдир. Ана шундай мансаб ёки фаолиятнинг тури суд томонидан айблов ҳукмида кўрсатилади.

Муайян ҳуқукдан маҳрум қилиш айбдорнинг мансаби ёки иш фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган жиноятни содир этганлиги учун асосий жазо тариқасида тайинланганда – бир йилдан беш йилгача муддатга, қўшимча жазо тариқасида тайинланганда – бир йилдан уч йилгача муддатга белгиланади.

Агар муайян ҳуқукдан маҳрум қилиш айбдорга асосий жазо тариқасида тайинланмаган бўлса, бундай жазо суд томонидан ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган ҳар қандай турдаги жазога қўшимча жазо тариқасида тайинланиши мумкин.

Муайян ҳуқукдан маҳрум қилиш жазоси озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш жазосига қўшимча жазо тариқасида тайинланган бўлса, асосий жазонинг бутун муддатига, бундан ташқари суд ҳукми билан тайинланган муддатга жорий этилади. Бу жазо бошқа асосий жазоларга қўшимча жазо тариқасида тайинланганда ва маҳкум шартли ҳукм қилинганда унинг муддати ҳукм қонуний кучга кирган вақтдан бошлаб ҳисобланади.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган шахсларга нисбатан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тарзидаги жазо тайинланмайди, бундан одам ўлишига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлган ҳоллар мустасно.

---

## Ш А Р Ҳ

---

1. Муайян ҳуқукдан маҳрум қилиш давлатнинг мажбурлов чораси сифатида ўзининг алоҳида тавсифи билан ажралиб туради. Муайян ҳуқукдан маҳрум қилиш жазоси ўз моҳиятига кўра, жиноят айбланувчи шахснинг мансаби ёки касби билан боғлиқ ҳолатларда содир қилинганда яна шундай жиноят такрорланишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

**Муайян ҳуқукдан маҳрум қилиш** жазосининг мазмуни айбдорга муайян мансабни эгаллаш, у ёки бу фаолият тури билан шуғулланишни тақиқлашдан иборат.

**2. Муайян лавозимни (мансабни) эгаллаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш** деганда, Ўзбекистон Республикасининг

Жиноят кодексида корхона, муассаса ва ташкилотларда у ёки бу мансабни эгаллаш ёхуд муайян мансаб билан боғлиқ бирон-бир функцияни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган мансабни эгаллашини тақиқлаш тушунилади. Бу жазо тури содир этилган жиноят шахснинг бевосита муайян ҳукуки билан боғлиқ бўлсагина, қўлланилади.

3. Муайян фаолият тури билан шуғулланишни тақиқлаш деганда, айбдорнинг доимий тарзда шуғулланадиган касбий фаолиятини, шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдан маҳрум этиш тушунилади. Қонуннинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб шуни айтиш лозимки, суд айбдорга нисбатан мазкур жазони тайинлаётганида фақат биргина (аниқ) фаолият тури билан шуғулланишни тақиқлашини тушунишимиз мумкин<sup>1</sup>. Шу билан бир вақтда, мазкур тақиқлаш фақат қонуний фаолият турларига нисбатан амалга оширилиши мумкин; суд ўз ҳукмида маҳкумни жиноий фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқидан маҳрум қила олмайди, чунки мазкур шахс айтилган фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига умуман ҳақли эмас ва мана шундай жазо чораси мазмунсиз ва бемаъни чора бўлиб қолади (масалан, маҳкумга гиёҳванд моддалар, уларнинг аналогларини сотиш бўйича фаолиятни амалга оширишни ман этишга йўл қўйиш мумкин эмас).

4. Жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахс у ёки бу лавозимни эгаллаш ҳуқуқидан ёки фаолиятнинг муайян турини амалга ошириш ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин. Шахснинг бирданига иккала ҳуқуқини ҳам амалга оширишини ман этиш мумкин эмас. Бунда муайян ҳуқуқдан маҳрум этиш ҳукм чиқарилаётган вақтда унинг амалга оширилиши билан амалий томондан боғлиқ бўлмаганлиги эътиборга олинishi лозим<sup>2</sup>.

**Муайян ҳуқуқдан маҳрум этиш** муддатли жазо чораси бўлиб, унинг моҳияти нафақат маҳкумни муайян вазифаларни бажаришдан четлатишдан, балки уни ҳукмда белгиланган

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сонли қарори, 45-банд, 1-хатбоши.

<sup>2</sup> Ушш манба, 45-банд, 2-хатбоши.

муддат давомида у ёки бу лавозимларни эгаллаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш ёхуд у ёки бу фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилишдан иборат. Шунингдек, уни ҳукм билан белгиланган муддат давомида у ёки бу лавозимларни эгаллаш ёхуд у ёки бу фаолият тури билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этишдан ҳам иборат бўлади, бунинг мақсади уни тегишли лавозим ёки фаолият билан шуғулланиш билан боғлиқ бўлган янги шунга ўхшаш жиноятни содир этиш имкониятидан амалда маҳрум этишдир.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум этиш айбдор жиноят содир этиш вақтида ушбу ҳуқуққа эга бўлган ҳолдагина қўлланилади. Агар у ушбу ҳуқуққа жиноят содир этгандан сўнг эга бўлган бўлса, суд бу жазо турини қўллаши мумкин эмас (масалан, транспортни бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш).

5. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисми коидаларига кўра, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилишни фақат айбдор деб топилган шахс томонидан содир этилган жиноят мазкур шахснинг эгаллаб турган лавозими билан ёки унинг фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган ҳолларда жазо чораси сифатида қўллаш мумкин. Шу муносабат билан, Олий суд Пленумининг тушунтириши бўйича, «айбдор ўзи эгаллаган лавозим ёки хизмат фаолияти билан бевосита боғлиқ ҳолда жиноят содир этган ҳар бир ҳолда, суд, жиноятнинг хусусиятидан келиб чиқиб, маҳкумни у ёки бу мансабни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш масаласини муҳокама қилиши шарт. Бундай жазони тайинлаш пайтида ҳукмнинг қарор қисмида судланувчи шуғулланиши мумкин бўлмаган мансаб характери ёки фаолият тури аниқ кўрсатилиши керак.

Ҳукм чиқарилаётган пайтда маҳкум жиноят содир этилиши билан боғлиқ бўлган мансабни эгалламаслиги ёки фаолият тури билан шуғулланмаслиги ҳолати қўшимча жазо қўллаш учун тўсик бўлмайди»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сонли қарори, 45-банд, 2-хатбоши.





Агарда содир этилган жиноят узининг хусусиятлари буйича шахснинг эгаллаб турган лавозими ёки унинг фаолияти билан боғлиқ бўлмаса, бу ҳолда мазкур шахс айти шу лавозимни эгаллаш ҳуқуқидан ёки мазкур фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин эмас.

Бу жазо турини қўллашда фаолият тури айбдорнинг асосий моддий таъминот (тирикчилик) манбаи эканлигига эътибор бериш лозим. Агар бу фаолият айбдорнинг асосий моддий таъминот манбаи бўлса (масалан, овчилик фаолияти), унга нисбатан бу жазони қўллаш керак эмас. Худди шундай тарзда суд қўриб чиқаётган давлат мажбурлови чорасини маълум бир шахсларнинг ягона касбий фаолияти (масалан, тадбиркорлик фаолияти, транспорт воситаларини бошқариш ва ш.к.) бўлган фаолият турларининг соҳиблари бўлган шахсларга нисбатан тайинланишининг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги масаласини муҳокама қилиши зарур бўлади<sup>1</sup>.

6. Жиноятни содир этганлиги учун муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, муддатли характерга эга. Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жиноят қонунда белгиланган доирада тайинланиши керак. Агар муайян ҳуқуқдан маҳрум қилишнинг муддати аниқланмаган бўлса, у ҳолда Жиноят кодекси Умумий қисмининг қонун-қоидалари асосида ҳал этилади<sup>2</sup>. Суд муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосини асосий жазо сифатида ҳам, қўшимча жазо сифатида ҳам қонунда белгиланган муддат доирасида тайинлаши мумкин. Муайян ҳуқуқдан маҳрум этиш шаклидаги жазонинг белгиланган муддати курсатилмаганлиги жиноят қонунининг нотўғри қўлланиши сифатида қаралади ва ҳукмнинг бекор қилиниши учун асос бўлиб хизмат қилади<sup>3</sup>.

7. Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ҳам асосий, ҳам қўшимча жазо сифатида тайинланиши мумкин. Шунинг назарда тутиш лозимки, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш асосий жазо сифатида тегишли модда санкциясида тўғридан-тўғри

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сонли қарори, 48-банд.

<sup>2</sup> Ўша манба, 46-банд, 2-хатбоши.

<sup>3</sup> Ўша манба, 43-банд.

кўрсатилган бўлсагина, қўлланилади. Агар муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш Жиноят кодексининг Махсус қисми моддаси санкциясида асосий жазо сифатида кўрсатилган бўлса, қўшимча жазо сифатида қўлланиши мумкин эмас.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, қўшимча жазо тариқасида тайинланган бўлса, ҳукмнинг тавсиф қисмида, албатта, кўрсатиб ўтилиши керак.

8. Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, биринчи навбатда, жиноий фаолиятни давом эттиришнинг олдини олиш билан бирга, жазонинг огоҳлантириш функциясини амалга оширишга йўналтирилган. Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш жазосига қўшимча жазо тариқасида тайинланган бўлса, асосий жазонинг бутун муддати ва ундан сўнг ҳукмда белгиланган муддатгача давом этади. Бошқа асосий жазоларга қўшимча жазо тариқасида тайинланганда, унинг муддати ҳукм қонуний кучга кирган вақтдан бошлаб ҳисобланади. Шахс шартли ҳукм қилинганда, муддатнинг ўтиши ҳукм чиқарилган кундан бошлаб ҳисобланади.

Агар асосий жазо тариқасида озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, ахлоқ тузатиш ишлари каби жазолардан бири тайинланган бўлса, ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб ҳисобланади.

9. Шуни қайд этиш керакки, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо маҳкумни халқ хўжалигининг у ёки бу соҳасида ишлашининг муайян муддати давомидаги ҳуқуқидан маҳрум қилмайди. Жумладан, суд айбдорнинг савдо соҳасида моддий жавобгарлик билан боғлиқ бўлган мансабида фаолият кўрсатишини тақиқлаши мумкин.

---

#### 45<sup>1</sup>-модда. Мажбурий жамоат ишлари

Мажбурий жамоат ишлари маҳкумни ҳақ тўланмайдиган фойдали жамоат ишларини бажаришга мажбурий тарзда жалб қилишдан иборатдир. Маҳкум ишлаётган ёки ўқиётган бўлса,

мажбурий жамоат ишлари ишдан ёки ўқишдан бўш вақтда уталади.

Маҳкумлар мажбурий жамоат ишларини уташи мумкин бўлган жойлар (объектлар) ва мажбурий жамоат ишларининг тури мазкур жазонинг ижросини назорат қилувчи органлар томонидан белгиланади.

Мажбурий жамоат ишлари бир юз йигирма соатдан тўрт юз саксон соатгача бўлган муддатга тайинланади ва олти ой давомида кунига тўрт соатдан кўп бўлмаган вақтда, маҳкумга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар юзага келган тақдирда эса, бир йилгача бўлган муҳлатда кунига тўрт соатдан кўп бўлмаган вақтда уталади.

Мажбурий жамоат ишлари пенсия ёшига етган шахсларга, ун олти ёшга тўлмаган шахсларга, ҳомиладор аёлларга, уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга, ҳарбий хизматчиларга, чет эл фуқароларига ва Ўзбекистон Республикасида доимий яшамайдиган шахсларга нисбатан қўлланилмайди.

Маҳкум жазони ўташдан бўйин товлаган тақдирда, суд мажбурий жамоат ишларининг ўталмаган муддатини мажбурий жамоат ишларининг тўрт соатини озодликни чеклашнинг ёки озодликдан маҳрум қилишнинг бир кунига тенглаштирган ҳолда ҳисоблаб, озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштиради. Жазони ўташдан бўйин товланган вақт жазонинг ўталган муддатига қўшиб ҳисобланмайди.

---

## Ш А Р Х

---

1. Мажбурий жамоат ишлари жазоларнинг асосий турларидан саналади. Бу жазо жиноят қонунчилигида илгари мавжуд бўлмаган янги жазо тури ҳисобланади.

2. Мажбурий жамоат ишлари ЖК Махсус қисми моддаларининг санкциясида бевосита кўрсатилганда тайинланиши мумкин. Мажбурий жамоат ишлари ЖК Махсус қисмининг моддаларини санкциясида назарда тутилмаган бўлса, енгилроқ жазо тайинлаш учун асослар мавжуд бўлганда,

ЖК Махсус қисмининг моддаларига мувофиқ тайинланиши мумкин.

3. Мажбурий жамоат ишлари маҳкумга моддий таъсир ўтказиш билан боғлиқ жазо турига тааллуқли бўлиб, шу билан биргаликда уни маълум бир даражада эркинлигини чеклайди. Мазкур жазо тури маҳкумни ҳақ туланмайдиган мажбурий жамоат ишларига жалб қилишдан иборат.

Агарда маҳкум ишлаётган ёки ўқиётган бўлса, мажбурий жамоат ишлари ишдан ёки ўқишдан бўш вақтда ўталади.

4. Мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазони ижро этиш маҳкумнинг яшаш жойидаги ички ишлар органларининг жазоларни ижро этиш инспекцияси томонидан амалга оширилади. Маҳкум мажбурий жамоат ишларини ўташи мумкин бўлган жойлар (объектлар) ва мажбурий жамоат ишларининг турлари жазоларни ижро этиш инспекциялари томонидан маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг таклифига кўра белгиланади.

Мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазонинг ижросини ташкил этиш тартиби ва мажбурий жамоат ишлари турларининг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади<sup>1</sup>.

Маҳкум турли мажбурий жамоат ишларини (куча, жамоат жойларини тозалаш, экинлар экиш, ерларни қозиш, сантехника ишлари, бўяш, қурилиш ва ҳ.к.) бажаришга мажбур бўлиши мумкин.

5. Мажбурий жамоат ишларига ҳукм қилинган шахс:

– суднинг ҳукми, ажрими ёки қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан ўн кун ичида яшаш жойидаги жазоларни ижро этиш инспекциясида ҳисобга туриши;

– мажбурий жамоат ишларини бажариш ва ўташ шартларига риоя этиши;

– ўзи учун белгиланган жойда (объектда) ишлаши ҳамда мажбурий жамоат ишларининг белгиланган муддатлари ва ҳажмларини ишлаб бериши;

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси, 25<sup>1</sup>-модда // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 6-сон, 175-модда.



– мажбурий жамоат ишларини ўташ жойидаги (объектидаги) ташкилотнинг (органнинг) ички меҳнат тартиби қоидаларига риоя этиши, меҳнатга виждонан муносабатда бўлиши;

– яшаш жойи ўзгарганлиги ҳақида жазоларни ижро этиш инспекциясини хабардор қилиши, шунингдек унинг чакирувига биноан етиб келиши шарт<sup>1</sup>.

6. Жиноят кодексининг 45<sup>1</sup>-моддаси 4-қисмда мажбурий жамоат ишлари қўллаш мумкин бўлмаган шахслар тоифаси белгиланган:

- а) пенсия ёшига етган шахсларга;
- б) ўн олти ёшга тўлмаган шахсларга;
- в) ҳомиладор аёлларга;
- г) уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга;
- д) биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга;
- е) ҳарбий хизматчиларга;
- ё) чет эл фуқароларига;
- ж) Ўзбекистон Республикасида доимий яшамайдиган шахсларга.

7. Маҳкум жазони ўташдан бўйин товлаган тақдирда, суд мажбурий жамоат ишларининг ўталмаган муддатини мажбурий жамоат ишларининг тўрт соатини озодликни чеклашнинг ёки озодликдан маҳрум қилишнинг бир кунига тенглаштирган ҳолда ҳисоблаб, озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштиради. Жазони ўташдан бўйин товланган вақт жазонинг ўталган муддатига қўшиб ҳисобланмайди.

8. Қуйидагилар мажбурий жамоат ишларини ўташдан **бўйин товловчилар** деб эътироф этилади:

– ўн кун ичида ҳисобга турмаган, шунингдек жазони ўташдан бўйин товлаш мақсадида яширинган маҳкум;

– ёзма оғохлантириш олганидан сўнг, ўзига борлиқ бўлмаган ҳолатлар мавжуд бўлмаса-да, мажбурий жамоат ишларида бир ой давомида икки мартадан кўп иштирок этмаган маҳкум;

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси, 25<sup>5</sup>-модда // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 6-сон, 175-модда.

– ёзма огоҳлантириш олганидан сўнг мажбурий жамоат ишларини ўташ жойидаги (объектидаги) ташкилотнинг ички меҳнат тартиби қоидаларини бир ой давомида уч мартадан кўп бузган маҳкум.

Жазони ўташдан бўйин товлаётган маҳкумнинг турган жойи номаълум бўлган тақдирда, унга нисбатан қидирув эълон қилинади<sup>1</sup>.



---

#### 46-модда. Ахлоқ тузатиш ишлари

Ахлоқ тузатиш ишлари шахс иш ҳақининг ўн фоизидан ўттиз фоизигача миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда уни меҳнатга мажбуран жалб қилишдан иборат бўлиб, жазо суднинг ҳукмига мувофиқ маҳкумнинг ўз иш жойи ёки мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган бошқа жойларда ўталади.

Ахлоқ тузатиш ишлари олти ойдан уч йилгача муддатга тайинланади.

Ахлоқ тузатиш ишлари пенсия ёшига етганларга, меҳнатга қобилиятсизларга, ҳомиладор аёлларга, уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга ва ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланилмайди.

Агар шахс суд томонидан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари муддатининг жами бўлиб ўндан бир қисмидан кўпроғини ўташдан бўйин товласа, суд ахлоқ тузатиш ишларининг ўталмаган муддатини худди шу муддатга озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштиради. Жазони ўташдан бўйин товлаган вақт жазонинг ўталган муддатига қўшиб ҳисобланмайди.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси, 25<sup>б</sup>-модда // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 6-сон, 175-модда.

## Ш А Р Х

1. Ахлоқ тузатиш ишлари ўзида жиноий жазонинг кенг тарқалган турларидан бири бўлиб, жиноий жазо мақсадига эришиш жараёнига ижобий таъсир кўрсатади. Мазкур жазо турининг моҳияти шундан иборатки, жиноятни содир этишда айбдор деб топилган шахсни жамиятдан ажратмаган ҳолда мажбурий меҳнатга жалб қилиш орқали аввалги иш жойида ва доимий яшаш жойида меҳнат жамоаси ёрдамида тарбиявий таъсир кўрсатишда ифодаланади. Натижада, маҳкум жамият аъзолари билан ижтимоий алоқаларни сақлаб қолиш билан бирга, мазкур жазо турининг ўзига хос оғирлик жиҳатларини ҳис этади ва бошидан ўтказади. Ахлоқ тузатиш ишлари ва бошқа турдаги озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жиноий жазо чораларини қўллаш судланганларга ахлоқан тузатишнинг самарали усуллардан бири эканлигини кўриш мумкин.

2. Мазкур жазо асосий жазо тури ҳисобланиб, фақат Жиноят кодексининг Махсус қисми тегишли моддаси санкциясида назарда тутилган ҳолларда қўлланилади.

Айни пайтда ахлоқ тузатиш ишлари шундай кўрсатма бўлмаган ҳолда ҳам тайинланиши мумкин, башарти:

1) судланган шахс жаримани ижро этишдан бўйин товласа, унинг ижро этилмаган қисми Жиноят кодексининг 44-моддаси 3-қисми ҳамда 82-моддаси 2-қисмига мувофиқ ахлоқ тузатиш ишларига алмаштирилиши мумкин;

2) ахлоқ тузатиш ишлари Жиноят кодексининг 57-моддасининг қоидаларига мувофиқ енгилроқ жазо тайинлаш тартибида тайинланган бўлса;

3) ушбу жазо чораси Жиноят кодексининг 74-моддаси қоидаларига мувофиқ жазони енгилроғи билан алмаштириш тартибида озодликдан маҳрум этишнинг ўталмаган қисми ўрнига қўлланилган бўлса.

3. **Жиноят кодексининг 46-моддаси 1-қисмига** мувофиқ, ахлоқ тузатиш ишлари маҳкумнинг, албатта, меҳнатга жалб этилишини талаб этади. Яъни, бундай жазо

объектив ҳолатлар туфайли меҳнат фаолиятини амалга ошира олмайдиган шахсларга нисбатан қўлланилмайди. Бундай шахслар доираси Жиноят кодексининг 46-моддаси 3-қисмида кўрсатилган, яъни ахлоқ тузатиш ишлари пенсия ёшига етганларга, меҳнатга қобилиятсизларга, хомиладор аёлларга, уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга ва ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланилмайди. Ушбу шахслар томонидан жиноят содир этилган ҳолда, суд уларга нисбатан қонунда назарда тутилган бошқа давлат мажбурлов чораларини қўллаши лозим. Мазкур ҳолатлар жазони ўташ муддати мобайнида юзага келган ҳолатларда эса (масалан, судланган шахс нафақага чиқди ёки ногиронлиги туфайли меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолди), суд маҳкумнинг ўзи ёки жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг илтимосномасига биноан, шунингдек, ички ишлар идораларининг тақдимномасига биноан унга ахлоқ тузатиш ишларини енгилроқ жазо чорасига алмаштириши мумкин ёки Жиноят кодексининг 75-моддасига мувофиқ жазони ўташдан озод этиши мумкин.

4. Шарҳланаётган модда 1-қисмининг қондаларидан, шунингдек, ахлоқ тузатиш ишлари суднинг ҳукмига мувофиқ, маҳкумнинг ўз иш жойи ёки мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган бошқа жойларда ўташи мумкинлиги келиб чиқади. Олий суд Пленумининг кўрсатмаларига мувофиқ, ахлоқ тузатиш ишлари, одатда, иш жойида ўташ шарти билан тайинланиши лозим. Шу билан бирга, шахс ўз касб ёки хизмат вазифасини бажариш билан боғлиқ ҳолда жиноят содир этиб, унинг олдинги иш жойида қолдирилиши жазонинг тарбиявий аҳамияти пасайишига олиб келиши мумкин бўлса, ахлоқ тузатиш ишларини ушбу жазо ижросини амалга оширувчи орган томонидан белгиланган жойда ўташ тайинланиши мумкин<sup>1</sup>.

Шу муносабатда ахлоқ тузатиш ишларини ўташ жойлари Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси амал қиладиган турли мулкчилик шаклидаги корхоналар,

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сонли қарори, 20-банд, 1-хатбоши.





муассасалар ва ташкилотлар, шунингдек, фаолияти бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинадиган бошқа муассасалар ва ташкилотлар бўлиши мумкин, масалан, Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелдаги «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги 763–I-сонли Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 майдаги «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги ЎРҚ–328-сонли Қонуни ва бошқалар.

5. Маҳкумни илгариги ишлаб турган жойида ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташига нисбатан мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган жойларда ўташи оғирроқ ҳисобланади. Бундан ташқари, мазкур жазо турини тайинлаш маҳкумни яхши томонга тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Шуни ҳисобга олиб, судлар ахлоқ тузатиш ишлари жазосини маҳкумнинг олдинги иш жойи бўйича тайинлашни кенгроқ қўллашлари керак. Шу билан бир вақтда, судлар, хизмат ёки касб вазифаси билан боғлиқ бўлган жиноят содир этган шахсларга нисбатан ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўз иш жойида илгариги хизмат мансабида ёки касбида ўташни қўлламасликлари мақсадга мувофиқ, чунки айбдорни ўз иш жойида қолдириш жазонинг тарбиявий аҳамияти ва таъсир этиш кучини сусайтириши мумкин<sup>1</sup>.

6. Ҳукм чиқариш вақтида ҳеч қаерда ишламаган ёки доимий иш жойи бўлмаган шахсларга ахлоқ тузатиш ишларини умумий асосларда ўташ тартиби белгиланган. Шу билан бирга, мазкур шахслар ана шу иш жойидаги меҳнат фаолиятидан бўйин товлай олмайдилар. Бундай ҳолатда, маҳкум жазо ижросини назорат қилувчи органнинг расмий ёзма руҳсатисиз, меҳнат муносабатларини ўз ташаббуси билан тўхтатишга ҳақли эмас<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги I-сонли қарори, 20-банд, 1-хатбоши.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси, 29-модданинг 2-хатбошиси// Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборот-номаси, 1997 й., 6-сон, 175-модда.

7. Шунингдек, этиш керакки, ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлаш бир йўла эгаллаб турган лавозимидан четлаштириш ёхуд бушатиш билан боғлиқ эмас. Судланганлик фактининг ўзи маҳкумни эгаллаб турган лавозимидан четлаштиришга ёки бошқа ишга ўтказишга асос бўла олмайди. Лавозимидан четлаштириш фақат суднинг ҳукми бўйича муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш муносабати билан ёхуд жиноятни содир этиш эгаллаб турган лавозими билан боғлиқ бўлган ҳолатлардагина амалга оширилиши мумкин. Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган маҳкумга нисбатан меҳнат тўғрисидаги қонунчилик татбиқ қилинади, шунингдек, эгаллаб турган лавозимидан четлаштириш бошқа ишга ўтказиш орқали иш берувчи томонидан амалга оширилади.

Шунингдек, ахлоқ тузатиш ишларининг ижро этилиши яшаш жойининг ўзгариши билан боғлиқ бўлмайди. Маҳкум шахслар ўз яшаш жойи минтақасида жазо ўтайдилар, бунда маъмурий-ҳудудий бирлик эмас, ишларни ўташ манзилининг маҳкум шахсга аввалги жойида, оиласи билан алоқасини узмаган ҳолда яшашга имкон берувчи жойлашуви тушунилади.

8. Ахлоқ тузатиш ишлари тарихидаги жазонинг муҳим шартини иш ҳақидан давлат бюджетига жазони ўташ муддати давомида ҳар ойда асосий иш жойидаги иш ҳақидан муайян миқдордаги сумманинг ушлаб қолинишидир.

Иш ҳақидан ушлаб қолиш миқдори жиноят қонуни томонидан олинган иш ҳақи миқдоридан фониз нисбатига, ўн фониздан ўттиз фонизгача миқдорда белгиланади. Шунингдек, этиш лозимки, давлат фойдасига ҳисоблаб ўтказилиши лозим бўлган иш ҳақининг аниқ қисмини белгилашда қонуннинг жазони индивидуallasштириш юзасидан талабларига таяниш керак. Иш ҳақидан ушлаб қолишнинг муайян фонизини белгилай туриб, унинг миқдори, жаримани тайинлаш вақтидагидек, ҳам жазодан қочиш воситасига, ҳам маҳкум шахсни хонавайрон этиш воситасига айланмаслигини инобатга олиш лозим ҳамда ушбу иш ҳақи фонизининг миқдори маҳкум оиласининг моддий яшаш шароитларида қандай акс этишини тўғри баҳолаш лозим. Шу мақсадларда судлар судланувчининг, айниқса, вояга етмаганларнинг моддий аҳволини аниқлашлари лозим.

Жиноят кодексининг бир неча моддаси бўйича ахлоқ тузатиш ишлари тайинланаётганда, жазо муддати ва иш ҳақидан чегирма миқдори ҳар бир модда бўйича алоҳида, сўнгра эса, уларнинг мажмуи бўйича белгиланади. Бунда жазонинг узил-кесил муддати ва чегирма миқдори ЖКнинг 46-моддасида белгиланган чегарадан ошиши мумкин эмас<sup>1</sup>.

9. Ахлоқ тузатишга ҳукм қилинганларнинг иш ҳақидан давлат бюджетига суд томонидан ўрнатилган миқдорда жазони ўташ муддати давомида ҳар ойда асосий иш жойидаги иш ҳақидан ушлаб қолинади.

Шуни назарда тутиш керакки, шарҳланаётган модда мазмунидаги иш ҳақи деганда, маҳкумнинг фақат меҳнат фаолияти натижасида олинган иш ҳақи тушунилиши лозим. Сабоби, ахлоқ тузатиш ишлари жазоси меҳнатга жалб этиш ҳамда айнан ундан олинган пулдан ушлаб қолишни назарда тутати ва ушбу жазонинг аҳамияти ҳам айнан шунда намоён бўлади.

Шу билан бирга, ушлаб қолиш ижро ҳужжатлари бўйича маҳкумга нисбатан иш ҳақининг жами суммасидан келиб чиқилади. Маҳкумнинг иш ҳақидан ушлаб қолинаётганда унинг пул ва натура қисми ҳисобга олинади.

Шунингдек, давлат фойдасига пенсия, ижтимоий ёрдам сифатида оладиган тулов, ижтимоий суғурта ва бошқа иш ҳақиға кирмайдиган туловлар ушлаб қолинмайди.

10. Мазкур жазо ижро этилиши даврида маҳкумнинг моддий таъминоти жиддий ёмонлашган ҳолларда жазо ижросини назорат қилувчи инспекция, маҳкумнинг ўзи, унинг ҳимоячиси, шунингдек, шахс жазони ўтаётган корхона, муассаса ёки ташкилот маъмурияти ушлаб қолиш миқдорини камайтириш ҳақидаги илтимоснома билан судга мурожаат қилишлари мумкин. Бундай қарор маҳкумнинг барча даромадларидан келиб чиқиб белгиланади.

11. Шарҳланаётган турдаги жазо муддати муҳим элементлардан биридир. Суд ҳукмида муддатнинг курсатил-

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сонли қарори, 20-банд, 2 ва 3-хатбошилари.

маслиги ҳукмнинг бекор бўлишига асос бўлиши мумкин. Шунинг учун судлар ахлоқ тузатиш ишлари жазоси муддатининг энг кам ва энг кўп чегараси ҳамда унинг тегишлилигига қараб олти ой ва уч йилни ташкил этишини назарда тутиб, муддатини, албатта, кўрсатиши керак. Шунинг учун тегишли модданинг санкциясида жазонинг энг кам муддати кўрсатилмаган ёки энг паст чегарасидан пастроқ жазони қўллаганда судлар ахлоқ тузатиш ишларини олти ойдан камроқ муддатга тайинлаши мумкин эмас.

Айни пайтда, аввал айтилгани каби ахлоқ тузатиш ишларининг муддати жазони индивидуаллаштиришнинг муҳим воситаси эканлигини ҳамда уни тайинлашда қилмишни, шунингдек, айбдор шахсини тавсифловчи ҳолатларни ҳисобга олиш лозим.

12. Ахлоқ тузатиш ишлари муддати маҳкум ишлаган ва унинг иш ҳақидан ушлаб қолинган давр мобайнидаги йиллар, ойлар, кунлардан келиб чиқиб ҳисобланади. Маҳкум доимий яшаш ва иш жойига эга бўлмаган тақдирда, жазо ҳукм чиқарган суд жойлашган ҳудуддаги жазони ижро этиш инспекцияси белгилаб берган жойда ижро этилади, маҳкум ишлаб берган кунлар суд томонидан белгиланган жазо муддатининг ҳар ойига тўғри келадиган иш кунлари миқдоридан кам бўлмаслиги керак. Агар маҳкум ана шу миқдордаги иш кунларини ишлаб бермаган бўлса ва ишланмаган кунларини жазо муддатига қўшиб ҳисоблаш учун асослар мавжуд бўлмаса, ахлоқ тузатиш ишларини ўташ маҳкум белгиланган ишларни тўлиқ ўтаб бергунга қадар давом этади. Ишбай асосида фаолият юритадиган корхона, муассаса ва ташкилотларда ишлаётган маҳкумларнинг жазони ўташ муддати иш соатларининг нормал миқдорига амал қилинган ҳолда ҳисобга олинadиган даврдаги иш вақти муддатидан келиб чиқиб ҳисобланади.

Маҳкум ишламаган, аммо қонунга мувофиқ, у ишсиз деб топилган вақт ахлоқ тузатиш ишларини ўташ муддатига қўшиб ҳисобланади<sup>1</sup>.



<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси, 30-модда 1, 2. 4-қисмлари // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 6-сон, 175-модда.

Ахлоқ тузатиш ишлари муддатини тўғри ҳисоблаш маҳкум уни ижро этишдан бўйин товлаганда жазонинг ўталмаган қисмини алмаштириш ҳолларида ёхуд бир неча жиноят билан боғлиқ бўлган ҳукмлар бўйича жазо тайинлаш пайтида катта аҳамиятга эга.

**13. Шарҳланаётган модданинг тўртинчи қисми** судланган шахснинг уларни ижро этишдан бўйин товлаган ҳолда ахлоқ тузатиш ишларини алмаштиришни назарда тутати. Хусусан, агар шахс суд томонидан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари муддатининг жами бўлиб ўндан бир қисмидан кўпроғини ўташдан бўйин товласа, суд ахлоқ тузатиш ишларининг ўталмаган муддатини худди шу муддатга озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштиради. Жазони ўташдан бўйин товлаган вақт жазонинг ўталган муддатига қўшиб ҳисобланмайди. Яъни, ахлоқ тузатиш ишларини фақат битта жазо тури – озодликдан маҳрум этиш билан алмаштиришга йўл қўйилади. Бунда шунини ҳисобга олиш лозимки, алмаштириш тўлиқ амалга оширилиши лозим, яъни ижро этилмаган жазонинг фақат бир қисмини алмаштириш ва айни пайтда бошқа қисмининг ижро этилишига йўл қўйилмайди.

**14.** Ахлоқ тузатиш ишлари жазосини озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштириш, маҳкум ахлоқ тузатиш давомида унинг бўйин товлаган вақтининг умумий миқдори жазо тайинланган жами муддатининг ўндан бир қисмидан кўпроғини ташкил этгандагина амалга оширилиши мумкин. Тайинланган жами муддатнинг ўндан бир қисмидан кўпроқ жазони ижро этишдан бўйин товлаганда йўл қўйиладиган ҳолатдаги қонун кўрсатмаси шунини уқтирадики, маҳкум жазони ўташдан бўйин товлаган даврни белгилашда суд ва жазони ижро этиш органлари узлуксиз мезонларга алоқадор эмас. Ахлоқ тузатиш ишларидан бўйин товлаш мазкур жазони ўташнинг бутун муддати давомида мунтазам амалга оширилиши мумкин, бу жазони озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштиришга тўсқинлик қилмайди.

**15.** Шунини назарда тутиш керакки, ЖКнинг 46-моддаси шарҳланаётган қисмининг мазмунига кўра, тайинланган жазо

муддатининг жами бўлиб ўндан бир қисмидан кўпроғини ўташдан бўйин товланган тақдирда, суд ахлоқ тузатиш ишининг ўталмаган муддатини шу муддатга озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазо тури билан алмаштириши мумкин<sup>1</sup>.

16. Судланган шахс ахлоқ тузатиш ишларини ўташдан бўйин товлаши масаласини ҳал этишда у қасддан бўлиши, айнан жазони ўташдан бўйин товлашга қаратилган бўлиши лозимлигини ҳисобга олиш керак. Айни пайтда унинг узрли бўлмаган сабаблар туфайли юзага келиши ҳам бўйин товланишнинг мажбурий шarti бўлади. Ташқи томондан шахснинг ахлоқ тузатиш ишларини ўташдан бўйин товлаши кўйидагилар шаклида намоён бўлиши мумкин: ҳисобга олинган пайтидан бошлаб ёки аввалги ишидан кетган пайтидан бошлаб белгиланган муддат ичида узрли сабабсиз ишга кирмаслик; янги яшаш жойига кўчиб келганидан кейин белгиланган муддат ичида узрли сабабсиз ахлоқ тузатиш ишларининг қўлланишини назорат қилувчи идорага келмаслик; белгиланган жазо муддати мобайнида мунтазам ишга келмаслик ёки ишга маст ҳолда келиш ва ҳ.к.

17. Ахлоқ тузатиш ишлари жазосини озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштириш ички ишлар органлари томонидан киритилган тақдимнома ёки жамоат бирлашмасининг илтимосига асосан ЖПКнинг 539-моддасида кўрсатилган тартибда амалга оширилади.

18. Шуни эътиборда тутиш керакки, жазони ўташ учун маҳкумни озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш жойига жўнатиш масаласини ҳал этишда суд ахлоқ тузатиш ишлари ижросини назорат қилувчи орган томонидан кўрилган чоралар ҳақидаги, яъни жазо ижросини таъминлашда, маҳкумнинг қонунчилик талабларига мувофиқ, жазони ўташдан бўйин товланганлиги учун жавобгарлик тўғрисида унинг огоҳлантирилганлиги ҳақидаги маълумотлар мавжуд бўлиши керак.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сонли қарори, 21-банд, 1-хатбоши.

Жиноят-процессуал кодексининг 541, 542-моддаларига мувофиқ, ахлоқ тузатиш ишининг ўталмаган қисмини озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштириш ҳақидаги ишлар суд мажлисида, одатда, маҳкум иштирокида кўрилиши лозим. Бу масала маҳкум яшириниб юрганлиги ёки судга келишдан бўйин товлаётганлиги тўғрисида ишончли маълумотлар ишда мавжуд бўлган ҳолдагина унинг иштирокисиз ҳал этилиши мумкин<sup>1</sup>.

19. Ахлоқ тузатиш ишларининг ижро этилмаган қисмини озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштириш ҳукми ижро этиш тартибида амалга оширилаётганлигини эътиборга олиб, маҳкум жазони алмаштиришда айнан ахлоқ тузатиш ишлари кўринишидаги жазо тайинланган шахс сифатида кўриб чиқилиши лозим. Бу озодликдан маҳрум қилиш кўринишидаги алмаштирилган жазо мазкур шахс томонидан содир этилган жиноятнинг оғирлигидан, шунингдек рецидив хатти-ҳаракатлар бўлишидан қатъи назар, махсус колонияларда амалга оширилиши керак.

#### 47-модда. Хизмат бўйича чеклаш

Хизмат бўйича чеклаш – ҳарбий хизматни контракт бўйича ўтаётган ҳарбий хизматчини суд ҳукмида кўрсатилган муддат давомида муайян ҳуқуқ ва имтиёزلардан маҳрум қилиб, пул таъминотининг ўн фоизидан ўттиз фоизигача бўлган миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолишдан иборатдир.

Хизмат бўйича чеклаш жазо чораси ушбу Кодекс Махсус қисмининг моддасида назарда тутилган ҳолларда икки ойдан уч йилгача муддатга қўлланилади. Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят ёки оғир оқибатларни келтириб чиқармаган эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноят учун суд иш

<sup>1</sup> Каранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сонли қарори, 23-банд, 1-хатбоши.

ҳолатлари ва маҳкумнинг шахсини ҳисобга олган ҳолда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ўрнига шу муддатга хизмат бўйича чеклаш жазосини қўллаши мумкин.

Хизмат бўйича чеклаш тарикасидаги жазони ўташ муддати давомида маҳкумнинг мансабини, ҳарбий ёки махсус унвонини ошириш мумкин эмас, жазони ўтаган вақт эса, унинг кўп йил ишлаганлик, навбатдаги ҳарбий ёки махсус унвон ҳамда пенсия олиш учун асос бўладиган хизмат муддатига қўшилмайди.

## Ш А Р Ҳ

**1. Хизмат бўйича чеклаш** жазоси махсус жазо тури бўлиб, фақат субъектларнинг чекланган доирасига – ҳарбий хизматни контракт бўйича ўтаётган ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланади. Бошқа шахслар, шу жумладан, чақирув бўйича хизматни ўтайдиган ҳарбий хизматчилар жазонинг мазкур тури қўлланадиган субъектлар тарикасида кўриб чиқилиши мумкин эмас, уларга хизмат бўйича чеклаш тарикасидаги жазони қўллашга йўл қўйилмайди.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар қуйидагиларга бўлинади:

муддатли ҳарбий хизмат;

сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизмат;

контракт бўйича ҳарбий хизмат;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида ҳарбий хизматни ўтаган резервчилар хизмати.

Тинчлик даврида оддий аскарлар ва сержантлар таркиби лавозимларида муддатли ҳарбий хизматга, шунингдек сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга ўн саккиз ёшдан йнгирма етти ёшгача бўлган, саломатлигига кўра Қуролли Кучлар сафида ҳарбий хизматни ўташга яроқли эркак фуқаролар чақириладилар<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги 436–II-сонли Қонуни, 4-модда // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 12-сон, 217-модда.





2. **Хизмат бўйича чеклаш** таркиби шархланаётган модданинг учинчи қисми, шунингдек, Жиноят-ижроия кодексида очиб бериладиган муайян ҳуқуқ ва имтиёзлардан маҳрум қилишда ифодаланади. Жумладан, хизмат бўйича чеклаш кўринишидаги жазо қўлланган вазиятда маҳкумнинг мансаби, ҳарбий ёки махсус унвони кўтарилмайди. Шархланаётган модда мазмунида мансаб деганда, фақат ҳарбий мансаб, яъни ҳарбий хизматчининг штатдаги алмаштириладиган мансаби (масалан, омбор мудир, моддий-техника таъминоти бошлиғи, ҳарбий тайёргарлик бўйича раҳбар ва бошқа мансаблар) тушунилиши керак.

**Ҳарбий унвон** – ҳар бир ҳарбий хизматчига, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг захирадаги ҳарбий хизматчисига унинг хизмат мавқеи, иш тажрибаси, ҳарбий ва умумий маълумоти, ҳарбий кучлар, қўшин турларига мансублиғи ва шахсий хизматига қараб махсус бериладиган унвондир. Ўзбекистонда ҳарбий унвонлар ҳарбий ва кемага оид унвонларга бўлинади<sup>1</sup>.

**Махсус унвон** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиғи, Ички ишлар вазирлиғи, Давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий ўқув юртлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитасининг ҳарбийлаштирилган билим юртида курсант (тингловчи) сифатида хизматни ўтаганда, офицерлик лавозимига ҳарбий хизматда бериладиган унвондир.

3. **Хизмат бўйича чеклаш** – суд ҳукмида кўрсатилган муддат давомида маҳкумнинг мансаби кўтарилиши мумкин эмаслигини назарда тутати. Маҳкум хизмат бўйича жазосини ўташи давомида турли хил рағбатлантириш ва имтиёзли ҳуқуқлардан вақтинча маҳрум қилинади. Шу билан бир вақтда, ҳарбий қисм доирасидаги бошқа тенг даражадаги мансабга ёки бошқа қисмга ўтказилишига йўл қўйилади. Бошқа қисмга ўтказилганда, бу ҳақда, албатта, судга маълум қилиниши керак.

<sup>1</sup> Ҳарбий унвонлар тўғрисида батафсил қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги 436–II-сонли Қонуни. 9-модда // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 12-сон, 217-модда

4. Хизмат бўйича чеклаш тариқасидаги жазони уташ даври маҳкумга унинг кўп йиллик меҳнатига, навбатдаги ҳарбий ёки махсус унвонига, шунингдек, умумий меҳнат стажига, давлат пенсиясини тайинлаш муддатига қўшилмайди.

5. Хизмат бўйича чеклашда ҳуқуқ ва имтиёزلардан маҳрум қилиш тизимида маҳкумнинг пул таъминотидан давлат ҳисобига ушлаб қолиш марказий ўрин эгаллайди. Суд ҳукми билан тайинланган чегирма суммаси мансаб ва ҳарбий унвонга доир маошдан ҳисоблаб чиқарилади<sup>1</sup>. Шу билан бирга чегирма маҳкумнинг бошқа туловлар, шу жумладан, алимент тариқасидаги пул суммасини ундиришдан қатъи назар, фуқаролик даъвоси ва бошқа мажбуриятлар ҳисобига бажарилади.

6. Жазонинг ушбу тури тайинланаётганда суд ушлаб қолиш миқдори жазони индивидуаллаштиришнинг самарали воситаси эканлиги учун уни белгилаш ҳақидаги масалага алоҳида эътибор қилиши керак. Жиноят кодексига мувофиқ, ушлаб қолиш миқдори маҳкум пул таъминотининг ўн фоизидан ўттиз фоизгача бўлган миқдорда тайинланади. Ушлаб қолишнинг кўрсатилган миқдори охириги чегара ҳисобланиб, суд томонидан мутлақо оширилиши мумкин эмас, чегараланиш энг кам миқдоридан камини белгилаш ҳоллари ҳам бундан мустасно эмас. Ушлаб қолишнинг аниқ миқдорини белгилашда судлар ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазони тайинлашда, ушлаб қолиш миқдорини тайинлашга оид қоидаларга риоя қилиши керак (*ЖК 46-моддаси шарҳига қаранг*). Жумладан, судлар маҳкумнинг моддий аҳволини, унинг бошқа даромадлари бор-йўқлигини, шахсини ва содир этган хатти-ҳаракатини тавсифловчи бошқа ҳолатларни ҳисобга олиши лозим. Ушлаб қолишнинг аниқ фонзи маҳкумнинг бадал воситасига айланмайдиган ва унга моддий қийинчилик турғирмайдиган даражада белгиланиши лозим.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси, 143-модда // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 6-сон, 175-модда.

7. Хизмат бўйича чеклаш тариқасидаги жазони тайинлашда қонунда белгиланган энг кам ва энг кўп чегарадаги муддати, жумладан, икки ой ва уч йил ҳам асосий шарт ҳисобланиб, ҳатто алоҳида ҳолатларда, масалан, энг кам чегарадан ҳам кам жазо тайинланганда ҳам, оширилиши мумкин эмас. Ҳукмда хизмат бўйича чеклаш муддати бўлмаса, жиноят қонунининг келгусида ҳукми бекор қилишга олиб келувчи даражадаги бузилиши ҳисобланади, ҳарбий хизмат бўйича чеклаш муддати – икки ойдан уч йилгача – ойлар ва йиллар миқдори бўйича умумий тартибда ҳисобга олинади. Бунда шуни назарда тутиш керакки, хизмат бўйича чеклаш тариқасидаги жазони ўташ муддати ҳукм ижроси амалга ошириладиган ҳарбий қисм командири томонидан ҳукми ижро этиш тўғрисидаги буйруқ чиқарилган кундан бошлаб ҳисобланади. Шу билан бир вақтда, бошқа жиноят содир этганлиги муносабати билан маҳкум ҳарбий хизматчи ҳисбада ушлаб турилган вақт, жазони ўташ муддатига қўшилмайди<sup>1</sup>.

8. Шуни қайд этиш керакки, шарҳланаётган моддада кўрсатилган маҳкумнинг ҳуқуқ ва имтиёзлардан маҳрум қилиш қатъий тавсиф бўлиб, кенгайтирилиб талқин қилинишига йўл қўйилмайди. Шунинг учун, жазони ўташ вақти кўп йиллик меҳнат фаолиятининг умумий йилини тўхтатмайди. Шунингдек, хизмат бўйича чеклаш вақти хизмат ва жазо муддатига қўшиб ҳисобланадиган асосий ва қўшимча таътиллار, шунингдек, ҳарбий хизматчи ва унинг оила аъзоларига санатория-курорт учун ва асосий таътилини ўтказилган жойгача йўл ҳақи кабилар учун моддий ёрдам ва компенсациялар берилишига тўсқинлик қилмайди.

9. Хизмат бўйича чеклаш жазонинг асосий тури ҳисобланади, яъни у давомий мажбурловнинг мазкур чораси фақат Жиноят кодекси тегишли моддаси санкциясида тўғридан-тўғри кўрсатилган ҳолатлардагина тайинланиши мумкин (масалан, ЖК 284-моддасига мувофиқ, бўйсунувчининг ўз бошлиғини, шунингдек, бошлиқнинг ўзига бўйсунувчини

<sup>1</sup> Қараг: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси, 142-модда // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 6-сон, 175-модда.

ҳақорат қилганлиги учун икки йилгача хизмат бўйича чеклаш) билан жазоланади. Шу билан бир вақтда шахс ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган ёки оғир оқибатларни келтириб чиқармаган эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноят учун суд иш ҳолатлари ва маҳкумнинг шахсини ҳисобга олган ҳолда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга хизмат бўйича чеклаш жазосини тайинлаши мумкин. (*ЖКнинг 15 ва 22-моддалари шарҳларига қаранг*)

10. Шунини алоҳида қайд этиш керакки, хизмат бўйича чеклаш жазоси фақат ҳарбий хизматчиларга тайинланади, шунинг учун маҳкум ҳарбий хизматдан бўшатиш ҳолда хизмат бўйича чеклашнинг ўтамаган қисмини давлат мажбуриятининг бошқа чораси билан алмаштириш ёки жазодан озод қилиш тўғрисидаги масала суд томонидан ҳал қилиниши лозим<sup>1</sup>.



---

**48-модда.** (*Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 29 мартдаги ЎРҚ-421-сонли Қонуни билан чиқарилган – ЎР ҚХТ, 2017 йил, 13-сон, 194-модда*)

---

#### **48<sup>1</sup>-модда. Озодликни чеклаш**

Озодликни чеклаш суд томонидан маҳкумга нисбатан яшаш жойини у ёки бу сабаб билан тарқ этишни бутунлай тақиқлашдан ёки сутканинг муайян вақтида яшаш жойидан чиқишни чеклашдан иборат.

Озодликни чеклаш бир ойдан беш йилгача муддатга тайинланади ҳамда суд томонидан белгиладиган органлар назорати остида ўталлади. Озодликни чеклаш, уни маҳкумнинг яшаш жойида ўташ шартлари содир этилган қилмишнинг

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси, 147-модда // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 6-сон, 175-модда.

хусусияти ва суд чиқарган қарорни ижро этишдан бўйин товлашнинг олдини олиш ҳисобга олинган ҳолда суд томонидан белгиланади.

Қўлланилаётган тақиқнинг (чеклашнинг) хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, суд маҳкумнинг зиммасига қуйидаги қўшимча тақиқларни (чеклашларни) юклаши мумкин:

муайян жойларга бормаслик;

оммавий ва бошқа тадбирлар ўтказишда иштирок этмаслик;

муайян фаолият билан шуғулланмаслик;

муайян буюмларга эга бўлмаслик ёки уларни ўзида сақламаслик;

транспорт воситасини бошқармаслик;

маҳкумларни назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини, иш ва (ёки) ўқиш жойини ўзгартирмаслик, тегишли маъмурий ҳудуддан ташқарига чиқмаслик;

муайян шахслар билан алоқа ўрнатмаслик;

алоқа воситаларидан, шу жумладан Интернетдан фойдаланмаслик;

алкоголли ичимликлар истеъмол қилмаслик.

Суд озодликни чеклашга ҳукм қилинган шахснинг зиммасига ўзи етказган моддий ва маънавий зарарнинг ўрнини қоплаш, ишга ёки ўқишга жойлашиш мажбуриятларини, шунингдек унинг тузалишига кўмаклашувчи бошқа мажбуриятларни юклаши мумкин.

Агар озодликни чеклашга ҳукм қилинган шахс жазони ўташ даврида ўзининг жиноий қилмишларини англаб етган, тузалиш йўлига қатъий ўтган, етказилган моддий ва маънавий зарарнинг ўрнини қоплаган бўлса, суд маҳкумга нисбатан илгари тайинланган тақиқларни (чеклашларни) тулик ёки қисман бекор қилиши мумкин.

Маҳкум озодликни чеклаш тарикасидаги жазони ўташдан қасдан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан ўз зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириши мумкин. Жазони ўташдан бўйин товлаш вақти ўталган жазо муддатига қўшиб ҳисобланмайди.

Озодликни чеклаш ҳарбий хизматчилар, чет эл фуқаролари, шунингдек Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойига эга бўлмаган шахсларга нисбатан тайинланмайди.

## Ш А Р Ҳ

1. **Озодликни чеклаш** жазоси жиноят тўғрисидаги қонунчиликка нисбатан янги киритилган жазо чораларидан бири ҳисобланади.

2. Жиноят кодексига мазкур жазо тури ўз табиатига кўра озодликдан маҳрум қилиш жазосига муқобил жазо сифатида киритилган. У маҳкумни жамиятдан ажратмаган ҳолда тарбиялаш вазифасини бажаради.

Озодликни чеклаш суд томонидан маҳкумга нисбатан яшаш жойини у ёки бу сабаб билан тарк этишни бутунлай тақиқлашдан ёки сутканинг муайян вақтида яшаш жойидан чиқишни чеклашдан иборат.

3. Мазкур жазо турининг қўйи муддатлари озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан бир хил. Хусусан, ушбу жазо тури олти ойдан беш йилгача муддатга тайинланади ҳамда суд томонидан белгиланадиган органлар назорати остида ўталади. Озодликни чеклаш, уни маҳкумнинг яшаш жойида ўташ шартлари содир этилган қилмишнинг хусусияти ва суд чиқарган қарорни ижро этишдан бўйин товлашнинг олдини олиш ҳисобга олинган ҳолда суд томонидан белгиланади.

4. Мазкур жазо тайинланганида суд содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги, маҳкумнинг индивидуал хусусиятлари, шунингдек ишга алоқадор бошқа ҳолатларни ҳисобга олиб, қўлланилаётган тақиқнинг (чеклашнинг) хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, маҳкумнинг зиммасига қўйидаги қўшимча тақиқларни (чеклашларни) юклаши мумкин: муайян жойларга бормаслик; оммавий ва бошқа тадбирлар ўтказишда иштирок этмаслик; муайян фаолият билан шуғулланмаслик; муайян буюмларга эга бўлмаслик ёки уларни ўзида сақламаслик; транспорт воситасини бошқармаслик; маҳкумларни назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини, иш ва (ёки) ўқиш жойини

ўзгартирмаслик, тегишли маъмурий ҳудуддан ташқарига чиқмаслик; муайян шахслар билан алоқа ўрнатмаслик; алоқа воситаларидан, шу жумладан, Интернетдан фойдаланмаслик; алкоғолли ичимликлар истеъмол қилмаслик.

Буларнинг ҳаммаси жазонинг мақсадларига самарали эришиш учун қўлланиладиган чоралар ҳисобланади.

5. Булардан ташқари, ушбу жазо тури нафақат шахснинг озодлигини чеклаш ёки муайян ҳаракатларни амалга оширишни тақиқлашдан иборат эмас. Ушбу ҳолатлар билан бир қаторда, суд озодликни чеклашга ҳукм қилинган шахснинг зиммасига ўзи етказган моддий ва маънавий зарарнинг ўрнини қоплаш, ишга ёки ўқишга жойлашиш мажбуриятларини, шунингдек унинг тузалишига кўмаклашувчи бошқа мажбуриятларни юклаши мумкин.

Агар озодликни чеклашга ҳукм қилинган шахс жазони ўташ даврида ўзининг жиноий қилмишларини англаб етган, тузалиш йўлига қатъий ўтган, етказилган моддий ва маънавий зарарнинг ўрнини қоплаган бўлса, суд маҳкумга нисбатан илгари тайинланган тақиқларни (чеклашларни) тўлиқ ёки қисман бекор қилиши мумкин.

6. Маҳкум озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан ўз зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириши мумкин. Жазони ўташдан бўйин товлаш вақти ўталган жазо муддатига қўшиб ҳисобланмайди.

**Қасддан бўйин товлаш** деганда ўзбошимчалик билан, яъни, узрли сабабларсиз яшаш жойини тарк этиш, яшаш жойидан чиқиш вақтини бузиш, шунингдек бошқа қўшимча тақиқларни камида икки маротаба бузиш тушунилиши лозим<sup>1</sup>.

7. Озодликни чеклаш жазоси қонунда белгиланган жиноий жавобгарликка тортиш ёшига етган шахсга нисбатан тайинланиши мумкин.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодекси, 112-модда // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 6-сон, 175-модда.

8. Мазкур жазо турининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чикиб у ҳарбий хизматчилар, чет эл фуқаролари, шунингдек Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойига эга бўлмаган шахсларга нисбатан тайинланмаслиги белгиланган. Қонунда субъектга нисбатан бошқа чекловлар назарда тутилмаган.

9. Жиноят содир этган шахснинг илгари судланганлиги озодликни чеклаш жазосини қўллашга тўсқинлик қилмайди.

10. Озодликни чеклаш муддати маҳкум жазоларни ижро этиш инспекцияларида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисобланади. Маҳкум узрли сабабларсиз ўзбошимчалик билан яшаш жойида бўлмаган вақти озодликни чеклаш муддатига қўшиб ҳисобланмайди.

11. Маҳкум озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, жазоларни ижро этиш инспекцияси судга маҳкум учун озодликни чеклашнинг ўталмаган муддатини жазонинг бошқа турига алмаштириш ҳақида тақдимнома киритади<sup>1</sup>.

#### 49-модда. Интизомий қисмга жўнатиш

Интизомий қисмга жўнатиш – муддатли ҳарбий хизмат ҳарбий хизматчисини суд томонидан белгиланган муддат мобайнида ички тартиби анча қаттиқ бўлган махсус ҳарбий қисмга жойлаштириш орқали, муайян ҳуқуқ ва имтиёزلардан маҳрум этишдир.

Интизомий қисмга жўнатиш жазоси ушбу Кодекс Махсус қисмининг моддасида назарда тутилган ҳолларда уч ойдан бир йилгача муддатга қўлланилади. Суд иш ҳолатлари ва маҳкумнинг шахсини ҳисобга олган ҳолда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўрнига шу муддатга интизомий қисмга жўнатиш жазосини қўллаши мумкин.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодекси, 44<sup>а</sup>-моддасининг 2-қисми // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 6-сон, 175-модда.



## Ш А Р Х

1. **Интизомий қисмга жўнатиш** фақат муддатли ҳарбий хизмат ҳарбий хизматчиларига нисбатан қўлланиладиган асосий жазо туридир. Жазонинг ушбу тури жиноятнинг махсус субъектига нисбатан қўлланилади. Ушбу жазо бошқа шахсларга қўлланилиши мумкин эмас.

Шу билан бир вақтда, жазонинг бу турини фақат ҳарбий жиноят содир этишдагина эмас, балки, ҳарбий хизматчилар томонидан амалга оширилган ҳуқуққа зид бошқа тажовузларга ҳам қўллаш мумкин. Айбдор шахсни озодликдан маҳрум қилишга таянмай, махсус ҳарбий қисм шароитида тузатиш мумкин бўлган ҳолларда давлат мажбурловининг мазкур чорасини тайинлашни ишга солиши керак.

2. **Муддатли ҳарбий хизмат** чақирилиш ёшидаги фуқароларнинг оддий аскарлар ва сержантлар таркиби лавозимларида, шунингдек муқаддам ҳарбий хизматни ўтамаган офицерларнинг қонунчиликда белгиланган муддат мобайнида Қуролли Кучлар сафидаги мажбурий хизматидир<sup>1</sup>. Жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахс муддатли ҳарбий хизмат ҳарбий хизматчисига мансуб эканлигини белгилашда судлар муддатли ҳарбий хизматда турмайдиган шахсга жазонинг ушбу тури тайинлашига тўғри келмаслигини эътиборга олиб, унинг мазкур хизматда турган муддатининг бошланиши ва тугалланиши вақтини эътиборда тутиши лозим. Муддатли ҳарбий хизматда бўлиш муддати қонунда белгиланади ва у ҳарбий хизматга жўнатиш учун мудофаа ишлари органига келган кундан бошланиб ҳарбий қисм командирининг ҳарбий хизматчи бўшатишини муносабати билан уни шахсий таркиб рўйхатидан чиқариш тўғрисидаги буйруғи чиққан кунгача ҳисобланади<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги «Умумий ҳарбий мажбурияга ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги 436-П-сонли Қонуни, 5-модда 1-қисми // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 12-сон, 217-модда.

<sup>2</sup> Уша жойда.

Шуни назарда тутиш керакки, интизомий қисмга жўнатиш жазосини қўллаш бирон-бир бошқа ҳолатлар билан боғлиқ эмас. Шунинг учун, бу жазо илгари судланган шахсларга ҳам, давлат мажбурловининг мазкур чорасига илгари ҳукм қилинганларга ҳам қўлланиши мумкин.

3 Интизомий қисмга жўнатиш асосий жазо тури бўлиб, яъни у фақат мустақил қўлланиши мумкин ва уни бошқа асосий жазолар билан бирга қўллашга йўл қўйилмайди (масалан, жарима ва интизомий қисмга жўнатишни тайинлаш мумкин эмас ва ҳ.к.). Шунингдек, Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддалари санкцияларида тўғридан-тўғри назарда тутилган ҳоллардагина тайинланиши талаб этилади. Шу билан бир вақтда, интизомий қисмга жўнатиш жазоси санкцияларда, у кўрсатилмаган ҳолларда, чунончи жазони енгилроғи билан алмаштириш, шунингдек, озодликдан маҳрум қилиш жазосини алмаштириш ҳолларида ҳам қўллашга йўл қўйилади.

4 Шарҳланаётган жазо маҳкумни муайян ҳуқуқлар ва имтиёзлардан маҳрум қилиш, ҳарбий хизматчини суд ҳукмида кўрсатилган муддатга махсус ички тартиби анча қаттиқ бўлган ҳарбий қисмга жўнатишда ифодаланади. Бу жазони ўташда махсус ички тартиб-қондага амал қилинади. Ушбу маҳрум қилиш хусусиятлари Жиноят-ижроия кодексига кўрсатилган бўлиб, жазони интизомий қисмда ўташ даврида барча маҳкумлар ҳарбий унвонлари, мансаблари ва аввалги хизматлари хусусиятидан қатъи назар, оддий аскар (матрос)лар ҳолатида бўладилар ва белгиланган кўринишдаги махсус кийимда юрадилар, тафовут белгиларини тақадилар, чекланмаган миқдорда хат ва телеграммалар олишлари ҳамда жўнатишлари мумкин. Маҳкумга алоҳида ҳоллар (яъни қариндошининг вафоти, мусибат) муносабати билан ҳарбий қисм доирасидан четга чиқиш ҳуқуқини берадиган қисқа муддатли – етти суткагача таътил берилиши мумкин. Муддатли ҳарбий хизмат ҳарбий хизматчилари учун назарда тутилган таътил маҳкумларга берилмайди.

5. Интизомий қисмда маҳкумларнинг жазони ўташ вақти ҳарбий хизмат муддатига қўшилмайди<sup>1</sup>. Шунинг учун жазони ўтаганидан кейин улар ўз ҳарбий қисмларига чақирув бўйича хизматнинг қолган қисмини ўташ учун қайтади. Шунингдек, ушбу сабабга кўра, интизомий қисмга жўнатиш хизмат муддати тугаганда бошқа жазо турига алмаштирилиши мумкин эмас, чунки шу давр мобайнида ушбу муддат тўхтатиб турилади. Лекин, мазкур жазони ўташ даврида судланган шахс ҳарбий хизматга яроқсиз деб тан олинган ҳолда мазкур давлат мажбурлов чорасини унга нисбатан амалга ошириш тўхтатилиши лозим. Бу ҳолда, жазонинг ўталмаган қисмини бошқа жазо билан алмаштириш ёки жазодан озод қилиш масаласини кўриб чиқиш лозим.

6. Қонун томонидан уч ойдан бир йилгача меъёр деб белгиланган муддат интизомий қисмга жўнатиш жазосининг асосий шarti ҳисобланади. Шу билан бирга, шунни қайд этиш керакки, шарҳланаётган моддада кўрсатилган муддат қатъий ҳисобланиб, ҳатто норманинг энг камидан паст жазо тайинланган ҳолда ҳам суд томонидан у оширилиши мумкин эмас. Шу билан бир вақтда, интизомий қисмга жўнатиш жазосининг юқори меъёри шарҳланаётган модданинг иккинчи қисми қоидаларига кўра, мазкур жазони озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўрнига алмаштирилган ҳолатда уч йилгача оширилиши мумкин.

Шуни назарда тутиш керакки, мазкур жазони қўллаш лозим бўлган муддатнинг ҳукмда кўрсатилмаганлиги жиноят қонунини бузиш ҳисобланади ва ҳукмнинг бекор қилинишига асос бўлади.

**7. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисми** интизомий қисмга жўнатиш жазосининг озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўрнига тайинланиши мумкин бўлган ҳолатлар бўйича шартларни қонуний жиҳатдан аниқ белгилайди. Мазкур қисм қоидаларига мувофиқ, «суд иш ҳолатлари ва маҳкумнинг шахсини ҳисобга олган ҳолда уч йилдан кўп

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси, 160-модда 1-қисми // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 6-сон, 175-модда.

булмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўрнига шу муддатга интизомий қисмга жўнатиш жазосини қўллаши мумкин».

**Озодликдан маҳрум қилиш** жазоси билан алмаштирилганда эътиборга олиниши керак бўлган иш ҳолатлари деганда, жиноятнинг оғирлиги, унинг оқибатлари, унинг хусусияти ва бошқа ҳолатлар тушунилади. Суд асосий эътиборни жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга қаратиши зарур. Шу билан бирга, судланувчининг шахсини ифодаловчи маълумотлар қаторига давлат мукофотлари, фахрий унвонлари борлиги, саломатлиги ҳақида, Жиноят кодексининг 77-моддасига мувофиқ муддати ўтиб кетмаган ёки олиб ташланмаган судланганлиги, жазони озодликдан маҳрум этиш жойларида утаганлиги тўғрисида ва бошқа маълумотлар киритилиши мумкин<sup>1</sup>. Озодликдан маҳрум қилиш жазоси интизомий қисмга жўнатиш жазосига алмаштирилган ҳолларда ҳукмнинг тавсиф қисмида суд жазонинг мазкур турини ЖКнинг 49-моддаси 2-қисмига ҳавола қилиб асослаши ва ҳукмнинг қарор қисмида кўрсатиши керак.

8. Шунинг назарда тутиш керакки, интизомий қисмга жўнатиш озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўрнига тайинланса, ҳарбий қисмда бўлиш муддатининг бир куни озодликдан маҳрум қилиш жазосининг бир кунига тенглаштирилади. Шу билан бирга, суд мазкур жазонинг умумий юқори меъёри билан боғлиқ эмас, уни уч ойдан – уч йилгача муддатгача қўллаши мумкин. Шунинг қайд этиш керакки, озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўрнига интизомий қисмга жўнатиш тариқасидаги жазони қўллаш фақат маҳкумга уч йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш тайинланган ҳоллардагина йўл қўйилади. Бунда тегишли модда санкциясида кўрсатилган озодликдан маҳрум қилиш меъёрининг аҳамияти йўқ. Бундан ташқари, озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўрнига интизомий қисмга жўнатиш тариқасидаги жазони тайинлаш мазкур мажбурлов чораси

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1997 йил 22 августдаги «Судлар томонидан жиноят ишларини биринчи босқич судида муҳофизат этиш жараёнида процессуал қонунчиликка риоя қилиниш тўғрисида»ги 12-сонли қарори, 2-банд.

тегишли моддалар санкцияларида назарда тутилган-тутилмаганлиги ахамиятга эга эмас. Шунингдек, таъкидлаш керакки, озодликдан маҳрум қилиш жазосини интизомий қисмга жўнатиш жазосига алмаштириш, бир нечта жиноят содир этилган ҳолатларда озодликдан маҳрум қилиш жазоси тариқасида тайинланган ҳолларда амалга оширилиши мумкин. Бундай ҳолда фақат тайинланган жазонинг умумий муддати уч йилдан ошмаслигига эътибор бериш керак.

9. Жиноят-ижроия кодексига мувофиқ, мазкур жазонинг ижро этилиши Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг махсус мўлжалланган ҳарбий қисмлари зиммасига юклатилган.

### 50-модда. Озодликдан маҳрум қилиш

Озодликдан маҳрум қилиш маҳкумни жамиятдан ажратиб жазони ижро этиш колонияси ёки турмага жойлаштиришдан иборатдир.

Озодликдан маҳрум қилиш бир ойдан йигирма йилгача муддатга белгиланади, ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш йигирма йилдан ортиқ, лекин йигирма беш йилдан кўп бўлмаган муддатга белгиланади ва фақат жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасдан одам ўлдириш (97-модданинг иккинчи қисми) ва терроризм (155-модданинг учинчи қисми) учун тайинланиши мумкин.

Узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси аёлга, ун саккиз ёшга тулмасдан жиноят содир этган шахсга ва олтмиш ёшдан ошган эркакка нисбатан тайинланиши мумкин эмас.

Озодликдан маҳрум қилиш ушбу Кодекснинг 60-моддасида назарда тутилган бир неча жазоларни қўшиш тартибда тайинланганда, унинг муддати йигирма беш йилгача белгиланиши мумкин.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётган аёлларга ҳамда олгмиш ёшдан ошган эркакларга нисбатан тайинланаётган жазо муддати ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган озодликдан маҳрум этиш энг кўп муддатининг учдан икки қисмидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётган эркакларга нисбатан:

а) ижтимоий хавфи катта бўлмаган жинояти, эҳтиётсизлик оқибаотида содир этилган жинояти учун ва қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлик учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётганларга нисбатан жазони манзил-колонияларда;

б) қасддан оғир жиноят содир этганлик ва ўта оғир жинояти учун биринчи марта озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётганларга нисбатан жазони умумий тартибли колонияларда;

в) илгари қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазони ўтаб чиқиб, ёки ўтаётган чоғида қасддан янги содир этган жинояти учун ҳукм қилинаётганларга нисбатан жазони қаттиқ тартибли колонияларда;

г) ўта хавfli рецидивистларга нисбатан жазони махсус тартибли колонияларда ўташ тайинланади. Умрбод озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилганлар, шунингдек афв этиш тартибида умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилган шахслар ҳам жазони махсус тартибли колонияларда ўтайдилар.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётган аёлларга нисбатан:

а) ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят, эҳтиётсизлик оқибаотида жиноят содир этганларга ҳамда қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этганларга нисбатан жазони манзил-колонияларда;

б) оғир ва ўта оғир жиноят учун жазони умумий тартибли колонияларда;

в) илгари озодликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазони ўтаб чиқиб, янги содир этган ўта оғир жинояти учун ҳукм

қилинаётганларга, шунингдек ута хавфли рецидивист деб топилганларга нисбатан жазони каттик тартибли колонияларда ўташ тайинланади.

Турмага қамаш тариқасидаги озодликдан маҳрум қилиш, жазонинг муайян қисмига, лекин беш йилдан кўп бўлмаган муддатга:

а) ута хавфли рецидивистларга:

б) оғир ёки ута оғир жинояти учун беш йилдан ортик муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга нисбатан тайинланиши мумкин.

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этганлик, эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этганлик ва қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлик учун озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазо ҳомиладор аёлларга ва уч ёшга тулмаган болалари бор аёлларга нисбатан, шунингдек қонунчиликка мувофиқ ёшга доир пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга нисбатан тайинланмайди.

Суд томонидан жазони манзил-колонияда ўташи тайинланган маҳкум сақлаш режимини ашаддий бузувчи деб топилган тақдирда, суд уни жазонинг ўталмаган қисми муддатига умумий тартибли колонияга ўтказди.

---

## ШАРҲ

---

1. Жиноят кодексининг шарҳланаётган моддаси жиноят ҳуқуқининг жазо тизимида энг оғир жазолардан бири — озодликдан маҳрум қилишни ифодалайди.

**Шарҳланаётган модданинг 1-қисмига** мувофиқ, озодликдан маҳрум қилиш маҳкумни жамиятдан ажратиб, жазони ижро этиш колонияси ёки турмага жойлаштиришдан иборатдир. Бунда камокдан фарқли равишда озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўллаш орқали маҳкумнинг ҳуқуқларини чеклаш комплекс хусусиятга эга бўлиб, маҳкум руҳий ва жисмоний жиҳатдан жамиятдан, ўзи ўрганган муҳитдан изоляцияланиб, жазони қўллаш орқали белгиланган мақсадга эришиш учун махсус тартиб қўлланилади. Жиноят содир қилган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум

қилиш жазоси улкан таъсир чораси ҳисобланиб, уни тўғри қўллаш қанчалик ижобий самара берса, нотўғри қўллаш ҳам шунчалик салбий бўлади. Буларнинг барчаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, айниқса, судларга, озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўллашда катта масъулият юклайди.

2. Озодликдан маҳрум қилиш жазо тариқасида, одатда, оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этган шахсларга, алоҳида ҳолларда эса, судланувчининг шахсини инобатга олган ҳолда – ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни содир қилган шахсларга нисбатан, агар бундай шахсларни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатишнинг имкони бўлмаса, қўлланилади. Ушбу жазо турини қўллаш сабаблари ҳукмда асослантирилиши шарт<sup>1</sup>. Озодликдан маҳрум қилиш асосий жазо ҳисобланади, яъни у бир вақтнинг ўзида у ёки бу бошқа асосий жазо билан бирга қўлланилмайди. Озодликдан маҳрум қилиш тегишли моддалар санкцияларида кўрсатилмаган ҳолларда қўлланиши мумкин эмас. Шунингдек, озодликдан маҳрум қилиш ахлоқ тузатиш ишларини ўташдан бўйин товлаганлик учун ҳамда умрбод озодликдан маҳрум қилиш ўрнига – афв этиш тартибида қўлланилиши мумкин.

3. **Озодликдан маҳрум қилиш** ўзида маҳкумнинг жамиятдаги чекланган ҳуқуқий ҳолатини акс эттириб, давлатнинг бошқа барча мажбурлов чораларидан, шунингдек, қамокдан ҳам фарқланади. Маҳкумнинг озодликдан маҳрум этишдаги ҳуқуқий ҳолатининг чекланиши комплекс характерга эга бўлиб, ўзида жамиятдан ажратишнинг жисмоний ва маънавий элементларини, шунингдек, белгиланган жамиятдан ажратишни кузатиш мақсадида маҳкумга берилган бошқа чекланган ҳуқуқ ва эркинликларни намоён қилади. Шу билан бирга, белгиланган маҳрумликлар меҳнат фаолиятини танлашнинг чекланишида, дам олиш ва иш вақтини белгилашни чегаралашда, ҳаракатланиш эркинлиги даражасини, учрашувларни, посилкаларни олиш ва юборишни чегаралаш кабиларда намоён бўлади. Бундан ташқари,

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сонли қарори, 26-банд.



озодликдан маҳрум қилинганларга нисбатан ахлоқ тузатиш ва профилактик таъсир чораси кабилар ҳам қўлланилади.

4. Озодликдан маҳрум қилишнинг марказий омиларидан бири – унинг муддати ҳисобланиб, бу муддат давомида маҳкумнинг ҳуқуқий ҳолатига чекловлар ўрнатилади. **Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисми** асосида озодликдан маҳрум этиш (узоқ муддатли жазони ўташ билан боғлиқ бўлмаган) **бир ойдан йигирма йилгача** муддатга белгиланади. **Шарҳланаётган модданинг 3-қисмида** назарда тутилган узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси «озодликдан маҳрум қилиш жазосининг бир кўрчиниши бўлиб», **йигирма йилдан ортиқ, лекин йигирма беш йилдан кўп бўлмаган** муддатга тайинланиши мумкин<sup>1</sup>. Шундай қилиб, муайян муддатга озодликдан маҳрум этишнинг энг кам ва энг кўп муддаглари тегишинча бир ой ва йигирма беш йилни ташкил этади. Бунда озодликдан маҳрум этишни қўллашнинг энг кам муддати суд томонидан ҳеч қандай вазиятда бузилиши мумкин эмас (жумладан, ЖКнинг 57-моддаси қоидаларига мувофиқ, жазонинг энг камидан ҳам камроқ жазо тайинлашда), ЖКнинг 46-моддаси 4-қисмида айтиб ўтилган вазият, маҳкум ахлоқ тузатиш ишлари тарикасидаги жазони ўташдан бўйин товлаганда суд ахлоқ тузатиш ишларининг ўталмаган муддатини худди шундай муддатдаги озодликдан маҳрум этиш билан алмаштиришга мажбур бўлган вазият бундан мустасно. Озодликдан маҳрум этишнинг курсатилган энг кўп чегараси юзасидан (25 йил), биринчидан, шарҳланаётган модданинг 3-қисми асосида ушбу муддат узоқ муддатли бўлиб, алоҳида бир жиноятни содир этиш учун жазони тайинлашда фақат оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми) ва терроризмнинг оғирлаштирувчи таркиби (ЖКнинг 155-моддаси 3-қисми) учун тайинланиши мумкинлигини; иккинчидан, **шарҳланаётган модданинг 5-қисмига**

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 14 ноябрдаги «Умрбод озодликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазони қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги 15-сонли қарори 2-банд, 1-яътбоши.

мувофиқ, йигирма беш йилгача озодликдан маҳрум этиш ЖКнинг 60-моддасида назарда тутилган бир неча ҳукмлар юзасидан жазо тайинлаш қоидалари бўйича жазоларнинг қўшиб ҳисоблаган ҳолда тайинланиши мумкинлигини; ва, учинчидан, мазкур жазонинг энг кўп чегараси ЖКнинг 76-моддаси 3-қисми асосида умрбод озодликдан маҳрум этишнинг афв этиш тариқасида озодликдан маҳрум этиш билан алмаштирилган ҳолда йигирма беш йилга етиши мумкинлигини судлар назарда тутишлари лозим. Қолган барча ҳолларда озодликдан маҳрум этишнинг энг кўп чегараси йигирма йилдан ошмаслиги лозим.

5. Шунинг таъкидлаш керакки, судлар озодликдан маҳрум қилиш тариқасида жазони белгилаётганларида муддатни аниқ кўрсатишлари керак. Бундай муддатни белгилаш суд томонидан Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддаси санкциялари доирасида амалга оширилиши лозим бўлиб, бу орқали айбланувчи томонидан содир қилинган жиноят квалификация қилинади. Айни пайтда бир неча жиноятни содир этганлик учун жазо тайинлашда (ЖКнинг 59-моддаси) суд ҳар бир модда бўйича тайинланадиган жазони алоҳида кўрсатиши ва тайинланган жазоларни қўшиб орқали жамланган жазонинг умумий муддатини кўрсатиши лозим. Аммо, жазонинг энг кам қисмидан ҳам камроқ жазо тайинлашда судлар озодликдан маҳрум қилишнинг шарҳланаётган моддада кўрсатилган – I ойлик минимал муддатидан камроқ муддат белгилаши мумкин эмас.

6. Озодликдан маҳрум қилиш муддатини тайинлашда бу муддатининг ойлар ва йиллар билан ҳисобланишини эътиборга олиш зарур. Шунинг учун, озодликдан маҳрум қилишнинг муайян давомийлигини аниқлаштиришда, судлар берилган баҳони ҳисобга олган ҳолда муддат ўрнатиб, озодликдан маҳрум қилиш муддати жазони индивидуаллаштиришда, шунингдек, жазо чораси самарадорликни оширишини ҳам назарда тутиши керак.

7. Шунинг ҳам айтиб ўтиш лозимки, озодликдан маҳрум қилишда қисқа муддатларнинг (бир йилгача) тайинланиши етарлича самара бермайди, чунки берилган жазо чораси

судланувчига нисбатан таъсири чекланган. Шу сабабдан, судлар қисқа муддатга жамиятдан ажратиш масаласига жиддий ёндашишлари ва ҳукмда бун асослантиришлари керак<sup>1</sup>. Бундай ҳолларда, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни қўллаш мақсадга мувофиқ, масалан, жарима, ахлоқ тузатиш ишлари каби жазо турларини қўллаш, судланувчига катта даражада ижобий таъсир кўрсатади.

Озодликдан маҳрум этишнинг қисқа муддатларини аёллар, ногиронлар ва қарияларга нисбатан қўллаш кўпроқ мақсадга мувофиқ бўлади, албатта, маҳкумларнинг ушбу тоифасини жамиятдан ажратмаган ҳолда тузатишнинг имкони бўлмаса.

8. Озодликдан маҳрум қилиш кўринишидаги жазони қўллашда унинг қуйидаги ижобий жиҳатдан самара бериши ҳисобга олинishi лозим:

– оғир ва ўта оғир жиноят содир қилган шахсларга нисбатан жазо чорасини танлашда озодликдан маҳрум қилиш жазоси суд ҳукмида жазони оғирлаштирувчи ёки енгиллаштирувчи ҳолатларини ҳисобга олинган ва кўрсатилган ҳолда қўлланиши керак. Шунингдек, агар жиноят қонунчилиги бошқа жазо чораларини ҳам назарда тутган бўлса, ҳукмда озодликдан маҳрум қилиш кўринишидаги жазо қандай ҳолатларга асосланганлиги мотивлаштирилган бўлиши керак. Бунда судларнинг асосий эътибори, айниқса, аёлларга нисбатан жазо тайинлашга қаратилиши лозим;

– жазони жиноий гуруҳ ташкилотчилари ва фаол иштирокчиларига нисбатан, экстремистлар, рецидивистлар, республикадаги вазиятни беқарорлаштиришга уринган, ўта оғир жиноятлар содир этган шахсларга, жамият хавфсизлигига тажовуз қилувчи жиноят содир этганларга нисбатан тайинлашда уларнинг хавфлилиқ даражаси эътиборга олинishi лозим;

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сонли қарорининг 29-бандига мувофиқ, судлар қисқа муддатга (бир йилгача) озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўллашда ишнинг барча ҳолатларидан, айбдорнинг шахсидан келиб чиқишлари ва озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо қўлланилиши имконияти йўқлиги сабабларини ҳукмда асослантиришлари лозим.

– озодликдан маҳрум қилиш жазосини алоҳида жиноятлар содир қилганларга нисбатан, яъни «товламачиларга, ўзганинг мулкини талон-торож қилувчиларга, солиқ тўлашдан ашаддий бўйин товловчиларга, ўзларининг ҳаракатлари билан давлат ва жамоат манфаатларига ёки фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига жиддий зиён етказган мансабдор шахсларга, жинойий гуруҳларнинг ташкилотчилари ва фаол иштирокчиларига» нисбатан қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бундан ташқари, бундай жазони гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддаларни мунтазам равишда ёки кўп миқдорда сотувчилар, ўтказувчилар ёки жиноятнинг ташкилотчилари ва фаол иштирокчилари, наркотикларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ёки унинг ҳудуди орқали олиб ўтишни ёхуд уларни турли усуллар билан тарқатишни таъминловчилар, худди шундай жиноятлар учун муқаддам судланганлар, вояга етмаганларни жиноятга жалб қилувчилар ва х.к. қаттиқ жавобгарликка тортилиши лозим<sup>1</sup>.

Шу турдаги жазо қурол ва ўқ-дориларни қонунга ҳилоф равишда республика ҳудудига олиб киришда айбли бўлган шахсларга, қурол ва ўқ-дориларни ўтказиш мақсадида сотиб олувчи ва тайёрловчиларга, шунингдек уларни ўтказувчиларга, уларни ҳокимият вакиллари ёки ҳарбий хизматчиларнинг сақлаш жойларидан талон-торож этувчиларга, оғир жиноятлар содир этишда қуролдан фойдаланувчиларга<sup>2</sup> нисбатан қўлланиши лозим. Ишлаш ва яшаш жойига кўра, турмушида ниҳоятда салбий тавсифланадиган шахсларга; алкоголизм ёки гиёҳвандликка дучор бўлган, маънавиятга зид турмуш тарзини кечираётган шахсларга нисбатан ҳам озодликдан маҳрум этиш жазосининг қўлланиши асосли бўлади.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги «Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддалар билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 12-сонли қарори. 34-банд, 2-хатбоши.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 27 февралдаги «Қонунга ҳилоф равишда қуролга эгалик қилиш тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги 3-сонли қарори. 13-банд, 1-хатбоши.



Шу билан бирга, жазонинг мақсадларига маҳкумларнинг изоляциясиз эришиш мумкин бўлган тақдирда, кўрсатилган шахслар тоифаларига бошқа давлат мажбурлови чораларини ҳам қўллаш мумкин.

9. Узоқ муддатли озодликдан маҳрум этиш жазоси қўлланишининг самарадорлиги юзасидан Олий суд Пленуми тушунтирадики, ушбу муддат суд томонидан жиноятларнинг айрим турлари учун (оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш, одам ўлимига ёки бошқа оғир оқибатларга олиб келган терроризм), «конунда умрбод озодликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазо тайинланиши истисно этилган (масалан, тугалланмаган жиноят учун), шунингдек иш ҳолатларига кўра суд айбдорга нисбатан умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси ёки ўн беш йилдан йигирма йил муддатгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мақсадга мувофиқ эмаслиги ҳақидаги хулосага келган ҳолларда»<sup>1</sup> тайинланиши мумкин.

10. Озодликдан маҳрум қилишни қўллашда эътиборни қариялар, ногиронлар, аёлларнинг жавобгарлигини сезиларли енгиллаштирувчи ҳолатларда содир этган жиноятларига қаратиш лозим. Худди шундай, унча оғир бўлмаган жиноятларга жазо тайинлашда, санаб ўтилган ҳар бир ҳолатда алоҳида енгилроқ жазони жамиятдан ажратмасдан туриб тайинлашни назарда тутиш лозим. Шунингдек, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо қўллашдаги муқобил санкциялар масаласи судлар учун мажбурийдир.

Шуни ҳам айтиш керакки, иқтисодиёт соҳасида жиноят содир қилган шахсларга нисбатан жазо чорасини тайинлаш масалаларига судлар алоҳида эътибор беришлари керак. Иқтисодиёт соҳасидаги жиноят содир этган шахсларга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо чораси фавқулодда ҳолатлардагина қўлланилиши ва бунинг сабаблари ҳукмда асослантирилиши керак. Бундай шахсларга нисбатан жарима, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш самарали жазо чораси бўлиши мумкин.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 14 ноябрдаги «Умрбод озодликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазони қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги 15-сонли қарори, 2-банд, 2-хатбоши.

11. Шарҳланаётган модданинг 4-қисмига асосан, аёлларга, 18 ёшга тулмасдан жиноят содир этган шахсга, шунингдек, 60 ёшдан ошган эркакларга узок муддатли озодликдан маҳрум этиш (20 йилдан ортиқ, лекин 25 йилдан кўп бўлмаган) тайинланиши мумкин эмас. Бундан ташқари, **ЖКнинг 50-моддаси 6-қисмига** мувофиқ, 60 ёшдан ошган эркаклар ва аёллар учун жазо муддати Жиноят кодекси Махсус қисмининг моддаси санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум этиш энг кўп муддатининг учдан икки қисмидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Қонуннинг ушбу талаблари императив хусусиятда бўлиб, ҳатто оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлганда ҳам бажарилиши лозим. Мазкур нормалар қўлланганда эркакнинг ёши жиноятни содир этиш кунига қадар эмас, биринчи инстанция суди томонидан айбдорнинг ҳукм чиқариш кунига қадар, апелляция шикояти (протести) берилган ҳолда – иш апелляция инстанциясида кўрилган кунга қадар<sup>1</sup> белгиланиши лозим. Аёлнинг ёши мазкур қоидаларни қўллаш мақсади учун, албатта, аҳамиятли бўлмайди.

Шарҳланаётган модданинг тўртинчи ва олтинчи қисмларининг талаблари шахс битта ва бир неча жиноятни содир этишда айбдор, деб топилган ҳолатларга ҳам бирдек тааллуқли бўлади. Бу охириги ҳолатда жазонинг умумий муддати шахс жиний жавобгарликка тортилган тегишли моддалар, модда қисмларининг санкцияларида назарда тутилган энг кўп жазо муддатларини қўшишда ҳосил қилинадиган энг кўп озодликдан маҳрум этиш муддатидан ортиши мумкин эмас. Ҳар қандай ҳолатда ушбу шахсларга тайинланадиган озодликдан маҳрум этиш муддати 15 йил – 20 йилнинг тўртдан уч қисмидан (агар улар битта жиноятни содир этишда ёки ЖК 59-моддаси қоидаларига мувофиқ жами жазони тайинлашда бир неча жиноятни содир этишда айбдор, деб топилган бўлсалар) ва 18 йил 9 ой – 25 йилнинг тўртдан уч

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 14 ноябрдаги «Умрбод озодликдан маҳрум қилиш тарихидаги жазони қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги 15-сонли қарори, 4-банд, 2-хатбоши.

қисмидан (агар улар ЖК 60-моддаси қоидаларига мувофиқ бир неча ҳукмлар юзасидан жазони тайинлашда бир неча жиноятни содир этишда айбланган бўлсалар) ортиқ бўлиши мумкин эмас.

**12. Шарҳланаётган модданинг еттинчи, саккизинчи ва тўққизинчи қисмлари** озодликдан маҳрум қилиш кўринишидаги жазоларни ижро қилувчи озодликдан маҳрум қилинган шахслар жазони ўтаётган муассаса турларини белгилайди. Жазони ижро этиш бўйича тегишли муассасани белгилаш ва тайинлаш Жиноят кодекси 50-моддасида тартибга солинган. Бунда шуни эътиборга олиш керакки, ушбу жазони ижро этиш бўйича муассасани танлаш озодликдан маҳрум қилишнинг зарурий ва муҳим элементи ҳисобланади, чунки муассаса ва унинг туридан маҳкумнинг жамиятдан ажратилганлик даражаси келиб чиқади. Ижро этиш бўйича тегишли муассасани тайинлаш масаласига жиддий ёндашиб, бу барча жазоларнинг самарадорлигига сезиларли даражада таъсир кўрсатишни инобатга олиш зарур.

Шунингдек, ҳукмда колония турини кўрсатиш жазо ижро этилишининг зарурий шарти ҳисобланиб, бундай кўрсатманинг йўқлиги ҳукмни ўзгартириш учун асос бўлувчи жиноят тўғрисидаги қонунчиликнинг жиддий бузилиши, деб қаралиши керак (*қаранг: ЖПКнинг 497<sup>25</sup>-моддаси, 4-қ.*)

**13. Еттинчи, саккизинчи ва тўққизинчи қисм шартларига кўра, озодликдан маҳрум қилиш ижро этувчи муассасаларнинг асосий турлари қуйидагилар ҳисобланади:** манзил-колониялар, умумий, каттиқ ва махсус тартибли колониялар. Тегишли колония турининг танланиши, асосан, судланувчи жинси, содир қилган жиноятнинг оғирлик даражаси, айб шакли, озодликдан маҳрум қилиш тартибидеги жазони илгари ўтаганлик факти, рецидив ва ўта хавfli рецидив, деб топилиши каби омилларга боғлиқ. Эсда тутиш керакки, илгари қасддан жиноят содир қилган, деб топилиши, хавfli рецидивист, деб топилиш каби мезон асосли бўлиши керак. Масалан, илгари қасддан жиноят содир қилган, деб топилишга асос – судланганликнинг бекор қилинмаганлиги ёки олиб ташланмаганлигидир. Шахсни хавfli рецидивист, деб

топиш учун асос эса, суднинг қонуний қучга қирган ҳукми ҳисобланади. (*ЖКнинг 34-моддаси шарҳига қаранг*)

14. Илгари қасддан содир қилган жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаган шахслар қўйидаги ҳолларда судланган, деб топилмайди:

– Жиноят кодексининг 46-моддаси тўртинчи қисмига мувофиқ, озодликдан маҳрум қилиш жазоси ахлоқ тузатиш иши билан алмаштирилган ҳолда ўталган бўлса;

– озодликдан маҳрум қилиш жойларида суд ҳукми билан юрган бўлсалар, агар кассация тартибида ҳукм иш тугатилиши билан олиб ташланган ёки ҳукм ўзгартирилиб, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо белгиланган бўлса ёки шартли судланган бўлса;

– озодликдан маҳрум қилишга судланиб, лекин амнистия ёки афв этиш актларининг қўлланиши билан жазони деярли ўтамаганлар, жиний жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетиши оқибатида ҳукмнинг ижрога қаратилмаганлиги ёки шахс илгари содир қилган жинояти учун ҳаракати жазоланиши тартибининг олиб ташланиши;

– ахлоқ тузатиш муассасаларида жазони илгари ўтамаганлиги учун озодликдан маҳрум қилишга судланиб, эҳтиёт чораси сифатида маълум муддатга қамокда сақланганлар;

– жазодан озод қилинганлар<sup>1</sup>.

15. Судланганга жазони ўташ колония тури жиноятлар мажмуи бўйича узил-кесил жазо белгилангандан кейингина тайинланади. Агар шахс жазони ўташдан озод қилинган ёки синов муддати белгиланган ҳолда шартли ҳукм қилинган бўлса, жазони ўташ колония тури тайинланмайди. Бунда колониянинг муайян тури содир этилган жиноятларнинг турига боғлиқ равишда танланади.

16. **Шарҳланаётган модданинг тўққизинчи қисми** ҳолатларига кўра, озодликдан маҳрум қилиш қўринишидаги жазони ижро этувчи муассаса сифатидаги турма – судланувчиларнинг муайян тоифалари, яъни ўта хавфли

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сонли қарори, 10-банд.





рецидивист, шунингдек, оғир ва ўта оғир жиноятни содир қилишда айбдор, деб топилган ва уларни содир этганлиги учун беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм этилган шахсларга нисбатан тайинланиши мумкин. Бунда шуни инобатга олиш керакки, турма қаттиқроқ тартибли ҳисобланади, шунинг учун ҳуқуқий мақомини ҳам қаттиқроқ чегаралайди. Шу сабабдан, ушбу турдаги муассасани тайинлаш фақатгина баъзи ҳолларда, яъни маҳкумга таъсир қилишнинг бошқа усуллари мавжуд бўлмаганда қўлланади. Озодликдан маҳрум қилиш кўринишидаги жазони ўтовчи жой сифатидаги турмаларни тайинлаш зарурати суд ҳукмида, албатта, мотивлаштирилган бўлиши керак.

Турмага қамаш муддатнинг факат муайян қисмига тайинланиб, суд ҳукмида маҳкум муддатнинг қолган қисмини ўтайдиган колония тури ҳам кўрсатилиши зарур. Колония турини аниқлаш таҳлил қилинаётган модданинг бешинчи қисми ёки олтинчи қисмида кўрсатилган қондалар бўйича амалга оширилади.

Колония турининг кўрсатилиши жазони ўташнинг зарурий шarti ҳисобланганлиги учун бундай кўрсатманинг бўлмаслиги жиноят тўғрисидаги қонунчиликнинг жиддий бузилиши, деб қаралиб, ҳукмнинг ўзгариши учун асос бўлади.

17. Озодликдан маҳрум қилиш кўринишидаги жазони ижро этувчи жой сифатидаги турмани аниқлаш мажбурий тартибда муддатнинг кўрсатилиши билан ўзаро боғланган бўлиши керак бўлиб, бу муддат давомида жазо турмада ўталади ва бундай муддатининг кўрсатилмаслиги ҳукмнинг бекор қилинишига ҳамда жиноят тўғрисидаги қонунчиликнинг жиддий бузилишига олиб келиши мумкинлигини инобатга олиш зарур. Ушбу ҳолатда шунга ҳам эътибор қаратиши керакки, бунда қонунга мувофиқ турмада жазони фақат 5 йилдан кўп бўлмаган муддатнинг муайян қисмини ўташга йўл кўйилади. Бу кўрсатма императив (қатъий) ҳисобланиб, суд томонидан бузилиши мумкин эмас. Бунда шуни таъкидлаш керакки, турмада жазони ўташ узлуксиз характерга эга, яъни суд томонидан белгиланаётган муддат турмага қаматилган пайтдан бошлаб ҳисобланиб, суммали

ҳисобга йўл қўйилмайди (масалан, агар озодликдан маҳрум қилиш йиллик турма қамоғида ҳар 3 йилда ўташ шарти билан 15 йил тайинланган бўлса, турмага 5 йилга қамаш мумкин эмас). Шунингдек, турма қамоғини муддатнинг қолган қисмига ҳам қўллаш мумкин эмас, турма қамоғи дастлаб ҳукм ижросининг бошида ўталади.

**18. Шарҳланаётган модданинг унинг қисмига кўра,** озодликдан маҳрум қилиш кўринишдаги ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган жиноятлар, эҳтиётсизликдан ва қасддан унча оғир бўлмаган жиноятлар учун жазо, агар ушбу ғайриқонуний тажовузларни қуйидаги шахслар амалга оширган бўлсалар, қўлланилмайди:

- ҳомиладор аёллар;
- 3 ёшгача боласи бор аёллар;
- қонунга мувофиқ, пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар.

Шарҳланаётган модданинг мазкур қисми моҳияти бўйича озодликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазони қўллаш қўрилган ҳолларда содир қилинган ҳаракатлар миқдорига боғлиқ бўлмаган ҳолатларда қўлланилмайди (яъни, озодликдан маҳрум қилишни битта жиноят содир қилишда айбланувчи шахс билан бир неча ғайриқонуний тажовузларни содир қилганларга тенг равишда қўллашга йўл қўйилмайди, бунда бу тажовузларнинг ҳаммаси қонунда мустаҳкамланган белгиларига жавоб бериш шарти мавжуд). Лекин, тажовузлар характери ва сони озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазони тайинлашда унинг индивидуаллаштириш зарурлигини ҳар бир муайян ҳолатда инobatга олиш лозим.

**19. Айбланувчининг ҳомиладорлик фактини аниқлашда** унинг ҳомиладорлик вақти (яъни, қайси ой), ҳомила биринчиси ёки йўқми, ҳомила ҳолати ва шу қабилар аҳамиятга эга эмас. Аммо, ушбу маълумотлар Жиноят кодекси 55-моддаси қондаларига мувофиқ, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашда ҳисобга олинади.

Ҳомиладорликни белгилашда суд жиноят содир қилиш вақтида унинг бор-йўқлиги фактини ҳисобга олмайди. Озодликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазони қўлламаслик-

нинг хал қилувчи ҳолати бу ҳукм эълон қилиниши пайтида ҳомиладорликдан хабар топиш ва унинг ўша пайтда мавжуд бўлишидир.

20. Озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони 3 ёшгача боласи бор аёлларга нисбатан қўллашга йўл қўйилмайди. Болалар ёшини аниқлашда жиноят содир қилган шахслар ёшини белгилашда қўлланиладиган умумий қоидаларга таяниш керак. Вояга етмаган шахснинг ёши жиноят-процессуал қонунчилигига мувофиқ белгиланади (ЖПКнинг 548-моддаси)<sup>1</sup>. Жиноий жавобгарликка тортилувчи вояга етмаган шахснинг туғилган йили, ойи ва санасини белгилаш лозим.

Шахс туғилган кунидан бошлаб эмас, балки туғилган кун итганидан сўнг, яъни эртаси куннинг ноль соатидан бошлаб жиноят учун жавобгарлик бошланадиган ёшга тўлган, деб ҳисобланади. Айбдор аёлнинг қарамоғида бўлган болаларнинг ёши тегишли ҳужжатларга: туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, судланувчининг паспортидаги белгилар ва х.к.га мувофиқ аниқланиши лозим. Ишда бундай ҳужжатлар йўқлиги аниқланган тақдирда суднинг ўзи бундай камчиликни бартараф қилиши зарур. Агарда йўқ ҳужжатларнинг ўрнини қоплашнинг иложи бўлмаса, суд-тиббий экспертизаси тайинланади. Бу ҳолда айбдор аёл қарамоғида бўлган боланинг туғилган кун и деб экспертиза айтган йилнинг охири кун и ҳисобланиши керак, ёшининг энг кам ва энг кўп сони ўртасидаги ёшини аниқлашда суд шундай шахснинг экспертиза томонидан тахмин этилган энг кам ёшидан келиб чиқиши лозим<sup>2</sup>.

21. Уч ёшгача боласи бор аёлларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони, агар ушбу болалар мазкур аёл томонидан туғилган, фарзандликка олинган бўлса ёки аёл уларнинг васийси ёки ҳомийси бўлса тайинлаш мумкин эмас. Ушбу ҳолатда агар аёл 3 ёшгача бўлган боланинг васийси ёки ҳомийси бўлмаса, унда шарҳланаётган

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 21-сонли қарори, 5-банд, 1-хатбоши.

<sup>2</sup> Ўша манба, 5-банд, 3-хатбоши.

модданинг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда у фарзандли аёл, деб ҳисобланмайди ва бу шарҳланаётган қисмнинг ҳолатлари билан боғлиқ бўлмагани учун суд унга нисбатан озодликдан маҳрум қилишни қўллаши мумкин. Аёл уч ёшга етмаган болаларга нисбатан оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган ёки бу ҳуқуқи чекланган ҳолатида ҳам шундай оқибатлар юзага келади, чунки ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ёки уларни чеклаш уч ёшгача болаларига эга бўлган фуқаролар учун қонунчиликда белгиланган барча имтиёзларнинг йўқотилиши билан боғлиқдир<sup>1</sup>.

Қайд этиш зарурки, шарҳланаётган моддада назарда тутилган уч ёшгача бўлган боласи бор аёллар дейилганда, қарамоғида уч ёшгача бўлган болалари бор аёллар ҳам тушунрилиши керак. Бунда қариндошлик факти ёки айбланувчи аёл билан болаларнинг яқинлиги аҳамиятга эга эмас. Боланинг аёл қарамоғида бўлган, деб тан олинishi учун судлар амалдаги қонунчиликка таяниши лозим, унга мувофиқ, она аъзолари, агар улар шахснинг тулиқ боқувида бўлган ёки ундан ёрдам олиб турган бўлсалар, бу ёрдам улар учун доимий ва асосий кун кечириш маблағининг манбаи ҳисобланган бўлса, ушбу шахснинг қарамоғида турган, деб ҳисобланадилар<sup>2</sup>.

22. Ушбу модданинг унинг қисмига мувофиқ, озодликдан маҳрум қилиш, шунингдек, қонунга биноан ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлганларга нисбатан ҳам қўлланилмайди. Бу ҳолатни аниқлашда шахснинг ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига эга ёки эга эмаслигини амалдаги қонунчиликдан келиб чиқиб, у орқали ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқининг умумий ва имтиёзли мақоми ўрнатилади.

Умумий тартибда ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига қуйидагилар эга бўладилар:

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Онла кодекси, 80-моддаси // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5–6-сонга илова.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрдаги «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги 938–XII-сонли Қонуни, 20-модда // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 338-модда.

– эркаклар – 60 ёшга тўлганда, иш стажи камида 25 йил бўлган тақдирда;

– аёллар – 55 ёшга тўлганда, иш стажи камида 20 йил бўлган тақдирда.

Бундан ташқари, амалдаги қонунчиликка кўра, ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқи имтиёзли тартибда ҳам вужудга келиши мумкин<sup>1</sup>.

23. Ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқининг мавжудлигини аниқлаштиришга, суд айбланувчининг расмий пенсия олиш гувоҳномаси ёки ёш бўйича пенсия ҳуқуқини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар инobatга олинмайди.

Ҳар бир алоҳида ҳолатда суд мустақил тарзда судланувчининг ёш бўйича пенсия олиш ҳуқуқининг мавжуд ёки мавжуд эмаслигини белгилаш чораларини кўради. Бунда шуни эсда тутиш керакки, ҳукм ўқиб эшиттирилган пайтда судланувчида ёш бўйича пенсия олиш ҳуқуқи мавжуд бўлган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш жазосини белгилаш мумкин эмас. Шунинг учун, агар ушбу ҳуқуқ жиноят содир қилингандан кейин, аммо ҳукм ўқиб эшиттирилгунга қадар вужудга келган бўлса, озодликдан маҳрум қилишни қўллашга йўл қўйилмайди.

Қонун озодликдан маҳрум қилиш кўринишидаги жазони қўлламасликни ёш бўйича нафакага чиқиш ҳуқуқининг вужудга келиши билан боғлайди ва судланувчи пенсиянинг бошқа кўринишларига (боқувчисини йўқотганлик, ногиронлик) бўлган ҳуқуқнинг мавжудлиги озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони белгилашда судларга тўсқинлик қилмайди.

24. **Шарҳланаётган модданинг ўн биринчи қисмида** белгиланишича, жазони манзил-колонияларда ўташ тайинланган бўлиб, сақлаш тартиби (режими)нинг ашаддий бузувчиси, деб топилган маҳқумлар ўталмаган муддатини умумий тартибли колонияларда ўташлари учун ўтказилади.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрдаги «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги 938–ХII-сонли Қонуни, II боб // Ўзбекистон Республикаси Олий Кеңгагининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 338-модда.

Жазони ўташ тартибини камида икки марта қўпол тарзда бузган ва бунинг учун интизомий бўлинмага киритиб қўйиш тариқасидаги жазога тортилган маҳкум, агар ҳар бир интизомий жазо олиб ташланмаган бўлса ёки бекор қилинмаган бўлса, сақлаш режимининг ашаддий бузувчиси, деб ҳисобланади.

Жазони ижро этиш муассасаси ҳудудини ёки маъмурият йўлланмаси билан бўлиши керак бўлган бошқа жойни ўзбошимчалик билан йигирма тўрт соатдан кўпроқ муҳлат мобайнида ташлаб кетган маҳкум ҳам манзил-колониёда сақлаш режимини ашаддий бузувчи деб топилади<sup>1</sup>.

Маҳкумни манзил-колониёлардан умумий тартибли колониёларга ўтказиш жазони ижро этувчи муассаса маъмурияти тавсиясига кўра, суд ажрими билан ҳамда маҳкумнинг ўзи ёки унинг химоячисининг илтимосномасига мувофиқ амалга оширилади.

Агар судья маҳкумни манзил-колониёсидан умумий тартибли колониёга ўтказишни рад этса, рад этиш тўғрисидаги қарор чиқарилгандан кейин 6 ой давомида бу масала бўйича тақдимнома ёки илтимоснома билан ишнинг қайта кўриб чиқилишини сўраб мурожаат қилиш мумкин<sup>2</sup>.

### 51-модда. Умрбод озодликдан маҳрум қилиш

Умрбод озодликдан маҳрум қилиш фавқулодда жазо чораси бўлиб, маҳкумни махсус тартибли жазони ижро этиш колониёсига жойлаштириш орқали жамиятдан муддатсиз ажратиб қўйишдан иборатдир.

Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси фақат жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси, 112-модда 1, 2-қисми // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 6-сон, 175-модда.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси, 537-модданинг 1, 2-қисмлари // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 2-сон.

(97-модданинг иккинчи қисми) ва терроризм (155-модданинг учинчи қисми) учун белгиланади.

Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси аёлга, ун саккиз ёшга тулмасдан жиноят содир этган шахсга ва олтмиш ёшдан ошган эркакка нисбатан тайинланиши мумкин эмас.

---

## ШАРҲ

---

1. **Умрбод озодликдан маҳрум қилиш** – энг қаттиқ ва фавқулодда давлат мажбурлов чорасидир. Лекин уни қўллаш ўринли бўлади, чунки амалдаги қонунчиликнинг жинойи жазоларни либераллаштириш борасидаги энг янги ўзгаришлари муносабати билан ушбу чора ўлим жазоси ўрнига жорий этилган бўлиб, муҳим превентив (огоҳлантирувчи) вазифани бажаришга мўлжаллангандир.

**Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмига** мувофиқ, умрбод озодликдан маҳрум қилиш фавқулодда жазо чораси бўлиб, маҳкумни махсус тартибли жазони ижро этиш колониясига жойлаштириш орқали жамиятдан муддатсиз ажратиб қўйишдан иборатдир. Муайян муддатга озодликдан маҳрум этиш каби умрбод озодликдан маҳрум қилиш ҳам маҳкумни махсус муассасада, лекин муддатсиз ҳолда жамиятдан ажратишдан иборатдир. Жазонинг ушбу тури маҳкумни озод бўлиш имкониятидан тулиқ маҳрум этади, чунки умрбод озодликдан маҳрум қилишга маҳкум этилган шахсни афв этиш фақат истисно тариқасида бўлиши мумкин, бу, ўз навбатида, муайян муддатга озодликдан маҳрум этиш учун хос бўлади.

2. Умрбод озодликдан маҳрум қилиш мустақил асосий жазо тури бўлиб, суд томонидан фақат Жиноят кодекси Махсус қисмининг санкциясида, яъни оғирлаштирувчи ҳолатларда қасдан одам ўлдириш учун жазони назарда тутадиган Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми санкцияси ҳамда терроризм жинояти, яъни Жиноят кодексининг 155-моддаси 3-қисми санкцияларида назарда тутилган ҳолдагина тайинланиши мумкин (ЖКнинг 51-моддаси 2-қисми). Қўрилаётган жазо

тури бошқа жиноятлар учун қўлланишига йўл қўйилмайди.

Умрбод озодликдан маҳрум қилиш асосий жазо тури бўлиб, асосий жазонинг бошқа турлари билан бирга қўллана олмайди. Бундан ташқари, давлат мажбурулов чораси мазкур турининг фавқулодда хусусияти уни ҳеч қандай шароитларда маҳкумнинг бошқа жазо турларини ижро этишдан бўйин товлаганда уларни алмаштириш сифатида қўллашга имкон бермайди.

**3. Умрбод озодликдан маҳрум қилишнинг фавқулодда хусусияти** у содир этилган жиноят учун ягона мумкин бўлган жазо сифатида қўлланишини билдирмайди.

Умрбод озодликдан маҳрум қилиш назарда тутилган моддалар санкцияларида у билан бирга озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазо муқобил равишда назарда тутилганлиги туфайли судлар учун умрбод озодликдан маҳрум қилишни қўллаш масаласини муҳокама қилиш мажбурий бўлади. Бунда умрбод озодликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазони қўллаш масаласини ҳал этишда суд мазкур жазо, фақат иш бўйича айбдор томонидан райриинсоний хатти-ҳаракатларга йўл қўйилганлигидан, шунингдек жиноятни содир этган шахс жамият учун мутлақ хавфли эканлигидан далолат берувчи ва унга нисбатан бошқа жазо тайинланиши имкониятини истисно этувчи алоҳида ҳолатлар бўлганда, тайинланиши мумкинлигини инobatга олиши керак<sup>1</sup>.

Шу сабабли, суд хукмининг таърифловчи қисмида умрбод озодликдан маҳрум қилишни тайинлаш, албатта, жиноятни содир этишнинг барча ҳолатлари, унинг сабаблари ва мотивлари, шунингдек, нафақат судланган шахсни, балки жабрланувчини ҳам мутлақо тулик таърифлайдиган маълумотларни ҳисобга олган ҳолда асослаши лозим.

Судлар, шунингдек, умрбод озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо тугалланмаган жиноят учун тайинланиши мумкин эмаслигини назарда тутиши керак<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 14 ноябрдаги «Умрбод озодликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазони қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги 15-сонли қарори, 3-банд, 1-хатбоши.

<sup>2</sup> Уша манба, 4-банд, 1-хатбоши.





4. Шарҳланаётган модданинг учинчи қисми ҳеч қандай шароитларда давлат мажбурловининг мазкур чорасини қўллаш йўл қўйилмайдиган шахслар доирасини белгилайди. Бу шахсларга, ёшидан қатъи назар, барча аёллар, шунингдек, 18 ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахслар ва 60 ёшдан ошган эркаклар киради. Эрақ жинсидаги шахсларга умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланиши мумкинлиги масаласини аниқлашда қуйидагиларни ҳисобга олиш лозим:

– қуйи ёш чегараси юзасидан (18 ёш) фавқулодда жазо чорасининг қўлланишига жиноятни содир этиш пайтига келиб шахс ушбу ёшга етмаган ҳолда йўл қўйилмайди. Бунда шахснинг вояга етган куни деб у туғилган кунидан кейинги кун ҳисобланиши керак;

– суд ҳукмини эълон қилиш пайтига келиб судланувчи 60 ёшга етганда, фавқулодда жазо чорасини тайинлаш мумкин эмас. Бу ҳолда олтимиш ёшга тўлган куни деб шахснинг туғилган куни тан олинishi керак. Шахснинг ёшини ҳисоблаш масаласининг ушбу тарзда ҳал этилиши Жиноят кодексининг инсонпарварлик ва адолат тамойилларига тўлиқ мос келади.

5. Умрбод озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони тайинлаш унинг албатта, ижро этилишини англамайди. Масалан, ушбу фавқулодда жазо чорасини тайинлашда маҳкумга мажбурий тартибда афв этиш ҳуқуқи тушунтирилиши лозим.

Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётган шахс Жиноят кодексининг 76-моддаси 3-қисмига мувофиқ, афв этиш тўғрисидаги илтимоснома умрбод озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган шахс томонидан у тайинланган жазонинг йигирма беш йилини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин, агар жазони ўташ даврида маҳкум қатъий тузалиш йўлига ўтган, белгиланган тартибни бузганлик учун интизомий жазо олмаган, меҳнат ва ўқишга нисбатан виждонан муносабатда бўлаётган, тарбиявий тадбирлар ўтказишда фаол иштирок этаётган тақдирда эса, тайинланган жазонинг йигирма йилини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин берилиши мумкин.

6. Шунинг назарда тутиш керакки, жазонинг ушбу тури қўлланиши мумкин бўлган жиноятларни содир этишда шахсни айбдор деб тан олиш тўғрисидаги ишлар туман

(туманлараро) жиноят ишлари бўйича судлар томонидан курилиши мумкин эмас. ЖПКнинг 389-моддасига мувофиқ, умрбод ва узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазолар қўлланиши мумкин бўлган жиноятлар тўғрисидаги ишлар Ўзбекистон Республикасининг Олий суди, Ўзбекистон Республикасининг Ҳарбий суди, Қорақалпоғистон Республикасининг жиноят ишлари бўйича Олий суди, вилоят ва Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича судларида куриб чиқилиши мумкин.



---

### 52-модда. Ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш

Ҳарбий ёки махсус унвонга эга бўлган шахс оғир ёки ўта оғир жиноят учун ҳукм қилинганида суд ҳукми билан мазкур унвондан маҳрум қилиниши мумкин.

Олий ҳарбий ёки махсус унвонга ёҳуд Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотига эга бўлган шахс оғир ёки ўта оғир жинояти учун ҳукм қилинганида суднинг ҳукм асосида киритадиган тақдимномасига биноан мазкур унвон ёки мукофотдан маҳрум қилиниши мумкин.

---

## ШАРҲ

---

1. Ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш жазоси жиний жазо сифатида асосий жазога қўшимча жазо тариқасида қўлланиши мумкин. Ушбу жазо чорасининг моҳияти шундан иборатки, у маҳкумларга нисбатан маънавий мазмунда жафо келтириб, маҳкумнинг айрим имтиёзлардан маҳрум бўлишига сабаб бўлади.

2. Ушбу жазо жиноят қонунига мувофиқ, шахс оғир ёки ўта оғир жиноят содир қилган бўлсагина, тайинланади (*ушбу жиноятлар ҳақида батафсил маълумот ЖКнинг 15-моддасида берилган*). Бунда суд ҳукм эълон қилиш вақтида ёки жиноят содир этиш вақтида судланувчи унвонга эга

булган хизматда фаолият кўрсатаётган бўлиши лозимлигини назарда тутмайди. Ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш хизматни утаётган, захирага ўтказилган ёки нафақага чиққан ва бошқа барча ҳолатдаги шахсларга нисбатан қўлланиши мумкин.

3. Ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш суд ишнинг барча ҳолатларини текшириб бўлганидан сўнг келган ҳулосаси асосида, судланувчинининг ҳарбий ёки махсус унвонга лойиқ эмаслигини белгилаганда қўлланилиши мумкин бўлади. Шундай қилиб, ушбу жазони қўллашдаги ҳар бир ҳолатда, суднинг ҳукмида, албатта, бу жазони қўллаш лозимлиги асосланиб берилиши керак. Бундай ҳолларда одатда, нафақат жиноятнинг оғир эканлигига, балки жиноят судланувчининг унвонига алоқадорлигига, айбдор шахс бўйича тупланган маълумотларга, унвон қандай, қайси йўл билан қўлга киритилганлигига (қонуний ёки ноқонуний) ва бошқа ҳолатларга қараш лозимдир.

4. Ушбу модда таҳлилидан келиб чиқиб қайд этиш мумкинки, суд ҳукми билан шахс олий мақомга эга бўлмаган ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиниши мумкин. Бундай унвонларга, хусусан, полковник ва унгача бўлган унвонлар ҳамда махсус унвонларда полковник унвонига ўхшаш унвонлар қиради.

Шунга эътибор қилиш лозимки, **ҳарбий унвонлар** Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларининг сержант ва офицер таркибидаги хизматчиларга нисбатан бериладиган унвонлардир. Махсус унвонлар эса, божхона ходимлари, солиқ органи ходимлари, прокуратура, ИИБ ходимлари, Фавқулотда вазиятлар вазирлиги ходимлари ҳамда шундай унвонлар белгиланган бошқа хизмат ходимларига берилади.

5. **Олий ҳарбий ва махсус унвонлар** ҳамда давлат мукофотларига эга шахсларга нисбатан, суд фақат ушбу унвонларни ва мукофотларни берган органларга жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахсни ушбу унвондан маҳрум қилиш бўйича такдимнома киритиши мумкин. Шундай қилиб, шахсни унвон ёки мукофотдан маҳрум қилиш бўйича охириги қарор ушбу унвонни берган органга боғлиқдир.

**Олий ҳарбий унвонлар** – бу юқори офицер таркибига кирувчи шахсларга нисбатан бериладиган унвонлар (генерал-майор, генерал-лейтенант, генерал-полковник, армия генерали). Олий махсус унвонларга худди шундай унвонларни берувчи органлар томонидан бериладиган унвонлар киради.

6. Олий ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилинган шахслар, шу билан бирга, давлат мукофотларидан ҳам маҳрум этилади. Давлат мукофотлари – бу халқ олдида кўрсатган хизматлари, хайрия фаолияти, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, давлат қурилиши, маънавият, санъат, маданият, илм-фан, иктисод, ватанни ҳимоя қилиш йўлидаги хизматлари учун фуқароларни рағбатлантириш усулидир. Булар «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони, Ўзбекистон Республикасининг орденлари, медаллари, фахрий унвонлари ва Фахрий ёрлиғи<sup>1</sup>.

7. Шунинг назарда тутиш керакки, судланувчилар ушбу моддада кўрсатилмаган бошқа унвон ва мукофотлардан маҳрум қилинишлари мумкин эмас. Хусусан, суд илмий даражалари ва унвонлари (масалан, фан доктори, фан номзоди, катта илмий ходим унвонлари, доцент, профессор) дан маҳрум этиши мумкин эмас ҳамда шунга ўхшаш спорт ва профессионал унвонлардан ҳам маҳрум этилмайди. Бундан ташқари, судланувчи хорижий давлатлар томонидан берилган унвонлардан ҳам маҳрум қилинмайди.

8. Ушбу жазони амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексига келтирилган.

---

**53-модда.** *(Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги 254-III-сонли Қонуни билан чиқарилган – ЎР ОМА, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда)*

---

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 11 апрелдаги «Давлат мукофотлари тўғрисида»ги ЎРҚ–473-сонли Қонун. 3-модда // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 12.04.2018 й., 03/18/473/1058-сон.

## XI боб. ЖАЗО ТАЙИНЛАШ

### 54-модда. Жазо тайинлашнинг умумий асослари

Жиноят содир этишда қонунда белгиланган тартибда айбли деб топилган шахс жазога тортилади. Суд ушбу Кодекс Махсус қисмининг жиноят содир этганлик учун жавобгарлик назарда тутилган моддасида белгиланган доирада Умумий қисмнинг қоидаларига мувофиқ жазо тайинлайди.

Суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олади.

## Ш А Р Х

1. **Жазо тайинлаш** – ижтимоий муносабатларни жиноят-хуқуқий тарафдан ҳимоя қилишнинг асосий бўғинларидан биридир. Бунга сабаб жазонинг ўзи бу жиноят-хуқуқий ҳимоя қилиш механизмининг асосий элементи бўлиб, давлат жазо чораларини танлаш жараёни қанчалик тўғри ва сермахсул ташкил этилганлиги ва қанчалик даражада натижа беришини аниқлаб беради.

Адолатли жазо тайинланиши жиноятчилик билан кураш борасида асосий восита бўлиб, у маҳкумларни ахлоқан тузатиш, уларни жиноят содир этишига тўсқинлик қилиш, умумий ва махсус превенция мақсадларига хизмат қилади<sup>1</sup>. Бундан ташқари, жиноий жазо чораларини қўллашда қонун талабларига сўзсиз риоя этилиши одил судловнинг энг муҳим вазифаларидан бири эканлиги ва фақат адолатли жазо қўллашгина инсон ҳуқуқлари бўйича демократик институтларни ривожлантиришнинг кафолати бўлиб хизмат қилади.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сонли қарори, муқаддима, 2-хатбоши.

Судларнинг эътибори ҳукм чиқаришда уларнинг жазо тайинлашнинг умумий асослари тўғрисидаги қонун талабларига оғишмай риоя қилиш шартлигига, жиноят қонунининг асосий принципларидан бири инсонпарварлик принципи эканлигига ва унинг мазмунига кўра жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклигига қаратилиши лозим<sup>1</sup>.

2. Жазони тайинлашнинг умумий асослари жиноят тўғрисидаги қонунчиликнинг умумий нормалари мисолида намоён бўлади. Айни вақтда, умумий нормалар жазони тайинлаш пайтида ажралиб турувчи нормалар мажмуи эмас, балки бошқа умумий тартиб-қоидалар билан уйғунлашиб, давлат жазо чораларини алоҳида бир шахс учун мос тарзда тайинлашга хизмат этувчи асослар мажмуига айланади. Шу нарсани эътиборга олиш лозимки, жазони муайян шахс учун мослаштириш бу жазони тайинлаш жараёнида бошқа нормаларни, хусусан, одиллик ва инсонпарварлик принципларига риоя этишни рад қилмайди, аксинча, шуни талаб этади.

3. **Жазони индивидуаллаштириш**, жазони тайинлаш тамойилининг мазмуни бўлиб, у жиноятни содир этишда айбдор деб топилган шахсга суд томонидан жиноят-ҳуқуқий таъсир ўтказиш чораси сифатида қаралади. Бу нарса Жиноят кодексининг Махсус қисмидаги тегишли модданинг чегарасида аниқ жазо чорасини тайинлашни назарда тутди. Шундай қилиб, муайян шахс учун жазо чорасини тайинлашнинг икки босқичида, хусусан, содир этилган жиноят учун жавобгарликни назарда тутувчи нормани аниқлаш, сўнгра ушбу нормани назарда тутувчи жазо чораларидан керакли ва етарлисини танлаб олиш босқичларида бўлиб ўтади.

4. Жазони индивидуаллаштиришнинг асосий қисми сифатида, содир этилган жиноятга жавобгарликни назарда

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги «Суд ҳукми тўғрисида»ги 7-сонли қарори, 28-банд, 1-хатбоши.

тутувчи моддани тўғри аниқлаш, яъни квалификация қилиш киради.

Содир этилган жиноятни **квалификация қилиш** деганда, содир этилган жиноят бўйича тўпланган фактлар ва Жиноят кодексининг Махсус қисмидаги тегишли моддада кўрсатилган муайян жиноят таркиби ўртасида аниқ ва тўлиқ мувофиқликни белгилаш ва қонун томонидан қайд этиш тушунилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бу айбдорнинг хатти-ҳаракатини тўғри квалификация қилиш билан бевосита боғлиқ. Аммо, бунда хатога йўл қўйиш содир этилган жиноятга нисбатан мувофиқ келмайдиган жазо чорасини қўллашга олиб келади. Шу сабабли, мазкур масалани ҳал этишда йўл қўйилаётган хатоларни инобатга олиб, Олий суд Пленумининг қарорларида берилган тушунтиришларга катъий амал қилиш даркор. Шу билан бир вақтда, содир этилган қилмишни белгилаш пайтида, судлар фақат ушбу жиноятнинг Жиноят кодексининг тегишли моддасида кўрсатилган белгиларига мувофиқ эканлигини кўрсатиш билан чекланмасдан (масалан, судланувчининг ҳаракатлари Жиноят кодексининг 169-моддаси «а» банди билан суд томонидан кассавурлик сифатида белгиланади), балки бу жиноятнинг барча белгиларини кўрсатиб, уни ҳукмда асослаб беришлари лозим. Бунда судланувчининг ҳаракатлари нима учун айнан шу модда, қисм, банд билан тавсифланаётганлиги аниқ кўрсатилиши керак<sup>1</sup>.

5. Жазо тайинлашда, суд қонуннинг бевосита кўрсатмасига биноан Жиноят кодексининг Умумий қисми қоидаларига риоя қилиши лозим. Хусусан, қўйидагилар белгиланиши лозим: содир этилган ҳаракат жиноятми; агар жиноят бўлса, у қандай босқичларда амалга оширилган; иштирокчиликда амалга оширилганми; бу ҳолда судланувчининг иштироки қандай; содир этилган ҳаракат жиноят эканлигини йўққа чиқарувчи ҳолат мавжудми? Бундан ташқари, алоҳида ҳолатларда ушбу жиноят бўйича қонуннинг амал қилишидаги вақт ва ҳудуд чекланмаларига риоя этилишини аниқлаш лозим.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги «Суд ҳукми тўғрисида»ги 7-сонли қарори, 24-банд, 1-хатбоши.

6. Содир этилган тажовузнинг тўғри квалификация қилиниши қонун томонидан у ёки бу турдаги жазо чорасини ва унинг ҳажмини белгилаш доирасини аниқ тарзда кўрсатиб беради. Бунда қонунга мувофиқ суд тегишли модданинг санкциясида назарда тутилмаган жазо турини танлаши мумкин эмаслигини назарда тутиш керак. Худди шунингдек, тайинланадиган жазонинг миқдори санкция билан белгиланган чегараларда бўлиши лозим. Айти пайтда, жазонинг энг кам чегарасидан камроқ жазо тайинланган ҳолатларда, шунингдек, бир неча жиноят содир этганлик учун ёки бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинланганда ушбу чегаралар бузилиши мумкин. Лекин, бундай бузилиш фақат Жиноят кодексининг Махсус қисми тегишли моддасининг санкцияси билан белгиланган чегараларга тааллуқли бўлади, Жиноят кодексининг Умумий қисми нормаларида назарда тутилган тури ва миқдори юзасидан жазо чегараларидан чиқишга ҳеч қайси шароитларда йўл қўйилмайди.

7. Қонуннинг бевосита кўрсатмасига мувофиқ, Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида кўрсатилган жазони тайинлаш пайтида, судлар унинг Умумий қисмда берилган тартибларига мувофиқ тарзда иш қўришлари лозим. Энг биринчи навбатда, бу фақат битта асосий жазони тайинлаш деганидир. Чунки, бир қанча асосий жазо чораларини тайинлаш, жиноят тўғрисидаги қонунчиликни қўпол равишда бузиш саналади. Шунингдек, жазо чорасининг тури ва ҳажмини белгилашда, ушбу шахс қандай сабабларга кўра жавобгарликдан озод этилиши мумкин эмаслиги асосланиши, жазо чораларидан мақсад ҳақидаги қонун тартиблари назарга олинishi ҳамда турли жазо чораларини қўллаш тартибларига аниқ риоя қилиниши лозим. Бундан ташқари, Кодекснинг принциплари, хусусан, инсонпарварлик ва одиллик принципларига риоя этиш шарт.

8. Жиноят кодексининг Махсус қисмидаги тегишли моддада назарда тутилган чоралар чегарасида жазонинг тури ва ҳажмини аниқлаш пайтида, суд ушбу жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини, унинг мақсадларини, етказилган зарарнинг ҳажми ва турини, айбдорнинг шахсини ва жазони



оғирлаштирувчи ёки енгиллаштирувчи ҳолатларни эътиборга олади. Кўрсатилган омилларнинг тўлиқ инобатга олиниши судга тайинланаётган жазони қатъий индивидуаллаштиришнинг имконини беради<sup>1</sup>. Ушбу омилларни эътиборга олиш вақтида суд Жиноят кодексининг Умумий қисмидаги тартибларга риоя этади. Ушбу тартиблар юқоридаги ҳолатларнинг тури ва мавжудлигини тўғри кўрсатиб, аниқлаб беришга имкон беради.

**9. Ижтимоий хавф характери** – бу тажовузнинг жамиятга таъсирини аниқлаб берувчи тавсиф. Ижтимоий хавfli характери баҳолаш жиноят объектини, субъектнинг айбини таҳлил этиш асосида ҳамда Жиноят кодексининг 15-моддасидаги қондаларга мувофиқ, у ёки бу қилмишни ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган, оғир, ута оғир жиноят турига ажратишни белгилаб берувчи мезонлар асосида амалга оширилади<sup>2</sup>. Шунинг эса туттиш лозимки, ижтимоий хавф характери жиноятни содир этиш босқичи, айбдор шахснинг ёши ҳамда тажовузда унинг иштироки шаклига боғлиқ бўлмайди. Айни пайтда, ушбу ҳолатлар жиноятнинг жамиятга хавфи даражасини белгилашда ҳисобга олиниши лозим. *(Бу ҳақда батафсил: ЖКнинг 15-моддасига берилган шарҳ)*

**10. Ижтимоий хавфнинг даражаси** – бу тажовузнинг жиноят тўғрисидаги қонунчилик томонидан ҳимоя қилинаётган ижтимоий алоқаларга қай даражада салбий таъсир кўрсатганини белгилаб берувчи тавсифи. Ижтимоий хавfliлик даражаси ҳар бир муайян тажовузда фарқ қилади ва содир этилган қилмиш ҳолатларига, хусусан, жиноий ниятнинг амалга оширилганлиги даражаси ва босқичлари, жиноятни содир этиш усули, зарар миқдори ёки келиб чиққан оқибатларнинг оғирлиги, иштирокчиликда содир этилган жиноятда судланувчининг роли ва ҳ.к.га боғлиқ бўлади<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сонли қарори, 3-банд, 1-хатбоши.

<sup>2</sup> Ўша манба, 3-банд, 2-хатбоши.

<sup>3</sup> Ўша манба, 3-банд, 3-хатбоши.

Жиноий ниятни амалга ошириш босқичини инobatга олган ҳолда жиноятга тайёргарлик куриш, суикасд ва тамом булган жиноят учун бир хил жазо тайинлаш мумкин эмаслигини назарда тутиш керак. Ёки, масалан, жиноий гуруҳда судланувчининг ролини инobatга олишда, жиноят ташкилотчилари ва бажарувчилари жиноят далолатчилари ва ёрдамчиларига нисбатан оғирроқ жазоланишларини назарда тутиш керак.

Тажовузнинг ижтимоий хавфлилик даражасини аниқлашда шуни эътиборга олиш керакки, қонун узида буни аниқлаши учун имкон берадиган ҳолатларнинг тулиқ руйҳатини жам қила олмайди ҳамда жиноий жазо чорасига уларнинг таъсирини ҳам белгиламайди. Бу масалаларни суд жазони тайинлашда ҳал қилади (*Бу ҳақда батафсил: ЖКнинг 15-моддасига берилган шарҳ*)

11. Содир этилган жиноятнинг мотиви (мақсади), етказилган зарарнинг тури ва ҳажми ушбу жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини аниқлашда асос булади. Айни пайтда, жазони белгилашда уларнинг барчаси алоҳида эътиборга олиниб, алоҳида урганиб чиқилади. Жиноятни содир этиш мотиви ҳамда етказилган зарарнинг тури ва ҳажмининг алоҳида эътиборга олиниши жазонинг мақсадларига тула ва аниқ тарзда эришишга, яъни жиноятга мувофиқ ва адолатли жазони тайинлашга имкон беради.

**Жиноятнинг мотиви** — бу шахс жиноят содир этишининг муайян эҳтиёж ва манфаатлар билан шартланган, анланган ёки анланмаган етакчи ички эҳтиёжидир. Жиноят мотиви турли хил булади (рашк қилиш, уч олиш, безорилик ҳаракати ва бошқалар). Жиноятнинг аниқ мотиви судланувчининг онгида ижтимоий қадриятларнинг ахамиятини намоён қилади, шу сабаб жазо тайинлаш чоғида унинг мезони қувватланади ёки унинг онгидаги ижтимоий қадриятларнинг ахамияти узгартирилади. (*Бу ҳақда батафсил: ЖКнинг 21-моддасига берилган шарҳ*)

Шуни эътиборга олиш керакки, жазони тайинлаш жараёнида, нафақат содир этилган жиноят мотивлари, балки уни содир этиш сабаблари ҳам урганиб чиқилади.

12. **Етказилган зарар даражаси** ушбу жиноят туфайли етказилган зарарнинг хусусиятини аниқлаш бўлиб, у жисмоний, мулкый, маънавий зарар кўринишида бўлиши мумкин.

**Етказилган зарарнинг ҳажми** деганда, етказилган зарарни ифодалаб берадиган миқдор тушунилади (*Етказилган зарарнинг тури ва ҳажми ҳақида батафсил маълумот ЖКнинг 14-моддаси шарҳида*). Бундан хулоса қилиб айтиш мумкинки, ижтимоий хавфлилик хусусияти – жиноятнинг сифат жиҳатини ифодаласа, ижтимоий хавфлилик даражаси – жиноятнинг миқдорий характерини акс эттиради. Жабрланувчига етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдори, агар санкцияда кўрсатилган миқдор доирасида бўлса, жиноятни квалификация қилишга таъсир қилмаслиги ҳам мумкин.

13. Жазони муайян шахс учун индивидуаллаштириш жазони тайинлаш чоғида айбдор шахсини тавсифлаб берувчи маълумотларнинг барчаси мустақил равишда ўрганиб чиқилиши демакдир. Қонуннинг бундай қондаси шуни кўрсатадики, жазонинг самараси судланувчига тайинланган жазони унинг қай тарзда қабул қилишига боғлиқ бўлади. «Қонун тайинланадиган жазо тури ва меъёрини айбдорнинг шахсини тавсифловчи объектив ва ижтимоий омиллар билан боғлиқ қилиб қўйганлиги туфайли жиноят ишларини кўриб чиқиш пайтида мазкур ҳолатларни аниқлаш лозим.

Объектив омилларга, хусусан, айбдорнинг ёши, жинси, хомиладордик ҳолати, ижтимоий омилларга – судланганлиги, оиладаги, жамиятдаги ҳулқ-атвори, машғулоти, давлат ёки ижтимоий мавқеи ва х.к.лар киради»<sup>1</sup>. Ўзбекистон Республикаси олий суд инстанциясининг тавсиялари шундан иборат.

14. Жазо тайинлашда айбдорнинг шахсини эътиборга олиш қуйидаги маълумотларни таҳлил қилиш асосида олиб борилади:

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сонли қарори. 4-банд.

– **жисмоний** – судланувчининг ёши ва жинси, унинг меҳнатга лаёқатлилиги, ногиронлиги, соғлиги (аёлларнинг – хомиладорлиги);

– **ижтимоий-демографик** – судланувчининг мансаби, касби, меҳнатга муносабати, маълумоти, давлат мукофотларига эга эканлиги, кундалик турмуш тарзи, оила аъзоларига, қариндошларига бўлган муносабати, жамоат тартибига риоя қилиши, маънавий ахлоқи, қарамоғида меҳнатга лаёқатсиз шахслар борлиги ва бошқалар. Бундан ташқари, судланувчининг яшаган ижтимоий муҳити, унинг моддий аҳволи, ғайриижтимоий хулқ-атворининг шаклланишига сабаб бўлган шарт-шароитларни аниқлашлари лозим;

– **жиноят-ҳуқуқий** – илгари содир қилган жинояти учун судланганлиги оқибатида ўта хавfli рецидивист, деб тан олинганлиги;

– **криминологик** – шахснинг жамиятга қарши ҳаракатларга мойиллиги, илгари озодликдан маҳрум қилинганлиги, илгари жиноят содир этганлиги учун жавобгарликка тортилмаганлиги ёки жавобгарликдан озод этилганлиги, бунда шуни эсда тутиш лозимки, ушбу ҳолатлар айбдорнинг шахсини таҳлил этиш пайтида эътиборга олиниши мумкин, лекин уларга содир этилган ҳаракатнинг жинойий эканлигини йўққа чиқарувчи ҳолатлар сифатида қаралмаслиги шарт).

Жиноят-ҳуқуқий ва криминологик маълумотларни инобатга олишда, шахс илгари содир этган жинояти учун судланганликнинг олиб ташланганлиги ёки тугатилганлиги ёхуд шахс муқаддам содир этган жинойий хатти-ҳаракат учун қонунда жавобгарлик бекор қилинган бўлса, суд томонидан жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида эмас, балки айбдорнинг шахсини таҳлил қилишда инобатга олиниши мумкинлигини эътиборга олиш лозим<sup>1</sup>.

15. Шунинг назарда тутиш лозимки, судланувчи узининг суриштирув ва дастлабки терговда берган кўрсатувларини

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сонли қарори, 4-банд.



ўзгартирган тақдирда, суд унинг бу ва бошқа кўрсатувларини батафсил текшириш ва уларга иш бўйича тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан биргаликда баҳо бериши лозим. Судланувчининг кўрсатма беришдан бош тортиши унга нисбатан жазо турини ва миқдорини белгилашда жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида ҳисобга олиниши мумкин эмас. Айни пайтда, судланувчи ҳаққоний кўрсатмалар бериш билан адолат қарор топишига кўмаклашса, бу енгиллаштирувчи ҳолат сифатида ёки айбдорнинг кўмаги даражасига қараб, унинг шахсини ижобий тавсифловчи ҳолат сифатида эътиборга олиниши лозим бўлади.

16. Айбдорнинг шахсини жазо тайинлаш пайтида таҳлил этишда барча ҳолатларни умумлаштирган ҳолда ўрганиб чиқиш лозим. Хусусан, жиноят учун жазо тайинлашда, айбдор билан бирга жабрланувчининг шахсига доир маълумотлар ҳам ўрганилиб, улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар ҳолисона таҳлил қилиниб, баҳоланиши адолатли тўхтамга келиш учун хизмат қилишга эътибор қаратилиши керак.

Таъкидлаб ўтиш лозимки, судлар жазо тайинлашда, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ва хусусиятини, содир этилган қилмишнинг сабабларини, келтирилган зарарнинг миқдори ва хусусияти, айбдорнинг шахси, унинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олишлари керак. Булардан келиб чиқиб, судланувчининг жавобгарлиги даражаси хусусиятига қандай ҳолатлар таъсир этганлиги, шунингдек унинг шахсини тавсифловчи суд муҳокамасида тасдиқланган ва ЖК 54-моддасига биноан жазо тайинлашда суд томонидан ҳисобга олинган бошқа ҳолатларни ҳукмда кўрсатиб ўтиш лозим<sup>1</sup>.

17. Жазо тайинлашда, содир этилган тажовузнинг оғирлигидан қатъи назар, ҳар бир алоҳида ҳолатда жазони енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи ҳолатларни эътиборга олиш, бундай ҳолатлар, албатта, содир этилган жиноятга бевосита боғлиқ бўлиши ва айни пайтда жиноят таркибининг

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги «Суд ҳукми тўғрисида»ги 7-сонли қарори, 28-банд, 2-хатбоши.

мустақил қисмлари бўлмаслиги лозим. Суд ҳар қайси ҳолатда содир қилинган тажовуз қанчалик оғир бўлишидан қатъи назар, жазони енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи ҳолатларни назарда тутиши шарт. Аммо, бу ҳолатларда жазонинг белгиланишига таъсир даражаси суд кўрсатмасига мувофиқ аниқланади, лекин улар ўртасида яққол тафовут мавжуд бўлмаслиги даркор. Бунда суддан у нима сабабларга кўра у ёки бу енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи ҳолатларни эътиборга олмаганлигини асослаб бериш талаб қилинмайди. Лекин, суд ушбу ҳолатларни эътиборга олиб, жазо белгиласа, ҳукмда бунга асослар келтирилиши талаб этилади.

18. Таъкидлаб ўтиш лозимки, суд томонидан жазо тайинлаш вақтида инobatга олинган шахснинг барча белгилари ҳукмда акс этирилиши керак, бунда, жазо тайинлаш вақтида айбдорнинг шахсини инobatга олинган, деб кўрсатишнинг ўзи етарли бўлмайди. Хусусан, «судланувчининг жавобгарлиги даражаси хусусиятига қандай ҳолатлар таъсир этганлиги, шунингдек, унинг шахсини тавсифловчи суд муҳокамасида тасдиқланган ва ЖКнинг 54-моддасига биноан жазо тайинлашда суд томонидан ҳисобга олинган бошқа ҳолатларни ҳукмда кўрсатиб ўтиши лозим». Бундан ташқари, суд у ёки бу жазони белгилаш лозимлигига, шу жумладан, кўшимча жазо ёки энг енгил жазо чегарасидан паст бўлган жазо белгилаганда қайси мотивлар асосида шундай қарорга келганлигини ҳукмнинг тавсиф қисмида кўрсатиши шарт.

19. Жазони индивидуаллаштириш жараёнида, суд Жиноят кодекси принципларидан, хусусан, инсонларварлик тамойили талабларидан келиб чиққан ҳолда иш тутиши лозим. Бу тамойилга мувофиқ, қаттиқ жазо чораларининг самараси нисбатан бирмунча енгил чоралар билан амалга ошмайдиган ҳолатда қўлланиши мумкин. Шу сабабли, иштирокчиликда содир этилган жиноятда, оғир ва ўта оғир жиноятни содир этишда қонунда жиноятни енгиллаштирувчи ҳолатлар кўзда тутилмаган бўлса, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва шахс тўғрисидаги маълумотларни инobatга олган ҳолда шахсга нисбатан қаттиқроқ жазо тайинлашни назарда тутиш лозим.

Шу билан бирга, иш бўйича аниқ ҳолатлар, шахс тўғрисидаги маълумотларни инобатга олган ҳолда, биринчи марта ижтимоий хавфи унча катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этган ва жамиятдан ажратиш талаб қилинмайдиган шахсга енгилроқ жазо тайинлаш ҳақидаги масалани муҳокама қилиш керак. Шахс жавобгар деб топилган Жиноят кодексининг Махсус қисми моддаси санкциясида озодликдан маҳрум қилиш билан бир қаторда енгилроқ жазо тури (альтернатив санкция) назарда тутилган ҳолларда, ҳукм чиқариш чоғида озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлаш масаласини муҳокама қилиш керак. Бундай ҳолларда, озодликдан маҳрум қилиш жазоси суд ҳукмида асослантрилиши шарт<sup>1</sup>.

#### 55-модда. Жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар

Қуйидаги ҳолатлар жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топилади:

- а) айбни бўйнига олиш тўғрисида арз қилиш, чин кўнгилдан пушаймон бўлиш ёки жиноятни очиш учун фаол ёрдам бериш;
- б) етказилган зарарни ихтиёрий равишда бартараф қилиш;
- в) оғир шахсий, оилавий шароитлар оқибатида ёки бошқа мушкул аҳволда жиноят содир этиш;
- г) мажбурлаш ёки моддий томондан, хизмат жиҳатидан ёхуд бошқа жиҳатдан қарамлик сабабли жиноят содир этиш;
- д) жабрланувчининг зўрлик, оғир ҳақорат ёки бошқача ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли вужудга келган кучли руҳий ҳаяжонланиши ҳолатида жиноят содир этиш;
- е) зарурий мудофаанинг, охириги заруратнинг асосли чегарасидан четга чиқиб жиноят содир этиш, ижтимоий хавfli килмишни содир этган шахсни ушлашда, касб ёки

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сонли қарори, 5-банд.

хўжалик фаолиятига боғлиқ бўлган асосли таваккалчиликда зарар етказиш;

ж) вояга етмаганнинг жиноят содир этиши;

з) ҳомиладор аёлнинг жиноят содир этиши;

и) жабрланувчининг ғайриқонуний ёки ахлоққа зид хулқ-атвори таъсири остида жиноят содир этиш.

Жазо тайинлашда суд ушбу моддада назарда тутилмаган бошқа ҳолатларни ҳам енгиллаштирувчи ҳолат деб топиши мумкин.

Енгиллаштирувчи ҳолат ушбу Кодекс Махсус қисмининг моддасида жиноят таркибининг зарурий белгиси сифатида назарда тутилган бўлса, жазо тайинлашда ҳисобга олинмайди.

---

## Ш А Р Ҳ

---

1. Жиноят кодексининг шарҳланаётган моддаси суд томонидан жазони белгилашда уни индивидуаллаштириш мақсадида ҳисобга олиниши зарур бўлган шарт-шароитлар тизимини аниқлаб, мустаҳкамлайди. Мазкур тизимнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, биринчидан, унинг таркибий қисмлари бўлган омиллар реал ҳаётда кўпроқ учрайдиган турлари ва турли-туман жиноятлар содир қилиш учун типик бўлган ҳолатлар аниқланган бўлса, иккинчи томондан уни содир этишда айбдор, деб топилган шахснинг жамоатчилик учун хавфлилиги даражасини жиддий равишда камайтиради. Шу туфайли, шарҳланаётган моддада кўзда тутилган шарт-шароитларнинг мавжудлиги бундай шароит бўлмаган ҳолда содир этилган жиноят учун қўллаш ҳолларига нисбатан Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддаси санкциялари доирасида енгилроқ жазо чораси белгиланишини талаб этади.

2. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми «а» банди уларга хос бўлган хусусиятларнинг бир хиллиги билан ажралиб турадиган шарт-шароитлар гуруҳини белгилаб беради. Хусусан, мазкур шарт-шароитлар айбдор жиноятни тамомлаганидан сўнг у амалга оширадиган ҳаракатларнинг фаоллиги ва бир мақсадга қаратилганлиги билан ажралиб



туради. Бундан ташқари, қайд этилган омилларнинг мавжудлиги айбдор хулқининг аксидижтимоий йўналишининг барқарор эмаслигидан далолат бериб, бу эса, ўз навбатида, жазони енгиллаштириш учун асос бўлади. Шу муносабат билан, айбдор жиноятни содир этганидан сўнг айбини бўйнига олиб арз қилса ёки содир этган қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлса ҳамда жиноятнинг фош этилишига фаол кўмаклашса, у ҳолда ишни кўриб чиқишда мазкур шартни жазони енгиллаштирадиган ҳолат, деб қараш керак.

**3. Айбини бўйнига олиб арз қилиш** – шахснинг бевосита ўзи ёки бошқа шахслар воситасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга мурожаат қилиб, уларга тайёрланган жиноятни ёки гуруҳнинг ижтимоий хавfli фаолиятини бартараф этишга, содир этилган жиноятни очиш, жиноятнинг бошқа иштирокчиларини фош қилишга ёрдам бериш нияти ҳақида хабар бериши билан амалга оширилади. Айбига иқрор бўлиб келишга жиноят содир этилган вақтдан қатъи назар, содир этилган ҳаракат учун жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолат сифатида қаралиши зарур.

Ҳаракатни айбини бўйнига олиб арз қилиш, деб эътироф этиш учун қуйидаги белгилар мавжудлигини аниқлаш керак:

– айбини бўйнига олиб арз қилиш фақат жиноят тугаллангандан сўнг амалга оширилган бўлиши лозим, негаки, айбдорнинг ҳаракатларида жиноий жазога лойиқ белгилар мавжуд бўлганидагина, айбига иқрор бўлиб келиш мумкин бўлади. Шунинг учун, жиноят режалаштирилаётганлиги, уни амалга ошириш мақсади мавжудлиги тўғрисидаги хабарга айбига иқрор бўлиб келиш, деб қаралиши мумкин эмас, бундай ҳоллар учун жиноий жазо берилмай, жиноятни содир этишдан ихтиёрий қайтиш, деб қаралиши лозим. Шунингдек, ана шу каби огоҳлантириш ўз вақтида амалга оширилиб, тегишли идоралар зарарли оқибатлар келиб чиқишининг олдини олиш учун реал имкониятга эга бўлган шароитдаги тайёргарлик ҳаракатлари тўғрисидаги огоҳлантиришга ҳам жиноятни содир этишдан ихтиёрий қайтиш, деб қаралиши керак. Бирок, айбига иқрор бўлиб келган шахс учун бундай имконият бўлмаган ҳолларда, жиноят тўғрисида хабар бериш

ўз хохишига кўра жиноятдан воз кечиш эмас, балки, ўз айбига иқрор бўлиб келиш, деб баҳоланиши керак;

– айбига иқрор бўлиб келиш шахсан амалга оширилиши ёки жиноятга оид маълумотнинг исталган шаклда (ёзма, оғзаки равишда ёки ҳаракат орқали) етказилиши мумкин. Бунда хабарни (маълумотни) етказиш усули ва узатилиши шакли аҳамиятга эга бўлмай, телефон, телеграмма, хат, телефакс, Интернет каби имкониятлардан фойдаланиш мумкин. Ушбу ҳолда хабар бевосита унда йўлланган фактларни текшириш ва жинойий иш кўзғатиш ваколатига эга бўлган идораларга йўлланган бўлиши зарур. Амалдаги Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ, суриштирув ва дастлабки тергов идоралари, прокурор ва суд ана шундай идора деб эътироф этилади<sup>1</sup>;

– жиноят тўғрисидаги хабар шахсан амалга оширилган бўлиб, айбига иқрор бўлиб келган шахснинг кимлигини қийинчиликсиз аниқлашнинг имконини берадиган маълумотларга эга бўлсагина, айбига иқрор бўлиб келиш, деб эътироф этилади. Шу сабабли, номи кўрсатилмаган (аноним) аризалар айбига иқрор бўлиб келиш, деб эътироф этилиши мумкин эмас;

– айбига иқрор бўлиб келиш фақат ихтиёрий тарзда амалга оширилиши керак.

Айбни бўйнига олиб келиш кўринишидаги жазони енгиллаштирувчи ҳолат бор ёки йўқлиги тўғрисидаги масалани ҳал этишда судлар тергов органларига берилган ариза ёки жиноят тўғрисида тергов органи мансабдор шахсига қилинган хабар (ҳар қандай шаклда) ихтиёрий бўлган-бўлмаганлиги ва бу ҳолат шахс жиноят содир этишдаги ўз иштирокини у гумон қилинувчи (айбланувчи) сифатида ушланган ёки гумон қилинувчи (айбланувчи) тариқасида жиноят ишида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарор унга эълон қилингандан сўнг тасдиқлаганлиги билан боғлиқ ёки борлик эмаслигини текшириб кўришлари лозим<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Ушбу идораларнинг аниқ таркиби Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси 28, 33, 35 ва 38-моддаларида кўзда тутилган.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сонли қарорин, 7-банд, 2-хатбоши.

**Айбига иқрор бўлиб келишнинг ихтиёрийлиги қуйидаги ҳолларда аён бўлади:**

– жиноятга онд хабар ҳали тегишли идораларга содир этилган жиноят ҳақида маълум бўлиб улгурмасидан аввал амалга оширилган<sup>1</sup>;

– ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ноқонуний тажовуз тўғрисида маълум бўлиб, бироқ уни содир этишда гумон қилинган ёки айбланган шахс (жиноят шахслар гуруҳи томонидан содир этилган ҳолларда – иштирокчилардан бири) ҳали аниқланмаган ҳолларда<sup>2</sup>;

– ушбу идораларга жиноят маълум бўлган бўлса, уни содир этишда гумон қилинганлар ёки айбдорлар ҳам аниқланган, бироқ айбига иқрор бўлиб келган шахс бундан беҳабар бўлса;

– жиний жавобгарликка тортилган шахс «ўзи содир этган бошқа, тергов органларига маълум бўлмаган жиноятлар тўғрисида» хабар берган бўлса<sup>3</sup>;

– айбига иқрор бўлиб келишдан мақсад тегишли идораларга содир этилган ҳодисанинг айбдор шахсга маълум бўлган ҳаққоний хабар бериш йўли билан ўзини одил суд қўлига топшириш ва лойиқ жазога тортилишдан иборатдир. Шу туфайли, янада оғирроқ жиноят учун жавобгарликдан қутулиш, шунингдек, жиноятнинг бошқа иштирокчиларни «яшириб» жиноят учун барча жавобгарликни ўз зиммасига олиш мақсадида шахснинг жиноят тўғрисида хабар етказиши айбга иқрор бўлиб келиш, деб эътироф этилмайди. Шу билан бирга, шахс бир нечта жиноятни содир этиб, бироқ, улардан баъзилари хусусидагина бошқалари учун жавобгарликдан

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси, 113-модда 1-қисми // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборот-номаси, 1995 й., 2-сон.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сонли қарорининг 7-банди 3-хатбошисига мувофиқ, агар жиноят содир этилганлиги факти бўйича кўзгатирилган иш бўйича уни содир этган шахс аниқланган бўлмаса, шахснинг ўз қилмиши тўғрисида ихтиёрий равишда берган аризаси ёки хабари айбни бўйнига олиш деб баҳолашни керак.

<sup>3</sup> Ўшя жойда.

кутулиш учун айбини бўйнига олиб келганида, иқрор бўлиш шахснинг аризасида қайд этилган жиноятларга нисбатан жазони енгиллаштирувчи жиҳат, деб эътироф этилиб, бошқа ҳаракатларига жазо тайинлашда бу ҳисобга олинмайди. Масалан, шахс ўғрилиқ ва қотилликни содир этди ва оғир жазодан қутулиш мақсадида фақат ўғрилиқ қилганига иқрор бўлиб келди. Бу каби ҳолатда айбига иқрор бўлиб келиш ўғрилиқ учун жавобгарлик белгилашда жазони енгиллаштирувчи шарт деб тан олинади, бироқ қасддан одам ўлдириш учун жазо тайинлашда суд томонидан эътиборга олинмайди<sup>1</sup>.

4. Шунингдек, айбига иқрор бўлиб келишнинг жазони енгиллаштиришга оид аҳамияти жиноят содир этилганидан иқрор бўлиб келгунга қадар ўтган вақт; жиноят иши қўзғатилиши, шахснинг гумон қилинувчи ёки айбдор, деб эътироф этилиши ҳақидаги қарор, шахсни қидириш каби омилларга боғлиқ эмас. Айбига иқрор бўлиб келиш ушбу ҳолларда тенг аҳамиятга эга (юқорида номи келтирилган барча шартларга риоя қилинган ҳолда), чунки у ана шу шахснинг ўзи содир этган ҳаракатга ички муносабатини англади, унинг содир қилган ишидан афсусланганидан далолат бериб туради. Жазо мақсадига эришиш учун бундай ҳолатда енгилроқ чора қўлланилиши ҳам мумкин.

5. **Чин кўнгилдан пушаймон бўлиш** содир этилган қилмишни тўлиқ ва очиқ эътироф этиш, содир этилган жиноят ва етказилган зарардан сиккидилдан афсусланиш, ўз хулқини қоралаш ҳамда жазони ҳаққоний ва одил жазо чораси, деб қабул қилишдан иборатдир.

**Чин кўнгилдан пушаймон бўлиш** – исталган вақтда юзага келиб, жинорий иш юритишнинг исталган босқичида, бироқ ҳукм қабул қилингунга қадар

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сонли қарорининг 7-банди 4-хатбошисига мувофиқ, «икки ёки ундан ортиқ жиноят содир этилиб, улардан айримлари бўйича шахс айбини бўйнига олиб келган бўлса, бу ҳолат жазони енгиллаштирувчи сифатида фақат бўйнига олиш тўғрисида ариза берилган жиноятлар учун жазо тайинлаш пайти-да ҳисобга олинishi керак».

**амалга оширилиши мумкин.** Хусусан, чин кўнгилдан пушаймон бўлиш – айбига иқрор бўлиб келганда, суриштирув ишлари давомида, дастлабки тергов вақтидаги тергов ишлари ўтказишда, судланувчи сўнгги сўзини айтаётганида амалга оширилиши мумкин. Шу билан бирга, шахс тўпланган далил-исботлар қаршисида иложсиз айбини тан олмай, балки ҳақиқатан ҳам содир этган ишдан чин кўнгилдан пушаймон бўлаётганлигини аниқлаш шарт.

Чин кўнгилдан пушаймон бўлишда, етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ёки жиноятни фош этишга кўмаклашиш талаб этилмайди – бу белгилар бошқача шарт-шароит учун хосдир (масалан, қилмишга амалда пушаймон бўлиш, жиноят фош этилишига фаол кўмаклашиш ёки айбига иқрор бўлиб келиш) ва у мавжуд бўлганида мустақил равишда кўриб чиқилишга ёки масъулиятдан озод этувчи шарт, ё бўлмаса, жазони енгиллаштирадиган алоҳида шарт-шароит, деб қоида тариқасида қаралади.

6. Жиноятни фош этишга фаол ёрдам бериш айбдор шахс томонидан тергов ва суд идораларига кўнгилли ва ихтиёрий равишда содир этилган жиноятга оид унга маълум ахборот ҳақида хабар беришидан иборат. Айбини бўйнига олиб келишдан фарқли равишда, мазкур жихат дастлабки тергов босқичида тергов ҳаракатлари вақтида ва суд тергови пайтида жиноятни содир этишда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахс аниқланганида рўй беради.

Жиноятнинг фош этилишига фаол ёрдам бериш фақат тергов ва суд идораларига маълум бўлмаган маълумотни етказишдан иборат бўлмай, балки мавжуд маълумотларга аниқлик киритиш, тергов ҳаракатларини ўтказишга кўмаклашиш, далил-исбот йиғишга имкон қадар ёрдам беришдан иборат. Хусусан, фаол кўмаклашиш жиноятни содир этиш вақти, жойи ва усулини аниқлаштириш, жиноят курулларининг яширилган жойини кўрсатиш, жиноятчининг шериклари тўғрисида маълумот бериш, мол-мулкни қидириб топиш кабиларда ифодаланиши мумкин.

7. Айтиб ўтиш жоизки, шарҳланаётган модданинг биринчи қисми «а» бандида қонунда кўрсатилган шарт-шароитларнинг

бир хиллигига қарамасдан, улар яхлит бир нарсадан иборат бўлмай, балки ўзаро боғлиқ мажмуини ташкил этиши таъкидланган. Юқорида келтириб ўтилган ҳар бир шарт-шароит – айбини бўйнига олиб келиш, чин кўнгилдан пушаймон бўлиш, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам бериш мустақил равишда аниқланиши керак ва бу мазкур бандда кўрсатилган бошқа шартлар мавжудлигига боғлиқ эмас. Шу билан бирга, Жиноят кодексининг 66-моддасига мувофиқ, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган шахс, агар у айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган ва келтирилган зарарни бартараф қилган бўлса, жавобгарликдан озод қилиниши масаласи ҳал этилиши лозим.

8. Жазони енгиллаштирувчи ҳолатлардан яна бири – **етказилган зарарнинг ўрнини ихтиёрий равишда қоплашдир** (Жиноят кодексининг 55-моддаси биринчи қисмининг «б» банди).

Шуни ҳам назарда тутиш керакки, қонуннинг мазмун-моҳиятига кўра, зарарнинг ўрнини қоплаш ҳар қандай турдаги – жисмоний, мулкӣ, маънавий зарарга нисбатан ҳам амалга оширилиши мумкин<sup>1</sup>. Етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш шахснинг ҳаракатлари жазони енгиллаштирадиган шарт, деб топилиши учун аҳамиятли бўлмаса ҳам, ушбу ҳаракатлар амалга оширилган усулга таъсир кўрсата олади.

9. **Зарарнинг ўрнини қоплаш** айбдорнинг жиноий ҳаракатидан келиб чиққан зарарли оқибатларни камайтиришга қаратилган, ноқонуний тажовуз туфайли етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ёки уни бартараф этишга қаратилган онгли ҳаракатларидир.

**Зарарнинг ўрнини қоплаш**, деб зарар етказилган моддий неъматнинг қиймати тикланишига айтилади. Етказилган зарар бартараф этилганида эса, моддий неъмат, объектнинг ўзи ёки жиноят содир этиш қуроли тикланади.

<sup>1</sup> Маънавий зарар тушунчаси Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги «Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги 7-сонли қароридан келтирилган.

Зарарни тиклашнинг аниқ усули ва шакли ҳам зарарнинг турига, ҳам унинг оғирлик даражасига кўра фаркланади. Хусусан, жисмоний зарар етказилган ҳолларда, у жабрланувчини даволашга кўмаклашиш ёки тегишли даволашнинг ҳақини тўлаш, тана аъзоси ва тўқималарини тақдим этиш, зарур тиббий дори-дармон харид қилиш кабилар орқали «юмшатилиши» мумкин.

**Етказилган мулкий зарарни бартараф қилиш** унинг асл ҳолатини тиклаш (шикаст етказилган мулкни таъмирлаш) – зарарни бартараф қилишдан ҳам, шунингдек, шикастланган мулкни алмаштириш ёки уларнинг пул ёхуд бошқача шаклда ўрнини тўлдириш (масалан, мулкига тенг қийматдаги мулкни топшириш) – зарарни қоплашдан ҳам иборат бўлиши мумкин. Жиноят объекти бўлган мулк қийматини аниқлашда унинг эгаси томонидан харид қилиниши ҳолатларидан, жиноят содир этилган вақтдаги давлат улгуржи нархидан, бозор ёки комиссия нархлардан келиб чиқиш лозим. Мулк қийматини аниқлашнинг имконияти бўлмаганда, у тегишли мутахассислар жалб қилиниб, эксперт хулосасига кўра белгиланади<sup>1</sup>.

**Маънавий зарарни енгиллаштириш**, шунингдек, ўрнини қоплаш (масалан, хизмат мавқеига етказилган зарарнинг ўрнини пул билан қоплаш) ёки уни бартараф қилиш шаклида (масалан, узр сўраш) бўлиши мумкин.

10. Қонун мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб айтганда, фақат етказилган, яъни жиноят содир этилиши оқибатида етказилган муайян зарар енгиллаштирилиши зарур, чунончи зарарнинг ўрнини қоплаш юзага келиб улгурган **оқибатларни бартараф этишга** қаратилган. Агар шахс юзага келиши мумкин бўлган зарарнинг олдини олган ҳолларда унинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг 26-моддасига мувофиқ, жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш, деб таърифланиши керак.

Бунда ўрни қопланган зарарнинг ҳажми ва мазкур шарт-шароит айбни енгиллаштирувчи ҳолат, деб эътироф этилмайди. Етказилган зарарнинг тикланишига кетган сарф-

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2016 йил 27 декабрдаги «Жиноят натижасида етказилган мулкий зиёни қоплашга оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 26-сонли қарори.

харажат унинг миқдорига тўлиқ мос келиши лозим. Тикланиш даражаси қанча кам бўлса, етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ҳам шу қадар тўлиқ бўлмайди ва ихтиёрий равишда зарарни камайтиришнинг жазони енгиллаштиришга таъсири ҳам шунча кам бўлади. Бунда айбдорнинг шахси тўғрисидаги маълумотлар, унинг моддий аҳволи ҳам ҳисобга олиниши шарт.

11. Қонуннинг бевосита кўрсатмасига мувофиқ, етказилган зарарнинг қопланиши фақат у ихтиёрий равишда, яъни шахснинг онгли ички истаги ва ташаббуси билан, ташқаридан бирон-бир таъсир кўрсатмай амалга оширилган тақдирдагина, жазони енгиллаштирувчи ҳолат, деб эътироф этилади. Тергов ва суд идораларининг мажбурий чоралар ёрдамида етказилган зарарни қоплатиши жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида эътироф этилмайди (масалан, ўғирланган мол-мулкни қўлга тушириш вақтида мусодара қилиш). Фақат муайян шарт-шароитга риоя қилган ҳолда етказилган зарарни қоплатиш ҳам жавобгарликни енгиллаштирадиган ҳолат сифатида тан олиниши мумкин эмас (ишни тўхтатиш, жабрланувчининг ўз аризасини қайтиб олиши, гувоҳ ўз кўрсатмаларини ўзгартириши ва ҳоказо).

12. Етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш, одатда, ана шу зарарни етказган шахс томонидан амалга оширилиши керак. Бироқ, объектив сабаблар туфайли мазкур шахс мустақил ва бевосита тарзда етказилган зарарни тиклаш имконига эга бўлмаса, зарар бошқа шахслар томонидан ҳам қопланиши мумкин. Фақат ушбу шахслар айбдорнинг илтимосига биноан ҳаракат қилишаётганини ва унинг ўзи зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисида қарорга келганлигини аниқлаш керак. Шунингдек, бундай ҳолларда етказилган зарарни қоплаш уни етказган шахснинг маблағлари ҳисобига, фақат фавқулодда шароитда – унинг яқинлари (ота-онаси, яқин қариндошлари) мулки ҳисобига амалга оширилади.

13. Етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ҳукм чиқарилганига қадар исталган вақтда амалга оширилиши мумкин. Хусусан, етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бевосита жиноят содир этилганидан сўнг, шу билан бирга, бир оз вақт



ўтгач, жумладан, суриштирув ишлари, дастлабки тергов ва суд жараёнида амалга оширилаверади. Бу маънода, қонунда бирон-бир истисно кўзда тутилмаган.

14. Зарарнинг ўрнини қоплаш қилмишнинг квалификациясига таъсир кўрсатмайди. Шундай қилиб, етказилган зарарнинг ўрни қай даражада қопланганидан қатъи назар, зарарнинг миқдори умумий, дастлабки ҳажмдан келиб чиққан ҳолда қопланади. Масалан, агар айбдор жуда кўп миқдорда ўзлаштириш содир этган бўлиб, зарарнинг ўрнини қоплаш оқибатида етказилган зарарнинг ҳажми жиддий камайганлиги ҳам уни баҳолашга таъсир кўрсатмайди – у ҳуқуқий жиҳатдан жуда кўп миқдорда ўзлаштириш сифатида баҳоланиши лозим.

15. **Юзага келган оғир шахсий, оилавий шароитлар оқибатида ёки бошқа мушкул аҳволда жиноят содир этиш** Жиноят кодексининг 55-моддасининг биринчи қисми «в» бандида кўзда тутилган. Қонун мазкур рўйхатни очик қолдириб, бу билан инсон фаолиятининг турли-туман жиҳатларини акс эттирган ва шу туфайли уларни қонунда санаб ўтишнинг иложи бўлмаган бошқа барча шартлар жиноятни енгиллаштирувчи шарт-шароит, деб эътироф этилиши кераклигини назарда тутди. Шу вақтнинг ўзида жиноят содир этишни у ёки бу шароит таъсирида жазони юмшатадиган шарт-шароитлар сирасига киритадиган бош мезон – мазкур шароитнинг ноқонуний тажовузга қўл урган шахс учун оғир бўлганлигидир. Жиноят содир этилишига сабаб бўлган шарт-шароит оғир бўлгандагина, улар жазо чорасининг енгиллаштирилишига олиб келиши мумкин.

16. **Шарт-шароитлар уларнинг объектив мавжудлиги** муайян шахснинг онгли ва иродавий фаолиятига путур етказган, жиноят содир этишдан тийиб турадиган омиллар таъсирини пасайтирган, ушбу шарт-шароитни бартараф этиш мақсадида жиноят содир этишга ундаган ёки айбдорнинг аҳволини енгиллаштирган ҳолларда оғир деб тан олинishi лозим. Бунда шуни ёдда тутиш керакки, у ёки бу шароитнинг оғирлиги мутлақ бўлмай, балки муайян шахсга боғлиқ, шу туфайли шароитларнинг оғирлиги ҳар бир ҳолда алоҳида белгиланиши шарт.

Хусусан, қуйидагилар оғир шароит сифатида эътироф этилиши мумкин:

– шахсий турмушининг изга тушмаганлиги (масалан, қарама-қарши жинсга мансуб шахслар билан муносабатининг ёмонлиги);

– яшаш учун етарли маблағга эга бўлмаслик;

– айбдорнинг яқинларидан бирининг оғир хасталиги;

– жабрланувчи билан ўзаро ихтилоф ёки айбдорнинг ғам-ташвиш, омадсизлик туфайли келиб чиққан рухий изтироблари;

– турмуш шароитининг оғирлиги ва ҳ.к.

17. Юзага келган оғир шарт-шароитнинг жазони енгиллаштиришга хизмат қиладиган шарт-шароит, деб эътироф этилиши учун улар қуйидаги муайян белгиларга эга бўлишлари шарт:

– мазкур шарт-шароит реал, объектив равишда, жиноят содир этаётган шахснинг иродасига боғлиқ бўлмаган тарзда мавжуд бўлиши шарт. Бунда оғир шароит, одатда, тўсатдан эмас, балки давомли ривожланиш оқибатида юзага келиб, натижада, айбдор шахсда тушкунлик туйғусини юзага келтиради;

– содир этилаётган ҳуқуққа хилоф тажовуз оғир шарт-шароит билан муайян сабаблар орқали боғланган бўлиб, ана шу шарт-шароит жиноят содир этилганлигининг асосий, етакчи сабаби бўлиши шарт. Мавжуд оғир шарт-шароит (етишмовчилик) содир этилган ҳаракатнинг асосий сабаби бўлиб келмас экан, унга жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида қаралиши мумкин эмас. Масалан, мавжуд шахсий оғир шароит юзага келиши оқибатида жуда кўп миқдорда ўғриликка қўл уриш, турмуш шароитининг оғирлиги сабаб безорилик қилиш жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида баҳоланмаслиги лозим ва ҳ.к.

18. Шуни ҳам ёдда тутиш керакки, айбдор ўзининг ноқонуний ҳаракатлари ёки ёмон хулқи сабабли келиб чиққан оғир шарт-шароитлар таъсирида жиноятга қўл урганда ҳам бу ҳол жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида хизмат қилиши мумкин эмас. Масалан, спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик

воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ортиқча истеъмол қилиш, шунингдек, қиморли ўйинлар ўйнаганлиги туфайли оғир моддий ёки шахсий шароитга тушиб қолиш ҳам жазони енгиллата олмайди.

19. Жиноят кодексининг шарҳланаётган моддаси биринчи қисмининг «г» бандига мувофиқ, **мажбурлаш ёки моддий томондан, хизмат жиҳатидан ёхуд бошқа жиҳатдан қарамлиги сабабли жиноят содир этиш** жазони енгиллаштирадиган алоҳида ҳолат сифатида киритилишининг сабаби шуки, бу ушбу жиноятни содир этган шахснинг носоғлом иродаси махсулидир. Жиноят шу каби вазиятда танлаш имкони қолмаганлиги сабабли мажбуран қўл урилган, сўнгги ташланган қадамдир. Шундай қилиб, ноқонуний тажовуз бундай ҳолларда жиноят субъектининг жамиятга қарши фикрлашини ифодаламайди ва бу ўз навбатида, унинг жамият учун хавфи у қадар катта эмаслигидан далолат бериб, жазони мувофиқ равишда енгиллатишни талаб этади.

20. Мажбурлаш Жиноят кодексининг 55-моддаси биринчи қисмининг шарҳланаётган банди мазмунида жисмоний ёки руҳий бўлиши мумкин.

**Жисмоний мажбурлаш** бошқа бир шахсга унга нисбатан куч ишлатиш билан боғлиқ, яъни унинг ихтиёрига қарши, унинг иродасини букиш, синдириш ёки шахснинг ҳаракатлари эркинлигини чеклашга қаратилган жисмоний чораларни ишлатиш орқали таъсир кўрсатишдан иборатдир. Жисмоний мажбурлашда куч ишлатиш билан боғлиқ чоралар соғлиққа турли оғирликдаги тан жароҳати етказиш, турли кучли ва гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини қўллаш кабилар билан ифодаланиши мумкин бўлиб, ушбу чораларнинг хусусияти жинсий қилмишни квалификация қилишда аҳамиятга эга эмас.

**Руҳий мажбурлаш** жисмоний мажбурлашдан фарқи равишда, бошқа шахсга руҳий таъсир ёрдамида таъсир қилиниб, бу йўлда мажбурланаётган шахс ва унинг яқинлари соғлиғи, мол-мулки ёки бошқа ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказиш билан қўрқитиш (масалан, таҳқиромуз ёки шарманда қиладиган маълумот тарқатиш орқали), шунингдек, руҳиятга

бевосита таъсир қилиш (турли психотроп моддаларни қўллаш, гипноз ва ҳ.к.) кабилар қўлланиши мумкин.

Шахснинг иродасини синдириш, бўйсундириш, унинг ҳаракат эркинлигини чеклаш учун қўлланган жисмоний ёки рухий мажбурлашнинг муайян усуллари жазо белгилашда аҳамиятга эга бўлмайди. Хусусан, мажбурлаш шахсан ёки учинчи шахслар орқали (масалан, бунинг учун атайин ёлланган одамлар орқали тан жароҳати етказиш) амалга оширилиши, рухий мажбурлашда унинг ташқи ифодаланиши турли шакл олиши (оғзаки, ёзма, имо-ишора ёрдамида) ва ҳ.к.

21. **Моддий қарамлик** деганда, жабрланувчининг айбдордан қонун билан белгиланган моддий ёрдам (пул, озиқ-овқатлар, кийим-кечаклар ва ҳ.к.) олиб келганлигини ёки унинг бевосита қарамотида бўлганлиги ҳолатлари тушунилиши лозим<sup>1</sup>. Бу, одатда, ишсиз одамнинг ишлайдиган одамга, болаларнинг ота-онасига, ишламайдиган ота-онанинг моддий даромади бор болаларига қарамлигидир. Шу вақтнинг ўзида моддий қарамликни у айбдорнинг ноқонуний ёки ахлоқсиз фаолияти (масалан, спиртли ичимликларни, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ортиқча истеъмол қилиш) билан шартлаб қўйилган ҳолларда жазони енгиллаштирувчи ҳолат, деб тан олинishi мумкин эмас.

**Хизмат бўйича айбдорга қарамлик** шахснинг хизматга кўра бўйсунishi билан боғлиқ бўлади, шунингдек, бевосита келиб чиқмайдиган, лекин унинг меҳнати ёки ўқуви устидан назорат қилиш вазифалари билан боғлиқ бўлиши мумкин. Хусусан, хизмат бўйича қарамлик хизматчи ва бошлиқ, текширувчи ва фаолияти текшириладиган шахс ўртасида мавжуд. Шу билан бирга, жиноятга қўл ураётган шахс билан хизмат муносабатларида бўлмаган бошлиқнинг рафиқаси, нозирнинг яқин дўсти ўртасида хизмат боғлиқлиги йўқ ёки бўлса ҳам бу унинг хизмат фаолиятига таъсир кўрсата олмайди (масалан, қўл остидагилар ёки хизматдошлари).

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги «Ўзини ўзи ўлдирish даражасига етказиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 20-сонли қарори, 4-банди, 2-хатбоши.

**Бошқа турдаги қарамлик** деганда, шахс ходисалар ривожини натижасида ўзини бошқа бировга қарздор, деб сезиб қоладиган моддий томондан ёки хизмат тақозоси бўйича боғлиқ вазиятлардан фарқли ҳар қандай вазиятга айтилади. Бу каби қарамлик деганда, масалан, ўқувчилар ёки тарбияланувчиларнинг васийлар, тарбиячилар ва ҳ.к.га боғлиқлигини тушуниш керак. Қонунда бир шахснинг иккинчи шахсга тобелиги, деб эътироф этилиши мумкин бўлган асосларнинг тулиқ рўйхати келтирилмаган. Бу ҳолда масалани узил-кесил ҳал қилиш судлар зиммасига юклатилади. Бунда жиноят қайси асосларга кўра, қарамлик туфайли содир этилганлиги ҳукмда кўрсатилиб ўтилиши керак.

22. Шунинг ҳам назарда тутиш керакки, қарамликнинг жазони енгиллаштирадиган ҳолат, деб тан олинishi учун суд жиноят содир этилиши айбдор тобе (боғлиқ) бўлган (масалан, тирикчилик учун маблағ бермаслик, лавозимини пасайтириш, дўстона алоқаларини узиш ва ҳ.к.) шахс томонидан салбий оқибатлар етказилиши ҳақида очик ёки яширин таҳдид билан боғлиқлигини аниқлаши керак. Акс ҳолда, бундай таҳдид мавжуд бўлмаган ёки у айбдор томонидан ўйлаб топилган бўлса, тобелик (боғлиқлик) жазони енгиллаштирадиган шарт-шароит сифатида эътироф этилмаслиги шарт.

23. Қарамликнинг бирор турига оид мажбурлашни жазони енгиллаштирадиган ҳолат, деб эътироф этиш учун айбдор шахс хулқига таъсири даражаси ва имкониятига алоҳида эътибор қаратиб, бунда мавжуд бўлмаган мажбурлаш ёки боғлиқликни (тобеликни) ўзига хос хусусиятлари билан биргаликда қараб чиқиб, ҳар бир ҳолат аниқ белгиланиши керак. Масалан, жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида пул мукофотидан маҳрум бўлишдан кўрқиб жуда кўп миқдорда ўғрилик қилиш, енгил жароҳатлар олишдан кўрқиб ўлдириш ҳолатлари ҳисобланиши мумкин эмас. Айни пайтда, шунинг назарда тутиш керакки, айбдорнинг иродасига қарамлиги ёки мажбурловнинг таъсир даражаси шахснинг индивидуал хусусиятлари томонидан аниқланади ва шунинг учун судлар томонидан ҳар бир ҳолатда таъкидланиши шарт.

24. Жиноят кодексининг 55-моддаси биринчи қисмининг шарҳланаётган банди бўйича шахснинг қилмишларига баҳо беришда мажбурлашга жиддий эътибор бериш шарт. Шу билан бирга, шуни ҳам ёдда тутиш керакки, мажбурлов шахс ҳаракатлари йўналишини танлаш имкони бўлган ҳолдагина, жазони енгиллаштирувчи ҳолат, деб эътироф этадиган қоида асосида иш қўрилиши зарур. Мажбурлаш туфайли шахс ўз ҳаракатларини бошқариш имконидан маҳрум этилган ўзга ҳолларда эса, ЖКнинг 38-моддаси 5-қисмига асосан, жавобгарликка тортилмайди, чунки бундай ҳолларда қилмиш охири зарурат сифатида тан олинади. *(Охириги зарурат ҳоллари тўғрисида ЖКнинг 38-моддаси шарҳини ўқинг)*

25. Шуни ҳам унутмаслик керакки, ушбу тоифа ишларни қўриб чиқа туриб, мажбурлашга йўл қўйган ёки тобеликдан бошқа шахсни жиноят содир этиш учун фойдаланган шахсларнинг жавобгарлик меъёрини аниқлашга алоҳида эътибор бериш лозим. Хусусан, мазкур шахслар муайян жиноятда жамоатчилик учун хавф даражаси ижрочиға нисбатан жиддийроқ ва муҳимроқ бўлиб чиқиши мумкин бўлиб, улар бу ҳолда жиноятга ундаган шахс сифатида эътироф этилишлари мумкин. Шу сабабли, муайян жазо чорасини тайинлашда суд шериклар фаолиятининг сабаблари, уларнинг айби даражаси ва шахсий хусусиятларини ҳисобга олиши керак.

26. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми «д» бандига қўра, **жабрланувчининг зўрлик ишлатиши, оғир ҳақорати ёки бошқача ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли вужудга келган кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида жиноят содир этиш назарда тутилган.** Кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида одамнинг онги қисқаради, у вазиятга тўғри баҳо бериш, ўз қилмишларини назорат қилиш ва бошқариш имкониятларидан маҳрум бўлади. Шундай қилиб, содир этилаётган ноқонуний қилмишлар тўлалигича инсон онги бошқарувида бўлмай, бу қилмишнинг ҳуқуқий жиҳатдан баҳоланиши Жиноят кодекси томонидан ҳисобга олинади.

**Аффект** ҳолатининг икки тури – **физиологик** ва **патологик аффект** фарқланиб, уларнинг ҳар бирини қонун

алоҳида кўриб чиқади. Хусусан, патологик аффект ҳолатида онг хиралашиб, шахс ўз ҳаракатларини бошқаришининг имкони йўқолади<sup>1</sup>. Шахс бундай ҳолларда эсини йўқотган, деб эътироф этилади, бу эса, жинойи жазога тортилишни истисно этади. Шарҳланаётган бандга кўра, шахсни жинойи жавобгарликка тортиш учун фақат физиологик аффект аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

**27. Физиологик аффект** – бу қисқа муддатли, лекин жўшқин кечаётган эмоционал реакция ва шу вақтнинг ўзида бу жуда кучли, қизғин кечинма: қаҳрга айланаётган ғазаб, дахшатлашиб бораётган қўрқув, умидсизликка етадиган ғам чекиш оқибатида айбдор ўз ҳаракатларини назорат қилиш ва бошқариш имкониятини йўқотади. Физиологик аффект руҳиятга катта таъсир кўрсатса ҳам, бироқ инсонни ўз хатти-ҳаракатини англаш, унинг учун жавоб бериш имкониятидан маҳрум қилмайди<sup>2</sup>. Аффект ҳолатини ва унинг турини аниқлаш мақсадида, албатта, суд-психиатрия экспертизасини ўтказиш талаб этилади.

Аффект ҳолатида жиноят содир этилганида ҳам жинойи жазога тортиш мумкин, аммо шахснинг ана шундай ҳолатда бўлганлиги жазони енгиллаштиради.

Каттик руҳий ҳаяжон ҳолати шарҳланаётган бандда кўрсатиб ўтилган қуйидаги шартларга риоя қилингандагина жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида қабул қилиниши мумкин:

– аффект ҳолати куч ишлатиш, оғир ҳақорат ёки бошқа ноқонуний ҳаракатлар туфайли келиб чиққан бўлиши керак;

– каттик руҳий ҳаяжон ҳолати жиноят айнан ҳаракатлари ана шундай ҳолатни келтириб чиқарган шахсга қарши содир этилган бўлсагина, жазони енгиллаштирувчи ҳолат, деб эътироф этилади. *(Аффект ҳолатини келтириб чиқарган сабабларни англаш хусусида ЖКнинг 98-моддасига шарҳни қаранг)*

<sup>1</sup> Большой юридический словарь. Под ред. А.Я. Сухарева, В.Е. Крутских. М., ИНФРА, 2000, – С. 41.

<sup>2</sup> Уша жойда.

28. Шунинчиси ҳам ёдда тутиш керакки, қонун қаттиқ руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида жиноят содир этилишини, жиноят, фақат ҳаракатлари ана шу ҳолатни келтириб чиқарган шахсга қарши содир этилганидагина, енгиллаштирувчи ҳолат сифатида эътироф этиши мумкин. Шу сабабли, бундай ҳолатга алоқаси бўлмаган шахсга нисбатан жиноят содир этилганида ушбу ҳолатнинг кўрсатиб ўтилишига йўл қўйиш мумкин эмас.

29. Зарурий мудофаанинг, охириги заруратнинг асосли чегарасидан четга чиқиб жиноят содир этиш, ижтимоий хавfli қилмишни содир этган шахсни ушлашда, касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ бўлган асосли таваккалчиликда зарар етказишда (шарҳланаётган модданинг биринчи қисми «е» банди) шахс кўпроқ ижтимоий фойдали мақсадларни кўзлайди. Бироқ, ижтимоий хавfli қилмишнинг қисман хавф туғдириши уни содир этган шахсга енгил бўлса ҳам, аммо жазо берилишини талаб этади.

30. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми «е» бандида кўрсатиб ўтилган қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳар бир ҳолатга (ЖКнинг 37, 38, 39, 41-моддалари) шахснинг хулқ-атвори жиноий эмаслиги туғрисида хулоса чиқариш мумкин бўлган шароитлар йиғиндиси тегишли. Хусусан, зарурий мудофаа тажовуз шартларидан (тажовузнинг ҳуқуққа хилофлиги, мавжудлиги ва ҳақиқийлиги) ва химоя шартларидан (зарарни айнан тажовузчига етказиш, ўз вақтидалиги ва бошқалар) иборат бўлиб, улар йиғиндиси зарурий мудофаа вазиятини қилмишнинг жиноятлигини истисно қиладиган ҳолатлар қаторига қўшишга имконият беради. Бу шартларнинг бир-бирига яққол мос келмаслиги эса, бошқача қилиб айтганда, тажовузнинг хусусияти химоянинг хусусиятига мос келмаслиги зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш ва шахснинг хулқи жиноий эканлиги ҳақида далолат беради. Бироқ, жазо тайинлашда айбдор зарурий мудофаа ёки кўриб чиқиладиган модданинг биринчи қисми «е» бандида кўрсатиб ўтилган ҳолатларда бўлганлигини инобатга олиш лозим.

31. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми «е» бандини қўллашда унда санаб ўтилган ҳолатлар рўйхати



тугалланган ва кенгайтириб шарҳланиши мумкин эмаслигини эътиборга олиш лозим. Шу туфайли, мазкур бандга мувофиқ, буйруқни ёки бошқа мажбуриятни бажарганлиги ёки қилмишнинг кам аҳамиятли эканлиги сабабли жазони енгиллаштиришга йўл қўйилиши мумкин эмас. Шу билан бир вақтда, тегишли шароитнинг мавжудлиги буйруқни ёки бошқа мажбуриятни амалга ошириш шарҳланаётган модданинг биринчи қисми «г» бандига мувофиқ, хизмат тақозоси билан ёки бошқача шароит таъсирида содир этилган, деб тан олинishi жазони енгиллаштиришга олиб келиши мумкин. Қилмишнинг кам аҳамиятлилиги эса, шарҳланаётган модданинг иккинчи қисми қоидаларига биноан, жазони енгиллаштирадиган мустақил ҳолат сифатида (масалан, кичик ҳажмда ўғрилик содир этилган ҳолатда ва бошқалар) ҳисобга олинishi керак.

32. **Вояга етмаганлар томонидан жиноят содир этилишини** (шарҳланаётган модданинг биринчи қисми «ж» банди) жазонинг енгиллаштирувчи ҳолатлар сафига қўшилишини бир қатор сабаблар билан, жумладан, жиноят туғрисидаги қонунчиликнинг инсонпарварлик принципига асосланганлиги билан изоҳлаш мумкин. Вояга етмаганларнинг дунёқараши ҳали тўлиқ шаклланиб бўлмаганлиги билан ажралиб туради. У ўзи содир этган ноқонуний қилмишнинг моҳиятини кўп ҳолларда тўлиқ англаб етмайди. Бундан ташқари, ёшга боғлиқ бўлган қизиққонлик, ўзини тута олмаслик каби бошқа хусусиятлар туфайли ҳам ўспирин ноқонуний ҳаракатга катта ёшли инсонга нисбатан тезроқ қўл уриши мумкин. Шу билан бирга, вояга етмаганларга нисбатан жазо мақсадларига давлат томонидан қўлланадиган қатъий чораларни қўлламай туриб ҳам эришиш мумкин. Шунинг учун, тенг шароитда вояга етмаган жиноятчига, худди ана шу жиноятга қўл урган – катта ёшли шахсга нисбатан енгилроқ жазо тайинланиши керак.

33. Жиноятни содир этишда айбдор, деб топилган шахснинг вояга етмаганлиги туфайли жазони қай даражада енгиллаштириш унинг ёшига боғлиқ равишда ҳал этилиши шарт. Хусусан, вояга етмаган жиноятчининг ёши қанчалик кичик бўлса, унга нисбатан шунчалик енгилроқ жазо

тайинланиши шарт. Бунда, ҳукмда шахснинг вояга етмаганлиги фактининг ўзи эмас, балки унинг аниқ ёши, масалан, 14 ёш 9 ой, 16 ёш 2 ой ва х.к. кўрсатилиши муҳимдир.

Шу билан бирга, ушбу ҳолат ҳамма вақт, қилмишнинг оғир-енгиллигидан қатъи назар, ҳисобга олиб борилиши шарт. Қонунда бу нуқтаи назардан ҳеч қандай чекловлар белгиланмаган.

**34. Жиноятнинг ҳомиладор аёл томонидан содир этилиши** (шарҳланаётган модданинг биринчи қисми «з» банди) жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб ҳисобланиши турли шарт-шароитларга боғлиқ. Ҳомиладор аёл томонидан жиноят содир этилишига турлича шарт-шароитлар сабаб бўлади. Аввало, ҳомиладорлик даврида аёл организмида юз берадиган физиологик ўзгаришлар унинг руҳиятига жиддий таъсир кўрсатади. Ҳомиладорлик даврида кўпинча аёлларда жиззакилик, кайфиятнинг кескин ўзгариб туриши, тез жаҳл чиқиши кабилар кузатилиб, уларнинг ҳаракатлари руҳияти нормал ҳолатдаги инсонлардан фарқланиши мумкин. Унча жиддий бўлмаган сабаб ҳам ҳомиладор аёлнинг руҳий мувозанатини бузиб, уни ноқонуний қилмишга, шу жумладан, жинойи ишга ҳам қўл уришга етаклаши мумкин.

**35. Жазони енгиллаштирувчи ҳолат, деб тан олиниши** учун жиноятни содир этиш вақтида аёлнинг ҳомиладор бўлиши аҳамиятга эгадир. Жиноят содир этилган вақтга қадар бўлган ҳомиладорлик мазкур бандда қайд этилган шарт-шароит сифатида ҳисобга олиниши мумкин эмас. Шу билан бирга, аёлнинг ҳомиладорлиги шахсга оид маълумотларни ҳисобга олишда қайд этилиши лозим.

**36. Ҳомиладорликнинг жазони енгиллаштирувчи ҳолат, деб эътироф этилиши** учун аёлнинг ўша вақтдаги ҳолати ва содир этилган жиноят ўртасидаги сабабли боғлиқлик аҳамиятга эга эмаслигини ҳам назарда тутиш керак. Бунда фақат аёл ҳомиладор ҳолида ноқонуний тажовузга йўл қўйганлигини аниқлаш керак бўлади, холос.

Шу вақтнинг ўзида, мазкур шарт-шароит муайян жазо чорасининг қай даражада енгиллаштирилиши лозимлигини аниқлаш мақсадида қуйидаги маълумотлар ҳисобга олиниши

шарт: хомиладорлик даври (яъни, нечанчи ойи), хомиладорлик биринчисими ёки йўқми, айбдор аёлнинг турмуш тарзи, унинг болалари туғрисида қайғуриши ва ҳ.к.

37. Шархланаётган модданинг биринчи қисми «и» банди билан қонун жазони енгиллаштирувчи ҳолат, деб **жабрланувчининг ғайриқонуний ёки ахлоққа зид ҳулқ-атвор таъсири остида жиноят содир этишини** тан олади.

Бунда шархланаётган модда моҳиятида ахлоқсиз ҳаракатлар сифатида қўполлиги ва юзсизлиги билан ажралиб турган, одамларнинг жамиятдаги ўзини тутишининг умумий қабул қилинган қоидаларини атайлаб бузишдан иборат бўлган ҳулқ-атвор қоидалари тушунилади.

**Ҳуқуққа хилоф ҳулқ-атвор** тушунчаси нафақат жиноят ҳуқуқи, балки ҳуқуқнинг бошқа: фуқаролик, меҳнат, оила, маъмурий ва бошқа соҳаларига ҳам оид бўлиши мумкин бўлган қонунчилик нормаларининг бузилишларини ҳам қамраб олади. Жабрланувчи томонидан бузилаётган қонунчилик нормаларининг бирон-бир соҳага тегишлилиги бу каби ҳулқни ноқонуний, деб баҳо беришда аҳамиятга эга эмас. Шу билан бирга, шархланаётган шарт-шароитнинг жазони енгиллаштиришга таъсир даражасини аниқлашда, жабрланувчи томонидан ҳуқуқнинг қайси соҳасига оид нормалари бузилганлигини ҳисобга олиб, бунда жиноят ва маъмурий ҳуқуқ талабларига риоя қилмаслиги, бу шахснинг жамият учун муайян хавф туғдиришидан, демак, содир этилган жиноятнинг камроқ ижтимоий хавфга эгалиги ва шунга мувофиқ равишда жазони енгиллаштириш заруратидан далолат беради. Жиноят ҳуқуқи нормаларини бузган жабрланувчи таъсирида жиноятга қўл урган айбдор билан жабрланувчининг фуқаролик ҳуқуқ нормаларига риоя қилмаганлиги туфайли келиб чиққан ноқонуний тажовуз учун айбланаётган шахсга жазо бир хил бўлиши мумкин эмас.

Шуни назардан қочирмаслик керакки, жабрланувчининг ноқонуний ёки ахлоққа зид ҳулқи жазони енгиллаштирадиган шарт-шароит деб, фақат у атайин амалга оширилган тақдирдагина, эътироф этилиши мумкин. Жиноят жабрланувчи томонидан ҳуқуқ ва ахлоқ нормаларини тасодифан ёки онгсиз

равишда бузиш оқибатида содир этилган бўлса, у ҳолда шарҳланаётган модданинг моҳиятига кўра, мазкур шарт-шароит жазони енгиллаштира олмайди. Шу вақтнинг ўзида суд шарҳланаётган модданинг биринчи қисми «д» бандида кўрсатилган шарт-шароит белгилари мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги масаласини ҳал этиши лозим.

38. Эслатиш лозимки, жабрланувчининг ноқонуний ахлоқсиз хулқи қонун моҳиятига кўра, жиний қилмишга қўл уришини асосий сабаби бўлиши лозим: қонунда кўрсатилишинча, у ана шундай хулқ таъсирида амалга оширилади. Шу билан бирга, жиноятнинг содир этилиши сабаблари турли хил бўлиши мумкин: ўч, кўркув, нафрат ва ҳ.к. Бирок, бу таҳлил этилаётган ҳолатнинг жазони енгиллаштирувчи сифатида эътироф этилишига таъсир кўрсатмайди, аммо муайян жазо чорасини белгилашда ҳисобга олиниши лозим.

Кўриб чиқиладиган шарт-шароит жиноят бевосита жабрланувчининг ноқонуний ёки ахлоқсиз хулқ-атвори (қилмиши)дан сўнг содир этилган бўлиши шунингдек, бу қилмишга қаратилганлигига эътибор бермайди (у ҳам жиноятда айбланувчи шахсга, ҳам унинг яқинлари ёки унинг учун бегона шахсларга қарши қаратилган бўлиши мумкин). Бирок, ушбу кўрсатилиб ўтилган ҳолатлар шарҳланаётган шарт-шароит қай даражада жазони енгиллаштиришга таъсир кўрсатишини аниқлашда ҳисобга олиниши керак. Бунда, мазкур шарт-шароитни айбдор шахсга онд маълумотлар билан биргаликда ҳар бир шахс бу каби хулқни эмоционал нуқтаи назардан ўзгача қабул қилишини ҳисобга олган ҳолда ҳал этиш лозим.

39. Қонун кўрсатмасига мувофиқ, ғайриқонуний ёки ахлоққа зид хулқ-атвори таъсири остида жиноят содир этган шахснинг ҳаракатлари ҳуқуққа хилоф ёки ахлоққа зид хатти-ҳаракатларни содир этган шахсга қаратилгандагина – ҳолат жазони енгиллаштирувчи сифатида эътироф этилади. Агар жиноят бошқа шахсларга нисбатан содир этилган бўлса, у ҳолда қонуннинг мазмун-моҳиятига кўра, кўриб чиқиладиган ҳолат жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида қўлланиши ноўрин, деб эътироф этилиши лозим.

40. Ўзбекистон Республикасининг Олий суди Пленуми белгилашчи, қонун (ЖКнинг 55-моддаси) жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар доирасини чекламайди. Шу сабабли, жазо тайинлаш пайтида ушбу моддада кўрсатилмаган бошқа ҳолатлар ҳам жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида ҳисобга олиниши мумкин (масалан, ижтимоий хавфлилиги катта бўлмаган жиноятнинг биринчи марта содир этилиши, судланувчининг ёш боласи борлиги, жиноятнинг бировга раҳмдиллик кўрсатилиши сабабли содир этилиши, айбдор томонидан бевосита жиноят содир этилганидан сўнг жабрланувчига тиббий ёки бошқа тарзда ёрдам кўрсатилиши ва х.к.). Бундай ҳолатнинг жазони енгиллаштирувчи деб топилганлиги ҳақидаги хулоса ҳукмда асослангандилиги керак<sup>1</sup>.

41. Шуни назарда тутиш лозимки, жиноят ишида жазони енгиллаштирувчи ҳолат мавжуд бўлган ҳолларда, муайян бир жазо чорасини белгилашда уни инобатга олиш лозим. Жазони енгиллаштирувчи ҳолатнинг мавжудлиги санкция доирасида енгилроқ жазо танлаш ёки унинг ҳажмини тегишли равишда камайтиришни талаб этади.

42. Шарҳланаётган модданинг учинчи қисми жиноят таркибининг зарурий белгиси сифатида назарда тутилган бўлса, Жиноят кодексининг 55-моддасида кўрсатиб ўтилган бўлишига қарамай, жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида эътироф этиш мумкин эмас, деган қондан қонун даражасида мустаҳкамлайди. Жиноят таркиби белгиларининг мавжудлиги билан улар қонун чиқарувчи томонидан жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида ҳисобга олиниб, бу Жиноят кодексининг Махсус қисмининг тегишли моддаси санкциясининг у қадар қатъий кўриниш олмаганлигида намоён бўлган (масалан, Жиноят кодексининг 98, 101, 106-моддалари). Шу билан бирга, қонун чиқарувчи томонидан шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида жиноят таркиби белгиси сифатида кўрсатилган у ёки бу ҳолатнинг эътироф этилиши судга муайян ишни кўриб чиқишда жазони енгиллаштирадиган

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сонли қарори, 7-банд, 1-хатбоши.

бошқа ҳолатларни кўриб чиқишни ҳисобга олишга ҳалал бермайди.

### 56-модда. Жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар

Қуйидаги ҳолатларда жиноят содир этиш жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб топилади:

а) хомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан;  
б) ёш бола, қария ёки ожиз аҳволдаги шахсга нисбатан;  
в) хизмат вазифаси ёки фуқаролик бурчини бажарганлиги муносабати билан шахсга ёки унинг яқин қариндошларига нисбатан;

г) айбдорга моддий томондан, хизмат жиҳатидан ёки бошқа жиҳатдан қарам шахсга нисбатан;

д) ўта шафқатсизлик билан;

е) кўпчилик учун хавfli бўлган усулда;

ж) ёш бола ёки руҳий ҳолатининг бузилганлиги айбдорга аён бўлган шахсдан фойдаланган ҳолда;

з) жиноят натижасида оғир оқибатларнинг келиб чиққанлиги;

и) умумий офат шароитидан фойдаланган ҳолда ёки фавқулодда ҳолат вақтида ёхуд оммавий тартибсизликлар жараёнида;

к) ғаразли ёки бошқача паст ниятларда;

л) ирқий ёки миллий душманлик ёхуд адоват замирида;

м) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктирган ҳолда ёки уюшган гуруҳ ёхуд жиний уюшма томонидан;

н) илгари ҳам қасддан жиноят содир этган шахснинг такроран ёки қасддан янги жиноят содир этиши;

о) мастлик ҳолатида ёки гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп ёхуд кишининг ақл-идрокига таъсир қилувчи бошқа моддалар таъсири остида жиноят содир этиш.

Суд содир этилган жиноятнинг хусусиятини эътиборга олиб, ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳолатларни оғирлаштирувчи ҳолат деб топмаслиги ҳам мумкин.

Суд жазо тайинлашда ушбу моддада назарда тутилмаган ҳолатларни оғирлаштирувчи ҳолат деб топиши мумкин эмас.

Ушбу ҳолатлар Кодекс Махсус қисмининг моддасида жиноят таркибининг зарурий белгиси сифатида назарда тутилган бўлса, жазо тайинлашда ҳисобга олинмайди.

---

### Ш А Р Х

---

1. Шархланаётган модданинг биринчи қисмида кўрсатилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар содир этилган жиноят ва айбдорнинг ижтимоий хавфлилиги юқорилигидан далолат беради. Бу ҳолатлар мавжуд бўлса, суд бу ҳолатлар бўлмаганлигига нисбатан оғирроқ жазони бериши шарт. Шундай қилиб, шархланаётган моддада номи келтирилган ҳолатларнинг Жиноят кодексининг 55-моддаси қондалари билан биргаликда ҳисобга олиниши судга муайян ишни кўриб чиқишда қўлланилаётган жазони индивидуаллаштиришни бирмунча мунтазам ва тизимли равишда амалга оширишнинг имконини беради.

2. **Шархланаётган модда биринчи қисмининг «а» бандида** ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан жиноят содир этиш жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида эътироф этилади. Бу ҳолда қилмишнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси шу билан белгиланадики, ҳомиладор аёлга тажовуз қилган шахс айни вақтда ҳомиланинг нормал ривожланишига ҳам тажовуз қилган бўлади. Ҳомиладор аёлни ташқи салбий таъсир билан мувозанат ҳолатидан чиқариш, фақат аёлга эмас, ҳомилага ҳам зарар еткази.

Шархланаётган моддада оғирлаштирувчи ҳолат мавжудлигини белгилаш учун айбдор учун аёлнинг ҳомиладорлиги олдиндан аён бўлиши лозимлиги аниқланиши керак<sup>1</sup>. Айбдорга аён бўлган ҳомиладорлик ташқи белгилар билан, шу билан бирга, айбдор томонидан жиноятни содир этишдан аввал ёки уни амалга ошириш вақтида олинган бошқа маълумотлар

---

<sup>1</sup> «Олдиндан аён бўлиш» тушунчаси Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси Махсус қисмининг VIII бўлимида берилган.

гувоҳлик бериши мумкин. Жиноятчи жабрланувчи аёлнинг ана шундай ҳолда эканлиги тўғрисида тахминан билганлиги ҳам олдиндан аён бўлиш сифатида қўрилиши керак. Шу билан бирга, ушбу тахмин хато бўлиб чиққан ҳолда (жабрланувчи амалда ҳомиладор бўлиб чиқмаса), қилмишда шарҳланаётган ҳолат мавжудлигини қайд этишга йўл қўйилмайди<sup>1</sup>. Шунингдек, айбдор жабрланувчи ҳомиладорлик ҳолатида эмас, деб фараз қилган ҳолларда олдиндан аёнлик белгилари мавжуд бўлмайди.

3. Ҳомиладорлиги олдиндан аён бўлган аёлга нисбатан жиноят содир этилиши ҳомиладорлик муддати, ҳомиланинг яшовчанлигидан ёки унинг жиноят туфайли нобуд бўлишидан қатъи назар, жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолат сифатида эътироф этилади<sup>2</sup>. Бирок, унинг мазкур ҳолатнинг оғирроқ жазога олиб келадиган даражасини суд «аввалдан аён бўлганлик даражасидан» келиб чиқиб белгилаши лозим, яъни жабрланувчининг ҳомиладорлиги айбдор учун нақадар аниқ ва яққол бўлса, белгиланадиган жазо шу қадар оғирроқ бўлиши шарт. Бу ҳолда мазкур ҳолат учун жиноят содир этилиши натижасида бирон-бир оқибатлар келиб чиққан бўлиши муҳим эмас (масалан, муддатидан аввал туғиш, гўдакнинг нобуд бўлиши, жабрланувчиларнинг захарланиши ва х.к.), улар ундан ташқарида бўлиб, жазони оғирлаштирадиган мустақил ҳолат – тегишли шарт-шароит мавжуд бўлганида оғир оқибатларнинг келиб чиқиши сифатида ҳисобга олинаши шарт.

4. **Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми «б» бандида назарда тутилган ёш бола, кекса, қария ёки ожиз аҳволдаги шахсга нисбатан содир этилган жиноят** учун оғирлаштирувчи ҳолатларда жазо тайинлаш қўлланилиши керак, шунингдек, айбдорнинг маънавий жиҳатдан тубанлиги, унинг жамият учун жиддий хавф туғдиришидан гувоҳлик беради. Буларнинг бари ушбу ҳолатни

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасдан одам ўлдиришга оид ишлар буйича суд амалиёти тўғрисида»ги 13-сонли қарорн, 7-банд, 2-хатбоши.

<sup>2</sup> Уша манба, 7-банд, 1-хатбоши.



айбдорга жазо белгилашда оғирлаштирувчи сифатида ҳисобга олиниши заруратини тақозо этади.

**Ёш болалар** деб, ун тўрт ёшгача бўлган болалар ва ўсмирларни ҳисоблаш лозим. Айни вақтда, шу нарсани эътиборда тутиш керакки, шахс туғилган кунидан бошлаб эмас, балки туғилган куни ўтганидан сўнг, яъни эртаси куннинг ноль соатидан бошлаб жиноят учун жавобгарлик бошланадиган ёшга тулган, деб ҳисобланади<sup>1</sup>.

**Қария** деганда 55 ёшдан ошган аёл ва 60 ёшдан ошган эркак тушунилади.

**Ожиз аҳволдаги шахслар** деганда, ёши катталиги, касаллиги, жисмоний камчилиги ва бошқа омиллар туфайли жиноятчига қаршилик кўрсата олмайдиган кишиларни тушуниш керак. Ожизлик жабрланувчининг жисмоний ёки рухий носоғломлиги туфайли жиноятчига қаршилик кўрсата олмаслигида, ўз ҳуқуқлари, манфаатлари ва кадр-қимматини ҳимоя эта олмаслигида, шунингдек, кутилаётган хавфдан сақлана олмаслигида намоён бўлади<sup>2</sup>.

Ожиз аҳвол турли объектив ва субъектив сабаблар, шу жумладан, сурункали касаллик, ҳушдан кетиш, уйқу кабилар туфайли келиб чиқиши мумкин. Жабрланувчининг алкоғолли ичимлик, гиёҳвандлик воситаси, уларнинг аналоглари ёки психотроп модда таъсирида атрофдаги вазиятни англай олмайдиган даражада мастлиги, унинг ожиз аҳволда бўлган, деб тан олинишига асос бўлиши мумкин. Бунда жабрланувчини ким бу аҳволга солганлиги аҳамиятга эга эмас<sup>3</sup>.

5. Жиноий ҳаракатни ушбу банд билан квалификация қилиш учун айбдор шахс жабрланувчининг ёш болалиги, қариялиги, ногиронлиги ёки ожиз аҳволда эканлигини англаб

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 21-сонли қарори, 5-банд, 1-хатбоши.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги «Безорилликка оид ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги 9-сонли қарори, 6-банд, 4-хатбоши.

<sup>3</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасдан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 13-сонли қарори, 8-банд, 2-хатбоши.

етган бўлиши талаб этилади. Акс ҳолда, кўриб чиқиладиган ҳолатнинг қайд этилишига йўл қўйилмайди.

**6. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми «в» бандида назарда тутилган ўз хизмат вазифаси ёки фуқаролик бурчини бажарганлиги муносабати билан шахсга ёки унинг яқин қариндошларига нисбатан жиноят содир этиш** жиддий ижтимоий хавф туғдиради, чунки у давлат идоралари, корхоналар, мулкчиликнинг турли шаклидаги муассасалар ва ташкилотларнинг нормал иш фаолиятига халал беради. Айнан ана шу сабаблар туфайли мазкур ҳолат қонунда жазони оғирлаштирадиган ҳолат, деб эътироф этилади.

Хизмат бурчини бажариш деганда, шахснинг ўз хизмат (меҳнат) вазифалари доирасига кирадиган ҳаракатлари тушунилади<sup>1</sup>. Бунда, хизмат бурчини бажариш жабрланувчи томонидан фақат меҳнат шартномасида ёки ички меҳнат тартиби қоидалари, ички йўриқномаларда белгиланган меҳнат вазифаларини бажариш шарт қилиб қўйилиб, бунда корхона, муассаса, ташкилотнинг мулкчилик шаклига ёки уларнинг ваколати доирасига боғлиқ бўлмайди. Хусусан, ички ишлар органлари ходимлари ҳам хусусий корхона ишчилари, ҳарбий хизматчилар ва корхоналарнинг ички қўриқлаш хизматчилари ёки оддий ишчи-ходимлар, менежерлар ҳам тенг равишда хизмат вазифасини бажаряпти, деб ҳисобланиши керак.

**Фуқаролик бурчини бажариш** деганда эса, фуқаро томонидан унинг зиммасига қонун билан махсус юклатилган мажбуриятларнинг амалга оширилиши, шунингдек, бошқа ижтимоий фойдали ҳаракатлар содир этилиши (ҳуқуқбузарликнинг олдини олганлиги, содир этилган ёки тайёрланаётган жиноят туғрисида ёхуд кидириладиган шахс турган жой ҳақида ҳокимият органларига хабар берганлиги, гувоҳ ёки жабрланувчи сифатида шахснинг жиноят содир этганлигини фош этувчи кўрсатувлар берганлиги ва ҳ.к.) тушунилмоғи лозим<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти туғрисида»ги 13-сонли қарори, 9-банд, 3-хатбоши.

<sup>2</sup> Ўша жойда.



7. Шарҳланаётган ҳолат фақат содир этилган тажовуз шахснинг айнан хизмат вазифасини ёки фуқаролик бурчини бажарганлиги сабабли келиб чиққанидагина жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида эътироф этилади. Бунда содир этилган тажовуз вақти аҳамиятга эга эмас: у хизмат ёки фуқаролик бурчини (қаршилик кўрсатиш) бажаришдан аввал ёки кейин, ё бўлмаса у бажарилаётган вақтда, шунингдек, хизмат ёки фуқаролик бурчи адо этиб бўлинганидан кейин бир оз вақт ўтгач (бу каби фаолият учун қасд олиш мақсадида) амалга оширилган бўлиши мумкин. Шундай қилиб, кўриб чиқилаётган хатти-харакатнинг айбдор қилмишида мавжудлигини аниқлашнинг зарур элементи – жиноятга қўл урган шахснинг бу иш жабрланувчининг айнан ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши билан боғлиқлиги сабабли амалга оширилаётганлигини англашдан иборат.

Шу билан бирга, жиноят иштирокчиликда содир этилган ҳолларда шарҳланаётган жазони оғирлаштирадиган ҳолат фақат жиноий тажовуз сабабини онги орқали қамраб олган шахсларга нисбатан, қилмиш ким томонидан амалга оширилганидан қатъи назар, белгиланиши мумкин. Масалан, агар қилмишнинг сабаби жиноят ташкилотчиси ёки далолатчининг фаолияти билан қамраб олинган бўлса-ю, бажарувчининг хатти-харакати билан қамраб олинмаган бўлса, унинг қилмишида жазонинг оғирлаштирувчи ҳолат аломатлари бўлмайди.

8. Бевосита қонунда кўрсатилгани каби шарҳланаётган жазони оғирлаштирувчи ҳолат жиноят кимга қарши қаратилганидан қатъи назар, суд томонидан ҳисобга олиниши шарт: у ўз хизмат вазифаси ёки фуқаролик бурчини бажараётган шахснинг ўзига, худди шундай тарзда унинг яқин қариндошларининг ҳуқуқ ва манфаатларига ҳам зарар етказиши мумкин. Бунда бу каби шахсларга нисбатан жиноят уларнинг яқин қариндошининг хизмат ёки жамоатчилик фаолияти билан боғлиқ равишда содир этилганини аниқлаш муҳим ўрин тутуди (яқин қариндошлар доирасига қирадиган шахслар хусусида Жиноят кодексининг VIII бўлимига қаранг).

9. **Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми «г» банди** айбдорга моддий томондан, хизмат ёки бошқа жиҳатдан қарам шахсга нисбатан жиноят содир этишни жазони оғирлаштирувчи ҳолат, деб қарайди. Жабранувчининг айбдорга қарамлиги ўз жинойий мақсадини амалга оширишини енгиллаштириб, унга жинойий жазодан қочиш имконини пайдо қилади. Бундан ташқари, тобе шахсга нисбатан жиноят содир этиш жиноятчининг маънавий тубанлиги, унинг қаҳри қаттиқлиги, баъзи ҳолларда эса, унинг ғаразли ёки ўзгача қабих ниятларидан дарак беради. Буларнинг бари қилмиш ҳамда уни содир этган шахснинг ижтимоий хавфи юқорилигидан далолат бериб, бу номи келтирилган шарт-шароитнинг мустақил, жазони оғирлаштирадиган ҳолат, деб ҳисобга олинишини шартлаб қўяди. *(Моддий, хизмат ва бошқа турдаги тобелик хусусида Жиноят кодексининг 55-моддасига берилган шарҳни ўқинг)*

Мазкур оғирлаштирувчи ҳолатни белгилашда, айниқса, жабранувчининг айбдорга нисбатан қарамлиги қай тарзда айбдорнинг жинойий мақсадини амалга оширишга қўмаклашганига эътибор бериш лозим. Бунда суд кўриб чиқилаётган ҳолатни айбдор тобелик ҳолатидан бевосита ёки билвосита тарзда жиноятни содир этиш ёки уни содир этишни енгиллаштириш учун фойдаланган ҳоллардагина, жазони оғирлаштирувчи ҳолат, деб эътироф этиши мумкин. Масалан, агар раҳбар мушталашув пайтида ўзига хизмат жиҳатидан қарам бўлган ходимга тан жароҳати етказса, бунда бу хатти-ҳаракат оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳоланиши керак эмас, агар у ходимни ҳақорат қилиб, ишдан бўшатиш билан қўрқитса, бундай ҳол пайдо бўлади.

10. **Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми «д» бандида назарда тутилган ўта шафқатсизлик билан жиноят содир этиш жиноятчи шахсининг ижтимоий хавфлилигидан ва унга нисбатан жазони оғирлаштириш зарурати борлигидан далолат беради.** Одатда, ўта шафқатсизлик жабранувчининг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказиш билан боғлиқ, зўрлик ишлатилган жиноятларда мавжуд бўлади. Ўта шафқатсизлик билан

жиноят содир этиш бу жиноятнинг субъектини ифодаловчи оғирлаштирувчи ҳолатлардан бири бўлиб, жабрланувчига нисбатан жинойи ҳаракатни амалга ошириш, деб тушунилади.

Шахснинг қилмишида ўта шафқатсизлик аломатларини белгилашда шунга эътибор бериш керакки, қонунда шафқатсизлик эмас, балки ўта шафқатсизлик билан содир этилган жиноятлар жазони оғирлаштирувчи ҳолат, деб қаралади. Масаланинг узгача ҳал этилиши Жиноят кодексининг 56-моддаси биринчи қисмининг шарҳланаётган бандини қўллашнинг асоссиз равишда кенгайтириб юборилишига олиб келади.

**11. Жиноят содир этишдаги ўта шафқатсизлик** – бу шундай усул, воситалар ёрдамида амалга оширилиб ёки хусусиятларга эга бўладики, улар муайян шароитдан келиб чиқмаган ортиқча азоб ва уқубатлар келтириб чиқариб, буларнинг барини айбдор яхши англаб етади<sup>1</sup>. Ўта шафқатсизлик белгиси фақат муайян объектив ва субъектив шарт-шароит мавжуд бўлган ҳоллардагина аниқланиши мумкин бўлиб, яъни:

**объектив шарт-шароит** – жинойи тажовузнинг ташқи усул ва воситаларида ифодаланади. Ўта шафқатсизлик билан одам ўлдириш усулларига, жумладан, ҳаётдан маҳрум этишдан олдин ёки қотиллик содир этиш жараёнида жабрланувчини қийноққа солиш ёки унга қаттиқ азоб етказиш билан боғлиқ (кучли оғриқ берувчи захардан фойдаланиш, тириклайин ёқиб юбориш, узоқ муддат овқат, сув бермаслик) ҳолларини ҳам киритиш мумкин. Баданга қўлаб шикаст етказиш орқали одам ўлдириш, фақат айбдор буни жабрланувчига қаттиқ азоб-уқубат етказишга қаратилган тўғри қасд билан содир этган бўлса, ўта шафқатсизлик кўриниши, деб баҳоланиши мумкин<sup>2</sup>;

**субъектив шарт-шароит** – айбдор ўзи қўллаётган жиноятни содир этиш усул ва воситалари, шунингдек, уни

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасдан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 13-сонли қарори, 12-банд, 1 ва 2-хатбошинлари.

<sup>2</sup> Ўша манба, 12-банд, 2-хатбоши.

амалга оширишга оид бошқа шарт-шароитлар жабрланувчига ортиқча азоб бераётганлигини англаши керак. Шу сабабли, қотиллик содир этилганида кўплаб тан жароҳатлари етказилиши, айбдор жабрланувчини қийнаш, унга азоб-уқубат етказиш мақсадида ҳаракат қилганидагина, бу алоҳида шафқатсизлик билан намоён этиш, деб баҳоланади<sup>1</sup>.

12. Шунинг ҳам ёдда тутиш керакки, **ўта шафқатсизлик билан жиноят содир этиш** нафақат жабрланувчининг ўзини ортиқча азоблаш ва қийнашдан иборат бўлмай, балки унинг яқинларига азоб етказишда ҳам ифодаланиши мумкин. Жабрланувчининг яқин кишилари кўз ўнгидан одам ўлдириш, агар айбдор ўз ҳаракатлари билан уларга кучли изтироб бераётганлигини англаган бўлса, айбдор томонидан ўта шафқатсизликда намоён этилганлигидан далолат берувчи ҳолат сифатида баҳоланиши лозим<sup>2</sup>.

13. **Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми «е» бандида назарда тутилган кўпчилик учун хавфли бўлган усулда жиноят содир этиш** номуайян ижтимоий муносабатлар доирасига реал хавф туғдиради, бу қилмиш айбдор шахсда ижтимоий хавф кўпайишига кўмаклашади ва бу оғирроқ давлат мажбурлов чораларини қўллашни талаб этади.

Шахснинг қилмишида мазкур белгининг мавжудлиги, у томондан содир этиладиган усулнинг объектив хавфи билан боғлиқлигини ўрнатади. Масалан, кўпчилик учун хавфли бўлган усулда жиноят содир этишга ёнрин, портлатиш, сув бостириш ва бошқалар кириши мумкин. Шу билан бирга, бу белгининг бўлиши учун айбдор томонидан қўлланаётган ва бу ҳолда қонун билан ҳимояланадиган муносабатларга зарар етказишга қодир бўлган субъектив баҳо талаб этилади. Усулнинг чинакам хавфлилиги, ҳар бир муайян вазиятда ишнинг барча ҳолатларидан, чунончи, айбдор ишлатган жиноят қуролининг шикаст етказиш хусусияти, воқеа жойида

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасдан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 13-сонли қарори, 12-банд, 2-хатбоши.

<sup>2</sup> Ўша манба, 12-банд, 3-хатбоши.

жабрланувчидан ташқари ўзга шахслар ҳам бўлганлиги ва шу кабилардан келиб чиққан ҳолда аниқланиши зарур<sup>1</sup>. Шу билан боғлиқ равишда, аҳоли пунктларидан узоқда портлатиш йўли билан амалга оширилган қасддан одам ўлдириш кўпчилик учун хавfli усул билан содир этилган, деб эътироф этилиши мумкин эмас.

14. Қилмишнинг кўпчилик учун хавfli усул билан содир этилиш белгисига кўра баҳолашда мазкур ҳолда қонун оқибатларнинг реал таърифига эмас, балки айнан усулнинг хавfliлигини кўрсатишига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Шу билан боғлиқ равишда кам аҳамиятли зарар ёки унинг умуман мавжуд эмаслиги ҳам оғирлаштирувчи ҳол бўлмаслигига кафолат бера олмайди. Шу билан бирга, оқибатларининг хусусияти ва катта-кичиклигини назарда тутиб, қилмишнинг реал келиб чиққан оқибатлар билан таркибда шарҳланаётган белгига зарар етказмасдан квалификация қилиниши кераклигини назарда тутиш муҳим. Масалан, кўпчилик учун хавfli бўлган усулда одам ўлдириш ва бу билан бошқа одамларга тан жароҳати етказилган бўлса, айбдорнинг қилмиши ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми «д» банди бўйича ҳамда ЖКнинг қасддан тан жароҳатини етказганлик учун жавобгарликни назарда тутган моддалари билан квалификация қилиниши керак<sup>2</sup>.

15. **Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми «ж» бандида назарда тутилган ёш бола ёки руҳий ҳолатининг бузилганлиги айбдорга аён бўлган шахсдан фойдаланган ҳолда жиноят содир этиш қонун томонидан жазони оғирлаштирадиган мустақил ҳолат, деб эътироф этилишининг сабаби шундаки, ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатни содир қилаётган шахс томонидан руҳий ҳолатининг бузилганлиги оқибатида қилмишини англаб етмайдиган шахсларнинг жалб этилишидир.** Шу билан бирга, мазкур шахслардан фойдаланиш айбдорнинг жиноий жазодан

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 13-сонли қарори. 10-банд, 2-хатбоши.

<sup>2</sup> Уша маиба, 10-банд, 3-хатбоши.

қочишига имкон бериб, унинг маънавий тубанлигидан далолат беради. (*Ёш бола тушунчаси ҳақида ЖКнинг 56-моддаси биринчи қисми «б» банди таҳлилида кўрсатиб ўтилган*).

**Рухий ҳолати бузилган шахс** деб, уларга хос бўлган рухий хасталик туфайли атроф-муҳитни тўғри баҳолай олмайдиган, ўз ҳаракатлари аҳамиятини англай олмайдиган, бироқ ўзини бошқара оладиган шахслар эътироф этилиши керак. Шундай қилиб, рухий ҳолати бузилган шахс, деб фақат эс-хушини йўқотганлар тан олинishi шарт. Бунда ушбу шахсларнинг рухий ҳолатининг бузилганлиги айбдорга аён бўлиши керак.

**16. Ёш бола ёки рухий ҳолати бузилганлиги айбдорга аён бўлган шахсдан фойдаланган ҳолда уларни жиноят содир этишга кўндириш**, ёрдамчи, шу билан бирга, жиноят бажарувчиси сифатида жалб этишда ифодаланиши мумкин. Жиноятнинг муайян жиҳатлари ва жиноят мақсадида фойдаланилган шахсга оид маълумотларга боғлиқ ҳолда амалга оширилган вазиятда сўз воситачилик тўғрисида бориши мумкин. Бироқ, ҳар қандай ҳолда ҳам шахснинг кўриб чиқилган ҳолларда жиноят содир этишини жазони оғирлаштирадиган ҳолатлар қаторига киритиш керак.

Шуни ҳам ёдда тутиш керакки, жиноят содир этиш учун ёш боладан фойдаланилганда айбдорнинг ҳаракатлари, шунингдек, Жиноят кодексининг 127-моддаси учинчи қисми бўйича алоҳида кўриб чиқиладиган шарт-шароитга зарар етказмаган ҳолда балоғатга етмаган шахсни акселижтимой хулққа жалб қилиш сифатида баҳолаши мумкин. Масалан, қилмиш вояга етган шахснинг ёш боладан фойдаланган ҳолда ўғриликка жалб этишида ифодаланган бўлса, у ҳолда вояга етган шахснинг ҳаракатларини Жиноят кодексининг 127-моддаси учинчи қисми бўйича, шу билан бирга, кичик ёшли шахсдан фойдаланиб содир этилган ўғрилик, яъни мазкур жиноят учун оғирлаштирувчи ҳолат сифатида Жиноят кодексининг 169-моддаси бўйича баҳолаши керак.

**17. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми «э» бандида назарда тутилган жиноят туфайли оғир оқибатларнинг келиб чиқиши** қилмишнинг жамоатчилик



учун хавф даражасини жиддий ошириб, нисбатан оғирроқ жазо тайинланишини талаб этади.

Юзага келган оқибатларга содир этилган жиноятнинг таърифи ва ишнинг барча шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда баҳо бериш лозим. Шунинг ҳам қайд этиш керакки, оқибатларнинг оғирлик даражасини аниқлаш зарарли ўзгаришларнинг тавсифи ва даражасига боғлиқ бўлиб, жиноят таркибининг бошқа элементлари билан (айбнинг шакли, жиноятни содир этиш усули, субъект белгилари) белгиланмайди.

**Оғир оқибат** сифатида фақат жиноят қонуни ҳимоя қиладиган муносабатлардаги, жиноят таркибидан ташқарида жойлашган зарарли ўзгаришлар эътироф этилиши мумкин. Ушбу ўзгаришлар таркибнинг конструктив ёки баҳоловчи белгиси сифатида кўзда тутилган бўлса, бундай ҳолда улар суд томонидан оғирлаштирувчи ҳолат, деб қўрилиши мумкин эмас. Бироқ, бу каби баҳоловчи белгининг чегарасидан чиқиб кетиши, жиноятнинг омма учун жиддий хавф туғдиришидан дарак бериб, бу Жиноят кодекси 54-моддасининг 2-қисми қондаларига биноан, жазо тайинлашда суд томонидан ҳисобга олиниши керак.

18. Юзага келган оғир оқибатларни жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида эътироф этиш учун улар содир этилган жиноят билан ҳам объектив, ҳам субъектив жиҳатдан боғлиқлигини аниқлаш талаб этилади. Хусусан, мазкур оқибатлар, агар у уларга нисбатан қасддан ҳаракат қилган бўлса ёки эҳтиётсизлик туфайли йўл қўйилганида, шахснинг айби сифатида қаралиши мумкин. Бунда ушбу оқибатлар юзага келган даврнинг аҳамияти йўқ: бевосита жиноят содир этилган захоти, шунингдек, анча вақт ўтганидан сўнг келиб чиққан оқибатлар ҳам бирдай оғир, деб эътироф этилиши мумкин. Шунингдек, оқибатларнинг оғир, деб тан олинишига уларнинг бевоситалиги ёки қилмишдан келиб чиққанлиги ҳам таъсир кўрсатмайди. Бунда уларнинг айбдор онги билан камраб олинганлигини аниқлашнинг ўзи кифоя.

19. Шунинг назарда тутиш керакки, юзага келган оқибатларнинг оғир, деб эътироф этилиши – бу доимо фактга

доир, охир-оқибатда суд томонидан ҳал этиладиган масала. Баҳолаш реал, амалда юз берган узгаришлардан келиб чиқиб амалга оширилиши шарт.

20. **Шарҳланаётган модданинг 1-қисми «и» бандида** назарда тутилган умумий офат шароитидан фойдаланган ҳолда ёки фавқулодда ҳолат вақтида ёхуд оммавий тартибсизликлар жараёнида муайян мувозанатни бузмаслик ва аниқ тенгликка эришиш мақсадида охиста ва эътибор билан ёндашишни талаб этади. Буларнинг бари ушбу даврда жамиятнинг барча кучлари бир маромда ва келишган ҳолдаги ҳаракатини узаро тушунишни талаб қилади. Бундай шароитда жиноятга қўл уриш жамият ёки табиатнинг кучларини уйғотиб, мувозанатни бузиши мумкин бўлиб, бу жиноятнинг ижтимоий жиҳатдан хавфлилиги даражасини намоён этади ва шунинг учун нисбатан оғирроқ жазо тайинланишини талаб этади. Бундан ташқари, офат вазиятида жиноят содир этиш айбдорнинг маънавий жиҳатдан тубанлиги, унинг ўта худбинлиги, жамоатчилик манфаатларини поймол этиши, қатор ҳолларда нияти қоралигидан далолат беради. Шундай қилиб, шарҳланаётган шарт-шароитнинг жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида эътироф этилиши нафақат содир этилаётган жиноятнинг, балки, айбдор шахсининг ҳам ижтимоий хавфини ҳисобга олишнинг имконини беради.

21. Қонун курсатмасига мувофиқ, жиноят қуйидагилардан фойдаланиб содир этилганида нисбатан оғирроқ жазо тайинланишига олиб келади:

— **ижтимоий офат** — кўплаб одамларнинг ҳаёти, соғлиги, мол-мулкани хавф остига қўядиган ижтимоий ҳаётига оид ёки табиат ҳодисаси: уруш, табиий фалокат, ёнғин, эпидемия, йирик ҳалокат ва ҳ.к.;

— **фавқулодда ҳолат** — давлат ҳокимияти ва бошқаруви идоралари, қорхоналар, муассаса ва ташкилотлар фаолиятининг фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини махсус қонунда белгиланган чеклашларга йўл қўядиган, шунингдек, улар зиммасига қўшимча мажбуриятлар юклайдиган алоҳида тартиби. Фавқулодда ҳолат йирик оммавий тартибсизликлар, ички қуроли моjarолар, шунингдек,

табий офатлар ва технологик фалокатлар руй берганида жорий этилади. Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида ёки унинг маълум бир қисмида фавқулодда ҳолат жорий этиш ҳукуқи фақат Ўзбекистон Республикаси Президенти ваколатига тегишли ва бунда фавқулодда ҳолат жорий этиш тўғрисидаги қарор уч кеча-кундуз ичида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқлаш учун тақдим этилиши шарт<sup>1</sup>;

– **оммавий тартибсизликлар.** (*Оммавий тартибсизликлар тушунчаси хусусида ЖКнинг 244-моддасига берилган шарҳга қаранг*)

22. Шуни назарда тутиш керакки, ижтимоий офат, оммавий тартибсизлик ёки фавқулодда ҳолат шароитида жиноят содир этиш, ушбу вазиятларни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида эътироф этиш учун айбдор томонидан шу вазиятлардан онгли равишда фойдаланиш мақсади мавжуд бўлиши керак.

**Шарҳланаётган моддада фойдаланиш** деб онгли равишда ижтимоий офат, фавқулодда ҳолат ёки оммавий тартибсизликлар шароитидан жиноятни амалга ошириш ёки унинг изларини яшириш мақсадида фойдаланиш тушунилади. Шу билан бирга, қонуний ҳаракатларнинг (масалан, сув тошқини шароитида яшовчилар ҳаётини асраб қолиш мақсадида фуқаролар турар жой дахлсизлигини бузиш) бир қисми ёки оммавий тартибсизликларга хос бўлган жиноят таркибининг объектив томонини ташкил қилувчи (масалан, оммавий тартибсизликлар пайтида мол-мулкни нобуд қилиш) ҳаракатлар офат шароитларидан фойдаланиб жиноят содир этиш, деб қаралмайди.

23. **Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми «к» бандида** назарда тutilган варазли ёки бошқа паст ниятларда жиноят содир этиш жазони оғирлаштирадиган мустақил ҳолат сифатида баҳоланади. Қонуннинг у ёки бу қилмишни амалга ошириш сабабларини жазони оғирлаштирадиган ҳолат, деб кўрсатиши айбдор шахсининг маънавий тубанлиги, бунинг оқибатида – жамият учун

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 78-модда 1-қисми 19-банди; 93-модда 1-қисми 19-банди.

юксак хавфлилиги даражаси билан тавсифланиб, бу ҳолат нисбатан оғирроқ жазо белгилашни талаб этади.

**Ғаразли ниятлар** — бу шахснинг жиноят содир этишга ундайдиган, ўзи ёки бошқа шахслар учун турли хил моддий наф кўриш (пул, мол-мулкни ёки унга эгалик ҳуқуқини, турар жойга нисбатан ва шу каби ҳуқуқларни қўлга киритиш) ёки моддий харажатлардан (мол-мулкни, қарзни қайтаришдан, хизматга ҳақ тўлашдан, мулкий мажбуриятларни бажаришдан, алимент тўлаш ва шу кабилардан) қутулиш мақсадида қўлга киритишга қаратилган ундови демакдир<sup>1</sup>.

**Бошқа хилдаги паст ниятлар** — ҳасад, уч, безорилик ҳаракатлари, қўрқоқлик ва бошқа тубан ниятлар.

24. Айтиб ўтиш жоизки, ғаразгўй ёки бошқа паст ниятлар мотиви жиноят содир этилгунига қадар пайдо бўлган бўлса, жиноят ғаразгўй ёки бошқа паст ниятларда амалга оширилган, деб қаралиши лозим. Ғаразгўйлик ёки бошқа паст ниятлар айбдорда жиноят тугалланганидан сўнг пайдо бўлса, у ҳолда улар жазони оғирлаштирадиган ҳолат сифатида эътироф этилиши мумкин эмас<sup>2</sup>.

25. **Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми «л» банди ирқий ёки миллий душманлик ёхуд адоват замирида жиноят содир этишни жазони оғирлаштирувчи ҳолат, деб тан олади.**

Ана шундай сабаблар туфайли келиб чиққан қилмишларнинг хавфлилиги даражаси юқорироқ эканлиги аён, чунки унинг натижасида жамиятда кескинлик, ирқий ва миллий камситиш вазияти юзага келиб, бу умуман ижтимоий муносабатларнинг беқарорлашувини келтириб чиқариб,

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 13-сонли қарори. 14-банд, 1-хатбоши.

<sup>2</sup> Бундан, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 13-сонли қарорининг 14-банди 5-хатбошиси тахлилий далолат бериб, унга мувофиқ, айбдорда моддий наф кўришга нисбатан қасд қотиллик содир этилганидан олдин пайдо бўлган ҳолдагина, қотиллик тамағирлик ниятида содир этилган, деб эътироф этилади. Агар бундай қасд қотиллик содир этилганидан кейин пайдо бўлган бўлса, қилмиш тегишинча қотиллик ва талон-торож сифатида квалификация қилинмори лозим.

республиканинг ривожланишига, тараққий этишига тўсқинлик қилади.

Миллий ёки ирқий адоват, яъни бошқа миллатга, ирққа мансуб шахсга, унинг турмуш тарзига, маданиятига, урф-одатларига, оила турмушига нисбатан ғайирлик ёки нафрат туйғулари билан ёхуд миллатлараро, ирқлараро адоват ёки нифоқ солиш мақсадида ҳаракат қилиш жисмоний ёки моддий оқибатлар келтириб чиқариш ёки бўлмаса миллатлараро, ирқлараро душманлик ёки низо келтириб чиқаришга интилишдир<sup>1</sup>. Шу сабабли, шахс қилмишининг оғирлаштирувчи ҳолатларини аниқлаш учун айбдор хулқининг сабаблари тавсифини белгилаб олиш шарт.

**26. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми «м» бандида бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктирган ҳолда ёки уюшган гуруҳ ёхуд жиноий уюшма томонидан жиноят содир этиш жазони оғирлаштирадиган ҳолатлардан яна бири сифатида эътироф этилган.**

Мазкур ҳолатнинг Жиноят кодекси томонидан бундай баҳоланиши муҳим аҳамиятга эга. Биргаликда содир этилган жиноят ўта хавфли бўлиб, унда жиноят содир этиш, жиноят излари ёки жиноятчини яшириш енгилроқ амалга ошади. Бундан ташқари, жиноий тажовузнинг биргаликда амалга оширилиши оғирроқ оқибатларга олиб келиши билан бирга, кўпинча жиноятни фош этишни мураккаблаштиради.

Қилмишни мазкур белгига кўра баҳолашда суд томонидан конун нуқтаи назаридан фақат аввалдан келишган гуруҳ, уюшган гуруҳ ёки жиноий уюшма таркибида жиноят содир этиш жазони оғирлаштирувчи ҳолат, деб тан олинади. Мазкур рўйхат қатъий бўлиб, кенгайтириб изоҳланиши мумкин эмас ва шу билан боғлиқ равишда гуруҳ таркибида олдиндан тил бириктирмай жиноят содир этиш жазони оғирлаштирувчи ҳолат, деб эътироф этилиши мумкин эмас. *(Олдиндан тил бириктирган шахслар гуруҳи, уюшган гуруҳ ёки жиноий*

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасддан одам ўлдиришга онд ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 13-сонли қарори, 15-банд.

*уюшма тушунчалари хусусида ЖКнинг 29-моддасига берилган шарҳга қаранг)*

27. Шунинг ҳам ёдда тутиш керакки, иштирокчиликда жиноят содир этиш жиноятни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳоланиши ҳар бир иштирокчига тааллуқлидир. Шу билан бирга, жазони индивидуаллаштиришда судлар гуруҳ таркибида жиноят содир этган шахсларга нисбатан жазо чораси тайинланишида улардан ҳар бирининг ижтимоий хавfli қилмишдаги иштироки даражаси аниқланиши жиноятнинг ташкилотчилари ва бажарувчиларнинг айбдорлик даражасидан ёрдамчилар ва жиноятнинг бошқа иштирокчиларининг айбдорлик даражаси фарқланиши лозим.

28. **Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми «н» бандида назарда тутилган илгари ҳам қасддан жиноят содир этган шахснинг такроран ёки қасддан янги жиноят содир этиши** қонун томонидан жазони оғирлаштирадиган ҳолат, деб эътироф этилади. Жиноий тажовузни такроран содир этиш, субъектнинг қатъий аксилижтимоий қарашларидан, унинг жамият учун жиддий хавф туғдиришидан дарак беради ва нисбатан оғирроқ жазо қўрилишини талаб қилади. *(Такрорийлик, рецидив тушунчалари хусусида ЖКнинг 32, 34-моддаларига берилган шарҳга қаранг)*

29. Қасддан такроран ёки илгари содир этилган жиноят учун судлангандан сўнг қасддан янги жиноят содир этилиши, агар биринчи жиноят учун жиноий жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетган, судланганлик белгиланган тартибда тугалланган ёки олиб ташланган ёхуд шахс муқаддам содир этган жиноий хатти-ҳаракат учун қонунда жавобгарлик бекор қилинган бўлса, шунингдек, ЖКнинг 65, 66, 66<sup>1</sup>, 68, 69, 70, 71, 76-моддаларига биноан, шахс илгари содир этган жинояти учун жиноий жавобгарликдан ва жазодан озод этилган бўлса, жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида эътироф этилиши мумкин эмас<sup>1</sup>.



<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сонли қарори, 10-банд.

30. Ушбу ҳолат жазони оғирлаштиришга кўрсатадиган таъсир даражасини аниқлашда судлар жиноят такрор содир этилгани ёки рецидив эканлигига алоҳида эътибор беришлари шарт, чунки улардан иккинчисида нисбатан қаттиқроқ жазо кўрилиши талаб этилиб, бунда шахснинг аввал жиноий жавобгарликка тортилганлиги кўзда тутилади.

31. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми «о» бандида назарда тутилган мастлик ҳолатида ёки гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп ёхуд кишининг ақл-идрокига таъсир қилувчи бошқа моддалар таъсири остида жиноят содир этишни қонун жазони оғирлаштирувчи мустақил ҳолат, деб белгилайди.

Мазкур ҳолатда шахс атрофдаги вазиятга тўғри баҳо беришнинг имконини йўқотиб, аста-секин ўзини бошқара олмай қолади, натижада мазкур шахс томонидан турли салбий ҳаракатларга йўл қўйилиши мумкин. Бу каби ҳолат айбдорнинг ихтиёрий ҳаракатлари оқибати эканлигини ҳисобга олиб, қонун уни жазони оғирлаштирувчи ҳолат, деб баҳолайди.

32. Алкоголь, гиёҳвандлик ёки бошқа мастлик ҳолатини жазони оғирлаштирувчи ҳолат, деб эътироф этишда айбдор нима ёрдамида мастлик ҳолатига туширгани аҳамиятга эга эмас, спиртли ичимлик ичиш ва наркотик моддалар истеъмол қилиш бирдай жазони оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланади. Суд қонунга мувофиқ, жиноятнинг моҳиятига кўра, мастликни жазони оғирлаштирувчи ҳолат, деб топмаслиги ҳам мумкин, зеро, у мазкур масалани ечишда қилмиш ўз табиатига кўра, мастлик ёки айбдорнинг ақлий-иродавий фаолиятига таъсир этадиган гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп ёки бошқа моддалар билан боғланганлиги, шунингдек, шахснинг мазкур ҳолатга тушиш шароитларини батафсил ўрганиши ва уларни инобатга олиши зарур. Жазо оғирлигини белгилаш учун мастлик даражаси ҳам муҳим аҳамиятга эга – у нақадар юқори бўлса, жазо ҳам шунга яраша бўлади. (ЖКнинг 274-моддаси шарҳига қаранг)

33. **Шарҳланаётган модданинг 2-қисми** судлар учун ЖКнинг 56-моддаси 1-қисмида кўрсатилган ҳар қандай ҳолатни жазони оғирлаштирувчи сифатида тан олмаслик ҳуқуқини беради. Шу билан бирга, шуни назарда тутиш муҳимки, жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида тан олмаслик фақат конкрет ишни кўриб чиқишда суд миқдорий параметрлари билан боғлиқ эмас, бошқача қилиб айтганда, суд жиноятнинг хусусиятидан келиб чиқиб, битта ёки бир қанча ҳолатларни жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида тан олмаслиги мумкин.

34. **Шарҳланаётган модданинг 3-қисми** суд жазо тайинлашда ушбу моддада белгиланмаган ҳолатларни оғирлаштирувчи ҳолат деб топишга ҳақли эмаслигини белгилайди. Шундай қилиб, Жиноят кодексининг 56-моддасида келтирилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар катъий бўлиб, кенгайтирилган тарзда талқин этишга йўл қўйилмайди.

Шарҳланаётган моддада келтирилган рўйхатнинг катъий-лигидан қуйидагилар келиб чиқади:

– ушбу рўйхат кенгайтириб изоҳланмаслиги лозим, яъни бу моддада келтирилган ҳолатлар уларга хос айнан маъносига мувофиқ, уларни у ёки бу шахснинг субъектив қабул қилишидан катъи назар, англаниши лозим;

– жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида фақат ушбу моддада кўрсатилган ҳолатлар кўриб чиқилади. Бошқа ҳолатларнинг жазони оғирлаштирувчи сифатида эътироф этилиши қонунга зиддир.

35. **Шарҳланаётган модданинг 4-қисми** қондаларига мувофиқ, бирон-бир жазони оғирлаштирувчи ҳолат Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддаларида жиноят таркибининг аломати сифатида назарда тутилган бўлса, жазо тайинлашда жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида ҳисобга олинмайди. Қайд этиш лозимки, таркибнинг оғирлаштирувчи аломатлари ҳам, конструктив аломатлари ҳам бўлган ҳолатлар оғирлаштирувчи ҳолатлар сифатида эътироф этилишига йўл қўйилмайди. Иккала ҳолатда ҳам ушбу ҳолатлар қонун чиқарувчи томонидан тегишли жиноятни содир этиш учун санкция белгиланишида инобатга олинган, шу туфайли



уларнинг такроран инobatга олинishi Жиноят кодекси принципларига зид бўлади<sup>1</sup>.

36. Суд жазони тайинлашда фақат жазони оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиши керак эмас. Шунинг учун жазони оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатлари борлиги ҳақида далолат берадиган маълумотларни, уларнинг хусусиятини ва даражасини ҳар томонлама ўрганиб чиқиб, ҳукмда нима учун бундай қарорга келганлигининг сабабларини келтириши керак.

### 57-модда. Енгилроқ жазо тайинлаш

Суд содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатларни эътиборга олиб, алоҳида ҳолларда ушбу Кодекс Махсус қисмининг моддасида назарда тутилган мазкур жиноят учун белгиланган жазонинг энг кам қисмидан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ турдаги жазони тайинлаши мумкин.

Суд шу асосларни эътиборга олиб, ушбу Кодекс Махсус қисмининг моддасида қўлланилиши шарт деб кўрсатилган қўшимча жазони тайинламаслиги ҳам мумкин.

Содир этилган қилмиш хусусиятларини ифодаловчи ҳолатлар, яъни айбдорнинг шахси, айбининг шакли ва даражаси, жиноят қилиш шароити ва сабаблари, шахснинг жиноятни содир қилгунча ва ундан кейинги хулқ-атвори жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб топилиши мумкин.

## Ш А Р Х

1. Жазо тайинлашнинг умумий асосларига кўра, судланган шахсга қўлланиладиган давлат мажбуրлов чораси у томонидан

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сонли қарори, 8-банд, 2-хатбоши.

содир этилган қилмиш учун жавобгарликни назарда тутувчи ЖК Махсус қисмининг тегишли моддаси санкцияси доирасида танланиши лозим. Қонуннинг кўрсатилган талаби сўзсиз бажарилмоғи лозим, бундан шарҳланаётган моддада назарда тутилган, тегишли модда санкциясида белгиланган энг кам жазодан ҳам кам жазо тайинлашга асос бўладиган ҳолатлар мустасно. Қонундаги бу истисно ҳолат инсонпарварлик принциpidан келиб чиқиб, унга кўра жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши керак. Жазо тайинлашнинг умумий асосларидан чекинишга тегишли модда санкциясида назарда тутилмаган, енгилроқ давлат мажбурлов чоралари қўллашдагина йўл қўйилади. Санкцияда кўрсатилмаган оғирроқ жазо тайинлашга мутлако йўл қўйилмайди.

2. Қонун кўрсатмасига кўра, енгилроқ турдаги жазо, шарҳланаётган моддада кўрсатилган ҳуқуқий асослар мавжудлигидагина тайинланади, яъни:

- содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатларда;
- алоҳида ҳолатларда.

Мазкур асосларнинг мажмуи мавжудлиги ҳолатларигина судга енгилроқ турдаги жазо тайинлаш имконини беради. Кўрсатиб утилган асослардан бирининг мавжуд эмаслиги шарҳланаётган модда қўлланилишига тўсқинлик қилади.

3. **Шарҳланаётган модданинг 3-қисмига** кўра, содир этилган қилмиш хусусиятларини ифодаловчи ҳолатлар, яъни айбдорнинг шахси, айбининг шакли ва даражаси, жиноят қилиш шароити ва сабаблари, шахснинг жиноят содир қилгунга қадар ва ундан кейинги хулқ-атвори жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб топилиши мумкин. Бундай ҳолатларга жиноят содир этиш мотиви ва мақсадини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини киритиш мумкин.

**Жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги даражасини жиддий камайиши** деб, содир этилган жиноят хавфи ва

шундай қилмишлар хавфи орасидаги ўта номутаносиблик ҳолатларини ҳисоблаш лозим.

4. Белгилаб ўтиш жоизки, ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи муайян иш ҳолатларига баҳо бериш – бу суд томонидан ҳар бири алоҳида ҳал қилинадиган масаладир. Қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги умумий характеристикасидан эмас, балки ҳар бир ҳолда алоҳида ёндашувдаги ҳуқуқий баҳо бериш предмети, қурилаётган ишга тегишли бўлган ҳолатлардан келиб чиқиш лозим.

**Қонунда енгиллаштирувчи ҳолат сифатида** кўрсатилган ҳам (*ЖКнинг 55-моддасига қаранг*), кўрсатилмаган ҳам турли ҳолатлар уларнинг миқдорий кўрсаткичларидан катъи назар, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар, деб эътироф этилиши мумкин (булар сифатида ҳолатларнинг муайян мажмуи ҳам, алоҳида ҳолатлар ҳам кўрилиши мумкин). Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг кўрсатмаларига мувофиқ, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи алоҳида ҳолатлар рўйхати қонунда кўрсатилмаганлигини назарда тутиб, суд қабул қилган қарорини ҳукмда асослантирган ҳолда жазони енгиллаштирувчи айрим ҳолатни ҳам, уларнинг мажмуини ҳам бундай ҳолат сифатида тан олиши мумкин (масалан, моддий зарарнинг тулик копланганлиги, судланувчи ёки ота-онасининг оғир касаллиги, уларнинг меҳнатга лаёқатсизлиги, айбдор ота-онасининг ёки боласининг бошқа боқувчиси йўқлиги, судланувчининг кекса ёшда эканлиги, унинг бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган жиноятни очишда фаол иштирок этганлиги, жабрланувчининг жиноят содир этилишига туртки берган ҳуқуққа хилоф хулқ-атвори, жабрланувчининг судланувчи билан ярашганлиги ва ҳ.к.)<sup>1</sup>.

Шунингдек, таъкидлаш жоизки, олий суд инстанцияси кўрсатмаларига кўра, судлар иқтисодиёт соҳасидаги жиноятга оид ишлар бўйича зарарни қисман қоплаган шахсларга

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сонли қарори, 37-банд, 3-хатбоши.

нисбатан жазо тайинлашда ЖКнинг 57-моддасини қўллаш масаласини муҳокама этиши мумкин.

Жумладан, жиноят натижасида етказилган зарар суммасининг камида ярми айбдор томонидан қопланганлиги жазони жиддий камайтирувчи ҳолат деб топилиши мумкин.

Суд томонидан солидар жавобгарлик белгиланган ҳолларда зарарни қисман қоплаган шахсларга нисбатан жазо тайинлашда ҳам худди шу принципга амал қилиниши керак<sup>1</sup>.

5. Шарҳланаётган моддага асосан, жазони бошқа енгилроқ турдаги жазога алмаштириш фақатгина алоҳида ҳолларда йўл қўйилади. Лекин, қонунда алоҳида ҳолат тушунчаси бериб ўтилмаган. Жиноят кодексининг нормалари ва суд амалиётининг шарҳланаётган модда қўлланилиши хусусидаги таҳлили шунни кўрсатадики, алоҳида ҳоллар деганда, муайян иш бўйича Махсус қисм моддаси санкциясида кўрсатилган жазо тури ва миқдори талабларга керакли ва етарли даражада жавоб бермайди. Бошқача қилиб айтганда, Махсус қисм моддаси санкциясида кўрсатилган айрим жазо тури ва миқдори муайян жиноят ва шахсга нисбатан оғирроқдир.

6. Эътиборли жиҳати, енгилроқ турдаги жазо тайинлаш содир этилган қилмиш оғирлиги билан боғлиқ эмас. Яъни, жазонинг энг кам қисмидан ҳам камроқ ёки енгилроқ турдаги жазо ҳар хил содир этилган қилмишлар учун тайинланиши мумкин. Бироқ, содир этилган қилмишнинг оғирлик даражаси қанча юқори бўлса, жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар ҳам Махсус қисм моддаси санкциясида кўрсатилган жазони қўлламаслик холи ҳам алоҳидалиги билан ажралиб туриши керак.

7. Суд бирон-бир ишда енгилроқ турдаги жазо тайинлаш учун юқорида кўрсатиб ўтилган иккинчи ҳуқуқий асос – содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар мавжуд бўлиши керак:

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 21 майдаги «Жазоларни либераллаштириш тўғрисида қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги 4-сонли қарори, 12-банд.

– санкцияда кўрсатилган жазонинг энг кам қисмидан ҳам камроқ жазо тайинлаш;

– Жиноят кодексига кўра, енгилроқ турдаги жазо тайинлаш;

– Жиноят кодекси Махсус қисмининг моддаси санкциясида назарда тутилган қўшимча жазони тайинламаслик.

**8. Жазони энг кам миқдоридан ҳам камроқ тайинлаши**, бу жазони енгиллаштириш, яъни Жиноят кодекси Махсус қисмининг моддаси санкциясида кўрсатилган давлат мажбурлов чораси турини танлаш ва ушбу мажбурлов чорасининг энг кам миқдоридан ҳам камроқ жазо тайинлаш. Масалан, Жиноят кодексининг 164-моддаси биринчи қисмига кўра, босқинчилик жинояти беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Жазонинг энг кам миқдоридан (5 йил) ҳам камроқ жазо тайинлаш суд томонидан ҳал қилинади. Лекин, Жиноят кодексининг Умумий қисмида ушбу жазо тури доирасида кўрсатилган энг кам миқдордан кам жазо тайинлашга йўл қўйилмайди, яъни озодликдан маҳрум қилиш жазо тури 6 ойдан кам муддатга қўлланилиши мумкин эмас. Хусусан, келтирилган мисолда суд ЖКнинг 50-моддаси 2-қисми талабларига мувофиқ озодликдан маҳрум қилиш жазосини 5 йилдан кам бўлган, бироқ 6 ойдан кам бўлмаган муддатга тайинлаши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, тегишли модданинг санкцияси муқобил бўлган, яъни икки жазо турини назарда тутган ҳолларда ҳам жазони энг кам миқдоридан ҳам камроқ тайинлашга йўл қўйилади. Масалан, Жиноят кодексининг 211-моддаси биринчи қисми жарима, ахлоқ тузатиш ишлари, озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш жазо турларидан бирини танлаш имкониятини беради ва суд мазкур жиноят учун жазони энг кам миқдоридан ҳам камроқ тайинлаши учун кўрсатилган ҳар қандай давлат мажбурлов чорасини танлаши мумкин. Қонунда бу ҳолларда ҳеч қандай чеклов йўқ.

**9. Санкцияда кўрсатилган жазодан ҳам енгилроқ турдаги жазо тайинлаш**, суд учун Жиноят кодекси Махсус қисмининг моддаси санкциясида кўрсатилган жазо турлари

билан чекланиб қолмасдан, жазо турлари ва тизимини назарда тутувчи Жиноят кодексининг Умумий қисми қоидаларига эътибор қаратиш имкониятини беради. Лекин, шарҳланаётган модданинг биринчи қисми қоидаларига кўра, суд Жиноят кодексининг моддаси санкциясида кўрсатилмаган бошқа энгилрок турдаги асосий жазони тайинлашда, ушбу жазо учун Умумий қисмда кўрсатилган доирадан чиқиб кетмаслиги лозим. Бундан ташқари, ЖКнинг 57-моддасига кўра, асосий жазони қўшимча жазо билан алмаштиришга йўл қўйилмайди<sup>1</sup>.

Энгилрок турдаги жазо тайинлашда ЖКнинг 43-моддасида кўрсатилган асосий жазо турлари энгилдан оғирга қараб жойлаштирилган, яъни танланган энгилрок жазо тури модда санкциясида кўрсатилган жазо туридан юқори туриши мумкин. Давлат мажбурлов чорасини энгилрок, деб тан олиш учун жазонинг танланган тури, ЖКнинг 43-моддаси 1-қисмининг рўйхатида, ЖК Махсус қисми тегишли моддаси санкциясида назарда тутилган жазодан юқорида жойлашган бўлиши керак.

10. Энгилрок турдаги давлат мажбурлов чорасини тайинлашда, суд модда санкциясида танланган жазодан энгилрок ёки оғиррок жазо тури мавжудлиги билан боғлиқ эмас. Лекин модда санкцияси айнан танланган жазо турини белгиламаслиги, акс ҳолда, энгилрок турдаги жазо эмас, балки энг кам қисмидан ҳам камрок жазо тури тайинланиши лозим.

Энгилрок турдаги давлат мажбурлов чорасини қўллаш энгилрок жазо турини белгилашни ва ушбу жазо миқдори ёки муддатини ўзгартириш мақсадини кўзламайди. Танланган жазо миқдори ва муддати алмаштирилган жазо турининг муддати ва миқдоридан ошиқрок бўлиши мумкин, лекин ушбу ҳолат янги танланган давлат мажбурлов чорасини энгиллигига шубҳа уйғотмаслиги лозим. Суд томонидан икки

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сонли қарорининг 38-бандига мувофиқ, Жиноят кодексининг 57-моддасида белгиланган қоидага кўра, ушбу кодекс Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилмаган ҳар қандай энгилрок асосий жазо тури, жумладан, жарима, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат буйича чеклаш, озодликни чеклаш, интизомий қисмга жўнатиш каби жазолар ЖК 44–49-моддаларига рўй қилинган ҳолда тайинланиши мумкин.

йилга озодликдан махрум қилиш уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан, уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари базавий ҳисоблаш миқдорининг 600 бараваригача жарима билан алмаштирилиши мумкин<sup>1</sup>. Енгилроқ турдаги жазо тайинлашда айбдорнинг манфаатларидан ҳамда Жиноят кодексининг Умумий қисмидаги чекловлардан келиб чиқиш лозим. Масалан, енгилроқ жазо тури сифатида ахлоқ тузатиш ишлари «пенсия ёшига етганларга, меҳнатга қобилиятсизларга, ҳомиладор аёлларга, ёш боласини боқиш учун таътилда бўлган аёлларга ва ҳарбий хизматчиларга» нисбатан қўлланилмайди (*Жиноят кодексининг 46-моддаси 3-қисми*).

11. Қонунда енгилроқ жазо тайинлашнинг ўзига хос тури сифатида, **қўшимча жазони қўллагаслик белгиланган**.

Айбдорнинг жинойий ҳаракати квалификация қилинаётган модда бўйича қўшимча жазо қўллаш шарт бўлса, суд бундай жазони фақат Жиноят кодексининг 57-моддасида белгиланган ҳолатлар мавжуд бўлгандагина ва ҳукмда тегишли асослар келтириб, қўллагаслиги мумкин. Масалан, атроф табиий муҳитнинг ифлосланганлиги тўғрисидаги маълумотларни қасдан яшириш ёки бузиб кўрсатиш (194-модданинг иккинчи қисми), ҳокимият ёки мансаб ваколатини суистеъмол қилиш (205-модданинг иккинчи қисми), ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш (206-модданинг иккинчи қисми), мансабга совуққонлик билан қараш (207-модданинг учинчи қисми) ва бошқаларда муайян ҳуқуқдан махрум қилишни қўшимча жазо сифатида қўллаш шарт, деб кўрсатилган.

12. Алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, юқорида қайд этиб ўтилган енгилроқ жазо турларини (жазонинг энг кам

<sup>1</sup> Бундан, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2001 йил 1 июндаги «Жиноят ишларини қассация ва назорат тартибида кўриш амалиёти ҳақида»ги 5-сонли қарорининг 25-банди 1-хатбоииси қондалари таҳлили далолат бериб, унга мувофиқ, «қассация инстанцияси суди маҳкумга тайинланган жазони енгиллаштириш масаласини ҳал қила туриб, Жиноят-процессуал кодексининг 482-моддасига мувофиқ, нафақат жазони камайитириши, балки бошқа енгилроқ жазо турига алмаштириши ҳам мумкин. Бу ҳолатда қонун доирасида тайинланадиган енгилроқ жазонинг муддати ҳуқи бўйича тайинланган озодликдан махрум қилиш жазосининг муддатидан ортироқ бўлиши ҳам мумкин (масалан, бир йил озодликдан махрум қилинган шахсга суд уч йил ахлоқ тузатиш иши тайинлашга ҳақли)».

миқдоридан ҳам камроқ ёки енгилроқ турдаги жазони тайинлаш, қўшимча жазони қўлламаслик) тайинлаш ўзаро мустақил ва тенг аҳамиятга эга. Ушбу турлардан бирон-бирининг тайинланиши бошқа тури қўлланилишига ҳеч ҳам ҳалакит бермайди. Лекин бундай қўлланиш, танланадиган енгилроқ жазо тури моҳиятига боғлиқ. Яъни, жазонинг энг кам миқдоридан ҳам камроқ ёки енгилроқ турдаги жазони тайинлаш қўшимча жазони қўлламаслик билан уйғунлашиши мумкин, лекин жазонинг энг кам миқдоридан ҳам камроқ тайинланиши енгилроқ турдаги жазо тайинлаш билан уйғунлаша олмайди.

Қайд этиш лозимки, жазо енгилроқ турга алмаштирилган ҳолатларда қўшимча жазони қўлламаслик ёки қўллаш қандай жазо алмаштирилганлигига боғлиқ эмас. Хусусан, агарда суд Жиноят кодексининг 57-моддасига асосан озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўрнига бошқа, енгилроқ жазони тайинлаётган бўлса, бу «айбдорнинг ҳаракатлари квалификация қилинаётган қонун санкциясида назарда тутилган қўшимча жазоларни тайинлаш имкониятини истисно қилмайди»<sup>1</sup>.

13. Шарҳланаётган модда қондалари енгилроқ турдаги жазо тайинланишида ҳар бир жиноят учун алоҳида қўлланилади. Хусусан, шахс жиноят қонунининг турли моддаларида (моддаси қисмларида) кўзда тутилган бир неча жиноят содир этганлик учун судланаётган бўлса, ЖКнинг 57-моддаси жиноятлар жами бўйича тайинланган жазодан кейин эмас, балки алоҳида жиноятлар учун жазо тайинлаш пайтида қўлланилади<sup>2</sup>.

14. Енгилроқ жазо тайинланишида, муайян ишнинг жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги даражасини жиддий камайтирувчи ҳар бир ҳолати алоҳида ҳукмнинг тавсиф қисмида асослантирилади. Бундан ташқари, қонунда кўрсатилганидан ҳам енгилроқ жазо тайинлаш пайтида ҳукмнинг қарор қисмида тегишли модда (қисм, банд) бўйича Жиноят кодексининг

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сонли қарори, 39-банд, 4-хатбоши.

<sup>2</sup> Ўша манба, 39-банд, 3-хатбоши.





57-моддаси қўлланилиб, тайинланган қатъий жазо чорасини курсатиш кифоя бўлиб, уни қўллаш сабаблари ҳукмнинг баён – асослантириш қисмда курсатилиши керак.

---

**57<sup>1</sup>-модда. Айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганида жазо тайинлаш**

Ушбу Кодекс 55-моддаси биринчи қисмининг «а» ва «б» бандларида назарда тутилган жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлган ва ушбу Кодекс 56-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлмаган тақдирда жазо муддати ёки миқдори ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган энг кўп жазонинг учдан икки қисмидан ошмаслиги керак. Мазкур қоида жавобгарли кнн оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (97-модданинг иккинчи қисми) ва терроризм (155-модданинг учинчи қисми) билан боғлиқ жиноятларни содир этган шахсларга татбиқ этилмайди.

---

**Ш А Р Х**

---

1. **ЖКнинг 55-моддаси 1-қисмида санаб ўтилган жазони енгиллаштирувчи ҳолатларнинг мавжудлиги қилмиш ҳамда айбдор шахс ижтимоий хавфлилик даражасининг кам эканлигидан далолат беради ва шу билан бирга, судга енгилроқ жазо тайинлашга асос сифатида хизмат қилади.**

Давлат мажбурловининг аниқ меъёри суд томонидан енгиллаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда ҳар бир ҳолатда ишнинг барча материаллари асосида белгиланади. Жазони енгиллаштирувчи ҳолатларнинг мавжудлигида суд айбдорга енгилроқ жазони тайинлашга, яъни ЖК Махсус қисмининг санкциялари доирасида енгилроқ жазо тури танлашга (муқобил санкция) ёки унинг миқдорини камайтиришга (энг камигача) ҳақлидир.

Суд томонидан жазо тайинлашда ҳисобга олинадиган энгиллаштирувчи ҳолатлар қаторида айбни бўйнига олиш тўғрисида арз қилиш, амалда пушаймон бўлиш ёки жиноятни очиш учун фаол ёрдам бериш (ЖКнинг 55-моддаси 1-қисми «а» банди), етказилган зарарни ихтиёрий равишда бартараф қилиш (ЖК 55-моддаси 1-қисми «б» банди) каби энгиллаштирувчи ҳолатлар қонун чиқарувчи томонидан алоҳида ажратилади. *(ЖКнинг 55-моддаси шарҳига қаранг)*

2. Айбни бўйнига олиш тўғрисида арз қилиш, амалда пушаймон бўлиш ёки жиноятни очиш учун фаол ёрдам бериш (ЖКнинг 55-моддаси 1-қисми «а» банди), етказилган зарарни ихтиёрий равишда бартараф қилиш (ЖКнинг 55-моддаси 1-қисми «б» банди) каби энгиллаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлган ва ЖКнинг 56-моддасида қатъий рўйхати назарда тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлмаган тақдирда жазо ҳеч қандай шароитда тегишли моддада назарда тутилган жазонинг энг кўп доирасидан юқори бўлмаслиги лозимлигини инобатга олиш зарур.

Бошқача қилиб айтганда, юқорида қайд этилган жазони энгиллаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлган ва жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлмаган тақдирда жазонинг энг кўп муддати ёки миқдори жиноят қонуни томонидан чекланиши ҳамда мазкур муддат ёки миқдор ЖК Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган энг кўп жазонинг учдан икки қисмидан ошмаслигининг шартлиги белгиланиши инобатга олиниши керак.

3. **Шарҳланаётган модданинг талаблари** шахс битта ва бир неча жиноятни содир этишда айбдор, деб топилган ҳолатларга ҳам бирдек тааллуқли бўлади. Бу охириги ҳолатда жазонинг умумий муддати шахс жинойӣ жавобгарликка тортилган тегишли моддалар, модда қисмларининг санкцияларида назарда тутилган энг кўп муддатларини қўшишда ҳосил қилинадиган энг кўп жазо муддатидан ошиши мумкин эмас.

4. Шарҳланаётган моддада назарда тутилган қоидалардан келиб чиқиб, озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланганда айбдор шахсларга тайинланадиган озодликдан маҳрум этиш

жазосининг муддати 13 йил 4 ой – 20 йилнинг учдан икки қисмидан (агар улар битта жиноятни содир этишда ёки ЖКнинг 59-моддаси қоидаларига мувофиқ жами жазони тайинлашда бир неча жиноятни содир этишда айбдор, деб топилган бўлсалар) ва 16 йил 4 ой – 25 йилнинг учдан икки қисмидан (агар улар ЖКнинг 60-моддаси қоидаларига мувофиқ бир неча ҳукмлар юзасидан жазони тайинлашда бир неча жиноятни содир этишда айбланган бўлсалар) ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Шу билан бирга, мазкур қоида қуйидаги жиноятларни содир этган шахсларга татбиқ этилмайди:

а) жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда қасдан одам ўлдириш (ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми);

б) терроризм (ЖКнинг 155-моддаси 3-қисми).

---


### 57<sup>2</sup>-модда. Айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузилган жиноятлар бўйича жазо тайинлаш

Айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузилган жиноятлар бўйича тайинланадиган жазонинг муддати ёки миқдори ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддасида (қисмида) назарда тутилган энг кўп жазонинг ярмидан ошмаслиги керак.

---

## Ш А Р Х

---



1. Ўзбекистон Республикасининг ЖПК 586<sup>1</sup>-моддасига кўра, **айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув** – бу жиноят ишини юриштиши ўзига нисбатан қўйилган гумонга, айбловга рози бўлган, жиноятнинг очилишига фаол кўмаклашган ва келтирилган зарарни бартараф этган гумон қилинувчининг ёки айбланувчининг илтимосномасига асосан назорат қилувчи прокурор билан ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган ва оғир жиноятлар бўйича тузиладиган келишувдир.

**2. Айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув қуйидаги шартлар мавжуд бўлган тақдирда тузилади:**

1) гумон қилинувчи, айбланувчи ўз ҳаракатларининг моҳиятини, шунингдек ўзи берган илтимосноманинг оқибатини англаб етган бўлса;

2) илтимоснома ихтиёрий равишда ва ишда иштирок этаётган ҳимоячи билан маслаҳатлашувлар ўтказилганидан кейин берилган бўлса;

3) гумон қилинувчи, айбланувчи суриштирув ёки тергов органи томонидан қўйилган гумонни ёхуд айбловни, иш бўйича мавжуд бўлган далилларни, шунингдек етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини инкор этмаса ҳамда уни бартараф этган бўлса.

**Айбига иқрорлик тўғрисидаги келишув қуйидаги ҳолларда тузилиши мумкин эмас, агар:**

1) ЖПКнинг 61-бобида белгиланган тартибда тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш учун асослар мавжуд бўлса;

2) шахс томонидан бир нечта жиноят содир этилган бўлиб, улардан лоақал биттаси ушбу моддада белгиланган талабларга тўғри келмаса (ЖПК 586<sup>1</sup>-модда 2-қисм).

**3. Гумон қилинувчи, айбланувчи айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузиш ҳақидаги илтимосномани суриштирувнинг ва дастлабки терговнинг исталган босқичида бериши мумкин.**

Келишув тузиш ҳақидаги илтимоснома гумон қилинувчи, айбланувчи, унинг ҳимоячиси ва, агар ишда қатнашаётган бўлса, қонуний вакили томонидан имзоланган бўлиши лозим.

Илтимосномада гумон қилинувчи, айбланувчи суриштирув ва дастлабки терговда қўйилган гумонни ёки айбловни тан олиши, далилларни инкор қилмаслиги, жиноятни тергов қилишга қўмаклашиши, жиноят натижасида олинган мол-мулкнинг топиллиши учун қайси ҳаракатларни амалга ошириш шартлигини, жиноятга алоқадор бошқа ахборотни тақдим этишга доир мажбуриятларини ҳамда жиноят оқибатида етказилган зарар бартараф этилганлигини кўрсатади.

Келишув тузиш ҳақидаги илтимосномада гумон қилинувчи, айбланувчи томонидан бажариладиган ва жиноятни фош этиш

учун кўмаклашадиган муайян ҳаракатлар ҳам кўрсатилиши мумкин.

**4. Прокурор келишув тузиш ҳақидаги илтимосномани кўриб чиқаётганда:**

1) жиноят иши материалларини ва тақдим қилинган ёки талаб қилиб олинган қўшимча материалларни ўрғанади, келишув тузишнинг асосларини текширади, шунингдек гумон қилинувчининг, айбланувчининг келишув предмети бўлган ҳаракатларни амалга ошириш имкониятларини баҳолайди;

2) гумон қилинувчи, айбланувчи айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувнинг барча шартлари билан танишган-танишмаганлигини, илтимосномани ихтиёрий равишда ва ўз хоҳиши билан, шунингдек ҳимоячи билан муҳокама қилганидан кейин берган-бермаганлигини, унга нисбатан бирон-бир тазйик ёки мажбурлов ўтказилган-ўтказилмаганлигини, тузилаётган келишувнинг моҳиятини тушунган-тушунмаганлигини аниқлайди.

**5. Айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувда қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:**

келишув тузилган сана ва жой;

келишув тузаётган прокурор тўғрисидаги маълумотлар;

келишув тузаётган гумон қилинувчининг, айбланувчининг фамилияси, исми ва отасининг исми, бошқа маълумотлари, ҳимоячи ҳақидаги маълумотлар;

жиноят содир этилган жой ва вақтнинг, шунингдек исботланиши лозим бўлган бошқа ҳолатларнинг тавсифи;

Жиноят кодексининг мазкур жиноят учун жавобгарликни назарда тутувчи моддаси, қисми, банди;

гумон қилинувчига, айбланувчига қўлланилиши мумкин бўлган жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар, айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузилган жиноятлар бўйича жазо тайинлаш тартиби;

содир этилган жиноятни фош этиш, жиноят иши бўйича далилларни тақдим этиш, жинойий йўл билан орттирилган мол-мулкни аниқлаш бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи келишув имзоланганидан кейин бажаришни ўз зиммасига оладиган ҳаракатлар;

ўтказилган зарарнинг миқдори ва унинг ўрни қопланиши;

ЖПК 586<sup>3</sup>-моддасининг бешинчи қисмида назарда тутилган шартларни бажармаганлик оқибатлари.

Агар иш бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи сифатида бир неча шахс жалб этилган бўлса, айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув ҳар бир гумон қилинувчи, айбланувчи билан алохида-алохида тузилади.

Келишув прокурор, гумон қилинувчи, айбланувчи, унинг ҳимоячиси томонидан имзоланади. Келишув имзолангунига қадар гумон қилинувчи, айбланувчи келишув тузиш масаласини ва унинг оқибатларини ҳимоячи билан холи қолиб ва махфий ҳолда муҳокама қилиш ҳуқуқига эга.

**6.** Айбга иқрорлик тўғрисида келишув имзоланганидан кейин иш бўйича тергов ва бошқа процессуал ҳаракатлар ўтказиш зарурати мавжуд бўлмаган тақдирда прокурор айблов ҳулосасини ёки айблов далолатномасини тасдиқлаб, ишни зудлик билан судга юборади.

Айбга иқрорлик тўғрисида келишув имзоланганидан кейин тергов ва бошқа процессуал ҳаракатлар ўтказиш зарурати мавжуд бўлган тақдирда, прокурор ишни суриштирув ёки тергов органига юборади.

Суриштирувчи, терговчи гумон қилинувчининг, айбланувчининг айбини тасдиқлаш учун етарли ҳажмда далилларни тўплайди.

Агар ишни судга қадар юритиш жараёнида жиноятнинг айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувда назарда тутилмаган бошқа ҳолатлари аниқланса, келишув ўз кучини йўқотади.

Бунда айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузишни истисно этадиган ҳолатлар аниқланган тақдирда, жиноят иши бўйича иш юритиш умумий тартибда олиб борилади.

Агар аниқланган ҳолатлар айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузишни истисно этмаса, келишув ЖПКнинг 586<sup>2</sup> – 586<sup>4</sup>-моддаларида назарда тутилган тартибда ва муддатларда қайта кўриб чиқилиши мумкин.

Гумон қилинувчининг ёки айбланувчининг айбини тасдиқлаш учун далиллар тўпланганидан кейин суриштирувчи, терговчи ишни прокурорга тақдим этади. Прокурор жиноят иши материалларини беш сутка ичида кўриб чиқиб, айблов

хулосасини ёки айблов далолатномасини тасдиқлаб, ишни айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув билан бирга судга юборади.

Агар иш бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи сифатида иштирок этиш учун бир неча шахс жалб қилинган бўлса ва уларнинг барчаси билан ҳам айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузилмаган бўлса, ўзи билан келишув тузилмаган гумон қилинувчиларга, айбланувчиларга тааллуқли материаллар ажратилади ва улар бўйича иш юритиш умумий қондаларга риоя этган ҳолда амалга оширилади, бу ҳақда келишувда кўрсатилади.

7. Айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувга доир ишлар ушбу моддада назарда тутилган ўзига хос хусусиятлар инobatга олинган ҳолда умумий тартибда, жиноят иши келишув билан бирга судга келиб тушган пайтдан эътиборан бир ойдан кечиктирмай кўриб чиқилади.

Суд мажлисида судланувчи, жабрланувчи (фуқаровий даъвогар), агар ишда иштирок этаётган бўлса, конуний вакил, химоячи, прокурор иштирок этади.

Суд мажлиси ўтказиладиган жой ва сана ҳақида лозим даражада хабардор қилинган жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) ёки унинг вакилининг келмаганлиги ишни кўриб чиқиш учун монелик қилмайди.

Айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувга оид ишлар бўйича суд муҳокамасида прокурор келишувнинг мазмунини ўқиб эшиттиради, судланувчининг суриштирув ҳамда дастлабки терговга қумаклашганлигини тасдиқлайди ва бу айнан нимада ифодаланганлигини тушунтиради.

Суд айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувга оид ишларни кўриб чиқиш чоғида:

келишувни тузишда гумон қилинувчининг, айбланувчининг процессуал ҳуқуқлари таъминланган-таъминланмаганлигини ва ЖПКнинг 586<sup>1</sup>-моддасида кўрсатилган талаблар бажарилган-бажарилмаганлигини;

келишувнинг гумон қилинувчи, айбланувчи томонидан ихтиёрий равишда тузилган-тузилмаганлигини;

гумон қилинувчи, айбланувчи келишувнинг моҳиятини, унинг шартларини тушунган-тушунмаганлигини, унинг оқибатларини англаб етган-етмаганлигини;

судланувчи келишувни қўллаб-қувватлаши ёки қўллаб-қувватланмаслигини;

гумон қилинувчи, айбланувчи етказилган зарарни бартараф этиш чораларини кўрган-кўрмаганлигини аниқлайди.

Суд судланувчи ва унинг ҳимоячисининг, прокурорнинг, шунингдек зарур ҳолларда, жабрланувчининг (фуқаровий даъвогарнинг) фикрини эшитади, шундан сўнг қарор қабул қилиш учун алоҳида хонага киради.

Суд мажлиси вақтида ЖПКнинг 90 – 92-моддаларида назарда тутилган қондаларга кўра баённома юритилади.

8. ЖПКнинг 586<sup>8</sup>-моддасига асосан, суд айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузиш ҳақидаги қарорни куриб чиқиб, қуйидаги қарорлардан бирини чиқаради:

1) келишувни тасдиқлаш тўғрисида;

2) келишувни тасдиқлашни рад этиш ва ишни прокурорга юбориш ҳақида.

Келишув тасдиқланган ҳолларда, суд айблов ҳукми чиқаради.

9. **Шарҳланаётган модданинг талаблари** айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузилган жиноятлар бўйича тайинланадиган жазонинг муддати ёки миқдори ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддасида (қисмида) назарда тутилган энг кўп жазонинг ярмидан ошмаслиги керак.

10. Шарҳланаётган моддада назарда тутилган қондалардан келиб чиқиб, озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланганда айбдор шахсларга тайинланадиган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддати 10 йил – 20 йилнинг ярми (агар улар битта жиноятни содир этишда ёки ЖКнинг 59-моддаси қондаларига мувофиқ жами жазони тайинлашда бир неча жиноятни содир этишда айбдор, деб топилган бўлсалар) ва 12 йил 6 ой – 25 йилнинг ярми (агар улар ЖКнинг 60-моддаси қондаларига мувофиқ бир неча ҳукмлар юзасидан жазони тайинлашда бир неча жиноятни содир этишда айбланган бўлсалар) ортиқ бўлиши мумкин эмас.





### 58-модда. Тамом бўлмаган ва иштирокчиликда содир этилган жиноятлар учун жазо тайинлаш

Суд тамом бўлмаган жиноят учун жазо тайинлашда жазо тайинлашнинг умумий асосларига амал қилган ҳолда жиноятнинг оғир-енгиллигини, жиноий ният амалга оширилишининг даражасини ва жиноятни охирига етказа олмаганлик сабабларини ҳам ҳисобга олади.

Жиноятга тайёргарлик кўрганлик ҳамда жиноят содир этишга суиқасд қилганлик учун жазонинг муддати ёки миқдори ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган энг кўп жазонинг тўртдан уч қисмидан ошмаслиги керак. Мазкур қоида:

а) ўта хавфли рецидивистларга, уюшган гуруҳ ёки жиноий уюшма аъзоларига нисбатан;

б) тинчлик ва хавфсизликка қарши тамом бўлмаган жиноятлар учун, шунингдек қуйидагилар билан:

жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш билан;

ун тўрт ёшга тулмаганлиги айбдорга аён бўлган жабрланувчининг номусига тегиш ёки унга нисбатан зўрлик ишлатиб, жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш билан;

ядровий, кимёвий, биологик ва бошқа турдаги оммавий қирғин қуролини, бундай қурол яратишда фойдаланиш мумкинлиги аён бўлган материалларни ҳамда ускуналарни, радиоактив материалларни контрабанда қилиш билан боғлиқ бўлган жиноятлар учун жазолар тайинлашда қўлланилмайди.

Тамом бўлмаган жиноятлар учун умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланиши мумкин эмас.

Иштирокчиликда содир этилган жиноят учун жазо тайинлашда суд ҳар қайси айбдорнинг жиноятда иштирок этганлик хусусияти ва даражасини ҳисобга олади. Ҳар қайси иштирокчининг шахсига тегишли бўлган енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар суд томонидан фақат шу иштирокчининг ўзига жазо тайинлашда ҳисобга олинади.

---

**Ш А Р Ҳ**

---

1. Тамом бўлмаган ва иштирокчиликда содир этилган жиноятлар учун жазо тайинлашда нафақат жазо тайинлашнинг умумий асосларига, балки, шархланаётган модда махсус қондаларига ҳам риоя қилиш лозим. Махсус қондаларни ҳисобга олишнинг асосий сабаби, ушбу ноқонуний тажовузларга жазо тайинлашда алоҳида ёндашувнинг ўзига хослигидир. Шундай қилиб, шархланаётган модда адолат ва инсонпарварлик принципларини ўз ичига олиб, жинойий жазо мақсадларини тўлақонли амалга оширишда кўмаклашади.

2. **Тамом бўлмаган жиноят** сифатида, фақат жиноятга тайёргарлик кўриш ва суиқасд қилиш тан олинishi лозим. Жиноят содир этишдан ихтиёрий равишда қайтиш, тамом бўлмаган ноқонуний тажовуз тури сифатида, жинойий жавобгарликка тортилмайди. *(Бу ҳақда ЖКнинг 25-моддасига берилган шарҳга қаранг)*

3. Тамом бўлмаган жиноят учун жазо тайинлашда, жазо тайинлашнинг умумий асосларидан ташқари, муайян жиноятнинг оғир-енгиллиги, жинойий ният амалга оширилишининг даражаси ва жиноятни охирига етказа олмаганлик сабаблари каби ҳолатларини ҳам ҳисобга олиш лозим. *(Ушбу ҳолатлар тушунчаси тўғрисида 25-моддага берилган шарҳга қаранг)*

4. Қонунда кўрсатилган ҳолатлар, судга жазо тайинлашда алоҳида ёндашувни таъминлаб, содир этилган қилмишни ижтимоий хавф даражасини ва айбдорнинг шахсини тўғри аниқлашга имконият беради. Ушбу ҳолатлар суд томонидан нафақат ўзаро, балки муайян иш ҳолатлари билан биргаликда ҳисобланиши лозим.

5. Таъкидлаб ўтиш жоизки, жазонинг оғирлиги жиноятнинг содир этилиш босқичлари билан мутаносиб бўлиши керак. Шунинг учун, жиноятга тайёргарлик кўриш, жиноят содир этишга суиқасд қилиш ва тугалланган жиноят учун бир меъёрда жазо чораси тайинланиши мумкин эмас.

Ҳеч қандай шароитда, тамом бўлмаган жиноят учун жазо тегишли модда санкциясидаги максимал доирадан юқори бўлмаслиги лозим. Хусусан, судлар қонун энг кўп бўлган муддатни ёки жиноятга тайёргарлик кўриш учун ва жиноят содир этишга суиқасд қилиш учун жазо миқдорининг чекланишини ва у (муддат, миқдор) ЖК Махсус қисмидаги тўғри келадиган моддасининг санкциясида назарда тутилган оғирроқ жазо тури миқдори ва муддатининг тўртдан уч қисмидан кўп бўлмаслиги кераклигининг белгиланишини эътиборга олишлари муҳим.

6. Шунда, **шарҳланаётган модданинг 2-қисмига** мувофиқ, мазкур қоида:

– ўта хавфли рецидивистларга, уюшган гуруҳ ёки жиний уюшма аъзоларига нисбатан;

– тинчлик ва хавфсизликка қарши тамом бўлмаган жиноятлар учун, шунингдек, қуйидагилар билан:

жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасдан одам ўлдириш билан;

ун тўрт ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган жабрланувчининг номусига тегиш ёки унга нисбатан зўрлик ишлатиб, жинсий эҳтиёжни райритабий усулда қондириш билан;

ядровий, кимёвий, биологик ва бошқа турдаги оммавий қиргин қуролини, бундай қурол яратишда фойдаланиш мумкинлиги аён бўлган материалларни ҳамда усқуналарни контрабанда қилиш билан боғлиқ бўлган жиноятлар учун жазолар тайинлашда қўлланилмайди.

7. Тамом бўлмаган жиноятлар учун умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўллаш қонунда тақиқланган<sup>1</sup>. Шундай қилиб, **шарҳланаётган модданинг учинчи қисмида** тамом бўлмаган жиноят учун умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаш мумкин эмаслиги кўрсатилган. Лекин, агар жиноятга суиқасд қилишдаги тажовуз орқали бошқа ижтимоий муносабатларга хавфли

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 14 ноябрдаги «Умрбод озодликдан маҳрум қилиш тарқасидаги жазони қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги 15-сонли қарори, 4-банд, 1-хатбоши.

оқибатлар етказилган бўлса, ушбу тажовуз алоҳида жиноят сифатида квалификация қилиниб, ЖКнинг 54-моддасига асосан жазо тайинланиши лозим. Масалан, бошқа шахснинг ҳаётига тажовуз вақтида шахсга оғир тан жароҳатлари етказилса, ушбу ҳолда содир этилган тугалланган жиноят сифатида ЖКнинг 104-моддаси билан 97-модда кўрсатилган жиноятга суиқасд сифатида квалификация қилиниб, жазо тайинланиши лозим. У ерда жиноятлар таркиби бўйича жазо тайинланади (ЖКнинг 59-моддаси) ва тамом бўлган жиноятлар учун жазо ЖКнинг 54-моддаси талаблари асосида ва жиноятни содир этишга суиқасд қилиш ЖКнинг 58-моддаси 1-қисми асосида тайинланади.

**8. Шарҳланаётган модда тўртинчи қисмида**, суд томонидан жиноятнинг иштирокчиликда содир этганликда айбдор, деб топилганларга нисбатан давлат мажбурлов чорасини танлашда жазо тайинлашнинг умумий тамойилларига қўшимча асослар ҳам келтирилган. Жиноят қонунига биноан, суд ушбу ҳолда ҳар бир айбдорнинг жиноят содир этишдаги иштироки хусусияти ва даражасини ҳисобга олиши лозим. Жазонинг максимал ва минимал доираси иштирокчилар содир этган қилмишлари учун жавобгарлик кўрсатилган Жиноят кодекси Махсус қисмининг моддаси санкцияси билан аниқланади. *(Бу ҳақда ЖКнинг 28 ва 30-моддаларига берилган шарҳга қаранг)*

9. Иштирокчиликда жиноят содир этган шахсларга нисбатан жазо чораси тайинлашда, улардан ҳар бирининг ижтимоий хавфли қилмишдаги иштироки даражаси аниқланиши, жиноятнинг ташкилотчилари ва бажарувчиларнинг айбдорлик даражасидан ёрдамчилар ва жиноятнинг бошқа иштирокчиларининг айбдорлик даражаси фарқланиши лозим.

10. Шарҳланаётган модданинг тўртинчи қисмига биноан, иштирокчининг шахсига тегишли енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар, фақат шу иштирокчига жазо тайинлашда ҳисобга олиниши лозим. Қонун тутган ўрнига кўра, ушбу ҳолатлар шахснинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини белгилайди, лекин содир этилган қилмишнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасига таъсир ўтказмайди. Енгиллаштирувчи

ва оғирлаштирувчи ҳолатларни аниқлашда Жиноят кодексининг 55 ва 56-моддаси талабларига риоя қилиш керак.

### **59-модда. Бир неча жиноят содир этганлик учун жазо тайинлаш**

Шахс Махсус қисмнинг турли моддаларида назарда тутилган икки ёки ундан ортиқ жиноятни содир этган бўлиб, улардан бирортаси учун ҳам судланган бўлмаса, суд ушбу Кодекснинг 54-моддасида назарда тутилган қондаларга мувофиқ ҳар қайси қилмиш учун жазо тайинлаб, сўнгра тайинланган енгилроқ жазони оғирроғи билан қоплаш ёхуд тайинланган жазоларни тўла ёки қисман қўшиш йўли билан жиноятлар мажмуи бўйича жазо тайинлайди.

Агар жиноятлар мажмуини фақат ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар ва унча оғир бўлмаган жиноятлар ташкил этса, унда тайинланган енгилроқ жазони оғирроғи билан қоплаш ёхуд тайинланган жазоларни тўла ёки қисман қўшиш йўли билан жазо узил-кесил тайинланади. Бунда узил-кесил тайинланган жазо содир этилган жиноятлардан энг оғири учун назарда тутилган энг кўп жазо муддатидан ёки меъёридан ортиқ бўлмаслиги лозим.

Агар жиноятлар мажмуини ташкил этувчи жиноятлардан лоақал биттаси оғир ёки ўта оғир жиноят бўлса, ушбу Кодекснинг Умумий қисмида шу жазо тури учун белгиланган доирада тайинланган жазоларни тўла ёки қисман қўшиш йўли билан жазо узил-кесил тайинланади.

Содир этилган жиноятлардан биттаси учун умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланганда енгилроқ турдаги жазони умрбод озодликдан маҳрум қилиш билан қоплаш орқали жазо узил-кесил тайинланади.

Содир этилган жиноятлардан биттаси учун узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланганда жазоларни тўла ёки қисман қўшиш ёхуд енгилроқ жазони оғирроғи билан қоплаш орқали жазо узил-кесил тайинланади.

Жиноятлар мажмуи бўйича ҳар хил турдаги жазоларни қўшиш йўли билан жазо тайинлашда ушбу Кодекснинг 61-моддасида назарда тутилган қоидаларга амал қилиниб, жазонинг оғирроқ тури узил-кесил тайинланади.

Жиноятлар мажмуи бўйича тайинланган асосий жазога суд айрим жиноятлар учун тайинланган қўшимча жазоларни ҳам қўшиши мумкин. Бунда муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тариқасидаги қўшимча жазонинг узил-кесил тайинланган муддати ушбу Кодекснинг 45-моддасида назарда тутилган энг кўп муддатдан ортиқ бўлмаслиги лозим.

Агар иш бўйича ҳукм чиқарилганидан кейин маҳкумнинг ана шу иш бўйича чиқарилган ҳукмга қадар содир этилган яна бошқа жиноятда айбли эканлиги аниқланса ҳам жазо ўша тартибда тайинланади. Бундай ҳолда жиноятлар мажмуи бўйича суд томонидан тайинланган жазо муддатига биринчи ҳукм юзасидан жазонинг ўталган қисми қўшиб ҳисобланади.

---

## Ш А Р Ҳ

---

1. Шахснинг икки ёки ундан ортиқ жиноятни содир этиши, унинг ижтимоий ахлоқи бузуклиги барқарорлигини, яъни унинг шахси ижтимоий ҳавф даражаси юқорилигини билдиради. Ушбу ҳолатлар алоҳида ёндашувда жазо тайинлашда ҳисобга олинishi лозим. Лекин юқорида кўрсатилган жазо тайинлашнинг қоидалари жазо тайинлашда алоҳида ёндашув ва Жиноят кодексидаги принциплардан, жумладан, жавобгарликнинг муқаррарлигини тулиқ таъминлай олмайди. Шарҳланаётган модда ушбу масалаларни ечишга хизмат қилади.

2. Шарҳланаётган модда фақат жиноятлар мажмуи бўйича жазо тайинлашда қўлланилади. **Шарҳланаётган модда биринчи қисмининг** тўғридан-тўғри шарҳидан келиб чиқиб, унинг қоидалари судланган шахс томонидан ЖК Махсус қисмининг турли моддаларида назарда тутилган икки ёки ундан ортиқ жиноят содир этилган ҳолатларга қўлланилиши мумкин, агарда ушбу жиноятлардан бирортаси учун ҳам шахс судланган бўлмаса. Бунинг орасида ЖКнинг

33-моддаси 1-қисмига мувофиқ, ЖК Махсус қисмининг турли моддаларида ёки битта моддасининг турли қисмларида назарда тутилган, жавобгарликка тортиладиган икки ёки бир неча жиноий қилмишни содир этиш, агарда улардан бирортаси учун ҳам шахс судланган бўлмаса, жиноятлар мажмуи, деб топилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг курсатмаларига мувофиқ, ЖКнинг 59-моддасида белгиланган жиноятлар мажмуи бўйича жазо тайинлаш қоидалари қуйидаги ҳолларда қўлланилади:

қилмиш Жиноят кодексининг турли моддалари бўйича квалификация қилинганда;

қилмиш Жиноят кодекси муайян моддасининг бир неча қисмлари билан квалификация қилинганда, башарти ушбу қисмлар турли жиноятлар учун жавобгарликни назарда тутса (масалан, ЖКнинг 228, 248, 273-моддалари);

шахс бир неча айнан ўхшаш қилмишни содир этган бўлиб, улардан айримлари тугалланган жиноят, бошқалари эса жиноятга тайёргарлик, суиқасд тариқасида квалификация қилинганда ёки айримлари мустақил, бошқалари эса иштирокчиликда содир этилганда;

иш бўйича ҳукм чиқарилганидан кейин маҳкумнинг биринчи иш бўйича чиқарилган ҳукмгача яна бошқа жиноятда айбдорлиги аниқланганда;

шахс Жиноят кодекси Махсус қисми айнан бир моддасининг турли қисмларида назарда тутилган ўхшаш қилмишни содир этганликда айбдор деб топилганда жазо шу модданинг оғирроқ жазо белгиланган қисми бўйича тайинланади (ЖК 33-моддаси)<sup>1</sup>. Масалан, ўта хавфли рецидивист томонидан транспорт воситасини ўғирлаш (ЖКнинг 267-моддаси 2-қисми «а» банди) ва буни зўрлаш билан содир этиш (ЖКнинг 267-моддаси 3-қисми «в» банди) ҳолларида жазо ЖКнинг 267-моддаси 3-қисми бўйича тайинланиши керак, чунки у оғирроқ жазони назарда тутаяди.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сонли қарори. 49-банд.



Шунда судлар жиноятлар мажмуини тан олишга тўсқинлик қилаётган ҳолатларнинг йўқлигини аниқлаши лозим. Хусусан, жавобгарликдан озод қилувчи ҳолатлар бўлмаслиги керак, масалан, жавобгарликка тортиш муддатларининг ўтиб кетганлиги, амнистия қўлланилиши, жабрланувчи билан ярашиш.

Айбдор томонидан давомли ёки узоққа чўзилган жиноят содир этилиши жиноятлар мажмуи сифатида тан олинмайди. *(ЖКнинг 32-моддаси шарҳига қаранг)*

4. Жазо тайинлашнинг умумий асосларига кўра, жиноятлар мажмуи учун жазо белгилашда суд даставвал ҳар бир жиноятга алоҳида жазо тайинлайди. Шу билан бирга, ҳар бир қилмишга ҳуқуқий баҳо бериш ва давлат мажбурлов чорасини танлаш нафақат муайян жиноятнинг ҳолатларидан, балки қилмишнинг жиноятлар мажмуида тутган ўрnidан келиб чиқиши керак. Жумладан, иккинчи ва ундан кейинги жиноятларнинг содир этилишини жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида ҳисоблаш лозим.

Агар қўшимча жазони қўллаш шарт бўлиб ва Жиноят кодексининг 57-моддасида кўрсатилган ҳолатлар мавжуд бўлмаса, ҳар бир алоҳида жиноят учун жазо тайинлашда, суд нафақат асосий, балки қўшимча жазо тури ва миқдорини кўрсатиши лозим<sup>1</sup>. Бу қонда қонунда тайинланиши шарт, деб кўрсатилмаган қўшимча жазо тайинлашга тегишли ҳамда улар жиноятлар мажмуида эмас, балки алоҳида аниқ жиноятга тегишли ҳолда қўлланилиши шарт.

5. Жиноятлар жамига кирадиган ҳар бир жиноят учун алоҳида жазо тайинлаш қонун талаби, судлар томонидан жиноят мажмуининг қандай турилигидан қатъи назар бажарилиши шарт, яъни идеал ёки реал жиноятлар жами бўладими ушбу талаб бажарилиши керак. Қонунда бу ҳақда ҳеч қандай чекловлар назарда тутилмаган. *(Идеал ва реал жиноятлар жами ҳақида батафсилроқ ЖКнинг 33-моддаси шарҳига қаранг)*

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сонли қарори, 50-банд.





6. Суд ҳар бир жиноят учун алоҳида жазо тайинлаб, сунгра жиноятлар мажмуиға кирган қилмишларни оғирлик даражасига кўра, енгилроқ жазони оғирроғи билан қоплаш (қоплаш принципи) ёки тайинланган жазоларни тўла ёки қисман қўшиш (қўшиш принципи) йўли билан катъий жазо белгилайди.

7. Қайд этиш лозимки, бир неча жиноят содир этганлик учун жазо тайинлашда жиноятлар жамини ташкил қиладиган жиноятларнинг оғирлик даражасига қараб аниқланадиган жазонинг энг кўп доираларига катъий рия этиш керак.

8. **Енгилроқ жазонинг оғирроғи билан қопланиши** деганда, суд ҳукмда жиноятлар мажмуи учун катъий жазо тайинлашда ушбу жиноятларнинг энг оғири учун тайинланадиган жазо миқдори ва муддатидан келиб чиқади. Бунда жиноятлар жами таркибидаги бошка, енгилроқ жиноятлар учун жазолар узил-кесил жазо чорасига таъсир қилмайди ва суд томонидан инобатга олинмайди. Қонунда кўрсатилган энг оғир жиноят учун жазонинг энг кўп муддати ёки миқдори ҳар бир алоҳида ҳолатда аниқ жиноят учун Жиноят кодекси Махсус қисми тегишли моддасида белгиланган жазонинг миқдори ёки муддатидан келиб чиқиб белгиланади. Ушбу ҳолатда суд мазкур жиноят учун ЖКнинг 54-моддасига мувофиқ алоҳида тайинлаган жазонинг муддати ёки миқдори билан боғланмаган.

Шунга алоҳида эътибор бериш лозимки, содир этилган жиноятлар мажмуи катта ижтимоий хавф туғдирмаса ёки унча оғир бўлмаган ҳолларда жазони оғирроғи билан қоплаш принципи қўлланилади. Қолган ҳолларда тўла ёки қисман қўшиш принципи қўлланилади. Жиноятнинг оғирлик даражасини аниқлашда, ЖКнинг 15-моддасида кўрсатилган жиноятлар классификациясидан фойдаланиш лозим.

Масалан, агарда шахс киссавурлик ва фаолият билан лицензиясиз шуғулланишда айбдор, деб топилган бўлса, узил-кесил жазо чораси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисмида белгиланган муддат ёки миқдордан кўп бўлмаслиги лозим, чунки ушбу модда мазкур жиноятлар жамидаги энг оғир жиноят учун жавобгарликни назарда тутди. Бунда киссавурлик содир этганлик учун суд фаолият билан лицензиясиз шуғулланиш

учун жазога қараганда енгилроқ жазо тайилаши мумкин, бироқ узил-кесил жазо чораси Жиноят кодексининг 169-моддаси 2-қисми санкциясидангина келиб чиқиб, белгиланиши зарур.

9. **Шарҳланаётган модданинг 3-қисмига** мувофиқ, агар жиноятлар мажмуини ташкил этувчи жиноятлардан лоақал биттаси оғир ёки ўта оғир жиноят бўлса, ушбу Кодекснинг Умумий қисмида шу жазо тури учун белгиланган доирада тайинланган жазоларни тўла ёки қисман қўшиш йўли билан жазо узил-кесил тайинланади. Шундай қилиб, жиноятлар жамини ташкил қилувчи жиноятларнинг бирортаси ҳам оғир ёки ўта оғир бўлса, узил-кесил жазонинг энг кўп доираси тегишли жазо чорасини тартибга солувчи Умумий қисмининг моддалари қоидаларига мувофиқ белгиланади. Бунда суд Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддаси санкциясида кўрсатилган жазонинг энг кўп миқдори билан боғланмаган.

**Жазоларни тўла қўшиш** деганда, жиноятлар мажмуидаги ҳар бир жиноят учун тайинланган алоҳида жазоларни тўлиқ қўшиш тушунилади.

**Жазоларни қисман қўшиш** деганда, икки ёки ундан ортиқ жиноятлар жами бўйича жазо белгилашда суд муайян жиноят учун тайинланган жазоларни лоақал қисман қўшишга мажбурлиги тўғрисидаги қоида назарда тутилади. Бунда жазо турларининг енгил-оғирлиги даражаси Жиноят кодексининг 43-моддаси 1-қисмида кўрсатилган кетма-кетлик билан белгиланиши эътиборга олинаши лозим.

Жиноятлар жами учун узил-кесил жазо тайинлашда судланувчи шахсининг ижтимоий хавфлилиги ва содир этилган қилмишнинг умумий характеристикасидан келиб чиқиб, жазоларни қисман қўшиш қоидасини қўллаш мақсадга мувофиқдир.

10. Таъкидлаб ўтиш жоизки, шарҳланаётган модда содир этилган жиноятларнинг биттаси умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган ҳолларда жиноят қонуни қатъий жазони тайинлаш тўғрисидаги қўшимча кўрсатмаларни беради. Аниқроғи, **шарҳланаётган модданинг тўртинчи қисмига**

мувофик, содир этилган жиноятлардан биттаси учун умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланганда энгилроқ турдаги жазони умрбод озодликдан маҳрум қилиш билан қоплаш орқали жазо узил-кесил тайинланади.

**Шарҳланаётган модданинг бешинчи қисмига** кўра, «содир этилган жиноятлардан биттаси учун узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланганда жазоларни тўла ёки қисман қўшиш ёхуд энгилроқ жазони оғирроғи билан қоплаш орқали жазо узил-кесил тайинланади».

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қуйидагича кўрсатма беради: «Агар жиноятлар мажмуига кирувчи ЖКнинг 97-моддаси иккинчи қисми ёки 155-моддаси учинчи қисмида назарда тутилган жиноятлардан бирортаси бўйича ҳам узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланмаган бўлса, узил-кесил жазо жазолар тўла ёки қисман қўшилганда ҳам, энгилроқ жазо оғирроғи билан қопланган ҳолда ҳам озодликдан маҳрум қилиш жазоси муддати йигирма йилдан ошмаслиги керак»<sup>1</sup>.

Бу қоидалар жиноятлар тамом бўлмаган ҳамда бир иш бўйича ҳукм чиқаришдан олдин судланган бошқа жиноятда айбдорлиги топилган ҳолларга тегишли.

Олий суд инстанцияси яна шуни изоҳлайдики, шахс конунда умрбод озодликдан маҳрум қилиш ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган бир неча жиноят содир этган бўлиб, улардан айримлари у вояга етмаган, бошқалари вояга етган ёшда содир этилган бўлса, вояга етмаган ёшда содир этилган жиноятлар учун жазо ЖКнинг 82–86-моддалари қоидалари бўйича, вояга етган ёшда содир этилган жиноятлар учун ЖКнинг 59-моддаси тўртинчи ва бешинчи қисмлари қоидалари бўйича тайинланади<sup>2</sup>.

11. Жазоларни тўла ёки қисман қўшиш қондаси ҳар хил жиноят учун ҳар хил жазо тайинланган ҳолларда ҳам қўлланилади. **Шарҳланаётган модданинг олтинчи қис-**

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 14 ноябрдаги «Умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги 15-сонли қарори, 5-банд, 2-хатбоши.

<sup>2</sup> Ўша манба, 6-банд.

мига мувофик, жиноятлар мажмуи бўйича ҳар хил турдаги жазоларни қўшиш йўли билан жазо тайинлашда ЖКнинг 61-моддасида назарда тутилган қоидаларга амал қилиниб, жазонинг оғирроқ тури узил-кесил тайинланади.

Ахлоқ тузатиш ишлари ҳамда жарима жазоси турларини қўшишда ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Ахлоқ тузатиш иши жазосини тайинлашда унинг муддати, ушлаб қолинадиган миқдор фоизи олдин ҳар бир модда бўйича алоҳида-алоҳида, сўнгра уларнинг мажмуи бўйича курсатилади. Ушбу ҳолда қатъий жазога ушлаб қолишнинг энг кўп фоизли бўлган муддат олиниб, унга фоизи кам бўлган муддат қўшилади (белгиланган доираларга риоя қилган ҳолда). Жарима қўлланилган ҳолда, бир хил жазолар қўшилиб, озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, хизмат бўйича чеклаш, ахлоқ тузатиш ишларидан алоҳида ижро қилинади. Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси асосий жазо тури сифатида тайинланганда ҳам шундай йўл тўтилади (Жиноят кодекси 61-моддаси).

**12. Шарҳланаётган модданинг еттинчи қисмига** биноан, жиноятлар мажмуи бўйича тайинланган асосий жазога суд айрим жиноятлар учун тайинланган қўшимча жазоларни ҳам қўшиб тайинлаши мумкин. Олий суд Пленумининг тушунтиришларига кўра, икки ёки ундан ортиқ жиноятлар мажмуи бўйича қўшимча жазо белгилашда, агар алоҳида жиноятлар учун тайинланган жазо бир турга мансуб бўлса, суд ушбу қўшимча жазо тури учун белгиланган максимал муддат доирасида уларнинг енгилроғини оғирроғи билан қоплаш ёки уларни тўла ёки қисман қўшиш қоидаси бўйича узил-кесил жазо тайинлайди<sup>1</sup>.

Шундай қилиб, олий суд инстанцияси тушунтиришларига кўра, қўшиш фақатгина бир турдаги қўшимча жазоларга нисбатан қўлланилиши мумкин. Агар жиноятлар ёки ҳукмлар мажмуига кирувчи жиноятлар учун тайинланган қўшимча жазо турлича бўлса, улар алоҳида ижро этилади<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сонли қарори. 52-банд, 1-хатбоши.

<sup>2</sup> Ўша манба, 52-банд, 2-хатбоши.

13. Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жиноятлар мажмуидаги бир жиноят учун асосий жазо, иккинчисида қўшимча жазо сифатида тайинланган ҳолларига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Узил-кесил жазо тайинлашда, ушбу жазолардан бири асосий, иккинчиси қўшимча бўлишидан қатъи назар, тўла ёки қисман қўшилади. Ушбу ҳолда, максимал доира асосий жазо тури сифатида, Жиноят кодекси Умумий қисмининг қоидаларига кўра аниқланади (5 йил).

Лекин, ушбу қонда фақат айбдорга бир хил ҳуқуқдан, яъни бир хил лавозим ёки бир хил фаолият билан шуғулланишдан маҳрум қилинганида қўлланилади. Бошқа ҳолатда асосий ва қўшимча жазоларни муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш сифатида қўшиш мумкин эмас ва улар алоҳида ижро этилиши шарт<sup>1</sup>. Бунда Жиноят кодексининг Умумий қисмига кўра, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилишнинг максимал доираси асосий жазо тури сифатида 5 йил, қўшимча жазо сифатида 3 йил муддатга белгиланади.

14. Шунинг қайд этиб ўтиш керакки, судланувчига озодликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазо тайинланганда жазони ижро этиш колонияси тури жиноятлар мажмуи бўйича узил-кесил жазо белгиланганидан кейингина тайинланади. Шартли ҳукм қилиш масаласи ҳам шу тартибда ҳал қилинади.

15. Судлар жиноятлар мажмуи учун жазо тайинлашда, ҳукмнинг қарор қисмида ҳар бир жиноят учун тайинланган жазо Жиноят кодекси Махсус қисмининг моддаси билан кўрсатилиши лозим. Узил-кесил жазо тайинлашда шарҳланаётган моддадан ташқари, тайинланаётган асосий ва қўшимча жазоларни тайинлашни белгилайдиган моддалар кўрсатилиши етарлидир. Махсус қисм моддалари кўрсатилиши шарт эмас.

16. Агар иш бўйича ҳукм чиқарилганидан кейин маҳкумнинг ана шу иш бўйича чиқарилган ҳукмга қадар содир этилган яна бошқа жиноятда айбли эканлиги аниқланган ҳолларда жазо тайинлашнинг махсус тартиби шарҳланаётган модданинг саккизинчи қисми билан белгиланади. Шундай

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сонли қарори, 52-банд, 2-хатбоши.

қилиб, ЖКнинг 59-моддаси қоидалари биринчи иш бўйича ҳукм чиқарилмаганидан олдин жиноят содир этилган ҳоллардагина қўлланилади. Ақс ҳолда, агар тажовуз ҳукм чиқарилиб бўлганидан кейин ва бу ҳукм қонуний кучга киргунига қадар содир этилган бўлса, ЖКнинг 60-моддасининг қоидалари қўлланилади.

17. Биринчи ҳукм чиқарилгунга қадар содир этилган жиноятни мажмуадаги аввал кўрилган бошқа жиноятлар билан алоқасини аниқлаш лозим. Агарда ушбу жиноят қарор қилинган ҳукмдаги қилмишлар квалификациясига жиддий таъсир ўтказса, ушбу ҳукм янги очилган ҳолатлар бўйича бекор қилинади (ЖПКнинг 522-моддаси 4-банди) ва барча жиноятлар бўйича иш умумий тартибда, шарҳланаётган модда қоидалари қўлланилган ҳолда қайта кўрилади. Ушбу ҳолда, муҳим ҳолатлар сифатида айбдор томонидан содир этилган қилмишларида суд томонидан ҳисобга олинмаган энгиллаштирувчи ёхуд оғирлаштирувчи ҳолатлар, жиноят таркибларининг муҳим ва конструктив хусусиятлари (масалан, қилмишнинг такрор содир этилганлиги) мавжудлиги тан олинмоғи лозим.

18. **Шарҳланаётган модданинг саккизинчи қисмига** мувофиқ, жазо тайинлашда суд ушбу модданинг умумий қоидаларидан келиб чиқиши керак. Бироқ, ҳукмда, қатъий жазо тайинлаш биринчи ҳукм бўйича тайинланган жазони тўла ёки қисман иккинчи ҳукмдаги жазо билан қўшиш йўли орқали аниқланади. Бунда шуни назарда тутиш лозимки, жиноятлар мажмуи учун шарҳланаётган модданинг саккизинчи қисми бўйича жазо тайинланганда узил-кесил жазо биринчи ҳукм бўйича тайинланган жазодан кам бўлиши мумкин эмас, чунки бундай ҳолларда, суд биринчи ҳукм бўйича тайинланган жазонинг ўталмаган қисмидан эмас, балки унинг тулиқ миқдоридан келиб чиқиши зарур<sup>1</sup>.

Агар биринчи ва кейинги ҳукм юзасидан турли хил жазо турлари тайинланган бўлса, бундай ҳолда жиноятлар бир вақтда

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сонли қарори, 53-банд, 1-хатбоши.

кўрилганда қўлланиладиган ва юқорида таҳлил қилинган ҳар хил жазо турларини қўшиш қоидалари ишлатилади.

19. Судлар шуни назарда тутишлари лозимки, шарҳланаётган модданинг саккизинчи қисми қоидаларига мувофиқ белгиланган узил-кесил жазони ўташ муддати охириги ҳукм чиқарилган кундан бошлаб ҳисобланади ҳамда тайинланган жазодан сўнгги иш бўйича судгача эҳтиёт чораси ёки ушлаб туриш тартибида қамоқда ўтирган вақт инobatга олинган ҳолда чегириб ташланади. Бундан ташқари, тайинланган узил-кесил жазо муддатини белгилашда биринчи ҳукм бўйича ўталган жазо ҳисобга олинади<sup>1</sup>. Ушбу ҳолда ҳукмда биринчи ҳукм бўйича қайси қисми ўталганлиги кўрсатилиши лозим. Масалан, биринчи ҳукм бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг 450 баравари миқдорида жарима тайинланган бўлиб, айбдор томонидан ушбу жариманинг базавий ҳисоблаш миқдорининг 350 баравари миқдоридаги қисми тўланган бўлса ва шахс бошқа жиноятда ҳам айбдор, деб топилса ва унга базавий ҳисоблаш миқдорининг 124 баравари миқдорида жарима жазоси тайинланса, бунда уларни тўла қўшишда умумий жазо миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг 574 баравари миқдорига тенг келади ( $450 + 124 = 574$ ). Суд аввал тўланган жарима миқдорини ҳисобга олиб, тайинланган жарима миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг 224 баравари миқдорига тенг келган бўлиши керак ( $574 - 350 = 224$ ).

20. Шартли ҳукм қилишда жазоларни қўшишга алоҳида эътибор қаратиш керак. Шундай қилиб, агар биринчи ҳукм бўйича шартли ҳукм қилиниб, иккинчиси бўйича бошқа реал жазо тайинланган бўлса, ушбу ҳолат шартли ҳукмнинг алмаштирилишига таъсир ўтказмайди, чунки конун талабларига кўра, шартли ҳукмнинг алмаштирилиши шахснинг синов муддатидаги хулқи билан аниқланади. Агар синов муддати даврида шартли ҳукмни бекор қилиб ҳукмда кўрсатилган жазо бажарилишини тақозо этадиган ҳолатлар мавжуд бўлмаса, ушбу жазо қатъий жазо тайинлашда

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тугрисида»ги 1-сонли қарори, 53-банд, 2-хатбоши.

ўталган, деб ҳисобланиши лозим. Масалан, биринчи ҳукм бўйича шахс 6 йилга озодликдан маҳрум қилиш жазосига 2 йил синов муддати билан шартли ҳукм қилинган бўлса ва ушбу ҳукм чиқарилгандан кейин шахс яна бошқа бир ҳукм чиқарилгунга қадар содир этган жиноятда айбли, деб топилиб, 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган бўлса, ҳукмлар жами юзасидан узил-кесил жазо муддати  $11 (5 + 6 = 11)$  йил. Лекин, агар синов муддати давомида шахс хулқи яхши бўлиб, белгиланган шартли ҳукм тартибини бузмаган бўлса, биринчи жазо тўлиқ, яъни 6 йил ўталган, деб тан олинади. Шунда ўталадиган жазо муддати  $5 (11 - 6 = 5)$  йилни ташкил этади. Агарда шахс томонидан белгиланган шартли ҳукм тартиби бузилган бўлса, жазонинг фақат амалда ўталган қисми ҳисобга олинади. Худди шундай равишда биринчи ҳукмдаги жазо ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш масаласи ҳал қилиниши керак.

21. Шунинг назарда тутиш лозимки, агар иш бўйича ҳукм чиқарилгандан кейин маҳкумнинг яна бошқа жиноятларда айбдорлиги аниқланиб, улардан айримлари биринчи ҳукм чиқарилгунга қадар, бошқалари эса, ҳукм чиқарилгандан сўнг содир этилган бўлса, иккинчи ҳукм бўйича жазо Жиноят кодекси ҳам шарҳланаётган моддасида, ҳам 60-моддасида белгиланган тартибга риоя этилган ҳолда тайинланади. Бунда, аввало, биринчи ҳукм чиқарилгунга қадар содир этилган жиноятлар жами бўйича, ундан кейин шарҳланаётган модданинг саккизинчи қисми қондасига асосан, сўнгра биринчи ҳукм чиқарилгандан кейин содир этилган жиноятлар жами бўйича ва нихоят, ҳукмлар жами бўйича жазолар белгиланади.

---

### **60-модда. Бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш**

Агар маҳкум ҳукм чиқарилганидан кейин жазони тўла ўтамай туриб, янги жиноят содир этса, суд янги ҳукм бўйича тайинланган жазо муддатига илгариги ҳукм юзасидан ўталмай қолган жазо муддатини тўла ёки қисман қўшади.



Бир неча ҳукм юзасидан ҳар хил турдаги жазоларни қўшиш йўли билан жазо тайинлашда ушбу Кодекснинг 61-моддасида назарда тутилган қоидаларга амал қилиниб, жазонинг оғирроқ тури узил-кесил тайинланади.

Агар ҳукмлардан бири билан умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланган бўлса, бир неча ҳукмлар юзасидан жазоларни қўшишда енгилроқ жазо турини умрбод озодликдан маҳрум қилиш билан қоплаш орқали жазо узил-кесил тайинланади.

Агар ҳукмлардан бири билан узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган бўлса, бир неча ҳукмлар юзасидан жазоларни қўшишда енгилроқ жазони оғирроғи билан қоплаш ёхуд жазоларни тўла ёки қисман қўшиш йўли билан жазо узил-кесил тайинланади.

Бир неча ҳукмлар юзасидан ахлоқ тузатиш ишларига ёки хизмат бўйича чеклашга ҳукм қилиниб, иш ҳақи ёки пул таъминотидан ушлаб қолишнинг ҳар хил миқдори белгиланган ҳолларда бу жазоларнинг фақат муддатлари қўшилади.

Илгариги ҳукм юзасидан ижро этилмай қолган қўшимча жазолар ҳукмлар жами тариқасида тайинланган асосий жазога қўшиб тайинланади.

---

### Ш А Р Х

---

1. Шахс томонидан жазо ўташ вақтида янги жиноят содир этилиши унинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси юқорилигини англатади. Бундан ташқари, бундай ҳолат қўлланилган давлат мажбурлов чораларининг жазо мақсадларига эришилмаганлигини кўрсатади. Буларнинг ҳаммаси бундай шахсга яхшироқ таъсир этадиган чораларни қўллаш заруриятини келтириб чиқаради.

2. Бир неча ҳукмлар юзасидан жазо тайинлаш қоидалари шахс муайян давр ичида жиноят содир этган ҳолларида, яъни ҳукм чиқарилиб, жазо тўлиқ ўталмаган пайтда қўлланилади. Агар бир жинояти учун ҳукм чиқарилганидан кейин шахс жазони ўташ муддати давомида яна жиноят содир этса, маҳкумга бир неча ҳукмлар юзасидан жазо тайинланади.

Шарҳланаётган модданинг 1-қисмига мувофиқ, агар маҳкум ҳукм чиқарилганидан кейин жазони тўла ўтамай туриб, янги жиноят содир этса, суд янги ҳукм бўйича тайинланган жазо муддатига илгариги ҳукм юзасидан ўталмай қолган жазо муддатини тўла ёки қисман қўшади. Бунда ҳукм чиқарилган пайт деб, унинг қонуний кучга кирган пайтини эмас, балки уни эълон қилиш пайти тан олинади, чунки ҳукм чиқарилиши унинг оммавий эълон қилиниши билан якунланади.

Шарҳланаётган модда қўлланилишига тўсик бўладиган ҳолат, бу аввал тайинланган асосий ва қўшимча жазонинг тўлиқ ўталганлигидир<sup>1</sup>. Бундай ҳолда жазони ижро этишнинг тугалланиши тайинланган жазоларнинг энг узунидан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Масалан, судланганга нисбатан бирон-бир асосий жазо ва ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш тариқасидаги қўшимча жазо тайинланган бўлса, бу ҳолда асосий жазонинг ўталган вақти жазо ўталганлигини англатади. Лекин, агар муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш қўшимча жазоси қўлланилган бўлса, бу ҳолда қўшимча жазонинг ўталиб бўлинган вақти жазо ўталганлигини англатади. Хусусан, жиноят қонунига мувофиқ, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазо турининг ижро этилиши жарима, ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш асосий жазо турлари ижро этилган пайтларда амалга оширилади, бунинг устига ҳукм билан ўрнатилган муддатда. Таъкидлаш жоизки, шарҳланаётган модда қўлланилишига шахсни судланганлик ҳолати ҳеч қандай таъсир ўтказмайди, чунки у асосийси жазо ўталганлик вақтидир. Судланганлик эса, жиноят содир этилишининг ҳуқуқий оқибати сифатида ушбу ҳолда ҳисобга олинмайди.

3. Ҳукм чиқарилган вақтдан бошлаб тайинланган жазони ўтаб бўлгунгача даврдаги содир этилган жиноят деб, ушбу вақтда тугалланган, субъектив томондан (қасддан ёки эҳтиётсизлик оқибатида) ҳамда объектив томондан (қачон бошланганидан) қатъи назар, ноқонуний тажовуз,

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томондан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сонли қарори, 54-банд.

деб тушунилади. Бир жинояти учун судланиб, ҳукм чиққан, лекин ҳукм бўйича жазони ўтамаган шахс биринчи ҳукм чиққунга қадар бошланиб, ҳукм чиққандан сўнг ҳам давом этган узоққа қўзилган ва давомли жиноят содир этишда айбдор, деб топилса, иккинчи ҳукм бўйича унга жазо тайинлашда суд Жиноят кодекси 60-моддаси қоидаларига риоя этиши лозим<sup>1</sup>.

4. Ҳукм чиқарилган вақтдан бошлаб тайинланган жазони ўтаб бўлгунгача бўлган даврда содир этилган жиноят учун жазо тайинлашда жазо тайинлашнинг умумий асослари, айбдорнинг шахси, айбидаги енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиш лозим. Шундай қилиб, ушбу жиноят учун тайинланган давлат мажбурият чорасига алоҳида ёндашувни таъминлаш лозим бўлади. Бундан ташқари, жазо тайинлашда шахс томонидан жиноят аввал тайинланган жазо ўташ даврида содир этилганлигини ҳисобга олиш лозим.

5. Жазо тури ва миқдорини янги ҳукм бўйича илгариги ҳукм юзасидан ўталмай қолган жазо муддатига тўлиқ ёки қисман қўшиш йўли билан қатъий жазо тайинлайди. Эътиборли жиҳат шундаки, янги содир этилган жиноят учун тайинланган жазо тўлиқ ҳисобга олиниши лозим, акс ҳолда ҳукмнинг бекор қилинишига сабаб бўлиши мумкин.

Агар айбдор ҳукм эълон қилингандан кейин бир неча жиноятларни содир этган бўлса, суд аввал жиноятлар мажмуи тарикасида жазо тайинлаб, унга олдинги ҳукм бўйича ўталмай қолган жазони тўла ёки қисман қўшади.

6. Ҳукмлар мажмуи бўйича узил-кесил жазо тайинланиши янги жиноят учун жазога қўшиладиган ўталган жазонинг тўғри аниқланишига боғлиқ. Ҳукмлар мажмуи бўйича жазо тайинлаш ҳақидаги масала ҳал қилинаётганда олдинги ҳукм бўйича тайинланган асосий ва қўшимча жазонинг қанча қисми шахс томонидан реал ўталмаганлиги аниқланиши лозим<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сонли қарори, 58-банд, 2-хатбоши.

<sup>2</sup> Ўша манба, 56-банд, 1-хатбоши.

**Жазо қуйидаги ҳолларда ўталмаган, деб ҳисобланади:**

– илгариги ҳукм бўйича тайинланган, янги жиноят бўйича ҳукмнинг эълон қилинишидан олдин ўтаб бўлинган жазодан ташқари жазо, яъни янги ҳукм эълон қилингунга қадар ўталмаган жазо. Янги жиноят озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаётган шахс томонидан содир этилганда, жазонинг ўталмаган қисми деб янги жиноят учун қамоқда сақлаб туриш сифатида эҳтиёт чораси танланганидан сўнг қолган муддатни ҳисоблаш лозим. Агар бундай эҳтиёт чораси танланмаган бўлса, жазонинг ўталмаган қисми муддати охириги ҳукм чиқарилган вақтдан бошлаб ҳисобланади<sup>1</sup>. Шу вақтнинг ўзида тезкор хусусиятли жазонинг ўталмаган қисмини аниқлашда ахлоқ тузатиш ишларига маъмурий қамоқ муддати ҳамда жазони ижро этишдан қочиб юрган вақти каби жазолар ижро этилишидаги муддати ҳисобга олинмайди;

– жазони ўташ муддатидан илгари шартли равишда озод этилганда – жазонинг маҳкум томонидан ўталмай қолган қисми;

– ЖКнинг 72-моддасида кўрсатилган тартибда шартли ҳукм қилинганда – ҳукмнинг бутун муддати;

– ЖПКнинг 533-моддаси тартибида ижроси кечиктирилган жазо муддати<sup>2</sup>.

7. Бир неча ҳукм юзасидан узил-кесил жазо турини белгилаш, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясидаги жазонинг максимал доираси билан боғлиқ эмас. Лекин, Жиноят кодексининг Умумий қисмида ушбу жазо тури учун белгиланган доирадан чиқиб бўлмайди. Судлар шуни ҳисобга олишлари керакки, ҳукмлар мажмуи бўйича белгиланган жазо янги жиноят учун белгиланган жазо муддатидан ҳам, илгариги ҳукм бўйича белгиланган жазонинг ўталмаган қисмидан ҳам кўпроқ бўлиши керак.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сонли қарори, 57-банд, 3-хатбоши.

<sup>2</sup> Уша манба, 56-банд.

Бунда озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги узил-кесил жазо муддати йигирма беш йилдан, вояга етмаганлар, олтмиш ёшдан ошган эркаклар ҳамда аёлларга нисбатан эса, ун беш йилдан ортиқ бўлиши мумкин эмас<sup>1</sup>.

8. Бир неча ҳукмлар юзасидан умрбод озодликдан маҳрум қилиш ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини **тайинлашда шарҳланаётган модданинг 3 ва 4-қисми** қоидаларига риоя қилиш керак. Хусусан, **шарҳланаётган модданинг 3-қисмига** мувофиқ, агар ҳукмлардан бири билан умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланган бўлса, бир неча ҳукмлар юзасидан жазоларни қўшишда энгилроқ жазо турини умрбод озодликдан маҳрум қилиш билан қоплаш орқали жазо узил-кесил тайинланади.

**Шарҳланаётган модданинг 4-қисмига** асосан эса, агар ҳукмлардан бири билан узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган бўлса, бир неча ҳукмлар юзасидан жазоларни қўшишда энгилроқ жазони оғирроғи билан қоплаш ёхуд жазоларни тула ёки қисман қўшиш йўли билан жазо узил-кесил тайинланади.

Бири тугалланмаган жиноят бўйича чиқарилган бир неча ҳукмлар юзасидан жазо тайинлашда ҳам мазкур қоидаларга риоя этилиши керак.

9. Озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланганда колония тури узил-кесил тайинланган жазо туридан келиб чиқиши керак. Агар озодликдан маҳрум қилишда шахсга нисбатан аввалги ҳукм бўйича ҳам ушбу жазо тури белгиланган бўлса, қатъий жазо муддатидан ва аввалги ўташ жойи оғирлигидан қатъи назар, белгиланадиган колония тури аввалгисидан энгил бўлмаслиги лозим. Масалан, агар аввалги ҳукм бўйича жазо ўташ шахсга умумий тартибли колонияда белгиланган бўлса, ҳукмлар жами бўйича умумий тартибли ёки қаттиқроқ тартибли колония белгиланади (ушбу ҳолда Жиноят кодексининг 50-моддасига риоя этмок лозим). Ушбу масаланинг бошқача тарзда талқин қилиниши, жазонинг асоссиз энгиллашувига олиб келади.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти турисига»ги 1-сонли қарори, 55-банд.

Жазони ижро этиш колонияси турини белгилашда, айбдорнинг шахсини ҳам ҳисобга олиш лозим, шу билан бирга, агар жиноят содир этган шахсга аввалги ҳукм бўйича озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланган бўлса, ушбу ҳолат колония турини белгилашда суд томонидан эътиборга олинаши мумкин эмас.

10. Тайинланган узил-кесил жазо муддати охириги иш бўйича судгача эҳтиёт чораси сифатида қамокда сақлаш ёки ушлаб туриш вақти ҳисобга олинган ҳолда охириги ҳукм чиқарилган кундан бошлаб ҳисобланади<sup>1</sup>.

11. Олдинги ҳукм ҳамда янги жиноят учун ҳукм бўйича тайинланган жазолар ҳар хил бўлган ҳолларда бир неча ҳукм юзасидан жазоларни қўшиш қоидалари **шарҳланаётган модданинг 2-қисми** билан белгиланади. Қонуннинг тўғридан-тўғри кўрсатмасига биноан, ушбу ҳолларда ЖКнинг 61-моддаси қоидаларига риоя этиш лозим.

12. Маҳкумнинг жазо ўташдан бўйин товлаганлиги учун илгариги ҳукм юзасидан тайинланган жазонинг бир тури бошқа турга алмаштирилган вазиятларда (масалан, ахлоқ тузатиш ишлари озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилган бўлса) жазо, ЖКнинг 61-моддаси қоидаларига асосан, биринчи жазо ўрнига тайинланган жазодан келиб чиқиб, узил-кесил тайинланиши керак. Хусусан, илгариги ҳукм юзасидан тайинланган ахлоқ тузатиш жазосини ўташдан бўйин товлаганлиги билан боғлиқ ҳолда мазкур жазо озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилган бўлса ва шу жазони ўташ даврида маҳкум томонидан янги жиноят содир этилган бўлса, бир неча ҳукмлар юзасидан тайинланган узил-кесил жазо биринчи ҳукм юзасидан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари алмаштирилган озодликдан маҳрум қилиш жазоси ва иккинчи ҳукм бўйича тайинланган тегишли жазони қўшиш йўли билан белгиланиши лозим.

Худди шундай, агар биринчи ҳукм бўйича кейинчалик уни ижро этишдан бўйин товлаганлик муносабати билан бошқа

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сонли қарори, 58-банд, 3-хатбоши.

жазо турига алмаштирилган жарима тайинланган бўлса, суд томонидан узил-кесил жазо биринчи ҳукм бўйича жарима ўрнига тайинланган жазони ҳисобга олган ҳолда тайинланади. Бошқача қилиб айтганда, бундай вазиятларда алмаштирилган жазо тури қайта (ахлоқ тузатиш ишлари ёки жаримага) алмаштирилмайди. Бошқача вазиятда янги жиноят содир этиш жаримани тўлаш ёки ахлоқ тузатиш ишларидан бўйин товлаш учун жавобгарликдан озод қилишнинг ўзига хос асоси бўлиб қолади.

**13. Шарҳланаётган модданинг 5-қисми**да маҳкумнинг иш ҳақидан ёки пул таъминотидан ушлаб қолиш фоизлари ҳар хил бўлган тақдирда, ахлоқ тузатиш ишлари ёки хизмат бўйича чеклаш жазоларини қўшиш масаласи ҳал қилинган. Бундай вазиятда қонунда кўрсатилганига кўра, кўрсатилган жазо муддатлари қўшилиб, ушлаб қолиш эса, алоҳида ҳисобланиши керак.

**14. Шарҳланаётган модданинг олтинчи қисми**га биноан, «илгариги ҳукм юзасидан ижро этилмай қолган қўшимча жазолар ҳукмлар жами тариқасида тайинланган асосий жазога қўшиб тайинланади». Бошқача қилиб айтганда, илгариги ҳукм бўйича тайинланган ва ўталмаган қўшимча жазо узил-кесил асосий жазога тўла ёки қисман қўшимча жазо сифатида бириктириб берилиши ёки янги ҳукм бўйича тайинланган турдаги қўшимча жазога, шу турдаги қўшимча жазо учун белгиланган муддат доирасида тўла ёки қисман қўшиб тайинланиши мумкин. Ҳар хил турдаги қўшимча жазолар алоҳида-алоҳида ижро этилади.

**15.** Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси биринчи ҳукм бўйича асосий жазо сифатида, иккинчиси бўйича қўшимча жазо сифатида қўлланилганда, Жиноят кодекси Умумий қисмидаги, ушбу жазо тури асосий жазо сифатида белгиланган максимал муддати билан аниқланади (яъни, максимал муддат 5 йилдан ошмаслиги лозим). Лекин, ушбу қоида фақат айбдорга бир хил ҳуқуқдан, яъни бир хил лавозим ёки бир хил фаолият билан шуғулланишдан, маҳрум қилинганида қўлланилади. Ушбу ҳолда, Жиноят кодекси Умумий қисмига кўра, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилишнинг

максимал доираси асосий жазо тури сифатида 5 йил, қўшимча жазо сифатида 3 йил белгиланади.

16. Инобатга олиш лозики, агар иш бўйича маҳкум бошқа жиноятларда ҳам айбдор эканлиги аниқланиб, улардан айримлари биринчи ҳукм чиқарилгунга, бошқалари эса, ҳукм чиқарилгандан сўнг содир этилган бўлса, иккинчи ҳукм бўйича жазо аввал биринчи ҳукм чиқарилгунга қадар содир этилган жиноятлар мажмуи бўйича, кейин ЖКнинг 59-моддаси олтинчи қисми қондасига кўра, сўнгра биринчи ҳукм чиқарилгандан кейин содир этилган жиноятлар мажмуи бўйича ва охириги бир неча ҳукм юзасидан (ЖКнинг 60-моддаси) узил-кесил тайинланади<sup>1</sup>.



---

### **61-модда. Жазоларни қўшишнинг ҳисоблаш қоидалари**

Ҳар хил турдаги асосий жазоларни қўшганда озодликдан маҳрум қилишнинг бир куни:

а) озодликни чеклашнинг ёки интизомий қисмга жўнатишнинг бир кунига;

б) ахлоқ тузатиш ишларининг ёки хизмат бўйича чеклашнинг уч кунига;

в) мажбурий жамоат ишларининг тўрт соатига тўғри келади.

Жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, озодликни чеклаш, хизмат бўйича чеклаш, ахлоқ тузатиш ишлари, мажбурий жамоат ишлари жазоси билан қўшилганда ҳар қайсиси алоҳида ижро этилади.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сонли қарори. 58-банд, 1-хатбоши.



---

## Ш А Р Х

---

1. Жиноят кодексига кўра, **жазо тайинлаш жиноят содир этишнинг ҳуқуқий оқибатидир.** Одилик ва инсонпарварлик принципига кўра, ҳар бир жиноят учун фақат битта асосий жазо қўллаш мумкин. Шу билан бирга, содир этилган бир неча жиноят учун ҳамда бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлашда турли хил давлат мажбурлов чораларини қўллаш мумкин, лекин уларнинг барчасини бараварига қўллаш адолатсиз бўлиб, жиний жазо мақсадларини амалга ошириш учун етарли бўлмайди. Шундай қилиб, ушбу ҳолларда бир неча жиноят учун (59-модда) ёки бир неча ҳукм устидан (60-модда) жазо тайинлашда, шарҳланаётган моддага асосан, битта асосий жазо қўллаш лозим.

2. ЖКнинг 59 ва 60-моддалари таҳлили ва шарҳланаётган моддада назарда тутилган жазоларни қўшиш тизими (қоидаси) шуни кўрсатадики, жазоларни қўшишда асос сифатида энг оғир жазо олинади. Шундай қилиб, қўшиш чоғида энгилроқ жазо турини оғирроқ жазо турига ўтказиш лозим, мазкур ҳолатда жазоларни қўшиш уларни энгиллаштиришга олиб келмайди.

Жазоларнинг оғирлигини аниқлашда Жиноят кодекси 43-моддаси биринчи қисмида кўрсатиб ўтилган жазолар кетма-кетлигидан келиб чиқиш лозим.

3. Жиноят кодекси шарҳланаётган моддаси жазоларни қўшиш қоидаларида асосий жазонинг ҳар хил турларини ўзаро мутаносиб ҳолда мустахкамлаб қўйган. Шундай пропорционал бирлик сифатида озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилади. Лекин, ушбу ҳолат тайинланадиган турли хил жазоларни озодликдан маҳрум қилиш жазосига олиб келиш дегани эмас, чунки озодликдан маҳрум қилиш жазоси ушбу модда маъносига кўра, жазонинг ҳар хил турлари ўртасида пропорционал мутаносибликни таъминлайдиган ёрдамлашувчи элементдир.

Шарҳланаётган моддага кўра, озодликдан маҳрум қилиш жазоси «эталон» – «сураш» эмас, балки турли хил давлат мажбурлов чораларидан битта узил-кесил асосий жазо

аниқлашдаги ўзига хос «махраждир». Турли хил жазоларни озодликдан маҳрум қилиш жазосига мутаносиблигидан бошқа жазо турларини ўзаро мутаносиблиги аниқланади.

Шуни эътиборга олиш лозимки, амалдаги Жиноят кодекси бўйича енгилроқ жазони оғирроғи билан қоплаш усули назарда тутилмайди. Бунга қарамай, суд баъзи ҳолатларда жиноятлар мажмуи тариқасида узил-кесил жазо тайинлашда битта жазони бошқаси билан қоплаш йўлини қўллашига тўғри келади. Масалан, жиноятлар жамини ташкил этувчи икки жиноятдан бири учун суд айбдорга базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик баравари миқдорида жарима, бошқаси учун базавий ҳисоблаш миқдорининг юз баравари миқдорида жарима тайинлаган. Бундай ҳолда жиноятлар мажмуи тариқасида суд айбдорга базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан кўп бўлмаган миқдорда жарима тайинлаши мумкин ҳолос, чунки Жиноят кодекси 44-моддасига кўра, ушбу жазо турининг энг кўп қисми базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваригача миқдорда белгиланган.

4. Эътибор бериш лозимки, турли хил жазо турларининг мутаносиблиги нафақат шархланаётган модданинг биринчи қисми турли бандларида кўрсатилган (хизмат бўйича чеклаш ва интизомий қисмга жўнатиш) жазо турлари ўртасида, балки шархланаётган модданинг битта банди ичидаги жазо турлари (ахлоқ тузатиш ишлари ёки хизмат бўйича чеклаш) ўртасида қўлланилиши мумкин. Шу ҳолларда ҳам жазолар ўртасидаги мутаносиблик озодликдан маҳрум қилиш жазоси орқали аниқланади.

5. Бир неча жиноят содир этганлик учун ёки бир неча ҳукм юзасидан ахлоқ тузатиш ишларига ёки хизмат бўйича чеклашга ҳукм қилиниб, иш ҳақи ёки пул таъминотидан давлат фойдасига ушлаб қолишнинг ҳар хил миқдорлари белгиланган ҳолларда бу жазоларнинг фақат муддатлари қисман ёки тўлиқ қўшилади.

6. **Шархланаётган модданинг иккинчи қисмида** бошқа жазо турлари билан қўшиб бўлмайдиган жазо турлари – жарима ва муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш кўрсатиб ўтилган. Ушбу жазо турлари жиноятлар ёки

хукмлар мажмуи учун тайинланганда, озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, хизмат бўйича чеклаш, ахлоқ тузатиш ишлари жазолари билан қўшилганда ҳар қайсиси алоҳида ижро этилади. Ушбу ҳолда қолган асосий жазолар қўшилиб, битта жазога келтирилади.

7. Шарҳланаётган моддада кўрсатилган жазоларни қўшиш қоидаларини жазо ўташдан бўйин товлаш ҳолатидаги жазони алмаштиришдан ажратмоқ лозим. Жазо турини алмаштириш ҳолатида шарҳланаётган модда қоидалари қўлланилмасдан жазо турлари орасидаги пропорциялар ҳар бир алмаштириладиган жазо учун алоҳида аниқланади (44 ва 46-модда). Бундан ташқари, жазоларни қўшиш ҳолати суд томонидан ҳукмда жазо тайинлаш орқали содир бўлса, жазо турини алмаштириш ҳукми ижро этиш вақтида содир бўлади.



### **62-модда. Ушлаб туриш, қамоққа олиш ёки уй қамоғи вақтини ҳисобга олиш қоидалари**

Суд жазо тайинлаш чоғида ушлаб туришнинг, қамоққа олишнинг ёки уй қамоғининг ҳар бир кунини:

а) озодликни чеклашнинг, интизомий қисмга жўнатишнинг, озодликдан маҳрум қилишнинг бир кунига;

б) ахлоқ тузатиш ишларининг ёки хизмат бўйича чеклашнинг уч кунига;

в) мажбурий жамоат ишларининг тўрт соатига тенглаштириб ҳисоблайди.

Суд ушлаб турилган, қамоқда ёки уй қамоғида сақланган шахсга жарима тайинлашда ушлаб туришнинг, қамоқда ёки уй қамоғида сақлашнинг бир кунини базавий ҳисоблаш миқдорининг иккидан бир қисмига тенглаштириб ҳисобга олади.

## **Ш А Р Х**

1. Айбланувчи, судланувчининг суриштирув, дастлабки тергов ва суддан бўйин товлашига йўл қўймаслик, келгусида

жинойт фаолиятининг олдини олиш, иш<sup>1</sup> бўйича ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилишга уринишга йўл қўймаслик мақсадида, алоҳида ҳолатларда тергов органлари томонидан ушлаш, қамокқа олиш ёки уй қамоғи қўлланилиши мумкин. Натижада, одатда, мавжуд жиноий жазо мақсадларига янада самарали эришишни таъминловчи белгиланган таъсир кўрсатилади. Бунинг барчаси жазо муддатини ҳисобга олишда ушлаш, қамокқа олиш ёки уй қамоғини муддатлари қўшиб ҳисобланади.

2. Жиноий ҳуқуқнинг назарияси ва амалиёти ушлаш, қамокқа олиш ёки уй қамоғи муддатини, хусусан жазо тайинлашда ҳисобланиши лозим бўлган муддатни белгилашда, судлар томонидан қўйидагилар албатта ҳисобга олиншини талаб қилади:

– қамокқа олиш муддати жиноий-процессуал томондан эҳтиёт чораси сифатида. Ўзбекистон Республикаси ЖПКда қамокқа олиш муддати ва чегарасини тайинлаш тартиби белгиланган (245, 315-моддалар);

– жиноят содир этишда гумонланувчини ушлаб туриш вақти ЖПКнинг 27-бобига мувофиқлигини. Бундан ташқари, ушлаб туриш муддатини белгилашда ЖПКнинг 315-моддасида назарда тутилган қондаларга амал қилиш лозим;

– стационар шароитларда судга оид тиббий ёки судга оид психиатрия экспертизасини тайинлаш зарурияти ҳолатларида шахсни тиббий муассасага жойлаштирилган муддатни. Шахснинг тиббиёт муассасасида бўлишнинг максимал муддатларини белгилаш тартиби ЖПКнинг 268, 315-моддаларига мувофиқ белгиланади;

– суд томонидан жазо муддати тайинланган ва келгусида жиноят деб эътироф этилган (масалан, Ўзбекистон Республикасида бўлиш қондаларини бузиш – МЖТКнинг 225-моддаси, ёхуд диний таълимотдан сабоқ бериш тартибини бузиш – МЖТКнинг 241-моддаси) қилмиш учун шахснинг маъмурий тартибда (Ўзбекистон Республикаси Маъмурий

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси, 236-модда 1-қисм // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 2-сон.

жавобгарлик тўғрисидаги Кодексига мувофиқ) ушланган ёки камокка олинган муддати;

– ҳарбий хизматчининг келгусида жиноят деб эътироф этилиб, суд томонидан жазо тайинланган қилмиш учун гауптвахтада интизомий камок остида ушлаш муддати (масалан, бўйсунмаслик);

– шахсини аниқлаш учун шахснинг қабул қилиш ва тақсимлаш муассасасида ушлаб турилган вақти.

3. Дастлабки камокка олиш муддатлари юқорида кўрсатилган чораларнинг бири қўлланилганидан бошлаб, ҳукм қонуний кучга киргунга қадар бўлган вақтгача тўлиқ ҳисобланади.

Даставвал чиқарилган ҳукм юқори турувчи суд томонидан бекор қилинган ёки иш такрор кўрилган ҳолатида, ушланган, камокка олинган ёки уй қамоғида ушланган бутун муддат биринчи ҳукм ёки иккинчи ҳукм қонуний кучга киргунга бўлган муддат билан қўшиб ҳисобланиши лозим. Шу билан бир вақтда, кўрсатилган муддатлар орасидаги давр ҳам дастлабки камок муддати сифатида ҳисобланади.

4. Изоҳ берилаётган моддада кўрсатилган ушлаш, камокка олиш ёки уй қамоғи муддатини ҳисоблаш қоидалари маҳкумга қуйидаги жазони тайинлаш ҳолатларига татбиқ этилади:

– ушлаб туриш, қамоқда сақлаш ёки уй қамоғининг бир куни озодликни чеклаш, интизомий қисмга жўнатиш ёхуд озодликдан маҳрум қилишнинг кўрсатилган турдаги бир кунига тўғри келади;

– ушлаб туриш, қамоқда сақлаш ёки уй қамоғининг бир куни жазонинг ахлоқ тузатиш ёки хизмат бўйича чеклаш каби турининг уч кунига тўғри келади;

– ушлаб туриш, қамоқда сақлаш ёки уй қамоғининг бир куни мажбурий жамоат ишларининг тўрт соатига тўғри келади.

Жазони тайинлашда ушлаб туриш, қамоқда сақлаш ёки уй қамоғи вақтини ҳисобга олиш ҳақидаги қарор ҳукмнинг резолютив (қарор қилиш) қисмида акс эттирилиши лозим.

5. Қонунда назарда тутилган ҳолатларда, жазо тайинлашда ушлаб туриш, қамоқда сақлаш ёки уй қамоғи муддатлари

ҳисобга олиниши зарурлигини эътиборга олиш лозим. Масаланинг бошқача ечими ҳукмнинг ўзгартирилишига олиб келадиган жиноий қонунчиликнинг жиддий бузилиши ҳисобланади.

Ушлаб туриш, қамокда сақлаш ёки уй қамоғи муддатлари суд томонидан тайинланган жазо муддатига тенг ёки ундан ортиқ бўлган ҳолатларда, судланувчи жазо муддатини ўтаган деб эътироф этилади ва озод қилинади<sup>1</sup>.

6. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги УРҚ–373-сонли Қонунига мувофиқ, мазкур модда иккинчи қисм билан тўлдирилган бўлиб, унда жарима жазосини тайинлашда шахннинг қамокда сақланган муддатини ҳисобга олиш қоидалари белгиланган эди. Қондага қўра, жарима тайинлашда ушлаб турилган, қамокда сақланган ёки уй қамоғининг ҳар бир кунини базавий ҳисоблаш миқдорининг иккидан бир қисмига тенглаштириб ҳисоблайди.

Бунда жарима жазоси суд томонидан ҳукм чиқарилган вақтда амалдаги базавий ҳисоблаш миқдоридан ҳисобланади.

7. Жиноий кодекснинг изоҳ берилаётган моддасида назарда тутилмаган (жарима, белгиланган муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш) бошқа турдаги жазо чораларини тайинлашда, ушлаб туриш, қамокда сақлаш ёки уй қамоғи ҳисобга олинмайди. Аммо суд мазкур вазиятни ҳисобга олиши лозим ва тегишинча тайинланаётган жазони енгиллаштириши ёки айбдорни жазони ижро этишдан батамом озод қилиши мумкин. Бунда суд ўзининг судланувчига нисбатан жазони енгиллаштириш ёки жазони ижро этишдан батамом озод қилиши ҳақидаги қарорини ҳукмнинг асословчи қисмида асословчи қисмида асослаб бермоғи лозим.

---

<sup>1</sup> Қаранг.: Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. 463-модданинг 2-қисми // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотнома-си, 1995 й., 2-сон.

### 63-модда. Жазо муддатларини ҳисоблаш

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш, қамоқ, озодликни чеклаш, интизомий қисмга жўнатиш, озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазоларнинг муддатлари ойлар ва йиллар билан ҳисобланади. Жазоларни алмаштириш, ҳисоблаш, қўшиш вақтида уларнинг муддатлари суткалар билан ҳисобланиши мумкин.

Мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазонинг муддатлари соатлар билан ҳисобланади.

---

## Ш А Р Х

---

1. Жазо муддатларини тўғри ва бир хилда ҳисоблаш, жазонинг қонуний ва адолатли тайинланиши ва ижро этилиши гарови ҳисобланади ва жазо мақсадларига эришишда кўмаклашади. Бундан ташқари, жазо муддатларини ҳисоблаш қоидалари жиноят тўғрисидаги қонунчиликнинг бошқа институтларини (алмаштириш, ҳисоблаш, қўшиш ва ҳоказо) қўллашда кўмаклашади.

2. **Шарҳланаётган моддада** муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш, озодликни чеклаш, интизомий қисмга жўнатиш, озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазоларнинг муддатлари ойлар ва йиллар билан ҳисобланиши кўрсатилган. Бундан келиб чиқадики, содир этилган жиноят учун жазо ойнинг бир қисмига ёки бир неча кунга тайинланмайди. Мазкур ҳолатларда тегишли равишда ҳукм ўзгартирилиши лозим.

3. Жазо муддатини ой ва йилларда ҳисоблаганда жазо муддати ойнинг охириги куни ва йилнинг охириги ойида тугайди. Масалан, ҳукм бўйича 1 йиллик жазо 2002 йил 3 мартдан бошланса, жазо муддати 2003 йил 2 мартда тамом бўлади. Йилда неча кун бўлиши аҳамиятга эга эмас (кабиса йили ҳам). Агар ҳукм бўйича 3 ойлик жазо 1997 йил 5 июндан бошланса, у ҳолда жазо муддати шу йилнинг 4 августидан тамом бўлади. Жазони ойларда ҳисоблашда мазкур ой неча кундан иборат бўлиши аҳамиятга эга эмас (2 ойлик ахлоқ

тузатиш ишлари тайинланганда, тайинланган жазонинг ўтиш муддати 1997 йил 1 январдан ҳисоблаганда, шу йилнинг 28 февралда тамом бўлади, 3 ойлик жазода эса, муддат 1997 йилнинг 31 мартда тугайди).

4. Шарҳланаётган моддага кўра, жазоларни алмаштириш, ҳисоблаш, қўшиш вақтида уларнинг муддатлари суткалар билан ҳисобланиши мумкин. Шу ҳолда, ҳукм ёки ажримда (жазо алмаштиришда) йиллар, ойлар ва қолган кунлар тўлиқ кўрсатилиши лозим.

5. Жазо муддатини кунлар билан ҳисоблаганда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига назарда тутилган кунларни ҳисоблаш қоидалари қўлланилади. Яъни, муддатни ҳисоблашда ишдан ҳоли вақт ҳам эътиборга олинади. Муддатлар суткалар билан ҳисобга олинганда муддат охиригى суткада соат 24.00 да тугайди. Тегишли ҳаракат судда, прокуратурада ёки бошқа давлат муассасасида бажарилиши лозим бўлса, муддат ушбу муассасаларда иш вақти тамом бўлиши билан тугайди<sup>1</sup>.



<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси, 314-модданинг 2-қисми // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 2-сон.



## Бешинчи бўлим. ЖАВОБГАРЛИКДАН ВА ЖАЗОДАН ОЗОД ҚИЛИШ

### XII боб. ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ҚИЛИШНИНГ ТУРЛАРИ

#### 64-модда. Жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги муносабати билан жиноят учун жавобгарликдан озод қилиш

Агар жиноят содир этилган кундан бошлаб қуйидаги муддатлар:

а) ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этилган кундан бошлаб – икки йил;

б) унча оғир бўлмаган жиноят содир этилган кундан бошлаб – тўрт йил;

в) оғир жиноят содир этилган кундан бошлаб – саккиз йил;

г) ўта оғир жиноят содир этилган кундан бошлаб – ўн тўрт йил ўтган бўлса, шахс жавобгарликдан озод қилинади.

Жавобгарликка тортиш муддати жиноят содир этилган кундан бошлаб ҳукм қонуний кучга кирган кунгача ҳисобланади.

Агар жиноят содир этган ва жиной жавобгарликка тортилган шахс тергов ёки суддан яширинса, муддатнинг ўтиши тўхтатилади. Айбдор ушланган ёки айбини бўйнига олиб арз қилган кундан бошлаб муддатнинг ўтиши қайтадан тикланади.

Агар оғир ёки ўта оғир жиноят содир этган шахс ушбу моддада назарда тутилган муддатлар ўтмасдан қасддан янги жиноят содир этса, муддатнинг ўтиши узилади. Бундай ҳолда жавобгарликка тортиш муддатлари янги жиноят содир этилган кундан бошлаб ҳисобланади. Қолган ҳолларда, агар шахс жавобгарликка тортиш муддатлари ўтмасдан янги жиноят содир этса, бу муддатлар ҳар бир жиноят учун алоҳида ҳисобланади.

Агар ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этилган кундан бошлаб ўн йил, оғир ёки ўта оғир жиноят содир этилган кундан бошлаб йигирма

беш йил ўтган бўлса, шахс жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Ушбу Кодекс Махсус қисмининг моддасида умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш назарда тутилган жиноятни содир этган шахсга нисбатан, жавобгарликка тортиш муддатларини қўллаш масаласи суд томонидан ҳал қилинади. Агар суд жавобгарликка тортиш муддатини қўллашни лозим топмаса, умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўрнига озодликдан маҳрум қилиш тайинланади.

Ушбу моддада назарда тутилган муддатлар ушбу Кодекснинг 150–157-моддаларида, 158-моддасининг биринчи қисмида, 159-моддасининг учинчи ва тўртинчи қисмларида, 160, 161 ва 244<sup>2</sup>-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан қўлланилмайди.

---

## Ш А Р Ҳ

---

1. Шарҳланаётган боб муайян шарт-шароит билан боғлиқ равишда жиний жавобгарликдан озод этиш асосларини белгилаб беради. Жиноят қонунчилиги вазифаларини амалга ошириш ва жазо мақсадларига эришиш учун, жиноят содир этган шахс ўзининг қонунга хилоф хатти-ҳаракатларининг салбий оқибатларига дучор бўлиши ҳамма вақт ҳам талаб қилинавермайди. Жиноят содир этган шахсларни жиний жавобгарликдан озод қилиш имкониятини уни дифференциациялаш ва индивидуаллаштириш принциплари ҳамда инсонпарварлик ва адолат принципларининг ҳақиқий белгилари сифатида қўриш лозим.

**Жиний жавобгарликдан озод қилиш** ваколатли давлат органининг судлов ёки айбловни бекор қилиш, шунингдек, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан давлат мажбурлов чорасини қўллашни бекор қилиш ҳақидаги актидир. Шахсни жиний жавобгарликдан ҳар қандай асосларга қўра озод қилиш қилмишнинг ҳуқуқий табиатини ўзгартирмайди. Шахсни оқлаш ёки қилмишнинг жиний эканлигини истисно қилиш учун асос бўлиб хизмат қиладиган шарт-шароитни фарқлаш лозим.

**Шахсни оқлаш** оқловчи ҳукм чиқаришга асос бўлган жиноят таркибининг мавжуд эмаслиги ёки содир этилган жиноятга шахснинг алоқадор эмаслигида ифодаланади.

**Қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар** шундан иборатки, улар ташки кўринишидан жиноий қилмишга ўхшайди, аммо ижтимоий хавф пайдо қилмаслиги туфайли аслида бундай эмас.

2. Шарҳланаётган бобда қўлланаётган жиноий жавобгарликдан озод этиш учун асослар шахс муайян ижтимоий хавфли ва жиноий жазога сазовор қилмишни содир этишда айбдор бўлганда вужудга келади.

Шу билан боғлиқ равишда, **жавобгарликдан шу тарзда озод қилиш реабилитация қилмайдиган (шахсни оқламайдиган) асосга кўра озод этиш** деб номланади. Бу ҳолда муайян шарт-шароитга кўра, шахсни жиноий жазога жалб этишнинг ҳуқуқий асослари мавжуд эмас: жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги, айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги, айбдорнинг касаллиги, қилмиш ёки шахс ижтимоий хавфлилигини йўқотганлиги ва бошқ. Шарҳланаётган боб жавобгарликдан озод қилишнинг ҳар хил турларини назарда тутаяди, уларнинг кўпчилиги уларнинг қўлланилиши учун шарт сифатида жиноятнинг биринчи марта содир этилишидан иборат (масалан, айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги).

3. Шарҳланаётган боб шахсни жиноий жавобгарликка тортиш муддатларини кўзда тутиб, шу муддат ўтганидан сўнг шахс ундан озод этилади. Жиноят содир этилганидан сўнг муайян муддат ўтган ва айбдор шахс жиноий жавобгарликка тортилмаган ва қилмиш ҳамон жиноятлигича қолаётган бўлишига қарамай, энди аввалгидек ижтимоий хавф туғдирмайди. Шахснинг ўзи ҳам ушбу муддат ўтганидан сўнг ижтимоий хавфлилигини йўқотади.

**Жиноий жавобгарликка тортилиш муддати ўтиши** деганда, жиноят содир этилган пайтдан бошлаб, то суд ҳукмининг қонуний кучга кирган пайтигача жиноят қонунда мустаҳкамланган муайян муддатларнинг тугаши

тушунилади. Айнан ана шу муддатларнинг ўтиши шахснинг жинойи жавобгарликдан озод этилиши учун асос бўлиб хизмат қилади. Жинойи жавобгарликдан озод қилиш мумкин бўлган муддатларнинг кўп ёки қисқалиги жиноятларнинг оғирлиги даражасига қараб белгиланади (Жиноят кодексининг 15-моддасига берилган шарҳга қarang).

Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида тўртта жиноят муддати белгиланган, уларнинг тугаши билан у ёки бу жиноятни содир этган шахс (жиноятнинг оғирлик даражасига қараб) жинойи жавобгарликдан озод қилинади.

Бундан ташқари, шарҳланаётган модданинг 5-қисмида махсус 25 йиллик муддат ўрнатилган бўлиб, бу муддатнинг ўтиши билан шахс жинойи жавобгарликдан ҳар қандай шароитда, шу жумладан, жиноят содир этган шахснинг суриштирув ёки терговдан яширинганлиги учун муддатнинг узилиши ёки тўхтатиб қўйилиши ёки оғир ёхуд ўта оғир жиноят содир этгандан сўнг қасддан янги жиноят содир этган ҳолларда ҳам жинойи жавобгарликдан озод қилинади (мазкур модданинг учинчи ва тўртинчи қисмлари қондаларига биноан).

4. Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар учун жинойи жавобгарликка тортиш муддати икки йилдан иборат. Мазкур муддат ўтиши билан айбдор шахс муддатнинг ўтиши тўхтатиб қўйилмаса, жинойи жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Унча оғир бўлмаган жиноят содир этган шахс жиноят содир этилган вақтдан бошлаб 4 йил муддат ўтмаган бўлса, жинойи жавобгарликка тортилиши мумкин. Бу ҳолда дастлабки тергов босқичида бўлган ёки суд томонидан кўрилатган жиноят иши тугатилиши шарт.

Оғир жиноят у содир этилган вақтдан бошлаб саккиз йил ичида муайян жиноят-ҳуқуқий оқибатларга олиб келади. Ушбу муддат тугаши билан айбдор шахс жинойи жавобгарликдан озод қилинади.

Шахс ўта оғир жиноят содир этганлиги учун ушбу жиноят содир этилган вақтдан бошлаб 14 йил мобайнида жавобгарликка тортилиши мумкин. (ЖКнинг 15-моддаси шарҳида батафсил баён этилган)

5. **Шарҳланаётган модданинг 2-қисми** шуни белгилайдики, жавобгарликка тортиш муддатларининг кечиши «жиноят содир этилган кундан бошлаб ҳукм қонуний кучга кирган кунгача» ҳисобланади.

**Жиноят содир этиш кун** деганда, жиноят объектив томонига кирувчи ҳаракатнинг (ҳаракатсизлик) бажарилган ва жиной оқибат юз берган вақтини тушуниш лозим. Ҳар қандай жиноят ижтимоий хавfli қилмиш содир этилиши билан бошланади. Шахснинг ижтимоий хавfliлиги жиной ҳаракат (ҳаракатсизлик)нинг ўзида ифодаланади. Шахс ижтимоий хавfli қилмишни содир этган вақтдан бошлаб ижтимоий хавfli ҳисобланади. Жиноятнинг ижтимоий хавfliлик даражаси фақатгина жиноятнинг хусусиятига эмас, балки унинг оқибатларига ҳам боғлиқдир. *(Қилмишнинг ижтимоий хавfliлиги, унинг характери ва даражаси тушунчалари ҳақида ЖКнинг 14-моддаси шарҳига қаранг)*

Жиной қилмишсиз жиной жавобгарликнинг ҳам вужудга келиши мумкин эмас, шу билан бирга, у жиной оқибатсиз ҳам аҳамиятга эга ҳисобланади (масалан, жиноятга суиқасд қилиш). Шунинг учун жиной қилмиш ҳар қандай жиноятнинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади, жиной оқибат эса, бу хатти-ҳаракатнинг ижтимоий хавfliлигини, етказилган зарарнинг миқдорини ва ҳ.к.ни белгилайди.

Шундай қилиб, жиной жавобгарликка тортиш муддатининг бошланиши сифатида шахс томонидан жиноятнинг объектив томони мажбурий элементи – жиной натижалар бошланган пайтига қарамасдан, содир этилган хатти-ҳаракатлар ижро этилган кун тан олинishi керак. Жавобгарликка тортиш муддати кечишининг бошланиши, деб жиной қилмиш содир этилган кун ҳисобланиши тўғрисидаги қоидадан суд амалиёти ҳам келиб чиқади.

6. Айбдор тайёргарлик босқичида ёки суиқасд қилиш жараёнида жиной ҳаракатлардан воз кечиши ёки ўзининг фаол ҳаракатлари билан ижтимоий хавfli оқибатлар келиб чиқишининг олдини олиши мумкин бўлиб, бу жиноят содир этишдан ихтиёрый равишда воз кечилганлигидан далолат беради ва мувофиқ равишда қилмишнинг жинойлигини

истисно этадиган шароит ҳисобланади (ЖКнинг 26-моддасига берилган шарҳга қаранг). Агар айбдорнинг ҳаракатлари жиноят содир этишдан ихтиёрий равишда воз кечишни англатиб, у жиной оқибатларнинг олдини олган бўлса ва оқибатда жиноят тугалланмай қолган тақдирда, жиноятга тайёргарлик қўриш ёки уни содир этишга суиқасд қилиш жиной жихатдан жазоланиши мумкин эмас. Худди шу нуқтаи назардан олиб қарайдиган бўлсак, жиноятнинг ўзи бўлмаганлиги туфайли жиной жавобгарликка тортиш муддатлари туғрисида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас.

7. Жиной жавобгарликка тортиш муддатини ҳисоблаш жиноят иштирокчиларини жавобгарликка тортишда ҳам ўзига хос хусусиятга эгадир. Биргаликдаги бажарувчилар бўлгани ҳолда содир этилган жиноят учун жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиши, агар бажарувчилар жиноятни биргаликда содир этишда иштирок этган бўлса, жиноят содир этилган вақтдан бошлаб ҳисобланади. *(Биргаликда амалга ошириш хусусида ЖКнинг 29-моддасига берилган шарҳга қаранг)*

Жиной жавобгарликка тортиш муддатини ҳисоблаш иштирокчилар ўртасида роллар тақсимланганда қийинчилик туғдиради. Жиноят кодекси 28-моддасига кўра, иштирокчиликда содир этилган жиноятларда бажарувчи билан бир қаторда ташкилотчи, далолатчи, ёрдамчилар иштирок этади. Бажарувчи жиноятнинг объектив томонини бажарган вақтидан бошлаб жавобгар ҳисобланади ва демак, жавобгарлик муддатининг ўтиши худди шу пайтдан бошланади. Жиноят ташкилотчиси жиноят қонунига кўра, эксцесс бажарувчини истисно этганда, иштирокчилар томонидан содир этилган барча жиноятлар учун жавобгар бўлади, бундан бажарувчи эксцесси мустасно. Масалан, ташкилотчининг ҳаракатлари, ёрдамчиларнинг жиной фаолиятини ишлаб чиқиш, ташкил қилиш ва бошқариш бўйича бир қатор босқичлардан таркиб топган бўлиши мумкин. Агар ташкилотчининг фаолияти жиной гуруҳни ташкил қилиш билан чекланган бўлса ва бу гуруҳ аниқ жиноятларни содир этмаган бўлса, унда жиной жавобгарликка тортиш муддати ташкилотчи томонидан ушбу мақсадда содир этилганлар қаторидан, жиной гуруҳни

ташкил қилишга қаратилган, охири ҳаракат бажарилган кундан бошлаб ҳисобланади. Бу занжирда охири ҳаракат бажарилмагунича жавобгарлик муддати ўтиши ҳисобланиши мумкин эмас. Ташкилотчига нисбатан жавобгарликка тортиш муддатларини, у томондан биринчи ҳаракат содир этилган кундан бошлаб ҳисоблаш ҳолларида, барча кейинги ҳаракатлар учун жавобгарлик асосланмаган ҳолда унинг муддати билан бекор қилинар эди. Жиноий гуруҳ томонидан фақат битта жиноят содир этилганда ташкилотчига нисбатан жавобгарликка тортиш муддатлари ушбу жиноят содир этилган кундан бошлаб ҳисобланиши керак. Бир неча жиноятлар содир этилганда ташкилотчига нисбатан жавобгарликка тортиш муддатлари содир этилган жиноятнинг хусусияти ва унинг юридик квалификациясини ҳисобга олган ҳолда ҳисобланиши лозим.

Жиноий уюшманинг ташкилотчиси ва қолган иштирокчиларини жиноий жавобгарликка тортиш муддати, Жиноят кодекси 242-моддаси моҳиятига кўра, ушбу жиноий гуруҳлар тузилган вақтдан бошлаб ҳисобланади.

8. Далолатчини жиноят иштирокчиси сифатида жиноий жавобгарликка тортиш бажарувчи томонидан жиноят содир этилган вақтдан ҳисобланади. Далолатчини жиноий жавобгарликка тортиш муддати у томонидан далолатчилик ҳаракати амалга оширилган вақтдан бошлаб ҳисобланади. Далолатчининг ҳаракати мустақил жиноий хусусиятга эга. Ва айнан шу ҳолат, далолатчилик фаолиятининг охири пайтини аниқлаш ва жавобгарликка тортиш муддатининг бошланғич пайтини ҳисоблаш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун муҳимдир. Далолатчининг жиноий нияти шахсни жиноятни содир этишга оғдирганда амалга ошади. Бу билан далолатчининг фаолияти тугалланади. Жиноятнинг бажарувчи томонидан содир этилиш пайти энди далолатчининг иродасига боғлиқ бўлмайди. Демак, далолатчига нисбатан жавобгарликка тортиш муддатларини ҳисоблаш, бажарувчи томонидан жиноят содир этилган пайтига боғланмаслиги шарт. Далолатчининг жамоат учун хавфлилиги унинг бошқа шахсни жиноятни содир этишга оғдирган пайтда намоён бўлади. Ноқонуний

ҳаракатни содир этган ҳар қандай шахснинг жамоат учун хавфлилиги вақт ўтиши билан камаяди ва охир-оқибатда умуман йўқолади, агар у қонунда ўрнатилган муддат давомида жинойий жавобгарликка тортиш муддатини тўхтатиб туришга сабаб бўлган янги жиноятни содир этмаган бўлса, шунга нисбатан далолатчи истиснони ташкил қилмайди.

Шундай қилиб, далолатчига нисбатан жинойий жавобгарликка тортиш муддати кечишининг бошланғич пайти унинг бошқа шахсни жиноятни содир этишга оғдирган кун бўлиб ҳисобланади. Масаланинг бошқача ҳал қилиниши далолатчини жинойий жавобгарликка тортиш муддатларининг сунъий узайтирилишига олиб келар эди ва бу ҳолатда уни бажарувчига нисбатан ёмонроқ ҳолатга қўйган бўлар эди. Бошқача қилиб айтганда, далолатчига нисбатан жавобгарликка тортиш муддатлари бажарувчи томонидан жиноят қачон содир этилганига қарамасдан далолатчилик фаолияти тугаган кундан бошлаб ҳисобланиши керак. Бу ҳолат далолатчига шахсни жиноятни содир этиш учун оғдиришга эриша олмаган ҳолларда ҳам қўлланилади. Бундай жиноятга оғдиришни жиноятда иштирокчилик сифатида кўриш мумкин эмас, лекин у жиноятга тайёргарликни ифодалайди ва унга нисбатан бўлган муддатлар охири тайёргарлик ишлари содир этилган кундан бошлаб ҳисобланиши лозим.

9. Иштирокчиликда содир этилган жиноятларда ёрдамчи ҳам ўз ўрнига эга бўлиб, у жисмоний ёрдамчилик қилганида (маблағлар, қурооллар бериш ёки тўсиқларни бартараф қилиш) жавобгарликка тортиш муддатларини ҳисоблаш бажарувчига жиноятни содир этиш учун ёрдам кўрсатилган охири ҳаракатни содир этиш кунидан бошлаб ҳисобланиши зарур.

Бажарувчига жиноятни содир этишда ёрдам кўрсатиш учун маслаҳатлар, кўрсатмалар, ваъдалар бериш билан ифодаланадиган интеллектуал ёрдамчилик ҳам куп марта содир этиладиган ҳар хил вақтдаги хатти-ҳаракатлардан иборат бўлиши мумкин. Шерикнинг ҳар бир бундай хатти-ҳаракати унинг жинойий фаолияти ягона занжиридаги бўғимни ташкил қилади. Бундай ҳолатда муддатни ҳисоблаш охири маслаҳат, кўрсатма, ваъда берилган пайтдан бошланиши шарт.



Олдиндан ваъда берилган жиноятни яшириш ҳолати, бундай ёрдам ҳақиқатда берилган ёки берилмаганидан қатъи назар, ёрдамчиликнинг ўзи бўлиб ҳисобланади (*ЖКнинг 28-моддаси шарҳига қаранг*). Шундан келиб чиққан ҳолда, интеллектуал ёрдамчилик, шу жумладан, жиноятчини ва (ёки) жиноят изларини яширишга олдиндан ваъда бериш шаклида, бундай интеллектуал ёрдамчилик кўрсатилган кундан бошланади. Агар бундай ҳаракатлар бир неча марта бўлган бўлса, унда уларнинг муддати охириги ҳаракат кўрсатилган (ваъда, маслаҳат, яшириш) кундан бошлаб ҳисобланади. (*Ёрдамчининг жиноят иштирокчиси сифатидаги тушунчаси ЖКнинг 28-моддасига берилган шарҳда батафсил изоҳланган*)

10. Шундай қилиб, иштирокчиликда содир этилган жиноятларда жавобгарликка тортиш муддатини ҳисоблаш турли усулларда амалга оширилади. Уларнинг ҳаракатларини бажарувчининг жиноий ҳаракатлари билан боғлаш нотўғридир, чунки ёрдамчилар ва бажарувчининг ҳаракатлари ўзаро боғлиқ бўлса ҳам, лекин мустақил равишда, кўпинча ҳар хил вақтда содир этилади. Уларнинг ижтимоий хавфлилиги уларнинг ҳар бир ҳолатига қараб алоҳида белгиланади. Айни шу асос иштирокчилардан ҳар бирининг ҳаракати учун бажарувчидан алоҳида жавобгарликка тортиш муддатини ҳисоблаш имконини беради. Иштирокчилар жиноий жавобгарлигининг асослари ҳақидаги масала эса, содир этилган ёки тугатилмаган жиноят (тайёрлаш ёки суиқасд) шаклидаги жиноий фаолиятнинг босқичлари билан боғлиқдир.

Иштирокчиликда жиноятни содир этишда унинг муддати ҳар бир ёрдамчи учун, улар томонидан ҳар бирининг роли билан боғлиқ бўлган муайян ҳаракатлар содир этилган пайтдан бошлаб алоҳида ҳисобланади.

11. Жиноий жавобгарликка тортиш муддатини белгилашда алоҳида эътибор давомли ва узокқа чўзилган жиноятларга нисбатан муддатни ҳисоблашга қаратилиши лозим. (*Давомли ва узокқа чўзилган жиноятлар тушунчалари Жиноят кодексининг 32-моддасига берилган шарҳда батафсил ёритилган*)

Узоққа чўзилган жиноятни квалификация қилишда айнан жиноятнинг бошланиш вақтини жиноий ҳаракат содир этилиш вақтидан, жиноятнинг тамом бўлиш вақти эса, айбдорни ўзини жиноятни тугатишга ёки қаратилган ёки қилмишнинг тамом бўлишига сабаб бўлувчи ҳолатларнинг юз беришини эътиборга олиш лозим. Ушбу жиноятнинг тамом бўлиш вақтини белгилайди. Жиноят тамом бўлган вақтдан бошлаб жиноий жавобгарликка тортиш муддати ўта бошлайди.

Жиноий жавобгарликка тортиш муддати узоққа чўзилган жиноятларда қилмиш айбдорнинг ўзига боғлиқ бўлган ҳолатларга айбдорнинг ўзи ёки ўзига боғлиқ бўлмаган бошқа ҳолатларга кўра тамом бўлиш вақтидан ҳисобланади. Узоққа чўзилган жиноятларда жиноий жавобгарликка тортиш муддати жиноятнинг фактик жиҳатдан тугаганлигини белгилувчи ҳолат (айбдорнинг айбини бўйнига олиши ёки унинг ушланиши) нинг юзага келиши билан бошланади. Давомли жиноятларда жиноий жавобгарликка тортиш муддати айбдорнинг ягона қасди асосида содир этилган охириги жиноий ҳаракатнинг тугаши билан ўтишни бошлайди.

Ушбу жиноятларганисбатан жиноий жавобгарликка тортиш муддатлари уларнинг айбдор ихтиёрига кўра ёки ихтиёрига қарши равишда тугалланган вақтдан бошлаб ҳисобланиши лозим. Бунда шарҳланаётган модданинг бешинчи қисмига эътибор қаратиш лозим бўлиб, ушбу қисмда мустаҳкамланган қоидага мувофиқ, агар жиноят содир этилган кундан бошлаб йигирма беш йил ўтган бўлса, шахс жавобгарликка тортилиши мумкин эмас. Жиноий жавобгарликка тортиш муддати айбдор шахснинг ихтиёрига кўра ёки ихтиёрига қарши равишда жиноий фаолият тугалланган вақтидан бошлаб, шу жумладан, жиноят очилган ҳамда ушбу субъектга нисбатан жиноят иши қўзғатилган вақтдан бошлаб ҳисобланиши лозим бўлган узоққа чўзилган жиноятларга ҳам кўрсатилган қоида татбиқ этилиб, жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги муносабати билан жиноят учун жавобгарликдан озод қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

12. Бир қанча жиноятларда ҳам жиноий жавобгарликка тортиш муддати ўзига хос хусусиятга эга.

**Жиноятларнинг реал жамида** Жиноят кодексининг 64-моддаси тўртинчи қисмидан келиб чиқиб, шахс алоҳида ҳаракатлар орқали турли жиноятлар содир этганида, жиний жавобгарликка тортиш муддати унинг ҳар бир жиний қилмиши учун алоҳида ҳисобланади. Бу ўринда Жиноят кодексининг 64-моддаси тўртинчи қисмидаги янги қасддан жиноят содир этилиши олдинги содир этилган оғир ёки ўта оғир жиноят учун жиний жавобгарликка тортиш муддати ўтишини тўхтатади. Бу ўринда муддатнинг ўтиши янги жиноят содир этилган вақтдан бошлаб ҳисобланади.

Жиноятларнинг **идеал жамида** бир ҳаракат орқали шахс икки ёки ундан ортиқ жиноят содир этса, муддатнинг ўтиши ҳар бири учун алоҳида-алоҳида ҳисобланади.

**Такрорий жиноят содир этилган ҳолларда жавобгарликка тортиш муддатини ҳисоблашда** ҳар бир ҳаракатнинг содир этилган пайтини ҳисобга олиш зарур. Жиноятнинг такрорланиши фақат олдинги содир этилган жиноятлар бўйича муддатлар тугамаган ҳолдагина бўлиши мумкин. Олдин содир этилган жиноятлар бўйича муддатларнинг тугаши хатти-ҳаракатларнинг такрорланиш белгилари бўйича квалификация қилишга йўл қўймайди. Шунинг учун квалификация қилиш белгиси сифатида такрорий жиноят бўлган жиноятлар таркиблари бўйича жавобгарликка тортиш муддатлари улардан охиргисининг содир этилган пайтидан эмас, балки бу қилмишларнинг ҳар бирига нисбатан мустақил ҳисобланиши шарт. Бунда ЖКнинг 64-моддаси 4-қисмига мувофиқ, жавобгарликка тортиш муддатларини тўхтатиш ва олдинги муддатни бекор қилиш қондасини ҳисобга олиш лозим.

Жиноят қонуни баъзи бир шахсларга нисбатан жавобгарликка тортиш муддатларини ҳисоблашнинг бошқа қондаларини ҳам эътиборга олади. Масалан, шахс руҳий ҳолати бузилганлиги туфайли озод қилингандан ва кейинчалик соғайганидан кейин жиний жавобгарликка тортилган ҳолларда жавобгарликка тортиш муддатларини ҳисоблаш жиноят содир этилган пайтидан эмас, балки мажбурий тиббий чоралар тайинланган пайтдан бошланади.

13. **Шарҳланаётган модданинг 2-қисмида** жиноий жавобгарликка тортиш муддатини ҳисоблаш жиноят содир этилган кундан бошлаб ҳукм қонуний кучга киргунга қадар давом этиши белгиланган.

Бу қоида жиноий жавобгарликка тортиш муддатининг тугашини белгилайди. Бу Жиноят-процессуал кодексидаги «ҳукм унинг устидан апелляция шикоятни бериш ва протест билдириш муддати ўтиши билан қонуний кучга қиради»<sup>1</sup>, деган қоидадан келиб чиқади. Судининг ҳукми устидан апелляция шикоятлари ва протестлари ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан йигирма сутка ичида, маҳкум, оқланган шахс, жабрланувчи томонидан эса уларга ҳукмнинг нухаси топширилган кундан эътиборан шундай муддат ичида берилиши мумкин<sup>2</sup>. Бу ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб йигирма кундан сўнг қонуний кучга қиради, деган маънони билдиради. Ҳукми эълон қилиш процессуал ҳаракати Жиноят-процессуал кодексида белгиланган<sup>3</sup>. Жиноят-процессуал кодексига кўра, шахсни жавобгарликка тортиш муддати ўтган бўлса, шахснинг жиноят содир этилишида айблилиги тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят иши тугатилиши лозим<sup>4</sup>. Жавобгарлик муддатининг ўтиши ишни шахснинг айбдорлик масаласини ҳал қилмай туриб тугатишга сабаб бўлади. Бунда, агар шахсни жавобгарликка тортиш муддати суд мажлиси давомида тугаган бўлса, судланувчи суд залидан жазо тайинланмай озод қилинади ва бу ҳақда қарор чиқарилади. Бошқача суз билан айтганда, тугалланиш пайти суд муҳокамасига эмас, балки шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида белгиланган муддатларга боғлиқ бўлади.

Агар жавобгарликка тортиш муддатлари дастлабки тергов жараёнигача ёки тергов давомида тугаса, унда иш юқорида кўрсатилган асосларга кўра, терговчи томонидан тугатилади.

<sup>1</sup> Қарвнг: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси, 528-модданинг 1-қисми // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгагининг Ахборотномаси, 1995 й., 2-сон.

<sup>2</sup> Ўша манба, 497<sup>а</sup>-модда.

<sup>3</sup> Ўша манба, 473-модда.

<sup>4</sup> Ўша манба, 84-модда.

агар мудар суд тергови вақтида тугаса, унда шахснинг айбдорлиги ҳақидаги масалани ҳал қилмасдан суд қарори чиқарилади. Агар жавобгарликка тортиш муддатларининг тугаш ҳолати апелляция ва кассация тартибида шикоят келтириш ёки протест билдириш босқичида аниқланган бўлса, суд ишни тугатиш тўғрисида ажрим ёки қарор чиқаради. Шахсни жавобгарликка тортиш бўйича ҳеч қандай процессуал ёки тергов ҳаракатлари ва жиноят ҳодисасини текшириш жавобгарликка тортиш муддатларини тўхтата олмайди.

Жавобгарликка тортиш муддатлари календар йиллари билан ҳисобланадиган белгиланган муддатнинг охири куни соат 24:00 да тугалланади. Агар муддатларнинг давом этиши тўхтатилса, унда у ойлар ва кунлар билан ҳисобланиши мумкин.

**14. Шарҳланаётган модданинг учинчи қисми** муддат ўтишини тўхтатиб туриш билан боғлиқ алоҳида шарт-шароитларни белгилаб беради. Жиноий жавобгарликка тортиш муддати жиноят содир этилган кундан бошлаб қонунда кўрсатилган муддат тугагунига қадар, узлуксиз тарзда кечаверади. Бироқ, Жиноят кодексининг 64-моддаси 3-қисмидаги қондада белгиланишича, агар жиноят содир этган ва жиноий жавобгарликка тортилган шахс тергов ёки суддан яширинса, муддатнинг ўтиши тўхтатилади.

Муддат ўтиши узилишининг асосий шартлари: биринчидан, бирон-бир факт юзасидан жиноят иши кўзғатилиши ва муайян шахснинг айбланувчи сифатида жавобгарликка тортилиши ҳамда иккинчидан, тергов ва суддан бўйин товлаши.

Жиноят иши кўзғатилиши билан боғлиқ **биринчи шарт** ушбу қонданинг асосий таркибий қисми ҳисобланади, агар жиноят иши кўзғатилмаган бўлса, одил судловдан бўйин товлаш ҳақидаги масаланинг бўлиши ҳам мумкин эмас.

Нафақат жиноятни содир қилишда айбланаётган ёки гумон қилинаётган шахсни, балки терговга чақирилган, жиноят содир этганлиги туфайли сўроққа чақирилган, аммо келмаганлик ҳам тергов ёки суддан бўйин товлаш деб ҳисобланади. Бошқа шахсларнинг (жиноят процесси иштирокчиларининг) дастлабки тергов ва суддан бўйин товлаши вазиятларида муддатни тўхтатиб туриш шarti қўйилмайди, чунки улар

жиноятни содир қилишда гумон қилинувчи ёки айбланувчи ҳисобланишмайди.

Хуқукни муҳофаза қилувчи органларга ҳали маълум бўлиб улгурмаган жиноятни содир этган шахс, шунингдек, содир этилган жиноятга алоқадорлиги ҳали аниқланмаган шахс тергов ва суддан бўйин товлаётган, деб эътироф этилиши мумкин эмас.

**Иккинчи шарт** – тергов ва суддан бўйин товлash. Қонунда «яширинмок» атамаси қўлланади. «Яширинмок» атамасининг маъноси «бўйин товлash» атамасининг маъносига тенглаштирилган, чунки «яширинмок» сўзининг бевосита маъноси жавобгарликдан бўйин товлashга қаратилган ҳаракатни англатади.

**Тергов ёки суддан бўйин товлash** деганда, шахс томонидан жинoий жавобгарликдан қочиш мақсадида ва дастлабки тергов ва суд идораларини бутун мамлакат ёки муайян чекланган ҳудудда махсус қидирув чораларини ташкил этиш заруратини пайдо қилган, била туриб амалга оширилган ҳар қандай ҳаракатлар (турар жойини, фамилиясини ўзгартириш, бошқаларга тегишли ёки сохта ҳужжат билан яшаш) тушунилади.

Шахсни қидириш билан боғлиқ бўлган муддат жавобгарликка тортиш муддатига қўшилмайди. Муддатнинг ўтиши айбдор топилган ёки у айбини бўйнига олиб, арз қилган кундан бошлаб ҳисобланади. Шундай қилиб, муддатга шахс жинoят содир этиб, тергов ёки суддан яширинганига қадар ўтган вақт ва ушланган ёки айбини бўйнига олиб келганидан кейин ўтган вақт киради. Агарда бу вақт умумий ҳисобланганда ЖКнинг 64-моддаси 1-қисмида кўрсатилган муддатлардан ошса, шахс жинoий жавобгарликка тортиш муддати ўтганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиниши шарт.

**Шарҳланаётган модданинг учинчи қисми** шахс қўлга олинган ёки айбига иқрор бўлиб келган вақтдан бошлаб муддат ўтиши тикланишини кўзда тутлади.

**Ушлаб туриш** жинoят содир этишда гумон қилинаётган шахсни унинг жинoий фаолият билан шурулланишига

барҳам бериш, қочиб кетишининг, далилларни яшириши ёки йўқ қилиб юборишининг олдини олиш мақсадида қисқа муддатга озодликдан маҳрум қилишдан иборатдир<sup>1</sup>. Ушлаб туриш асослари, муддати, тартиби ҳамда ушланган шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари жиноят-процессуал қонунчилигида келтириб ўтилган<sup>2</sup>. *(Айбига иқрор бўлиб келиш тушунчаси ЖКнинг 55-моддасида изоҳланган ва жазони енгиллаштирувчи ҳолат, деб қаралади)*

**15. Жавобгарликка тортиш муддати институтининг ҳуқуқий табиати** жиноят содир этилган кундан бошлаб маълум бир вақтнинг ўтиши билан жиноятни содир этишда айбланаётган шахснинг ижтимоий хавфлилиги йўқолишидан иборатдир. Аксинча, янги бир жиноятнинг содир этилиши, шахснинг ижтимоий хавфлилиги давом этаётганлигини кўрсатади. Кўпинча бу ҳолатлар қасддан жиноят содир этишда кўрилади, чунки у аввал содир этган жиноятини билган ҳолда яна жиний хулқ-атворга йўл кўяди.

Янги жиноятнинг содир этилиши шахс ҳамон жамият учун хавф туғдиришидан далолат беради. Субъект унинг муайян аксилижтимоий қарашларидан далолат берадиган хулқни танлаган. Айниқса, бу каби шарт-шароитлар қасддан содир этилган жиноятларда намоён бўлади, чунки аввал ҳам жиноят қилганини ёдида тутган шахс яна онгли равишда жиний хулқини намоёиш этади.

Ана шундан келиб чиқиб, Жиноят кодексининг 64-моддаси тўртинчи қисмида кўрсатилишича, агар оғир ёки ўта оғир жиноят содир этган шахс ушбу моддада назарда тутилган муддатлар ўтмасдан қасддан янги жиноят содир этса, муддатнинг ўтиши узилади. Бундай ҳолда жавобгарликка тортиш муддатлари янги жиноят содир этилган кундан бошлаб ҳисобланади. Қолган ҳолларда, агар шахс жавобгарликка тортиш муддатлари ўтмасдан янги жиноят содир этса, бу муддатлар ҳар бир жиноят учун алоҳида ҳисобланади.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. 528-модда 1-қисми. 220-модда // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 2-сон.

<sup>2</sup> Ўша манба, 27-боб.

16. **Муддат ўтишининг узилиши** қасддан янги жиноят содир этилган вақтгача бўлган муддат бекор қилиниб, янги жиноят содир этилган пайтдан бошлаб тикланади. Қонунга оид ушбу қоида принципаал аҳамиятга эга бўлиб, унинг моҳияти шундаки, муддат ўтганлиги шахс янги жиноятга қўл урмаган ҳолдагина қўлланиши мумкин. Шунинг учун, бу қондани қўллаш масаласини ҳал қила туриб, тергов ва суд идоралари ана шу шахс мазкур муддат мобайнида бошқа қасддан жиноят содир этмаганлигидан далолат берадиган маълумотларга эга бўлишлари шарт. Акс ҳолда, муддат ўтишини қўллаш тартибига оид қонун талаблари бузилиши мумкин.

Бу ҳолда муддат ўтиши узилиб, бекор қилиниши, муддат эса, янги қасддан содир этилган жиноят кунидан бошлаб ҳисобланиши учун қуйидаги шарт-шароитлар мавжудлигини аниқлаш керак:

– шахснинг шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида кўрсатилган муддатлар тугагунига қадар оғир ёки ўта оғир жиноят содир этганлиги;

– шахснинг шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида кўрсатилган муддатлар тугагунига қадар қасддан янги жиноят содир этганлиги.

17. Шундай қилиб, **жиноий жавобгарликка тортиш муддатлари кечиши узилишининг шартларидан** бири, деб шахс томонидан оғир ёки ўта оғир, бироқ ҳали улар учун жиноий жавобгарликка тортилмаган, жиноят содир этганлиги тўғрисидаги маълумотларнинг мавжудлиги белгиланган.

Бундан ташқари, аввал содир этган оғир ёки ўта оғир жинояти учун жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин бўлган муддат ўтиб бораётган даврдагина қасддан янги жиноят содир этилганлиги факти аниқланиши уни тўхтатиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Бунда жавобгарликка тортиш муддатлари узилиши учун айбдорнинг янги жинояти айбли, қасддан содир этилганлиги аниқланиши лозим. *(Қасддан содир этилган жиноят тушунчаси ЖКнинг 21-моддасига берилган шарҳда батафсил ёритилган)*



18. Шахс томонидан янги қасддан жиноят содир этганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлмаса, бундай ҳолда у ана шундай жиноятни содир этмаган, деб топилиб, аввал содир этган жинояти учун жавобгарликка тортиш муддати ўтганлиги маълум бўлса, у жиний жавобгарликдан озод этилиши керак.

19. Жиний жавобгарликка тортиш муддати ўтиши институти фуқаролик қончилигида баъзи бир даъволарга нисбатан белгиланган муддатсизлик принципига асосланмайди. **Шарҳланаётган модданинг бешинчи қисмида** белгилаб қўйилганидек, агар жиноят содир этилган кундан бошлаб ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этилган кундан бошлаб ўн йил, оғир жиноят ёки ўта оғир жиноят содир этилган кундан бошлаб йигирма беш йил ўтиб кетган бўлса, шахс жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Жиноятнинг оғирлигидан қатъи назар, уни содир этган шахсларни бу қадар узоқ муддатдан сўнг жиний жавобгарликка тортишнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги, биринчи навбатда, жазо мақсадларидан келиб чиқади. Жиноят содир этилганидан сўнг қанча узоқ вақт ўтса, жазо шунча кам самара беради, чунки айбдор шахс бу давр мобайнида ўз ҳулқи билан тўғри йўлга кирганлигини исботлаши ҳам мумкин. Жиний жавобгарликка тортиш ва жазо чораларини кўриш каби муайян жиний ҳуқуқий чораларни қўллаш эса, уни тўғри йўлга йўллаш эмас, балки илгари содир этган жинояти учун ўч олиш бўлиб қоларди.

20. **Шарҳланаётган модданинг олтинчи қисми** мазкур қоидадан истисно ҳолатини кўзда тутарди. Бу қоида қонун бўйича умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин бўлган жиноятларга тегишли. Кўрсатилган нормага кўра, ушбу Кодекс Махсус қисмининг моддасида умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш назарда тутилган жиноятни содир этган шахсга нисбатан жавобгарликка тортиш муддатларини қўллаш масаласи суд томонидан ҳал қилинади. Агар суд жавобгарликка тортиш муддатини қўллашни лозим топмаса, умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўрнига озодликдан маҳрум қилиш тайинланади.

Айнан суд жавобгарликдан озод қилиш муддатини қўллаш ёки қўлламаслик масаласини ҳал қилади<sup>1</sup>. Амалдаги қонунга кўра, умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси берилиши мумкин бўлган жиноятни содир этган шахс, муддати ўтган-ўтмаганлигидан қатъи назар, ҳар қандай вақтда жинойий жавобгарликка тортилиши мумкин. Муддати ўтганлигини қўллаш ана шундай жиноят содир этганликда айбланган шахснинг 25 йил ўтганидан сўнг жинойий жавобгарликдан озод этилишини англатади. Агар суд муддати ўтганлигини қўллаш имкони йўқ, деб топса, у ҳолда умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўрнига озодликдан маҳрум этиш кўринишида жазо белгиланиши керак. Жиноят қонунда суд муддати ўтганлиги масаласини қўллаш-қўлламасликни ҳал қилиши мумкин бўлган мезонлар келтирилмаган. Бу қондан қўллаш содир этилган жиноятнинг тавсифи ва ижтимоий хавфлилиқ даражасига, айбдорнинг шахсига ва ҳаттоки, жазони енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи шароитларга ҳам боғлиқ эмас, балки муайян вақт ўтганидан сўнг жиноят содир этган шахснинг ижтимоий хавфлилиги қай даражада йўқолганига боғлиқ бўлади, чунки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси фақат ўта хавфли жиноятларга (айбни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ва терроризм) нисбатан қўлланади. Бунинг устига, суд ҳеч қандай чегаралар билан чекланмаган.

**21. Шарҳланаётган модданинг еттинчи қисми** халқаро ҳуқуқнинг устуворлигини эътироф этган ҳолда жинойий жавобгарликка тортиш муддати ўтганлигини қўллаш қоидаларидан истисно бўлган ҳолларни ҳам белгилаб ўтиб, унга асосан «150–157-моддалари, 158-модданинг 1-қисми, 159-модданинг 3 ва 4-қисмлари, 160, 161 ва 244<sup>2</sup>-моддаларида кўрсатилган жиноятларни содир этган шахсларга мазкур моддага биноан жавобгарликка тортиш муддатлари қўлланилмайди.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 14 ноябрдаги «Умрбод озодликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазони қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги 15-сонли қарори, 8-банд.

Халқаро ҳуқуқ нормаларига биноан, қилмишнинг содир этилиш вақтидан қатъи назар, жавобгарликка тортиш муддати ўтганлик қондаси ҳарбий жиноятчилар, тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши жиноят содир этган шахслар, уруш ёки тинчлик даврида<sup>1</sup> содир этилганлигидан қатъи назар, шунингдек апартеид<sup>2</sup> ва геноцид<sup>3</sup> учун қўлланилмайди. Барча кўрсатилган халқаро ҳужжатлар айбдорларни жавобгарликка тортиш ва уларга жазо чораларини қўллашда муддати ўтганлиги қондасини тан олмайдилар.

◆◆◆◆◆

### **65-модда. Қилмиш ёки шахс ижтимоий хавфли- лигини йўқотганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш**

Ишни тергов қилиш ёки судда кўриш вақтида шароит ўзгарганлиги туфайли содир этилган қилмиш ўзининг ижтимоий хавфлилигини йўқотган деб топилса, жиноят содир этган шахс жавобгарликдан озод қилиниши мумкин.

Ишни тергов қилиш ёки судда кўриш вақтида шароит ўзгарганлиги туфайли жиноят содир этган шахс ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотган деб топилса, жавобгарликдан озод қилиниши мумкин.

<sup>1</sup> Қаранг: Ҳарбий жиноятлар ва инсониятга қарши жиноятларга нисбатан муддати ўтганлик қондаси қўлланилмаслиги тўғрисидаги конвенция (БМТ Бош Ассамблеясининг 1968 йил қабул қилинган ва 1970 йил 11 ноябрда кучга кирган 2391 (XXII)-сонли Резолюциясига мувофиқ, имзолаш, ратификация қилиш ва кўшилишга очик, деб эълон қилинган).

<sup>2</sup> Қаранг: Апартеид жиноятининг олдини олиш ва унинг учун жазо белгилаш тўғрисидаги 1973 йил 30 ноябрдаги конвенция (1976 йил 18 июлда кучга кирган).

<sup>3</sup> Қаранг: Геноцид жиноятининг олдини олиш ва унинг учун жазо белгилаш тўғрисидаги конвенция (БМТ Бош Ассамблеясининг 260 А (III)-сонли Резолюцияси билан 1948 йил 9 декабрда қабул қилинган, 1961 йил 12 январда кучга кирган, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1999 йил 20 августдаги 835-1-сонли қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси қўшилган).

---

---

## Ш А Р Ҳ

---

---

1. Жиноят қонуни ҳам ижтимоий ҳаётда, ҳам ҳуқуқ соҳасида муҳит ўзгариши мумкинлигини кўзда тутуди ва бу жиноий жавобгарликка тортиш ва жазони қўллашга таъсир ўтказмай қолмайди. ЖКнинг 65-моддасига кўра жиноятни содир этган шахсни жавобгарликдан озод этишнинг умумий асоси, деб шароит ўзгариши туфайли қилмиш ёки шахс ижтимоий хавфлилигини йўқотганлиги ҳисобланади.

Шарҳланаётган моддада жавобгарликдан озод этишнинг икки мустақил, лекин маъно ва мазмун жиҳатдан жиноий жавобгарликдан озод қилишда бир-бирига яқин бўлган асослари кўрсатилган:

- шароит ўзгарганлиги туфайли содир этилган қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини йўқотиши;
- шароит ўзгариши билан жиноят содир этган шахснинг ижтимоий хавфлилигини йўқотиши.

Биринчи ҳолатда содир этилаётган вақтда ижтимоий хавфли бўлган қилмишнинг ўзи кейинчалик бу хусусиятини йўқотади. Иккинчи ҳолатда эса, ижтимоий хавфли қилмишга йўл қўйган шахс эндиликда жамият учун ҳеч қандай ижтимоий хавф туғдирмайди. Ҳар икки ҳолда ҳам ижтимоий хавфлилик тавсифи шарт-шароит ўзгариши натижасида йўқолади.

**2. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми** белгилайдики, ишни тергов қилиш ёки судда кўриш вақтида шароит ўзгарганлиги туфайли содир этилган қилмиш ўзининг ижтимоий хавфлилигини йўқотган деб топилса, жиноят содир этган шахс жавобгарликдан озод қилиниши мумкин.

Содир этилган қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини йўқотишига оид шарт-шароитнинг ўзгариши тушунчаси бутун мамлакат ёки муайян минтақа миқёсида жамият ҳаёт фаолиятининг барча жабҳаларида рўй берган туб ўзгаришларни англатади.

Шарт-шароит ўзгариши кенг қўламли бўлиб, биргина муайян қилмишнинг эмас, балки шу турдаги барча қилмишлар ижтимоий хавфини йўқотишига олиб келиши шарт. Масалан,

мамлакат ёки муайян минтақада фавқуллода вазият бекор қилинганидан сўнг фавқуллода ё ҳарбий вазиятда жиноят, деб топилган барча қилмишлар ўз ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотади.

3. **Шароитнинг ўзгариши** деганда, объектив воқеликнинг ўзгариши боис содир этилган жиноятнинг янги ижтимоий шароитларда ўзининг ижтимоий хавфлиликни йўқотганлиги тушунилади. Айтилиши вақтда шароитнинг ўзгариши бутун давлат миқёсида, шунингдек, маълум бир ҳудудда ҳам бўлиши мумкин. Масалан, ғайриқонуний равишда тақиқланган жойда балиқ овлаш ижтимоий хавфли ҳисобланиб, Жиноят кодексининг 202-моддасига кўра, жавобгарликка тортишга сабаб бўлади. Бироқ, балиқ миқдорининг кўпайиб кетиши ёки емиш танқислиги шароитида муайян жониворларнинг қирилиб кетиш хавфи пайдо бўлиши туфайли бундай жойларда балиқ тутиш ва ов қилиш расмий равишда рухсат этилган бўлса, ушбу рухсатдан сўнг бу қилмишлар ўз ижтимоий хавфлилик тавсифини йўқотади ва бундай ҳаракат жиноят ҳисобланмайди. Шу билан бирга шуни ҳам унутмаслик керакки, агар жиноят содир этилганидан сўнг жиноят қонунини енгиллаштирилган ёки умуман бекор қилинган бўлса, у ҳолда айбдор шахс Жиноят кодексининг 65-моддасига биноан шароит ўзгариши оқибатида эмас, балки Жиноят кодексининг 13-моддаси иккинчи қисмига кўра, яъни қонунни орқага қайтиш кучи қондасига мувофиқ, жиний жавобгарликдан озод этилади.

4. **Шахс ёки қилмиш ижтимоий хавфлиликни йўқотиши** сабабли айбдорни жиний жавобгарликдан озод қилиш муайян ижтимоий муносабатларнинг декриминализация қилиниши, деб ҳисоблаш учун асос бўла олмайди.

Қилмишни жиний жабҳадан чиқариш, унинг асосларидан қатъи назар, шу жумладан, қилмиш ижтимоий хавфлиликни йўқотганлиги туфайли ҳам, жиний жавобгарликнинг ўзини инкор этади. Масалан, Жиноят кодексининг 187-моддаси Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар

киритиш, шунингдек айримларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги Қонуни<sup>1</sup> асосида чиқариб ташланган. Декриминализацияда жиний жавобгарликка тортишга сабаб бўлмайди, чунки бунда умуман жиноят мавжуд бўлмайди.

5. **Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмида** шахс ижтимоий хавфлилиқ хусусиятини йўқотганлиги туфайли жиний жавобгарликдан озод қилиш мумкинлиги назарда тутилган. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмидан фарқли равишда, иккинчи қисмининг қоидалари қилмиш эмас, балки айнан шахс ижтимоий хавфлилиқ хусусиятини йўқотишига тегишли.

**Жиноят содир этган шахс ижтимоий хавфлилигини йўқотишига оид шароитнинг ўзгариши** тор маънода тушунилади: шахснинг жиноятни содир этган ва ундан кейинги вақтдаги ҳаёти ва фаолияти шарт-шароитларига боғлиқ. Кўпинча амалиётда шунга ўхшаш шароитнинг ўзгаришига жиноят содир этган шахснинг армияга хизматга чақируви, унинг ишга ёки ўқишга кириши, жиноят содир этганлиги, оилавий муносабатларнинг яхшиланиши ёки айбдорнинг оғир касаллиги туфайли мансабдан кетиши сабаб бўлади. Жиноят содир этган шахс ижтимоий хавфлилигини йўқотганлиги ҳақида нафақат унинг ҳаётининг объектив шароитлари, балки унинг содир этилган жиноятдан кейинги хулқи ҳамда унинг намунали хулқи, касбий ва ижтимоий мажбуриятларига муносабати ва ҳатто унинг ахлоқи гувоҳлик қилади. Агар айбдор ўн олтига кирмаган шахс билан жинсий алоқага кирган, лекин оқибатда у билан турмуш қуриш учун рўйхатдан утиб ва тўлиқ оила қурган бўлса, шахс ижтимоий хавфлилиги йўқотилишига сабаб бўлган шароитлар ўзгарганлиги туфайли уни жавобгарликдан озод қилиш масаласини қуриб чиқиш шарт.

6. Шароитнинг ўзгариши туфайли қилмишнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилигини йўқотган, деб баҳолаш

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айримларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги 175-II-сонли Қонуни, 9-банд, 1-кичик банди // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 1-2-сон, 23-модда.

ва уни квалификация қилиш, конунда кўрсатилганидек, дастлабки тергов ва суд идоралари томонидан амалга оширилади. Бунда мазкур асосларга кўра квалификация қилиш қилмиш содир этилган вақтда эмас, балки фақат ишни тергов қилиш ёки судда кўриш пайтида амалга ошириш кераклигини унутмасликлари шарт. Бу ҳақда шарҳланаётган моддадаги «ишни тергов қилиш ёки судда кўриш вақтида ... содир этилган қилмиш ўзининг ижтимоий хавфлилигини йўқотган деб топилса» деган кўрсатма гувоҳлик қилади.

7. «**Тергов қилиш вақтида**» тушунчаси суриштирув ва дастлабки терговдан бошлаб, ишнинг прокурор томонидан судга юборилиши билан тугайдиган даврни англатади.

8. «**Ишни судда кўриш вақтида**» тушунчаси суд терговидagi тайёргарлик босқичидан бошлаб, судга иш келиб тушганда, уни судда кўришга тайинлаш масаласидан то ҳукм чиқарилиши билан тугайдиган даврни англатади.

Бундай ҳолларда терговчи, прокурор айбдорнинг розилиги билан жиноят ишини тўхтатиш тўғрисида, судья эса, айбдор розилиги билан жиноят иши бўйича иш юритишни тугатиш тўғрисида ажрим ёки айбланувчининг талабига биноан, ишни судда кўришни тайинлаш тўғрисида ажрим чиқаради.

9. Жиноят-процессуал қонуни дастлабки тергов идоралари ва суднинг ваколатларини белгилай туриб жиноят ишини қилмиш ёки шахс ижтимоий хавфлилик тавсифини йўқотганлиги сабабли тугатишни кўзда тутмаган. Хусусан, ЖПКнинг 333-моддасида ЖПКнинг 84-моддаси 5-қисми 1-бандида кўрсатилган асосларга биноан жиноят иши кўзгатилишининг рад этилиши ёки жиноят ишининг суд томонидан тугатилиши мумкинлиги кўрсатилмаган<sup>1</sup>.

Шу билан бирга, ЖПКнинг 84-моддаси 5-қисми 1-банди мазмунига асосан, ишни тергов қилиш ёки судда кўриб чиқиш пайтига келиб, қилмиш ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотган ёхуд вазият ўзгариши оқибатида бу шахс ижтимоий жиҳатдан хавfli бўлмай қолган, деб

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси, 84, 333-моддалари // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 2-сон.

эътироф этилса, жиноят иши шахснинг розилиги билан унинг айблилиги ҳақидаги масалани ҳал қилмай туриб тугатилиши мумкин<sup>1</sup>.

ЖПКнинг 84-моддаси 5-қисми 1-банди мазмунига асосан, айбланувчи дастлабки тергов ёки суд муҳокамасида шароит ўзгариши туфайли жавобгарликдан озод қилиш, яъни айблилик масаласини ҳал қилмасдан туриб жиноят ишини тугатиш асоси, деб ҳисобга олиш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин.

---

◆◆◆◆◆

**66-модда. Айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш**

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган шахс, агар у айбини буйнига олиш тўғрисида арз қилган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган ва келтирилган зарарни бартараф қилган бўлса, жавобгарликдан озод қилиниши мумкин.

Ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддасида алоҳида кўрсатилган ҳолларда, жиноят содир этган шахс ўз қилмишига амалда пушаймон бўлган тақдирда жавобгарликдан озод қилиниши лозим.

---

## Ш А Р Ҳ

---

1. Амалда пушаймон бўлганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилишнинг асоси сифатида жиноят содир этгандан кейин ўзининг хулқи билан амалда пушаймонлигини тасдиқлаган ва шу билан ўзининг ижтимоий хавфлилигини йўқотган шахсни жинойий жавобгарликка тортишнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги илгари сурилади.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси, 84-модда 5-қисмининг 1-банди // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Аҳборотномаси, 1995 й., 2-сон.



Шархланаётган модданинг 1-қисмига биноан, «ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган шахс, агар у айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган ва келтирилган зарарни бартараф қилган бўлса, жавобгарликдан озод қилиниши мумкин».

**Амалда пушаймон бўлиш** деганда, айбини ўз бўйнига олиш тўғрисида арз қилган, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга жиноятнинг очилишида ва уни содир этган шахсларни топишда ёрдам берган ва етказилган зарарни қоплаган шахснинг фаол хатти-ҳаракати тушунилади.

2. Амалда пушаймон бўлиш жиной жавобгарликдан озод қилишнинг асоси сифатида қабул қилиниши учун шархланаётган модда қуйидаги белгилар бўлиши лозимлигини белгилайди:

- шахснинг биринчи марта жиноят содир этиши;
- содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфи катта бўлмаслиги ёки унча оғир бўлмаслиги;
- шахс айбини ўз бўйнига олиш тўғрисида арз қилганлиги;
- айбдорнинг чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги;
- жиноятни очишда ёрдам бериш;
- келтирилган зарарни бартараф қилиш.

Ана шу кўрсатилган барча белгиларнинг мавжудлиги айбдор шахснинг ҳақиқатан ҳам пушаймонлиги ва у айбига иқрорлигидан далолат бериб, бу уни жиной жавобгарликдан озод этиш учун етарли бўлиб кўринади. Юқорида кўрсатилиб ўтилган белгилардан бирортасининг бўлмаслиги, жиной жавобгарликни бекор қилишга тўсқинлик қилиши мумкин ва бу ҳол ЖКнинг 55-моддаси 1-қисми «а» бандида назарда тутилган жазони енгиллаштирувчи ҳолат, деб эътироф этилиши мумкин, холос.

3. Шахс ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этган бўлсагина қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги муносабати билан жиной жавобгарликдан озод этилиши мумкин. *(Ижтимоий*

хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноят тушунчаларига ЖКнинг 15-моддаси шарҳида изоҳ берилган)

Оғир ёки ўта оғир жиноятлар содир этган ҳолларда шахснинг амалда пушаймон бўлишига шарҳланаётган модда қўлланилмайди. Бундай ҳолларда, ЖКнинг 55-моддаси I-қисми «а» бандига асосан, шахснинг жиноятни очишда фаол қатнашиши, айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилиши, чин кўнгилдан пушаймонлиги ёки жиноятни очишда, яъни жиноятнинг бошқа иштирокчиларини топишда, жиноят ортидан топилган мулкни қидиришдаги фаол ҳаракатлари, жабрланувчига жиноят содир этилгандан кейин тиббий ёки бошқа ёрдам бериши ҳамда етказилган зарарни қоплашга йўналтирилган бошқа ҳаракатларини қонун жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар, деб топади. Айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги Жиноят кодекси Махсус қисмининг моддаларида назарда тутилган ҳоллар юқорида кўрсатилган қоидадан мустасно. (ЖКнинг 55-моддасига берилган шарҳга қаранг)

4. Жиноий жавобгарликдан озод этишнинг шарҳланаётган асоси биринчи марта ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни содир этган, яъни муқаддам судланмаган, тергов ёки суд остида бўлмаган, тергов ва суддан яширинмаган шахсларга тааллуқлидир. Жиноятни биринчи марта содир этиш авваллари шахс ҳеч қандай жиноят содир этмаганлигини аниқлатади.

Агарда шахс кам аҳамиятлилиги сабабли ижтимоий хавфлилиги йўқ қилмишни содир этган бўлса (ЖКнинг 36-моддаси), жиноят содир этилган кундан бошлаб жиноий жавобгарликка тортиш муддатлари ўтган бўлса (ЖКнинг 64-моддаси), қилмиш ёки шахс ижтимоий хавфлилигини йўқотганлиги муносабати билан у жавобгарликдан озод қилинса (ЖКнинг 65-моддаси), амалда пушаймон бўлганлиги муносабати билан (ЖКнинг 66-моддаси), ярашилганлиги муносабати билан (ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддаси) ёки амнистия акти асосида жавобгарликдан озод қилинганда (ЖКнинг 68-моддаси) ҳам жиноят **биринчи марта содир этилган**,

деб ҳисобланиши керак. Янги жиноят содир этган шахснинг олдинги жинояти учун судланганлиги тугалланган ёки олиб ташланган ҳолларида ҳам ушбу шахс жиноятни биринчи марта содир қилган, деб топилади.

**5. Айбини бўйнига олиш** тўғрисида арз қилиш, чин кўнгилдан пушаймон бўлиш, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам бериш ва келтирилган зарарни бартараф қилиш – буларнинг барчаси амалда пушаймон бўлишнинг ягона шаклини ҳосил қилади.

Айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилиш деганда, ҳали ушбу жиноятни содир этишда гумонланувчи ёки айбдор, деб эътироф этилмаган шахснинг ўзи томонидан ҳеч қандай мажбурловсиз ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилишидир. *(Айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилиш хусусида ЖКнинг 55-моддаси биринчи қисми «а» банди шарҳига қаранг)*

**Чин кўнгилдан пушаймон бўлиш** содир этган жиноятни бўйнига олиш, қилмиши ва жиний оқибатлари тўғрисида афсусланиш ва жазони ўзининг хатти-ҳаракати учун адолатли ва холис жазо сифатида қабул қилишидир.

Жиноятни очишга фаол ёрдам бериш ҳар хил шаклда бўлиши мумкин: жиноятнинг бошқа иштирокчиларини фош қилиш, содир этилган жиноят гувоҳларини аниқлашда, жиноятга оид қуроллар, буюмлар ва содир этиш воситаларини, шу билан бирга турли далилий ашёларни топишда кўмаклашиш, ўғирланган мол-мулк ҳамда қидирувдаги шахсларнинг яширинган жойини маълум қилиш, тергов ва суд ишларида фаол иштирок этиш, юзма-юз учрашув чоғида ёлғон кўрсатма бераётган бошқа гумондор ёки айбдорларни фош этиш ва ҳ.к. (жиноятни фош этишга фаол кўмаклашиш тўғрисида Жиноят кодексининг 55-моддаси биринчи қисми «а» банди шарҳига қаранг).

**Келтирилган зарарни бартараф қилиш** – амалда пушаймон бўлишнинг зарурий белгиси. Шарҳланаётган модда доирасида қонун чиқарувчи зарар ўрнини қоплаш эмас, айнан уни бартараф қилиш, деб ўтилиб, бу икки тушунча ўзаро фарқланади.

Зарар ўрнини қоплаш амалда зарар учун товон тўлашни англатади. Бундай ҳолда зарар бартараф этилмай, балки унга эквивалент бўлган мол-мулк билан унинг ўрни қопланади. Бу икки тушунча ўртасидаги фарк фуқаролик қонунчилигини таҳлил этишда ҳам намоён бўлади, бу ерда ҳам «зарар ўрнини қоплаш» атамаси қўлланилади<sup>1</sup>.

Товон тўлаш ҳоллари зарарни бартараф қилиш сифатида кўрилиши мумкин эмас, чунки у хамиша ҳам айбдорнинг чин кўнгилдан пушаймонлиги, унинг обрў-эътибори тикланиши билан боғлиқ эмас. Кўрсатилган ҳолларда зарар ўрнини қоплашни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллаш мумкин. Зарарни бартараф қилиш эса шу билан бирга жабрланувчи ёки унинг яқин қариндошлари руҳий изтиробларини енгиллаштиришдан ҳам иборат бўлиши керак. Ҳаракатсизликдан иборат бўлган, яъни ота-онасини боқишдан бош тортиш, ҳарбий ёки муқобил хизматдан бош тортиш кабиларда етказилган зарарни ихтиёрий равишда бартараф қилиш ушбу жиноятлар учун асос бўлган мажбуриятларни адо этишда ҳам ифодаланиши мумкин. Ниҳоят, шахснинг шаъни ва кадр-қимматига тажовуз қиладиган жиноятлар, масалан, тухмат ва ҳақорат қилиш, етказилган зарарни қоплаш ошқора (матбуот воситаларида, судда) узр сўраш ёки тухмат-бўхтон материалларни рад этиш орқали амалга оширилиши ҳам мумкин. Етказилган зарарни бартараф қилишнинг барча шу каби шакллари жиноят туфайли етказилган зарар ўрни моддий жиҳатдан қопланиши билан бирга келади. *(Зарарни бартараф қилиш хусусида тўлароқ ЖКнинг 55-моддаси 1-қисми «а» бандида баён этилган).*

6. Фақатгина юқорида кўрсатилган шартларнинг бир вақтда мавжудлигида (ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятнинг биринчи марта содир этилиши ва бошқалар) ЖКнинг 66-моддасига асосан айбдор шахсни жавобгарликдан озод қилиш масаласи қўйилиши мумкин.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, 1002, 1003 ва 1006-моддалари // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 2-сонга илова.

7. **Шарҳланаётган модданинг 2-қисмига** мувофиқ, ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддасида алоҳида кўрсатилган ҳолларда, жиноят содир этган шахс ўз қилмишига амалда пушаймон бўлган тақдирда жавобгарликдан озод қилиниши лозим\*. Таъкидлаш лозимки, ЖКнинг 66-моддаси 2-қисмида кўзда тутилган ҳоллар Жиноят кодексининг давлатга хоинлик қилиш (157-модда), Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига тажовуз қилиш (159-модда), жосуслик (160-модда), пора бериш (211-модда), пора олиш-беришда воситачилик қилиш (212-модда), диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотлар тузиш, уларга раҳбарлик қилиш, уларда иштирок этиш (244<sup>2</sup>-модда), курул, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларига қонунга хилоф равишда эгалик қилиш (248-модда) учун жавобгарликни назарда тутувчи моддаларида ўз ифодасини топган.

ЖПКнинг 84-моддаси 1-қисми 8-бандига асосан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида шахснинг ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги тугайли жавобгарликдан озод қилиниши назарда тутилган бўлса, шахснинг жиноят содир этилишида айблилиги тўғрисидаги масалани хал қилмай туриб жиноят иши тугатилиши лозим. Бунда ЖПКнинг 84-моддаси 2-қисмига кўра, агар айбланувчи, судланувчи ёки вафот этган айбланувчининг, судланувчининг яқин қариндошлари талаб қилса, ишни юритиш умумий тартибда давом эттирилиши мумкин. Бундай ҳолларда ҳукм қилиш учун асослар мавжуд бўлса, айблов ҳукми жазо тайинланмасдан чиқарилади.

8. Айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги тугайли жиноий жавобгарликдан озод қилиш терговчи, прокурор ёки суд (судья) ваколатига киради, агарда бунга ЖПКнинг 84-моддаси 5-қисми 2-бандига мувофиқ айбланувчининг розилиги бўлса. Агарда айбланувчи бундай розилик бермаса, иш суд томонидан кўриб чиқилади ва суд муҳокамаси натижалари бўйича ёки оқлов ҳукми чиқарилади ёки шахс ЖКнинг 71-моддаси қондалари бўйича жазо тайинланмасдан айбдор, деб топилади. Шундай қилиб, айбдорга нисбатан

жиноят содир этилишида айблилиги тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб айбдорнинг амалда пушаймон бўлганлиги асосида жиноят иши тугатилишига унинг розилиги ЖКнинг 66-моддасида назарда тутилган айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилишни ЖКнинг 71-моддасида назарда тутилган ўхшаш асосга кўра жазодан озод этишдан фарқлашга имкон беради.

7. Айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлишини жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтишдан фарқлаш лозим. Биринчиси фақатгина жинойий қилмиш тугалланганидан кейин амалга ошиши мумкин, ихтиёрий қайтиш эса, аксинча, жиноят тугалланган вақтдан олдин амалга ошиши лозим, чунки у шахснинг жиноятга тайёргарлик кўриш ҳаракатларини ёки жиноят содир этишга бевосита қаратилган ҳаракатларни ихтиёрий ва узил-кесил тўхтатишидан иборат бўлади, бунда шахс ўзининг жинойий қасдини охирига етказиш мумкинлигини англаган бўлиши шарт. Айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлишидан фарқли ўларок, ихтиёрий қайтиш жинойий жавобгарликдан озод этмасдан, уни бутунлай истисно қилади. Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтган шахс, агар амалда содир этган қилмишида бошқа жиноят таркибининг барча аломатлари бўлсагина, жавобгарликка тортилади.

---

### **66<sup>1</sup>-модда. Ярашилганлиги муносабати билан жинойий жавобгарликдан озод қилиш**

Ушбу Кодекс 105-моддасининг биринчи қисмида (қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш), 106-моддасида (кучли рухий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш), 107-моддасида (зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан баданга оғир шикаст етказиш), 108-моддасида (ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб, баданга қасддан оғир шикаст етказиш), 109-моддасида (қасддан баданга енгил шикаст етказиш), 110-моддасининг

биринчи қисмида (қийнаш), 111-моддасида (эҳтиётсизлик орқасида баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиш), 113-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида (таносил ёки ОИВ касаллиги/ОИТСни тарқатиш), 115-моддасида (аёлни ўз ҳомиласини сунъий равишда туширишга мажбурлаш), 116-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида (қасб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик), 117-моддасининг биринчи қисмида (хавф остида қолдириш), 121-моддасининг биринчи қисмида (аёлни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш), 122-моддасида (вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш), 123-моддасида (ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш), 125-моддасининг биринчи қисмида (фарзандликка олиш сирини ошкор қилиш), 136-моддасида (аёлни эрга тегишга мажбур қилиш ёки унинг эрга тегишига тўсқинлик қилиш), 138-моддасининг биринчи қисмида (зўрлик ишлатиб ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш), 139-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида (тухмат), 140-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида (ҳақорат қилиш), 141<sup>1</sup>-моддасининг биринчи қисмида (шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузиш), 141<sup>2</sup>-моддасининг биринчи қисмида (шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонунчиликни бузиш), 143-моддасида (хат-ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг сир сақланиши тартибини бузиш), 148-моддасида (меҳнат қилиш ҳуқуқини бузиш), 149-моддасида (муаллифлик ёки ихтирочилик ҳуқуқларини бузиш), 167-моддасининг биринчи қисмида (ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш), 168-моддасининг биринчи қисмида (фирибгарлик), 169-моддасининг биринчи қисмида (ўғрилиқ), 170-моддасининг биринчи қисмида ҳамда иккинчи қисмининг «б» ва «в» бандларида (алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан мулкый зарар етказиш), 172-моддасида (мулкни қўриқлашга виждонсиз муносабатда бўлиш), 173-моддасининг биринчи қисмида (мулкни қасдан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш), 180-моддасида (сохта банкротлик), 181-моддасида (банкротликни яшириш), 185<sup>2</sup>-моддасида (электр, иссиқлик энергияси, газ, водопроводдан

фойдаланиш қоидаларини бузиш), 189-моддасида (савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш), 191-моддасида (қонунга хилоф равишда ахборот тўплаш, уни ошкор қилиш ёки ундан фойдаланиш), 192-моддасида (рақобатчини обрўсизлантириш), 229-моддасида (ўзбошимчалик), 256-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида (тадқиқот фаолиятини амалга оширишда хавфсизлик қоидаларини бузиш), 257-моддасининг биринчи қисмида (меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш), 258-моддасининг биринчи қисмида (тоғ-кон, қурилиш ёки портлатиш ишлари хавфсизлиги қоидаларини бузиш), 259-моддасининг биринчи қисмида (ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузиш), 260-моддасининг биринчи қисмида (темирйўл, денгиз, дарё ёки хаво транспортининг ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш), 266-моддасининг биринчи қисмида (транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш), 268-моддасининг биринчи қисмида (транспортнинг хавфсиз ишлашини таъминлашга доир қоидаларни бузиш), 277-моддасининг биринчи қисмида (безорилик), 298-моддасининг биринчи қисмида (машиналарни бошқариш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш) назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, жинойий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Оғир ёки ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар ярашилганлиги муносабати билан жинойий жавобгарликдан озод қилинмайди.

---

## Ш А Р Ҳ

---

1. Жинойий жавобгарликдан озод қилиш учун асос сифатида ярашувнинг қўлланилиши – айбдор ва жабрланувчининг ўзаро келишиши масаласидир. Ярашув томонларнинг эркин хоҳиш-истаклари ва мажбурловсиз амалга оширилаётганлигини аниқлаш керак. Бу эса, жабрланувчи



томонидан айбдорни кечириши ҳамда шахсни қилмиши учун жиноий жавобгарликка тортилишини истамасликда намоён бўлади. Ўз навбатида, айбдордан ҳам ўз айбини тан олиб, етказилган зарарни қоплаш талаб қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорига биноан, «ярашув тўғрисидаги ариза ҳар доим ёзма шаклда тақдим этилиб, унда жиноят натижасида етказилган зарар бартараф этилганлиги (ёки жабрланувчининг зарардан воз кечганлиги) ва ярашилганлиги муносабати билан жиноят ишини тугатиш ҳақидаги илтимос кўрсатилган бўлиши лозим.

Ярашув тўғрисида иш юритиш масаласини қўзғатиш ҳуқуқига қонунда белгиланган тартибда жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) деб топилган шахс ёки унинг қонуний вакили эгадир.

Жабрланувчи билан айна бир вақтнинг ўзида ишда фуқаровий даъвогар ҳам қатнашган ҳолларда ярашув тўғрисида иш юритишни бошлаш учун ҳам жабрланувчи, ҳам фуқаровий даъвогар томонидан тегишли ариза берилган бўлиши шарт.

Иш бўйича бир гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва бир неча жабрланувчи бўлган ҳоллар учун ҳам қонунда айнан шундай талаблар белгиланган. Жабрланувчиларнинг ҳатто бирортасидан тегишли ариза бўлмаган ҳолларда ярашув тўғрисида иш юритиш мумкин эмас. Бундай ҳолда жиноят иши бўйича иш юритиш умумий асосларда олиб борилади<sup>1</sup>.

Шу билан бир вақтда, иш бўйича бир жабрланувчи ва бир неча гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчилар бўлган тақдирда ҳам қонун жабрланувчининг улардан айримлари ярашувга келиши мумкинлигини эътироф этади. Бундай ҳолларда ишнинг жабрланувчи ярашувга келган гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчиларга оид қисми алоҳида иш юритувга ажратилиб, ЖПКнинг 584-моддаси тартибида судга юборилади, қолганларга доир қисми бўйича эса, иш юритиш умумий асосларда олиб борилади<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 25 октябрдаги «Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги 27-сонли қарори, 2-банд, 2–5-хатбошилари.

<sup>2</sup> Ўша манба, 6-банд.

2. Ярашув ўзининг мазмуни бўйича амалда пушаймон бўлиш билан ўхшаш бўлиб, у билан бир хил белгиларга эга. Амалда пушаймон бўлишдан фарқли ўлароқ, ярашувда етказилган зарарни қоплаш ва зарар етказилган жабрланувчи томонидан кечирилишни талаб қилади, лекин амалда пушаймон бўлишда бу роль дастлабки тергов органлари ва судга тегишли. Формал нуқтан назардан амалда пушаймон бўлишнинг шартлари аниқ кўрсатилган ва уларнинг хатто биттасининг йўқлиги ушбу асосни қўллашга йўл қўймайди. Ярашувда жабрланган шахс билан айбдор шахс ўртасида зарарни қоплаш ҳақида келишилмаган бўлса ва томонлар шунга рози бўлган вазиятлар жавобгарликдан озод қилишга ҳалакит бермайди.

3. Жабрланувчининг аризаси йўқлиги учун жиноят ишини қўзғатмаслик билан ярашилганлик муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш тушунчаларини фарқлаш лозим. Айрим жиноят таркиблари бўйича жиноят ишлари фақатгина жабрланувчининг шикоятга ёки истисно ҳолатларда ваколатли шахслар томонидан қўзғатилиши мумкин (хусусий-оммавий айблов ишлари)<sup>1</sup> ва бунда жабрланувчи шахсан ўзи ёки вакили орқали мазкур иш бўйича суд муҳокамаси жараёнида айбловни қувватлаш ҳуқуқига эга бўлади.

Шундай қилиб, хусусий-оммавий айбловда аризанинг мавжудлиги шарт бўлиб, у жиноий таъкибни қўзғатиш учун сабаб бўлади. Шахс ариза бермаганлиги ёки жиноий иш қўзғатиш учун бошқа асос йўқлиги ярашувдан ёки жиноят ходисаси мавжуд эмаслигидан далолат бериб, бу жиноят фактининг ўзи йўқлигининг исботи бўла олади. Жабрланувчи ночор аҳволда бўлганлиги туфайли, айбланувчига қарам бўлганлиги ёки бошқа сабабларга кўра ҳуқуқини ва қонуний манфаатларини шахсан ўзи ҳимоя қила олмайдиган фавқулодда ҳолларда прокурор жабрланувчининг аризасисиз ҳам жиноят ишини қўзғатиши шарт<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси, 325-модда // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 2-сон.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

4. Айбдорнинг ва жабрланувчининг ярашувини қонуний ва ихтиёрий ҳаракат, деб ҳисоблаш учун маълум бир шартлар бўлиши керак:

- Жиноят кодексининг 66<sup>1</sup>-моддасида кўрсатилган жиноятлардан бирининг содир этилганлиги;
- айбига иқрор бўлиш;
- жабрланувчи билан ярашиш;
- етказилган зарарнинг қопланиши;
- оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун судланганлик ҳолатининг йўқлиги;

5. Ярашилганлиги муносабати билан шахснинг жиноий жавобгарликдан озод қилинишининг асоси сифатида айнан Жиноят кодексининг 66<sup>1</sup>-моддасида санаб ўтилган жиноятлардан бирининг содир этилиши, бунда ушбу институтнинг бошқа таркибий элементлари ҳам мавжуд бўлиши лозим. Амалдаги қонунчиликнинг таҳлили шуни кўрсатадики, шарҳланаётган моддада кўрсатилган жиноят таркиблари ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига киради. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида белгиланган жиноят таркибларининг рўйхати қатъий бўлиб, унинг доираси кенгайтириб талқин этилиши мумкин эмас<sup>1</sup>.

Олий суд тушунтиришларига кўра, агар шахс бир нечта жиноят содир этган бўлиб, улардан бири Жиноят кодекси 66<sup>1</sup>-моддасида кўрсатилган бўлса, ишнинг шу қисми Жиноят-процессуал кодексининг 62-бобида белгиланган тартибда тугатилиши мумкин, лекин бу тартиб такрорийлик белгисини берадиган жиноятларга татбиқ этилмайди<sup>2</sup>.

6. Айбига иқрор бўлиш ва зарарни қоплаш ўзида жабрланувчи билан ярашиш мақсадини олган ҳаракатлардан иборатдир.

**Ярашув** — жабрланувчининг афв этишигина эмас, балки унинг айбдорга нисбатан ўз дастлабки талаб ва даъволаридан расмий равишда воз кечишини англатади. У жиноятни содир

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 25 октябрдаги «Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги 27-сонли қарори, 1-банд, 2-хатбоши.

<sup>2</sup> Уша манба, 11-банд.

этган шахсни жинойй жавобгарликка тортиш илтимосидан воз кечиш (агар ярашув жинойй иш қўзғатилишидан аввал юз берган бўлса) ёки унинг аризасига кўра қўзғатилган жиноят ишини тугатишни сўраб берилган аризадан иборат бўлади. Ярашув акти жиноят-процессуал қонун ҳужатлари талабларига мувофиқ, баённома билан расмийлаштирилади<sup>1</sup>. Жабрланувчи билан ярашув айбига иқрор бўлмасдан рўй бериши мумкин эмас. Шахс етказилган зарар ўрнини қоплаб, жабрланувчи шахс ўз даъволаридан воз кечиши хусусида келишувга келишга интилар экан, демак, бу фақат айбини тан олиш орқали амалга ошиши мумкин.

**Етказилган зарарни қоплаш** инсон ҳаёти ва соғлиғига тажовуз пайтида саломатликка етказилган мулкый зарар ўрнини тўлдиришдан, шунингдек маънавий зарарни қоплашдан иборат бўлади. *(Бу ҳақда батафсил ЖКнинг 55-моддаси 1-қисми ва 66-моддаси шарҳига қаранг)*

7. Ярашувнинг кейинги шarti – айбдорнинг оғир ва ўта оғир жиноят содир этганлиги учун судланмаганлиги.

**Айбдорнинг оғир ёки ўта оғир жинояти учун судланганлик ҳолати йўқлиги**, шу шахсни аввал оғир ёки ўта оғир жинояти учун судланмаган ёки судланган, лекин судланганлик қонуний тартибда олиб ташланган ёки муддати тугалланган бўлишини англатади. Бундан ташқари, қонуннинг ўзгарганлиги туфайли жиноят, деб ҳисобланмайдиган қилмиши учун жазо ўтаган шахс судланган ҳисобланмайди. *(Судланганлик, олиб ташланган судланганлик ва тугалланган судланганлик тушунчалари ЖКнинг 78 ва 79-моддаларига берилган шарҳда ёритилган. Оғир ва ўта оғир жиноятлар тушунчалари ҳақида ЖКнинг 15-моддасига берилган шарҳга қаранг)*

8. Жиноят содир этган шахснинг жабрланувчи билан ярашганлиги муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги (ёки жиноят ишини қўзғатишни рад этиш) қарор суриштирув органи ёки терговчи томонидан прокурорнинг

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси, 585-модданинг 9-қисми // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотнома-си. 1995 й., 2-сон.



розилиги билан, шунингдек прокурор томонидан дастлабки терговнинг барча босқичида, суд (судья) томонидан эса, суднинг (судьянинг) ҳукм эълон қилиш учун маслаҳат хонасига киришдан олдин суд муҳокамасининг ҳар қандай вақтида ажрим шаклида қабул қилиниши мумкин<sup>1</sup>.

Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд зиммасига қонун билан юклатилган мажбуриятлардан бири, бу – ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) га тушунтириш шартлигидир. Қонуннинг ушбу талабига риоя этмаслик ярашув тўғрисидаги иш бўйича чиқарилган қарорнинг бекор қилинишига асос бўлиши мумкин<sup>2</sup>.

9. Ярашув институти жиноий жавобгарликдан озод қилиш тури сифатида шахснинг айбдорлиги масаласини ҳал этмай туриб жиноят ишларини тугатиш учун асос бўлади<sup>3</sup>.




---

### **67-модда. Касаллик туфайли жавобгарликдан озод қилиш**

Агар жиноят содир этган шахсда ҳукм чиқарилгунига қадар ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган тарзда руҳий ҳолатнинг бузилиши юзага келган бўлса, у жавобгарликдан озод қилинади.

Бундай шахсга нисбатан суд томонидан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилиши мумкин.

Бундай шахс ушбу Кодекснинг 64-моддасида назарда тутилган муддатлар ўтмасдан тузалса, жавобгарликка тортилади. Бундай ҳолда жавобгарликка тортиш муддатлари суд

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 25 октябрдаги «Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги 27-сонли қарори, 3-банд.

<sup>2</sup> Ўша манба, 4-банд, 2-хатбоши.

<sup>3</sup> Ўша манба, 1-банд, 1-хатбоши.

томонидан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўлланилган кундан ҳисобланади.

## Ш А Р Ҳ

1. Жиноий жавобгарликнинг асосий хусусиятларидан бири – шахснинг жамоатчилик томонидан қораланиши бўлиб, у жазо чоралари қўлланилишида ифодаланади. Шу нуқтан назардан, жиноий жавобгарлик жамиятнинг барча аъзоларига нисбатан жиноятнинг олдини олиш чораси сифатида эмас, балки ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсга нисбатан алоҳида таъсири муҳим ҳисобланади. Шу сабабли, жавобгарликнинг аҳамиятини англаб етишга қобил бўлмаган шахсни жиноий жавобгарликка тортиш жамият ва давлат томонидан айблаш ва жазони ўташ (ЖКнинг 75-моддаси) жиноий жавобгарлик ва жазонинг мақсадига тўғри келмайди.

2. **Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмига мувофиқ**, «Агар жиноят содир этган шахсда ҳукм чиқарилгунига қадар ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган тарзда рухий ҳолатнинг бузилиши юзага келган бўлса, у жавобгарликдан озод қилинади». Ушбу норма ақли расо ҳолатда жиноят содир этган, бироқ ҳукм эълон қилинишидан олдин рухий ҳолати бузилган шахсларнинг жиноий жавобгарликдан озод қилинишини назарда тутмоқда.

Қонун чиқарувчи жавобгарликдан озод қилишнинг қуриб чиқиляётган асосини рухий ҳолати бузилган шахс айнан ўзининг қилмишларини англамаслиги ёки уларни бошқара олмаслиги билан боғлайди.

3. Шахс жиноят содир этганлиги ва у бунинг учун сўзсиз тегишли жазога тортилишини англаш, жавобгарликнинг муқаррарлиги ва одиллик тамойилини ақс эттиради. Бунинг интеллектуал қуриниши содир этилган ижтимоий хавфли, ғайриқонуний қилмиш учун жамият томонидан қораланиб, жазо берилиши муқаррарлигидир. Шу билан бирга, англаш мавжуд бўлмас экан, шахс рухий ҳолатининг бузилиши билан оғриб қолган ҳолларда ҳам жиноий жавобгарлик мақсадларига эришилмайди.

Жиноят қонуни жиноий жавобгарликдан озод этишнинг мазкур институтини қўллашга имкон берадиган ягона асос сифатида жиноят содир этган шахснинг рухий ҳолатининг бузилганлигини эътироф этади.

4. Касалликка дучор бўлган шахснинг ўз ҳаракатларини бошқара олмаслиги шундан иборатки, биринчидан, мазкур шахс, ўзи ва атрофдагилар учун хавф туғдирувчи манбадир; иккинчидан, у ушбу шахснинг ночорлигига сабаб бўлади, яъни шахс ўзининг асосий ҳаётӣ эҳтиёжларини мустақил равишда қондиришга лаёқатсиз бўлади; учинчидан, у шахс психиатрия ёрдамисиз қолдирилгудек бўлса, рухий ҳолати ёмонлашуви оқибатида унинг соғлиғига жиддий зарар етказилишига олиб келиши мумкин<sup>1</sup>. Мазкур ҳолатлар тенг равишда жавобгарликка тортиш аҳамиятини англаб етмаслик ҳолларига ҳам тегишлидир.

5. **Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми** жиноий жавобгарликдан озод қилиш асоси сифатида жиноят содир этган шахснинг муайян рухий ҳолатининг бузилганлигидан келиб чиқадиган ақли норасолигини назарда тутати. Ақли норасолик тўртта рухий ҳолатининг бузилганидан бирининг мавжудлиги туфайли келиб чиқиши мумкин, улар: рухий ҳолатининг сурункали бузилиши; рухий ҳолатининг вақтинчалик бузилиши; ақлнинг пастлиги; касалликнинг бошқа ҳолатлари. Ушбу рухий ҳолатнинг бузилиши суд-тиббий экспертизаси томонидан белгиланиб, у касалликнинг жиноятдан кейинги хулқи вариантларидан бирини кўрсатиб ўтиши шарт: масъулиятни англамаслик хисси ёки ўз ҳаракатларини бошқара олмаслик. Шунингдек, рухий ҳолатининг бузилганлиги туфайли юзага келган ҳар икки омил мавжуд бўлиши мумкин<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 12 майдаги «Психиатрия ёрдами тўғрисида»ги ўРҚ–690-сонли Қонуни, 24-модда // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.05.2021 й., 03/21/690/0452-сон.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси, 173-модда 1-қисмининг 4-банди // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Аxbоротномаси, 1995 й., 2-сон.

6. **Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисми** давлатнинг ушбу шахсларни тузатиш учун ва уларни жамиятга қайтариш, шу билан бирга, уларнинг кейинчалик жиноий хулқи ва соғлиғи ёмонлашувининг олдини олиш мақсадида тиббий ёрдам кўрсатиш мажбуриятини белгилаб беради. Бундай ҳолларда жиноят қонуни руҳий ҳолатининг бузилган шахсга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашга руҳсат беради. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари тушунчаси, уларни қўллашнинг асоси, тартиби ва мақсади Жиноят кодексининг VII бўлимида белгилаб берилган.

7. **Шарҳланаётган модданинг учинчи қисми** жиноий жавобгарликдан озод этишнинг мазкур асосини қўллаш учун қўшимча шарт белгилаб беради. Шарт шундан иборатки, шахс ушбу Кодекснинг 64-моддасида назарда тутилган муддатлар ўтмасдан тузалса, жавобгарликка тортилади. Бундай ҳолда жавобгарликка тортиш муддатлари суд томонидан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўлланилган кундан ҳисобланади. Жиноий жавобгарликка тортиш жараёнини тиклаш учун қуйидаги шарт-шароитга эътибор бериш зарур:

- шахснинг соғайиб кетиши;
- тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари ва ундан кейинги жавобгарликка жалб этиш муддати ўтиб кетмай, шу доирада бўлиши шарт.

8. **Шахснинг руҳий ҳолатининг бузилганлиги** жавобгарликдан озод этишнинг асоси ҳисобланадиган бўлса, мазкур асоснинг мавжуд эмаслиги, шахсни жиноий жавобгарликка тортишни истисно қилмайди. Шахснинг соғайиб кетганлиги суд-психиатрия экспертизаси хулосаси билан тасдиқланиши шарт. Соғайиш даражаси тулиқ бўлиб, у шахснинг ўз ҳаракатларини англаши ва уларни бошқара олмаслик билан боғлиқ шарт-шароитларни бартараф этиши лозим. Касалликдан қисман соғайиб (ремиссия) ёки унинг кучайиши (зўрайиши) тўхталиб, аммо сурункали руҳий ҳолатининг бузилганлик кўринишлари сақланиб қолган ҳолларда жиноий жавобгарликка тортиш жараёнини қайта бошлаш мумкин эмас. Бундай ҳолларда, шахснинг руҳий ҳолати ёмонлашуви такрорланиши мумкин бўлиб, бу касаллик билан боғлиқ равишда жазодан озод этилишга олиб келади.



Айбсизлик презумпцияси моҳиятини очиб бериб, жиноят-процессуал қонунни қўллашда пайдо бўладиган ҳар қандай шубҳа гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи фойдасига ҳал этилиши кераклигини қайд этади (ушбу ҳолатда тузалиши факти шубҳа туғдираётган шахсга нисбатан)<sup>1</sup>.

9. Жавобгарликдан озод қилинган, бироқ тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралар қўлланганидан кейин соғайган шахсни жиноий жавобгарликка тортиш имконини берадиган бошқа бир шарт сифатида қонун жиноий жавобгарликка тортиш муддатларини эътироф этади. (*Жиноий жавобгарликка тортиш муддатлари тушунчаси ҳақида ЖКнинг 64-моддасига берилган шарҳга қаранг*)

Жавобгарликка тортиш муддатлари айбига қўйилаётган жиноятдан, аниқроғи унинг оғирлиги даражасидан келиб чиқиб ҳисобланади. Масалан, жиноят тоифасига нисбатан дифференциялашган муддатлар ўрнатилган. Муддат кечиши даврларини, айнан шулар белгилаб беради. Бундан ташқари, 64-модда жиноий жавобгарликка тортишнинг умумий муддатини ҳам белгилаб беради.

Ушбу асосларга кўра жиноий жавобгарликдан озод қилинган шахснинг тузалиши муносабати билан уни жиноий жавобгарликка тортиш учун муддатларни ҳисоблаш жиноят содир этилган кундан бошлаб эмас, балки унга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўлланилган кундан бошлаб ҳисобланади.

Жиноий жавобгарликка тортишнинг умумий йигирма беш йиллик муддати ўтиб кетиши шахсни жиноий жавобгарликка тортишнинг иложи йўқлигини ва жавобгарликка тортишнинг мақсадсиз эканлигини англатади. Бироқ, руҳий ҳолатининг бузилганлиги жиноий жавобгарликка тортиш муддатининг тўхтатилишига ёки узилишига сабабчи ҳолат ҳисобланмайди.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси, 23-модда // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 2-сон.

### 68-модда. Амнистия акти асосида жавобгарликдан озод қилиш

Жиноят содир этган шахс амнистия акти асосида жавобгарликдан озод қилиниши мумкин.

## Ш А Р Ҳ

1. Шарҳланаётган моддага биноан, «жиноят содир этган шахс амнистия акти асосида жавобгарликдан озод қилиниши мумкин». Амнистия жиноят содир этган, шунингдек, жазо ўтаётган шахсларга нисбатан инсонпарварлик акти бўлиб, амнистия тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг такдимномасига асосан қабул қилинади. Амнистия жиноят содир этган шахсларга нисбатан жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини қўлламаган ҳолда уларга тузалиш имконини бериш ёхуд бу чоралар қўлланилган шахсларнинг аҳволини энгиллаштириш мақсадида эълон қилинади.

**Амнистия** – давлатнинг ваколатли органи, яъни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатда ифодаланган эрки бўлиб, ўз ижтимоий моҳиятига кўра муайян тоифадаги жиноятларни содир этган муайян тоифадаги шахсларни кечириш бўлиб, давлат ва жамият томонидан қўллаб-қувватланадиган ҳужжатдир ва у суд тартибида қўлланилади. Амнистия акти жиноят содир этган шахсларни жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилиш, жазони энгиллаштириш, судланганликнинг ҳуқуқий оқибатларидан озод қилиш масалаларини ҳал қилиб, жиноят-ҳуқуқий, жиноят-процессуал, жиноят-ижроия муносабатлар доирасида тартибга солинади.

Амнистия акти муайян жиноят учун жавобгарликни назарда тутувчи жиноят қонунини ва суд ҳукмини инкор қилмайди. У фақат судланганлар ва жиноят содир этганлар қисматини энгиллаштиради, яъни жиноят ҳуқуқига тегишли бўлган инсонпарварлик принципининг амалга оширилишига қумаклашади. Асосан амнистия актлари республикамиз

учун муҳим бўлган кунларда қабул қилинади, масалан: Мустақиллик куни, Конституция куни, Хотира ва қадрлаш куни (9 май) ва ҳ.к.

2. **Амнистия** – бу маълум бир турдаги ва хилдаги жиноят содир этган маълум бир турдаги шахслар ёки барча шахсларни жиноий жавобгарликдан озод қилиш ёки тайинланган жазони ўташдан озод қилиш ёки суд томонидан тайинланган жазони қисқартириш ёки енгилроқ жазо билан алмаштириш акти ҳисобланади. Хусусан, Жиноят кодексининг 68, 76 ва 79-моддаларига мувофиқ, амнистия акти қўлланилиши натижасида қуйидаги ҳуқуқий оқибатлар келиб чиқиши мумкин:

шахс жиноий жавобгарликдан озод этилиши;

маҳкум асосий ва ижро этилмаган қўшимча жазодан озод этилиши;

маҳкумга тайинланган асосий ва ижро этилмаган қўшимча жазо муддатининг камайтирилиши;

маҳкум жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод этилиши;

маҳкумга тайинланган жазонинг ўталмаган қисми енгилроғи билан алмаштирилиши;

жиноят содир этган шахсдан судланганлик муддатидан илгари олиб ташланиши<sup>1</sup>.

3. Амнистия акти норматив ҳужжат бўлиб, юридик кучи муайян демографик, ижтимоий, жинсий, ҳуқуқий ва бошқа хусусиятли шахсларга нисбатан (масалан, Иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари ва уларга тенглаштирилган шахслар, аёллар, вояга етмаган ёки 60 ёшдан ошганлар ва ҳоказо) ёки муайян бир турдаги жиноят содир этган шахсларга (масалан, эҳтиётсизлик орқасида, иқтисодий ва ҳ.к.) нисбатан қўлланилади. Яъни, амнистия қўллаш учун шартлар актнинг ўзида бўлади ва фақат уларнинг мавжудлиги ёки аксинча йўл қўймайдиган вазиятларнинг йўқлигида амнистия у ёки бу шахсга нисбатан қўлланилиши мумкин.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги «Судлар томонидан амнистия актларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги 16-сонли қарори, 3-банд.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарорига биноан, амнистия ўта оғир бўлмаган жиноятлари учун биринчи марта судланган аёлларга, жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахсларга, 60 ёшга тўлган эркакларга ҳамда чет эл фуқароларига; эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этганларга, шунингдек ҳукм қилинган шахсларга, башарти улар ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этган бўлсалар; мазкур қарор кучга киргунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичида қонунда белгиланган тартибда жазони ўташга тўсқинлик қиладиган оғир касалликка чалинган ёки биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари деб топилган шахсларга (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) ҳамда қарорда аниқ кўрсатилган бошқа бир қатор шахсларга нисбатан қўлланилади<sup>1</sup>.

4. Амнистия актлари, одатда, жазо ўташ пайтидаги ўзини тутиши, давлат томонидан уларга нисбатан инсонпарварлик муносабатини тушуниб, англаб етиши ва янги жиноятни содир этмаслиги ҳақида тахмин қилишга асос бера оладиган шахсларни озод қилиш масалаларини ҳал этади. Аввал қайд этилганидек, амнистия актлари содир этилган жиноятларнинг тоифаси, айбланувчининг шахс хусусиятлари, жиноятни биринчи маротаба содир этиши ва х.к. билан боғлиқ маълум шартларни ўз ичига олиши мумкин. Шу нуқтаи назардан, амнистия кўпроқ айнан ўта хавфли рецидивистларга, жазо ўташ режимини мунтазам бузувчи шахсларга, муқаддам афв этиш ёки амнистия тартибида жазо ўташдан озод этилган ва яна қасддан жиноятларни содир этган шахсларга, бошқа хавфли жиноятчиларга нисбатан қўлланмайди.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2006 йил 30 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги 255-1-сонли қарори // Ўзбекистон Республикаси олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси. 2006 й., 11-сон, 617-модда.

Масалан, агар амнистия актида ёки уни қўллаш тартиби туғрисидаги Низомда бошқача ҳолат назарда тутилган бўлмаса, амнистия акти муқаддам амнистия актига мувофиқ жиноят иши қўзғатилиши рад этилган ёки амнистия актига асосан жиноий жавобгарликдан ёхуд жазодан озод этилган ва амнистия акти қўлланилгандан сўнг қасддан янги жиноят содир этган шахсга нисбатан қўлланилмайди. Шу билан бирга, Олий суд Пленуми ўз қарорида тушунтирадики, Жиноят кодекси Умумий қисмининг нормаларига мувофиқ, амнистия акти шахс муқаддам амнистия актига асосан жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод этилган-этилмаганлигидан қатъи назар, қуйидаги ҳолларда қўлланилиши мумкин, агар:

жиноят қонуни ўзгариши натижасида шахс муқаддам жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод этилган қилмиш жиноят деб ҳисобланмай қолган бўлса;

амнистия акти қўлланилган пайтдан бошлаб шахс амнистия актига асосан жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод этилган жиноят учун қонунда белгиланган жиноий жавобгарликка тортиш муддатларига тенг вақт ўтган бўлса (агар амнистия актида бошқача ҳолат назарда тутилган бўлмаса);

шахс муқаддам бошқа давлат (шу жумладан, собиқ СССР) нинг амнистия актига асосан жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод этилган бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида ва амнистия актида бошқа ҳолат назарда тутилмаган бўлса.

Жиноят-процессуал кодекси 23-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ, агар текшириш натижалари бўйича шахсга нисбатан ўтмишда амнистия акти қўлланилганлиги туғрисида маълумот тўплаш имкони бўлмаса, амнистия акти қўлланилиши шарт<sup>1</sup>.

Олий суд инстанциясининг кўрсатмаларига мувофиқ, шуни ҳам инобатга олиш лозимки, амнистия акти қўлланилишини истисно этувчи муайян шартлар белгиланган ҳолларда амнистия актини, агар унда бошқача ҳолат назарда тутилган

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги «Судлар томонидан амнистия актларини қўллашнинг айрим масалалари туғрисида»ги 16-сонли қарори, 8-банд.

булмаса, бундай шартлар (масалан, жазо ўташ тартибини муттасил бузиш, шахсни ўта хавфли рецидивист деб топиш) амнистия акти кучга киргунга қадар юзага келгандагина қўлламаслик мумкин<sup>1</sup>.

Умуман олганда, шуни қайд этиш лозимки, амнистия татбиқ этилмайдиган шахслар доираси амнистия акти билан белгиланади ва кенгайтирилган тарзда талқин этилиши мумкин эмас<sup>2</sup>.

5. Уларнинг амал қилиш даврида содир этилган қилмишларга татбиқ этиладиган маъмурий ва жиноят қонунчилиги нормаларидан фарқли равишда, амнистия акти фақат унинг қонуний кучга киришидан аввал жиноятлар содир этган шахсларга татбиқ этилади. Амнистия тўғрисидаги қарор унда мавжуд булган махсус кўрсатмага биноан, одатда, унинг қабул қилинган ёки эълон қилинган кунидан бошлаб қонуний кучга киради. Бу ерда шуни изохлаш керакки, давомли ва узоққа чўзилган жиноятлар содир этган шахсларга нисбатан амнистия акти, фақат бу жиноятлар амнистия акти кучга киргунга қадар тамомланган булса, қўлланилади.

6. Агар шахснинг ҳаракатлари бир хил ҳуқуқий оқибат тўғдирувчи, яъни шахсни фақат жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод этишни ёхуд жазо қўлланилиши истисно этилишини назарда тутувчи бир неча амнистия акти таъсири доирасига тушса, шахс содир этган охириги жиноятдан кейин кучга кирган амнистия актини қўллаш керак. Бирок, агар амнистия актларида фақат жазо муддатлари камайтирилиши назарда тутилган булса, барча амнистия актлари хронологик кетма-кетликда қўлланилиши лозим.

Шахснинг ҳаракатлари турлича ҳуқуқий оқибат тўғдирувчи, яъни айримлари шахсни жиноий жавобгарликдан, бошқалари эса жазодан озод этишни ёки жазо муддатлари камайтирилишини назарда тутувчи бир неча амнистия акти таъсири доирасига тушган ҳолларда шахснинг аҳволини

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги «Судлар томонидан амнистия актларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги 16-сонли қарори, 26-банд.

<sup>2</sup> Ўша манба, 24-банд, 1-хатбоши.



кўпроқ яхшилайдиган амнистия акти қўлланилиши керак<sup>1</sup>. Ушбу охирги ҳолат Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси инсонпарварлик тамойилининг навбатдаги ифодасидир.

7. Амнистия актининг ижро этилиши унинг кучга кирган пайтидан бошлаб уч ой давомида амалга оширилади. Амнистия актини ижро этиш юклатилган органлар тизими ва уларнинг ваколатлари, шунингдек, амнистия акти билан ҳамда уни қўллаш юзасидан низом билан белгиланади<sup>2</sup>.

Амнистия актини қўллаш тўғрисида суриштирув, тергов органи қарор, суд эса – ажрим, айблов ҳукми чиқаради<sup>3</sup>. Жиноят-процессуал қонунчилигига мувофиқ, амнистия акти содир этилган қилмиш учун жазо қўллашни бартараф этган ҳолда жиноят иши қўзғатилиши мумкин эмас, қўзғатилган иш эса тугатилиши лозим бўлади<sup>4</sup>. Агар айбланувчи бунга розилик бермаса, шунингдек, жиноят иши суд муҳокамаси босқичида бўлса, амнистия акти асосида жиноят ишининг тугатилишига йўл қўйилмайди. Бу вазиятда суд ишни кўриб чиқишни охиригача етказади ва асослари мавжуд бўлганда айблов ҳукмини чиқариб, асосий жазо сифатидаги жазодан озод қилиш билан ёки жазони тайинламаган ҳолда оқлов ҳукмини чиқаради<sup>5</sup>.

Агар жиноят иши шахсни жавобгарликдан озод қилишни назарда тутувчи амнистия актига хилоф равишда қўзғатилган бўлса, айблов ҳукми, гарчи унда маҳкумни жазодан озод қилиш назарда тутилган ёки жазо тайинланмаган бўлса-да, бекор қилиниб, иш ЖПК 84-моддаси биринчи қисмининг иккинчи бандига асосан тугатилиши шарт.



<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги «Судлар томонидан амнистия актларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги 16-сонли қарори, 12-банд.

<sup>2</sup> Ўша манба, 5-банд, 1-хатбоши.

<sup>3</sup> Ўша манба, 18-банд.

<sup>4</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси, 84-модда 1-қисми 2-банди, 401, 421-моддалари // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенга-шининг Ахборотномаси, 1995 й., 2-сон.

<sup>5</sup> Ўша манба, 463-модда 2 ва 3-қисллари.

### ХIII боб. ЖАЗОДАН ОЗОД ҚИЛИШНИНГ ТУРЛАРИ

#### 69-модда. Жазони ижро этиш муддати ўтиб кетганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш

Агар ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб:

а) уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинган ёки озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинганда – уч йил;

б) беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганда – беш йил;

в) ўн йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганда – ўн йил;

г) ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганда – ўн беш йил ичида ижро этилмаган бўлса, маҳкум асосий ва қўшимча жазолардан озод қилинади.

Агар маҳкум ушбу моддада назарда тутилган жазони ўташдан бўйин товласа, жазони ижро этиш муддати икки барабар қўпаяди ва жазони ўташдан бўйин товланган кундан бошлаб ҳисобланади, лекин йигирма беш йилдан ошмаслиги керак.

Агар шахс ушбу моддада кўрсатилган муддатлар ўтмасдан қасддан янги жиноят содир этса, муддатларнинг ўтиши узилади. Бундай ҳолда муддатларнинг ўтишини ҳисоблаш янги жиноят содир этилган пайтдан қайтадан бошланади.

Агар жазо тайинланган кундан бошлаб йигирма беш йил ўтган бўлса, жазони ижро этиш мумкин эмас.

Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм этилган шахсга нисбатан муддатлар ўтишини қўллаш масаласи суд томонидан ҳал қилинади. Агар суд муддатлар ўтишини қўллашни лозим топмаса, умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилади.

Ушбу моддада назарда тутилган муддатлар ушбу Кодекснинг 150–157-моддаларида, 158-моддасининг биринчи қисмида, 159-моддасининг учинчи ва тўртинчи қисмларида, 160, 161 ва 244<sup>2</sup>-моддаларида назарда тутилган жиноятлар учун ҳукм қилинган шахсларга нисбатан қўлланилмайди.



---

**Ш А Р Х**

---

1. **Жазодан озод қилиш** – бу давлатнинг жиноят содир этганлиги учун судланган шахсга жиноят қонунчилигида назарда тутилган асослар ва шартлар мавжуд бўлган ҳолда жазони тайинлашдан ёки жазони ижро этишдан воз кечишидир. Жиноят кодекси XIII бобида жазодан озод қилишнинг ҳар хил турлари назарда тутилган. Жазодан озод қилишнинг ушбу турлари шартли ёки шартсиз тусга эга бўлиши мумкин.

Жазодан озод қилишнинг **шартли** турларига шартли ҳукм қилиш (ЖКнинг 72-моддаси), жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш (ЖКнинг 73-моддаси) ва касаллик оқибатида жазодан озод қилиш (ЖКнинг 75-моддаси 1–3-қисмлари) киради. Жазодан озод қилишнинг қолган турлари **шартсиз**, яъни якуний бўлади, чунки уларни қўллаш жазодан озод қилинувчига роя қилинмаганлиги уларни бекор қилиш учун асос бўла оладиган бирор-бир мажбуриятларни юкламайди.

Шунингдек, жазодан озод қилишни тўлиқ, қисман ва аралаш, деб аталмиш жазодан озод қилиш турларига бўлиш мумкин.

Жазодан **тўлиқ озод қилиш**га жазони ижро этиш муддати ўтиб кетганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш (ЖКнинг 69-моддаси); шахснинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотиши муносабати билан уни жазодан озод қилиш (ЖКнинг 70-моддаси); айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш (ЖКнинг 71-моддаси); шартли ҳукм қилиш (ЖКнинг 72-моддаси) тарзида жазодан озод қилиш киради. Жазодан тўлиқ озод қилишда тайинланган жазо суд қарорига қўра ижро этилмайди.

Жазодан **қисман озод қилиш** уни ўташ даврида жазодан озод қилиш ёки жазонинг ўталмаган қисмини енгилроғи билан алмаштиришда ифодаланади. Жазодан озод қилишнинг ушбу турлари тоифасига жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш (ЖКнинг

73-моддаси); жазони енгилроғи билан алмаштириш (ЖКнинг 74-моддаси) қиради.

Жазодан **озод қилишнинг аралаш тури** тулик ва қисман жазодан озод қилишни ўзида мужассамлаштирган бўлиб, уларга касаллик ёки меҳнат қобилиятини йўқотиш оқибатида жазодан озод қилиш (ЖКнинг 75-моддаси); амнистия акти ёки афв этиш асосида жазодан озод қилиш (ЖКнинг 76-моддаси) қиради.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг курсатмаларига биноан, қасддан такроран ёки илгари содир этилган жиноят учун судлангандан сўнг қасддан янги жиноят содир этилиши, агар биринчи жиноят учун жиноий жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетган, судланганлик белгиланган тартибда тугалланган ёки олиб ташланган ёхуд шахс муқаддам содир этган жиноий хатти-ҳаракат учун қонунда жавобгарлик бекор қилинган бўлса, шунингдек ЖК 65, 66, 66<sup>1</sup>, 68, 69, 70, 71, 76-моддаларига биноан шахс илгари содир этган жинояти учун жиноий жавобгарликдан ва жазодан озод этилган бўлса, жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида эътироф этилиши мумкин эмас<sup>1</sup>.

2. Жазодан озод қилишнинг асоси сифатида жазо чораларини қўллаш мақсадга мувофиқ эмаслигини эътироф этиш лозим, чунки ҳукм чиқариш вақтида ёки маҳкум тайинланган жазони қисман ўтаганидан сўнг шахсни судга жалб этиш поғонасида жазо мақсадига етганлиги кўзга ташланади ва бу шахс меҳнатга, ўқишга бўлган виждонан муносабати ва яхши томонга ўзгарган шахсий маънавий томонлари билан ўзининг тўғри йўлга қирганлигини, қонунларни ҳурмат қилувчи фуқаро эканлигини исботлайди ва намоён этади. Бошқа ҳолларда эса, яқунига етмаган «ижтимоийлаштириш» жараёни судланганларни тўғри йўлга бошлаш мақсадида интизомий ва маъмурий жазоларни қўллаш орқали давом эттирилиши мумкин. Жазони тайинлаш ёки ўташни давом эттиришда бундай ҳолларнинг мавжудлиги

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сонли қарори, 10-банд.

конунни бузган шахсни жамиятга фойдали вакил сифатида қайтаришга қаратилган давлатнинг хатти-ҳаракатлари зое кетган бўлади. Натижада, жазо мақсадига эришиб бўлмайди, шахс эса, жазони ўтаб бўлгандан сўнг илгаригига қараганда жамият учун кўпроқ хавф туғдиради. Ва ниҳоят, шундай ҳолатлар ҳам йўқ эмаски, судланган шахс ижобий томонга ўзгармаса-да, аммо жазони оғир касаллиги туфайли ўтай олмаслиги мумкин. Аниқки, бундай шахсга нисбатан жазо вазибаларини амалга ошириш маъносиз ҳисобланади.

3. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида жазодан озод этиш учун маълум бир муддатларнинг ўтиши асос қилиб кўрсатилган ва улар жазони ижро этиш муддатлари, деб номланади ва тайинланган жазо чораларидан келиб чиққан ҳолда алоҳида ажратилади. Ушбу асос айбланувчига нисбатан қўлланилади. Жиноят-процессуал қонунчилигига кўра, айбланувчи судда судланувчи, деб, ҳукм чиқарилганидан кейин эса, маҳкум ёки оқланган, деб аталади<sup>1</sup>.

Муддатнинг ўтиши муайян вақтнинг ўтишида ифодаланади. Жиноий жавобгарликдан озод қилиш учун жиноят содир этиш вақти муайян аҳамиятга эга бўлса, жиноий жазодан озод қилиш муддати ўтишининг бошланишида эса, суд ҳукмининг қонуний кучга кириши аҳамиятли ҳисобланади. Суд ҳукми апелляция шикоятини ва протести келтириш муддати ўтгандан сўнг қонуний кучга қиради. Агар апелляция шикоятини кўриб чиқилиб, ҳукм бекор қилинган бўлса, муддат иш юқори суд томонидан қўрилган кундан бошлаб ҳисобланади<sup>2</sup>.

4. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми қондаларига мувофиқ, агар ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб:

– уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинган ёки озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинганда – уч йил;

– беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганда – беш йил;

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси, 45-модда 2-қисми, 462-модда // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 2-сон.

<sup>2</sup> Ўшв манба, 528-модда 1-қисми.

– ўн йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганда – ўн йил;

– ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган-да – ўн беш йил ичида ижро этилмаган бўлса, маҳкум асосий ва қўшимча жазолардан озод қилинади.

Ушбу кўрсатилган муддатлар, кўриниб турганидек, жиноятнинг тоифаси (унинг ижтимоий хавфининг даражаси) га эмас, балки суд томонидан тайинланган жазонинг чорасига боғлиқ бўлади. Масалан, Жиноят кодекси 97-моддаси биринчи қисмига кўра, қасддан одам ўлдириш учун жазони ижро этиш муддати ўн йилдан ўн беш йилгача бўлиши мумкин. Аммо алоҳида ҳолларда суд мазкур жиноят учун озодликдан маҳрум қилишнинг энг кам қисмидан ҳам камроқ турдаги жазони тайинлаши мумкин, ваҳоланки, бу муддатларга ҳам ўз таъсирини ўтказади. Суд эса, ўз навбатида, шу моддада назарда тутилмаган бошқа озодликдан маҳрум қилишдан ҳам енгилроқ турдаги жазони тайинлаши мумкин. Бу алмаштириш жазо ўташдан озод бўлиш институтига қарашли Жиноят кодексининг 74-моддасини четлаб ўтади. (*ЖКнинг 74-моддаси шарҳига қаранг*)

Бир неча жиноятлар мажмуи бўйича тайинланган жазони ижро этиш муддатларини аниқлашга алоҳида эътибор бериш лозим. Бундай вазиятларда суд, маълумки, содир этилган жиноятларнинг бутун мажмуини инobatга олади ва ягона жазони тайинлайди. Ва шарҳланаётган модданинг маъносига кўра, ЖКнинг 54, 59 ва 61-моддалари қоидалари бўйича тайинланадиган жазонинг бутун муддати ҳисобга олиниши лозим, яъни бир неча жиноятлар бўйича жазолар қўшилганда якуний жазо жазони ижро этиш муддатини белгилайди, бу муддат ўтгач бирон-бир жазо ижро этилиши мумкин эмас.

**5. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми** мазмуни бўйича, айблов ҳукми билан тайинланган жазони ижро этмаслик масаласи суд томонидан тайинланган жазо муддати ўтиб бўлмасдан пайдо бўлиши мумкин. Акс ҳолда, жазони ўтаб чиққан шахс ҳукми ижро этилмаган шахсга нисбатан аввалроқ жазодан озод этилган бўлади. Шарҳланаётган модданинг қоидалари тўлиқ ҳажмда суд

томонидан тайинланган ҳам асосий жазога, ҳам қўшимча жазога тааллуқлидир. (*Асосий ва қўшимча жазо чоралари тушунчасини ЖКнинг 43-моддаси шарҳига қаранг*). Агар судланган шахс унга суд томонидан белгиланган озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазодан ижро этиш муддати тугаганлиги муносабати билан озод этилса, қўшимча жазони ижро этиш ҳам мумкин бўлмайди. Агар асосий жазо бўйича ижро этиш муддати тугамаган бўлса, у ҳолда қўшимча жазони ижро этиш муддати асосий жазони ўташ пайтидан бошлаб ҳисобланади.

6. Шарҳланаётган моддада қайд этилган муддатлар суд ҳукми қонуний кучга кирган кундан бошлаб ҳисобланади. Жазо ўташдан ёки янги жиноят содир этишдан бўйин товлашда намоён бўлмаган ва маҳкумнинг ҳаракатига боғлиқ бўлмаган бир қатор сабабларга кўра, ижро этилмаётган айблов ҳукмидаги вақт муддатга киритилади.

7. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмига кўра, агар маҳкум ушбу моддада назарда тутилган жазони ўташдан бўйин товласа, жазони ижро этиш муддати икки барабар кўпаяди ва жазони ўташдан бўйин товлаган кундан бошлаб ҳисобланади, лекин йигирма беш йилдан ошмаслиги керак.

**Жазони ижро этишдан бўйин товлаш** деганда, тайинланган жазони ижро этишдан қочишга қаратилган ҳар қандай қасддан қилинган ҳаракат тушунилади. Жазони ижро этишдан бўйин товлаш, янги жиноят таркибини ташкил қилмайдиган ҳаракатлардан иборат бўлиши керак. Агар шахс қонунда назарда тутилган муддат ичида қасддан янги жиноят содир этса, муддатнинг ўтиши узилади. Бундай ҳолда муддат ўтишини ҳисоблаш унинг янги жиноят содир қилган пайтидан қайтадан ҳисобланади. Дастлабки қамоқдан қочиш жиноят ҳисобланганлиги учун шахс дастлабки қамоқдан ёки жазони ижро қилишга олиб кетилаётганда қочса, муддатнинг ўтиши узилади.

**Жазони ижро этишдан бўйин товлаш ҳаракатлари** деб, жазони ижро этиш имконияти йўқоладиган маҳкумнинг онгли равишда қилган хатти-ҳаракатлари ҳисобланади. Уларга, хусусан, яшаш, ишлаш жойини ўзгартириш, бошқа минтақага

кўчиб кетиш, ҳужжатларини ўзгартириш ва бошқа ҳаракатлар киради. Ҳар бир муайян ҳолатда маҳкумнинг ҳаракатларини алоҳида-алоҳида квалификация қилиш лозим ва маҳкумнинг у ёки бу ҳаракати жазони ижро этишдан бўйин товлашга қаратилганми ёки йўқми буни ҳам ҳал қилиш лозимдир.

Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисми шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида кўрсатилган жазони ижро этиш муддатларининг икки барабар оширилишини назарда тутади. Бунда шу тарзда узайтирилган ижро этиш муддатларини ҳисоблаш суд ҳукмининг қонуний кучга кирган пайтидан бошлаб эмас, шахснинг жазони ижро этишдан бўйин товлаш пайтидан бошлаб ҳисобланади.

8. Шарҳланаётган модданинг учинчи қисмига мувофиқ, агар шахс ушбу моддада кўрсатилган муддатлар ўтмасдан қасддан янги жиноят содир этса, муддатларнинг ўтиши узилади. Бундай ҳолда муддатларнинг ўтишини ҳисоблаш янги жиноят содир этилган пайтдан қайтадан бошланади.

Жазони ижро этиш муддатлари бекор қилиниб, қайтадан ҳисобланиши учун судланган шахс томонидан янги жиноятнинг қасддан содир этилиши (қасддан содир этилган жиноят тушунчаси ЖКнинг 21-моддасига берилган шарҳда ёритилган) ва аввалги жиноят учун ижро этиш муддатининг сақланиши (тугамаганлиги) каби шартлар белгиланиши лозим. Бунда, қонун чиқарувчи жинойий жавобгарликка тортиш муддатларидан фарқли равишда, айнан қайси жиноятдан кейин (қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида содир этилган, оғир, ўта оғир ёки бошқа жиноят) муддатларнинг узилиши тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтмаган (*ЖКнинг 64-моддасига шарҳга қаранг*). Шарҳланаётган модданинг маъносига кўра, суд ҳукмларининг мажмуи бўйича жазони тайинлаш учун жазони ижро этиш муддатининг узилиши фақат биринчиси учун жазо тайинланган иккита жиноятни қасддан содир этишдан кейингина амалга оширилиши мумкин.

9. Бундай ҳолатларда ижро этиш муддатларини ҳисоблаш амалиёти алоҳида диққатга сазовордир. Ижро этиш муддатларининг узилиши бениҳоя давом эта олмайди. Янги жиноятни қасддан содир этиш туфайли жазони ижро этиш

муддати узилганда айбдор шахс жавобгарликка тортилади ва ушбу муддатни ҳисоблаш янги жиноят учун суд ҳукми қонуний кучга кирганидан бошлаб эмас, балки янги жиноятни қасддан содир этиш пайтидан бошлаб амалга оширилади. Бошқача айтганда, айбдор шахсни суд қилиш ва унга бир неча суд ҳукми бўйича жазо тайинлашда жазони ижро этиш муддатини ҳисоблаш қайтадан бошланади ва шарҳланаётган модда биринчи қисмининг қондаларига мувофиқ белгиланади. Бу ҳолда ижро этиш муддатини ҳисоблаш янги жиноятни қасддан содир этиш пайтидан бошлаб амалга оширилади.

**10. Шарҳланаётган модданинг туртинчи қисми** шуни белгилайдики, агар жазо тайинланган кундан бошлаб йигирма беш йил ўтган бўлса, жазони ижро этиш мумкин эмас. Ҳар бир маҳкум жазони ижро этишдан озод қилиш асосини қўллашга ҳақли бўлади, шу жумладан жазони ижро этишдан бўйин товлаш ёки янги жиноятни қасддан содир этиш муносабати билан жазони ижро этиш муддатлари узайтирилган ва узилган ҳолатларда. Бу ҳолда йигирма беш йилнинг ўтиб кетганлиги жазонинг мақсадга мувофиқ бўлмагани учун жазони қўллашни бекор қилади.

**11. Жазони ижро этиш муддати тугаганлиги муносабати билан жазони ижро этишдан озод қилиш юзасидан умумий қоидалар умрбод озодликдан маҳрум қилиш тарзида жазо тайинланган ҳолатларда қўлланмайди.** Хусусан, **шарҳланаётган модданинг 5-қисмига** мувофиқ, умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм этилган шахсга нисбатан муддатлар ўтишини қўллаш масаласи суд томонидан ҳал қилинади. Агар суд муддатлар ўтишини қўллашни лозим топмаса, умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилади.

Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм этилган шахсга нисбатан муддатлар ўтишини қўллашга алоҳида ёндашув ушбу чоранинг мутлақ фавқулодда эканлиги билан изоҳланади. Ушбу масалани ҳал этиш содир этилган жиноятнинг хусусиятларига ҳамда юзага келган оқибатларнинг оғирлигига боғлиқ бўлиши лозим эмас ва фақат шахснинг суд ҳукми қонуний кучга кирган кунидан бошлаб анча вақт ўтиб

кетганлиги сабабли ижтимоий хавfli бўлмай қолганлиги билангина белгиланади. Суд ҳукмининг қонуний кучга кирган пайтидан бошлаб ўтган вақт қанчалик давомли бўлса, маҳкум шахс ўз тузалганлигини янги жиноятларни содир этмаслик ва ижтимоий фойдали фаолият билан ишботлаган бўлса, уни ижтимоий хавfli бўлмаган, деб тан олиш учун асослар шунчалик кўп бўлади.

12. Жиноят қонунчилиги суднинг умрбод озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ижро этишдан озод қилиш учун ижро этиш муддатларини қўллаш мумкин бўлмаганда уни озодликдан маҳрум этиш билан алмаштириш ҳуқуқини тан олади. Бунда умрбод озодликдан маҳрум этиш ЖК Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш муддатига алмаштирилади. Ижро этиш муддати қўлланмаган ҳолда умрбод озодликдан маҳрум қилишни озодликдан маҳрум этиш билан алмаштириб, суд шу билан суд ҳукми бўйича тайинланган жазонинг тўғрилигини назорат қилмайди. Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосининг озодликдан маҳрум этиш жазосига алмаштирилиши мазкур суд ҳукмини чиқарган суд шу ҳукмида хатога йўл қўйганлиги учун эмас, балки ҳукмининг қонуний кучга кирганлиги пайтидан анча вақт ўтганлиги туфайли умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлмай қолганлиги учун амалга оширилади. Агар фавқулодда жазо чораси суд томонидан унга етарли асослар бўлмаган ҳолда тайинланган бўлса, ушбу жазони бошқасига фақат умумий суд тартибида алмаштириш мумкин бўлади, чунки бу ҳолда суд ҳукмини моҳиятига кўра қайта кўриб чиқиш ҳақида гап кетади.

13. **Шарҳланаётган модданинг олтинчи қисми** жазони ижро этиш муддати қўлланилмаслигининг ягона асосини белгилайди. Бу ҳолатлар 150–157-моддалар, 158-модданинг 1-қисми, 159-модданинг 3 ва 4-қисмлари, 160, 161 ва 244<sup>2</sup>-моддаларда кўрсатилган жиноятлардир.





**70-модда. Шахснинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотиши муносабати билан уни жазодан озод қилиш**

Жиноят содир этган шахс агар иш судда кўрилаётган вақтгача шароит ўзгарди ёки шахс намунали хулқи, меҳнатга ёки ўқишга ҳалол муносабати билан ўзини кўрсатиб, ижтимоий хавфлилигини йўқотди деб эътироф этилса, суд уни жазодан озод қилиши мумкин.

---

**Ш А Р Ҳ**

---

**1. Шарҳланаётган моддага мувофиқ** Жиноят содир этган шахс, агар иш судда кўрилаётган вақтгача шароит ўзгарди ёки шахс намунали хулқи, меҳнатга ёки ўқишга ҳалол муносабати билан ўзини кўрсатиб, ижтимоий хавфлилигини йўқотди деб эътироф этилса, суд уни жазодан озод қилиши мумкин. Шундай қилиб, шарҳланаётган модда шахсни жазодан озод қилишнинг бир-биридан мустақил бўлган иккита асосини белгилайди: вазиятнинг ўзгариши ва шахснинг ўз ижтимоий хавфлилигини йўқотиши. Бунда жазодан озод қилиш учун ушбу асослардан ҳеч бўлмаса биттасининг мавжуд бўлиши етарлидир.

**Ишни судда кўриш** вақти, шароитнинг ўзгариши ёки шахснинг намунали хулқ-атвори натижасида унинг ижтимоий хавфлилигини йўқотиши билан боғлиқ тушунча ЖКнинг 65-моддаси шарҳида белгиланган ишнинг судда кўрилиши вақтига айнан ўхшашдир.

**2. Шароитнинг ўзгариши** айбдор шахснинг иродасига боғлиқ бўлмаган объектив омил сифатида жиноят содир этилган шароитларнинг ўзгаришидан иборат бўлади. Булар бутун давлат миқёсидаги, алоҳида минтақа, айрим корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар миқёсидаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий-ҳўжалик ва х.к. шароитлар бўлиши мумкин. Шароитнинг ўзгариши объектив тусга эга, чунки у айбдор шахснинг иродасига боғлиқ эмас. *(ЖКнинг 65-моддасига берилган шарҳда батафсил ёритилган)*

Шарҳланаётган модда маъносидаги шароитнинг ўзгариши то ишнинг суд томонидан кўрилиши пайтигача исталган вақтда юзага келиши мумкин. Агар шу вақтга келиб жинойий жавобгарликка тортиш муддати тугайдиган бўлса, у ҳолда айбдор шахс ЖКнинг 64-моддаси қоидаларига мувофиқ жинойий жавобгарликдан озод этилади.

**3. Ижтимоий хавфлиликнинг йўқолиши** деганда, ишнинг судда кўрилиши пайтига келиб жиноятни содир этиш ва ижтимоий хавfli бўлган оқибатларнинг юзага келишида таркибий қисм бўлган, шунингдек, ижтимоий хавfli қилмиш содир этганлиги учун жинойий таъқиб этиш учун шартлар бўлиб хизмат қилган ҳолатлар, сабабларнинг бартараф этилиши тушунилади. *(ЖКнинг 14-моддаси шарҳга қаранг)*

Шарҳланаётган модда қоидаларидан келиб чиқиб, шахснинг ижтимоий хавfliлиги йўқолишига қуйидаги омиллар ёрдам беради:

- намунали хулқ-атвор;
- меҳнатга ҳалол муносабат;
- ўқишга ҳалол муносабат.

**Шахснинг намунали хулқи** субъектив омиллардан бири сифатида жиноят содир этган шахснинг ўзини тутиши ва хулқи ҳуқуқ ва маънавият нормаларига, инсонларнинг бирга яшаш қоидаларига мос келиши, унинг томонидан жамоат тартиби нормаларини бузиш, спиртли ичимликларни, гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни суиистеъмол қилиш кабилар бўлмаслиги, унинг томонидан жиноят оқибатида етказилган зарарнинг ихтиёрни қопланиши ва бошқаларни билдиради.

**Шахснинг меҳнатга ҳалол муносабати** деганда, айбдор шахснинг ўз меҳнат вазифаларини лозим даражада бажариши, меҳнат қонунчилиги нормаларини ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузмаслиги, ижтимоий фойдали ҳаракатларни амалга ошириши, меҳнат интизомига рноя этиши тушунилади.

**Шахснинг ўқишга ҳалол муносабати** белгиланган ўқув соатларни тўлиқ ўзлаштириш, белгиланган тартибга

риоя қилиш, намунали хулққа эга бўлиш ва ўқув ҳамда амалий фаолиятни амалга оширишга қарор қилганликда ифодаланади.

4. Шахснинг намунали хулқи, меҳнатга ёки ўқишга ҳалол муносабати тўғрисидаги хулоса, у ўзининг тузалганлиги ҳолатини исботлаши мумкинлиги учун, фақат жиноятни содир этган шахснинг хулқини нисбатан узоқ вақт давомида кузатилган ҳолда қилиниши мумкин. Бу ҳолатда жазонинг жиноятларнинг махсус олдини олиш ва айбдор шахсни тузатиш каби мақсадларига эришилган бўлади, бу эса унга жазо тайинланишининг мақсадга мувофик эмаслигини ва суднинг айбдор шахс ижтимоий хавфлилигини йўқотганлигига ишончини белгилаб беради.

5. Жиноят содир этган шахс ижтимоий хавфлилиги йўқолиши оқибатида жазодан озод этилганда жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси ва характериға эмас (биринчи ҳолат шартсиз эътиборга олинса-да), балки айбдорнинг шахсий сифатлари ва ишни судда кўриб чиққунга қадар бўлган ҳолатларға эътибор берилади. Жиноятнинг ўзи ва айбдорнинг шахси ижтимоий хавфлилиқни йўқотган ҳолатда эса, шароит ўзгарганлиги билан борлиқ ижтимоий хавfli қилмишни содир этган шахс ва бу қилмишнинг ижтимоий хавfliлиги йўқолиши муносабати билан айбдорни жиноий жавобгарликдан озод этиш тўғрисидаги масала ҳал қилиниши керак. *(ЖКнинг 65-моддаси шарҳига қаранг)*

Шахснинг ижтимоий хавfliлиқ даражасини йўқотиши ёки ҳолат ўзгариши натижасида жазодан озод этишни қўллаш – суднинг мажбурияти эмас, ҳуқуқи ҳисобланади. Шарҳланаётган моддага биноан иш судда кўрилаётган вақтгача шароит ўзгарди ёки шахс намунали хулқи, меҳнатга ёки ўқишга ҳалол муносабати билан ўзини кўрсатиб, ижтимоий хавfliлигини йўқотди, деб эътироф этилса ёки у қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган, деб топилса, суд ҳукмининг тавсиф қисмида қабул қилинган қарорни аниқ ҳолатларни келтирган ҳолда асослантириши, қарор қисмида эса, судланувчини айбдор, деб топиши ва қонун талабига кўра унга жазо тайинланмаслигини кўрсатиши лозим.

6. Жазодан озод қилишнинг кўриб чиқилган тури шартсизлик хусусиятига эга, яъни озод қилинганнинг хулқига махсус талаблар қўйилмайди. Ушбу асос бўйича жазодан озод қилинган шахс жазони ижро этиш муддати ўтиб кетганлиги ҳолатидагидек судланмаган, деб эътироф этилади.

---

**71-модда. Айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш**

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган шахс, агар у айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилган, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган ва келтирилган зарарни бартараф қилган бўлса, суд томонидан жазодан озод қилиниши мумкин.

Бошқа шахслар билан биргаликда жиноят содир этишда иштирок қилган ёки уюшган гуруҳ ёхуд жинойий уюшма аъзоси бўлган шахс, агар у айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган, жиноятнинг олдини олиш, жиноятни очиш ёки унинг ташкилотчиларини ёхуд бошқа иштирокчиларини аниқлаш ва фош қилишга ёрдам берган бўлса, башарти у оғир ёки ўта оғир жиноят содир этишда бевосита иштирок этмаган бўлса, суд томонидан жазодан озод қилиниши мумкин.

Ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддасида алоҳида кўрсатилган ҳолларда, жиноят содир этган шахс ўз қилмишига амалда пушаймон бўлган тақдирда суд томонидан жазодан озод қилиниши лозим.

---

**Ш А Р Ҳ**

---

1. *(Амалда пушаймон бўлиш тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 55, 66-моддалари шарҳига қаранг)*

Баъзи ҳолатларда жазони қўлламаслик янада самарали ва оқилона бўлади, чунки жинойий жавобгарлик қасос олишга

йўл қўймайди ҳамда ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни содир этган шахсларга нисбатан маълум даражада инсонпарварликни намоён қилади.

**2. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми** айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш қўлланишининг шартлари сифатида қуйидагиларни назарда тутати:

- жиноятни биринчи марта содир этиш;
- ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни содир этиш;
- айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилиш;
- жиноятнинг очилишига фаол ёрдам бериш;
- келтирилган зарарни бартараф қилиш.

Ушбу шартлардан ҳеч бўлмаса биттасининг бўлмаслиги кўриб чиқиляётган жазодан озод қилиш институтини қўллаш учун тўсқинлик қилувчи ҳолат бўлади.

**3. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми** фақат биринчи марта жиноят содир этган шахсларга тегишли. Шунингдек, у судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахсларга, суд ёки терговда бўлган ёхуд суд ёки терговдан қочиб юрган шахсларга татбиқ этилмайди. Бунда инobatга олиш лозимки, ЖКнинг 77-моддаси 2-қисмига мувофиқ, суд томонидан жазодан озод қилинган шахс судланмаган деб ҳисобланади.

**4. Шахс томонидан содир этилган жиноят ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумига кириши лозим. (ЖКнинг 15-моддаси шарҳига қаранг)**

**5. Айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлиши,** унинг фаол ҳаракатларида ифодаланиб, ушбу ҳаракатларнинг рўйхати шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида назарда тутилган. Шундай қилиб, қонун чиқарувчи айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилишни, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам беришни ва келтирилган зарарни бартараф қилишни айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлиши элементлари сифатида белгилайди.

**Айбини бўйнига олиш** тўғрисида арз қилиш шундан иборатки, бу ҳолат шахс ўз хоҳиши билан ҳеч қандай

мажбурловсиз тегишли суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура ёки суд органларига ўзи содир этган жинояти тўғрисида оғзаки ёки ёзма тартибда мурожаат қилишда ифодаланиб, бу жиноят-процессуал қонунчилигида белгиланган тартибда тегишли равишда мустаҳкамланади. Айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилишнинг мазмун-моҳияти шундан иборатки, шахс ўзини ҳеч қандай ташқи таъйиксиз ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига топширади. (ЖКнинг 55, 66-моддалари шарҳига қаранг)

6. **Жиноятнинг очилишига фаол ёрдам бериш** айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлишининг чамбарчас элементи сифатида терговга маълум ҳамда маълум бўлмаган ишнинг ҳолатлари бўйича ҳаққоний кўрсатувлар беришда, жиноятнинг бошқа иштирокчиларини фош қилишда, содир этилган жиноят гувоҳларини аниқлашда, жиноятга оид қуроллар, буюмлар ва содир этиш воситаларини, шу билан бирга турли далилий ашёларни топишда кўмаклашишда, ўғирланган мол-мулк ҳамда қидирувдаги шахсларнинг яширинган жойини маълум қилишда, турли тергов ҳаракатларини амалга оширишда фаол қатнашишда ва х.к.да ифодаланиши мумкин. (ЖКнинг 55 ва 66-моддалари шарҳига қаранг)

7. Айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлишининг ажралмас элементи сифатида **келтирилган зарарни бартараф қилиш** эътироф этилиб, у, қонда тариқасида, келтирилган зарар ўрнини қоплашда, яъни жабрланувчи томонидан жиноят натижасида кўрилган зарарни қоплаш учун етарли бўлган пул ёки бошқа шаклда келтирилган мулкый зарар учун товон тўлашда ифодаланади. Жиноят туфайли келтирилган зарарни бартараф этиш бошқа, келтирилган мулкый зарар ўрнини қоплаш билан боғлиқ бўлмаган усул орқали амалга оширилиши мумкин, масалан, келтирилган маънавий зарарни қоплаш (қилинган ҳақорат ва шахснинг шаъни ва кадр-қимматини беодоблик билан қасддан таҳқирлаш учун кечирим сўраш ва хоказо). (ЖКнинг 55, 66-моддалари шарҳига қаранг)

8. **Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисми** бошқа шахслар билан биргаликда жиноят содир этишда иштирок

қилган ёки уюшган гуруҳ ёхуд жиноий уюшма аъзоси бўлган шахс томонидан жиноят содир этилган ҳолатларда шахсни жазо ўташдан озод этиш учун етарли ва зарур бўлган шартлар кўрсатиб ўтилган.

Бундай шартлар сирасига қонун чиқарувчи қуйидагиларни киритади:

- айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилиш;
- чин кўнгилдан пушаймон бўлиш;
- жиноятнинг олдини олиш, жиноятни очиш ёки унинг ташкилотчиларини ёхуд бошқа иштирокчиларини аниқлаш ва фош қилишга ёрдам бериш;
- оғир ёки ўта оғир жиноят содир этишда бевосита иштирок этмаганлик.

9. Айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилиш шахснинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилиб, уларга тайёрланган жиноятни ёки гуруҳнинг ижтимоий хавfli фаолиятини бартараф этишга, содир этилган жиноятни очиш, жиноятнинг бошқа иштирокчиларини фош қилишга ёрдам бериш нияти ҳақида хабар бериши билан амалга оширилади. Хабар бериш ёзма, оғзаки ёки бошқа шаклларда (телефон орқали, видео ёзув, аудио кассетада овоз ёзиб олиш орқали) амалга оширилиши мумкин.

**10. Айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлигининг** элементларига чин кўнгилдан пушаймон бўлиш киради. Чин кўнгилдан пушаймон бўлиш айбдор ўз хулқи бузуқлигини англаб етганлигини ва уни ўзи фахмлаб етганлигини билдиради. *(Чин кўнгилдан пушаймон бўлиш тўғрисида ЖКнинг 55, 65-моддалари шарҳига қаранг)*

11. Шу билан бирга, қонуннинг бевосита кўрсатмасига биноан, айбдор шахс нафақат содир этган қилмишига пушаймон бўлиши, балки жиноятнинг олдини олиш, жиноятни очиш ёки унинг ташкилотчиларини ёхуд бошқа иштирокчиларини аниқлаш ва фош қилишга ёрдам бериши лозим. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисми таҳлилидан кўриниб турганидек, айбдор шахснинг хулқи муқобил ҳаракатларда ифодаланиши мумкин, улар **одил судлов органларига** қуйидагиларда ёрдам беришдан иборат бўлади:

- жиноятнинг олдини олишда;
- жиноятни очишда;
- жиноятнинг ташкилотчиларини ёхуд бошқа иштирокчиларини аниқлаш ва фош қилишда.

Шуни таъкидлаш лозимки, ёрдам кўрсатишнинг қонунчиликда бундай белгиланиши муайян шахс ўзини тутишининг ўзига хос хусусиятлари билан белгиланади. Масалан, агар шахс фақат ҳали жиноят содир этмаган уюшган қуролли гуруҳда иштирок этишга розилик берган бўлса ва ушбу шахс мазкур гуруҳ ташкилотчиларининг жинойи режалари ҳақида хабардор бўлмаса, у гуруҳдаги бошқа шерикларини аниқлаш ва фош этишда амалий ёрдам кўрсатиши ва шу билан ушбу гуруҳ томонидан жинойи фаолиятни амалга оширилишининг олдини олиши мумкин. Ушбу шахс бошқа шахслар билан биргаликда жиноят содир этган бўлса, у жиноятни очиб беришда ёрдам кўрсатиши мумкин ва ҳоказо. Шу билан бирга, агар шахс жиноятнинг олдини олиш, жиноятни очиш ёки унинг ташкилотчиларини ёхуд бошқа иштирокчиларини фош қилишга ёрдам берадиган ахборотга эга бўлса, у одил судлов органларига унга маълум бўлган барча ҳолатлар ва маълумотлар тўғрисида хабар бериши лозим, бу унинг амалда пушаймон бўлганлигининг исботи бўлади.

**12. Жиноятнинг олдини олишда ёрдам кўрсатиш** шахс томонидан ахборот берилиши ёки унинг ҳам бевосита ижтимоий хавфли қилмишни содир этишининг олдини олишга, ҳам уни содир этишининг жинойи оқибатлар юзага келишининг олдини олишга қаратилган муайян ҳаракатларини содир этишидан иборат.

**Жиноятни очишда ёрдам кўрсатиш** шахснинг дастлабки тергов органларига ва судга иш бўйича далил-исботларни йиғиш ва баҳолашда фаол ёрдам кўрсатишидан иборат (содир этилган жиноятнинг қуроллари ва воситалари, жиноят излари ва ҳ.к.).

**Жиноятнинг ташкилотчиларини ёхуд бошқа иштирокчиларини аниқлаш ва фош қилишга ёрдам бериш** ушбу жиноятни ким ташкил этганлиги ҳақидаги ахборотни



бериш, жиноятнинг бошқа иштирокчиларини фош қилиш ва топишга ёрдам бериш ва ҳ.к.дан иборат.

13. **Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисми** пушаймон бўлган шахснинг оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этишда бевосита қатнашганлик факти бўлмаслигини талаб этади. (*Оғир ва ўта оғир жиноятлар тушунчаси ЖКнинг 15-моддаси шарҳида берилган*). Ушбу шарт оғир ёки ўта оғир жиноят содир этган шахснинг амалда пушаймон бўлиши уни жазодан озод қилувчи ҳолат, деб тан олинмаслигини билдиради, лекин у, албатта, ЖКнинг 55-моддаси 1-қисми «а» бандининг қоидалари асосида жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида ҳисобга олинаши лозим.



## 72-модда. Шартли ҳукм қилиш

Агар суд озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, хизмат бўйича чеклаш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазоларини тайинлаш вақтида содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, айбдорнинг шахси ва ишдаги бошқа ҳолатларни эътиборга олиб, айбдор тайинланган жазони ўтамасдан туриб ҳам унинг хулқини назорат қилиш орқали тузатиш мумкин, деган қатъий фикрга келса, шартли ҳукм қўллаши мумкин. Бундай ҳолда суд, башарти, белгиланган синов муддати давомида жазонинг шартлилигини бекор қилиш асослари келиб чиқмаса, тайинланган жазони ижро этмаслик тўғрисида қарор чиқаради.

Синов муддати бир йилдан уч йилгача белгиланиб, ҳукм чиқарилган кундан бошлаб ҳисобланади. Башарти, шартли ҳукм қилиш тўғрисидаги қарор юқори суд томонидан чиқарилган тақдирда ҳам, синов муддатини ҳисоблаш шу кундан бошланади.

Шартли ҳукм қилинганда, башарти, бунга асослар мавжуд бўлса, суд маҳкумга муайян вақт мобайнида етказилган зарарни бартараф қилиш, ишга ёки ўқишга кириш, яшаш жойи, иш ёки ўқиш жойи ўзгариб қолса, бу ҳақда шартли ҳукм қилинган

шахснинг хулки устидан назорат олиб борувчи органга хабар бериб туриш, вақти-вақти билан келиб бу органларда рўйхатдан ўтиб туриш, муайян жойларда бўлмаслик, муайян вақтда яшаш жойида бўлиши, алкоғолизм, гиёвандлик, заҳарвандлик ёки таносил касаллигидан даволаниш курсини ўташи каби мажбуриятларни юклаши мумкин.

Шартли ҳукм қилинган шахсларнинг хулки устидан ички ишлар органлари, ҳарбий хизматчилар хулки устидан эса, ҳарбий қисм ёки муассасанинг қўмондонлиги назорат олиб боради.

Ҳукм қилинган шахснинг хулки устидан назорат олиб борувчи органнинг тақдими билан суд синов муддати давомида унга юклатилган мажбуриятларнинг ҳаммасини ёки бир қисмини олиб ташлаши ёки унинг зиммасига янги мажбуриятлар юклаши ҳам мумкин.

Агар шартли ҳукм қилинган шахс синов муддати давомида суд унга юклаган мажбуриятларни бажармаса ёхуд жамоат тартиби ёки меҳнат интизомини бузганлиги учун унга маъмурий ёки интизомий таъсир чораси қўлланилган бўлса суд унинг хулки устидан назорат олиб борувчи орган тақдимномасига биноан жазонинг шартлилигини бекор қилиб, ҳукмда тайинланган жазони ижро этиш тўғрисида ажрим чиқариши мумкин.

Шартли ҳукм ўта оғир жинояти учун ҳукм қилинганларга, шунингдек илгари қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинган шахсларга нисбатан қўлланилмайди, ун саккиз ёшга тулмаган шахслар, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлиги булган шахслар, аёллар, шунингдек олтмиш ёшдан ошган шахслар бундан мустасно.

Шартли ҳукм қилинган шахс синов муддати давомида янги жиноят содир этса, суд унга нисбатан ушбу Кодекснинг 60-моддасида назарда тутилган қондалар бўйича жазо тайинлайди.

---

## Ш А Р Ҳ

---

1. Шартли ҳукм қилиш ўзида инсонпарварлик, жазони индивидуаллаштириш ва унинг муқаррарлиги тамойилларини

ифода этиб, қонун билан белгиланган шартлар мавжуд бўлганда маълум синов муддати белгиланган ҳолда шахсни суд томонидан белгилаган жазони амалда ўташдан озод қилишдан иборат, ушбу муддат давомида маҳкум устидан суд томонидан қабул қилинган қарорнинг туғрилигини текшириш ва шахс унга кўрсатилган ишончни оқлаганлигини текшириш мақсадида назорат амалга оширилади.

2. **Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмига** мувофиқ, агар суд озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, хизмат бўйича чеклаш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазоларини тайинлаш вақтида содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, айбдорнинг шахси ва ишдаги бошқа ҳолатларни эътиборга олиб, айбдор тайинланган жазони ўтамасдан туриб ҳам унинг хулқини назорат қилиш орқали тузатиш мумкин, деган катъий фикрга келса, шартли ҳукм қўллаши мумкин. Бундай ҳолда суд, башарти, белгиланган синов муддати давомида жазонинг шартлилигини бекор қилиш асослари келиб чиқмаса, тайинланган жазони ижро этмаслик туғрисида қарор чиқаради.

3. **Шартли ҳукм қилишнинг мазмун-моҳияти** шундан иборатки, суд айблов ҳукми чиқараётиб маҳкумга муайян жазо турини тайинлайди ва унинг миқдорини белгилайди, аммо тайинланган жазони шартли, деб ҳисоблашга қарор қилади. Яъни маҳкум томонидан муайян талабларни ижро этиш шартли билан жазо ижро қилинмайди. Бундан келиб чиқадики, шартли ҳукмнинг юридик моҳиятини маҳкумга тайинланган жазони реал ўташдан шартли озод бўлиш ташкил этади.

Шартли ҳукм қилиш жиноят қонунини билан белгиланган жазо мақсадларига амалдаги жазони қўллаш орқали эмас, балки маҳкумга ижтимоий таъсир билан бирга келувчи маълум мажбурий таъсир чораларини қўллаш воситасида эришилишини таъминлайди (синов муддати давомида маҳкум устидан назоратни амалга ошириш; унга суднинг ихтиёрига кўра турли мажбуриятларни юклаш).

4. «ЖКнинг 72-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ шартли ҳукм фақат ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича

чеклаш, интизомий қисмга жўнатиш ёки озодликдан маҳрум қилиш тарихидаги жазолар тайинланган ҳолда қўлланилиши мумкин»<sup>1</sup>. (ЖКнинг 46, 47, 49, 50-моддалари шарҳига қаранг). Шунга мувофиқ, шартли ҳукм бошқа жазо турларига қўлланилмайди. Бунинг айримлари (жарима, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, харбий ва махсус унвондан маҳрум қилиш) енгил жазо турлари ҳисобланса, (умрбод озодликдан маҳрум қилиш) у реал ижро этилишда янада таъсирлироқ бўлади. Муайян ҳуқуқ ёки унвонлардан (харбий ёки махсус) маҳрум этишга нисбатан шартли ҳукм қилишнинг мазмуни йўқолади, чунки бундай имтиёзлардан қонун шартли маҳрум қила олмайди. Суд синов муддатини белгилашда шу муддат ичида бажарилиши ёки риоя қилиниши керак бўлган шартларни белгилаб беради. Бу чора жазо тайинлаш билан боғлиқ эмас ва у шартли ҳукм қилишда синов муддати шартларидан бири сифатида қаралиши зарур.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ўз қарорида таъкидлаганидек, шартли ҳукм фақат ЖК 72-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган бир ёки бир неча жазо тури тайинланган шахсларга нисбатан қўлланилиши мумкин. Агар тайинланган жазо туридан бири қонуннинг ушбу нормасида кўрсатилмаган бўлса, суд ЖК 72-моддасининг биринчи қисмида қайд этилган жиноятларга нисбатан шартли ҳукм қўллаб, бошқа турдаги жазони (масалан, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, жарима) реал ижро этиш тўғрисида қарор қилади.

Қонунга кўра, шартли ҳукм қилишда қушимча жазолар ҳам қўлланилиши мумкинлигини ва улар реал тарзда ижрога қаратилишини назарда тутиб, бу ҳақда ҳукмнинг қарор қисмида алоҳида кўрсатиш лозим<sup>2</sup>. Муайян ҳуқуқдан ёки харбий ёки махсус унвондан маҳрум этишга нисбатан шартли ҳукм қилишнинг амалий мазмуни йўқолади, чунки бундай имтиёзлардан қонун шартли маҳрум қила олмайди. Суд синов

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сонли қарори, 31-банд, 1-хатбоши.

<sup>2</sup> Ушба манба, 31-банд, 3-хатбоши; 32-банд.

муддатини белгилашда шу муддат ичида бажарилиши ёки роя қилиши керак бўлган шартларни белгилаб беради. Бу чора жазо тайинлаш билан боғлиқ эмас ва у шартли ҳукм қилишда синов муддати шартларидан бири сифатида қаралиши зарур.

Тайинланган жазонинг фақат тула муддатига нисбатангина шартли ҳукм қўлланилиши мумкин. Масалан, агар судланувчи бирор-бир содир этилган жиноят учун беш йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган бўлса, унга нисбатан 2 йил реал озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилиб бўлмайди. Айбдорнинг ҳеч бўлмаганда жазонинг бир қисмини реал ўташига зарурият сезилмаса, бу суднинг маҳкумга нисбатан ишончи йўқлигидан далолат беради, бундан эса, унга нисбатан шартли ҳукмни қўллаш имкони йўқлиги келиб чиқади.

5. Шартли ҳукм қилиш жиноятлар жамида ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Агар суд бир ёки бир неча жиноят содир этган шахсга нисбатан шартли ҳукм қўллаш лозимлиги ҳақида хулосага келса, бундай қарор ҳар бир жиноят учун алоҳида эмас, балки жиноятлар мажмуи бўйича узил-кесил жазо тайинлаш пайтида қабул қилинади<sup>1</sup>. Бутунлай қилмиш ўрнига, жиноятлар мажмуига кирадиган айрим жиноятлар учунгина шартли ҳукм қўллашга йўл қўйилмайди.

6. Жазо ўтамасдан маҳкумнинг тузатилиши мумкинлигига суд қатъий ишонган тақдирда, шахс шартли ҳукм қилиниши мумкин. Ушбу ишониш ҳар бир аниқ ҳолатда содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусияти, айбдорнинг шахси, жавобгарликни оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларнинг суд томонидан ҳисобга олинишига асосланади. Жазони реал ўташнинг самарадорлиги ёки аксинча, самарасизлиги тўғрисидаги масала ҳам инobatга олиниши лозим. Агар суд юқоридагиларни инobatга олиб, маҳкумнинг тузатилиши унга нисбатан реал жазо ўташни қўлламаган ҳолда ҳам мумкин бўлганлиги тўғрисидаги хулосага келса, у жазони шартли деб эътироф этади.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сонли қарори, 31-банд, 2-хатбоши.

7. Шартли ҳукм қилишнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, суд томонидан икки муддат тайинланади: жазо муддати (озодликдан маҳрум қилиш, ахлоқ тузатиш ишлари ва бошқалар) ва синов муддати.

**Жазо муддати** – доимий ўлчов, чунки (озодликдан маҳрум қилиш, ахлоқ тузатиш ишлари ва бошқа турдаги) жазо амалда ижро қилинмайди ва тула ҳажмда уни ижро этиш хавфи бутун синов муддати давомида доимо маҳбусга босим ўтказади.

**Синов муддати** – бу вақт мобайнида шартли ҳукм қилинган шахс ўз хулқи билан ўзгарганлигини исботлаши зарур бўлган муайян даврдир. Синов муддати, бегумон, маҳкумнинг тузалиши учун тазйиқ ўтказишни ташкил қилиш ва шартли ҳукм қилишни қўллаш асосли эканлигини текшириш учун назарда тутилган. Синов муддати давомийлигига шартли ҳукмни кузатиб борувчи мажбурлов ҳажми ҳам боғлиқ (муайян мажбуриятлар, судланганлик ҳолати, ҳуқуқбузарлик содир этилганда шартли ҳукм реал жазога алмаштирилиши мумкин ва шартли ҳукм муддати даврида содир этилган жиноятлар учун жазо тайинлашда Жиноят кодекси 60-моддасига асосан шартли тайинланган жазо қисман ёки тула қушиш йўли билан суд томонидан амалга оширилади).

8. **Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмига** мувофиқ, синов муддати бир йилдан уч йилгача белгиланиб, ҳукм чиқарилган кундан бошлаб ҳисобланади. Башарти, шартли ҳукм қилиш тўғрисидаги қарор юқори суд томонидан чиқарилган тақдирда ҳам, синов муддатини ҳисоблаш шу кундан бошланади. Синов муддати энг кам миқдорини камайтириш ёки энг кўп миқдорини кўпайтириш мумкин эмас.

Қонун синов муддати давомийлигини тайинланган жазо миқдори билан боғламайди. Бу масала суд томонидан ҳар сафар содир этилган жиноятнинг хусусияти ва судланувчининг шахсидан келиб чиқиб ҳал этилади<sup>1</sup>. Синов муддати у ёки бу модда санкциясига ҳам шартсиз боғлиқ эмас.



<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сонли қарори, 34-банд, 2-хатбоши.

9. Суд шартли ҳукм қилиш ва синов муддатини белгилашда ҳисобга олиши лозим бўлган кўпгина ҳолатлар билан боғлиқ. Масалан, синов муддатининг давомийлиги шартли ҳукм қилинган шахсни кузатиш мажбуриятини ўзига олган ёки шартли ҳукм қилиш тўғрисида илтимоснома киритган жамоадаги муҳитга боғлиқ бўлиши мумкин. Агар суд жамоа иноқ, соғломлиги, у ерда тарбиявий ишлар яхши йўлга қўйилганлиги тўғрисида аниқ бир хулосага келса, табиийки, бу ҳолда синов муддатини узайтиришга зарурат қолмайди<sup>1</sup>. Бунда суд шартли ҳукм қилинган шахснинг хулқ-атворини кузатиш учун уни жамоат бирлашмаси ёки жамоага топшириши мумкин.

Бу, асосан, шартли равишда ҳукм қилинган вояга етмаганларга, ёшларга, ташқи таъсирга тез бериладиган жамоанинг ва меҳнат жамоасининг тарбиясига ташқи таъсир этадиган шахсларга, айниқса, зарурдир. Шартли ҳукм қилинган шахсни жамоат ташкилотига ёки меҳнат жамоасига топшириш фақатгина маҳкум ўзининг намунали хулқи билан, шунингдек, сидқидилдан меҳнат қилиб тўғри йўлга тузалишига ваъда берган ҳолдагина йўл қўйилади.

10. Синов муддати давомийлигини белгилашда муддатни камайтириш шартли ҳукм қилинган шахснинг тузалишини етарли даражада таъсир ўтказмаслиги мумкинлигини назарда тутиш керак. Бошқа тарафдан, иш ҳолатидан келиб чиқмаган синов муддатини узайтириш ҳам шартли ҳукм қилинган шахснинг ҳолатини сезиларли даражада оғирлаштиради.

11. Шартли ҳукм қилиш – бу айбдорга билдирилган ишонч эканлиги сабабли, синов муддати ҳукм чиқарилган кундан бошлаб ҳисобланади, яъни жиноят-процессуал қонунчилиги қоидаларидан келиб чиқилса, ҳукм ўқиб эшиттирилган пайдан бошлаб<sup>2</sup> шахс қандайдир жазога шартли ҳукм қилинган ва белгиланган муддат мобайнида айбдор шахс муайян талабларни бажаришга мажбур. Шартли ҳукм қилишни ҳукм қонуний кучга

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси, 459-модда // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 2-сон.

<sup>2</sup> Ўша манба, 454, 473-моддалари.

кирган кундан бошлаб эмас, балки ҳукм ўқиб эшиттирилган вақтдан бошлаб қўллаш шахснинг муайян шахсий сифатлари ва хулқи туфайли жазони ўташдан озод этилганлигидан далолат беради. Бу ҳолат билан бошқа ҳолат, яъни юқори турувчи суднинг квалификация нотўғри қилинган, деб топиб ва судланувчига нисбатан шартли ҳукм чиқариши аниқланади.

12. Суд шартли жазо белгилаши билан бирга айбдорга бир қатор мажбуриятлар юклайди. Хусусан, **шарҳланаётган модданинг учинчи қисмига** мувофик, шартли ҳукм қилинганда, башарти, бунга асослар мавжуд бўлса, суд маҳкумга муайян вақт мобайнида:

- етказилган зарарни бартараф қилиш;
- ишга ёки ўқишга кириш;
- яшаш жойи, иш ёки ўқиш жойи ўзгариб қолса, бу ҳақда шартли ҳукм қилинган шахснинг хулқи устидан назорат олиб борувчи органга хабар бериб туриш, вақти-вақти билан келиб бу органларда рўйхатдан ўтиб туриш;
- муайян жойларда бўлмаслик;
- муайян вақтда яшаш жойида бўлиш;
- алкоголизм, гиёҳвандлик, заҳарвандлик ёки таносил касаллигидан даволаниш курсини ўташ каби мажбуриятларни юклаши мумкин.

Мазкур мажбуриятларнинг ҳар бири содир этилган жиноятдан, шунингдек, тайинланган жазодан келиб чиққан ҳолда маҳкумга юклатилади.

13. Содир этилган жиноят оқибатида муайян миқдорда моддий, маънавий, жисмоний ва бошқа зарар етказилади. Бундай ҳолларда **етказилган зарарни бартараф қилиш** ўғирланган, йўқ қилинган нарсанинг ўрнини қоплашда, даволанишга сарф қилинадиган моддий харажатларни қоплашда, маънавий зарарни қоплашда (кечирим сурашда) намоён бўлиши мумкин. *(Келтирилган зарарни қоплаш тушунчаси тўғрисида батафсилроқ ЖКнинг 55-моддаси шарҳига қаранг)*

14. **Ишга ёки ўқишга кириш мажбурияти** шахс ишламаган ёки маълумот олмаган ҳолларда юзага келади. Ишлаш ёки ўқиш мажбурият эмас, балки ҳар бир шахснинг



шахсий ҳуқуқидир (умумий ўрта маълумот бундан мустасно). Шунга қарамасдан, ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилиш айбдорни ижтимоийлашганлигидан далолат беради, ўқишга кириши эса, маҳкумни муайян касбни эгалламоқчи эканлигини тасдиқлайди ва бу, шубҳасиз, уни турли хил ноҳуя хатти-ҳаракатларни содир қилишдан тийиб туради. Шунининча инобатга олиш лозимки, ушбу мажбуриятлар ҳар доим ҳам маҳкумнинг имкониятидан келиб чиқмайди, чунки ишга жойлашиш меҳнат бозоридаги талаб ва таклифга боғлиқдир. Шунинг учун давлат томонидан маҳкумларни ва жазони утаб чиққан шахсларни ишга жойлаштириш масаласига имкон борича устувор даража сифатида қаралади<sup>1</sup>. Зеро, давлат иш билан таъминлаш турини, шу жумладан, турли меҳнат режимидаги ишни танлаш эркинлигини кафолатлайди. Маълумот олишга келсак, бу маънода ҳам маҳкум фойдаланган имкониятларга эътибор қаратиш лозим. Бундай ҳолларда ишга жойлашмаганлиги ва ўқишга кирмаганлиги синов муддати мобайнида белгиланган мажбуриятлар бажарилмаган, деб баҳолашга, шунингдек, шартли ҳукмни бекор қилишга асос бўлмайди.

15. **Шартли ҳукм қилинганлар муайян вақт давомида шартли ҳукм қилинганлар устидан назорат қилувчи органларга (Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг махсус органлари) келиши ва яшаш жойи, ўқиши ёки иши ўзгарганлиги тўғрисида маълумот етказишлари шарт.** Бу мажбурият шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида кўрсатилган жазоларнинг ҳар бирига шартли ҳукм қилинганларга тенг равишда қўлланилади, чунки шартли ҳукм қилинганларнинг устидан назорат жазони ўташдан озод қилиш асосий турини қўллаш шarti хисобланади.

16. Суд ва қонун чиқарувчи ҳуросасига кўра, маҳкумларнинг хулқини тузатишга тўсқинлик қилаётган ва унинг хулқига салбий таъсир кўрсатаётган ва суд томонидан **белгиланган муайян жойларда бўлмаслик мажбурияти**

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, 58-модданинг 1-қисми; 68-модда // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 1-сонга илова.

(масалан, ресторан, бар, казино, ипподром ва бошқалар). Мазкур мажбурият, асосан, вояга етмаганларга қўлланилади, чунки улар ташқи салбий таъсирларга тез бериладиган бўладилар.

**17. Муайян вақтда яшаш жойида бўлиш мажбурияти** – қисман чекланиш ҳисобланиб, шартли равишда ҳукм қилинган шахсдан турар жойида муайян вақтда бўлишини талаб қилади. Мазкур мажбурият ҳам, асосан, вояга етмаганларга қўлланилади, чунки улар безориликка ва бошқа ижтимоий хавфли ҳаракатларни содир қилишга мойил бўлишади.

**18. Алкоголизм, гиёҳвандлик, заҳарвандлик ёки таносил касаллигидан даволаниш курсини ўташ мажбурияти** тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини стационар тартибда қўллаш мақсадга мувофиқ бўлмаган ёки бунга имконият бўлмаган шароитларда қўлланилади.

**19. Қонунда туғридан-туғри курсатилган мажбуриятлардан ташқари суд маҳкумнинг тузалишига ижобий таъсир қиладиган бошқа бир қатор мажбуриятларни ҳам юклаши мумкин.** Суд шартли ҳукм қилиш туғрисида ҳукм чиқараётганида шарҳланаётган модданинг бешинчи қисмида белгиланган тартибда маҳкумнинг оила аъзоларига моддий ёрдам кўрсатиш ва бошқа мажбуриятларни тайинлаши мумкин. Кўрсатилган мажбуриятлар ялпи ҳолда ёки алоҳида-алоҳида юкланиши мумкин.

**20. Шарҳланаётган модданинг тўртинчи қисмига** кўра, шартли ҳукм қилинган шахсларнинг хулқи устидан ички ишлар органлари, ҳарбий хизматчилар хулқи устидан эса, ҳарбий қисм ёки муассасанинг кўмондонлиги назорат олиб боради. Шарҳланаётган моддада кўзда тутилган ички ишлар органларининг махсус бўлинмалари вазифаларини ички ишлар органларининг жазони ижро этиш инспекциялари бажаради. Кўрсатилган нормада қайд этилганидек, шартли ҳукм қилинган ҳарбий хизматчилар хулқи устидан ҳарбий қисм ёки муассасанинг кўмондонлиги назорат олиб боради. Шартли ҳукм қилинган вояга етмаган шахслар хулқи устидан туманлар (шаҳарлар) хузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича

комиссиялар ички ишлар органлари билан биргаликда назорат олиб боради<sup>1</sup>. Маҳкумлар хулқи устидан олиб бориладиган мазкур назоратнинг мақсади қонун томонидан ўрнатилган мажбуриятнинг бажарилишини таъминлашдир.

21. Шундай қилиб, синов муддати давомида маҳкумда судланганлик сақланиб қолади, у унга қўйилган барча талабларга риоя қилиши шарт, хулқ-атвори билан тузалганлигини исботлаши ёки аксинча, унга қўлланилган чоралар етарли даражада эмаслигини кўрсатиши ва шу билан у ўзига нисбатан суд томонидан назоратни кучайтириши, шартли ҳукми бекор қилиб, жазони реал ўташига олиб келиши мумкин. Агар бундай ҳолатда судланувчи ўзига юклатилган мажбуриятларни бажарса ва хулқ-атвори билан ўзгарганини тасдиқласа, синов муддати ўташ мобайнида жиноят-ҳуқуқий муносабат тўхтатилади ва ЖКнинг 78-моддаси «а» бандига биноан у судланмаган ҳисобланади. Ва аксинча, шартли ҳукм қилинган ўзининг хулқи билан унга қўлланилаётган воситаларнинг камлигини кўрсатиши ва шу орқали судни назоратни кучайтиришга ва ҳатто шартли ҳукми жазони реал ўташ йўли билан ўзгартиришга мажбур қилиши мумкин.

**Шарҳланаётган модданинг бешинчи қисмига** мувофиқ, ҳукм қилинган шахснинг хулқи устидан назорат олиб борувчи органнинг тақдими билан суд синов муддати давомида унга юклатилган мажбуриятларнинг ҳаммасини ёки бир қисмини олиб ташлаши ёки унинг зиммасига янги мажбуриятлар юклаши ҳам мумкин.

Мажбуриятларнинг тўлиқ ёки қисман бекор қилиниши ўз-ўзидан синов муддатнинг бекор бўлишига шартли ҳукмнинг умуман бекор қилишни билдиради. Мажбуриятларнинг қўшимча қилиниши эса, маҳкумнинг хулқ-атвори устидан назоратни кучайтиришни билдиради.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар тўғрисидаги низом (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–2833-сонли Қарорига 3-илова), 13-банд // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 12-сон, 184-модда.

Мазкур қарорларга суднинг синов муддати мобайнида маҳкум ўзини ижобий томондан кўрсатганлиги ҳақида тавсифланиши боис назорат юкланган органнинг белгиланган мажбуриятни тўлиқ ёки қисман бекор қилиш тўғрисидаги тақдимномаси ёки аксинча мазмундаги хулосаси асос бўлиши мумкин. Бу ҳолатда судга судланган шахснинг ишончни оқлаётганлиги туфайли унинг устидан қаттиқ назорат шарт эмаслиги кўрсатилади. Шу сабаблар ва асослар бўйича суд шартли ҳукмда синов муддатини қисқартириш масаласини ҳам кўриши мумкин. Шартли ҳукм қилишда белгиланган синов муддатини қисқартириш масаласи ЖПКнинг 541-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ маҳкумнинг яшаш жойидаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди судьяси томонидан ҳал қилинади<sup>1</sup>.

Шу билан бирга шартли судланган виджонсизлик қилса, унга юклатилган мажбуриятларни бажаришда тартиб-қоидаларни бузса, назорат қилувчи орган унга юклатилган мажбуриятларни янгилаш билан тўлдиришни сўраши мумкин. Назорат қилувчи органнинг сўроғини суд ҳам амалга ошириши, ҳам оширмаслиги мумкин. Қонун чиқарувчи томонидан шарҳланаётган модданинг 3-қисмида кўрсатилган мажбуриятларни қўшиш суднинг ҳуқуқи ҳисобланади. Бундай ҳолда шартли судланган шахснинг қониқарсиз хатти-ҳаракати синов муддати талабларини бузишда кўрилиши керак ва ҳар қандай ҳолда суд юклаган мажбуриятларни бир неча бор бузиш ёки уларни бажаришдан бош тортиш деган хулосага судни келтирмаслик керак. Бошқа ҳолда, шартли судланганга мажбуриятлар қўшиш жазо мақсади нуқтаи назаридан ижобий таъсир келтирувчи бўлмаслиги мумкин.

**22. Шарҳланаётган модданинг олтинчи қисмида** шартли ҳукми бекор қилишнинг муайян ҳолатлари кўрсатилиб ўтилган. Айнан шунда шартли ҳукм қилинган шахсларнинг юклатилган вазифаларни бажармаслик ёки уларнинг хулқ-атвори ўзгарганлиги ҳолатлари намоён бўлади. Бундай ҳолларда

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сонли қарори, 34-банд, 4-хатбоши.

суд шартли ҳукм қилинган шахсларнинг хулқ-атвори устидан назорат олиб бораётган орган тақдимномасига асосан шартли ҳукмни бекор қилиб, тайинланган жазони реал қўллаши мумкин. Шу билан бирга, содир этилган ҳуқуқбузарликнинг хусусияти ва муайян ҳолатларини, маҳкумнинг шахси ва синов муддати давомидаги хулқ-атворига доир маълумотларни ҳисобга олиб, суд шартли ҳукмни аслича қолдириш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин<sup>1</sup>.

**Шарҳланаётган модданинг олтинчи қисми** қуйидаги асослар мавжуд бўлганда ҳукм билан белгиланган реал жазони бажариш билан шартли ҳукмни бекор қилишни назарда тутди:

– шартли ҳукм қилинган шахс суд унга юклаган мажбуриятларни бажармаслиги;

– жамоат тартиби ёки меҳнат интизомини бузганлиги учун шартли ҳукм қилинган шахсга маъмурий ёки интизомий таъсир чораси қўлланилганлиги.

**23. Шартли ҳукм қилинган шахсга юклатилган мажбуриятлар бажарилмаслиги** деганда, шартли ҳукм қилинган шахс томонидан суд унга юклаган муайян талабларнинг синов муддати давомида бажарилмаслиги тушунилади. Бундай ҳолларда шартли ҳукм этилган шахснинг ҳақиқатан ҳам ушбу талабларни бажармаганлигини ва нима сабабдан бажармаганлигини аниқлаш лозим. Масалан, агар шахсга қонунда кўрсатилмаган мажбуриятлар юклатилгани аниқланса ёки бу мажбуриятлар (талаблар) унга боғлиқ бўлмаган вазиятлар туфайли, яъни узрли сабабларга кўра бажарилмаганда, суд шартли ҳукмни бекор қилиш ва ҳақиқий жазони ўташни қўллашдан воз кечади.

**24. Шартли ҳукмнинг бекор қилиниши ва реал жазони ўташнинг белгиланишига иккинчи асос бўлиб жамоат тартиби ёки меҳнат интизомининг бузилиши ҳисобланади.** Ҳар қандай ҳуқуқбузарлик жавобгарликни келтириб чиқаради. Жумладан, жамоат тартибини бузган

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сонли қарори, 35-банд, 2-хатбоши.

шартли ҳукм қилинган шахс маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин. Маъмурий жавобгарлик давлатнинг ҳуқуқий мажбурулов чорасининг бир кўриниши бўлганлиги ва маълум даражада жиноий жавобгарлик учун преюдиция ролини ўйнаганлиги учун бундай жавобгарликка тортилиш ҳолати шартли ҳукм қилинган шахсга жиноят-ҳуқуқий таъсир этишнинг янада қатъий чораларини реал қўлламасдан туриб тузалишининг имкони йўқлигидан далолат беради.

25. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 36-моддасига мувофиқ, маъмурий жазо ҳуқуқбузарлик содир этилган кундан бошлаб, давом этаётган ҳуқуқбузарликлар учун эса, ҳуқуқбузарлик аниқланган кундан бошлаб икки ойдан кечиктирмай қўлланилиши мумкин. Жиноят ишини кўзгатиш рад этилган ёки жиноят иши тўхтатилган бўлса-ю, лекин ҳуқуқбузарнинг ҳаракатларида маъмурий ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд бўлса, маъмурий жазо чораси жиноят иши кўзгатишни рад этиш ёки жиноят ишини тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир ойдан кечиктирмай қўлланилиши мумкин. Башарти, маъмурий жазога тортилган шахс шу жазони ўташ муддати тугаган кундан бошлаб бир йил мобайнида янги маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган бўлса, мазкур шахс маъмурий жазога тортилмаган, деб ҳисобланади.

26. Шартли ҳукмнинг бекор бўлишига асос бўлган бошқа ҳуқуқбузарлик сифатида меҳнат интизомини бузиш ҳам қаралиши мумкин. Меҳнат интизоми меҳнат қонунчилиги ҳамда ташкилот ва муассасаларнинг меҳнат тўғрисидаги ички меъёрий актлари билан белгиланади.

Шартли ҳукмни бекор қилиш учун меҳнат интизомига риоя қилмаслик мотивларидан келиб чиқувчи асос бўлиб атайлаб содир қилинган меҳнат интизоми бузилишларигина хизмат қилади. Масалан, прогуллар, ишга маст ҳолда келиш, меҳнат шартномаси ёки меҳнат тартиби талаблари билан белгиланган мажбуриятларни сабабсиз мунтазам равишда бажармаслик.

27. Шартли ҳукмни бекор қилиш тўғрисида тақдимномани кўриб чиқаётганда маҳкумнинг синов муддати мобайнида унга нисбатан жазони қўлланилган-қўлланилмаганлиги, белгиланган

бирон-бир шартлари бажарилмаганлигини аниқлаш лозим. Бундай ҳолатда, шартли ҳукм қилинган шахс унга билдирилган ишончни оқлаганлиги ва хулқи тузалганлигини аниқлаш мақсадида суд маҳкумга нисбатан маъмурий жазо қўлланиш қонунийлигини ҳамда интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарорнинг асослилигини аниқлайди.

Маҳкум зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажаришдан бўйин товлаган ёки маъмурий ёхуд интизомий жавобгарликка тортилган ҳолларда маҳкум хулқ-атвори устидан назоратни амалга оширувчи орган жиноят ҳуқуқий таъсир чорасини бекор қилиши ҳамда ҳукмда тайинланган жазо чорасини ижро этиш тўғрисида тақдимнома киритиши мумкин. Суд ушбу тақдимномага асосан, шартли жазони бекор қилиб, ҳукмда тайинланган жазони ижро этиш тўғрисида ажрим чиқариши мумкин. Агар суд назорат қилувчи органнинг киритган тақдимномасини кўраётганда шартли ҳукм қилинган шахснинг хулқида синов шартларини бузганлик аломатларини кўрмаса (топмаса), ҳукм ижро этилмайди.

28. Бирон-бир жиноятнинг содир этилиши шартли ҳукмни бекор қилишга асос бўлади, холбуки, ушбу ҳолат шарҳланаётган моддада кўрсатилмаган бўлса ҳам. Ушбу хулоса синов муддати мобайнида янги жиноятни содир этган шахсни шартли ҳукм қилишнинг имкони йўқлигига асосланади. Бундай ҳолат шартли судланган шахснинг ўзгараётганлигига далил бўла олмайди. Янги жиноятнинг содир этилиши шахснинг ғайриқонуний хулқ-атворидан дарак бериб, шартли судланишга нисбатан қаттиқроқ жазо чораларини кўришни талаб қилади. Шунинг учун қонун чиқарувчи шарҳланаётган моддада янги жиноятни содир этиш шартли судланишни бекор қилиш асоси ҳисобланишини кўрсатмаган, чунки шартли судланишни бекор қилиш асоси сифатидаги ҳуқуқбузарликнинг мавжудлиги жиноят содир этишда шартли судланишини сўзсиз бекор қилишга гувоҳлик беради.

29. Қонун бўйича (**ЖКнинг 72-моддасининг саккизинчи қисми**) шартли ҳукм қилинган шахс томонидан синов муддати давомида янги жиноят содир этилса, суд унга ЖК 60-моддасида назарда тутилган қоидалар бўйича жазо



тайинлайди. Бунда суд, узил-кесил жазо тайинлашдан олдин, шартли ҳукм қилинган шахснинг хулқи устидан назорат олиб борувчи орган тақдимномаси бор-йўқлигидан катъи назар, биринчи ҳукмнинг шартлилигини бекор қилади<sup>1</sup> (*ЖКнинг 60-моддаси шарҳига қаранг*)

**30. Шарҳланаётган модданинг еттинчи қисми** шартли ҳукм қилишнинг қўлланиш чегараларини белгилаб, ўрнатадики, шартли ҳукм:

– ўта оғир жинояти учун ҳукм қилинганларга;

– илгари қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинган шахсларга нисбатан қўлланилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми тушунтиришларига кўра, бундай ҳолда, бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш пайтида суд ЖК 72-моддасининг еттинчи қисмида назарда тутилган шартларга риоя этган ҳолда яна шартли ҳукм қўллаши мумкин.

Айни пайтда, шуни назарда тутиш керакки, ЖКнинг 72-моддасида шартли ҳукмни бекор қилиш учун асос бўладиган ҳолатлар доираси катъий белгиланган.

**Ўта оғир жиноят содир этган шахсларга** конун бўйича ўн йилдан ортиқ ёки умрбод озодликдан маҳрум қиладиган жазо тайинланадиган, қасддан содир этган жиноят учун судланганлар қиради. (*Ўта оғир жиноят тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 15-моддаси шарҳига қаранг*)

**Аввал қасддан жиноят содир этгани учун озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазога ҳукм қилинган** деб аввалги жинояти учун судланганлиги олиб ташланмаган ёки судланганлик ҳолати тугалланмаган шахс тушунилади. Судланганликнинг олиб ташланиши ёки тугалланиши илгари қасддан содир этилган жиноят учун судланганлик ва озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаганлигининг барча ҳуқуқий оқибатларини бартараф этади ва шартли ҳукм қилишни қўллашга монелик қилмайди.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сонли қарори, 36-банд, 1-хатбоши.



31. **Шарҳланаётган модданинг еттинчи қисмида** белгиланган чекловлар қуйидаги ҳолатларга тегишли эмас:

- ун саккиз ёшга тулмаган шахсларга нисбатан;
- биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга;
- аёлларга;
- 60 ёшдан ошган эркакларга.

Мазкур шахслар ўта оғир жиноят содир этган ҳолда ҳам уларга нисбатан шартли жазо белгилаш мумкинлиги ушбу моддада мустаҳкамланган.

32. Вояга етганлик ёшини аниқлаганда жиноятни содир этиш вақти инобатга олинади. Жиноятни содир этган вақтда шахс вояга етмаган бўлиши лозим ва ушбу ҳолат шартли ҳукм қилишга асос бўлиши мумкин.

33. Биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронларига нисбатан шартли ҳукм қилишни қўллашда ногиронлик даражасини олганлик вақти аҳамиятга эга эмас.



### **73-модда. Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш**

Озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, хизмат бўйича чеклаш, озодликни чеклаш ёки ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсларга нисбатан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш қўлланилиши мумкин. Шахс ижро этилмаган қўшимча жазодан ҳам озод қилиниши мумкин.

Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган жазо турлари учун ўрнатилган тартиб-қоида талабларини бажарган ва меҳнатга ҳалол муносабатда бўлган маҳкумга нисбатан қўлланилади.

Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш маҳкум:

а) ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жинояти учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини;

б) оғир жинояти учун, шунингдек қасддан содир этган жинояти учун, агар шахс илгари қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган бўлса, суд тайинлаган жазо муддатининг камида ярмини;

в) ўта оғир жинояти учун, шунингдек жазодан муддатидан илгари шартли озод қилинган ёки жазоси енгилроғи билан алмаштирилган шахс жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этганлиги учун ҳукм қилинган бўлса, суд тайинлаган жазо муддатининг камида учдан икки қисмини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин қўлланилиши мумкин.

Жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш:

а) умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган шахсга;

б) ўта хавфли рецидивистга;

в) уюшган гуруҳ ёки жиноий уюшманинг ташкилотчи ва қатнашувчиларига;

г) жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш, ун тўрт ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган жабрланувчининг номусига тегиш ёки унга нисбатан зўрлик ишлатиб, жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш, Ўзбекистон Республикасига, тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши жиноят содир этиш, ядровий, кимёвий, биологик ва бошқа хилдаги оммавий қирғин қуролиларини, шундай қуролиларни ишлаб чиқариш учун фойдаланиш мумкинлиги аён бўлган материал ва ускуналарни контрабанда қилиш учун ҳукм қилинган шахсларга нисбатан қўлланилмайди.

Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиниб, жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этган шахсга нисбатан суд ушбу Кодекснинг 60-моддасида назарда тутилган қондаларга мувофиқ жазо тайинлайди.

---

## Ш А Р Ҳ

---

1. Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунининг инсонпарварлик принципи жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилишда ҳам намоён бўлади.

Бу ҳуқуқий институтнинг моҳияти маҳкумни келажакдаги жазони ўташдан шартли равишда озод қилишда ифодаланади. Унинг шартли характери шундаки, у қонунда кўрсатилган шартлар асосида амалга оширилади, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилишнинг қоидаларига риоя қилмаслик белгиланган жазо муддатини тулиқ ёки қисман ўташга олиб келади. Бундай ҳолларда бу институтни қўллашнинг дастлабки шарти ҳукм қилинган маҳкумнинг тузалганлиги тўғрисидаги суд томонидан ўрнатилган ҳолатларнинг мавжудлиги ва маҳкум томонидан жазонинг маълум бир қисмини ўтаганлиги ҳисобланади.

**2. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмига** мувофиқ, озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, хизмат бўйича чеклаш, озодликни чеклаш ёки ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсларга нисбатан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш қўлланилиши мумкин. Шундай қилиб, шарҳланаётган норма уларни ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш қўлланилиши мумкин бўлган жазо турларининг қатъий рўйхатини белгилайди (шарҳланаётган модданинг тўртинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно).

Кўрсатилган жиноий жазо чораларидан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш, уларнинг муддатидан қатъи назар, қўлланилиши мумкин. Жиноят-ижроия кодексининг 164-моддаси тўртинчи қисми мазмунига кўра, муайян ҳуқуқдан маҳрум этиш тарикасидаги жазодан озод қилиш жамоат бирлашмаси, жамоа, маҳкумнинг ўзи ёки унинг ҳимоячиси илтимосномасига биноан суд томонидан амалга оширилади. Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси муддатли бўлиб, бу муддат ичида маҳкумнинг тўла ахлоқан тузалган ёки тузалмаганлигини билиш қийин.

**3. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмига** мувофиқ, шахс ижро этилмаган қўшимча жазодан ҳам озод қилиниши мумкин (*ЖКнинг 45 ва 52-моддаларига қаранг*). Қўшимча жазо чораларидан муддатидан илгари шартли озод қилишни қўллаш тартиби бир неча хусусиятлари билан асосий жазо чораларидан фарқ қилади. Қўшимча жазо

чораларининг хусусияти уларнинг моҳиятидан ва жазони амалга оширишдаги вазифа ва мақсадларидан келиб чиқади. Қўшимча жазо чораларини қўллашни тартибга солувчи амалдаги жиноят қонуни шуни кўрсатмоқдаки, одатда, судлар томонидан қўшимча жазо анча хавфли бўлган жиноятларни содир этганлик учун жазонинг қисми сифатида тайинланаяпти. Жиноятнинг олдини олиш ва маҳкумларни тузатишда асосий жазо чораларига қараганда қўшимча жазоларининг аҳамияти камроқдир. Қўшимча жазолар ўзининг каттиққўллиги билан судланганларнинг ўзгариши ва жиноийликнинг олдини олишда қўлланиладиган асосий жазога қараганда кам аҳамиятга эга.

4. Қўшимча жазонинг тайинланиши жиноят содир этган шахснинг жавобгарлигини кучайтириш томонга ҳам, камайитириш томонига ҳам индивидуаллаштиришнинг асосий воситаларидан биридир. Жазонинг огоҳлантириш вазифасини, яъни уларни қўллаш орқали маҳкумнинг жиноий фаолиятини давом эттиришига ёрдам берувчи шароитларни бартараф этиш, шунингдек, янги жиноят содир этишга қарши зарур кафолатларни яратишни таъминлаш қўшимча жазонинг мақсади ҳисобланади. Қўшимча жазо чоралари жиноят содир этишнинг алоҳида ҳолатларига, уларни содир этишга ёрдамлашувчи сабаб ва шароитга, шунингдек, маҳкумнинг ўзига хос хусусиятларига боғлиқ. Шунинг учун, ҳар бир алоҳида ҳолатда қўшимча жазонинг у ёки бу вазифаси биринчи ўринга чиқади.

5. Айнан жазо мақсадини амалга оширишдаги қўшимча жазонинг ёрдамчи роли, қонун чиқарувчига ундан озод қилиш масаласига руҳсат бериш йўлини шарт қилиб қўяди. Шарҳланаётган модда қўшимча жазодан озод қилишнинг қандайдир мустақил асос ва шартларини белгиламайди. Маҳкумнинг асосий жазонинг маълум бир қисмини утаганлиги ва шу билан бир вақтда унинг ахлоқан тузалганлиги қўшимча жазодан озод қилишга асос бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун, жазони кучайтирувчи чора сифатида қўшимча жазо тайинланганда, айниқса, уни енгиллаштириш мақсадида асосий жазодан шахс муддатидан илгари шартли равишда озод қилинганда, уни қўшимча

жазолардан ҳам озод қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда, қўшимча жазо озодликдан маҳрум этиш билан бирга тайинланса, ундан озод қилиш, уни ижро этишдан олдин ҳам амалга оширилиши мумкин.

6. Асосий жазони ўтаб бўлган шахсга нисбатан янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўшимча жазо тайинланган ҳолларда ундан озод қилиш масаласини ҳал этиш керак. Мақсадга эришиш доим қўшимча жазони ижро этиш зарурлигини истисно этмайди, хусусан, асосий жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш учун асосларнинг пайдо бўлиши бу ҳали ўз-ўзидан қўшимча жазоларни қўллашдан озод қилиш керак, дегани эмас. Шунинг учун, қонун чиқарувчи асосий жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш билан бир вақтда қўшимча жазодан озод қилиш мажбуриятини эмас, балки ҳуқуқини белгиллаган. Асосий жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинганда қўшимча жазоларни, улар профилактик мақсадларда тайинлангандагина, сақлаб қолиш мақсадга мувофиқ бўлади.

7. Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш жазодан қўзланган мақсадга эришилган ҳолларда қўлланилади. Айнан ушбу асослар жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинишида маҳкумнинг ижтимоий хавфлилигини йўқотганлигини ва суд томонидан тайинлаган жазони тўла ўтамасдан тузалганлигини билдиради. Бу ҳолат **шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмида** кўрсатилган мезонлар орқали аниқланади, унга кўра, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган жазо турлари учун ўрнатилган тартиб-қоида талабларини бажарган ва меҳнатга ҳалол муносабатда бўлган маҳкумга нисбатан қўлланилади.

8. Режим деганда, шарҳланаётган модда маъносига кўра, жазони ўташ ва ижро этиш тартиби тушунилади. Режим маҳкумнинг ўзгаришида асосий воситалардан бири ҳисобланади. Маҳкумни ахлоқан тузатишнинг асосий воситаларига жазони ижро этиш ва ўташнинг белгиланган тартиби (режими), ижтимоий-фойдали меҳнат, тарбиявий иш, умумий ва ҳунар

таълими, касб тайёргарлиги ва жамоат таъсири киради<sup>1</sup>. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида кўрсатилган жазоларнинг ҳар бирини ижро этиш ва ўташ тартиби жиноят-ижроия қонунчилиги билан белгиланади<sup>2</sup>. Жазони ўташда интизом бузилишларининг мавжуд эмаслиги, жазони ижро этиш бўйича маъмуриятнинг қонуний талабларига риоя этиш, маҳкумлар учун рухсат этилган жамоат ташкилотларининг ишларида қатнашиш, ташаббускорлик кўрсатиш, тартибни сақлашда маъмуриятга ёрдам бериш, мактабларда ўқув машғулотларига доимий равишда қатнашиш унинг тузалиш йўлидан бораётганлигини ифодаловчи ҳолатлар йиғиндиси сифатида эътироф этилади.

9. **Меҳнатга ҳалол муносабат** деганда, маҳкумлар меҳнатга жалб қилиниб, ўзига юклатилган меҳнат вазифасини ва белгиланган нормани муттасил, сидқидилдан, ҳалол бажариб келаётганлиги унинг ҳалол меҳнат йўлига ўтиб олганлигини кўрсатувчи мезон ҳисобланиб, уни жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш учун тақдим қилишга асос бўлади. Бу асосни маҳкумнинг жазони ижро этиш ва ўташ тартибига риоя этиш мажмуи сифатида қараш керак. Бир қанча ҳолатларда меҳнатга ҳалол муносабатда бўлиш (масалан, озодликдан маҳрум қилиш ва ахлоқ тузатиш ишлари тарикасидаги жазо тайинланганда) алоҳида аҳамият касб этиши мумкин.

10. Ўзгариши мумкинлиги ҳақидаги суднинг ҳулосаси унинг ҳулқ-атвори тўғрисидаги маълумотлардан келиб чиқади, яъни фақат муддатдан илгари шартли озод қилиш тўғрисидаги масалани кўриш пайтидагина эмас, балки бутун жазони ўташ мобайнидаги режимга риоя қилиш меҳнатга муносабати ҳисобга олинади. Содир этилган жиноят хавфлиликнинг характери ва даражасини, айбдорнинг шахсини, жиноят содир этишдан олдинги ва кейинги ҳулқ-атворини таърифлайдиган барча маълумотларни ҳар томонлама ҳисобга олибгина, суд бундай ҳулосага келиши мумкин.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси, 7-модда // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 6-сон, 175-модда.

<sup>2</sup> Ўша манба, 6-боб; 7-боб; IV бўлим, 25-боб; 26-боб.

11. Яъни, маҳкумнинг тузалганлик даражасини аниқлашда меҳнатга ҳалол муносабатда бўлиш, жазони ижро этиш ва ўташ тартиб-қоидаларига риоя этиш каби ҳолатлардан ташқари, маҳкум шахсини характерловчи бошқа ҳолатларга ҳам, масалан, жиноят натижасида жабрланувчига етказилган зарарни тезроқ қоплаш учун ҳаракат қилиши, ўзининг айбини тан олганлиги, жазони ўтаб бўлганидан кейин тўғри ҳаёт бошлашга ва жинорий ўтмишдан қутулишга ҳаракат қилганлигига ҳам эътибор қаратиш лозим. Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш масаласини ҳал этишда судга маҳкумнинг шахсини аниқлашга имкон берувчи, яшаш жойи, оиласи ёки бошқа қариндошларининг мавжудлиги, меҳнат жамоасининг розилиги билан аниқ бир корхонага ишга жойлашиш имкониятлари тўғрисидаги маълумотлар, унинг озодликдаги хулқ-атворини олдиндан айтиб бериш, жазони ўташдан озод қилинган шахсга нисбатан тегишли ёрдам кўрсатиш чораларини кўриш, меҳнат жамоалари ва жамоат бирлашмалари томонидан кузатувни ўрнатиш ва тарбиявий ишларни олиб бориш масалаларини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ бўлади. Маҳкумнинг тузалганлиги тўғрисида исботловчи ҳолатлар бўлганда уни асоссиз равишда жазони ўташдан озод қилиш масаласини ҳал қилишни рад этиш мумкин эмас.

Шу вақтда ўзининг ўзгарганлигини исботлаган маҳкумларни жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилишни рад қилиш ҳоллари бўлмаслиги керак. Хусусан, судлар қонунда кўрсатилмаган сабабларга кўра (масалан, тайинланган жазонинг енгиллиги, жазони ижро этиш юзасидан муассасада кам вақт бўлганлиги ва бошқалар) жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилишни рад қилишга ҳақли эмас.

12. **Шарҳланаётган модданинг учинчи қисми** жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилишни қўллашнинг асосларини белгилайди. Модомики, маҳкумнинг тузалиш жараёни секин давом этаётган бўлиб, маълум бир вақт – фурсат талаб қилар экан, қонун суд томонидан тайинланган жазонинг маълум бир қисмини ҳақиқатан ўталишини кўрилайётган институтни қўллашнинг мажбурий

шарти деб ҳисоблайди. Ушбу муддатнинг катталиги (узоқлиги) турли хил белгиларга боғлиқ.

Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш маҳкум:

– ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жинояти учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини;

– оғир жинояти учун, шунингдек қасддан содир этган жинояти учун, агар шахс илгари қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган бўлса, суд тайинлаган жазо муддатининг камида ярмини;

– ўта оғир жинояти учун, шунингдек жазодан муддатидан илгари шартли озод қилинган ёки жазоси енгилроғи билан алмаштирилган шахс жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этганлиги учун ҳукм қилинган бўлса, суд тайинлаган жазо муддатининг камида учдан икки қисмини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин қўлланилиши мумкин.

13. Санаб ўтилган ҳақиқатда ўталган муддатлар амнистия ва афв этишга ҳам боғлиқ. Агар жазони ўташ даврида жазо муддатини камайтирувчи амнистия акти чиқарилса, унда маҳкумнинг шарҳланаётган модданинг учинчи қисмида кўрсатилган ҳақиқатда ўтаган муддатлари тўғрисидаги масалани ҳал қилишда суд томонидан тайинланган муддатга қараб эмас, балки амнистия актига мувофиқ ҳолда камайтирилган муддатларга риоя қилиш керак.

14. **Шарҳланаётган модданинг учинчи қисми «а» банди**, шунингдек Жиноят кодекси 15-моддаси таҳлили шундан далолат берадики, жазони учдан бирини ўтаган шахсларга нисбатан жазони ўташдан шартли озод қилиш қўлланилади, эҳтиётсизлик орқасида содир этилган ҳар қандай жиноят учун судланган шахсларга, шунингдек, қасддан содир этилиб, беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш қўлланилиши мумкин.



Ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш ёки интизомий қисмга жўнатиш тариқасидаги жазолар тайинланган маҳкумлар, асослар мавжуд бўлганда, шархланаётган модда учинчи қисмининг «а» бандига биноан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиниши мумкин.

**15. Шархланаётган модданинг учинчи қисми «б» банди** оғир жинояти учун, шунингдек, қасддан содир этган жинояти учун, агар илгари қасддан содир этган жинояти учун қонун томонидан беш йилдан кўп, аммо ўн йилдан ошмаган муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган суд тайинлаган жазо муддатининг камида ярмини ўтаган шахсларга ёки аввал шахс қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилинган ҳолда судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки олиб ташланмаган ҳолларга нисбатан қўлланилиши мумкин. Агар маҳкум ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этганлиги учун жавобгарликка тортилиб, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланган ҳолларда шархланаётган модданинг учинчи қисми «а» бандида кўрсатилган шартлар қўлланилади.

**16. Шархланаётган модданинг учинчи қисми «в» банди** жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган ёки жазоси енгилроғи билан алмаштирилган ва қасддан янги жиноят содир этган шахсга нисбатан анча оғир шартларни белгилайди. Ўта оғир жиноят содир этиш, шунингдек, жазони ўташдан озод қилингандан кейин жиноят содир этиш жинойий мақсадларнинг барқарорлигидан далолат беради. Бошқа ўхшаш ҳолатларда маҳкумнинг тузалганлиги тўғрисида далиллар йўқлиги сабабли озод қилиш учун асослар мавжуд бўлмайди.

Қонун чиқарувчи бу каби ҳолатларда маҳкумнинг тузалишини инкор қилмасдан, жазони ҳақиқатда ўтаганлик чегараларини ошириб, ушбу асосларни қўллаш бўйича бирмунча қаттиқроқ чоралар белгилайди. Кўриб чиқиладиган ҳолатда маҳкумни жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш учун жазо муддатининг камида учдан икки қисми ҳақиқатда ўтаб бўлган бўлиши лозим.

17. Қонун чиқарувчи шарҳланаётган модданинг тўртинчи қисмида муддатидан илгари шартли равишда озод қилишни қўллаш бўйича истисноларни белгилайди. Муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш айрим тоифадаги шахсларга ва айрим жиноятларга нисбатан қўлланилмайди.

**Шарҳланаётган модданинг тўртинчи қисми «а», «б» ва «в» бандларида** жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш мумкин бўлмаган шахслар белгиланган:

– умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган шахслар;

– ўта хавфли рецидивистлар;

– уюшган гуруҳ ёки жиноий уюшманинг ташкилотчи ва қатнашувчилари. *(Умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 50 ва 51-моддаларига қаранг; ўта хавфли рецидивист тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 34-моддасига қаранг; жиноий гуруҳ ёки жиноий уюшманинг ташкилотчилари, иштирокчилари тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 28, 29, 30-моддаларига қаранг)*

18. **Шарҳланаётган модданинг тўртинчи қисми «г» бандида** маҳкумни жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш қўллаш мумкин бўлмаган жиноятлар таркиби санаб ўтилган. Булар қуйидагилардир:

– жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми);

– ўн тўрт ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган жабрланувчининг номусига тегиш (ЖКнинг 118-моддаси тўртинчи қисми);

– ўн тўрт ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган жабрланувчига нисбатан зўрлик ишлатиб, жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш (ЖК 119-моддаси тўртинчи қисми);

– тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши жиноят содир этиш (ЖКнинг VIII боби);

– Ўзбекистон Республикасига қарши жиноят содир этиш (ЖКнинг IX боби);

– ядровий, кимёвий, биологик ва бошқа хилдаги оммавий қирқин қуроллари, шундай қуроллارни ишлаб чиқариш учун

фойдаланиш мумкинлиги аён бўлган материал ва ускуналарни контрабанда қилиш (ЖКнинг 246-моддаси 2-қисми).

19. Муддатидан илгари шартли озод қилиш жазони ижро этувчи органлар ва муассасалар тақдимномасига биноан амалга оширилади (ИИВ Ўзхавфсизлик хизмати, озодликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазони ижро этиш муассасаси ёки интизомий қисмга жўнатиш тайинланганда ҳарбий қисм қўмондонлиги). Озодликдан маҳрум қилишга мувофиқ ҳолда муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш масаласига маҳкум томонидан Жиноят кодексининг 73-моддаси учинчи қисмига риоя қилган ҳолда жазонинг камида 6 ойини ўтагандан кейингина рухсат этилишини эътироф этиш зарур.

Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш тўғрисидаги тақдимнома рад этилганда янги тақдимнома биринчи тақдимнома тақдим этилгандан кейин камида 6 ой ўтгандан сўнг тақдим этилиши мумкин<sup>1</sup>.

Муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш жазони ўташ жойидаги суд томонидан жазони ижро этиш юклатилган ваколатли махсус органнинг тақдимномасига биноан қўлланилади. Жазони ўтовчи шахс суд тайинлаган муддатнинг қонун талаб қилган қисмини ўтаса, судья унинг мажбуриятларини ижро этиш ва хулқ-атвориغا кўра унинг тузалиши учун жазони тула равишда ўташи зарур эмас, деб топса, суд тайинланган жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш тўғрисида ажрим чиқаради. Бундай ҳолатда унинг ўталмай қолган қисми синов муддати вазифасини бажарганлиги сабабли, озод қилинган шахсга нисбатан синов муддати тайинланмайди. Ушбу ажрим билан суд маҳкумни қўшимча жазоларни ўташдан тўлиқ ёки қисман озод қилиши мумкин.

20. **Шарҳланаётган модданинг бешинчи қисмига** кўра, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиниб, жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этган шахсга нисбатан суд ушбу Кодекснинг

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси, 164-модданинг 6-қисми // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 6-сон, 175-модда.

60-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ жазо тайинлайди. Ушбу нормани қўллашда, биринчи навбатда, янги жиноят аввалгисини ўталмаган муддати мобайнида содир этилганини аниқлаш зарур.

**Муддатидан илгари шартли озод қилишнинг ўталмаган муддати** деганда, суд томонидан тайинланган жазонинг ўталмай қолган қисмини тушуниш керак. Амалиётда янги жиноят асосий жазонинг ўталмай қолган қисми ўтиб бўлгандан кейин, лекин қўшимча жазони ижро этиш вақтида содир этиш ҳоллари ҳам учрайди. Қўшимча жазонинг ўталмай қолган қисми мобайнида жиноят содир этиш муддатидан илгари шартли равишда озод қилишнинг ўталмай қолган қисми мобайнида жиноят содир этилганлиги тўғрисида далолат берувчи ҳолат ҳисобланмайди, демак, ҳукмлар мажмуи тўғрисидаги қоидани қўллаш мумкин эмас.

#### **74-модда. Жазони енгилроғи билан алмаштириш**

Озодликдан маҳрум этилган, озодлиги чекланган ёки ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсларга нисбатан суд жазонинг ўталмаган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштириши мумкин.

Жазони енгилроғи билан алмаштириш ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган жазо турлари учун ўрнатилган тартиб-қоида талабларини бажарган ва меҳнатга ҳалол муносабатда бўлган маҳкумга нисбатан қўлланилиши мумкин.

Жазони енгилроғи билан алмаштириш маҳкум:

а) ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жинояти учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида тўртдан бир қисмини;

б) оғир жинояти учун, шунингдек қасддан содир этган жинояти учун, агар у илгари қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган бўлса, суд тайинлаган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини;

в) ўта оғир жинояти учун, шунингдек жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ёки жазони енгилроғи

билан алмаштириш қўлланилган ва жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан содир этган янги жинояти учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида ярмини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин қўлланилиши мумкин.

Озодликдан маҳрум қилиш ёки озодликни чеклаш тариқасидаги жазонинг ўталмаган қисми ахлоқ тузатиш ишлари билан алмаштирилганда ахлоқ тузатиш ишлари озодликдан маҳрум қилиш ёки озодликни чеклаш жазосининг ўталмаган қисми муддатига тайинланади.

Жазонинг ўталмаган қисмини енгилроғи билан алмаштириш ушбу Кодекснинг 73-моддаси тўртинчи қисмида кўрсатилган шахсларга нисбатан қўлланилмайди.

Жазоси енгилроқ жазо билан алмаштирилган шахслар енгилроқ жазонинг тегишли қисмини ўтаб бўлганларидан кейин ушбу Кодекснинг 73-моддасида назарда тутилган қоидаларга биноан жазодан муддатидан илгари шартли озод қилинишлари мумкин.

Жазоси енгилроқ жазо билан алмаштирилган шахс жазонинг ўталмаган қисми мобайнида янги жиноят содир этса, суд унга ушбу Кодекснинг 60-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ жазо тайинлайди.

---

## Ш А Р Х

---

1. Жиноят қонуни алоҳида ҳолларда **жазони енгилроғи билан алмаштириш**ни назарда тутати. Бундай ҳолларда маҳкум жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилинади, лекин жазонинг ўталмай қолган қисми енгилроғи билан алмаштирилади.

Жазони енгилроғи билан алмаштириш – жазони ўташ даврида уни индивидуаллаштириш принципини амалга оширишнинг мустақил шакли бўлиб, маҳкумга тайинланган жазонинг муайян турини енгилроғи билан алмаштиришда ифодаланadi. Бу билан мазкур жазони ўташдан озод қилиш институти муддатидан олдин шартли озод қилиш ва мазкур жиноят учун қонунда назарда тутилганидан енгилроқ жазо тайинлаш институтидан фарқ қилади (ЖКнинг 57-моддаси).

2. Шархланаётган модданинг биринчи қисмига биноан, озодликдан маҳрум этилган, озодлиги чекланган ёки ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсларга нисбатан суд жазонинг ўталмаган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштириши мумкин. Озодликдан маҳрум қилиш ва ахлоқ тузатиш ишлари каби жазолар Жиноят кодексининг 43-моддасида назарда тутилган бошқа енгилроқ жазоларга алмаштирилиши мумкин. Жиноят кодексининг 43-моддаси мазмунидан келиб чиқиб, озодликдан маҳрум қилиш ва ахлоқ тузатиш ишларига нисбатан алмаштириш мумкин бўлган енгилроқ жазолар деб, қонун чиқарувчи томонидан куйроқда жойлаштирилган жазолар тан олинади. Озодликдан маҳрум қилишни жарима (ЖКнинг 44-моддаси); муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш (ЖКнинг 45-моддаси), мажбурий жамоат ишлари (ЖКнинг 45<sup>1</sup>-модда), ахлоқ тузатиш ишлари (ЖКнинг 46-моддаси), хизмат бўйича чеклаш (ЖКнинг 47-моддаси) ва интизомий қисмга жўнатиш (ЖКнинг 49-моддаси) каби жазоларга алмаштириш мумкин. Ахлоқ тузатиш ишларини фақат жарима ва муайян ҳуқуқдан маҳрум қилишга алмаштириш мумкин.

3. Жазонинг ўталмай қолган қисмини муддатидан илгари шартли равишда озод қилишда қўлланиладиган асослар мавжуд бўлганда жазони енгилроғи билан алмаштириш қўлланилади. Бу асослар **шархланаётган модданинг иккинчи қисмида** кўрсатилган:

– озодликдан маҳрум қилиш ёки ахлоқ тузатиш каби жазоларни ўташ учун ўрнатилган тартиб-қоида талабларини бажариш;

– меҳнатга ҳалол муносабатда бўлиш. (*Жазони енгилроғи билан алмаштириш асослари тўғрисида тўлиқроқ ЖКнинг 73-моддасига берилган шарҳда кўринг*)

4. Маҳкумнинг тузалаётганлик даражасини ифодаловчи хулқ-атвори ва шахснинг ижобий тарафга ўзгарганлиги тўғрисидаги масала кўриб чиқиляётган ҳолатда катта амалий аҳамият касб этади. Агар муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш учун шахснинг тўлиқ тузалганлиги ва унинг келажақдаги жазони ўташи мақсадга мувофиқ эмаслигини

белгилаш шарт бўлса, жазони енгилроғи билан алмаштириш учун маҳкумнинг тузалиш йўлига ўтганлигига озоликдан маҳрум қилиш ёки ахлоқ тузатиш ишларини ўташ шароитида эмас, балки бошқа енгилроқ жазо билан етарли таъсир этишни амалга ошириш мумкинлигини эътироф этиш керак.

5. Жазони енгилроғи билан алмаштириш институтини қўллашнинг асосий шарти маҳкум томонидан жазонинг маълум бир қисмини амалда ўталганлиги ҳисобланади.

**Шарҳланаётган модданинг учинчи қисмига** кўра, жазони енгилроғи билан алмаштириш маҳкум:

– ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жинояти учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида тўртдан бир қисмини;

– оғир жинояти учун, шунингдек қасдан содир этган жинояти учун, агар у илгари қасдан содир этган жинояти учун озоликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган бўлса, суд тайинлаган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини;

– ўта оғир жинояти учун, шунингдек жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ёки жазони енгилроғи билан алмаштириш қўлланилган ва жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасдан содир этган янги жинояти учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида ярмини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин қўлланилиши мумкин.

6. Келтирилган нормани таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, қонун чиқарувчи муддатидан илгари шартли равишда озод қилишдан фарқли равишда жазони ҳақиқатда ўтаганликнинг енгилроқ муддатини кўзда тутаяди. Суд томонидан тайинланган жазонинг ҳақиқатда ўтаганликнинг қуйи чегараси жазонинг тўртдан бир қисмини ташкил қилса, юқори чегараси суд томонидан тайинланган жазонинг камида ярмини ўташ етарлиликдан далолат беради. Тайинланган жазонинг ўталган муддатини аниқлашдаги бундай йўл жазони енгилроғи билан алмаштириш камроқ жазо ҳисобланишини белгиловчи ёки муддатидан илгари озод қилишга қараганда маҳкумнинг ҳолатини яхшиловчи ҳолат сифатида қаралмаслиги керак. Агар муддатидан илгари шартли равишда озод қилишда маҳкум жазони ўташдан бутунлай озод қилинса, жазодан озод

қилишнинг шарҳланаётган институтини қўллашда жазо тури олдингисига қараганда енгилроқ жазога алмаштирилади.

7. Жиноий жазонинг одиллик ва қонунийлик кафолати ўталган муддатларни тўғри ҳисоблаш ва озодликдан маҳрум қилиш ёки ахлоқ тузатиш ишларининг ўталмай қолган қисмини енгилроғи билан алмаштириш, олдинги ҳолати билан солиштирганда маҳкумнинг аҳволини ёмонлаштирмаслиги ҳисобланади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам енгилроқ жазонинг муддати қонун билан тегишли жазо тури учун ўрнатилган юқори чегарасидан, шунингдек шахс ўташдан озод қилинган қаттиқроқ жазонинг ўталмаган муддатидан ошиб кетмаслиги керак.

8. **Шарҳланаётган модданинг тўртинчи қисмига** кўра, озодликдан маҳрум қилиш ёки озодликни чеклаш тариқасидаги жазоларнинг ўталмаган қисми ахлоқ тузатиш ишлари билан алмаштирилганда ахлоқ тузатиш ишлари озодликдан маҳрум қилиш ёки озодликни чеклаш жазосининг ўталмаган қисми муддатига тайинланади. Бу шунингдек англатадики, масалан, озодликдан маҳрум қилиш ёки озодликни чеклаш жазосининг ўталмаган муддати ЖКнинг 46-моддаси 2-қисмида кўрсатилган (олти ойдан уч йилгача) ахлоқ тузатиш ишлари жазоси билан алмаштирилганда ахлоқ тузатиш ишларининг умумий муддати олти ойдан кам бўлиши ва уч йилдан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Озодликдан маҳрум қилиш ёки озодликни чеклаш жазосининг ўталмаган қисмини ахлоқ тузатиш ишларига алмаштиришда суд бу қоида билан боғлиқ эмас. Масалан, оғир жиноят содир этган шахсни олти йилга озодликдан маҳрум қилинганда ЖКнинг 74-моддаси 3-қисми «б» бандига кўра, тайинланган жазонинг икки йилини ўтагандан сўнг (олти йилнинг учдан бир қисми) ва бошқа керакли шартларга риоя қилган ҳолда ўталмаган муддат енгилроқ жазога алмаштирилиши, яъни тўрт йилга ахлоқ тузатиш ишларига жалб қилиниши мумкин (6–2=4).

Кўришиб турибдики, берилган вазиятда амалиётда қўлланиладиган ва қонун чиқарувчи томонидан қўлланиладиган бундай йўналиш ЖКнинг 54-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жазо тайинлаш қоидаларига тўғри келмайди, унга кўра суд Жиноят кодекси Махсус қисмининг жиноят содир этганлик



учун жавобгарлик назарда тутилган моддасида белгиланган доирада Умумий қисмининг қоидаларига мувофиқ жазо тайинлайди. Яъни, шу қоидага мувофиқ, конкрет жазо турини тайинлаш мобайнида суд ҳеч қанақа ҳолатда (жазо тайинлашда ҳам, жазодан озод қилишда ҳам) ЖКнинг Умумий қисмида кўрсатилган энг кам ва энг кўп чегараларидан чиқмаслиги керак.

9. Ахлоқ тузатиш ишлари муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки жаримага алмаштирилиши мумкин. Ахлоқ тузатиш ишларини муайян ҳуқуқдан маҳрум қилишга алмаштириганда, қандайдир ваколатга эга бўлган шахсга нисбатан қандай ҳуқуқдан маҳрум қилишнинг таъсирлироқ эканлигини назарда тутиш керак. Ахлоқ тузатиш ишлари келажакда маълум бир мансабни эгаллаш ёки қандайдир ваколатга эга бўлиш имконияти бор мансабдор ёки бошқа шахсларга тайинланганда жазонинг ўталмай қолган қисми доирасида муайян ҳуқуқдан маҳрум қилишга алмаштирилиши мумкин. Ахлоқ тузатиш ишлари жазосига нисбатан енгилроқ жазо тури муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ва жарима жазосидир. Лекин бу жазо тури алмаштирилганда жарима жазоси билангина алмаштирилиши мумкин. Бунда Жиноят кодексининг 44-моддаси учинчи қисмидаги қоидага мувофиқ, бир ойлик ахлоқ тузатиш ишлари жазоси базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн олти баробарига тенглаштириб ҳисобланади.

10. **Шарҳланаётган модданинги бешинчи қисмига** мувофиқ, жазонинг ўталмаган қисмини енгилроғи билан алмаштириш ЖКнинг 73-моддаси тўртинчи қисмида кўрсатилган шахсларга нисбатан қўлланилмайди. Шундай қилиб, жазонинг ўталмаган қисмини енгилроғи билан алмаштириш:

- умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган шахсга;
- ўта хавфли рецидивистга;
- уюшган гуруҳ ёки жинорий уюшманинги ташкилотчи ва қатнашувчиларига;
- Жиноят кодексининг 73-моддаси тўртинчи қисми «г» бандида назарда тутилган жиноятларни содир қилган шахсларга. *(Батафсил ЖКнинг 73-моддаси тўртинчи қисми шарҳига қаранг)*

11. **Шарҳланаётган модданинг олтинчи қисми** жазоси ушбу модда асосида энгилроғи билан алмаштирилган маҳкумни муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш имкониятларини назарда тутди.

Муддатидан олдин шартли озод қилиш шартлари ва асослари аввалгидай қолади. Шарҳланаётган модданинг олтинчи қисмига кўра, жазоси энгилроқ жазо билан алмаштирилган шахслар энгилроқ жазонинг тегишли қисмини ўтаб бўлганларидан кейин ЖКнинг 73-моддасида назарда тутилган қоидаларга биноан жазодан муддатидан илгари шартли озод қилинишлари мумкин. Агар суд маҳкумнинг ўзгариш йўлида эканлигига ва кейинчалик энгил жазо муддатини ўташ мобайнида тартибга риоя қилганлиги ва меҳнатга бўлган ўзгача муносабатига ишончи комил бўлса, суд алмаштирилган жазони ўташдан шартли озод қилиши мумкин. Шунга кўра, жазони муддати алмаштирилган энгилроқ жазо эмас, янгисидан бошлаб ҳисобланади.

12. Озодликдан маҳрум қилиш ёки озодликни чеклаш жазосининг ёки ахлоқ тузатиш ишлари тарикасидаги жазонинг ўталмаган қисмини энгилроқ жазога алмаштириш, бу – суднинг мажбурият эмас, балки ҳуқуқи. Озод қилиш сўзсиз ва яқунийдир, шу боис маҳкумнинг нотўғри хатти-ҳаракати унга халақит бермайди.

**Шарҳланаётган модданинг еттинчи қисмига** асосан, жазоси энгилроқ жазо билан алмаштирилган шахс жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этса, суд унга ЖКнинг 60-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ жазо тайинлайди.

13. Жазонинг ўталмай қолган қисмини энгилроғи билан алмаштириш тартиби муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш тартибига ўхшашдир. Жиноят кодексининг 74-моддасини қўллаш масаласи, суд томонидан жазони ижро этиш муассасаси жойлашган муассаса маъмурияти (озодликдан маҳрум қилиш бўйича) ёки жазони ижро этиш бўйича инспекцияси (ахлоқ тузатиш ишлари бўйича), шунингдек, вояга етмаган маҳкумларга нисбатан эса, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия тақдим этган тақдимномага, шунингдек,

махкумнинг, унинг химоячисининг илтимосномасига асосан қўриб чиқилади. Суд зарур бўлган асослар ва шартлар мавжудлигини белгилаб, озодликдан маҳрум қилиш ёки озодликни чеклаш жазосининг ва ахлоқ тузатиш ишларининг ўталмай қолган қисмини Жиноят кодексининг 43-моддасида белгиланган тегишли енгилроқ жазоларга: мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки жарима, ҳарбий хизматчиларга нисбатан интизомий қисмга жўнатиш ёки хизмат бўйича чеклаш каби жазо турларига алмаштириши мумкин. Озодликдан маҳрум қилиш, озодликни чеклаш жазосининг ёки ахлоқ тузатиш ишларининг ўталмаган қисмини бошқа жазо тури билан алмаштираётганда суд маҳкумнинг тузалиш йўлига ўтаётганлик даражасини ҳисобга олиши лозим<sup>1</sup>.

14. Жиноят кодексининг 80-моддаси иккинчи ва учинчи қисмлари моҳиятидан келиб чиқиб, озодликдан маҳрум қилиш ёки озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган қисми енгилроқ жазога алмаштирилган шахсга нисбатан судланганлик асосий ва қўшимча жазоларни ўташдан озод қилингандан кейин озодликдан маҳрум қилиш ёки озодликни чеклаш жазосининг ҳақиқатда ўтаб бўлинган муддатидан келиб чиқиб ҳисобланади. Ахлоқ тузатиш ишларининг ўталмай қолган қисми жарима жазоси билан алмаштирилган шахсга нисбатан судланганлик муддати жазони ҳақиқатда ўтаганлик ёки ижро этилганликдан келиб чиқиб ҳисобланади. (ЖКнинг 80-моддаси 2 ва 3-қисмларига берилган шарҳга қаранг)

---

#### **75-модда. Касаллик ёки меҳнат қобилиятини йўқотиш оқибатида жазодан озод қилиш**

Ҳукм чиқарилганидан кейин ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган тарзда

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси, 536-модда // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгагининг Ахборотномаси, 1995 й., 2-сон.

руҳий ҳолатининг бузилиши юзага келган шахс, шунингдек жазони ўташга тўсқинлик қиладиган бошқа оғир касалликка чалинган шахс жазони ўташдан озод қилиниши лозим.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахсларга нисбатан суд тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўллаши мумкин.

Бундай шахслар тузалганидан кейин, ушбу Кодекснинг 69-моддасида назарда тутилган ва суд томонидан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилган кундан бошлаб ҳисобланадиган муддатлар ўтиб кетмаган бўлса, жазо ижро этилади.

Интизомий қисмга жўнатиш ёхуд хизмат бўйича чеклаш жазосига ҳукм қилинган ҳарбий хизматчилар, уларнинг соғлиғи ҳарбий хизмат учун яроқсиз деб топилган бўлса, жазони ўташдан озод қилинадилар. Хизмат бўйича чеклаш жазосига ҳукм қилинган ҳарбий хизматчи аёллар уларга ҳомиладорлик ва туғиш таътили берилиши муносабати билан ҳам жазони ўташдан озод қилинадилар.

Мажбурий жамоат ишларига ёки ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахслар жазони ўташ вақтида меҳнатга яроқсиз бўлиб қолсалар ёхуд пенсия ёшига етган бўлсалар, шунингдек аёллар бу турдаги жазони ўтаётган вақтда ҳомиладорлик ва туғиш таътилига чиқсалар, жазони ўташдан озод қилинадилар.

---

## ШАРҲ

---

1. Жиноят содир этган шахсни жазодан озод қилиш асослари орасида шахснинг касаллиғи туфайли жазодан озод қилиш алоҳида ўрин эгаллайди.

Ўз қилмиши маъносини тушуниш, яъни жиноят содир этганини ва бу учун у жазоланишини англаши тузалишнинг ҳар жараёнида бўлиши керак. Руҳий ёки бошқа касаллик маҳкумнинг тузалишида ва содир этган қилмиши учун жавобгарликнинг муқаррарлигини тушунишида табиий тўсиқ ҳисобланади.

Бирок, амалиётда ҳукм чиқарилганидан кейин ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган тарзда руҳий ҳолатининг бузилиши юзага келган шахс, шунингдек жазони ўташга тўсқинлик қиладиган бошқа оғир касалликка чалинган шахс жазони ўташдан озод қилинади. Жисмоний, руҳий ҳолатларнинг бузилганлиги ҳолатларининг мавжудлиги руҳий ҳолати бузилган шахснинг ақлий фаолиятига таъсир этади. Руҳий ҳолати бузилганлиги билан боғлиқ бўлмаган оғир касаллик жиноят-ҳуқуқий таъсирни маълум даражада оғирлаштиради.

2. Шарҳланаётган модда касаллик ёки меҳнат қобилятини йўқотиши оқибатида жазодан озод қилиш асосларини назарда тутди. **Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмига мувофиқ**, ҳукм чиқарилганидан кейин ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган тарзда руҳий ҳолатининг бузилиши юзага келган шахс, шунингдек жазони ўташга тўсқинлик қиладиган бошқа оғир касалликка чалинган шахс жазони ўташдан озод қилиниши лозим.

Шарҳланаётган модданинг таҳлилидан жазони ўташдан озод қилишни қуйидаги шахсларга қўллаш мумкинлигини тасдиқлаш мумкин:

– ҳукм чиқарилганидан кейин ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган тарзда руҳий ҳолатининг бузилиши юзага келган шахсларга;

– жазони ўташга тўсқинлик қиладиган бошқача оғир касалликка чалинганларга.

3. Қонун чиқарувчи руҳий ҳолати бузилган шахс томонидан жазони ўташ имкониятини истисно қилганида ушбу шахсларда ўз хатти-ҳаракатларининг аҳамиятини англай олиш ва уларни бошқара олиш имконияти йўқлиги туррисидаги қондага таянган ҳолда инсонпарварлик ва одиллик принципларига риоя этади. Қонун мазмуни бўйича, жазо тайинлашни истисно қилувчи руҳий ҳолатнинг бузилиши маҳкумнинг ақли норасолик ҳолатини келтириб чиқариши керак.

4. Шунинг айтиб ўтиш керакки, **ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олиш ва бошқара олиш имкониятидан маҳрум қилувчи руҳий ҳолати бузилганларга**, асосан, узоқ давом этадиган, кучайиб ва оғирлашиб борадиган ва даволаш қийин бўладиган сурункали касалликлар киради. Барқарор бўлмаган, вақтинчалик, ўткинчи хусусиятга эга бўлган руҳий бузилишлар жазодан муддатидан илгари озод қилиш масаласини ҳал қилиш учун асос бўла олмайди. *(ЖКнинг 18-моддаси шарҳига қаранг)*

5. Афсуски, қонун чиқарувчи **жазони ўташга тўсқинлик қилувчи бошқа оғир касаллик** тушунчасини очиб бермаган. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида биринчи галда тузалиб бўлмайдиган ёки оғир касаллик шахс онгли фаолиятини бузиши билан боғлиқ бўлмаган, балки жисмоний кучсизликни келтирувчи, ривожланаётган характерли, маҳкум мажбуриятларини амалга оширишга тўсқинлик қилувчи ҳамда судланувчининг ҳаётига таҳдид қилувчи касалликлар назарда тутилган. Масалан, сил касаллигига ва нафас органлари системаси касалликларининг II—III даражаси, қандли диабет (инсулт миқдори кунига 60 бирликдан ортик), бош мия шиши, орттирилган ёки туғма юрак нуқсони (юрак ишемия, кардиомипатия касаллиги), гипертоник касаллигининг III босқичи, жазони охириги муддатини ўташ давридаги касалликлар ёки жароҳатлар оқибатидаги анотомик нуқсонлар, қўл-оёқларнинг юқори ёки пастки қисмини кесиб ташлаш, шунингдек, битта юқори ва битта қуйи қўл-оёқларни кесиш ва ҳ.к.

Бу касалликлар (жароҳатлар) инсон соғлиғи бузилишининг шундай босқичики, бунда касалга организмнинг ҳаёт фаолиятини нормал ушлаб туриш учун алоҳида парвариш ва даволаш зарур бўлади. Касалликнинг бошқача оғирлиги оқибатида жазодан озод қилиш масаласини ҳамма жазолар ҳолатидан эмас, балки ижро этиш мақсадга мувофиқ эмас, деб топилган касалликлар ҳолатидан келиб чиқиб кўриш керак. Масалан, бошқа оғир касаллик билан оғирган маҳкумни муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосидан озод қилиш жазонинг мақсадига доим ҳам мувофиқ келавермайди. Бундай

шахсларни даволашни жазони ўташ (ижро этиш) шароитида ташкил қилиш зарур.

6. Шарҳланаётган жазони ўташдан озод қилиш турини қўллашнинг асоси маҳкумда руҳий ёки бошқа оғир касалликларнинг мавжудлиги билан жазонинг мақсадларига эришиш мумкин эмаслигида ифодаланади. Бошқа оғир касалликка чалинган шахсни жазони ўташдан озод қилиш туғрисида гап кетганда қўшимча асос сифатида маҳкумга нисбатан жиноят-ҳуқуқий таъсир чорасини тулиқ амалга оширишга имкон бермайдиган оғир касаллик туфайли маҳкум шахсининг ижтимоий хавфлилигини йўқотганлиги ёки ижтимоий хавфлилиги камайганлиги, шунингдек, шахсининг ўзи бу хавфни йўқотганлиги ҳисобга олинади. Ҳамма ҳолларда содир этилган жиноятнинг оғирлигидан, судланганликнинг мавжудлигидан, жазо ҳажми, жазонинг ўталмай қолган қисмининг катталигидан ва бошқа ҳолатларидан қатъи назар, ушбу шахслар жазодан озод қилиниши керак.

7. Шахсининг руҳий бузилиш ёки бошқа оғир касалликка чалиниши билан боғлиқ тарзда жазодан озод қилиш бу суднинг ҳуқуқи эмас, балки мажбуриятидир ва содир этилган жиноятнинг оғирлиги, тайинланган жазонинг тури ва муддати, ўталмаган қисми миқдори, жазони ўташ мобайнидаги маҳкумнинг хулқи ва бошқа вазиятлардан қатъи назар, бажарилади. У жазони ўташ мобайнида ҳам, ижро этиш жараёнида ҳам ўз ўрнига эга. Шахсининг руҳий ҳолати бузилишига ёки жазони ўташга тўсқинлик қиладиган бошқача оғир касалликка чалинганлигини тиббий комиссия аниқлайди ва бу комиссиянинг хулосаси шахсни жазодан озод қилишга асос бўлади. Шахсни руҳий ҳолати бузилишига ёки жазони ўташга тўсқинлик қиладиган бошқача оғир касалликка чалинганлиги туфайли жазони ўташдан озод қилиш билан боғлиқ масалани жазони ижро қилувчи махсус орган киритган тақдимномага кўра ҳал қилади.

8. Қонунда белгиланишига кўра, шарҳланаётган модданиннг биринчи қисмида санаб ўтилган шахсларга нисбатан суд тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаши мумкинлиги

кўрсатилган, шунингдек, ушбу чораларни қўллаш имконияти бўлмаганда касалликка чалинган шахсни соғлиқни сақлаш органларига топширади. Масалан, шахснинг ОИВ касаллиги/ОИТС ёки тери-таносил касалликлари билан касалланиши.

**Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисми** тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашни назарда тутати. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари Жиноят кодексининг 92-моддасига кўра, рухий ҳолати бузилганларга ёки алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка йўлиққан шахсларга нисбатан қўлланилиши мумкин ва шунга кўра бошқа оғир касаллик билан касалланган шахсларга нисбатан қўлланилмайди. (*ЖКнинг 92-моддаси шарҳига қаранг*)

9. *Касаллик ёки меҳнат қобилиятини йўқотиш оқибатида жазодан озод қилиш шартли ҳисобланади.* **Шарҳланаётган модданинг учинчи қисмига** мувофиқ, касаллик ёки меҳнат қобилиятини йўқотганлиги оқибатида жазодан озод қилинган шахслар тузалганидан кейин Жиноят кодексининг 69-моддасида назарда тутилган ва суд томонидан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилган кундан бошлаб ҳисобланадиган муддатлар ўтиб кетмаган бўлса, жазо ижро этилади (*ЖКнинг 69-моддаси шарҳига қаранг*). Қонун чиқарувчи «жазо ижро этилади» жумласини қўллаб, кўрсатилган шахслар тоифасига нисбатан жазони ижро этиш ёки ундан озод қилиш масаласини ҳал қилишни суд ихтиёрига қолдиради.

10. **Шарҳланаётган модданинг 4-қисмига** асосан, интизомий қисмга жўнатиш ёхуд хизмат бўйича чеклаш жазосига ҳукм қилинган ҳарбий хизматчилар, уларнинг соғлиғи ҳарбий хизмат учун яроксиз деб топилган бўлса, жазони ўташдан озод қилинадилар.

Ҳарбий хизматчиларни жазони ўташдан озод қилишнинг асоси, ҳарбий хизмат қилиш (хизмат бўйича чеклашда) ёки интизомий қисмнинг ихтисослаштирилган шароитларда ҳарбий мажбуриятни бажариш билан боғлиқ жазони ижро этишнинг имкони бўлмаганлиги ҳисобланади. Уларни ижро этиш мумкин эмаслиги ҳарбий хизматчининг бутунлай ҳарбий



хизматга яроқсиз, деб тан олиншига сабаб бўлувчи жиддий касаллик билан характерланади.

**11. Шарҳланаётган модданинг тўртинчи қисмига** мувофик, хизмат бўйича чеклаш жазосига ҳукм қилинган ҳарбий хизматчи аёллар уларга ҳомиладорлик ва туғиш таътили берилиши муносабати билан ҳам жазони ўташдан озод қилинадилар. Ҳомиладорлик ва туғиш учун таътил бериш тартиби ва муддатлари Ўзбекистон Республикасининг меҳнат тўғрисидаги қонунчилиги билан тартибга солинади.

**12. Ҳарбий хизматчиларни келажакдаги жазони ўташдан** озод қилишнинг бу тури мажбурий ҳисобланади, шунингдек, бу суднинг мажбуриятини ташкил этади ва унинг қарашларига боғлиқ бўлмаган ҳолда аниқ, қатъий бўлганлиги сабабли бирон-бир асосга қўра бекор қилиниши мумкин эмас.

**13. Шарҳланаётган модданинг бешинчи қисмига** мувофик:

– Мажбурий жамоат ишлари ва ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахслар жазони ўташ вақтида меҳнатга яроқсиз бўлиб қолсалар ёхуд пенсия ёшига етган бўлсалар;

– аёллар шундай жазони ўтаётган вақтда ҳомиладорлик ва туғиш таътилига чиқсалар, жазони ўташдан озод қилинадилар.

Жазони ўташдан озод қилишнинг ушбу асоси Жиноят кодексининг 46-моддаси 3-қисмининг қоидаларидан ҳам келиб чиқади. *(Жиноят кодексининг 46-моддаси шарҳига қаранг)*

### **76-модда. Амнистия акти ёки афв этиш асосида жазодан озод қилиш**

Ҳукм этилган шахс амнистия акти ёки афв этиш асосида асосий ва ижро этилмаган қўшимча жазолардан озод қилиниши ёхуд жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиниши ёки унга тайинланган жазонинг ўталмай қолган қисми енгилроқ жазо билан алмаштирилиши мумкин.

Агар амнистия акти ёки афв этиш асосида жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ёхуд жазони енгилроғи билан алмаштириш қўлланилган шахс жазонинг ўталмай қолган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этса, суд унга ушбу Кодекснинг 60-моддасида назарда тутилган қоидалар бўйича жазо тайинлайди.

Афв этиш тўғрисидаги илтимоснома умрбод озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган шахс томонидан у тайинланган жазонинг йигирма беш йилини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин, агар жазони ўташ даврида маҳкум қатъий тузалиш йўлига ўтган, белгиланган тартибни бузганлик учун интизомий жазо олмаган, меҳнат ва ўқишга нисбатан виждонан муносабатда бўлаётган, тарбиявий тадбирлар ўтказишда фаол иштирок этаётган тақдирда эса, тайинланган жазонинг йигирма йилини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин берилиши мумкин.

Афв этиш тўғрисидаги илтимоснома узок муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган шахс томонидан у тайинланган жазо муддатининг йигирма йилини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин, агар жазони ўташ даврида маҳкум қатъий тузалиш йўлига ўтган, белгиланган тартибни бузганлик учун интизомий жазо олмаган, меҳнат ва ўқишга нисбатан виждонан муносабатда бўлаётган, тарбиявий тадбирлар ўтказишда фаол иштирок этаётган тақдирда эса, тайинланган жазонинг ўн беш йилини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин берилиши мумкин.

---

## ШАРҲ

---

1. Давлат инсонпарварлигининг кўриниши ҳисобланувчи **амнистия ва афв этиш** суд ҳукмининг қонунийлиги ва асослилигини шубҳа остига қўймасдан, жиноят содир этган шахслар аҳволини енгиллаштиради. *(Амнистия тушунчаси, шунингдек, уни қўллаш хусусиятлари тўғрисида ЖКнинг 68-моддаси шарҳига қаранг)*

Амнистия акти, одатда, жинойий жавобгарликдан ва жазодан озод қилишни ўзида мужассамлаштиради. Одатда, айбдорлар жинойий жавобгарлик ёки жазодан озод қилиниши

керак бўлган жиноятлар айрим доираси ҳам мос келади. Бунда, мазкур ҳужжатни қўллашнинг процессуал хусусиятларида фаркни кўриш мумкин. Шу аснода, амнистия асосида жазодан (тўлиқ ёки унинг бир қисмидан) озод қилиш айблов ҳукмини чиқариш пайтида ҳам, жазони ўташ даврида ҳам амалга оширилиши мумкин. Агарда шахс содир этган жинояти учун ҳукм чиқарилмаган бўлса, жавобгарликдан озод қилинади.

**Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмига** мувофиқ, ҳукм этилган шахс амнистия акти ёки афв этиш асосида асосий ва ижро этилмаган қўшимча жазолардан озод қилиниши ёхуд жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиниши ёки унга тайинланган жазонинг ўталмай қолган қисми енгилроқ жазо билан алмаштирилиши мумкин.

2. Олий суд Пленуми ўзининг раҳбарий кўрсатмаларида белгилайдики, биринчи, апелляция ёки кассация инстанцияси суди томонидан амнистия актининг жазо муддатини қисқартиришни назарда тутувчи бандини қўллаш чоғида жазонинг амнистия акти чиққан кунга қадар амалда ўталган муддати чегириб ташлангандан сўнг қолган қисми қисқартирилади.

Шартли ҳукм қилинганда амнистия актига асосан жазо муддати қисқартирилиб, сўнгра ЖКнинг 72-моддаси қўлланилади.

Бир неча амнистия акти қўлланилган ҳолларда илгариги амнистия акти қўлланилгандан кейин қолган ва кейинги амнистия акти чиққан кунга қадар ўталмаган жазо муддати қисқартирилади<sup>1</sup>.

3. Амнистия муносабати билан жазодан ёки унинг бир қисмидан озод қилиш шартсиз ҳисобланади.

Амнистия актига мувофиқ судланганлик ҳам олиб ташланиши мумкин.

4. **Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми** диспозициясини тузишда қонун чиқарувчи амнистия акти асосида жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш ва

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги «Судлар томонидан амнистия актларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги 16-сонли қарори, 23-банд.

жазонинг ўталмаган қисмини енгилроғи билан алмаштириш имкониятини ҳам назарда тутган. Бундай имконият олдин қабул қилинган айрим амнистия актларида назарда тутилган. Бунда, ушбу актларда фақат маҳкумга нисбатан амнистия акти чиққан кунга қадар қонунга мувофиқ муддатидан илгари шартли озод қилиш ёки тайинланган жазони енгилроғи билан алмаштиришни қўллаш мумкин бўлган ҳоллардагина у озодликдан маҳрум қилиш жойларидан озод қилиниши мумкинлиги назарда тутилган. Хусусан, иккита амнистия актлари маҳкумларни жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилишни, шунингдек, қаттиқроқ жазони енгилроғи билан алмаштиришни назарда тутган<sup>1</sup>.

Қолган амнистия актларида бундай қоида кўрсатилмаган эди, чунки муддатидан илгари шартли озод қилиш ва жазони алмаштириш масалалари амнистия актларида кўрсатилмаган ҳолда жиноят қонуни қоидаларига мувофиқ (Жиноят кодексининг 73, 74-моддалари) ҳал қилиниши лозим.

5. Афв этиш маҳкумни жазодан тўлиқ ёки қисман озод этадиган ёки суд томонидан тайинланган жазони бошқа енгилроқ жазо билан алмаштирадиган ёхуд судланганликни олиб ташлайдиган инсонпарварлик акти ҳисобланади.

Афв этиш муайян маҳкумга нисбатан индивидуал тартибда амалга оширилади ҳамда уни оқлайдиган ва у томонидан жиноят содир этганлик фактини бартараф қиладиган ҳолат ҳисобланмайди.

Афв этиш Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони қабул қилиш орқали амалга оширилади<sup>2</sup>.

**Афв этиш қўлланиладиган шахслар доирасига кўра**, шунингдек, ўзининг характери, юридик табиатига кўра амнистиядан фарқланади. Афв этиш фақатгина жазодан

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 30 апрелдаги «9 майни Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилиниши муносабати билан амнистия тўғрисида»ги ПФ-2287-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 4-сон, 98-модда.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 майдаги ПФ-5439-сонли Фармони билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида афв этишни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Фармони.



озод қилишнинг асоси бўлиб, асосий ва ижро этилмаган қўшимча жазолардан озод қилиш, жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш, умрбод озодликдан маҳрум қилишни узок муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштириш шаклида амалга оширилиши мумкин<sup>1</sup>. Амнистия актига асосан эса, шахс жазодан ҳам, жиноий жавобгарликдан ҳам озод қилиниши мумкин.

6. Афв этиш ҳар қандай шахсга нисбатан, шу жумладан, ўта оғир жиноят содир этган ва умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган шахсга ҳам қўлланилиши мумкин, амнистия акти эса, одатда, бундай шахсларга ва жиноятларга татбиқ этилмайди<sup>2</sup>.

Агар амнистия гумон қилинувчи, айбланувчи ва ҳукм қилинган шахсларнинг тегишли тоифаларига нисбатан умумий кечириш акти бўлса, афв этиш аниқ бир ҳукм қилинган шахсни кечириш акти ҳисобланади. Агар амнистия давлат ташаббуси билан чиқарилса, афв этишда афв этиш тўғрисидаги илтимоснома билан, қоида тариқасида, маҳкумнинг ўзи Ўзбекистон Республикаси Президенти номига ёзма шаклда мурожаат қилади.

**7. Шарҳланаётган модданинг учинчи қисмига** қўра, афв этиш тўғрисидаги илтимоснома умрбод озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган шахс томонидан у тайинланган жазонинг йигирма беш йилини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин, агар жазони ўташ даврида маҳкум қатъий тузалиш йўлига ўтган, белгиланган тартибни бузганлик учун интизомий жазо олмаган, меҳнат ва ўқишга нисбатан виждонан муносабатда бўлаётган, тарбиявий тадбирлар ўтказишда фаол иштирок этаётган тақдирда эса, тайинланган

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 майдаги ПФ-5439-сонли Фармони билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида афв этишни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Фармони. 22-банд.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2010 йил 28 августдаги «Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг уя тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисидаги 82-II-сонли қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 34-сон, 288-модда.

жазонинг йигирма йилини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин берилиши мумкин.

**Шарҳланаётган модданинг тўртинчи қисмига** асосан эса, афв этиш тўғрисидаги илтимоснома узок муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган шахс томонидан у тайинланган жазо муддатининг йигирма йилини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин, агар жазони ўташ даврида маҳкум қатъий тузалиш йўлига ўтган, белгиланган тартибни бузганлик учун интизомий жазо олмаган, меҳнат ва ўқишга нисбатан виждонан муносабатда бўлаётган, тарбиявий тадбирлар ўтказишда фаол иштирок этаётган тақдирда эса, тайинланган жазонинг ўн беш йилини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин берилиши мумкин.

Бунда суд томонидан тайинланган жазонинг амалда ўталган қисмини ҳақиқатда ўталган жазо, деб ҳисоблаш керак.

8. Афв этиш тўғрисидаги илтимоснома дастлаб Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Афв этиш масалалари бўйича комиссия томонидан кўриб чиқилади. Афв этиш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқишда Комиссия томонидан қуйидагилар инобатга олинади:

– содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги характери ва даражаси;

– жазони ўташ ёки ижро этиш давридаги маҳкумнинг хулқ-атвори (тузалиши);

– ўталган (ижро қилинган) жазонинг муддати (миқдори);

– амнистия, афв этиш акти ёки жазодан муддатидан илгари шартли озод қилишнинг маҳкумга нисбатан олдин қўлланилганлиги;

– жиноят туфайли келтирилган зарарнинг бартараф қилинганлиги;

– маҳкумнинг шахси, соғлиғининг ҳолати, судланганлиги, оилавий аҳволи, ёши;

– бошқа ҳолатлар, агарда Афв этиш масалалари бўйича комиссия уларни илтимосномани кўриб чиқиш учун муҳим, деб эътироф этса.

Афв этиш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш натижалари ижобий бўлса, Афв этиш масалалари бўйича

комиссия Ўзбекистон Республикаси Президентига таклиф киритади<sup>1</sup>.

9. Афв этиш тўғрисидаги илтимосноманинг қаноатлан-тирилишини рад этиш мазкур илтимоснома билан такроран мурожаат қилиш имкониятини истисно қилмайди. Бунда оғир ва ўта оғир жиноятлар учун ҳукм қилинган шахсларни афв этиш тўғрисидаги такрорий илтимосномалар олдинги илтимосномалар рад этилган кундан бошлаб бир йил ўтганидан кейин, бошқа жиноятлар учун ҳукм қилинган шахсларни афв этиш тўғрисидаги такрорий илтимосномалар эса, олдинги илтимосномалар рад этилган кундан бошлаб олти ой ўтганидан кейин кўриб чиқиши мумкин<sup>2</sup>.

10. **Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисми** амнистия ёки афв этиш қўлланилганидан сўнг янги жиноят содир этганда жазони ҳисоблаш қондасини кўрсатади. Мазкур қоидага мувофиқ, агар амнистия акти ёки афв этиш асосида жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ёхуд жазони енгилроғи билан алмаштириш қўлланилган шахс жазонинг ўталмай қолган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этса, суд унга ушбу Кодекснинг 60-моддасида назарда тутилган қоидалар бўйича жазо тайинлайди.

Яъни, содир этилган янги жиноят учун узил-кесил жазо янги жинояти учун тайинланган жазога муддатидан илгари шартли озод қилинган жазонинг ўталмаган қисмини ёки алмаштирилган енгилроқ жазонинг ўталмаган қисмини кўшиш орқали бир неча ҳукмлар бўйича тайинланади. *(Батафсил ЖКнинг 60, 73, 74-моддалари шарҳига қаранг)*



<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасида афв этишни амалга ошириш тартиби тўғрисида низом (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 майдаги ПФ-5439-сонли Фармонига илова). 33-банд. 4-қисм// Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.05.2018 й., 06/18/5439/1185-сон.

<sup>2</sup> Ўша мавза, 34-банд.

#### XIV боб. СУДЛАНГАНЛИК

##### 77-модда. Судланганликнинг ҳуқуқий аҳамияти

Судланганлик шахснинг содир этган жинояти учун ҳукм этилганлигидан келиб чиқадиган ҳуқуқий ҳолатдир.

Жазо тайинланган айблов ҳукми қонуний кучга кирган кундан бошлаб шахс судланган деб ҳисобланади. Суд томонидан жазодан озод қилинган шахс судланмаган деб ҳисобланади.

Судланганлик ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда ва шахс янги жиноят содир этгандагина ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлади.

Судланганлик муддатининг ўтиб кетганлиги ёки судланганликнинг олиб ташланиши муносабати билан унинг барча ҳуқуқий оқибатлари бекор бўлади.

Жазони ўтаган, аммо қонуннинг ўзгариши билан бундай қилмиш жиноят деб ҳисобланмайдиган тақдирда, шунингдек содир қилинган жиноят учун тайинланган жазони ўтаб бўлиниши билан судланганлик тугалланиши белгиланган бўлса, шахс судланмаган деб ҳисобланади.

---

### Ш А Р Ҳ

---

1. **Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми судланганлик** тушунчасини очиб бериб, белгилайдики, судланганлик шахснинг содир этган жинояти учун ҳукм этилганлигидан келиб чиқадиган ҳуқуқий ҳолатдир. Шундай қилиб, қонун судланганликни фақат шахснинг содир этган жинояти учун ҳукм қилиниш факти билан боғлайди.

2. **Шахс ЖКнинг Махсус қисми моддасида** назарда тутилган жиноят таркибининг барча белгилари мавжуд бўлган ижтимоий хавfli қилмишни содир этганликда айбдор, деб топилиб, айблов ҳукми эълон қилингандан сўнг судланган, деб ҳисобланади. Аммо ҳукм қилинишнинг ҳар қандай факти ҳам судланганликни келтириб чиқармайди.

Ҳукм қилиш айбдорга жазо тайинлашда ҳам, қонунда мавжуд бўлган асосларга кўра жазодан озод қилишда ҳам



мавжуд бўлиши мумкин. Судланганликнинг келиб чиқиши эса, жазонинг муайян тури ва миқдорини тайинлаган ҳолда айблов ҳукмини чиқариш билан боғлиқ. Мазкур қонда шарҳланаётган модданинг 2-қисмида белгиланган бўлиб, унга кўра, жазо тайинланган айблов ҳукми қонуний кучга кирган кундан бошлаб шахс судланган, деб ҳисобланади. Суд томонидан жазодан озод қилинган шахс судланмаган, деб ҳисобланади.

3. Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ, ҳукм унинг устидан апелляция шикоятни бериш ва протест билдириш муддати ўтиши билан қонуний кучга киради. Апелляция шикоятни берилган ёки протест билдирилган тақдирда ҳукм, агар у бекор қилинмаган бўлса, ишни юқори суд кўриб чиққан кун қонуний кучга киради. Маҳкумлар икки ва ундан ортиқ бўлган тақдирда, башарти шулардан лоақал бирига нисбатан ҳукм устидан шикоят берилган ёки протест билдирилган бўлса, юқори суд ишни кўриб чиққунига қадар маҳкумларнинг ҳаммасига нисбатан ҳукм қонуний кучга кирмай туради<sup>1</sup>.

Шундай қилиб, шахс фақат жазони ўтаб бўлганидан кейингина эмас, балки уни ижро этиш давомида ҳам судланган ҳисобланади ва бу суд томонидан инobatга олинishi лозим. Бунда, шахсга нисбатан дастлабки тергов вақтида ҳам, ҳукм эълон қилинганидан кейин ҳам шахсга нисбатан танланган эҳтиёт чорасининг аҳамияти йўқ – ушбу вақт давомида шахс судланган, деб топилиши мумкин эмас.

4. Шахсни жазодан озод қилиш, ҳатто жазо ўрнига унга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси ёхуд, агарда маҳкум вояга етмаган бўлса, тарбиявий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилган ҳолларда ҳам унинг судланганлигини келтириб чиқармайди. (ЖКнинг 87, 88-моддалари).

**5. Шарҳланаётган модданинг учинчи қисми** белгилайдики, судланганлик ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда ва шахс янги жиноят содир этгандагина ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлади.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси, 528-модда 1, 2-қисмлари // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 2-сон.

Шахснинг судланганлиги ҳам умумҳуқуқий, ҳам жиноят-ҳуқуқий аҳамиятга эга.

Жиноят содир этганликда ҳукм қилинган шахс ҳуқуқий ҳолатининг умумҳуқуқий аҳамияти унинг Ўзбекистон Республикаси жиноят тўғрисидаги қонунчилигини ташкил этмайдиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамланганлиги ва улар жиноят-ҳуқуқий маънода аҳамиятга эга эмаслиги билан тавсифланади. Хусусан, судланганликнинг умумҳуқуқий аҳамияти шахснинг судланганлиги унинг расмий органларга тугатилмаган ёки олиб ташланмаган судланганлик мавжудлиги тўғрисида маълум қилиш мажбуриятида, маълум бир мансабни эгаллаш ёки айрим фаолият билан шуғулланишдаги чекловларда намоён бўлади (масалан, адвокатлик фаолиятини амалга оширишни чеклаш<sup>1</sup>).

6. Шу билан бирга, **шарҳланаётган модданинг учинчи қисмида** судланганликнинг фақат **жиноят-ҳуқуқий аҳамияти** кўзда тутилиб, у қуйидагилардан иборат:

– шахсда судланганлик ҳолатининг мавжудлиги хавфли ва ўта хавфли рецидивист, деб топилишига таъсир этади (ЖКнинг 34-моддаси);

– судланганлик шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилишга тўсқинлик қилади. Хусусан, айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги муносабати билан (ЖКнинг 66-моддаси), ярашилганлиги муносабати билан (ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддаси) ёки вояга етмаган шахс томонидан жиноят содир этилганда мажбурлов чораларини қўллаган ҳолда (ЖКнинг 87-моддаси) жиноий жавобгарликдан озод қилиш судланган шахсга нисбатан қўлланилишига йўл қўйилмайди, чунки барча кўрсатилган ҳолатларда жиноят шахс томонидан биринчи марта содир этилган бўлиши шарт;

– судланганлик қилмишни квалификация қилишга таъсир кўрсатади (ЖКнинг 140-моддаси 3-қисми «б» банди);

– илгари ҳам қасддан жиноят содир этган шахснинг такроран ёки қасддан янги жиноят содир этиши (рецидив)

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрдаги «Адвокатура тўғрисида»ги 349–I-сонли Қонуни, 3-модда 2-қисми // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 2-сон, 48-модда.

жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида эътироф этилади (ЖКнинг 56-моддаси 1-қисми «н» банди);

– шахсда судланганлик ҳолати мавжуд бўлиши уни жазодан озод қилишга таъсир қилади. Хусусан, судланган шахсга нисбатан ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш қўлланилмайди (ЖКнинг 71-моддаси 1-қисми), шунингдек, шартли ҳукм қилишнинг (ЖКнинг 72-моддаси 7-қисми), жазодан муддатидан илгари шартли озод қилишнинг (ЖКнинг 73-моддаси), жазони енгилроғи билан алмаштиришнинг (ЖКнинг 74-моддаси) каттиқроқ талаблари ўрнатилган. Худди шундай, мазкур чекловлар вояга етмаган шахсларга ҳам татбиқ этилади (ЖКнинг 89, 90-моддалари);

– судланганлик озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашда жазони ижро этиш муассасаси турини аниқлашга таъсир қилади (ЖКнинг 50-моддаси).

7. Судланганликнинг жиноят-ҳуқуқий аҳамияти шахс янги жиноят содир этгандагина вужудга келади. Бошқача айтганда, шахснинг судланганлиги суд томонидан, у судланган, деб топилган даврда, яъни ҳукм қонуний кучга кирган вақтдан унинг тугатилиши ёки олиб ташлангунгача бўлган даврдан кейин жиноят содир этган ҳолларда ҳисобга олинади.

**8. Шарҳланаётган модданинг тўртинчи қисмига** асосан судланганлик муддатининг ўтиб кетганлиги ёки судланганликнинг олиб ташланиши муносабати билан унинг барча ҳуқуқий оқибатлари бекор бўлади. *(Судланганлик муддатининг ўтиб кетганлиги ёки судланганликнинг олиб ташланиши батафсил ЖКнинг 78 ва 79-моддаларига берилган шарҳда ёритилган)*

Судланганлик ҳолати бекор бўлиши билан унинг барча жиноят-ҳуқуқий оқибатлари, шунингдек, умумҳуқуқий тусдаги аксарият оқибатлар бекор бўлади. Судланганлик ҳолати бекор бўлган тақдирда, шахс томонидан олдин жиноят содир этилиши факти, агарда ушбу жиноят бўйича судланганлик тугалланган ёки олиб ташланган бўлса, янги жиноят содир этишда қилмишни квалификация қилиш учун, жазони оғирлаштирувчи ҳолат борлигини ёки

жиноятларнинг рецидиви мавжудлигини қайд этиш учун ҳеч қанақа аҳамиятга эга эмас.

9. **Шарҳланаётган модданинг бешинчи қисмига** қўра, жазони ўтаган, аммо қонуннинг ўзгариши билан бундай қилмиш жиноят деб ҳисобланмайдиган тақдирда, шунингдек содир қилинган жиноят учун тайинланган жазонинг ўтаб бўлиниши билан судланганлик ҳолатининг тугалланиши белгиланган бўлса, шахс судланмаган деб ҳисобланади.

---

**78-модда. Судланганлик ҳолатининг тугалланиши**

Шахснинг судланганлик ҳолати кўйдаги пайтларда тугалланади:

а) шартли ҳукм қилинганларга нисбатан – синов муддати тугаган кундан бошлаб;

б) мажбурий жамоат ишлари, хизмат бўйича чеклаш ёки интизомий қисмга жўнатиш тарзидаги жазоларини ўтаб чиққач;

в) жарима жазоси ижро этилган кундан кейин, шунингдек муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазолари ўталганидан кейин бир йил ўтгач;

г) озодликни чеклаш жазоси ўталганидан кейин – икки йил ўтгач;

д) беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўталганидан кейин – тўрт йил ўтгач;

е) беш йилдан ортиқ, лекин ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўталганидан кейин – етти йил ўтгач;

ж) ўн йилдан ортиқ, лекин ўн беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўталганидан кейин – ўн йил ўтгач.

---

**Ш А Р Ҳ**

---

1. **Судланганлик ҳолатининг тугалланиши** деганда, муайян муддатларнинг ўтиши билан мазкур масалага оид

суднинг махсус қарори қабул қилинмасдан унинг автоматик тарзда бекор бўлиши тушунилади. Судланганлик ҳолатининг бекор бўлишини тасдиқлаш учун қандайдир махсус ҳужжатлар талаб қилинмайди.

2. Ушбу модда қоидаларига мувофиқ, судланганликнинг тугатилиши судланганлик ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган тегишли муддатларнинг ўтишига боғлиқ бўлади. Ушбу муддатларнинг давомийлиги тайинланган жазо, унинг тури, ҳажми ва шартли ёки шартли эмаслигига боғлиқ бўлади.

3. Шарҳланаётган модда қоидаларидан келиб чиқиб, судланганлик ё асосий ва қўшимча жазолар ўталганидан кейин қонунда белгиланган муддат ўтганидан сўнг, ё шартли ҳукм қилишда синов муддати ўтганидан сўнг тугалланади. Бунда, агар шартли ҳукм қилинган шахс қўшимча жазони ўташдан озод қилинмаган бўлса ва ушбу жазонинг муддати тайинланган синов муддатидан ошса, судланганлик ушбу қўшимча жазо ўталганидан сўнггина тугалланган, деб эътироф этилади.

4. Шуни назарда тутиш керакки, судланганлик муддатининг тугабини ҳисоблашда судланган шахснинг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ижро этилмаган муддат ҳамда ижронинг тўхтаганлик муддати ҳам ҳисобга олинади. Бундай ҳолда суд айблов ҳукмининг ижро этиш муддатига ҳам эътибор бериши керак, чунки ушбу муддатнинг ўтиши, жазо амалда ижро қилинмаганлиги боис, шахснинг судланган, деб эътироф этилишини истисно қилади (ЖКнинг 69-моддаси).

5. Ўн беш йил ва ундан ортик муддатга ҳукм қилинган шахс озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб чиққанидан сўнг, шунингдек, ўта хавfli рецидивист, деб топилган шахсларга нисбатан судланганлик ҳолати тугалланмайди. Уларга нисбатан судланганлик муддати Жиноят кодекси 79-моддаси иккинчи қисмига кўра олиб ташланиши мумкин.

---

### **79-модда. Судланганликнинг олиб ташланиши**

Агар шахс озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб бўлганидан кейин унга нисбатан маъмурий жазо ёки

интизомий таъсир чоралари қўлланилмаган бўлса, жамоат бирлашмаси, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи, жамоа ёки жазони ўтаб чиққан шахснинг ўзи берган илтимосномасига кўра суд ушбу Кодекснинг 78-моддасида назарда тутилган муддатларнинг камида ярми ўтганидан кейин унинг судланганлигини олиб ташлаши мумкин.

Ушбу Кодекснинг 178 – 184, 185 – 185<sup>2</sup>, 189 – 192-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этганлик учун ҳукм қилинган шахсларнинг судланганлиги улар давлатга жуда кўп зарар етказмаганда, ушбу Кодекснинг 78-моддасида назарда тутилган муддатларнинг камида тўртдан бир қисми ўтганидан кейин суд томонидан олиб ташланиши мумкин.

Ўн беш йил ва ундан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб чиққан шахслар ҳамда ўта хавфли рецидивистлар, агар улар жазони ўтаб чиққанидан кейин ўн беш йил мобайнида янги жиноят содир этмасалар, суд уларнинг судланганлигини олиб ташлаши мумкин.

Ушбу Кодекснинг 13-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда ҳам судланганлик олиб ташланиши мумкин.

Судланганлик афв этиш ёки амнистия акти асосида ҳам олиб ташланиши мумкин.

---

## Ш А Р Ҳ

---

1. Судланганликнинг олиб ташланиши бу унинг муддатидан илгари, яъни қонунда кўрсатилган судланганликнинг тугалланиши муддати ўтмасдан бекор қилинишидир. Амалдаги жиноят қонунчилигига мувофиқ, судланганликнинг олиб ташланиши суд томонидан унинг ажрими асосида ёхуд тегишли афв этиш ёки амнистия акти асосида амалга оширилади. Бунда шуни инобатга олиш керакки, фақат озодликдан маҳрум қилинган шахсларга нисбатан судланганлик олиб ташланиши мумкин, Жиноят кодексининг 13-моддаси иккинчи қисмида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

2. **Ушбу модданинг биринчи қисми** ўн беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилинган шахсларга нисбатан

судланганликнинг муддатидан илгари тугатилиши масаласини хал этиб. белгилайдики, агар шахс озодликдан махрум қилиш жазосини ўтаб бўлганидан кейин унга нисбатан маъмурий жазо ёки интизомий таъсир чоралари қўлланилмаган бўлса, жамоат бирлашмаси, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, жамоа ёки жазони ўтаб чиққан шахснинг ўзи берган илтимосномасига кўра суд ушбу Кодекснинг 78-моддасида назарда тутилган муддатларнинг камида ярми ўтганидан кейин унинг судланганлигини олиб ташлаши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, кўрсатилган чораларни қўллаш асоси аҳамиятсиздир, улар мавжудлигининг ўзи судланганликни олиб ташлашга тўсқинлик қилади. Шу билан бирга, мазкур чораларни тайинлашда суд улар ўтгандан кейин шахсга маъмурий жазо ёки таъсир чоралари қўланилган, деб ҳисобланмайдиган муддатлардан келиб чиқиши керак.

Шуни эътиборда тутиш керакки, судланганликнинг муддатидан илгари тугатилиши фақат ЖКнинг 78-моддасида кўрсатилган муддатнинг камида ярми ўталгандан сўнг қўлланилиши мумкин. Қонуннинг мазкур талаби императив характерга эга ва у сўзсиз бажарилиши керак.

3. Судланганликни олиб ташлаш тўғрисидаги масала судья томонидан жазони ўтаб бўлган шахснинг, унинг ҳимоячиси ёки конуний вакилининг ёхуд жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг илтимосномасига асосан кўриб чиқилади. Судланганликни олиб ташлаш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқишда илтимоснома ким ҳақида берилган бўлса, шу шахснинг ўзи суд мажлисида қатнашиши шарт. У ҳимоячи олиш ҳуқуқи билан таъминланади. Судланганликни олиб ташлаш тўғрисидаги илтимоснома жамоат бирлашмаси ёки жамоа томонидан берилган бўлса, уларнинг вакиллари суд мажлисида иштирок этиши шарт.

Судланганликни олиб ташлаш рад этилса, судьяга бу масалага доир қайта илтимоснома ажрим чиққан кундан бошлаб камида бир йил ўтганидан кейин киритилиши мумкин<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси, 544-модда 1, 2 ва 4-қисмлари // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 2-сон.

4. **Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмига** кўра, ЖКнинг 178–184, 185–185<sup>2</sup>, 189–192-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этганлик учун ҳукм қилинган шахсларнинг судланганлиги улар давлатга жуда кўп зарар етказмаганда, ЖКнинг 78-моддасида назарда тутилган муддатларнинг камида тўртдан бир қисми ўтганидан кейин суд томонидан олиб ташланиши мумкин.

5. **Шарҳланаётган модданинг учинчи қисмига** асосан ўн беш йил ва ундан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб чиққан шахслар ҳамда ўта хавфли рецидивистлар, агар улар жазони ўтаб чиққанидан кейин ўн беш йил мобайнида янги жиноят содир этмасалар, суд уларнинг судланганлигини олиб ташлаши мумкин.

Ўн беш йил ва ундан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб чиққан шахслар деганда, узлуксиз бир ёки бир неча жиноятлар (улардан лоақал биттаси оғир жиноят бўлса) содир этган шахслар тушунилади.

Ушбу тоифа шахсларга нисбатан судланганликни олиб ташлаш масаласини муҳокама қилиш учун қуйидаги иккита асос бўлиши лозим:

– жазо ўтаб чиқилганидан кейин ўн беш йиллик муддатнинг ўтиши;

– шу муддат ичида янги қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этмаслик.

Шуни ҳам эътиборга олиш керакки, ўта хавфли рецидивист, деб топилган шахснинг судланганлиги шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган тартибда, ўталган жазо муддати, барча жазоларнинг муддатидан қатъи назар, олиб ташланиши керак.

6. **Шарҳланаётган модданинг тўртинчи қисми** белгилайдики, шахснинг ҳолатини қандайдир тарзда яхшилайдиган қонуннинг орқага қайтиш кучи ҳолатларида шахснинг судланганлиги олиб ташланиши мумкин. Бундай ҳолатда шахснинг судланганлик ҳолати шарҳланаётган модданинг биринчи ёки иккинчи қисмлари қоидаларидан қатъи назар, олиб ташланиши керак ва шахс янги қонун кучга кирган пайтдан бошлаб судланмаган, деб ҳисобланади.



7. Судланганликнинг олиб ташланиши суд томонидан махсус ажрим чиқариш йўли билан амалга оширилади. Шу билан бирга, **шарҳланаётган модданинг бешинчи қисми**га мувофиқ, судланганлик афв этиш ёки амнистия акти асосида ҳам олиб ташланиши мумкин.

---

**80-модда. Судланганлик ҳолатининг тугалланиш ёки судланганликни олиб ташлаш муддатларини ҳисоблаш**

Судланганлик ҳолатининг тугалланиш ёки судланганликни олиб ташлаш муддатлари асосий ва қўшимча жазолар ўтаб бўлинган ёки ижро этилган кундан бошлаб ҳисобланади.

Агар шахс тайинланган жазодан қонунда белгиланган тартибда муддатидан илгари озод қилинган ёхуд жазо енгилроғи билан алмаштирилган бўлса, судланганлик муддати муддатидан илгари озод қилинган ёки енгилроғи билан алмаштирилган жазонинг амалда ўтаб бўлинган қисмидан ҳисобланади.

Агар ушбу Кодекснинг 44, 46-моддалари асосида ҳукм бўйича тайинланган жазони суд бошқа жазо билан алмаш-тирган бўлса, судланганлик муддати жазонинг амалда ўтаб бўлинган ёки ижро этилган қисмидан ҳисобланади.

Агар жазони ўтаб чиққан шахс судланганлик ҳолати-нинг муддати тугамай яна жиноят содир этса, судланганлик ҳолатини тугатувчи муддатнинг ўтиши тўхтатилади. Илгари содир этилган жиноят учун судланганлик ҳолатининг тугаш муддати охири содир этилган жиноят учун (асосий ва қўшимча) жазони амалда ўтаб бўлганидан бошлаб ҳисобланади.

---

**Ш А Р Х**

---

**1. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми** судланганлик ҳолатининг тугалланиш ёки судланганликни

олиб ташлаш муддатларини ҳисоблашнинг умумий тартибини белгилаб, судланганлик ҳолатининг тугалланиши ёки судланганликни олиб ташлаш муддати асосий ёки қўшимча жазонинг ўталган ёки ижро этилган кундан бошлаб ҳисобланишини кўрсатади.

Шундай қилиб, агар судланувчига ҳам асосий, ҳам қўшимча жазо тайинланган бўлса, муддатларни ҳисоблаш ёки судланганликни олиб ташлаш охириги жазони ижро этиш пайтидан бошлаб амалга оширилади.

**2. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисми** шахс жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинганда ёки унинг жазоси енгилроғи билан алмаштирилган ҳолатда судланганликнинг тугалланиш ёки судланганликни олиб ташлаш муддатларини ҳисоблаш масаласини белгилайди. Қонунга мувофиқ, ушбу ҳолатда судланганлик муддати муддатидан илгари озод қилинган ёки енгилроғи билан алмаштирилган жазонинг амалда ўтаб бўлинган қисмидан ҳисобланади.

**Жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилишда амалда ўтаб бўлинган жазо** деганда, суд ҳукмида кўрсатилган жазонинг ўталган қисмини тушуниш керак. Масалан, агар шахс олти йилга озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташга ҳукм қилинган бўлса ва Жиноят кодексининг 73-моддасига мувофиқ, тўрт йил ўтгач муддатидан олдин шартли равишда озод қилинган бўлса, судланганлик муддати ҳақиқатда ўталган жазонинг муддатидан келиб чиқиб белгиланади. Агар жазо ЖКнинг 74-моддасига асосан, енгилроғи билан алмаштирилса, амалда ўталган муддат ҳукмга кўра белгиланган ва ўталган жазо муддати ва суд ажрими бўйича енгилроқ жазо турига алмаштирилган жазо муддатини кўшиш йўли билан аниқланади.

**3. Ушбу модданинг учинчи қисми** дастлабки белгиланган жазони ижро этишдан бўйин товлаши туфайли дастлабки жазо бошқа жазога алмаштирилган ҳолатларда судланганликнинг тугатилиши ёки олиб ташланиши муддатларини белгилаш қоидаларини тартибга солади. Бундай ҳолатда дастлабки жазо Жиноят кодекси 44 ва 46-моддаларига мувофиқ оғирроғига алмаштирилади.

Ушбу ҳолатда судланганликнинг тугатилиши ёки олиб ташланиши муддати ҳақиқатда ўталган ёки ижро этилган жазодан келиб чиқиб белгиланади. Жазони алоҳида-алоҳида ҳар бирининг тегишли судланганлик муддати ҳисобланган ҳолда ҳисоблаб чиқиш керак бўлади. Хусусан, судланганликни тугатиш ёки олиб ташлаш муддати алоҳида дастлабки тайинланган жазодан ҳамда ижро этилмаган дастлабки жазонинг ўрнига белгиланган жазодан келиб чиқиб белгиланади.

4. Агар жазони ўтаб чиққан шахс судланганлик ҳолатининг муддати тугамай яна жиноят содир этса, судланганлик ҳолатини тугатувчи муддатнинг ўтиши тўхтатилади. Илгари содир этилган жиноят учун судланганлик ҳолатининг тугаш муддати охири содир этилган жиноят учун (асосий ва қўшимча) жазони амалда ўтаб бўлганидан бошлаб ҳисобланади (**шарҳланаётган модданинг тўртинчи қисми**). Аниқроқ қилиб айтсак, шахс янги жиноят учун жазони ўтаб келганидан сўнг, параллел равишда ҳам биринчи жиноят учун, ҳам янги жиноят учун судланганлик ҳолатини тугатиш муддати ўтади.

5. Шуни назарда тутиш керакки, шахс содир этган бир неча жиноят учун ҳукм қилинган вазиятда судланганлик ҳолатининг тугаш муддати ҳар бир жиноят учун алоҳида эмас, балки ҳамма жиноятлар учун тайинланган жазодан келиб чиқиб ҳисобланади.



## Олтинчи бўлим. ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЖАВОБГАРЛИГИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

### XV боб. ЖАЗО ВА УНИ ТАЙИНЛАШ

#### 81-модда. Жазо тизими

Ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсларга қуйидаги асосий жазолар қўлланилиши мумкин:

а) жарима;

а<sup>1</sup>) мажбурий жамоат ишлари;

б) ахлоқ тузатиш ишлари;

в) (*Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 29 март-даги ЎРҚ-421-сонли Қонуни билан чиқарилган – ЎР ҚХТ, 2017 йил, 13-сон, 194-модда*)

в<sup>1</sup>) озодликни чеклаш;

г) озодликдан маҳрум қилиш.

Ўн саккиз ёшга тўлмасдан, жиноят содир этган шахсларга нисбатан қўшимча жазолар тайинланиши мумкин эмас.

---

## Ш А Р Ҳ

---

1. Шарҳланаётган модда қуйидагиларни тартибга солади:

– вояга етмаган шахс тушунчаси;

– содир этилган жиноятда вояга етмаган шахс айбдор, деб топилган тақдирда, унга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган жазо тизими.

2. Шахсни вояга етмаган, деб топишда **шарҳланаётган модданинг биринчи қисми** ўн саккиз ёшга тўлмай жиноят содир этган шахсларни тушиниш лозимлигини белгилайди.

Шуни эсда тутиш лозимки, содир этилган жиноят учун жиноий жавобгарликка тортишнинг белгиланган энг кичик ёши ўн уч ёш ҳисобланади. (*ЖКнинг 17-моддаси шарҳига қаранг*)

Шундай қилиб, жиноий жавобгарликка тортиш учун шахсни **вояга етмаган шахс**, деб топиш Жиноят кодексининг қоидаларига мувофиқ, жиноят содир этгунга қадар ўн уч

ёшга тўлган шахс, лекин ўн саккиз ёшдан кичик бўлган шахс тушунилади. Шахснинг муайян бир ёшга (13, 14, 15, 16, 17 дан 18 ёшгача) тўлганлиги аҳамиятга эга эмас, лекин судлар томонидан жазони индивидуаллаштиришда ҳисобга олиниши керак, ёши кичик айбланувчиларга енгилроқ, ёши катталарга эса, оғирроқ жазо қўлланилиши лозим. Ҳар қандай ҳолда ҳам суд вояга етмаган шахсга жазо тайинлашда шархланаётган моддада белгиланган жазо туридан бирини танлаши керак. Вояга етмаган шахс деганда, жиноят содир этгунга қадар ўн олти ёшга тўлган, аммо ўн саккиз ёшга тўлмаган шахс тушунилади.

3. Шахснинг ёшини аниқлашда шу нарсани эътиборда тутиш керакки, шахс туғилган кунидан бошлаб эмас, балки туғилган куни ўтганидан сўнг, яъни эртаси куннинг ноль соатидан бошлаб жиноят учун жавобгарлик бошланадиган ёшга тўлган деб ҳисобланади. Шахснинг ёши тегишли ҳужжатлар (паспорт, туғилиш гувоҳномаси ва ҳ.к.) бўйича эмас, балки суд-тиббиёт экспертизаси хулосаси асосида йилларда аниқланаётганда, унинг туғилган куни деб экспертлар аниқланган йилнинг охириги куни ҳисобланади, ёш энг кам ва энг кўп йиллар миқдори билан аниқланганда эса, суд экспертлар томонидан белгиланган энг кам ёшдан келиб чиқиши лозим<sup>1</sup>.

4. Шархланаётган модданинг кейинги элементи судлар томонидан вояга етмаган шахсларга нисбатан содир этган жинояти учун туғридан-туғри қўлланилиши мумкин бўлган жазолар тизимини бевосита тартибга солувчи қондалар ҳисобланади. Шархланаётган модда фақатгина вояга етмаган шахсларга нисбатан қўлланиладиган жазонинг махсус турларини ўрнатмайди, балки ЖКнинг 43-моддасида белгиланган айрим жазо турларининг қўлланилишини чеклайди.

Вояга етмаган шахслар учун жазо тизими фақатгина бешта асосий жазо турларини назарда тутати:

- жарима;

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти туғрисида»ги 21-сонли қарори, 5-банд.

- мажбурий жамоат ишлари;
- ахлоқ тузатиш ишлари;
- озодликни чеклаш;
- озодликдан маҳрум қилиш.

5. Вояга етмаган шахслар учун тайинланадиган жазо тизими ЖКнинг 43-моддасида кўрсатилган жазо тизимининг ўзига хос хусусиятларига эга:

– давлат мажбурлов чорасининг алоҳида турларидан ташкил топган;

– жазо тизими элементлари ўзаро боғлиқ бўлиб, бири иккинчисига боғланиб ва тўлдириб келади;

– шарҳланаётган моддада назарда тутилган давлатнинг мажбурлов чоралари рўйхати қатъий бўлиб, кенгайтириб талқин қилиниши мумкин эмас. Шунинг учун вояга етмаганларга нисбатан ЖКнинг 43-моддасида кўрсатилган, лекин шарҳланаётган моддада бевосита назарда тутилмаган жазо чораларини қўллаш тақиқланади (масалан, ЖКнинг 43-моддаси шарҳланаётган моддада кўрсатилмаган ва шунинг учун вояга етмаганларга тайинланиши мумкин бўлмаган хизмат бўйича чеклаш, интизомий қисмга жўнатиш, умрбод озодликдан маҳрум қилиш каби жазоларни назарда тутати);

– ушбу жазоларнинг тизимда жойлаштирилганлиги уларнинг қаттиқлигига боғлиқ бўлиб, мазкур жазолар енгилидан оғирига қараб жойлаштирилган. *(ЖКнинг 43-моддаси шарҳига қаранг)*

6. Шарҳланаётган модда Жиноят кодекси олтинчи бўлимининг бошқа қондалари каби вояга етмаган шахсларни жинойий жавобгарликка тортишнинг махсус тартибини ўрнатади. Кўрсатилган бўлимнинг қондаларида ҳал этилмаган масалалар жазо ва уни тайинлаш, жавобгарлик ва жазодан озод этиш каби ЖКнинг Умумий қисми қондалари билан тартибга солинади. Хусусан, вояга етмаган шахслар учун тайинланадиган жазо тушунчаси ва унинг мақсадлари ЖКнинг 42-моддасида кўрсатилганлар билан бир хил. *(ЖКнинг 42-моддаси шарҳига қаранг)*



## 82-модда. Жарима

Жарима базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараваридан йигирма бараваригача миқдорда тайинланади.

Маҳкум жарима тулашдан олти ой муддат мобайнида буйин товласа, суд тўланмаган жарима миқдорини базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдоридаги жаримани мажбурий жамоат ишларининг икки соатига тенглаштирган ҳолда ҳисоблаб, мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазо билан алмаштиради ёки базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдоридаги жаримани ахлоқ тузатиш ишларининг бир ойига тенглаштирган ҳолда ҳисоблаб, ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазо билан алмаштиради.

---

## Ш А Р Х

---

1. Жарима ЖКнинг 81-моддасида назарда тутилган жазо турларининг энг енгилидир. Вояга етмаган шахсларга қўлланиладиган давлат мажбурлов чораси сифатидаги жариманинг ўзига хос хусусияти бўлиб, унинг ҳукм қилинганга таъсир этувчи етарли потенциал таъсирга эгаллиги, жазо мақсадига эришиш билан бир вақтда, жиноят қонуни принципларига тўла мос келувчи инсонийлиги ҳисобланади.

2. Жаримани жазо сифатида тайинлашда суд ҳар бир жиноий жазо, жумладан, вояга етмаган шахсларга қўлланиладигани ҳам шахсий тавсифга эга эканлиги ҳолатини алоҳида ҳисобга олишни тақозо этади, яъни айнан жиноят содир этганлиги муносабати билан бу жазо тайинланган шахс уни ўташи лозим. Шунинг учун вояга етмаганларга жарима тайинлаш фақат уни ижро этиш учун хусусий маблағларига эга бўлган вазиятлардагина йўл қўйилади. Хусусий маблағлари сифатида вояга етмаганнинг мулкчилик ҳуқуқи бўйича эга бўлган, унга ундирув қаратилиши мумкин бўлган мол-мулкни ёки мустақил даромад манбаини тушуниш лозим.

3. Ўн саккиз ёшга етмаган шахсларда хусусий маблағларнинг йўқлиги жарима тайинлаш учун тўсиқ бўлади. Вояга етмаган шахсга тайинланган жаримани бошқа шахслар мулки

ҳисобидан тўланишига ҳеч қандай вазиятда йўл қўйилмайди. Бунда шахсий маблағнинг мавжудлиги ҳукм чиқариш вақтига қадар аниқланиши лозим. Ҳукм чиқариш вақтида судланувчи жаримани тўлаш учун етарли шахсий маблағга эга бўлмаса-ю, лекин ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг жаримани тўлаш имкониятига эга бўлган тақдирда ҳам жарима жазосини тайинлашга йўл қўйилмайди. Судланувчига жамоат учун хавfli ҳаракат содир этиш вақтида шахсий маблағга эга бўлмаса, лекин у ҳукм чиқарилгунга қадар шахсий маблағни қўлга киритса (мисол учун, мерос ёки совға олиш натижасида) қўлланилиши мумкин. Жарима жазоси миқдорини белгилашда суд бу жазо миқдори вояга етмаган жавобгарнинг нормал яшаши учун зарур бўлган шарт-шароитдан маҳрум қилиб қўймаслиги лозимлигини эътиборга олиши керак.

4. Жарима Жиноят кодексининг инсонпарварлик принципини, хусусан, жариманинг миқдори сезиларли даражада кам белгиланиши билан амалга оширади. **Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмига** кўра, жарима базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараваридан йигирма бараваригача миқдорда тайинланади. Жаримани қўллаш ижтимоий хавфи катта бўлмаган қилмишларга жазо тайинлашда имкон қадар жазо ва жавобгарликни дифференциациялаш ҳамда алоҳида ёндашишни амалга оширишига ёрдам беради. Шунингдек, жарима жазосини тайинлашда қилмишнинг ижтимоий хавfliлигини ва вояга етмаган судланувчининг мулкий ҳолатини ҳам эътиборга олиш керак. *(Судланувчининг мулкий ҳолати ҳақида тўлароқ ЖКнинг 44-моддаси шарҳига қаранг)*

5. **Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмига** мувофиқ, судланувчининг тайинланган жарима жазосини тўлашдан олти ой мобайнида бўйин товлаши жаримани мажбурий жамоат ишлари ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазоси билан алмаштиришга олиб келади. Бу қоида ЖКнинг 44-моддасида ўз аксини топган. Аммо, ЖКнинг 82-моддасида берилган жаримани мажбурий жамоат ишлари ёки ахлоқ тузатиш ишлари билан алмаштириш ЖКнинг 44-моддаси 3-қисмида назарда тутилган тартибдан фарқ қилади.



Жаримани тўлашдан бўйин товлаш масаласи, агар жарима олти ой мобайнида тўланмаган тақдирда кўриб чиқилади. Жарима жазосини фақат мажбурий жамоат ишлари ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазоси билан алмаштиришга йўл қўйилади. Бундай ҳолда ахлоқ тузатиш ишларининг минимал муддати тўланмаган жарима суммасидан келиб чиқиб, бир ойдан камроқ бўлиши мумкин, бироқ бир йилдан ошмаслиги лозим<sup>1</sup>.

Қонунга мувофиқ, жазо тарқасида тайинланган жаримани маҳкум ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб уч ой, вояга етмаган маҳкум эса олти ой мобайнида ихтиёрий равишда тўлаши лозим. Бирок, суд маҳкумнинг моддий аҳволини инобатга олиб, ЖПКнинг 533-моддасининг иккинчи қисмига асосан ҳукмнинг ушбу қисми ижросини олти ойгача кечиктириши ёки бўлиб-бўлиб тўлаш масаласини ҳал қилиши мумкин<sup>2</sup>. *(Бу ҳақда ЖКнинг 44-моддаси шарҳига қаранг)*

6. Вояга етмаган шахсга нисбатан жарима нафақат ЖК Махсус қисмининг тегишли моддаси санкциясида кўрсатилганда, балки ЖКнинг 57-моддасига кўра енгилроқ жазо тайинлаш тартибида ҳам қўлланади. Агар жарима жазоси ЖК Махсус қисмининг муайян бир моддасининг санкциясида белгиланган бўлса, бунда вояга етмаган шахсга нисбатан суд тегишли модданинг санкциясидан ва шарҳланаётган модданинг қоидаларидан келиб чиқиб кўриб чиқиладиган давлат мажбурият чорасининг миқдорини белгилайди. Хусусан, агар ЖК Махсус қисми моддасининг санкциясида жариманинг энг кам миқдори белгиланган бўлса, суд ушбу доирани бузмаслиги лозим, бунда мазкур доира шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида белгилаган миқдордан ошиб кетмаслиги лозим. Бунда, ЖК Махсус қисми моддасининг санкциясида урнатилган энг кам чегараси жариманинг шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида кўрсатилган энг кўп чегарасидан катта бўлса, унда маҳкумга шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сонли қарори, 18-банд, 2-хатбоши.

<sup>2</sup> Уша манба, 17-банд, 1-хатбоши.

назарда тутилган энг кўп миқдорга тенг жаримани қўллаш лозим бўлади. Санкцияда жариманинг энг кам миқдори белгиланмаган бўлса, у ҳолда шарҳланаётган моддага кўра аниқланади. Ҳар қандай ҳолда ҳам ЖК Махсус қисмининг тегишли моддаларининг санкцияларидан қатъи назар, жариманинг миқдори шарҳланаётган моддада берилган жариманинг энг юқори миқдоридан ортиб кетиши мумкин эмас. Агар жарима кўринишидаги жазо судланганга ЖКнинг 57-моддаси тартибида тайинланса, унда жариманинг энг кам ва энг кўп чегаралари шарҳланаётган моддага мувофиқ аниқланади.

---

### 82'-модда. Мажбурий жамоат ишлари

Мажбурий жамоат ишлари фақат меҳнатга лаёқатли вояга етмаганларга нисбатан олтмиш соатдан икки юз қирк соатгача бўлган муддатга тайинланади. Мажбурий жамоат ишлари вояга етмаганларнинг соғлиғига ва маънавий жиҳатдан ривожланишига зарар етказмаслиги, ўқиш жараёнини бузмаслиги лозим.

Ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахслар томонидан мажбурий жамоат ишларини бажариш муддати, агар қонунда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, олти ой давомида кунига икки соатдан ошмаслиги, маҳкумга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар юзага келган тақдирда эса, бир йилгача бўлган муҳлатда кунига икки соатдан ошмаслиги керак.

Маҳкум жазони ўташдан бўйин товлаган тақдирда, суд мажбурий жамоат ишларининг ўталмаган муддатини мажбурий жамоат ишларининг тўрт соатини озодликни чеклашнинг ёки озодликдан маҳрум қилишнинг бир кунига тенглаштирган ҳолда ҳисоблаб, озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштиради. Жазони ўташдан бўйин товланилган вақт жазонинг ўталган муддатига қўшиб ҳисобланмайди.

## Ш А Р Х

1. Мажбурий жамоат ишлари фақат меҳнатга лаёқатли вояга етмаганларга нисбатан қўлланиши мумкин.

2. Қонун мажбурий жамоат ишлари жазосини вояга етмаганларга шундай шартлар билан белгилайди, бу, биринчидан, мажбурий жамоат ишлари вояга етмаганларни соғлиғига ва маънавий жиҳатдан ривожланишига зарар етказмаслиги, иккинчидан, мажбурий жамоат ишлари ўқиш жараёнини бузмаслиги лозим.

Тайинланаётган жазо вояга етмаганларни соғлиғига жисмоний ва руҳий зарар етказмаслиги керак.

3. Маҳкум учун белгиланган ишга чиқмаслиги, иш ҳажмини бажармаслиги, шунингдек иш вақтини бўш ўтказиши ва ҳоказоларни мажбурий жамоат ишлари жазосини ўташдан бўйин товлаш деб тушуниш лозим.

### 83-модда. Ахлоқ тузатиш ишлари

Ахлоқ тузатиш ишлари фақат меҳнатга лаёқатли вояга етмаганларга нисбатан ўз иш жойида ўташ, айбдор ҳеч қаерда ишламаса, ушбу жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган ўзи яшайдиган ҳудуддаги бошқа жойларда ўташ тариқасида бир ойдан бир йилгача муддатга тайинланади.

Вояга етмаган шахс тайинланган ахлоқ тузатиш ишларининг ўндан бир қисмидан кўпроғини ўташдан бўйин товлаган тақдирда, суд бу жазонинг ўталмаган қисмини ахлоқ тузатиш ишларининг ҳар уч кунини озодликни чеклашнинг ёки озодликдан маҳрум қилишнинг бир кунига тенглаштирган ҳолда ҳисоблаб, озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштиради.

---

---

**Ш А Р Ҳ**

---

---

1. Жиноят кодекси шарҳланаётган моддаси вояга етмаган судланувчиларга нисбатан гайинланадиган **ахлоқ тузатиш ишлари** жазосини назарда тутади.

**Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмига** мувофиқ, ахлоқ тузатиш ишлари фақат меҳнатга лаёқатли вояга етмаганларга нисбатан ўз иш жойида ўташ, айбдор ҳеч қаерда ишламаса, ушбу жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган ўзи яшайдиган ҳудуддаги бошқа жойларда ўташ тариқасида бир ойдан бир йилгача муддатга тайинланади.

2. Қонунга кўра, ахлоқ тузатиш ишлари жазоси фақат меҳнатга лаёқатли шахсларга нисбатан қўлланилади.

**Меҳнатга лаёқатлилиқ** – бу шахснинг меҳнат қила олиш қобилиятига эга эканлигидир. Қоида тариқасида, шахс ўн олти ёшга тўлгандан сўнг меҳнатга лаёқатли ҳисобланади<sup>1</sup>. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ўзининг қарорида тушунтириш берганидек, қонунга кўра, ахлоқ тузатиш ишлари 16 ёшга тўлмаган шахсларга қўлланилмайди<sup>2</sup>.

Бироқ, меҳнат қонунчилигига мувофиқ, ёшларни меҳнатга тайёрлаш учун умумтаълим мактаблари, касб-хунар ўқув юртларининг ўқувчиларини уларнинг соғлиғига ҳамда маънавий ва ахлоқий камол топишига зиён етказмайдиган, таълим олиш жараёнини бузмайдиган енгил ишни ўқишдан бўш вақтида бажариши учун – улар ўн беш ёшга тўлгандан кейин ота-онасидан бирининг ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахслардан бирининг ёзма розилиги билан ишга қабул қилишга йўл қўйилади<sup>3</sup>. Шу муносабат билан, меҳнат

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, 77-модда 1-қисми // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 1-сонга илова.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сонли қарори, 19-банд.

<sup>3</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, 77-модда 2-қисми // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 1-сонга илова.

конунчилиги шартларига риоя қилинганда ун беш ёшга етган вояга етмаганларга ахлоқ тузатиш ишлари қўлланилиши мумкин.

Ўн олти ёшга тулмаган шахсга нисбатан ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашда суд айбланувчининг меҳнат мажбуриятларини бажара олишини аниқлаши, агар ушбу жазони бажаришга шахснинг хоҳиши бўлмаса, жазо қўллашнинг самараси бўлмаслигини эътиборга олмоғи лозим. Ахлоқ тузатиш ишларининг тури ва миқдорини белгилашда бу судланувчининг соғлиғи ва ўқиш жараёнига ушбу жазонинг таъсир этишини ҳисобга олиши зарур.

3. Вояга етмаган шахсларга нисбатан ахлоқ тузатиш ишларининг муддати бир ойдан бир йилгача белгиланиши мумкин. Вояга етмаганлар учун шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари ЖК Махсус қисмининг тегишли моддаси санкциясининг таҳриридан катъи назар, судлар томонидан сўзсиз бажарилиши лозим. Бунда қўйидагиларни ҳисобга олиш зарур.

Агар ЖК Махсус қисми моддасининг санкцияси содир этилган тўғридан-тўғри жиноятга ахлоқ тузатиш ишлари тайинланиши мумкин бўлган энг кам муддатни назарда тутса, унда вояга етмаганга амалда тайинланадиган бу турдаги жазо умумий қоидалар бўйича шу модда санкцияси кўрсатган энг кам чегарасидан кам бўлиши мумкин эмас. Бирок, бу энг кам чегара шарҳланаётган моддада назарда тутилган энг кўп чегарадан ортиқ бўлса, ахлоқ тузатиш ишлари шарҳланаётган модданинг биринчи қисми қоидалари бўйича тайинланиши лозим, яъни бир ойдан бир йилгача. Агарда, ЖК Махсус қисмининг тўғридан-тўғри модда санкцияси ахлоқ тузатиш ишларининг энг кам йўл қўйиладиган чегарасини назарда тутмаган бўлиб, фақат унинг энг кўп чегарасини назарда тутган бўлса, унда вояга етмаган судланган учун кўрилаётган жазо турининг энг кам миқдори шарҳланаётган модданинг қоидаларига мувофиқ аниқланади. Бундай вазиятларда энг кўп йўл қўйиладиган жазо миқдорини иккита вариантда аниқлаш мумкин:

– агар ЖК Махсус қисмининг моддаси санкциясида кўрсатилган энг кўп чегара шарҳланаётган моддада назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишларининг энг кўп чегарасидан ортиқ бўлса, суд шарҳланаётган модданинг биринчи қисмига риоя қилиши лозим;

– агар ахлоқ тузатиш ишларининг энг кўп муддати Махсус қисм моддаларининг санкцияси шарҳланаётган моддада белгиланган чегараларда бўлса, айбдорга ахлоқ тузатиш ишларини тайинлашда ЖК Махсус қисмининг муайян моддаси санкциясидан келиб чиқиш лозим.

**4. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмига** кўра, вояга етмаган шахсларга нисбатан ахлоқ тузатиш ишларининг икки тури тайинланиши мумкин:

- вояга етмагanning ўз иш жойи бўйича ижро этиладиган;
- ушбу жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган ўзи яшайдиган ҳудуддаги бошқа жойларда ижро этиладиган.

Шунга эътиборни қаратиш керакки, вояга етмаган шахсга нисбатан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, агар вояга етмаган шахс ҳукм чиқарилгунга қадар ҳеч қаерда ишламаса, жазонинг ижросини назорат қилувчи органлар белгилаган вояга етмаган шахс яшайдиган ҳудуддаги бошқа жойларда ўташ мумкин. Бундай ҳолда вояга етмаган шахснинг меҳнат мажбуриятларини бажариши аҳамиятга эга эмас, мисол учун, у дастлабки тергов вақтида эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олинган бўлса ёки вақтинча меҳнатга лаёқатсиз, деб топилса ва бошқалар. Ҳукм чиққанида шахсни ишловчи, деб топиш учун фақат вояга етмаган судланган шахснинг ҳақиқий меҳнат шартномаси аҳамиятга эга. Ахлоқ тузатиш ишларининг ижросини назорат қиливчи органлар томонидан белгиланадиган жойларда уталадиган ахлоқ тузатиш ишлари тайинланганда, уларнинг ижроси вояга етмаган маҳкумлар яшаш жойидаги корхона, муассаса ва ташкилотларда амалга оширилади<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси, 26-модда 5-қисми // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 6-сон, 175-модда.



5. Вояга етмаган шахсларга нисбатан ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашда жазонинг тури (жазони ўз иш жойида ёки жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгиллаган вояга етмаган шахс яшайдиган ҳудуддаги бошқа жойларда ўташ) ва муддатига, шунингдек, судланувчининг иш ҳақидан ушлаб қолинадиган сумма миқдорига ҳам эътибор қаратиш лозим, бу мезон жазонинг инсонпарварлик принципига асосан тайинланганлигини кўрсатади. *(ЖКнинг 46-моддаси шарҳига қаранг)*

6. Вояга етмаган шахсларга нисбатан ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашда вояга етмаган шахсга юклатилган ёки юклатилиши мумкин бўлган меҳнат мажбуриятларига эътибор қаратиш керак. Вояга етмаган шахс ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўтаётганда унинг ҳаракатларига нисбатан меҳнат тўғрисидаги қонунчилик қўлланилади. Хусусан, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар меҳнатидан шу тоифа ходимларнинг соғлиғи, ҳавфсизлиги ёки ахлоқ-одобига зиён етказиши мумкин бўлган меҳнат шароити ноқулай ишларда, ер ости ишларида ва бошқа ишларда фойдаланиш тақиқланади<sup>1</sup>. Меҳнат кодексининг 241-моддаси 2-қисмига мувофиқ, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг белгилаб қўйилган нормадан ортиқ оғир юк кўтаришлари ва ташишларига йўл қўйилмайди<sup>2</sup>. Вояга етмаган шахслар учун белгиланган иш кунининг давом этиш муддати ахлоқ тузатиш ишлари жазонинг ўталиши муддатига таъсир кўрсатмайди: вояга етмаган шахслар учун тўланадиган ҳақ миқдори иш кунининг давомийлигидан қатъи назар, ўн саккиз ёшга тўлган шахсларнинг иш кунига тенгдир.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг қарори билан тасдиқланган Ўн саккиз ёшдан кичик шахсларнинг меҳнати қўлланиши тақиқланадиган ноқулай меҳнат шароитлари ишлари рўйхати. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 29 июлда 1990-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг қарори билан тасдиқланган «Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар кўтаришлари ва ташишлари мумкин бўлган оғир юк нормаларининг чегарасини белгилаш тўғрисида»ги низоом. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 12 майда 1954-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

7. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмига кўра, маҳкум суд томонидан тайинланган ахлоқ тузатиш ишларини бажаришдан бўйин товлаган тақдирда, суд ахлоқ тузатиш ишларини озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштиради. Маҳкум тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари муддатининг ўндан бир қисмидан кўпроғини ўташдан бўйин товлаган тақдирда жазо алмаштирилиши мумкин.

Ахлоқ тузатиш ишлари фақатгина озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилиши мумкин, бунда ахлоқ тузатиш ишларини уч кунини озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилишнинг бир кунига тенглаштирилиб ҳисобланади. (Ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташдан бўйин товлаш ва уни бошқа жазолар билан алмаштириш ҳақида тўлиқроқ ЖКнинг 46-моддаси шарҳига қаранг)

---

**84-модда.** (Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 29 мартдаги ЎРҚ–421-сонли Қонуни билан чиқарилган – ЎР ҚХТ, 2017 йил, 13-сон, 194-модда)

---

#### **84<sup>1</sup>-модда. Озодликни чеклаш**

Озодликни чеклаш вояга етмаган маҳкумларга нисбатан асосий жазо чораси сифатида олти ойдан икки йилгача муддатга тайинланади.

---

### **Ш А Р Ҳ**

---

1. ЖКнинг 48<sup>1</sup>-моддаси билан шарҳланаётган модда тақ-қосланганда вояга етмаган шахсга нисбатан тайинланадиган



озодликни чеклаш жазоси бир неча хусусиятларга эгаллиги кўринади. **Озодликни чеклаш** – суд томонидан маҳкумга нисбатан яшаш жойини у ёки бу сабаб билан тарк этишни бутунлай тақиқлашдан ёки сутканинг муайян вақтида яшаш жойидан чиқишни чеклашдан иборат бўлиб, вояга етмаганларга нисбатан олти ойдан икки йилгача бўлган муддатга тайинланади. Вояга етмаган шахсга нисбатан қўлланиладиган ушбу давлат мажбурлов чорасининг энг кўп муддати икки ярим марта камайтирилган, яъни икки йил қилиб белгиланган. Озодликни чеклашнинг энг кам муддати эса, олти ой.

2. Вояга етмаган шахсларга нисбатан тайинланадиган озодликни чеклаш жазоси маҳкумни ижобий тарафга ўзгартиришда, жиноий фаолиятининг давом этишига тўсқинлик қилишда ҳамда умумий ва махсус превенцияда самарали ҳисобланади. Ушбу жазо тури озодликдан маҳрум қилиш жазоси каби судланганни жамиятдан ажратмаган ҳолда қайта тарбиялашга эришиш мумкин бўлган ҳоллардагина қўлланилиши мумкин. Шу муносабат билан, озодликни чеклаш жазоси қўлланган суд ҳукмида шахсни жамиятдан ажратмай туриб жазонинг мақсадига эришиш мумкинлиги тўғрисидаги ҳолатларни асослантирилиши шарт. *(Бу ҳақида тўғралоқ ЖКнинг 48'-моддаси шарҳига қаранг)*

### 85-модда. Озодликдан маҳрум қилиш

Вояга етмаганларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси олти ойдан ўн йилгача муддатга тайинланади, ушбу Кодекс 86-моддасининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Озодликдан маҳрум қилиш жиноят содир этиш пайтида ўн тўрт ёшдан ўн олти ёшгача бўлган шахсларга нисбатан:

а) *(Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 24 сентябрдаги ЎРҚ–182-сонли Қонуни билан чиқарилган – ЎР ҚХТ, 2008 йил, 39-сон, 391-модда)*

б) оғир жиноят учун – олти йилгача;

в) ўта оғир жиноят учун – ўн йилгача муддатга тайинланади.

Озодликдан маҳрум қилиш жиноят содир этиш пайтида ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларга нисбатан:

а) *(Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 24 сентябрдаги ЎРҚ–182-сонли Қонуни билан чиқарилган – ЎР ҚХТ, 2008 йил, 39-сон, 391-модда)*

б) оғир жиноят учун – етти йилгача;

в) ўта оғир жиноят учун – ўн йилгача муддатга тайинланади.

Вояга етмай туриб ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этган, эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этган ёхуд қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланмайди.

Хукм чиқариш пайтида ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазосини тарбия колонияларида ўташ тайинланади.

---

## Ш А Р Ҳ

---

1. Жиноят кодекси шарҳланаётган моддасида вояга етмаган шахсларга нисбатан тайинландиган давлатнинг энг оғир мажбурлов чораси – озодликдан маҳрум этиш жазоси назарда тутилган. Бу жазонинг оғирлиги шундаки, унинг ижроси маҳкумни жамиятдан ажратган ҳолда тарбия колонияларида сақлашдан иборат. Шу билан бирга, вояга етмаган шахсни озодликдан маҳрум этиш жазосининг оғирлиги жазо мақсадига эришишда самаралилиги билан ўлчанади. Озодликдан маҳрум қилиш содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги жиддий бўлганда, башарти, шахсни озодликдан маҳрум қилмасдан тарбиялашнинг иложи йўқ, деган хулосага келинса, жиноятнинг характери ва айбдорнинг шахсини эътиборга олган ҳолда қўлланилади.

2. **Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмига мувофиқ**, вояга етмаганларга нисбатан озодликдан маҳрум

қилиш жазоси олти ойдан ўн йилгача муддатга тайинланади, шарҳланаётган модданинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Вояга етмаган шахсларга нисбатан тайинланадиган озодликдан маҳрум қилишнинг энг кўп муддати икки марта камайтирилганлиги жиноят қонунининг инсонпарварлик ва одиллик принципларини кетма-кетликда татбиқ этилаётганидан дарак беради. Қонун чиқарувчининг бундай ёндашуви вояга етмаган судланувчининг жинойий ҳаракатларига чек қўйиш, шунингдек, жиноятнинг умумий ва махсус олдини олиш вазиятларида маҳкумларни қисқа муддатга жамиятдан ажратиш мақсадга мувофиқлиги, чунончи, узок муддатга озодликдан маҳрум қилиш самара бермаслиги билан изоҳланади.

3. Вояга етмаган шахсга содир қилган битта жинояти учун жазонинг озодликдан маҳрум қилиш турини ўн йилдан ортиқ муддатга тайинлашга йўл қўйилмайди. Шунинг учун, агар Махсус қисмнинг аниқ моддаси санкцияси шарҳланаётган моддада кўрсатилган жазонинг энг кўп чегарасини назарда тутса, унда тайинланадиган энг кўп жазо миқдори шарҳланаётган модда қондаларига мувофиқ чегараланиши лозим. Бирок, Махсус қисмнинг тегишли моддаси санкциясида назарда тутилган жазонинг энг кам миқдори шарҳланаётган моддада кўрсатилган энг кўп миқдордан ошиб кетса, суд жазони шарҳланаётган модданинг умумий қондаларига асосан тайинлаши лозим. Шу сингари, масалан, оғирлаштирувчи ҳолатларда қасдан одам ўлдириш жинояти содир этилган бўлса, бу жиноятни содир этганлик учун ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми санкциясига мувофиқ, энг кам озодликдан маҳрум этиш муддати 15 йилни ташкил этишига қарамасдан, вояга етмаганга нисбатан озодликдан маҳрум этиш жазо тури ўн йилгача бўлган муддатга тайинланади (шарҳланаётган модданинг иккинчи ва учинчи қисмлари). Бундай вазиятларда шарҳланаётган модданинг тегишли қисмига ҳавола қилишга тўғри келади, ЖКнинг 57-моддасига ҳавола қилиш Жиноят кодекси Махсус қисмининг аниқ моддаси санкциясида назарда тутилмаган анча енгил жазо турини тайинлаш ҳолатини мустасно қилганда талаб қилинмайди. Масаланинг бошқача

ечими 18 ёшга тулмаган шахслар учун оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этганлари учун жазонинг асосланмаган пасайтирилишига олиб келар эди.

Вояга етмаган шахс томонидан икки ва ундан ортиқ жиноят содир этилиши ҳолларида озодликдан маҳрум этишнинг энг кўп муддати узайтирилиши мумкин. Бундай ҳолда жазонинг муддатини ўзгартириш масаласи шахснинг ёши, содир этган жиноятнинг турига қараб ҳал қилинади.

4. Озодликдан маҳрум этиш энг қаттиқ жазо бўлиб, вояга етмаганга ҳам ижобий, ҳам салбий таъсир кўрсатиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Шунинг учун суд вояга етмаганларга жазо тайинлаш масаласини ҳал этаётганда, биринчи навбатда, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, ана шу шахсларга оид маълумотларни ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни назарда тутиб, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазони қўллаш имкониятини муҳокама қилиши лозим. Суд айбдорни жамиятдан ажратмасдан туриб қайта тарбиялашнинг имконияти бўлмаган ҳоллардагина озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони тайинлаши мумкин. Айни вақтда ҳукмда суднинг бу тўғрисидаги ҳулосаси асослантирилиши шарт<sup>1</sup>.

Хусусан, оғир ва ўта оғир жиноят содир этишда айбланган, муқаддам судланган, ҳуқуқбузарликлар содир этганлиги учун ички ишлар органларида ҳисобда турган вояга етмаганларга жазо тайинлашда қатъиятсизликка йўл қўйиб бўлмайди.

5. **Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмида** ўн тўрт ёшдан ўн олти ёшгача бўлган шахслар томонидан турли даражадаги жиноятларни содир этганлик учун озодликдан маҳрум этишнинг энг кўп муддатлари белгиланган. **Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмига** биноан, Озодликдан маҳрум қилиш жиноят содир этиш пайтида ўн тўрт ёшдан ўн олти ёшгача бўлган шахсларга нисбатан:

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 21-сонли қарори, 9-банд.

- оғир жиноят учун – олти йилгача;
- ўта оғир жиноят учун – ўн йилгача муддатга тайинланади.

**Шарҳланаётган модданинг учинчи қисмида** худди шундай тартиб ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларга нисбатан ҳам белгиланган. Унга асосан, озодликдан маҳрум қилиш жиноят содир этиш пайтида ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларга нисбатан:

- оғир жиноят учун – етти йилгача;
- ўта оғир жиноят учун – ўн йилгача муддатга тайинланади.

Бундай тартибни қўллашдан мақсад вояга етмаган шахнинг рухий ва жисмоний ривожланишини инсонпарварлик нуқтаи назаридан ҳисобга олиб, озодликдан маҳрум этишнинг самарасига эришишдир.

**6. Шарҳланаётган модданинг тўртинчи қисмига** қўра, озодликдан маҳрум этиш жазоси фақат оғир ва ўта оғир жиноят содир этилганда қўлланилади. Вояга етмай туриб, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этган, эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этган ёхуд қасдан унча оғир бўлмаган жиноят содир этган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тарикасида жазо тайинланмайди. Бунда вояга етмаган шахслар томонидан содир этилган мазкур қилмишларнинг сони аҳамиятга эга эмас.

**7. Шарҳланаётган модданинг бешинчи қисми** вояга етмаган маҳкумлар озодликдан маҳрум этиш жазосини тарбия колонияларида ўташини белгилайди. Озодликдан маҳрум этиш муассасалари тизимидаги мазкур тарбия колониялари, биринчидан, жазони ўташ тартиби катта ёшдаги жиноятчиларнинг жазони ўташ тартибидан анча имтиёзлироқ, иккинчидан, вояга етмаган шахснинг шаклланмаган руҳиятини ҳисобга олувчи турли тарбиявий-психологик-педагогик усулларни қўллаш, уларни ўқитиш, спорт, маданий тадбирлар, шунингдек, меҳнат фаолияти жараёнида ижобий таъсир кўрсатишда алоҳида ўрин тутади.

**8.** Тарбия колонияларида маҳкумлар жазо муддатининг тугагунига қадар ЖК 87, 89, 90-моддалари тартибида жинойат жазодан озод этилгунига қадар ёки вояга етгунига қадар

сақланади. Ўн саккиз ёшга тўлгач хулқи ёмон маҳкумлар жазони ўташни давом эттириш учун тарбия колонияларидан умумий тартибли колонияларга ўтказилади.

Вояга етмаган маҳкумни тарбия колониясидан жазони ижро этишнинг бошқа колониясига ўтказиш тарбия колонияси маъмуриятининг вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссия билан келишилган тақдимномасига биноан судья томонидан амалга оширилади. Ўн саккиз ёшга тўлган маҳкумни тарбия колониясидан жазони ижро этиш колониясига ўтказиш масаласини ҳал этишда судья унинг тузалиш даражасини ҳисобга олиши лозим<sup>1</sup>.

Таъкидлаш жоизки, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган ўн саккиз ёшга тўлган маҳкумлар, одатда, йигирма бир ёшга тўлгунга қадар тарбия колонияларида қолдирилади. Маҳкумларни тарбия колонияларида қолдириш муассаса бошлиғининг прокурор томонидан тасдиқланган қарори билан амалга оширилади<sup>2</sup>.

Маҳкум йигирма бир ёшга тўлиши билан ҳар қандай ҳолатда ҳам тарбия колониясидан жазони ижро этиш колониясига юқорида белгиланган тартиб бўйича ўтказилади.

9. Вояга етмаган маҳкумни содир этган қилмишидан ва шахсининг ижтимоий хавфлилигидан қатъи назар, турмага жойлаштириш тақиқланади. Турма фақат вояга етган маҳкумларни сақлаш учун мўлжалланган бўлади<sup>3</sup>.

---

### 86-модда. Жазо тайинлаш

Суд вояга етмаганларга жазо тайинлашда жазо тайинлашнинг умумий асосларига амал қилади, вояга етмагanning

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси, 537-модда 3, 4-қисмлари // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 2-сон.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси, 128-модда // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 6-сон, 175-модда.

<sup>3</sup> Ўша мавба, 45-модда 6-қисми.

ривожланганлик даражаси, турмуш шароити ва тарбиясини, соғлигини, содир этган жиноятининг сабабларини, катта ёшдагиларнинг ва бошқа ҳолатларнинг унинг шахсига таъсирини ҳисобга олади.

Ўн тўрт ёшдан ўн олти ёшгача бўлган вақтда жиноят содир этган шахсларга нисбатан жиноятлар мажмуи тариқасида жазо тайинланганда озодликдан маҳрум қилишнинг энг кўп муддати ўн йилгача, агар содир этган жиноятларининг биттаси ўта оғир жиноят бўлса, ўн икки йилгача тайинланади.

Ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вақтда жиноят содир этган шахсларга нисбатан жиноятлар мажмуи тариқасида озодликдан маҳрум қилиш жазоси – ўн икки йилгача муддатга, агар содир этган жиноятларининг биттаси ўта оғир жиноят бўлса, ўн беш йилгача муддатга тайинланиши мумкин.

Жиноят содир этиш пайтида ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларга нисбатан бир неча ҳукм юзасидан тайинланадиган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг муддати ўн беш йилдан ошмаслиги керак.

Вояга етмаган шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланганда суд ушбу Кодекснинг 72-моддасида назарда тутилган асос ва шартлар мавжуд бўлса, шартли жазо белгилаши мумкин.

---

## Ш А Р Х

---

1. Жиноят кодекси шарҳланаётган моддаси вояга етмай туриб жиноят содир этган шахсларга жазо қўллашнинг ўзига хос хусусиятларини ифодалайди. Шу билан бирга, жиноят қонунини бир хил қўллаш учун, ҳуқуқни қўллаш фаолиятига вояга етмаганларга нисбатан инсонпарварлик ва одиллик принципларини изчил татбиқ этиш учун шароит яратилади. Шарҳланаётган моддада белгиланган вояга етмаганларга нисбатан жазо тайинлаш қоидалари мазкур тонфадаги шахслар учун жинойий жазони янада аниқ тарзда индивидуаллаштиришга ёрдам беради.

**2. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми** вояга етмаганларга нисбатан жазо тайинлашда суд қуйидаги ҳолатларни инобатга олиши лозимлигини мустаҳкамлайди. Ушбу келтирилган талабдан мақсад – жазонинг бирон-бир турини танлашда жазо тайинлашнинг фақат умумий қондаларига (ЖКнинг 54-моддаси) эътибор бериб қолмай, балки айбланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатларни ҳам инобатга олиш лозимлигидир. Яъни, шарҳланаётган модданинг биринчи қисмига мувофиқ, суд вояга етмаганларга жазо тайинлашда жазо тайинлашнинг умумий асосларига амал қилади, вояга етмаганнинг ривожланганлик даражаси, турмуш шароити ва тарбиясини, соғлиғини, содир этган жиноятининг сабабларини, катта ёшдагиларнинг ва бошқа ҳолатларнинг унинг шахсига таъсирини ҳисобга олади.

**3. Вояга етмаганнинг ривожланиш даражаси** – бу ўн саккиз ёшга тўлмаган шахснинг ақлий ривожланганлик даражаси ва унинг ёшидир. Шахснинг ривожланганлик даражаси шу ёшдаги шахсларга нисбатан нормал ҳолатда ёки бундай ҳолатда бўлмаслиги мумкин. Шахснинг ривожланганлиги: ривожланган (бу ёшдагиларга нисбатан ақлий ривожланган бўлиши) ва қоқоқ (ўз ёшига нисбатан ақлий ривожланмаганлиги) бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг тушунтиришларига мувофиқ, ЖКнинг 87-моддаси 3-қисмига кўра, вояга етмаган шахс ривожланишида ўз ёшига нисбатан анча орқада қолган бўлса ва содир этган қилмишнинг аҳамиятини тўла равишда англаб етмаса, суд жазо ўрнига мажбурлов чораси қўллаш мақсадга мувофиқлиги масаласини кўриб чиқиши шарт.

Вояга етмаган судланувчининг ақли норасолигидан далолат берувчи маълумотлар мавжуд бўлган тақдирда, вояга етмаганнинг ақлий ривожланишида ортда қолгани ёки ортда қолмагани ҳақидаги масалага аниқлик киритиш учун комплекс суд-руҳиётшунослик экспертизаси тайинланиши лозим.

Мазкур масалаларнинг ечими экспертлар комиссияси ихтиёрига ҳавола этилиши ҳам мумкин. Бунда вояга етмаганнинг ақлий ривожланиши унинг ёшидан нақадар ортда



қолганлиги, ақли заифлиги қай даражада эканлиги ҳақидаги саволларга жавоб бериш шарт қилиб қўйилиши керак<sup>1</sup>.

Ўз тенгдошларига нисбатан ақлий ривожланиш жиҳатидан анча илгарилаб кетган вояга етмаган шахсларга нисбатан жавобгарликка тортиш ёшига етмаганлиги боис улар томонидан содир этилган қилмиш учун жиноий жавобгарлик қўлланилмайди.

**4. Вояга етмаган шахснинг тарбияси ва турмуш шароити** – бу ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга нисбатан белгиланган, унинг яшаши, уни тарбиялашда қўлланилаётган усул ва воситалар каби ҳолатлар ҳисобланади.

Вояга етмаган шахснинг турмуш шароити ва тарбиясини аниқлашда суд унинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи оиланинг бошқа аъзолари билан айбланувчи шахснинг ўзаро муносабатини ҳисобга олмоғи лозим. Бундан ташқари, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга, ота-онасининг бераётган тарбияси, моддий таъминотнинг етарли ёки етарли эмаслигини ҳисобга олиш лозим. Бунда, шуни эсда тутиш лозимки, жиноят ишини кўриш жараёнида вояга етмаган шахснинг тарбиясидаги камчиликлар, унинг тарбиясига салбий жиҳатдан таъсир кўрсатиш ҳолатлари аниқланса, ҳар бир ҳолат юзасидан ота-оналари ва уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг жавобгарлиги масаласини ҳал қилмоғи лозим. Хусусан, ушбу шахслар томонидан тарбиянинг бундай усуллари қўлланилган бўлса, яъни вояга етмаган шахснинг тарбиясига салбий таъсир бўлаётгани сезилса, суд хусусий ажрим чиқариш йўли билан уларнинг иш жойига ёки яшаш жойига муносабат билдириши лозим.

**5. Соғлигининг ҳолати** деганда, вояга етмаган шахснинг нафақат касаллик ёки жисмоний камчиликлари йўқлиги ёки мавжудлигини, шу билан бирга, унинг жисмоний, маънавий ва ижтимоий ҳолати даражасини ҳам тушуниш зарур<sup>2</sup>. Соғлигининг

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар буйича суд амалиёти тўғрисида»ги 21-сонли қарори, 6-банд, 1, 5 ва 6-хатбошилари.

<sup>2</sup> Бутунжаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг Низоми (Конституцияси) (Нью-Йорк, 1946 йил 22 июль), муқаддиманинг 2-қисми.

ҳолатини аниқлашда, энг аввало, унинг жисмоний ва психик ривожланиши даражасини ҳамда ижтимоий муносабатларни тавсифловчи иш ҳолатларини ўрганиш лозим.

6. Вояга етмаган шахсга нисбатан жазо тайинлашда жиноятнинг субъектив томонига жиддий эътибор бериш лозим. Хусусан, қонунда жазо тайинлаш вақтида жиноятнинг **мотив**ларини ҳисобга олиш зарурлиги белгиланган.

7. **Вояга етмаган шахсларга катта ёшдагиларнинг таъсири** қонунда алоҳида ҳолат сифатида ажратилган бўлиб, бу вояга етмаган айбланувчининг шахсини тавсифлайди ва суд томонидан жазо тайинлаш вақтида ҳисобга олинади. Бунда, вояга етмаган шахсларга жазо тайинлаш мақсадлари учун 18 ёшга тўлмаган шахсга нисбатан катта ёшдаги шахснинг қандай муносабатда бўлганлиги: у жиноят иштирокчисими ёки ундан жабрланганми аҳамиятга эга эмас. Шу билан бир вақтда, вояга етмаганларнинг катта ёшдагилар иштирокида содир этган жиноятлари ҳақидаги иш кўриб чиқиладиганда катта ёшдаги шахс ва ўсмир ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг хусусиятини синчиклаб аниқлаш лозим, чунки ана шу маълумотлар катта кишининг вояга етмаган шахсни жиноят ёки ғайриижтимоий ҳаракат содир этишга жалб қилишдаги ролини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

18 ёшга тўлган ва жиноятни қасдан содир этган шахсларгина вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий ҳатти-ҳаракатларга жалб қилгани учун жиноий жавобгарликка тортилиши мумкинлигини инобатга олиш лозим. Шунингдек, катта ёшдаги киши ўз ҳаракатлари билан вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий ҳатти-ҳаракатларга жалб қилаётганини билгани ҳолда ёки шундай фикрга йўл қўйганини ҳам аниқлаш лозим. Агарда катта ёшдаги киши шахсни ғайриижтимоий ҳатти-ҳаракатларга жалб қилсаю, унинг вояга етмаганлигини билмаса ёки билиши мумкин бўлмаса, бу ҳолда ЖКнинг 127-моддаси билан жиноий жавобгарликка тортиш мумкин эмас.

Агар вояга етмаган шахснинг жиноят содир этишига катта ёшдагиларнинг, шу жумладан, иш юзасидан жабрланувчи деб эътироф этилган шахсларнинг ғайриқонуний ёки ёмон ҳулқ-атвори сабаб бўлган бўлса, суд бу ҳолатни жазони

енгиллаштирувчи ҳолат деб эътироф этиши, шунингдек, зарур ҳолда қайд этилган шахсларнинг иш ёки яшаш жойларига хусусий ажрим чиқариб, муҳокама қилишга юбориши лозим.

ЖКнинг 55-моддасининг «г» бандига кўра, жиноятнинг жисмоний ёки рухий тазйиқ ўтказилиши натижасида содир этилиши ёхуд вояга етмаган шахснинг моддий томондан, хизмат жиҳатидан ёки бошқа жиҳатдан қарамлиги сабабли содир этилиши жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолат эканлигини ҳам назарда тутиш керак. Шу муносабат билан судлар вояга етмаган шахсга нисбатан айнан қандай жисмоний ёки рухий тазйиқ ўтказилганлигини аниқлашлари шарт<sup>1</sup>.

**8. Вояга етмагanning шахсига таъсир қилувчи** ва суд томонидан инобатга олиниши лозим бўлган бошқа ҳолатларга қуйидагилар киради: вояга етмаган шахснинг ёши, содир этган жиноятдан чин кўнгилдан пушаймонлиги, айбини бўйнига олганлиги, жиноятни очишга ёрдам берганлиги, жиноятни оилавий ёки шахсий оғир аҳволдан келиб чиқиб содир этганлиги кабилар.

**9. Шарҳланаётган модданинг иккинчи ва учинчи қисмларида** вояга етмаганларга бир қанча жиноятлар учун жазо тайинлаш назарда тутилади. Вояга етмаганларга бир қанча жиноятлар учун жазо тайинлашда катталарга жазо тайинлашдан фарқли равишда жавобгарликка тортилаётган шахснинг ёши (14 ёшдан 16 ёшгача, 16 ёшдан 18 ёшгача), шунингдек, вояга етмаганларга тайинланиши мумкин бўлган жазонинг юқори чегараси ҳисобга олинади. Вояга етмаганларга жиноятлар мажмуи бўйича жазо тайинлашда суд Жиноят кодексининг 59-моддасида назарда тутилган қондаларга амал қилиш лозим. Аммо жиноят учун охириги жазо чораси Жиноят кодексининг 86-моддасига мувофиқ тайинланиши керак.

**10. Шарҳланаётган модданинг тўртинчи қисмида** суд томонидан вояга етмаганларга нисбатан бир неча ҳукмлар юзасидан жазо тайинланганда озодликдан маҳрум қилишнинг

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўррисида»ги 21-сонли қарори, 7 ва 8-бандлари.

энг юқори чегараси белгиланган. Умуман олганда, ун саккиз ёшга тулмаган шахслар томонидан содир этилган жиноят учун жазо тайинлаш коидалари Жиноят кодексининг 60-моддасида кўрсатилган.

**11. Шарҳланаётган модданинг бешинчи қисмида** вояга етмаган шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланганда ЖКнинг 72-моддасида назарда тутилган асос ва шартлар мавжуд бўлса, суднинг шартли жазо белгилаш ҳуқуқи назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми кўрсатмаларига мувофиқ, вояга етмаганлар томонидан содир қилинган жиноят ишлари юзасидан ҳукм чиқаришда уларнинг жинойий қилмишларига ҳолисона баҳо берилиши, уларга нисбатан ЖКнинг 72, 87-моддаларини қўллаш масаласини судлар атрофлича, ҳар томонлама муҳокама қилишлари лозим.

Судлар вояга етмаганларга нисбатан ЖКнинг 72-моддасини қўллаганларида судланганга синов муддати даврида қандай муайян мажбуриятлар юклатилишини (ўқишни яқунлаши, ишга жойлашиши ва ҳ.к.) ҳукмда аниқ кўрсатишлари шарт<sup>1</sup>.

Вояга етмаган шахсларга нисбатан шартли жазо қўллаш ЖКнинг 72-моддасида назарда тутилган катта ёшдаги шахсларга нисбатан шартли жазо қўллаш тартиби билан айнан бир хилдир.

Вояга етмаган судланувчига нисбатан ҳукм чиқаришда суд, башарти вояга етмаган шахс шартли ҳукм қилинса, унга озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланса, вояга етмаган шахсга жамоат тарбиячиси тайинлаш зарурлигини муҳокама қилишга мажбур<sup>2</sup>.



<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўррисида»ги 21-сонли қарори, 10-банд, 1 ва 2-хатбошилари.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси, 563-модда // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 2-сон.

## XVI боб. ЖАВОБГАРЛИКДАН ЁКИ ЖАЗОДАН ОЗОД ҚИЛИШ

### 87-модда. Мажбурлов чораларини қўллаган ҳолда жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган вояга етмаган шахс, агар содир этган қилмишининг хусусиятлари, айбдорнинг шахси ва ишнинг бошқа ҳолатларини эътиборга олиб, уни жазо қўлламаздан туриб ҳам тузатиш мумкин деган хулосага келинса, жавобгарликдан озод қилиниб, иш вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияда кўришга топширилиши мумкин.

Беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаш назарда тутилган унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган ёки ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни такроран содир этган вояга етмаган шахсни, мазкур модданинг биринчи қисмида назарда тутилган асослар мавжуд бўлса, суд жазодан озод қилиш ва унга нисбатан мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт.

Вояга етмаган шахс ривожланишда ўз ёшига нисбатан анча орқада қолган бўлса ва содир этган қилмишининг аҳамиятини тула равишда англаб етмаса, суд жазо ўрнига мажбурлов чораси қўллаш мақсадга мувофиқлиги масаласини кўриб чиқиши шарт.

---

## Ш А Р Х

---

1. Вояга етмаганларга ЖКнинг 64–76-моддаларида назарда тутилган жавобгарликдан ёки жазодан озод этиш тўғрисидаги умумий қоидалар ҳам, шархланаётган моддада назарда тутилган ҳамда жавобгарлик ва жазодан тарбиявий таъсир чораларини қўллаган ҳолда озод қилиш тартибини белгиловчи қоидалар ҳам қўлланилиши мумкин. Ушбу қоидалардан бирини қўллаш ҳар бир аниқ ҳолатда ваколатли органлар

зиммасига топширилади ва улар томонидан айбланувчининг ёши, содир этилган жиноят тури, айбланувчининг шахси, энгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар аниқланади.

**2. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмига** асосан, ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган вояга етмаган шахс, агар содир этган қилмишининг хусусиятлари, айбдорнинг шахси ва ишнинг бошқа ҳолатларини эътиборга олиб, уни жазо қўлламасдан туриб ҳам тузатиш мумкин деган ҳулосага келинса, жавобгарликдан озод қилиниб, иш вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияда кўришга топширилиши мумкин.

Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳолатларнинг барчаси мавжуд бўлган ҳолдагина, вояга етмаган шахс кўриб чиқиляётган асос бўйича жавобгарликдан озод қилиниши мумкин.

**3. Шун**и назарда тутиш керакки, шахс жиноят содир этилган вақтдагина эмас, балки жавобгарликдан озод этиш тўғрисида тегишли қарор ёки ажрим чиқариляётганида ҳам 18 ёшга тўлмаган бўлса, шарҳланаётган модданинг қондаларини қўллаш мумкин. Агар шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида кўрсатилган жавобгарликдан озод этиш асослари мавжуд бўлса, бироқ қарор (ажрим) чиқарилганида айбдор 18 ёшга тўлса, бундай шахсни жавобгарликдан озод этиш масаласи Жиноят кодексининг 64-68-моддалари тартибда умумий асосларда ҳал қилиниши лозим.

**4. Вояга етмаган шахсни жавобгарликдан озод қилиб,** ишни вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияда кўришга топширишга фақат у жиноятни биринчи марта содир этган бўлиб, қилмиши катта ижтимоий ҳавф туғдирмасагина, йўл қўйилади.

Агар шахс томонидан аввал умуман жиноят содир этилмаган бўлса ёки аввал содир этилган жиноят учун жиний жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетган, судланганлик белгиланган тартибда тугалланган ёки олиб ташланган ёхуд шахс муқаддам содир этган жиний хатти-ҳаракат учун қонунда жавобгарлик бекор қилинган бўлса, шунингдек,

ЖКнинг 65, 66, 66<sup>1</sup>, 68, 69, 70, 71, 76-моддаларига биноан шахс илгари содир этган жинояти учун жиний жавобгарликдан ва жазодан озод этилган бўлса, жиноят биринчи марта содир этилган деб топилади<sup>1</sup>. *(Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар ҳақида ЖКнинг 15-моддаси шарҳига қаранг)*

5. Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган вояга етмаган шахсни жавобгарликдан озод қилиб, ишни вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияда кўришга топширишнинг мақсадга мувофиқлиги масаласи содир этилган қилмишининг хусусиятлари, айбдорнинг шахси ва ишнинг бошқа ҳолатларини ҳар томонлама таҳлил қилиш асосида ҳал қилиниши мумкин.

Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми мазмуни бўйича содир этилган қилмишнинг хусусиятлари дейилганда, жамиятга хавfli қилмишлар хусусиятларини, жиноят қонуни билан ҳимояланган у ёки бу жамоат муносабатларига зарар етказишга йўналтирилган ҳамда жиний истакка эришиш усулларини (куч ишлатиб ёки ишлатмай) тушуниш зарур.

Вояга етмаган шахсни жиний жавобгарликдан озод этиш масаласини ҳал этаётганда инobatга олинадиган ишнинг бошқа ҳолатларига жиноятни биринчи марта содир этганлик, жиноят содир этиш вақтига қадар шахснинг ижобий хулқи, етказилган зарарни ихтиёрий коплаши, жиноятни очишда фаол ёрдам бериши, илгари тарбия характеридаги мажбурлов чоралари қўлланилганлиги, касалликнинг мавжудлиги, ўсмирнинг оиладаги, ўқув муассасаларидаги тарбия олиш шароити, катталарнинг таъсири остида жиноят содир этиши ва бошқалар киради. Вояга етмаган шахсни шарҳланаётган модданинг биринчи қисми тартибида жиний жавобгарликдан озод этиш масаласини ҳал қилаётганда, шахсни жавобгарликдан озод этиш салбий натижаларга олиб келиши мумкин ёки мумкин эмаслигига алоҳида эътибор қаратиш лозим, масалан, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахс алкоғолизм, гиёҳвандлик ёки токсикомания касаллиги билан

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўрисида»ги 1-сонли қарори, 10-банд.

оғриётганлиги ва илгари у жамоат тартибини бузганлиги учун бир неча марта жавобгарликка тортилганлиги, ички ишлар органи ҳисобида турганлиги ва бошқа ҳолатлар. Қоидага кўра, бундай ўсмирларни жавобгарликдан озод этиш зарур ҳолларда қўлланиши лозим. *(Айбланувчининг шахси тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 54-моддаси шарҳига қаранг)*

6. Вояга етмаганни жиноий жавобгарликдан озод қилиш тегишли материалларни вояга етмаганнинг турар жойи бўйича вояга етмаганлар ишлари бўйича туман (шаҳар) идоралараро комиссиясига жўнатиш йўли билан амалга оширилади.

Вояга етмаганларни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома билан, шунингдек қонунчиликда назарда тутилган бошқа масалалар бўйича судга мурожаат қилиш бўйича вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияларнинг ҳукуки Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги Қонунида<sup>1</sup> ҳам кўрсатиб ўтилган.

7. Кўрсатилган таъсир кўрсатиш чоралари қўлланилаётганда вояга етмаганлар ишлари бўйича туман (шаҳар) идоралараро комиссияси ҳуқуқбузарликнинг хусусияти ва сабабларини, вояга етмаганнинг ёшини ва унинг ҳаёт шароитларини, унинг ҳуқуқбузарлик қилишда қай даражада иштирок этганлигини, шунингдек унинг турмушидаги, таълим муассасасидаги ва ишдаги ҳулқ-атворини, албатта, ҳисобга олиши лозим.

Танлаб олинган тарбиявий таъсир кўрсатиш чораси вояга етмаганга таъсир қилмаган тақдирда, комиссия бундай вояга етмаганга нисбатан юқорида санаб ўтилган таъсир кўрсатиш чораларидан қаттиқроғини қўллашга ҳақлидир.

8. Ўн саккиз ёшга тўлмаган вояга етмаган шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилиш шарҳланаётган модданинг

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги ўРҚ–263-сонли Қонуни, 9-модда 1-қисмининг 9-хатбошиси // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2010 й., 39-сон, 341-модда.



биринчи қисмига мувофиқ, дастлабки тергов вақтида терговчи ёки прокурорнинг қарорига ёхуд суд ишни қўришга тайинлаш вақтида суднинг ажримига мувофиқ амалга оширилиши мумкин. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ўз қарорида белгилаганидек, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган вояга етмаган шахс, агар содир этилган қилмишининг хусусияти, айбдорнинг шахси ва ишнинг бошқа ҳолатларини эътиборга олиб, суд уни жазо қўллагандан туриб ҳам тузатиш мумкин деган ҳулосага келса, ишни қўриш учун тайинлаш босқичида ишни тугатиш ва уни вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссияда қўришга юбориш ҳақида ажрим чиқаради<sup>1</sup>. Бундай ҳолатда жиноят иши вояга етмаган шахснинг розилиги билан унинг айблилик масаласи ҳал қилинмай туриб тугатилади.

Вояга етмаган шахс суриштирувчи ёки бошқа орган, мансабдор шахс томонидан жавобгарликдан озод қилиниши мумкин эмас.

**9. Шарҳланаётган модда иккинчи қисми** қондаларининг таҳлилидан қўриниб турибдики, шарҳланаётган модданинг иккинчи қисми тартибда вояга етмаганни жазодан озод қилиш хусусияти шу модданинг биринчи қисмига мувофиқ уни жавобгарликдан озод қилиш хусусиятига жуда ўхшайди. Хусусан, вояга етмаган шахс суд томонидан унга мажбурлов чоралари қўлланиб, қўйидаги ҳолатларда жазодан озод қилиниши мумкин:

– вояга етмаган шахс томонидан унча оғир бўлмаган жиноят биринчи марта ёки ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят такроран содир этилса;

– содир этилган қилмишнинг хусусиятлари, айбдорнинг шахси ва ишнинг бошқа ҳолатларини эътиборга олиб, вояга етмаганни жазо қўллагандан туриб ҳам тузатиш мумкин бўлса.

**10.** Вояга етмаган шахсни жиноят содир этишда айбдор, деб топиб, жазодан озод қилиш, фақат суд томонидан қонунда қўрсатилган тартибда амалга оширилади. Ўзбекистон

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 21-сонли қарори, 6-банд, 3-хатбоши.

Республикаси Олий суди Пленумининг тушунтиришларига мувофиқ, Жиноят кодекси 87-моддасининг 2-қисмида кўрсатилган асослар билан вояга етмаган шахсни жазодан озод этиш ва унга нисбатан шу кодекснинг 88-моддасида кўрсатилган мажбурлов чораларини қўллаш юзасидан суд жазо тайинламасдан туриб жазодан озод этиш ҳақида ҳукм чиқаради<sup>1</sup>.

11. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисми тартибида 18 ёшга тўлмаган шахсни жазодан озод қилиш вақтида унга нисбатан бир вақтнинг ўзида қандай турдаги мажбурлов чораси қўлланилишини белгилашни талаб қилади. Бунда судлар томонидан фақат бир турдаги мажбурлов чоралари қўлланиши мумкинлигини эсда тутмоқ зарур.

Жиноят содир этишда айбдор деб топилган вояга етмаган шахсга нисбатан тарбиявий характердаги мажбурлов чораларидан бирини танлашда, суд, Жиноят кодексининг 88-моддасида белгиланган рўйхатга мурожаат қилади.

12. Шарҳланаётган модданинг учинчи қисмига мувофиқ, ривожланишда ўз ёшига нисбатан анча орқада қолган вояга етмаганларга нисбатан ҳам мажбурлов чоралари қўлланилиши мумкин.

**Ривожланишда ўз ёшига нисбатан орқада қолиш** деганда, ақлий ривожланиш жиҳатидан ўз тенгдошларидан жиддий равишда орқада қолиш тушунилади. Ақлий ривожланиш даражасини аниқлашда шахснинг тарбияланиш шароитини, муайян ижтимоий гуруҳга мансублигини, моддий таъминланганлигини ва бошқа ҳолатларни инобатга олиш лозим.

Вояга етмаган судланувчининг ақли норасолигидан далолат берувчи маълумотлар мавжуд бўлган тақдирда, вояга етмагanning ақлий ривожланишида ортда қолгани ёки ортда қолмагани ҳақидаги масалага аниқлик киритиш учун комплекс суд-руҳиятшунослик экспертизаси тайинланиши лозим<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 21-сонли қарори, 6-банд, 4-хатбоши.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 21-сонли қарори, 6-банд, 5-хатбоши.

Вояга етмаганнинг рухий ривожланишдаги қолоқлиги уни ақли расоликдан махрум этмайди. Шахснинг қолоқлиги қандайдир рухий бузилиш билан шартлашилмайди, балки индивидуал ёш хусусиятлари инобатга олинади. Шу муносабат билан вояга етмаганнинг жиноий жавобгарлиги ва жазо истисно қилинмайди, бироқ ҳар бир ҳолатда суд жазо ўрнига мажбурлов чорасини қўллаш мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги масалани ечиши лозим.

13. Жазо ўрнига мажбурлов чораларини қўллаш масаласини ҳал этишда шахснинг ақлий орқада қолиш даражасини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир. Мазкур масалаларнинг ечими экспертлар комиссияси ихтиёрига ҳавола этилиши ҳам мумкин. Бунда вояга етмаганнинг ақлий ривожланиши унинг ёшидан нақадар ортда қолганлиги, ақли заифлиги қай даражада эканлиги ҳақидаги саволларга жавоб бериш шарт қилиб қўйилиши керак<sup>1</sup>.

14. Жазо ўрнига мажбурлов таъсир чораларини қўллашда ақлий ривожланишда орқада қолган вояга етмаган шахс содир этган ғайриқонуний ҳаракатнинг мазмунини англамаганлигини инобатга олиш лозим. Бунда шуни ёдда тутиш керакки, баъзи жамият учун хавfli бўлган жиноятлар учун субъектнинг пасайтирилган ёши (14 ёш) белгиланган.

15. Ривожланишда ўз ёшига нисбатан орқада қолган вояга етмаган шахсга нисбатан жазо ўрнига мажбурлов чораларини қўллаётганда, суд ҳукмда шахсни айбдор, деб топиш, жазонинг тури ва миқдорини, шунингдек, жазо ўрнига мажбурлов чораларини қўллаганлигини кўрсатиб ўтиши шарт. Ҳукмнинг баён қисмида қабул қилинган қарор, албатта, тўлиқ асослантирилиши керак.

Таъкидлаш жоизки, суд ўз ёшига нисбатан ривожланишдан орқада қолган вояга етмаган шахсга нисбатан мажбурлов чораларини тайинлашда қилмишнинг оғирлик даражасини эътиборга олмайди. Аммо мажбурлов чораларини танлаш вақтида ҳаракатнинг ижтимоий хавfliлиги ва тавсифи

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 21-сонли қарори, 6-банд, 6-хатбоши.

ҳисобга олинади. Бунда, суд ЖКнинг 88-моддасида белгиланган мажбурлов чоралари рўйхатидан келиб чиқади, бироқ бир турдаги чораларни қўллаш шарт билан боғлиқ бўлиб қолмайди. Зарур ҳолларда вояга етмаган шахсга нисбатан бир вақтнинг ўзида бир-бирини қайтармайдиган ёки бекор қилмайдиган бир неча таъсир чораларини қўллаш мумкин.

---

### 88-модда. Мажбурлов чоралари

Вояга етмаган шахсларга нисбатан қуйидаги мажбурлов чоралари қўлланилади:

а) суд белгилайдиган шаклда жабрланувчидан узор сўраш мажбуриятини юклаш;

б) ун олти ёшга тўлган шахс зиммасига етказилган зарарни ўз маблағи ҳисобидан ёки меҳнати билан тўлаш ёки бартараф қилиш мажбуриятини юклаш. Ушбу чора агар етказилган зарар белгиланган базавий ҳисоблаш микдорининг ун бараваридан ошиб кетмаган бўлса қўлланилади. Бошқа ҳолларда етказилган зарар фуқаровий ҳуқуқий тартибда ундирилади;

в) вояга етмаганни махсус ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш.

Вояга етмаган шахсларни махсус ўқув-тарбия муассасаларида бўлиш муддати ва шартлари Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги билан белгиланади.

---

## Ш А Р Ҳ

---

1. Жиноят кодексининг шарҳланаётган моддасида мажбурлов чораларининг рўйхати келтирилган бўлиб, бу чоралар судлар томонидан вояга етмаган шахсларни жинойат жазодан озод қилишда ёки жинойат жазо ўрнига ЖКнинг 87-моддаси талабларига мувофиқ, мажбурлов чоралари тайинлашда қўлланилади. Вояга етмаганларга нисбатан қўлланилиши

мумкин бўлган мажбурлов чораларининг рўйхати қонунда белгиланиши ушбу соҳадаги суд амалиётининг ягоналигини таъминлайди.

2. Инобатга олиш лозимки, шарҳланаётган моддада келтирилган мажбурлов чораларининг рўйхати тизим хусусиятларига эга. Хусусан, у қатъий ҳисобланади ва унинг кенгайтирилган талқин қилинишига йўл қўйилмайди, унда кўрсатилган чоралар эса, енгилроғидан оғирроғига қараб кетма-кетликда жойлаштирилган. Шу муносабат билан вояга етмаганга қаттиқ мажбурлов чораларини фақат бир ҳолатда, 18 ёшга тўлмаган шахсга қонунда назарда тутилган енгилроқ таъсир чоралари самарасиз бўлгандагина тайинлаш мумкин.

3. **Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми «а» бандига биноан, суд белгилайдиган тартибда айбдорга жабрланувчидан узр сўраш мажбуриятини юклаш** назарда тутилган. Бу чора шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида назарда тутилган чоралардан энг енгили бўлиб, вояга етмаганнинг ўз қилмишида айбдорлигини тан олиши, жабрланганга етказган зарари учун пушаймонлиги ва унга кечирим сўраб мурожаат қилишидан иборат.

Вояга етмаган шахс жабрланувчидан оғзаки ёки ёзма равишда, кўпчиликнинг олдида ёки яққа тартибда узр сўрайди. Узр сўраш жойи, вақти ва тартибини суд белгилайди. Узр сўраш мажбуриятини юклаш тариқасида мажбурлов чораси ижро этилганлиги тўғрисида тегишли ҳужжат расмийлаштирилади<sup>1</sup>. Қоида тариқасида, вояга етмаган шахсга нисбатан ушбу турдаги мажбурлов чораси, агар қилмиш маънавий зарар етказиш, жамоат тартибини бузиш билан боғлиқ бўлсагина, қўлланилади, жабрланувчининг ҳаёти, соғлиги ёки мулкига зарар етказилган бўлса, бундай чора қўлланилмайди.

4. **Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми «б» бандида етказилган зарарни қоплаш ёки уни бартараф этиш мажбуриятини юклаш каби вояга етмаган шахсга нисбатан қўлланиладиган мажбурлов чораси назарда**

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси, 195-модда // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 6-сон, 175-модда.

тутилган. Қонунда аниқ кўрсатилганидек, мазкур мажбурлов чораси шахс ўн олти ёшга тўлган бўлсагина, етказилган зарарни қоплаш ёки уни бартараф этиш орқали қўлланилади.

**Зарарни қоплаш** деганда, жиноят содир этиш вақтида зарар етказилган ёки сарфланган мулк ўрнига худди шундай мулкни топшириш, пул маблағлари, валюта ва бошқа қимматликларни қайтариб бериш тушунилади. Зарарни қоплаш вояга етмаган шахснинг ўз шахсий маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

**Зарарни бартараф этиш** деганда, зарар етказилган мулкни тузатиш, таъмирлаш ёки қайта тиклаш орқали мулкни олдинги ҳолига келтириш тушунилади. Зарарни бартараф этиш ўз маблағи ҳисобидан ёки меҳнат қилиш орқали амалга оширилиши мумкин. Хусусан, зарарни бартараф этиш зарар етказилган мулкни таъмирлаш, жабрланувчининг ҳолидан хабар олиб уни парваришlash ва бошқа шаклда бўлса, қўлланилади.

5. Вояга етмаган шахсга нисбатан ушбу чорани қўллашда суд уни индивидуаллаштириш заруратидан ва мажбурлов чорасининг фақат қилмишни содир этган шахсга тааллуқли бўлиши шартлигидан келиб чиқиши шарт. Зарарни қоплаш ёки уни бартараф этиш мажбуриятини юклашда, суд, хусусан, шахснинг мулкий аҳволини жиддий текшириши, унинг меҳнатга қобилиятлилиқ даражасини, зарарни қоплаш ёки уни бартараф этишга хоҳиши борлигини аниқлаши лозим. Бунда шахснинг мулкий аҳволига баҳо беришда шахснинг мустақил даромадларини (солиқдан озод этилган даромадларини ҳам), мулкни ва бу мулкка унинг ҳуқуқини ҳамда кўрсатилган шахсий мулкка ўзга шахсларнинг мажбуриятларини ҳисобга олиш зарур. Меҳнатга лаёқатсиз шахсга етказилган зарарни ўз меҳнати эвазига бартараф этиш мажбуриятини юқлаб бўлмайди. Бундай ҳолларда, қоидага кўра, унга етказилган зарарни қоплаш мажбуриятини юклаш ёки бошқа мажбурлов чорасини қўллаш лозим.

Етказилган зарарни қоплаш фақат вояга етмагanning шахсий даромадлари ёки меҳнати ҳисобига амалга оширилади. Етказилган зарарни ўзга шахсларнинг мулклари ёки ёрдами ҳисобига қоплашга йўл қўйилмайди.

6. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, етказилган зарар миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баробаридан юқори бўлмаса, уни қоплаш мажбурияти юклатилади. Бошқа ҳолларда зарарни қоплаш фуқаровий-ҳуқуқий тартибда амалга оширилади, бу вояга етмаганга шарҳланаётган моддада назарда тутилган бошқа мажбурлов чораларини қўллашга тўсқинлик қилмайди.

**Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми «б» бандида** назарда тутилган мажбурлов чорасини ижро этишнинг тартиби ва муддатлари суд томонидан аниқланади. Унинг ижроси тўғрисида ҳам тегишли хужжат тайёрланади<sup>1</sup>.

7. **Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми «в» банди** энг қаттиқ мажбурлов чорасини назарда тутати — **вояга етмаганни махсус ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш**. Ушбу чора қўлланилганда вояга етмаган шахсларнинг мулоқот қилиш эркинлиги чекланади, ўқиш, ишлаш ёки соғлиғини тиклашда махсус талаблар билан режим белгиланади. Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсни бундай муассасага жойлаштириш учун уни бошқа йўллар билан тарбиялашнинг иложи йўқлиги, суд ҳукмида ишнинг аниқ ҳолатларига қараб асослантирилган тақдирдагина, бундай мажбурлов чорасини қўллашга йўл қўйилади. Бу чорани ота-онанинг ёки унинг ўрнини босувчи шахсларнинг назорати остидан чиқиб кетган, доим тарбиясига салбий таъсир этадиган жойларда ўсган болаларга нисбатан қўллаш мақсадга мувофиқдир.

8. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмига мувофиқ, вояга етмаган шахсларнинг махсус ўқув-тарбия муассасаларида бўлиш муддати ва шартлари Ўзбекистон Республикасининг қонунлари билан белгиланади.

9. Амалдаги қонунчиликка асосан, вояга етмаганлар учун махсус ўқув-тарбия муассасалари ихтисослаштирилган мактаблар ва ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежларига бўлинади.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси, 196-модда // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 6-сон, 175-модда.

Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига ўн бир ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган, таъминлаш, тарбиялаш ва таълим бериш учун алоҳида шароитларга муҳтож вояга етмаганлар қуйидаги ҳолларда уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга жойлаштирилиши мумкин, агар улар:

ижтимоий хавфли қилмишлар содир этган, лекин жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган ёшга тулмаган ёхуд руҳий ҳолатининг бузилганлиги билан боғлиқ бўлмаган ҳолда ривожланишда ўз ёшига нисбатан анча орқада қолиши оқибатида содир этган қилмишининг аҳамиятини тула равишда англаб етишга қодир бўлмаган бўлса;

айблилиги тўғрисидаги масала ҳал қилинмай туриб жиноий жавобгарликдан озод қилинган, материаллар вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияга кўриб чиқиш учун топширилган бўлса;

ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштириш тариқасидаги мажбурлов чораси қўлланилган ҳолда жиноий жазодан озод қилинган бўлса;

якка тартибдаги профилактика иши олиб борилаётганлигига қарамай ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир қилишни давом эттираётган бўлса<sup>1</sup>.

Вояга етмаганлар ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларида ахлоқан тузалгунларигача сақланадилар, лекин бу муддат уч йилдан ортиқ бўлмаслиги керак. Вояга етмаганларнинг ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларида бундан кейин бўлишларининг мақсадга мувофиқ-номувофиқлиги масаласи вақти-вақти билан, лекин йилига камида бир марта шу муассасалар жойлашган жойдаги вояга етмаганлар ишлари бўйича туман (шаҳар) комиссиялари томонидан, мазкур комиссияларнинг ўз ташаббуси билан, ана шу муассасалар маъмуриятларининг тақдимномаси ёки вояга етмаганларнинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар илтимосномасига биноан кўриб чиқилади.

<sup>1</sup> Қаранг: : Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги ЎРҚ-263-сонли қонуни, 14-модда // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 39-сон, 341-модда.



10. Айтиш керакки, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига жисмоний нуқсонлари, ушбу муассасаларда сақлаш, тарбиялаш ва ўқитишга тўсқинлик қилувчи, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган касалликлар рўйхатига киритилган касалликлари бўлган вояга етмаганлар жойлаштирилиши мумкин эмас<sup>1</sup>.

11. Айтиш керакки, шарҳланаётган моддада белгиланган мажбурлов чоралари тарбиявий аҳамиятга эга. Бошқача айтганда, улар жинойий жазо хусусиятига эга эмас, қилмиш учун жазони келтириб чиқармайди, балки вояга етмаган шахсга ўз қилмишининг нотўғри эканлигини тушунтиришга ҳаракат қилади. Бундан ташқари, мажбурлов чораларини қўллаш, шахсни ўзгартириш учун эмас, балки уни ривожлантириш, тарбиялашни кўзда тутаяди. Шунга мувофиқ, мажбурлов чораларини қўллаш шахсни судланган деб топиш учун асос бўлмайди, мажбурлов чорасини қўллашда, биринчи навбатда, айбланувчининг шахсини ва унинг яшаш шароитини ҳисобга олиш зарур.

ЖКнинг 87-моддасига кўра, суд ҳукми билан жинойий жазодан озод этилган ёки жазо ўрнига мажбурлов чоралари тайинланган вояга етмаган шахс мажбурлов чораларини бажаришдан бўйин товласа, бундай шахсга нисбатан оғирроқ мажбурлов чораси ёки жинойий жазо тайинланади.



---

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги ўРҚ–263-сонли қонуни, 14-модда // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 39-сон, 341-модда.

### 89-модда. Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш

Ун саккиз ёшга тўлмасдан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилишга, озодликни чеклашга ёки ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсга нисбатан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш тартиби қўлланилиши мумкин.

Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган жазо турлари учун белгиланган тартиб-қоида талабларини бажарган меҳнат ва ўқишга ҳалол муносабатда бўлган маҳкумга нисбатан қўлланилиши мумкин.

Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш:

а) ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят учун тайинланган жазо муддатининг камида тўртдан бир қисми;

б) оғир жиноят учун тайинланган жазо муддатининг камида учдан бир қисми;

в) ўта оғир жиноят учун, шунингдек қасддан содир этган жинояти учун, агар шахс илгари қасддан содир этилган жиноят учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган бўлса, тайинланган жазо муддатининг камида ярмини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин қўлланилади.

Жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш қўлланилган шахс жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этса, суд унга нисбатан ушбу Кодекснинг 60 ва 86-моддаларида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ жазо тайинлайди.

---

## Ш А Р Ҳ

---

1. Жиноят кодексининг шарҳланаётган моддасида, ун саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсларга нисбатан қўлланиладиган жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш хусусида гап боради. Шарҳланаётган

модда қоидалари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилишнинг умумий масалаларини тартибга соладиган ЖКнинг 73-моддасига нисбатан махсус норма сифатида кўрилиши лозим. Шунинг учун шарҳланаётган моддада кўрсатилмаган ҳолатлар ЖКнинг 73-моддасида назарда тутилган.

2. Шунини айтиб ўтиш лозимки, шарҳланаётган модда қоидалари содир этилган қилмиши учун жазони ўтаётган ўн саккиз ёшга етмаган шахсларгагина нисбатан қўлланилади. Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш вақтида вояга етганлик факти аҳамиятга эга эмас.

3. **Шарҳланаётган модданинг 2-қисмига** мувофиқ, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган жазо турлари учун белгиланган тартиб-қоида талабларини бажарган меҳнат ва ўқишга ҳалол муносабатда бўлган маҳкумга нисбатан қўлланилиши мумкин.

4. **Меҳнатга ёки ўқишга ҳалол муносабат** деганда, вояга етмагanning ҳалол меҳнат қилиши ва ўқишга ҳалоллик билан муносабатда бўлганлиги, фақатгина маълумот олиш учун ўқишга бўлган муносабатигина эмас, балки ҳунар-техника билим юртида ўқиши ва ўз малакасини ошириши ҳам назарда тутилади. Вояга етмагanning ўқишга ва меҳнатга ҳалол муносабати уни муддатидан олдин шартли равишда жазодан озод қилишда қал қилувчи аҳамиятга эгадир. Ҳукм қилинган шахснинг виждонан муносабатда бўлиши фақат жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш масаласи кўриб чиқиляётган вақтда эмас, балки белгиланган жазони ўташ муддати мобайнида ўзгарганидан гувоҳлик бериши керак.

5. **Шарҳланаётган модданинг учинчи қисмида** вояга етмаган ёшда жиноят содир қилган шахсга жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилишни қўллаш учун жазо ўташнинг энг кам зарур муддати белгиланган. Бу муддатлар катталар учун ўрнатилган муддатларга нисбатан анча қисқартирилган ҳамда ЖКнинг 73-моддасида қилмишнинг оғирлигидан ва қилмишда рецидив хусусият мавжудлигидан келиб чиқиб дифференцияланган.

6. Шундай қилиб, маҳкумни жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш кўриб чиқиладиган модда қондалари бўйича, фақат қуйидаги шартларга риоя қилинган ҳолда амалга оширилиши мумкин:

– вояга етмаган ёшда содир қилган жинояти учун жазо ўтаётган бўлса;

– ахлоқ тузатиш ишлари ёки озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган бўлса;

– маҳкум унга тайинланган тартибга риоя қилса, унинг тузалаётгани тўғрисида гувоҳлик берувчи меҳнатга ёки ўқишга виждонан муносабатда бўлса;

– маҳкум шарҳланаётган модданинг учинчи қисмида белгиланган содир этган қилмишининг оғирлигига қараб тайинланган жазонинг энг кам зарур муддатини ўтаган бўлса.

7. Жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш ўн саккиз ёшга тулмай жиноят содир этган шахсларга нисбатан жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти ва вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссиянинг биргаликдаги тақдимномасига биноан ёхуд маҳкумнинг, унинг ҳимоячисининг илтимосномасига асосан судья томонидан қўлланилади<sup>1</sup>.

8. Шарҳланаётган модданинг тўртинчи қисмига кўра, жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш қўлланилган шахс жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этса, суд унга нисбатан Жиноят кодексининг 60-моддаси ва 86-моддасида назарда тутилган қондаларга мувофиқ жазо тайинлайди. Шу давр мобайнида эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноят шартли равишда озод қилиш учун аҳамиятга эга эмас.

9. Шарҳланаётган модда тартибга солинмаган масалалар ЖКнинг 73-моддасига мувофиқ ҳал қилиниши лозим. Хусусан, 18 гача бўлган ёшда содир этган жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш, ўн тўрт ёшга тулмаганлиги айбдорга аён бўлган жабрланувчининг

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. 536-модда 3-қисм; 541-модда 2-қисм // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 2-сон.

номусига тегиш ёки унга нисбатан зўрлик ишлатиб, жинсий эҳтиёжни файритабий усулда қондириш ва бошқалар учун ҳукм қилинган шахсларга нисбатан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш қўлланилиши мумкин эмас (ЖКнинг 73-моддаси 4-қисми).

*(Тўлиқроқ жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ҳақида Жиноят кодексининг 73-моддаси шарҳига қаранг)*

### **90-модда. Жазони енгилроғи билан алмаштириш**

Ўн саккиз ёшга тўлгунча содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш, озодликни чеклаш ёки ахлоқ тузатиш ишига ҳукм қилинган шахсга нисбатан жазонинг ўталмаган қисми енгилроқ жазо билан алмаштирилиши мумкин.

Жазони енгилроғи билан алмаштириш ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган жазо турлари учун белгиланган тартиб-қоида талабларини бажарган ва меҳнат ёки ўқишга ҳалол муносабатда бўлиб келаётган маҳкумга нисбатан қўлланилиши мумкин.

Жазонинг ўталмаган қисмини енгилроғи билан алмаштириш:

а) ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят учун тайинланган жазо муддатининг камида бешдан бир қисми;

б) оғир жиноят учун тайинланган жазо муддатининг камида тўртдан бир қисми;

в) ўта оғир жиноят учун, шунингдек қасддан содир этган жинояти учун, агар шахс илгари қасддан содир этилган жиноят учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган бўлса, тайинланган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини ўтаб бўлинганидан кейин қўлланилиши мумкин.

Озодликдан маҳрум қилиш ёки озодликни чеклаш тариқасидаги жазонинг ўталмаган қисми ахлоқ тузатиш ишлари билан алмаштирилганда ахлоқ тузатиш ишлари озодликдан маҳрум қилиш ёки озодликни чеклаш жазосининг ўталмаган қисми муддатига тайинланади.

Жазо енгилроғи билан алмаштирилган шахсларга нисбатан енгилроқ жазонинг тегишли қисми ўтаб бўлинганидан кейин ушбу Кодекснинг 89-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ, жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш қўлланилиши мумкин.

Жазо енгилроғи билан алмаштирилган шахс жазонинг ўталмаган қисми мобайнида янги жиноят содир этса, суд унга нисбатан ушбу Кодекснинг 60 ва 86-моддаларида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ жазо тайинлайди.

---

## Ш А Р Ҳ

---

1. Жиноят кодекси шарҳланаётган моддасида ўн саккиз ёшга тулгунча жиноят содир этганлиги учун ҳукм қилинган вояга етмаган шахсга нисбатан белгиланган жазони енгилроғи билан алмаштириш кўзда тутилади. Шунга айтиш керакки, шарҳланаётган модда жазони енгилроғи билан алмаштиришнинг умумий қоидаларини тартибга солувчи ЖКнинг 74-моддаси қоидаларини тулдиради ва шарҳланаётган моддада ҳал этилмаган саволларга жавобни ЖКнинг 74-моддасидан топиш мумкин.

2. Вояга етмаган шахсларга нисбатан тайинланган жазони енгилроғи билан алмаштириш институтини қўллаш учун қонун жазонинг ўталмаган қисмини енгилроқ жазо турига алмаштириш учун вояга етмаган маҳкум томонидан ўталиши шарт бўлган анча қискартирилган муддатларни белгилайди.

Ушбу моддани қўллаш мобайнида, вояга етмаганларга нисбатан қўлланиши мумкин бўлган жазо тизимини ҳамда, тегишинча, уларнинг бир-бирига нисбатан қаттиқлигини белгилайдиган ЖКнинг 81-моддаси қоидаларини инобатга олиш керак. Ушбу моддада кўрсатилган жазоларгина, шахсга жазонинг ўталмаган қисмини енгилроғи билан алмаштиришда шарҳланаётган моддага мувофиқ тайинланиши мумкин.

3. Шарҳланаётган модданинг бошқа қоидалари ЖКнинг 74 ва 89-моддалари қоидаларига ўхшаш. (*Тўлиқроқ кўрсатилган моддаларнинг шарҳига қаранг*)

---

## Еттинчи бўлим. ТИББИЙ ЙЎСИНДАГИ МАЖБУРЛОВ ЧОРАЛАРИ

### ХVII боб. ТИББИЙ ЙЎСИНДАГИ МАЖБУРЛОВ ЧОРАЛАРИНИНГ АСОСЛАРИ ВА УЛАРНИ ТАЙИНЛАШ

#### 91-модда. Мажбурлов чораларининг мақсадлари

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари рухий ҳолати бузилган, ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсларга нисбатан ушбу шахсларни даволаш ва уларнинг янги ижтимоий хавфли қилмишлар содир этишининг олдини олиш мақсадида тайинланиши мумкин.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари алкоголизмга, гиёҳвандликка ёки заҳарвандликка йўлиққан ёхуд акли расоликни истисно этмайдиган тарзда рухий ҳолати бузилган шахсларга нисбатан жазолаш билан бир қаторда, даволаш учун ва жазолаш мақсадига эришишга кўмаклашувчи шароитлар яратиш учун суд томонидан тайинланиши мумкин.

---

## Ш А Р Х

---

1. **Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми** рухий ҳолати бузилган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилишининг мақсадларини белгилайди. Хусусан, қонун чиқарувчи бундай мақсадлар сифатида ижтимоий хавфли қилмиш содир қилган рухий ҳолати бузилган шахсларни даволашни ҳамда рухий ҳолати бузилганлар томонидан янги ижтимоий хавфли қилмиш содир этилишининг олдини олишни белгилайди. Кимни рухий ҳолати бузилган, деб топиш лозимлигини қонун тушунтирмаганлиги туфайли бу тушунчанинг таърифини тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашнинг умумий асосларини тартибга солувчи ЖКнинг 92-моддаси қондаларининг таҳлилидан келиб чиқиб шакллантириш мумкин. (ЖКнинг 92-моддаси шарҳига қаранг)

2. Шарҳланаётган модда нуқтаи назаридан, **даволаш** деганда, касалга уни ижтимоий тиклаш ва руҳий ҳолатини ижобий ўзгартириш учун аниқ таъсир қилиш жараёни тушунилади. Бундай ҳолда даволаш, шахснинг тўлиқ тузалишини мақсад қилиб қўймаса-да, аммо шахсни жамият учун хавф туғдирмайдиган даражада руҳий жиҳатдан тузатишга қаратилади.

Рухий ҳолати бузилган шахснинг ёки унинг қонуний вакилининг маълумотларни билган ҳолда тиббий аралашувга ихтиёрий розилигисиз даволаш фақат тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш чоғида, шунингдек психиатрия муассасасига ғайриихтиёрий тартибда ётқизилганда амалга оширилиши мумкин.

Юқорида кўрсатилган шахсларга нисбатан руҳий ҳолат бузилишларини даволаш учун асл ҳолига қайтариб бўлмайдиган оқибатларни келтириб чиқарадиган жарроҳлик усулларини ҳамда бошқа усулларни қўллашга, шунингдек уларда профилактика, ташхис қўйиш, даволаш ва тиббий реабилитация қилиш усуллари, тиббиёт учун мўлжалланган дори воситалари ва буюмлари, махсус шифобахш озиқ-овқат маҳсулотлари синовларини ўтказишга йўл қўйилмайди<sup>1</sup>.

3. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари ижтимоий хавfli қилмиш содир этган шахсга нисбатан қўлланилгандан сўнг, даволашни таъминлашдан ташқари, янги ижтимоий хавfli қилмиш содир этилишининг олдини олишни мақсад қилиб қўйиши лозим. Қўлланилган мажбурлов чоралари нафақат даволаниш вақтида қўлланилади, балки шахс соғайганидан сўнг ҳам қўлланилиши мумкин. Суд янги ижтимоий хавfli қилмишни содир этган руҳий ҳолати бузилган шахсга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини таъминлайди, соғлиқни сақлаш идоралари эса, ижро этади ва даволашнинг давомийлигини таъминлайди.

4. Айтиш жоизки, ижтимоий хавfli қилмиш содир этган руҳий ҳолати бузилган шахсга тиббий йўсиндаги

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 12 майдаги «Психиатрия ёрдами тўғрисида»ги УРҚ-690-сонли Қонуни, 14-модда 5-б-қисмлар // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.05.2021 й., 03/21/690/0452-сон.



мажбурлов чорасининг аниқ турини танлашда белгиланган мақсадларнинг ҳаммасига эришиш заруриятдан келиб чиқиш лозим. Ушбу чораларни ижро этувчи соғлиқни сақлаш идоралари ҳам шундай принципларга риоя қилишлари лозим. Шу билан бир вақтда, руҳий ҳолати бузилган шахс томонидан янги жамиятга хавфли қилмиш содир этилишининг олдини олиш мақсадларига катта аҳамият бериш лозим. Шу муносабат билан, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини айрим касалликларга қарши кўрсатма мавжудлигида, натижасизлигида ёки айрим касалликларнинг фаол даволаш услублари ишлаб чиқилмаганлиги учун, зарурият туғилганда ўтказилаётган даволашда танаффус қилиб, тегишли даволаш ўтказмасдан туриб тайинлашга ва қўллашга йўл қўйилади. Бундан ташқари, тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари суд томонидан, ушбу чоралар қўлланган шахсларнинг соғлиғи касалликнинг ривожланиши натижасида жуда оғирлашиб, жамият учун ҳам, ўзи учун ҳам хавф туғдирмай қўйганда бекор қилинади.

**5. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисми, алкоголизм, гиёҳвандлик** ёки захарвандликка йўлиққан ёхуд ақли расоликни истисно этмайдиган тарзда руҳий ҳолати бузилган шахсларга нисбатан қўлланиладиган тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларининг мақсадларини белгилайди. «Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари алкоголизмга, гиёҳвандликка ёки захарвандликка йўлиққан ёхуд ақли расоликни истисно этмайдиган тарзда руҳий ҳолати бузилган шахсларга нисбатан жазолаш билан бир қаторда, даволаш учун ва жазолаш мақсадига эришишга кўмаклашувчи шароитлар яратиш учун суд томонидан тайинланиши мумкин»

Шу билан бир вақтда, қонун кўрсатилган шахслар томонидан жамиятга хавфли қилмишлар содир этилишининг олдини олишни мустақил мақсад сифатида қўймайди, чунки кўриб чиқиладиган шахслар томонидан жиноят содир этилиши жинойи жазо тайинланишини ва қўлланишини истисно қилмайди. Шу муносабат билан, бундай шахсларга тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси жинойи жазо билан бир вақтда тайинланиб, янги жиноят содир этилишининг

олдини олиш мақсадини ўз ичига олади (*Жазо мақсадлари тўғрисида ЖКнинг 42-моддаси шарҳига қаранг*). Алкоголизм, гиёҳвандлик ва захарвандлик билан оғриган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш жазога нисбатан ёрдамчи вазифага эга бўлиб, жазо мақсадига эришишга таъсир кўрсатувчи шароитлар яратади. (*Алкоголизм, гиёҳвандлик ёки захарвандликка йўлиққан шахс тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 96-моддаси шарҳига қаранг*)

Руҳий ҳолати бузилган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимининг психиатрия муассасалари томонидан, озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазога ҳукм қилинган шахсларга нисбатан эса ички ишлар органларининг жазони ўташ жойидаги тиббиёт муассасалари томонидан қўлланилади<sup>1</sup>.

6. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари жиноий жазодан фарқ қилиб, судланганлик ҳолатини келтириб чиқармайди. Агар алкоголизм, гиёҳвандлик ёки захарвандликка йўлиққан ёхуд ақли расоликни истисно этмайдиган тарзда руҳий ҳолати бузилган шахсларга нисбатан жазо чораси билан бирга тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўлланилган бўлса, судланганлик муддатини ҳисоблашда мажбурлов чоралари тайинланган муддат ҳисобга олинмайди. Агар шахс жазони ўташ вақтида руҳий ҳолати бузилганлиги учун жазодан озод қилинган бўлса, судланганлик муддати жазонинг ҳақиқатда ўталган қисмига нисбатан ҳисобланади. Шунининг олдига олиш керакки, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш мақсади жиноят тўғрисидаги қонунчиликда тулиқ белгилаб ўтилган ва кенгайтирилган ҳолда шарҳлашга йўл қўйилмайди.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 12 майдаги «Психиатрия ёрдами тўғрисида»ги УРҚ-690-сонли Қонуни, 16-модда 2-қисми // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.05.2021 й., 03/21/690/0452-сон.

## 92-модда. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўллашнинг умумий асослари

Ижтимоий хавфли қилмишни ақли норасолик ҳолатида содир этган ёки ҳукм чиқарилгунига қадар ёхуд жазони ўташ вақтида ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган тарзда руҳий ҳолатининг бузилиши юзага келган шахсга нисбатан, агар у ўзининг руҳий ҳолати ва содир этган қилмишининг хусусиятига кўра жамият учун хавф туғдирса, суд томонидан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари тайинланиши мумкин.

### Ш А Р Х

1. Шарҳланаётган модда руҳий ҳолати бузилган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўллаш учун асос бўлувчи ҳолатларни очиб беради.

Булар:

– тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги масала ҳал қилинаётган шахс томонидан, ақли норасо ҳолатда ёки ҳукм чиқарилгунча касал бўлиб қолган ёки жазони ўташ вақтида ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган тарзда руҳий ҳолатининг бузилиши ҳолатида бўлиб, ижтимоий хавфли қилмиш содир этса;

– ўзининг руҳий ҳолати ва содир этган қилмишининг хусусиятига кўра жамият учун хавф туғдирса;

– суднинг ушбу шахсга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини тайинлаш тўғрисидаги қарори мавжуд бўлса.

3. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари фақатгина руҳий ҳолати бузилган шахсларгагина, қолаверса, алкоғолизм, гиёҳвандлик ва заҳарвандлик касаллигига йўлиққан шахсларга қўлланилади (*ЖКнинг 91-моддасига қаранг*). Шунинг назарда тутиш лозимки, жиноят қонунда руҳий ҳолати бузилган шахсларнинг тушунчаси берилмаган, бироқ шарҳланаётган модда қоидаларининг таҳлилидан кўриниб турибдики, мазкур шахслар сифатида қуйидагилар эътироф этилиши лозим:

- ақли норасолик ҳолатида жиноят содир этган шахслар;
- ҳукм чиқарилгунга қадар ўз ҳаракатларини англай олмайдиган даражада касал бўлиб қолган шахслар;
- жазони ўташ вақтида ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган тарзда руҳий ҳолатининг бузилиши юзага келган шахслар.

Шундай қилиб, шарҳланаётган модда нуктаи назаридан, руҳий ҳолати бузилган шахс сифатида бу касалликка чалиниш вақтидан қатъи назар, ҳар қандай ақли норасо шахс эътироф этилади.

Бунда, шуни назарда тутиш лозимки, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини тайинлаш заруриятини билиш учун ҳал қилувчи вақт, шахсни ақли расолигидан маҳрум қилувчи касалликнинг ўткир намоён бўлган вақтидир.

4. Шахснинг ўз ҳаракатининг аҳамиятини англамаслиги ва ўз ҳаракатларини бошқара олмайдиган даражада руҳий ҳолати бузилганлиги масаласи суд томонидан суд-психиатрия экспертизаси ҳулосасига асосланиб ҳал қилинади.

Терговчи ёки суд айбланувчининг, судланувчининг ёхуд ишга айбланувчи, судланувчи тариқасида жалб қилинмаган шахснинг руҳий ҳолати бузилганлиги масалалари юзасидан унинг жиноят содир этганлиги ёки Жиноят кодексига назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмиш содир этганлиги ҳақида ишонарли далиллар мавжуд бўлган тақдирда, дастлабки терговни юритиш ва суд муҳокамаси вақтида мазкур шахснинг ақли норасолиги ёки руҳий ҳолати бузилганлиги туғрисида асосли шубҳа туғилган бўлса, суд-психиатрия экспертизаси тайинлайди<sup>1</sup>.

5. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси жиноят ёки ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсларга нисбатан тайинланади. Шу боис ақли норасолик ҳолатида ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсларга тааллуқли бўлган қўйидаги ҳолатлар аниқланиши лозим:

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси, 567-модда // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 2-сон.



– жиноят объекти, жиноят туфайли етказилган зиённинг хусусияти ва микдори, жабрланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатлар;

– содир этилган жиноятнинг вақти, жойи, усули, шунингдек Жиноят кодексида кўрсатиб ўтилган бошқа ҳолатлари; қилмиш ва рўй берган ижтимоий хавфли оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланиш;

– айбланувчининг, судланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатлар<sup>1</sup>.

Кўрсатилган тоифадаги шахсларнинг ўз қилмишда айбдорлиги исботланмайди. Шахснинг ҳаракатида ёки ҳаракатсизлигида жиноят таркиби белгилари мавжуд бўлмаса, касалнинг хавфлилик даражасидан мустақил равишда тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини тайинлаш мумкин эмас. Шу билан бирга, руҳий ҳолати бузилган ва умумий асосда даволанишга муҳтож бўлган шахсга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги ишни юритиш тугатилганда, суд бу ҳақда шахснинг турар жойидаги соғлиқни сақлаш органига дархол хабар қилади<sup>2</sup>. Бундай ҳолда кўрсатилган шахсни даволаш жараёни ва унинг ҳуқуқий мақоми Ўзбекистон Республикасининг «Психиатрик ёрдам тўғрисида»ги Қонуни билан тартибга солинади.

Агар ижтимоий хавфли қилмиш шахс томонидан ақли расо ҳолатда содир этилган бўлса, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш учун, ЖПКнинг 82-моддасида кўрсатилганидек, суд томонидан жиноят таркибининг барча элементлари, шу жумладан, айб ҳам аниқланиши талаб этилади. Бунда қуйидагиларни ҳисобга олиш лозим:

– башарти, шахс жиноят содир этгандан сўнг, ҳукм чиқарилгунга қадар ўз ҳаракатларини англай олмайдиган даражадаги руҳий ҳолати бузилган бўлса, суднинг тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини тайинлаш тўғрисидаги ажримда жиноятнинг барча элементлари кўрсатилиши керак;

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси, 566-модда 2-қисм 1-банд // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 2-сон.

<sup>2</sup> Уша манба, 577-модда 6-қисм.

– агар шахс, ҳукм чиққанидан кейин тайинланган жазони ижро этиш даврида, ўз ҳаракатлари аҳамиятини англаш ва бошқара олиш имкониятидан маҳрум қилувчи рухий ҳолати бузилган бўлса, унда тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини тайинлаш тўғрисидаги ажримнинг баёнот қисмида, шахс қайси ҳукмга мувофиқ, қачон содир этган жинояти учун айбдор, деб топилган ва тайинланган жазо тури ва миқдори кўрсатилиши лозим. Бундай ажримнинг қарор қисмида, албатта, тегишли ҳукмга ҳавола қилиб, шахснинг жиноятни содир этган, деб топилганлиги кўрсатилади.

6. Шахс жинойий жавобгарликдан ёки жазодан амнистия актига асосан, жазога тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги ва ҳ.к., шунингдек, аниқ бир қилмишни декриминализациялаштирувчи қонунчиликнинг ўзгариши туфайли озод этилиши ҳолатларига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бундай ҳолларда мажбурлов чорасини қўллаш масаласини ҳал қилишда судлар мажбурий даволаш содир этилган жиноятнинг ҳуқуқий оқибатларидан бири ва жинойий жавобгарликнинг амалий жиҳатдан қўлланиши эканлигига эътибор бериш лозим. Шу муносабат билан, шахсни жинойий жавобгарликдан озод қилиш асосининг мавжудлиги тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашга сўзсиз тўсқинлик қилмоғи лозим. Бундай вазиятда, агар тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари шахсни жинойий жавобгарликдан озод қилишдан аввал тайинланган бўлса (масалан, содир этган қилмиши кейинчалик жамиятга хавфлилигини йўқотса ёки суд томонидан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисида ажрим қабул қилинганидан озрок вақт ўтганидан кейин декриминализация қилинган бўлса), у ҳолда, улар бекор қилиниши билан бир вақтда Ўзбекистон Республикасининг «Психиатрия ёрдами тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, шахснинг турар жойи бўйича соғлиқни сақлаш идораларида даволанишини ташкил этиш ва қузатиш учун хабардор этилиши лозим.

Мажбурлов чораларининг бекор қилиниши шахсни фақат жинойий жавобгарликдан озод этилишига олиб келади.

Шахснинг жиноий жавобгарликдан озод қилиниши ёки жавобгарликнинг қисман қисқариши озод қилинган асослардан қатъи назар, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларининг қисқариши, тўхтатилиши ёки бекор бўлишига таъсир кўрсатмайди.

7. Суд мажбурий даволанишни шахс жамият учун хавфли бўлгандагина белгилаши мумкин. Шахснинг ижтимоий хавфлилигини баҳолашда, фақатгина унинг рухий ҳолатига асосланмасдан, содир этган қилмишининг оғирлик даражасини ҳам инобатга олиш лозим. Шунинг назарда тутиш керакки, шахснинг ижтимоий хавфлилигини аниқлашда, юқоридаги кўрсаткичлар мужассамликда таҳлил қилиниши керак, лекин асосий урғу шахснинг рухий ҳолатига берилади, чунки айнан рухий ҳолат шахснинг ҳаракатларини белгилайди.

8. Шунинг таъкидлаш лозимки, рухий ҳолатни баҳолашда фақатгина суд муҳокамаси давридаги шахснинг ҳолати эмас, балки аввалги ҳолати ҳам таҳлил қилиниши керак.

Таъкидлаш керакки, шахснинг ижтимоий хавфлилигини аниқлашда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, хусусан, Ўзбекистон Республикасининг «Психиатрия ёрдами тўғрисида»ги Қонуни талабларига амал қилинади.

Юқорида кўрсатилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат таҳлилдан келиб чиқиб, шахс жамият учун хавфлилигининг юқори даражаси рухий ҳолатнинг бузилиши оғир бўлган ва қуйидагиларга сабаб бўлган ҳолларда вужудга келади:

– унинг ўзи учун ёки атрофидагилар учун бевосита хавф туғдириши;

– унинг ночорлиги, яъни асосий ҳаётий эҳтиёжларини мустақил равишда қондиришга лаёқатсизлиги;

– башарти, психиатрия ёрдамисиз қолдирилгудек бўлса, рухий ҳолати ёмонлашуви оқибатида унинг сарлигига жиддий зарар етказилиши<sup>1</sup>.

9. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини фақат суд тайинлайди. Ушбу масала бўйича ажрим суд томонидан суд мажлисида мазкур иш кимга нисбатан қўрилаётган бўлса, уша шахснинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинган

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 12 майдаги «Психиатрия ёрдами тўғрисида»ги УРК–690-сонли Қонуни, 27-модда // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.05.2021 й., 03/21/690/0452-сон.

ҳолда суд иш юритувининг умумий ва махсус қоидаларига амал қилинган ҳолда чиқарилади. Бошқа ҳеч қандай орган ёки муассаса, мансабдор шахс мажбурий даволаш чорасини белгилаши мумкин эмас.

Шунга эътибор бериш керакки, тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари жиноий жазо чораларидан бири ҳисобланмайди ва бу ҳукм чиқариш йўли билан эмас, балки суднинг тегишли ажрими асосида амалга оширилади. Бунда тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини белгилаш чоғида суд ўз ажримида қабул қилган қарорини асослаб бериши керак<sup>1</sup>, яъни ўз ажримини ижтимоий хавфли қилмиш содир этганлик фактини тасдиқловчи маълумотларни келтириш ҳамда мажбурий даволанишга муҳтожлиги тўғрисидаги суд-психиатрия хулосаси билан асослаши керак<sup>2</sup>.

10. Шунинг назарда тутиш керакки, ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсга тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаётганда, суд, ушбу чораларнинг бажарилиш муддатларини белгиламайди, фақатгина, мажбурий даволанишнинг тегишли турини танлайди. Мажбурий даволаниш ўтказиладиган аниқ муассаса масаласи соғлиқни сақлаш органлари томонидан мустақил равишда амалдаги қонунчилик асосида ҳал қилинади. Шунингдек, соғлиқни сақлаш органлари мажбурий даволаниш муддатини ҳам мустақил белгилайдилар, ушбу муддат шахснинг руҳий ҳолати ижтимоий хавфли бўлмай қолгунига қадар давом этади.

11. Бир вақтнинг ўзида руҳий ҳолати бузилган шахсга нисбатан жиноий жазо ва тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўллаш мумкин эмас. Чунки, бу билан жазолаш ва мажбурий даволаш мақсадига эришиб бўлмайди.

12. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўлланилаётган шахс томонидан бир қанча жиноятлар содир этилган ҳолларда асосий эътибор қуйидагиларга қаратилиши лозим:

– шахс бирон-бир жинояти учун судланмаган бўлса, суд томонидан ҳар бир жиноятнинг қандай ҳолатда ақли

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси, 467-модда 3-қисми // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборот-номаси, 1995 й., 2-сон.

<sup>2</sup> Ўша манба, 577-модда 3-қисми.



расолик ёки ақли норасолик ҳолатида содир этилганлиги эътиборга олиниб, тиббий йўсиндаги мажбурий даволаш чораси тайинланади. Ажримда жазонинг миқдори ва тури кўрсатилмайди. Мажбурлов чораси бекор бўлса, иш судда умумий тартибда қайта кўрилади ва ақли расолик ҳолатида содир этилган жиноят учун жазо тайинланади;

– содир этилган жиноятларнинг айримлари учун бир неча ҳукм бўйича жиноий жавобгарликка тортилганида ҳам мажбурий даволаш чораси юқоридаги тартибда тайинланади. Суд ажримда ҳар бир қилмиш алоҳида кўрсатилиши керак, яъни олдинги суд ҳукми асосида тайинланган жазо ва унинг муддати, жиноий жавобгарликка тортилмаган қилмиши учун тайинланган мажбурлов чораси ва х.к. (бунда жазонинг тури ва муддати кўрсатилмайди). Мажбурлов чораси бекор бўлса, иш судда умумий тартибда қайта кўрилиб, жиноятлар ва ҳукмлар жами бўйича жазо тайинланади.

---

### **93-модда. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларининг турлари**

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари жумласига куйидагилар киради:

а) яшаш жойи бўйича руҳий-асаб касалликлари диспансерида (туман (шаҳар) психиатрининг хонасида) мажбурий амбулатория кузатувида бўлиш ва даволаниш;

б) яшаш жойи бўйича умумий тартибли психиатрия муассасасининг умумий кузатиладиган бўлимида мажбурий даволаниш;

в) умумий тартибли психиатрия муассасасининг махсус реабилитация бўлимида мажбурий даволаниш;

г) кузатув кучайтирилган руҳий касалликлар шифохонасида мажбурий даволаниш;

д) жазони ижро этиш муассасаларининг даволаш-профилактика ёрдами кўрсатиш бўлимларида ҳамда маҳкумларга мулжалланган ихтисослашган шифохонада мажбурий амбулатория кузатувида бўлиш ва даволаниш.

---

**Ш А Р Ҳ**

---

1. Жиноят кодексининг шарҳланаётган моддасида тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларининг турлари кўрсатиб утилган.

2. Ушбу модда тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари турларини эркин тартибда эмас, балки тизимли ва қатъий тартибда кўрсатиб ўтади. Бунда мазкур тартиб мажбурий чораларини қўллашнинг камроқ чекланган шароитлардан, даволанаётган шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини кўпроқ чеклайдиганларга ўтиш тамойилига асосланади. Шу билан, қонун Жиноят кодексининг 91-моддасида кўрсатилган мажбурий даволанишнинг мақсадларига эришиш учун энг зарур ва етарли турларидан камроқ чеклайдиганларини қўллашга йўналтиради.

Таъкидлаш жоизки, мазкур моддада кўрсатилган тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари турлари рўйхати қатъий бўлиб, кенгайтирилган ҳолда талқин қилиниши мумкин эмас. Шу муносабат билан, шарҳланаётган моддада кўрсатилмаган қандайдир бошқа чораларни қўллаш, жиноят қонунининг бузилиши ҳисобланади ҳамда суд ажримнинг бекор бўлишига олиб келади. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг ЖПКда кўрсатилган касал устидан ҳомийликнинг ўрнатилиши тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари ҳисобланмайди.

3. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари турларининг рўйхатини **яшаш жойи бўйича руҳий-асаб касалликлари диспансерида (туман (шаҳар) психиатрининг хонасида) мажбурий амбулатория кузатувида бўлиш ва даволаниш очиб беради (шарҳланаётган модданинг «а» банди).**

Даволанишнинг бу тури шу билан тавсифланадики, у шахсни махсус муассасада (стационарда) жамиятдан ажратмасдан туриб, унинг яшаш жойидаги психоневрология муассасалари томонидан амалга оширилади<sup>1</sup>, бунда шахс ушбу

---

<sup>1</sup> Қараг: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси. 181-модданинг 2-қатбошиси // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборот-номаси. 1997 й., 6-сон, 175-модда.



муассасаларга доимо бориб туриши, даволовчи шифокорнинг ҳамма талабларини бажариши лозим. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, рухий ҳолати бузилган шахсга амбулатория психиатрия ёрдами тиббий кўрсатувларга қараб маслаҳат бериш-даволаш муолажаси ёки диспансер кузатуви тарзида кўрсатилади<sup>1</sup>.

Даволашнинг бундай турини танлаш тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари тайинланган шахсга нисбатан, яқинлари билан мулоқотни, унинг атрофдаги муҳитини бутунлай ўзгартирмасликни ҳамда ишни давом эттиришни ва атрофдагилар билан эркин мулоқотни сақлаб қолиш имкониятини беради.

**4. Шарҳланаётган модданинг «б» бандида яшаш жойи бўйича умумий тартибли психиатрия муассасасининг умумий кузатиладиган бўлимида мажбурий даволаниш назарда тутилган.**

Яшаш жойи бўйича умумий тартибли психиатрия муассасасининг умумий кузатиладиган бўлимида мажбурий даволаниш ижтимоий хавфлилиги рухий ҳолати билан боғлиқ бўлган умумий асосларда даволаш талаб этиладиган рухий ҳолати бузилган шахсларга нисбатан тайинланиши мумкин. Яъни, улар оддий психиатрия шифохонасида, бошқа ижтимоий хавfli жиноят содир этмаган касаллар билан биргаликда сақланадилар ва ўз хоҳишлари билан даволаш курсларидан ўтадилар. Бундай ҳолатда, ушбу шахсга бошқа рухий ҳолати бузилган шахсларга қўлланиладиган тартиб қўлланилади, мажбурий даволаш тайинланган шахснинг мақомидан келиб чиқадиган чекловларни истисно қилганда, яъни: тайинланган муолажани қабул қилиш мажбурияти<sup>2</sup>, мажбурий даволанишни бекор қилишга фақат суд ажрими асосида руҳсат берилиши<sup>3</sup>

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 12 майдаги «Психиатрия ёрдами тўғрисида»ги ЎРҚ–690-сонли Қонуни, 27-модда // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.05.2021 й., 03/21/690/0452-сон.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси, 185-модданинг 4-қисми // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотнома-си, 1997 й., 6-сон, 175-модда.

<sup>3</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 12 майдаги «Психиатрия ёрдами тўғрисида»ги ЎРҚ–690-сонли Қонуни, 27-модда // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.05.2021 й., 03/21/690/0452-сон.

ва бошқалар. Мажбурий даволанишнинг мазкур тури устунлиги шундаки, касалга нисбатан унинг руҳий бузилиши ва тури, хулқининг хусусияти, руҳий ва жисмоний ҳолати, хизмат кўрсатиш жойидан келиб чиқиб, турлича даволаш реабилитация чоралари қўлланилади.

**5. Умумий тартибли психиатрия муассасасининг махсус реабилитация бўлимида мажбурий даволаниш (шарҳланаётган модданинг «в» банди)** мажбурий даволанишнинг яна бир тури сифатида даволаш терапияси шароитларнинг янада каттиқроқ чекланишлари билан ажралиб туради.

Мажбурлов чораларининг мазкур тури умумий таркибдаги **психиатрия муассасаси** миқёсида, лекин махсус белгиланган чегараларда соғлиқни тиклашнинг махсус бўлимида амалга оширилади. Мазкур бўлим ихтисослашган характерга эга, яъни суд томонидан мажбурлов чоралари белгиланган шахслар учун мўлжалланган. Махсус тартибли шифохоналарда, одатда, инсон ҳаётига тажовуз қилиши билан боғлиқ бўлмаган жиноятни содир этган, руҳий ҳолатига кўра, ўзи ва атрофидагиларга хавф туғдирмайдиган шахслар жойлаштирилади. Бирок, бундай шахслар мажбурий тартибда доимий даволанишга, шунингдек, доимий равишдаги кузатувга мухтож бўлишади.

Махсус бўлимнинг ихтисослашганлиги ўз ичига бемор қочиб кетишининг олдини олишга қаратилган махсус чоралар, шунингдек, ҳар бир беморнинг ўзига хос хусусиятини инобатга олган ҳолда даволаш ҳамда ижтимоий мослашишнинг махсус дастурларини олади. Ушбу бўлимда шифокорнинг асосий ҳаракати бемордаги чорасизлик, яъни даволанишнинг фойдасизлиги хиссини йўқотиш, даволанишнинг ижобий тугашига ишонч туғдириш мақсадига қаратилади. Фақатгина ушбу масалаларнинг ҳал қилиниши шахснинг руҳий бузилишини самарали даволашга, мажбурлов чораларини қўллаш мақсадига эришишга имкон беради. Даволаниш асосан психо-коррекция чоралар ҳамда меҳнат реабилитацияси чоралари ёрдамида амалга оширилади.

Мазкур турдаги мажбурлов чоралари беморнинг устидан каттик назорат шароитида амалга оширилади, бу нарсага

қўриқчилар ва ушбу бўлимларда рухсат бериш тартибини яратиш ҳисобига ҳамда назорат функциясини амалга оширувчи тиббий персоналнинг яхши таъминлаганлиги ҳисобига эришилади.

**6. Шарҳланаётган модданинг «г» бандида** тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларининг энг каттик тури, яъни **кузатув кучайтирилган руҳий касалликлар шифохонасида мажбурий даволаниш** назарда тутилган. Бундай шифохонада ёки бўлинмада даволаниш мутахассислиги тор турли клиник ҳолатлар ёки ҳар бир бемор ўтиши керак бўлган даволанишнинг турли босқичлари билан мувофиқ келувчи тиббий даволаниш жараёнининг соҳалашуви билан ажралиб туради.

Рухий касалликлар шифохонасида ёки бўлинмасида хавфсизликни таъминлаш ҳамда тиббий ходимлар ва беморларни қўриқлашнинг махсус чоралари қўрилади. Хусусан, кузатуви кучайтирилган руҳий касалликлар шифохоналарини қўриқлаш ички ишлар органлари томонидан амалга оширилади<sup>1</sup>. Улар шифохона ёки бўлимнинг нафақат ташқи айланасини муҳофаза қилади, балки шифохона ва бўлим ичида, айлангани чиққан вақтларда, касаллар иштирокида ўтказиладиган турли тадбирларда улар ҳулқининг назоратини ва кузатувини амалга оширадилар.

**7. Жазони ижро этиш муассасаларининг даволаш-профилактика ёрдами кўрсатиш бўлимларида** ҳамда маҳкумларга мўлжалланган ихтисослашган шифохонада мажбурий амбулатория кузатувида бўлиш ва даволаниш, **(шарҳланаётган модданинг «д» банди)** ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган тарзда руҳий ҳолатининг бузилиши юзага келган шахсларга жазо билан бирга тайинланиши мумкин.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси. 192-модда 2-қисми // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 6-сон, 175-модда.

#### 94-модда. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини тайинлаш

Рухий ҳолати бузилган, касаллигининг зўрайиши аломатлари бўлмаган шахсларга, шунингдек рухий ҳолати вақтинча бузилган шахсларга нисбатан касаллик қайтарилишининг ва улар томонидан янги ижтимоий хавфли қилмишлар содир этилишининг олдини олиш учун яшаш жойи бўйича рухий-асаб касалликлари диспансерида (туман (шаҳар) психиатрининг хонасида) мажбурий амбулатория кузатувида бўлиш ва даволаниш тайинланиши мумкин.

Яшаш жойи бўйича умумий тартибли психиатрия муассасасининг умумий кузатиладиган бўлимида мажбурий даволаниш ижтимоий хавфлилиги умумий асосларда амалга оширилиши мумкин бўлган даволашни талаб этадиган ҳолат билан боғлиқ бўлган, рухий ҳолати бузилган шахсларга нисбатан тайинланиши мумкин.

Умумий тартибли психиатрия муассасасининг махсус реабилитация бўлимида мажбурий даволаниш ижтимоий хавфлилиги кўпроқ ихтиёрий тартибда амалга оширилиши мумкин бўлмаган реабилитация чоралари қўрилишини талаб этадиган ҳолат билан боғлиқ бўлган, рухий ҳолати бузилган шахсларга нисбатан тайинланиши мумкин.

Кузатув кучайтирилган рухий касалликлар шифохонасида мажбурий даволаниш ўта ижтимоий хавфли бўлган ёки ўз хулқ-атворида умумий тартибли психиатрия шифохонаси шароитларида зарур даволаш ва реабилитация чораларини амалга ошириш имконини бермайдиган қондабузарликларга йўл қўядиган, рухий ҳолати бузилган шахсларга нисбатан тайинланиши мумкин. Рухий ҳолати бузилган шахслар кузатув кучайтирилган рухий касалликлар шифохонасида батамом ажратилган ҳолда сақланади ва қўриқланади.

Жазони ижро этиш муассасаларининг даволаш-профилактика ёрдами кўрсатиш бўлимларида ҳамда маҳкумларга мўлжалланган ихтисослашган шифохонада мажбурий амбулатория кузатувида бўлиш ва даволаниш ақли расоликни истисно этмайдиган тарзда рухий ҳолати бузилган, жиноят содир этиш вақтида рухий ҳолати бузилганлиги туфайли ўз

харакатларининг (харакатсизлигининг) аҳамиятини тўлик даражада англай олмаган ёки уларни бошқара олмаган шахсларга нисбатан тайинланиши мумкин.

### Ш А Р Х

1. Ушбу модда тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашнинг махсус масалаларини тартибга солиди. Ушбу масалаларнинг махсус характери мажбурий даволаниш муайян бир турининг ўзига хос хусусияти билан белгиланади, яъни уни ушбу моддада кўрсатилган шахсларнинг қатъий чегараланган гуруҳига нисбатан қўлланилишини талаб қилади.

Ушбу моддада кўрсатилган махсус асослар Жиноят кодексининг 92-моддасида кўрсатилган умумий шартлар билан бирга тиббий йўсиндаги мажбурий чораларнинг аниқ бир турини танлашда суд томонидан ҳисобга олиниши керак. Бунда дастлаб мажбурий даволанишни қўллаш шартлари мавжудлигини аниқлаши ва фақат уларнинг мавжудлигида мазкур модда коидаларига асосан даволаниш турини танлаш масаласини ҳал қилиш лозим.

2. **Ушбу модданинг биринчи қисми яшаш жойи бўйича руҳий-асаб касалликлари диспансерида (туман (шаҳар) психиатрининг хонасида) мажбурий амбулатория кузатувида бўлиш ва даволанишни қўллаш шартларини белгилайди.** Ушбу мажбурий чора, руҳий ҳолати бузилиши зўрайиб кетаётганлигини кўрсатувчи аломатлар бўлмаган, шунингдек, руҳий ҳолати вақтинча бузилганларга нисбатан, бундай касалликнинг қайтарилмаслиги ва янги ижтимоий хавфли қилмиш содир этилмаслиги учун тайинланади.

Шархланаётган модда мазмуни бўйича, **касалликнинг кучайиши** бемор соғлигининг умумий яхшиланиши даврида руҳий ҳолатининг сурункали бузилиш аломатларининг намоён бўлиши ҳисобланади. Бунда касалликнинг кучайиши аломатлари ҳар бир руҳий бузилишга қараб турли хил бўлиши мумкин ва суд-руҳиётшунослик экспертизаси томонидан белгиланади.

Таъкидлаш жоизки, мажбурий амбулатор кузатувида бўлиш ва даволаниш, касалликнинг кучайиши аломатлари аниқланмаган шахсларга ҳозир ва кейинчалик узоқ муддатда касаллик аломатлари пайдо бўлишининг эҳтимолини камайтиради.

**Рухий ҳолатининг вақтинча бузилиши** – бу шундай рухий касалликки, у нисбатан тез ўтиши ва соғайиши билан тавсифланади, масалан: патологик маст бўлиш, реактив симптоматик ҳолат, яъни оғир қалб кечинмалари ва изтироблари билан чакирилган рухий касаллик. Кўпчилик вазиятларда, бу касалликлар кўкқисдан пайдо бўлади ва касалнинг тула соғайиши билан тугайди<sup>1</sup>.

3. Шуни назарда тутиш керакки, мажбурий амбулатория шароитида даволаниш ва **яшаш жойи бўйича рухий-асаб касалликлари диспансерида (туман (шаҳар) психиатрининг хонасида)** кузатувда бўлишни қўллаш, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашнинг умумий мақсадларидан ташқари махсус мақсадни ҳам кўзлайди, яъни бу касаллик такрорланишининг олдини олишга хизмат қилади.

**Касалликнинг рецидиви** деганда, характеридан қатъи назар, сурункали ва вақтинча рухий бузилиш касаллик симптомларининг такрорланишини тушуниш керак.

4. Яшаш жойи бўйича рухий-асаб касалликлари диспансерида (туман (шаҳар) психиатрининг хонасида)ни қўллаш фақат шахс ўзининг рухий ҳолатини тўғри баҳолай олганда, белгиланган режимга риоя қилганда, белгиланган хулқ-атворга эга бўлганда ҳамда тиббий ходимларнинг доимий назоратини талаб қилмайдиган ҳоллардагина, йўл қўйилиши мумкин. Ушбу даволаниш тури вақтинчалик рухий бузилиш ҳолатида такрорланиши эҳтимоли кам бўлган ижтимоий хавfli қилмиш содир этган шахсларга нисбатан ҳамда илгари стационар психиатрия даволаниш курсини ўтаган ва касалликнинг зўрайиши аломати бўлмаган шахсларга нисбатан қўлланилганда самара беради. Охириги ҳолатда амбулатория даволаниш стационар психиатрия курсини ўтаган

<sup>1</sup> Қаранг: Большой юридический словарь. Под ред. А.Я. Сухарева, В.Е. Крутских. М., ИНФРА, 2000, стр. 504.



шахснинг ижтимоий мослашишини енгиллаштириш мақсадида белгиланади.

**5. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмига мувофиқ, яшаш жойи бўйича умумий тартибли психиатрия муассасасининг умумий кузатиладиган бўлимида мажбурий даволаниш тиббий йўсиндаги мажбурий чора** сифатида ижтимоий хавфлилиги руҳий ҳолати билан боғлиқ бўлган, умумий асосларда даволаш талаб этиладиган руҳий ҳолати бузилган шахсларга нисбатан тайинланиши мумкин.

Шахснинг ижтимоий хавфлилиги унинг руҳий кечинмалари билан белгиланади: алжираш, галлюцинация, гангираш ҳолати, эс-хуши ва хотиранинг бузилиши, ақл заифлиги ва х.к. Руҳий кечинмалардан ташқари ушбу шахсларда ижтимоий хавfli хулқ намоён бўлмайди. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, бундай ҳолларда шахснинг ижтимоий хавfliлиги унинг ўзи учун ёки атрофидагилар учун бевосита хавф туғдиришида, унинг ночорлигида, яъни асосий ҳаётий эҳтиёжларини мустақил равишда қондиришга лаёқатсизлигида, агар шахс психиатрия ёрдамисиз қолдирилгудек бўлса, руҳий ҳолати ёмонлашуви оқибатида унинг соғлиғига жиддий зарар етказилишида ифодаланади<sup>1</sup>.

**6. Яшаш жойи бўйича умумий тартибли психиатрия муассасасининг умумий кузатиладиган бўлимида мажбурий даволаниш қўйидаги беморларга белгиланиши лозим:**

– руҳий ҳолатда ижтимоий хавfli қилмиш содир этган, психознинг такрорланиши эҳтимоли ёки ўз ҳаракатларига етарли баҳо бера олмайдиган шахсларга нисбатан;

– ақли заифлик ва турли кўринишдаги руҳий дефектлар билан касалланган, ташқи салбий ҳолатлар туфайли қилмиш содир этган шахсларга нисбатан.

Юқорида кўрсатилган руҳий ҳолати бузилган шахсларга нисбатан мазкур мажбурулов чорасини қўллаш фақат ушбу шахсларда соғлиқни сақлаш муассасаси режимини қўпол

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 12 майдаги «Психиатрия ёрдами тўғрисида»ги УРҚ–690-сонли Қонуни, 27-модда // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.05.2021 й., 03/21/690/0452-сон.

бузишга ва ижтимоий хавфли қилмиш содир этишга интилиши бўлмаган тақдирдагина қўлланилиши мумкин.

**7. Шарҳланаётган модданинг учинчи қисми** қоидаларидан келиб чиқиб, умумий тартибли психиатрия муассасасининг махсус реабилитация бўлимида мажбурий даволаш ижтимоий хавфлилиги кўпроқ саломатликни тикловчи чораларни кўришни талаб қиладиган, уларни эса, ихтиёрий тартибда ўтказиш мумкин бўлмаган руҳий ҳолати бузилган шахсларга нисбатан тайинланиши мумкин.

Мазкур мажбурлов чораси умумий тартибли психиатрия муассасасининг умумий кузатиладиган бўлимида жойлаштириладиган шахсларга нисбатан ижтимоий хавфлилиги юқорилик бўлган шахсларга нисбатан қўлланилади. Хусусан, мазкур шахслар агрессив бўлмаган ижтимоий хавфли қилмиш содир этишга, даволаш муассасаси тартибини бузишга, умумий тартибдаги руҳий шифохона шароитида реабилитация чораларини амалга оширишга тўсқинлик қилувчи бошқа ҳаракатларни содир этишга мойил бўладилар. Бунда конун реабилитация бўлимида мажбурий даволанишни, бундай даволанишни соғлиғи талаб қиладиган шахсларгагина қўллаш мумкинлигини алоҳида таъкидлайди. Агар руҳий ҳолати бузилган шахс соғлиғи ҳолати юзасидан комплекс тиббий чоралар қўлланилишига муҳтож бўлса, лекин унинг ҳаракатлари бунга йўл қўймас, ушбу шахсга нисбатан кузатуви кучайтирилган стационар шароитида мажбурий даволаниш қўлланилиши керак.

**8. Шарҳланаётган модданинг тўртинчи қисмида** назарда тутилган кузатув кучайтирилган руҳий касалликлар шифохонасида мажбурий даволаш ўта ижтимоий хавфли бўлган ёки ўз хулқига кўра умумий тартибли психиатрия шифохонаси шароитларида даволанишининг имкони бўлмаган руҳий ҳолати бузилган шахсларга нисбатан тайинланиши мумкин. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, руҳий шифохонада ёки доимий кузатувдаги бўлимга жўнатиш касалликнинг хусусиятларидан эмас, балки бемор руҳий бузилишнинг ижтимоий хавфлилигидан келиб чиқишини қайд этиши мумкин.

**Рухий ҳолати бузилган шахснинг ўта ижтимоий хавфли бўлганлиги** – касалликнинг ижтимоий кўриниши сифатида ушбу шахснинг жиноят қонуни билан оғир ва ўта оғир, деб топилган қилмишларни содир этишида, унга аввал мажбурлов чораларининг қўлланганлигига қарамасдан, шахс яна мазкур қилмишларни содир этишида намоён бўлади.

9. Кузатув кучайтирилган рухий касалликлар шифохонасида мажбурий даволаниш шаклидаги тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш, бемор умумий тартибли психиатрия муассасасининг умумий кузатиладиган бўлими тартиби талабларини унга нисбатан тиббий реабилитация чораларини қўллаш имкониятини бермайдиган даражада бузган тақдирда ҳам белгиланиши мумкин. Бунда унинг содир этган қилмиши оғирлиги аҳамиятга эга бўлмайди. Шу билан бирга, шунга эътибор бериш керакки, бундай чоранинг қўлланилиши реабилитация ва даволаш чораларини ўтказишнинг имкони йўқлиги билан ҳам белгиланади. Агар тартиб бузилиши фақат реабилитация чораларини ўтказишга тўсқинлик қилса, беморга нисбатан шарҳланаётган модданинг учинчи қисми тартибда умумий тартибли психиатрия муассасасининг махсус реабилитация бўлимида мажбурий даволаниш тайинланиши мумкин. Мазкур масаланинг бошқача ҳал қилиниши жиноят тўғрисидаги қонунчиликда кўзда тутилган тартибнинг бузилиши сифатида қаралиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасининг бу турини қўллашда суд-психиатрик экспертизаси орқали аниқланган ҳолатларга асосланади. Кузатуви кучайтирилган рухий касалликлар шифохонасида бемор даволаш муассасидан қочиши ва такроран ижтимоий хавфли қилмиш содир этиши истисно этиладиган қатъий назорат остида даволанади.

10. **Шарҳланаётган модданинг бешинчи қисмида** назарда тутилган жазони ижро этиш муассасаларининг даволаш-профилактика ёрдами кўрсатиш бўлимларида ҳамда маҳкумларга мўлжалланган ихтисослашган шифохонада мажбурий амбулатория кузатувида бўлиш ва даволаниш қуйидаги шахсларга нисбатан қўлланилиши мумкин:

– ақли расоликни истисно этмайдиган тарзда рухий ҳолати бузилган;

– жиноят содир этиш вақтида рухий ҳолати бузилганлиги туфайли ўз ҳаракатларининг (ҳаракатсизлигининг) аҳамиятини тўлиқ даражада англай олмаган;

– ёки уларни бошқара олмаган шахсларга нисбатан тайинланиши мумкин.

11. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасининг у ёки бу турини қўллаш зарурияти касалликнинг хусусияти каби суд-руҳиётшунослик экспертизаси хулосасида аниқ кўрсатилиши керак. Бунда мажбурлов чорасининг аниқ бир турини қўллаш заруриятига асосланилади. Шу билан бирга, экспертиза хулосаси аввалдан белгиланган исботлаш кучига эга бўлмайди ва суд томонидан ишнинг бошқа ҳолатлари билан биргаликда ҳуқуқий баҳоланиши лозим. Суд ишни бошқа ҳолатлари билан биргаликда куриб чиқиб ижтимоий хавфлилик даражасини ёки бу мажбурлов чорасини бошқача баҳолаши тиббий таъсир чораси қўллаши ёки умуман қўлламаслиги мумкин. Суд ажрими ҳар бир ҳолат бўйича асослантирилган бўлиши керак.



### **95-модда. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашни узайтириш, ўзгартириш ва тугатиш**

Рухий ҳолати бузилган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашни узайтириш, ўзгартириш ва тугатиш шифокор психиатрлар комиссиясининг хулосаси асосида, жазони ижро этиш муассасаларининг даволаш-профилактика ёрдами кўрсатиш бўлимларида ва маҳкумларга мўлжалланган ихтисослашган шифохонада эса, тиббий-маслаҳат комиссиясининг хулосаси асосида суд томонидан амалга оширилади.

Рухий ҳолати бузилган шахс тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашга мухтож бўлмаган ҳолларда, шунингдек бу чораларни қўллаш тугатилганда суд бундай шахсни умумий

асосларда даволаш ёки ижтимоий таъминот муассасасига юбориш тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун соғлиқни сақлаш органларига топшириши мумкин.

Алкоголизмга, гиёҳвандликка ёки заҳарвандликка йўлиққан шахсларга нисбатан жазо билан бир қаторда тайинланган тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашни тугатиш тиббий-маслаҳат комиссиясининг хулосаси асосида суд томонидан амалга оширилади.

## Ш А Р Х

1. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари жазо чораси ҳисобланмайди ва жазолаш мақсадини қўзламайди, балки шахсий даволаш мақсадида қўлланади. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари жиноий жазодан фарқ қилиб, суд томонидан унинг муддатлари белгиланмайди. Бу мажбурлов чорасини қўллашнинг давомийлиги руҳий ҳолатнинг бузилганлик даражасига, хасталикнинг давомийлигига, даволаш услуби ва унга нисбатан руҳий таъсир этишига ҳамда бошқа қатор ҳолатлар билан боғлиқ бўлади. Лекин, бундай мажбурлов чоралари руҳий касалликлар шифокорлари комиссиясининг хулосасига асосан суд томонидан узайтирилиши, ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин. Шундай қилиб, жиноят қонуни бу йўл билан мажбурлов чоралари белгиланган шахснинг ҳуқуқларига риоя қилиш кафолатини таъминлайди, мажбурий даволашни жазонинг бир турига айланиб кетишига йўл қўймайди.

2. **Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми** белгилайдики, руҳий ҳолати бузилган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашни узайтириш, ўзгартириш ва тугатиш шифокор психиатрлар комиссиясининг хулосаси асосида, жазони ижро этиш муассасаларининг даволаш-профилактика ёрдами кўрсатиш бўлимларида ва маҳкумларга мўлжалланган ихтисослашган шифохонада эса, тиббий-маслаҳат комиссиясининг хулосаси асосида суд томонидан амалга оширилади.

3. **Тиббий йўсиндаги мажбурилов чоралари муддатини узайтириш** – бу аввал белгиланган мажбурий даволанишнинг кейичалик қўлланилишидир. Мажбурий даволанишнинг аниқ бир турини тайинлашга асос бўлган шахснинг жисмоний ва руҳий ҳолати ўзгармаса ёки жиддий ўзгаришлар содир бўлмаса, мажбурий чоралар узайтирилади. Шунинг назарда тутиш керакки, бемор ҳолатига баҳо беришда унинг гувоҳлантириш ҳолатидангина келиб чиқмай, балки унинг келажакдаги аҳволи яхшиланиш даражаси ҳам инobatга олинishi лозим. Унинг келажакдаги ривожини ҳам инobatга олинди. Бошқача айтганда, руҳий ҳолати бузилган шахснинг аҳволи яхшиланиши ёки ёмонлашуви билан тиббий йўсиндаги мажбурилов чораларининг муддати узайтирилади. Муддатини узайтиришда шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасининг пасайганлиги ёки ўсганлиги ҳисобга олинади.

4. Мажбурий даволанишнинг узайтирилиши шахс даволанаётган шифокор психиатрлар комиссиясининг ҳулосаси асосида, жазони ижро этиш муассасаларининг даволаш-профилактика ёрдами кўрсатиш бўлимларида ва маҳкумларга мўлжалланган ихтисослашган шифохонада эса, тиббий-маслаҳат комиссиясининг ҳулосасида кўрсатилган таклифлар асосида амалга оширилади<sup>1</sup>. Шунинг назарда тутиш керакки, амалдаги қонунчиликка мувофиқ, психиатрия стационарига жойлаштириш учун руҳий ҳолати бузилган шахснинг мажбурий тартибда даволаниши муддатини узайтиришда уни гувоҳлантиришнинг махсус тартиби белгиланган<sup>2</sup>:

– шахсга мажбурий даволаниш белгилангандан кейин дастлабки 6 ой давомида ҳар ойда камида бир мартадан шифокор психиатрлар комиссияси даволанишни узайтириш масаласини ҳал қилиш учун руҳий ҳолати бузилган шахснинг мажбурий гувоҳлантиришни амалга ошириш керак. Олти ойлик муддат тугагандан сўнг мажбурий даволанишни

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 12 майдаги «Психиатрия ёрдами тўғрисида»ги УРК–690-сонли Қонуни, 27-модда // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.05.2021 й., 03/21/690/0452-сон.

<sup>2</sup> Фикримизча, кўрсатилган қондалар мажбурий амбулатория кузатуви ва руҳий касаллик мутахассисида даволанишни узайтиришда ҳам қўлланилади.

узайтириш масаласини ҳал қилиш учун психиатрик стационар маъмурияти судга ўз хулосасини юборди<sup>1</sup>;

– даволаниш узайтирилган тақдирда, кейинги гувоҳлантириш ҳар олти ойда камида бир марта амалга оширилади<sup>2</sup>. Бунда психиатр шифокорлар комиссиясининг хулосаси мажбурий даволаниш масаласининг узайтирилишини ҳал қилиш учун психиатрик муассаса томонидан ҳар йили судга юборилади. Мажбурий даволанишнинг бекор бўлиши ёки ўзгартирилиши тўғрисидаги суднинг охириги ажрими чиққан пайтдан бошлаб, бир йил ўтгач, психиатрик муассаса мажбурий даволанишни амалга оширса, бундай фаолият қонуний бўлмайди.

Юқорида кўрсатилган ҳолларда, муддатларни ҳисоблаш шахсга нисбатан мажбурий даволанишни узайтириш ёки ўзгартириш тўғрисидаги суднинг охириги ажрими чиққан пайтдан бошлаб ҳисобланади.

**5. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларининг ўзгартирилиши** – бу аввал белгиланган мажбурий даволаниш туридан бошқасини қўллашдир. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасининг ўзгартирилишига асос бўлиб, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўлланилган шахс соғайган тақдирда ёки соғлиғи ўзгариб, шахс руҳий ҳолати бузилган бўлса-да, суд томонидан дастлаб белгиланган тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларидан бошқа хил даволанишга мухтож бўлса ёхуд бу хилдаги чораларга мухтож бўлмаса, суд тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини ўзгартиради<sup>3</sup>.

Мажбурлов чоралари тайинланган шахснинг соғлиғи жиддий равишда ўзгарган бўлиши керак ҳамда аввал белгиланган даволаш чорасини самарали ўтказишнинг имкони бўлмаса, мажбурлов чораси ўзгартирилади. Бунда шахснинг

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 12 майдаги «Психиатрия ёрдами тўғрисида»ги ЎРҚ–690-сонли Қонуни, 27-модда // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.05.2021 й., 03/21/690/0452-сон.

<sup>2</sup> Ўша манба, 31-модданинг 4-қисми.

<sup>3</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси, 578-модда // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 2-сон.

соғлиғи яхши томонга ҳам, ёмон томонга ҳам ўзгариши, шунга монанд танланган мажбурлов чораси даволашнинг камроқ ёки кўпроқ чекланган турига алмаштирилиши мумкин.

6. Шуни назарда тутиш керакки, мажбурий даволаш қўлланган шахснинг соғлиғи яхшиланганда, мажбурий даволаш турини ўзгартириш босқичма-босқич амалга оширилиши мақсадга мувофиқ. Бундай ҳолда, имкон қадар даволаш турини кескин ўзгартирмаслик керак, чунки даволаш интенсивлигини босқичма-босқич камайтириш хатога йўл қўймаслик, келиб чиқиши мумкин бўлган соғлиқ ёмонлашувининг олдини олиш ва бемор аҳволининг яхшиланиши имконини беради, шахснинг ижтимоий мослашуви самарасини оширади.

Шахснинг соғлиғи ёмонлашган тақдирда, қаттиқроқ тартибли мажбурий даволаниш турини танлаш тартиби юқоридаги қоида асосида амалга оширилмайди.

7. **Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашни тўхтатиш** — бу муайян бир шахсга нисбатан ҳар қандай мажбурлов чорасини қўллашни тўлиқ бекор қилишдир. Шахснинг соғайиши ёки шахс руҳий ҳолати бузилган бўла туриб, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш зарурияти йўқолиши мажбурий даволанишни тўхтатиш учун асос бўлади.

**Соғайиш** — бу шахснинг руҳий аҳволи қатъий яхшиланишидир. Бунда шахсда руҳий бузилиш аломатлари бўлмайди ва у ўз ҳаракатлари оқибатини англай олади ҳамда уларни бошқара олади.

**Соғлиқнинг ўзгариши ва шахснинг руҳий ҳолати бузилган бўла туриб, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларининг зарурати йўқлиги** — бу касалликнинг шундай босқичи, бунда шахс ўзи ва атрофидагиларга хавfli бўлмай қолади. Бундай ҳолда шахснинг соғлиғи яхши ёки ёмон томонга ўзгариши мумкин, лекин бу нарса шахснинг мажбурий даволанишини тўхтатишга таъсир қилмайди. Шу билан бирга, соғлиқнинг ўзгариши доимий характерга эгаллиги ва касалликнинг зўрайиши эҳтимоли камлигига, шунингдек, ижтимоий хавfli ҳолатларнинг пайдо бўлиши эҳтимоли йўқлигига ишонч ҳосил қилиши керак. Шуни назарда



тутиш керакки, шахс соғлиғининг ўзгариши уни ҳам руҳий, ҳам жисмоний томондан намоён қилиши керак. Шу муносабат билан мажбурий даволанишнинг тўхтатилиши, руҳий бузилиш ўзгармаган ҳолда шахснинг жисмоний аҳволи ёмонлашган тақдирда ҳам қўлланилиши мумкин.

8. Таъкидлаш жоизки, жиноят содир этган ва кейин руҳий ҳолати бузилишига дучор бўлиб қолганлиги туфайли тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилган шахс соғайган тақдирда, суд шахс руҳий ҳолати бузилган босқичдан бошлаб, умумий тартибда иш юритишни тиклаш масаласини ҳал қилиши лозим<sup>1</sup>. Бундай ҳолда иш юритишни тиклаш шахснинг қилмишида жиноят таркиби аломатлари бўлгандагина, хусусан, жиноят содир этгандан кейин, лекин ҳукм чиқарилиши ёки жазони ижро этиш пайтига қадар руҳий ҳолати бузилган бўлгандагина, йўл қўйилади. Акс ҳолда, шахс жинойий жавобгарликка тортилмайди.

Шуни таъкидлаш жоизки, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси жазони ўташ вақтида руҳий ҳолати бузилишига чалинган шахсга нисбатан қўлланиладиган бўлса, бу муддат жазо муддатига қўшилади. Аммо руҳий шифохонада бўлиш муддатининг бир кунни суд томонидан тайинланган жазо муддатининг қанчасига тенглаштирилиб ҳисобланиши Жиноят кодексида белгилаб берилмаган. Қонуннинг умумэтироф этилган табиатидан келиб чиқилиб озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлган жазонинг бир кунига руҳий шифохонада бўлишнинг бир кунни тенглаштириб ҳисобланса, мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда психиатрик стационарнинг тури аҳамиятга эга эмас.

9. Даволаниш муддатини узайтириш, ўзгартириш ва тугатиш шифокор психиатрлар комиссиясининг ҳулосаси асосида, жазони ижро этиш муассасаларининг даволаш-профилактика ёрдами кўрсатиш бўлимларида ва маҳкумларга мўлжалланган ихтисослашган шифохонада эса, тиббий-маслаҳат комиссиясининг ҳулосаси асосида суд томонидан

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси, 579-модда // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 2-сон.

амалга оширилади. Бунда даволанишни ўзгартириш ёки бекор қилишда тегишли текширув ўтказиш учун қонунчиликда бирон-бир чеклов йўқ. Шу сабабли, бундай ҳолларда охириги текширув муддатидан қатъи назар, шахснинг соғлиғи жиддий ўзгарганда дарҳол текширув ўтказилиши керак.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини бекор қилиш ёки ўзгартириш рад қилинган тақдирда такрорий илтимоснома рад этиш ҳақида ажрим чиққан кундан олти ой ўтгандан кейингина кўриб чиқиш учун қабул қилиниши мумкин<sup>1</sup>.

10. Таъкидлаш жоизки, тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини ижро этувчи муассасанинг шифокор психиатрлар, жазони ижро этиш муассасаларининг даволаш-профилактика ёрдами кўрсатиш бўлимларида ва маҳкумларга мўлжалланган ихтисослашган шифохонада эса, тиббий-маслаҳат шифокорлар комиссияси киритган таклифларидан қатъи назар, мажбурий даволанишни узайтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш масаласи фақатгина комиссиясининг хулосаси асосида суд томонидан ҳал қилинади. Суднинг ажрими бўлмаганда, шифокорларнинг баҳолашидан қатъи назар, шахсга жавоб берилиши ёки бошқа даволаниш муассасасига кўчирилиши мумкин эмас. Мажбурий даволанишни бекор қилиш ёки ўзгартириш масаласини ҳал қилишда шифокорлар комиссияси хулосаларининг асослилигини текшириш, ўтказилган даволаш натижаларини аниқлаш лозим. Шу мақсадда суд мажлисига тиббий муассаса вакилларини, руҳий ҳолати бузилган шахснинг яқин қариндошларини ёки қонуний вакилни жалб қилиш мақсадга мувофиқдир.

11. Суд тиббий кўрсаткичларга мувофиқ, руҳий ҳолати бузилган шахс тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашга муҳтож бўлмаган ҳолларда, шунингдек бу чораларни қўллаш тугатилганда суд бундай шахсни умумий асосларда даволаш ёки ижтимоий таъминот муассасасига юбориш тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун соғлиқни сақлаш органларига топшириши мумкинлиги масаласини ҳал қилади.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси, 580-модда 10-қисми // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 2-сон.



Таъкидлаш жоизки, Жиноят кодекси 92-моддасида кўрсатилган асослар мавжуд бўлмаганда рухий ҳолати бузилган шахс мажбурий даволанишни қўллашга муҳтож эмас, деб топилади.

Суд шахсни Жиноят кодекси 92-моддаси иккинчи қисмида кўрсатилган тартибда соғлиқни сақлаш органларига топширганда унинг даволаниши Ўзбекистон Республикаси «Психиатрия ёрдами тўғрисида»ги Қонуни асосида амалга оширилади.

12. Шарҳланаётган модданинг **учинчи қисми** алкоголизмга, гиёҳвандликка ёки заҳарвандликка йўлиққан шахсларга нисбатан жазо билан бир қаторда тайинланган тиббий йўсиндаги мажбурият чораларини қўллашни тугатиш тиббий-маслаҳат комиссиясининг ҳулосаси асосида суд томонидан амалга оширилишини мустаҳкамлайди.

13. Шунинг назарда тутиш керакки, қонун суд томонидан белгиланган мажбурий даволаш муддатини узайтириш тартибини кўрсатиб ўтмаган. Алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликдан даволаниш курси ҳар йил узайтирилмасдан, лекин тўлиқ тузалгунига қадар давом эттирилади. Алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандлик касалига қарши мажбурий даволанишга маҳкум этилган барча шахслар тезроқ даволанишдан манфаатдордирлар, чунки даволаниш шахсининг эркини муайян даражада чеклаш билан боғлиқ бўлади. Алкоголизм, гиёҳвандликдан мажбурий даволашнинг тўлиқ курси тугагач, жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти ҳамда соғлиқни сақлаш муассасаси амалдаги қонунчиликка мувофиқ судга маҳкумнинг мажбурий даволанишини олиб ташлаш тўғрисида тақдимнома жўнатиши керак. Мажбурий даволаш чоралари мазкур даволашга зарурат қолмаганлиги тўғрисидаги тиббий ҳулоса асосида суд томонидан бекор қилинади. Бунинг учун даволаниш курсини ўтаганлик факти асос бўлмайди. Илгари тайинланган мажбурий даволаш турини ўзгартириш, Жиноят кодексининг 95-моддаси қондаларига асосан, умумий тартибда амалга оширилади. Бунда рухий шифохонада бўлиш вақти жазо муддатини ҳисоблашда психиатрик стационарда бўлишнинг бир куни озодликдан

махрум қилишнинг бир кунига тенг, деган ҳисобдан келиб чиқиши лозим. Психиатрик стационарнинг тури ушбу ҳолда аҳамиятга эга эмас.

---

**96-модда. Жазо билан бирга тайинланадиган тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш**

Алкоголизмга, гиёҳвандликка ёки заҳарвандликка йўлиққан ёхуд ақли расоликни истисно этмайдиган тарзда рухий ҳолати бузилган шахслар томонидан жиноят содир этилган тақдирда, агар тиббий хулоса мавжуд бўлса, суд жазо тайинлаш билан бирга уларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини тайинлаши мумкин.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахслар, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинган бўлса, тиббий муассасаларда мажбурий даволаниши лозим.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахслар озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган бўлса, уларни даволаш жазони ўтаётган жойда амалга оширилади, жазони ўтаб бўлганидан кейин агарда даволашни давом эттиришга зарурат бўлса, умумий асосда тиббий муассасаларда даволанади.

---

**Ш А Р Ҳ**

---

1. Жиноят кодекси ушбу моддаси алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка йўлиққан ёхуд ақли расоликни истисно этмайдиган тарзда рухий ҳолати бузилган шахсларга нисбатан мажбурий даволанишни қўллаш масаласини тартибга солади. Мазкур шахсларга нисбатан мажбурлов чораларининг қўлланилиши ушбу шахсларга қўлланиладиган жиний жазонинг самарасини оширишга, жиноятчилик сонининг камайишига, фуқароларни

Конституция ва қонунларга ҳурмат руҳида тарбиялашга кўмаклашади. Шунинг учун, алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка йўлиққан ёхуд ақли расоликни истисно этмайдиган тарзда руҳий ҳолати бузилган шахслар томонидан жиноят содир этилган тақдирда, агар тиббий хулоса мавжуд бўлса, жазо тайинлаш билан бирга уларга тиббий йўсиндаги чораларни ҳам таъминлашнинг зарурияти ҳақидаги масалани ҳал қилиш лозим (**шарҳланаётган модданинг биринчи қисми**).

2. Мазкур модда қондалари шахсларнинг чекланган доираси, яъни алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка йўлиққан ёхуд ақли расоликни истисно этмайдиган тарзда руҳий ҳолати бузилган шахсларга нисбатан мажбурий даволанишни қўллаш масаласини тартибга солади.

Агар шахс **алкогол ичимликларига ружу қўйган**, меъёр ҳиссини йўқотган бўлса, яъни спиртли ичимликларни истеъмол қилиш миқдори устидан назоратни йўқотиб, руҳий ва соматик бузилишлар пайдо бўлган бўлса ҳамда унда ижтимоий, ахлоқий нормаларни бузиш аломатлари сезилса, шахс алкоголизм касаллигига дучор бўлган, деб топилади<sup>1</sup>.

**Гиёҳвандлик** – бу шахснинг наркотик воситага нисбатан жисмоний-руҳий жиҳатдан қарамлилиги билан белгиладиган касаллик<sup>2</sup>.

**Заҳарвандлик (токсикомания)** – бу психотроп моддаларга, шунингдек дорилик хусусиятига эга бўлмаган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий, гиёҳвандлик воситаларга ўхшаш руҳиятга фаол таъсир этувчи моддаларга руҳий-жисмоний қарамлик билан борлиқ касаллик<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 2 ноябрда 1186-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясининг авиация ходимларини тиббий кўрнқдан ўтказиш тўғрисидаги низомга 2-сонли илова. 3-модда

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августдаги «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги 813-1-сонли Қонуни, 3-модданинг 8-хатбошиси // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 9-сон, 210-модда.

<sup>3</sup> Ўша манба, 3-модданинг 9-хатбошиси.

3. Шуни назарда тутиш керакки, алкоголизм, гиёҳвандлик ёки захарвандликка чалинган ёхуд ақли расоликни истисно этмайдиган тарзда руҳий ҳолати бузилган шахсларга нисбатан мажбурий даволанишни қўллаш, ушбу модда қоидаларига асосан, шахснинг касаллиги сурункали характерга эга бўлса ҳамда унинг ўз ҳаракатларини англаши ёки уларни бошқариши имкониятидан маҳрум этмаган ҳолларда йўл қўйилади. Акс ҳолда, мажбурий даволанишнинг жиноий жазо билан параллел равишда қўлланилиши ноқонуний ҳисобланади. Аммо, агар шахснинг алкоголь, гиёҳванд ёки психотроп моддалар ҳамда дори бўлмаган табиий синтетик ёки табиий моддаларни истеъмол қилиши ушбу шахсни ўз ҳаракати ахамиятларини англаши ёки уларни бошқариш имкониятидан маҳрум этса (ақли норасолик), ушбу шахсга нисбатан руҳий ҳолати бузилган шахсларга қўлланиладиган тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш лозим бўлади, бироқ шарҳланаётган модда тартибида эмас.

4. Алкоголизм, гиёҳвандлик ёки захарвандлик касаллигига дучор бўлган ёхуд ақли расоликни истисно этмайдиган тарзда руҳий ҳолати бузилган шахсга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашда Жиноят кодексининг 92-моддасида кўрсатилган мажбурий даволанишни қўллашнинг умумий асосларидан ҳамда Жиноят кодексининг 94-моддасида кўрсатилган у ёки бу мажбурий чоранинг ўзига хос шартларидан келиб чиқиш керак. Бунда, шуни назарда тутиш керакки, шахснинг руҳий ҳолати суд-наркология экспертизаси ҳулосаси билан тасдиқланади. Ҳулосада қўйидаги саволларга жавоблар кўрсатилиши керак:

– шахс сурункали алкоголь, гиёҳванд ёки захарвандлик касаллигига чалинганми ёхуд ақли расоликни истисно этмайдиган тарзда руҳий ҳолати бузилганми;

– шахснинг алкоголь, гиёҳвандлик ёки психотроп моддалар ҳамда синтетик ёки табиий дори бўлмаган воситаларга қарамлиги уни ақли норасоликка олиб келиши мумкинми;

– мажбурий даволанишни қўллашга шахсда бирон-бир файритабиий ҳолатларнинг мавжудлиги.

Тиббий комиссиянинг хулосаси суд учун исботлаш кучига эга бўлган ягона асос сифатида ҳисобланиши мумкин эмас. Тиббий комиссиянинг хулосаси барча исботлаш воситалари каби суд томонидан қуриб чиқилади ва ҳуқуқий баҳоланади. Бирок, суд-наркологик экспертизаси хулосасига қўшилиш ёки қўшилмаслиги масаласи суднинг ажримда, албатта, асослангирлиб ўтилиши лозим.

5. Шунини таъкидлаш керакки, мажбурий тиббий даволаш фақат доимий равишда такрорланадиган алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандлик касаллигига чалинганлар ёхуд ақли расоликни истисно этмайдиган тарзда руҳий ҳолати бузилганларга нисбатан қўлланади. Жиноят қонунида бу мажбурлов чорасини қўллаш – жиноятни алкогольли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари ёки заҳарвандлик моддалари истеъмол қилган ҳолда содир этганлик ҳолати билан боғланмайди. Алкоголизм, гиёҳвандлик ва заҳарвандликка йўлиққан ёхуд ақли расоликни истисно этмайдиган тарзда руҳий ҳолати бузилган шахслар томонидан жиноят содир этилган тақдирда, агар тиббий хулоса мавжуд бўлса, суд жазо тайинлаш билан бирга содир этилиши мумкин бўлган жиноятнинг олдини олиш мақсадида даволаниш чораларини ҳам тайинланиши керак.

6. Алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандлик касаллигига дучор бўлган ёхуд ақли расоликни истисно этмайдиган тарзда руҳий ҳолати бузилган шахсларга нисбатан мажбурий тиббий даволаниш, қонунда кўрсатилганидек, жинойят жазо билан белгиланади. Бунда мажбурий даволанишни қўллаш масаласини ҳал қилишда суд уни алоҳида ажримда расмийлаштиради. Ушбу ҳолда айблов ҳукмида суд шахсга нисбатан мажбурий даволанишнинг зарурати тўғрисида кўрсатиб ўтади, бироқ унга доир масалалар алоҳида ажримда ҳал қилинади.

7. Таъкидлаш жоизки, алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандлик касаллигига чалинган ёхуд ақли расоликни истисно этмайдиган тарзда руҳий ҳолати бузилган шахсларни мажбурий даволаш, тайинланган жазони ижро этиш билан бирга амалга оширилиши сабабли, мазкур даволанишни ташкил

етишнинг айрим ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Хусусан, шахс озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо чорасига ҳукм қилинган бўлса, у тиббий муассасада мажбурий даволаниши керак. Бундай ҳолда даволаниш амалдаги қонунчиликка мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тизимидаги махсус даволаш-олдини олиш муассасаларида умумий асосларда ташкил қилинади<sup>1</sup>.

Ушбу шахслар маҳкум ҳисобланишини инобатга олиб, уларнинг даволаниши ушбу муассасаларда Жиноят кодекси 96-моддасидан ташқари бошқа таркибда даволанаётган шахслардан алоҳида амалга оширилиши керак.

Агар алкоғолизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандлик билан оғриган ёхуд ақли расоликни истисно этмайдиغان тарзда руҳий ҳолати бузилган беморларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан бирга қўлланилган бўлса, **шарҳланаётган модданинг учинчи қисмига** биноан, даволаш жазони ўташ жойларида, жазо муддати тугагандан сўнг эса, умумий асосларда тиббий муассасаларда амалга оширилади. Жазони ўтаб бўлгандан сўнг, уларга маҳкум сифатида қаралмайди, ушбу шахслар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ихтисослаштирилган тиббий профилактик муассасаларида шарҳланаётган моддадагидан бошқа тартибда даволанаётган шахслар билан биргаликда даволанадилар.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 27 октябрдаги «Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида»ги ўРК-644-сонли Қонун // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 28.10.2020 й., 03/20/644/1415-сон.



**РУСТАМБАЕВ**

**Мирзаюсуп Хакимович,**  
Ўзбекистон Республикасида  
хизмат кўрсатган юрист,  
юримдик фанлар доктори,  
профессор

**ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИНИНГ  
ЖИНОЯТ КОДЕКСИГА  
ШАРҲЛАР**

**Умумий қисм  
(1–96-моддалар)**

*Тулдирилган ва  
қайта ишланган  
туртинчи нашр*

*Ўзбек тилида*

**«Yuridik adabiyotlar publish» МЧЖ.**

Нашр. лиц. АА № 0042, 27.01.2020.

Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани,

Муқимий кўчаси, 100/25.

Телефонлар: +99899 554-70-70,

+99893 554-63-70.

Расмий веб-сайт: [www.kodeks24.uz](http://www.kodeks24.uz)

Электрон манзил: [info@kodeks24.uz](mailto:info@kodeks24.uz)

Босишга рухсат этилди 03.03.2023 й.

Қоғоз бичими 60x90 <sup>1</sup>/<sub>16</sub>.

«Antiqua» гарнитураси.

Офсет усулида чоп этилди.

Босма табағи 49,0.

Нашриёт ҳисоб табағи 44,0.

Адади 500 нусха. 009/01-буюртма.

«MasterBooks» МЧЖ босмаҳонасида  
чоп этилди. Тошкент шаҳри, Яққасарой  
тумани. Хуштепа кўчаси. 22-а.

ISBN 978-9943-8523-7-2



9 789943 852372



**Yuridik  
Adabiyotlar  
Publish**



<https://t.me/yuridikadabiyotlar>

**MasterBooks**

